


Ўзбекистон Республикаси ФА
Абу Райҳон Беруний номидаги
ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

БОСИТХОН ИБН ЗОХИДХОН
ШОШИЙ

ҚОНУНИ
БОСИТИЙ

ЎКИ
ҚОНУН АЛ-МАБСУТ



Тошкент
Абу Али ибн Сино номидаги
тиббиёт нашриёти
2003



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

М.М.Хайруллаев, А.Усмонхўжаев, С.У.Каримова,
Т.Боситхонов, М.Ҳасаний

“Қонуни Боситий” ёки “Қонун ал-мабсут” китоби ҳозирқ табиб, шоир, таржимон, хаттот ва rassom Боситхон ибн Зоҳидхон Шошийнинг (1878-1959) қаламига мансуб асарнинг иккинчи жилдидир. Абу Али ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асосида биринчи марта ўзбек тилида ёзилган бу “Қонун”да муаллиф қадимий табобатнинг назарий ва амалий масалаларини ҳамда даволаш усуллари кенг ва чуқур тушунтириб берган.

Китоб Шарқ табобати тарихи билан қизиқувчи кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Китоб ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

Нашрга тайёрловчи, табдил, сўз боши, луғат ва изоҳлар муаллифи — **Маҳмуд ҲАСАНИЙ**

Нашр учун масъул ва тиббий муҳаррир — тиббиёт фанлари номзоди **Абдукарим УСМОНХУЖАЕВ**

© “Абу Али ибн Сино”, 2003 й.

“ҚОНУНИ БОСИТИЙ”НИНГ ИККИНЧИ ЖИЛДИ ҲАҚИДА

Ота-боболаримиздан қолган илмий меросни чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ҳамда уларни нашр этиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Мустақиллик йилларида бу вазифа шарқшунос олимларимиз томонидан жиддий амалга оширилмоқда, деб бемалол айтишимиз мумкин. Мирзо Ҳайдарнинг “Тарихи Рашидий” номли асарининг нашр этилиши илмий оламда ажойиб ютуқлардан бири бўлди. Самарқандлик йирик шайх Хожа Аҳрори Валийнинг Алишер Навоий, Абдурахмон Жомийга юборган мактубларининг инглиз тилига таржимаси босилиб чиқди. Абу Мансур Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳонуддин Марғинонийга аталган қатор рисо-лалар бунёд этилди. Бухоро ва Хиванинг юбилей тўйларига аталган тўпламлар нашр этилди. Араб ва Эрон олимлари билан ҳамкорликда институт қўлёзма фондида сақланаётган асарлар-нинг каталоглари яратилди. Немис ва япон олимлари билан олиб борилган ҳамкорлик натижасида Хоразм қозихона ҳуж-жатлари, тасаввуфга оид асарлар каталоги нашр этилди. Босит-хон ибн Зоҳидхон томонидан ёзилган ўзбек тилидаги “Қо-нун”нинг биринчи жилди ҳам босмадан чиқди. Шу кунларда Абдулхолиқ Ғиждувонийнинг 900 йиллик тўйига бағишланган илмий рисоалар босмадан чиқмоқда.

Институтимизнинг қўлёзмалар фондида фаннинг турли соҳаларига бағишланган юз минглаб асарлар сақланмоқда. Бу асарлар араб, форс, ўзбек, уйғур, турк, қозоқ, озарбайжон, ҳинд, урду ва бошқа тилларда ёзилган. Бу асарларнинг бир

қисми табобатга бағишланган бўлиб,¹ албатта, уларнинг ичида Абу Али ибн Синонинг “Ал-Қонун фи-т-тиб” (“Тиб қонунлари”) асари етакчи ўринни эгаллайди.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Шарқда табобатнинг ривожланиши Абу Али ибн Сино (980-1037) номи билан боғлиқ. Унинг “Тиб қонунлари” асари асрлар давомида табибларни илҳомлантириб келди. Бу асар мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилди. Етук табиблар ҳам Ибн Сино “Қонун”идан таълим олиш билан камолга етдилар. Ибн Сино яшаган асрдан тортиб то шу кунларгача бу асар ўрганилди ва ундан фойдаланилган ҳолда тиббий асарлар ёзилди. Шуларни ҳисобга олиб, академик У.И.Каримов шундай ёзган эди:

“Дарҳақиқат, “Қонун” Шарқ мамлакатларида шу қадар юксак аҳамиятга молик бўлиб кетдики, энди табобат илмини усиз тасаввур қилиб бўлмасди. Ўнлаб йирик олим ва табиблар бу китобга шарҳлар ёздилар, баъзилар эса уни қисқартириб “Қонунча” номида кичик-кичик қўлланмалар туздилар”.²

Ҳақиқатан ҳам, “Қонун”га шарҳ боғлаган ёки уни қисқартириб, қўлланмалар тузган ўнлаб олимларнинг номларини келтириш мумкин. Жумладан, Фахриддин Розий, Муҳаммад Нахчивоний, Қутбуддин Шерозий, Абдуллоҳ Оқсароий, Садриддин Козаруний, Абдурахмон Мисрий, Ҳаким Али Жилоний, Исҳоқхон ибн Исмоилхон, Абу Абдуллоҳ ал-Ийлоқий, Ибн ан-Нафис, Маҳмуд ал-Чағминийлар шундай олимлар қаторига киради.³

Ибн Сино “Қонун”ини қисқартириш ва унга шарҳлар ёзишдан ташқари, уни шеърый таржима ҳам қилганлар. XVIII асрда аввал Машҳадда, сўнг Марвда яшаган шоир-табиб Сай-

¹ Тиббий асарлар ҳақида тўлиқ маълумот олиш учун қarang: Собрание восточных рукописей АН Республики Узбекистан. Медицина. Составители: Х.Хикматуллаев, С.У. Каримова. Тошкент-2000.

² Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлар. Тузувчилар: У.И.Каримов, С.У.Каримова. Меҳнат, 1991, 17-бет.

³ Ўша асар, 17-бет. Шарҳ табобати. Тузувчи: Ҳ.Ҳикматуллаев. Тошкент, 1994, 18-72 бетлар.

ийд Муҳаммад Ҳасрат “Қонун”нинг қисқартмаси ҳисобланган Ибн ан-Нафиснинг “Муъжаз ал-Қонун” асарини форс тилига шеърӣ таржима қилган ва у қўлёзма ҳолида тарқалган.¹

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турганидек, “Қонун” араб ва форс тилларида кўп марта шарҳланган. Бироқ ўтмишда ўзбек тилида бирор марта ҳам шарҳ қилинмаган, таржима этилмаган ёки қисқартма қилинмаган. Бундай ишни амалга ошириш Тошкентлик ватандошимиз Боситхон ибн Зоҳидхон зиммасига тушди.

Маълумки, “Қонун”ни шарҳлаш учун, аввало, араб тилини чуқур билиш ва табобат асосларини чуқур эгаллаган бўлиш керак. Боситхон ибн Зоҳидхон ана шундай чуқур билимга эга ва ҳозиқ табиб эди. У табиб бўлишдан ташқари, шоир, таржимон, хаттот ва рассом ҳам эди.² У ҳеч кимнинг ташвиқисиз ва ҳеч кимдан моддий мадад кутмаган ҳолда, дўстларнинг илтимоси билан ўзбек тилида “Қонун” ёзишга киришади. У икки жилддан иборат бу асарни 1942 йилда ёзиб тугатади ва уни “Қонуни Боситий” (“Боситхон ёзган Қонун”) ёки “Қонун ал-мабсут” (“Қонуннинг кенгайтирилгани”) деб атайди.

Боситхон ибн Зоҳидхон (1878-1959) мазкур асарни ёзиш жараёнида ўтмишда яшаган кўпгина табибларнинг асарларидан фойдаланган. Масалан, у “Қонун”даги бир мавзуни олар экан, шу ҳақда барча табибларнинг фикрини келтиради, Ибн Синонинг фикрлари билан таққослайди, сўнг у ёки бу табибнинг фикрини тўғри эканини тасдиқлайди, бошқасининг ошқора хатога йўл қўйганини кўрсатиб беради.

“Қонуни Боситий” икки жилддан иборат. Биринчи жилди уч мақолани ўз ичига олади. Биринчи мақола табиий ишлар,³ иккинчи мақола ташриҳ (анатомия) ва учинчи мақола касал-

¹ М. Ҳасаний. Ибн Сино “Қонун”и ва унинг назму насрларда акс этиши. Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Фан, 1997. № 9-10-11, 137-бет.

² Таржимаи ҳоли ҳақида қаранг: Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший. Қонуни Боситий. Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2003.

³ Умури табиийя - табиий ишлар дейилганда инсондаги мизож, хилтлар, сезгилар ва руҳлар ва уларнинг ҳолатлари назарда тутилади.

ликлар, уларнинг сабаблари, касалликни билдирувчи белгиларга бағишланган.

“Қонуни Боситий”нинг бугун қўлингизда турган иккинчи жилди эса икки мақоладан иборат бўлиб, биринчиси, яъни тўртинчи мақола томир уриши ва сийдикдан олинадиган далилларга бағишланган. Иккинчиси, яъни бешинчи мақолада соғлиқни сақлаш қоидалари ва беморларни даволаш йўллари баён қилинади.

Асарнинг биринчи жилди каби иккинчи жилд ҳам кўплаб фаслларга бўлинган. Асар билан танишган киши табибнинг ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган қимматли фикрларининг гувоҳи бўлади. Боситхон яшаган давргача ёзилган тиббий асарларнинг қаймоғини ўз ичига олган “Қонуни Боситий” асари Шарқ табобати тарихини ўрганишда, шубҳасиз, қимматли манбадир. Ўзбек тилида ёзилган биринчи “Қонун” сифатида эса янада каттароқ аҳамиятга эга.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Боситхон ибн Зоҳидхон 1917 йилгача амалда бўлган эски ўзбек тилидаги адабиётнинг йирик вакилидир. У ўз фикрларини бу тилда аниқ ва лўнда ифодалаш қобилиятига эга бўлган. Табобатдан бошқа унинг таржима асарларида ҳам унинг баён услуби юқори бўлганини кўриш мумкин. Унинг “Қонуни Боситий” асари, гарчи ўзбек тилида ёзилган бўлса-да, уни оддий китобхонга тушуниш қийин. Негаки, у қадимий табобатнинг амалий ва назарий қисмларини ўз ичига олган бўлиб, уни тўлиқ тушуниш учун аввало қадимий табобат асосларидан етарлича маълумотга эга бўлиш лозим.

“Қонуни Боситий”нинг ягона автограф қўлёзма нусхаси ЎЗР ФА Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар хазинасида сақланмоқда. Асар оддий сиёҳда сифати паст қоғозга ёзилган бўлиб, шу кунларда сиёҳининг хира тортиши билан баъзи жойларини ўқиш қийин ҳолга келган. Унинг сифати паст қоғозга оддий сиёҳда ёзилишини тарихий шароит (1942 йил) билан ҳам боғлаш мумкин. Бундан ташқари, уламолар,

хусусан, табиблар собиқ Иттифоқ даврида сиқув остида яшагани ҳеч кимга сир эмас.

“Қонуни Боситий” нинг дастхат кўлёзма нухасининг хати бутунлай ўчиб кетиб, табибнинг асл тили изсиз йўқ бўлиб кетмаслиги учун, “Қонуни Боситий” асл тилида камроқ нухада нашр этилди. Асарни ҳозирги ўзбек тилига ағдариш ва қизиқувчилар ундан фойдаланишни осонлаштириш кўзда тутилмоқда. Бундан ташқари, Боситхоннинг икки жилдли бу асарига ўзи тузган луғати “Фарҳанг ал-мабсут” (“Кенгайтирилган луғат”) ҳам нашрга тайёрланмоқда.

“Қонуни Боситий”нинг иккинчи жилдини нашр қилишда ҳомийлик қилган Боситхон табибнинг набираси Тоҳирхон Боситхоновга, нашр ишида бош-қош бўлган шифокор тиббиёт фанлари номзоди, доцент Абдукарим Усмонхўжаевга, нашр жараёнида маслаҳатларини аямаган тарих фанлари доктори, олима Сурайё Каримовага ва китоб таҳририни амалга оширган шарқшунос олим Назруллоҳ Расулзодага, луғат ва изоҳларни тузишда иштирок этган илмий ходимлар Баҳри Абдуллаева ва Ҳакимжон Болтабоевга миннатдорчилик билдирамиз.

Музаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,
ЎзР ФА академиги.
Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
ЎзР ФА Шарқшунослик институти
Кўлёзмалар фонди мудири

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

Ўзбекча “Қонуни Боситий” мусаммо ба “Қонун ал-Мабсут”, ал-жилд ус-соний. “Қонун ал-Мабсут ат-туркий ли-л-Босит аш-Шоший”.

ТҶРТИНЧИ МАҚОЛА НАБЗ ВА ТАФСИРА БАЁНИДА

Бу мақолани олти фасл бирлан баён қилурмиз.

Билмоқ керакки, **набз** ва **тафсиранинг** аҳвол ва атворидаги даражот ва тафовутларини яхши танимоқ илми тибнинг энг муҳим матолибидиндур. Зероки аъзойи ботинийнинг аҳволига мутталиъ бўлур. Аксар касалда фақат шул икки хил фазилатга мавқуфдур. Хусусан, дилни аҳволига далолат қилғувчи аломатларнинг энг биринчиси набздур. Ва жигар ва буйрак ва масона аҳволига энг биринчи сариҳ далил тафсирадур.

Аммо **набз** деб луғатда томурни айтурлар. Аммо истилоҳи атиббода дил ва ўпка ва шароин каби руҳнинг макони бўлгон маконлардин руҳни тарвиҳи учун содир бўлгон томур ҳаракатини айтурлар. Тездин кайфиятини баён қилурмуз.

Аммо **тафсира** деб луғатда табибга кўрсатмоқ учун маризни сийдуги солунгон шишани айтурлар. Аммо истилоҳда фақат маризни сийдугини айтилулки, тасмия ҳол ба исми маҳалл ёки тасмия мазруф ба исми зарф қабилидиндур.

Бас, бу мақолани икки таълим бирлан баён қилмоқ лозимдурки, биринчи таълим набз баёнида ва иккинчи таълим тафсира баёнидадур. Лекин набз аҳволини мумкин қадар бехато тажриба қилмоқ биринчи нимарсадин мавқуфдурки, аларни бир нечалари набз имтиҳонининг лавозими ва шароитидур.

Бинобарин, ибтидоан аларни зикри лозимдур, токи набзнинг баёнида алар мададкор ва муъовин бўлурлар.

Билмоқ керакки, томур кўрадурган табибнинг панжалари мулойим ва латиф бўлмоғи лозимдур, токи томур ҳаракатидаги нозик ва андак тафовутни эҳсос қилгай. Ва маълумдурки, оғир меҳнатга мустаъмал бўлиб, териси қотган панжани ҳисси нозик ҳаракатларни эҳсосиға қодир бўлолмас. Ва томур кўргувчининг мизожи ва табиати саҳиҳ бўлмоғи лозимдур. Токи ани имтиҳонда қилгон қиёси эътимод ва эътиборға сазовор бўлгай. Ва томурни шундоқ вақтда кўрмоқ керакки, томур кўрсатувчи ғамдин ва ташвишдин ва зиёда шодликдин ва кўркунчилик ва хижолатдин холий вақт бўлгай. Чунки умури нафсонийлар томурни асл вазиятини ўзгартирар ва табибнинг фикрини хатосиға боис бўлур. Ва яна тасаввурни тағйир берғувчи умури баданий ва табиийлардин, чунончи чарчамоқ ва зўрроқ ҳаракатға машғул бўлмоқ ва ҳаммомдин яқин фурсатда чиқмоқ ва кўп ухлаб қийин фурсатда бедор бўлмоқ ва оч қолмоқ ва зиёда тўқликлардин холий бўлгайки, бу ҳолатларни ҳар бири ориз бўлиб турган вақтдаги томур ҳаракати эътибордин соқитдур.

Ва яна билмоқ керакки, ҳар кимнинг соғлиқ вақтидаги мизожи табиийяси бошқа соғ киши мизожи табиийясининг мутафовутдур. Инчунин томурини ҳаракати ҳам тафовутлик бўлур. Ва ҳар кимнинг ранги ва мизожи ва умри ва фасл ва йилнинг кайфияти ва ҳаво ҳаммаси аҳволи набзни тағйир берғувчилардурки, анга қиёсан бўлгон ҳукм ҳақиқатдан ориз бўлгон жузъий касалини имтиёзиға маънан, балки муҳолиф бўлмоғи мумкиндур.

Бинобарин, баъзи ҳукамо дерларки, набзни аҳволи шундоқ вақтда зоҳир бўлурки, мазкур томурни соҳибини томурини муқаддам сиҳҳат вақтида ҳам табиб неча боралар кўруб, ани мизожи ва аҳволиға воқиф бўлиб юрган бўлса. Ва ани ҳолати сиҳҳат ва ҳолати маразийға воқиф бўлса. Зероки, агар шундоқ бўлмаса янги ҳодис бўлгон ҳолни ҳеч бир жузъиға ҳам ҳукм қилолмас. Ва яна томур кўргувчи табибға лозимдурки, тўрт

панжаси ила томурни боробар ушлағай. Ба ин тариқаки, бош панжаси маризни тирсаги тарафда ва жимжилоқ панжаси маризни кафти тарафда бўлғай. Зероки, шул тариқада томур кўрмоқ ҳукамои Юноннинг мўътадил ва манзур дастурлариндур. Ва бул тариқа томур ушламоқда фонда ва ҳикмат шулки, шараён ҳаракатини кафф тарафи намоён ва равшанроқ маҳсус бўлур. Ва ҳар миқдор тирсаки тарафга моил бўлиб, билакдин узоқлашса шул қадар махфийроқ бўлур. Аммо панжани ҳислари эса бош бармоқни ҳисси ўткирроқ ва ўрта панжани ҳисси андин камроқ ва учинчи панжани ҳисси андин ҳам камроқ ва жимжилоқни ҳисси ҳаммадин ҳам камроқдур. Бас, бош бармоқ тирсак тарафда бўлмоғи лозимдур, токи ҳиссининг зиёдалиғи ила томурни хафий тарафини имтиёз қила олғай. Ва жимжилоқ кафф тарафда бўлмоғи лозимдур, токи ҳисси заифлигининг имтиёздин холий ва маҳрум қолмай томурни равшанроқ тарафини эҳсос қила олғай. Ва яна маризнинг ўнг тараф томурларини табиб ҳам ўнг қўли бирлан ушлаб томур кўрғай. Ва чап тараф томурини чап қўл бирла ушлаб кўрғай.

Ва яна маризнинг соид илки, яъни тирсакдин юқори тараф илики биқини тарафда бўлсин, фақат тирсакдин паст тарафи табибга узатилгон бўлсин. Зероки, соидини ҳам баландга кўтарса ва ё тирсагини орқа тарафиға тортиб, табибдин узоқ тутиб турса, ани томури табиий ҳолатидин ўзгарилган бўлиб, анга табиб мутталиъ бўлолмас.

Ва яна қўлини сокин, тинч тутиб турмоғи лозимдур. Ва ҳеч нимарсаға босиб тақя қилмаслиги ва ҳам қўлида ҳеч нимарса тутуб турмаслиги лозимдур. Ва яна маризни қўли ҳеч нимарса бирлан боғлангон ва ё либосини енги қайрилиб, танг бўлгон бўлмаслиги, ҳатто белбогини ҳам шиддатлик тортиб боғлонган бўлмаслиги лозимдур, токи ҳеч жойда томурни табиий ҳаракатига андак монеликдин мариз холий бўлғай. Ҳатто мариз бир қўлини табибга кўрсатиб турганда иккинчи қўлини заминга босиб, суялиб турмағай.

Ва яна томур кўрувчи ва кўрсатувчининг ҳар иккиси

ўлтирғон ҳолларида кўрмоқ лозимдур. Аммо кўрсатувчининг ўлтирув шакли чорзону тариқада бўлиб, ҳеч нимага суйанмай, қаддини рост қилуб ўлтирғай.

Ва томур кўрувчиға лозимдурки, ул томурни бақувват ёки беқувватлиғини имтиҳон қилғай. Сўнгра агар томур бақувват ҳаракат қилур бўлса, ул вақтда томур кўрувчи ҳам панжасини маҳкамроқ босиб ушлағай, токи томурни ҳамма ҳолатини эҳсос қилмоқ осонроқ ва равшанроқ бўлғай.

Ва агар томур заифроқ ва бўшроқ ҳаракат қилур бўлса, кўрувчи ҳам панжасини оҳистароқ ва бўшроқ ушлағай, токи заиф томурни баъзи нафис ҳаракатиға кўрувчини кўли монё бўлиб, имтиҳонда ғалат воқеъ бўлмағай. Ва томурни ушлагон ҳолда то томур ўттиз ёки ўттиз беш зарба ҳаракат қилғунча таваққуф қилмоқ керак, токи томурни ҳамма навъи ҳаракати ва сукуни ва вазъияти ва мулойимлиги ёки буларни хилофини равшан эҳсос қилғай. Ва илло баъзи ҳолатға воқиф бўлмай, ташхисда ғалат воқеъ бўлмоғи ҳам мумкиндур. Зероки миёнада воқеъ бўладурган тағйирларни вуқуьидин муқаддам кўлни олгон бўлур. Ва томурни тафаҳхуси учун аднои муддат томурни 12 маротаба зарбасиға ушлаб таваққуф қилмоқ лозимдурки, мундин кам муддатда ҳеч бир ҳолатиға мутталиъ бўлмоқ мумкин эрмас.

Бинобарин, Муҳаммад Закариё ҳаким “Куннош”дин ҳикоя қилгондурларки, “ла тарфаъ йадака ған-набзи қабла иснай ашара зарбатан”, яъни томурни зарбаси 12 маротабаға етмасдин кўлингни томурдин кўтармағил, деган эмиш. Зероки, 12 ё 30 зарба миёнасида, агарчи томур мулойимликдин қаттиғликға ва ё қаттиғликдин мулойимликға ва тўлаликдин ҳолийликға ва холийликдин тўлаликға ўзгармоғи мумкин бўлмаса ҳам, лекин ҳарорат ва бурудатда ва катталиқда ва кичикликда ва тафовутда ва тавотурда ва қувватда ва заъфда ва тақаддумда ва таъхирда мухталиф бўлмоғи мумкиндур. Чунончи таълими набзда муфассал баён қилинур, иншааллоху таъоло.

Ва зоҳирдурки, томурни кўпроқ муддат ушлаб туруб

тафаҳхус қилмоқ табиб учун зўр фойдалиқдур. Токи томурни бир интизомда текис ҳаракати ёки баъзан ихтилофи борлиги эҳтиёт вақтини ҳам кутган бўлуб, маризни ҳолига дуруст ҳукм қилгон бўлур. Ва табибга вожибдурки, маризга мулоқот қилгондин сўнг дарҳол томур кўрмай замоне таваққуф қилгай. Ва шул аснода шафқат ва муҳаббат тариқида ширинзабонлик бирлан такаллум қилуб, аҳвол сўрғай. Ва аҳвол сўрғондин сўнг маризга касалини енгиллиги ва тез фурсатда саломатланмоғи хусусида башорат бермоқ ва вақтга муносиб бўлса, касалини бефарқлигинин табиб ўзини хотиржам кўрсатмоқ, андак ҳазил ва мутойиба сўзлардин ҳам сўзламоғи муносибдур. Токи мариз табибга анис ва ром бўлуб, агар дилидин хавф ёки хижолати бўлса бартараф бўлгай. Сўнгра томур кўрмоқ лозимдур. Зероки, ани хавфи ёки хижолати томурни табиий ҳаракатини тағйир беруб, табибни ҳукмида хато воқеъ бўлмоғига сабаб бўлур. Ва яна томур аҳволини мулоҳаза қилмоқда мариз ва табиб ҳар иккиси ҳам сўзламай сукутда бўлмоқлари лозимдур. Ва ул жойни мардумни ғавғосидин ва овоз ва ҳаракатдин ва ё бошқа ҳар хил воқеаларига табиатни ташвишлик қиладурган сабаблардин холий бўлмоғи лозимдур.

Зероки, томур ҳолатларини идрок қилмоқ, гўё маъонийи нафисалар идроки кабидурки, то ҳавосси хамсани фароғати ва хотиржамлиғи муяссар бўлмаса, томур ҳолатлариға вуқуф ва иттилоъ ҳам муяссар бўлмас.

Ва билмоқ керакки, маризни қаю ҳолдаги маразга мубталолик далолати учун томур ҳаракатидаги ҳолатларни мулоҳаза қилмоқда ҳақиқатда ҳар қайси шараёндин тафаҳхус қилмоқ бетафовут дурустдур. Лекин қўл томурини билак мавзуйидин ушлаб тафаҳхус қилмоқни одати атиббо бўлмоғи неча сабабларга биноандур.

Чунончи, биринчи сабаб шулки, табибга кўрсатмоқ учун бошқа аъзога нисбатан қўлни чиқариб кўрсатмоқ тезроқ ва осонроқ бўлур. Ва ҳам қўлни чиқармоқда бошқа узвни очмоқидаги каби шарм ҳам бўлмас.

Ва иккинчи сабаб шулки, қўлни шараёни дилға баробар-

дурки, дилни аҳволидин ва руҳи ҳаётий аҳволидин воқиф бўлмоқда далолати тезроқ ва равшанроқ ҳис қилинур. Ҳам бошқа шараёнлар каби гўшт бирлан ўралиб махфий бўлгон эрмасдур.

Ва учинчи сабаб шулки, қўл шараёни бошқа шараён каби, чунончи чакка шараёни каби бухоротга тўла эрмасдур.

Ва тўртинчи сабаб шулки, қўл шараёни зоҳирий баданда мавжуд бўлгон ҳамма шараёнлардин кенгдур. Бинобарин, анда руҳ ҳам кўпроқдур. Шунинг учун руҳни аҳволидин тафаҳхус қилмоқда бул шараённинг далолати сарихроқдур. Ва дил аҳволини шул шараён воситаси ила яхши билинур. Лекин гоҳи воқеъ бўлурки, баъзи одамға сакта касали шиддатлик ориз бўлса, ҳеч қайси шараённинг ҳаракати асло маҳсус бўлмас, магар маъойи мустақимда, яъни охиринчи ичакни ниҳоятида воқеъ бўлгон шараён то модомики, ҳаёт боқий бўлса, ҳаракатдин тўхтамас. Ва агар ани мақъадиға бир панжани суқуб кўрилса, ани ҳаракати маҳсус бўлур. Бас, шул вақтда ани ҳаёти ва ё мамотиға ҳукм қилмоқ фақат шул шараёнға вобастадур.

Эмди, билмоқ керакки, тўртинчи мақолани икки таълим ила баён қилинур.

Биринчи таълим икки фасл ила набзни ва ани ҳаракатларини баён қилинуб, биринчи фаслда ҳаракоти басита ва иккинчи фаслда ҳаракоти мураккабаларни зикр қилинур.

БИРИНЧИ ФАСЛ НАБЗНИНГ БАЁНИДАДУР

Ва юқорида зикр қилиндики, маънийи набз руҳи ҳайвоний маконидин, яъни дил ва шароиндин содир бўладурган ҳаракатдур.

Ва билмоқ керакки, мутлақ ул-ҳаракат тўққиз навъ бўлур. Тўрт навъи сифати ҳаракат эътибори ила бўлурки, ҳаракат ани масофатлик маънийдин тарки назар ила, зероки ҳаракат масофанинг аввалидин то охириғача муттасилдур. Ва **ҳаракати вазъий ва ҳаракати камий ва ҳаракати кайфий** исми ила мавсум навълардур.

Ва тўрт навъи зоти ҳаракат эътибори ила бўлур. Ва **ҳаракати**

арзий ва **ҳаракати қасрий** ва **ҳаракати иродий** ва **ҳаракати табиий** исми ила мавсум ҳаракатлардур.

Ва бири **ҳаракати айнийдурки**, бамаънийи қатъи масофатдур. Ва бу ҳаракат ҳеч бир одамда мавжуд эрмас. Зероки, ҳаракат қилғувчи то вақтики, масофа ниҳоятига етмагон бўлса, ҳануз ҳаракати нотамом бўлур. Ва агар ниҳоятига етса, сўнгра ҳаракат мунқатиғ бўлуб, боқий қолмас. Ва қориини киромдин баъзилари анвои ҳаракат баёнида таҳриримизни нотамом кўруб, таърифи ақсоми ҳаракатда нуқсон ёки адами вуқуфга ҳамл қилмасинлар учун шул қадар ижмоли таърифга қаноат қилдим. Ва баёни тафсилга иқдом қилмадим. Зероки, ҳукамои мутақаддиминнинг ҳар қаюлари ҳар навъ ҳаракатни набзда борлигини неча хил далиллар ила исбот қилмоқ ва бошқа навъ ҳаракат набзда бўлмаслигини неча далиллар ила инкор қилмоқда бир-бирлариға ихтилофлари гоят даража кўпдур. Лекин ҳам даъволари, ҳам далиллари фақат назариётдин бўлғони учун анинг бирлан татвили калом қилмоқни нолайиқ кўруб, қориини киромға истифода ба тариқай сахл ул-маром бўлсин учун хулосаи амалиётни таржиҳ қилиб, мўътабари инда-л-жумҳурни баёниғағина иктифо қилдим.

Ва назди жумҳурда томурнинг икки тариқа ҳаракати бордурки, бири **ҳаракати инбисотий** ва бири **ҳаракати инқибозийдур**, яъни кенгаймоқ ва сиқилмоқ ҳаракатидур. Токи инбисот ҳаракати бирлан руҳға зарарлик бўлгон бухороти духонийяни хорижға дафъ қилмоқ учун дил мунқабиз бўлуб, ўз ичида мавжуд бўлгон мавжуд қонни ва бухороти духонийяни шараёни варидий тарафға дафъ қилур. Шул вақтда шараён мадфуъ бўлгон қон ва бухорот ила тўлуб, шараёнда инбисот ҳосил бўлур. Ва сўнгра бухороти духонийянинг таъсиридин асарланиб, эскиган руҳни елпутуб, мўътадил қилмоқ учун дил мунбасит бўлуб, шараёни варидий воситаси бирлан хориждин тоза ҳаво жазб қилур. Ва шул вақтда ўпкадин ва масомдин тарашшуҳ қилгон ҳаволик мўътадил қонни шараёни варидийдин дил ўзиға сўруб олур. Ва шараён баданидаги индифоъ тўлқуни тўхтағони сабабдин бу тўлқун эпкени ҳам

мунъакис бўлур. Шунинг учун шараёнга инқибоз ва фавжлик ҳосил бўлур.

Бас, собит бўлдики, дилнинг ҳаракати шараённинг ҳаракатиға акс ва хилофдир. Яъни шараённинг ҳаракати инбисоти дилни ҳаракати инқибозидин ва шараённинг инқибози дилнинг инбисотидин иборатдур.

Бас, маълумдурки, бир-бирлариға зид ва мухолиф бўлгон бул икки хил ҳаракатни бир-бирлариға зидлик сабабидин бир-бирлариға муттасил бўлмоқлари маҳолдур. Зероки, то ҳаракати инбисот ниҳоятиға етуб тамом бўлмаса, ҳаракати инқибозийни бошланмоғи мумтаниъдур.

Бас, бир ҳаракатни тамом бўлмоғи бир сукунға, яъни беҳаракатликға мусталзимдур. Хоҳ ул сукун маҳсус бўлсин, хоҳ маҳсус бўлмасин. Бас, маълум бўлдики, набз икки ҳаракат ва икки сукундин мураккабдур, яъни бир ҳаракати инбисотийдан ва бир ҳаракати инқибозийдин. Ва бир баъд аз инбисот ва қабл аз инқибоз сукундин; ва бир баъд аз инқибоз ва қабл аз инбисоти сукундин мураккабдур.

Ва аввалғи сукуннинг номини истилоҳи атиббода **сукуни зоҳир** ва **сукуни муҳитий** дерлар. Ва сўнгғи сукунни **сукуни ботин** ва **сукуни марказий** дерлар. Ва лекин ҳақиқатда сукун набзға дохил эрмас, балки набз фақат ҳаракати инқибоз ва инбисотийдин иборатдур. Ва сукун байнаҳумо ҳар бир навъ ҳаракатни тамом ва ниҳоясини лозимасидур. Чунончи, ҳақими мудаққақ Муҳаммад Оқсароий кўп далиллар ила сукун ажзои набздин эмаслиғини исбот қилгондурлар. Аммо ҳаракатни маънисида кўп ихтилофоти назарийя бўлғони каби, томурни ҳаракати қайси навъ ҳаракатдин бўлғони ва ҳаракати инқибозийни маҳсус бўлмоғи ёки бўлмалиғи ва томурни ҳаракати қайси тариқа экани ва бу ҳаракатни муҳарриқи ва сабаби ва ҳаракатни миқдори ва миёнадаги сукуннинг миқдори ва бошқа ушбу мабҳасға мутааллиқ бўлгон нимарсаларда ҳам ҳукамо миёналариди ихтилоф кўлдур. Лекин мазкурлардин мақбули инда-л-жумҳур бўлгонларини хулосатан баён қилурмуз.

Билмоқ керакки, ҳаракати набз икки хил бўлур: **ҳаракати басита ва ҳаракати мураккабадур.**

Ва ҳаракати басита жинси ўн жинс бўдурки, шул жинслардин аҳволи баданга томурни ҳаракати бирлан истидлол қилинур.

Биринчи жинс ҳаракат шулки, томурни ҳаракатида узунлик ва йўғонлик ва чуқурлик миқдоридин олинур. Ва бу жинснинг навълари тўққиз навъдур. Зероки ҳар жисмга уч хил қутр бўлур. Бўйи ва эни ва чуқуридур. Ва томур ҳам жисмдурки, анга ҳам ҳам бу уч хил қутр собитдур.

Бас, томурни ҳаракати мунбаситасини бўйи жинсда қўлни бўйида маҳсус бўлур. Ва томурни эни биласкни энида маҳсус бўлур. Ва томурнинг чуқурлиги ҳаракати инбисот ва инқибозийда, яъни кўтарилиш ва паст бўлиш миқдорида маҳсус бўлур. Ва бу ўч хил қутрларни ҳар бирини миқдорида яна уч хил даража бордурки, кўп миқдор ва кам миқдор ва ё мўътадил миқдордур. Бас, зоҳир бўлдики, бул жинс ҳаракатни навълари тўққиз навъдур.

Аммо биринчи жинснинг биринчи навъи **басити тувлийдур**, яъни узун миқдор жойда ҳаракат маҳсус бўлмоғидур. Масалан, тўрт панжанинг энида ҳаракат маҳсус бўлмоғи. Балки андин зиёда узунроқ жойни ушлаб кўрилгонда томурни ҳаракатсиз бўлмоғидур. Ва бу ҳаракатнинг би-з-зот сабаби баданда ҳароратнинг кўплиги ва ҳаракатга томурнинг қобиллиги ҳам анинг руҳга итоатидур.

Ва иккинчи навъи қисқа жойдағина томур ҳаракати маҳсус бўлмоғидур. Масалан, икки ё уч панжанинг учудағина томур ҳаракати маҳсус бўлиб, бошқа жойда номаълум бўлмоғидур. Ва анинг сабаби биринчи навънинг хилофи, яъни баданда ҳароратнинг камлиги ва қувватнинг заифлиги ва томурнинг ноқобиллиги би-з-зот сабабдур. Ва баданнинг семизлиги бил-араз сабабдур.

Ва учинчи, мўътадил миқдорда томур ҳаракати маҳсус бўлмоғидур. Ва бул ҳол баданда ҳарорат ва бухоротнинг мўътадиллигига далолатдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, далолати набзда айтилган узунлик ва қисқалик ва чуқурлик ва мўътадиллик ва бошқалар ҳаммаси умури изофийдурки, қиёс бирлан маълум бўлур. Ва қиёс учун бир муқиси алайҳнинг вужуди бўлмаса, буларни ҳам яхши танимоқ мумкин бўлмас. Бинобарин, буларни яхши танимоқ учун атиббо икки тариқа баён қилғондурлар. Бир тариқасики, Жолинус вазъ қилғондур. Ва Шайх ур-раис ҳам ани хоҳлагондурлар. Ул тариқа шундоғдурки, беш хил тадбирдин бири бирлан мумкин бўлур.

Биринчи тадбир шулки, бир мўътадили ҳақиқий набзлик кишининг мавжуд бўлмоғи ва анинг мўътадил набзлик эканига табибнинг анвои тажрибалар бирлан тасдиқ ва қаноат ҳосил қилғон бўлмоғи, бинобарин, ҳар кимни томурини кўрганда мазкур одамни томурига қиёсан ҳукм қилмоғидур. “Ва ҳазо ла йахлу ан ид-давр”. Ва иккинчи тадбир шулки, бир мўътадил набзлик кишининг вужудини фараз қилинур. Ва ул фараз томурунинг миқдори учун ҳам даражаи эътидол фараз қилинур. Сўнгра ҳар кимни томурини кўрганда мазкур даражаи эътидол фаразига қиёсан ҳукм қилинур. “Ва ҳазо ла йахлу ʻан иш-шукуки ли-кавниҳи ваҳмиййан”.

Ва учинчиси шулки, навъи инсонда бўлиб турган даражаи ҳаракотнинг мажмуъига қиёсан мўътадил бўлмоғидур. “Ва ҳазо йахлу ʻан иш-шубҳати фи-л-ҳукми ли-имтинаъи тасодуфиҳи аксар ул-инсони ва имкану инқибози мин тасодуфиҳи моъилан ʻан ил-иътидали”.

Ва тўртинчи навъи шулки, бир синф инсонда кўрилғон даражаи миқдорнинг ҳаммасига қиёсан мўътадил бўлмоғидур. Чунончи, ҳар иқлимда сокин бўлғон кишининг миқдори ҳаракати шул иқлимда сокин бўлғон бошқаларнинг томурини миқдори ҳаракатига қиёсан бўлур. “Ва ҳазо ла йахлу ʻан иш-шукуки айзан ли-имтиноъи мулақотиҳи кулли афроз ил-аснафи ва имкану тамаилиҳи мин тасадуфиҳи ʻан ҳадд ил-иътидали ила жаниби дуна жаниби ила ахар”.

Ва бешинчи тадбир шулки, бир шахснинг ҳолати маразидаги томурунинг миқдори ҳаракати шул шахснинг ҳоли

сиҳҳатидаги томурини миқдори ҳаракатиға қиёсан бўлур. Бунинг учун мазкур шахсинг сиҳҳат-саломат вақтидаги томурини ҳам мазкур табиб кўрган ва даражаи миқдориға воқиф бўлгонлиги шартдур, токи холис сиҳҳатидаги даражаи миқдордин қанча тажовуз ва тафовутиға суроҳатан ҳукм қилгон бўлур. “Ва ҳазо ла йатайассару ʻала-л-ағлаби”. Бинобарин, фақат томурнинг миқдори ҳаракатиға иктифо қилмай, бошқа навъ далилдин ҳам тажассус ва тафаҳхус қилмоқ лозимдур. Ва аларнинг зимнида бўлгон томурни далолати ҳам иъонатидин холий бўлмас.

Аммо қиёс учун иккинчи навъ тариқаики, баъзи қудамои атиббо қарор берган ва ҳаким соҳиби “Комил” ва Ибни Аби Содиклар ани ихтиёр қилгандурлар, ул тариқа шулки, томурнинг узун ва қисқалик имтиҳонини табиб ўз панжаларини эниға эҳсос қилур. Масалан, тўрт панжа бирлан томур ушлағонда ҳамма панжасини учларида томур ҳаракати маҳсус бўлса. Яна қўлни ҳар икки эниға андак моил қилиб ушлағонда яна аввалғи тўрт панжа энини миқдоридин зиёдароқ жойда ҳам томур ҳаракати маҳсус бўлса, ул томурни узун ҳаракатлик деб ҳукм қилинур. Ва агар тўрт панжа учлариға ҳаракат маҳсус бўлуб, бундин зиёда жойда маҳсус бўлмаса, томур ҳаракатини мўътадил деб ҳукм қилинур. Агар тўрт ададдин камроқ панжаға томур ҳаракати маҳсус бўлса бу томур ҳаракатини қисқа ҳаракат деб ҳукм қилинур. Аммо томурни эни, йўғонлиги шулки томурни энидин панжани учиға кўпроқ миқдор маҳсус бўлса, бу томурни йўғонликға ҳукм қилинур. Ва агар томурнинг энидин панжа учлариға камроқ тегиб маҳсус бўлса, бу томурни зиқ ва ингичкалигиға ҳукм қилинур. Ва агар ўрта даража миқдори панжа учлариға тегиб маҳсус бўлса, бу томурни мўътадил деб ҳукм қилинур. Аммо чуқурлик ҳаракатини миқдоридин имтиҳон шулки, томурни ҳаракати инқибозийда, яъни ҳаракати дохил тарафға бўлуб, зоҳирдин маҳфий ва гайри маҳсус бўлгон вақтида бир миқдор дохилға бориб тўхтарки, ул тўхтагон жойини марказий набз дерлар. Ва марказ доим бир мақом ва бир маромда ва бир кишида чуқурроқға

чўқуб, бошқа бир кишида юзароқда тўхтамас. Балки ани фарқи зоҳир тарафга инбисотида панжа миқдори зуҳурдағина мутафорик бўлурки, зоҳирга кўпроқ кўтарилғонини мушарраф дерлар. Ва камроқ кўтарилғонини мунхафиз дерлар. Ўрта даражасини мўътадил дерлар.

Бас, мушаррафни даражаси шулки, томур кўрган кишини фикрида томурни баъзи ҳажми гўё панжалар гўштига андак ботуб нақш пайдо қилғон каби маҳсус бўлур. Ва мунхафиз шулки, томур ўз марказидин кўп узоқ миқдорга зоҳир бўлмоғони каби маҳсус бўлур. Ва бул икки даражани миёнасини мўътадил дерлар. Лекин бу иккинчи даража қиёс ҳам фақирнинг наздимда чандон эътимодга сазовор эрмас. Чунки ҳам томур ушлағувчининг панжаси ва ҳам маризнинг қўли катта ва кичикликда мухталиф бўлур. Чунончи, панжаси йўғон бўлғон бир киши ва панжаси ингичка йўғон бир киши, ҳар иккиси бир маризнинг томурини кўрсалар, албатта маълумдурки, ул томур панжаси йўғон кишига қисқа ҳаракатлик маҳсус бўлур. Ва панжаси ингичка кишига узун ҳаракатлик маҳсус бўлур. Бинобарин, бир маризнинг ҳолига ҳар икки табибнинг ҳукми мухталиф бўлмоғи мумкиндр. Ва инчунин маризнинг қўли ҳам катта ва кичикликда тафовутлик бўлур. Масалан, бир катта одам бир ёш боланинг томурини ушлағонда боланинг томурини ҳаракати табибнинг ҳамма панжасида маҳсус бўлмоғони учун ул томурни қисқа ҳаракат деб гумон қилмоғи, ваҳоланки, ҳақиқатда ул томур узун ҳаракатлик бўлмоғи мумкиндр.

Бинобарин фақирнинг наздимда савобга яқин тавжих шундоқ кўринурки, маризнинг томуридаги даражаи тафовутни табибнинг панжасига қиёс қилинмас, балки маризнинг ўз панжасини энига қиёс қилинур. Чунки, ҳар кимнинг ҳар узвининг миқдори ўз баданининг миқдориға мутаносиб ва бетафовутлиғи шубҳасиздр. Бинобарин бул қавмнинг зикр қилғон панжаларидин муродлари табибнинг панжаси бўлмай, балки маризнинг панжаси мурод бўлса керак. Ва лекин қалами носихинда бу ғалат шойиъ бўлғон бўлса керак. Ва фақирнинг

одатим ҳам маризни панжасини миқдориға қиёс қилмоқдур.
“Ва-л-ҳаққу инда-л-ҳаққи”.

Аммо тўртинчи навъи **томурнинг йўғонлиғидур**, яъни томурнинг энидин панжанинг учиға кўпроқ миқдори маҳсус бўлмоғидур. Ва бу ҳол баданда рутубатни зиёдалиғиға далолат қилур.

Ва бешинчи навъи **томурнинг ингичкалиғидур**. Ва бу тариқаи эҳсоси йўғон томурни эҳсосининг хилофидур. Ва бу ҳол баданда рутубат камлиғиға ва қуруқлиғининг галабасиға далолат қилур.

Ва олтинчи навъи **мўътадилликдур**, йўғон ила ингичканинг миёна даражасида бўлур. Ва бу ҳол баданда рутубатни мўътадил ва ҳожати баданға лойиқ миқдордалиғиға далолат қилур.

Аммо еттинчи навъи **шоҳиқ ва мушаррафдур**. Яъни ҳаракати инбисотда зоҳирға кўп миқдор кўтарилувчи томурдур. Ва бу ҳолат баданда, хусусан, дилда ҳароратни зиёдалиғиға далолат қилур.

Саккизинчи навъи **мунхафиздур**, яъни томур кўп баданға кўтарилмас ва инбисоти андак эҳсос қилинуб, сўнгра инқибозға, яъни ботин тарафға ружуъ қилур. Ва бу ҳолат баданда ҳароратнинг камлиғиға далолат қилур. Яъни мизожда совуқни галабасиға далолат қилур.

Ва тўққизинчи навъи **шоҳиқ ила мунхафизнинг миёна даражасида мўътадил** бўлур. Ва бу ҳолат баданда ҳарорат ва бурудатнинг эътидолиға далолат қилур.

Ва иккинчи жинс **ҳаракатдурки**, томурни зарбидаги кайфиятдин истидлол қилинур. Ва бу кайфият ҳам уч қисмға мунқасим бўлурки, бақувват ва камқувват ва мўътадил бўлур.

Аммо **бақувват** ҳаракат зарбаси мундоғ бўлурки, ушлаган панжани гўштиға томур босуб кирганлиғи ва ани зарбиға ушламоқни монёъ бўлмаганлиғи эҳсос қилинур. Ва ҳақиқатдин ҳам одатдин зиёдароқ сиқиб ушламоқ бирлан ани ҳаракати тўхтамас. Ва бу ҳолат қуввати ҳайвонийянинг бақувватлиғиға далолат қилур.

Ва аммо **камқувват** зарбалик ҳаракат бақувват зарбаликни

хилофидур. Яъни панжа учини шиддатлик урмас. Ва агар сиқиброқ ушланса панжага мудрофаа қилолмас. Ва бу ҳолат қуввати ҳайвонийянинг заифлигига далолат қилур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, томур зарбасини заифлиги икки навъ бўлурки, ҳақиқий ва ғайри ҳақиқий дерлар.

Ва ҳақиқий заифлик қуввати ҳайвонийянинг заифлигига далолат қилур. Чунки ҳақиқатдан муҳаррик шул қувватдур. Ва ғайри ҳақиқий заифлик худ томурни жисмини ғоятда қаттиқлигини сабабидин, агарчи қуввати ҳайвонийя бақувват бўлса ҳам, қаттиқ томурни зарбасида кўтарилмоқда ноқобиллигинин андак эҳсос қилинур. Ва томурни қаттиқлиги панжанинг гўштига етуб, муқовамат қилмоқга қобил бўлолмас. Бас, заифи ҳақиқий ва ғайри ҳақиқийнинг миёнасида фарқ шулки, ҳақиқий заиф томур кўлни панжасига андак зарба берур. Лекин жисмида қаттиқлиги ва салобати ҳам андак маҳсус бўлур.

Аммо ғайри ҳақиқий заифликнинг зарбаси кўлни панжасига андак зарба берур. Лекин жисмида кўп қаттиқлиги маҳсус бўлур. Бас, бу ҳолат қуввати ҳайвонийянинг заифлигига далолат қилмас, балки томурда йубусатни ғалабасига далилдурки, бизнинг мабҳасимиздин хориждур.

Бас, томур кайфиятидин истидлол қилмоқда шул танбиҳни фаромуш қилмоқлик лозимдур.

Ва мўтадил шулки, томурнинг зарбасидаги панжага таъсири миёна ҳолда бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳар қисм ҳолатни ҳам ифроти ва тафритидин мўтадили яхши ва табиий ҳолатдур. Магар шул жинс ҳолатнинг ифроти яхши ва табиий ҳолатдур. Чунки қувват ҳар қадар кўп бўлса, шул қадар яхшироқ бўлур. Бас, бул жинсда мўтадил лафзининг итлоқи фақатгина бақувват даража ила камқувват даражани миёнасига воситалигидин иборатдур. “Камо ла йахфи”.

Ва инчунин томур зарбасини бақувватлигинин ул томурни катталиги лозим келмас. Ва мумкиндурки, томурни зарбаси бақувват бўлуб, томурнинг ўзи кичик бўлса. Ва би-л-акс томурнинг ўзи катта бўлуб, ани зарбаси камқувват бўлса. Чунки

истилоҳи атиббода катта томур деб шуни айтурларки, ҳаракати инбисотийда хориж тарафга кўпроқ зоҳир бўлса. Аммо панжани гўштига ботуб, кирмоқга қодир бўлмаса. Чунончи, қон ғалабасида томур катта бўлур. Ва хориж тарафга кўп кўтарилур. Лекин қоннинг жисми мулойим бўлурки, рутубатдур. Ва рутубатнинг шаъни мулойимликдур. Бас, қоннинг андак голиблигин қуввати заиф кишининг томурида ҳам катталиқ ва ҳам заиф қувватликнинг ижтимоъи мумкундур. Ва ё қуввати ҳайвонийяси бақувват бўлуб, лекин томурни қаттиқ бўлгон кишида қувватнинг голиблиги ила томурнинг кичиклиги жамъ бўлмоғи мумкундур. Зероки, агар томур ғоятда мулойим бўлса ва устидаги гўшт ва терилар қалинлик қилуб томурни манъ қилмаса, андак ҳаракат бирлан томурни инбисоти тамом ва комил бўлур. Бо вужуди томурни қаттиқроқ босилгонда қўлни дафъ қилолмас.

Аммо учинчи жинс учинчи жинсни ҳаракати замонийдин олинур. Ва ҳаракатдин мурод ҳаракати инбисотийдурки, қобили эҳсосдур. Ва ани замони, яъни инбисотни тамом бўладурган муддати уч қисмга мунқасим бўлурки, **тез ва суст** ва **мўътадилдур**.

Бас, тез ҳаракат деб қисқа муддатда тамом бўлгон ҳаракатни айтилур. Яъни томурни панжага мулоқот қиладурган муддати қисқа бўлур. Ва бу ҳолат дилни тоза ҳавога зўр муҳтожлигига далолат қилур. Яъни дилнинг ҳарорати голиблигига бинобарин тарвиҳ учун совуқ ҳавога муҳтожлигига далолат қилур. Ҳам дилда қувват ҳам кўплигига далолат қилур. Зероки, **тез ҳаракат** учун албатта кўп қувват лозимдур.

Аммо суст ҳаракат деб узоқроқ муддатда тамом бўладурган ҳаракатни айтилур. Яъни панжани учиға томурни мулоқоти кўпроқ давом қилур. Ва бу ҳолат қуввати ҳайвонийяни заифлигини лозим тутар.

Ва мўътадил деб мазкур тез ила сушни миёна даражасида бўлгон ҳаракатни айтилур. Ва бу ҳолат дилни ҳожати совуқ учун мугавасситлигиға далолат қилурки, на ҳароратни ғалабасиға ва на бурудатни ғалабасиға далолат бўлмас.

НУКТА. Билмоқ керакки, ҳаракат замони қисқа бўлмоғига ҳаракатнинг тезлиги лозим бўлмас. Аммо ҳаракатнинг тезлигига замоннинг қисқа бўлмоғи лозимдур. Зероки, ҳаракат тез бўлса ани лозимасидурки, кўп вазифани оз муддатда тамом қилур. Бинобарин, тезлик учун муддатнинг қисқа бўлмоғи лозимдур. Аммо қисқа муддатда тамом бўлмоқ учун ҳаракатни тезлиги лозим эмаслигига сабаб шулки, ҳаракатнинг давомидаги масофати агар яқин бўлса, агарчи ҳаракат тез бўлмаса ҳам, муддати ҳаракат қисқа бўлур. Бас, тезлик сабабидин бўлгон қисқа муддат ила масофа яқинлик сабабдин бўлгон қисқа муддатнинг фарқи шулки, масофа яқинлигинин бўлгон қисқа муддатда томур ҳаргиз шоҳиқ бўлмас, яъни зоҳир тарафга кўп кўтарилмас. Аммо тез ҳаракат сабабидин бўлгон қисқа муддатга бу шарт лозим эрмаски, баъзиси зоҳир тарафга кўп кўтарилур. Ва баъзиси кўп кўтарилмас. Бас, бу сўнги баъзи ила масофа яқинлигини фарқи масофанинг муқтазосига нисбатан собит бўлурки, агар ҳаракат замони масофа муқтазосидин қисқароқ бўлса, анга сабаб тезликдур. Ва илло масофа яқинлигинин бўлур. Шунинг учун томур кўргувчиға вожибдурки, томурнинг даражаи инбисот ва инқибозида аввалан томурни нақадар кўтарилгон ва нақадар дохилға ружуъ қилгонини ҳўб тафаҳхус қилиб, сукуни инқибозий ила сукуни инбисотий миёнасиға бир миқдор масофа фараз қилғай. Сўнгра муддати ҳаракатнинг қисқалигини шул масофаға қиёс қилғай, токи ҳаракат муддатининг қисқалиги масофанинг яқинлигинин ёки ҳаракатнинг тезлигинин экани равшан маълум бўлғай. “Фа ифҳам аннаҳу гамизун”.

Аммо тўртинчи жинс томурнинг қивомидин олинур. Қивом деб жисмға ҳосил бўлгон ҳайъатни айтилулки, ани бирлан бул жисмға қаттиқ ва ё бўш деб ҳукм қилинур. Ва аксар вақтда қивом деб соил нимарсаға итлоқ қилинурки, суюқроқ ёки қуюқроқ деб ҳукм қилмоқ анга назаран бўлур. Шунинг учун шарҳи “Талвиҳ”да айтилгондурки, “ал-қивому бикаср ил-қофи ҳайъатун аризатун ли-л-жисми-л-лазий мин шаъниҳи

суръат ул-сайлони ва бутуъуху”. Аммо бу мақомда аввалги маъни муроддур.

Бас, қивом ҳам уч қисмға мунқасим бўлурки, **қаттиқ** ва **бўш** ва **мўътадилдур**.

Аммо **қаттиқ томур** деб шундоқ томурни айтилулки, агар ани қўлни учи бирлан босса, босилмас. Балки томур қўлни босур. Яъни қўлни тўштиға ботуб борур. Бас, билмоқ керакки, қўлга кўп нуфуз қилмоқда қаттиқ томур ила бақувват томур бир-бирлариға мушобиҳдурлар. Ва миёналарида гоёти фарқ шулки, бақувват томурни қўл бирлан босқон вақтда, агарчи аввалан босилса ҳам, сўнгра қўлни куч бирлан дафъ ҳам қилур.

Аммо қаттиқ томур қўл бирлан босқонда ҳам босилмас. Ва ҳам куч бирлан қўлни дафъ ҳам қилмас. Ва би-л-жумла қувватлик томур босмоқлик, агарчи қийинлик ила бўлса ҳам ғамзни қабул қилур. Аммо қаттиқ томур қобилиятсизлигинин ҳаргиз ғамзни қабул қилмас. Бас, томурни қаттиқлиғи баданда қуруқлик ғолиблиғиға далолат қилур. Зероки, қуруқлик рутубатни заволидин ҳосилдур. Ва рутубатни камлиғи ғамзни қабулиға монъедур.

Аммо томурни **мулойимлиғи** қаттиғликни хилофидур. Яъни қўл бирлан ғамз қилганда ҳам қабул қилур ва ҳам далолатда баданда рутубат ғолиблиғиға далолат қилур.

Аммо **мўътадил** қаттиғ ила бўшни миёна даражасидур. Ва далолати ҳам баданда рутубат ва йубусат ғалабасидин баданни холий ва мўътадиллиғиға далолат қилур.

Аммо **бешинчи жинс** бу замони сукуннинг миқдоридин олинур. Ва билмоқ керакки, сукун икки навъ бўлур. Сукуни ҳақиқий ва сукуни мажозийдур.

Ва **сукуни ҳақиқий** шулки, сукун вақтида ҳаракат ҳақиқатдан бўлмас. Чунончи набз таърифида маълум бўлурки, биририға зид бўлгон икки ҳаракатни миёнасида албатта икки сукун бўлмоғи зарурийдур.

Ва **сукуни мажозий** шулки, томурға ҳеч ҳаракат маҳсус бўлмас. Хоҳ ҳақиқатан томур ҳаракатлик бўлсин ва хоҳ сокин бўлсин. Ва бу жинсда сукундин мурод шул сукуни мажозийдур.

Яъни ҳаракати инбисотнинг охирики, ғайри маҳусдур. Ва ҳаракати инқибознинг аввалики, ғайри маҳусдур. Ва сукуни марказийи ҳақиқий ҳаммаси сукун эътибор қилунур. Ва бу замон сукуннинг миқдори уч қисмга мунқасимдурки, **мутавотир, мутафовут ва мўтадилдур.**

Билмоқ керакки, маънийи сукун адами ҳаракатдур. Ва адам лойиқи иснод ва қобили тақсим эрмас. Бинобарин, ани муқобилида бўлгон ҳаракатга исноди мутавотир ва мутафовут ва мўтадил деб баён қилиндики, сукундин муқаддам ҳам ҳаракат бордур. Ва сўнгра ҳам ҳаракат бордур. Ва мутавотирлик ва мутафовутлик шул ҳаракати маҳусанинг сифатидур. Лекин **мутавотирдин** мурод шул маҳус бўлгон икки ҳаракатнинг миёнасида воқеъ бўлгон замоннинг қисқалигидур. Яъни томурнинг ҳаракати инбисотияси маҳус бўлгондин сўнг яна дохил тарафга ружуъ қилса, шул онда бемуҳлат яна иккинчи ҳаракати маҳус, яъни иккинчи ҳаракати маҳус бўлур. Бас, мутавотир ҳаракат бирлан тез ҳаракатнинг миёнасида фарқи шулки, мутавотирда икки ҳаракатнинг миёнасидаги замоннинг қисқалиги мўтабардур. Аммо тез ҳаракатда худ ҳаракатнинг замони қисқалиги мўтабардур. Ва ҳам мутавотирда сукуни марказийнинг замони ҳам қисқа замонга дохилдур. Аммо тез ҳаракатда сукуни муҳитийнинг замони ҳам бу қисқа замондин хориждур. Зероки, муддати ҳаракат шулки, ҳаракати инбисотийнинг ибтидои эҳсосдин инбисот тамом бўлғунча замони муддати ҳаракатдур.

Ва сукуни муҳитий ҳаракат эрмас. Ва бу ҳолат тавотури қуввати ҳайвонийянинг заифлигига далолат қилур. Ва қувватнинг заифлиги хоҳ ҳароратнинг ғалабасида бўлсин, хоҳ бурудатнинг ғалабасидин бўлсин, аммо мутавотир ҳаракат тез ҳаракат бирлан мураккаб бўлса, яъни ҳам муддати ҳаракат қисқа ва ҳам миёнадаги муддати сукун қисқа бўлса, ҳароратни камоли шиддатиға ва совуқ ҳаво учун дилни ғоятда муҳтожлигиға далолат қилур, албатта.

Ва билмоқ керакки, мутавотир томурни заъфи қувватга далолат қилмоғи башарти томурни катталиги бирлан мураккаб

бўлмоғон тақдирда бўлур. Ва агар томур ҳам катта ва ҳам мута-
вотир бўлса, ул вақтда катталиги албатта қувват бирлан бўлур.
Башарти монезий бўлса ва ҳосили калом шулки, тавотур қув-
ватни заифлигининг ҳам воқеъ бўлур. Ва қувватнинг зўрлигининг
ҳам воқеъ бўлур. Лекин ҳар ҳолда дилни совуқ ҳавоға ҳожати
шиддатлик зўр бўлур. Чунончи томурнинг катталиги мабҳасида
баён қилинур.

Аммо мутафовут томур шулки, мутавотирнинг зидди ва
хилофи бўлур. Яъни томурнинг ҳаракати маҳсусасининг
миёнасидаги замони сукун узоқ бўлур. Ва ҳам далолати аксари
қуввати ҳайвонийянинг зўрлигиға далолат қилур. Ва аксари-
нинг қайди шунинг учундурки, гоҳи қувватни соқит бўлгон-
лигининг ҳам томур суст ва мутафовут бўлур. Чунончи ҳолати
мухаммасада машҳур бўлур. Бас, ғалабаи қувватдин ориз
бўлгон мутафовут ила сукути қувватдин ориз бўлгон мутафо-
вутнинг фарқи шулки, қувватнинг ғалабасида томур катта ва
фи-л-жумла тезроқ ҳаракат қилур. Ва агар қувватнинг заифли-
гининг мутафовут бўлса, томур гоҳида кичик бўлур ва ҳам кўп
суст ҳаракат қилур.

Аммо мўътадил мутавотир ила мутафовутнинг миёна
даражасида бўлиб ва қуввати ҳайвонийянинг мўътадиллигиға
далолат қилур. Ва бул мўътадилликда ҳам иккинчи жинсинг
эътидолидаги таъвилни ёдға олмоқ лозимдур. Яъни эътидолдин
мурод энг яхши ҳол ва ифрот ва тафритнинг айбидин пок
ҳол демак эрмас, балки тавотир ила тафовутнинг ўрта даража-
си демакдингина иборатдур. Зероки, мутафовут агар қувват-
нинг зўрлиги сабабдин бўлса, албатта мўътадилдин яхшидур.
Ва инчунин, мутафовутики, қувватнинг заифлиги сабабдин
бўлса, албатта мутавотирдин ҳам ёмондур. Чунончи, бул
жинсинг сабаблари шул маъниға муқтазийдур. Чунончи, бир
жинс набзнинг сабаблари ва мазкур жинсларнинг қаю бир-
ларини қаю бирлариға ижтимоъи мумтаниълигини ва қаюлари
мумкин ул-ижтимоълигини шул фасл охирида баён қилинур.
Ва бу таъвилни сабаби лузумининг билмоқға толиблар охири
фаслға назар қилғайлар.

Аммо олтинчи жинс шараён томурини зоҳир ҳажмидин қатъи назар каваклигининг миқдоридин олинур. Яъни хоҳ йўғон ва хоҳ ингичка томурни албатта ичи каваклиги зоҳирдурки, қон ва руҳни мажросидур. Бас, шул кавакни тўла ва **халий ёки мўтадилнигидин** истидлол қилинур.

Аммо томурнинг тўлалиги қон ва руҳни баданда кўплигига далолат қилур. Ва томурнинг тўлалиги уч хил бўлурки, ё қон кўплигидин тўла бўлур ва ё руҳ кўплигидин тўла бўлур ва ё ҳар иккисининг кўплигидин тўла бўлур.

Ва руҳ бирлан тўла бўлгон томур ила қон бирлан тўла бўлгон томурнинг миёнасида фарқ ушбулардур.

Биринчи, руҳ билан тўла томур енгил бўлурки, агар қувват мўтадил бўлса ҳам, лекин томурнинг ҳаракати тамом ва комиллиги равшан маҳсус бўлур. Аммо қон бирлан тўлгон томур қоннинг вазни бирлан оғир бўлур. Бинобарин, то қуввати ҳайвонийя бақувват бўлмаса, томурни ҳаракати тамом комил бўлолмас.

Иккинчи фарқ шулки, руҳ бирлан тўла бўлгон томур гўё ел бирлан тўла бўлгон мешк каби йўғон ва қаттиғроқ бўлур. Аммо қон бирлан тўла бўлгон томур ул қадар йўғон ва қаттиғ бўлолмас. Зероки, агар қон бул даража ва бул миқдор кўп бўлса, анга ўлим сабақат қилур, яъни бул ҳолга етмай ҳалок бўлур. Зероки бул миқдор қон руҳни ва ҳарорати ғаризийяни тазйиқ қилиб, фоний қилур.

Ва учинчи фарқ шулки, руҳ бирлан тўла бўлгон томурнинг бўйининг ҳаммасида ҳаракати баробар ва бир маромда бўлур. Аммо қон бирлан тўла бўлгон томурни ажзосини ҳаракатида ихтилоф бўлурки, ани оғирлиги ҳамма ажзода бир маромлик ҳаракатга монёъ бўлур.

Тўртинчи фарқ шулки, қон бирлан тўла бўлгон томур аксар юмшоқроқ бўлур. Зероки қоннинг рутубати бирлан томурнинг жирми ҳўл бўлур. Аммо руҳ бирлан тўла бўлгон томурда руҳ томурни ҳўл қилмас. Магар бошқа сабаб ила томур ҳўл бўлса, анга руҳдин монёълик ҳам йўқдур. Яъни руҳ зотан томурга рутубат эҳдос қилмас. Аммо қон томурнинг масомлариға нуфуз

қилуб, томур жирмини юмшатур. Магар қон ғализ бўлуб, томур жирмиға нуфуз қилолмас, ул вақтда томур қон бирлан тўла бўлса ҳам зиёда юмшоқ бўлмас. Ва шунинг бирлан рутубат бирлан тўла бўлғон томур бошқа ахлот бирлан тўла бўлғон томурни фарқ қилинур. Зероки рутубат ҳар навъ бўлса ҳам албатта томурнинг масомлариға сингиб, юмшатур. Аммо бошқа ахлот бирлан тўла бўлғон томурда юмшоқлик лозим бўлмас. Аммо рутубати мутлақ бирлан тўла бўлғон томур ила қон бирлан тўла бўлғон томурнинг фарқи худ тўлалик миқдоридин ва ҳарорат ва руҳни миқдоридин зоҳирдур. Зероки рутубати сирф ҳар қадар тўла бўлса ҳам қон бирлан тўлалик миқдорға етмас. Чунки бу миқдорға етмасдин ўлим етган бўлур. Зероки, бақойи ҳаётға албатта руҳни вужуди зарурийдур. Ва руҳни асл моддаси қондур. Бас, томурни ичи сирфу рутубат бирлан тўла бўлмоғидин қонни миқдори ҳожатда бўлмаслиги лозим бўлур. Ва қонни бўлмаслиги руҳни фаносини лозим тутар, албатта.

Бас, собитдурки, рутубати сирфнинг тўлалик миқдори қоннинг тўлалик миқдориға етмас. Ва яна рутубати сирфнинг мизожи совуқ бўлғони учун рутубат сирфлик баданда албатта қони голиб кишининг ҳарорати мавжуд бўлмас. Ва ҳам қони тўла кишини томурида қонға муносиб миқдорда руҳ ҳам бўлур. Ва рутубати сирфда бу миқдор руҳда мавжуд бўлолмас. “Лима закарнаҳу онифан”.

ФОИДАИ ЖАЛИЛА. Билмоқ керакки, томурнинг қон бирлан тўлалиғидин баданнинг ҳам қон бирлан тўла бўлмоғи лозим бўлмас. Ва инчунин, баданнинг қон бирлан тўлалиғидин шараён томурини ҳам қон бирлан тўла бўлмоғи лозим келмас. Зероки мумкиндур ва аксар воқеъдурки, баданда қон кўп бўлур, лекин ғализ бўлур. Ва гилзати сабабидин шараёнға нуфуз қилмоқға қобилиятсиз бўлур. Бинобарин, ҳар чанд баданда қон кўп бўлса ҳам, лекин шараён томурида қон кам бўлур.

Ва агар баданда қон ҳаммаси яхши ва солиҳ бўлса, ул вақтда шараён томурда ҳам қон бўлмоғи, агарчи баданда

нисбатан кам бўлса ҳам, баҳарҳол бўлмоғи лозим бўлур. Магар баъзи суддаи масом каби оризаи монёалар бўлар, ул вақтда ҳам томурда қон кам бўлмоғи мумкиндур. Ва инчунин баданда ҳаммаси солиҳ қон бўлса ва шараён томурининг қуввати зўр бўлса, ул вақтда бадандаги солиҳ қондан шараёнға кўпроқ жазб қилинур.

Бинобарин, агар баданда қон камроқ бўлса ҳам, лекин шараёнда кўпроқ бўлмоғи мумкиндур. Зероки шараённинг вазифасидурки, доим уруқ уш-шароин воситаси бирлан бадандаги қонни тасфия учун ўпкаға тортмоқ ва ўпкада тоза ҳаво бирлан ҳарорати таскин топқон ва бухороти духонийядин танаффус ила мусаффо бўлгондин сўнг яна шароини ирқий воситаси бирлан дилға еткизуб, дилдин яна баданға еткизуб турар. Чунончи, даврон уд-дам фаслида ва шароин ташриҳида муфассал мазкурдур.

Ва яна билмоқ керакки, томур ё қон бирлан тўла бўлур ва ё руҳ бирлан тўла бўлур. Ва ё ҳар иккиси бирлан тўла бўлур, демакдин мурод холис руҳ бирлан тўла бўлур демак эрмас. Ва бул тариқа шубҳа бадиҳий ул-бутлондур. Зероки, такроран мазкурдурки, руҳнинг асл моддаси қондурки, қон бўлмаса руҳни вужуди мумкин эрмас. Ва ҳам руҳни маркаби қондурки, агар қон бўлмаса руҳ сайр қилмас. Ва ҳам руҳ бағоят жисми латифдурки, камоли латофатидин доим камол топуб, фано бўлмоқдадур. Бас, қон руҳ бирлан ҳамроҳ бўлуб, андин фано бўлгон миқдориға бадал учун ўзидин янги руҳ ҳосил қилуб еткизуб турмоғи зарурийдур. Лекин ҳамма вақт қондин руҳ ҳосил бўлмоғи бир муъайян миқдорда бўлмас. Балки кўпроқ қондин камроқ руҳ ҳосил бўлур. Ва гоҳи камроқ қондин кўпроқ руҳ ҳосил бўлур. Ва гоҳи муътадил миқдор руҳ ҳосил бўлур.

Бас, истилоҳи атиббода камроқ қон кўпроқ руҳ бирлан тўла бўлгон томурни ҳолини руҳға нисбат беруб, **имтилойи руҳий** дерлар. Ва кўпроқ қон ва камроқ руҳ бирлан тўла бўлса, ани қонға нисбат бериб **имтилойи дамавий** дерлар. Ва ҳар иккиси бир-бириға нисбатан мутаносиб миқдор бўлса, ҳар иккисига нисбат беруб, **имтило уд-дам ва-р-руҳ** дерлар.

Бас, ҳар ҳолда руҳ қондин холий бўлмас ва руҳнинг кўплиги учун албатта қоннинг кўплиги шартдур. Аммо қоннинг кўплиги учун руҳнинг кўплиги шарт эрмас.

Аммо холий томур тўла томурнинг муҳолифидур. Яъни томур қон ва руҳни баданда ва шараёнда кўплигига далолат қилур. Аммо холий томур қон ва руҳни баданда ёки шараёнда камлигига далолат қилур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бу томурни холий демакдин мурод ҳам ичида ҳеч нимарса йўқ демак эрмас, балки ани холий демакдин мурод мўътадил томурға нисбатан бунда қон ва руҳ кам демакдур. Зероки, муддати ҳаётда шараённи қондин ва руҳдин холий бўлмоғи қатъиян мумтаниъдур. Ва юқорида мазкур бўлдики, томурнинг тўлалиги учун ҳамма баданнинг тўла бўлмоғи шарт эмас. Ва инчунин, баданнинг тўлалиги учун ҳам шараённинг тўла бўлмоғи шарт эмасдур. Бас, томурни холийлиги учун ҳам ҳамма баданни холийлиги лозим бўлмас. Ва ҳосил шулки, томурнинг имтилосига яна бошқа далоили имтило муъовин бўлмаса, мужаррад имтилои шараён бирлан имтилои баданға ҳам ҳукм қилуб бўлмас. Ва далоили хулувнинг иъонати бўлмаса мужаррад хулуви шараён бирлан баданнинг холийлигига ҳам ҳукм қилиб бўлмас. Ва лекин бу нукта кўп муғолаталардин ўзини сақлаган толиби таҳқиқ бўлгон соҳиби камол инсоф кишилар учун вожиб ул-баён бўлса ҳам, лекин замонимиздаги фақат ўзини имтилои батний фий мақсуд би-з-зот фикр қилгон атиббойи жоҳилин бу мабҳасдин фақат панжаларини учини мариз билагига еткизмоқдин бошқа нуктадин тамом бебаҳрадулар. “Аллоҳум-маҳфазна мин шурур ил-жаҳли ва-л-жаҳилийн”.

Аммо мўътадил томур шулки, тўлалик ила холийликнинг миёна даражасида бўлур. Ва баданни қони ва руҳи қадри ҳожат учун лойиқ ва ҳолати баданнинг устиворлигига далолат қилур.

Аммо еттинчи жинс томурнинг ушлаған вақтда маҳсус бўлгон кайфиятидин олинур. Ва бу кайфиятдин мурод бу мақомда кайфияти фобилийядур, яъни фақат ҳарорат ва бурудат муроддур.

Аммо рутубат ва йубусат мўътабар эрмас. Зероки, булар кайфияти инфьюолиядиндур. Ва яна буларнинг лозималари бўлгон юмшоқлик ва қаттиғлик ҳам бу мақомда мўътабар эрмас. Зероки, қаттиғлик ва юмшоқлик томурнинг қивомида воқеъ бўлур. Бинобарин, жумхури атиббонинг китобларида бу икки кайфият “Тўртинчи жинс”да “Қивоми олат” баёнида мазкур бўлгондур.

Ва баъзи атиббо шул еттинчи жинсда мўътабар дерлар. Баҳар тақдир муддаолари бирдур. Ва бу кайфияти фўбилиий ҳам уч қисмга мунқасим бўлурки, **иссиқ** ва **совуқ** ва **мўътадилдур**.

Аммо **томурнинг иссиғлиги** ичидағи мавжуднинг иссиғлигиға, яъни анда қон ва руҳнинг кўпроқ мавжудлигиға далолат қилур.

Аммо **томурни совуқлиги** ичида бўлгон қон ва руҳнинг совуқликиға, яъни қон ва руҳга рутубат голиблигиға далолат қилур.

Аммо **томурнинг мўътадиллиги** ичидағи қон ва руҳни ҳоли мўътадиллигиға далолат қилур.

Ва шараённинг иссиқ ёки совуқлик кайфиятини ушлаб билмоқ шундоғ бўлурки, шараён ҳолини бошқа узв ҳолиға қиёс қилинур. Бас, агар бошқа узвдин шараёнлик жойда ҳарорат ёки бурудат голиброқ маҳсус бўлса, шунга биноан ҳукм қилинур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, шараённинг иссиқ ва ё совуқ маҳсус бўлмоғи шунинг учундурки, шараён иссиқ жисмнинг маҳаллидур. Яъни қон ва руҳнинг мажросидур. Ва бу маҳаллнинг иссиқ сезилмоғи би-л-иттифоқ мумкиндур. Ва балки воқеъдур. Хусусан, шараён қониға қизимоқ ҳодис бўлгон бўлса, албатта шараён иссиқ сезилмоғи лозимдур.

Аммо шараённинг совуқ сезилмоғини аксар атиббо ақлдин узоқ деб билгандурлар. Зероки, шараёнда шул қадар қон ва руҳнинг мавжудлиги ва шараённи дилға яқин ва муттасиллиги бўлгон ҳолда яна бир иситувчи сабабдин узоқ бўлгон бошқа узвдин ҳам сезилмоғи маъқул эрмас, дерлар. Лекин кутуби

қудамода шараён совуқроқ сезилмоғи мазбут ва марқумдур. Бинобарин, шул бобда ба қадри имкон тавжиҳ қилмоқ лозимдур. Ва ани тавжиҳи икки тариқа ила мумкиндур.

Бас, **бир тариқа тавжиҳ** шулки, томурни ушлаган вақтда совуқ сезилмоғидин мурод шул томурни шаънига муносиб бўлгон ҳарорат миқдоридин камроқ ҳароратлик сезилмоғидур. Аммо томурни устида бўлгон терининг совуқлиги бошқа теридин ҳам совуқ бўлмоғи мурод эрмас.

Бас, бул тавжиҳда асли қиёсга мўътабар тандурустликдаги ҳолати мўътадил фаразий бўлурки, би-л-фараз, агар соғ ва саҳиҳ бўлгон тақдирда шул қадар ҳарорат бўлмоғи муносиб эрди, деб миқдори ҳароратни фараз ва анга қиёсан бу томурни ҳарорати камроқ экан деб ҳукм қилинур.

Ва **иккинчи тавжиҳ** шулки, шараён устида бўлгон тери бошқа шараёнсиз жойнинг терисидин фи-л-ҳақиқат совуқроқ сезилмоғи мумкиндур. Зероки, шараённинг тоза ҳаводин танаффус учун шараён устида бўлгон терининг масомлари кенг экани шубҳасиздур. Ва ҳар узвики, масомлари кенг бўлса, анда ҳарорат барқарор турмас. Ва зўр таҳлил топар. Бас, масомсиз ғализ узвийки, ҳароратга хос бўлгон ва лекин анга совуқ ғалаба қилгон бўлса, совуқни ғалабаси башиддат бўлмас. Чунки ани ҳарорати зотийяси тез таҳлил топмас. Аммо мутахалхал ва серкавак узв бўлса, анга совуқ зиёдароқ асар қилур. Зероки ани ҳарорати зотийясини таҳлил ва фаносиға тахалхули боис бўлур. Ва инчунин, ҳарорат ғалаба қилса ҳам зиёдароқ асар қилур. Зероки ҳароратни нуфузиға ҳам тахалхули муъин бўлур. Чунончи, қўлни ва оёғни кафида маҳсус бўлур. Бинобарин, мумкиндурки, шараён устида терининг масомлари кенг бўлгонидин шараёндаги қонни ҳарорати тез таҳлил топуб, совуқ зиёда асар қилғони учун масоми банд ёки танг бўлгон шараёнсиз узвнинг терисидин ҳам совуқроқ маҳсус бўлғай.

Бас, ҳар вақт ботиний бурудат баданга ғалаба қилса, шараён совуғроқ бўлур. Ва агар баданда ботиний ҳарорат ғалаба қилса томурда ҳам ҳарорат кўпроқ маҳсус бўлур.

Ва шараён иссиқ жисмларни, яъни қон ва ружларни мав-

зеъидур. Шунинг учун аларни иссиқ ва ё совуқ кайфиятларини таъсири шараёнға тегиб турғон терига кўпроқ асар қилур. Ва шунинг учун шараён устида бўлгон терининг бошқа мавзедаги теридин ҳам совуғроқ сезилмоғи ақлдин узоқ ҳам бўлмас. Фал-лаҳаққу ъинда Холиқиҳи.

Аммо саккизинчи жинс ҳаракатни вазнидин олинур. Ва вазннинг маъниси луғатда бир нимарсанинг бошқа бир нимарсаға қиёс қилмоқдур. То шул икки нимарсанинг миёнасида мазкур қиёсни тақозоси бирлан бир мусбат ҳосил бўлғай.

Аммо истилоҳи атиббода вазн деб шараёндаги икки хил ҳаракат: инбисотия ва инқибозиянинг бир-бирига қиёс қилмоқ ёки бу ҳаракатлар миёнасида воқеъ бўлгон икки хил сукуни зоҳирий ва ботинийларни бир-бирига қиёс қилмоқ ёки бир хил ҳаракатни бир хил сукунға қиёс қилмоқ ила миёналарида нисбати тувли замон қиёс қилмоқни айтурлар.

Ва зоҳирдурки, бу ҳаракат ва сукунларни ҳар бири учун бир замон бордур. Ва ҳар замон учун бир миқдор бордур. Ва ҳар миқдорға бир нисбат бордур. Ва буларни мажмуъи ўн важҳ бўлур.

Важҳи аввал шулки, ҳаракати инбисот аввал замонини ҳаракати инбисоти соний замониға қиёс қилинур.

Иккинчи важҳ шулки, ҳаракати инбисот замонини ҳаракати инқибоз замониға қиёс қилинур.

Учинчи важҳ шулки, ҳаракати инбисот замонини сукуни зоҳирий замониға қиёс қилинур.

Ва тўртинчи важҳ шулки, ҳаракати инбисот замонини сукуни дохилий замониға қиёс қилинур.

Ва бешинчи важҳ шулки, ҳаракати инқибози аввал замонини ҳаракати инқибози соний замониға қиёс қилинур.

Олтинчи важҳ шулки, ҳаракати инқибоз замони сукуни хорижий замониға қиёс қилинур.

Еттинчи важҳ шулки, ҳаракати инқибоз замони сукуни дохилий замониға қиёс қилинур.

Саккизинчи важҳ шулки, сукуни хорижийи аввал замони сукуни хорижийи соний замониға қиёс қилинур.

Тўққизинчи важҳ шулки, сукуни хорижий замони сукуни дохийий замониға қиёс қилинур.

Ва **ўнинчи важҳ** шулки, сукуни дохийийи аввал замони сукуни дохийийи соний замониға қиёс қилинур.

Лекин Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳнинг наздларида бу саккизинчи жинсда эътибор қилинадурган қиёсдин мурод, албатта, замони ҳаракатни замони сукунға қиёс қилмоқдин бошқа эҳтимол йўқдур. Ва шул қавл ақраб ба савобдур. Зероки, замони ҳаракатни яна замони ҳаракатга қиёс қилмоқ ва замони сукунни яна бир замони сукунға қиёс қилмоқ тўққизинчи жинсда томурни истиво ва ихтилофиға дохилдур. Фатааммул.

Ва бу вазн ва қиёсдин ҳосили нисбат ҳам икки қисмға мунқасим бўлурки, ҳасан ул-вазн ва радиъ ул-вазндур.

Аммо **ҳасан ул-вазн** шулки, томурнинг ҳаракатини замони сукуннинг замониға баробар бўлур. Ва инбисот ва инқибозда ҳоли баданни, хусусан дил ва руҳни ҳоли мўъгадиллигиға далолат қилур.

Ва **радиъ ул-вазн** шулки, ҳасан ул-вазннинг хилофи бўлур. Яъни инқибоз замони инбисот замонидин узоқроқ бўлса дил ва руҳни ҳавойи насимға шиддатлик муҳтожликға далолат қилур. Зероки, юқорида зикр қилиндики, шараённинг инқибози дилнинг инбисотидин иборатдур. Зероки, дил мунбасит бўлса, шараёндаги қон ва ҳавойи насимни ўзида жазб қилур. Бас, ночор шараёнда пучлик ва инқибоз воқеъ бўлур. Ва ҳавойи насимнинг жазби учун дилни инбисоти замони узоқроқ бўлмоғи дилни камоли эҳтиёжиға далилдур. Ва инчунин, шараённинг замони инбисоти узоқроқ бўлса, дилда бухороти духонийя голиб бўлуб, руҳни куйдирмоқға таъсир этканиға далолат қилур. Бинобарин, дилни муҳофазати учун дил инқибоз учун кўп ҳаракат қилгон бўлур. Токи инқибоз бирлан ичида мавжуд бўлгон бухороти духонийянинг ихрожиға кўшиш қилур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, томурни замони ҳаракати ва замони сукуни баробар бўлмоғидин мурод баробари ҳақиқий эрмас, балки баробари табиий бўлмоғи муроддур. Чунки инсон ёшиға ва макониға ва фаслға ва анвоъи тадбириға нисбатан

умрида табиати бир неча даражага мутағайир бўлур. Ва ҳар даражада томурни ҳаракати замони ва сукуни замони ҳам ба мувофиқи табиат бошқа миқдор ила мутағайир бўлуб турар. Шунинг учун бир даврдаги ҳасан ул-вазн бошқа бир даврнинг ҳасан ул-вазнига назаран мутафовут бўлур. Бовужуди ўз соҳибининг табиатиға муносиб ҳасан ул-вазн бўлур. Ва инчунин, радиъ ул-вазн ҳам мутафовут бўлур.

Бинобарин, ҳасан ул-вазн ва радиъ ул-вазнни баъътибори умури мазкур яна батафсил баён қилмоқни ҳақир муносиб билдим. Татаввули каломни маъфу қилғайлар.

Аммо ҳасан ул-вазники, ани жайид ул-вазн ҳам дерлар, ул шундин иборатдурки, томурнинг икки хил ҳаракат ва икки хил сукунининг замонлари миёнасидаги нисбат мажройи табиийға мувофиқ бўлсин. Масалан, сағир боланинг замони инқибозийдин замони инбисотий тезроқ бўлмоғи лозимдур. Зероки, боланинг жазби ҳаво учун ҳожати дафъи бухорот учун бўладурган ҳожатидин кўпроқ бўлур.

Ва маълумдурки, шараённинг инбисоти азбаройи жазби насим учундур. Ва инқибози азбаройи дафъи бухороти духонийя учундур. Ва муқаррар бўлғондурки, сағирларнинг шараённинг инбисоти тезроқ бўлур. Яъни қисқа муддатда тамом бўлур. Бинобарин, аларнинг томуридаги сукуни хорижийнинг замони зоҳирроқ, яъни узоқроқ бўлур. Зероки, ҳаракат замони камроқ бўлғон эди. Анинг қадри ҳиссаси сукуни хорижий замониға қўшилур. Токи инқибозға нузул қилмай, сукун ҳолида жазби ҳавони комил даражада ҳосил қилғай.

Ва маълумдурки, агар томурни ҳаракат замони узунроқ бўлса, сўнгидаги сукуни замоний қисқароқ бўлур. Чунки бу сукун бурунғи ҳаракатнинг муддаосини комил қилур. Бас, ҳаракатнинг тезлиғиға сукуннинг узоқ бўлмоғи ва би-л-акс сукун қисқа бўлмоғиға ҳаракатни сушт бўлмоғи лозимдур. Ва хулосаи калом шулки, икки хил ҳаракат инбисот ва инқибознинг ҳар бирини сукуни хорижий ва дохийийнинг ҳар бириға қиёс қилмоқда инсонни ёши ва ватани ва фасл ва тадбири маош ва соир аҳволиға муносиб бир нисбат муқаррар бўлғон-

дурки, агар шул нисбат махфуз бўлса, ул жайид ул-вазндур. Ва агар нисбат мутағайир бўлса, радиъ ул-вазндурки, ани саййиъ ул-вазн ҳам дерлар.

Ва билмоқ керакки, радиъ ул-вазн уч хил бўлур: **мужоваз ул-вазн, мабоин ул-вазн ва хориж ул-вазндур.**

Бас, мужоваз ул-вазн деб бир кишининг томуридаги вазни ул кишининг яқин ва муттасил ёш даврида бўлгон киши томуридаги вазнига мушобиҳ бўлса. Чунончи бола томурининг вазни йигитлар томурининг вазнида бўлса ва ё би-л-акс бўлса ва ё бир йигитнинг томури вазнда қари кишининг томури вазнига мушобиҳ бўлса ва ё би-л-акс бўлса. Ва мужоваз ул вазни муғайир ул-вазн ҳам дерлар.

Аммо **мабоин ул-вазн** шулки, бир одамни томури вазнда ўз ёшига муттасил бўлмоғон одамнинг томуридаги вазнига мушобиҳ бўлса. Чунончи, боланинг томури вазнда қари одамни томурига ҳам ҳамвазн бўлса. Ва буни мужониб ул-вазн ҳам дерлар.

Аммо **хориж ул-вазн** шулки, ани томури вазнда ҳеч қаю ёшдаги одамни томурига мушобиҳ бўлмаса. Масалан, бир тани соғ саҳиҳ бўлгон кишининг томури муртабиш бўлса, яъни титраган ҳаракатда бўлса. Бул тариқа вазн ҳеч қайси ёшда бўлгон одамни томурида бўлмас. Ва бул вазни хориж ул-вазн демакдин мурод ҳар қаю ёшда бўлгон одамни ҳаммасини томуридаги табиий вазнлар даражаларидин хориж демакдур. Аммо ўзида мутлақо вазн йўқдур демак мурод эмас. Зероки, асло бевазн ҳаракат бўлмоғи мумкин эрмас. Чунки ҳар қандоқ кайфияти табиийя хоҳ кайфияти ғайри табиийяда бўлса ҳам, ўшал кайфиятнинг ўзи ҳам бир вазндур. Чунончи, ҳақим Жолинус бу маънийни тасриҳ қилгондур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, жайид ул-вазн томур бадан ҳолининг эътидолига нақадар далолати равшан бўлса, радиъ ул-вазн томурни ҳам бадан ҳолининг ридоъат ва фасодиға далолати шул қадар равшан бўлур. Зероки, томурнинг эътидолдин хуружи қанча узоқ бўлса, бадан ҳолининг ридоъати ҳам шунча шиддатлик бўлур. “Кама ҳува зоҳирун”.

Аммо тўққизинчи жинс томур ҳаракатининг истиво ва ихтилофидин олинур. Яъни томурнинг ўттиз ва ё ўттиз беш зарбагача бўлгон ҳаракати бир мароми махсусасида давомий ва ё баъзи вақтда ул маромдин чиқиб бошқа кайфиятда ҳам мухталиф ҳаракати бўлғонидин имтиҳон олинур.

Ва билмоқ керакки, томурни ҳаракати бир маромда бўлмоғи икки навъ бўлурки, ё томурнинг ҳамма зарбалари бир-биридин бетафовут бўлур ёки бир зарбанинг ўзида томурнинг ажзосини ҳаракати бир-бирига мушобиҳ ва бетафовут бўлур. Яъни ушлаган панжанинг ҳаммасида маҳсус бўлгон зарба бир-бирига мушобиҳ бўлур. Адади бир-бирига мухталиф, лекин томурнинг ҳамма ажзосининг зарбаси бир-бирига мушобиҳ ҳам бўлур. Ва ё би-л-акс зарбаларнинг адади бир-бирига мушобиҳ, лекин томурнинг ажзоларида маҳсус бўлгон зарбалар бир-бирига мухталиф ҳам бўлур. Бас, истивойи ҳақиқий шулки, ҳам томурнинг ҳамма ажзосининг ҳаракати бир-бирига мушобиҳ бўлур. Ва ҳам ҳамма зарбаларини адади бир-бирига мушобиҳ бўлур.

Ва инчунин, ихтилофи ҳақиқий ҳам томурнинг ҳамма ажзосини ҳаракати бир-бирига мухталиф бўлур. Ва ҳам ҳамма зарбаларини адади бир-бирига мухталиф бўлур.

Ва билмоқ керакки, бу истиво ва ихтилофнинг зоҳир бўладурган ҳолати беш хилдур.

Биринчи, **томурнинг миқдоридур.**

Ва иккинчи, **томурнинг қувватидур.**

Ва учинчи, **томур ҳаракатининг замонидур.**

Ва тўртинчи, **томурнинг суқунининг замонидур.**

Ва бешинчи, **томурнинг қивомидурки**, уларни истилоҳи атиббода умури ҳамса деб таъбир қилинур.

Бас, агар томур шул беш ҳолатнинг ҳаммасида истиволик бўлса, ани **ала-л-итлоқ муставий** дерлар.

Ва инчунин, шул беш ҳолатнинг ҳаммасида ихтилофлик бўлса, ани **ала-л-итлоқ мухталиф** дерлар.

Ва агар баъзи ҳолатда истиво ва баъзи ҳолатда ихтилоф бўлса, **муставий ул-баъз** ва **мухталиф ул-баъз** дерлар.

Аммо билмоқ керакки, томурнинг вазни ғоятда ғомиздур. Ва агар томурдаги маҳсус бўладурган истиво ва ихтилофдин қатъи назар қилинса, бошқа вазнларнинг имтиёзи кўп қийиндур. Ва фикри салим ила тафаҳхус лозимдур.

Аммо томурнинг ичида бўлгон моддаларнинг аҳволидин олинадурган жинснинг истиво ва ихтилофини эҳсос қилмоқ ҳам қийиндур. Зероки ани имтиёзи учун кўпроқ замон тафаҳхус керакдур. Чунки томурнинг ичида бўлгон қон ва руҳ ҳам тўққиз ва ё ўн зарба муддатида кўпаймоқ ва камаймоқ ила мухталиф бўлмоғи мумкин эрмас.

Бас, томур зарбаларининг ададида имтиёз бу қадар қийин бўлса, ани ажзоларида бўладурган ихтилофнинг имтиёзи бата-риқай авло қийин бўлур.

Аммо ушламоқда маҳсус бўладурган жинс тариқида томур ихтилофи ва ё истивосини эҳсос қилмоқ қатъиян маҳолдур. Зероки мужарраб ушламоқда фақат ҳарорат ёки бурудатнинг эҳсоси мумкин бўлса ҳам, истиво ва ихтилофнинг имтиёзи учун узоқ муддат ва чуқур фикр лозимдур.

Аммо ўнинчи жинс бўлгон низом ва ғайри низомдин олинадурган жинс эса зоҳирдурки, истиво низомнинг бир навъи ва ихтилофи ғайри низомнинг бир навъидур. Бас, истиво ва ихтилофнинг эътибори шул ўнинчи жинсга дохилдур. Бинобарин, агарчи одати атиббода томур жинсларини ўн адад ҳисоб этилгон бўлса ҳам ҳақир¹ тўққиз адад ҳисоб этмоқни лойиқроқ билурман.

Ва томурнинг истивоси бадан ҳолининг яхшилигига далолат қилур. Аммо томурнинг мухталифлиги ани хилофига далолат қилур. Аммо истиво бирлан ихтилофнинг миёнасида восита даража йўқдур. Бинобарин, бул жинсда мўътадил даража ҳам йўқдур. Ва агар истиво бирлан ихтилоф адади зарба ила ажзойи шараёнда мавжуд бўлса, баданнинг баъзи аҳволи яхши ва баъзи аҳволи ёмонлигига далолат қилур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, баъзилар томурнинг ихтило-

¹ Бу ерда Боситхон ҳаким ўзини назарда тутмоқда.

фининг баёни ақлан шул тариқа ихтилоф бўлмоқ мумкин-лигиға биноандур. Ва илло воқеъан бу ихтилофға вужуд йўқдур деб, гумон қилғондурлар. Ва гумонлари хатодур. Ва бундоқ гумондин ҳазар қилмоқ лозимдур. Зероки, муқаррар бўлгондурки, ҳар бир шараён ўз таъби бирлан ҳаракат қилур. Бас, мумкиндурки, ани ажзоларини ҳаракати бир-бирига мувофиқ ёки мухолиф бўлса. Чунончи бир узвға чиқғон ёки бошқа жароҳат ва ё шиш пайдо бўлуб, анда ҳарорат зиёда бўлса, ул узвнинг шараёни бошқа шараёнларға нисбатан кўпроқ ва тезроқ ҳаракат қилур. Лекин бул тариқа ихтилоф кам воқеъ бўлур. Ва қийинлик бирлан маълум бўлур. Аммо томур зарбаларидаги ихтилоф кўп воқеъ бўлур. Ва осонроқ маълум бўлур. Бинобарин, аксари китобларда ихтилофни шул томур зарбасида бўладурган ихтилофға иқтисор қилингандур. Ва бу ихтилоф ҳам икки ваҳҳдин холий бўлмас.

Бир ваҳҳ шулки, бир навъда батадриж ихтилоф воқеъ бўлур. Масалан, ул томур катта бўлур. Яъни инбисотида зоҳир тарафға кўпроқ зоҳир бўлур. Ва иккинчи зарбасида аввалгидин камроқ ва учинчи зарбада андин ҳам камроқ ва ҳоказо батадриж боруб, томур кичик бўлур. Ва бул тариқа ихтилофни ихтилофи муттасил дерлар.

Ва агар ихтилофи муттасил ниҳоятиға етуб, томур кичик бўлса, сўнгра яна катта бўлмоқға авд қилур. Бинобарин ани номини оид дерлар.

Бас, агар авдда ҳам батадриж катта бўлса, ани номини мухталифи мунтазим дерлар. Ва агар миёнада тадрижға хилоф бирлан катта бўлса, ани мухталифи номунтазим дерлар. Ва ихтилоф воқеъ бўладурган бошқа қисмларни, чунончи тез ҳаракат ила сушт ҳаракатдин бўладурган ва мутаботир ила мутафовут ҳаракатдин бўладурган ихтилофларни ҳам шунга қиёс қилинур.

Ва иккинчи ваҳҳ шулки, ихтилоф батадриж бўлмай, дафъатан пайдо бўлур. Ва бул ихтилоф ҳам ё интизомлик бўлур ва ё беинтизом бўлур. Чунончи доим бир дафъа катта ва бир дафъа кичик бўлуб, ихтилоф қилса ва ихтилоф навбатини хато қилмаса, ихтилофи мунтазими батадриж дерлар.

Ва агар баъзи навбатда бир ё икки зарбадин сўнг ва баъзи навбатда бир ё олти зарбадин сўнг ихтилоф қилса, ихтилофи ғайри мунтазими бетадриж дерлар.

Аммо ўн биринчи жинс томур ҳаракатининг мунтазим ва ғайри мунтазимлигидин олинур. Ва бу жинс икки қисмга мунқасим бўлурки, бири **мунтазим** ва бири **ғайри мунтазим**-дур. Лекин албатта мухталиф бўлур. Яъни мухталифи мунтазим ва мухталифи ғайри мунтазимга тақсим бўлур.

Бас, мухталифи мунтазим шулки, тариқаи ҳаракатини бир нисбатда маҳфуз тутар, яъни ихтилофи доим ватирада бўлур. Ва бадан ҳолини ихтилофи ҳолига ўхшаш эканига далолат қилур, яъни ихтилофи ғайри мунтазим ҳолига ўхшаш. Ва лекин ул ҳолдин бошқа ҳолда эканига далолат қилур.

Ва билмоқ керакки, мухталифи мунтазимнинг ҳоли мухталифи ғайри мунтазимга нисбатан жадид ул-фасод эрмас. Ва илло муставийга нисбатан ридоъат ва фасоди зоҳирдур. Аммо мухталифи ғайри мунтазим ҳукми ани хилофидур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ушбу ўнинчи жинсда мазкур бўлгон ихтилофлар айнан тўққизинчи жинсдаги ихтилофдур. Бинобарин, ҳақир бу ажносни тўққиз ададга мунқасим қилмоқга лойиқ кўрганимни тўққизинчи жинсда баён этган эдим. Шунга биноан бўлса керакки, шайх Бу Али ва Муҳаммад Закариё раҳимаҳумулюҳ адиллаи набз баёнида бетъдод баён қилгондурлар. Ва ҳақим Муҳаммад ибни Маҳмуд Чағминий раҳимаҳуллоҳ “Ва-л-қисм ул-ашир ъинда-т-тахқиқ дахилун тахта-л-қисм ит-тосиъ”, деб тасриҳ ҳам қилубдурлар. Аммо ҳақим Жолинус мустақил бир жинс деб баён қилгондур. Ва аксари мутааххирийн анга тобеъ бўлгондурлар. “Фа-л-илму ъинда-л-лаҳи-л-Ҳақим ул-Мутаъол”.

ИККИНЧИ ФАСЛ ТОМУРНИНГ АНВОЪИ МУРАККАБАЛАРИ БАЁНИДАДУР

Ва анвоъи мураккабанинг бири набзи азимдур, яъни катта демакдур. Ва маълумдурки, томур жисмдур. Ва жисмнинг ҳажмига ибъоди салоса лозимдур. Яъни жисмни бўйи, эни ва чуқури ва қалинлиги бўлур. Бас, собитдурки, агар жисм катта бўлса, бўйига ва энига ва қалинлигига ўсуб, катта бўлур. Бас, томурни катталиги шундин иборатдурки, ушлаган табибнинг ҳамма панжаларининг учида ҳам томурнинг ҳаракати маҳсус бўлур. Ва агар қўлини бошқа тарафга қилиб ушласа, бошқа тарафда ҳам томур ҳаракати маълум бўлурки, тўрт панжани энидин зиёда жойда ҳам ҳаракат маҳсуслиги томурни бўйига катталигидур. Ва инчунин томур энига ҳам катта ва йўғон бўлур. Чунончи, ушлагон панжа учларини кўпроқ миқдор жойига маҳсус бўлур. Ва инчунин чуқурига ҳам катта бўлур. Яъни инқибоз ва инбисот ҳаракатидаги масофаси узоғроқ бўлуб, қўлга ани зоҳир тарафга кўпроқ чиқғони маҳсус бўлур.

Бас, маълум бўлдики, бир ҳаракати азим уч хил ҳаракати баситадин мураккабдурки, бўйи ҳаракати ва эн ҳаракати ва чуқур ҳаракатидур. Аммо сағирлик изамликни муқобилидурки, бўйи ва эни ва чуқурлигида ноқис бўлур.

Ва мўътадил шулки, томур катталиқ ва кичикликда миёна даражалиқ бўлур. Ва мураккабнинг бир навъи ғализликдур. Ва ғализ деб энига ва чуқурига зиёда бўлғон ва бўйига зиёда бўлмағон томурни айтилар.

Бас, ғализ икки хил баситдин мураккабдурки, араз ва умқдур. Ва дақиқ ани муқобилидур. Яъни эни ва чуқурига ноқис бўлур. Ва мўътадил шулки, ғализ ва дақиқнинг даражасига нисбатан миёна даражада бўлур. Ва бу олти ақсомки, азим ва сағир ва мўътадил ва ғализ ва дақиқ ва мўътадилдур, буларнинг ҳар бирлари басоитида қилғон далолатларини қилурлар.

Ва басоитнинг сабаблари мазкур бўлғондурки, ани ижтимоъи ила ҳукм қилмоқ мумкиндур. Ва такрор баёнига ҳожат йўқдур.

Аммо бу маврида бошқа фоидаларини баён қилинур.

Ва билмоқ керакки, томурни катта бўлмоғига уч хил сабаб даркордур. Биринчи, ҳароратнинг зиёдалигидурки, ани тарвиҳ бирлан таскин бермоқға муҳтожлик бўлғай.

Ва иккинчи, қуввати ҳайвонийя бақувватлигидурки, томурни кўп миқдор ҳаракат қилдурмоқға қодир бўлғай.

Ва учинчи, томурнинг қобилиятидурки, қуввати ҳайвонийя таҳрикиға иттибат ва қабул қилғай. Бас, агар шул уч сабаб жамъ бўлмаса томур ҳаракатида катталиқ ҳосил бўлмас. Лекин ҳароратни тарвиҳ ила таскин бермоқ ҳожати ҳамма инсонда бир текис миқдорда бўлмас. Бинобарин, агар томурни катта бўлмоғига боис бўлгон миқдордин зиёдароқ ҳожат бўлса, ул вақтда томурни катталигиға суръат, яъни тез ҳаракати ҳам қўшилур. Ва агар андин ҳам ҳожат зиёдароқ бўлса суръатға тавотур ҳам қўшилур. Ва бу баён бўлгон кайфиятлар ҳаммаси азими ҳақиқийға назарандур.

Аммо агар томур азими ҳақиқий бўлмаса бул мабҳасдин хориждур. Ва шул фаслни охирида аърози нафсонийя набзида азими ғайри ҳақиқийни алоҳида баён қилинур, иншааллоху таъоло.

Аммо томурни кичиклигиға боис сабабларни томурнинг катталигиға боис сабаблар хилофидин билмоқ мумкиндур. Ва яна қуввати ҳайвонийянинг инзиготи, яъни сиқилмоғи ҳам томурни кичик бўлмоғига сабаб бўлур. Ва қувватни сиқилмоғи икки навъ бўлур.

Бир навъи шулки, инсон кўп миқдор физо тановул қилгон бўлур. Ва физо меъдаға кирганда қувватға оғирлик қилуб, ҳарорати ғаризийяни суст қилур. Бас, қувват бу ҳолдин озурда ва гашвишноқ бўлғони учун томурни камоли инбисот ила ҳаракат бермоқдин ожиз бўлур. Бас, ночор томурда кичиклик ориз бўлур. Ҳаттоки қувват тамом мағлубликдин фоний бўлмоқ ва ҳалок бўлмоқ ҳам мумкиндурки, бўкмоқ шул ҳолатдин иборатдур.

Ва қувватнинг иккинчи навъ сиқилмоғи хилтни сабаби ила бўлур. Яъни бир маҳаллға уфунатлик хилт жамъ бўлуб

Ўзини кўплиги кайфиятини ҳиллати бирлан қуввати ҳайвонийни озурда ва ташвишноқ қилур. Бас, қувват ҳам камоли маломатидин томурни камоли инбисот ила ҳаракат бермоқға чандон илтифот қилолмас. Ва ночор томур сағир бўлур. Чунончи, мисоли иситма касалининг аввалғи вақтларидурки, ул вақтда, қувватнинг энг муҳим вазифаси ўшал хилтни дафъиға таважжуҳ қилмоқдур. Шунинг учундурки, хилти мутааффинни жамъ бўлгон маҳаллиға табиат ғалаба қилуб. мазкур хилтни эритуб, аксар миқдорини таҳлил берур. Бас, қувватни устидаги юки завод топуб, енгиллагон сабаблик қувват яна ўз ҳолиға авд қилуб, томурлар таҳрикиға таважжуҳ қилур. Ва томурни азим қилур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, агар қувватға мумкин бўлса мақсудни таҳсили учун, яъни ҳароратни тарвиҳи учун фақат томурни азим қилмоқ ила қаноатланур. Ва суръат учун таъадди ва тажовуз қилмас. Ва агар томурни азим қилмоқ ила мақсуд ҳосил бўлолмас, ул вақтда ҳам азим, ҳам суръат қилур, аммо тавотурға тажовуз қилмоқ ва бул ишдаги қувват мисоли гўё бир хизмат учун юруб борадурган одамға ўхшарки, агар ул одамни хизмати муҳим бўлса, қадамини катта кўяр, токи масофани тезроқ қатъ қилуб, мақсудға етгай. Ва агар ул хизматнинг аҳамияти бундин ҳам зиёдароқ бўлса, қадамни катта кўймоқға суръатни ҳам кўшар. Ва агар андин ҳам зиёдароқ муҳим бўлса, суръатнинг устига тавотурни ҳам кўшар.

Ва суръат шулки, юрган вақтда оёғини ҳаракати замони қисқа бўлмоқдур. Ва тавотур шулки, босилгон оёқни иккинчи қадам вақтигача сукун замони қисқа бўлур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, дил ва руҳни тарвиҳи учун ҳожати зиёда бўлғони учун томурни ҳадди эътидолдин зўр ҳаракатлик тарафға хориж бўлмоғида томурға аввалан азимлик, сўнгра суръат, сўнгра тавотур ҳосил бўлғони каби баъд аз завод ҳожат эътидол тарафға ружуида ҳам аввалан тавотур, сўнгра суръат, сўнгра азимлик зоил бўлур. Ва ҳосили калом шулки, эҳтиёж даражаларини шулардин топмоқ мумкиндр.

Ва билмоқ керакки, дилни тарвиҳ учун муҳтож бўлгон вақтида томурга аввалан йўгонлик ориз бўлмоғи бартақдир монень бўлмоғон вақтда бўлур. Бас, агар моненьлик бўлса, чунончи томурни жинсида салобати ва қаттиқлиги ила қувватга итоатсиз ва йўгонлашмоқга ноқобил бўлса, ул вақтда томур ингичкалик ҳолича суръат бирлан инбисотга ҳаракат қилур. Ва йўгон бўлмас. Ва тарвиҳ учун дилни ҳожати зўрроқ бўлса, томурнинг ингичкалик ҳолича анга ҳам суръат, ҳам тавотур ориз бўлур. Ва агар томурнинг йўгон бўлмоғониға ўзини қаттиқлиги бўлмай, балки қуввати ҳайвонийяни заифлигинин бўлса ва тарвиҳ учун дилни ҳожати камроқ бўлса, ул вақтда томур ингичка, лекин тез ҳаракатлик бўлур. Аммо тавотур бўлмас. Ва агар тарвиҳ учун дилни ҳожати зўр бўлса, томур ингичка ҳолича ҳам суръатлик ва ҳам тавотурлик бўлур.

Ва агар қуввати ҳайвонийя чунон заиф бўлсаки, томурни суръат ила ҳаракат қилдурмоқга қодир бўлмаса, бул вақтда томур ҳам ингичка ва тавотурлик бўлур. Фақат аммо суръат бўлмас. Токи томурни йўгон бўлмоғон нуқсони ва ҳам суръатлик бўлмоғон нуқсонини тўлдирмоқ учун изтироблик ҳаракат қилурки, тавотур шундан иборатдур.

Бинобарин, атиббо томурнинг йўгонлик ва суръатлик ва тавотурлик эътибори ила қувватни ва томурни ҳолини чунон ташбиҳ қилурларки, гўё бир оғир юкни кўтармоқга музтар бўлгон кишининг ҳоли кабидур, дерлар. Зероки, оғир юкни бир маҳалли мақсудга элтмоқга муҳтож бўлгон киши агар қодир бўлса ҳамма юкни бир дафъада маҳалли мақсудга етказур. Ва инчунин қуввати ҳайвонийя ҳам агар қодир бўлса ва бошқа монень бўлмаса дилни ҳожатиға лозим миқдор ҳавойи насимни бир ҳаракати инбисот ила олмоқ учун томурни йўгон қилур. Яъни ҳавойи насимдин томурга кўпроқ истиншоқ қилур. Аммо суръатга ҳожат бўлмас. Ва агар юк кўтаргувчи ул юкни ҳаммасини бир дафъада кўтармоқга қодир бўлмаса икки тақсим қилиб, икки бора кўтариб элтар. Лекин ҳаммасини ўз вақтиға еткизуб бормоқ учун тезроқ ҳаракат қилур, токи бир дафъада еткизмоқ фурсатиға икки дафъани сиғдирмоқни

тадорукени қилгай. Ва инчунин қуввати ҳайвонийя ҳам андак заифроқ бўлуб, дилни ҳожатиға лойиқ ҳавойи насимни бир дафъада истиншоқ қилмоқға қодир бўлмаса, ночор икки бора истиншоқ қилур.

Лекин дил ва руҳ қизиб кетмасин учун тезроқ иккинчи дафъа истиншоқ учун ҳаракат қилурки, суръати набз шундин иборатдур. Ва агар ул юк кўтарғувчи киши икки тақсим қилуб кўтармоқға ҳам қодир бўлмаса, бир неча ҳиссаға тақсим қилуб, неча дафъа кўтарур. Ва ҳожат вақтиға еткизуб бормоқ учун ғоят даража шитоблик бирлан ҳаракат қилур. Ва инчунин, қуввати ҳайвонийя ҳам кўп заиф бўлса, дилни ҳожатиға лозим бўлгон ҳавойи насимни бир бора истиншоқ фурсатида бир неча бора истиншоқ қилмоғиға камоли изтироб ила ҳаракат қилурки, томурнинг тавотури шундин иборатдур.

АНВОЪИ МУРАККАБОТИ НАБЗнинг бири набзи физиодур. Ва ул шундоқ ҳаракатдурки, томурни ушлаган кишининг қўлиға пайваста ҳаракати инбисот зарбаси суръатлик маҳсус бўлур. Хаттоки икки ҳаракати инбисот миёнасида инқибоз учун дохил тарафға ружуъи ёки сукуни маҳсус бўлур. Ва бу тариқа ҳаракат дилнинг тарвиҳи учун ҳожати ғоят даражада шиддатлик эканиға далолат қилур. Ва бу ҳолатға сабаб ҳам суръати набзнинг сабабидурки, руҳни қизитуб турган ҳароратдур. Бас, агар ул ҳарорат андак бўлса, томурнинг катта ва йўгон бўлмоғиға сабаб бўлур. Ва агар андин кўпроқ бўлса, томурни ҳам йўгон ва ҳам тезлигиға сабаб бўлур. Агар андин ҳам кўпроқ бўлса, томурни ҳам йўгон, ҳам тез ва ҳам тавотуриға сабаб бўлур. Агар жуда кўп ва ўткир ҳарорат бўлса, томурни ҳаракати физиодий бўлмоғиға сабаб бўлур. Ва бу ҳаракатнинг номини шунинг учун физиодий дерларки, физол, яъни оҳу чопғонда ва сакрағонда чунон тез ҳаракат қилурки, аёғини ердин кўтарғони ва ерга босғони ва ерда оёғини тавакқуф қилғони асло маҳсус бўлмайт бўлмас.

Ва инчунин, бу томурни ҳаракати интисотдин сўнг инқибоз учун дохил тарафға ружуъи ва сукуни ҳам камоли тезлигининг маҳсус бўлмас. Балки, пайдарпай инбисотнинг зарбаси

маҳсус бўлуб турар. Бинобарин, физиолий дерлар. Ва физиолий гўё воқеъ фи-л-васатга, яъни қўшалок зарби инбисотга ўхшар. Чунончи баён қилинур.

ВА АНВОЪИ МУРАККАБОТИ НАБЗНИНГ бири мавжийдур, яъни томур йўғонлик ва ингичкаликда ва зоҳир тарафга кўтарилмоқ миқдорда ҳамма ажзоси бир-бирига мухталиф бўлурлар. Чунончи, табибнинг жимжилоқ панжасини тагида бўлгон томур жузви каттароқ ва тўлароқ ва зоҳир тарафга хуружи ҳам кўпроқ маҳсус бўлур. Ва табибни жимжилоқ панжасини ёнида бўлгон панжасига муқобил бўлгон жузви аввалгига нисбатан камроқ ва ўрта панжага муқобил жузви андин ҳам камроқ ва бош панжага муқобил жузви андин ҳам камроқ маҳсус бўлур. Лекин томур тўла бўлурки, бу томурнинг ҳоли мавжлик сувнинг ҳолига ўхшар. Зероки ҳавзда сокин тургон сувга бир оғир ёки қаттиқ нимарсани ташланса, ани тушган нуқтаси марказ бўлуб, марказ атрофида кўп адад мавжий доиралар пайдо бўлур. Ва дохил тараф доиранинг ҳаракати ва ҳажми хориж тараф доирага нисбатан кичикроқ, лекин тезроқ ва баландроқ бўлуб бир-бирларини хориж тарафга таъқиб қилурлар. Ва томурнинг дохил тараф жузви хориж тараф ажзосига нисбатан тезроқ ва баландроқ ҳаракат ҳаракатлик бирлан ажзолари мухталиф бўлғони мавжи ҳаракатига ўхшар. Бинобарин бу қисмнинг мавжий деб тасмия қилғондурлар.

ФОИДА. билмоқ керакки, мавжий ҳаракатнинг сабаби икки эҳтимолдин холий эрмас. Бир эҳтимол шулки, қуввати муҳаррика заиф бўлур. Бинобарин томурнинг ҳамма ажзосини бир дафъа инбисоти таҳрик бирлан баробар ҳаракат қилдурмоқга қодир бўлолмас. Балки андак-андак ҳаракат қилдирарки, бу ҳаракатлар бирини сўнгидин ажзоси қувват манбаига яқинроқ бўлғони учун анга қувватнинг таъсири кўпроқ бўлур. Ва ани хориж тараф ажзоси қувват манбаидин узоқроқ бўлғони учун анга қувват таъсири камроқ бўлур. Бинобарин ҳаракати андак камроқ бўлуб, ҳамма ажзонинг ҳаракати бир-бирига тафовутлик бўлур.

Ва иккинчи эҳтимол шулки, томурнинг қивоми бағоят юмшоқ бўлур. Бинобарин қувват агарчи заиф бўлмай, бир дафъа таҳрик бирлан томурнинг ҳамма ажзосини баравар ҳаракат қилдирмоқға қодир бўлса ҳам, лекин томурнинг ўзи юмшоқлик сабабдин баробар ҳаракат қилолмас. Балки бир жузвға ҳаракат андак-андак сироят қилур. Бинобарин ҳамма ажзода ҳаракат баробар бўлолмас.

Ва зоҳирдурки, қаттиқ нимарсани бир тарафидин андак ҳаракат қилдурилса, ани ҳамма ажзоси баробар ҳаракат қилур. Ва агар юмшоқ нимарсани бир тарафини ҳаракат қилдурилса, ани шул тарафини ҳаракат қилуб, бошқа тарафи беҳаракат қолмоғи мумкиндур. Ва бул тариқа мавжий томур баданда рутубатнинг ифрот даража қолиблиғига далолат қилур. Чунончи, истисқо, зот ур-рия ва фолиж ва сакта ва раъша ва бунга ўхшаш рутубат галабасидин ориз бўлган касалларнинг томури мавжий бўлур.

АНВОЪИ МУРАККАБОТИ НАБЗНИНГ бири дудийдур. Ва дудийнинг суврати ҳам хорижға кўтарилмоқда ва марказга қайтмоқда гўё мавжий каби бўлур. Лекин йўғонлик ва тўлаликда андин камроқ бўлур. Ва бунда мавж ҳам камроқ бўлур. Яъни томур ажзосини миёналарида ихтилоф камроқ бўлур. Ва бу томурнинг ҳаракати гўё кўп оёғлик қуртнинг ҳаракатиға ўхшар. Бинобарин дудий деб ном қўйилғондурки, дуда деб арабда қуртни айтурлар.

Ва бу томур қувватнинг миқдори кўпроғи соқит бўлуб, заифланғониға далолат қилур. Зероки, агар қувватнинг озроқ миқдори соқит бўлса, заъфи мавжийға сабаб бўлур. Аммо дудийға сабаб бўлмас.

ВА АНВОЪИ МУРАККАБОТИ НАБЗНИНГ бири намлийдур. Ва бу томур ниҳоят даража ингичка ва ғоятда мутавотир бўлур. Зероки, бунда қувват ғоят даража заиф бўлуб, руҳ ва дилни ҳожатиға лойиқ ҳавойи насим жазб қилолмоғони учун ночор изтироб ила мутавотир жазб қилмоқға муҳтождур. Ва бу ҳолат қувватнинг тамом соқит бўлғониға ва ўлимнинг яқинлиғиға далолат қилур. Ва бу ҳаракат заифликда, яъни

серҳаракат бўлса ҳам бибаракатликда гўё чумолининг ҳаракатига ўхшар. Бинобарин номини намлий дерларки, арабда чумолини намл дерлар.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, қуввати ҳайвонийянинг заифлиги ё ҳақиқатдан заиф бўлур ёки ҳукман заиф бўлур. Яъни асли бақувват бўлса ҳам, лекин баъзи монеънинг манъи сабаблик томурни камоли таҳриқиға қодир бўлолмас. Чунончи, набзи мавжийда қуввати ҳайвонийя ҳақиқатдан бақувват бўлур. Лекин томурда рутубатнинг ғалабаси томур ажзосини ҳаммаси баробар ҳаракат қилмоғиға монеъ бўлур.

Аммо ҳақиқатдан заиф ҳам икки навъ бўлурки, ё ҳоли табиийдин андақ нуқсонлик бўлур ёки бағоят заиф бўлур. Бас, агар андақ заиф бўлса, набзи дудийға сабаб бўлур. Агар бағоят заиф бўлса, набзи намлийға сабаб бўлур.

Бас, бу уч хил набзнинг, яъни набзий ва дудий ва намлийнинг бир-бирларидин имтиёзи ғоятда қийин ва ғомиздур. Бинобарин, гарчи татаввули калом бўлса ҳам миёналарида яна бир тариқа тафракка баён қилмоқ сазовор кўрилди.

Бас, билмоқ керакки, мавжийда рутубатни ғалабаси сабабдур. Ва ани лозимаси имтилодур. Ва томурнинг имтилоси мавжийлигиға далили кофийдур. Аммо дудий ва намлийнинг сабаби фақат қувватнинг заифлигидур. Ва анинг лозимаси томурнинг ингичкалигидур. Лекин табиий ҳолдин андақ ингичка бўлмоғи дудийлигиға далили вофийдур. Ва ҳоли табиийдин кўп даража ингичкалиги намлий эканиға хужжати қатъийдур.

Ва инчунин дудий ила намлийда томур ҳаракати сушт ва лекин мутавотир бўлмоғи лозимдур. Яъни инбисот ва инқибоз учун ҳаракати замони узоқроқ, лекин ҳар икки ҳаракат миёнасидаги сукуннинг замони қисқароқ бўлмоғи лозимдур. Зероки томурнинг тезлиги қувват бирлан бўлур. Ва қувват заиф бўлгонда томурға сушлик вожиби табиийдур. Ва мутавотирлигиға сабаб шулки, ҳар вақт қувват заиф, лекин дил ва руҳнинг тарвиҳ учун ҳожати зўр бўлса, қадр ҳожати истиншоқни тамом тўлдирмоқ учун қувватнинг изтироби ҳам зарури

табийдурки, шул изтироби ҳаракат тавотурдин иборатдур.

Аммо дудий ила намлийнинг миёнасида яна шундоқ фарқ қилмоқ мумкиндурки, дудийнинг ҳаракати инбисотийни аксар одам тез ҳаракат деб, гумон қилур. Зероки, анда бўлгон андақ тавотур гоҳи томурни тез ҳаракатлигиға ўхшатуб эҳсос қилдирур. Ваҳоланки, томур тез эрмас, чунки ҳаракатда инбисот замони қисқа эрмас. Балки сукуни замоний қисқадур. Аммо намлийда бундоқ шубҳа бўлмас. Чунки ҳаракатда инбисот замони ҳоли табиийдин узоғлиги равшан маҳсус бўлурки, қувват бағоят заифдур. Лекин тавотури жадидроқ бўлурки, ҳожати тарвиҳийнинг зўрлигини лозимасидур. Аммо набзи намлий янги туғилган боланинг ҳаққиға набзи табиийдур. Магар бошқалар учун нишонай мавтдур.

ВА АНВОЪИ МУРАККАБОТИ НАБЗНИНГ бири муншорийдур. Ва муншорий томурнинг шарти лозимаси қаттиғликдур ва аломати юқориға кўтарилмоқда ва пастға ружуъ қилмоқда томурнинг ажзосида инбисот ва инқибоз вақти мухталиф бўлур. Ҳаттоки баъзи ажзосини кўтарилган вақтида бошқа ажзосини пастға ружуъи маҳсус бўлур. Бас, гўё бу ҳаракати муншорни, яъни аррани ҳаракатиға мушобиҳ бўлур. Бинобарин, бу ҳаракатни номини муншорий дерлар.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, “Қонун”да ва бошқа аксар китобларда набзи муншорий тез ва мутавотир ва томурнинг ажзоси катталиқда ва инбисотда қаттиқ ва юмшоқликда мухталиф бўлур, деб ёзилгондур.

Бас, бу баёнға назаран томурнинг баъзи ажзоси қаттиқ ва баъзи ажзоси юмшоқ бўлур экан, деб гумон қилинмасин. Чунки набзи муншорийда томурнинг ҳамма ажзоси ҳам қаттиғликдин холий эрмас. Лекин бу баёндаги юмшоқлик ихтилофдин изофий муроддур, яъни томурнинг баъзи ажзоси жуда қаттиқ ва баъзиси қаттиқ бўлса ҳам аввалғиға нисбатан андақ бўшроқ демак муроддур. Аммо ҳақиқатан юмшоқ демак мурод эрмас. Ва соҳиби “Нафисий” ҳам шундоқ таъйин мурод қилибдурлар.

Ва набзи муншорий бир узви асабоний ва катта ва

хароратлик варам борлигиға далолат қилур. Ва ҳам қуввати ҳайвонийянинг бақувватлигиға далолат қилур. Шунинг учун томурни ҳаракатида тавотур ила суръат ҳам бўлур. Ва маълумдурки, суръат қувватсиз мавжуд бўлмас. Зероки, агар қуввати ҳайвонийя бақувват бўлмаса эрди, қаттиғ ва салобатлик томурнинг баъзи ажзосини йўғон ва инбисотни баланд қилолмас эрди.

Ва набзи муншорийнинг сабаби томур ажзосини қаттиғ ва бўшлиқда мухталифлигидурки, ани мухталифлиги ушлаған кишиға маҳсус бўлмас даражада хафий бўлур. Лекин зоҳирдурки, томурнинг баъзи қаттиғ бўлғон ажзоси инбисотда албатта кичикроқ ва кечроқ маҳсус бўлур. Ва бўшроқ ажзоси инбисотда каттароқ ва тезроқ маҳсус бўлурки, шул далил бирлан томур ажзосида қаттиғлик ва бўшлиқ ва йўғонлик ва ингичкалик ва томур зарбида муқаддамлик ва муаххирлик ихтилоф собит бўлур.

Ва набзи муншорий шул ҳолати мухталифадин иборатдур.

Ва томур ажзоларини мухталиф бўлмоқлариға асли сабаб ҳақиқатдан икки ҳолдин холий бўлмас. Бирини шулки, томурнинг жирмиға сингиб ўрнағон моддаларнинг уфунатда ва назж ва фажожатда мухталиф бўлурлари давронга нисбаган томур нисбати ҳам мухталиф бўлур. Зероки модданинг уфунати ёки назжи, яъни пишганлиги албатта бўшашмоқни лозим тутар. Ва моддани беуфунатлиги ва хомлиги қаттиғликни ижоб қилур.

Ва иккинчи ҳолат шулки, аъзойи асабийларнинг бирида варам пайдо бўлур. Бас, шул сабабдин томур ажзосида ихтилоф воқеъ бўлур. Зероки, шараён ташриҳида собит ва муқаррар бўлғондурки, ҳар бир шараён икки қават гишо бирлан ўролғондур. Ва хорижий гишо қалин ва ҳар бир шараёнда кўриниб турар. Аммо дохийий шараён ғоят даражада юпқа бўлур. Бинобарин, баъзи катта шараёнларда кўринса ҳам, майда шараёнларда асло маҳсус бўлмас. Қишо эса ҳақиқатга етиб собит бўлғондурки, асаб торалари ва работ торалардин тўкилуб, ҳосил бўлғон пардалардур. Бас, ҳар гоҳ бир узви

асабийга варам пайдо бўлуб, ул узвнинг ҳажми зиёда бўлса, ани пайлари тортилуру. Бас, шул пайдин шўба бўлуб бориб, мазкур пардага мураккаб бўлгон тораларни ҳам тортадуру.

Ва мазкур торалар ҳам би-3-заруру гишои мазкурни тортуб. сатҳини танг қилурулар. Бас, гишо мунқабиз бўлуб, ночору ўзига муҳозий бўлуб тургон шараённи сиқуб, тангроқ қилуру. Бинобарин, шараённи инбисотида қийинлик ориз бўлуб, инбисоти комил бўлолмас. Аммо бошқа аъзони пайларидин ва асабдин шўба бўлуб, мазкур пардага мураккаб бўлгон торалар тортилмай асл ҳолатича турарлар. Шул сабабдин набз мухталиф бўлуру. Зероки, асли ҳоли табиийсида тургон торалар шараён ҳаракатиға монё бўлмоғони учун ани тагида бўлгон шараённи инбисоти комил, яъни шараён инбисотда йўғонроқ ва ҳаракати тезроқ ва жисми ҳам бўшроқ бўлуру. Аммо варамлик узвнинг асабидин шўба бўлуб, варам сабаби ила тортилуб тургон тораларнинг тагида бўлгон шараён ажзосининг инбисотиға мазкур торалар фи-л-жумла монё бўлғони учун бу жузвнинг инбисоти комил ва ҳажми йўғон ва ҳаракати тез ва жисми бўш бўлолмас. Бинобарин, ажзои шараён мухталиф бўлуру.

ВА АНВОЪИ МУРАККАБОТИ НАБЗНИНГ бири занб ул-фордуруки, луғати арабийдуру. Ва думи муш ва туркийда сичқоннинг думи муълумдуруки, баданға муттасил тарафи йўғонроқ ва уч тарафи ингичкароқ, миёнлари шунга нисбатан тафовутлик бўлуру. Ҳамма ажзоси мухталиф бўлуру. Ва инчунин бу набзда шараённинг ҳам инбисотдаги ҳажми ва зоҳир тарафға кўтарилмоғида ҳар бир зарбаси аввалғи зарбадин батадриж тафовутлик бўлуб, то тобора катталиқдин кичикликға таназзул ила ва ё кичикликдин катталиқға тараққий ила мухталиф бўлуру.

Ва шайх Абу Али ибн Сино ва Муҳаммад ибн Чағминийнинг баёнлариға назаран набзи занб ул-фор учун шул қадар таъриф кофий бўлуб, бу ихтилофнинг ниҳоятидин сўнг яна аввалғи ҳолиға авд қилмоқ ва авд қилмаслигининг сукут қилинғондуру. Ва бошқа аксар кутуби мўтабараларда ҳам авд ва ружуъ калимаси соқитдуру.

Аммо ҳаким Қарший раҳматуллоҳи алайҳ “Китоби Мўъ-жаз”ларида ружуъни набзи занб ул-фор таърифига дохил қилгондурлар. Бинобарин, бу мақом маҳалли тафсилдурки, бағоят ғомиз мақомдур.

Билмоқ керакки, бу набз кўп қисмларга мунқасимдурки, алардин баъзи қисмларини ўзлариға махсус номлари бордур. Ва баъзиларини махсус номи йўқдур. Ва ҳар бирларини бошқа кўп фавоиди ила муфассал баён қилмоқ лозимдур.

Бас, махфий қолмасинки, набзи занб ул-фор набзи форийнинг бир қисмидур. Ва набзи форий шундоғдурки, анда шараён томурининг ҳамма ажзоси зиёдалик ва нуқсонликда мухталиф бўлур. Яъни бир мартабадин яна бошқа бир мартабаға интиқол қилур. Хоҳ ул сўнгги мартабадин аввалги мартабаға батадриж ружуъ қилур, хоҳ дафъатан авд қилур, хоҳ мутлақо авд қилмас. Бас, агар авд қилмаса ёки бир маромда авд қилса, ул набз набзи форий собитдурки, номини занб ул-фор дерлар.

Ва агар сўнгги мартабадин аввалги мартабаға дафъатан авд қилса, ани махсус номи йўқдур. Ва занб ул-фор ила махсус номи бўлмоғон қисм ҳар иккиси набзи форийнинг қисмидиндурлар. Ва яна булар ўзларича уч қисмға мунқасим бўлурлар. Ва булардин биринчи қисм шулки, набз аввалан катталиқ ҳолда махсус бўлур. Сўнгра батадриж кичикликға мухталиф бўлур. Ҳатто бир даражаға етарки, ғоят кичикликдин асло махсус бўлмай қолур. Ва номини занб ул-мунқизий дерлар. Чунончи “Оқсароий” ва “Захира” китобида шундоғ марқумдур.

Набзи мунқизий ғоятда ёмон радиъдур. Ва ажал соати қариблигига далолат қилур. Зероки қуввати ҳайвонийя камоли заифликдин батадриж сусланиб, оқибат ҳаракатға ожиз бўлуб, дам олмоқ учун ҳаракатдин тўхтағон бўлур. Ва бир замонедин сўнг руҳнинг ижтимоъидин ёрдам бўлғони учун яна ҳаракатға шуруъ қилур. Бас, бу қадар заиф бўлғон қувват тез фурсатда фано бўлуб, ажал соати етишар.

Ва иккинчи қисми шулки, бир мартабадин яна бир мартабаға батадриж мухталиф бўлур. Сўнгра аввалға мартабаға

ружуъ қилмай, сўнги мартабада собит қолур. Ва номини занби собит дерлар. Чунончи, “Оқсароий”нинг тахрирларидин шундоқ мафхум бўлур. Бас, бу набз агар катталикдин ибтидо қилуб, батадриж кичиклик мартабага етуб, анда собит қолса, номини занби собити назир дерларки, биринчи қисмдин ҳам ёмонроқдур ва ажални етишмоғига далилдур. Зероки, биринчи қисмда руҳни ижтимоъидин қуввати ҳайвонийяга ёрдам етуб, яна ҳаракатга боис бўлур эди.

Аmmo бунда руҳни ҳам озлиғи ва заифлиғи учун қувватга ёрдам беролмағони маълум бўлур. Ва агар набз аввалан кичик мартабадин ибтидо қилуб, батадриж катталик мартабага етуб андин собит қолса номини занби собити башир дерлар. Зероки, қуввати ҳайвонийя аввалғи заиф ҳолидин ҳам руҳни ижтимоъидин ёрдам олғони, ҳам касални шиддати табиат таважжуҳидин мундафиъ бўлғонига далолат қилур.

Ва учинчи қисми шулки, набз бир мартабадин ибтидо қилур. Ва батадриж иккинчи мартабага етуб, андин яна авд қилур. Масалан, аввалан томур катталик, хоҳ кичиклик даражадин ибтидо қилуб, батадриж ўзини зидди бўлгон мартабага моил бўлса. Ва оқибат бир даражаиға етуб, андин яна аввалғи мартабасиға ружуъ қилса, номини занби рожий дерлар. Ва занби рожий ҳам миқдори ружуъ эътибори ила мухталиф бўлур. Зероки набз катталик мартабадин бошлаб батадриж кичик бўлса, сўнгра яна авд қилуб, кичикликдин яна аввалға ибтидо қилуб катталик даражага бекаму кўст етса, номини занби мутарожиъи томм ур-ружуъ дерлар. Ва бу набз қувватни аввалғи даражадаги қувватга ҳануз баробарлиғига ва касални на зиёда ва на нуқсонига далолат қилур.

Ва агар набз катталик даражадин ибтидо қилуб, батадриж кичиклик даражага етса, сўнгра яна ружуъ қилиб катталик даражага моил бўлур, лекин яна аввалғи даражага бекаму кўст етолмаса, занби мутарожиъи ноқис ур-ружуъ дерлар. Ва бу набз сўнги қувватни аввалғи қувватга назаран заиф ва маризни батадриж таназзулиға далолат қилур.

Ва агар набз катталик даражадин батадриж кичиклик

даражаға мухталит бўлуб, сўнгра яна катталик даражаға ружуь қилса, ҳаттоки аввалғи катталик даражадин ҳам зиёдароқ катта бўлса, ани номини занби мутарожиъи зоид ур-ружуь дерлар. Ва бу набз сўнғги қуватни аввалғи қувватдин бақувватлигига ва маразни нуқсонига ва табиатни ғалабасига далолат қилур.

Ва агар набз кичиклик даражадин ибтидо қилуб батадриж катталик даражаға борса, сўнгра андин ружуь қилуб кичик даражаға авд қилса, ҳатто аввалғи кичиклик даражадин тараққий қилуб номаҳсус бўлса, ани номини занб ул-мунқизий дерлар. Чунончи, “Китоби Нафисий” да мазкурдур. Ва бу набз қуввати ҳайвонийянинг тамом заифлигига далолат қилурки, бул ҳам ёмон ва радиъ ҳолатдур.

Ва агар набз кичик даражадин ибтидо қилуб батадриж катта бўлса, сўнгра яна ружуь қилуб кичик даражаға келса, лекин аввалғи кичик даражадин тараққий қилмай шул даражада таваққуф қилса, ани номини форийи сабит дерлар. Ва “Китоби Нафисий” да мазкурдур. Ва бу набз ридоъатда набзи занб ул-мунқизий даражасида бўлмаса ҳам, лекин радиъдур. Ва қувват заифлигига табиат ила руҳдин мадад йўқлигига далолат қилур. “Фаифҳам ва тааммул ли-аннаҳу ғомизун”.

ТАНБИҲ. Фақирнинг¹ бу тадқиқотимни ҳеч эҳдо бу даражаға етказуб таҳқиқ қилуб ёзмагандур. Балки ҳар қаю китобда баъзан дуна баъзин ёзилғондур. Бас, қориини киромдин таваққуф шулки, бу мажмуъни ҳеч бир китобда мин ҳайсу-л-мажмуъ кўрилмағониға биноан зиёда афсоналикға ҳамл қилмасалар. Чунки бир неча китобларнинг таҳқиқотидин мураккаб бўлғон ғоят ут-таҳқиқдурки, биъавниллоҳ таҳқиқоти шаттони тасриҳ қилдим.

ФОИДАИ ЖАЛИЛА. Билмоқ керакки, набзи занб ул-форнинг ихтилофи шараённи катта ва кичиклиги эътибори ила имтиёз қилинғонидек ани бақувватлик ва заифлик эътибори ила тезлик ва сустлик эътибори ила ва тафовут ва тавотур эътибори ила ва қаттиқ ва бўшлиқ эътибори ила ҳам эътибор қилинур.

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

Лекин занб ул-форға хосроқ эътибор катталик ва кичиклик эътиборидур. Зероки, сичқоннинг думини аслидин то учигача ихтилофи йўғонлик ва ингичкалик эътибори иладурки, йўғонликни нисбати катталикга, ингичкаликнинг нисбати кичикликга мушобиҳдур. Ва шул муносабат бирлан ушбу исмга тасмия қилинғондур. Ва шунинг учун соҳиби “Мўъжаз” бу набзнинг таърифини “йатадрижу фи-л-ихтилофи би-з-зиёдати ва -н-нуқсонни” лафзи бирлан адо қилғондурлар. Яъни занб ул-фор набзи нуқсон ва зиёда бўлмоқда батадриж ихтилоф қилур, демак ила қаноат қилғондурларки, бу нуқсон ва зиёдалик шараённинг катта ва кичиклигига маҳсус бўлмай, балки қувват ва заъфиға ва тез ва сустлигига ва тавотур ва тафовутиға ва қаттиқ ва бўшлиғига ва йўғону ингичкалигига баробар шомилдур.

Ва яна билмоқ керакки, набзи занб ул-форнинг ихтилофи уч тариқа бўлур. Бир тариқаси шулки, набзларнинг мўъталлик эътибори ила бўлур. Масалан, аввалғи набз бақувват ёки катта ёки тез ёки мутавотир ёки қаттиқ ёки йўғон ҳолда бўлур, иккинчиси ул ҳолни муҳолифиға моилроқ ва учинчи набз андин ҳам моилроқ ва тўртинчиси андин ҳам моилроқ ва ҳоказо муҳолиф ҳолға батадриж ўзгарилур. Ва тариқа ихтилофи бошқа тариқаларига нисбатан зоҳирроқдур.

Ва занб ул-форнинг тарожиъ ва адами тарожиъ деган сифатлари ва ани номлари ҳам шул биринчи тариқани шаънларига мувофиқ келур.

Ва иккинчи тариқаси шулки, танҳо бир набзни ҳамма ажсосида маҳсус бўладургон ҳоллар миёнасида ихтилоф бўлур. Масалан, ушлагон табибнинг бир панжасиға бир адад набз қаю даражада маҳсус бўлса, иккинчи панжасиға андин ноқисроқ ёки зоидроқ ва учинчи панжасиға андин ҳам тафовутликроқ ва тўртинчи панжасиға андин ҳам тафовутлик маҳсус бўлур.

Ва учинчи тариқаси бир набзни ибтидоий эҳсосидин интиҳойи эҳсосиғача ҳар бир жузви бошқасидин мутафовут ва мухталиф бўлур. Масалан, ушлагон панжаларни ҳаммасиға

ҳам бир набзи ибтидои инбисоти зиёдароқ ёки ноқисроқ маҳсус бўлса, сўнги жузви андин тафовутликроқ ва андин сўнги жузви андин ҳам тафовутликроқ ва охири ажзоси ҳаммадин мутафовутроқ маҳсус бўлур. Лекин учинчи тариқани имтиёзи бағоят ғализ ва дақиқликдин аксари наббозға муяссар бўлмас. Ва ҳар ҳол занб ул-фор қаю тариқа бирлан имтиёзи мумкин бўлгон бўлса ҳам ани далолати қувватни заифлигиға ва андак истироҳат учун ночор ва музтарликға далолат қилур. Бинобарин, мотини “Қонунча” “ва йадуллу ғала анна-л-қуввата тазуфу сумма таржиъу” дерлар. Яъни қувват чарчаб заифланур ва истироҳатдин сўнг яна ҳаракатға ружуъ қилур, дерлар. Ва бошқа далолати маҳсусалари ҳар навъни ўз зимнида муфассал мазкур бўлди.

Аммо ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”да айтгандурларки, набзи занб ул-форнинг аснофи уч синф бўлур. Биринчи синфи собитдур. Ва бул набз аввалан равшан ва сариҳ эҳсос қилинуб, батадриж ихтилоф ила бир ҳолиға етарки, ани эҳсосидин занб ул-фор демоқ мумкин бўлур. Аммо касрати ихтилоф ила тамоми ҳаракат соқит бўлмас. Ва бу ҳол радиъдур.

Ва иккинчиси, набзи мунқизийдур, яъни ибтидоси сариҳ бўлуб, батадриж ихтилоф ила тафовут қилуб, ҳатто оқибатда ҳаракат тамом сокин бўлур. Ва бу ҳол ардаъурки, биринчи ҳолдин ҳам ёмонроқ ва хатарликдур.

Ва учинчи синф набзи рожиъдур, яъни ихтилоф ила сариҳликдин хафийликға етгандин сўнг яна сариҳликға ружуъ қилур. Ва бу навъ бошқалариға нисбатан аслам ва камхатарроқдур. Ва илло бул ҳам ардаъ бўлур.

Ва анвоъи мураккаботнинг бири набзи зу-л-фитратдур. Яъни мунқатиъ замонлик набздур. Ва буни тафсири икки навъ бўлур. Бири шулки, бул набз шундоғ бўлурки, ҳаракатини кутилган вақтда сукун қилур. Хоҳ ҳақиқатдан, хоҳ мажозан. Масалан, ҳақиқатдан сукунға мисол шулки, ҳаракат инбисот ва инқибоз миёнасида воқиф бўладурган сукун ўз миқдори табиийсидин зиёда воқеъ бўлур.

Миқдори табиий замонидин сўнг ҳаракати кутилган

фурсатда ҳам сукун ҳосил бўлур. Ва мажозан сукуннинг мисоли шулки, томур ҳаракати инқибоздин сўнг инбисот учун ҳаракат қилур, лекин ҳануз ҳаракати маҳсус бўлмагон замонда яна марказ тарафга авд қилур. Бас, бу сувратда ҳам томурнинг эҳсос қилмоқ умиди бўлгон замонда томур ҳаракати маҳсус бўлмай сукун бирлан замон ўтган каби бўлур. Бинобарин буни ҳам мажозан сукун дерлар. Ва ҳаким Қаршийнинг каломларидин зу-л-фитратни шул қисмга хослиги маълум бўлур.

Ва иккинчи навъ шулки, томур ҳаракатга шуруъ қилгондин сўнг ҳануз ҳаракатини тамом қилмай миёнада бир сукун қилуб, сўнгра яна итмоми ҳаракат учун шуруъ қилур. Масалан, ҳаракати инбисот учун шуруъ қилуб ҳануз инбисот тамом бўлмай миёнада бир таваққуф қилур. Сўнгра иккинчи ҳаракат ила инбисотни тамом қилур. Ва ҳаракати инқибозга шуруъ қилур. Ва инқибоз ҳануз тамом бўлмай миёнада бир таваққуф қилуб, сўнгра иккинчи ҳаракат ила инқибозни тамом қилур. Ва шак йўқдурки, ҳар икки сукуннинг замони албатта ҳаракат замонидурки, анда бахилофи таваққуъ сукун воқеъ бўлди. Ва бул сувратда ҳар бир набз икки ҳаракатки, бирини миёнаси мунқатиъ ва бири комилдин ва уч сукундин мураккаб бўлур. Ва аксар фитрат инбисот ва ҳам инқибозда воқеъ бўлса, ул сувратда ҳар бир набз икки ҳаракатики, миёналари мунқатиъ бўлгон бир инбисот ва бир инқибоздин ва тўрт ҳаракат ва тўрт сукундин мураккаб бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу набзнинг мутааддид ҳаракатлар ва мутааддид сукунлардин мураккаб бўлмоғи набз таърифидоғи ҳар набз икки ҳаракати инбисот ва инқибоздин ва икки адад сукундин мураккабдур, деган таърифга муноқиъ деб, гумон қилинмасин. Зероки, набз таърифидоғи сукундин мурад инбисот ва инқибоз ҳаракатларини тамомидин сўнг воқеъ бўладурган сукунлар мурад эрди.

Аммо бу мақомдағи сукунлар қабл аз тамом мунқатиъ бўлгон ҳаракатдин ҳосил бўлгон сукун тораларидурки, қодоғи мақсуд бўлолмас. Ва ҳам таърифи ашёда ул шайни бошқа авориздин пок бўлмоғи ила таъриф мазбут бўлур. Ва шак

йўқдурки, набз ҳам ҳоли табиийсида боқий бўлса эди, албатта икки ҳаракат ва икки сукундин зиёда бўлмас эрди. Фатааммал.

Ва набзи зу-фитратнинг сабаби икки навъ бўлурки, ё қувватни заиф бўлуб чарчағони учун миёнада дам олмоқға музтарлигидин бўлур ёки хориждин иттифоқи лоҳиқ бўлгон аворизи ногаҳонийдин бўлурки, аворизи мазкур табиатнинг изтироб ва инсирофиға боис бўлуб, дафъатан томурни ҳаракатдин тўхтатур. Чунончи шиддатлик қўрқинч вақтида воқеъ бўлур.

АНВОЪИ МУРАККАБОТИ НАБЗНИНГ бири воқеъ фи-л-васатдур. Ва бу набз набзи зу-фитратни хилофидурки, сукунни кутилгон вақтда ҳаракат қилур, яъни ҳаракати инбисотийнинг тамомидин сўнг ва ҳаракати инқибоздин бурун бўлгон замон сукун замони эди. Лекин шу замонда дафъатан учинчи навъ бир ҳаракати хилофи табиат воқеъ бўлур. Сўнгра ҳаракати инқибоз воқеъ бўлур. Хоҳ инбисот ила инқибознинг миёнасида сукунни ғайри маҳсус воқеъ бўлсин, хоҳ асло сукун воқеъ бўлмай, ҳаракати ғайри табиийға шуруъ қилгон бўлсин, баҳарҳол икки ҳаракати мутазодда инбисот ва инқибоз миёнасида воқеъ бўлурки, бу замон замони сукун эрди. Шунинг учун бул набзни воқеъ фи-л-васат деб тасмия қилинур.

Бас, агар бул ҳаракат икки сукуннинг бирининг замонида воқеъ бўлса, яъни фақат баъд аз ҳаракати инбисот ва қабл аз ҳаракати инқибоз воқеъ бўладурган сукунни замонида ёки фақат баъд инқибоз ва қабл аз инбисот воқеъ бўладурган сукунни замонида воқеъ бўлса, бу тақдирда ҳар бир набз бир сукун ва уч ҳаракатдин мураккаб бўлур. Ва агар ҳар икки сукуннинг замонида воқеъ бўлса, бу тақдирда ҳар бир набз тўрт ҳаракатдин мураккаб бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, набзи воқеъ фи-л-васат гўё набзи физолий ва набзи митрақий каби бўлурки, бағоят мушобих бўлур. Аммо воқеъ фи-л-васат ила физолийни фарқини шул тариқада имтиёз қилмоқ мумкиндурки, физолийда томурнинг баъзи ажзосида ҳануз қаръан аввал тамом бўлмоғон ҳолда бошқа баъзи ажзосида қаръан соний бошланур. Зероки, физолийда ҳаракати ажзони замони ҳам мухталиф бўлур.

Аммо воқеъ фи-л-васатда томурнинг ҳамма ажзоси қаръаи аввалдин фориг бўлганча бошқа ҳаракат содир бўлмас, ғоят шулки, баъд аз фароғ бетаваққуф ва бесукун қаръаи соний воқеъ бўлур.

Ва яна бир тариқа фарқи шулки, табибнинг ҳамма панжасига воқеъ фи-л-васатни қаръи лоҳиқаси маҳсус бўлур. Амо гизолийда қаръи лоҳиқаси баъзи панжаға маҳсус бўлур. Зероки гизолийнинг қаръи лоҳиқаси томурнинг баъзи ажзосидағина воқеъ бўлур.

Аммо набзи воқеъ фи-л-васат ила набзи митрақийнинг фарқи шулки, митрақийда қаръи соний ҳаракати инбисотнинг бир жузидурки, шул қаръ ила ҳаракати инбисот тамом ва комил бўлур. Яъни бир ҳаракати инбисот миёнасида бир таваққуф воқеъ бўлуб, сўнгра яна ҳаракатға давом қилурки, қаръаи увло ва қаръаи соний мажмуъи бир ҳаракати инбисотдур.

Ва воқеъ ул-васатнинг қаръаи сонийяси эса, қаръаи увлонинг томомидин сўнг алоҳида воқеъ бўлур. Ва қаръаи увлонинг жузви эрмас.

Ва воқеъ фи-л-васатнинг асл сабаби шиддатлик ҳароратдурки, табиатни бевақт ҳаракат қилмоқға муҳтож ва музтариб қилур.

ВА АНВОЪИ МУРАККАБОТИ НАБЗНИНГ бири мисаллийдур. Ва мисаллий ба касри мим ва фатҳи сини муҳмала ва ломи мушаддадаи мақсура бамаънойи жуволдуздур. Ва бу набз нуқсондин шуруъ қилуб, сўнгра батадриж зиёдалиқға моил бўлур. Сўнгра зиёдалиқдин ружуъ қилуб, батадриж яна аввалги даражалик нуқсони етар. Яъни ҳаракати инбисотнинг охири ҳам гўё аввали каби ноқис бўлур. Ва миёнаси зиёда бўлур, гўёки, икки адад сичқон думини йўғон тарафини бир-бириға муттасил қилғон каби бўлур. Зероки инбисот вақтида табибнинг биринчи панжасининг ибтидосидин бошлаб, то иккинчи панжасининг ниҳоятигаъча батадриж нуқсондин зиёдалиқға моил бўлуб бордур.

Ва учинчи панжани аввалидин то тўртинчи панжани

охиригача яна зиёдаликдин нуқсонликга ружуъ қилур. Хулоса шулки, томурнинг ўрта ажзоси йўғонроқ ва икки тараф ажзоси ингичкароқ бўлур. Бинобарин бу набзни мисаллий, яъни жуволдуз набзи деб тасмия қилинғондур. Чунки қадим замонда жуволдузни ушбу шаклда қилур эканларки, ўртаси йўғон ва икки тараф ингичка экан, токи бир тараф учи ингичкалик ила қонни тешуб ўтмоғи осон бўлғай. Ва миёнаси йўғонликдин ул тешукни кенгайтируб ўтғай. Ва охиринчи учи ул тешукдин ипни ўзига ҳам ўтмоғи учун ингичка бўлмоғи ёрдам берғай.

Ва воқеъ фи-л-васатни зидди бўлғон набзни, яъни ҳолати инбисотда ўртаси ингичка ва икки тарафи йўғон бўлғон набзни номини ʼамиқ дерлар. Ва моил батарафайн ҳам дерларки, гўё икки адад думни учи тарафидин бир-бирига муттасил қилинғон каби бўлур.

Бу қисм набзни ғоятда кам ва нодир бўлғонидин эътибордин соқит қилуб, ҳаким Чағминий ва Шайх ур-раислар “Қонун”да зикр қилмағондурлар.

ВА АНВОЪИ МУРАККАБОТИ НАБЗНИНГ бири муртаъишдур, яъни ларзон ва титроқ томурдурки, ушлағон кишининг қўлига гўё раъша бўлғон узв каби титрағон ҳолда маҳсус бўлур. Ва буни сабаби қувватнинг заифлиги ва ҳожати тарвиҳнинг зўрлиги ва томурнинг қуруқ ва қаттиқлигидур.

ВА АНВОЪИ МУРАККАБОТИ НАБЗНИНГ бири мултавийдур. Ва бул набзнинг гўё кўп тоблонғон ипнинг икки учидин тутуб, икки тарафга тортилғонда ани тоби тарқамоқ учун таралғон каби буралғонга ўхшаш маҳсус бўлур. Ва бу охиринчи тўрт навъ набзнинг ҳаммаси, яъни зу-фитрат ва воқеъ фи-л-васат ва муртаъишйй ва мултавий набзлар бадан ҳолининг ёмонлиғига далолат қилурлар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, анвоъи мураккаботи набзнинг то шул жойгача баён қилинғон навълари матни “Қонунча” ва “Қонуни кабир” ва аксар шарҳларда баён қилинғон эрди. Ва булардин бошқа мураккаботи набзнинг анвоъи бордурки, алардин баъзиси бир исми маҳсус ила мавсум ва баъзилари

беисмдурлар. Бас, бу мақомда анча исми махсусалари бўлгон навъларни ҳам илова қилмоқ муносиби мақомдур.

Махфий қолмасинким, анвоъи мураккаботи набзнинг яна бири набзи муташанниждур. Ва бул томур ҳам гўё ипдек тортилгон бўлуб, ҳамма ажзосини ҳаракати тақаддум ва тааххурда ва вазъиятда мухталиф ва томурнинг қаттиқлиги сабабидин жирми ингичкароқ бўлур. Ва бу набз сўнг вақтда соҳибига ташаннуж ориз бўлмоғига мунзир ва аломатдур. Ва бунинг сабаби шараён устидин ўралган икки қабат пардали асабийянинг баъзи ажзосига ташаннуж ориз бўлмоғидур. Ва зоҳирдурки, нафис пардаға мураккаб бўлуб тўкулгон нозик тораларнинг ташаннужу ани бўлгон катта пайларға ҳануз сироят ва таъсир қилмоқға кифоят қилмас. Бинобарин, катта пайларға ташаннуж ориз бўлмоғондур. Аммо бу ҳол тараққий қилса, албатта катта пайларға сироят қилуб, ташаннуж ориз бўлур.

Ва маълумдурки, шараённи ихота қилгон гишолари баъзи ажзосига ташаннуж ориз бўлса, ул пардаларни ҳаракати инбисотда кенгаймоқлари қийин бўлур. Бас, ночор ани ичида бўлгон шараён камо йанбағи мунбасит бўлолмоғони сабабидин ингичкароқ маҳсус бўлур. Ва ҳам тиқилуб тургон шараён албатта қаттиғроқ маҳсус бўлур.

Ва ҳам томурни баъзи ажзосини устида пай тораларида ташаннуж бўлуб ва баъзи ажзосини устида бўлгон работ торалари табиий ҳолда боқий бўлғони учун томурнинг ажзосида ихтилоф маҳсус бўлур.

ВА МУРАККАБОТИ НАБЗНИНГ яна бир навъи мутаваттирдур. Барвазни мутасарриф. Ва бу томур ҳам гўё тортилгон ип каби тортилгон ҳолда маҳсус бўлур. Зероки мутаваттир ва муташанниж ва муртаъиш ва мултавий - ҳаммасини ажзоси ҳам тақаддум ва тааххур ва вазъиятда мухталиф бўлмоқда баробардурлар. Лекин бошқа жиҳатдин тафовутлари бордур. Ва бил-жумла набзи мутаваттирда инбисот камроқ ва махфийроқ ва шараённинг тортилгонлиғи зоҳирроқ бўлур. Ва буни аксар воқеъ бўлмоғи йубусатлик касаллар таъсири ила воқеъ бўлур.

Ва набзи мураккабининг яна навъи набзи собитдурки, бу набз ингичка ва қаттиқ ва тортилгон ва ажзоси мухталиф бўлур. Ва воқеъ бўлмоғи зўр йубусатлик касаллар, чунончи таби диққ ва зубул касалларида пайдо бўлур.

БА МУРАККАБОТИ НАБЗНИНГ яна бир навъи митрақийдур. Ва бу набз шундоғдурки, ушлаган одамнинг панжасига инбисот учун бир қаръ урар. Лекин ани бирлан қаноат қилмай пайдарпай яна бир қаръ уруб, инбисотларни комил қилур. Чунончи бир болғани бўшроқ ушлаб туруб сандон устига урулса, урган кишини иродасидин бошқа болға сандонга етгач сакраб яна қаръ қилур. Ва шул мушобиҳат бирлан номини митрақий дерларки, болғани арабда митрақ дерлар. Ва Жолинус айтгандурки, ман бир одамда набзи митрақийни кўрдумки, икки бора қаръаи зоидлик экан. Яъни бир инбисотда уч адад қаръа бўлур экан. Лекин ҳар сўнгги қаръаси бурунги қаръага нисбатан заиф эрди, дегандур.

Ва набзи митрақий гўё набзи воқеъ фи-л-васат каби бир-бирига мушобиҳдур. Ва ғояти фарқи шулки, воқеъ фи-л-васатда шараён комил инбисот ила бир қаръа ургондин сўнг яна алоҳида қаръаи зоида урар. Аммо митрақийда инбисот комил бўлолмас. Сўнгра яна бир қаръа урарки, қаръаи сонийя мутаммим қаръаи увло бўлур.

Ва митрақийни зу қаръатайн ҳам дерлар. Бас, митрақий ҳақиқатдан бир набз ёки икки набз бўлмоғида атиббо миёналарида ихтилоф бордур. Чунончи баъзилар дерларки, набзи митрақий икки набздурки, набзаи сонийянинг қаръаси тез ва пайдарпай лоҳиқ бўлгонликдин ани бир набз деб гумон қилинур. Ва аларнинг далиллари шулки, қаръа, яъни томурнинг кўл панжасига урган зарбаси албатта инбисотнинг комиллигини тақозо қилур. Бас, митрақийда икки адад қаръа бўлмоғи ҳам икки адад инбисотни тақозо қилур. Ва ҳар бир набз бир инбисот ва бир инқибоз ва икки сукундин мураккаб бўлса бас, лозимдурки, икки адад инбисот икки набз бўлур дерлар. Аммо ҳаким Қарший ва Шайх ур-раислар набзи митрақий бир набздур дерлар. Икки набздур деган кишиларни

ғалатға хукм қилғондурлар. Ва далилларини ҳам рад қилуб айтурларки, томурдин икки адад қаръа маҳсус бұлмоғидин набзни икки адад бұлмоғи лозим келмас. Зероки, агар икки қаръадин икки набз лозим келса эди мунқатиъ ул-инбисоти оидни икки набз бұлмоғи лозим келур эди. Ваҳоланки, ани икки набзлигини ҳеч ким қабул қилмағондур. Ва далили дигар инки, агар бу икки қаръа икки набз бұлса эди, бир қаръада инбисотни тамом қилуб, сўнгра инқибозға ружуъ қилуб, сўнгра яна иккинчи қаръа қилғон бўлур эди. Ваҳоланки, митрақийнинг ҳар икки қаръаси миёнасида мутлақо инқибоз йўқдур. Ҳатто равшан маҳсус бўлгудек таваққуф ҳам йўқдур дерлар.

Ва яна бир далил шулки, агар митрақийнинг қаръалари тезликдин бир набз гумон қилинар бўлуб, аммо ҳақиқатдан икки набз бўлса эди, иккинчи қаръа сўнгидаги учинчи қаръа ҳам шундоқ тез бўлуб миёнада асло инқибоз маҳсус бўлмаслиги лозим бўлур эди. Валайса фалайса.

Балки шундоғдурки, томур аввалан бир инбисот ила қаръаси маҳсус бўлур ва қуввати ҳайвонийянинг қудратига лойиқ инбисоти тамом бўлур. Лекин инбисотдин ҳосил бўлғон истиншоқи ҳавойи насим руҳ ва дилнинг ҳожатиға кофий бўлолмоғини учун яна қувват иккинчи ҳаракатға изгиروب ила шуруъ қилғон бўлурки, бу қаръаи соңийя инбисоти ноқиснинг мутаммими бўлур дерлар. Аммо ҳақирнинг¹ гумони шулки, митрақий ҳам зу-фитрат иккинчи бир маънийдур. Фақат даражаи тафовутға назаран икки исм бирлан зикр қилинур.

ФОНДА. Билмоқ керакки, зу-қаръатайндаги қаръанинг тақаддум ва гааххур ихтилофи фақат шараённи охир жузвидағина бўлур. Яъни томурни ушлаб кўрган табибнинг тўрт панжасига баробар ва муҳозий бўлғон ажзойи шараённи охир жузви, яъни қўлни кафи тарафда бўлғон жузвининг эътибори ила мухталиф бўлур. Аммо шараённинг ҳамма ажзосида бу ихтилоф мавжуд бўлмас Чунончи бу набзни

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

сабабларини баёнида ҳақиқат яна равшанроқ маълум бўлур.

Ва бу набзнинг сабаблари уч навъ бўлур. Бир сабаби шулки, қуввати ҳайвонийя бақувват бўлур. Ва руҳ ва дилнинг тарвиҳи учун ҳожати зўр бўлур. Лекин томурнинг жирми қаттиқ бўлуб, камоли инбисот учун ноқобил бўлғони биринчи ҳаракати инбисот томурни охиринчи жузвига таъсир қилолмай, мазкур жузв мунбасит бўлмай қолур. Бинобарин қуввати ҳайвонийя яна иккинчи шуруъ қилуб, охиринчи жузви шараённи ҳам мунбасит қилур. Токи рафъи ҳожат учун такмили нуқсон қилғай. Ва бу тақдирда набзи митрақий қаттиқ ва бақувват ва тез бўлур.

Ва иккинчи сабаби қуввати ҳайвонийя заиф бўлур. Бинобарин агарчи томур қаттиқ бўлмаса ҳам заиф қувватнинг заиф таъсири ила томурнинг ҳамма ажзоси бир дафъада баробар мунбасит бўлолмас. Балки қувватнинг миёнада истироҳати воқеъ бўлуб, инбисотга таваддуд ориз бўлур. Сўнгра инбисотни итмом қилур. Ва бу тақдирда томур заиф ва суст бўлур.

Ва учинчи сабаби шулки, қувватнинг инбисоти шараёнға машғул ҳолида ногоҳоний бир монёъ воқеъ бўлуб, қуввати ҳайвонийяни ўз шуғлидин тўхтатур. Сўнгра яна бошқадин таважжуҳ қилуб, инбисотни тамом қилур. Чунончи шиддатлик қурқинч вақтида шул ҳол ориз бўлур. Баҳар тақдир набзи митрақий тарвиҳ учун ҳожатни зўрлигиға ва рафъи ҳожат учун қувватнинг заифлигиға далолат қилур. Хоҳ ҳақиқатдан ҳожат жадид бўлсин, хоҳ шараённинг қобили инбисот бўлмағони сабабидин қадри ҳожатға лойиқ инбисот ва истиншоқ кофий бўлмоғон бўлсин. Ва хоҳ қадри ҳожати инбисот учун қувват заифлиқдин ожиз бўлсин. Фатааммул.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, анвоъи мураккаботи набзнинг яна бошқа навълари кўпдур. Лекин нодир ва қалил ул-вужуддурлар. Бинобарин, аларни кутуби мутақаддимин эътибордин соқит ҳисоб қилуб, гарчи фузало фикр қилсалар ҳам, бир исми махсуса вазъ қилмағондурлар. Ва ҳам ташҳиси амроз учун нодир ул-вужуд набзни эътибори соқитдур. Бинобарин анвоъи мураккаботи набзни шул мазкур бўлғон навълар бирлан мухтасар қилдим.

Эмди набзнинг тафаҳхус қилмоқда риояси шарт бўлгон баъзи лавоҳиқийни ижмолан неча фавоид бирлан баён қилмоқни муносиб кўрдум.

Фоида. Билмоқ керакки, ҳоли баданга аломат бўлгон тағаййуротдин қатъи назар, эркак ила хотуннинг набзларида табиий фарқ бўлурки, эркакнинг набзи хотиннинг набзига нисбатан бақувватроқ ва йўғонроқ ва сустроқ ва мутафовутроқ бўлур. Ва шул миқдор табиий фарқдин зиёда тафовут бўлса, шул зиёдаси ҳоли баданга аломат бўлур.

Фоида. Инсонда ёшни эътибори ила набзи табиий биридин фарқлик бўлур. Масалан, гўдак боланинг набзи табиийси болиғнинг набзи табиийсига нисбатан тезроқ ва мутавотирроқ бўлурки, буни дилда ҳарорат ғолиблигига ва тарвиҳ учун ҳожат зўрлигига аломат демоқ ғалатдур. Балки набзи табиийдур.

Аммо гўдакни набзи тезлиги ва мутавотирлигига мутаносиб ҳарорати ғолиб бўлмас. Балки баданига мутаносиб мўътадил бўлур. Ва инчунин, болиғнинг томури гўдакни томурига нисбатан бақувватроқ бўлур. Ва ҳар қанча йигитлик ва камол даврига етса тобора томури бақувватроқ бўлур. Агар томури йўғон бўлса ғоятда йўғон бўлур. Ва ёши қайтгон кишининг томури йигитнинг томурига нисбатан кичикроқ ва сустроқ бўлур. Ва қувватда ва қаръада мўътадил бўлур. Ва қари кишининг томури заифроқ ва мутафовутроқ ва юмшоқроқ бўлурки, бу ҳоллар аларга ҳоли табиийдур ва аломат эрмас.

Фоида. Билмоқ керакки, мизож жиҳатидин саҳиҳ кишиларнинг набзлари бир-бирига тафовутлик бўлур. Масалан, одамийки, мизожи иссиқ ва қуввати ҳайвонийяси бақувват ва томури мулойим бўлса уни набзи бақувват ва катта бўлур. Ва агар мизожи нотабиий иссиғ бўлса, би-л-акс ҳар чандики нотабиий иссиғи зўрроқ бўлса, ани набзи заифроқ бўлур. Чунончи, хуммойи муҳриқада машҳуд бўлур. Ва агар мизожи совуқ киши бўлса, ани набзи ё кичикроқ бўлур, ё мутафовут бўлур ва сустр бўлур. Баҳасби ҳожат тарвиҳ ва баҳасби салобат шараён ва мизожи ҳўл ва мартуб киши бўлса, ани

набзи мавжий бўлур. Ёки йўғон ва тўла бўлур. Ва агар мизожи қуруқ киши бўлса, ани набзи аксар вақтда ингичка ва қаттиқ бўлур. Ва агар қуруқ мизож кишини қуввати ҳайвонийяси бақувват ва тарвиҳ учун ҳожати жаид бўлса, ани набзи зу-л-қаръатайн ёки муташанниж ё муртаъиш бўлур.

Ва билмоқ керакки, гоҳи бир одамнинг бир тараф нимтаси иссиқ ва бир тараф нимтаси совуқ бўлур. Ва иссиқ тараф набзи иссиқ мизож кишиларни набзи каби ва совуқ тараф нимтаси набзи совуқ мизож кишиларни набзи каби маҳсус бўлур.

Фоида. Билмоқ керакки, оруғлик ила семузликда ҳам набз фарқлик бўлур. Чунончи ориқ кишининг набзи семуз кишининг набзиға қиёсан каттароқ ва сустроқ бўлур. Ва семуз кишининг набзи ориқ кишининг набзиға қиёсан кичикроқ ва тезроқ бўлур. Хусусан, агар семузлик гўшт бирлан бўлса, набзнинг тезлиги ва қуввати кўпроқ бўлур. Ва агар чорби ва ёғ бирлан семуз бўлса, набз сустроқ ва қуввати камроқ бўлур-ки, бу тафовутлар ҳаммаси соҳиби учун табиий набздур.

Фоида. Билмоқ керакки, ҳомила хотиннинг набзи катта ва тез ва мутавотир бўлур. Ва табора набзнинг қуввати ҳам зиёдалашиб борур. Магар ҳамлнинг камолидин сўнг ҳамлнинг оғирлигининг ориз бўлгон аъйо ва чарчамоқ андозасиға нисбатан қуввати камаюр.

Фоида. Баъътибори фусул ҳам баъътибори мизож ва макон набзға тағайюр ориз бўлур. Чунончи баҳор фаслида набз ҳар жиҳатдин мўътадил бўлур. Лекин қувват жиҳати эътидолдин зиёда бўлур. Ва мўътадил шаҳарда сокин бўлгон кишиларнинг набзи ҳам баҳор фаслининг набзи каби бўлур. Ва ёз фаслида набз тезроқ ва мутавотир ва ингичка ва заиф, яъни инбисотда ноқисроқ бўлур. Ва инчунин, иссиқ шаҳарда тургон кишининг набзи ҳам ёз фаслининг набзи каби бўлур. Ва куз фаслининг набзи мухталиф бўлур. Ва заифликға мойил бўлур. Ва инчунин ҳавоси мухталиф шаҳарда тургон кишининг набзи ҳам куз фаслининг набзи кабудур. Ва қиш фаслининг набзи мутафовут ва ё султ ва ё ингичка, лекин иссиқ мизож

кишининг набзи қишда бақувватроқ бўлур. Ва совуқ ҳавода турғон кишининг набзи ҳам инчунин бўлур.

ФОИДА. Уйку ила бедорликда ҳам набз фарқлик бўлур. Чунончи, уйқунинг аввал вақтидаги набз ингичка ва заиф бўлур. Ва яна ё мутафовут ва ё суст бўлур. Ва уйқунинг бир миқдор замони узайиб физоси ҳазм бўлғон вақтда набз катта ва бақувват бўлур. Ва мўътадил миқдорлик уйқунинг охиетроқ вақтида набз ҳам катта ва ҳам бақувват ва ҳам суст бўлур. Ва ҳам мўътадил миқдордин ифрот даражага ўтган уйқуда набз ингичкалик ва заифлик ва суслик ва мутафовутликга юзланур. Ва ухлағон одамнинг меъдаси ва томурлари ҳар қачон физодин холий қолса, ани набзида ингичкалик ва мутафовутлик ва суслик зиёда бўлур. Би-л-жумла уйқуда набз мухталиф бўлурки, анга эътиборан бадан аҳволига ҳукм қилмоқда аксар хато воқеъ бўлур. Ва бедор кишининг набзи ҳам инчунин мухталиф бўлур. Чунончи табиий уйқудин янги бедор бўлғон вақтда набз тез ва катта бўлур. Сўнгра табиий ҳолига келур. Зероки бедорлик бадан тарбияси ва тасарруфи учун руҳни баданга таважжуҳидин иборатдур.

Ва маълумдурки, тасарруфдин тўхтаб истироҳатда бўлғон руҳ ва қувватнинг ибтидоий таважжуҳидаги мавжи албатта мавжи табиийга нисбатан кўпроқ бўлур. Ва қувват ила руҳнинг мавжи набзнинг катта ва тез бўлмоғига мусталзимдур. Ва агар уйқуда ётғон одамни ногоҳ қўрқитиб уйғотилғон бўлса, ани набзи би-л-акс аввал заиф титроқлик ҳаракатда бўлур. Бас, агар қўрқинчи ҳақиқий ва собит бўлса набз ҳам кўпроқ муддатга набз ҳолда туруб, сўнгра ўзгарилур. Ва илло зуд мутағаййир бўлур.

ФОИДА. НАБЗИ РИЁЗАТ БАЁНИДА

Билмоқ керакки, истилоҳи атиббода риёзат деб баданни ҳаракатини айтилур. Ва ҳаракати бадания ила набз мутағаййир бўлур. Чунончи агар риёзат мўътадил бўлса, набз бзтадриж бақувватроқ ва каттароқ бўлур. Ва мўътадил ҳаракатнинг охирида набз тез ва мутавогир бўлур. Ва агар риёзат эътидолдин зиёда бўлса, набз ингичка ва заиф бўлур. Ва ул кишида қуввати

хайвонийя бақувват бўлса, ани набзи ингичка ва тез бўлур. Ва агар риёзат ифрот даражада кўп бўлса, набзи дудий ва намлий бўлур.

ФОИДА. НАБЗИ ТАОМ ВА ШАРОБ ВА ОБ БАЁНИДА

Билмоқ керакки, таом ва сув ва шароб тановули ҳам набзнинг ўзгарилмоғига боис бўлур. Чунончи, агар таом тановули мўътадил миқдорда бўлса, ул вақтнинг набзи катта ва бақувват ва тез ва мутавотир бўлур. Агар эътидолдин кам тановул қилинса, набз андак катталиқга ва бақувватлиқга ва тезликга мойилроқ бўлур. Ва қуввати кўпроқ муддатгача боқийроқ бўлур. Аммо мўътадил миқдор таомнинг таъсири даражасига етмас. Ва анда тавотур ҳам бўлмас. Ва таом мўътадил миқдордин зиёда тановул қилинса, ул вақтда набз мухталиф ва бенизом бўлур. Ва агар таом иссиқ мизожлик бўлуб, ани тановул қилгон кишининг асл мизожи ҳам иссиқ мизожлик бўлса, ул таом суъ ул-мизожи гарм пайдо қилур. Яъни ғайри табиий ҳарорат ҳосил қилур. Бас, шу ҳарорати ғайри табиийдин қуввати ҳайвонийя озурда ва заиф бўлур. Бинобарин набзда ҳам заифлик пайдо бўлур. Лекин ҳароратнинг таъсиридин руҳ ва дилнинг тарвиҳ учун ҳожати ҳам зиёда бўлур. Бинобарин набзда тезлик ва тавотир пайдо бўлур. Ва агар таом иссиқ мизожлик бўлуб, ани тановул қилгон киши совуқ мизожлик бўлса, ул вақтда таом форомлик ва созишлик қилур. Ва набзга катталик ва бақувватлик ҳосил қилур. Ва инчунин, агар совуқ мизожлик киши совуқ мизожлик таом тановул қилса анга суъ ул-мизожи сард пайдо бўлур. Ва қуввати ҳайвонийяга ва ҳарорати ғаризийяга заифлик ориз бўлур. Ва шу сабабдин набз кичик ва заиф ва суъ ва мутафовут бўлур. Аммо шароб, яъни майни кўп миқдор ичган бўлуб, набз ихтилоф ва бенизомлик пайдо қилса ҳам, лекин ани ихтилофи ва бенизомлиги кўп таом тановулидаги ихтилоф ва бенизом даражасига етмас. Зероки, шароб ғоятда латиф ва ҳазми хафифдур. Бинобарин набзга тезроқ тағаййур эҳдос қилур. Лекин меъдада шароб ичгандин сўнг тағаййури ҳам набздин тезроқ зоил бўлур. Аммо бил-феъл совуқ май хоҳ ҳавонинг таъсиридин совуқ бўлсин ва

хоҳ ях каби нимарсалар таъсири ила амалий совутилгон бўлсин, ани ҳукми совуқ таом ҳукмидадур. Ва андин набзнинг тағаййур топмоғи асли мизожи инсонга нисбатан бўлурки. агар ул шориб аслида иссиқ мизожлик бўлса, шаробдин набзга кўпроқ тағаййур ҳосил бўлур. Ва агар шориб совуқ мизожлик бўлса шаробдин тағаййури набз камроқ ҳосил бўлур. Ва агар шароб би-л-феъл иссиғ бўлса, хоҳ ёз ҳавосини таъсиринин иссиғ бўлсин ва хоҳ оловнинг таъсиринин иссиғ бўлсинки. анинг ҳарорати ҳарорати ғаризийдин узоқ бўлмас. Яъни ҳарорати табиийдин бегона бўлмас. Ва иссиғ шаробнинг ҳукми иссиғ таом ҳукмидадур. Ва андин набзда пайдо бўлгон тағаййур ҳам миқдорда мизожи аслийга назаран мутафовут ул-миқдор бўлур. Аммо марғуб сувнинг ичмоқ ғизони ҳазмига ва ани ақсойи баданга еткузмоқда ва танг тешуклардин ғизони ўтқизмоқда мададкор бўлгон жиҳатидин сувнинг ҳукми ҳам шароб ҳукмидадур. Лекин холис сув баданни шароб каби иситмагани жиҳатидин руҳ ва дилни тарвиҳи учун ҳожатни зиёда қилмас. Шунинг учундурки, ҳожат вақтида мўътадил миқдор сув ичмоқдин набз бақувват бўлур. Лекин катта ва тез мутаботир бўлмас. Аммо шаробдин ҳарорати ғаризийга мадад кўп бўлғони учун набзда қувват ва тезлик ва катталиқ ва мутаботирлик, ҳаттоки ихтилоф пайдо бўлур.

Ва шунинг учундурки, қабл аз таом андак-андак май ичмоқга одат қилгон киши семирар. Чунки май ҳам таомни комил ҳазми учун ҳарорати ғаризийга мададкор бўлур. Ва ҳам мунҳазм бўлгон жавҳари ғизони ақсойи баданга етқизуб жузви бадан қилмоқда мададкор бўлур. Ва натижада ажзойи бадан тобора зиёдалашурки, семурмоқ шундин иборатдур. Аммо холис сувда бу таъсир бўлмас. Камо ла йахфий. Ва ичилгон сувнинг кўплиқ ва ё камлик миқдорини ҳукми гўё таомнинг кўплиқ ва ё камлик миқдорининг ҳукмидадур. Чунончи, таомнинг ҳожати бадандин жуда кам миқдори бадан тахаллулининг бадали учун кифоя қилмай, баданга набзлик ва ингичкалиқ ва сустлик ва мутафовутлик пайдо қилғони каби қадри ҳожатдин жуда кам миқдор ичилган сув ҳам ғизони ақсойи

баданға еткузмоқға кифоя қилмай бадан физодин кам бахра олуб, натижаси, баданда заифлик ва набзда суслик ва кичиклик ва мутафовутлик пайдо бўлур. Ва агар қадри ҳожатдин кўп миқдор сув ичилса, гўё кўп миқдор таом ҳарорати ғаризийяни фоний қилуб, ҳазми фосид ва жузви бадан бўлмоқға ноқобил бўлуб, андин бадан кам бахра ва натижаси баданда заифлик ва набзда суслик ва кичиклик ва мутафовутлик бўлғони каби кўп миқдор сув ҳам ҳарорати ғаризийяни фоний ва таом ҳазмини фосид ва жузви баданликға ноқобил қилуб, бадан физодин кам бахра ва заиф ва набзда кичиклик ва суслик ва мутафовутлик эҳдос қилур.

ФОИДА. ҒУСЛДИН ОРИЗ БҮЛАДУРГАН ТАҒАЙЙУРИ НАБЗ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки. иссиқ сувға ғул қилмоқ, хусусан ҳаммомда иссиқ сув истеъмол қилмоқдин набзда катталиқ ва бақувватлик ва юмшоқлик ориз бўлур. Сўнгра тезлик ва мутаовтирлик ҳам анга лоҳиқ бўлур. Ва агар ҳаммомда кўп вақт туриб қолса сўнгра ҳаммом иссиғининг таъсири ила ҳарорати ғаризийя таҳлил топуб набзға заифлик ва суслик ва мутафовутлик лоҳиқ бўлур. Агар ғулда совуқ сув истеъмол қилинуб сувнинг совуқлиғи доҳили баданға таъсир қилса набзда кичиклик ва суслик ва мутафовутлик пайдо бўлур.

Ва агар зоҳири баданға совуқ таъсир қилуб бадан ҳарорати ижтинобан доҳили баданға жамъ бўлса набзда катталиқ ва бақувватлик ва тезлик пайдо бўлур. Ва агар ғул қилинғон сув маъдан суви бўлуб, баданни қуритадиган жавҳарлар маъданидин чиқғон бўлса, масалан, аччиқтош ва ё зоки маъданийнинг суви бўлса набзда қаттиқлик эҳдос қилур. Ва агар баданни иситадурган маъданийнинг суви, масалан, олтингугуртни конидин чиқғон сув бўлса набзда тезлик ва мутаовтирлик эҳдос қилур.

ФОИДА. ОЗОРЛИК КИШИНИНГ НАБЗИ БАЁНИДА

Билмоқ керакки, озорлик кишининг набзида воқеъ бўладурган тағаййурнинг сабаби уч навъ бўлурки, ё аламнинг шиддати сабаб бўлур ёки аламнинг узоқ муддатға давоми сабаб

бўлур ёки аламни аъзойи шарифага воқеъ бўлмоғи сабаб бўлур.

Аммо алам зоҳири баданда воқеъ бўлса, ибтидосида, яъни янгидин пайдо бўлур, хануз кучаймаган вақтида набз бақувват ва тез ва мутавотир бўлур. Ва агар алам зўр эса набз заиф ва кичик ва лекин тез ва мутавотир бўлур. Чунки аламнинг мудофаасига табиат мутаважжиҳ бўлур, шараёнга қон жорий қилмоқга эҳтимом қилолмағони учун набзда заифлик ва кичиклик ориз бўлур. Лекин алам боиси ҳарорат ва изтиробидил ва табиат бўлғони учун тарвиҳи руҳ ва дил учун ҳожат кўп бўлур, ночор набзда тезлик ва тавотур ҳам мавжуд бўлур.

Аммо агар алам доҳили баданда воқеъ бўлса ибтидосидин набзда заифлик ва кичиклик ориз бўлур. Чунки табиат доҳилний аламдин кўпроқ озурда ва нафратлик бўлгон сабабдин томурга қон жорий қилмоқга таважжуҳи ибтидоан камаюр. Ва агар аламнинг муддати ҳар қанча узоқ давом этса, шул қадар набзда тағаййур кўпроқ ва зўр ориз бўлур.

Ва вақтики, алам ғоят даража шиддатлик бўлур, бадандин қувват соқит бўлса, набз намлий бўлур.

Ва билмоқ керакки, бу қисм тағаййури набзнинг ташхиси бағоят ғомиздур. Зероки, аламнинг кайфияти ва маҳалли вуқуъи ва муддати ва ани сабаблари ва сабабларининг миқдоридаги ва муддатнинг ҳар жузвидаги даражалари мутанаввий бўлур, ҳар навъининг тағаййури набз учун таъсири ҳам биридин фарқликдур. Бинобарин, гарчи ҳамма анвоъининг баёни мутаъассир бўлса ҳам, мисол учун бир неча навъларини алоҳида фоида бирлан баён қилмоқ лозимдур. Чоки толиблар учун иттилоъи осонроқ бўлғай.

ФОИДА. Билмоқ керакки, аламнинг вуқуъиға сабаб бўладиганларнинг бири варам, яъни шишдур. Бас, варамнинг набзга таъсири икки тариқа бўлурки, варамнинг пайдо бўлгон узви махсусасидаги шараённи мутағаййир қилур ёки тамоми бадандаги шараёнларни мутағаййир қилур. Бас, агар варам узвға махсус шараённи мутағаййир қилса ул варам кўп қатта ҳажмлик бўлмас. Ва ҳам узви мутаваррим аъзойи шарифадин бўлмас. Ва ҳам алами шиддатли бўлмас. Ва ани иситмаси ҳам

бўлмас. Балки бир узвнинг шараёнига варам муттасил бўлуб, анга озор еткизуб турар. Бинобарин шул шараённинг ҳолида тағаййур воқеъ бўлур.

Ва агар варам шараёнга муттасил бўлуб, озор еткурмаса, мутлақ шараёнга тағаййур воқеъ бўлмас. Ва агар варам бутун бадан шароиниға тағаййур пайдо қилса, ул варам уч хил ҳолдин холий бўлмаски, аввал варам ғоятда иссиқ ва катта бўлур. Ёки узви шарифада воқеъ бўлуб иситма пайдо қилур. Ёки ғоятда алами шиддатлик бўлур. Ва бу уч хил ҳолнинг ҳаммаси тамоми баданнинг шароинининг тағаййуриға сабаб бўлур.

Бас, яхши англамоқ лозимдурки, варамнинг тағаййури набзға боислиги беш тариқада бўлур.

Бир тариқаси шулки, ҳамма анвоъи варамнинг ҳар бир навъида бир ҳол бўлурки, бошқа навъларини ҳолиға муғойир бўлур.

Ва иккинчи тариқаси шулки, варамни муддати давомидаги ҳар вақт учун набзда бир нишонан махсусаси бўлур.

Ва учинчи тариқаси шулки, варамнинг миқдори ҳажми эътибори ила ҳар миқдорға муносиб набзда бир нишонаси бўлур.

Ва тўртинчи тариқаси шулки, варам пайдо қилғон ҳар узвнинг ўзиға махсус бир аломати набзда зоҳир бўлур.

Ва бешинчи тариқаси шулки, варам пайдо қилғон ҳар узвнинг табиий ва ҳиссий эътибори ила набзда бир асар ҳосил бўлур. Чунончи баён қилинур. Аммо варамнинг анвоъиға назаран набзнинг тағаййури шундоқ бўлурки, агар варам иссиқ моддадин бўлса набзи муншорий ва муртаъиш ва тез ва мутавотир бўлур.

Агар варам ҳарчанд қаттиғроқ бўлса, набзнинг муншорийлиги зиёдароқ бўлур. Ва агар варам юмшоқроқ бўлса, набз мавжий бўлур. Ва агар варам совуқ моддадин бўлса, набз мутафовут ва суст бўлур. Агар варам пишуб етулса, набзнинг муншорийяти зоил бўлур ва ҳаракати мавжийға айланур. Ва набзда ихтилоф кўпроқ зоил бўлур. Балки аксари вақтда набзнинг суръати ва тавотури ҳам камроқ бўлур. Чунки варам пишганда ҳарорати таскин топади.

Аммо варамнинг муддатини тағаййури набзга таъсири шундоғ бўлурки, иссиқ моддалиқ варамнинг ибтидосида набз каттароқ ва бақувватроқ ва тезроқ ва мутавотирроқ бўлур. Ва бу варамдин ҳам мурод зоҳири баданда бўлгон варамдин, зероки алами дохилий каби варами дохилийда ҳам набз бил-акс заиф бўлур. Ва варамнинг вақти тазоидида набзнинг ҳам катталиги ва қуввати ва суръати иртиъоши ва тавотурида тазоид бўлур. Ва агар тазоид давридин таваққуф даврига етса набзда қаттиғлик ва иртиъош зўрроқ бўлур, ҳам суръати ва тавотури зиёда бўлур.

Ва агар варамнинг муддати дароз чўзулса, варам қаттиғ бўлур. Ва набз ҳам қаттиқ ва ингичка ва тез ва заиф ва мутавотир бўлур. Агар варамнинг муддати ҳаддин зиёда кўп чўзилса, набзнинг суръати зоил бўлур, набзи намлий бўлур.

Ва агар варам пишуб ёрулса ва касалда нуқсон ҳосил бўлса, яна набз бақувватроқ бўлур. Чунки нуқсони иллат қуввати ҳайвонийяни ғалаба учун мутаважжиҳ ва умидвор қилур. Аммо варамнинг миқдори эътибори ила набзнинг тағаййури шундоғ бўлурки, агар варам катта бўлса, набзга ориз бўладурган аъроз ҳам кўпроқ бўлур. Ва агар варам кичик бўлса, анга нисбатан набздаги аъроз ҳам камроқ бўлур.

Аммо узвга нисбатан тағаййури набз шундоғ бўлурки, агар варам асабоний узвда, яъни пайлик узвда, чунончи меъда ва ичак ва масона ва биқиндаги гўштнинг дохил тарафиға тортилгон парда каби узвларда бўлса, набз қаттиғроғ ва муношорийроқ бўлур.

Агар варам сершараён ва сераврида узвда бўлса, набз катта ва мухталиф бўлур. Агар варам сершараён узвда бўлса, чунончи ўпкада бўлса ёки талоқда бўлса, набз ҳамма навъдин ҳам каттароқ ва мухталифроқ бўлур. Ва агар варам сераврида узвда, чунончи жигарда бўлса, набзнинг катталиги ва ихтилофи чандон зиёда бўлмас.

Аммо узви мутаварримнинг ҳисси ва табиатиға назаран набзнинг тағаййури шулки, агар варам ҳижоби ҳожизда ва ё меъдада бўлса, набз гўё бехуд кишининг набзи ва ё

ташаннужли кишининг набзи каби мухталиф ул-ажзо бўлур. Зероки, ҳижоби ҳожизнинг табиати асаб табиатиға монанддур. Балки ҳижоби мазкурнинг зоҳир тараф пардаси асабдин мураккабдур. Ва меъда жисми асабонийдур. Ва фами меъдаға асаби димоғий ҳам мураккабдур. Бинобарин, буларни ҳислари ўткур ва андак аламдин зиёда огоҳлик топарлар.

Ва агар варам ўпкада бўлса, набз гўё хуноқ, яъни бўғма касалини набзи каби тез ва мутавотир бўлур. Зероки, хуноқда тарвиҳ учун ҳавойи насимни дилға етмоғи қийин бўлғони каби ўпка варидами ҳам ҳавойи насимнинг дилға етмоғи қийин бўлур. Ва етган қадар ҳаво тарвиҳ учун кифоя қилолмоғони учун қуввати ҳайвоний изтироб ила набзға тез ва мутавотир ҳаракат ижод қилур.

Ва агар варам жигарда бўлса, набз гўё зубул, яъни таби диқ соҳибининг набзи каби ингичка ва қаттиқ ва тез ва мутавотир бўлур. Зероки, агар жигар варам пайдо қилса жузви бадан учун ҳазми каймусда жавҳари физо ҳосил қилолмас. Ва бадан физодин маҳрум қолғони учун баданда зубул пайдо бўлур.

ФОИДА. АЪРОЗИ НАФСОНИЙЯ НАБЗИНИНГ БАЁНИДАДУР. Билмоқ керакки, аърози нафсоний олти хил оризадурки, ғазаб ва фараҳ ва фазаъ ва ғам ва ҳамм ва хижл чунончи юқорида баён қилингандур. Бас, агар фараҳ ва шодлик нафсға ориз бўлса, набзда катталиқ ва мутафовутлик ориз бўлур. Ва агар ғам ориз бўлса, набзда кичиклик ва заифлик ва мутафовут ёки сустлик ҳосил бўлур.

Ва агар хавф ва қўрқинчи ногаҳоний ориз бўлса, набзда суръатлик ва муртаъишлиқ ва мухталифлик ва музтариблиқ ҳосил бўлур. Ва агар ул хавф ногаҳоний бўлмай, муқаддимотлик бўлса, набзда кичиклик ва заифлик ҳосил бўлур. Ва агар ғазаб ориз бўлса, набзда катталиқ ва шоҳиқлик, яъни зоҳир тарафқа инбисотда кўп кўтарилмоқ ҳосил бўлур. Ва суръат ва тавотур ҳам ҳосил бўлур.

Аммо ғазаби холисда набз мухталиф бўлмас. Магар ғазаб хавфлик ва ё хижолатлик бўлса ёки ғазабни таскин бермоқ

учун соҳиби такаллуф ила ўзини сақлаб турса набзда ихтилоф ҳам пайдо бўлур.

Аммо лаззат ориз бўлса, набзда фақат катталиқ ориз бўлур. Аммо хижолатда набз кичик ва заиф ва мухталиф бўлур.

НУКТА. Билмоқ керакки, набзнинг катталиги икки навъ бўлурки, **ҳақиқий** ва **ғайри ҳақиқий** бўлур.

Аммо ҳақиқий катталиги шулки, томурнинг жисми инбисот вақтида ақтори салосаға баробар зиёда бўлурки, бўйи узунроқ ва эни йўғонроқ ва таги қалинроқ маҳсус бўлур. Хоҳ бул тариқа инбисотнинг фойили қуввати муҳаррика бўлсинки, бақувватлик ила томурни миқдори табиийдин зиёдароқ баст қилсун. Камо заъамаҳу-л-баъз. Ва хоҳ кўп миқдор руҳнинг таважуҳидин бўлурки, нафс ани шараёндин зоҳир тарафға ҳаракат қилдиар. Бинобарин, шараён руҳни кўплиги ила тўла бўлур. Ва нафснинг таҳрики ила зоҳирға кўп мунбасит бўлуб, катталиги маҳсус бўлур.

Аммо ғайри ҳақиқий катталиги шулки, эҳсос эътибори ила бўлур, яъни ушлаған вақтда қўлга набз каттадек маҳсус бўлур. Лекин ҳақиқатда набзнинг ўзи катта эмас. Ва бул эҳсоснинг сабаби шулки, мўътадил миқдорлик руҳни сабаби бирлан шараённинг тамоми ажзоси инбисотда зоҳирға кўтарилуб, ҳамма ажзоси қўлга маҳсус бўлур. Бинобарин шараённи катта экан деб гумон қилинур. Ваҳоланки катта эрмас. Зероки катталиқ учун шараён зоҳир тарафға кенгойиб, тешуги кенг ва ичи тўла бўлмоғи шартдур.

Аммо ғайри ҳақиқий катта бўлғон набзда бу тариқа кенглик ва тўлалиқ мавжуд эмас. Балки набзни бу қадар баланд кўтарилуб ҳамма ажзоси қўлга маҳсус бўлмоғи батариқаи тавотурдурки, ҳолати инбисотда шараённинг кўтарилмоқдин фориғ бўлмоғон вақтда руҳни таважуҳи яна инбисот учун мутавотиран лоҳиқ бўлур. Бинобарин набз миқдори табиийдин зиёдароқ инбисотға давом этур, лекин аърози нафсонийнинг сабаби ила катта бўлғон томур ё ғайри ҳақиқий катта бўлур ёки ҳақиқий катта бўлса ҳам ани иккинчи қисмидин, яъни кўп миқдор руҳни таважуҳидин ҳосил бўлур.

Аммо биринчи қисм катталикга аърози нафсоний катъийан сабаб бўлолмас. Чунки атиббои мудаққиқийн наздларида қуввати муҳарриканинг вазифаси табиатга матлуб хизматни матлуб табиий миқдорга мувофиқ тамом қилмоқдурки, то бир сабаби дигар лоҳиқ бўлмаса, набзнинг ҳам инбисотини миқдори табиийга еткурмоқ Холиқи Ҳақиқий тарафидин топшурилгон вазифасидур. Ва ул миқдордин зиёдага ҳаргиз тааддий ва тажовуз қилмас. Ва матлуб би-т-табъдин тажовуз қилмоқ маҳолдур.

Бас, набзнинг ҳам бошқа бир сабаб мавжуд бўлмогон тақдирда миқдори табиийдин зиёда катта қилмоғи маҳолдур.

ФОИДА. КАСАЛЛАРНИНГ НАБЗЛАРИ БАЁНИДА

Билмоқ керакки, касалнинг анвоъи бағоят кўпдур. Хусусан аксари касалнинг сабаблари ахлоти мураккабадурки, баҳасби таркиб аҳволи набз ва аломот ҳам албатта мураккаб бўлур. Ва мажмуъини баёнга жамъ қилмоқ маҳол даражада харждур. Бинобарин, баъзи хилти муфрададин ориз бўлгон касалларнинг набзга доир аҳволини ижмолан баён қилурман. Токи шул аҳволи мазкуранинг таркибидин амрози мураккабат ул-асбобни ҳам ташхис қилмоқ мумкин бўлғай. Чунончи иссиқ моддалиқ сарсомнинг набзи кичик ва заиф ва фавж бўлур. Зероки иссиқ моддалиқ сарсом серхатарроқ ва табиат ила қувватга зид ва мухолифлиғи шиддатлик бўлур. Бинобарин қувват ва табиатнинг ҳам ўзини зидди бўлгон маразга мудофаъат ва муқовамат учун эҳтимоми ва таважжуҳи кўпроқ бўлуб, бошқа оддий вазифасига эҳтимоми кам бўлур. Бинобарин, томурда руҳ ва қувват камроқ бўлуб, миқдори табиийдин кичикроқ ва заифроқ бўлур.

Ва яна набз сулб ва қаттиқ бўлур. Зероки томурни мулойим қилғувчи рутубатлар сарсомнинг ҳарорати бирлан таҳлил топар. Ҳам ани ҳўллаб мулойим қилиб турғувчи қон ҳам руҳни ва қувватни ҳомили бўлғони учун руҳ ва қувватга табъан маразга муқовамат учун аксари миқдори ботини баданга ружуъ қилгон бўлурки, бу икки сабаб набзни қаттиғ бўлмоғини лозим тутар.

Ва яна бовужуди қаттиғлиги ила ҳаракати мавжий бўлур. Зероки мараз ила руҳ ва қувват ва табиат бир-бирлариға муқовамат ва талош ва таважжуҳлари тамаввужни лозим тутар. Ва ҳар вақт иситма зўр эса набз катта ва тез ва мутавотир бўлур. Зероки қувват ва руҳни ғалабаси ила мараз мағлуб ва зоҳири баданға мадфуъ бўлгон бўлур. Ва ҳам қувват ила руҳда ғалаба натижасидин хотиржамлик ҳосил бўлуб, баданни тарбияси ва маразнинг таъқиби учун зоҳири баданға мутаважжиҳ бўлур. Бас иситманинг бухороти ва руҳ ила қувватнинг зоҳири баданға таважжуҳи ва аларға таъбан қоннинг ҳам зоҳирға майлони ила мажмуъини ижтимоъидин набз ҳам катта бўлур. Лекин муқовамат ҳаракати ва мараз иситмасининг таъсири бирлан руҳ ва дил қизиб, тарвиҳ учун ҳожати шадид бўлур. Бинобарин набзда суръат ва тавотур ҳам пайдо бўлур. Аммо бу ҳолдин муқаддамроқда набз катталиқ ва кичикликда мухталиф бўлуб турар. Чунки ҳануз қувват ва руҳ учун ғалаба муқаррар бўлмай тургон ҳолида гоҳи ҳужум ва гоҳи чарчамоқ натижасида андақ таваққуф ва истироҳатнинг вақтидур. Ва ҳужум вақтида набзға ғалаба нишони бўлгон катталиқ ва истироҳат вақтида мағлублик нишони бўлгон кичиклик ориз бўлуб турар.

Ва яна набзда муртаъишлиқ ва изтироб ва ихтилофи ажзо ҳам ориз бўлурки, камоли изтироб ила муқоваматнинг лозимасидур. Аммо совуқ моддалиқ сарсомнинг набзи, масалан, балғамий ва ё савдовий сарсомнинг набзи аввал ҳолда мутафовут суст ва мавжий бўлур.

Зероки, моддани совуғлиги таъсиридин ва руҳни тарвиҳ учун ҳожати камроқ ва ҳам қувват ва руҳни маразға муқовамати аҳамм бўлғони учун набзни таҳриқиға эҳтимоми камроқ бўлур. Бинобарин набз мутафовут ва суст бўлур. Магар модда назж топуб етулгон вақтда ва руҳ ва қувват маразға голиб бўлгон вақтда андақ тезроқ ва мутавотирроқ бўлур. Чунки ул вақтда табиат ва руҳ голиблиқдин қониъ бўлуб, зоҳирға майлон қилур. Ва аларға таъбан қон ҳам зоҳирға сироят қилурки, буларни лозимаси набзда катталиқ ила суръат ва тавотурдадур.

Ва мавжийлик эса сарсоми балғамийнинг ибтидосидин интиҳосигаҗа доимий ва шиддатлик бўлур. Зероки, балғам рутубатдур ва рутубат мавжийга мусталзимдур. Хусусан қувват ва руҳни мараз ила муқоваматининг таъсири рутубатга муъин бўлуб, тамаввужни зиёда қилур.

Аммо сарсоми савдовийнинг ибтидосида набзнинг тамаввужни йўқ даражага қариб кам бўлур. Сўнгра бўҳрон вақтида андак зиёда бўлур. Зероки, моддаи савдо қуруқдур. Ва тамаввужга хилофдур. Агар табиатнинг изтирори сабабдин андак тамаввуж маҳсус бўлур. Ва лекин бўҳрон вақтида қувват ва табиат ила маразнинг муқовамат ва талошларини изтироби бу тамаввужни равшанроқ маҳсус қилур. Ва яна фарқи шулки, балғамий сарсомнинг набзи мулойимроқ бўлурки, галабаи рутубатни аломати хоссасидур.

Аммо савдовий сарсомнинг набзи қаттиғроқ бўлурки, йубусатнинг хоссасидур.

Аммо судоъи ҳорр, яъни иссиқ моддалик бош оғриғунинг набзи тез ва мутаботир бўлур. Ва совуқ моддалик судоънинг набзи мутафовут ва суст бўлур. Аммо жунуннинг набзи аввал ҳолда тез ва бақувват ва андак қаттиқ бўлур. Зероки савдо деб ҳар қаю хилтни куйганини айтилур. Бас, маълумдурки, ҳар қаю хилт куймоқда албатта ҳароратнинг зиёда таъсиридин мутаассир бўлуб, ҳарорати нотабиийя пайдо қилуб куяр. Бас, савдонинг вужуди ҳароратнинг вужудиға мавқуфдур. Ва ҳароратнинг лозимаси албатта набзга суръат эҳдос қилмоқ ва савдони ҳам рутубат ҳолдин арзиятлик ҳолға табаддулининг лозимаси набзда бақувватлик эҳдос қилмоқдур. Ва савдолик кайфиятнинг йубусати батадриж зиёдалашмоғи ҳам набзда батадриж салобат ва қаттиқлик ҳосил бўлмоқни мусталзимидур. Ва сўнгроқ вақтда жунуннинг набзи қаттиқ ва кичик ва заиф бўлур. Зероки булар ҳаммаси қуруқликни нишонасидур.

Аммо ошиқ кишининг набзи ҳамма кайфиятда беинтизом бўлур. Зероки ошиқнинг маҳбуб тарафқа шавқи ва ани васлидин ноумидлик ва ҳажрида доимийлик хавфи доим бир-

бирига мутаъоқиб бўлуб, хаёлдин ўтуб турадур. Бас, васлнинг ширин хаёлида руҳ зоҳири бадан тарафга моил бўлур ва анга табъан қувват ва қон ҳам зоҳирга таважжуҳ қилур. Бинобарин набз катта ва бақувват ва тез ва мутаботир бўлур. Ва бир ани дигарда ҳажрнинг кулфати ва маҳрумликнинг даҳшати ва маъюсликнинг меҳнати хаёлга келса, руҳ ва қуввати ҳайвонийга нафрат ғолиб бўлуб, доҳили баданга ружуъ қилур. Бинобарин набзда кичиклик ва заифлик ва сустлик ва мутафовутлик пайдо бўлур. Ва агар ошиқ маъшуқни кўрса ва ё номини ва ё овозини эшитса дарҳол набзида катталиқ ва мўътадиллик ҳосил бўлур.

Ва лақва касалининг набзида қаттиғлик ва узунлик пайдо бўлур.

Ва истирхо касалининг набзида мутафовутлик бўлур.

Ва фолиж касалининг набзи мавжий ва заиф ва мутафовут ва суст бўлур. Фолижда қуввати ҳайвонийя заиф бўлса набзи ҳам заиф ва номунтазам бўлур.

Ва саръ касалининг моддаси агар балғамий бўлса, набзи мутафовут ва суст бўлур. Ва агар савдовий бўлса, набзи қаттиқ ва кичик бўлур.

Ва сакта касалининг набзи доим мавжий бўлур. Агар касали шиддатлик бўлса, набзи номаҳсус, балки соқит бўлур.

Аммо ҳуммойи йавмда набз катталиқ ва тавотурга яқинроқ бўлур. Ва агар ҳуммойи йавмда набз мухталиф бўлса, албатта ихтилофи интизомлик бўлур. Ва агар номунтазам бўлса, ул касал албатта ҳуммойи йавм бўлмас.

Аммо ҳуммойи афнийда иситма тутар, навбатини ибтидо-сида набз чуқурроқ ва кичикроқ ва тез ва мухталиф бўлур. Ва иситма навбатининг миёнасида набз катта ва бақувват бўлур.

Ва ҳуммойи ғибби холисанинг набзи аввалда заиф ва кичик ва мутафовут бўлур. Сўнгра катта бўлур.

Ва ғибби ғайри холисанинг набзи иситма навбатининг аввалида заиф ва кичик ва мухталиф ва чуқур бўлур. Ва иситма навбатининг миёнасида набз катталиқга моил бўлур.

Ва ҳуммойи балғамийда набз аввалан чуқур ва кичик ва

мутафовут ва заиф ва мухталиф бўлур. Сўнгра мутавотур ва мухталиф бўлур.

Ва ҳуммойи мутбиқаи дамавийда набз тўла ва катта ва мулойим ва бақувват ва тез бўлур. Ва агар қон уфунат пайдо қилса, набз катта ва тез ва мухталиф бўлур. Ва бақувватлиги зоил бўлур.

Ва ҳуммойи рубъ касалининг моддаси агар балғам бўлса, набз мулойим ва суст бўлур. Агар модда сафро бўлса, набз тез ва мутавотир бўлур. Ва агар модда қон бўлса, набз катта ва мулойим бўлур. Ва агар модда савдо бўлса, набз қаттиқ ва кичик бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, фавоиди мазкуралар зимн-ларида баён бўлгон далолатлар ҳаммаси асли касалнинг зотиға назарандурки, зоти касалнинг муқтазоси ушбу далолати маз-буралардур. Ва бошқа осори лавоҳиқдин қатъи назар қилин-гондур. Ва ҳам аксарият эътибори ила кўрсатилгон дало-латлардур. Ва илло баъзи умурда баъзи лавоҳиқнинг сабаби бирлан мазкур бўлгон далолатларға тахаллуф ҳам аксар воқеъ бўлуб турар. Бинобарин табиби ҳозиқға вожибдурки, бодий раъй бирлан ҳукм қилмай ҳар бир асарнинг мавжи топса анинг муассирини албатта тафаҳхус ва тажассус бирлан ташхис қилуб, сўнгра ҳукм қилғай. Ва илло ҳукми хато ва амали ботил ва ҳосили замони хундур. Ал-ийазу биллаҳ.

Ва яна билмоқ керакки, фавоиди мазбураининг зимнида зикр қилингон ажноси адилла ҳаммаси муфрада ёки мумкин ул-ижтимоълардур. Аммо бир жински, бошқа бир жинсға тамоман зид бўлса, бу икки зид хоҳ басит ва хоҳ мураккаб бўлсин бир-бирлариға жамъ келмоқлари, яъни ҳар икки зиднинг бир набзда воқеъ бўлмоқлари мумтаниъдур. Масалан, икки зидди муфраданинг мисоли бир набзда ҳам катта ва ҳам кичик ёки ҳам тез ва ҳам сустлик ёки ҳам мулойим ва ҳам қаттиғлик ва ё ҳам тафовут ва ё ҳам тавотур жамъ бўлмоғи мумтаниъдур. Ва икки зид жинси мураккабанинг мисоли бир набзда катта ва мулойимлик ила кичик ва қаттиқлик ёки тез ва мутавотир ила суст ва мутафовут жамъ бўлмоғи мумта-

ниъдур. Магар набзнинг ажзоси эътибори ила мумкин, балки касир ул-вуқуьдурки, бир набзда шараённинг баъзи ажзоси катта ва баъзиси кичик ва баъзи ажзоси мулойим ва баъзиси қаттиғ бўлмоғи мумкиндур.

Чунончи набзи муншорий ва жинси мухталиф ва бошқаларда муфассал зикр қилинди. Азбаски, набзнинг мабҳаси ғоятда ғомиз ва нозик мабҳас эрди, бинобарин набзнинг ҳамма асроридин толибларға камо хува йанбағий огоҳлик ҳосил бўлсин учун, агарчи басти калом бўлса ҳам жаҳди тамом қилдим, маъзур кўргайлар.

ТЎРТИНЧИ МАҚОЛАДИН ИККИНЧИ ТАЪЛИМ ТАФСИРА БАЁНИДАДУР

Бу таълим тўрт фасл ила баён қилинур. Ва биринчи таълим зимнидаги мазкур икки ила олти фасл бу таълими сонийнинг биринчи фасли учинчи фаслға ҳисобланур.

УЧИНЧИ ФАСЛ

Билмоқ керакки, бадани инсоннинг аҳволиға далолат қилғувчи далилнинг иккинчи навъи бул бавл, яъни сийдукдурки, ани истилоҳи атиббода тафсира дерлар. Зероки, маънийи тафсира зуҳурдур. Ва бавл ҳам бадан аҳволини табибға зоҳир қилур. Ва далил ҳам дерлар. Зероки, бавл бадан аҳволини исбот қилур. Ва инчунин қорура ҳам дерлар. Чунки қорура бамаънийи шишадурки, анга бавлни солиб табибға кўрсатилур. Бас, бавлни ҳам қорура демоқ зикри маҳалл баиродаи ҳол ёки зикри зарф баиродаи мазруф қабилидин исми мажозийдур.

Ва бавлнинг кайфиятидин бадан аҳволиға истидлол қилмоқ неча шароитға мавқуфдурки, бавлнинг кайфияти ани билмоқдин муқаддам мазкур шароитни билмоқ лозимдур.

Ва бу шароитдин бири шулки, бавлни қаю тариқа зарфға

олмоқ ва қаю тариқада олмоқ ва қанча миқдор олмоқ ва қаю тарзда сақламоқ лозимлигини билмоқдур.

Ва иккинчиси шулки, бавлни қайси вақтда олмоқ эътиборға лойиқлигини билмоқдур.

Ва учинчиси шулки, аҳволи бадан таъсиридин бошқа бавлни тағйир бергувчи қандоқ хўрок ва қандоқ аъмол борлигини ва алардин мариз холий эканини билмоқ лозимдур.

Ва тўртинчиси шулки, бавлни қорурада қандай сақламоқ лозимлигини билмоқ лозимдур.

Ва бешинчиси шулки, табибнинг ҳазоқатини имтиҳон учун бавл ўрнига кўрсатилмоғи мумкин бўлгон бавлға мушобиҳ қандоқ нимарсалар борлигини билмоқ лозимдур. Ёки агар имтиҳонға мусодиф келса бехато ҳазоқатини исбот қилғай.

Ва олтинчиси шулки, бавлда қандай нимарсалар мураккаб бўлмоғи мумкинлигини ва бавл аҳволи қайси бир узвдин кўпроқ нишон берганлигини тариқаси ва аломатини билмоқ лозимдур.

Ва еттинчиси шулки, гўдак боланинг бавлда қандоқ ҳукм лозимлиги ва анга эътибор қилмоқ мумкин ёки мумтанълигини билмоқ лозимдур. Ва ҳам бавлдин неча хил нимарсани топмоқ мумкин ва аларни тафтиш қилинмоқни билмоқ лозимдур. Бас, бу шароитни ҳар бирини бир фоида ила ва мажмуъини етти фоида бирлан баён қилинур.

ФОИДА. ҚОРУРА ВА АНГА МУТААЛЛИҚЛАРНИ БАЁНИДА

Билмоқ керакки, бавлнинг шишаси оқ шиша ва оқ биллурдин бўлмоғи лозим. Ва шишанинг катталигининг миқдори ҳам маризнинг ҳамма бавли сигиб, яна андак бўш ўрин боқий қолиб, бавлни чайқатмоқ мумкин бўладурган даражада катта бўлмоғи лозимдур.

Ва шиша ғоят соф ва тиниқ бўлмоғи ва масона шаклида куравий шаклға монандроқ бўлмоғи лозимдур. Бас, шишанинг мазкур миқдорда катта бўлмоғининг фойдаси шулки, анга бавли маризнинг ҳаммаси тамом сигмоғи лозимдур. Зероки агар баъзи қисми шишадин ортиб қолса шишадаги қисми

ҳам эътибордин соқит бўлур, чунки бавл ҳамма аъзодин келур. Ва ҳар жузви ҳар бир узвдин кайфият ҳосил қилиб келур. Бас, агар бавлнинг баъзи жузви шишадин ортиб қолса, ани қайси узвдин келганлиги ва ул узвда қандоқ ҳолат борлиги тажрибадин холий қолгон бўлуб, фақат шишадаги миқдорнинг кайфиятига назаран бўлгон тажриба ноқис ва безътибор бўлур. Ва шунинг учун масонада бўлгон бавлнинг ҳамма миқдори шишада мавжуд бўлмоғи лозимдур. Ҳатто баъзи умурда худ бавлнинг миқдоридин истидлол қилмоқ ҳам зарур бўлур. Бинобарин ҳам бавлнинг ҳамма миқдорини шишада ижтимоъи лозимдур.

Ва шишанинг оқ ва соф ва покизалигининг фоидаси зоҳирдурки, тажрибада ҳеч нимарса махфий қолмай, тамом равшан кўринмоғига сабаб бўлур. Ва шишанинг масона шаклида куравий монанд бўлмоғининг нафъи шулки, бавл масонада қаю шаклда ва қайси тариқа тургон бўлса, шишада ҳам шу шаклда турғай. Ва бавлнинг ажзосидин ҳеч бир жузвида ҳеч вазҳ бирлан табдил воқеъ бўлмағай. Шунинг учун шишани катталигиға ҳамма бавл тамом сиғиб, яна чайқатмоқ учун андак бўшлиқ ҳам боқий қолмоғини, яъни жуда лаболаб тўлмаслигини ёки жуда катта бўлуб, бавл шишанинг тагида қолмаслигини атиббои мужаррабин таъкид қилгондурларки, бавл шишада ҳам гўё масонада тургон шаклида турмоғи мумкин бўлсин дерлар. Ва шишанинг масона шаклида бўлмоғидин мурод ҳам шулдур.

Ва яна шишанинг ажзоси текис бўлмоғи ва баъзи жойи қалин ва баъзи жойи юпқа бўлмаслиги ва шишада дўнглик зиёда бўлмаслиги, хусусан шишанинг дохилий сатҳида ҳаргиз зиёда дўнглик бўлмаслиғи лозимдур, балки ҳамма ажзоси текис бўлмоғи лозимдур. Токи мазкур зиёдаси ажзойи бавлнинг тафриқиға боис ва баъзи кайфиятнинг эҳсосиға монёъ бўлмағай. Ва яна шишанинг оғзи каттароқ бўлғай. Токи олатни анга кўюб туруб бавл қилмоқ мумкин бўлғай. Ва агар мундоқ шиша муяссар бўлмай, аввал бошқа зарфға бавл қилуб, сўнгра ани шишаға солмоқ зарур бўлса, лозимдурки, аввал зарф бағоят

соф ва покиза бўлгай. Токи губор ва бошқа нимарсанинг ихтилот ва ихтилофидин бавл холий ва барий бўлмоғи лозимдур. Ва бавлни шишаға солгондин сўнг ҳаводин ва иссиқ шамолдин ва совуқ шамолдин ва офтобдин сақламоқ лозимдурки, булар ҳаммаси муғаййири бавлдурлар.

Ва яна бавлни табибга олиб бормоқда кўб эҳтиёт бирлан беозор олиб бормоқ лозимдурки, агар йўлда чайқалса андин ажраган дурдаси ёки юзида ажралган кўпиги ва ё ёғи бўлса, чайқалмоқ бирлан оралашуб номаълум бўлуб кетмагай. Ва ҳам кўп ҳаракатнинг ва чайқалмоқнинг ўзи муғаййири бавлдур. Чунончи айрон ва қатиқнинг кўп чайқалмоғидаги тағаййур ҳаммаға маълумдур.

ФОИДА. Қайси вақтдаги бавл мўтабарлиги баёнида.

Билмоқ керакки, истидлол учун лойиқ бавл шул вақтда олингон бавлдурки, мариз мўтадил миқдорлик уйқудин бедор бўлса. Лекин ҳануз таом ёки сув тановул қилмаган бўлса. Ва ҳам бавлни олгон замондин бурунроқда бавлни тағйир берувчи нимарсаларға мубошарат қилмогон бўлса, шул бавл истидлолға лойиқ ва мўтабар бўлур. Ва бавлни тағйир берувчи нимарсалар сўнгги фоидада баён қилинур.

Ва одамики, кечаси бедорликға одат қилгон бўлуб, кундузда таом емай ухлагон бўлса, андоқ кишининг ҳақиға шом вақти ҳам субҳни ҳукмидадур. Яъни ани бавлини шом вақтида олиб кўрсатмоқ сазовордур. Ва агар кечаси бедорликға одат қилмогон бўлуб, дафъатан рўзанинг сабаби бирлан тарки таом қилгон бўлса, бу ҳукмдин хориждурки, рўзадорнинг бавли эътиборға лойиқ эрмас. Магар доимий рўзадорликға одат қилгон бўлса, ани бавли лойиқи эътибор бўлур.

ФОИДА. Бавлни тағйир бергувчи ашё баёнида.

Билмоқ керакки, баъзи нимарсани емоқ ва ё ичмоқ ила бавлға тағйир пайдо бўлур. Ва баъзи нимарсани зоҳирдин истеъмол қилмоқ бирлан ҳам зоҳирдин тағйир ҳосил бўлур. Ва баъзи аворизи нафсоний ва баданий ҳам муғаййири бавл бўлур. Чунончи буқул, яъни сабзаларни емоқдин бавл ҳам сабза ранг бўлур.

Ва заъфарон ва хиёршанбарни ичмоқдин бавл сариқ ва ё қизил бўлур. Баҳасби миқдори шўрб ва аччиқ нимарсани, чунончи мурч ва гармдори емоқликдин бавл қароға моил бўлур. Ва шароб ичмоқдин бавл ҳам шаробға ҳамранг ва ҳамқивом бўлур.

Ва зоҳири баданға ҳино блан бўямоқ масом воситаси бирлан бавлға таъсир қилуб, бавлни ранги қизилға моил бўлур. Хусусан нозик баданлар ва масоми васиё одамларда бу таъсир равшанроқ воқеъ бўлур. Лекин ҳинодин ориз бўлгон қизиллик ишроқий қондин ҳосил бўлгон қизиллик ишроқийға назаран камранг ва қивоми ҳам қон ғалабасидаги бавл қивоми каби куюқ бўлмас. Ва инчунин, рўзадорлик ва узоқ муддатгача бедорлик ва машаққат чекиш ва ғазабноклик ва бавлни табиат тақозосига тушурмай такаллуф ила масонада сақлаб турмоқ аксарда бавлни сариқ ва қизил бўлмоғиға боис бўлур, баҳасби миқдори сабаб. Ва агар бедорлик ифрот даражада узоқ муддатға давом этса бедорликдин ҳарорати ғаризий таҳлил топуб, ани таҳлил топмоғи бавлни ранг ҳосил қилолмаслигиға боис бўлур.

Баҳасби тувли бавл оқ ёки камранг бўлур. Аммо бу тариқа бавлнинг аломати хоссасидурки, ҳар чанд оқ бўлса ҳам лекин дурдалик ва кудуратлик бўлур. Зероки узоқ муддат бедорликда физо комил ҳазм бўлмасдин зудроқ меъдадин ўтуб, ани баъзи ажзоси мунҳазим бўлмоғон ҳолда моъиятға қўшилуб, масонаға боргон бўлур. Бас, табибға лозимдурки, шул маънийдин хабардор бўлғай. Ва бавлнинг оқлигиға қараб маразни енгил экан деб гумон қилмағай. Ва бундоғ ғалати фоҳишдин маҳфуз бўлғай.

Ва инчунин жимоъдин ҳам бавл иссиқ ва ёғлиқ бўлур. Ва анда ип каби оқ тафл пайдо бўлур. Хоҳ ул жимоъ инзоллик бўлсин хоҳ беинзол бўлсин.

Ва инчунин қай ва исҳоллардин ҳам бавл мухталиф тағаййуротға мутағаййир бўлур. Ва бавлни нузулидин бурунроқ таом ва ё сув тановул қилинган ва тез фурсат ўтмаган бўлса ҳам бавлни ранги камроқ бўлур. Яъни вақтики, физо тановул

қилса ва ул физони одатан қол ҳазм бўлмоқ фурсати ўтмаган вақтда бавл қилса, бу бавлда ранг бўлмас. Зероки бу бавлнинг рангдор бўлмоғига сабаб собиқда тановул қилинган физо ҳазм бўлуб, хилтлик даражага ўзгарилмоғидур, токи анда ҳосил бўлган хилтни ихтилоти ила рангдор бўлғай. Ва бу бавлдин мурод шул охиринчиси бўлган бавлдур.

Ва агар бундин бурунги физодин ҳосил бўлуб, миёнада кўпроқ ўтган бўлса, лекин бу бавл масонада ҳосил бўлуб, ҳануз барқарор турган вақтида иттифоқан сўнги физони тановул воқеъ бўлуб, мундин сўнгроқ бавл қилган бўлса, бу бавл албатта рангдор бўлурки, бул мабҳасдин хориждур.

Ва кўп воқеъ бўлурки, мараз иссиғ бўлур, лекин таом тановули сабабдин бавли оқ бўлур. Ва ани кўруб табаб ғалат қилуб маразни енги фаҳм қилур. Бас, лозимдурки, бу ишларда кўп тажассус ва тафаҳхус бирлан кўп узоқ фикрда бўлмоқ керак. Токи ғалат ва хатодин эмин бўлғай.

Ва физо тановули ила сўнгра бавл қилмоқ миёнасида мўътабар бўлган вақтнинг ақалли ўн икки соат бўлмоғи ва мўътадили ўн саккиз соат бўлмоғи керак. Бинобарин атиббо дерларки, бавлни олинадургон субухдин бурунги кеча таом тановул қилмаган бўлғай. Ва оч ҳам ётмоғон бўлғай ва балки бурунги кундузни нисфи ўтган вақтда хўроқ қилган бўлғай. Сўнгра бошқа хўроқ қилмай . часи ётиб ухлаб субҳда бавлни олиб табибга кўрсатилғай. Ва шул бавлдин истидлол қилмоқ мувофиқи ҳоли бадан бўлур. Магар одамики, кечаси таом емоқга одат қилган бўлса, аввалан неча кун муқаддам бу одатни тарк қилғай. Сўнгра бавлини табибга кўрсатғай. Токи табибни бавлдин истидлоли рост келғай. Ва агар дафъатан тарки одатни ўзи ҳам бавлда тағаййур ҳосил қилуб, табибни ҳам ғалатга қолдуар дебдурлар.

ФОИДА. Қорурани қандоқ сақламоқ ва анга қайси вақт қарамоқ ва бавл неча муддатдин сўнғ фосид ва эътибордин соқит бўлмоғи баёнида.

Билмоқ керакки, қорурани кўргувчи табиб қорурани чап қўли бирлан ушлағай. Ли-иҳтиром ил-айман ва ўзини соясидин

шишани узоқ тутғай. Ва ўзини кийган либоси шишаға акс ва шуъла солмаслик даражада шишани узоқ тутғай. Ва кўрадурган жойи бағоят ёруғ ва равшан бўлғай. Лекин офтобнинг тобиши шишаға тушмасин. Зероки офтобнинг зиёси ва шишанинг зиёси бавлда булутга монанд бир ғуборға ўхшаб кўрунуб, табибни фикрида хато қилмоғига боис бўлур. Ва табиб бавлга назар қилмоқда аввал шишани бир жойга ўрнаштируб барқарор қилиб қўйғай, то назар қилгон вақтида бавл чайқалуб турмасин. Ва ҳам андин ажралгон тафли ва дурдаси қўзғалуб, яна сувга аралашиб кетмағай.

Ва билмоқ керакки, олти соатдин сўнг бавлга эътимод ва эътибор қолмас. Зероки бу муддатдин сўнг бавл эскиб, рангида ғайритабиий тафсир ориз бўлур. Ва агар иссиқ бўлса, бавлнинг тафли дурда бўлуб ажралур. Ва агар совуқ бўлса, бавлни қивоми қуюқ тартиб ғализ бўлур. Ва инчунин кўп замон ўтган сабабдин кўпиклари зоил бўлгон бўлур ва аксар ажзои ғализлари дурдага қўшилуб таҳнишин бўлгон бўлур. Фақат холис сувни ўзи бавл ўрнида боқий қолгон бўлур. Бинобарин эътибордин соқитдур. Шунинг учундурки, бавлнинг кўпроқ тўхтатиб қуюб сўнгра назар қилинса, ани уст тарафи суюқроқ, паст тарафи кудуратлик лойқамонанд кўринур.

Ва инчунин бадани инсондин янги хориж бўлгон бавлга ҳам эътимод йўқдур, балки андак замон таваққуф қилмоқ керак, токи бавлни тафли сувидин ажралсин. Сўнгра табибга кўрсатмоқ керак. Бинобарин ҳамма атиббо айтгандурларки, бир соати мўътадилғача сақлаб турмоқ керак, токи дурдаси ажрағай. Сўнгра назар қилмоқ керак. Аммо шайх Абу Али ибн Сино дебдурларки, бир соатдин сўнг бавлни ранги ва қивоми тамом ўзгарилиб, гўё сув бўлуб қолур ва анга эътимод қолмас, дебдурлар. Шоядки, ул зотнинг бир соат демакдин муродлари батариқай танкир пораи замон маъносида бўлса ёки муродлари соати тавилаи нужумий бўлса. Ва ё ҳавоси ғоят иссиғ ва ё совуқ бўлгон шаҳарға нисбатан айтгон бўлсалар. Чунки ҳар фасл ва ҳар вақт ва ҳар иқлимнинг ҳукми бошқадур. Ва баъзи иссиғда бир соатда бавл эскиб бузилмоғи ва баъзи совуқ ҳавода бир соатда бавл қуюлмоғи ақлан мумкиндур.

Ва олти соатдин сўнг ҳар қандоқ мўътадил ҳаволи жойда бўлса ҳам би-л-иттифоқ эътилод ва эътибордин соқит бўлур. Бас, шул қадар билмоқ лозимдурки, бавлдин дурда ажралганча таваққуф қилмоқ лозимдур. Ва дурда ажралгандин сўнг бетаваққуф назар қилуб, тажрибага машгул бўлмоқ лозимдур.

ФОИДА. Бавли инсонни бошқа мушобиҳлардин имтиёзи баёнидадур.

Ва буни танимоқ табиб учун фойдалиқдур, токи шунинг бирлан ҳазоқати зоҳир бўлғай. Ва билмоқ керакки, инсоннинг бавлига ўхшаш нимарса икки хил бўлур. Бири бавлда ўхшаш суюқ ва сайёл нимарсалардур. Ва бири бошқа ҳайвонларнинг бавлидур. Аммо суюқ ва сайёл нимарсаларнинг мисоли, чунончи моъ ул-асал ва сиканжубин ва заъфарон қўшилғон сув ва обкома ва моъ ул-лабан ва бунга ўхшаш рангдор бўлғон сайёл нимарсалардурки, рангда ва қивомда ва инсоннинг бавлига мушобиҳдурлар. Магар бавли инсон ила мушобиҳлар миёнасида фарқи куллий шулки, бавлнинг хоссасидурки, агар кўзга яқинроқ жойда тутиб қаралса радиъроқ кўрилуру ва узоқроқ туриб қаралса софроқ кўрилуру. Аммо бошқа мушобиҳларнинг ҳаммаси ҳам би-л-акс яқинда софроқ ва узоқдин ғализроқ кўринур.

Ва яна сиканжубин ила моъ ул-асалнинг хоссасидин бири шулки, ани солинғон шишани баланд кўтариб, таги тарафидин қаралса, шиша таги асал олулға ўхшаб кўринур. Ва шишанинг ўртасида гўё булутға ўхшаш ғубор кўринару. Ва яна моъ ул-асалнинг кўпчилиги сариғ бўлур. Ва бавлнинг кўпчилиги беранг ва ё оқға моил бўлур. Ва обкоманинг аломати хоссаси шулдурки, дурдаси шишанинг тагида бўлур. Ва ё бир тарафида шишаға муттасил бўлур. Аммо бавлнинг дурдаси шишанинг ўртасида муаллақ турар. Ва ҳам бавлини чайқатилса, мазкур дурда ҳам бавл ила баробар ҳаракат қилур.

Аммо обкоманинг дурдаси ҳаракат қилмас. Ва яна обкомада ҳам шишанинг ўртасида булутға ўхшаш нимарса кўринур. Лекин беҳаракат бўлур. Аммо бавли инсондаги булутға ўхшаш нимарса чайқалганда бавл ила баробар ҳаракатлик бўлур.

Аммо инсоннинг бавли ила бошқа ҳайвонотнинг бавлида бўлгон фарқни билмоқ учун мазкур ҳайвонотнинг бавлларини сифатини билгон кишигагина муяссар бўлмоғи мумкин бўлур. “Ва илло фало”. Ва бу мавридда шаҳарларда мавжуд бўлгон баъзи ҳайвонотдин сифати бавлий маълумларини ёзурмузки агарки баъзи ҳайвоннинг бавли инсон бавлига мушобиҳ ва миёнасида фарқи мушкул бўлса ҳам, лекин кўпи мартаба имтиҳондин сўнгра албатта миёнасида тафовут пайдо бўлур. Масалан, эшакнинг бавли шишада қуюқроқ ва оқроқ кўринар. Ва ани дурдаси гўё эриган ёғ ёки эригандин сўнг яна совутанда қотмоқни муқаддимасидаги ёғни дурдасига ўхшаш бўлуб кўринар. Ва бошқа аксари чорпо ва отнинг бавли ҳам шундоқ кўринур. Лекин эшакнинг бавлига назаран аларнинг бавллари сууюқроқ бўлур. Ҳам аларнинг бавлларини шундоқ гумон қилинурки, гўё шишанинг юқори тараф нисфидаги бавл софроқ ва паст тараф нисфидаги бавл кудуратлик ва губорликроқ кўринар. Лекин ул ҳам сууюқ кўринар. Ва бавлнинг ўртасида гўё очилгон пахта каби бир нимарса кўринарки, ўртада муаллақ турар ва бавлнинг устига чиқмас ва кўпик ҳам эрмас.

Аммо қўйнинг бавли сариғ рангга моилроқ оқ бўлуб, бавли инсонга моилроқ бўлуб жуда мушобиҳ бўлур. Лекин холис сув каби беқивом бўлур. Ва ҳам ани дурдаси эшакнинг бавли каби ёғ ёки анинг дурдасига ўхшаш кўринар.

Ва охунинг бавли ҳам одамнинг ва қўйнинг бавлига ўхшаш кўринар. Лекин мутлақо беқивом ва бедурда бўлур. Ва қўйнинг бавлидин софроқ бўлур. Ва ҳар қаю ҳайвоннинг ғизоси нақадар покизароқ бўлса, бавли шул қадар софроқ бўлур.

ФОИДА. Бавл қайси уздин кўпроқ нишон бермоғи ва қандоқ нимарсадин хабар бермоғининг баёнидадур.

Билмоқ керакки, меъдадин тайёрланиб жигарга боргон кайлус жавҳари ғизо жигарнинг муқаъар тарафида каймус бўлур. Яъни ғизолик суврати навъийясидин тамом ўзгарилуб, ахлоти арбаъа бўлурки, кўпроқ миқдор қон ва андак миқдор сафро ва савдо ва балғам бўлур. Сўнғи уч хил ахлот қондин ажралур. Магар ҳар хилтнинг гоят латифлари бадан ҳожати

учун қонға аралашуб, баданға таралур. Аммо гизо бирлан ҳамроҳ бўлгон сувлари бул жойда қондин ажралмас, токи сувнинг ёрдамида қон қивоми қуюқ бўлуб ғоятда танг ва тор томурларға сингиб кетуб жигарнинг муҳаддаб тарафи, яъни хорижи бадан тарафиға ўтар. Ва шу жойда кўп миқдор сув ҳам қондин ажраб, буйрак ва қовуқ тарафға мундафиъ бўлур. Магар озроқ миқдор сув яна қонға ҳамроҳ бўлуб, қонни аъзоға таралмоғи учун аъзонинг нозик томурлари масомлариға сингдирмоқда ёрдам берур. Сўнгра аъзода каймуси соний ҳосил бўлуб, қон табиий қивомиға ўзгарилса анга мураккаб бўлгон сувларнинг баъзи қисми масом воситаси бирлан маҳлул топуб мундафиъ бўлурки, арақ, яъни тер шундин иборатдур. Ва аксар қисми қондин ажраб яна аввалғи келган йўлиға ружуъ қилуб, жигарға ва андин буйрак ва қовуқ тарафға мундафиъ бўлурки, бавл ушбу сувдин иборатдур.

Бас, агар ушбу сув тамоm қондин ажралмай баъзи қисми қонға мураккаблигича баданда қолса, батадриж бавл камаюр. Ва баданда батадриж сув зиёда бўлуб шиш пайдо бўлурки, истисқо шундин иборатдур.

Бас, маълум бўлдики, бавл аввал ҳамма аъзони ҳамроҳ сайр қилуб, сўнгра кўп миқдор қон ва оз миқдорлик боқий ахлотдин ажралуб келгон бўлур. Шунинг учун ҳамма аъзонинг аҳволиға ва қаю хилтнинг баданда ғалабасиға далолати бешубҳа муқаррардур. Масалан, жигарнинг ҳолиға ва анда ҳосил бўлгон ахлоти арбаъанинг ҳолиға ва баданда сайр қилғони учун ўзига йўл ва мажро бўлгон томурларнинг ҳолиға ва алардаги ахлоти арбаъанинг йўлиға қаю аъзодин сайр қилуб ўтган бўлса, шул аъзонинг ҳолиға далолати собитдур.

Лекин жигарнинг ва томурларнинг ва ахлотнинг ҳолиға бавлнинг далолати бақувватроқ ва зоҳирроқдур. Аммо амрози сийна, амрози димоғ ва авжоъи мафосил ҳоллариға ва дил ва меъда ва ичак ва талоқ ҳоллариға далолати хафийроқ ва заифроқдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бавлнинг ихрожини табиат тақозо қилгон вақтда бетаваққуф истиброға бормоқ лозим ва

вожибдурки, қовуғда қархан сақламоқ бағоят зарардур ва буни заруратиға мисол учун бир-икки ҳикояи ажибани нақл қилмоқ муносиб кўринди.

Ҳаким Қаршийнинг “Шарҳи Қонун”ларида ёзилғондурки, фуқаҳодин баъзилари энг муҳим масаланинг мунозарасиға машғул вақтларида табиатлари ихрожи бавл учун муқтабиз бўлса ҳам, лекин мунозаранинг аҳамияти ва нозиклигиға биноан зўр забт ила ўзларини сақлаб ҳибси бавл қилғон эдилар. Оқибатда бавллари ёналари ва сонларининг масомидин тарашшуҳ қилуб сизуб чиқди. Ҳам ўзлари шул кунда ҳалок бўлди, дебдурлар.

Ва яна иккинчи бир одам ҳам ўзини зўр такаллуф ила забт қилуб, бавлини сақлағон эрди, оқибат ани бавли белидин тарашшуҳ бўлуб чиқди. Ва бул одам ҳалок бўлмай неча вақт ҳаётлик кечурди. Лекин то вафотиғача ҳар вақт бавл қилса, аввалан бавли белидин андак чиқуб, сўнгра боқийси мажройи мўътоддин чиқар эди, деб ҳикоя қилғондурлар. Ва бу ҳикояни зоҳиран бир ҳикояйи маҳзға ўхшаб анланмоғи мумкиндур. Лекин мазмуни мувофиқи ҳикматдурки, ростлигини ҳикмат тақозо қилур. Бинобарин такмили танбиҳ учун барча татаввули калом бўлса ҳам бу хусусда андак баёни ҳикматни лозим кўрдум.

Билмоқ керакки, бавл буйрақдин мундафиъ бўлуб ҳолиб исмлик томур воситаси ила масонаға борур. Ва масонанинг хорижий қабатида ҳолибға муттасил маҳаллида бир тешук воқеъ бўлуб, ҳолиб томурини тешугиға муттасилдурки, ҳолибдин борган бавл шул тешукдин биринчи қабат пардадин ўтуб кирар. Аммо иккинчи қабатда бу тешук муқобилида тешук воқеъ бўлмай, балки андин юқорида ва масонанинг нисфи аълосида воқеъ бўлғони учун бавл ҳам биринчи ва иккинчи қабат масонанинг миёнаси ила нисфи аълосиға етуб, андин сўнг иккинчи қабатни тешукларидин ўтуб масона ичиға жамъ бўлур. Ва бу икки қабат масона пардасининг тешуклари бир-бириға мувофиқ бўлмай, мужониб бўлғонларини асли ҳикмати шулки, оз-оздин тарашшуҳ ила жамъ бўладурган бавл вақти

ҳожатдин муқаддам яна буйрак тарафга қайтиб кетмасин учундур. Чунки масона холийлик вақтида ҳеч тазйиқ бўлмағон сабаблик ҳар икки парданинг миёнасидаги йўл очиқ бўлуб, буйракдин келган бавл масонага кирмоғиға монёълик бўлмас.

Аммо масонага бавл ҳар на қадар жамъ бўлса, шул қадарини оғирлиги иккинчи қабат пардага тазйиқ эҳдос қилуб, хориж тарафга итаргани учун мазкур парда биринчи пардага боруб сиқилар. Ва тешук бир-бирига мужониб бўлғони учун иккинчи қабатнинг бутун жойи биринчи қабатнинг тешук жойига муқобили муттасил бўлуб, тешукни банд қилур. Ва ҳануз бавлнинг жамъ бўлуб етмаган маҳаллида тазйиқ бўлмағони учун масонага бавл келмоғи мумкин. Ва бавллик жойнинг тешуғи тазйиқда банд бўлғонлиги бавлни ружуъиға монёъ бўлуб турар.

Бас, вақтики масона тўлса ани аъло тарафи пайи ҳассосасидин мураккаб бўлғони учун бавлнинг ҳиддатини эҳсос қилуб табиатни огоҳ қилур. Сўнгра табиат ани дафъиға муқтазий бўлур. Бас, шул вақтда инсон ўзини жабран ва карҳан забт қилса бавл масонага тамом тўлғондин сўнг дохилий табақа тешуғиға боруб ва ёнадин хориж тарафга ружуъиға ҳеч монёъни бўлмағони учун ва табиат ила қуввати дофиъа бавлни дафъиға мутаважжиҳ бўлуб турғони учун инсон ўзини ихтиёрича паст тараф йўлни банд қилуб сақлаб турса бавл ночор бадан тарафга мундафиъ бўлур. Ва танг масомлар ва томурлар ва воситаси бирлан гўштиға таралуб баданнинг хорижий масомидин тарашшух қилуш чиқмоғи ва ё аксар аъзонинг гўштларига таралуб баданни ўз ҳиддати ила фосид қилмоғи бадиҳий ва муқаррардур. Бас, зинҳор ҳибси бавлдин эҳтиёт зарур ва вожибдур.

ФОИДА. Гўдак боланинг бавлидин истидлол учун эътимод баёнидадур.

Билмоқ керакки, ёшиға етмаган гўдак боланинг бавлида мутлақо эътимод йўқдур. Зероки ани табиатида ҳануз комил қудрат ҳосил бўлмағони учун агарчи ани бавлида моддаи

русуб, яъни дурда моддаси мавжуд бўлса ҳам, лекин табиат ани сувдин ажратиб дурда чиқара олмас. Ва ҳам ёш болада рутубати табиийянинг ғолиблиги ва анга сафронинг мағлублиги сабабдин бавлда бошқа ранг ҳам камроқ ҳосил бўлурки, андин аҳволи баданға истидлол мумкин бўлмас.

Аммо агар бола бир ёшга тўлса сўнгра ани табиати фи-л-жумла иқтидор ҳосил қилуб табиби ҳозиқ учун андин истидлол қилмоқ камоли тафаҳхус ила мумкин бўлур. Ва ёши етти ёшга етгандин сўнг истидлол қилмоқ учун бавлнинг далолати равшан билинур.

Ва билмоқ керакки, бавлдин табиб истидлол қиладурган далолат етти навъ бўлур.

Биринчи ранги бавл, иккинчи қивоми бавл, учинчи сафо ва кудурати бавл, тўртинчи дурдаи бавл, бешинчи қиллат ва касрати бавл, олтинчи ройиҳаи бавл, еттинчи зубди бавлнинг далолатидур.

Ва бу етти навъни тўрт фасл бирла баён қилинур. Чунки бавлнинг суюқ ва қуюқлиги ва кудуратлиги ҳам қивом фаслига дохилдур. Ва қуюқлик ила кудуратликнинг фарқи ҳам қивомнинг баёнида равшан маълум бўлур. Ва ройиҳаи бавл ҳам қивом фаслига дохилдур.

Ва баъзи атиббои қадими Юнон бавлнинг ламси, яъни зоҳири баданға тегса жилдға маҳсус бўладурган таъсирини ва бавлнинг таъмини ҳам бу етти навъға қўшуб, тўққиз навъ далолат баён қилғондурлар.

Лекин Шайх ур-раис ва соири мутааххирийн бавлнинг нажаслиғи ва бу сўнгги икки навънинг тажрибаси шаръан мутлақо нораволиғи учун баённи тарк қилғондурлар.

Ва илло атиббои мутақаддиминнинг даъвойи истидлоллари ҳам агарчи батариқаи тажриба содиқ эрмас, лекин батариқаи адиллаи назарийяи ақлийя ва қиёсийя собит ва мусалламдур. “Ва-л-илму биҳи ында-л-Ҳақим ул-Мутаъол”.

УЧИНЧИ ФАСЛ БАВЛ РАНГЛАРИНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, тўртинчи мақоладин учинчи фаслда бавлнинг рангларига мутааллиқ далолатларни баён қилинур. Лекин башарти юқорида машруҳан баён бўлган мулаввинот ва муғаййироти бавл нимарсалардин тановул қилмоғон тақдирда бавлнинг ранги бошқа ахлот ва фазлаларнинг бавлға ихтилотидин ҳосил бўлгон бўлур. Зероки аксари вақтда бавл холис сувғина бўлмай, балки фазлаларига, хусусан азми сонийнинг фазласига мухталит бўлур.

Бас, агар ул фазла қуюқ бўлса, анда арзийят ғолиб бўлғони учун сувдин ажраб таҳнишин бўлурки, русуб, яъни дурда шундин иборатдур.

Ва агар қуюқ бўлмаса сувдин ажрала олмас. Ва мухталит ҳолича турар ва сувға ғоят имгизожи сабаблик мажмуъи каби гўё бир хил нимарса каби кўринуб бир-биридин тамйизи маҳсус бўлмас. Бас, сувда мухталит бўлгон фазланинг рангига муносиб ранг ҳосил бўлур. Ва ғоят шулки, мухталит бўлгон фазла ва хилтнинг асл ранги сувнинг ғолиблиги учун мағлуб ва камранг бўлур. Бинобарин баҳасби ихтилот ахлоти бавлда ҳосил бўладурган рангларнинг даражоти эътибори ила табақалари беш табақадур. Ва беш ададға маҳсус қилмоқ рангларнинг аслларига ва зотларига биноандур.

Ва илло баъзи ахлот бошқа ахлот ила мураккаб бўлса андин ҳосил бўладурган ранги мураккабаларнинг адади беҳисобдур. Масалан, азрак ҳам бир рангдур, лекин атиббо ани хазратға, яъни сабз рангға дохил дерлар. Ва инчунин рангларнинг кўп адад шўъбалари ушбу беш адад рангнинг баъзиси баъзисига мураккаб бўлгонлиги учун ҳосил бўлур. Чунончи шул фаслнинг охирида муфассал баён қилинур.

Аммо ҳаким Абу Саҳл ал-Масиҳий айтубдурларки, рангларнинг асли ахлоти арбаъа ададиға баробар тўрт хил бўлур ва бошқалари мураккабо ранглардур. Шунинг учун соҳиби

“Захира” сабз ранглик бавлни мураккабадин ҳисоб этуб баён қилгондурлар.

Аммо Шайх ур-раис ва аксари атиббо рангнинг асли беш адад, деб зикр қилгондурлар. Лекин таъаммуқ ила назар қилинса, бу низоъ фақат низоъи лафзийдур. Зероки Абу Саҳл ал-Масиҳий ва соҳиби “Захира”нинг наздларида асли рангдин мурод ранги баситдур. Ва шак йўқдурки, бу тақдирда ранг асли ахлот ададиға баробар тўрт ададдурки, оқ ва қизил ва сариқ ва қародур. Ва сабз албатта ранги мураккабадур.

Аммо Шайх ур-раис ва аксари атиббонинг фасли бавлдаги асл ранг беш ададдур демақларидин муродлари сабз рангнинг муфрад ёки мураккаблигидин қатъи назар, сабз ҳам гўё бир жинси ранг бўлуб, бу ранг ҳеч бир бошқа ранги баситда мавжуд бўлмагонлиги муроддурки, сабз рангда ҳам асл ранг каби мухталиф даражалар бордур.

Ва илло Шайх ур-раиснинг ўзлари “Қонун”ларини “Табиийёт” қисмида “Усули ҳикмати табиийя” бобида арбаъоти сабъата ашарани бири “алвони арбаъа” деб асл ранг фақат тўрт хил эканини тасриҳ қилгондур. Бас, бундин собит бўлурки миёнларидаги низо фақат лафзийдур. Ва бу беш хил ранглар: биринчи сариқ, иккинчи қизил, учунчи кўк, тўртинчи қаро, бешинчи оқдурки, ҳар бирини алоҳида баён қилинур, иншааллоҳу таъоло.

Ва билмоқ керакки, асҳоби қонун одатларида сариқ рангни бошқа ҳамма ранглардин муқаддам зикр қилингондур. Ва буни муқаддамлигиға икки важҳ бордур. Бир важҳ шулки, бавлни ранги табиийси сариқ ва утружий рангдур, яъни пўртаҳол мевасини пўстиға ҳамранг бўлурки, бу ҳол сариғ рангдур. Ва бошқа рангларни ҳаммасини баъзи қисми нотабиийдур. Бас, табиий қисмнинг баёнини нотабиий қисмнинг баёнидин олдин зикр қилмоқ лойиқроқдур.

Ва иккинчи важҳ шулки, бавл аксар вақтда сариқ ранглик бўлур. Ва аксариятнинг эътоби голибдурки, муқаддам зикр қилмоқға аксарият сазовордур. Ва бавлнинг аксар вақт сариқ бўлмоғиға уч хил сабаб бордур

Биринчи сабаб шулки, муқаррар бўлгондурки, бошқа ахлотга нисбатан сафро бавлға кўпроқ мухталит бўлур, чунки ҳикмати Илоҳийдурки, бавл ва бурозни ихрожи лозим бўлгон вақтидин табиатни огоҳ қилмоқ учун ўз ҳиддати ила таъсир ва танбиҳ фазилати фазли Илоҳийдин фақат сафроға вадиъат кўйилгондурки, то сафрони ҳиддати маҳсус бўлмаса бавл ва бурозни дафъиға табиат ҳаракат қилмас. Ва бу фазилат бошқа ахлотда мавжуд эрмас. Бинобарин, масона ва ичакнинг сафронинг насибаси карами Илоҳий бирлан кўпроқ бўлгондур.

Ва иккинчи сабаб шулки, маълум бўлгондурки, қон жигардин аъзоға бормоғида қонға сафро ҳамроҳ бўлуб борадур. Токи баданнинг тор томурлариға ва танг масомлариға қонни суюлтируб сингдирмоқда сафро мададкор бўлур. Ва қондаги сув ҳам инчунин мададкор бўлур. Бас, агар қон баданга сингиб жузви бадан бўлса, сўнгра қоннинг сувлари яна қайтиб келиб масонаға жамъ бўлуб бавл бўлур. Ва бадандин боқий қолгон сафро ҳам шул сувдин мухталит бўлуб масонаға келур.

Ва маълумдурки, сувға сафро қўшулса албатта сувнинг ранги сариқ бўлур.

ТАНБИҲ. Қонда сув ва сафро мухталит бўлғони каби балғам ва савдо ҳам мухталит бўлур. Ва сувға қўшиллуб алар ҳам масонаға жамъ бўлур. Бас, бавлнинг ранги сафронинг рангиға ҳамранг бўлмоғи лозим келмай, балки ҳамма ахлотнинг рангидин мураккаб бўлса керак деб гумон қилинмасин. Чунки юқорида баён қилиндики, агар хилт ғализ бўлса, анда жавҳари арзийя ғолиб бўлур. Бинобарин тез фурсатда сувдин ажраб дурда бўлур. Ва сувға мураккаблик ҳолича сувни бўяб тура олмас. Ва агар хилт рақиқ бўлса сувға мураккаблик ҳолида давом этиб, сувни бўяб кўрсатиб турар.

Ва зоҳирдурки, сафро ҳам рақиқ ва ҳам енгилдур. Бинобарин сувға ихтилоти ҳам шашиддатдур. Шунинг учун ўз рангидин сувға таъсир бериб бўяб турмоқда бошқа хилтлардин қобилроқ ва омилроқдур.

Ва учинчи сабаб шулки, ҳаким Қарший ва аксари атиббои мутақаддимийн наздларида ахлоти арбаъанинг мажмуъи “мин

хайсу ул-мажмуъ” қизил ранглиқдур. Бас, кўп миқдор бавлга оз миқдор қизил кўшулса сувнинг ғалабасидин хилтнинг ранги камайуб сариқ ранг ҳосил бўлур. Бинобарин қайси хилт бавлга мухталит бўлса ҳам соғ кишининг бавли аксар вақт сариқ ранглик бўлур. Ва мажмуъи ахлотнинг ранги қизил бўлмоғи учун сабабларини бошқа фавоиди ила кўшуб, шул мабҳаснинг охирида, яъни олти фаслнинг охирида батафсил баён қилурман, иншааллоху таъоло. Ал-ҳол мазкур беш хил асл рангни даража ва мартабалари ила баён қилинур.

Аммо сариқ рангнинг маротиби олти мартабалик бўлур. Биринчи мартобининг номини тибний дерлар. Ва тибн ба касри тойи фавқоний ва сукуни бойи муваҳҳада ва нун луғати арабийдурки, туркийда сомон дерлар. Ва бавлнинг ранги сомон рангиға мушобиҳ бўлмоғида ақволи атиббода ихтилоф воқеъдурки. Баъзи тақдири музоф қилуб, моъ ут-тибнға, яъни сомон ивитилғон сувнинг рангиға мушобиҳ бўлур, дерлар. Ва баъзилар бетақдири музоф худ сомоннинг рангининг ўзиға ўхшаш бўлур, дерлар.

Ва ҳақирнинг¹ наздимда сўнгғи қавл ақраб басавобдур. Зероки тибний биринчи даража сариқдурки, бошқа мартаба сариқлариға нисбатан оч ранглик бўлур. Ва сомон ивитилғон сувнинг ранги эса иккинчи мартабалик бўлғон утружийнинг рангидин қизилроқ бўлурки, хилофи мақсуд ва қодиҳи ҳудуди маротибдур. Зероки тибнийдан мақсуд андак сариғдин ва кўп миқдор оқ ва софдин мураккаб бўлғон бавлдур.

Ва бавлнинг ранги тибний бўлмоғиға сабаб, биринчи суъи ҳазмдур, яъни физонинг муқтазои табиатға лоиқ даражада ҳазм бўлолмоғонидур. Зероки тағаййуротнинг асл беш сабаби ҳазмнинг фасодидур. Бинобарин соҳиби “Қонунча” ҳаким Чағминий шу сабабғағина иқтисор қилуб, бошқа сабабларни зикр қилмагандурлар.

Аммо биз тибнийнинг ҳамма сабаб ва далолатларини баён қилмоқни лозим кўрармиз.

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

Билмоқ керакки, тибнийға икки хил, гоҳ бошқа сабаб ҳам бордир. Бири шулки, зотан баданда сафро камроқ мавжуд бўлур. Бинобарин бавлға мухталит бўлгон сафро ҳам камроқ миқдор бўлур. Ва иккинчи сабаб шулки, сафро миқдори табиийда мавжуд бўлур, лекин моъийян, яъни бавлнинг суви миқдори табиийдан кўпроқ бўлур, сафроға ғолиброқ бўлур. Аммо сафронинг намлиги икки эҳтимолдин холий бўлмаски, ё мизожнинг совуқлиги монёъ бўлғони учун сафро кўп ҳосил бўлолмай ҳақиқатдин кам бўлур. Ёки мизож мўътадил бўлса ҳам, лекин кўпроқ муддатгача совуқ ва ғализ таом тановул қилинуб, андин сафро камроқ ҳосил бўлгон бўлур.

Ва иккинчи эҳтимол шулки, баданда ҳақиқатдин сафро кўп бўлур, лекин бавлнинг мажросидин бошқа аъзоға моил бўлур, бавлға камроқ миқдори мухталит бўлгон бўлур.

Ва сафронинг бошқа мавзеъға моил бўлмоғи ҳам оммдурки, хоҳ истифроғ сабаби бирлан бошқа тарафға моил бўлгон бўлсин, чунончи исҳол ва қайи сафровийда машхурдур. Ёки беистифроғ моил бўлсин, чунончи сарсомнинг ибтидо-сида машхуддур. Ва бошқа сафровий касалларда зоҳири баданға ёки бавл мажросидин узоқроқ бир узвға моил бўлгон бўлсин. Чунончи ярақони асфарда машхуддур.

Ва инчунин мўътадил миқдор сафроға моъийят, яъни сувнинг миқдори кўп бўлур, ғалаба қилмоғи ҳам икки важҳдин холий бўлмаски, ё бир амри баданийдун бўлур ва анга мисол суюқ балғам масонаға кўп резиш қилғонда бавлни ранги тибний бўлмоғидур. Ва балғамнинг суюқлиги ҳам оммдурки, хоҳ балғамдурки, рутубати маҳзадин иборат суюқ бўлсин ва хоҳ қуюқ балғам эриб суюлгон бўлсин.

Ва иккинчи важҳ шулки, бадандин хориж нимарсанинг сабаби бирлан сув кўп бўлур, мўътадил миқдор сафроға ғолиб бўлур. Ва анга мисол кўп миқдор сув ичмоқдин ҳосил бўлгон бавли тибнийдур. Бас, ушбу хил бавли тибнийларни бир-бирларидин фарқларини ҳам кўрсатмоқ лозим келди, токи бир маризнинг бавли тибний бўлғониға сабаб экани шул фарқлардин маълум бўлғай.

Билмоқ керакки, агар бавли тибнийға сабаб рутубатнинг кўплиги бўлса, бавлнинг миқдори ҳам кўп бўлур. Бас, бу рутубатнинг кўплигиға сабаб хорижи бадандин бўлса сувни кўп ичганлик ёки собиқда мартуб нимарсалардин кўпроқ тановул қилғонлик шоҳид бўлур. Ва агар бавлнинг тибнийлигиға сабаб дохили бадандин бўлса, яъни масонаға балғамнинг кўп нузулидин бўлса сув ичмаса ҳам бавлини кўп миқдорда бўлмоғи далили қотиъ бўлур. Ва ҳам бавлнинг ғализ бўлмоғи лозимдур, чунки агарчи балғам суюқ бўлса ҳам, албатта холис сувға нисбатан қивомлик бўлур.

Ва агар бавлнинг тибнийлигиға сабаб зотан сафронинг камлиги бўлса, анга бавлнинг миқдори ҳам камроқ бўлмоғи лозимдур. Ва оғизнинг қуруқ ва аччиғлиги ва иштиҳонинг суқути каби осори сафродин ҳеч бири маълум бўлмаслиги анга далилдур.

Ва агар сафро баданда мавжуд бўлуб, лекин масонадин бошқа мавзеъға моил бўлғон бўлса сарсоми сафровий ва судоъи сафровий ва ярақони асфар касалларидин бирини ориз бўлғонлиги ва ё исҳоли сафровий ёки қайи сафровийнинг воқеъ бўлғонлиги ва ё ўткир нордон таъмлик нимарсанинг тановули воқеъ бўлғонлиги анга ҳужжати сотиъдур. Ва инчунин агар ичакда алам пайдо бўлса ҳам сафрони ичакға моил бўлғониға бурҳони қотиъ бўлур.

Ва саригликнинг иккинчи мартабаси утружийдур. Ва утруж луғати арабийдурки, бамаънийи пўртаҳул, яъни апелсиндур. Яъни бу бавлнинг ранги етулуб пишган апелсиннинг пўстининг рангида бўлур. Ва бу ранг сариг ила холис сувнинг аралашганлик рангида бўлур. Ва ҳақиқатдин ҳам сафро сариг ва бавлдаги рутубат холис сув бўлуб, ҳар иккисининг бир-бириға аралашганидин бавли утружий ҳосил бўлғондурки, бу ранги тибнийнинг рангидин ўткурроқ сариг бўлур.

Ва бавлнинг ранги утружий бўлмоғиға сабаб ҳазмнинг ҳоли яхши ва комиллиги ва хилтнинг пишганлигидур.

Ва билмоқ керакки, шайх Абу Али ва ҳаким Чағминий ва бошқа мутақаддимийн ва мутааххирийннинг аксарларининг

наздларида саҳиҳ кишининг бавлидаги ҳазм ва назжи комилга далолат қиладургон ранг шул утружий рангдур. Ва бу тақдирда вожибдурки, мазкур атиббонинг баён қилгон утружийдин муродлари сувга мухталит бўлгон сафронинг миқдори мўтадил миқдорда бўлгонидур. Ва илло баданда сафроси кам бўлгон кишининг бавли агар утружий бўлуб келса, ани далолати назжнинг комиллигига эмас, балки сафронни масонага зиёда резишига ва ё бошқа тарафга суддаи масом борлигига далил бўлур.

Аммо атиббои мутақаддимийндин баъзи жамоъанинг, чунончи Жолинуc ва бошқаларнинг наздида саҳиҳ кишининг сиҳвати ва комил назжи ва ҳазмига далолат қилувчи ранги асфари мушаббаъ, яъни сабзга моилроқ сариғ ила аҳмари носиъ, яъни заъфарон рангинг миёнасидаги ранглик бавлдур. Ва бу сувратда вожибдурки, буларнинг наздларида бавли утружийдин муродлари сувга мухталит бўлгон сафронинг миқдори саҳиҳ кишининг бавлида мухталит сафронинг миқдоридин камроқ миқдорда бўлур, демакдур. Шунинг учундурки, алар бавли утружийнинг таърифларида бавли утружий ўз соҳибининг мизожида, агарчи бавли тибнийнинг соҳибининг мизожидагидин камроқ бўлса ҳам баҳарҳол совуқнинг галабасига далолат қилур, дегандурлар.

Аммо Шайхнинг наздларида бавлдаги сувга мухталит бўлгон сафронинг миқдори мўтадил миқдорда бўлса бавлнинг ранги утружий бўлур. Ва агар мўтадилдин зиёда бўлса миқдори зиёдасига нисбатан бавлни ранги норий ёки норинжий бўлур. Ва агар сафро мўтадил миқдордин кам бўлса, бавлнинг ранги тибний бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, соҳиби “Захира” ўз китобларида ёзгондурларки, бавли утружийнинг фақат рангига эътимод ила ҳукм қилиб бўлмас, балки ани қивомини эътибор қилмоқ лозимдурки, агар қивоми суюқ бўлса сафрони назжи комил бўлуб пишганига далолат қилур. Ва агар қивомни қуюқ бўлса, сафроси ҳануз хомлигига далолат қилур, дегандурлар.

Аммо ҳаким Муҳаммад ибн Закариё дерларки, ман аксар

ҳиддатлик ҳароратлик касалларни кўрдумки, касаллари зоҳир бўлгон кундин бошлаб бавллари утружий бўлди, ҳам шул рангдин ўзгарилмади. Ва бемор ўн тўрт кунга етмай ҳалок бўлди.

Бас, бундин мустафод бўлурки, жумҳурнинг наздларида ҳазм ва назжи комилга далолат қилғувчи утружий ранг саҳиҳ кишиларга хосдур ва касаллар учун яхшилик нишонаси бўлмас, дебдурлар. Ва воқеъан зоҳирдурки, ҳар вақт касал ҳиддатлик бўлса, албатта анга сазовордурки, бавли ба ҳасби ҳиддат норий ёки норинжий бўлур. Бас, агар шул вақт ҳам ани бавли тибний ва ё утружий бўлса, албатта анинг сафроси масонага мундафиъ бўлмай бошқа узви раисга моил ва мутаважжиҳ бўлуб, андак касалнинг иштидодиға боис бўлуб турғони бешубҳа собит ва муқаррардур.

Аммо саригнинг учинчи мартабаси ашқар, яъни андак қизилга моилроқ саригликдур. Ва ул рангнинг ҳусулиға сабаб Шайх ур-раис ва аксари атиббои мутақаддимийн наздларида ҳароратнинг зиёдалигидур ва муқаррар ва собит бўлгондурки, агар сариқ ранг ўткур ва шиддатлик бўлса, қизилга моил бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бавлнинг ранги ашқар бўлмоғи икки эҳтимолдин холий бўлмас. Чунончи сафронинг сувға кўп миқдор кўшилуб, сувға сариг рангни зиёда ҳосил қилгондин бўлур ёки сафро мўтадил миқдор кўшилгон бўлса ҳам, лекин сафронинг ўзининг ранги ўткир сариқ бўлуб, сувға рангни зиёда ҳосил қилгон бўлур. Шунинг учун бу икки эҳтимолни икки қисм ила баён қилмоқ сазовордур, токи толибларға ашқарнинг сабаблари ва аларнинг ҳикмати ва шунинг бирлан ашқарнинг ақсоми равшан ва маълум бўлғай.

Биринчи қисм ашқарки, ани сабаби сафронинг сувға кўп миқдор кўшилгонлигидур. Бас, буни ҳикмати зоҳирдурки, бавли утружийға мухталит бўлгон сафронинг миқдоридин кўпроқ миқдорлик сафро агар масонага мундафъ бўлуб, масона сувиға кўшулса, албатта ранги ҳам бавли утружийнинг рангидин ўткурроқ бўлурки, ранги ашқар шундин иборатдур. Ва бу қисмнинг ғалабаи ҳароратға далолати ҳам равшан

маълумдурки, агар сафро ғолиб бўлмаса эди, бавлда асари бул миқдор зоҳир бўлмас эди. Бас, сафроки, ғолибдур, ани лозимаи зотияси бўлгон ҳарорат ҳам албатта лозимдур.

Бас, буъ қисмда Шайх ва бошқаларнинг бавл ашқарға сабаб ҳароратдур деган ҳароратдин муродлари сафродурки, зикри лозим баиродаи мусталзим қабилидиндур.

Аммо иккинчи қисм ашқарки, ани сабаби сафронинг миқдори мўътадил, лекин ранги ўткурлигининг ҳосил бўлгондур. Бул ҳам икки эҳтимолдин холий бўлмаски, ё сафронинг ранги ўткурлиғи бавли тибний ва бавли утружийнинг рангдин ғолиб бўлуб, фақат ашқарлик даражаға етуб тўхтаган бўлур ёки ашқарлик даражадин ҳам юқори даражаға тажовуз қилуб, сўнгра бошқа сабаб бирлан яна ранги камаюб ашқарлик даражаға ружуъ қилгон бўлур. Ва бу эҳтимолни биринчиси зоҳирдур.

Аммо иккинчиси сафронинг сариклиги ашқарлик даражадин ҳам тажовуз қилуб, даражаи норий ё даражаи норинжийға етган бўлур. Лекин иттифоқан анга бироз миқдор суюқ балғам ҳам қўшилуб, сафронинг рангини камайтирмоқға ва аввалғи даражадин ашқарлик даражаға келтирмоқға сабаб бўлур. Бас, бу икки эҳтимолда ҳам ранги ашқарнинг далолати ҳароратға муқаррардур. Зероки сафронинг ранги ғолиб бўлмоғининг сабаби аксар вақтда ҳарорат бўлур. Хоҳ ул ҳарорат сафрони куйдирадиган ҳарорат бўлсин, чунончи сафрои муҳриқа соҳибида машҳуд ва маҳсус бўлур. Ва хоҳ куйдурмайдурган ҳарорат бўлсин, чунончи мирраи сафродаги ҳароратдур.

Ва сафронинг ранги шиддатлик сариф бўлмоғиға аксар вақт ҳарорат сабаб деб аксарға тақйид қилдум, чунки баъзи вақтда сафрои мўътадил ранг ва мўътадил миқдорға андак савдойи табиий мухталиғ бўлса ҳам сафрони рангини ўткур ва шиддатлик бўлмоғиға боис бўлурки, савдони мнзожи совуқдур. Ва бу ашқарликнинг сабабининг ҳарорат эмас, балки бил-акс бурудатдур. Лекин бу қисм ғоятда кам ва подир бўлур.

Бас, бу қисмларнинг миёналарида бир-бирларини баён қилмоқ лозим бўлди.

Билмоқ керакки, кўп миқдор сафронинг масонаға мундафъ бўлгонлигидин ҳосил бўлгон бавли ашқарнинг ҳиддати қисми сонийға нисбатан камроқ бўлур ва миқдори мўътадил бўлиб, ранги шиддатли бўлгон бавли ашқарнинг ҳиддат ва иштиъоли аввалги қисмға нисбатан кўпроқ бўлур. Ва инчунин ранги шиддатли бўлгон сафрони таъсиридин ҳосил бўлгон бу бавли ашқарнинг ҳар икки навъининг миёнасидаги фарқи шулки, агар савдонинг ранги ўткирликда бавлни утружийлик даражадин ўтказуб ашқарий даражаға етказгон бўлса, аммо бу даражадин тараққий ва тажовуз қилмагон бўлса бу бавли ашқарнинг ҳиддат ва иштиъоли агарчи биринчи қисмнинг ҳиддат ва иштиъолидинкўпроқ бўлса ҳам, лекин ўзининг навъи сонийсиға, яъни навъи тапаззулиға нисбатан кам бўлади.

Аммо навъи соний авалан ашқар даражасидин ҳам тажовуз қилуб, сўнгра суюқ балғамнинг ихтилотидин сабаблик таназзул қилуб, яна ашқарлик даражасиға ружуъ қилгон бавли ашқарнинг ҳиддат ва иштиъоли ҳамма ақсомиға нисбатан кўпроқ ва қивоми ҳам гализроқ бўлур.

Ва тўртинчи қисм бавли ашқарки, сафройи мўъталға андан савдойи табиийнинг ихтилотидин ҳосил бўлгон бавли ашқарки, нодир ва кам воқеъ бўлур. Анда ҳиддати маҳсус бўлмас, лекин савдонинг миқдориға нисбатан бавлда андак дурда ҳосил бўлурки, савдода жавҳари арзийя голиблиги дурдаға мусталзимдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ранги ашқарға фақат ҳарорат ёки савдойи табиийгина сабаб бўлмай, балки бавлнинг ранги қизил бўлмоқда нуқсонли бўлса ҳам қизил ранг ноқис бўлгонда ашқар ранги ҳосил бўлур. Лекин бағоят кам батариқай нудрат воқеъ бўлғони учун эътибордин соқитдур. Зероки маълумдурки, бавлнинг қизил бўлмоғи голибан бавлға қон мухталиб бўлғонидин бўлур. Ва қоннинг бадандин хориж бўлуб бавлға қўшилуб чиқмоғи албатта табиий эрмас, балки бир амри ғайри табиийнинг сабабидин бўлур. Ва амри ғайри табиийда миқдор муқаррар бўлмас. Ва голибан қон зиёдароқ чиқс, бавлнинг ашқарлик даражадин ўткизуб, қизил ранглик

қилур. Ваҳоланки, ашқарлик даража учун сариг рангнинг кўп ва голиблиги қизиллик рангини ғоят даражада кам ва мағлублиги шартдур. Бас, агар фаразан қоннинг бавлға мухталит бўлгон миқдори ҳам ғоятда кам бўлуб, ашқарлик даражага боис бўлса, ани аломати шулки, қондин ҳосил бўлгон бавли ашқарда ҳароратдин ҳосил бўлгон ашқарнинг ишроқ ва рангдорлик ҳаргиз бўлмас. Ва ҳиддат ҳам мутлақо маҳсус бўлмас. Ва ҳам қоннинг манбаъи бўлгон узвда жароҳат асари ва ё суддаи жигар асари ва аломати ҳам шоҳид бўлур.

Аммо тўртинчи ва бешинчи ва олтинчи мартабалик сариқ норинжий ва норий ва заъфаронийдур. Бас, бу уч хил рангни ўзидин бурунги мартабага нисбатан ҳарорати зиёда эканига далолат қилур. Яъни ашқарга нисбатан норинжийнинг ҳарорати зиёдадур. Ва норинжийга нисбатан норийнинг ҳарорати голибдур. Ва норийга нисбатан заъфаронийнинг ҳарорати зиёдадур.

Бас, билмоқ керакки, норинжий деб шундоқ рангни айтурларки, ашқарга назаран қизилга моилроқ сариг бўлур. Бинобарин ашқарга назаран ҳарорат учун бавлини далолати ҳам зўрроқ бўлур. Ва инчунин ишроқий ва мутанаввий софлиги ҳам кўпроқ бўлур. Ва норийнинг ҳароратга далолати ҳам норинжийга нисбатан қавийроқ бўлур. Ва рангда ҳам анга нисбатан норий қизилроқ ишроқлик бўлур.

Ва норийни асфари мушаббаъ ҳам дерлар, яъни сабзга моил сариг демақдур. Ва норий ҳам дерлар, чунки буни шуъоъи ҳам дам беруб зўрайтирғон оловнинг шуъоъи ва яли каби кўкга моилроқ бўлур. Ва асфари заъфароний ҳам дерлар. Чунки ранги заъфарон ивитилган сувни ранги каби қизилга моил бўлур. Аммо заъфароний ўзидин бошқа ҳамма навъи сариглардин буни ранги қизилроқ ва қуруқ заъфароннинг рангига ўхшаш рангда бўлур. Шунинг учун буни ҳароратга далолати ўзидин бошқа ҳамма навъи саригни далолатидин қавийроқ бўлур. Ва буни номини аҳмари носиб ҳам дерлар. Зероки буни қизиллиги холис қизил бўлур.

Ва билмоқ керакки, то шу жойғача зикр қилинғон аҳкоми

бавллар ҳаммаси Шайх ур-раис ва соҳиби “Комил” ва ҳаким Қаршийнинг мазҳаблариға биноандур. Аммо ҳаким Ибни Аби Содиқ ва Муҳаммад ибн Закариё наздларида суфрати норийнинг ҳарорати, яъни заъфарон ивигилгон сувнинг рангида бўлгон тўқ-сарик бавлнинг ҳарорати аҳмари носийнинг, яъни қуруқ заъфарон рангида қуруқға яқин тўқ-сарик бавлнинг ҳароратидин голиб бўлур, дерлар. Ва бул даъвоға далиллари шулдурки, бавли заъфаронийда сафро қонға мураккаб бўлуб, сафронинг саригелиги ила қоннинг қизиллигидин мураккаб бўлгон ранг заъфароний бўлур, дерлар. Бас, қоннинг иссиғлиги албатта сафронинг иссиқлигиға нисбатан камлигини, чунки қонға назаран сафрода ажзoi ҳавоий ва ажзoi норий кўпроқ эканини, бинобарин бавли норийнинг ҳарорати бавли заъфаронийнинг ҳароратидин голиблигини даъво қилурлар.

Ва соҳиби “Захира” ҳам буларға тобеъ бўлуб, Муҳаммад ибн Закариёдин ҳикоя қилур. Ва Муҳаммад ибн Закариё айтган эмишки, ғоят даражада содир бўлгон иссиғлик ва қотил бўлгон сарсомға мубтало бўлгон кишиларнинг бавлини ман ҳамиша ашқар рангда кўрдум ва кўп тажрибадин сўнг муқаррар қилдимки, қизил бавлға нисбатан сарик бавлда ҳарорат голиб бўлур, демиш.

Ва бунга жавобан Шайх ур-раисға тобеъ кишилар айтурларки, қоннинг ҳароратиға нисбатан сафронинг ҳароратининг голиблиги муқаррар ва бадиҳийдур. Лекин бавли заъфаронийнинг қизиллиги қоннинг ихтилотидин ҳосил деган фикрлари ғалатдур. Балки сафронинг ранги шиддатлик ўткурлигидин ҳосил бўлгон қизилликдур. Зероки қоннинг қизиллиги тийра ранг қизил бўлур. Ваҳоланки, заъфароний бавлнинг қизиллиги мутарриқ ва жилолик бўлурки, сафронинг рангидаги иштидоднинг лозимасидур, дерлар.

Ва ҳақири¹ ночизнинг наздида ҳам Шайх ур-раиснинг қавллари муражжиъ ва савобға қарийбдур. Ва ул азизларнинг бавли заъфаронийдин бавли ашқари норийнинг ҳарорати

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

Ғолиблигиға хужжат учун сарсоми муҳликнинг бавли ашқари норий бўлгонлигини кўрсатмоқлари даъволарини исбот қилолмас. Зероки ҳиддатлик ва зўр ҳароратлик касалларда бавл албатта заъфароний бўлур. Магар сафро бошқа узви раисаға моил ва мутаважжиҳ бўлғони учун бавл ила камроқ сафро мухталит бўлуб келса, бу тақдирдаги бавл фақат ашқари норийғина бўлуб қолмай, ҳаттоки тибний бўлмоғи ҳам мумкиндурки, амрози ҳорраи ҳадданинг бавлидаги рангинг заъфаронийлик мартабасидин таназзули амри оризийнинг сабабидин бўлур. Ва Шайх ур-раиснинг мақсудлариға мунофий бўлмас. Ва сарсоми муҳликнинг бавли заъфароний бўлмай, ашқари норий бўлғони ҳам сафрони масонаға мундафиь бўлмай, балки димоғ тарафға мутаважжиҳ бўлгон сабабидиндур. Бинобарин муҳлик бўлғондур. Шунинг учун жумҳури атиббо китобларида амрози ҳоррада бавлнинг холис сув бўлмоғи ҳалокатға далилдур, деб баён қилғондурлар. Фа ифҳам фа иннаҳу ғомизун.

ФОИДА. Махфий қолмасинки, сафронинг рангида то ўткирлик бўлмаса бошқа сабаб бирлан заъфароний ранг бўлмас. Чунки сафронинг табиий ранги аҳмари носийдур, яъни заъфарон рангида бўлур. Лекин андин бавлда заъфароний ранг ҳосил бўлолмас. Зероки сафро масонаға боруб, бавл сувға қўшилғондин сўнг сувни ғалабаси ила ани ранги камаюр. Ва бавлни заъфароний рангға бўямоқ иқтидори сафрода қолмас. Ва инчунин бавлда ҳеч сув мухталит бўлмай, фақат сафрои холиснинг танҳо ўзи тушмоғи ҳам мумкин эмасдур. “Камо ла йахфий”.

Бас, би-з-зарур бавлнинг заъфароний ранг бўлмоғи учун сафронинг ранги заъфаронийликдин иштидод ила тараққий қилмоғи шартдур. Токи масонада сувға қўшилуб, ранги таназзул қилғонда таназзули заъфароний даражаға келғай. Бас, собиг бўлдики, бавли заъфаронийнинг сабаби сафронинг рангидаги иштидодидур.

Ва яна билмоқ кераки, сафронинг рангини иштидодиға сабаб оммдурки, хоҳ сафронинг куйганлиги бўлсин ва хоҳ

ани касийфлиги бўлсин ва хоҳ бошқа сабаб бўлсинки, бавли ашқар синфида буларни неча фоидалар бирлан зикр қилинди. Ва бошқа синфларни ҳам анга қиёс қилинсун.

Аммо бавлнинг қизиллигида тўрт даража бордурки, бирини аҳмари асҳаб ва аҳмари вардий ва бирини аҳмари қоний ва бирини аҳмари ақтам дерлар.

Ва ҳар бирини маънисини аксари фавоиди ила баён қилинур. Ва бу тўрт даражанинг ҳар бирининг далолати ўзидин муқаддам синфга назаран бунда қонни зиёдалигиға далолат қилур, яъни аҳмари асҳабға нисбатан аҳмари вардийда қон зиёда эканиға ва аҳмари вардийға нисбатан аҳмари қонийда ва аҳмари қонийға нисбатан аҳмари ақтамда қон зиёдалигиға далолат қилур.

Зероки, саҳубат деб андак қизилға моил бўлгон оқ рангни айтурларки, бу рангда қоннинг таъсири камроқ бўлур.

Ва вардий деб қизил гул рангида бўлгон қизил ила оқдин мураккаб бўлгон рангни айтурларки, буни қизиллиги асҳабнинг қизиллигидин ғолиброқ бўлур. Ва қоннинг ғалабасиға далолати ҳам зўрроқ бўлур.

Ва қоний деб холис қизил рангни айтурларки, анга ҳеч навъни мураккаблиги маҳсус бўлмас.

Ва ақтам деб шундоғ рангни айтурларки, қизиллик даражадин ўтуб, қароликға моилроқ бўлур. Ва ғуборолуд маҳсус бўлур.

Бас, бу тўрт навънинг ҳар бир даражаси қизилликда ўзидин бурунги навъдин ғолиб бўлур. Бинобарин қонни ғалабасиға далолати ҳам ғолиброқ бўлур. Лекин бу далолат аксариятға биноандур. Ва илло бавлни қизиллиги гоҳи жигарни ва буйракни заифлигидин ҳам ҳосил бўлур. Зероки жигар ва буйрак заиф бўлгонда ҳазми каймусдин ҳосил бўлгон янги қонни рутубатдин ажратуб олиб баданға юбормоқдин ожиз бўлса, ночор мазкур қон ҳам рутубат ила қўшилуб масонаға борурки, андин бавл қизил бўлуб келур. Ва гоҳи бошқа совуқ касалдин ҳам бавл қизил бўлуб келур. Чунончи тездин машруҳан баён қилурман, иншааллоҳу таъоло.

Бас, бавлнинг қизиллиги қоннинг галабасига ҳамма вақт далолат қилмас. Ва инчунин, гоҳи қоннинг ҳарорат ва галабасига аҳмари асҳаб бошқа қисмлариға нисбатан кўпроқ далолат қилур. Бас, сафрони рангидаги шиддатнинг тартиби ҳамма вақт рост келолмас. Чунончи гоҳи ранги асҳабнинг далолати қоннинг галабаси ва хазорати учун бошқа қисм қизил бавлларининг далолатидин зиёдароқ бўлур. Бас, анвоъи бавли аҳмарни анвоъи бавли асфарға қиёс қилмоқ керак, токи бу нуктаи ғомиза равшан маълум бўлғай. Ва ҳам бу қиёснинг натижасида тўрт хил қизил бавлнинг даражалари учун сабаблари маълум бўлғай. Ва тариқаи қиёс шулки, қизил бавлнинг ҳамма ақсомида ҳам тибний ва утружий сариқ бавлға нисбатан ҳарорат зиёда бўлур. Зероки, тўрт хил қизилнинг ҳаммаси ҳам даражаи эътидолдин тажовуз қилуб қизарғондур. Ва юқорида зикр қилиндики, ранги бавл учун эътидол фақат сариқ рангға махсусадур. Ва бошқа ранглик бавлда даражаи эътидол мавжуд эмасдур.

Аммо ҳамма анвоъи қизил бавлнинг ҳарорати эса норинжий ва норий ва заъфароний сариқ бавлнинг ҳароратиға нисбатан камроқ бўлур. Зероки бу уч хил сариф ранг сафродин холис бўлур. Ва маълумдурки, сафрода ҳарорат қонға нисбатан зиёда бўлур.

Аммо қизилнинг биринчи қисми бўлғон асҳабнинг ашқарға, яъни сариқнинг учинчи қисмиға мужонислиги мухталиф ул-аҳволдурки, агар бавлнинг ранги асҳаб рангда бўлмоғиға сабаб сафронинг ихтилоти бўлса, шубҳасиз асҳабнинг ҳарорати ашқардин ғолибдур. Ва агар асҳаб рангда бўлмоғиға сабаб қоннинг ихтилоти бўлса, ул тақдирда асҳаб ила ашқарнинг ҳарорати баробар бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, сафронинг ҳарорати қонни ҳароратиға нисбатан ғолибдур. Бас, сафродин ҳосил бўлғон бавли ашқарнинг ҳароратиға қондин бўлғон асҳабнинг ҳарорати баробар келур деб, шубҳа қилмоқ мумкиндур. Лекин бу шубҳа ғалатдур, зероки гарчи қоннинг ҳарорати сафроға нисбатан кам бўлса ҳам, лекин бавли асҳабға мухталит бўлғон

қоннинг миқдори бавли ашқарға мухталит бўлгон сафронинг миқдоридин кўп бўлур. Ва кам ҳароратлик қон кўп миқдор бўлгонда кўп ҳароратлик, аммо оз миқдорлик сафронинг ҳароратиға баробар бўлмоғи мумкиндур.

Аммо аҳмари вардий ва аҳмари қонийнинг ҳарорати аксар вақтда бавли ашқарнинг ҳароратидин голиб бўлур. Зероки бу қисмда асҳабға назаран қон кўпроқ мухталит бўлгон бўлур. Ва маълумдурки, қон нақадар кўп бўлса, шул қадар ҳарорати зиёда бўлур. Бинобарин аҳмари вардий ва аҳмари қонийнинг ҳарорати асҳаби хунийдин зиёда бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, аҳмари вардий ҳаргиз савдо ва ё балғамнинг ихтилотидин пайдо бўлмас, чунки аҳмари вардий оқ бирлан қизил рангдин мураккабдур. Ва балғамнинг ранги фақат оқдурки, ҳаргиз андин қизил ранг ҳосил бўлмас. Ва савдонинг ранги қародурки, андин ҳаргиз оқ ранг ҳосил бўлмас. Бас, собит бўлдики, аҳмари вардий фақат ғализ қондин ҳосил бўлурки, бавлнинг сувиға мураккаб бўлгон сабабдин ранги суюлуб мазкур сув бирлан андак оқ ҳам ҳосил қилуб. вардий ранг бўлур. Аммо аҳмари қоний ҳам ғализ қондин ҳосил бўлур. Бас, бу қоннинг ғализлиги аҳмари асҳаб ва аҳмари вардийнинг қониға нисбатан зиёдароқ ғализ бўлур. Лекин гоҳи бағоят суюқ бўлгон савдо агар сафроға кўшилуб масонаға келса ҳам бавлда аҳмари қоний эҳдос қилур. Ва аммо аҳмари ақтам қизилки, қароға моил ва жигарранг бўлгон бавл агар масонадаги жамъ бўлгон сувға қуюқ қон аралашгандин бўлса, ани ҳарорати бавли ашқарни ҳароратидин зиёдароқ бўлур. Зероки, бошқа хил бавли аҳмарларға нисбатан бунга мухталиф бўлган қоннинг миқдори кўпроқ бўлур.

Ва кўп миқдор қоннинг ҳарорати ҳам албатта кўпроқ бўлур. Ва агар аҳмари ақтам савдодин ёки уфунат пайдо қилгон балғамдин ҳодис бўлса, ани ҳарорати албатта бавли ашқарнинг ҳароратидин кам бўлур. Зероки савдо ва балғамнинг асл мизожи совуқдур. Ва агар аҳмари ақтам сафройи шадид ул-лавннинг ихтилофидин бўлса, албатта ани ҳарорати бавли сафронинг ҳароратидин голиб бўлмоғи зоҳирдур. Зероки сафронинг асл

мизожи иссиқдур ва ҳам рангидаги иштидоди куймоқнинг муқаддимаси учун бағоят қизиганликнинг асаридур. Ва ҳам кўп миқдор ғализдурки, камоли ғализлигининг кўзининг нури анга нуфуз қилолмоғонидин, агарчи асли ранги тўқ-сарик рангда бўлса ҳам кўзга қизил бўлуб кўринар.

Бас, асл мизожи иссиқ бўлуб, яна қизиган ва кўп миқдор сафронинг ҳарорати ҳам зўр ва ғолиб бўлмоғи шубҳасиздур. Лекин бу навъ аҳмари ақтам бағоят кам воқеъ бўлур. Бинобарин аксари мутақаддимийн китобларида бу навъи аҳмари ақтам зикр қилинмағондур. Ва агар бавли аҳмар савдодин ва ё уфунатлик балғамдин бўлса, ани вуқуъи ҳамма навъ бавли аҳмарларга нисбатан кўпроқ воқеъ бўлур.

Фоида. Билмоқ керакки, ҳақим Қарший “Шарҳи Қонун”да зикр қилғондурларки, аҳмари асҳаб савдодин ҳам ҳодис бўлмас. Ва балғами уфиндин ҳам ҳодис бўлмас, балки фақат қондин ёки сафродин ҳодис бўлур. Лекин бошқа қисм бали аҳмарга нисбатан асҳаб аксар сафродин бўлур. Ва агар қондин бўлса ул қон албатта суюқ бўлур. Ва шунинг учун бавли асҳаб равшаннамо ва ироқлик бўлур. Ва ани ҳароратга далолати ҳам қавийроқдур, дерлар.

Аммо ҳақим Чағминий “Қонунча”ларида аҳмари асҳаб қоннинг андак ғалабасиға далолат қилур, дерлар. Бас, бу икки хил қавл бир-бирига мунофий ва хилоф деб гумон қилинмасин. Чунки ҳақим Қаршийнинг асҳабдин муродлари сафродин ҳодис бўлғон асҳаб ёки қонға сафро мухталит бўлуб, ҳар иккисидин ҳодис бўлғон асҳабдур.

Ва маълумдурки, қонға нисбатан сафронинг ҳарорати зиёдадур. Ҳаттоки бу тақдирда аҳмари вардий ва аҳмари қоний ва аҳмари ақтамлардин ҳам асҳабнинг ҳарорати ғолиб бўлур. Зероки бу уч қисм аҳмар фақат қондин ҳодис бўлурки, қоннинг ҳарорати сафронинг ҳароратиға нисбатан албатта камдур.

Аммо ҳақим Чағминийнинг қоннинг андак ғалабасиға далолат қилур, демакдин муродлари баҳасби лавндурки, андак қон холис сувға мухталит бўлғони учун ранги асҳаб бўлғондур. Зероки агар қон кўпроқ миқдорда мухталит бўлса эди, ранги

асхаб бўлмай, балки вардий ва ё қоний ва ё ақтам бўлур эди. Бас, асхабнинг андақ қон галабасига далолати сафродин ҳосил бўлғон ҳароратнинг зиёдалигига мунофий ҳам эрмас. Бас, ҳар икки азизнинг қавллари рост ва айни ҳикматдур. Ва аҳмари ақтамда ҳам шул жавоб кофийдур. Ва агар аҳмари ақтам савдодин ва ё балғами афундин ҳодис бўлғон бўлса ҳаким Чағминининг қавллари бетаъвил ва бетаъйин муроди рост ва мувофиқи ҳикматдур. Чунки савдо ва балғамнинг ҳар иккиси ҳам аслан совуқ мизожликдурки, албатта анда ҳарорат кўп бўлмас. Магар қонга ҳам мураккаб бўлса, ул тақдирда мураккаб қоннинг миқдориға лоиқ андақ ҳарорат бўлса мумкиндур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бавли аҳмарға сабаб бўлғон моддани аксариятға биноан ўз таърифида баён қилинди. Аммо батариқаи қиллат ёки батариқаи нудрат сабаб бўладурган, асбобни ҳам аҳволи баданға мутааллиқ далолатларини баён қилинмади. Бинобарин толибларға иттилоъи саҳл ул-маром бўлсин учун яна батафсил баъзи фавоиди ила зикр қилмоқ лозим кўрилди.

Махфий қолмасунки, бавлни қизартирмоқға асли сабаблар мутлақо икки навъ бўлурки, бири баданий ва бири ғайри баданийдур. Аммо ғайри баданий сабабларни шул фаслнинг аввалида баён қилинғондурки, масалан, зоҳири баданға қўйилғон ҳинонинг рангидин масом воситаси бирлан бавлға таъсир ва ё бавлни қизил қилғувчи нимарсаларнинг тановули ва ё бавлни қизартирадурган амаллар ва ҳаракатлар бирлан шуғулланмоқ каби сабаблар муфассал мазкур бўлғондур.

Аммо баданий сабаб шулки, бадандаги рутубати маҳмудалар бавлға қўшилуб, бавлни рангини бўяб келурлар. Ва бу асбоби баданийя тўрт қисм бўлур. Чунончи муфассал баён қилинур. Масалан, бир сабаб шулки, зотан ўзининг ранги табиийси қизил бўлур ва бавлға қўшулса ани ҳам ўз ранги ила бўяб қизил қилур. Ва ул сабаб қондур. Ва иккинчи сабаб шулки, анга қизил ранглик табиий бўлмас, балки оризий бўлур. Хоҳ бу оризий қизиллик уфунат сабабидин бўлур, хоҳ тарокум ва ижтимоъи ажзо ва эҳтироқ сабабидин бўлур. Бас,

уфунатдин қизаруб, бавлни қизартирғувчи сабаб балғамдур. Зероки агар балғам уфунат пайдо қилса гоҳи бавлға қизил ранг ориз қилур ва доимий. Ва балғамнинг ҳумрати бавлға камроқ сабаб бўлмоғиға сабаб шулки, асли балғамнинг ранги табиийси оқ рангдур. Ва табиий оқ рангдин қизил ранг ҳосил бўлмас. Магар бу важҳи дигарки, уфунатнинг назжи ва ҳароратнинг зиёдалиги ила ҳосил бўлмоғи эҳтимолликдур. Бас, уфунатлик ва ҳароратлик балғамки, то ҳарорати зиёда бўлмаса, қизил ранг андин ҳосил бўлмас. Ва балғами ғайри афиндин асло қизиллик ҳосил бўлолмас.

Ва учинчи сабаб бавли аҳмарки, ани оризий қизиллигиға сабаб уфунат бўлмай, балки бошқа бир ҳолат боис бўлур. Чунончи тарокум ва ижтимоғи ажзо ва ихтироқ бўлур. Ва ул сабаб сафродур. Зероки агар сафро мутароким ва мутакосиф бўлса, яъни рутубати таҳлил топуб, қивоми қуюлса таҳлил топгон рутубатларнинг макониға сафро ажзолари жамъ бўлуб, кўп миқдор сариғ оз миқдор макондин мужтамиъ ва қалин бўлуб кўринса қизил бўлуб кўринар. Ҳаттоки жуда қуюқ бўлуб кўринса қаро ранг бўлуб кўринар.

Ва кимёвий амалиёт тажрибасида собит бўлғондурки, сариқ ранглик суюқ модда агар мутароким ва мутакосиф бўлса, анга кўзни нури нуфуз қилолмоғони учун зотан сариқлик ранги маҳсус бўлмай, балки мужтамиъ бўлгон кўп ажзонинг ранги қуюқлигидин қизил рангда маҳсус бўлур ёки мутакосиф ва қуюқлиги зўрроқ бўлса, ҳаттоки қаро рангда маҳсус бўлур.

Ва тўртинчи сабаб шулки, бавлни қизартирғувчи модда агарчи қон бўлмаса ҳам, лекин қондин ҳосил бўладурган нимарса бўлур, чунончи савдо ва миррий бўлур. Зероки бун асли қондур. Бас, ани табиати қон табиатидин ўзгарилган бўлса ҳам, лекин рангида қизиллик боқийдур. Бинобарин масонаға рутубат ила қўшилуб келса ўз ранги ила рутубатни бўяб, бавли аҳмарға сабаб бўлур. Лекин ҳар бир сабабдин ҳосил бўлгон қизиллик бошқа сабабдин бўлгон қизилдин баъзи аломатлар ила фарқликдур. Бинобарин бу анвоғи қизилликларни бирибирдин фарқини баёни лозимдур, токи толиблар учун имтиёзи басаҳулат ҳосил бўлғай.

Бас, билмоқ керакки, бавли аҳмарнинг биринчи навъи бавлға қон мухталит бўлгон сабабдин бўлур. Ва бу ҳам яна тўрт хил бўлурки, ё баданда қон бағоят кўп бўлур. Бинобарин масонаға мундафъ бўладурғон сувларға ҳам қон мухталит бўлуб борур. Ва ё баданда қон зиёда бўлмас, балки бавлнинг мажросида яра пайдо бўлуб, шул ярадин қон тарашшуҳ қилуб чиқуб, бавлға қўшилуб қизартирар.

Ва ё жигарда заифлик бўлур. Бинобарин қонни рутубатдин тамом ажратиб ололмас, балки чала қолур. Боқий қон бавлға қўшилгон ҳолда масонаға боруб, бавли аҳмарға сабаб бўлур. Ва ё талоқға заифлик ориз бўлур. Бинобарин жигардин боқий қолгон қонни талоқ ўз физоси учун ажратиб ололмас. Бас, ночор ул қон бавлға қўшилгон ҳолича масонаға боруб, бавли аҳмарға боис бўлур.

Бас, агар баданда қон зиёдалиқдин бўлса, қоннинг ғала-басиға махсус бўлгон ҳамма аломатлар равшан бўлурки, юқорида такроран зикр қилинғондур. Ва агар бавл мажросида бавл пайдо бўлгон бўлса, ани аломати шулки, йиринг ва бошқа жароҳат асарлари бавлда зоҳир бўлур. Ва агар қон моъийятдин тамом ажрамоғон сабабдин бўлса, ани аломати шулки, бавл гўё ғассола каби бўлур. Яъни гўштни ювилгон суви рангида камранг бўлур. Хоҳ унга сабаб жигарнинг заифлиги бўлсин ва хоҳ талоқни заифлиги бўлсин. Лекин агар жигарни заифлигининг бўлса, андақ ранги рангдорроқ бўлур. Чунки жигарда қон сувдин кўпроқ ажралмоғи табиийдур. Бас, агар ул заифланса кўпроқ миқдор қонни ажратолмоғон бўлур. Ва бошқа заъфи жигар аломатлари ҳам бунга шоҳиддур. Ва бавл беқивом ва суюқ бўлур. Ва агар талоқ заифлигининг бўлса, бавлнинг ранги бағоят камранг бўлур. Чунки кўп миқдор қонни сувдин ажратуб, сўнгра андин фи-л-жумла боқий қолғонини ажратмоқ талоқни вазифаи табиийяси эди. Бас, ани заифлигининг мазкур кам миқдор қон ажралмоғон бўлуб, бавлда қизиллик ҳам камроқ бўлур. Ва талоқ заифлигини бошқа аломатлари ҳам бунга далил бўлур. Ва бавл ҳам қуюқроқ бўлур. Ва агар жигар ва талоқнинг ҳар иккисининг заифлигининг бўлса

бавлнинг ранги ҳам фақат жигарнинг заифлигидин ориз бўлгон бавлдин ҳам рангдорроқ бўлур. Чунки ҳар иккиси ҳам ўзини вазифаси бўлгон қонни бавлдин ажратолмай масонаға тамом юборгон бўлурлар. Ва ҳам ҳар иккисини заифлигиға маҳсус бўлгон аломатлари зоҳир бўлурки, ўз фаслларида зикр қилинур. Ва ҳам бавл албатта беқивом гўё холис сув каби суюқ бўлур. Зероки бавлнинг қивоми жигарнинг қувватиға мавқуфдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу мазкур бўлгон тўрт хилдин бошқа бешинчи хил бавли аҳмар ҳам нодиран воқеъ бўлурки, ани баёни кутуби мутақаддимийнда матрукдур. Эҳтимолки, нодир ва кам воқеълик сабаби ила эътибордин соқит қилингон бўлса. Ва фақир¹ садади баён ва тафсилда бўлгоним учун ани баённини ҳам лозим кўрдум. Ва бу навъ буйракнинг заифлигидин ориз бўлур. Чунки талоқдин буйракға дафъ қилингон моъийятда талоқдин ажратилмай чала қолгон ғоятда оз миқдор қонни ажратиб толиғ исмлиқ томур воситаси ила ўпкаға юборуб турмоқ буйракни вазифаи табиийясидур.

Бас, агар буйрак заиф бўлса мазкур қон моъийятға қўшулгон ҳолича масонаға боруб, ул аҳмарға боис бўлур ва ани аломати шулки, бавлнинг қивоми бошқа қисмларға нисбатан қуюқроқ бўлур. Чунки жигарнинг қувватидин ҳосил бўлгон қивомиға илова бўлуб, буйракдин ажралмай боргон қоннинг қивоми ҳам маҳсус бўлур. Ва яна бавлнинг миқдори ҳам камроқ бўлур. Шунинг учун қивоми қуюқ бўлурки, кўп қивомнинг оз миқдор сувда эҳсоси сариқ маълум бўлур ва ранги ҳам бағоят кам маҳсус бўлур. Ҳатто қизил демакға муносабати камроқ, балки тўқ-сариқ деб шубҳа қилмоқға яқинроқ даражада камранг қизил бўлур. Зероки жигар ва талоқда мазкур сувлардин қон ажратилгон бўлуб, чала ва боқий қоннинг миқдори ғоятда кам бўлур. Ва бавлнинг кам миқдор бўлмоғиға сабаб буйракнинг заифлигидин моъийятни масонаға батамом дафъ қилмоқдин ожизлигидур. Ва моъийятнинг зиёдаси буйракда

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

қолиб, буйрақдин мо зодаси баданға торалуб турар. Шунинг учун буйрақда варам пайдо бўлур. Ва ани аломати шулки, белда оғриқ пайдо бўлур, чунки буйрақни вазни саломатлик ҳолига нисбатан варамлик ҳолида оғирроқ бўлур, ани белға банд қилуб турғон пардаға оғирлиги маҳсус бўлур.

Ва агар ўнг тараф буйрақда варам бўлса, белдаги фақра устихонининг ўнг тарафиға моилроқ жойда оғриқ маҳсус бўлур ва агар чап тараф буйрақда варам бўлса фақра устихонининг андак чап тарафиға моилроқ жойида оғриқ маҳсус бўлур.

Ва яна ўнг тараф буйрақнинг оғриғи икки панжа эни миқдорича баландроқ жойда ва чап тараф буйрақнинг оғриғи икки панжа эни миқдорича пастроқ жойда маҳсус бўлур.

Ва агар бавли аҳмарнинг сабаби қоннинг ихтилотидин бўлмай, балки савдонинг ихтилотидин ориз бўлса, ани аломати шулки, бавл қароға моил тўқ қизил бўлур. Ва қивоми ҳам бошқа ҳамма ақсомға нисбатан зиёдароқ бўлур. Ва бавлда дурда ҳам пайдо бўлур. Ва агар сафронинг ихтилотидин бўлса, хоҳ сафронинг ажзоси мужтамиъ ва куюқ бўлғонидин қизил бўлғон бўлсин ва хоҳ сафронинг куйғонидин қизил бўлғон бўлсинки, албатта ани ранги равшан ва софранг бўлур. Ҳам баданда иштиёол ва ҳарорат зиёда бўлур. Лекин бавлда қивом жуда кам бўлур. Ва агар кўпик пайдо бўлса, кўпиги албатта сариг ранглик бўлур. Ва агар сафронинг ихтилотидин бавли қизил бўлғон киши агарчи сувлик нимарсани кўп ичмаса ҳам, лекин кўп миқдор бавл қилиб турса, бу ҳол сафрони куймағониға, ҳаттоки қуюлмоғониға аломатдур. Ва табиатнинг бақувватлигиға ва сафронинг бетаваққуф дафъ қилуб турғониға далилдур. Бинобарин атиббо айтибдурларки, ярадин касалида бавлнинг кўп миқдорлиги ва ўткир қизил ранглиги ҳоли инсоннинг яхшилигиға далилдур. Ва сиҳҳатлигидин башорат ва қуввати табиийянинг қувватлигиға ишоратдур.

Ва сафро мухталит бўлғон қизил бавл камрангроқ ва каммиқдор бўлса, сафронинг куйганлигиға ва қуввати табиийянинг заифлигиға далилат қилур. Ва шунинг учун атиббо айтибдурки, бавлнинг камудатға моилроқ қизил бўлмоғи ва

каммиқдор бўлмоғи ярақон касали учун хатарнок бўлур. Аммо уфунатлик балғамнинг ихтилотидин ҳосил бўлгон қизил албатта камудатға ҳам оқ рангға моилроқ қизил бўлур. Ва агар бавлнинг қивоми ҳам агарчи бавли савдовий каби ғализ бўлмаса ҳам бошқа синфларға нисбатан ғализ бўлур. Аммо қоннинг ихтилотидин ҳодис бўлгон бавли аҳмарнинг қивоми бавли балғамийға назаран камроқ бўлса ҳам, лекин бавли сафроға нисбатан ғализ бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, юқорида баён бўлгон нукталардин равшан маълум бўлдики, бавлға то бир қизил ранглик модда қўшилмаса, бавлда қизил ранг ҳодис бўлмас. Бас, бавлнинг қизил бўлмоғи учун мазкур қизил модданинг миқдори табиийдин зиёда бўлмоғи шартдур. Зероки модда миқдори табиийдин зиёда бўлмаса бавлни қизартира олмас. Чунки қизиллик бавлға ранги табиий эрмас. Ва ул қизил модда хоҳ иссиқ касалдин ҳосил бўлсин, чунончи ани ҳусулида ҳароратнинг зиёдалиги шоҳиддур. Ва хоҳ совуқ касалдин ҳосил бўлсин, бас, совуқ касалдин қизил модда ҳосил бўлмоғи беш тариқа бўлур.

Бир тариқаси шулки, жигар заиф бўлур ва қонни моъийятдин ажратмоқға қодир бўлолмас. Бас, ночор қон моъийятға мухталитлик ҳолича масонаға келуб, бавлни қизил қилур. Чунончи ўнг тарафи фолиж бўлгон кишида суъ улқиня касалида машҳуд бўлур. Ва маълумдурки, жигар ўнг тарафда воқеъ бўлғони учун ўнг тараф фолижининг таъсиридин албатта, мутаассир ва заиф бўлмоғи бадиҳийдур.

Ва иккинчи тариқаси шулки, жигар заиф бўлмас. Магар чап тарафда фолиж касали ориз бўлуб, чап тараф аъзони заиф қилур. Бинобарин жигардин қон жазб қилуб турмоқ вазифаи табиийяси бўлгон аъзо, масалан, талоқ ва буйрак ва бошқалар фолиж касалидин мутаассир ва заиф бўлғони учун жигардин муносиб миқдорда қон жазб қилмоқдин ожиз бўлур. Ва шул сабабдин жигарда қон зиёда бўлуб, ночор ани масонаға дафъ қилур. Бинобарин бавлға қизиллик ҳосил бўлур. Ва инчунин фолиж касали ориз бўлмай, фақат талоқ ва ё буйракға маҳсус заифликнинг натижаси ҳам шул қабила бўлур.

Ва учинчи тариқаси шулки, қўланж балгами ориз бўлуб, андин бағоят шиддатлик оғриқ лоҳиқ бўлур. Ва шул сабабдин бавлда қизил ранг пайдо бўлур.

Ва билмоқ керакки, бу ҳолдин бавлнинг қизармоғи уч ваҳҳдин холий бўлмас.

Биринчи ваҳҳ шулки, ичакнинг аламининг шиддати ила жигар ҳарорат пайдо қилур. Бинобарин сафрони кўпроқ ҳосил қилур. Ва мазкур сафро масонаға мундафиъ бўлуб бавлни қизил қилур.

Ва иккинчи ваҳҳи шулки, мазкур қўланжда оғриқни дафъи учун шул маҳаллға табиат мутаважжих бўлур. Ва анга тобеъ бўлуб руҳ ва ҳарорати ғаризийя ва қон ва сафро ҳам шул маҳаллға мутаважжих бўлурлар. Ва буларнинг таъсиридин шул маҳаллға зиёда ҳарорат пайдо бўлур. Ва ҳароратнинг сабаби бирлан бадандаги хилтларға эримоқ ва таҳлил топмоқ ориз бўлур. Ва маълумдулки, бунга ҳаммадин қобилроқ нимарса ҳароратлик ва латофатлик нимарса бўлулки, ул сафро ва латиф қондур. Аммо балғам ва савдонинг табиати совуқ ва ғализ бўлғони учун эримоқға ва таҳлилға қобилияти камроқдур. Бас, ҳар вақт сафро ва қонлар аввалан эруб бавлнинг сувиға қўшилсалар албатта бавлни қизил қилурлар.

Ва учинчи ваҳҳи шулки, мазкур қўланжда балғам муҳтабис бўлуб, қўланж аламининг ҳарорати бирлан уфунат пайдо қилур. Ва уфунат воситаси бирлан анга сариғ ранг пайдо бўлур. Ва ул сариғлик зоҳиран моддаи балғамнинг касиф ва ғализлигидин қаро рангға моил бўлур. Лекин бавлнинг сувиға муҳталиф бўлғони учун қивоми яна суюлуб қизил ранг ҳосил қилурки, қаролик ила сариғликнинг миёнаси қизилликдур.

Аммо совуқ мизож касалидин ориз бўлғон бавли аҳмарнинг тўртинчи тариқаси шулки, гоҳи сафронинг мажроси, яъни жигардин ўтға ва ёки ўтдин ичак ва меъда сафронинг борадиган йўлиға балғам боруб йўлни банд қилур. Бинобарин жигар ул сафрони бавл йўлиға дафъ қилур. Ва ичакға сафро бормоғони учун ичакдаги гизонинг тафли ўз вақтида мундафиъ бўлолмас. Ва ичакда туруб қизуб, ўзидин бод пайдо қилур. Ва

бодларнинг паст тарафга мундафиъ бўлмоғига худ тафл монёъ бўлуб, ночор қўланжи рихий ориз бўлур. Бас, жигардин масона тарафга мундафиъ бўлгон кўп миқдор сафро яна қўланж аламининг ҳарорати бирла қизиб зиёда ранг ҳосил қилуб, бавлға қизил ранг эҳдос қилур. Ва юқорида мазкур ва маълум бўлгондурки, сафро ўзининг табиий рангининг зиёда ранг ҳосил қилса қизил ранг эҳдос қилур. Ва лекин агар сафронинг ичак тарафга йўли банд бўлуб, аммо меъда тарафга очиқ бўлса ва сафро меъдага тўкилуб турса ул вақтда бавлға қизил ранг ориз бўлмас, балки қўланж ҳам пайдо бўлмас. Чунки сафро ичакга агарчи жигардин бевосита бормаса ҳам, лекин меъда воситаси ила боруб, ичакни танбиҳ қилур. Ва тафлни дафъ қилур, магар меъдага тўкулгон сафро қай бирлан мундафиъ бўлуб ичакга бормаса ул вақтда қўланж ориз бўлур. Аммо бавлға қизиллик ориз бўлмас.

Ва бешинчи тариқаси шулки, гоҳи бадандаги томурларда судда ва бандлик воқеъ бўлур. Ва шул сабабдин томурдаги рутубатлар муҳтабис бўлуб, уфунат пайдо қилурлар. Ва уфунат сабаби бирлан рангин бўлуб, бавлни ҳам қизил қилурлар. Аммо бу қизил рангдор ва мушарриқ бўлмаса ва бу навъ зиёда ташриҳга муҳтождур. Бинобарин бул мақомда шул қадар ишоратга иктифо қилуб, тафсирина алоҳида бир мабҳас бирлан баён қилмоқ лоиқ кўринди. “Фа-л-йаржиъ илайҳи ман ародаху”.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, утружий рангдин бошқа ҳамма ақсом сариқ бавлға нисбатан қизил бавл кам зарарроқ ва саломатга яқиндур. Зероки қизил ранг қоннинг галабасига далилдур. Қон эса ҳамма ахлооти арбаъани яхшироғидур ва анинг ҳарорати ҳам шиддатлик эрмасдур.

Аммо утружий сариғ бавл эса қизил бавлдин ҳам беҳатарроқдур. Зероки бул ранг эътидолға далолат қилурки, эътидол айни сиҳҳатликдур. “Камо марра онифан”.

ФОИДА. Бавли аҳмарға мутааллиқ неча далолатлари бордурки, ани билиб қўймоқ табиб учун зарурдур. Эмди аларни баён қилмоқ лозим кўрилди.

Бас, билмоқ керакки, қизил бавл агар суёқ бўлса модданинг ҳануз хомлигиға ва то пишғониғача касални дароз чўзилишиға далолат қилур. Ва агар қизил бавл қуюқ бўлса, лекин дурда пайдо қилмаса ва соф бўлуб тинмаса ҳалокатға далолат қилур. Ва агар қизил бавлдин қизил ранглик дурда пайдо бўлса саломатликға далолат қилур. Ва агар қизил бавлдин оқ ранглик дурда пайдо бўлса, моддани кўплигиға, лекин табиатни қувватини пишурмоқға машғуллигиға ва мараздин саломатлик умиди борлигиға далолат қилур.

Ва ҳаким Муҳаммад ибн Закариё айтибдурларки, қизил бавл агар қуюқ бўлуб, ани дурдаси оқ бўлса хом хилтнинг кўплигиға далилдур. Ва агар ҳароратлик ва ҳиддатлик касалларнинг ибтидосидин бошлаб бавли қизил бўлса ва дурда пайдо қилмаса ва шул ҳолдин ўзгарилмаса жигарнинг заифлигиға ва анда шиш борлигиға далолат қилур ва хатарноқдур. Ва шиддатли иситма касалида ва бошқа ҳиддатли касалларда агар бавли фақат қон бўлуб келса, ҳалокатнинг тез воқеъ бўлмоғиға далилдур. Ва агар ҳиддатли касалларда бавл қизил ва қуюқ ва бадбўй бўлса ва равон келолмай, қатра-қатра келса касални хатарноқлигиға далилдур. Ва агар бавл қизил бўлса ва табиат ҳам саҳт бўлса ва шу ҳолат ўзгарилмай доимий бўлса ва баданда алам ва озор маҳсус бўлмаса, касалнинг силлигиға далолат қилур. Ва агар тансоғликда бавл қизил қуюқ бўлса ва табиатан саҳт бўлса ва бошда ва аъзода оғирлик маҳсус бўлса, баданда фазланинг кўплигиға ва уфунат ва иситмани ҳодис бўлмоғиға далолат қилур.

Ва агар ўткир ҳароратлик иситма касалида ва мураккаб ул-ахлот иситма касалида бавл қизил ва қуюқ бўлуб, андин дурда кўп ажралса касалнинг заволиға ва саломатликни зуд етишмоғиға далилдур. Аммо агар андин дурда ажрамаса ва ё андақ ажраса, касални узоқ вақтға чўзилмоғиға далолат қилур.

Ва агар ҳиддатли касалларда бавл қизил бўлуб, миқдори оз-оз бўлса баданнинг ҳоли ёмонлигиға ва касалнинг ҳоли хатарноқлигиға далилдур. Хусусан андин сариф дурда пайдо бўлса кўп хатарноқдур.

Ва қон ғалабасидин ориз бўлгон касалларда бавлнинг қизил ва бедурда қуюқ бўлмоғи модданинг хомлиғиға далилдур. Агар баданда иситма таскин топса, лекин бавлнинг қизиллиғи зоил бўлмаса жигарда ҳарорат ёки шиш борлиғиға ва касални узоқ чўзилмоғиға далилдур.

Ва агар бавлнинг қизиллиғи ва суюқлиғи аъзонинг хориши ва меъданинг заифлиғи ила жамъ бўлса ярақон касали ориз бўлмоғиға ва сафронинг ғалабасиға далилдур.

Ва агар бавл ўткир қизил бўлуб, қароға тобланса ва андак сабз ранға ҳам моилроқ бўлса, ярақон касалининг ибтидосиға далолат қилур. Ва ярақон касалининг бавлиға махсус бир хосият шулдурки, агар анга бир оқ латтани ҳўл қилинса, латта сариғ ранға бўялуб қолур. Ва бошқа бавлларда бул хосият йўқдур.

Ва агар ярақон касаллик кишининг дурди бир муддатғача ўзгарилмай қизил ва соф рангда боқий турса, баданда бир зўр судда воқеъ бўлғониға ва сўнгра анга истисқо касали лоҳиқ бўлмоғиға далилдур.

Аммо талоқ касалида бавлнинг қизил бўлуб келмоғи сиҳхатликнинг нишонасидур. Ва агар бавл дафъатан янги қон каби қизил бўлуб келса, буйрак томурларидин бирини оғзи очилғони ёки ёрилғониға далилдур. Агар ул қон буйракдин юқори аъзодин келса кўп қуюқ бўлмас ва ҳам дафъатан келмас, балки батадриж пайдо бўлур. Ва мутағаййир бўлур, яъни қон сифатидин ўзгарилгон бўлур.

Ва агар бавли қатра-қатра бўлуб тутулуб келадурган кишининг бели ва андин пастроқ жойида ва киндигининг остида алам пайдо бўлса ва бавли янги қон рангида бўлса, масонасиға ва масона атрофиға жароҳат пайдо бўлғониға далилдур.

Ва агар воқеъ бўлурки, зўр талаб бирлан чопмоқ сабабидин ёки баланд жойдин йиқилуб тушмоқ сабабидин ҳам бавлда қон келур. Агар бавл қон ила ва ғализ ахлот ила мухталит бўлуб келса ва бавли шишада тезроқ тинуб, андин ахлот ажраса ва касалнинг бадани озғин ва бадҳол бўлса, буйракнинг масоми кенгайиб кетғаниға аломатдур.

Ва истисқо касалида бавлнинг ўткир қизил бўлуб келмоғи ёмон аломатлардин бўлур. Ва бу касалдин нажот кам муяссар бўлур.

Ва ярақон касалида бавл ўткир қизил, ҳатто қароға моил бўлуб келса, бас, агар анга сабаб сафронинг куйганлиги бўлса, бу касал яхши бўлмас. Ва агар анга сабаб сафронинг такосуфи ва йўқлиғидин кутулгон бўлса ани яхши бўлмоғи мумкин. Ва ғолибдурки, кўпроқ сафро мундафиъ бўлуб касалнинг моддаси камайиб турар.

Ва сафройи ихтироқий ила сафройи такосуфийнинг миёнасида фарқ шулки, агар сафро мухтариқ ва куйган бўлса бавлнинг миқдори камроқ келур. Ва агар сафронинг такосуфи сабаб бўлса, бавл кўпроқ миқдорда мундафиъ бўлур.

Аммо сарсом касалида бўҳрон қачон воқеъ бўлмоғи учун, бавлнинг қизиллиғидин истидлол қилмоқнинг нишоналари шулки, агар касални ибтидои маълум бўлгон кундин эътиборан тўртинчи куни қизил бўлса, бўҳрон еттинчи куни воқеъ бўлур. Ва агар бавл еттинчи куни қизил бўлса бўҳрон ўн тўртинчи куни воқеъ бўлур. Ва агар бавл ўн биринчи куни қизил бўлса, бўҳрон ўн еттинчи куни воқеъ бўлур. Ва агар бавл ўн тўртинчи куни қизил бўлса, бўҳрон йигирманчи куни воқеъ бўлур. Ва агар йигирманчи куни бавл қизил бўлса, бўҳрон қирқ кундин сўнг воқеъ бўлур. Ва бу мақулада зикр қилинган кунлардин бошқа куни бавл қизил бўлса бўҳроннинг вуқуъи учун лойиқ эътибор эрмас.

Ва ани сабабларини баён қилмоқ учун мақом танглиги учун тарк қилинди. Ва тафсили иншааллоҳу таъоло “Боб ул-амроз”нинг “Фасл ул-бўҳрон”ида муфассал баён қилурман. Толиб кишилар шул фаслға мурожаат қилсунлар.

Аммо асл рангдин ҳисоб бўлгон учинчи ранг сабз рангдур. Ва сабз рангда беш даража бордур. Биринчи даражалик сабзни арабда фистақий ва форсийда пистойий дерлар. Чунки пистаннинг мағзи шул рангдадур. Яъни кўп миқдор сариқ бирлан андак миқдор қаронинг таркибидин ҳосил бўлгон рангдур. Ва бу ранг мизожда андак совуқликнинг ғалабасиға далолат

қилур. Ва бу ҳукм Шайх ур-раис алайҳирраҳманинг жумҳури атиббонинг қавллариға мутобиқ ва мувофиқдур. Лекин ҳақим Қарший “Шарҳи Қонун”да ёзибдурларки, мани наздимда фистақий ранг сафронинг куйганлигиға далолат қилур ва совуқнинг нишонаси эрмас, бахилофи савдовийки, камудатға моилдур, албатта ул совуқдин бўлур деб, Шайх ва жумҳури атиббо раъйлариға мухолиф бўлмишлар.

Аммо фақир¹ Ҳазрати Зу-л-Минаннинг тавфиқи ила дерманки, ҳақим Қарший раҳматуллоҳи алайҳ “Қонун”ға шарҳ ҳам қилгондурлар. Ва “Мўъжаз” исмлиқ яна бир китоб ҳам тасниф қилгондурлар. Ва мазкур “Мўъжаз”да “ал-ахзару ка-л-фистақий ва-н-нийланжий ва хумо ли-л-барди-л-мужам-мадий”, яъни сабз ранг мисли фистақий ва нийланжийки, бу ҳар иккиси рутубатни қотирғувчи даражалиқ совуқлик борлигиға далолат қилур деб, ёзгандурлар.

Бас, агар “Мўъжаз”ни “Шарҳи Қонун”дин муқаддам тасниф қилгон бўлса “Шарҳи Қонун”даги сўзлари жумҳури атиббоғаина эмас, ҳатто ўзларини “Мўъжаз”да ёзгон сўзлариға ҳам мухолифлиги равшан маълумдур. Ва агар “Шарҳи Қонун”лари “Мўъжаз”дин муқаддам бўлса “Мўъжаз”даги қавллари суроҳатан далолат қилурки, ул киши шарҳларидаги ихтилофларидин қайтиб, жумҳури атиббонинг раъйларини қабул қилгон бўлурлар.

Ва яна мумкиндурки, ҳақим Қаршийнинг икки хил мухталиф қавлларидин муродлари фистақий рангни ҳароратға ёки бурудатға махсус бўлмай, балки ҳар иккисида ҳам бавл фистақий бўлмоғи мумкин, демакдур. Яъни агарчи тажрибада совуқ мизожли касалларда бавли фистақий топилгондур. Лекин мумкиндурки, амрози ҳоррада ҳам бавли фистақий мавжуд бўлур демак, муродларидур. Ва ё эҳтимолки, иссиқ мизож касалларда ҳам бавли фистақий ул кишиға машхуд бўлгондур. Чунончи мани наздимда фистақий ранг сафронинг куйганиға далолат қилур, деган қавллари бу эҳтимолни тақвийя қилур.

¹ Бу срда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

Ёинки Қаршийнинг муродлари ҳарчандки, фистақий рангнинг совуқдин экани тажрибадин собитдур, лекин фистақий рангни эҳдос қилувчи сабаблариға назаран сафронинг куйганига далил бўлмоғи лозим келур, демакдур. Чунончи кўп миқдор сариғни андак миқдор қароға ғолиблиги хилти сафронни шишонидур ва савуқни далили эмас, деган қавллари бунга далилдур. Бас, шул тавжиҳлар бирлан икки хил бўлуб, бирибириға зид бўлгон икки қавллари таноқузийни муртафий қилмоқ мумкиндур.

Ва сабз рангни иккинчи даражаси осмонжунийдур. Ва осмонжуний арабий луғат эрмас, балки луғати форсийдин муъарраб бўлгондур. Ва форсийда осмонгуний, яъни осмон рангида демакдур. Ва бу ранг қаро ранги, оқ ранг бирлан мураккабдур. Ва бу рангнинг бавлда ҳодис бўлмоғини сабаби икки ҳолдин холий эрмас. Бири шулки, бавлға мухталит бўлгон ажзои ахлотға жумудлик ориз бўлур. Ва шул сабабдин бавл қароға тобланур. Зероки хилт ажзосиға ориз бўлгон жумудликнинг лозимаси қароликдур.

Ва иккинчиси шулки, бавлға савдо мухталит бўлур. Бас, савдонинг ранги табиийси бўлгон қаро ранг бавл сувини ранги табиийси бўлгон оқ ва соф рангда мураккаб бўлгонидин бавлға осмон ранглик ориз бўлур.

Ва билмоқ керакки, осмоний рангға боис бўладурган қаролик ё жумуд ахлотдин ва ё савдойи ҳақиқийнинг табиатидин ҳодис бўлгон қароликдур. Аммо ахлотнинг куйганлигидин ҳодис бўлгон эрмас, албатта. Чунки агар ҳар хилтки куйса, аввалан сариқ ранг ҳосил қилур, сўнгра сариқликдин тараққий ва тажовуз қилуб қаро бўлур. Бас, агар бу қаро сувға мухталит бўлгон сабабдин қивоми сув бўлуб рангида таназзул бўлса, анда албатта сариғлик маҳсус бўлур. Ваҳоланки осмоний рангда сариғликни мураккаблик асари ва эҳтимоли қатъиян йўқдур.

Аммо нийланжий ранг сабз рангнинг учинчи даражаси ранги нийланжийдур, яъни нилни эритуб қўшилгон сувнинг рангида бўлур. Ва бу ранг ҳам осмоний ранг каби қаро ила оқ рангдин мураккаб бўлгондур. Лекин осмоний рангға нисбатан

ниланжий рангни қароси кўпроқ ва оқи камроқ бўлур. Ва бу рангни сабаби ҳам худ осмоний рангни сабабидур. Лекин бунда ахлот ажзосини жумудлиги шиддатликроғ бўлур. Бинобарин бунда қаро ранг ҳам голиброқ бўлур. Ва бу уч навъи сабзнинг ҳар бири ҳам ўзидин бурунги қисмига назаран мизожи совуқроқ эканига далолат қилур. Яъни фистақийга нисбатан осмоний ранг совуқроқ бўлур. Ва осмоний рангга нисбатан нийланжий совуқроқ бўлур.

Ва атиббо дерларки, заҳар ичган киши бавли ҳам осмоний ранг бўлур. Бас, агар бу бавлда дурда пайдо бўлса, заҳардин холис топмоқ умиди борлиғига далолат қилур. Агар бавли бедурда бўлса ҳалокатга далилдур, дерлар.

Ва ҳақим Қарший дебдурларки, бавлнинг осмоний ранг бўлмоғини ҳар қаю заҳар ҳам лозим тута олмас, балки ҳар заҳарики, ҳарорати ғаризийяни сўндируб, баданни зиёда совутса ва шул сабаб бирлан бадандаги ахлотга жумудлик ориз бўлса, шул заҳардин бавлда осмоний ранг ориз бўлур, дебдурлар.

Ва шунинг учун бавлнинг осмоний ранг бўлмоғига ҳақим Қарший фақат икки сабаб баён қилғондурларки, бири жумуди ахлот ва бири ихтилоту савдодур. Ва жумуд омдурки, хоҳ совуғни шиддатидин бўлсин, хоҳ заҳарнинг таъсиридин бўлсин.

Аммо курросий рангки, сабзни тўртинчи даражасидур ва куррос луғоти арабийдур. Ва форсийда гандано дерларки, пиёзнинг бир рангидур. Ва бу рангнинг қаролиги нийланжийнинг қаролиғига нисбатан зиёдароқ ва сариқлиги нийланжийнинг сариғлигининг камроқ бўлур. Яъни нийланжийдин фи-л-жумла тўқроқ кўп бўлурки, мазкур ганданонинг барғига мушобиҳ рангдур. Ва бу ранг нийланжийга нисбатан ахлотни шиддатликроқ куйганига далолат қилур.

Аммо сабзнинг бешинчи даражаси занжорийдурки, араблар форсийдин муъарраб қилғондурлар. Ва форсийда зангори дерлар. Ва бу ранг шундоғ рангдурки, сабз рангдин андак оқ рангга моилроқ бўлур. Ва бу ранг ахлотни ғоят

куйғанига далолат қилур. Зероки ахлотни моддаси бавлға кўши-
луб келғонидин бу рангни эҳдос қилғондур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ахлот агар чалароқ куйса қаро
ранг ҳосил қилур. Ва агар ғоят даражаға етиб куйса оқ ранг
ҳосил қилур. Ва бунга хориждаги куйган нимарсалар шоҳид-
дурлар. Хоҳ куймоқ оловнинг таъсиридин бўлсин ва хоҳ бошқа
ҳарорат таъсиридин бўлсин. Масалан, оловда чалароқ куйган
нимарсанинг мисоли кўмирдурки, ҳануз асл ажзоси куйуб
фоний бўлғон эмас. Ва ранги қародур ва ғоят даражада куйган
нимарсанинг мисоли кулдурки, ҳамма ажзоси куйуб фосид
ва фоний бўлғондур. Ва ранги оқдур. Ва инчунин офтобда чала
куйган нимарсанинг мисоли қишда қолган гиёҳдурки, ҳануз
ажзоси фоний ва фосид бўлмағондур. Ва ранги қародур. Ва
ғоят даражада куйғаннинг мисоли қуриган гиёҳдурки, ҳамма
ажзоси куйуб фосид бўлғондур. Ва ранги ҳам оқарғандур.
Бинобарин бавли занжорийға нисбатан бавли курросий аслам
ва камхатарроқдур. Ва занжорий курросийға нисбатан хатар-
ноқдур. Ва занжорийда курросийға нисбатан хилт шиддатлик
куюб, ранги оқға моил бўлғондур.

Ва билмоқ керакки, бавли занжорийки, агар таъаб ва азоб
сўнгидин ориз бўлса, баданда ташаннуж воқеъ бўлмоғиға
аломатдур. Аммо гўдак болаларға ориз бўлғон бавли ахзарнинг
ҳама навъи ҳам ташаннуж ориз бўлмоғиға далолат қилур.
Зероки аларнинг пайлари заифлик сабабидин андак боис
бирлан ҳам ташаннужға қобилдур.

Билмоқ керакки, агар бавли ахзар ихтироқ сабабидин ориз
бўлғон навълардин бўлса, ташаннужи ёбисға далолат қилур.
Ва агар жумуд ахлот сабабидин ориз бўлғон навълардин бўлса,
ташаннужи имтилоий далолат қилур. Би-л-жумла бавли ахзар
бавли асваднинг муқаддимасидур. Ва баъзилар айтибдурларки,
бавли ахзар жузомға, яъни мохов касали ориз бўлмоғиға
далилдур. Лекин ҳақири ночиз дерманки, бу далолат куллиятан
эрмас. Магар ҳамма бадандаги ахлотнинг куймоғи жузомға
далил бўлур ва илло фало. Хусусан бавли ахзари жумуди мут-
лақо жузомнинг хилофидур. Фатааммул.

Ва яна бир навъ бавли ахзар бордурки, ани бавли зайтий дерлар. Ва ани алвони мураккаба фаслида баён қилурман, иншааллоҳу таъоло. Чунки юқорида маълум бўлгондурки, ранги ахзар ҳақиқатдан ранги муфрада эрмас, балки мураккабадиндур. Ва ранги муфрада ахлоти арбаъага мувофиқ тўрт ададдурки, сариқ ва қизил ва оқ ва қародур. Чунончи биринчи мақолада умури табиийёт баёнида арбаъоти сабъата ашарадин бири алвони арбаъа экани ҳамма вужуҳ ва асбоби ила зикр қилинди.

Ва бу фаслда ҳаким Абу Саҳл ал-Масиҳий ҳам ранги аслий фақат тўрт хил бўлуб, ахлоти арбаъага мувофиқлигини ва ранги ахзар ранги мураккабадин эканини баён қилгондурлар. Шунинг учун агарчи муаллифини киромларга таъбан бавли ахзарни ранги муфрада баёнида зикр қилдим. Лекин ранги мураккаба ҳам ахзар баёнидин холий қолмоғи хилофи ҳақиқатлигиға биноан қисми зайтийни ранги мураккабот мабҳасида баён қилмоқ муносиб кўрилди. “Лианна зикруху кана алиқун би-залика-л-макон”.

Аммо ранги аслийнинг тўртинчиси қаро рангдур. Ва қаро рангни маротиби тўрт мартабалиқдур. Биринчи мартабаси қаройи заъфаронийдур, яъни аввалан заъфароний сариг бўлуб, сўнгра андин тараққий қилуб қаро бўлгондур. Ва ани аломати шулки, агар бавл суюқ ва камқивом бўлса, ёки анга холис сув қўшуб суюқ қилинса қаролиги таназзул қилгонда заъфароний сариқлик маҳсус бўлуб. Бас, бу тариқа қаро ранги савдвий сафровийдин ориз бўлгонлигиға далолат қилур.

Ва иккинчи мартабаси қаройи ақтамдур, яъни аввалан аҳмари ақтам ранглик бўлуб, сўнгра андин тараққий қилуб қаро бўлгондур. Ва бу рангинг аломати шулки, агар бу бавлни холис сув қўшуб суюлтирилса, қаро рангиға таназзул ориз бўлуб, андин қизил ранг маҳсус бўлуб. Бас, бу тариқа ранги савдойи дамавийдин ориз бўлгонлигиға далолат қилур. Хоҳ ул савдойи дамавий қоннинг қуйганлигининг ҳосил бўлсин, хоҳ қоннинг жумудидин ҳосил бўлсин, чунончи мабҳаси ахлотда савдойи дамавийи жумуд қондин ҳам ҳосил бўлмоғини ҳамма важлари ила мазкур бўлгондур.

Ва учинчи мартабаси қаройи хузродур, яъни сабзга моил қародурки, туркий истилоҳда ани нофармон дерлар. Ва бу ранг ё савдойи сариқдин, яъни бошқа ахлотдин куйгонидин бўлмай, балки савдойи асл ва холисдин ориз бўлгонлигига далилдур. Ёки мизожда шиддатлик совуқ борлигига далилдур. Зероки бавли ахзарнинг сабабларининг баёнида мазкур бўлдики, бавлнинг сабз ранг бўлмоғига сабаб ё ахлотнинг жумудлигидур ёки савдойи ҳақиқийнинг ихтилотидур, ёки бошқа ахлотнинг ихтироқи ва куйганлигидурки, ҳаммаси савдо ҳукмидадур. Чунончи мабҳаси ахлотда важҳлари ила муфассал баён қилинғондур.

Тўртинчи мартабаси қаройи баёзийдурки, аввалан оқ ранглик бўлуб, сўнг қорайган бўлур. Бас, агар бу бавлға холис қўшуб суултирилса қаросининг таназзулидин оқ ранг маҳсус бўлур. Аммо сариг ва қизил маҳсус бўлмас. Ва бу ранг савдойи балғамийликға далолат қилур. Яъни балғамдин ҳосил бўлгон савдонинг ихтилотига далил бўлур. Хоҳ ул балғам куйган бўлсин, хоҳ жумуд бўлсин.

Фоида. Билмоқ керакки, шул жойғача мазкур бўлгон сабаблар, яъни бавлнинг ранги қаролигига боис бўлғувчи сабаблар сабаби куллийдур. Ва аксари атиббонинг баёнлариға ва ҳаким Чағминийнинг матнлариға мувофиқдур. Аммо булардин бошқа яна асбоби жузъийялар ҳам кўпдурки, ани баёнидин мотинлар сукут қилғондурлар. Эмди фақир¹ аларни ҳам баъзи фавоиди ила қўшуб баён қилурман.

Махфий қолмасинки, бавлни қаро рангли бўлмоғини аксарият сабаби беш навъ бўлур. Бириси шулки, бавлни қароға бўяғувчи нимарсалар, масалан, қаро ранглик шароб ва бунга ўхшаш нимарсадин кўпроқ миқдор истеъмол қилинган бўлур. Ва ани ҳазми ва тағйири учун табиат машғул бўлмаган бўлур. Бас, ночор шароби мазкур ўз рангида боқий туруб масонаға келур ва бавлни қаро рангга бўяб тушар.

Ва Шайх ур-раис “Қонун”ларида ёзғондурларки, ҳар вақт

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

қаро ранглик шароб тановулидин сўнг агар бавл қаро ёки қизил бўлуб келса бу бавлда ҳеч хатар йўқдур, дегандурлар. Ва ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”ларида Шайх ур-раисга таъарруз учун таъйини мурод қилуб айтубдурларки, Шайх ур-раиснинг “ва ҳаза ла хатара фиҳи” деган қавларидин муродлари савдойи эҳтироқий ёки савдойи жумудий ихтилоти бирлан ориз бўладурган бавли асвадда бўладурган хатарлар шурби шаробдин ориз бўлгон бавли асвадда бўлмас, демақдур. Ва илло шаробнинг ҳазм бўлмай асл ҳолича масонага келмоғи жигарнинг қуввати соқитлигиға далолат қилур. Ва жигарнинг қуввати соқитлигидаги хатари зоҳир ва албатта бадиҳийдур, дерлар.

Ва дарвишнинг наздимда, агар “ла хатара фиҳи”ни мутлақ қўйилса яхшироқ бўлғай эди. Ва гумони ғолиб шулки, Шайх ур-раиснинг муродлари ҳам мутлақ бўлса керак. Зероки шаробнинг ҳазмиға табиатнинг таважжуҳ ва амал қилмаслиги гоҳи жигарнинг қуввати соқитлигидин бўлур ва гоҳи табиатнинг бошқа жиҳатға машғуллигидин бўлур. Ва гоҳи шаробнинг тановули бағоят кўп миқдорда бўлса шаробнинг камоли латофати сабаблик масонага тезроқ нузулидин ва ҳануз ани ҳазми ва тағйириға табиатнинг таъсири учун фурсат танглигидин ҳам бўлур. Ва эҳтимолдурки, Шайхнинг мақсудлари ҳам шулдур. Чунончи Шайх табиатни тасарруф қилмағонлигини зикр қилуб, аммо суқути қувватдин суқут қилмоқлари ҳам бунга далилдур. Валлоҳу аълам.

Ва иккинчи сабаб шулки, мудирри савдо нимарсадин, яъни савдони бавл йўлиға дафъ қилғувчи даводин истеъмол қилинур. Бинобарин масонага кўпроқ савдо келуб, бавлни қароға бўяб тушар. Бас, бу икки навъ бавли асваднинг аломати учун собиқда мазкур нимарсаларнинг тановули шоҳиди кофийдур.

Ва учинчи сабаби шулки, хилтларға ихтироқ ориз бўлур, сўнгра ул хилт бавлға қўшилуб тушар. Ва шул сабаб бирлан бавлға қаро ранг ҳосил бўлур. Ва ани аломати шулки, баданда талаҳхуб ва ҳарорати ихтироқ пайдо бўлур. Ва бавл ҳам

дафъатан шиддатли қаро бўлмас. Баҳасби ихтироқ батадриж бўлур. Балки ул қаро рангда заъфарон рангга моилроқ сариглик ёки тўқ қизиллик ҳам фи-л-жумла маҳсус бўлур. Бас, агар сариг ранг кўпроқ маҳсус бўлса, ярақон касали ориз бўлмоғига далолат қилур. Яна бу бавли асвад пайдо бўлмоғидин бурун бавли асфар ва ё бавли аҳмар ориз бўлгонлиги далили вофийдур. Ва иггунин бавлда бадбўйликнинг зиёдалиги ҳам бавлда дурданинг тезроқ таҳнишин бўлмоғи, лекин ажзои дурда бир-биридин жудо-жудо бўлуб турмоғи ихтироқи ахлот учун бурҳони қотиъдур. Зероки ҳароратнинг шаънидурки, қобили жисмга тафриқ ва ихтилоф эҳдос қилур. Ва дурдаларнинг бир-биридин муташаттит ва жудо-жудо демакдин Ҳаким Қаршиининг муродларини тездин баён қилурмуз.

Ва тўртинчи сабаб шулки, шиддатли совуқнинг таъсири бирлан ахлот қотиб, жумудлик ҳосил қилур. Ва қотган сабабидин анга кўзнинг шуъоъи нуфуз қилолмоғони учун уч хилт қаро кўринур. Ва ўзи мухталит бўлгон бавлни ҳам қаро кўрсатур. Ва ани аломати шулки, баданда совуқ мизожнинг асарлари зоҳир бўлур. Ва бавлнинг ранги камудат рангга моил қаро бўлур. Ва бадбўйликдин холий ёки совуқ учун маҳсус бўлгон андак туршбўй бирлан мутакаййиф бўлур. Ва яна жумуднинг маҳсус аломатидиндурки, агар ул бавл камудий ранг ёки сабз ранг бўлуб сўнгра қаро бўлгон бўлур. Ва бу навъдаги сабз рангдин мурод ихтироқ сабабидин бўлғувчи сабз эмас, балки жумуд сабабидин бўлғувчи сабздурки, фистақий ва ё осмоний ранг ва ё ниланжий ранг муроддур. Аммо курросий ва занжорийлар албатта ихтироқ сабабидин ҳодис бўлмоғи муқаррардур. Ва бавлда дурданинг ҳусули оз миқдор бўлмоғи, лекин дурда ажзолари мужтамиъ ва муттасил бўлмоқлари ҳам жумуди ахлот аломатларидиндур.

ФОИДА. Ихтироқи ахлотдин ҳодис бўлгон бавл бавли асваднинг дурдаси пароканда бўлмоғидин мурод ва жумуди ахлотдин ҳодис бўлгон бавли асваднинг дурдаси мужтамиъ бўлмоғидин мурод шулки, дурданинг ажзоларини ҳар бир фардлари бир-бирига муттасил ёки жудо бўлмоғи муроддур.

Аммо бавлнинг ҳамма дурдаси ҳамма сувға таралуб пароканда бўлмоғи ёки ани хилофинда бўлмоғи мурод эрмас.

Ва илло ихтироқ учун дурда пароканда бўлмоғи ва жумуд учун мужтамид бўлмоғи хилофи табиатдур. Зероки табиатан ҳароратнинг шаъни шулки, бавлнинг ажзосига тахалхул пайдо қилур. Ва бавлнинг моъийятини суюлтирар. Бас, шубҳасиз-дурки, суюқ рутубатдин дурданинг ажралиб таҳнишин ва мужтамиъ бўлмоғи осонроқдур. Ва тез таҳнишин бўлур ва лекин ҳароратнинг шаънидурки, ўзи ориз бўлгон жисмнинг ҳажмини кенгайтурмоқдур. Ва зоҳирдурки, дурданинг ҳар қаю зарралари ўзининг ҳажмидин зиёда кенгайса, албатта, ул зарраларнинг миёнасида воқеъ бўлгон тахалхул ва бўшлиқлар ҳам кенгайган бўлуб зарралар бир-бирларидин жудо бўлуб турарлар. Ва инчунин бавли асвади жумудийда дурданинг ижтимоъидин мурод ҳар бир фард ажзойи дурда мурод бўлмаса ва мажмуъи дурда мажмуъи моъийятдин ажралмоғи мурод бўлса эди, бу ҳам хилофи табиат бўлур эди. Зероки совуқни шаъни шулки, рутубатни ғализ қилур. Бас, ғализ рутубатдин дурда ажралмоғи ва таҳнишин бўлмоғи осон бўлмас. Бунга назаран бавли асвади жумудий аломати ижтимоъи дурда бўлмай, балки ташаттут ва интишорий аломат бўлмоғи лозим келур эди. Лекин совуқни шаъни тажмид ва қотирмоқ бўлмоқ сабабдин агарчи дурда ажзолари моъийят ичида ёзуғроқ бўлсалар ҳам, лекин ҳар қаю фардлари инжимоди рутубат воситаси ила бир-бирлариға муттасил бўлур. Ва хулосаи калом шулки, бавли асвади ихтироқийнинг дурдаси қоруранинг тагиға тезроқ жамъ ва таҳнишин бўлур. Лекин андак ҳаракатнинг воситаси ила пароканда бўлмоқға қобил ва ажзолари бир-биридин жудо бўлуб турар. Ва бавли асвади жумудийнинг дурдалари фи-л-жумла ёзуғроқ турарлар. Лекин андак ҳаракат бирлан пароканда бўлмай, қаттиғроқ ҳаракат бўлмаса ўз вазиятларида турарлар. Ва гоҳи жароҳат ва гоҳи ҳарорати ғаризийянинг камаймоғи ҳам бавли асвадға сабаб бўлур. Ва ани аломати шулки, анда бавли асвади жумудийнинг ҳамма осори мавжуд бўлуб, яна кундин-кунға қувват соқит бўла

бошлар. Бас, бу қисм ҳам бавли асвади жумулийнинг қисмидин бўлуб, бошқа ҳамма ақсомдин ёмонроғидур.

Ва бешинчиси танқия ва бўҳрондур, яъни ахлоти зоила бавл бирлан хориж бўлмоғи ёки маразга қуввати табиийя муқоваматда голиб бўлуб, маразга боис бўлгон хилтни бавл йўлига дафъ қилмоғи бавли асвадга сабаб бўлур.

Ва билмоқ керакки, бўҳроний бавли асвадга сабаб бўладурган касалларнинг баъзиси савдодин ориз бўлгон бўлур. Чунончи талоқ касали ва савдовий иситма касаллар каби. Бас, бу касалларда бавлни қаро бўлмоғи зоҳирдурки, худ савдо масона тарафидин хориж бўлур. Ва бавлни ҳам савдо ўз ранги ила бўяб қаро қилур. Ва баъзиси баданда қоннинг муҳтабис бўлгонидин ориз бўлур. Чунончи ихтибоси тамсдин ва ихтибоси бавосирдин ва бунга ўхшаш касаллардин ориз бўлур. Чунки маълумдурки, агар қон муҳтабис бўлса уфунат пайдо қилур ва шу сабаб ила қоннинг суюқ моддалари таҳлил топуб қулолар. Бинобарин қаро кўринар. Ва анга савдо голиб бўлур. Зероки қоннинг гализлиги хоҳ батариқаи ихтироқ ва хоҳ батариқаи инжимод бўлса, савдо ҳукмида бўлмоғи такроран мазкур бўлди. Ва инчунин бавосирнинг ҳам қони одатдаги вақтида келмай муҳтабис бўлмоғида ҳам бавл қаро бўлур. Зероки бавосирнинг қони аксари савдоға мухталит бўлур. Ва инчунин неча хил касаллар бўлурки, аларнинг моддалари гализ бўлур. Бас, агарчи моддалари савдовий бўлмаса ҳам, лекин бавлни қаро кўрсатмоқда гўё савдо каби бўлурлар. Ва такроран маълум бўлгондурки, модданинг гализлиги бавлнинг қаро кўринишмоқлигиға мусталзимдур. Чунончи бел оғруғи ва бачадон оғруғи ва бунга ўхшаш асабонийялик узвларнинг моддаси гализ ва балғамий ва лузужатлик бўлур.

Аммо бавли асвади бўҳронийнинг аломати шулки, бўҳронлик касалар охир вақтида воқеъ бўлур. Ва ҳам фақат бўҳрон кунндағина бавл қаро бўлур. Ва илгари қаро бўлмас. Ва бўҳрон кунидин сўнгра беморға енгиллик ва роҳат ҳосил бўлур. Ва бавлнинг гализ ва кўп миқдорлик бўлмоғи ҳам бўҳроннинг аломагидиндур. Хусусан моддани масона тарафга дафъ қилмоқ

ила табиат ёрдам берса, бавлда қаро ранг зиёдароқ маҳсус бўлур. Ва ғала-л-хусус ул модда агар қон моддаси бўлса бу бавл жуда ўткир қаро бўлур.

ФОИДА. Махфий қолмасинки, савдовий касалларда бавлни қаро бўлмоғи баъд аз назж пайдо бўлур ва қивоми ҳам қуюқ бўлур. Аммо қабл аз назж бавл қаро бўлмас. Ва агар фил-жумла савдонинг ихтилотини ила қаро бўлса ҳам бағоят кам-ранг бўлур. Ва қивоми аксар суюқ ва ранги оқ бўлур. Ва би-л-фараз агар модданинг назжидин бурун бавл қаро келса хоҳ моддаси савдовий бўлсин ва хоҳ балғамий бўлсинки, бу бавл албатта бавли асвадн бўҳроний эрмас. Зероки бўҳрон беназжи модда воқеъ бўлмас, албатта. Ва агар бавлнинг қаролиги бўҳрон сабабидин ва ё бавлни бўёғувчи нимарсаларни сабабидин ва ё бавлни кўп дафъ қилғувчи мудирр нимарсалар тановулидин экани маълум бўлмаса бу бавл бадан ҳолини ридоат ва фасодига далилдур ва бу қаро албатта ё ихтироқ ва ё жумуд моддадин ҳодис бўлурки, ҳар иккиси ҳам радиъдур. Хусусан, амрози ҳоддаларда ва ала-л-хусус бавлнинг миқдори ҳам кам бўлса камоли ридоъатга далолат қилур. Зероки миқдорнинг камлиги ихтироқ сабаби ила рутубатни фано бўлғониға далолат қилурлар. Бас, бавлнинг қивомини нақадар қуюқ бўлса шу қадар ридоъатлик бўлур. Ва қивомини нақадар суюқ бўлса шу қадар кам ридоъат бўлур. Зероки ғализлик рутубатни жуда камлигиға ва моддани арзийяти табиатиға кўп ўзгарилғониға далолат қилур. Аммо рақиқлик ихтироқнинг камлигиға ва ҳануз рутубатни фано қилмоқ даражасиға етмағониға далолат қилур. Ва зоҳирдурки, агар ихтироқ бу даражаға етмаса албатта анн ридоъати ҳам кам бўлур. Ва гоҳи амрози ҳоддалариники, сабаби моддаи сафро бўлса ва сафро қуймаган бўлса ҳам бавли асвад ориз бўлур ва бу бавли асвад бўҳроннинг солиҳиниға далолат қилур. Зероки марази ҳоддаға сабаб бўлгон моддан сафронинг бўҳрон сабаби ила масонаға мундафиъ бўлмоғидин мўвжиби маразинг камаймоғи лозимдурки, бўҳрон солиҳдур. Ва кўп сафрони бавлға мухталит бўлуб келмоғи бавлни қивомлик ва қаро рангда бўлмоғини лозим тутар. Чунончи ярақони асфар

касалида сафро куймаса ҳам бавли асвад ориз бўлмоғи бунга далилдур. Ва зоҳирдурки, ярақони асфарда бавлни қаролиғи фақат такосуф ва куюқликдин ориз бўлур ва анда ихтироқ йўқдур. Аммо атиббонинг “ва бавл ул-асвад далилун муҳлиқун фи-л-амроз ил-ҳоддати” деган қавлларидин, яъни шиддатлик иситмаси бўлган касалда бавлни қаролиғи марази муҳлик ва қотиллигига далилдур деган сўзлари бавли асваддин муродлари гайри бўҳроний бавли асваддур. Ва бавлни сўнггидин хиффат ва енгиллик ориз бўлмаски, бу тақдирда албатта сафро муҳтариқ бўлур. Ва ихтироқи бавли асвад эҳдос қилур. Ва камоли ихтироқи муҳлик ҳам бўлур. Бас, сафронинг такосуфи бирлан ҳодис бўлғувчи бавли асвадни атиббо истисно қилмай, мутлақ далили муҳлик демақлари аксариятга биноандур. Ва сафро такосуфидин бавли асвад жуда кам ва нодиран воқеъ бўлур. Зероки сафро ўзи бағоят латиф бўлур. Бинобарин бавлни қаро қилгудек даражада такосуф анга жуда кам тасодуф келур. Ва нодиран воқеъ бўлур. Аммо сафрога ихтироқ аксар воқеъ бўлур. Чунки ахлооти арбаъаннинг ҳаммадин иссиғ ва қуруқ мизожлиси сафродурки, андақ ҳарорат сабаби ила куймоқға қобилдур. Ва ўткир иситма касалида аксар сафрои муҳтариқ бўлур. Бинобарин мутлақ далили муҳлик баён қилғондурлар. Ва илло сафрои гайри муҳтариқанинг бавли асвадга боис бўлмоғи собит ва муқаррардур.

Ва билмоқ керакки, буйрак касалларида ва ахлооти ғализадин пайдо бўладурган касалларда бавлнинг қаро бўлмоғи хайриятнинг аломати дебдурлар. Лекин бу ҳукм ҳам аксариятга биноандур. Ва хайриятга аломатлигининг важҳи шулдурки, буйрак касалларида бавлнинг қаро бўлмоғи аксар батариқай бўҳрон воқеъ бўлур. Зероки буйракнинг ҳарорати ва бурудати ахлооти куйдурмоқ ёки мунжамид қилмоқ даражада бўлмас. Магар нодиран ихтироқ ила дофиъ бўлмоғи мумкиндур. Чунончи Шайх ур-раис “Қонун”ларида айтгандурларки, “ва қад йакуну-л-бавл ул-асваду айзан радиъан фи илал ил-кила вал-масонатати изо кона ли-ихтироқин шадидин”. Яъни агар моддан маразга шиддатлик ихтироқ ориз бўлғон бўлса буйрак

ва масона касалларида ҳам гоҳи бавли асвад ҳодис бўлур, дегандурлар. Ва инчунин ахлотнинг ғализлигининг кўзғолғон касалда ҳам бавл қаролиги бўҳроний бўлса ва қивомида тако-суф, яъни қуюқлик бўлса, бул аломати маҳмуд ва далили хайриятдур. Ва бавлнинг қивомида кўп жумудлик ёки ихтироқ бўлса ридоъатга далилдур. Чунки касифлик ахлотда уч хил бўлур. Бирн шулки, ахлотга бурудат нфрот даражада таъсир қилуб мунжамид. ҳолға келтурган бўлурки, хилтни қивоми бағоят қуюқ бўлур.

Ва иккинчи хил касифлик шулки, хилтга бурудат енгилроқ таъсир қилуб, қивомига андақ ғализлик пайдо қилғон бўлур.

Ва учинчи хилт шулки, хилтга ихтироқ ориз бўлуб, рутубатини таҳлил ва фано қилғон сабаблик хилтнинг қивоми баҳасби ихтироқ қуюқ бўлур. Ва бурудатдин хилт бўлур ва бамисоли амрози ҳадда ва амрози сафровияларнинг бўҳронида ориз бўлғон бавли асваддурки, моддаларнинг издиҳом ва талотум ажзоямай, балки бавли асвад батариқай бўҳрон бўлмаған тақдирда ҳар қаю ёшда бўлғон жумлаи инсоннинг ҳақиға ҳам гайри солиҳдур. Бас, агар қари кишиларда ва хотунларда то фасоди азим бўлмаса бавли асвад бўлмас, демакдин Шайхнинг муродлари, агарчи ҳеч вақтда бавли асвад фасолдин холий бўлмас. Лекин қари кишилар ва хотунларда то фасоди азим бўлмаса бавли асвад воқеъ бўлмас, демоқ муродлари бўлса, ул сўзлари ҳам дуруст эрмас. Зероки қарилар ва хотунларни моддаи ахлотлари ғализ ва жумудға қариб бўлғони учун бошқа одамларға назаран балки асвад воқеъ бўлмоғиға булар қобилроқдурлар. Бас, буларға бавли асваднинг вуқуъи ҳамма учун фасоди азимға мавқуф бўлур экан, деб эътироз қилиб-дурлар.

Аммо фақири ночизнинг фикри қосиримча,¹ Шайхнинг қавллари ҳақдур. Ва шориҳ муддаони ўз раъйларига мутобиқ қилуб, ноҳақ ва нолоиқ эътироз қилгандурлар. Ва раъйларига мисол учун қариларда жумудни хоҳлаб кўрсатгандурлар. Нима

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

учундурки, аларда ихтироқ ҳам воқеъ бўлмоқдин кўзларида пардаи тағофул тортиб сукут қилмишлар. Ваҳоланки қари кишиларда ва хотунларни мизожлари бу қадар совуқ бўлғони ҳолда анча голиб бўлуб, ахлотга ихтироқ ҳосил қилмоқ учун нақадар ҳарорат лозим бўлур. Бас, аларнинг ихтироқи ахлотига кофий миқдор ҳароратни фасоди азимлигида қандоғ шубҳа бор эмиш.

Ва агар шориҳни фикрларига мувофиқ қарилар ва хотунларда воқеъ бўлгон бавли асвад ихтироқий бўлмай, жумудий бўлгон тақдирда агарчи, аларнинг ҳақиға бавли асваднинг вуқуи учун зўр сабаб лозим бўлмаса ҳам аларнинг мизожи табиийлари совуқ бўлғониға андак сабаб ҳам илова бўлуб, бадандаги ахлотлари яна мунжамид бўлуб, андак қолгон ҳарорати ғаризийни ҳам сўндуруб фано қилмоғини фасоди азим демасалар нима деб таъбир қилур эканлар. Бас, зоҳирдурки, қарилар ва хотунлар учун бавли асваднинг салоҳсизлиги аларни ҳақиға бўлгон салоҳсизликдин зиёдароқ экани шубҳасиздур. Фатааммул.

Аммо таъаб ва зўр риёзатдин сўнг воқеъ бўлгон бавли асвад мин баъд баданда ташаннуж воқеъ бўлмоғиға далилдур. Зероки бавлға мухталит бўлуб келгон модда ихтироқиға сабаб бўлгон ҳаракатнинг ҳарорати албатта пайларнинг обийятини ҳам таҳлил берган бўлур. Бинобарин пайда тезда ташаннуж ориз бўлмоғи маржувдур. Ва соҳиби “Захира” китобларида ёзибдурларки, бавли асваднинг ақсомларини бехатарроғи шулки, бавлнинг ранги қаронамо бўлса, лекин тўқ қаро бўлмаса ва шул рангида давом этуб турса, дебдурлар. Зероки қаронамо бўлуб тўқ қаро бўлмагон бавл ахлотни шиддатлик куймағониға ва такосуфдин ориз бўлғониға далилдур. Ва шул рангида давом қилмоғи пайваста моддаи муҳтариқани мундафиъ бўлуб, баданни онан-фаонан покланиб турғониға далилдурки, сабаби умиди нажотдур.

Ва инчунин агар бавл қаро бўлуб, ани дурдаси ҳам қаро бўлса жуда ёмон далилдурки, ихтироқни камоли шиддатиға далолат қилур. Ва агар бавл қаро бўлуб, дурдаси қаро бўлмаса,

қаро дурдалиқдин камхатарроқ бўлур. Ва агар бавл қаро бўлуб, ани дурдаси ҳам қаро бўлса, лекин қоруранинг тагига таҳнишин бўлмай миёнада муаллақ турса, ранги қаро бўлмағон таҳнишин дурдадин ҳам камхатарроқдур. Ва агар бавл қаро бўлуб, ани дурдаси ҳам қаро бўлса, лекин дурдаси сувнинг юзида бўлса, дурдаси муаллақ бавлдин ҳам камхатарроқ бўлур. Зероки бавлнинг қаролиғига илова ани тез дурда ҳосил қилуб, дурдаси ҳам қаро ва зуд таҳнишин бўлмағини сабаби ихтироқда бўлғон камоли иштидоддин ахлот ажзосида рутубат тамом фоний бўлғониға ва табиати арзийя ҳосил қилғониға далили сотиъдур. Ва анга нисбатан дурдаси қаро бўлмаган бавлнинг камхатарлиги анинг ҳануз хато бўлмағон дурдаси ўзини ҳануз хомлиғига ва ихтироқни комил эмаслиғига далолат қилур.

Аммо дурдаси қаро ва муаллақ бўлғон бавлға нисбатан хатарнок бўлур. Зероки хом моддани масонаға дафъ қилмоқ табиати ихтиёрый бирла эмас, балки изтирорий ила бўлғондурки, изтирори табиат ҳам фи-л-жумла маҳалли хатардин ҳисоб бўлур. Ва ҳам бу хом модда назжи комил ҳосил қилгунча назжи комил фи-л-жумла муҳтариқ бўлғон ажзолари яна зиёда муҳтариқ бўлмоқ эҳтимоли ҳам боқийдур.

Ва дурдаси қаро, лекин муаллақ бўлғон бавл дурдаси қаро бўлмағон бавлға нисбатан камхатарлигини сабаби шулки, мазкур дурда аввалғи қисмға назаран чалароқ куйган ва рутубати фи-л-жумла боқийдур. Бинобарин табиати арзийяни тамом ҳосил қилмағандур.

Ва иккинчи қисмға назаран бунда хом ажзо бўлмағони учун изтирори табиатдин ҳам холийдур ва модданинг ўзи бавл ила мундафиъ бўлуб, камаиуб турғони учун яна зиёда куймоқни хавфи ҳам камроқдур. Ва бу қисмға назаран дурдаси қаро бўлуб сувнинг юзида турган бавлнинг камхатарлиги зоҳирдурки, бу модда комил ихтироқ ҳам ҳосил қилмаган ва табиати арзийя ҳам касб қилмаган ва зиёда рутубати ҳам фоний бўлмаган ва хом ажзоси ҳам боқий қолмаган ва ўзи мундафиъ бўлуб тургани учун мин баъд зиёда ихтироқни ҳам эҳтимол тутмағандур. Бинобарин ҳамма ақсомидин камхатарроқдур.

Ва билмоқ керакки, ҳар вақт амрози ҳоддаларда бавл қаро бўлуб, ани юзида булут каби дурда ҳосил бўлса ва ани ранги қизил бўлса димоғда иссиқ варам борлиғиға далилдур. Ва беморнинг зуд ҳалок бўлмоғиға далолатдур.

Ва агар бавл аввалан қаро ва суюқ бўлуб, сўнгра қўнғур ранг ва қуюқликға ўзгарилса ва бу бавлдин роҳат ва енгиллик ҳосил бўлмаса, бу бавл жигарда судда ёки чиқуқ, яъни янги яра ҳосил бўлғониға далилдур. Ва зот ул-жанб ва зиқ ун-нафас касалларида бавлнинг қаро бўлмоғи далили маргдур.

Ва агар ярақон касалликда бавл қизилликдин қароликға ўзгарилса ва ғализ ва тийра бўлмоғиға далилдур. Ва судданинг очилғониға аломатдур. Ва агар тандуруст кишида неча муддат бавл қаро бўлуб турса ани буйрағида тош бўлмоғиға далилдур.

Ва агар хотунларда ҳайз ва ё нифос қони аралашган сабабдин бавл қаро бўлса ва қаролиги гўё сувға мадод, яъни сиёҳи китобат қўшилғон каби қаро бўлса, яхшиликға далил эрмас ва хатарнокдур.

Ва ранги баситдин ҳисобланган ранги аслининг бешинчиси баёз, яъни оқ демакдур. Ва бавлнинг оқлиги мизожда совуқнинг ғалабасиға ва хилтнинг хомлиғиға ва оқ ранглик моддани масонаға мундафиъ бўлмоғиға далилдур. Ва билмоқ керакки, шул баҳсда мутааллиқ бўлган ҳамма нимарсани Шайх ур-раиснинг ва шориҳнинг қавлариға мувофиқ баён қилурмиз.

Аввало билмоқ лозимки, баёз икки навъ бўлур. Бири ҳақиқий ва бири мажозий баёздур. Ҳақиқий деб кўзнинг шуъъининг нуфузиға монёъ бўлғудек бир рангға молик бўлган бир нимарсани айтурларки, бу ранг бурунғи баён қилинғон тўрт рангдин ва ё аларни таркибидин бошқа бўлғай. Масалан, сутнинг рангидурки, бу ранг ҳам алвони арбаъаи мазкурдин бошқадур. Ва ҳам сутни тагини кўрмоқ учун шуъъи нуфуз қилмоғиға ани ранги монёъдур. Зероки шуъъининг нуфузиға монёъ бўлмаслик шаффофаликни сифатидур. Ва шаффофликнинг шарти мутлақо берангликдур. Масалан, тиниқ ва холис сув ва оина кабидур. Ва шаффоф таърифи баёзи мажозийда баён қилинур. Ва бавлни рангдор бўлмоғиға сабаб анга мухталит

бўлгон рангдор жисмлардурки, аларни ранглари кўзга маҳсус бўлур. Ва шунинг учун бавли абйази ҳақиқийнинг қивоми гилзатдин холий бўлмас. Бас, бавлға мухталит бўлгон жисми абйаз ё балғам бўлур ва ё чарби ва ё аъзойи аслий бўлур. Бас, бавлға балғам мухталит бўлгон бўлса, анга бурудатнинг ғалабаси лозимдур.

ТАНБИҲ. Балғам бавлға мухталит бўлгонда албатта таъсиридин эриб сувға мухталит бўлса керак. Бул тақдирда ғалабаи ҳарорат лозим бўлса керак, деб шубҳа қилинмасин. Чунки агар ҳароратни ғалабаси балғамни эритмакға таъсир қиладурган даражада ғолиб бўлса, ул ҳарорат албатта балғамнинг рангиға ҳам таъсир қилуб, сариглик эҳдос қилур. Ва ҳаргиз бавлға оқлик эҳдос қилмас. Бас, бавлнинг оқлиги фақат рутубати балғамийяи рақиқанинг ихтилотидин ҳодисдурки, албатта анда ғалабаи бурудат лозимдур. Ва агар бавлни оқлиги ёғни ёки чарбини ихтилотидин ҳодис бўлса, албатта баданда зўр ҳарорат ориз бўлғониға мусталзимдурки, ани таъсиридин ёғ эриб, бавлға қўшилуб мундафиъ бўлгон бўлур. Чунончи совуқ ҳавода мутаассир бўлгондин сўнг бавлни устида яна ёғни қотиб кўринмоғи бунга далилдур. Аммо чарби бирлан мухталит бўлгон бавл ила ёғ бирлан мухталит бўлгон бавлнинг фарқи шулки, агар қорурада тезроқ қотса чарби бирлан бирга мураккаб бўлгон бўлур. Ва агар андак кеч қотса ёғ бирлан мураккаб бўлгон бўлур. Чунки ёғнинг жисмиға назаран чарбининг жисми қаттиқроқдурки, тез мунжамид бўлмоқға қобилдур. Ва агар бавлнинг оқлиги ажзойи аслиянинг ихтилотидин бўлса, узоқ муддатдин бери баданда ҳарорат доимий бўлгонлигини лозим тутар. Чунончи бу бавл таби диққнинг охир даражаларида воқеъ бўлур. Ва юқорида мазкур бўлгондурки, ажзойи аслияйи бадан зотан оқ ранглик, фақат ахлоти арбаъанинг ранги бирлан кўзга рангдор кўринар. Бас, агар эриб ва ахлотдин ажраб бавлға мураккаб бўлса, албатта асл ранги бўлган оқлик бавлда намоён бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳақиқатан оқ рангда бўлгон бавл ўзиға мураккаб бўлгон жисмнинг эътибори ила етти

қисмға мунқасим бўлур. Ва ҳар бир қисмининг махсус номи ҳам бордур, чунончи ҳар бир қисмини ва анга қандоғ жисм мураккаб бўлгонини муфассал баён қилурмуз.

Бас, етти хил бавли баёзи ҳақиқийдин биринчи қисми бавли мухотийдур. Ва бу бавл қон балғамнинг кўплигига далолат қилур. Ва бу қисмнинг номини мухотий демакға сабаб шулки, мазкур бавлнинг ранги мухотға, яъни бурундин келадиган балғамнинг рангига ўхшар. Аммо балғами жасийдин ҳам бавли абйази ҳақиқий ҳодис бўлур. Лекин бағоят нодир бўлур. Зероки жасийнинг жисми ифрот даражада ғализ бўлур. Бинобарин агарки, масонаға мундафий бўлуб, бавлға қўшилур келса ҳам ғализлик сабабидин бавлға комил даражада ихтилоф топмай, сувдин, ажраб дурда бўлур. Бинобарин сувға оқлик эҳдос қилолмас. Магар батариқаи нудрат мумкиндр. Фатаам-мул.

Ва иккинчи қисми дасмийдур, яъни бу бавлнинг оқлик ранги чарби ва ёғни оқлигига ўхшаш мулойим ва ёғдор бўлур. Ва бу бавл чарби ва ёғни эриганлигига ва ҳароратни ғалабасига далолат қилур. Ва чарби ила ёғни фарқи мазкур бўлди.

Ва маълумдурки, дусумат ва мулойимлик фақат ёғ ва чарбидагина маълумдур. Ва соири ажзойи баданда бўлмас.

Ва учинчи қисми бавли ихобийдур, яъни ийлангон хом терининг рангига ўхшаш оқ ранглик бўлур ва лекин қивоми ғализ бўлур. Ва бу бавл камроқ миқдор чарбининг эригани кўпроқ миқдор балғамға мураккаб бўлуб, масонаға мундафий бўлгонига далолат қилур. Зероки агар холис чарби эриган бўлса, бавлда бу қадар ғализлик бўлмас эди. Ва агар танҳо ажзойи аслий эриган бўлса, бавлда бу қадар мулойимлик бўлмас эди. Бас, собитдурки, бавли ихобий учун чарбининг эригониға балғами ғолибнинг таркиби зарурдур. Токи чарбидин мулойимлик ва ғолиб миқдор балғамдин ғализлик ҳосил бўлғай. “Лианна-л-ихобийя ла йатаҳаққику илло биҳимо”.

Ва тўртинчи қисми бавли фуққоъий, яъни бу бавлнинг ранги фуққоъ рангига ўхшаш сариғ рангға моилроқ оқ ранглик бўлур. Ва фуққоъ луғати арабийдурки, бамаънойи шароби

маъруфдур. Ва ани арпа ва ё тарик ва ё биринч ва ё соир донлардин пишурилгон бўлурки, ҳиндий ва порсий ва туркий истилоҳда ани бўза дерлар. Ва ани ранги андак сариқ рангга моилроқ оқ рангда бўлур. Ва бавли фуққоъий икки навъ бўлур. Бир навъи йиринглик бўлур, яъни масонаға яра ҳосил бўлур ва андин ҳосил бўлгон йиринг бавлға қўшилуб тушар, аммо буйракни яраси бавли фуққоъийға сабаб бўлолмас. Чунки ани йирингги чандон оқ рангда бўлмас. Зероки ҳар доим жигардин қонлар келуб, буйракни ҳамма ажзосига сироят қилуб, мазкур йирингға ҳам мухталит бўлуб турғони учун ани йиринги қизилға моилроқ бўлур. Ва рангги фуққоъийға боис бўлолмас. Ва иккинчи навъи бейиринг бўлур. Ва бавли фуққоъийи бейиринг ҳам икки навъ бўлурки, ё кўп миқдор модданинг бавлға ихтилотидин ориз бўлур ва ё масонада янги пайдо бўлгон тош эриб бавлға қўшилуб келгон сабабдин ориз бўлур. Аммо бу ранг ҳам буйракни тошидин ориз бўлмас. Зероки буйракни тоши ҳам эриганда мазкур янги қонға мухталит бўлуб, рангги қизилға моил бўлур ва ранги фуққоъий эҳдос қилолмас. Аммо бадандаги оқ рангда бўлгон аъзодин, масалан, устихон ва пайлардин эруб, бавли фуққоъийға боис бўлолмас. Чунки зоҳирдурки, мазкур аъзонинг эримоғи шиддатлик ҳарорати муфриддингина мумкиндур.

Бас, агар баданда ҳарорати муфрид бўлса, бавлни қизил қилур. Ва ранги фуққоъий эҳдос қилмас. Аммо масонанинг тошини эритмоқ учун бундоқ ҳарорати ғариба лозим эрмас, балки ҳарорати рутубати табиийя бирлан эримоғи мумкиндур. Аммо ярадин бўлгон бавли фуққоъий бирлан бошқа навъи фуққоъийнинг фарқи шулки, ярадин ҳодис бўлгон бавли фуққоъий яранинг мавзеъида жамъ бўлгон сабабидин мутаассир бўлуб, бадбўйлик ҳосил қилгон бўлур. Ва ҳам закарнинг мунтаҳосида озор ва хориш пайдо бўлур. Ва ҳам бурунроқда варами масона аломатларини зоҳир бўлгонлиги бунга шоҳид бўлурки, булар ярадин бошқа сабабдин бўлгон бавли фуққоъийда ҳаргиз мавжуд бўлмас. Ва ярадин бошқа сабаб бирлан ориз бўлгон бавли фуққоъий ҳам юқорида маълум бўлдики,

ё хом балғамдин ё масонанинг тошидин ҳодис бўлур. Бас, ҳар иккисини миёнасида фарқи шулки, масонанинг тоши боис бўлгон бавли фуққоъийға бурунроқдин маҳсус бўлгон тош аломатлари шоҳид бўлур. Ва ҳам бавл ва ҳам буроздин назж аломати равшан ва ҳувайдо бўлур. Аммо хом балғамдин пайдо бўлгон бавли фуққоъийға ҳазм ва назжнинг ноқис ва қосирлиги шартдур. Чунки хом балғам фақат ҳазмнинг заифлигининг ҳосил бўлур. Ва яна тошнинг осори ва аломатидин холий бўлмоғи ва яна шиддатлик жумуддин ва бавлнинг бўйидин холийлиги ҳам бунга шоҳид бўлур. Зероки бўй ҳам назжнинг таъсиридин бўладурган кайфиятдур.

Ва бешинчи қисми бавли манавийдур, яъни бу бавлнинг ранги манийнинг рангиға мушобиҳ бўлур. Ва бунинг сабаби лузжатлик оқ моддадурки, анга ҳарорат асар қилуб, маний рангиға мушобиҳ қилгон бўлур. Ва бу навъ ҳам икки хил бўлур. Бири шулки, аввало бавли манавий эҳдос қилғувчи баъзи касаллар ориз бўлуб, сўнггидин бавли манавий ҳодис бўлур. Бас, бу бавлға уч сабаб бордур.

Биринчи сабаб шулки, бўҳрон тариқасида модда масонаға мундафиъ бўлуб бавлға мухталит бўлур. Шунинг учун бавл манийға мушобиҳ бўлур. Чунончи авроми балғамийнинг бўҳронида воқеъ бўлур. Зероки бўҳрон баъд аз назжи модда воқеъ бўлур албатта. Бас, ҳар қачон варами балғамий назж ҳосил қилуб балғами пишса ранги манийнинг рангиға мушобиҳ бўлур.

Ва иккинчи сабаб шулки, бавли манавий бўҳрон тариқаси ила воқеъ бўлмас, балки фақат танқия сабаби ила воқеъ бўлур, андоғки, ичакда рутубати балғамиянинг кўплиги ила тараҳхул ва суствлик пайдо бўлур. Ва ичакда мавжуд бўлгон суюқ қон тарашшуҳ бирлан чиқиб, мазкур рутубатға мухталит бўлгон сабаблик рутубат ичакға ва ичак рутубатға мушобиҳ бўлурки, гўё маний каби бўлур. Ва жавҳари рутубат ичак жавҳарига зотан бегона жавҳарлиги сабабдин ичакға жузь бўлолмас. Бас, ани қуввати табиия танқия қилмоқ учун мосариқон ажваф воситаси бирлан батариқан идрор масонаға дафъ қилур. Бинобарин бавли манавий воқеъ бўлур.

Ва учинчи сабаб шулки, на барсабили бӯхрон ва на бата-рикаи танқия ва дафъи табиат воқеъ бўлмай, балки рутубати балғамийи зижожий бағоят зиёда бўлуб, уфунат пайдо қилур. Ва уфунати ила баъзи амрози ҳодда, чунончи иситма эҳдос қилур. Ва иситманинг ҳарорати ғарибаси ила мазкур балғами зижожий эриб, манийға мушобиҳ ранг ҳосил қилур. Ва бавлға кўшилур худ баҳуд хориж бўлур. Ва бу бавли манавий учун балғами зижожийнинг таҳсис қилмоқни ваҳҳи шулки, бошқа ақсоми балғамға назаран зижожий қисми мушобиҳи маний бўлмоқға қобилроқдур.

Ва бавлӣ манавийнинг иккинчи қисми шулки, ҳеч касалнинг сўнгидин воқеъ бўлмай, фақат баланда моддаи балғам кўпайиб кетганликдин пайдо бўлур. Ва бу навъ бавли манавийнинг оқибати ё сакта ва ё фолиж ва саръ ва ё ташан-нуж касали воқеъ бўлмоғи учун далил ва мунзирдур. Зероки зоҳирдурки, моддаи балғамға ҳарорати ғаризий таъсир ва таҳлил ва тақлил бирлан ислоҳ қилмаса, молда касир ул-микдор бўлуб, андин кўп микдори қонға кўшилур, шароин воситаси бирлан димоғ тарафға суъуд қилур. Бас, агар шул моддаи балғам димоғда муҳтабис бўлуб, руҳи нафсонийнинг мажросиға суддаи томма эҳдос қилса ва руҳи нафсоний сайридин мамнуъ бўлса, сакта касали ориз бўлур. Ва агар суд-даи ноқиса эҳдос қилса саръ касали ориз бўлур. Ва агар ул модда димоғда муҳтабис бўлмай пайларға тушса, шак йўқдурки, албатта пайлари мажросиға ҳам судда эҳдос қилур. Бас, агар ул модда пайларға тиқилур, пайни энини мутамад-дид ва кенг қилса, албатта пайни бўйи қисқа бўлмоқға ва ташаннужнинг эҳдосиға музтар ва ночор бўлур. Ва агар ул модда бағоят рақиқлигинин пайларни эниға тамаддуди аразий ва ташаннужу тувлий эҳдос қилмаса, ул сувратда фолиж касали эҳдос қилур.

Ва маълумдурки, фолижнинг эҳдоси учун модданинг бағоят сувоқ ва серрутубат бўлмоғи лозимдур. Токи пайнинг жирмиға сингуб руҳ ва қуввати нафсонийнинг мажроси бўлгон ҳамма нозик масомларни банд қилғай ва руҳнинг нуфузиға

монёъ бўлгай. Ва ташаннуж эҳдоси учун моддан балгамни гализроқ бўлмоғи лозимдур, токи пайнинг бўйиға сингиб кетмоқдин қобилиятсизликдин бир маҳаллға кўп миқдор модда мухтамиъ бўлуб, пайнинг энини мутамаддид қилгай, токи энини эҳдос қилгай.

Ва бавли абйазнинг олтинчи қисми бавли расосийдур, яъни қалъий ранг оқ бўлурки, гўё кўп миқдор холис оқға андак миқдор кўп ранг мураккаб бўлгон каби бўлур. Ва маълумдурки, бавли бундоқ ранг бирлан рангдор қилғувчи нимарса бадани инсонда мавжуд эрмас. Магар балгамки, агар анга ранги камудат ориз бўлгон бўлса ё савдо мухталит бўлгон бўлса андоғ балгамни бавлға ихтилотидин қалъий ранг ҳосил бўлур. Бас, балгами камуддин ҳосил бўлгон бавли расосий ила балгами савдовийдин ҳосил бўлгон бавли расосийнинг фарқи шулки, агар камудатлик балгамдин ҳодис бўлгон бавл бўлса дурдасиз ва назжсиз бўлур. Зероки ранги камудат совуқни ифротидин ҳосил бўлур. Ва бошқа сабабдин ҳусули мумкин эрмас. Ва муфрит совуқ бўлгон нимарсада назжни ҳусули мумкин эрмас. Ва назждин холий моддадин дурда ҳам ажралмас. Ва балгамға савдонинг ихтилотидин ҳосил бўлгон бавли расосий дурда ва назждин холий бўлмас. Бас, агарчи бу икки бавли ҳар иккиси ҳам ёмон ва радиъдур, аммо бедурда бўлғони зиёда ёмонроқдур.

Ва еттинчи қисми лабанийдур, яъни сут рангиға мушобиҳ оқ бўлур. Ва қивомида гилзат бўлур. Ва бу бавл ё балгами гализни бавлға ихтилотидин ориз бўлур ва ё асли аъзони эруб бавлға кўшилмоғидин ориз бўлур. Бас, ҳар иккисини фарқи шулки, агар балгами гализдин бўлса, беҳарорат бўлур. Ва агар баданининг эримоғидин бўлса, ҳарорат ва иштиёоллик бўлур. Бинобарин амрози ҳоддаға ориз бўлгон бавли лабаний муҳликдурки, бадани фосид ва руҳни фоний қилур. Бас, билмоқ керакки, то шул маҳалгача бавли баёзи ҳақиқийнинг ҳамма анвоёи баён қилинди. Эмди бавли баёзи мажозийни баён қилинур.

Ва билмоқ керакки, баёзи мажозий деб шуңдоғ нимарсани

айтурларки, жисмики, шаффоф ва тиниқ бўлуб андак гайри маҳсусаси бўлса, яъни жисми кўринмоқға қобил, лекин рангини идрок қилмоқ мушкул бўлгон нимарсани баёзи мажозий дерлар. Ва мисоли соф ва тиниқ сув ва соф ойнадурки, агарчи буларда ҳеч ранг маҳсус бўлмаса ҳам одати халқ шундоқ жорийдурки, буларни мажозан оқ дерлар. Ва эҳтимоли бордурки, баёзи мажозий исмларға такосуф ориз бўлса ёки реза-реза ажзоларға ажрадуб майда бўлса ранги оқ бўлуб кўринар. Бинобарин мажозан оқ деб эътибор қилгондурлар. Чунончи такосуфнинг мисоли яхдурки, сувлик ҳолида ҳарчанд беранг бўлса ҳам, анга инжимод ва яхлик такосуфи ориз бўлса ранги оқ бўлур. Ва инчунин, агар беранг тиниқ шиша ёрилса ва ё синса ани васатидин синиглик сабаб ила шаффофлик зоил бўлуб, такассуф ориз бўлса, оқлик ранг намоён бўлур. Ва резаи ажзоға ажралган берангини оқ бўлмоғиға сабаб шулки, агар беранг сув ҳаракати интишорий бирлан реза ажзоға мунқасим бўлса ва резалар ҳавоға мухталит бўлса ҳар бир реза жузви оқ кўригур. Ва инчунин агар беранг шишани ялчуб майда қилинса, ани ажзоси майдалиқдин ва ҳавоға мухталитликдин оқ ранглик бўлуб кўринар. Бас, ҳақиқатдан булар берангдур. Ва лекин анга ориз бўлгон мажозий оқликға назаран буларни урфда абйаз ва оқ дерлар. Хулоса шулки, шаффоф нимарсани мажозан оқ дерлар. Ва шаффоф деб кўзни шуъоёиға монёъ бўлмайдурган, яъни орқасидаги нимарсани кўринмоғиға монёъ ва ҳижоб бўлмайдурган нимарсани айтурлар.

Ва шаффоф икки навъ бўлуб, бирини шаффофи комил ва бирини шаффофи ноқис дерлар. Аммо шаффофи комил деб мутлақо беранг нимарсаларни айтурларки, асло кўзнинг шуъоёиға монёъ ва орқасидаги нимарсани кўринмоғиға ҳоил бўлмас. Масалан, афлок ва кураи норийй ва ҳаволар шаффофи комилдурки, бошқа монёъ мавжуд бўлмагон вақтда булар кўзнинг шуъоёиға монёъ бўлмас. Чунончи саккизинчи афлокдаги юлдузларни ва ҳар бир табақаи афлокда бўлгон оқтоб ва ой ва бошқа сайёраларни кўрмоқда кўзнинг шуъоёи ҳаводин

ва тордин ва афлокдин нуфуз қилур. Ва буларнинг ҳеч бири кўзнинг шуъоёига монёъ бўлмас.

Ва инчунин шаффофи комилда ҳеч нимарсанинг акси ва радди мавжуд эрмас. Аммо баъзи шаффофи ноқисда акс ва радъ мавжуддур. Масалан, бўш ва холий шишани офтобга қўйиб қизитилса ва сўнгра ул шишага бир пахтани яқин келтируб турилса пахта куймас. Зероки офтобнинг шуъоёига шишадин ҳаводин инъикос ҳосил бўлмай, офтобнинг шуъоёи шишадин ва шишадаги ҳаводин ўтуб, замин тарафга нақл ва нузул қилгон бўлур. Аммо ичи сув бирлан тўла бўлгон шишани агар офтобда қизитилса, сўнгра ани устига бир пахтани яқинроқ тутуб турилса, пахта куяр. Чунки офтобнинг ҳарорати шишадин ўтгандин сўнг ани ичидаги сувдин ўтолмас. Бас, ночор шуъоъ орқа тарафга мунъакис бўлур. Ва офтобдин пайдарпай етуб тургон ҳароратга шишадин пайдарпай мунъакис бўлиб тургон ҳарорат жамъ бўлуб, ҳиддати ғолиб бўлур. Бинобарин пахтани куйдирар. Бас, бу тажриба ҳам ҳаводин ҳароратнинг мунъакис бўлмаслиғига, аммо сувдин мунъакис бўлмоғига далилдур, яъни ҳавонинг шаффофлиғи комил ва сувнинг шаффофлиғи ноқислиғини исбот қилур.

Аммо шаффофи ноқис кўзнинг ҳиссиға маҳсус бўлур ва андак шуъоъ мунъакис бўлур, лекин агар шаффофи ноқиснинг миқдори оз бўлса, кўзнинг қувватининг нуфузиға монёъ ва ҳоил бўлолмас. Ва агар кўп миқдорлик бўлса қуввати басарнинг нуфузиға монёъ ва орқасидаги нимарсани кўринмоғидин ўртада пардаи ҳоил бўлур. Чунончи кўп чуқур бўлгон сув, масалан, ҳавзнинг суви ҳавз тагида бўлгон нимарсани кўрмоқға монёъ ва ҳоиллиги маълумдур. Ва инчунин шиша бағоят қалин ҳажмлиқ бўлса қуввати басарнинг нуфузиға монёъ бўлур. Масалан, оинада зоҳирдурки, агар ани сатҳидин назар қилинса ҳажми юпқа ва кам миқдорликдин ани орқасидаги нимарсани кўрмоқ мумкиндур ва монёъи қуввати басар бўлолмас. Аммо агар оинани сатҳидин қаралмай, балки эни тарафдин қаралса, оинанинг арзи миқдордаги қалинлик албатта қуввати басарға монёъ бўлур. Ва ҳеч нимарсани кўрсатмас. Бас, мундин

маълум бўлурки, шаффофи комилда мутлақо ранг бўлмас. Ва шаффофи ноқисда андак ранг бўлурки, ҳажми камлик вақтда ани ранги маҳсус бўлмас ва ҳажми қалин бўлғонда баҳасби ҳажм ранг ҳам кўп бўлуб, кўзга маҳсус бўлур. Бинобарин орқасидаги нимарсани кўрмоқға мазкур ранг ҳоил бўлур. Чунки агар шаффофи ноқис ҳам беранг бўлса эди, ҳаво каби мутлақо кўзга кўринмас эди. Ва агар доимий кўзга маҳсус бўлгудек миқдорда ранги бўлса эди, албатта мазкур ранг бирла мавсуф бўлур эди. Ва баёзи мажозий бирлан мавсуф бўлмас эди. Валайса фалайса.

Бас, билмоқ керакки, шаффофи комил бизнинг бу мабҳасдин хориждур. Ва анга бу мақомда мақсуд шаффофи ноқисдурки, урфда баёзи мажозий деб айтилур. Эмди шуруъ қиламиз мо наҳну фиҳиғаки, бавли абйаз ҳам шул баёзи мажозий қисмидиндур.

Бас, билмоқ керакки, бавли абйаз икки қисмдин холий бўлмас. Биринчи қисм шулки, бавл холис сув бўлур ва бошқа нимарсанинг ихтилотидин холий бўлур. Ва рангида ва қивомида ҳам холис сувдин бетафовут бўлур. Ва иккинчи қисми агарчи холис сувдин бетафовут бўлса ҳам, лекин қивоми холис сувға нисбатан ғализроқ бўлур. Ва ҳар қисмини алоҳида баён қилинур.

Биринчи қисм бавли абйазии моъий баёнидадур. Ва бу бавл шундоғ бўлурки, анга ахлоти арбаъдин ва бошқа фазлалардин ҳеч нимарса мухталит бўлмоғон, балки ичилган сувнинг танҳо ўзи масонаға бориб, масонада ҳам таваққуф қилмай хорижға мундафиъ бўлғон бўлур. Ва жигарда ҳам ҳазм бўлмоғон бўлур. Зероки, агар ахлотдин ва рутубатдин баъзиси анга мухталит бўлғон бўлса эди, албатта рангда ва қивомда бавлни сувлик ҳолдин ўзгартирган бўлур эди. Ва инчунин агар жигарда ҳазм бўлса ва ҳазмгача анда таваққуф қилса эди, албатта сувни баъзи фазлалари мундафиъ бўлуб, андак қивом ва ранг ҳосил бўлур эди. Чунки ҳазмнинг дафъи фузули албатта қивомға мусталзимдур. Ва жигарда таваққуф қилмоқдаги жигарнинг таъсири ҳарорати фусули рангға мусталзимдур. Ва бу тариқа

бавли абйаз тамоми баданда совуқни ғолиблигига ва ҳарорати ғаризийяни бағоят заифлигига далилдур. Ва бу совуқнинг ғалабасига боис бўлгон совуқ хилтнинг назжи ва ислоҳи учун умидсизликни нишонасидур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, гоҳи жигарнинг заифлиги ҳароратнинг ғалабасидин ҳам воқеъ бўлур. Лекин бу заъфи жигардин ҳаргиз бавли моъий воқеъ бўлмас. Зероки жигарга ҳарорат сабабидин ориз бўладурган заифлик жигарнинг баъзи ажзоси ва анинг рутубати табиийяси ва бошқаларнинг ҳарорат таъсиридин эриб, таҳлил ва тақлил топмоғидин ҳосил бўлур. Ва бунинг учун ҳарорат баифрот лозимдур.

Бас, агар ҳарорат баифрот бўлса, албатта бу ҳарорат бавлни ҳам рангдор ва қивомини ҳам ғализ қилур. Ва бавли абйаз эҳдос қилмас. Бас, собит бўлдики, бавли абйазга сабаб бўлгон заъфи жигарнинг сабаби албатта совуқдур.

Ва иккинчи қисм бавли абйазни ғайри моъийдур, яъни ғализ сувга нисбатан қивомликроқдур. Ва бу қисм зоҳирдурки, албатта мазкур қивомга сабаб бўлғувчи бир жисмни бавлга ихтилотидин ҳодис бўлур. Бас, бавлни рангига таъарруз қилмай, фақат қивомига таъсир қилғувчи беранг жисм албатта балғам бўлур. Ва бошқа нимарсани бавли абйаз эҳдос қилмоқға лаёқати йўқдур. Чунончи баён қилинур. Ҳаттоки балғамнинг ҳам бавли абйаз эҳдос қилмоғи учун ушбу уч хил сифат бирлан мавсуф бўлмоғи шартдур.

Бас, биринчи сифати маршрута рақиқ ва суюқ балғам бўлса ёки агар ғализ бўлса, бавлнинг шаффофлигини зоил қилур.

Ва иккинчи сифат шулки, ани суюқлиги эриган сабабдин бўлмай, балки зотан серрутубатлик сабабдин бўлса. Зероки агар ғализ балғам эриб, суюлган бўлса, албатта ҳароратнинг таъсири бирлан эриган бўлур. Ва зоҳирдурки, ҳароратни таъсири ранг эҳдос қилур, бавли абйаз эҳдос қилмас.

Ва учинчи сифати маршрута шулки, балгами мазкур бавлга мўътадил миқдор мухталит бўлса. Зероки агар бағоят кам миқдор мухталит бўлса, бавлга қивом эҳдос қилолмас. Ва агар бағоят кўп миқдор бўлса, бавлнинг шаффофлигини зоил қи-

лур. Бас, собитдурки, бу қисм бавли абйаз агарчи бавли мўтадилга нисбатан суюқ бўлса ҳам, лекин бавли абйази моъийга нисбатан ғализроқ бўлурки, таркиби балғам бунга мусталзимдур, “Ламмо закарнаху онифан”.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, мазкур сифатлар бирлан маҳсус бўлгон балғамдин бошқа ҳеч нимарсанинг ихтилооти бавли абйази ғайри моъий эҳдос қилолмас. Зероки бавлға мухталит бўлгон жисм икки эҳтимолдин холий эрмаски, гоҳ хорижи бадандин бўлур, чунончи маъкул ва машруб нимарсалар мухталит бўлур. Бас, булар ҳеч шаксиз ранг ва қивом эҳдос қилмоғи муқаррар ва зоҳирдур.

Ва агар ул жисм доҳили баданда бўлса яна тўрт эҳтимолдин холий бўлмаски, ё бадандин узви ҳақиқий эруб, баданда мухталит бўлур. Ва маълумдурки, ажзoi узв албатта қивомлик ва ранглик бўлур. Ва бавлға мухталит бўлгонда анга ҳам қивом ва ранг эҳдос қилур. Ва бавли абйаз эҳдос қилолмас.

Ва иккинчи эҳтимол шулки, рутуботи аввалий, яъни ахлоти арбаъа мухталит бўлур. Ва ошкородурки, мазкур балғами мавсуфдин бошқа ҳамма ахлот ўзини рангига кўра бир ранг эҳдос қилур, албатта.

Ва учинчи эҳтимол шулки, рутубати сонийя ё солиса бавлға мухталит бўлур. Бас, шубҳасиздурки, жузви баданлик даражада етган ажсоми мураккаба батариқайи авло бавлға ҳам қивом, ҳам ранг эҳдос қилуб, оқликни ва шаффофликни зоил қилур.

Ва тўртинчи эҳтимол шулки, масонанинг тоши ёки баданда мавжуд бўлган жисми ғариб ғайритабиий бўлуб, шул жисм эруб, бавлға мухталит бўлур. Ва бадиҳийдурки, буни ихтилооти албатта бавлға ҳам ранг ва қивом ва ҳам дурда эҳдос қилур. Бас, собитдурки, бу зикр қилингон хорижий ва доҳилий жисмларнинг ҳеч бири бавли абйаз эҳдосига қобил эрмас, магар мазкур сифатларға мавсуф бўлгон балғамгина қобилдур фақат.

Фоида. Эмди бавли абйазға мутааллиқ неча фавоидни баён қилурмуз. Бас, билмоқ керакки, агар иситма касалида

бавл агар доим оқ бўлса, бу касал охир вақтида табирубъға айланур. Зероки бавлнинг доим оқлиги модданинг совуқ ва гализлигиға ва ҳарорати ғаризийянинг кам ва ноқислигиға далолат қилур. Ва бундоқ бавл узоқ вақт давом қилур. Ва моддаси ҳарорат таъсири ва таҳлили бирлан тобора гализ тортуб, савдоға айланур. Ва агар шиддатли иситма касалда аввалан бавл рангдор бўлуб, сўнгра оқликға ўзгарилса, бу оқлик сафрони масона йўлидин бошқа тарафға моил бўлгонига далилдур. Ва қаю тарафға моил бўлса, анда сафронинг асарлари зоҳир бўлур. Чунончи сафронинг майлони икки эҳтимолдин холий бўлмаски, ё хорижий бадан тарафға моил бўлур ва ё ботин тарафға моил бўлур.

Бас, агар хорижи бадан тарафға моил бўлса, яна уч кайфиятдин холий бўлмаски, ё сафро бағоят рақиқ ва беҳиддат бўлур ва бадан масомларидин тер бирлан чиқиб кетар ва ё андак гализға моилроқ бўлур. Ва жилд масомидин чиқмоқға қобилиятсиз ва беҳиддат бўлур. Бас, жилднинг тагида маҳбус қолуб, ярақон эҳдос қилур ва ё кўп гализ ва ҳиддатлик бўлур. Бинобарин варам ва бусур эҳдос қилур. Масалан, саромос касали ва оташак каби.

Ва агар дохили бадан тарафға моил бўлса, бу ҳам уч кайфиятдин холий бўлмаски, ё сафро ичакға қуюлуб, исҳол тариқаси ила мундафиъ бўлур ва ё меъдаға қуюлуб батариқаи қай ва батариқаи исҳол мундафиъ бўлур. Ва ё дохилий аъзодин бирида муҳтабис бўлуб, албатта варам пайдо қилур. Ва аксари вақт масона йўлидин қайтиб, дохили баданға моил бўлгон сафро сарсом эҳдос қилур. Зероки сафронинг шаъни юқориға кўтарилмоқдур. Чунки ҳамма ахлотдин ҳам енгил ва ҳам иссиқ ва ҳам латифроқдурки, қобили тасаъуд ва иртифоъдур.

Аммо зайтун ёғиға мушобиҳ бўлгон бавл бавли ихобий агар ҳиддатлик иситма касалида воқеъ бўлса ва ё тез фурсатда ўлумға ёки оқибатда таби диққнинг вуқуъиға далилдур. Зероки бундоғ бавл албатта асли ажзои бадан эриганидин ҳодис бўлур. Бас, агар қуввати табиийя бақувват бўлса, оқибат диққ ориз бўлур. Ва агар қувват зайф бўлса, ночор ўлум содир бўлур. Ва

агар узоқ муддатгача бавл сув каби оқ бўлса, лекин бухорот ва модданинг суъуби учун бош оғриғи каби аломатлардин ҳеч бири зоҳир бўлмаса, касалнинг охир вақтида ҳижоби ҳожизнинг остида варам ёки хурож, яъни янги чиқуқ пайдо бўлур. Зероки, ҳар касалики, анинг моддасининг пишмоғи кечикса ани бухрони ё варам бирлан ва ё хурож бирлан воқеъ бўлур.

Ва агар бавл оқ ва суюқ бўлуб, ани устида булут каби тафл пайдо бўлса, хусусан ани устида кўпиги бўлса, кўп ёмон ва хатарнок бўлур, ала-л-хусус ул кўпук сариғ рангда бўлса жуда ёмондур. Зероки бу кўпук табиатнинг изтиробидин намунадур. Ва ранги сариқлиги ҳароратнинг димоғ томонга суъуд қилғониға аломатдур. Ва агар бу ҳолға иловатан руьоф воқеъ бўлса, яъни бурун қонаса, ўлимнинг қариблигиға аломатдур, аммо далили бухрон эрмас. Зероки бу руьоф димоғ томурларидаги қонларининг ҳиддати ва ихтироқиға далилдур.

Аммо мартуб мизож кишиларда ва хотинларда воқеъ бўлгон бавли абйаз камхатарроқ бўлур. Зероки бу ҳолларнинг мизожи табиийларидин кўп бегона ва узоқ эрмас.

ФОИДА. Бавли абйазнинг ақсоми баёнидадур.

Билмоқ керакки, бавли абйазнинг ҳамма анвоъи агар чандики, батамом зикр қилингон бўлса ҳам кайфийётиға назаран мутафарриқа ва ҳар кайфият бирлан бир сабаби дигарга тобеъ бўлғони учун ани сабаблари бир-биридин жудо ва пароканда зикр қилинуб, нозирини китоб учун тездин мутталиъ бўлмоқ қийин эрди. Бинобарин бавли абйазнинг сабабларини яна мин ҳайс ул-мажмуъ ижмолан кўрсатмоқ лозим кўрилди.

Ва махфий қолмасинки, бавли абйазнинг ҳамма анвоъини асбоби ўн хилдур. Биринчи сабаби сафронинг масонадин бошқа тарафға майлонидур. Хоҳ ҳарорат ва сафро димоғ тарафға суъуд қилгон бўлсин ва хоҳ зоҳири бадан тарафға моил бўлгон бўлсин ва хоҳ дохийий аъзоға моил қилгон бўлсин.

Ва иккинчи сабаби балғамнинг кўплиги ва бавлға ихтило-тидур.

Ва учинчи сабаби ёғ ва чарбининг эриб, бавлға қўшилуб кетмоғидур.

Ва тўртинчи сабаби масонанинг ва мажройи бавлнинг қарҳаси ва андин бавлға мухталит бўлуб келгон йирингидур.

Ва бешинчи сабаб хом йирингнинг бағоят кўплигидур.

Ва олтинчи сабаби балғамий касалларнинг бўҳронидур.

Ва еттинчи сабаби жигарнинг заифлигидурки, кайлусни каймуслик ҳолға ўзгартира олмағонидур.

Ва саккизинчи сабаби суддадурки, сафронинг масонаға борадургон мажросиға воқеъ бўлуб, бавлға ранг эҳдос қилмоқға монёъ бўлур.

Тўққизинчи сабаби совуқ моддадин бўлгон суъ ул-мизождур.

Ва ўнинчи сабаби буйракнинг ҳарорати ва ташналикнинг галабасидур. Ва ичилган сувнинг бетаваққуф тез хориж бўлмоғидурки, бу ҳолатнинг номини зиёбитус дерлар.

Ва мазкур ўн хил сабабнинг аломатлари юқорида баён қилинди. Аммо жигарнинг заифлиги ва кайлусни ҳазм қилолмаган сабабдин ориз бўладурган бавли абйазнинг аломати шулки, бавлнинг ранги ва қивоми гўё суюқроқ кашкоб каби бўлур.

Ва жигарнинг заифлигининг бавли абйаз ҳам ориз бўлур ва бавли аҳмар ҳам ҳосил бўлур. Бас, бавли аҳмарға сабаб бўлғувчи заъфи жигар ила бавли абйазға сабаб бўлғувчи заъфи жигарни фарқи шулки, агар жигарнинг қуввати ҳозимаси заиф бўлса, бавли аҳмар эҳдос қилур. Зероки меъдада ҳосил бўлгон ҳазми кайлуснинг ранги оқ бўлур. Ва жигарнинг вази-фаси мазкур кайлусни яна ҳазм қилуб каймус ҳосил қилмоқдур, яъни анга ранг ҳосил қилуб, қон ва балғам ва сафро ва савдо ҳосил қилмоқдур. Бас, агар жигарнинг ҳозимаси заиф бўлса, ҳазмдин ожиз бўлуб, ночор кайлусни рангини табдил қилолмай ўзини оқлик ҳолича масонаға дафъ қилгон бўлур. Бинобарин бавли абйаз ҳосил бўлур.

Ва агар жигарнинг ҳозимаси бақувват ва агар қуввати мумаййизаси заиф бўлса, ҳазми каймусда ҳосил бўлгон қонни

моъийятдин тамом ажратиб баданга юборолмас. Ва ночор қоннинг баъзи қисми моъийятга аралаш ҳолича масонага мундафиъ бўлур. Бинобарин бавли аҳмар пайдо бўлур.

Ва яна билмоқ керакки, совуқ суъ ул-мизож сабабидин ҳосил бўлгон бавли абъаз бирлан иллоти зиёбитуснинг ҳар иккисиди ҳам бавл гўё сув каби холис ва содда бўлур. Лекин миёнасида фарқ шулки, суъ ул-мизожи боридда бурудатнинг ҳамма осори зоҳир бўлур. Аммо зиёбитусда буйракни ҳарорати ва ташналиқни ғалабаси шоҳид бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бавли абъазнинг қивомлиғи суюғидин яхшироқ ва камхатарроқдур. Ва иссиқ касалларда бавлнинг рангдори оқ бавлдин камхатарроқдур. Ва яна иссиқ касалларда бавужуди димоғни саломатлиғи, яъни сафрони бавл йўлидин қайтиб, димоғ тарафга суъуд қилмағонлиғи жазмий бўлуб туруб, яна бавл оқ бўлса, бу сафрони масона тарафга борадурғон мажросида судда воқеъ бўлғониға зўр далилдур.

Эмди амрози ҳоррада қайси тариқада бавл оқ бўлмоғи ва амрози боридада қайси тарафга бавл қизил бўлмоғининг ҳам баён қилмоқ муносиброғдур, токи нозиринга иттилоъ ба суҳулат ҳосил бўлғай.

Бас, махфий қолмағайки, амрози ҳоррада бавлнинг оқариб келмоғи икки важҳдин холий бўлмас. Биринчи важҳ шулки, сафро бавл йўлидин бошқа тарафга моил бўлур. Ва бавлға ҳаргиз бориб қўшилмас. Шул вақтда агар ҳарорат жигарға таъсир қилмоғон бўлса, бавли албатта оқ бўлур. Аммо агар жигарға ҳарорат таъсир қилуб, ани жирмини эритуб турган бўлса, ул вақтда бавлнинг беранг бўлмоғи мумкин эрмас. Ҳатто бу тақдирда агарчи сафро бавл йўлидин бошқа тарафқа мунсариҳ бўлса ҳам фақат жигарнинг ажзоси бавлға ранг эҳдос қилур. Ва қивом эҳдоси ҳам анинг лозимасидур. Магар ҳароратнинг шиддати ва ташналиқнинг ғалабаси бирлан кўп миқдор сув ичган бўлса, сувни бавлға ғалабаси сабаблик бавлға ранг ва қивоми маҳсуса ҳосил бўлмай қолмоғи мумкиндур.

Ва иккинчи важҳ шулки, бавл йўлиға ё тамом судда ёки

ноқис судда, яъни танглик ҳодис бўлур. Ва бу тақдирда ҳам бавлни рангдор қилғувчи моддалар ўтолмас. Бинобарин бавл оқ бўлур.

Аммо амрози боридаларда бавлни қизил бўлмоғи беш важҳ ила мумкиндур.

Биринчи важҳи бағоят шиддатлик аламдурки, руҳни изтиробға солуб, нафсни ҳаракатға киргузуб, мавзеъи аламға иссиқ пайдо қилур. Ва ул иссиқни таъсири бирлан сафро эруб, бавлға қўшилуб келуб, бавлни қизил рангдор қилур. Ва мисоли қўланжи балғамийда воқеъ бўладурған бавли аҳмардур. Ва яна мумкиндурки, аламни шиддатидин ани дафъиға муқовамат учун шул мавзеъға табиат муқовамат қилур. Ва анга табъан ахлоти ҳорра ҳам ҳаракатға кируб, бавлға қизил ранг эҳдос қилур. Ва бу бавлнинг аломати шулки, агарчи ранги қизил бўлса ҳам, лекин анга агар сув қўшуб суюлтирилса, ранги таназзул қилғонда сариф ранг ҳосил қилур.

Ва иккинчи важҳ шулки, ўт бирлан ичакнинг миёнасидаги мажроил сафрода суддаи балғамий воқеъ бўлуб, ўтдин ичакға сафро ўтмоғиға монеъ бўлур. Ва сафро ўтдин тошуб, яна жигарға қайтиб келур. Ва жигардин масонаға борадурғон моъиятға қўшилуб келуб, бавлни қизил қилур. Ва бу бавл ҳам қўланжи балғамийда воқеъ бўлур, башартики, ўтдин жигарға қайтиб келган сафро жигар бирлан меъда миёнасидаги мажродин меъдаға ҳам қўйилмай, фақат бавл йўлиғағина мундафиъ бўлса. Ва илло бавли аҳмар эҳдос қилмас. Ва меъдадин ичакға мундафиъ бўлуб кетар. Ва инчунин мазкур сафро ўтдин қайтиб келуб жигарға киргондин сўнг, яна жигардин баданға таралуб кетмаслиги шарт ва илло бавлни қизил қилмас, балки баданға ярақон эҳдос қилур. Хусусан бавл мажросида судда воқеъ бўлса, бешак ярақони шадид ҳосил бўлур.

Ва учинчи важҳ шулки, ичак билан ўтнинг миёнасида суддаи балғамий воқеъ бўлур. Ва жигарда каймусдин ҳосил бўлгон сафро мутлақо ўтға бормас. Балки масонаға мундафиъ бўлуб, бавлға қўшилуб бавли аҳмар эҳдос қилур.

Ва тўртинчи важҳ шулки, жигар заиф бўлур. Ва қон бирлан

моъиятни ажрата олмас. Ва қон моъият бирлан масонаға боруб, бавли аҳмар эҳдос қилур. Чунончи истисқо касалида воқеъ бўлур. Ва инчунин томурларда заифлик пайдо бўлса, қонни жазб қилолмас, бас, ночор қон масона тарафға келуб, бавли аҳмар эҳдос қилур. Ва инчунин ҳамма баданни қуввати жозибаси заиф бўлса ҳам, бавли аҳмар эҳдос қилурки, бу тақдирда агарчи жигар саломат бўлса ҳам, лекин қон баданға мунжазиб бўлмоғони учун ночор бавлға қўшилуб келуб, бавли аҳмар эҳдос қилур. Зероки жигарда қонни моъийятдин ажрамоғи учун нимарса шартдур.

Бири аъзони, иккинчи томурларни жазби ва учинчи жигарнинг қуввати ва дафъидур. Бас, агар шул нимарсадин қаю бирида заифлик бўлса, бавл каймус бирлан қўшилуб келур. Бу жойда мазкур қуввати жозиб ва қуввати дофиъаларни заифлигиға сабаб бурудат бўлмоғи шартдур. Зероки бизнинг мабҳасимизда амрози боридаларда воқеъ бўладурган бавли аҳмарнинг баёнидадур. Ва амрози ҳоррадин ҳодис бўлғувчилар худ бавли аҳмар баёнида мазкурдур.

Ва бешинчи важҳ шулки, бадан томурлари масдуд бўлуб, томурни ичида балғам муҳтабис бўлур. Ва уфунат пайдо қилур ва уфунат сабаби бирла рангдор бўлуб, бавлни ҳам ўз ранги бирла рангдор қилур. Чунончи тариқаси бавли аҳмар баёнида мазкур бўлди.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, таҳқиқ бирла назар қилинса то бавлға бир моддаи ҳорра мухталит бўлмаса бавл рангин бўлмас. Зероки асли бавли холис будурки, беранглик ани шаънидур. Ва бавлда маҳсус бўлгон рангининг асл соҳиби моддаи мухталитдур. Ва қизил рангни муҳдиси албатта моддаи ҳоррадур. Хоҳ би-л-феъл, хоҳ би-л-қувва ҳорра бўлсин. Масалан, ҳорраи би-л-феъл ва-л-қувватнинг мисоли уфунатлик балғам ва савдодур. Ҳояти шулки, бул маҳаллдаги бавли аҳмари боридин мурод шулки, амрози боридда ҳам бавли аҳмар воқеъ бўлур, демақдур. Биаййи кайфин кона.

ҲОИДА. Ушбу беш хил сабаблардин ҳодис бўлгон бавли аҳмарлар бирлан қонни ғалабасидин ҳодис бўлгон бавли

аҳмарнинг миёнасида фарқларини ҳам баён қилмоқ ҳам муносиб кўрилди, токи нозирини китобларнинг иттилоълари комил бўлғай ва ҳеч вазҳдин хифолик қолмағай.

Бас, билмоқ керакки, амрози боридда алам ва озор сабаби бирлан ориз бўладурган бавли аҳмарнинг аломати хоссаси шулдурки, бавл беназж бўлур, яъни комил пишуб бавли табиъий ҳолига етмағон бўлур. Зероки озордин табиат музтариб бўлур. Ва бавлнинг назжиға эҳтимом ва таважжуҳ қилмас.

Ва яна бир аломати шулки, бу бавл муташобиҳ ул-ажзо бўлмас, балки мухталиф ул-ажзо бўлур, яъни таъаммуқ назар бирлан таҳлил қилуб кўрилғонда бавлнинг ҳамма ажзойи сифори бир-бириға ҳамранг бўлмас. Балки баъзи ажзойи сифори бошқа ранг бўлса ҳам, анга қизил ранг ғолиблигидин бодий назарда қизил кўринур. Зероки бу бавлни ранги эриган сафройи мухталитнинг рангидурки, бавлға ихтилоти сабабдин бавл рангдор кўринур. Чунончи юқорида такроран зикр қилинғондурки, агар бавлға сафро кўпроқ мухталит бўлуб, имтизожи тамомроқ ва ё комилроқ бўлса ва ё масонаға мундафиъ бўлғон баъзи фазлаға сафро кўпроқ мухталит бўлуб, қизартирғон бўлса, ул фазлани комил ихтилот ва имтизожи ила бавл ҳам қизил кўринурки, бу маҳаллдаги бавли аҳмар ғайри муташобиҳ ул-ажзодин мурод шулдур. Ва яна бавли мазкурнинг бир аломати хоссаси шулки, қивоми суюқ бўлур. Зероки моддаси аксар хом ва беназж бўлур.

Ва маълумдурки, қивом назж ила ҳосил бўлур. Ва беназжлик беқивомликға мусталзимдур. Ва яна анга сафро мухталитдурки, бағоят латиф ва рақиқдур. Бас, бул бавл ҳақиқатдин қизил бўлмас, балки сариғдур. Лекин сариғ ранг башиддат ғолиб бўлса қизил кўринур. Магар башиддат алам ва озор бўлса ва озор сабабидин ҳарорати муфрит ориз бўлғон бўлса, сафрони ҳарорати ҳақиқатдан қизартирар. Ва ани ихтилотидин бавл ҳам ҳақиқатдан қизил бўлур.

Аммо сафро мажросини масдудлигидин ҳодис бўлғон бавли аҳмарнинг аломати шулки, ранги ўткир қизил бўлур ва бавлнинг кўпиғи сариғ бўлур. Зероки, масдуд мажрода муҳ-

табис қолғон сафро такосуф ҳосил қилур. Ва такоран зикр қилинғондурки, такосуф рангни иштидодига боис бўлур. Бас, зоҳирдурки, муҳтабис сафронинг ранги ғайри муҳтабисдин ўткур ва қуюқ бўлғонда албатта ани ранги навъи аввалнинг рангидин ўткурроқ маҳсус бўлур. Ва кўпугининг сариғ бўлмоғига сабаб ани ҳаво бирлан ихтилотидур.

Ва маълумдурки, ҳаво агар бир хил ранглик нимарсаға мухталит бўлуб, ул жисмни ажзойи сифорға ажратса, анга оқлик ранг эҳдос қилур. Ва агар қизил рангға оқ ранг мураккаб бўлса, миёнада сариғ ранг ҳосил бўлур. Бинобарин бу навъ бавли аҳмарнинг кўпути сариғ бўлур. Ва бу бавлни қивоми ҳам бошқа навъ бавли аҳмарға нисбатан камроқ ва суюқроқ бўлур. Зероки суюқ модда, яъни сафро мухталитдур.

Аммо жигарнинг заифлигининг ҳодис бўлғон бавли аҳмар аксар ғассолаға ўхшаш бўлур, яъни янги гўштни ювилғон сувға ўхшаш бўлур. Ва ранги тийра ва беишроқ ва беназж бўлмоқ бу навъ бавлни лозимасидур. Зероки ишроқ ва соф ранглик ё кўпроқ даража пишмоқ бирлан ҳосил бўлур. Ва ё сафронинг имтизожи бирлан ҳосил бўлур. Ваҳоланки, заъфи жигарда бунинг иккиси ҳам мавжуд эрмас. Бинобарин беишроқ бўлур. Ва юқорида зикр қилиндик, томурларнинг ва ё аъзонинг қувваи жозибасининг заифлиги бавлни қизармоғида заъфи жигар ҳукмидадур, яъни ҳар уч хил заифликда ҳам бавлни қизил бўлмоғи лозимдур. Лекин миёналарида фарқ шулки, агар заъфи жигардин бавли аҳмар ҳодис бўлса, бавлда мутлақо асари назж маҳсус бўлмас. Зероки назж жигарнинг қуввати ҳозимасининг феълидур. Ва заиф жигарда бу қувват муяссар эрмас.

Аммо томурларнинг ва ё аъзонинг қувваи жозибаси заифлигининг ҳодис бўлғон бавли аҳмарда назж бўлур. Чунки жигар басаломатдур, лекин назж комил бўлмас. Чунки аъзоға жазб қилинмоғон қонни зиёдалиги ва сўнғи кайлусни ҳазм ила каймус қилмоқ учун жигарда омодалик бўлмоғони сабаблик жигар зарардин холий ҳам бўлмас, фи-л-жумла назжида нуқсон зоҳир бўлур. Аммо жигар саломат бўлуб, томурнинг жози-

баси заифлигидин пайдо бўлгон бавли аҳмар ила жигар ва томур ҳар иккиси саломат, фақат аъзони жозибаси заифлигидин ҳодис бўлгон бавли аҳмарнинг фарқи шулки, томурнинг қувваи жозибаси заиф бўлгонда бавлни ранги кўпроқ қизил бўлур. Зероки жигардин қон жазб қилмоқда нуқсон зўрроқ бўлур. Ва томурға мунжазиб бўлмоғон қонлар ночор жигардин масонаға мундафиъ бўлуб, бавлни кўпроқ рангин қилур. Аммо томурни жозибаси ҳам саломат бўлуб, фақат аъзони жозибаси заиф бўлса, бавлни қизиллиги камроқ бўлур. Зероки аъзо агар заиф бўлса ҳам, лекин қонни бақадри тоқат жазб қилгон бўлур. Ва зиёдаси томурда қолур. Ва томурдин боқий зиёдасининг жигардин масонаға мундафиъ бўлурки, миқдори ҳам камроқ бўлур. Бинобарин бавлда қизиллик ҳам камроқ ҳодис бўлур.

Аммо уфунатлик балғам сабабидин ҳодис бўлгон бавли аҳмарни бошқа қисмлардин фарқи шулки, бу бавлда мутлақо ишроқ ва софлик бўлмас. Зероки кўп муҳтабис ва муҳтақин бўлгон жисм камудатлар ранг ҳосил қилур. Хусусан совуқ мизожлик жисм зиёдароқ камудатранг ҳосил қилур. Ва зоҳирдурки, балғам совуғдур. Ва ани ҳосил қилгон камудатни қизил рангни ишроқи ва сафосиға монеъдур. Ва бу навъ бавл ғализроқ бўлур. Зероки асли балғам лузужат ва ширадор бўлур. Хусусан кўп вақт томурда муҳтабис қолгон сабабидин баъзи латиф ажзоси таҳлил топуб, яна ғализроқ бўлур. Аммо баданда қоннинг кўплигидин ҳодис бўлгон бавли аҳмарнинг қивоми мўътадил ва бавлнинг ҳамма ажзосини ранги бир-бирига муташобиҳ ва мутасовий ва ранги ишроқлик ва соф бўлур. Ва юқорида мазкур бўлгон беш қисм бавли аҳмарнинг аломати махусаларидин холий бўлур. Ва қон ғалабасиға далил бўлгон ҳамма аломатлар ҳам анга шоҳид бўлур.

ФОИДА. Алвони мураккабалар баёнидадур.

Ва билмоқ керакки, Шайх ур-раис алайҳир раҳманинг наздларида алвони мураккаба тўрт хилдур ва ҳар бирини бир қисм бирлан баён қилинур.

Биринчи қисм лавни ғассолийдур, яъни янги гўштни

ювилгондин сўнг боқий қолгон сувига ўхшаш бўлурки, бу сув гўё сувға қон аралашган каби бўлур. Ва бу бавлнинг сабаби қонни сувдин тамом ажратмоқға қуввати табиатни ожизлигидур. Ва табиатнинг ожизлиги уч тариқа бўлур.

Аввал шулки, жигарнинг қуввати ҳозимаси бақувват бўлуб, ҳазм каймусидин қон ҳосил қилур. Лекин қуввати мумаййизаси заиф бўлуб, ул қонни моъийятдин тамом ажрата олмас.

Ва иккинчи навъи шулки, томурда жозиба қуввати заиф бўлур. Ва жигарда ҳосил бўлгон қонни жазб қилолмас.

Ва учинчи шулки, ҳамма баданнинг жозибаси заиф бўлур ва томурдаги қонни баданға жазб қилолмас. Ва қуввати жозибанинг заифлиги ё қуввати соқит бўлгонидин бўлур. Ва ё бадан қонға тўла бўлуб, зиёда қон жазб қилмоқдин мустағний ва беҳожатлик сабабидин бўлур. Бас, иккинчисини фарқи шулки, қувватнинг суқутидин қуввати мумаййиза заиф бўлгон бўлса, албатта тамоми баданда қувватни соқит бўлмоғи лозимдур, бахилофи имтилоки, баданда қон кўп бўлса, суқути қуввати бадан лозим эрмас. Ҳатто қувватни зиёдалиги лозимдурки, ҳаммадин росух аломат шулдур.

ВА ИККИНЧИ ҚИСМ ЛАВНИ зайтийдур. Ва бу ҳам икки навъ бўлур. Бир навъи шулки бавлда ёғ кўп бўлур. Бинобарин бавл гўё зайтун ёғи каби кўринур. Аммо ҳақим Қарший “Шарҳи Қонун”ларида дебдурларки, бу навъ лавнни зайтий деб ном қўймоқдин зубоний деб ном қўймоқ муносиброқ эрди. Чунки бу бавлдаги ёғ бадандин эруб бавлға қўшилур келгон ёғлардур, дебдурлар. Баҳарҳол бавли зайтий доим ёмон ва радий бўлур. Зероки ажзойи баданнинг эриганларидин ҳосил бўлур ва ҳаргиз яхшилиқға далолат қилмас. Ва бу бавлдаги зайтий ранг фақат қоруруани юқори тарафидагина мавжуд бўлур, яъни бавлнинг устида бўлур. Аммо бошқа ажзосида ҳаргиз мавжуд бўлмас. Чунки ёғни вазни сувни вазнидин энгил бўлур. Бинобарин зайтий ҳам бавлнинг юзида бўлур.

Аммо қоруруанинг ҳамма жойидаги ҳамма ажзойи бавлда бу зайтийнинг мавжуд бўлмоқ имконияти хусусида ҳақим

Қарший дерларки, “ва ғолибу занний анна-л-мавта йасбуқу”, яъни мани гумони ғолибимда бавлни ҳамма ажжосида зайтий ҳодис бўлмоғидин бурун ўлум етишар, яъни бавлни ҳамма ажжоси зайтийлик даражага етгунча ҳаётлик боқий турмас, дебдурлар.

Ва иккинчи зайтий шулки, бавлнинг қивоми ва шираси ва ранги гўё зайтун ёғига ўхшаш бўлур. Бинобарин зайтий дерлар. Бу навъ бавл аксар воқеъ бўлур. Ва ҳар хил лузужатлик ахлоти мухталифаи ғализдин мураккаб бўлур. Ва гоҳи бир хилти ғализи лазиждин воқеъ бўлур. Ва лавни зайтнинг таърифини шундоғ дебдурларки, “Хува лавнун йақуну байна-с-сафрати ва-л-хазрати ва салқиййатун ва ишфафун маъа би-райқин русмиййа”, яъни зайтий шундоғ рангдурки, сариқ ила сабз-нинг миёнасида бўлур, зоҳир намудийдин ёғлиги маҳсус бўл-гон ва соф ранглик ва ялтироқ бўлур, деб таъриф қилмишлар. Ва бу навъ зайтий ҳам ёмонлик ва хайриятсизликға далолат қилур. Зероки бунда ахлоти мухталифаи ғализнинг миқдори кўп бўлур. Аммо буни ёмонликға далолати куллиятан эмас, балки аксариятға биноандур. Зероки гоҳи нодиран батариқаи бўҳрон ҳам батариқаи моддаи мазкур масонада мундафиъ бўлуб, бавли зайтий ҳодис бўлур. Бас, бу сувратда бавли зайтийнинг далолати ёмонликға эмас, балки хайриятғадур.

Аммо бавли зайтийи бўҳроний бирлан бавли зайтийи касрат ахлотининг фарқи шулки, касрати бўҳроний дафъатан ҳодис бўлур. Ва бавли зайтийнинг вуқъидин сўнг роҳат ва енгиллик ҳосил бўлур.

Ва касрати ахлотийда батадриж ҳодис бўлур. Ва сўнгида бу роҳат бўлмас. Хусусан, агар бавл бадбўй бўлса, кўп ёмон-ликға далилдур. Ва ала-л-хусус агар бавл андак-андак келар бўлса кўп хатарноқдур. Зероки бавлнинг бадбўйлиги ахлотнинг уфунатлигиға далилдур. Ва андак-андак келмоғи қувватнинг соқитлигиға далилдур. Ва шак йўқдурки, ахлоти мухталифа-нинг уфунати радийдур. Бас, бу ридоъат устиға яна мазкур ахлоти ғализ гарчи касир ул-миқдор бўлса, кўп ёмон радий бўлур. Бас, агар бунга иловатан қувват ҳам соқит бўлса, албатта зўр хатарлик ёки қотил ва муҳлик бўлмоғи шубҳасиздур.

Ва инчунин агар мазкур бавл бавли зайтийга гўштнинг рассоласи каби сел аралаш бўлса ҳам кўп ёмонликга далилдур. Зероки қуввати мўмайизайи жигарнинг заифлигига далилдур.

Ва маълумдурки, ахлоти мухталифи касир ул-миқдори ғализи лазижнинг зарари ва таҳлили рутуботи баданийяси иловатан яна бадан физойи табиийяси бўлгон тоза қондин маҳрум қолуб, ул тоза қонлар масона йўли бирлан мундафиъ бўлуб турса, албатта оқибат натижаси ҳалокатдур. Ва бу бавл истисқо касалида, хусусан лаҳмий қисмида воқеъ бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бавли зайтийки, қисми аввалда мазкурдур ва ани номини ҳақим Қарший зайтий демақдин зубоний демақни муносиброқ дегандурлар. Бас, агар ул бавли зайтийга ҳам рассола монанд сел бўлуб келса, сил касалида гўштнинг эриганига далилдур. Ва қўланж касалида буйрак чарбисининг эриганига далилдур. Ва бу бавлларнинг ҳаммаси радийдур.

Ва бавли зайтийи зубоний агар бавли асвад вуқуъидин сўнг пайдо бўлса, ўлимнинг қариблигига далолат қилур. Ва агар бавли асваддин сўнг бавли ғайри зубоний пайдо бўлса, хайриятга далилдур.

Ва агар амрози ҳоддаларда ибтидоий мараздин эътиборан тўртинчи кунда бавли зайтийи зубоний пайдо бўлса, еттинчи куни ҳалокатга далилдур.

Ва учинчи қисм алвони мураккаба аржувонийдур, яъни сариқ ва сабздин ва андақ қародин мураккаб бўлгон рангдур. Бас, агар бавл ушбу ранг бирлан рангин бўлуб келса, ҳамма анвоъи бавлдин ёмон ва қотилдур. Зероки бу ранг ихтироқ устига ихтироқ ориз бўлғонига далилдур.

Тўртинчи қисми алвони мураккаба аҳмар босаботдур, яъни қизилики, қароға моил бўлур. Ва бу рангда бўлгон бавл хуммийоти мураккабаи мухталифага далилдур, яъни мутааддид ахлотнинг ва аломати бирлан ориз бўлғувчи иситма касалга далилдур. Зероки ахлоти арбаъанинг мажмуъи мин ҳайс ул-мажмуъ қизил бўлур. Лекин иситманинг таъсири бирлан андақ-андақ қароға тоблонгон бўлур. Бас, шул ахлоти мурак-

каба агар масонаға боруб, бавлға мураккаб бўлса, албатта бавлни ҳам ўз ранги бирлан рангин қилур. Ва яна бавли мазкур иситма касалини ахлоти ғаризадин ориз бўлғониға далилдур. Зероки бу иситманинг моддаси савдонинг ғализлигиға қариб даражада ғализ бўлур. Лекин иситмани ҳарорати моддани эритуб суюлтиргани ва сафрони сўндиргани учун моддалар қизил бўлуб кўринарлар. Ва яна гоҳи шул рангдаги бавлни ҳудуси ахлоти мураккабадин бўлмай, фақат қондин ҳодис бўлмоғи ҳам мумкиндр. Баин тариқаки, қоннинг ажзосида ихтироқ ориз бўлуб қаро ранг ҳосил қилгон ва аксар ажзоси беихтироқ ва ранги аслийсида боқий бўлур.

Бас, агар бу қон масонаға боруб, бавлға қўшулса қизил қонни кўплиги ва куйган қонни камлиги бирлан бавлда қизилки, қароға моилроқ ранг ҳодис бўлур. Ва ани аломати шулки, фақат қон ғалабасини ҳамма аломатлари зоҳир ва боқий ахлоти салосани аломатидин холий бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бавли аҳмар агар қорураға солғонда соф қизил бўлса, лекин қоруранинг усти қароға моилроқ бўлса, зот ул-жанб касали ориз бўлмоғиға далилдур. Ва кўп истиқо ва имтиҳонлар бирлан маълум ва собит бўлғондур.

ТАНБИҲ. Юқорида алвони муфрада зимнида мазкур бўлгон эдики, лавни ахзар ҳақиқатан лавни мураккабдур. Лекин муҳтарам мотинлар раъйлариға татаббуъан алвони басоит қаторида зикр қилингон эрди.

Ва яна неча аҳсом ранглари баъзи атиббо раъйлариға биноан басоит қаторида баён қилингон ва аларни баъзилари алвони мураккабадин ҳисоб қилғондурлар. Чунончи соҳиби “Захира” дерларки, анга зоҳир ва маълум бўлгон мураккаб ранглар ўн икки хилдур. Биринчи - сабз ранг ва иккинчи - осмонжуний ва учинчи - зайтий ва тўртинчи - нилгун ва бешинчи - адкан, яъни қаро ва оқ ва андак саригдин мураккаб рангдур. Ва олтинчи - лаълранг қизил ва еттинчи - сутранг оқ ва саккизинчи - зангори ва тўққизинчи - арғувоний ва ўнинчи - азрак, яъни тўтиёий ранг бирлан кўпроқ оқ ва сариг рангдин мураккаб бўлгон ранг ва ўн биринчи - бузилгон май рангиға

ҳамранглик ва ўн иккинчи - нахуд ивителифон сувнинг рангиға монанд рангдурки, булар ҳаммаси ранги мураккабадиндур, демишлар.

Ва баъзилар зайтийни ҳам ниланжий ва зангорига қўшуб, сабз ранг қаторида ҳисоб қилмишлар. Аммо соҳиби “Захира”нинг сўзларидин мустафод бўлурки, ранги нилгун икки тариқа бўлуб, бир навъ камрангроғини адкан ва қуюқ рангроғини нийланжий дерлар. Ва баҳарҳол бавли ахзарни аҳкоми мазкур бўлди. Ва бавли нийланжий ва осмонжуний ва зангорийларнинг ҳукми ранги ахзар зимнида мазкур бўлди. Ва аҳкоми зайтий ҳам зикр қилинди. Эмди боқий қолгон алвони мураккабани аҳком ва аломатини баён қилинур.

Бавли нилгуни адкан деган қисми зот ул-жанб касалида воқеъ бўлса кўп ёмон хабарға далилдур. Ва лаългун қизил бавл ҳам нилгун бавлининг ҳукмидадур. Ва сутранглик оқ бавл ҳам бағоят ёмон ва муҳликдур. Ва бавли аргувоний қизил ҳам ёмон бўлурки, сафро ҳам савдонинг куйғониға далолат қилур. Ва бузилгон шароб рангида ва ё нахуд ивителифон суврангида бўлгон бавл ҳам жуда ёмондур. Ва нахуд сувиға ўхшаш бавл ҳомила хотунларда кўп воқеъ бўлур. Ва яна ҳар одамийки, ичагида иссиқ варам пайдо бўлса ани бавли ё шаробий ва ё нахудобий бўлур. Ва ҳар гоҳ агар бавл ҳар бир неча кунда бир бошқа рангға ўзгарилиб турса баъзиси муқаддам ва баъзи сўнгра назж ҳосил қилуб турганиға ва аксар оқибатнинг хайриятиға далилдур.

Эмди алвони бавлининг баёни тамомийға етиб, бавлининг қивоми ва бўйининг баёниға шуруъни навбати келди.

ТҶРТИНЧИ ФАСЛ БАВЛНИНГ ҚИВОМИ ВА РОИҲАСИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, қивом даража жиҳатидин уч қисм бўлурки, рақиқ ва ғализ ва мўътадил байнаҳумодур.

Бас, бу жойда аввал қивом ва ғализ ва рақиқларнинг маъ-

нисини баён қилмоқ лозимдурки, ани зимнида мўътадил байнахумо ҳам равшан маълум бўлғой.

Бас, билмоқ керакки, бикасри қоф қивом демакдин мурод ҳўл жисмнинг ҳайъатидурки, ул ҳайъатнинг эътибори ила бу жисмнинг шаънида сайлон ҳаракати тезроқ ва ботаъаннийроқ мумкин бўлур. Ва мабҳаси набзнинг тўртинчи қисмида ҳам қивомнинг маънисин муфассал айтиб келдур.

Аммо рақиқ моиъ нимарсаларнинг тез сайлон қиладиганларини айтилулки, ул жисмнинг ажзоларин бир-бирин ажралуб жудо-жудо бўлмоқға бағоят қобил бўлур. Ва агар ани чайқатилса андак ҳаракат бермоқ бирлан ани ажзоси мутамаввиж бўлуб, ҳаракат қилғон ажзолари қатраларға бўлинув, сачраб кетар. Ва ҳаракатда ҳам тез ҳаракатлик бўлур.

Аммо ғализ деб, жисми сайёлийки, ани ажзолари бир-биридин ажрамоғи қийинроқ ва кўпроқ сайлонни тақозо қилғон вақтда сайлон ҳаракати сустроқ бўлғон нимарсани айтулар. Чунончи ширин ва асал каби ва буларнинг иккисининг миёнасида мутавассит бўлғон нимарсани мўътадил дерлар. Бас, бу маънилар маънийи луғавий ва истилоҳи оммадур. Аммо истилоҳи атиббода ҳеч ғализ ул-қивом асал даражасида ғализ бўлмас. Ёки атиббонинг ғализ деганлари ҳам урфи оммани рақиқ деган даражаларига дохилдурки, фақат рақиқ нимарсаларнинг бир-бирларига нисбатан даражалари мутафовутдур. Ва шул тафовутға биноан атиббо бирини рақиқ ва бирини ғализ ва баъзи мутавассит даражалигини мўътадил дерлар.

Ва маълумдурки, бавли инсон истилоҳи оммага назаран рақиқдур, лекин ҳар қаю инсоннинг бавли рақиқлик даражасида яна бир-биридин тафовутликдур. Ва шул тафовут эътибори ила назди атиббода бирини рақиқ ва бирини ғализ ва бирини мўътадил дерлар. Эмди бу уч хил кайфиятнинг сабабларини баён қилинур. Аммо бавли рақиқнинг сабаблари саккиз навъдур.

Биринчи сабаб шулки, моддаи бавлнинг томурда ва жигарда пишмаганлигидур. Хоҳ сиҳҳатликда ва хоҳ касалликда бўлсин. Зероки ғизонинг моъийяти ахлот бирлан қўшилуб жигар

ва томурларда пишган бўлса, албатта моъийятни ажзоси ахлотнинг ажзосига қўшилуб табхнинг воситаси бирлан ҳар иккиси бир-бирига инфишош ва монандлик иктисоб қилур ва андин бир қивом ҳосил бўлур. Бас, агар бавл рақиқ бўлса, албатта мазкур назж ҳосил бўлмағониға аломатдур. Хусусан гўдак болаларда бу ҳол кўпроқ ҳосил бўлур.

Ва иккинчи сабаб шулки, томурларда суддаи ғайри томма воқеъ бўлур, яъни баъзи ахлоти ғализнинг томурда тўхтаб қолғони сабабдин томурда суддаи воқеъ бўлурки, ул маҳаллаға боргон бавлни рақиқиға судда монеъ бўлолмас, балки бата-риқайи тарашшуҳ сингиб ўтар. Ва моддаи ғализий томурда сузилуб қолур. Бинобарин бавл рақиқ бўлур. Ва бу қисмнинг аломати мазкур маҳаллий масдудда оғирлик ва тортилишлик маҳсус бўлмағидур.

Ва учинчи сабаб шулки, буйракға заифлик ориз бўлур. Бинобарин фузулни жигардин лозимича жазб қилолмас. Ва заифлик бирлан қилғон жазби учун моъийят қобили инжизоб-дур. Аммо ахлоти дигарда фи-л-жумла қивоми ғализ бўлғони сабабдин қобили инжизоб эрмас. Бинобарин фақат заиф буйрак моъийятниғина жазб қилуб, масонаға дафъ қилолғони учун бавл рақиқ бўлур.

Тўртинчи сабаб жигарнинг заифлигидур. Зероки ғизони ва фузулни аъзоға нуфуз қилмоғи албатта икки хил қувват бирлан тамом бўлурки, бири аввалғи маконни қуввати до-фиъаси ва иккинчиси сўнгғи маконни жозибасидур, яъни жигар ўзида мавжуд бўлғон моъийят ва фазлаларни дафъ қилур. Ва буйрак ва соири бадан жазб қилур. Бас, агар заифликдин фазлани тамом дафъ қилолмаса, фазлани нуфузиға танҳо буйракни жазби кифоя қилмас. Бас, ночор жигарнинг заифлик ила қилғон дафъидин қобили индифоъ бўлғон моъийятғина буйрак ва масона тарафға мундафиъ бўлур. Ва бошқа ахлоти ғализа жигарда боқий қолур. Бинобарин бавл рақиқ бўлур. Лекин заиф жигар сабабдин бавлни рақиқ бўлмоғи жуда кам бўлур. Шунинг учун бўлса керакки, Шайх ур-раис алайҳир раҳма буни бошқа сабаблар қаторига қўшуб баён қилмаган-

дурлар. Ва Шайх ур-раисга табъан ҳақим Чағминий ҳам “Қонунча”ларида баёндин матрук қилибдурлар.

Ва бешинчи сабаб кўп миқдор сув ичмоқдур. Ва бу тақдирда бавлни рақиқ бўлмоғи маълумдурки, фазлаи ғализанинг ажзосига моъийяти рақиқанинг ажзоси ғолиблигининг би-з-зарур бавл рақиқ бўлур ва бунга собиқда сувни кўп ичилгани ва бавлни кўп миқдорда бўлмоғи ҳам шоҳиди кофийдур.

Ва олтинчи сабаб қуруқ совуқдур. Масалан, куз ҳавоси беборон шиддатлик совуқ бўлуб, очиқ ҳавода сайр қилғувчига совуқ асари бирлан қотуб, такосуф ҳосил қилур. Ва ҳам бавл ажзосида совуқ асари бирлан инқибоз ва танглик ҳосил бўлур. Бас, ахлоти ғализа томурда ажралуб қолуб, фақат моъийят мундафиъ бўлур. Бинобарин бавл рақиқ бўлур. Ва буни нишоннаси бавлнинг ранги камудатға моил бўлмоғи ва баданнинг заиф ва нотавонлигидур.

Ва еттинчи сабаб масонадин бошқа тарафға моддани майлонидур. Зероки модда масонаға бормай, балки зоҳири баданға ёки димоғ ва ё меъда ва ё ичак тарафларига моил бўлса, ночор моъийятни ўзигина масонаға борур. Бинобарин бавл рақиқ бўлур. Ва бу синф нишоннаси шулки, моддани майиб бўлгон аъзосида мазкур моддани асари зоҳир бўлур.

Ва саккизинчи сабаб рутубати фазлийи рақиқани бошқа тарафға мундафиъ бўлмоғидур. Зероки шак йўқдурки, ичилгон сув агарчи баданда назж топса ҳам, ўзини қивомидин ортиқ қивом ҳосил қилолмас, балки анга бир фазланинг ихтилоти ила қивом ҳосил бўлур. Бас, агар бу мухталит бўлгон фазла ғализ бўлса, бавлға ғилзат эҳдос қилур. Ва агар мухталит фазла рақиқ бўлса ва ё ғализ бўлуб, миқдори кам бўлса, бавлнинг қивоми рақиқ бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бавли рақиқ амрози ҳоддаларда ҳодис бўлса, қуввати ҳозиманинг заифлигиға ва ғизо ва шаробда назж бўлмағониға далолат қилур. Ва гоҳи бошқа ҳамма қувватларнинг заифлигиға ё ичилгон сувнинг ҳазми ва назжи учун албатта ҳеч қандоқ таважжуҳ ва тасарруф қилмағониға, балки қаю ҳолда ичулгон бўлса, шул ҳолда бадандин

хориж бўлғониға далолат қилур. Ва бу тариқа бавли рақиқ гўдакларда воқеъ бўлур. Йигитларда воқеъ бўлғондин ҳам ёмонроқ ва хатарликроқ бўлур. Зероки гўдакларнинг бавли табиийси йигитларнинг бавлидин ғализроқ бўлмоғи лозимдур. Зероки аларда йигитларға нисбатан рутубат голиб ва таомдин хўроклари ҳам кўп ва бетартибдур. Бас, агар гўдакнинг бавли ҳиддатлик иситма вақтида бағоят рақиқ бўлмоғи ҳолати табиийядин кўпроқ узоқдур. Ва ҳар нимарса ҳолати аслийсидин нақадар узоқ бўлса, шул қадар радий ва фосид бўлур, албатта.

Ва шунинг учун атиббо дебдурларки, гўдакларда бавлни доимий рақиқ бўлмоғи далили ҳалокатдир. Магар бавлни рақиқлиги ила бошқа аломати солиҳа ва қувватнинг саботи ҳам мавжуд бўлса, ул вақтдаги бавли рақиқ жигарнинг паст тараф четидин хурож ҳодис бўлмоғиға далолат қилур.

Ва агар бўҳрон вақтида бавлнинг дафъатан ва бетадриж рақиқ бўлмоғи касални узоқ муддатға чўзилмоғиға далилдур.

Аммо бавлнинг ғализлиги икки сабабдин ҳодис бўлур. Биринчи сабаб модда ахлотнинг кўплигидурки, масонаға кўп миқдор ахлот мундафиъ бўлуб, бавлға мухталит бўлур. Ва бавлға ғализлик эҳдос қилур.

Ва билмоқ керакки, ахлотнинг бавл йўлиға кўпроқ мундафиъ бўлмоғи шул тақдирдагина мумкин бўлурки, баъд аз назж бўлур, аммо қабл аз назж мундафиъ бўлмоғи мумкин эрмас. Баъд аз назж мундафиъ бўладурган ахлотнинг қивоми аввало бағоят ғализ бўлмоғи лозимдур. Токи назжнинг лозимаси бўлғон рақиқликни ҳосил қилғондин сўнг қобилият пайдо қилуб, кўпроқ миқдори табиат тарафидин батариқаи бўҳрон мундафиъ бўлуб, бавлға ғилзат эҳдос қилғай. Зероки зоҳирдурки, ҳар вақт модда ғоят даражада ғализ бўлуб, сўнгра анга назж ҳосил бўлса, ани қивоми агарчи мўътадил қивомға етмаса ҳам, фи-л-жумла ғилзати камаюб бир даражаға келурки, қобили индиφοъ бўлур. Ва шиддатлик моддаи ғализнинг назжидин мурод шул таназзули ғилзатдур.

Ва би-л-жумла ҳосили каломи Чағминий шулки, бавлнинг ғализлиги ва модданинг назжидин табиат ани дафъ қилғо-

нидин ҳодис бўлур ва ё назжнинг йўқлигини ҳосил бўлур, демакдур. Аммо ҳақим Чағминий ҳам Шайх ур-раиснинг “Қонуни кабир”да айтганларидек, касрати ахлот ўрнига назжи ахлот деган бўлсалар эди, мақсудлари равшанроқ маълум бўлгон бўлур эди.

Ва яна билмоқ керакки, ахлотнинг пишмагани сабабдин ҳодис бўладурган бавли ғализ кўпроқ воқеъ бўлур. Ва ахлоти ғализнинг пишмаганидин ҳодис бўлувчи бавли ғализ кам воқеъ бўлур. Зероки бўҳрон батариқаи бавлнинг вужуди кам ва нодир бўлур. Ва ахлотнинг кўп миқдор мундафиъ бўлмоғини бағоят ғализ бўлгон ахлотнинг назжиға таъсир қилмоқ ҳам аксариятга биноандур. Ва илло гоҳи жуда кўп миқдорлик ахлоти рақиқа ҳам назж топуб, бавлға мухталит бўлса, ғализлиқ эҳдос қилур. Лекин бу навъ бағоят кам воқеъ бўлур. Зероки хилти рақиқ агар назж топса қивоми эътидолға келур. Ва андин ўтуб ғализликға тажовуз қилмас. Магар батариқаи нудрат тажовуз қилур. Бас, ахлоти ғализнинг пишгонидин ҳодис бўлгон бавли ғализ ила пишмаган ахлотдин ҳодис бўлгон бавли ғализнинг фарқи ва яна жуда ғализ хилтни назжидин воқеъ бўлгон бавли ғализ ила кўп миқдор хилти рақиқнинг назжидин воқеъ бўлгон бавли ғализнинг фарқи шулки, агар бавл аввалда жуда ғализ бўлуб, сўнгра андин-андак таназзул қилса хилти шадид ул-ғилзнинг назжиға далил бўлур. Ва бу бавл ҳумиййоти хилтиянинг охир вақтида воқеъ бўлур. Зероки хилтнинг назжи албатта маразнинг охир вақтидағина бўлур.

Ва инчунин ботини баданда пайдо бўлгон варамнинг пишуб ёрилмоғи ва андин кўп миқдор йиринг ва модда дафъатан чиқуб бавлға қўшилуб келмоғи ҳам бавли ғализ эҳдос қилур. Ва варамни пишуб ёрилмоғи ҳам касални охир вақтидағина мумкиндур. Шунинг учун бавлни ғализлиги аввал дафъатан шиддатлик ғализ бўлуб пишган хилт ёки пишуб ёрилгон варамнинг миддаси бир дафъа мундафиъ бўлгондин сўнг бавлни ғилзати ҳам камаюр.

Ва яна бир аломат шулки, бавли ғализ воқеъ бўлгон кундин бошлаб касалда енгиллик пайдо бўлур. Чунки касалнинг мод-

даси шул кундин бошлаб мундафиъ бўлуб, камайгон бўлур. Ва яна варамнинг пишуб ёрилғонидин ҳодис бўлгон бавлнинг дурдаси ҳам кўп ва ҳам ғализ бўлур. Ва ҳам варамнинг ёрилғонига йирингларни бавлда зоҳир бўлмоғи ва собиқда варамни бошқа осорини зуҳури ҳам шоҳиддур.

Аммо ахлоти рақиқанинг назжидин ҳодис бўлган бавли ғализга бавлнинг аввало рақиқроқ, сўнгра ғализ бўлмоғи далилдур. Ва ҳам бу бавлнинг ғилзати аввалғи қисмга назаран камроқ ва бавлнинг миқдори андин зиёдароқ бўлур. Ва дурдаси ҳам қисми аввалга назаран рақиқроқ бўлур. Ва агар бавл ғализга хилтнинг хомлиги ва беназжлиги бўлса, бу бавли ғализ мазкур бўлгон осор ва аломатнинг ҳаммасидин холий бўлур. Ва бавл ғализ бўлуб келмоғидин касалга ҳеч қандоқ енгиллик ҳосил бўлмас.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, зўр иситмалик амрози ҳоддаларда касалнинг интиҳосидин бурунроқ агар бавл ғализ бўлса, буни хилтнинг хомлиги сабабидин бўлмоқ эҳтимоли қатъиян йўқдур. Зероки амрози ҳоддаларнинг моддалари қабл аз назж рақиқ бўлур. Ва инчунин бундоқ амрозда ахлотнинг назжи ҳам бавли ғализга боис бўлмас. Зероки шиддатлик иситманинг вақти эҳтимолки, маразнинг охир вақти эрмас. Ва хилт ҳам ҳануз назж ҳосил қилгон эрмас. Фаразан агар хилт назж ҳосил қилгон бўлса ҳам бавлни бу қадар ғализ қилмоқ даражада ўзи ҳам ғилзат ҳосил қилмағондурки, бағоят рақиқ эрди.

Бас, лозимдурки, амрози ҳоддаларда ҳодис бўлгон бавли ғализ ё варамни пишуб ёрилғондин ҳодис бўлур ва ё аъзони эриганидин ҳодис бўлур. Ва аъзони эриганидин аксар ҳодис бўлур. Аммо варамни пишуб ёрилғонидин кам воқеъ бўлур. Зероки амрози ҳоддаларда ҳодис бўлгон варамнинг моддаси аксар бавл йўлидин бошқа тариқа бирлан мундафиъ бўлур. Шунинг учун атиббо дебдурларки, “ал-бавлу-л-ғализу жиддан фи-л-амроз ил-ҳоддати йадуллу фи-л-аксари ʻала-ш-шарри лианнаҳу фи-л-ағлаби йакуну зубаниййан”, яъни амрози ҳоддаларда воқеъ бўлгон жуда ғализ бавл аксар ёмонликга далил қилур, зероки бу бавл голибан баданнинг эриганидин

ҳодис бўлур, дерлар. Ва иситмали касалларда воқеъ бўлгон бавли ғализни ҳаммадин аслам ва камхатарроғи дафъатан кўп миқдор бавлни хориж бўлмоғидур. Аммо кам хориж бўлса хилтнинг кўплиғига ва анга муқовамат учун қувватнинг заифлиғига далилдур. Ва бавли ғализнинг фоидаликроғи шулки, сўнггидин мўтадил қивомлик бавл ҳам келса. Ва яна ани сўнггидин роҳат ва касалиға хиффат ҳосил бўлса.

Ва агар амрози ҳодда асносида бавл рақиқликдин ғализликға ўзгарилса ва сўнггидин роҳат ва енгиллик пайдо бўлмаса баданни эриганлиғига далилдур. Ва агар саҳиҳ кишида бавли ғализ пайдо бўлуб, бир неча кунғача давом қилса ва ул кишида ҳаргиз бош оғруғи ва бадан касаллигидин ҳеч асар зоҳир бўлмаса ул бавли ғализ оқибатда иситма бўлмоғига далилдур.

Ва билмоқ керакки, фазлаи ғализни масонаға нозил ва мундафиъ бўлгонидин ҳам бавл ғализ бўлур. Ва аъзойи ботинийдаги варамни пишуб ёрилмоғидин ҳам бавл ғализ бўлур. Ва ҳар иккисини фарқи учун варамни навъийда аъзойи ботинийнинг аввало озори, сўнгра ҳудуси варам ва қуруҳнинг осор ва аломатининг зуҳури шоҳид бўлур. Ва фазлаи ғализнинг мундафиъ бўлгонидин ҳодис бўлгон навъиға варамни навъийнинг осор ва аломатидин холийлиги далили қотиъдур. Ва яна фазлаи ғализ индифоъи оммдурки, хоҳ холис сифатда мундафиъ бўлсин ва хоҳ ҳолати маразда бўлсинки, албатта бавли ғализ воқеъ бўлгондин сўнг роҳат ва енгилликни лозим тутар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бавлнинг қивомида тағаййур ҳосил бўлмоқға уч хил важҳ бордурки, буни билмоқ табиб учун зарурдур, токи ҳодис бўлгон иллатнинг ҳолиға қилгон ҳукми рост ва беҳато бўлғай.

Биринчи важҳ шулки, бавл аввало суюқ ва сўнгра ғализ бўлур. Ва бавл қуввати табииййани назжи модда учун машғуллиғига ва модда ҳам табиатдин асарланиб назж ҳосил қилмоқда эканиға, лекин ҳануз бу шуғлни ва ҳусули назжни тамом ва комил эмаслиғига далолат қилур. Ва гоҳи бу бавли ғализ аъзойи аслияни эриганиға ҳам далолат қилур. Ва ҳар иккисини миёнасида фарқ шулки, агар модданинг назжидин

бавл ғализ бўлса андин дурда ажралмас ва агар ажраса ҳам батаанний андақгина ажралур. Ва тез вақтда ва кўп миқдорда ажралмас. Зероки ҳануз моддани аксари хомдур ва хомни табиат дафъ қилмас, магар пишган миқдоргина моддани дафъ қилур. Ва пишуб моъийят ила ҳамшақл бўлгон модда моъийятдин осонлик бирлан тез ажраб дурда бўлмас, магар батаанний бўлур. Ва эриган аъзойи аслиндин бавл ғализ бўлгон бўлса, андақ фурсатда эриган аъзо яна тез қайтуб, моъийятдин ажраб дурда бўлур.

Ва иккинчи важҳ шулки, бавл аввалда ғализ бўлур, сўнгра рақиқ ва соф ранглик бўлур. Ва ғализ ажзолари моъийятдин тез ажраб таҳнишин бўлур. Ва бу бавл табиатни ғолиблиғига ва моддани тамом пишуб етилмоғониға далолат қилур. Ва ҳар қанча дурдаси тез ажраса, шул қадар модданинг назжиға далолат кўпроқ бўлур.

Ва учинчи важҳ шулки, аввалдин то охирғача бир ватира бўлур, хоҳ рақиқликда ва хоҳ ғализликда бўлса ва аввалги ҳолидин ўзгарилмас. Бас, агар шул ҳолат ила табиат бақувват ва қувват ҳам собит бўлуб турса, моддани тамом пишмоғини умид қилинур. Ва агар қувват собит турмай заифлик ориз бўла бошласа, хавфи ҳалокатға далолат қилур. Ва агар бавлнинг ғализлиги кўп муддатға чўзилса, лекин ҳеч қандоқ хавфлик аломат зоҳир бўлмаса, бу бавл охирда бош оғруғи пайдо бўлмоғиға мунзир ва далилдур. Баҳарҳол бавлни доим бир қивомда турмоғи мутағаййир бўлмоғиға нисбатан радиий ва ёмондур. Ва назжнинг қусуриға далолатдур. Яъни бавлнинг хоҳ рақиқлигининг ғализликға ва хоҳ ғализликдин рақиқликға ўзгарилғони доим бир ҳолда боқий турғониға нисбатан аслам ва камхатарроқ бўлур.

Ва билмоқ керакки, шул жойда бавлнинг қивомини эътибори бирлан аҳволи бадан ҳукмиға далолатнинг баёни тамом бўлуб, эмди роиҳа эътибори бирлан далолатининг баёниға навбат келди.

Ва роиҳа бамаънойи бўйдурки, туркийда ани ҳид ва ис дерлар. Ва роиҳан бавл тўрт қисмға мунқасим бўлурки, қалил

ур-роиҳа ва ҳомиз ур-роиҳа ва ҳулув ур-роиҳа ва мантан ур-роиҳа исми бирлан машҳурдур, яъни камбўй ва туршбўй ва ширинбўй ва бадбўйликға мунқасим бўлур.

Аммо камбўйликға сабаб моддани пишмаганлигидур ёки мизожни совуқлиги ёки ҳарорати гаризийяни заифлигидур.

Аммо туршбўйликға сабаб ахлоти боридаға ҳарорати ғарибани таъсиридур.

Аммо ширин бўйликға сабаб қоннинг ғалабасидур.

Аммо бадбўйликға сабаб ё бавлни мажросида бўлгон яра ёки уфунат ҳосил қилгон моддадур. Ва шул қадар баёни тақсим мотинларнинг тақсимларидур. Эмди шул мавзуға махсус бўлгон бошқа фавоидни машруҳан баён қилурмуз.

Махфий қолмасинки, мутлақ касаллик икки навъ бўлур. Бир навъ касаллик шулки, роиҳаи бавлни албатта ўзиға лозим тутар. Чунончи мизожни тағйири бирлан ориз бўлгон касаллардур. Хоҳ танҳо бир касалнинг ўзи сабаб бўлсин ва хоҳ бир бошқа касалға таъян касал бўлсин. Ва инчунин тафарруқи иттисол, чунончи кесилгон ва ёрилгон узвларики, фасод ва йиринг пайдо қилгон бўлса, буларда ҳам албатта роиҳаи бавл таркиб топар.

Ва иккинчи навъ касаллик шулки, анда роиҳаи бавлни тағйири лозим бўлмас, чунончи баъзи амроз ут-таркибки, мизожни тағйир бермас, чунончи кесилгон ва ёрилгон узвларики, фасод ва йиринг ҳосил қилмоғон бўлса. Ва мизожни тағйир бермағон бўлса, деб қайд қилмоқни важҳи зоҳирдурки, баъзи мараз ут-таркиб бордурки, мизожни ҳам тағйир берур. Ва тағйири мизожға муносиб роиҳаи бавлни ҳам тағйир берур. Масалан, судда ва интилоъи авъийя каби касал мараз ут-таркибда албатта мизож мутағаййир бўлур. Ва баҳасби тағйир мизожи роиҳаи бавл ҳам мутабаддал бўлур. Лекин булар бизнинг зикр қилгон қисм амроз ут-таркибдин хориждур. Зероки буларда роиҳаи бавл ва мизожни таркиби лозимдур.

Аммо атиббо ҳеч бир касалликки, ани роиҳаи бавли соғ кишининг роиҳаи бавлиға ўхшағонни кўрилгон эрмас, деганларидин муродлари шундоғ касалларидурки, аларнинг

аҳволига истидлол учун роиҳаи бавлларини мулоҳаза қилмоқға ҳожат бўлса. Аммо ҳар қайси касалға мубтало киши мурод эрмас. Зероки мараз ут-таркиб навъидин неча хил касаллар бордурки, аларнинг бавлида мутлақо тағаййур бўлмоғон сабаблик бавлларини тафтиш қилмоқға ҳожат йўқдур, чунончи баён қилинур.

Эмди билмоқ керакки, бавл икки ҳолдин холий бўлмаски, ё роиҳалик бўлур ва ё роиҳасиз бўлур. Ва ҳар бирини бир қисм бирлан баён қилинур.

БИРИНЧИ ҚИСМ роиҳалик бавлни баёнидадур.

Ва роиҳалик бавл ҳам икки ҳолдин хориж бўлмаски, ани роиҳаси ё табиий ва ё ғайри табиий бўлур. Ва буларнинг ҳар бир ўткир бадбўйлик ё андак бадбўйлик бўлур.

ВА ИККИНЧИ ҚИСМ роиҳасиз бавлдурки, бу ҳам икки эҳтимолдин холий бўлмаски, ё аввало ўткир бадбўйлик бўлуб, сўнгра бадбўйлиги зоил бўлғондур ва ё аввалдин бебўй бўлғондур. Ва аввало ўткир бадбўйлик бўлғон ва сўнгра бадбўйлиги зоҳир бўлғон навъи яна икки важҳдин холий бўлмаски, ё сўнгра роиҳаси яна зоҳир бўлур ё зоҳир бўлмас. Бас, мажмуъи саккиз эҳтимолдурки, ҳар бирини алоҳида бир навъ бирлан баён қилинур.

Биринчи навъ роиҳаи бавлки, мўътадилдур, яъни ҳоли инсонға муносиб табиий роиҳадур. Ва бу роиҳа баҳасби ҳол даражадин даражаға интиқол бирлан мутағаййир бўлур. Лекин ҳар қаю даражада ҳоли инсонға нисбатан мўътадил роиҳадурки, ифрот ва тафритдин холий бўлур. Масалан, инсоннинг соғлик ҳолида бавли бир даража роиҳалик бўлурки, соғликға муносиб ва табиий роиҳа бўлур, беифрот ва бетафрит. Ва касал ҳолатида ҳам бир вақтида роиҳаси тағйир топмоғон бўлурки, ул ҳам шул касал ҳолатиға муносиб ва табиий роиҳаси бўлурки, мўътадилдур. Чунки бу ҳолат касални ибтидоий ҳолатидурки, анга аз рўйи табиат шул роиҳа муносибдур. Ва касалнинг бир ҳолатида агарчи роиҳа бавлға тағаййур ориз бўлур, аммо тағаййур шадид бўлмас. Бас, бу роиҳа ҳам мазкур касални ҳаққиға роиҳаи мўътадилдур. Зероки бу ҳолат касалнинг

иккинчи даражасидурки, бу даражаға шул роиҳа муносиб ва мўътадилдур. Ва касалнинг бир ҳолатида роиҳа шадид ун-натан ҳам ориз бўлуб, бавлға зуд тағайиур ориз бўлгон бўлур. Лекин бул тағайиур ва шадид ун-натанлик роиҳа шул ҳолатға муносиб ва мўътадил роиҳадур. Зероки касални моддаси назж топгон даражададур. Бас, назж ҳосил қилгон моддаға шул қадар бадбўй бавл муносибдурки, бундин зиёдаси ифрот ва бундин ками тафритдур. Ва шул қадари мўътадилдур.

Ва иккинчи навъ роиҳа бавл шулки, соғлик ҳолатда ўткир бадбўй бўлур. Ва бу роиҳа моддани уфунатиға далолат қилур. Бас, агар бу ҳолат кеч ва кўп вақт боқий ва бетағайиур бўлса, уфунатлик модда кўп пайдо бўлғониға далолат қилур. Ва сўнгра ҳуммийоти афнийя пайдо бўлмоғиға мунзир ва далилдур. Ва агар бавлда боқийлик кўп узоқ бўлмай яна тезроқ зоил бўлуб, бавли мўътадил даражаға келса, бу тағайиури бадандаги уфунатлик хилтнинг мундафиъ бўлуб, баданнинг пок бўлғониға далолат қилур.

Ва учинчи навъ роиҳаи бавл шулки, моддий касалларда агар бавл ўткир бадбўй бўлуб келса ва шул бадбўйлигида давом этсаки, агарчи моддаи мараз пишган ва назж асарлари зоҳир бўлгон вақтда ҳам бавлнинг шиддатлик бадбўйлиги боқий бўлса, сўнгра жазм қилинурки, бу бадбўйлик моддани уфунатидин эмас, балки бавл йўлида ҳодис бўлгон яранинг борлигиндур. Зероки модданинг уфунатидин бўлган бадбўйлик модда пишгандин сўнг яна тахфиф ва таскин ила мўътадил даражасиға албатта авд қилур ва боқий турмас.

Ва билмоқ керакки, бавл йўлида тургон яралар ҳаммаси бавлни бадбўй қилур. Хусусан масонада бавл кўп таваққуф қилғони учун масонада бўлгон яра кўпроқ бадбўй бўлур. Ва инчунин ғайри моддий касалларда бавлни бадбўй бўлмоғи албатта бавл йўлида ярадин ҳосил бўлурки, яра бўлмаса ҳаргиз бавл бадбўй бўлмас. Ва агар касал моддий бўлса ва моддаси ҳаргиз пишмаган вақтда бавлда бадбўйлик пайдо бўлса, бу бадбўйликни моддани уфунатидин бўлмоғи ҳам мумкиндур ва яра бўлмоғи ҳам мумкиндур. Ва ҳар иккисини миёнасида

фарқи шулки, ярадин пайдо бўлган бадбўйликда бавл йўлларида оғруқ ва бавлда фасод ва буғдойнинг кепаги шаклида реза-руза пўстлар зоҳир бўлса ва бадбўйлиги ҳамиша бир маромда турса, буни бавл йўлида боқий бўлгон ярадин ҳосил деб билмоқ лозимдур. Ва агар бадбўйлик гоҳи кам ва гоҳи зиёда бўлса ва бавл йўлида оғриқ ва бавлда пўст ва фасод зоҳир бўлмаса, бу бадбўйлик модданинг уфунатидин ҳосил деб билмоқ керак.

Ва тўртинчи навъ шулки, бавл туршбўй бўлур. Бас, агар бу турш соғ кишида воқеъ бўлса, албатта совуқ моддани уфунатиға далолат қилурки, балғам ёки савдоси уфунат ҳосил қилгон бўлур. Ва агар касал кишида бавли турш воқеъ бўлса, тафаҳхус қилмоқ керакки, агар касали мизожда бўлса, албатта ани совуқ моддаси, яъни балғам ё савдоси уфунат пайдо қилгон бўлур. Ва агар касали иссиқ мизожда бўлса, албатта ҳарорати ғаризанинг ғалабасидин ҳарорати ғаризаси таҳлил топуб, камайгон бўлур. Ва моддаи бавл камудат рангға моил бўлур. Зероки, иссиқ модданинг уфунати туршбўй эҳдос ҳам қилмас ва совуқ модданинг ругубати ғаризаси ҳарорати ғариба бирлан жамъ келмоғи ҳам мумкин эрмас. Бас, заъам келдики, ҳарорати ғаризийянинг камаймоғи бурудати табиийға мусталзим ва ҳарорати табиийяни бурудати ғариба бирлан ижтимоъи тағойири ҳайсийят жиҳатидин мумкиндур. Ва албатта бўйи турш ҳарорати ғаризийянинг заиф бўлгонидин ҳодис бўлгонлиги собити қатъий бўлур.

Аммо бавл йўлида бўлгон яра ҳеч вақт бўйи турш эҳдос қилмас. Ва инчунин моддадин ориз бўлмоғон ғайри моддий касалларда ҳам бўйи турш ҳосил бўлмас.

Аммо бешинчи навъ бўй андак ширинликға моил бўлур. Ва бу бўй албатта қоннинг ғалабасига далилдурки, бошқа моддадин ҳаргиз бўйи ширин ҳосил бўлмас.

Ва олтинчи навъ бевўйликдурки, касалнинг ибтидосидин бошлаб бавлда ҳаргиз бўй бўлмас. Ва бу бевўйлик мизожда совуқни зиёда ғалабасиға ва моддани хомлигиға ва ҳарорати бухорийяни камлигиға далилдур.

Ва еттинчи навъ бебўйликдурки, аввало бавлда бадбўйлик ориз бўлуб, сўнгра якбора ул бадбўйлик зоил бўлуб, бебўйлик ҳосил бўлур. Ва баданга роҳат ва енгиллик ҳосил бўлур. Ва бу бавл уфунатни дафъатан зоил бўлғониға далолат қилур. Ва мизожда совуғлик ҳосил бўлғониға аломатдур. Чунончи уфунатдин ориз бўлгон иситма касалларда худ-бахуд зўр исҳол воқеъ бўлур. Ва ё давои боридаи мусҳилалар бирлан исҳол қилинур. Ва шул сабаб бирлан уфунатлик модда мундафиъ бўлур. Ва боиси уфунат бўлган ҳарорати ғариба ҳам басабаби исҳоли модда мунтафий ва сокин бўлур. Шунинг учун мизожда ҳам бурудат дафъатан ҳосил бўлур.

Ва саккизинчи навъ бебўйлик шулки, еттинчи навъ каби аввало бадбўй бўлуб, сўнгра дафъатан бебўйликға ўзгарилур. Лекин сўнгидин роҳат ва хиффат пайдо бўлмас. Ва бу ҳол шиддатлик иситма касалларда ориз бўлур. Ва ҳароратнинг ғалабаси бирлан ҳарорати ғаризийяни таҳлил топғониға ва қувватни соқит бўлғониға ва аҳволи баданнинг хатарноклигиға далилдур.

БЕШИНЧИ ФАСЛ БАВЛ САФОСИ ВА КУДУРАТИ ВА МИҚДОРИ ВА КЎПУГИНИНГ ДАЛОЛАТИ БАЁНИДАДУР

Аммо бавлнинг кудурат ва хийранглигиға сабаб моддаи арзийят бирлан бодни мураккаблигидурки, ул бод моъийятға мухталит бўлгон бўлур. Ва аммо бавлнинг сафосиға сабаб кудуратнинг зидди ва хилофидур, яъни анда моддаи арзийят кам ва бодни моъийят бирлан мухталит бўлмаслиги сабабдур. Албатта даражаи мўътадил ҳам маълумдурки, бавлда зиёда сафолик ва зиёда кудуратлик бўлмаслиги бавлни мўътадиллигидур. Ал-ҳол сафо ила кудуратнинг маънисини машруҳан баён қилурман.

Билмоқ керакки, сафолик бир ҳолатедурки, жисми сайёлға кўзнинг қуввати нуфуз қилмоғи осонлик ила мумкин бўлур.

Аммо кудурат бир ҳолатедурки, жисми сайёлға кўзни қувватини нуфузи осон бўлмас. Ва таъаммуқ назар бирлан мумкин бўлур.

Ва билмоқ керакки, урфи оммада соф бирлан шаффоф бир-бирига муродиф бўлуб, ҳар иккисини бир маънога итлоқ қилинур. Аммо истилоҳи хоссаи атиббода ҳар икки лафзнинг миёнасида фарқ бордур. Чунончи соф лафзи жисми сайёлға махсусдур. Чунончи холис сув каби. Аммо жисми ғайри сайёлға, чунончи оинаға соф лафзи итлоқ қилинмас. Ва истилоҳи атиббода жисми сайёл ўзини орқасидаги нимарсани кўринмоғи учун монёъ бўлмаслиғи шарт эрмас. Аммо урфи оммада шартдур. Аммо бахилофи шаффофки, ани жисми сайёл ва ғайри сайёлға итлоқи умумийдур, лекин ани орқасидаги нимарсаға ҳоил ва кўрмоқға монёъ бўлмаслиғи шартдур.

Бас, маълум бўлдики, истилоҳи хоссаи атиббоға назаран соф бирлан шаффофни ва кудурат бирлан ғализнинг миёнасида улум ва хусус мин важҳ собитдур.

Ва ғализ бўлмоғон кудурат бирлан кудурат бўлмоғон ғализнинг фарқи шулки, агар бавлнинг ҳамма ажзоси мухталит бўлса ва шаффофликдин холий бўлса, ул бавлни кадар ва кудуратлик дерлар, хоҳ ани қивоми ғализ бўлсин ва хоҳ рақиқ бўлсин. Лекин ғализ кадар кўпроқ воқеъ бўлур. Ва бул ғализнинг фақат қивоми қуюқ бўлур ва жавҳари хоҳ соф бўлсин ва хоҳ кудуратлик бўлсин. Ва ғализ софнинг мисоли хом тухумнинг оқидурки, ширадорлиги жиҳати ила ғализ ва кўз қувватиға монёъ бўлмаслиғи жиҳати ила софдур.

Ва билмоқ керакки, кудуратлик жисми сайёл ҳар чанд суюқ бўлса ҳам холис сувға нисбатан ғализ бўлмоғи лозимдур. Зероки кадарнинг кудуратиға жавҳари арзийянинг ихтилоти шартдур. Ва албатта жавҳари арзийянинг сувға ихтилоти баҳасби миқдор сувнинг филзатиға мусталзимдур.

Ва билмоқ керакки, кудурат зуҳурни ажзойи арзийяни сувға шу даража мухталит бўлғониға муяссар бўлурки, ул жавҳари арзийянинг ҳамма ажзоси сувнинг ҳамма ажзосиға баробар таралғон бўлса. Бовужуди ажзойи арзийянинг ҳар бири сув

ажжосининг ҳар бирининг жудо-жудо маҳсус ва ҳар бири ўзининг ғализлиги ва рақиқлиги бирлан намоён бўлуб турса. Ва яна арзий моддаси ранглардин бир ранг бирлан мутгасиф бўлса, токи шаффофликға монё бўлса, шундоғ мухталифнинг номи кадардур. Зероки кудурат сафонинг зиддидур. Ва кадарда сафонинг заволи лозимдур. Бас, агар ажзойи арзийянинг ихтилоти андоғ даражаға етган бўлсаки, камоли ихтилотидин ажзойи арзийя бирлан ажзои моъийятни кўз қуввати бирлан жудо-жудо эҳсос қилмоқ мумкин бўлмаса, ани номини ғализ дерлар ва кадар демаслар. Ва агар ажзойи арзийя сувни ҳамма ажжосига баробар таралгон мухталит бўлмай, балки ажзойи арзийя сувнинг тагида росуб ва алоҳида ва таҳнишин бўлса ва сув ажжоси ани устида алоҳида турса, ани номини рақиқға мураккаб ғализ дерлар ва кадар демаслар. Ва инчунин агар ажзойи арзиянинг ихтилоти сув ажжосини ҳаммасига таралгон бўлса, лекин кўзға бу ажзойи арзияни сув ажжоси сабаб сув ажжозлигининг маҳсус бўлмаса ва кўз қувватининг нуфузиға монё ҳам бўлмаса, ани соф дерлар ва кадар демаслар. Зероки жисми кадарнинг хоссасидурки, ани ҳамма ажжоси кўз қувватининг нуфузиға муташобиҳ ул-ажжоз бўлмас, балки орқасидаги ажжозни кўрмоққа ҳоил ва монё бўлур албатта.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бавли кадар аксар вақтда қувватнинг соқит бўлғониға далолат қилур. Зероки агар қувват соқит бўлса, бурудат ғалаба қилур. Ва ғалабаи бурудатнинг натижаси инжимоди рутубатдур. Ва инжимод мусталзими кудуратдур. Ва бавли кадарки, бузулгон шаробнинг рангида бўлса, бўғоз хотинлар учун лозимаи табиийядур. Аммо эркаклар ва бўғоз бўлмаган қиз болаларға воқеъ бўлса, аларнинг ичагида эски вақтдин варами гарм ориз бўлғонлигиға далилдур. Ва агар кадарни ранги гўё эшакни бавли сувға мураккаб бўлғониға ўхшаш кўринса ва таркибини шиддатидин гўё бавлда тахалхул ва ҳаволликлар борға ўхшаб кўринса, баданда ахлотни фасодиға далолат қилур. Ва аксар бу фасод хом балғамға ориз бўлурки, бавл сувини ҳарорати анга асар қилгон бўлур. Ва ҳам боди ғализ пайдо қилгон бўлур. Бинобарин ҳам балғам ила боди

ғализдин мураккаб бўлгон моддани сувға ихтилотиди гўё дурда каби сувдин жудолик маҳсус бўлур, лекин дурда каби таҳнишин бўлмас. “Ли-хиффати-р-риху ъани-л-моъи ва-л-моддати”.

Бас, бавли мазкур сабабларнинг иттифоқиға назаран гоҳи ҳозирда мавжуд судоъ, яъни бош оғриғи борлиғиға далил бўлур. Ва гоҳи мин баъд ориз бўладургон бош оғриғиға далили мунзир бўлур. Ва андин пайдо бўладургон варами сарсоми балғамий ориз бўлмоғиға мунзирдур.

ТАНБИХ. Билмоқ керакки, бавлнинг ранги аъзои бадан жумласидин бир узвининг рангиға мушобиҳ бўлса ва узоқ вақтғача шул рангда боқий турса, ўшал узвда бир офат мавжудлиғиға далолатдур. Зероки ҳар узвнинг фазласи шул узвға мушобиҳ рангда бўлмоғи лозими табиийдур, токи ул узвға жузви ҳақиқий бўлмоқға қобил бўлғай. Ва бавлнинг бир узвға мушобиҳ бўлмоғи то шул узвдин фазла келуб, бавлға қўшилмаса бошқа сабаб бирлан бу ташобух муяссар бўлмас. Бас, ул узвдин кўп миқдор фазла келуб, бавлға қўшилмоғи ул узвнинг ғоят даражада заифлигини исбот қилур. Чунки агар ани қуввати собит бўлса эди, ўзиға зарар бўлгон ғизои баданийясининг асло қолдирмай батамом жазб қилгон бўлур эди. Зероки фазладин мурод мазкур узвнинг тайёрланган моддаи ғизодин мунжазиб бўлмай қолгон сур ва салқутдурки, ночор бавл йўлиға мундафиъ бўлур. Ва фазланинг ранги ушбу мазкурға мушобиҳ бўлмоғи ҳам ғизолик жиҳатидиндурки, агар мазкур узв ўзиға жазб қилса, анга ҳамранг ва ҳамжиис бўлмоқға тайёр бўлгон моддадур.

Ва ҳақим Жолинус дебдурки, бавлики ранги аъзойи бадандин бир узвининг рангиға ўхшаш ёки ул узвнинг жавҳариға ўхшаш бўлуб, шу ҳолда давом қилса, бундоқ бавл мазкур узвнинг эриб, бавлға қўшилуб турғониға далилдур. Ва баъзи аҳли тажрибалар дебдурларки, қоруранинг тагида булутға ва ё тутунға ўхшаш нимарса пайдо бўлса, ридоъати маразға далилдур. Ва бу ҳол доимий боқий турса, ўлимнинг нишонасидур. Ва бавлики, ажзоси мухталифа бўлуб, анда ажзойи кибор, масалан, кепак ва тариқ ва қўноқ доналаридек ва андин

ҳам катта жисмлиқ физо кўп мухталит бўлса, бундоқ бавл қуввати табиийяни бағоят бақувватлиғи ва масомларнинг очик ва кенглиғи ва табиат моддаи фазлияни батариқаи бавл дафъ қилуб турғониға далилдур.

Эмди бавли қадарнинг лавоҳиқининг баёнидин фориг бўлдук. Бас, миқдори бавл баёниға шуруъ қилурмуз.

Чунончи муаллифи “Қонунча” ҳаким Чағминий дерларки, бавлнинг кам миқдорда келмоғи ё қувватнинг заифлиғиға ва ё бадандин рутубати мойиянинг кўп таҳлил топқониға ва ё моддани масона йўлидин бошқа тарафға мутасарриф бўлғониға далилдур, дерлар. Зероки бу уч навъ қиллати бавли касир ул-вуқуьдур. Бинобарин муаллиф шул уч навъни баёниға иктифо қилғондурлар. Аммо фақир баъзи қалил ул-вуқуъ навъларни ҳам азбаройи тазкири қорийин учун қўшуб етти навъ бирлан баён қилурман.

Бас, қиллати бавлнинг сабаблардин бири шулки, сув ёки сувлик нимарсаларни камроқ ичулса ва бадандин баъзи модда ва рутуботни эритуб, бавлға қўшмоқға таъсир қилғувчи ҳароратлардин ҳам муъарро ва холий бўлса, бас, би-з-зарур бавл камроқ келур. Ва бу навъ тақаддум сабабдин ҳам маълум бўлур. Ва яна агарчи ҳарорат бўлмаса ҳам бавлни зиёда рангдорлиғи бунга шоҳид бўлур. Ва зиёда рангдорликнинг сабаби моъийятни камлигидур. Зероки бавлни рангдор қилғувчи моддаи мухталитнинг миқдори бенуқсондур, балки фақат моъийят миқдорида нуқсон бўлғондур. Ва маълумдурки, бўялғувчи моъийятнинг миқдори кам бўлса анга бўялғувчи модда қолиброқ бўлур.

Ва иккинчи навъ қиллати бавлнинг сабаби бадандин моъийятни кўп миқдор таҳлил топмоғидур. Ва бу сувратда барча сувни одатдаги миқдорда балки андин зиёда ичилса ҳам бавл кам келур. Чунки баданға дохил бўлғон моъийятнинг аксар миқдори ҳавоға мубаддал бўлуб, таҳлил ила муртафиъ ва мунъадим бўлур ва оз миқдориғина масонаға мундафиъ бўлур. Бас, би-з-зарур бавл кам миқдор келур. Хоҳ таҳлилға сабаби зоҳирий бўлсин ва хоҳ ботиний бўлсин баробардур.

Чунончи зоҳирӣ сабабнинг назири баифрот меҳнат ва ҳаракатдур. Ва ҳавонинг иссиғлигидур. Ва ботиний сабабнинг мисоли мизожни ифрот даража ҳароратидур, бидуни руҳ. Бас, сабаби зоҳирӣда меҳнат ва ҳаракат ва ҳавоӣи гарминг тақаддуми шоҳиддур. Ва яна аксари бавл ҳиддатлик ва иссиқ булуб келур. Ва сабаби ботиний агар иситманинг ҳарорати ва бунга ўшаш нимарса сабаб бўлгон бўлса ани тақаддуми ҳам далилдур. Ва агар-ҳарорати мизожийя ва руҳ сабаб бўлса баданга ориғлик ва нозуклик пайдо бўлурки, далили сотиъдур. Ва ҳам бавлда тафл ва дурда камроқ ва шаффофроқ ва норӣи ранг бўлур.

Ва учинчиси шулки, агарчи баданда моъийят кўп миқдорда бўлса ҳам, лекин бошқа тарафга мунсариф ва моил бўлур ва масона тарафга камроқ қолур. Шунинг учун бавл кам келур ва моъийятнинг бошқа тарафга майлони оммдурки, хоҳ батариқаи истифроғ бўлсин ва хоҳ беистифроғ бўлсин. Агар батариқаи истифроғ бўлса, хоҳ истифроғ бадани зоҳирдин бўлсин ва истифроғи зоҳирӣининг мисоли кўп терламоқдур. Ва истифроғи ботинӣининг мисоли кўп қай ва кўп исҳолдур. Аммо моддани бошқа тарафга беистифроғ моил бўлмоғи эҳтимолдин холий бўлмаски, ё тафарруқи иттисолға тобеъ моил бўлур ва ё анга тобеъ бўлмас. Яъни ёрилгон жойдин ўтуб, бир тарафга сайлон қилгон бўлур. Чунончи буйракдин то масонагача мажройи бавл бўлгон буронж исмлиқ томур ёрилуб, бавл ул ёрилгон жойдин ўтуб, батннинг жавфиға тушуб, анда муқтабиз қолур. Бас, агар ул ёрулгон тешук андак ва танг бўлуб, андин батнға ҳам катта миқдор бавл моил бўлса, ани миқдорӣа нисбатан бавл кам келур. Ва агар ёрулгон тешук катта бўлуб, андин бавл тамоми батнға тўкулса, меътод ва махраждин ҳеч бавли келмас. Бас, тафарруқи иттисол қайси даражада бўлса ҳам бу қисмда дафъатан истисқои зиққий ориз бўлур. Ва модданинг тафарруқи иттисолға тобеъ бўлмай бошқа тарафга моил бўлғониға мисол моддани бош тарафга суъуд қилмоғидур. Би-л-жумла моддани бошқа тарафга майлонидин бўлгон қиллати бавл хоҳ баистифроғ ва хоҳ беистифроғ бўл-

син, аксар бавл мазкур рақиқ ва камранг ва бетафл бўлур. Ва яна модда қаю тарафга моил бўлгон бўлса, ул тарафда зоҳир бўлгон аломатлар ҳам шоҳид бўлур. Масалан, зоҳири баданнинг нами ва надовати кўп тер воқеъ бўлғониға далолат қилур. Ва батннинг сақли ва ичакни мижғигони исҳолга далилдур. Ва бош оғриғи ва бошда маҳсус бўлгон оғирлик моддани бошга суъуд қилғониға далилдур. Ва дафъатан истисқои зиққий ориз бўлмоғи буронж томуруни ёрилғониға далилдур. Аммо буронж томуруни ёрилғонидин бўлгон қиллати бавлни ранги камранг бўлмоғи лозим эрмас. Ва майлони маводни зикрида лафзи аксарни қайд қилгон эдим, токи қиллатиранг ҳукмидин бу қисмнинг истисноси мумкин бўлғой.

Бас, бу навъи қиллати бавлда ранги кам бўлмаслиғиға сабаб шулки, бавлни бўяғувчи модда моъийятдин ажраб кетган эрмас, балки табиий тариқада моъийятга мураккаб бўлуб, ани бўяғондур. Фақат бўялгон бавлни баъзи қисми батн жавфига тўкилуб, баъзи боқийси шул бўялгон ҳолича масонаға келгондурки, анда ранги табиий собитдур. Бахилофи бошқа хил тамаййулда бавлни бўяғувчи модданинг ўзи ўз латофати ва рутубати табиийя бирлан ҳаракати сабаблик бошқа тарафга мунсариф ва моил бўлур ва жигарда холис моъийят боқий қолур. Бас, ани жигар масонаға дафъ қилур. Бинобарин қиллати лавн аларға лозимдур.

Ва тўртинчи навъ қиллати бавлнинг сабаби суддадур. Ва юқорида такроран зикр қилиндики, агар мажройи бавлда суддаи ғайри томми балғамий воқеъ бўлса, моъийятни бўяғувчи моддаларға мажройи мазкур масдуд бўлуб қолур. Ва фақат моъийятғина батариқаи тарашшуҳ сингуб ўтар. Бинобарин қиллати бавл воқеъ бўлурки, баъзи ажзойи бавл бўлгон моддалар муҳтабис бўлуб қолгондур. Ва бу навъ қиллати бавлға беранглик ва беқивомлик лозимдур. Ва яна масдуд бўлгон маҳалда оғирлик ва тамаддуд ҳам маҳсус бўлмоғи бунга далилдурки, муҳтабис бўлгон моддаи мужтамиъанинг асари лозимасидур. Лекин қиллати бавлни бағоят камлиги ва ё андак камроғлиси ва ранги бавлни ҳам мутлоқо беранг ва ё кам-

ранглиги ва қивоми бавлни ҳам мутлақо беқивом ёки кам қивомлиги мазкур судданинг шиддати ва заъфиға назаран тафовутлик бўлур.

Ва сақл ва тамаддуднинг ҳам кўп ва ё кам эҳсос қилмоқ баҳасби ишдидоди судда тафовутлик бўлур.

Ва бешинчи навъ қиллати бавлнинг сабаби буйракни ва масонани қуввати дофиъаси заиф бўлмоғидур. Зероки агар буйрак ва ё масона ўзида мавжуд бўлгон моъийятни тамом дафъ қилмоқдин ожиз бўлса, ночор бақадри ҳол дафъ қилур, бинобарин қиллати бавл воқеъ бўлур. Бас, агар буйракнинг заифлиги сабаб бўлгон бўлса, буйракни мавзъида оғирлик ва тамаддуд маҳсус бўлур. Агар масонанинг заифлиги сабаб бўлгон бўлса, ўнада, яъни қовуқда варам ва интифох маҳсус бўлур ва бавл андак-андак келур. Ва бир кунда кўп мартаба келур. Би-л-жумла хоҳ буйрак заифлиги ва хоҳ масона заифлигининг ориз бўлгон қиллати бавлда бавлни нузули қийинроқ бўлур.

Ва олтинчи навъ қиллати бавлнинг сабаби шулки, буйракнинг қуввати жозибаси заиф бўлур. Ва жигардин моъийяти фазлияни лозимича жазб қилолмас. Ва ночор бақадри тоқатгина жазб қилур. Бинобарин қиллати бавл ориз бўлур. Ва навъда сақл буйракда камроқ маҳсус бўлур ва жигарда ҳам сақл камроқ бўлур. Лекин гоҳи баданда тараҳхул ва сустлик пайдо бўлур. Зероки буйракға жазб қилинмай жигарда қолгон моъийят қонға кўшилур, жигардин баданға таралур қонға ғалаба қилур. Ва оқибат истисқо ориз бўлур.

Ва еттинчи навъ қиллати бавлнинг сабаби жигарнинг қуввати дофиъаси заифликдур. Ва бу навъда жигарда сақл ҳам маҳсус бўлур. Ва ҳам жигарнинг ҳолига бошқа фасодлар зоҳир бўлур. Ва гоҳи ҳаттоки тамоми баданда фасод зоҳир бўлур. Зероки жигарни қуввати дофиъаси заиф бўлгонда қуввати моъийяти фазлийани масона тарафға дафъ қилмоқдин ожиз бўлур. Мазкур моъийятлар ночор баданға таралур баданда истисқо қасали эҳдос қилур.

Ва аммо бавлни кўп миқдорда келмоғиға соҳиби “Қонун-

ча” Чағминий икки хил сабаб кўрсатибдурларки, бавлни кўп миқдорда келмоғига сабаб ё баданнинг эриб бавлға қўшилиб келмоғи сабаб бўлур ва ё бадандин фазлаи зоида истифрoғи сабаб бўлур дебдурлар. Ва шул икки хил сабабға ихтисор қилибдурлар.

Энди биз олти хил сабаб бирлан муфассал баён қилурмуз, токи қорийни китобға ҳеч важҳдин асари хифо қолмасин.

Бас, билмоқ керакки, бавлни кўп миқдор келмоғи учун олти хил сабаб собитдур.

Биринчи сабаб шулки, сувни зиёда миқдор ичилса, хоҳ танҳо ва хоҳ бошқа шароб ва таом бирлан қўшуб пишируб ичилса, ё серсув нимарсалар, масалан, тар мевалардин, хусусан тарбуздин кўп миқдор тановул қилинса би-з-зарур бавл кўп миқдорда келур. Чунки аларда ҳам сув кўпдур ва баданда ҳам мавжуд бўлгон рутуботи мойияни батариқаи идрор қилмоқ тарбузни хосиятидиндурки, мудирри бавлдур.

Ва иккинчи сабаб шулки, совуқ сувда гусл қилмоқ ва ё совуқ ҳавода мулоқот қилмоқ бирлан зоҳири баданға такошуф ва дуруштлиқ пайдо бўлур ва зоҳири бадандаги масомларға судда ориз бўлур. Ва шул сабаб бирла бадандин батариқаи таҳлил хориж бўлуб турган бухороти мойиялар баданда муҳтабис бўлуб ночор батариқаи бавл хориж бўлур. Бинобарин миқдори бавл зиёда бўлур. Ва қиш вақтидаги касрати бавл шул бавлдиндур. Ва совуқ сув бирлан гусл ёки совуқ ҳавоға мулоқотни тақаддуми ва зоҳири баданда такосуфни вужуди бунга далилдур.

Ва учинчи сабаб шулки, кўп вақтғача беҳаракатлик ва сокинлик ҳолати иттифоқ келур. Ва шул сабаб бирлан таҳлил ила фано бўлмоғи лозим бўлгон рутубатлар таҳлил топмай йиғилиб қолур ва бавлға қўшилиб келуб касрати бавл эҳдос қилур. Ва бу навъ касрати бавлға беҳаракатлик ва муъаттали баданнинг тақаддуми ҳам шоҳид бўлур.

Ва тўртинчи сабаб шулки, рутубати баданийя эруб масонаға ва бавлға қўшилиб келуб бавлни касрати миқдориға боис бўлур. Ва бу ҳолат зўр иситмада ва таби диққда воқеъ бўлур.

Ва бешинчи сабаб шулки, баданда фазла миқдори табиийдин зиёдароқ ҳосил бўлур. Бас, табиат ани бўҳрон тариқасида бавл йўли бирлан дафъ қилур. Бинобарин бавлда касрати миқдор ҳосил бўлур. Ва бу навъ бавл касрати рутубати фазлийнинг осоридин ҳам маълум бўлур ва ҳам бўҳрон кунидагина касрати бавл воқеъ бўлур.

Ва олтинчи сабаб шулки, бавлни кўп пиширгувчи мудирр даводин истеъмол қилинур. Ва давони идрори касрати миқдори бавлға сабаб бўлур. Ва билмоқ керакки, рутубати баданийнинг эриб келмоғидин ҳодис бўлгон касрати бавлнинг нишоан хоссаси шулки, кундин кунға баданда ва қувватда заифлик зиёда бўлур. Ва бадан яллиғ бўлуб, қизуб турар. Ва бавлни бўйи ҳиддатлик ва ранги рангин бўлур. Аммо бошқа анвоъи бу аломатлардин пок ва холий бўлур. Аммо муътадил миқдор бавл ҳамма асбобнинг табиат мажросиға мувофиқ жорий эканиға ва бадан ҳоли ва яхши табиат ҳолатида эканиға далилдур.

Аммо бавлнинг кўпиги кўпроқ вақт зоил бўлмай боқий турмоғи бавлнинг лузужатиға ва касифлигиға далилдур. Ва кўпикнинг кўплиғи боди ғализ борлигиға далилдур. Ва шул қадар мазмуни мутуни мотининдур.

Аммо дарвиш¹ кўпикни қаю тариқа ҳосил бўлмоғини баъзи фавоиди мутаъаллиқаси бирлан тафсиран баён қилурманки, ҳар жисми латифийки, камоли латофатидин вазни рутубати сайёлаға назаран енгил, бинобарин ани шаъни тасаъуд, яъни рутубати сайёлдин юқорида турмоқға муқтазий бўлса. Бас, шул жисми латиф агар рутубати сайёлаға чунон мухталит бўлсаки, бир-биридин ажраб кетмоғи мумкин бўлмаса. Бас, жисм ўзини латофати ва тасаъуди бирлан рутубатни устиға чиқар. Лекин ихтилоти сабаблик анга нисбатан рутубатни фи-л-жумла ғализлиги сабаблик андин тамом ажраб кетолмай мухтабис қолурки, бу ҳолатнинг номи кўпикдур.

Ва билмоқ керакки, бул тариқада бир-биридин ажрамоғи

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

мумкин бўлмоғон жисм кўпиги шул вақтдағина мавжуд бўлурки, жисми латиф майда ажзоларға бўлиноуб, сўнгра рутубатға чунон мухталит бўлсаки, ани ҳамма атрофидин рутубати мазкур ихота қилгон бўлсаки, хорижға чиқиб кетмоқ учун жисми латифға ҳеч тарафдин йўл қолмаса ва рутубатни ёриб чиқмоқ учун қодир бўлмаса ва рутубат ҳам ўзидаги андак ғализлиги сабабидин жисми латифнинг устидин ажраб пастға нузул қилмоғиға ғилзати монеъ бўлуб ёрилмаса, шул ҳол кўпикдур, мутлақо, яъни урфи оммада кўпик деб таъриф қилинур. Аммо истилоҳи атиббода ул муҳтабис жисми латифнинг майда ажзоларини забад дерлар. Ва каттасини убаб бизамми айни муҳмала ва фатҳи бои муваҳҳадаи увло ва сукуни соннийя дерлар. Ва бағоят катта ажзоликни ҳабуб би-л-фатҳи ва-з-замми дерлар. Бас, мазкур тариха ихтилот ва ихтибослик жисми латиф кўпикдур. Хоҳ ул жисми латиф ҳаво бўлсин, хоҳ риҳ, яъни боди ғализ бўлсин ва хоҳ руҳ бўлсинки, ҳаммасини номи кўпикдур.

Лекин ҳар бирини бир мисол кўрсатиб, фарқини исбот қилмоқ лозимдур. Аммо рутубатға ҳавони ихтилотидин ҳосил бўлгон кўпикни мисоли баланд жойдин пастға тушуб тургон сувнинг кўпигидурки, пастда тургон сувни устиға баланд жойдин тушгон сувни офирлигидин етган шиддатлик зарбанинг таъсири бирлан бир чуқурлик ҳосил бўлуб, ани ичиға сув киргандин сўнгғи тушгон сув ҳавони устидин келуб, ихота қилур. Ва мазкур ҳавои мухталити муҳтабисдин кўпик ҳосил бўлур. Аммо рутубатға боди ғализ мухталит бўлгонға мисол шули, ичи қароқур ила қулдираб исҳол ҳосил бўлгон кишининг нажосатида пайдо бўлгон кўпикдурки, ичакда ҳосил бўлгон боди ғализлар рутубати фазлийяға мухталит ва муҳтабис бўлгонидин ҳосил бўлгондур.

Ва аммо рутубатға руҳни ихтилоти бирлан ҳосил бўлгон кўпикнинг мисоли бўғилгон ҳайвоннинг оғзида пайдо бўлгон кўпикдурки, нафаснинг эҳтибоси ва тарвиҳи насимдин бебаҳралиги сабабдин куюб кетган руҳ ўпканинг жирмидаги рутубатға мухталит бўлуб, ўзини ҳарорати бирлан ҳажми катта

бўлуб, ўз макониға сигмағони сабаблик ўпка ва кекирдак масомларидин тарашшуҳ бирлан тошиб чиққан руҳи фосиддур. Ва бу кўпик ўлимнинг аломатидурки, руҳ муҳтариқ ва фосид бўлғондур.

Ва билмоқ керакки, рутубатга мухталит бўлуб кўпик бўладурган жисми латиф гоҳи шул рутубатнинг зотида пайдо бўлур. Ва хориждин келиб қўшилмас. Ани табиат иқтисосича тағаййуроти олами аносирнинг бири сув унсури ҳаво унсуриға бил-акс ҳаво сувға мубаддал бўлуб турмоғи умури табиийядин экани мабҳаси арконда муфассал мазкур бўлғондур.

Ва маълумдурки, бу табаддули ҳарорат ва бурудатнинг таъсиридин ҳосил бўлур, яъни ҳарорат таъсиридин сув ҳавоға мубаддал бўлур. Ва бурудат таъсиридин ҳаво сувға мубаддал бўлур. Бас, ҳарорат сабаби бирлан рутубатнинг баъзи латиф ажзоси ҳаво бўлуб, мазкур рутубат бирлан мухталит бўлғони учун кўпик ҳосил бўлурки, қайнамоқдаги кўпикдур, хоҳ ул ҳарорати мазкур рутубатнинг ҳарорати зотийясидин бўлсин ва хоҳ хориждин, масалан, олов ва офтобнинг ҳароратидин бўлсин ва ҳарорати таҳрикийядин бўлсин. Масалан, хориждин бўлмай фақат ҳарорати зотийя таъсиридин ҳосил бўлғон кўпикни мисоли мевалар сувидин шароб ва сиркаларнинг кўпигидурки, олов ёки офтоб ва бошқа нимарсалардин мутаассир бўлмай, фақат ўз зотидаги ширанинг ҳарорати табиийяси бирлан қайнаб кўпик ҳосил қилур. Ва хорижи ҳароратнинг таъсири бирлан пайдо бўлғон кўпикнинг мисоли оловда қайнағон сувнинг кўпигидур. Ва ҳарорат таҳрики бирлан ҳосил бўлғон кўпикнинг мисоли электрик қуввати бирлан қайнағон сувнинг кўпигидур.

Ва маълумдурки, жамийки мавжудот аносири арбаъадан мураккабдур. Ва унсури норий ҳаракат ва молиш бирлан қувват ҳосил қилур. Бинобарин ҳар нимарсада ҳаракат ва молиш кўп бўлса, ани унсури норийси қувват ҳосил қилуб, бошқа аносириға ғолиб бўлур. Ва анинг учун ул жисмда ҳарорат ҳосил бўлуб қизиб кетар. Бас, электрик қуввати шул ҳарорат таҳрикидин иборатдурки, чархнинг бағоят тез айланмоғидаги ўқни

турмаға молишидин ҳосилдур. Аммо саръ, яъни қуянчиқ касалининг шиддатлик вақтида соҳибининг оғзидин пайдо бўлгон кўпик ҳам рутубатға ҳавонинг ихтилотидин ҳосил бўлур. Ва риҳни ёки боди ғализни дахли йўқдур. Баинтариқаки, ул вақтда димоғдин табиатнинг дафъи бирлан рутубат нозил бўлур. Ва шул вақтда истиншоқ бирлан тортилгон ҳаво мазкур рутубатға муқобил боруб, анга монеъ бўлмоқ тариқи бирлан рутубат миёнасиға нуфуз қилуб, шул тариқа бирлан анга мухталит бўлур. Бас, шул мураккабдин кўпик ҳосил бўлур. Магар одамики, агар шул касални тутган навбатида ҳалок бўлгон бўлса, касални шиддати бирлан ани руҳи ҳам куйуб, мазкур рутубатға андак мухталит бўлмоқ эҳтимоли мумкиндур. Лекин аксарда бу ҳалокатнинг сабаби руҳи нафсонийяни ихтибоси ва бадан тарбиясидин ожизлигидур, куйуб фосид бўлгонидин эрмас. Аммо садади баёнда бўлгон бу кўпикнинг ҳудуси фақат баданда пайдо бўлуб, бавлға мухталит бўлуб келгон боди ғализдин бўлур. Ва руҳ ва ҳавони асло дахли йўқдур. Ва инчунин бавлни қорураға солгон вақтда қорурада маҳсур бўлиб тургон ҳавони ихтилоти бирлан ҳосил бўлгон кўпик ҳам имтиҳон эътиборидин хориждур. Ва инчунин бавлни қорурада чайқатилгон ҳаракатидин ҳосил бўлгон кўпик ҳам ҳаво кўпигидурки, эътибордин соқитдур. Шунинг учун атиббо дерларки, аҳволи баданға ҳукм қилмоқ учун мўътабар кўпик шундоғ кўпикдурки, қорура ҳаракат қилмоғони ҳолда ўзича ҳосил бўлғай. Ва бавлни қорураға солгондин сўнг бир лаҳза тўхтатуб туруб, сўнгра кўрмоқ керак, токи бавлни қорураға тушгон ҳаракатидин ҳосил бўлгон эътиборсиз кўпик ўчиб тамом бўлғай. Зероки бу кўпик қорурани беҳаракат турғонида зуд ўчиб, фоний бўлур.

Аммо боди ғализнинг ихтилоти бирлан пайдо бўлгон кўпик тез ўчмас, балки андак таваққуф бирлан қоруранинг тагида бўлгон бавлға мухталит бодлар ҳам батадриж юзага кўтарилиб, кўпик зиёдароқ бўлур. Бас, рутубатнинг қивомидаги даражасиға ва боди ғализнинг миқдориға муносиб кўпикни ҳажми ҳам миқдори, ҳам муддати бақоси мутафовут бўлур. Масалан,

асар рутубатнинг қивоми ғализ ва ширадор бўлуб, анга мухта-лит боди ғализ ҳам кўп бўлса, кўпикнинг ҳажми ҳам катта ва миқдори ҳам кўп бўлурки, ани номини убаб дерлар. Ва узоқроқ фурсат боқий туруб сўнгра ўчиб фоний бўлур. Ва илло баҳасби қивоми рутубат ва миқдори бод ҳажми майдароқ ва миқдори камроқ ва муддати бақоси қисқароқ бўлур.

Ва буйрак касалларида ҳодис бўлгон бавл кўпиги убаб бўлуб, нақадар кўп ададлик ва узоқ бақолик бўлса, шул қадар касални узоқ чўзилишига далолат қилур.

ПУКТА. Билмоқ керакки, бавл бирлан боди ғализ кўшилуб хориж бўлмоғи зарурийдур. Бас, агар бавлнинг қивоми кўпик пайдо қилмоқға муносиб ғализ ва лузужатлик бўлса кўпик пайдо қилур. Ва илло фало.

Ва бавлға боди ғализни таркиби зарурлиғини сабаби шулки, бавлни йўли бағоят мулойим махлуқ бўлгондур. Токи ани масонаға иттисоли яхши муносабатлик бўлғай. Ва мулойимлигинин бу мажро доим мунтабиқ бўлуб дохийий сатҳи бир-бириға пачоқ ҳолда бўлурки, мажро йўқ каби тешуксиз сувратда бўлур. Зероки доим тешуги очик вазиятда турмоқ сулб ва қаттиқ жисмнинг хоссасидур. Бас, бу мажронинг вазияти доим интибоқ ва берклик бўлғони сабабдин бавлға раҳбарлик ва мададкорлик учун Ҳакими Мутлақ бодни анга лозим ва зарури табиий қилгондур, токи ўзи ҳам рақиқ бўлғай ва бавл учун мажрони ҳам лозимича ечиб бергай ва бавлнинг дафъиға мададкор бўлғай. Ва бавл осонлик бирлан мундафиъ бўлғай.

ОЛТИНЧИ ФАСЛ РУСУБ, ЯЪНИ БАВЛНИНГ ДУРДАСИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, русубнинг таърифида “Қонунча” соҳиби Муҳаммад ибн Маҳмуд Чағминий дебдурларки, “ва ҳува кулли жавҳарин аглазу мина-л-моийяти мутамаййизун ёнҳо валав тааллуқа ав тафо”, яъни русуб жавҳаридурки, моийятдин ғализ ва моийятдин ажралгондур. Агар чандики, ул жавҳар қорура-

нинг миёнасида ёки қоруранинг устида тофий бўлса ҳам дебдур. Хулосаи калом шулки, мойиятдин ажралган жавҳар агар таҳнишин бўлса ани русуб демак мутаъорифга мувофиқлиги зоҳирдур. Агар таҳнишин бўлмай миёнада муаллақ турса ва бавлни устида турса ҳам фақат мойиятдин ажралғони учун истилоҳи атиббода ани ҳам русуб дерлар. Зероки ажзойи ғализни шаъни тарассуб ва таҳнишин бўлмоқдур. Ва тасмия учун умури феълий бўлмаса ҳам умури шаъний кофийдур.

Бинобарин Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳ айтибдурларки, “истилоҳ ул-атиббо фий истиъмоли лафзи-р-русуби ва-т-тафли қад зола ʻани-л-мажро ит-табийи ил-мутаъориф ли-аннаҳум йақулуна русубун ламмо ла йарсабу”, яъни русуб ва тафл лафзининг истиъмолида атиббонинг истилоҳлари маълум мажройи табиийдин зоил бўлубдур. Зероки алар таҳнишин бўлмоғон нимарсани алар таҳнишин деб ном қуюрлар, дегондурлар. Бинобарин бавли русубийнинг ақсомини баён қилмоқдин бурун истилоҳи атиббода бу мақомдин таъйини мурод баён қилмоқ ва сўнгра баёни ақсом қилмоқ муносибдур, токи нозирини китобга иттилоъ барважҳи аҳсан ҳосил бўлғай.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳаким Чағминийнинг қавллараридаги “ва ҳува кулли жавҳарин”нинг иборасидаги жавҳардин муродлари жинси бавлға мушобиҳ жавҳари ғариба демақдур ва худ жинси бавл мурод эмас. Токи таърифи жинси бавл бўлғон ва бавлға ранги табиий ва қивом эҳдос қилғувчи жавҳари табиийдин мустасно бўлғай. Ва яна мусаннифнинг “аглазу мин ал-мойияти” қавллараридаги мойиятдин муродлари русуб ажрағонда ва русубдин жудо бўлуб бавлда қолғон мойиятдур. “Ва мина-л-мойият”даги алиф ва лом баройи аҳддур. Ва бул иборат русубни мойиятга мухталит бўлғон боди ғализдин ҳам истисно қилур. Зероки боди мазкур ҳарчанд ғализ бўлса ҳам мойиятдин ажраб таҳнишин бўлмас, балки мойиятга мураккаб бўлуб турар. Ва агар сўнгра ажраса мутасоъид бўлуб, ҳавоға қўшилур ва дурдаға қўшулмас.

Ва мусаннифнинг “мутамайизун анҳо” деган қавлидаги гамйиздин мурод тамйизи маҳсусадурки, бавлдин ажраб

қоруранинг бир тарафида жамъ бўлгонлиги маҳсус бўлса. Ва илло бавлда бундин бошқа жавҳари табиийя ҳам бўлмоғи лозимдурки, бавлга муҳдиси лавн ва қивомдур. Ва лавннинг эҳдосида ҳам эҳсос бордур. Лекин бавлнинг ҳамма ажзосига шомилдур. Ҳар ажзоси баҳасби лавн маҳсус бўлса ҳам баҳасби макон маҳсуса ва қивом маҳсус эрмас. Бас, бу жавҳари табиий таърифдин мустаснодур. Зероки шак йўқдурки, агар чандики жавҳари мазкур ҳақиқатан ҳар чанд мойиятга нисбатан ғализ бўлса ҳам, лекин зоҳир жавҳар ила мойиятнинг миёнасида фарқи маҳсус эрмас. Фатааммул.

Ва махфий қолмасинки, русуб икки қисм бўлур: русуби табиий ва ғайритабиийдур.

Аммо русуби табиийни мотин таъриф қилурларки, “амма-т-табиийю фа-иннаҳу абйазу росиб муттасил ул-ажзо мутахалхалун латифун иза ҳаррака инбасата сарийан ва ла йасрау-н-нузул”, яъни русуби табиийнинг аксар ранги оқ бўлур. Ва қорурада таҳнишин бўлур. Ва ҳамма ажзоси мужтамиъ ва бир-бирига пайваста бўлур. Ва лекин мутахалхал ва мағзи ҳоволмонанд ва енгил бўлурки, андак ҳаракат қилдурулса тез пароканда бўлуб, тез мойиятнинг ҳамма ажзосига таралуб, мухталит бўлуб кетар. Аммо яна таҳнишин бўлмоқда тез таҳнишин бўлолмас. Балки батаанний таҳнишин бўлур, деб-дурлар. Бас, русуби табиийнинг таърифида муаллиф раҳматуллоҳу алайҳ мазкур неча сифатни баён қилуб, боқий неча русуби табиийнинг лозимаси бўлгон авсофдин сукут қилмишлар. Бас, фақир мазкур сифатларни ва “маскутун анҳу” сифатларни ҳар бирини ва баъзи фавоиди касирнинг ҳам қўшуб, иншааллоҳу таъоло, баён қилинур.

Ва махфий қолмасинки, русуб икки ҳолдин холий бўлмас. Чунончи ғизони ҳазми кайлус ва ҳазми каймуси салосасидин бирида ва ё ҳаммасида ғизодин ажрагон фазласи бўлур. Ёки ахлотнинг назжидин сўнг мундафиъ бўлур вақтида мазкур ахлот андин ажрагон фазласи бўлур. Ва бу русубни русуби табиий дерлар. Бас, агар комил ун-назж бўлса, ани русуби табиийи маҳмуд дерлар. Ва илло ғайри маҳмуд дерлар. Ҳосили

калом шулки, русуби табиий ҳам икки навъ бўлурки, маҳмуд ва ғайри маҳмуд бўлур.

Ва ё ҳазм физодин баъд аз назж ахлотдин ажрагон фазла бўлмай, балки ахлотнинг назж ҳосил қилур вақтида андин ажрагон фазлаи ғайри назижаси ва ё аъзонинг жирмидин ажраб, мундафиъ бўлгон жисми баданийя бўлур. Ва русубни ғайри табиийя дерларки, ани ҳамма ақсомини алоҳида баён қилурмуз. Ҳозир русуби табиийи маҳмуднинг беш хил авсофини баён қилинур.

БИРИНЧИ васф шулки, русубнинг ранги оқ бўлур. Ва башартики, ул русуб ҳазми жигардин ажрагон фазла бўлмас. Чунки ҳазми жигарнинг фазласи оқ бўлмас, балки қизил бўлур. Зероки ҳар ҳазми комилнинг фазласи шул ҳазмни маҳалли ва мавқеъи бўлгон узвнинг рангиға мушобиҳ ва ҳам ҳамранг бўлур. Ва зоҳирдурки, жигарнинг ранги қизилдур. Ва анда ажралган фазла қизил рангда бўлмоғи лозими табиийдур. Лекин бу фазла томурлардин ва масонадин ўтуб келмоғида томурлар ва масона ани рангиға таъсир ва тағйир қилғони учун ани қизиллиги чандон бўлмас. Лекин барҳарҳол қизиллик асаридин холий ҳам бўлмас. Шунинг учун ҳақим Қарший шул хусусда ёзгондурларки, “ас-сафлу-л-комил ли-баёзин ла йақуну мин фузули ҳазми-л-кабид”, яъни жуда оқ ранглик русуб жигар ҳазмининг фазласи бўлмас, дебдурлар. Аммо жигардин бошқа аъзони ҳазмидин ажрагон фазла албатта оқ ранглик бўлур. Зероки бу фазла ҳазми каймуси солисда ажралгон бўлур. Ва ё комил даража назж ҳосил қилгон хилтдин баъд аз назж ажрагон фазла бўлур.

Ва маълум бўлгондурки, ҳазми солиснинг камоли шул физони аъзойи аслиға рангда мушобиҳ ва монанд бўлмоғидин иборатдур. Токи анга физо бўлгонда жузви бадан бўлмоқға қобил бўлғай. Ва зоҳирдурки, аксари аъзони асли ранги оқдур. Бинобарин ани рангидин ажрагон фазласи ҳам оқ ранглик бўлмоғи вожиби табиийдур. Магар баъзи оризий сабаб бирлан рангин бўлса, ранги ориза маҳалли мақсуд бўлмас. Ва инчунин комил назждин сўнг ахлотдин ажрагон фазла ҳам албатта оқ

ранг бўлур. Зероки назжи ахлотнинг фоили қуввати ҳозима ва қуввати муғаййирадур. Ва ҳар икки қувватнинг феъли ҳам гизои аъзони худ аъзога мушобиҳ қилмоқдур. Ва аксар аъзонинг аксар ранги оқ ранг экани такроран мазкурдур.

ВА ИККИНЧИ васф шулки, фазлаи мазкур росиб бўлур, яъни таҳнишин бўлур. Чунки русуби табиийи маҳмуднинг жавҳари аъзога монанд бўлмоғи вожиби табиийдур. Ва зоҳирдурки, жавҳари аъзонинг шаъни арзийятни ғалабасидин сувда чўкмоқдур. Ва русуби табиийни баъзиси қорура миёнасида муаллақ ва баъзиси қорура устида тофий бўлмоғи жавҳари узвга тамом муносабат ҳосил қилмағонидин бўлур. Бинобарин русуби муаллақ ва русуби тофий агарчи русуби табиийдин бўлса ҳам, лекин маҳмуд эмас, балки ғайри маҳмуддур.

ВА УЧИНЧИ васф шулки, русуби муттасил ул-ажзо бўлур, яъни ҳамма ажзоси баҳадди тўда бўлурки, анга ҳеч нимарсани тадоҳули мумкин бўлмас. Зероки ажзойи мазкурни бир-биридин жудо турмоғи миёнага боди ғализ ҳулул қилғонидин ҳодис бўлур. Ва миёнага боднинг ҳулул қилмоғи нишонни маҳмудийят эрмас. Ва агар бод ҳулул қилғон бўлмаса “ла маҳола” ани ҳама ажзоси паст тарафга таҳнишин бўлуб, миёнада холий жой қолмас, “ли-имтиноъ ил-ҳулув”. Бинобарин ҳама ажзои русуб би-т-табъ қоруранинг тағиға чўкуб жамъ бўлурлар. Зероки русуб кайфийяти арзийят ҳосил қилғондурки, ани ҳар жузьининг шаъни тарассуб би-асфал, яъни таҳнишин бўлмоқдур ва гўё сувга солинғон тупроқнинг ҳамма ажзоси таҳнишин бўлуб, мужтамиъ бўлғони кабидур.

Ва билмоқ керакки, боди ғализ бавлға мухталит бўлмас. Магар бавлни хомлиги ва назжи комил бўлмоғони сабабдин бод пайдо бўлуб, шул жавҳардин жудо бўлуб кетолмай, мухталит ҳолда қолур. Ва яна махфий қолмағайки, итгисоли ажзойи русуб ҳам русуби маҳмуднинг лозимасидурки, комил ул-ҳазм ва комил ун-наздур. Бас, агар ажзоси муттасил бўлмай муташаттит ва жудо-жудо бўлса, ани русуби табиийлигиға хилоф эрмас. Зероки ҳазми ноқисни ва назжи ноқисни сўнгида камоли ҳам маржув, балки мутаҳаққидур. “Ламмо закарнаҳу онифан”.

ВА ТҮРТИНЧИ васф шулки, мутахалхал ва латиф бўлмоқдур. Зероки русуби маҳмудни муҳдиси ҳарорати мунзижадур. Ва ҳароратнинг шаъни энгилик ийжоб қилмоқдур. Бахилофи барди мужаммадки, басабаби тажмиди рутуботи гализ огир бўлуб таҳнишин бўлурки, жумудлик шаъни огирлик ва ажзони бир-бирига ях каби марбут бўлмоғи ва ҳовол бўлмаслиғидур. Ва русуби мутахалхали латифни хоссасидурки, агар андак ҳаракат лоҳиқ бўлса, ҳамма ажзоси тез пароканда бўлуб, ҳамма мойят ажзосига таралуб кетар. Ва сўнгра яна чўкмоқда батадриж ва батаанний чўкар. Зероки энгиликни шаъни таҳнишинликда суслик ва оҳисталиқдур.

ВА БЕШИНЧИ васф шулки, русуби маҳмуднинг ҳамма ажзоси баробар муташобиҳ ва текис ва соф ва мулойим бўлур. Зероки ажзойи русубнинг ихтилофи албатта қуввати ҳозима ва қуввати мунзижани феъли учун баъзи ажзони қобил ва баъзи ажзони кам қобилият ва баъзи ажзони мутлақо ноқобиллиғидин бўлур. Ва агар қуввати фозиланинг феъли ва таъсирига қобилиятда ҳамма ажзо баробар бўлсалар би-з-зарур ҳамма ажзо ҳам бир-бирига баробар ва муташобиҳ бўлур. Шунинг учун русуби маҳмудға вожиб шулки, ҳамма ажзоси текис ва баробар ва мустадир куравий шакллик бўлур. Ва бу сифатлар ажзои русубни ҳар бир жузвида бўлмоғи мўътабардур. Аммо ажзои русубни ҳайъати мажмуасини эътиборига назаран махрутий шакл бўлмоғи, яъни бир тарафи йўғон ва иккинчи тарафи ингичка бўлуб, йўғон тарафни қоруранинг тагида, ингичка тарафи баландда бўлмоғи лозимдур. Зероки зоҳирдурки, бир-бирига муташобиҳ бўлгон ажзо бир мавзеъ ва маконға тўда бўлса, хусусан батадриж тўкулса, албатта махрутий шакл ҳосил қилур. Чунки ҳар бир сўнги даражада нузул қилгон ажзони васати маконға нозил бўлғони собиқда таҳнишин бўлгон ажзонинг устида барқарор қолур. Аммо макон атрофиға нозил бўлгон ажзони баъзиси барқарор ва баъзиси йўл топса нашиб тарафқа моил бўлуб, батадриж васати макони баландлик ва атрофда нашиблик ҳосил бўлуб, махрутий шакл пайдо бўлур. Чунончи заминға тариф ёки мош тўкулса

ани ҳайъати мажмуъасидин пайдо бўлгон махрутий шакл бунга шоҳиддур. Ва бу бешинчи васфни муаллиф баён қилмагондур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, русуби табиийнинг мазкур бўлгон ушбу авсофлари ҳаммаси табиий маҳмуднинг лозимасидур. Ва бу авсофи ҳазмнинг комил бўлғониға далолат қилур. Аммо табиий ғайри маҳмудда бу авсофнинг ҳаммаси мавжуд бўлмағи лозим эрмас. Ва русуби ғайри маҳмудда агарчи модда табиий мутлақда мазкур бўлгон авсофнинг баъзиси мавжуд бўлмаса ҳам ани табиийлигиға ақсоми ғайри табиийнинг авсофи махсусасиға муҳолифлиги кифоя қилур.

Аммо оқдин бошқа рангда бўлгон русуби маҳмуднинг яхшиси қизилдур ва андин сўнг сариғдур. Ва фазилатда ҳаммадин афзал ва яхши русуб оқ ранглик русубдур. Ваҳҳини айтиб ўтдик. Ва башарти ҳазм жигардин ажрагон фазла бўлмаслигини ҳам сабаблари бирлан зикр қилинди. Ва оқ рангликдин сўнгғи даражада фазилатлик русуби маҳмуд қизил ранглик русубдур. Зероки русубнинг қизиллиги қоннинг галабасиға далилдур. Ва қон бошқа хилтға нисбатан ҳаммадин аслам ва ашрафидур. Ва табиатға ҳам муносиброғидур. Лекин русублиги аксар қоннинг назж ҳосил қилолмоғони сабабдин бўлур. Ва касални узоқ вақтға чўзилмоғиға далилдур. Зероки қонни назжи узоқ замонда ҳосил бўлур. Ва гоҳи русубнинг қизиллиги қонни зиёда назжидин ҳам ҳосил бўлур. Чунончи жигарни ҳазмидин ҳосил бўлгон русуби аҳмар албатта қоннинг назжидин қизиллик ҳосил қилғондур. ғоят шулки, бу русуб томурлардин ва масонадин ўтуб борғони ва аларни таъсиридин мутаассир бўлғони учун ўткур қизил бўлмас. Аммо қизил русубдин сўнгғи даражада фазилатлик русуб сариқ русубдур. Зероки сариғ русуб аксар сафрони галабасидин бўлур. Ва сафронинг шиддати савдонинг шиддатиға назаран камроқ бўлур.

Ва Шайх ур-раис “Қонун”да сариқ русубнинг баёнидин сўнг “сумма-з-заранжий” ҳам ёзғондурлар, яъни кўп қаро бирлан камроқ сариғдин мураккаб бўлгон тўқроқ қўнғир ранглик русубни ҳам ёзғондурлар. Ва бу ранглик русубни

фазилати шулки, бу русуб савдойи мухтариқадин, яъни куйган сафродин ҳосил бўлур. Ва куйган сафро эса савдойи ҳақиқийнинг куйганига нисбатан асламдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, агарчи русуби табиий ўзиға лозим бўлгон ранг ва баробарликни камо йанбағий ҳосил қилмогон бўлса ҳам, албатта яхшилиқға далилдур. Зероки то табиат моддани масонаға дафъ қилмаса русуби табиий ҳосил бўлмас. Бас, табиатнинг дафъи моддаға иқтидори шубҳасиз далили хайриятдур. Аммо русуби ғайри табиий агарчи рангдор ва баробар ажзалик бўлса ҳам гоҳи ёмонликға далил бўлур. Чунончи аъзо эруб, бавлға қўшилур келғонидин ҳосил бўлгон русубни ҳамма ажзоси баробар ва рангдордур. Лекин натижада ҳалокат борлиғиға далилдур. Ва шунинг учун атиббо дебдурларки, русубнинг маҳмудлигида феъли табиатни бақувватлигиға далолат қиладургон ҳолатлар агар русуби ғайри табиийда зоҳир бўлса, ул ҳолат би-л-акс нотабиий сабабнинг зўрлигиға далолат қилур. Ва шул сабабдиндурки, Шайх ур-раис ҳам “Қонун”да “амма-р-русубу-р-радиййу-л-мазмуму файушабхиҳу ажзаихи мина-л-истиваи” ёзғондурлар.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, русуби маҳмуд гоҳи сувоқ мидда ва йирингға мушобиҳ ва инчунин қон балғамға мушобиҳ бўлур. Бас, русуб ила йирингни ва русуб ила хом балғамни ва хом балғам ила йирингни миёналарида фарқни уч важҳ ила билмоқ мумкиндур.

Биринчи важҳ шулки, йиринг бадбўй бўлур. Аммо русуб бадбўй бўлмас.

Иккинчи важҳ шулки, йиринг ғализ бўлур. Ва русуб ул қадар ғализ ул-қивом бўлмас.

Ва учинчи важҳ шулки, йиринг русубға назаран оғир бўлур. Бинобарин тезроқ таҳнишин бўлур. Аммо русуб ул қадар оғир бўлмас. Ва батаанний таҳнишин бўлур. Ва инчунин русуб ила хом балғамнинг фарқини ҳам уч важҳ ила билмоқ мумкин бўлур.

Биринчи важҳ шулки, хом балғам ширадор бўлур. Ва ажзоси шадид ул-ихтилот бўлур. Ва ажзосининг бир-биридин

ажрамоғи ҳам осон бўлмас. Ва ажрагондин сўнг бир-бирига жамъ бўлмоғи ҳам осон бўлмас. Аммо русубнинг ажзоси андак ҳаракат бирлан бир-биридин мутафарриқ ва пароканда бўлур. Ва батадриж таҳнишин бўлғонда жамъ бўлмоғи ҳам осондур.

Ва иккинчи важҳ шулки, хом балғам русубға назаран ғализ ул-қивом бўлур. Ва русуб ул қадар ғализ бўлмас.

Ва учинчи важҳ шулки, хом балғам совуқлик таъсири бирла оғирроқ ва тезроқ таҳнишин бўлур. Ва русуб батаанний таҳнишин бўлур. Ва агар хом балғам уфунат пайдо қилса ул ҳам бадбўйлик пайдо қилурки, андин ҳам фарқ қилмоқ мумкин бўлур. Ва ранги ҳам оқ рангға ўхшамай қолур. Ва уфунатнинг ҳарорати нотабиийяси бирлан ранги мутағаййир бўлур. Ва оқлик зоил бўлур.

Ва хом балғам бирлан йирингнинг фарқи шулки, хом балғам мундамиж ул-ажзо, яъни бир-бирига вобаста бўлуб, ажзосини бир-биридин тафарруқи қийин бўлур. Ва йиринг бундоқ бўлмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, биз баёнига машғул бўлуб турғон русубнинг ҳусули мукаррар мазкур бўлдики, ё ҳазмларнинг фазласидин ҳосил бўлур ва ахлотнинг баъд аз назж мундафиъ бўлғон вақтида ажрагон фазласидин ҳосил бўлур. Бас, ҳазмларнинг фазласидин ҳосил бўлғон русуб оммдурки, сиҳҳат вақтида ва ё мариз вақтида ҳосил бўлур. Ва хоҳ ул мараз моддий бўлсин ва хоҳ ғайри моддий бўлсин, баробар ҳосил бўлур.

Аммо фазлан ахлотдин ҳосил бўлғон русубни сиҳҳат вақтида зухури лозим эрмас. Зероки сиҳҳат вақтида ахлотни томурларда зиёда ва ё кам бўлмоғи ва ани назжи вожиб эрмас, бахилофи маризки, агар марзо моддаи радиийдин бўлуб, ул модда томурларда муҳтабис бўлса ва назж ҳосил қилуб хориж бўлмаса баданнинг фасодиға далилдур. Ва ани хориж бўлмоғи маҳмуд бўлур. Зероки ани хуружи моддаи мунззийни назж ҳосил қилғониға аломатдур.

Ва яна фазлаи ахлотдин ҳосил бўлғон русуб бирлан моддий касалларда истидлол қилмоқ дуруст бўлса ҳам, лекин ҳамма

касалда ани бирлан истидлол қилмоқ мумкин эрмас. Зероки кўп хил ғайри моддий касаллар бордурки, анда асло русуб бўлмас, чунончи таби диққи баситда машхурдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, агар ориғ кишилар ва аҳли риёзатлар ва зўр меҳнатлик санъатға машгул кишиларда русуб кам ҳосил бўлур. Хусусан русуби расиб, яъни таҳнишин бўладурган дурда жуда кам ҳосил бўлур. Аммо семиз кишилар ва ором бирлан ўлтирғувчи кишиларда русуб кўпроқ ҳосил бўлур. Бинобарин атиббо дебдурларки, аксар воқеъ бўлурки, агар бемор ориғласа беморлиги мунқатиъ бўлур ва аларнинг бавлида фузул хилтининг русуби зоҳир бўлмас. Ва инчунин агар русуб андак зоҳир бўлса ҳам, лекин таҳнишин бўлмас, балки қоруранинг миёнасида муаллақ ва ё устида тофий бўлур. Ва ҳақим ғарший “Шарҳи Қонун”да ёзибдурларки, оруғлик икки навъ бўлур. Бир навъи шулки, қон ҳиддатлик ва ғализ бўлур. Бинобарин томур масомларидин баданға сироят қилуб ўтмоқға ғализ сабаби ила қобилиятсиз бўлур. Ва ҳам ани ҳиддати табиатға макруҳ эҳсос қилинуб, физои баданға андин сарф қилмоқни табиат лойиқ кўрмас. Бинобарин баданға табиат жазб қилмас. Бас, бадан би-3-зарур физодин маҳрумлик натижасида оруғ бўлур. Ва бундоғ кишининг томурларида фузул муҳтабис кўп бўлғони учун бавлида русуб кўп ҳосил бўлур.

Ва иккинчи навъ оруғлик шулки, баданда ҳақиқатдин қон кам бўлур, бамисоли бадан учун кифоя қилмас. Бас, ночор бадан оруғ бўлур. Бас, русубни камлиги ёки мутлақо йўқлиги шундоқ кишиларға маҳусдурки, баданда рутубат камлиги ва йубусат голиблигинин анда русуб кам ҳосил бўлур ва ё мутлақо ҳосил бўлмас. Ва фузул ҳазмидин ҳосил бўлғон русуб бирлан фузул хилтидин ҳосил бўлғон русубни фарқи шулки, русуби фазлий батариқа лузуми зоҳир бўлур. Ва доим бир ватирада бўлур. Аксар ва хусус сиҳҳатдин бир ватира бўлур. Аммо фузул хилтидин ҳосил бўлғон русубни ҳоли хилтнинг хомлиги ва ё назжиға мутаносиб мухталиф бўлур. Ва ҳам ибтидоан хилтни хомлик сабабидин русуб мутлақо зоҳир бўлмас. Ва бир неча

кундин сўнг назж ҳосил қилуб, сўнгра фазла ҳосил қилур. Ва ул фазладин русуб зоҳир бўлур. Хоҳ русуби табиий ҳосил қилсун ва хоҳ ғайри табиий ҳосил қилсун, баробардир.

Эмди русуби табиийнинг ақсомидин фориг бўлуб, русуби ғайри табиий баёнига шуруъни вақти етди. Чунончи ҳаким Чағминий айтибдурларки, “аммо ғайр ут-табииййу файунқасиму ила ҳарротий ва дашиший ва лаҳмий ва расмий ва миддий ва мухотий ва шаърий ва хамирий ва рамлий ва римодий ва алақий ва дамавий”. Аммо русуби ғайри табиийки, таърифи русуби табиийнинг зиддидин маълумдур, мазкур ўн бир ададга мунқасимдур. Ва ҳар бир қисмини алоҳида баён қилурмуз. Ва сўнгра ақсомни мазкур ададга мунҳасирлигининг фойдасини ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”да ёзгон тарзларида яна алоҳида баён қилурмуз, иншааллоху таъоло.

Биринчи қисм русуби ғайри табииййи харротийдур. Бас, харротий пўстларга ва яфроғларга ўхшаш бўлуб, анвоъи беш навъ бўлур.

Биринчи навъи оқ пўстлик русубдур. Ва масонани хороши ва тирналфонлигига далилдур. Зероки оқ пўст албатта оқ узвдин ҳосил бўлур. Ва аъзои бавлдин фақат томур ила масонадин бошқа оқ узв йўқдур. Ва томурнинг ҳажми васиъ бўлмағони учун ва бавл анда кўп ҳиддат ҳосил қилмағони ва ҳам анда кўп таваққуф қилмағони учун томурда харош бўлмас. Фаразан харош бўлгон тақдирда бу қадар пўст томурда мавжуд ҳам бўлмас. Бас, би-з-зарур бу пўст масонадин жудо бўлгон пўст бўлур. Ва масонанинг жирми юпқа халқ қилинғони учун бу пўст ҳам бағоят юпқа бўлмоғи лозимдур.

Ва иккинчи навъи сафоихи лаҳмий, яъни гўштмонанд қалин ва ориз ва қизил пўст бўлур. Ва бу русуб буйракни хорошига далолат қилур. Зероки аъзои бавлдин узвики, андин шул тариқа ғализ ва қалин ва қизил пўст ҳосил бўлмоғига қобил узв фақат буйракдур.

Ва учинчи навъи камудат ранглик пўстдир. Ва пўст аъзои бавлдин бошқа аъзои аслийянинг хорошига далолат қилур. Зероки аъзои бавлдин ҳеч узви камудатлик эрмас. Ва яна бу

аъзонинг махражи бавл бўлгон жойи маҳсусасиға узоқ масофатлик жиҳати ҳам йўқдур, токи сафоихи мазкур то хориж бўлгунча камудатранг ҳосил қилса ва аъзойи ҳодисдин чунончи, гўшт ва ёғдин бу пўст ҳосил бўлолмас. Зероки гўшт ва ёғ мулойим узвдур. Ва узви мулойимдин ғализ пўст ҳосил бўлолмас. Бас, би-з-зарур аъзои аслийи баъидадин ҳосил бўлур. Агарки камудат ранги ҳеч узвнинг рангиға тобеъ бўлмаса ҳам, зероки бадан аъзосидин ҳеч бир узв камудатранглик эрмаски, русубнинг ранги ул узвға тобеъ бўлса. Магар аъзои аслийи баъиданинг хорошидин ҳосил бўлгон русубдурки, масофатнинг узоғлиги сабаби ила то хориж бўлгунча мутағайир бўлуб, камудатранг ҳосил қилгон бўлур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, пўстлиқ русубнинг ҳосил бўлмогининг кайфийяти икки тариқа бирлан мумкиндур. Бир тариқаси шулки, хорижи баданға қўтур пайдо бўлуб, андин жудо бўлғони каби, ботиний аъзонинг сатҳидин ҳам бир ҳодисанинг ҳудуси ва сабаби харош бўлғувчи бир нимарсанинг таъсири бирлан пўст кўчуб, бавл бирлан ҳамроҳ бўлуб келур.

Ва иккинчи тариқаси шулки, аъзои ботинийға бир қарҳа ва ё окила, яъни ел яраси пайдо бўлур. Ва ани сабаби бирлан мазкур аъзонинг жирмидин пўст ажраб бавлға қўшилиб тушар.

Ва махфий қолмағайки, русуби харротийнинг камудат ранглиги бошқа ҳамма ақсомидин ёмонроқ бўлур. Зероки бу русуби масонадин узоқ бўлгон аъзойи аслийялардин ажраб келур. Чунончи томурлардин ва работлардин ва ватрлардин, ҳаттоки устихондин ажраб келмоғи мумкиндур. Ва шак йўқдурки, бу узвлар бағоят маҳкам ва матонатлик узвлардурки, то бир зўр сабаб бўлмаса, алардин баъзи ажзоси ажраб бавлға қўшилиб келмоғи мумкин эрмас. Ва зўр сабабнинг таъсири албатта ёмон ва хатарнокдур.

Аммо масонадин ва буйракдин ажраб келадургон ажзо учун сабабнинг зўрлиги лозим эрмас. Зероки буйрак ва масона ва фазла ва бавлнинг йўлида воқеъдурларки, аларнинг харошларига андак сабаб ҳам кифоядур. Ва зўр сабабға муҳтож эрмас. Магар гоҳи кўп узоқ муддатғача доимий ҳиддатлик ахлот ва

мавод келуб, ўтуб турса, ул вақтда мазкур ахлооти ҳодданинг ҳиддати ҳам мазбур буйрак ва масонани фосид қилмоғида зўр сабаблар қаторида ҳисоб бўлуб, далолати радий ва хатарнок бўлур. Лекин камудатранглик пўст хатарнокгина эрмас, балки муҳликдур. Ва шул сабабдин Шайх ур-раиснинг “сафоих ул-камиди ардоу ақсоми-с-сафоих ил-абйази ва-л-аҳмари” деган қавллари мутаҳаққиқ ва собит бўлуб, “Шарҳи Қонун” да ҳақим Қаршийнинг қилғон иродлари муртафиъ бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, атиббо дебдурларки, русуби харротийнинг оқ ранглигида қизил ранглигининг зарар камроқ пайдо бўлур, балки бу русубдин масона покланур. Лекин мундин аларнинг муродлари қарҳа ва окила ярасидин бошқа сабабдин бўлғон русубдур. Ва илло масонаға ориз бўлғон қарҳа ва окила ҳам муҳликлиғи муқаррардур. Ва шул тавжиҳ бирлан ҳақим фаршийнинг зикр қилғон нақизлари ҳам муртафиъ бўлур.

Ва тўртинчи навъ русуби харротий қизил ранглик майда ажзолардурки, номини сафоихи карсанийя дерлар. Ва карсани луғати арабийдурки, форсийда мушанг ва ҳиндийда матр дерлар. Донаи машҳурдурки, ғалла қисмидин қўноқнинг реза бир навъидурки, ранги хира ва қаро қўноқ дерлар. Ва русуби карсанийя жигарни ва ё буйракни баъзи ажзосиға ҳароратдин ихтироқ ориз бўлғониға далолат қилур. Зероки карсани рангида бўлғон узв жигар ва буйрак ва дилдур. Аммо бошқа аъзойи аслийянинг ҳеч бири бу рангға мушобиҳ эрмас, токи бу русуб андин ҳосил бўлса. Аммо дил узви ашраф ва маркази ҳаётдурки, андин муддати ҳаётда ҳеч бир жузви мутафарриқ бўлмоғи мумкин эрмас. Зероки фаразан агар дилнинг жирмидин бир жузви мутафарриқ бўлса, дарҳол бемуҳлат ҳалок бўлур. Ва ул ажралғон ажзони бавл бирлан хориж бўлмоғиға ҳаёт етмас. Бас, маълум бўлдики, бу русуб фақат жигардин ва ё буйракдин мутафарриқ бўлғон ажзойи муҳтариқалиғи шубҳасиздур. Ва бу русуби карсанийянинг пайдо бўлмоғини аъзойи аслийяға хос қилмоқнинг фойдаси шулки, аъзойи ҳодисдин фақат гўшт қизил ранг бўлур. Ва бошқалари қизил эрмас. Ва

бошқалари қизил эрмас. Ва гўштдин пайдо бўлгон русуб эрса гўшт каби мулойим ва ҳовол бўлурки, русуби лаҳмий гайри русуби карсанийдур, алоҳида баён қилинур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳаким Чағминийнинг “Қонунча”да айтганлариға назаран русуби карсаний фақат баъзи ажзойи жигар ва баъзи ажзойи буйракнинг ҳарорати таъсири бирлан ихтироқ пайдо қилғониға далиллиги маълум бўлур. Лекин ул кишининг бу ҳукмлари аксариятға биноандур. Ва илло қоннинг жигарда ихтироқ қилғонидин ҳам русуби карсаний ҳодис бўлур. Бас, ажзойи жигар ихтироқи ва ё буйрак ажзосини ихтироқидин ҳосил русуби карсаний бирлан қоннинг жигарда ихтироқ пайдо қилғонидин ҳосил бўлгон русуби карсанийнинг фарқини баён қилурмуз ҳозир.

Билмоқ керакки, русуби карсанийнинг қондин ҳосил бўлмоғи икки шартға мавқуфдур.

Биринчи шарт - қоннинг куймоғидур. Зероки агар совуқнинг сабаби бирлан мунжамид бўлуб қотган бўлса, ани ранги ўткир қаро бўлурки, карсаний рангиға мушобиҳ бўлмас. Чунки инжимод сабаби бирлан бўлгон такосуф ихтироқ бирлан бўлгон такосуфға назаран шадид бўлур. Ва шадид ут-такосуф бўлгон қон ўткир қаро бўлур.

Ва иккинчи шарт - қонни жигарда куймоғидурки, агар жигардин бошқа жойда куйса, бу ҳам ўткир қаро ранглик бўлуб, ани русуби карсаний рангиға мушобиҳ бўлолмас. Ва карсанадин қаролик қилур. Аммо жигарда куйган қон кўп қаро бўлмас. Зероки қон жигарда бўлгон вақтда мойиятлик бўлур. Бинобарин ранги сариқ рангға яқинроқ ва қизиллиги камроқ бўлур. Бас, агар шу онда анга ихтироқ ориз бўлса, ранги ҳам шиддатлик қаро бўлмай, балки қизилға моил қаро бўлур. Чунончи сафро куйса қизил бўлғони каби. Ва инчунин сариғдин қизилға моил қон куйса қароға моил қизил бўлурки, карсаний ранги ушбу рангдалур. Бас, маълум бўлдики, русуби карсаний уч навъ бўлур.

Бири буйрак ажзосидин ҳосил бўлур. Ва бири жигар ажзосидин ва бири жигарда куйгон қон ажзосидин ҳосил бўлур.

Ва бу уч хил русуби карсанийнинг бир-бирларидин фарқи шулки, агар буйрак ажзосидин ҳосил бўлса, бу русуб ажзолари бир-бирига шадид ул-иттисол ва ғайри мутафаррик бўлур. Ва русуб ажзоси гўштдор, яъни тўла бўлур. Ва ҳам собиқдаги зўр ташналик ва илтиҳоб ва бошқа яна буйракнинг хизматидаги нуқсон аломатлари ва белда ачишиб оғримоқ эҳсоси бунга далилдур. Аммо жигардин ва ё жигардин ҳосил бўлгон қондин русуб ажзоси кўп шадид ул-иттисол бўлмас ва гўштдор бўлмас, гўё буйрак ажзосидин ҳосил бўлгон русуб мағздор карсанага ўхшаб. Ва жигар ажзосидин ва ё қондин бўлгон русуб пуч мағз ва бедон карсанага ўхшаб ва яна буйракнинг офатиға далолат қилғувчи аломатдин холий бўлмоғи ҳам шоҳиддур. Ва жигар ажзосидин ҳосил бўлгон русуб ила жигарда куйган қондин ҳосил бўлгон русубни фарқи шулки, агар жигар ажзосидин ҳосил бўлгон русуб бўлса, агарчи буйрак ихтироқиға лозим бўлгон шиддатлик ва илтиҳоблик ташна бўлмаса ҳам доимий ташналик ва ҳазмда фасод ва меъдада тухма, яъни меъда қайнаб ачимоғи каби аломатлар далилдур. Ва русуб ажзоси агарчи шадид ул-иттисол қаттиғ бўлмаса ҳам, лекин русуби карсаний ва русуби карсанийи дамавийға назаран мутгасил ул-ажзо бўлур.

Аммо жигарда куйган қондин ҳосил бўлгон русубни аломати шулки, ажзоси бағоят қобили тафаттут бўлуб, андак баҳона бирла эзилуб кетар. Ва жигар аломатини аксар аломатидин холий фақат жигарни суъи мизожи гармийға лозим аломатларигина зоҳир бўлур.

Ва яна қондин ҳосил бўлгон русуб сувға аралашуб нобуд ва нопадид бўлмоқға жуда қобил бўлур. Аммо жигар ажзоси чайқағонда ажзолари агарчи бир-биридин ажралиб кетса ҳам, лекин ҳар бир жуъи сувға ҳал ва кўздин нопадид бўлмас.

Ва яна билмоқ керакки, жигар ажзосидин бўлгон русуб буйрак ажзосидин бўлгон русубға нисбатан қароға моилроқ қизил бўлур. Аммо буйрак ажзосидин бўлгон русуб мухталит бўлур. Чунончи гоҳи буйракнинг ихтироқи шиддатлик ва ифротлик бўлмаса ранги сариқ ранга яқин қизил бўлур. Ва агар шиддатлик ва баифрот

иҳтироқ ориз бўлгон бўлса, сариқ рангга чандон яқин бўлмас. Лекин баҳартақдир сариғдин холий қизил бўлмас.

Ва бешинчи навъ харротий шулки, русуб майда ажзолардин иборат бўлурки, ул ажзода қизиллик бўлмас. Ва ани номини русуби нухолий дерлар. Ва нухола би замми нун арабийдур. Ва форсийда сабус ва туркийда кепак дерларки, унни элағондин сўнг элакда боқий қолгон буғдой пўстидин иборатдур. Бас, бу русубнинг ҳар бир жузъи рангда ва ҳайъатда мазкур нухолаға мушобиҳ бўлғай. Бинобарин ани русуби нухолий деб ном берилғондур. Ва бу тариқа русуб масонада жараб, яъни қўтур воқеъ бўлғониға далолат қилур. Ва бу русуб жараби масонийдин аксар ул-вуқуьдур. Бинобарин ҳаким Ибн Маҳмуд Чағминий раҳматуллоҳи алайҳ матни “Қонунча”-ларида бинобари касрати вуқуъ фақат жараби масонийға иқтисор қилғондурлар. Ва илло аъзойи аслики, оқ ранг бўлса, чунончи масона ва томурларнинг ҳарорати нотабиийя таъсири бирлан эруб ажралуб, бавлға мухталит бўлуб келмоқларидин ҳам русуби нухолий пайдо бўлур. Ва инчунин масонаға ва томурларға қарҳа пайдо бўлса, ул қарҳадин ҳам русуби нухолий пайдо бўлур. Ва бу русубларни миёналарида фарқларини ҳам баён қилурман.

Ал-ҳол билмоқ керакки, қисми зубонийи аъзойи аслийда ва аъзойи аслики, ранги оқ бўлса, деб тақйид қилмоқнинг сабаби шулки, оқ ранглик бўлмоғон аъзойи аслий русуби мазкурға мушобиҳати бўлмоғон сабаблик андин русуби нухолий ҳосил бўлолмас. Ва инчунин гўштдин ҳам бу русуб ҳосил бўлолмас. Чунки ранги номувофиқдур. Ва инчунин ёғ ва чарбидин ҳам ҳусули мумкин эрмас, чунки ёғ мулоийм жисмдурки, анда жисми касиф бўлгон русубни муносабати қатъийян йўқдур. Ва рутуботи моййядин ҳам инчунин русубнинг ҳусули мумкин эрмас. Аммо қон ва савдодин ҳам ранги муташобиҳ бўлмоғони учун ҳусули мумтаниъдур. Ва балғам ва рутубати сонийядин ҳам ҳусули мумкин эрмас. Зероки балғам ва рутубати сонийяни қуритуб ва қотируб, русублик ҳолға еткурмоқ учун кўп ҳарорат лозимдур. Ва бу қадар ҳарорат

агар мавжуд бўлса, би-3-зарур русубға оқдин бошқа ранг эҳдос қилур. Ва нухолий бўлмас. Бас, лозимдурки, русуби нухолий оқ ранглик аъзойи аслийдинғина ҳосил бўлур. Ва масонадин ҳосил бўлгон русуби нухолийни бошқа навъ русубдин фарқи олти тариқа бирла маълум бўлур.

Бири шулки, закарнинг асли ва илдизида хориш пайдо бўлмоқ русуби масонийнинг лозимасидур. Ва бошқа навъда бу хориш бўлмас.

Ва иккинчиси шулки, масона русуби шиддатлик бадбўй бўлур. Зероки бавлни мавқифидур. Ва бошқа навъида бу қадар бўйи шадид бўлмас.

Ва учинчиси шулки, масона русуби доим йиринг ва фасодлик бўлур. Зероки бавлнинг ҳиддати ва ҳарорати масонада кўп вақт вуқуфи буни лозим тутар. Аммо буйракда ва ё андин юқоридаги мажройи бавл бўлгон томурларда ҳодис бўлгон яралардин ҳам гоҳи йиринг ва фасод келур. Лекин доимий бўлмас. Зероки масона ва анга муттасил бўлгон буронж исмлиқ томурдин бошқа аъзойи олоти бавллар, масалан, буйрак ва томурларда пайдо бўлгон йирингларни табиат аксар вақт масонаға дафъ қилмай, балки бошқа тариқа бирлан дафъ қилур. Ва агар масонаға дафъ қилса аксар вақт бўҳрон куни барсабили бўҳрон дафъ қилур ва доимий бўлмас. Бахилофи қарҳай масона ва анга муттасил бўлган буронж томурининг ярасидин ҳосил бўлгон йиринг доимий бавл бирлан хориж бўлур.

Ва тўртинчи фарқ шулки, агар русуби масонадин ва ё анга муттасил томурдин ҳосил бўлса, бавлни назжи комил бўлур. Зероки жигар саломатдур. Ва агар узоқ ҳосил аъзойи аслийдин бўлса, аксар жигарнинг мизожи ҳам анга табъан фосид бўлуб, моййятдин қонни камо йанбағий жазб қилолмас. Ва баъзи қон моййятга мухталитлик ҳолда масонаға боруб, бавлни ранги ғассола каби беназж бўлур.

Ва бешинчи фарқ шулки, агар русуб масонадин бошқа аъзойи аслийдин эриб пайдо бўлгон бўлса, албатта баданда зўр ҳарорат ва илтиҳоб бўлмоғи лозим бўлур. Ва масонадин бўлса, бунга ҳарорат лозим эрмас.

Ва олтинчи фарқ шулки, масонадин ҳосил бўлгон русуби нуҳолий жуда оқ бўлур. Аммо узоқ аъзойи аслийдин ҳосил бўлуб, масонаға келгон русуб узоқ масофадин то масонаға етуб келгунча ранги тағйир топуб, андак камудат ранг ҳосил қилур.

АММО ДАШИШИЙ, яъни русуби ғайри табиийнинг иккинчи қисми дашишийдур. Ва бу навъни ҳақим Чағминий алайҳирраҳма “Қонунча”да “аммо-д-дашишийу фа-ҳува шабихун би-з-зирних ил-аҳмари” деб таъриф қилгондурлар, яъни русуби дашиший, бас, бу русуб қизил зирнихга ўхшаш рангда бўлур ва рангини фақат қизил демоқ бирлан иқтисор қилибдурлар. Зероки бу ранг русуб кўп воқеъ бўлур. Ва илло гоҳи бошқа рангда ҳам бўлур. Бинобарин биз ҳар навъини муфассал баён қилмоқни муносиб деб билурмуз. Ва батафсил баён қилурмуз, иншааллоху таъоло.

Аввало билмоқ лозимдурки, дашиший барвазн ва маънойи дақиқдур, яъни бағоят қалин элак бирлан элафондин сўнг элакда боқий қолгон унни ёки тегирмонда қасддан йирик қилиб тортилгон унни арабда дашиш ва туркийда шоғдор дерлар. Бас, бу русубни дашиш деб тасмия қилмоқға сабаб шулки, русуби мазкур агарчи русуби нуҳолийнинг сатҳидин буни сатҳи кичикроқ бўлса ҳам, лекин ҳажми андин қалинроғ бўлур. Аммо ранг эътибори ила икки қисм бўлур.

Биринчи қисми шулки, холис оқ ранглик бўлур. Ва бу русуб фақат масона ва ё анга муттасил буронж томуриға бир офат воқеъ бўлса, гоҳи русуби мазкур андак-андак бавлға қўшилуб келур ва кўп миқдор келмас. Зероки масона ва буронж томурининг жирми андин кўп миқдор русуб ҳосил бўлмоғи мумкин даражада қалин эрмас. Магар кўтир моддасини жуда ёмон ва муфсидлиги сабабдин эзилиб тушар бўлса, бир ёки икки дафъа кўп миқдор мазкур русуб тушмоғи мумкин бўлур. Лекин сўнгидин ҳалоки муқаррардур. Ва бу тариқа кўп миқдор русуб воқеъ бўлмоғи жуда нодир бўлур.

Ва иккинчи қисми камудатға андак моилроқ оқ бўлур. Ва бу ранглик русуб масонадин бошқа ва узоқ бўлгон аъзойи

аслийнинг хароши ва тирналишидин ва ё эришидин ҳосил бўлур. Ва ранги камудатга моил бўлмоқ сабабини русуби нухолийда баён қилинди.

Ва учинчи қисми қизил бўлурки, кўп воқеъ бўлур. Ва ҳусули қоннинг куйғонидин ва ё жигарни ва ё буйракни харошидин ҳосил бўлур. Бас, агар қон жигарда куйган бўлса, русубнинг қизиллиги қарога моил бўлмас. Ва агар жигардин бошқа жойда қон куйган бўлса, андин ҳосил бўлгон русубнинг ранги қарога моил қизил бўлур. Ва ани сабаби русуби карсанийда мазкур бўлди. Ва агар русубнинг қаролиғи қизиллиғига ғолиброқ бўлса, талоқни қони куйуб, бу русуб андин ҳосил бўлғониға далилдурки, талоқни қони ўткур қарога моил қизил бўлур. Аммо жигар ва ё буйракни ажзосидин ҳосил бўлгон русуб бўлса, ани ранги қарога кўп моил бўлмас. Ва жигар ва ё буйракдин ҳосил бўлгон русуб бирлан куйган қондин пайдо бўлгон русубнинг фарқи русуби карсанийда муфассал мазкур бўлди.

Ва русуби дашиший қонни ихтироқиға ва ё аъзони эриғониға ва ё масонада қўтур борлиғига далолат қилур.

ИНТИБОҲ. Ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”да ёзибдурларки, ман кўп-кўп кўрғонманки, русуби дашиший бир касалда воқеъ бўлуб, лекин ул маризнинг ҳеч узвида офат воқеъ бўлмагон эди, лекин ул касал узоқ муддатга чўзилди, мундин билдимки, рутубати ғализийки, ани пишурмоқға табиат қодир бўлолмай, балки қитъа-қитъа ажратуб дафъ қилгон бўлса, русуби дашиший шул рутубати ғализаи мунқатиғадин ҳам ҳосил бўлур экан. Ва шунга биноан мани наздимда русуби сафоихийға назаран бу русуби дашишийнинг ридоъат ва фасоди камроқ бўлур, дебдурлар.

Ҳаким Буқрот айтибдурки, “ман кана лаҳу ҳуммо ва кана йарсабу фи бавлиҳи шайун шабиҳун би-с-савиқи-л-жариши фа-залика йадуллу ғала анна маразуху йатулу”, яъни ҳар кимда иситма пайдо бўлса ва ани бавлида йирик тортилгон унға ўхшаш дурда ҳам пайдо бўлса, бу дурда касални кўп муддат чўзилмоғиға далолат қилур, дебдур.

АММО ЛАҲМИЙ, яъни русуби ғайри табиийнинг учинчи қисми лаҳмийдур. Ва ани сабаби айнан русуби карсанийнинг сабабидур.

Ва махфий қолмасинки, русуби лаҳмий агар рангда русуби карсанийга мушорик бўлса ҳам, лекин шаклда муфориқдур. Зероки русуби карсанийнинг шакли сафоихий, яъни пўст шакл ва сатҳи мудавварга яқин бўлур. Аммо русуби лаҳмий бундоғ бўлмас. Ва бу русубнинг ҳодис бўлмоғи ҳам икки важҳдин холий бўлмаски, ё аъзодин ҳосил бўлур, хоҳ аъзойи аслий ва хоҳ ғайри аслий бўлсин. Ёки рутубатлардин ҳодис бўлур. Аммо аъзодин ҳодис бўлмоғи учун бу русубга қобили узв фақат буйрак ва жигардур ва бошқалар қобил эрмас. Ва важҳи русуби карсанийда мазкур бўлди. Ва аъзойи ғайри аслийдин бу русубнинг пайдо бўлмоғи учун қобил нимарса шундоғ нимарсадурки, гўшт бўлмоқ даражасиға етиб, тайёр бўлгон ва лекин ҳануз гўшт ҳолиға етуб, мунъақид бўлмоғон рутубати баданийядурки, анга зубон, яъни эримоқ ҳолати ориз бўлса, яъни ҳарорат асаридин мутаассир бўлса, бавлға кўшилуб, бадандин хориж бўлур. Аммо тамом мунъақид бўлгон гўштға бир сабаб ориз бўлуб, ани гўшт ҳолидин русубликға тағйир берса, сўнгра ани табиат масона тарафға дафъ қилмай, балки зоҳири баданға дафъ қилур. Зероки гўштни бадандин хориж бўлмоғи учун масона тарафдин зоҳири бадан тараф яқинроқдур. Ва батариқаи жароҳат ва қуруҳи хориж бўлмоғи осондур. Ва инчунин ёғ ва чарби ҳам бундоқ русубни худусиға қобил эрмаски, жисми мулоиймдур.

Ва махфий қолмағайки, бу русубнинг ҳудуси учун рутубатлардин ҳеч рутубат қондек муносиб ва қобил эрмас. Башартики, ул ҳам жигарда куйган бўлса. Ва қондин бошқа рутубатларни ва жигардин бошқа узвда куйган қонни бундоқ русуб бўлмоқға қобилиятсизлигининг сабаби русуби карсанийда равшан бўлгондур.

Ва билмоқ керакки, русуби лаҳмийнинг пайдо бўлмоғи аксар буйракдин бўлур. Зероки буйрак масонаға яқиндурки, масофатни яқинлиги русубни кўп уринуб мутафарриқ

бўлмоғига сабаб бўлмас. Чунки ул русуб агар жигардин ёки жигарда куйган қондин ҳодис бўлгон бўлса, ўзини тафаттут ва тафарруқга қобилияти бирлан жигардин то масонага етуб келгунча йўлда танг масомлардин ўтмоқ бирлан эзилуб, реза бўлуб, русуби карсаний бўлур эрди. Ва русуби лаҳмийлик шакли қолмас эди.

АММО ДАСМИЙ, яъни русуби ғайри табиийнинг тўртинчи қисми русуби дасмийдур. Ва бу русуб аъзойи ғайри аслий, яъни аъзойи ҳодиснинг эриганлигига далолат қилур. Ва аъзойи ғайри аслий гўшт ва ёғ ва чарбийдур.

Ва билмоқ керакки, русуби дасмийнинг ҳодис бўлмоғи учун шул уч хил узвдин бошқа ҳеч узв қобил эрмасдур. Ва русуби дасмийнинг ҳосил бўмоқ тариқаси шундоғдурки, гўшт ё чарби ёки ёғдин бир миқдори эруб, масонага борур ва андин бавлға қўшилуб, бадандин хориж бўлур. Ва қорурадин қарор олгондин сўнг бадан ҳароратидин ажралгон сабабидин яна қорурада мунжамид бўлуб, қотар ва бавлнинг монйятидин ажралур.

Ва махфий қолмасунки, ёғ ва чарбининг баданда эримоғи гўштнинг эримоғидин осонроқдур. Зероки гўшт салобатлик жисмдурки, то сабаби зўр бўлмаса эримас. Ва гўштнинг эригани бирлан ёғ ва чарбининг эриганининг русубдин маълум бўладурган фарқи шулки, гўштни эриганидин ҳосил бўладурган русуб сариғ рангга моил ва ялтироқ бўлур. Ва зайтун ёғига ўхшашроқ ва ё олтун конининг сувиға ўхшашроқ бўлур. Ва шунинг учун атиббо дебдурларки, зайтун ёғига ўхшаш бўлгон русуби шахмий баданни шиддатлик эриганлигидин нишонадур. Зероки чарбининг эримоғи гўштни эриганлигининг таъсиридур. Ва гўшт ўзи то бир зўр сабаб бўлмаса эримас. Бас, собит бўлдики, зайтун ёғига монанд бўлгон русуби шахмий зубони бадан учун зўр сабаб борлигининг нишонидур. Аммо ёғ ва чарбининг эриганидин ҳодис бўлгон русуб бир-биридин фарқсиздур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, русуби зубоний агар кўп миқдор бўлса, масонага яқин аъзодин эриганиға далилдур.

Зероки узоқ аъзодин масонаға келгонда эриган узв агарчи кўп миқдор бўлса ҳам, лекин узоқ масофадин то масонаға етиб келгунча бавлда мутафарриқ бўлуб, баданға тарқалуб, таралуб қолур. Ва масонаға камроқ миқдори келгон бўлур. Ва яна русуби дасмий агар ҳажми катта бўлса, албатта масонаға яқин бўлгон узвдин эриб келгон бўлур. Ва агар майда бўлса, аксар узоқ аъзодин келган бўлур. Ва гоҳи яқин узвдин келган бўлмоғи ҳам бадалолати қарина мумкинмур. Зероки узоқ масофадин етиб келғунича лозим бўлгон ҳаракат албатта русуби мазкурнинг жирмини эзилиб, мутафаттит бўлмоғиға мусталзиммур ва ҳам йўлда танг мажролардин нуфузи ҳам бунга муставжибмур. Аммо яқин узвдин эриб келса қиллати ҳаракат ва вусъати мажро бунга муқтазий эрмас. Бинобарин анинг ҳажми аксар анор донанинг ҳажми каби катта бўлур. Ва гоҳи масона мизожининг зиёда совуқлиги бирлан русуби мазкурнинг қабл аз инжимод ва ижтимоъий ажзо учун муҳлат тополмоғони учун резароқ ҳолида мунжамид бўлмоғи ҳам мумкинмур. Ва анга масонадаги шиддати бард осори ва буйракда ҳарорат осорининг зуҳури далил бўлур. Зероки жигар бирлан буйракнинг миёнасида русуби дасмий эҳдосиға қобил бўлгон чарбилик узв фақат буйракмур. Ва бошқа чарбилик узв воситаси йўқмур. Бас, махражи бавлға энг яқин узв шул буйракмурки, катта доналик русуби дасмий албатта буйрак чарбисини эриганидин ҳосиллиги шубҳасизмур.

ФОИДА. Буйракнинг чарбиси маълуммурки, буйракни хориж тарафида бўлур. Ва бавл йўли буйракнинг дохил тарафида бўлур. Бас, анордона миқдорида бўлгон чарби буйракнинг дохил тарафиға қайси йўл бирлан қаю тариқада нуфуз қилур, деб шубҳа қилинмасун, чунки мунжамид бўлгон русуб қитъаларини хориждин буйракни ботиниға нуфузи албатта маҳолмур. Лекин зубони ғайри мунжамидни батариқаи тарашшуҳ нуфузи мумкинмур, чунончи ушбу кайфиятда бўлурки, чарбини ибтидойи такаввунни буйрак ичида ҳосил бўлуб, сўнгра дусумат рақиқалик ҳолида буйрак масомларидин батариқаи тарашшуҳ хориж бўлуб, хорижда мунъақид бўлгон-

лиги маълумдур. Ва боби ташриҳда муфассал мазкур бўлгондур. Бас, агар чарбиға кайфийяти музаввиба ориз бўлуб, яна эриб дусумати рақиқ ҳолиға келса, яна мазкур масомлардин дохил тарафға тарашшуҳ қилуб кирар. Ва ҳам кайфийяти ҳорранинг лозимаси бўлгон тазойиқи ажзо бунга иъонат қилур. Чунки умури табиийёт баёнида исбот қилингондурки, ҳар жисмға нақадар ҳарорат ориз бўлса, шу қадар ҳажми зиёда бўлуб, ўз макони анга танглик қилур ва жисми мазкурнинг ажзои сиғорлари миёнасида бир-бирлариға тазийқ ва тузайиқ ҳосил бўлур. Бас, ночор ажзои сиғор бир-бириға таъсирнинг иъонати бирлан танг масомлардин ўтуб, буйракнинг дохил тарафиға батариқан тарашшуҳ жамъ бўлмоқға муваффақ бўлурлар. Ва буйракда бавлға қўшилиб масонаға мундафиъ бўлурлар. Ва масонанинг мизожи боридасидин мунфаъил бўлуб, масонада мунъақид бўлурлар. Бинобарин мазкур ажзонинг бир-бирлариға зиёда ижтимоъи бирлан катта ҳажм ҳосил бўлур. Ва агар масонанинг мизожи бағоят совуқ бўлса фурсат озлик қилуб, қабл ал-ижтимоъ мунжамид бўлурлар. Бинобарин реза ажзолик ҳам бўлурлар.

САВОЛ. Маълумдурки, дусумат деб эриб турган ҳолдаги ёғни айтурларки, ани форсий ва туркий истилоҳларида сардиг дерлар. Чунки эриган ёғ ҳарчанд сув каби рақиқ бўлса ҳам, табъан сувдин бегона жисм бўлгон сабабидин сувға мумтазиж бўлолмас. Ва сувға нисбатан вазни енгил бўлғони учун доимо зарфнинг аъло тарафида ва сувнинг устида қарор олур, бинобарин сардиг тасмия қилингондур. Ва бу дусумат албатта уч аъзойи дусумийядин, чунончи меъдаға муҳит бўлгон пардасида мунъақид бўлгон ё ичакларда муҳит бўлгон парда ва ёки буйракға муҳит бўлгон пардада мунъақид бўлгон ёғда эриб келуб, бавлға қўшилиб хориж бўлурлар. Бас, буларни баъзи бавлда мунъақид ва қотган ҳолда бўлуб ва баъзи бавлда мунъақид бўлмоғон дусуматлик ҳолда хориж бўлмоқлариға боис нимадур, деб агар савол қилунса.

ЖАВОБ. Билмоқ керакки, эримоқ даражаи эътибори бир-

лан икки навъ бўлур. Бири шулки, анга ҳарорат ифрот даражада таъсир қилгон бўлур. Ва эриган жисмнинг рутубати табиийясини фоний қилур. Бинобарин анга арзийят табиати голиб бўлуб, тез мунжамид бўлур.

Ва иккинчи навъи шулки, анга ҳарорат кўп асар қилмоғон ва рутубати табиийясини фоний қилмоғон бўлур. Бинобарин анга шиддатлик совуқ таъсир қилмаса мунъақид бўлмас ва қорурада ҳам ўшал эриган ҳолида то хорижий ҳавонинг совуғи таъсир қилғонигача боқий турар. Бинобарин атиббо би-л-иттифоқ дебдурларки “ар-русубу-д-дасмиййу ардоу мина-д-дусумати”, яъни бавлға кўшилуб хориж бўлгон мунъақид ёр мунъақид бўлмоғон сардиг ёғиға нисбатан радиyroқ ва фосидроқ бўлур. Ва дусуматнинг зарари русуби дасмийға назаран камроқ бўлур.

АММО РУСУБИ МИДДИЙ, яъни русуби ғайри табиийнинг бешинчи қисми русуби миддийдур. Ва йиринглик русуб дохилда қарҳани ёрилғониға далолат қилур. Ва хоҳ жароҳат пишуб ёрилгон бўлса ва хоҳ варам пишуб ёрулса бавлда русуби миддий ҳосил бўлур. Ва махфий қолмасинки, ботиндин бир жойда варам пайдо бўлуб агар пишуб ёрилса, ани фасодини табиат дафъ қилмоқда қайси тараф хорижға яқинроқ ва осонроқ бўлса, шул тарафға дафъ қилур. Хоҳ батариқай жароҳат зоҳири баданға ва хоҳ батариқай исҳол ё идхол. Ва шунинг учун бавлда йиринг бўлса ани ҳусули мажройи бавлға варам ва ё жароҳат пайдо бўлғонидин аксар пайдо бўлурки, мажройи бавлнинг йиринги учун хорижға энг яқин ва осон йўл масона йўлидур. Бас, агар русуби мазкур росиби маҳмуд бўлса, яъни бовужуди йирингни зуҳури бирлан бавлнинг назжи комил бўлса, демак маълум бўлурки, бу варам ёки жароҳат олоти бавлда, масалан, буйрак ёки буронж томури ва ё масона ва ё қазибдалур. Зероки бавлнинг назжи буйракдин юқори узвларға, хусусан жигарға тааллуқлиқдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бавлға гоҳи хом ва бенажж рутубат ҳам кўшилуб келурки, ранги йирингға бағоят мушобиҳ бўлур. Ва миёнасида гоят фарқи шулки, йиринг бадбўй бўлур

ва хом йиринг бебўй бўлур. Ва йирингнинг ажзоси бир-биридин осонлик бирлан жудо бўлур, ҳам осонлик бирлан қовушуб бирлашур. Аммо хом рутубат лузужатликроқ бўлур. Бинобарин ажзоси бир-биридин осонлик бирлан жудо бўлмас. Ва агар жудо бўлса, миёнасиға бавлнинг мойияти восита бўлгондин сўнг бир-бириға яна осонроқ қовушуб бирлашолмас. Ва яна йиринг учун маҳалли варама ва жароҳатни зоҳири аломатлари ҳам шоҳид бўлур. Фатааммул.

Ва яна билмоқ керакки, аксар вақтда йиринг чунон комил ун-назж бўлурки, камоли назжидин бавлға мумтазиж бўлур ва ҳаргиз таҳнишин бўлмас. Бас, бу бавл гўё сут каби оқ ва ғализ ул-қивом бўлур.

АММО РУСУБИ МУХОТИЙКИ, русуби ғайри табиийнинг олтинчи қисмидур, яъни бурундин келуб мундафиё бўладургон балғами фазлийяға мушобих бўлур. Бас, бу русуби баданда хом ва ғализ хилти балғамий борлигиға далолат қилур. Ва русуби мухотий ва русуби мухотийи балғамий уч эҳтимолдин холий бўлмас.

Бир эҳтимол шулки, баданда балғами ғализи хом кўп бўлур ва бавлға қўшилуб келур.

Ва иккинчи эҳтимол шулки, бавл махражиға яқин бир узвға бир балғамий касал воқеъ бўлур. Бас, ани табиат бавл бирлан барсабили бўҳрон дафъ қилур. Чунончи ирқ ун-насо ва важаъи мафосил ва важаъи варк касалларида аксар русуби мухотий зоҳир бўлур.

Ва учинчи эҳтимол шулки, буйракнинг мизожи ўткир совуқ бўлур. Бинобарин анда балғами хом кўпроқ пайдо бўлур ва бавлға қўшилуб келур, лекин бу эҳтимол жуда кам ва нодир бўлур. Зероки буйракға келгон ғизо жигардин ҳазм бўлуб, моддаи балғамийяси ажраб, боқий мойияти келурки, агарчи ул мойиятда фи-л-жумла моддаи балғам бўлса ҳам йўқ ҳукмида кам бўлур. Бинобарин ҳарчанд буйракнинг мизожида совуқ бўлиб бўлса ҳам, кўп миқдор балғамнинг ҳусули мумкин бўлмас. Бинобарин бу навъ воқеъ бўлмас. Ва агар воқеъ бўлса бавл-

да русуби мухотий жуда кам миқдор зоҳир бўлур. Бас, бу уч навъ мухотийнинг ҳар бирининг фарқи зоҳирдурки, балғами ғализи хом бадандин келгон бўлса суъ ул-мизожи бадан ва имтилои бадан осори анга шоҳиддур. Ва агар бавл махражиға қариб бир узвға марази балғами ориз бўлгон бўлуб, андин барсабили бухрон балғами хом мундафиъ бўлгон бўлса, мараз осорини зуҳури анга далилдур. Ва агар буйракнинг суъ ул-мизожидин бўлса, ани осори ҳам бу навъға гувоҳдурки, ҳар бирини батафсил баёниға ҳожати итолат йўқдур.

Ва важаъ ул-мафосил ва ниқрис касалларини охирида бавли мухотий зоҳир бўлса хайриятға далолат қилур. Зероки қуввати табиийя маразға ғолиб бўлуб, моддаи маразни дафъ қилғониға далилдур.

АММО РУСУБИ ШАЪРИЙКИ, русуби ғайри табиийнинг еттинчи қисмидур ва номини русуби шаърий дерлар. Буни сабаби рутубати мустатиланинг мунъақид бўлмоғидур. Ва шаър луғати арабийдурки, форсийда мўй дерлар. Ва бу русубнинг узун ва ингичкалиги мўйға мушобиҳдур. Бинобарин тасмияси шаърий бўлғондур. Ва тариқаи ҳусули шундоғдурки, томурнинг жавфида ва ё танг мажросида мазкур мажро шаклиға мута-шаккил, яъни ингичка ва узун шаклда бўлуб тургон рутубатға ҳарорат дучор келуб, ани мунъақид қилур, яъни жавҳари рутубатдин мойиятини таҳлил ила фоний қилур. Ва боқий жавҳари арзийя ғализ ва мунжамид бўлур. Ва русуби шаърий шул жавҳари арзийяи мунжамиддин иборатдур.

Ва русуби шаърийнинг мунъақид бўлмоғи масонада пайдо бўладургон тошнинг мунъақидлик даражасида қаттиқ бўлмас. Зероки русуби шаърийнинг моддаси тош моддаси каби ғализ ҳам бўлмас. Ва ани мунъақид қилгон ҳарорат тошни мунъақид қиладурган ҳарорат каби бошиддат ҳам бўлмас. Ва русуби шаърийнинг ранги моддасининг рангиға тобеъдур. Масалан, агар мазкур модда қонға мухталит бўлса, русубнинг ранги қизил бўлур. Ва илло оқ ранглик бўлур. Ва бу русубнинг пайдо бўлмоғи аксар буйракда бўлур, лекин масонада ҳаргиз пайдо бўлмас. Зероки масонанинг ичи кенглиги учун рутубатни мўй

шаклида мустатил бўлмоғига боис ҳам бўлмас, ҳам масона ҳеч вақтда сувдин холий бўлмағони, балки кўп сувнинг ижтимои модданинг инъиқодига монёъ ҳам бўлур. Аммо тошнинг моддаси бағоят касиф ва кайфийяти арзийяга қариб ва ҳажми ҳам мудаввар шаклга қариб бўлғони учун ани инъиқодида мойият монёъ бўлмас.

Ва махфий қолмасинки, русубни эҳдоси ва ўзиға жамъ бўлғон рутуботни мунъақид қилмоқ буйрак ила масонаға сазовордур. Ва агарки батариқаи нудрат баъзи аъзода, чунончи ўпкада ҳам таъаққуд рутубат мумкин ул-вуқуъ бўлса ҳам, лекин бизни мабҳасдин хориждур. Зероки русуби шаърий ул-аъзодин мутлақо ҳосил бўлмас. Чунки махражи бавлдин узоқ масофалик узвдур. Ва масофанинг узоқлиги рутубат ажзосини реза қилмоқға мусталзимдур. Ва мўй шакли анга мунофийдур.

Ва билмоқ керакки, русуби шаърийнинг узунлиғи то бир қаричғача бўлур. Аммо Жолинус то ярим газ миқдор русуби шаърийни кўрганман, дебдур. Лекин бул қадар узунликда бўлғон русуби шаърийнинг пайдо бўлмоғида атиббо миёналарида ихтилоф бордур. Чунончи баъзилар дерларки, бул қадар узун русуби шаърий буйракда ҳосил бўлмоғи ҳаргиз мумкин эрмас, зероки буйрак бул қадар узун эрмас, бартақдир агар ярим газ миқдорда русуби шаърий ҳосил бўлғон бўлса, албатта ул буронж томурида ҳосил бўлғон бўлса керак. Ва буйракда бўлмаса керак дебдурлар.

Аммо ҳақим Қарший бу баъзининг рад қилуб, “ва ҳаза лайса бишайъин”, дебдурлар. Зероки буронжда рутубатни мунъақид қилғувдек ҳарорат бўлмас, дебдурлар. Лекин буни на учун ҳароратдин холийлиғиға бу қадар узун бўлғон русуб буйракда қайси тариқа ҳосил бўлмоғиға далил ҳам баён қилмагандурлар. Ва фақатғина русуби шаърийи абйазғина мани наздимда масонада ҳосил бўлмоғи ақлдин кўп узоқ эрмас, деб ёзибдурлар. Ва-л-ҳаққу инда-л-Ҳаққи.

ВА АММО РУСУБИ ХАМИРИЙКИ, русуби ғайри табиийнинг саккизинчи қисмидур, хамир парчаларини сувға ивителиғониға мушобиҳ бўлур. Бинобарин хамирий дерлар.

Ва билмоқ керакки, бу русуб қитъаси катта ва оқ ранг ва беишроқ бўлур. Ва бу русубни пайдо бўлмоғи икки важҳдин холий бўлмас.

Бир важҳ шулки, хорижий сабабдин бўлур. Чунончи сутни кўп миқдор ва кўп марта истеъмолидин ва панирни кўп миқдор истеъмолидин ҳосил бўлур.

Ва иккинчи важҳи шулки, дохийий сабабдин ҳосил бўлур. Ва ҳақим Чағминий шул сўнгғи важҳнинг баёни бирлан иқтисор қилиб айтурларки, “ва йадуллу ғала заъфи-л-миъдати ва суъил-ҳазми”, яъни русуби хамирий меъданинг заифлигиға ва ҳазмнинг бузуғлигиға далолат қилур, дебдурлар. Зероки агар меъда заиф бўлса, физони ҳазми кайлусини комил ва тамом қилолмас. Ва ҳазми кайлусий яхши бўлмоғон физони албатта жигар ҳам ўзгартира олмас. Бас, ночор кайлуслик ҳолича бавлға қўшилур келур.

Ва маълумдурки, кайлуснинг ранги оқ ва хамир рангдур. Ва инчунин агар меъда заиф бўлса, ичаклар ҳам аксар заиф бўлур. Зероки меъданинг заъфиға сабаб бўлғувчи музъифлар, масалан, совуқ сув ва совуқ мизож физолар ва совуқ ва мартуб мевалар меъдаға таъсир қилғондин сўнг олийят ичакға ҳам борур ва таъсир қилур ва меъдадин ҳазми чала бўлур борғон физонинг ҳазми ичакға ҳам оғир бўлур. Ва ичаклар ўз вазифаларидин зиёда меъданинг вазифасини адо қилмоқдин ожиз бўлурлар. Ва шул тариқа бирлан заифланурлар.

АММО РАМЛИЙ, яъни русуби ғайри табиийнинг тўққизинчи қисми русуби рамлийдур. Ва рамл луғати арабийдур ва форсий риг ва туркийда қум демақдур.

Бас, бу русубни рамлий демақға сабаб шулки, бу русуб қумға ўхшаш майда қаттиғ жисмлардин мавжуд бўлур. Бас, бу русуб масонада тош мунъақид бўлғонлигиға ва ё мунъақид бўлмоқда эканиға далолат қилур. Ва мунъақид бўлғон тош оммдурки, хоҳ баъд аз инъиқод яна эзилур ҳал бўлғон ва хоҳ ҳал бўлмоғон бўлсин. Ва шунинг учун Шайх ур-раис алайҳирраҳма бу русуб уч хил ҳолатға далолат қилур, деб “Қонун”да ёзғондурлар.

Биринчи ҳолат моддани ал-ҳол мунъақид бўлмоқда эка-

нидур. Ва иккинчи ҳолат тамом мунъақид бўлғонидур. Ва учинчи ҳолат мунъақид бўлгондин сўнг яна эзилуб ҳал бўлгонлигидур.

Аммо мунъақид бўлгон ва ё бўлмоқда турган русуб ила баъдаз инъиқод яна ҳал бўлгон русубнинг фарқи шулки, бавлда русуби рамлий зоҳир бўлгондин сўнг агар бавл рақиқ бўлса тош моддаси мунъақид бўлгон ва ё бўлмоқда эканига далолат қилур. Ва агар ғализ бўлса, баъдаз инъиқод яна ҳал бўлғониға инъиқод қилур. Зероки инъиқод вақтида бавлнинг ғилзати инъиқодга мунсариф бўлур. Ҳам мунъақид бўлгондин сўнг то ҳал бўлмаса мазкур мунъақид ажзонинг духули бирлан мажрода масдудлик ориз бўлуб, бавлнинг моййати тарашшуҳ бирлан нуфуз қилур. Аммо моддати ғализий нуфуз қилолмай ажралиб қолур. Бинобарин бавл рақиқ бўлур. Ва агар русуби рамлий бирлан бавл ҳам ғализ бўлса моддаи русубни инъиқоддин сўнг яна эзилуб, рақиқ бўлғониға далолат қилур. Зероки мажрони масдуд қилгон мунъақид рамллар ҳам бўлуб, бавлға мухталит бўлғониға ва ҳам суддаи мажро очилғони учун бошқа моддаи ғализи мунъақидалар бемамониъат нофиз бўлуб, бавлға мухталит бўлуб келғониға далилдур.

Аммо мунъақид бўлгон моддаи русуб ила ҳануз мунъақид бўлмоқда бўлгон моддаи русубнинг фарқи шулки, бавл рақиқ бўлса ва андин ғоят оз миқдор русуб тез таҳнишин бўлуб, сўнгра яна бир миқдор русуб батаанний таҳнишин бўлса.

Билмоқ керакки, моддаи русуб ҳануз мунъақид бўлмоқдадур. Зероки оз миқдори мунъақид бўлуб, кайфияти арзийя ҳосил қилгон учун зуд таҳнишин бўлгон ва боқий ажзоси ҳануз кайфийяти арзийя ҳосил қилиб етилмағони учун батаанний таҳнишин бўлгондур. Ва агар бавл рақиқ бўлуб, ани ҳама ажзоси рамлий таҳнишин бўлса ва сўнгидин анга ҳеч нимарса батаанний бўлуб таҳнишин бўлмаса билмоқ керакки, моддаи русуб тамом мунъақид бўлгондур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, яна бир навъ русуб бордурки, ани ташбиҳ бир-р-рамл дерлар. Ва русуб шундоғ бўлурки, бавлда қуруқ майда тупроққа ўхшаш бағоят бўш ажзо маҳсус

бўлур ва бу русуб русуби рамлийнинг муқаддимасидур. Ва ҳар иккисининг моддаси моддаи рутубати ғализаи лазижадурки, таҳажжур учун, яъни тош бўлмоқ учун қобилият ҳосил қилғон ва анга ҳарорат етмоқда ҳам таъсир қилғон, лекин ҳануз тошлик кайфийяти ҳосил қилуб улгурмағондур. Бинобарин бавлда рамл зоҳир бўлмай, шабиҳ бир рамл зоҳир бўлур. Ва ани салобати ва қаттиғлиги зиёда бўлгондин сўнг рамл зоҳир бўлур.

Ва яна билмоқ лозимки, русуби рамлий масонада ва ё буйракда тош борлигиға далолат қилур. Бас, агар русуби рамлийнинг ранги қизил бўлса буйракда тош борлигиға далилдур. Ва илло масонада тош борлигиға далилдур. Зероки жигардан моййат тамом ажролмай боқий қолғон қон моййат бирлан буйракға келур. Ва буйрак ани ажратуб олуб боқий моййатни масонаға юборур. Ва шунинг учун бавл буйракда вақтида қондин холий бўлмас. Ва ранггида ҳануз қизиллик боқий бўлур. Бас, шул қонлик қизил бавлдин ҳосил бўлғон тош ҳам қизил ранглик бўлур. Ва буйракда қондин ажратилғон холис моййат масонаға борур. Бинобарин ранги ҳам оқ бўлур. Бас, оқ ранглик бавлнинг русубидин ҳосил бўлғон тош ҳам оқ ранг бўлур. Ва аммо русуби шабиҳ би-р-рамл фақат масонада тош борлигиға далолат қилур. Ва буйракға далолат қилмас. Зероки бу русубнинг ҳосил қилғон моддасиға ҳароратнинг таъсири моддани тош қилуб қотирмоқ даражасиға етмағандур, балки моййатни мунъақид қилмоқ даражасиға таъсир қилуб, русуби мазкурни мунъақид қилгондур. Бас, бундоғ модда узоқ масофадин маҳражи бавлға етиб келгунча мутағаййир бўлур. Ва бавл ҳиддاتининг сабаби бирлан бағоят майда қитъаларға мунқатиъ бўлуб етилуб кетар ва моййатға мухталит бўлур. Ва қорурада таҳнишин бўлмоқға лаёқати ҳам қолмас. Шунинг учун шабиҳ бир-р-рамл ҳам бўлолмас. Аммо масона маҳражи бавлға яқин бўлғони учун моддаи русуб таркиб топмай хориж бўлмоғи мумкин-дур. Ва андин русуби шабиҳ би-р-рамл зоҳир бўлур.

ВА АММО РИМОДИЙ, яъни русуби ғайри табиийнинг ўнинчи қисми русуби римодийдур, яъни кулранглик русубдур.

Ва маълумдурки, бу ранг оқ бирлан зарқат рангни мобайнида бўлур. Ва бу ранги русубни ҳақим Чағминий раҳматуллоҳи алайҳ “Қонунча”ларида мундоғ таъриф қилибдурларки, “ва амма-р-римодиййу фа-йадуллу ʼала балғамин ав миддатин араза лаҳо битувли-л-макси тағаййуру-л-лавни”, яъни русуби римодий баданда кўп муддатгача кечикуб турғони учун ранги тағйир топғон балғамни ва йирингни борлиғига далолат қилур, дебдурлар. Лекин бу далолат аксариятга биноандур. Ва илло гоҳи кўп муддат кечикмағон йирингга ҳам агар ихтироқ ориз бўлса, ранги кулранглик бўлур. Ва мазкур йиринг бавлға кўшилуб хориж бўлса қорурада русуби римодий зоҳир бўлур. Ва ажзоси майда ва мудаввар бўлур.

ВА АММО АЛАҚИЙ ВА ДАМАВИЙ, яъни русуби ғайри табиийнинг ўн биринчи қисми русуби алақий ва дамавийдур. Ва дамавий алақийнинг атфитақсиридур. Зероки қон ҳар қачон ўз мавқеъидин ажраса ва мавқеънинг ҳарорати ғаризийясидин алоқаси кесилса, агар чандики ҳануз баданда боқий бўлса ҳам ивуб ранги қарога мутағаййир бўлур. Ва агар бавлға кўшилуб бадандин хориж бўлса, батариқаи увло вожиб ул-инъиқод ва-с-савод бўлур. Ва алақий луғати арабий бўлуб, алақға мансубдур, алақ бакастри айни муҳмала ва сукуни лом бамаънойи зулудурки, ҳайвони мойийи маъруфдур. Ва зулунинг ранги қаро бўлур ва инчунин бу русубнинг ҳам ранги қаро бўлурки, гўё зулу каби кўринур. Чунки мунжамид бўлғондур, бинобарин алақийдур. Ва алақий қондин бўлғон русубдур, бинобарин дамавий ҳам ани атфи тақсиридур. Ва аксар бу русуб бавл мажроларидин пайдо бўлур, гоҳи жигардин ҳам пайдо бўлур. Ва нодиран жигардин ҳам юқори узвдин бўлур. Бас, ҳар қаюсини бир-биридин фарқининг баёни лозим бўлди.

Билмоқ керакки, агар қон бавлнинг мойийятига шиддатлик имтизож ҳосил қилғон бўлса, бу русуб жигарнинг заифлиғига далолат қилур. Зероки жигарнинг ғизодин ҳосил бўлғон қонни мойийятнинг тамом ажратмоқға заифлик қилуб, ночор қон мойийятга мухталит ҳолича масонаға келуб, махражи бавлдин

хориж бўлгондур. Бинобарин мойийатга шадид ул-имтизождур ва ранги ҳам қаро бўлмас балки қизил бўлур. Чунки янги ва навъ пайдо бўлғони учун ҳарорати ғаризаи баданийяға ҳануз алоқаси комил бўлмоғондур. Ва қизиллиги анга ранги табиийдур. Ва агар мойийатни бавлға имтизожи шадид бўлмай камроқ мумтазиж бўлса, бу русуб мажройи бавлға ориз бўлгон жароҳат борлигиға ва қон шул жароҳатдин нашаён қилғониға далолат қилур. Зероки мойийатга сўнг мухталит бўлғони учун имтизожи комил бўлмоғон бўлур. Ва бу навъ русуб аввалғиға нисбатан ранги қаро бўлур. Зероки қадимдин ҳарорати ғаризийянинг тарбиясиға одат қилгон эски қондурки, ўз мавқеъидин жудо бўлуб, ҳарорати ғаризийядин мафориқ бўлғони учун ломаҳола ранги қаро бўлғай. Ва ҳам жароҳат асаридин русубда андак бадбўйлик ҳам мавжуд бўлур. Ва бошқа осори жароҳат ҳам бунга шоҳид бўлур. Ва агар русуб қорурада мойийадин ажраб турса, бу русуб масона ва ё қазибдин ҳосил бўлғониға далилдур, яъни масона ва ё қазибда тафарруқи иттисол воқеъ бўлуб, андин хориж, бўлгон қон русуби дамавий бўлгон бўлур. Бинобарин бавл мойийатиға мумтазиж бўлмай, алоҳида турар. Ва агар масонадин юқори мажрои бавлда тафарруқи иттисол воқеъ бўлса, русуб мойийатга мумтазиж бўлуб чиқар. Лекин шиддатлик имтизожда бўлмас ва мутамаййиз ҳам бўлмас.

Ва ҳақим Қарший алайҳирраҳма “Шарҳи Қонун”да ёзгондурларки, русуби мазкур қаю мавзеъдин хориж бўлғониға далолат қилғувчи аломат бирлан фарқ қилмоқ учун агарчи атиббо баъътибори мухолитат фарқ баён қилгондурлар. Лекин мани наздимда ранг эътибори бирлан фарқ қилмоқ фарқи саҳиҳдурки, агар русубнинг рангида қизиллик голиб бўлса, русуб махражи бавлға яқин жойдин ҳосил бўлғониға далолат қилур. Зероки қоннинг ранги мутағаййир бўлмай ўзини ранги аслисида хориж бўлмоғи махражнинг яқинлигиға далолат қилур. Ва агар ранги қароға моилроқ бўлса узоқ махраждин хориж бўлуб, то бадандин хориж бўлғунча ранги мутағаййир бўлғониға аломатдур. Зероки узоқ масофа албатта то хориж бўлғонича баданда кечикмоқға мусталзимдур. Ва маълумдурки,

қон ўз маҳаллидин кўчуб, ҳарорати ғаризийясидин ажрагондин сўнг би-з-зарур рангида тағйир ориз бўлуб, қаро ранг ҳосил қилур, дебдурлар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, масонадин кўп миқдор қон хориж бўлолмас. Зероки масонанинг жирми юпқа ва томурлари танг ва кичик бўлуб, масонанинг жирмига ўралгондур. Ва махфий қолмасинки, русубнинг ранги ва шакли ва қивомининг эътибори ила ҳоли баданга далолатининг баёни тамом бўлди. Эмди русуб макони эътибори ила далолати ҳам собитдурки, ани ҳам мухтасаран баён қилмоқ муносиб мақомдур.

Ва билмоқ керакки, русуб макон эътибори ила уч қисмга мунқасим бўлурки, ғумом ва муаллақ ва росибдур. Аммо ғумом деб тофий, яъни қаймоқ каби сувнинг устида турадурган русубга айтилур. Ани номини саҳоб ҳам дерлар. Ва ғумом ва саҳобни ҳар иккиси ҳам бамаънойи булутдур ва булут юқорида юрар. Ва бу русуб ҳам тамом моййятдин юқори маконда ҳосил бўлғони учун номини ғумом ва саҳоб дерлар. Ва яна булут жисми мутахалхалдурки, анда ҳеч салобат йўқдур, ҳатто жисми йўқ каби бўш қобили ламса бўлмогон жисми бухорийядур. Ва инчунин русуби ғумомий ҳам қобили ламс бўлмогон жисми мутахалхалдурки, кўзга маҳсус бўлса ҳам, қўлга мақбуз бўлмас, гўёки бу ҳам жисми бухорийя кабидур. Бинобарин ғумомий дерлар.

Ва аммо муаллақ деб, васати маконда муаллақ турадургон, яъни баландга суъуд қилмоқни ва пастга нузул қилмоқни ҳам тақозо қилмайдурган нимарсани айтурлар. Ва аммо росиб деб паст тарафга нузул ила таҳнишин бўладурган нимарсани айтурлар. Аммо русуби ғумомийнинг сабаби назжнинг кам ва нотамомлиги ва моддадин ҳосил бўлгон боди ғализнинг баланд тарафга майлонидур. Зероки мазкур боди ғализ моддаи русубдин ҳосил, лекин ҳануз моддаи мазкурга мухталитдур ва мухтабисдур ва баланд тарафга суъуд қилмоқга муқтазийдур. Бас, боди мазкурнинг қасри ва ғалабаси бирлан ночор моддаи русуб ҳам бавлни юзасига кўтарилур. Аммо русуби муаллақнинг

сабаби русуби ғумомий моддасиға назаран буни моддаси зиёдароқ назж ҳосил қилғони ва камроқ боди ғализ ҳосил қилғонидурки, моддани паст тарафға нузул учун майлони ила боднинг юқори тарафға суъуд учун майлони баробар бўлуб, бир-бириға ғалаба қилолмоғонидур.

Ва зоҳирдурки, боди ғализнинг ҳусули назжнинг нуқсонидин, яъни моддаи ғайри назижадин бўлур. Бас, назж нақадар кам бўлса боқий ғайри назижадин шул қадар боди ғализ ҳосил бўлур. Ва модда нақадар кўп назж ҳосил қилса, боди ғализ шу қадар кам ҳосил бўлур. Бас, маълумдурки, русуби ғумомийда моддаи русубнинг назжи кўп ноқис бўлғони учун андин кўп миқдор боди ғализ ҳосил бўлғондурки, баланд тарафға суъуд қилмоқға муқтазийдур. Ва моддадин мафорик бўлолмай мухталит бўлгонлиғи учун баландға суъуд қилмоқда модда русубға ғолиб бўлуб, ани ҳам кўтариб бавл юзасиға чиқарғон бўлур. Аммо русуби муаллақнинг моддаси ғумомий моддасиға назаран кўпроқ назж ҳосил қилғони учун андин боди ғализ камроқ ҳосил бўлғони учун кам бод русубға ғолиб бўлолмас. Ва махлуқ ҳам бўлмас, бинобарин ҳар иккиси ҳам аввалғи маконларида, яъни қоруранинг миёнасида барқарор ва муаллақ қолурлар. Аммо русуби росиб, яъни русуби таҳнишин русуби табиийда модданинг камоли назжиға далолат қилур. Аммо русуби ғайри табиийда ҳоли баданнинг ёмонлиғиға далолат қилур. Ва инчунин русуби муаллақ ва русуби ғумомийда ҳам баҳасби сабаб ҳукми мухталиф бўлур. Бинобарин бу маҳалда мазкур ихтилофни бошқа фавоиди касираси бирлан муфассал баён қилиб ўтмоқ муносибдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, русуб ё маҳмуд бўлур ва ё мазмум бўлур. Бас, агар маҳмуд бўлса, ани энг яхши назж ҳосил қилғони ва энг солихроғи таҳнишин ва бу даражадин ноқисроғи муаллақ ва андин ҳам ноқисроғи ғумомий бўлур. Зероки маълумдурки, ҳамма аъзо жисмдур. Ва жисмда арзийят кайфияти ғолиб бўлмоғи лозимдур, токи шул кайфияти арзийя бирлан аъзо ҳаракат қилмоқға бақувват ва қаттиғ бўлғай ва мағлубиятдин узоқ бўлғай. Бас, аъзодаги кайфияти арзийя

ғолиб бўлса, ани фазласи ҳам мазкур аъзоға муташобих бўлмоғи лозими табиийдур. Яъни фазлаи табиийяда ҳам кайфияти арзийя ғолиб бўлмоғи лозимдур.

Ва маълумдурки, аъзонинг ўзи камоли назжидин ҳосил бўлгон жисмдур. Бас, ани фазласи ҳам комил назжлик бўлур, албатта. Ва шунинг учун фазланинг аъзоға мушобиҳ бўлмоғи камоли назжға аломатдур. Ва зоҳирдурки, бир жисмда арзият ғолиб бўлса, сувда таҳнишин бўлур. Бас, собитдурки, русуби табиийнинг энг яхши назж ҳосил қилғони таҳнишин ва андин камроқ даражалиги муаллақ ва андин ҳам камроқ даражалиги тофий, яъни ғумомийдур.

Аммо русуби мазмум яна икки навъ бўлур. Бир навъининг асл зоти арзий бўлур. Масалан, қум ва тошлар ва зоҳирдурки, булар бавлда албатта таҳнишин бўлурлар. Лекин таҳнишин бўлмоқлари ҳоли баданнинг зиёда ёмонлиғиға далил эрмас.

Ва иккинчи навъ русуби мазмум шулки, русубни ўзида арзийяти кайфияси зотий бўлмас, балки бир ғайри нимарсаннинг сабаби бирлан таҳнишин бўлур. Ва бу навъ русуб таҳнишини олиийя ҳаммадин радиий ва фосидроқ бўлур. Ва бу даражадин кам ридоатроғи муаллақ ва андин ҳам кам ридоатроғи ғумомий бўлур. Зероки бу навъ русуби мазмунда ғалаба арзийят сабабнинг зўрлиғиға далилдур. Магар бу русуб ҳам тофий ва ғумомий бўлуб, анинг сабаби боди ғализнинг тасодифан ҳарорати муфрид бирлан ориз бўлмоғи иттифоқ келуб, мазкур ҳароратнинг таъсири бирлан русуби ғумомий бўлса, бу русуб ҳам таҳнишин каби радиий бўлур. Ва тофийлиги ғайри табиий сабабдин бўлғони учун эътибордин соқитдур. Чунки ғалабаи арзийят албатта сабабнинг зўрлиғиға мусталзимдур.

ИНТИБОҶ. Билмоқ керакки, агарчи русуби маҳмуда русубнинг ғумомий бўлмоғи комил ун-назж эмасликдин ва салоҳияти камликдиндур, деб зикр қилинғондур. Лекин баъзи орук кишиларнинг касалида аввало русуби таҳнишин бўлуб, сўнгра касал ниҳоятда, яъни сиҳҳат топмоқ вақтида русуби муаллақ ва ё тофий бўлурки, атиббо бу тофийликни таҳ-

нишинликдин яхши ва нишонайи сиҳхат дебдур. Лекин буни яхшилиги моддаи балғамни ва савдовийликға махсусдур. Зероки агар русуби мазмумда моддаи сафро бўлса ва бавлнинг устида тофий бўлса, ҳаммадин ёмонроқ бўлур. Ва таҳнишин бўлса, муаллақдин ва тофийдин яхшироқ бўлур. Чунки моддаи балғам ва моддаи савдо оғирроқ бўлурки, ани таъби таҳнишин бўлмоқдур. Ва ҳар вақт табиат анга ғалаба қилуб, ани пишурса, таъбини ҳам ўзгартируб, оғирликдин энгилликға айлантирар. Шунинг учун ани тофий ва гумомлиги яхшиликға далил бўлур. Аммо сафрони таъби иссиқ ва энгилдур. Ҳақиқатдан ани таъби тофийликға роғибдур. Бас, агар сафро росиб ва таҳнишин бўлса, анга иллат ғолиб бўлуб савроний ва қайнамоғини таскин берғониға далилдурки, иллатға мағлуб бўлмоқ ёмон ва радийдур. Ва иллат табиатға ғолиблигини нишонасидур. Бас, бундоқ вақтда таҳнишинлик хайриятнинг нишонаси деб бўлмас. Бас, русуби мазмумнинг мазмумлиги бод ва ё ҳарорат ва ё ҳар иккисининг сабаби ила тофий бўлғонлигиға хосдур. Ва боди ғализ сабабидин тофий бўлғон русуб ила ҳарорати муфритдин тофий бўлғон русубнинг фарқи шулки, агар боди ғализдин тофий бўлса, бавли кўпукдин холий бўлмас. Ва агар ҳарорати муфритдин бўлса, бавли риққат ва моййятдин холий бўлмас. Ва ҳар бирини бошқа осори махсусалари ҳам шоҳид бўлур. Ва агар русуби балғамий ва савдовийда бу аломатлардин ҳеч бири зоҳир бўлмаса, ул вақтда русубнинг мустаъриз ва япроқ шаклик сабабидин тофий бўлғонлиги собит бўлур. Ва шакли мазкур кўзга маҳсус ҳам бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, аксари одамда воқеъ бўлурки, бавли оқ ва русуби агарчи пишган ва моййятдин ажраган бўлур. Лекин бавлнинг ғализлигининг русуб таҳнишин бўлолмаи сувнинг миёнасида турар. Хусусан русуб андак бўлса ҳаргиз таҳнишин бўлолмас. Чунки русубни оғирлиги қувватидин бавлнинг ғализлиги қуввати ғолиб бўлғони учун русуб бавлни ёриб ўзиға йўл очмоқға қодир бўлолмас. Бинобарин таҳнишин бўлолмас. Ва инчунин аксар воқеъ бўлурки, бавл бағоят рақик бўлур. Ва русуби агарчи бўлса ҳам бавлни ёриб, ўзича йўл

очиб таҳнишин бўлмоқға қодир бўлур, ҳам таҳнишин бўлур. Ҳосили калом шул русубнинг таҳнишин ёки тофий бўлмоғи ва анга қараб ҳукм қилмоқни дуруст бўлмоғи учун бавлни қивомда мўътадил бўлмоғи шартдур. Ва агар бавл мўътадил ул-қивом бўлмаса, бас, табиб учун ушбу мууроётни риёоя ва мулоҳаза қилмоқ вожибдур. Зероки аксар воқеъ бўлурки, русуб гўё ғумом каби пайдо бўлур ва буни кўриб табиби жоҳил ёмонлик аломати фаҳмлаб кўрқадур, ваҳоланки бу русуби тофий ибтидойи назждурки, бундин сўнг русуби муаллақ зоҳир бўлур, андин сўнг русуб таҳнишин ва сўнгра сиҳхатлик ҳосил бўлур. Ва агар бўҳрони комил ва жайийдиндин сўнг бавлда русуби ғумом пайдо бўлса, касални узоқ вақтга чўзилмоқ хавфи бўлур.

Ва махфий қолмасинки, русуби бавлнинг баёнидин фориг бўлдик. Эмди саҳиҳ кишининг комил назжлик бавли қандоқ ва гўдак боланинг ва ёш йигитларнинг ва қари кишиларнинг ва эркагу хотун кишиларнинг бавлларининг миёнасида қандоқ фарқи борлигини уч фоида бирлан баён қилурмуз.

БИРИНЧИ ФОИДА. Билмоқ керакки, яхши пишган бавлға қивомда, рангда ва бўйда мўътадил бўлмоқ вожибдур. Зероки бу уч сифатнинг ҳар бирини ифроти ва тафрити эътидолдин хориж бўлғонликдин ҳодисдур. Ва эътидолдин хориж нимарса албатта яхшилик бўлмас. Яна бавлнинг миқдорида ҳам мўътадиллик лозимдур. Магар бавлнинг миқдори кўплиги табиатнинг дафъи сабаблик бўлса, ул бавл маҳмуддур. Шунинг учундурки, Шайх ур-раис алайҳирраҳма “Қонун”ларида бавли назж саҳиҳ учун миқдорда мўътадилликни шарт қилмағондурлар. Ва яна билмоқ лозимки, мазкур эътидолотдин бавлнинг хориж бўлмоғи агар бавлни тағйир бергувчи нимарсалардин ичмоқ ва емоқ сабабидин ориз бўлса ва бадан ҳолида сиҳхатлик боқий бўлса, бу эътидолдин хорижлик ҳам эътибордин соқитликдур. Чунончи шул мабҳаснинг муқаддимасида муфассал мазкур бўлғондур.

Ва билмоқ лозимдурки, бавли назж саҳиҳ учун русуб

бўлмоғи вожиб эрмас. Ва агар русуб бўлса русуби маҳмуд бўлур. Аммо бавли саҳиҳда русуб ғайри маҳмуд бўлмоғи мумкин эрмас. Ва бавли саҳиҳда русуб мавжуд бўлмаслигини важҳи шулки, русуб ё табиий бўлур ва ё ғайри табиий бўлур. Фи-л-ҳақиқат русуби табиий амри табиийдин хориж бўлмас. Аммо агар ғайри табиий бўлса, ани амри табиийдин хорижлиғи зоҳирдур. Ва лекин агар русуб табиий бўлса икки эҳтимолдин холий бўлмаски, ё бу русуб жигарда ҳазми ғизодин ҳосил бўлгон фазла бўлур ва ё ахлатдин ҳосил бўлгон фазла бўлур. Бас, аввало қабул қилиб бўлмаски, фазла умури табиийдин бўлса, зероки табиатнинг вазифаси бадан ҳожати учун зарур бўлгон нимарсани ҳосил қилмоқдур. Ваҳоланки фазла ҳожати баданийядин зиёда нимарсадур. Бинобарин фазла умури табиийядин эрмас. Ва агарчи фазла ҳам умури табиий эканиға таслим қилингон тақдирда ҳам, аммо ҳеч шак йўқдурки, мазкур фазла нақадар кам бўлса, шул қадар яхшидур. Ва зоҳирдурки, то фазла ҳаддин зиёда бўлмаса русуб зоҳир бўлмас. Бас, бавли назж агар берусуб бўлса, русубликдин яхшидур. Ва агар камрусуб бўлса кўпрусубликдин яхшидур. Бас, бу маъники, мутаҳаққиқдур, лозим келур, русуб қайси фазладин қаю важҳ бирлан ҳосил бўлса ҳам, албатта амри табиийдин хориж бўлмай имкон йўқдур. Зероки назжи ахлотдин ҳосил бўлгон фазлани истилоҳи атиббода фазлаи табиийя демакдин мурод, бу фазла табиатнинг феълидин ҳосил бўлгон ва буни мавжуди табиатға матлуб демак эрмас, балки мурод шулки, фузули мазкур зарурийдур, табиат феълининг лозимасидур, демоқдур. Чунки табиатни феъли ахлотнинг жузви бадан бўлмоқға қобил жавҳарини ноқобил жузвдин ажратуб олуб, жузви бадан қилмоқдур. Бас, қобили жузвни ажратмоқнинг лозимаси ноқобилнинг ҳам ажралиб қолмоғидур. Бинобарин ани фазлаи табиийя дерлар, бано бар иштироки исмий ва илло фи-л-ҳақиқа ғайри табиий ва ғайри матлуби табиатдур.

Бас, бундин маълум бўлдики, бавли саҳиҳи назжда русубнинг вужуди вожиб эрмас. Ва агар бўлса бешак русуб маҳмуд

бўлур ва бавли саҳиҳда русуби мазмумнинг бўлмаслиги зоҳир-
дурки, русуби мазкур фазлаи нотабиийдин ҳосил бўлур. Ва
фазлаи нотабиий эса маразнинг лозимасидур. Ва агар саҳиҳ
кишиларнинг ҳақида зикр қилинғон сифат бул ҳиддатлик
касалида андак фурсатда ё дафъатан воқеъ бўлса, бавлнинг
зоҳир бўлғонидин эътиборан икки кунда касал тамом мунқар-
риз бўлуб, сиҳҳатлик ҳосил бўлмоғиға далилдур. Зероки бу
бавл табиатнинг дафъи мараз учун бағоят жиддий ғалабасиға
далилдур.

ИНТИБОҲ. Бавлнинг аз рўйи қивом эътидоли зоҳирдур.
Ва инчунин аз рўйи роиҳа эътидоли ҳам маълумдур. Аммо аз
рўйи ранг эътидоли шулки, утружий, яъни апелсин ранг ёки
соф ва холис қизилға яқинроқ бўлмоқдур. Баҳасби ихтилофи
мазҳабинки, бавли асфар мабҳасида мазкур бўлди. Ва бу ма-
ҳаллда ҳам бир қадар ихтилофни ва анга мутааллиқ баъзи
фавоидини қўшуб баён қилмоқ лозим бўлди.

Бас, билмоқ керакки, баъзи қудамой атиббо наздларида
бавлнинг мўътадил ранги шулки, ранги заъфаронийға яқин
рангда бўлғай, яъни норийлик ранги камолға етуб, андин
яна андак тажовуз қилуб қуруқ заъфарон рангиға моилроқ
бўлғайки, заъфарон эзилган сувини рангида бўлғай, дерлар.
Бинобарин дебдурларки, саҳиҳ кишиларнинг бавли норий
ранг ила заъфароний рангни миёнасида бўлур. Ва бу қавл-
ларини исботи учун далил баён қилуб айтурларки, ахлоти
арбаъанинг мажмуъидин мураккаб бўлғон хилтнинг ранги
қароға моил қизил бўлур. Ва бу ранг бавли табиийни ранги
ҳам қизил ранглик бўлмоғини лозим тутар. Лекин бу ранг
қароға моил қизил бўлмай, андин камрангроқ бўлмоғи
лозимдур. Зероки бавл бир моййятидурки, ахлоти мусаффо
жигарда пишуб етилғонида андин ажралур. Ва шак йўқдурки,
мазкур моййятға ахлоти мазкурнинг баъзи жузви мухталит ва
мамзуж бўлуб келур. Бас, ахлотнинг ўзи қароға моил тўқ
қизилдур. Ва ўзиға мамзуж бўлғон моййятни ҳам ўз ранги
бирлан рангин қилмоғи вожиби табиийдур. Лекин анга беранг
соф моййятни мўътадил миқдор мухталит бўлмоғи ахлотни

ранги сув бўлуб, заиф ва камранг бўлмоғига боис бўлур. Тўқ қизиллик рангини таназзули аҳмари носий рангга қариб бўлурки, ранги норий шул даражаи таназзулдин иборатдур. Бас, бавли табиийни ранги ҳам ушбу рангда бўлмоғи лозимдур, дерлар.

Ва яна ахлоти арбаъанинг мин ҳайсу-л-мажмуъ ранги тўқ қизил бўлмоғига икки тариқа далил баён қилибдурлар. Бир далил шулки, ахлотнинг таркибида ҳаммадин ғолиб ва кўп миқдорлиги албатта қондур. Ва қонни табиий ранги ва ўткир қизил табиий ранги ўткир қизил рангдур. Бас, бошқа ахлотнинг мағлублик сабабидин ранги номаҳсус ва нопадид бўлуб, ғолиб ажзо бўлгон қонни рангигина маҳсус бўлмоғи лозимдур. Зероки савдонинг қаролигига балғамнинг ва сафронинг оқ ва сариглиги муҳолифат бирлан ҳар қаюлари бир-бирларига монейи зуҳур ва таскин бирлан ҳаммаларини ранглари ҳам номаълум ва номаҳсус қолурлар. Фақат жузви ғолиб бўлгон қоннинг табиий рангигина боқий ва маҳсус бўлур.

Ва иккинчи далил қони фосид ва ғализ бўлгон кишидин агар қон олинса ва қоннинг ғализлигига лозима бўлгон қаролиги ўзгарилуб холис қизил бўлса, бовужуди қонни тўхтатмасамиз, аксар зарар қилур. Бас, бу зарар албатта табиий қонни кўп миқдор чиқиб кетганидин бўлгон зарардур. Ваҳоланки шул сўнгги хориж бўлгон қизил қон ҳам ахлоти арбаъадин мураккаблиги шубҳасиздур. Бас, маълум бўлурки, мажмуъан ахлотнинг ранги албатта қизилдур, дерлар.

Аммо ҳукамои мутаххириининг ҳужжатлари шул ҳолати сиҳхатда фузул камроқ ҳосил бўлмоғи шубҳасиздур. Зероки сиҳхатлик ила қуввати табиат ғолиб бўлур. Ва физони комил ҳазм қилур. Ва ахлотни комил назж қилур. Ва фазлани кам чиқарур, ҳам чиқгон фазлани таҳлил ториқи бирлан кўп дафъ қилур. Ва масонага кўп миқдор фазла мундафиъ бўлур. Ва фазланинг камлиги бавл рангининг камлигига боис бўлур ва қизил бўлмас. Аммо бахилофи сафроки, бошқа фазла кам бўлгон ҳолда ҳам сафрони мўътадил миқдорда бавлға ихтилоту зарури табиийдур. Зероки инсонни дафъи бавл учун огоҳ

қилмоқ сафронинг вазифасидур, бовужуди масонаға ҳирқат ва сўзиш ориз бўлмаслик даражада мўътадил миқдор бўлмоғи сихҳатликға муносиб бўлгон умури табиийядинлиги шубҳасиздурки, мўътадил миқдор сафрони бавлға ихтилоти бавлнинг сариф ранг бўлмоғиға боисдур.

Бас, собит бўлурки, соири фазлани эътидолдин жуда камлиги бавлда қизил рангни заволиға сабабдур. Ва сафрои мўътадил миқдорнинг таркиби бавлға сариф ранг ҳосил бўлмоқға сабабдур. Бинобарин саҳиҳ кишининг бавли утружий рангда ёки тибний бўмоғи лозим келур. Лекин атиббои мужаррабин жустужу бирлан имтиҳон қилуб топқондурларки, бавлда ранги тибний баданда андак ғалабаи рутубат борлигиға далолат қилур. Бас, мутаҳаққақ бўлдики, саҳиҳ кишининг бавли фақат утружий ранг сариқ бўлмоқға мунҳасирдур, дер, валлоҳу аълам.

ИККИНЧИ ФОИДА. Инсоннинг ёши эътибори ила бавл рангида бўладурган фарқининг баёнидадур. Ва билмоқ керакки, биринчи фоидада мазкур бўлгон ранги табиий бавл албатта утружий ёки баҳасби ихтилоф қизил бўлмоғи афроди инсоннинг ҳар бириға баробар мувофиқ бўлолмас, балки инсоннинг ёшиға нисбатан бавлнинг ранги ҳам мутағаййир бўлурки, бу тағаййур ҳам мазкур соҳиби бавлнинг ҳаққиға ранги мўътадил ва далили сихҳат бўлур. Ва бавлни ранги эътидолиға назаран соҳибини сихҳатға ҳукм қилмоқда ани ёшини ҳам риояси зарурдур. Токи ҳукм хатодин барий ва содиқ бўлғай. Ынобарин бу мақомда ёш эътибори ила мўътадил бўлгон ранги бавлни ҳам бир-биридин фарқини баён қилмоқ лозим бўлди. Токи нозирини китоб наздларида ҳеч важҳдин мақсудға хафийлик қолмағай.

Билмоқ керакки, эмадурган ёки эмишни тарк қилғониға кўп узоқ вақт ўтмаган саҳиҳ боланинг бавлида ранги табиий оқ рангға моилроқ рангдурки, сут рангининг таъсиридин холий бўлмас. Ва бунинг важҳи физосидин ҳам зоҳирдур. Аммо эмиш давридин ўтган ва ҳануз балоғатға етмаган гўдакларнинг

бавли йигитларнинг бавлига назаран ғализроқ ва касир ун-нур, яъни софроқ бўлур. Чунки алар кўп ғизо тановул қилмоқларидин кўп фузул ҳосил бўлмоғи боиси ғилзатдур. Ва аларни аксар ғизолари латиф ва мизожлари иссиқ ва ҳаракатлари зиёдалиги ғизонинг комил ҳазмига боис бўлмоғи бавлнинг назжида ва сафода издиёдиға боисдур. Ва йигитларнинг бавли қизилға моил ва мўътадил ул-қивом бўлур. Зероки аларни мизожлари иссиқ ва сафролари ғолиб бўлурки, ҳар иккиси ҳумратға, яъни қизил рангни ҳудусиға сабабдур. Чунончи бавли аҳмар баёнида мазкур бўлди. Ва мўътадил ул-қивом бўлмоғи ҳазмнинг яхшилигидин ҳосил бўлур. Ва ёши қайтган кишининг бавли оқға моил бўлур. Зероки аларда ғизонинг ҳазми нуқсроқ ва заифроқ бўлур. Ва ҳарорат камроқ ва сафро жуда кам бўлурки, камоли ҳазмдин ҳосил бўлғон қон ва сафро бавлға ранг эҳдос қилур эрди. Бас, заъфи ҳазм бирлан ани кам ҳосил бўлмоғи бавл рангини кам ҳосил бўлмоғиға боисдур. Аммо қивоми агар фузул кўпроқ мундафиъ бўлса, бавлнинг қивоми қуюқроқ бўлур. Ва илло суюқ бўлур. Ва қари кишиларнинг бавли жуда камранг ва оқға яқин бўлур. Магар ихтироқи балғам сабаби бирлан андак рангин бўлса, мумкиндур. Лекин ихтироқи балғам ҳолати сиҳхатға муғойирдур. Бинобарин бу ранг эътибордин соқитдур. Ва қивоми ҳам ҳама ёшдаги кишиларнинг бавлидин суюқ бўлурки, аларнинг ҳақиға шул бавл бавли табиийдур. Ва шул ранг ранги табиийдур. Ва агар қари кишиларнинг бавли жуда ғализ бўлса, аларни масонасида тош пайдо бўлмоғиға далили мунзирдур.

УЧИНЧИ ФОИДА. Эркакларнинг бавли ила хотунларнинг бавли миёнасидаги фарқининг баёнидадур. Билмоқ керакки, тани сиҳхат хотунларнинг бавли тани сиҳхат эркакларнинг бавлиға назаран ғализроқ ва оқроқ ва камравнақроқ бўлур. Ва ани сабаби хотинларда фазланинг кўплиғи ва ҳазмнинг заифлиғи ва мажройи бавлнинг васиълиғи ва раҳмдин масонаға рутубатнинг кўп қуюлмоғидур.

Аммо эркакнинг бавли тамом буни зидди ва хилофидур. Ва яна эркакнинг бавлини агар чайқатилса аксарда бавл

мукаддар ва хира ранг бўлур. Ва кудурати бавлнинг устига чиқар, бахилофи хотунларнинг бавли чайқатулса, мукаддар бўлмас. Ва агар мукаддар бўлса, бағоят кам мукаддар бўлур. Ва буларда кудурат бўлмаслигининг сабаби бавлға мухталит бўлгон рутубати лазижаи балғамийянинг ажзоси мойийятдин ажралмағони ёки жуда кам ажралғонидур. Ва ажзойи мазкурнинг ажралмаслигининг сабаби рутубатни лузужат ва ширадорлиғи ҳам совуғлигидур. Ва зоҳирдурки, ажзойи мазкур мойийятдин ажралмаса такаддур ҳосил бўлмас. Ва бундин эркакларнинг бавлида такаддур бўлмоғини сабаби ҳам маълум бўлди.

Аммо бу такаддурни эркакларнинг бавлида юқориға кўтарилмоғининг сабаби ҳарорат мизож воситаси ила ажзойи мазкурни енгил бўлмоғидур. Ва хотунларнинг бавлининг устида аксар вақтда мустадир шакл кўпук пайдо бўлур, яъни кўпукнинг мажмуъи шакли мустадир уш-шакл бўлур.

Ва ҳомиладор хотуннинг бавли соф оқ ранглик бўлуб, устида тамаввуж доирасиға ўхшаш доираси борға ўхшаб кўринур. Ва гоҳи ҳомила хотуннинг бавли гўё нахуд қайнатилгон ёки қайнатилгон сув каби андак саригроқ ва русуби кўк рангға моилроқ маҳсус бўлур. Ва бавлни устида булут каби нимарса маҳсус бўлур. Ва ҳомила хотунларнинг ҳар қаюларини бавли ҳар тариқа бўлса ҳам, лекин ҳаммасида ҳам бавлни ўртасида пахтаға ўхшаш русуби манқуш ва муаллақ кўринур. Ва Шайх ур-раис “Қонун”ларида шундоғ дебдурлар. Аммо ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”да дебдурларки, пахтаға ўхшаш манқуш ҳамма ҳомила хотуннинг бавлида мавжуд бўлмас, балки баъзида батариқаи нудрат бўлур. Ва ҳомила хотунларнинг бавлида ҳабмонанд бир нуқта маҳсус бўлурки, бавлида юқориға ва пастға чиқуб ва тушуб ҳаракат қилгон каби маҳсус бўлур, дебдурлар.

Билмоқ керакки, ҳамлнинг ибтидосидаги бавлда кўк рангға моилроқ сабз, яъни сабз ила осмоний рангдин мураккаб бўлгон ранг пайдо бўлур. Ва интиҳосида қизил ранглик бўлур. Ва ҳам бавлни чайқатилгонда кудурат ва хиралик пайдо бўлур.

Аммо нифослик хотуннинг бавлида аксар вақт қозоннинг қуясига ўхшаш қаро нимарса зоҳир бўлур.

Ва махфий қолмасинким, тўртинчи мақоланинг сўнги қисми бўлгон тафсира, яъни аҳвол ва кайфиёти бавлнинг баёни шул жойда тамом бўлди. Ва бундин бошқа яна аҳволи бадани инсонга аломат бўлғувчи неча нимарсалар бордурки, одати муаллифинда алар баёндин маскутун анҳудурлар. Хусусан буроздин истидлол қилмоқ анга назар қилмоқни фоҳишлигидин ва ҳам ани зикри одоб жиҳатидин адиблар ҳузурида нолойиқ сабабидин ва ҳам бадани инсоннинг ҳамма аъзосига далолати шомил бўлмай, фақат батн аҳволига, яъни меъда ва ичаклар аҳволига хос бўлғони жиҳатидин бўлса керак, мотинлар бунинг баёнида сукут қилғондурлар. Лекин далоили баданийнинг энг ниҳоят даражасигача истиқсои тажассус мансаби шарҳ бўлғони учун ҳам замони ҳозирда бунга ихтимом қилмоқга атиббои еврупиюн одат қилғонлари учун бу баҳсдин сукут қилмоқ бизга нишонайи ажз қабилдин бўлмасин учун гарчи хилофи адаб бўлса ҳам андак баён қилиб ўтмоқни ўзимга лозим деб билдим. Қорийини киром маъзур тутқайлар.

ФОИДА. Аҳволи буроз баёнида

Билмоқ керакки, бурози инсон, яъни инсоннинг тезаги демакдур ва бавли инсон тамоми баданга қон бирлан боруб, қонни ақсои баданга сингуб етмоғида ёрдам беруб, баъд аз хусул муддао яна жигарга қайтуб келғон мойиятдин ҳосил бўлғони учун ўзини мажроси ва сайргоҳи бўлғон тамоми бадан аҳволига далолат қилғони каби буроз ҳам ўзини мажроси бўлғон меъда ва маъойи исно ашара ва маъойи сойим ва маъойи дақиққи, мажмуъини маъойи улийо дерлар. Ва туркийда иччиқ ичак дерлар.

Ва маъойи аъвар ва маъойи қулун ва маъойи мустақимки, мажмуъини маъойи суфло дерлар. Ва туркийда пўкон ва хасип ва кўтон дерлар.

Ва ушбуларни аҳволига суроҳатан далолат қилур.

Бас, билмоқ керакки, тағйири мизожга мазкур аъзонинг дахли томмаси бўлғони учун аларни саломатлигига далолат

қиладурган бурози маҳмуд беш хил сифат бирлан муттасил бўлурки, бу сифатлардин қайси бири тағйир топса, мазкур аъзонинг қаю бирида қандоқ иллат пайдо бўлғони маълум бўлғай. Чунончи бурози маҳмуднинг биринчи сифати мужтамиъ ул-ажзолик ва муташобиҳ ул-ажзоликдур. Ва ҳам рутубати арзийятига шадид ул-ихтилот бўлмоғидур. Зероки агар бурознинг ажзоси мужтамиъ бўлмаса, миёнасиға нафх, яъни боди ғализ мухталит бўлгон бўлур. Ва боди ғализ назжни нуқсонига далил бўлур. Ва агар ажзойи буроз бир-бирига муташобиҳ бўлмаса ва мухталит бўлса, яъни баъзи ажзоси мулойим ва баъзиси қаттиқ ёки баъзиси ҳазм бўлгон ва баъзиси ҳазм бўлмоғон бўлса, албатта суви ҳолға нишон бўлур.

Ва иккинчи сифат шулки, буроз рангда ва бўйда ва қивомда ва вақти хуружда мўтадил бўлмоғидур. Бас, миқдори мўтадил шулки, физони миқдоридин бурозни миқдори зиёда ҳам бўлмас. Ва гоят даражада кам ҳам бўлмас, балки камлик миёна даражада бўлур. Ва бурозни физоға нисбатан миёна даража кам бўлмоғини атиббо чунон тасриҳ қилубдурки, агар мўтадил мизож бир одам мўтадил даража очликда физойи мутлақдин маълум миқдорни тановул қилса ва одат бўлгон вақти маълумда андин буроз хориж бўлса, бурознинг миқдори аз рўйи вазн физони нисфи вазнидин зиёдароқ бўлмоғи лозимдур. Ва аз рўйи ҳажм миқдорини сўнгра баён қилинур.

Аммо рангда мўтадил бўлмоғи шулки, хафиф ун-нория бўлур, яъни сариқ ва енгил бўлур. Башартики, бурозни рангин қилғувчи нимарсанинг тановулидин холий бўлса, Зероки бавлининг рангиға биноан ҳукм қилмоқда лозим бўлгон мулоҳаза бурозжа ҳам шартдурки, ашёйи собиғанинг тановули бирлан ориз бўлгон ранг буроз эътибордин соқитдур.

Ва бўйда мўтадил бўлмоқ шулки, буроз зиёда бадбўй ҳам бўлмағай ва жуда бебўй ҳам бўлмағай. Зероки зиёда бадбўйлик йубусатға далилдур ва жуда бебўйлик ифрот даражада бурудатнинг ғалабасиға далилдур.

Ва қивомда эътидоли шулки, мўтадил қивомлик асални қивоми каби бўлур. Ва асални ҳам мўтадил ул-қивомликға

қайд қилинғони шунинг учундурки, асал ҳам қивомда мухталиф бўлур. Бас, анга мўътадилликни қайд қилинмаса, муддаога равшан тушунтирмоқ мумкин бўлмас.

Ва эътидоли вақт шулки, одатда физонинг ҳазм бўлмоғи ва ани кайлусидин сафосини, яъни физойиясини жигар тарафиға мунжазиб бўладурган фурсати тамом бўлгондин сўнг бурозни хориж бўлмоғидур. Ва бу фурсатни тақдир қилмоқ учун баъзи атиббо дебдурларки, баъд аз тановули физо ўн икки соат ўтгондин сўнг буроз хориж бўлғай. Лекин ҳақ шулки, вақтнинг тақдир қилмоқға одат қиёс бўлур. Ва соатға қиёс қилмоқ хатодин холий бўлмас. Чунки саҳиҳ кишиларни ҳам ҳаммасини қуввати ҳозимаси ва иштаҳоси ва соир аҳволи ва одати ва физоға ҳожати баробар эрмас. Кама ла йахфий.

Ва учинчи сифат шулки, бурозни хуружи осон бўлғай. Ва соҳибининг ирода ва хоҳиши бирлан хориж бўлғай. Ва озор ва сўзиш бирлан хориж бўлмағай. Зероки хуружини осонлиги қуввати дофиъани бақувватлигиға далилдур. Ва соҳибини иродаси бирлан хуружи қуввати мосиканинг саломатлигиға далилдур. Ва иродадин холий хуружи сафро моддасини ҳаддан зиёда мухталитлигиға далилдурки, бу тақдирда албатта озор ва сўзиш анга лозимдур. Ва агар ирода бирлан ҳам баосоний хориж бўлмаса, ё қуввати дофиъани заифлигиға ва ё моддаи сафрони бурозға мухталит бўлмағониға далилдур.

Билмоқ керакки, агар қуввати табиийяни огоҳ қилмоқ учун ўтдин бир миқдор мўътадил сафро ичакға келмаса қуввати дофиъа бурозни ихрож қилмоқға ҳаракат қилмас. Ва агар миқдори мўътадилда сафро ичакға келса қуввати дофиъани ҳаракатиға боис бўлур. Аммо мақъадға сўзиш эҳдос қилмас. Ва агар миқдори мўътадилдин зиёда сафро келса ҳам сўзиши мақъад эҳдос қилур. Ва ҳам қуввати мосика ани имсокиға қодир бўлолмай бағайри ирода хориж бўлур.

Ва тўртинчи сифат шулки, батнда қароқур садоси эҳдос қилмай бесадо хориж бўлур. Зероки қароқур садоси ичакда боди ғализни кўплигиға далолат қилур. Ва боди ғализ эса ичакни заифлигиға далолат қилур.

Ва бешинчи сифат шулки, буроз аз рўйи ҳажм физойи маъкул ҳажмиға қариб бўлғай. Зероки физойи мазкурнинг баъзи ажзоси жигарға мунжазиб бўлмоғи ила асли миқдори камайуб қолгон бўлса ҳам, лекин боқий ажзоси табх воситаси бирлан, яъни ҳазм вақтида меъдада қайнағони сабаб бирлан ҳажми зиёда бўлур. Мазкур нуқсонни тўлдирад. Бинобарин фазла бовужуди ажзосини нуқсони бирлан яна ҳажми катта бўлуб, миқдори маъкулға қариб ҳажмда бўлур. Чунки қайнамоқда ҳам бир миқдор ругуботни жазб қилур. Ва ҳам қайнамоқ сабаби бирлан ўзини ҳажми кўпаюр. Бас, бурознинг кайфиятиға назаран аҳволи баданға ҳукм учун истиллол қилмоқ тариқасини саккиз дафъа бирлан баён қилинур.

БИРИНЧИ ДАФЪА бурознинг баёнида. Билмоқ керакки, бурознинг миқдори уч важҳдин холий бўлмас. Бири шулки, тановул қилинғон маъкул ва машруб муқтазоси бўлғон миқдорда буроз хориж бўлурки, буни муътадил ул-миқдор дерлар. Чунончи бурози табиийда мазкур бўлди.

Ва иккинчи шулки, муқтазойи маъкул ва машруб бўлғон миқдордин зиёдароқ буроз хориж бўлур, бавли касир ул-миқдор дерлар. Ва бири муқтазойи маъкулдин камроқ миқдор бўлурки, буни қалил ул-миқдор дерлар. Ва бу жойда касир ул-миқдор ила қалил ул-миқдорни икки қисм бирлан баён қилурмуз.

БИРИНЧИ ҚИСМИ КАСИР УЛ-МИҚДОР БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, бурози касир икки ҳолдин холий эрмаски, комил ул-ҳазм бўлур ва ё ноқис ул-ҳазм бўлур. Агар комил ул-ҳазм бўлса яна икки эҳтимолдин хориж бўлмаски, ё андин ажзойи физойияси тарқаб баданға сингиб тарқалмоғи камо йанбағи мумкин бўлмас, балки баъзи ажзойи физойияси баданға сингиб кетолмас. Бас, ночор жигарға ружуъ қилуб, андин мосариқайи амъо воситаси бирлан ичакға келуб, фазла физоға қўшилур. Бинобарин буроз муқтазойи гизо миқдоридин зиёда бўлур. Ва иккинчи эҳтимол шулки, бадандиъ жисми баданий, чунончи рутубати баданийя ёки баъзи ажзойи бадандин

эриганлари бадандин физойи баданийя йўли бирлан жигарға келур ва мажройи физодин физойи сонийяни ҳам қайтариб, ўзиға қўшуб олур келур. Ва андин мосариқо йўли бирлан ичакға келуб, фазлаи физоға қўшилурлар ёки физойи бадан йўли бўлмагон бошқа томурлар воситаси бирлан ичакға келур. Бинобарин буроз муқтазойи физодин зиёдароқ бўлур.

Ва иккинчи комил ул-ҳазм шулки, мажройи физо масдуд ва бандлиги ва ё заифлиги сабабдин ёки баданнинг қуввати жозибаси ва жигарнинг қуввати дофиъаси сабабдин физонинг ажзойи физойияси мутлақо баданға нофиз бўлмас. Ва ночор мосориқойи суфло воситаси бирлан ичакға келуб, фазлаи физоға қўшилур тушар. Бинобарин миқдори буроз муқтазойи физойи маъкулдин зиёда бўлур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, гоҳи бурознинг миқдори худ физойи маъкулнинг миқдоридин ҳам зиёда бўлур келур. Ва бунга сабаб шулки, бадандин кўп миқдор рутубат эруб, мазкур мажро воситаси бирлан келуб, бурозға қўшилур, физойи маъкул миқдоридин ҳам зиёда бўлур келур. Масалан, ярим ратл физо тановул қилгон бўлса, ярим ратлдин зиёда буроз хориж бўлур. Аммо ҳазми ноқисдин бўлгон касрати буроз бадиҳийдурки, андин ҳеч бир узви баданға сингмас. Ва тамом ичакға ўтуб мундафиъ бўлур. Ва би-л-жумла касрати бурознинг сабаби ва ажзойи баданнинг эримоғидин ва ё рутуботнинг нузулидин ва ё варамнинг инфижоридин ва ё ахлотнинг кўплигидин ва ё ажзойи физойиянинг баданға сингмағонидин бўлурки, хоҳ жигарнинг жозибаси заифлигидин сингмагон бўлсин ва ё дофиъаси заифлигидин бўлсин ва ё мажро заиф ва ё масдудлигидин бўлсин ва ё меъдадин жигарға мажро бўлгон мосориқойи уйюннинг масдудлигидин бўлсин, бас, бу касрати бурознинг сабабларидин ҳар бирини аломатлари бирлан баён қилурмуз.

Билмоқ керакки, ажзойи баданнинг эригани сабабдин бўлгон касрати бурозда дасм шадид ун-натан бўлур. Баъзи буроз ёғлик ва багоят бадбўй бўлур. Ва баданда ўткур ҳарорат бўлмоғи ҳам анга шохиддур. Аммо рутубатнинг нузулидин

бўлгон касрати бурозда мухотга ўхшаш, яъни бурундин келадургон фаглаи балғамийяга ўхшаш нимарса бурозга қўшиллуб келғони зоҳир бўлур. Ва кўп муддат ухлагондин сўнг мабразга борганда бу рутубат кўпроқ мухталит бўлуб келур. Зероки фаглаи физо миқдори аслийда бўлуб, лекин уйқу муддатида нозил бўлгон рутубат кўпроқ жамъ бўлгон бўлур.

Аммо варамнинг инфижоридин бўлгон касрати бурозда йиринг ва мидда ва фасод мухталит бўлуб келурки, ани зуҳури далили қотиъдур. Зероки аъзойи ботинийдин қаю бир узва варам ориз бўлуб, пишуб ёрулса, ани мадда ва фасоди ичакдин келуб бурозга қўшиллуб, мундафиъ бўлур ва касрати бурозга сабаб бўлур.

Аммо ахлотнинг кўплигидин бўлгон касрати бурозда ҳар қаю хилт бурозга қўшиллуб келгон бўлса, шул хилтнинг ранги бурозда зоҳир бўлур. Масалан, агар кўп балғам қўшиллуб, касрати бурозга боис бўлса бурозда оқ ва лузужат зоҳир бўлур. Ва агар кўп сафро қўшилгон бўлса, бурозда ҳам баҳасби ҳиддати сафро сариғ ёки қизилга моил заъфароний ранг ва мақъадда сўзиш ориз бўлур. Ва агар савдо қўшилгон бўлса, бурозда қаро ранг ва мақъадда илтиҳоб ва ихтироқ пайдо бўлур. Ва агар қон қўшиллуб, касрати бурозда сабаб бўлгон бўлса, агар ул қон жигардин келган хом қон бўлса, бурозда ғассола ва селранг зоҳир бўлур. Агар жароҳатдин чиқгон қон бўлса, худ қон бурозда намоён бўлур. Ва ҳам заъфи жигарни ва ё жароҳат оёри бунга шоҳид бўлур. Ва яна баданда қаю хилт ғолиб бўлса, ани ҳамма аломатлари ва баданнинг имтилоси далили сотиъдур.

Бас, агар бу ахлотни табиат дафъ қилгон бўлса, сўнгидин баданга роҳат ва енгиллик ҳосил бўлур. Агар мажронинг масдудлигидин ва ё қуввати жозиба ва ё дофиъанинг заъфидин баданга нуфуз қилолмай, ночор хорижга, мундафиъ бўлса, кундан-кунга баданда ориғлик ва қувватда заифлик ориз бўлмоғи далили қотиъдур. Ва ҳар иккисини бир-биридин фарқи шулки, агар суддаи мажро сабабидин ажзойи физо

баданга ўтолмоғон бўлса, аксар ўнг тараф қобурғанинг остида оғирлик маҳсус бўлур. Ва гоҳи оғирлик маҳсус ҳам бўлмас. Зероки агар мажро жигарга муттасил бўлгон тарафида судда воқеъ бўлса, жигарга ўтолмай мажрода муҳтабис бўлуб қолгон ажзойи физонинг оғирлиги мажройи мазкурда маҳсус бўлур. Ва агар меъдага муттасил тараф мажрога судда воқеъ бўлуб мажрога ўтолмаса, мажрода ҳам оғирлик маҳсус бўлмас. Ва заъфи жигардин бўлгон касрати буроз бирлан суддадин бўлгон касрати бурознинг фарқи қийин бўлур. Бас, бул тақдирда фарқ учун энг яхши тадбир шулки, маризга даво истеъмол қилдирмоқ керак. Агар давои муфаттиҳоти суддадин нафъ кўрса, касрати буроз суддадин бўлғониға далил бўлур. Агар давои қобизотдин, хусусан хушбўй қобиздин нафъ кўрса, албатта заъфи жозоба ва ё заъфи дофиъадин бўлгон экани собит бўлур. Зероки давои қобиза қувватларга муъийн ва муқаввийдур. Хусусан хушбўй бўлса марғуби таъб бўлғони учун таъсири табиатга марғуб ва сариъ ул-асар бўлур.

Баҳар тақдир жавҳари физо баданга нуфуз қилолмоғонидин ориз бўлгон касрати бурозда ранги буроз баҳасби даражаи ҳазм ва адами ҳазм ҳар навъ бўлур. Масалан, агар таом меъдада хўб яхши ҳазм бўлгон бўлса, ҳазми кайлус, яъни ордоб каби нимарса бурозга қўшилгон бўлур. Ва илло ноқис ул-ҳазм ёки фосил ул-ҳазм ё ботил ул-ҳазм бўлса физони суврати навъийя-сида боқийлигидин маълум бўлур.

ВА ИККИНЧИ ҚИСМ ҚИЛЛАТИ БУРОЗ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, физои маъкулнинг муқтазоси бўлгон миқдордин бурознинг кам бўлмоғи икки навъ бўлур. Бир навъи шулки, ажзои физоийя жигарга кўп миқдор жазб қилинур. Ва ичакда оз миқдор қолур. Зероки агар аъзонинг ҳожати физога зўр бўлса, жигардин кўп миқдор жавоҳири физо жазб қилуб, жигар воситаси бирлан меъдадин ҳам кўп физо жазб қилур. Ва атиббонинг таҳқиқларида муқаррар бўлғондурки, таомда агарчи арзийят голиб бўлса ҳам, лекин баданда таҳлил кўп бўлуб, ажзойи арзийяни ҳам талтиф қилуб эритуб бадан жазб қилур. Ва шунинг учундурки, баъзи ҳайвонот тош есалар физо

бўлур. Ва баъзи одамларни кўп таом тановул қилмоқлари манқулдурки, ҳаддин зиёда таом ерлар. Аммо икки ё уч кунда андак буроз хориж бўлур. Лекин баданда ҳеч қандоқ оғирлик ва ранж кўрмаслар. Агар ҳам ушбу қабилдин, яъни ажзойи физони аксари баданга мажзуб бўлгон навъдиндур. Ва аларнинг бу қадар физо тановули ва ани баданга мунжазиб бўлғони ила бадан тўлуб зиёда семиз ёки варам ва бошқа имтило пайдо қилмағонларини сабаби шулки, аларнинг баданларида таҳлил ҳам бағоят кўп бўлур. Ва жазби физога ҳам асл сабаб шул ифроти таҳпидур. Бинобарин баданда зиёдалиқ маҳсус бўлмас. Агар таҳлил баифрот бўлмаса эди, бадан бул қадар физонинг жазбига муҳтож бўлмас эди. Ва агар беҳожат жазб қилса эди, баданнинг ҳажмига катталиқ пайдо бўлур эди, албатта.

Ва иккинчи навъи шулки, агар ажзойи физо жигарга кўп мунжазиб бўлмаса ҳам, лекин ўтдин ичакга сафронинг тушатурғон йўлида судда пайдо бўлғони сабабдин сафро ичакга тушмас ва қуввати дофиъани огоҳ қилмас, бинобарин, буроз кам ва кеч мундафиъ бўлур. Лекин бу навъ кўп вақтга давом қилолмас, чунки қуввати дофиъани дафъ қилолмоғонидин мундафиъ бўлолмай ичакда қолгон физо ё ўзини оғирлиги бирлан пастга таназзул қилуб хориж бўлмоғи ила касрати буроз ҳосил бўлур. Ва ё батнда жамъ бўлуб қолмоғондин варами шикам ва ё қўланж пайдо бўлуб, соҳибини давойи мусҳил ила исҳол ва ихрожга муҳтож қилур. Ва гоҳи мунга муҳтожлиқ ҳам бўлмас. Зероки ичакда гижжаси кўп бўлгон кишини зиёда фазласи мазкур гижжаларга физо учун масбул бўлур. Бинобарин, қиллати буроз воқеъ бўлур, лекин бу ҳам узоқ вақт давом қилмас. Ва аксар қўланж ориз бўлур. Ва ё гижжанинг галабаси танқияи бадан қилмоқга музтарр қилур. Ва баъд аз танқия қиллати буроз зоҳир бўлур.

ИККИНЧИ ДАФЪА БУРОЗНИНГ ҚИВОМИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, қивоми буроз уч ҳолдин холий бўлмаски, ё ғализ ва сатҳ бўлур ва ё рақиқ бўлур ва ё мўътадил бўлур. Ва бурози мўътадилни муқаддимада баён қилинди. Ва бу дафъада ғализ

бирлан рақиқни икки қисм бирлан баён қилурмуз, иншааллоху таъоло.

Биринчи қисм бурози рақиқ баёнидадурки, бурози ратаб ҳам дерлар. Ва бурози рақиқ икки навъ бўлур ёки белузужат бўлур ёки лузужатлик бўлур. Аммо бурози ратаби белузужат, яъни икки навъ бўлурки, ё таоми мулаййиналарни тановулидин ва иссиқ сувни кўп ичилганидин бўлур ё дохийий сабабдин бўлур.

Ва бурозни рақиқ қилғувчи умури дохийийя яна икки навъ бўлурки, ё ҳақиқий бўлур ва ё оризий бўлур. Ва ҳақиқий умури дохийий албатта ё рутубати увло бўлур ва ё рутубати сонийя бўлур. Ва ё эриган аъзо бўлур. Яъни энг ақсоий авридаға етуб, андин аъзоға қўшилмоқ учун ҳозирлангон рутубати табиийя бўлур. Ва ё аъзоға қўшулгон ва анга монанд бўлгон, лекин ҳануз қотиб жузви аъзо бўлмагон рутубатдин бўлур. Ва ё қотиб жузви аъзо бўлгон рутубати солиса эриб келуб бурозға қўшилганидин бўлур. Ва оризий умури мураптаби буроз шулки, бадандин ҳеч бир жисм келиб бурозға қўшилмас, балки бир сабаби бирла ажзои физоийяи баданға камо янбағий мунжазиб бўлмас. Бас, ночор кайлус бурозға қўшилуб, хориж бўлур. Ва бурозни рақиқ қилур. Ва буларнинг ҳар бирининг аломатларини биринчи дафъада баён қилдим.

Аммо лузужатлик бурози ратаб зоҳирдурки, то моддаи лазиж қўшилмаса лузужат ҳосил бўлмас, хоҳ ул моддаи лазиж хориждин бўлсин ва хоҳ дохилдин бўлсин. Ва хорижий мисоли лузужатлик физо истеъмол қилмоқдур. Лекин физои лазиждин бурози лазиж ҳосил бўлмоғи учун икки шарт бордур. Бири шулки, мазкур физони кўп миқдор тановул қилмоқ шартдур, токи бурозни рақиқ қилмоқға кифоят қилгай. Ва иккинчи бадан мизожида ҳарорат муфрид бўлмоғи шартдир, токи ул рутубат ҳосилаи физони мунъақид қилиб, анча шира ва лузужат ҳосил қилгай.

Аммо бурози ратабнинг сабаби дохийийси уч навъ бўлур. Бири шулки, аъзо эриб бурозға қўшилуб, буроз ратаби лазижға сабаб бўлур. Ва бу мавриддаги аъзодин аъзойи аслийя муроддур.

Зероки аъзойи оризадин, чунончи гўшт ва ёғ ва чарбидин ҳеч бирида қивом ва матонат бўлмоғони учун лузужат эҳдос қилолмас. Чунки лузужат муқаддимаи матонатдур.

Ва иккинчи навъи шулки, томурда ахлот кўп бўлур. Ва бадан ҳарорати бирлан лузужат ҳосил қилуб, сўнгра ичакға тушуб, бурози рақиқи лазижға сабаб бўлур.

Ва учинчи навъи шулки, риёзат ва меҳнатға одат қилгон киши дафъатан тарки меҳнат қилгон бўлур. Бас, меҳнат сабаби бирлан таҳлили рутубати сонийялар тарки меҳнатда таркиб топмай, баданда жамъ бўлиб қолуб баданда лузужат ҳосил қилур. Сўнгра би-изниллоҳи таъоло ани табиат ичак тарафға дафъ қилмоқға муваффақ бўлур. Ва ул рутубати лазиж бурозға қўшилуб бурози рақиқи лазиж эҳдос қилур. Ва бу анвойи бурози рақиқнинг бир-биридин фарқи буроз ыла хориж бўлгон нимарсаларнинг рангидин ва сабабларини муқаддамидин равшан маълумдурки, ҳожати баён йўқдур.

Ва яна собиқда бадан тараҳҳули ва сустлиги ва баъд аз ижоботи табъ баданда хиффат ва роҳатнинг ҳусули рутубати сонийяни табиат дафъ қилғониға далилдур.

Аммо бурознинг бағоят бадбўйлиги ва баданнинг доим қизиб тутақиб турмоғи хусусан ўткир иссиқ ва иситма вақтида бурози рақиқи лазижнинг вуқуъи аъзои аслияни эриганиға далолат қилур. Аммо аъзойи ҳодисадин, яъни гўшт ва ёғ ва чарбидин бурознинг рақиқи лазиж бўлмаслиги мазкур бўлди. Ва гоҳи рақиқ кўпикдор бўлур. Ва ани алоҳида зикр қилурман.

ВА ИККИНЧИ ҚИСМ БУРОЗИ ҒАЛИЗ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, буроз гоҳи қивоми мўътадили табиийдин ғализроқ бўлур. Ани истилоҳда ёбис ҳам дерлар. Хоҳ буроз батамом ёбис бўлсин ва хоҳ рутубатға мухталит ёбис бўлсин, бурози ёбиснинг сабаби. икки навъ бўлурки, ё дохилий бўлур ва ё хорижий бўлур. Аммо асбоби хорижий қуруқ таомни кўп емоқ ва кўп терламоқға сабаб бўлғувчи оғир меҳнатни кўп қилмоқ ва ҳаммомда узоқ вақт туриб кўп терламоқ ва ё бошқа тарзда терламасдин ҳам бадан рутубатларини таҳлил берғувчи

нимарсаларға машгул бўлмоқ ва иссиқ ҳавода ёки шамоллик мутаҳаррик ҳавода сафар қилмоқ ва жимоъга кўп ружуъ қилмоқ каби нимарсалардур. Зероки буларнинг ҳаммасида ҳам баданни рутубати таҳлил бирлан фоний бўлур. Ва бадан рутубатга муҳтож бўлур. Бинобарин, физодин кўп рутубат жазб қилур. Ва фазлаи физода рутубат кам қолуб бурози ёбис ҳодис бўлур. Кама ла йахфий. Ва бавлни кўп дафъ қилғувчи мудирри бавл нимарсаларнинг кўп истеъмоли ҳам сабаби бурози ёбисдур.

Аммо бурози ёбиснинг сабаби дохилийси уч навъдур. Бир навъи бавлнинг кўплиги ва арақни, яъни тернинг кўплиги гарчи идрори бавлға ва терлашға боис нимарсанинг истеъмол қилинмаса ҳам. Ва иккинчи навъи ҳамма бадан мизожида ва ё фақат жигарнинг ва ё фақат буйракнинг мизожида ҳароратнинг ғолиблигидур. Зероки агар тамоми баданда ва ё жигарда ва ё буйракда ҳарорат ғолиб бўлса, физодин кўпроқ рутубат жазб қилурки, ҳарорат жозиби рутубатдур.

Ва учинчиси, фазлани ичакда кўп тургонлигидур. Зероки бавл сувратда фазлани рутубатини атрофидаги аъзонинг ҳарорати бирлан қуруб таҳлил топуб, буроз ёбис бўлур.

Аммо бурози ёбис рутубатға мухталит бўлуб, бовужуди юбусатида боқий бўлмоғи, яъни буроз рақиқ ила бурози ёбис ҳамроҳ бўлуб, келмоғи таҳқиқ қилинғонда икки ваҳддин холий бўлмас.

Бир ваҳди шулки, аввало маойи мустақимда бурози ёбис мавжуд бўлур. Сўнгра яна иккинчи дафъа буроз нозил бўлурки, қивоми рақиқ бўлур ва ҳануз ичакда қотиб, йубусат ҳосил қилмоқдин бурун ичакға сафро куюлуб табиатни дафъи буроз учун оғоҳ қилур. Ва табиат ҳар икки бурози рақиқ ва бурози ёбисни қўшуб, бир дафъа бирлан ихрож қилур. Бинобарин, бурози ёбис ва бурози рақиқ бирлан ҳамроҳ келур. Ва иккинчи ваҳд шулки, аввало маойи мустақимда бурози ёбис мухтабис бўлур. Сўнгра ани устига яна янги бурози рақиқ нозил бўлур. Ва ўзини рутубати бирлан бурози ёбисни ҳам ҳўллаб, музлиқ ва тойғоқ қилур. Бас, ҳар икки бурози ратаби ёбис беинсибоби сафро мундафийъ бўлур.

УЧИНЧИ ДАФЪА БУРОЗНИНГ РАНГИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, буроз баъътибори ранг ҳам аҳволи бадани инсонга далолат қилур. Ва бурозда ориз бўладурғон ранги аслий тўрт хилдурки, асфар, абйаз, асвад, ахзардур, яъни сариқ ва оқ ва қаро ва кўкдур. Ва бурозда қизил ранг ҳосил бўлмоғи мумкин эрмас. Зероки қизил рангга боис бўлмоқга қобил модда фақат қондур. Ва қон бурозга муташобих ул-ажзо бўлуб, комил имтизож ҳосил қилмоғи учун узоқ фурсат лозимдурки, бу фурсатгача бурознинг баданда мухтабис бўлуб турмоғи мумкин эрмас. Ҳам қон ўз мавқеъидин кўчуб ўзига тарбия бериб турғон ҳарорати ғаризийсидин ажрағондин сўнг тез мунжамид бўлур. Баъд аз инжимоди ғализ ва салобати бирлан бурозга шадид ул-имтизож ҳам бўлолмас. Ва ҳам мунжамид бўлғон қонни ранги албатта қаро бўлур. Ва қизиллик рангги ҳам қолмас. Ва агар қонни бурозга етиб келғониға узоқ вақт ўтмаса ла маҳола шадид ул-имтизож бўлмас. Ва буроздин жудо ва алоҳида турғони учун албатта бурозга қизил ранг эҳдос қилолмас.

ВА БИРИНЧИ ҚИСМ БУРОЗИ САФРО БАЁНИДАДУР

Ва бу қисм ҳам уч навъ бўлур. Бир навъи хафиф ун-норийя бўлур, яъни оловни рангиға моил сариғ бўлур. Ва бурознинг рангги табиийси ушбу рангдурки, муқаддидама мазкур бўлди.

Ва иккинчи навъи шулки, рангги табиийдин ўткур сариғ бўлур. Чунончи қабоғ гули сариғ ёки қизилға моил сариғ ва андин ҳам ўткур сариғ бўлур. Ва бу навъ яна икки эҳтимолдин холий бўлмаски, ё хорижий сабабдин ва ё дохийий сабабдин ҳодис бўлур. Ва хорижий сабабнинг мисоли заъфарон қўшуб пишурган таом ва мунга ўхшашларнинг тановулидур.

Аммо дохийий сабаб ё сафрови табиийянинг бурозга кўп миқдор мухталит бўлғонлигидур. Ва ё оз миқдор бўлса ҳам сафрои мухтариқанинг ихтилотидур. Зероки сафро куйса рангги қароға моил ўткур қизил бўлур. Бинобарин, оз миқдор учун бурозни қизилға моил тўқ сариқ рангда қилмоқга кифоя қилур. Лекин бурознинг кўк-сариғ бўлмоғиға куйган сафрони сабаб бўлмоғи жуда кам ва нодир воқеа бўлур. Зероки ичакга

тушган сафро маълумдурки, ўтдин тушар ва ўтда сафро куймас, илло нодир. Бас, мутаҳаққиқ бўлдики, бурознинг сариглиги аксар сафрои табиийнинг кўп миқдор ихтилотидин ҳодис бўлур. Бас, ҳар иккисини миёнасида фарқи шулки, агар сафро сафрои табиийянинг галабасидин бўлса, буроз кўп миқдорда бўлур. Ва баданда қизимоқ камроқ бўлур. Зероки табиийядур. Ва табиий модданинг баданга озори бўлмас. Ва агар галаба жиҳатидин таъсири бўлса ҳам бағоят кам бўлур.

Аммо куйган сафронинг аломати би-л-акс бўлурки, бурознинг миқдори кам ва баданда ҳарорат ва ҳиддат ва сўзиш ва бурознинг хуружида мақъадга ҳам сўзиш ориз бўлур.

Ва учинчи навъи бурози табиийнинг ранггидин ҳам камранг сариг бўлур. Ва бунинг сабаби ҳам ё хориж бўлур ва ё дохилий бўлур. Ва сабаби хорижийнинг мисоли сут ва қатиқ ва қимиз каби нимарсадин кўп миқдор тановул қилмоқдур.

Аммо сабаби дохилий икки навъ бўлур. Бир навъи шулки, ҳануз сафро ичакга батамом тушиб битмасидин буроз хориж бўлмоғидур. Ва бу навъ бурозга назжни қусури лозимдур.

Ва иккинчи навъи ичакга сафрони миқдори табиийдин кам тушганлигидур. Хоҳ сафро ҳақиқатан баданда кам бўлсин ва хоҳ баданда кўп бўлса ҳам мажронинг бандлиги ва ё бошқа сабаб бирлан ичакга кам тушган бўлсин. Бас, агар сафро зотан баданда кам бўлса, кам сафродин ичакга албатта кам миқдор сафро ичакга тушмоғи маълуми табиийдур. Ва агар баданда сафро кўп бўлуб ичакга кам миқдор сафро тушган бўлса, ани важҳи икки эҳтимолдин холий эрмас.

Бир эҳтимол шулки, сафро жигардин чиқиб бошқа тарафга кетган бўлур. Ва жигардин ўтга миқдори табиийдин камроқ борғон бўлур. Ва ўтга борғон миқдорга муносиб миқдори ўтдин ичакга тушган бўлурки, бу миқдор албатта табиий миқдордин кам бўлур. Бинобарин, бурознинг рангги табиий рангдин камранг сариг бўлур.

Ва иккинчи эҳтимол шулки, ўт ила жигарнинг миёнасидаги маслак ёки ўт бирлан ичакнинг миёнасидаги маслакга суддаи ноқис ориз бўлур. Бинобарин андин сафронинг суюқ-

лари сингиб ўтуб ичакга борса ҳам қуюқроғи ўтмай қолур. Ва шул сабаб бирлан ичакга боргон сафро кам миқдор бўлуб, бурозга сариф рангни комил даража ҳосил қилолмас. Бинобарин бурознинг табиийдин кам ранг бўлур, лекин бу навънинг вуқуъи жуда кам ва барсабили нудрат бўлур. Чунки ҳамма ахлотда назаран энг рақиқроғи сафродур. Ва сафронинг шаъни ўз латофати ва жилоси ила суддаларни очмоқдур. Бас, то модомики сабаб суддаи қавий бўлуб, суддаи томм воқеъ бўлмаса суддаи ноқис сафрони манъ қилолмас. Ва сабаб судданинг қавийлиги модданинг бағоят ғализ ва кўп миқдорлигинин иборатдурки, ундоқ кўп миқдор бағоят ғализ модда бир танг маслакда жамъ бўлса, аксар суддаи томмага сабаб бўлур. Ва суддаи нафисга сабаб бўлолмас. Бас, бурози табиийдин камранг бўлгон бўрозни ҳамма ақсомининг бири-биридин фарқи ҳам зоҳирдур. Масалан, баданда сафронинг зотан камлик сабаби бўлса анга баданда ғалаба бурудотнинг осори шоҳиддур. Ва агар сафронинг бир тарафга майлонидин бўлса, ул тарафда бир офати сафровийнинг зуҳури, масалан, судоъи сафровий бунга далилдур. Агар суддаи масомдин бўлса, қайи сафровий ва ярақон кабиларни зуҳури унга гувоҳдир.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, Шайх ур-раис алайҳир-раҳманинг “Қонун”ларида “бурозики, рангги бағоят ифрот даража норийятлик, яъни холис қизилга яқин даражада тўқ сариқ бўлуб, маразнинг интиҳойи вақтида пайдо бўлса, ул аксар модданинг назжиға далолат қилур. Ва инчунин аксар ридоат ҳолга ва ёмонликга далолат қилур”, дегандурлар.

Аммо қайси вақтда яхшиликга ва қайси вақтда ёмонликга далолатини лубби лабиб нозириндин махфий эрмаслигиға иктифо қилиб, фарқ баён қилмағондурлар. Лекин бу мақом мансаби шарҳ ва баён бўлғони учун баъзи нозирин наздларида зарра иштибоҳ қолдирмаслик мақсади ила бу икки қавли мута-зодданинг тавфиқида татвили калом қилурмуз.

Бас, билмоқ лозимдурки, Шайх алайҳир-раҳманинг қавллари бир-бирига зид эрмас ва ҳайсийят жиҳатидин муғо-

йирдурки, агар бу рангга сабаб сафронинг кўплиги бўлса албатта бу ранг нишонан назжи модда ва аломати қуввати табиат ва асари бўҳрони маҳмудлиги шубҳасиздур. Зероки моддаи мараз бўлгон сафрога қуввати табиийя ғолиб бўлуб, анга назж ҳосил қилғониға ва батариқаи бўҳрон дафъ қилмоғониға далилдур.

Агар бу ранг бурозға сабаб сафронинг ҳиддати ва эҳтироқи бўлса, бу тақдирда ани ридоати ҳолға ва ёмон фолға далолати ҳам шубҳасиздур. Зероки сафронинг ҳиддати ва эҳтироқи албатта маразнинг ифротидин ҳосилдурки, радийдур. Бас, сабабнинг тағйири ҳайсиятиға биноан бу икки қавл бир-бириға зид эрмас, балки фақат маҳалли иштибоҳдур. Бинобарин, ҳар икки ҳолатнинг миёнасинин фарқини изҳор қилиб, иштибоҳни зоил қилмоқ лозимдур. Ва бу икки ҳолатни бир-биридин фарқини уч тариқа бирлан билмоқ мумкиндур.

Биринчиси шулки, модданинг дафъи батариқаи бўҳроний бўлмоғи учун модданинг назжи шартдурки, то назж ҳосил бўлмаса ани дафъиға табиат таважжуҳ қилолмас, балки фақат назжиға таважжуҳ қилур. Аммо эҳтироқида ани дафъи учун назжи матлуби табиат эрмас, балки фақат дафъи матлубдур.

Ва иккинчиси шулки, бўҳронийда моддани хориж бўлғонидин сўнг баданға роҳат ва енгиллик лозимдур. Аммо эҳтироқида роҳат ўрниға хилофига оғирлик ва мағлублик лоҳиқ бўлур.

Ва учинчиси шулки, бўҳронийда бурознинг миқдори кўп бўлурки, табиат ғолиблиги ила кўп миқдор асл бурозни ва анга мухталит бўлгон кўп миқдор сафрони кўшуб бирдин дафъ қилғон бўлур. Аммо эҳтироқида бедафъи табиат сафрои муҳтариқанинг ва бурози мухталит ўзининг оғирлигининг муқтазосича оз миқдори ўзинча хориж бўлур. Ва ҳам хуруж вақтида сўзиш ва озор мақъадда маҳсус бўлур. Бас, ушбу аломатлардин Шайх ур-раис алайҳир-рахманинг муродлари суроҳатан маълум бўлурки, масалан, маразнинг охир вақтида ҳодис бўлгон ўткир сариқ буроз аксар назжи комил ва миқдори кўп ва сўнггидин баданға роҳат маҳсус ва хуружи буроз вақтида

мақъадға сўзиши ғайри маҳсус бўлса далили назж ва аломати ғалабаи табиат ва нишонаи бўҳрони маҳмуддур.

Агар модда бурозни назжи ва миқдори кам ва сўнггинин баданға мағлубийят ва оғирлик ва мақъадға сўзиш маҳсус бўлса, бу буроз далили ридоати ҳол ва ёмон фолдур, демакдур. Валлоҳу аълам би-с-саваб.

ИККИНЧИ ҚИСМ БУРОЗИ АБЪАЗ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, бурози абъазнинг ҳодис бўлмоғи икки хил сабабдин холий бўлмас. Бир сабаб шулки, бурозни ранггини оқартирувчи ва сафрони сариғлигини сўндирувчи нимарсалар бурозға аралашуб келмоғидур. Ва бу буроз агар сихҳатлик вақтда ҳодис бўлса, аксар собиқда тарки меҳнат ва тарки риёзат сабаби ила томурларда ва аъзода жамъ бўлгон ва ранги йиринг ва миддаға монанд бўлгон рутубати фазлияни мундафиъ бўлғониға далолат қилур. Ва бу буроз маҳмуд бўлур. Ва баданни мазкур моддаи фазлийядин пок бўлмоғиға ва баданнинг тараҳхул ва сустликдин холис бўлмоғиға боисдур.

Ва агар касал вақтда ҳодис бўлса, дохилий аъзоға воқеъ бўлгон варамни пишуб ёрилғониға ва ани миддаси мундафиъ бўлуб, бурозға қўшилуб келғониға далолат қилур. Ва бу икки навъни миёнасида фарқ зоҳир ва бадийҳийдур.

Ва иккинчи сабаб шулки, сафро ўтдин ичакға тушмас, токи бурозни рангин қилса. Бас, тафли гизо ҳолати кайлусидаги оқ ранглигича боқий қолур, башарти рангдор гизо тановул қилинмагон бўлса. Зероки гизони зотиға ориз бўлгон ранги хорижий мабҳасдин хориж ва эътибордин соқитдур.

Ва сафрони ичакға тушмағониға сабаб ўтнинг маслакида судда пайдо бўлгонлинидур, хоҳ ул судда ила ичакнинг миёнасидаги маслакида воқеъ бўлсин ва хоҳ ўт бирлан жигарнинг миёнасидаги маслакда воқеъ бўлсин, баробардурки, сабаб бурози абъаз бўлур. Лекин судда қаю маслакда воқеъ бўлганлигини билмоқ учун миёнасида фарқ шулки, агар судда жигар ила ўтнинг миёнасидаги маслакда воқеъ бўлса аломати шулки, бурози абъаз батадриж зоҳир бўлур. Зероки жигардин ўтға

сафрони маслаки банд бўлса ҳам, лекин ичакға сафро йўли очикдур. Бас, агарчи жигардин сафро бормаса ҳам, лекин ўтда захира сафро то тамом бўлгунича кам-кам боруб, бурозни рангин қилиб турар. Ва ўтда сафро тамом бўлгондин сўнг бурози абйаз сарфи ҳодис бўлур.

Ва яна иллоти ярақон пайдо бўлмоғи ҳам жигар бирлан ўтнинг миёнасидаги мажроға судда воқеъ бўлғониға аломатдур. Зероки сафро ўтға боролмай жигарда муҳтабис бўлуб қолса ночор қон бирлан қўшилуб, баданға таралмоқға музтарр бўлур ва ярақон эҳдос қилур. Ва яна аввал ярақон касали зоҳир бўлур, сўнгра бурози абйаз зоҳир бўлур. Зероки ўтдаги захира сафро ичакға кам-кам тушуб, бурозни рангин қилмоқ учун бир неча вақтға кифоя қилурки, то ул муддатғача жигар ўзида ҳосил қилгон сафрони сақлаб турмоқдин ожиздур. Сўнгни физойи кайлусни жазби учун бурунги физони ҳосилини ўзидин дафъ қилмоқға музтарр ва муҳтож бўлур. Бинобарин сафрони ҳам бетаваққуф ўзидин мумкин бўлса ўтға ва мумкин бўлмаса баданға дафъ қилур. Ва андин ярақон ҳодис бўлур. Аммо ўт бирлан ичак миёнасидаги мажро банд бўлса, бурози абйаз дафъатан пайдо бўлур. Ва ҳам ярақон касали пайдо қилмоқ бу суддаға лозим эрмас. Зероки ўтдин ичакға йўл бўлғони каби ўтдин меъдаға ҳам йўл бордур. Бас, ўтдин ичакға йўл банд бўлса ҳам, аммо меъда тарафға йўл очикдурки, сафро меъдаға тушуб турар. Ва жигардин ўтға сафро кирмоғи учун макон холий бўлуб турғони учун жигарда сафро муҳтабис ҳам бўлмас. Бинобарин ярақон эҳдос қилмас, балки меъдадин қайи сафровий эҳдос қилмоғи мумкиндур. Ва агар қайи сафровий ҳам пайдо бўлмаса, ночор меъдадин ичакға тушса албатта бурози абйаз зоил бўлуб, бурози рангин эҳдос қилур. Магар ўт ила ва ҳам ичак ва ҳам меъдани миёнасидаги мажро баробар банд бўлса, ул вақтда ўт ҳам жигардин сафрони қабул қилолмас. Сўнгра жигардин сафро баданға мундафиъ бўлуб, ярақон эҳдос қилур. Баҳарҳол бурози абйаз дафъатан зоҳир бўлур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, оқ ранглик нимарсалар, чунончи сут ва қатик ва қимиз кабиларни тановули бурози

абйазга боис бўлолмас, балки сариф рангни андак таназзули ва камаймоғига сабаб бўлур. Зероки оқ ранг бошқа рангларга нисбатан латиф ва шаффофликга қарийбдур. Бинобарин бошқа рангларни зоил қилиб ўз рангига мағлуб қилолмас. Балки ўз латофати бирлан бошқа рангни суюлтируб, таназзулига боис бўлур. Ва мутлақо зоил қилолмас. Чунончи бурози асфарда мазкур бўлди.

ВА УЧИНЧИ ҚИСМ БУРОЗИ АСВАД БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, бурози асваднинг далолати ҳам гўё бавли асваднинг далолати каби ё моддани шиддати эҳтироқига ё шиддатлик ва ифротлик бурудат ва жумудиға ё моддаи савдони назжиға ва батариқаи бўҳрон табиатни дафъиға ва ё қаро ранг эҳдос қилғувчи нимарсани, масалан, сумоқ ва бузғунаж каби нимарсанинг тановулиға ва махражи савдо бўлғон давоий мусҳилни шурбиға далолат қилурки, ҳар бирини аломати бирлан бавли асвад мабҳасида батафсил мазкур бўлди.

Ва эҳтироқ сабаби бирлан бўлғон бурози асвад радийдур. Аммо фарти жумуд сабаби бирлан буроз асвад бўлмоғи бағоят кам ва нодир ул-вуқуьдур. Зероки ҳар хилтки, томурда сиқилса ва маконидин интиқол қилмоқға музтар ва ночор бўлса, аксар бавл йўлиға мундафиъ бўлур. Ва ичакға мундафиъ бўлмас. Чунки бавл йўли васиъроқдур. Ва хилт ғализдур. Бас, ғалис нимарсани васиъ йўлга нуфузи осонроқдур. Ва ичакға мундафиъ бўлмас. Бунинг ичакға мундафиъ бўлмаслигининг сабаби шулки, томурдин ичакға бормоқ учун ҳеч маслак ва йўл йўқдур, магар жигарнинг воситаси ила йўл бордур. Лекин жигарнинг мажроси бағоят тангдур ва хилт ғализдур. Ва ғализ модда танг мажродин ўтолмас, магар барсабили нудрат андак миқдори ўтиб қолмоғи мумкинмур. Шунинг учун Шайх алайҳир-рахма нодири ҳукми маъдум эътибори ила буни бурози асвад сабабларига қўшуб ҳисоб қилмагандурлар. Бас, бу қисм бурози асвад ҳам агар воқеъ бўлса, радийдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бурози асвадга сабаб бўлғувчи

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

сабабларнинг энг равшан ва возиҳроғи хилти асваднинг бурозға ихтилот ва имтизожидур. Ва важҳи тасмияси ҳам зоҳир-дурки, рангги қаро бўлур. Бинобарин, асвад исмиға мусам-модур. Ва жамиғи мусанниф ва шориҳларнинг китобларида амрози савдовий баёнларида назжи модда учун бурози асвад ва бавли асвадни аломат, деб баён қилинғондур. Ажабки, таҳқиқоти бурозийаға мутақаддимийндин ҳеч ким иқдом қилмағон. Ва баъзи мутааххирийн би-л-жумла иқдом қилсалар ҳам бурози асвад асбобиға худ савдони ихтилотини ҳисоб қилмоғондурлар.

Ва дарвиш¹ ушбуни баён қилмоқни лозим кўрдум. Моддаи савдонинг хуружи ҳам бурози асваднинг сабабларидиндур. Хоҳ савдойи табиий ва ғайри табиий, яъни ҳар хилтнинг муҳтариқаси бўлсинки, ҳар бириға мутааллиқ бўлғон баъзи нимарсаларни баён қилмоқ лозим келди.

Ва махфий қолмасунки, савдо табиий бўлса, яъни ғайри мухталит бўлса, ани ичақда ҳусули ё табиатни батариқайи бўҳрон дафғи ила бўлур ё давои мусҳил савдони дафғи ила бўлур. Ва илло савдои табиий ичақда мавжуд бўлмас. Зероки табиатни ва ё давони таҳриқи бўлмаса, савдо ўзича ичақларға келиб юрар миқдорда кўп бўлмас. Ва бўлғон миқдори бесабаб ўз мавқеъидин тажовуз қилмас. Ва би-л-жумла амрози савдо-вийларнинг охир вақтида ани хуружи яхшилиқнинг аломатидур. Ва шунинг учун Шайх ур-раис айтибдурларки, “амма-л-кайлус ул-асваду фа-касирун ма йанфаъу хуружуху” ва шориҳ таъйини мурод қилибдурларки, кайлуси асваддин мурод савдои табиийдур, зероки хилти табиийи мазкур хилти асвад бирлан мусаммодур, дерлар. Бас, бурознинг рангги бу хилт бирлан қаро бўлғонининг нишони шулки, ихтироқнинг ҳамма осор ва аломатидин холий бўлур. Аммо агар савдои ғайри табиий бўлса, яъни ахлотнинг куйғони бўлса, албатта шак йўқдурки, ё қоннинг куйгонидин бўлур ва ё сафронинг куйгонидин бўлур ва ё балғамнинг куйгонидин бўлур ва ё худ савдойи табиийнинг куйгонидин бўлур.

Ва савдойи ҳақиқийянинг куйғони бирлан бошқа

ахлотнинг куйгонидин бўлгон савдойи нотабийининг фарқи шулки, бошқа ахлотнинг куйгонидин бўлгон савдо ҳарчанд қаро бўлса ҳам фи-л-жумла асл хилтининг рангига моилроқ бўлур. Масалан, қондин бўлгон савдо қизилга моилроқ қаро бўлур. Ва сафродин бўлгон савдо сариқ рангга моилроқ қаро бўлур. Ва балғамдин бўлгон савдо оқга моилроқ қаро бўлур. Аммо савдойи ҳақиқийнинг куйгонидин бўлгон савдойи нотабийи холис қаро ва ялтироқ бўлур. Ва агар ерга тушса гўё сирка ва тезоб каби қайнар. Ва бу савдойи ҳақиқийи муҳтариқ ҳаммадин рақиқроқ ва қотилдур. Ва яна бу савдонинг таъми бағоят ўткир турш бўлур ва ё тахир бўлур. Баҳасби қивоми савдойи рақиқ куйса таъми бағоят турш бўлур. Ва агар савдойи ғализ куйса туршлиги кам ва лекин тахирлик таъм ҳам мураккаб бўлур. Ва ерга тушса ерни қайнатмоқ ва зиёда ялтирамоқлик ҳам савдойи рақиқнинг куйгониди зиёдароқ бўлур. Ва бил-л-жумла савдойи ҳақиқийда куйуб ҳосил бўлгон савдойи нотабийини савдойи сарф ҳам дерларки, ани қай бирлан ёки исҳол бирлан бадандин хориж бўлмоғи ғояти ихтироқга ва фанойи рутубатга далолат қилур.

Шунинг учун Шайх ур-раис айтибдурларки, “ал-хилтус-савдойиу-с-сарфу қотилун фи-л-аксари-л-амри би-хуружиҳи ай далилун ʻала-л-ҳалаки”, яъни хилти мазкурни хуружи ҳалокга далилдур. Зероки шу хилтнинг шу қадар эҳтироқиға муқтазий бўлгон бир сабаби муҳликнинг борлигиға далилдур, дерлар.

Аммо худ хуружнинг ўзи қотил эрмаслиги зоҳирдур. Зероки баданға изо ва озор бергувчи муъаззийнинг баҳар ваҳж бадандин хориж бўлмоғи бадан учун албатта фойдалиги махфий эрмас. Ва қатилун би-л-аксари-л-амри”, деб ҳалокатни аксари амрға қайд қилмоқларининг нафъи шулки, агар савдойи мазкурнинг хуружи маразнинг ибтидосида бўлса бешак қотилдур. Зероки сабаби муҳликнинг зўрлигиға нишонадур. Чунки то баданнинг рутубатларини аксари фоний бўлмаса, савдойи ҳақиқийға ихроқ ориз бўлмас. Ва ихроқ ориз бўлса олийяти бадандин рутубати табиийяни аксари фано бўлгон

бўлур.

Бас, агар маразнинг ибтидосида сабаби ҳалокат бу қадар зўр бўлса, эмди интиҳосидин умид йўқдур. Зероки маразга тўрт мартаба бордур.

Аввал зуҳури асар. Иккинчи тазойиди асар. Учинчи таваққуфи асар. Тўртинчи таназзули асардур.

Бас, агар ибтидои зуҳури асарда рутубати табиийяни аксари фоний бўлмоғони муқаррар бўлса, ани тазойидида шубҳасиз ҳалок бўлур ва умиди нажот йўқдур. Аммо агар маразнинг интиҳосида савдойи мазкур хориж бўлса, кўрмоқ керакки, маризнинг таваққуфи заифму ёки бақувватму. Агар заиф бўлса, бу ҳам муҳликдур. Зероки то танқияи бадан ҳосил бўлгунча қуввати ва бадандаги боқий рутубати кифоя қилмас. Ва агар қуввати бақувват бўлса, ул вақтда мумкиндурки, табиат ани дафъиға иқтидор топуб, дафъ қилса ва саломат ўтказса. Лекин бу умид бағоят нодир ул-вуқуьдур. Зероки мараз бу даража зўр бўлгон ҳолда баданни қуввати андин ҳам бақувват бўлуб, ғалаба қилмоқ узоқ умиддур. Хусусан мараз чўзилуб ниҳоятиға етгонича чарчагон бадан қувватининг ғалабаси таманно каби узоқ умиддур. Ва маъазалика жиҳат имкони ҳам борлик сабабини риоя қилиб, шайх алайҳир-раҳма аксари амрға тақйид қилгондурлар. Валлоху аълам.

ВА ТЎРТИНЧИ ҚИСМ БУРОЗИ АХЗАР БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, бурознинг кўк рангда бўлмоғи ҳарорати ғаризийянинг таҳлил ила зоил бўлғониға далилдур. Зероки бурознинг кўк бўлмоғиға сабаб ё ҳароратнинг ифротидин бўлур ва ё бурудатнинг ғалабасидин бўлур. Ва ҳар икки сувратда ҳам ҳарорати ғаризийянинг интифоси ва заволи лозимдур. Чунки савронинг эҳтироқида руҳ таҳлил топуб кетар. Бинобарин ҳарорати ғаризийя ҳам руҳдин бебаҳраликдин таскин топар ва сўнуб, зоил бўлур. Ва баъзиларнинг шубҳаларича, бурози сафрои муҳтариқнинг ихтилоти бирлан кўк бўлмоғи муқаррардур. Бас, сафро ҳамма ахлотдин иссиқлик ғалабаси яна муҳаққақдур. Ва агарчи куюб, арзийяти юлиблиги ила шиддати ҳарорати камайса ҳам бошқа ахлотға назаран албатта

иссиг бўлур. Ва бунга назаран бурози ахзар ҳароратга далолат қилмоғи лозим бўлса керак, деган шубҳалари ушбу таҳлили ғаризий бирлан мундафиъ бўлур.

Ва агар бурудатнинг ғалабасидин бурози ахзар воқеъ бўлгон бўлса, зоҳирдурки, ифроти бурудат шул вақтда мумкин бўлурки, ани дафъиға ҳарорати ғаризийя ожиз бўлса. Ва ани ожизлиғи интифо ва заволни мусталзимидурки, маънийи ожизлик муқовимдин мунфаъил ва мутаассирлик ва мағлубликдур. Ва бу икки эҳтимоллик сабаб бурози ахзарнинг ҳар бири ўзини осоридин маълумдур. Чунончи ҳарорати ғарибанинг ва шиддатлик иситма ва ҳиддатлиқ амрози собиқалар ихтироқи сафро ила таҳлили ҳарорати ғарибийяға далил бўлур. Ва осори суъи мизожи борид ва аташи козиб ила совуқ сувни кўп ичмоқ ва тар мевани кўп емоқ, хусусан, уйқудин бедор бўлгон вақтда сув ичмоқ, мева емоқ жумуди сафроға далилдур. Ва яна бир фарқ шулки, агар бурози ахзар зангори ранг ва ё ўсма рангда бўлса сафронинг ихтироқиға далилдур. Ва осмоний ранг ва ё нилий ранг бўлса, инжимоди сафроға далилдур.

ИНТИБОҲ. Яна бир навъ бурози ахзарки, мураккабот қисмидиндур ва ҳам бурози расос, яъни қалъий ранглик буроз ҳам ҳарорати ғаризийянинг интифосиға далолат қилурлар. Зероки бу навълар ифроти бурудат ила сафронинг инжимодидин ҳодис бўлурлар. Ва яна бурози ахзарни интифойи ҳарорати ғаризаға далолатини муқаррар қилинди. Аммо бавли ахзарда интифойи ҳароратға далолати зикр қилинмагон эрди. Бас, буроз ила бавлнинг рангида нима фарқ бордурки, далолатда бир-бириға муғойир бўлур, деб шубҳа қилинмасин. Чунки бурознинг ранги то сабаби зўр бўлмаса мутағаййир бўлмас. Аммо бавл асло ўзи соф ва шаффофдурки, агар анга андак сабаби собиғ қўшилса ҳам, дарҳол ранги ахзар эҳдос қилур. Агарчи ҳарорати ғаризийя мағлуб ва зоил бўлмаса ҳам, бинобарин бавли ахзар интифойи ҳарорати ғаризийяға далолат қилолмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, сут ичмайдурган ёш болаларда

ҳам аксар буроzi ахзар воқеъ бўлур. Лекин аларни ҳарорати ғаризийясини интифосига далолати лозим эрмас. Зероки буларнинг мосариқосига гоҳи судда воқеъ бўлса ҳам, сўнгра сафро тушуб ёрдам беролмағони учун бурунги ичакда бўлгон сафросига андак инжимод ва кўклик ориз бўлур. Аммо умумбаданнинг ҳарорати ғаризийясига бундин ҳеч нуқсон бўлмас. Бас, аларнинг бурозининг кўклигига назаран, ҳукм қилмоқ баҳасби сабаб мухталиф бўлур. Аммо барсабили вужуб интифойи ҳарорати ғаризийяга нишоналиги муқаррардур.

ТЎРТИНЧИ ДАФЪА ҲАЙЪАТИ БУРОЗ БАЁНИДАДУР

Ва бу ҳам икки эҳтимолдин холий эрмаски, ё мужтамиъ ул-ажзо бўлур ва ё саргини гов каби мунтафих ва боди ғализ бирлан мухталит бўлур.

Билмоқ керакки, бурозда арзият ғолибдур. Бас, арзияти ғолиб нимарса вожиби табиийдурки, мужтамиъ ул-ажзо ва матонатлик бўлғай. Башарти монеъи табиийдин холий бўлса. Зероки агар ижтимоӣ ажзога монеъ нимарса бурозга мухталит бўлса, шубҳасиз мунтафих бўлур. Ва бурознинг интифохи ҳаққиға ажзонинг бир-биридин жудолигидур. Ва жудолик маълумдурки, ажзо бир-биридин узоқ бўлмоғидин иборатдур. Ва узоқлик эса бир-биридин тафриқасиз мумкин эрмас. Ва тафриқаға лозимдурки, маҳалли тафарруқ ажзойи буроздин холий бўлғай. Ваҳоланки, хулуwви макон било макин мумтаниъдур. Бас, ночор маҳалли тафоруқда ғайр аз ажзойи буроз бир жисми латифнинг макон бўлмоғи ва ажзойи буроз миёнасиға ҳоил бўлмоғи зарурдур. Ул жисми латиф албатта ё ҳаво бўлур ва ё бухор бўлур ёки риҳ бўлур. Аммо ҳаво ила бухорни тафриқи ажзойи буроз учун лойиқлиги йўқдур. Бас, бурознинг нафъи учун фақат риҳ махсусдур, ҳаттоки ҳар даражалик риҳ эрмас, балки риҳийки, бағоят совуқ юқорига кўтарилмоқға табиий тақозоси ботил бўлгон риҳ махсусдур. Зероки агар риҳ ҳам шул сифатда бўлмаса бу ҳам бухор каби интифохи бурозга салоҳияти бўлмас. Ва ҳаво ила бухорни интифохи буроз учун қобилиятсизлигининг сабаби шулки, буларнинг шаъни ажзойи арзиядин юқорига кўтарилмоқ ва ажрамоқдур ва ани

бу тақозосига монеъ нимарса бурозда йўқдур. Бас, булардин нафъи бурозни худуси мумкин эрмас. Ҳатто риҳ совуғон бўлмаса ани шаъни ҳам иртифоъдур. Ва нафхи бурозға мўвжиб бўлолмас, магар мавсуф ба сифати мазкура. Бас, риҳ бағоят совуганликда боиси интифох бўлса, бухор ҳам совуганда боиси интифох бўлмоғи мумкин бўлса керак, деб гумон қилинмасин. Чунки бухор агар баифрот совуқ бўлса, бухорлик кайфиятдин чиқиб, сув ҳолға ўзгарилур. Ва бухорлик кайфияти тамом йўқ бўлур. Аммо риҳнинг моддаси моддаи духонийдурки, ҳар қадар тақозои суъудий зоил бўлуб совуса ҳам риҳлик кайфиятида боқий бўлур. Бас, мутаҳаққиқ бўлдики, фақат риҳдин интифохи буроз ҳодис бўлур. Ва бошқа нимарса ҳаргиз боиси интифоҳ бўлолмас. Ва агар риҳнинг имтизожи бурозға ғолиб бўлса, буроз сувға чўкмас ва сув юзида тофий бўлуб турар. Чунончи қўланжи риҳийда бу ҳол аксар мушоҳада қилинур. Ва бу тажрибадин маълум бўлурки, буроз мужтамиъ ул-ажзо назжға далилдур, чунончи муқаддимада зикр қилинди. Зероки бурознинг назжида қусур бўлмаса риҳ ҳодис бўлмас. Камо ла йахфи.

БЕШИНЧИ ДАФЪА бурознинг вақтидин истидлол баёнидадур. Билмоқ керакки, ғизо маъдаға тушгандин сўнг то ҳазми кайлусий ҳосил бўлгунча неча бир муддат меъдада турмоғи лозимдур. Ва андин сўнг ичакға ўтуб, меъда ҳазмидин чала қолғон баъзи ажзойи ғизони ичакда ҳазми кайлусий ҳосил қилмоғи мумкиндур. Сўнгра алардин ажралғон хулосаи кайлусийни бавоситаи мосариқо яна жигарға тамом мунжазиб бўлмоғи лозим. Ва бунинг учун мосариқони бағоят танг бўлғонлигининг то хулосаи кайлусий тамом мунжазиб бўлғунча яна бир миқдор фурсат лозимдур. Бас, хуружи буроз учун вақти табиий шулки, таом кайлусидин ҳосил бўлғон ҳамма сафват ва хулосаси тамом мунжазиб бўлғон вақтидур. Чунончи муқаддимада буни бошқа фавоиди бирлан қўшуб зикр қилинди. Ва бу миқдор фурсатдин бурун ва ё сўнг хориж бўлғон бурозни хуружи табиий бўлмас ва нотабиийдур, албатта. Ва мўътадил вақти табиийлиги муқаддимада мазкур бўлғони

учун бу мақомда фақат нотабийни икки қисм ила баён қилурмуз.

БИРИНЧИ ҚИСМИ сариъ ул-хуруж баёнидадур, яъни бурозики, қабл аз вақти табиий хориж бўлса, ани сабаби икки эҳтимолдин холий бўлмаски, ё хорижий бўлур ё дохилий бўлур. Ва сабаби хорижийга мисол давоий мусҳил истеъмоли ва ҳуқна истеъмоли каби махражлардур.

Ва сабаби дохилий уч навъ бўлур.

Биринчи навъи худ бурознинг ўзидур. Ва иккинчи сабаби қуввати дофиъа ва ё мосикадур. Ва учинчи сабаб виъо, яъни ичакдур. Зероки хуружи буроз макондин ҳаракатдур. Ва макондин ҳаракат уч нимарсадин холий бўлмаски, мутаҳаррик, муҳаррик ва маҳалли ҳаракатдур.

Маълумдурки, бу мавридда мутаҳаррик худ буроздур. Ва муҳаррик қуввати дофиъадур. Ва маҳалли ҳаракат ичакнинг ичидур. Ва шул уч сабабнинг ҳар бири бирлан хуружнинг суръати мумкинмур. Чунончи уч мисол бирлан баён қилинур. Ва худ бурознинг ўзи сабаблигига мисол физойи музлик ва тайғоқнинг тановулидурки, музлик нимарсанинг оғирлиги ва паст тарафга майлони қуввати мосикага итоат қилмас. Ва тайғоқлиги ўз майлонига мададкор бўлур ва тойрилуб тезроқ хориж бўлур. Масалан, каду, яъни қабоқнинг тановулида мазкурдур.

Ва ичак сабаблигига мисол ичакдин жароҳат ва ё ичакни қиринди пардаси кўчуб зоил бўлмоғидур. Зероки агар ичакда жароҳат ё қирилғонлик бўлса, унга физо борганлигининг озурда бўлур, ани ўзидин тезроқ дафъ қилмоқға таважжуҳ қилур. Ва қуввати дофиъа сабаблиги физони тезроқ дафъ қилмоқға таважжуҳидурки, буни сабабини икки важҳ бирлан баён қилурмуз.

Биринчи важҳ шулки, ичакга сафро куюлур. Ва маълумдурки, агарчи бурознинг асл махражи қуввати дофиъа бўлса ҳам, лекин ихрожи буроз учун қувватни огоҳ қилғувчи сафродур. Ва агар ҳар вақт сафро миқдори табиийдин зиёдароқ куюлса, қувватни кўпроқ ва шитоброқ танбиҳ қилур. Бинобарин қуввати дофиъа вақти табиийдин бурунроқ бурозни дафъ қилур. Ва сафвати кайлусийнинг тамом мунжазиб бўлмоғи

учун муҳлат бермас.

Ва иккинчи важҳ шулки, қуввати мосика ё заиф бўлур ва ё ботил бўлур. Бинобарин гизо қабл аз вақт мундафиъ бўлур. Зероки зоҳирдурки, то жавҳари гизои кайлусий жигарга мунжазиб бўлгунича гизони ичакда сақлаб турмоқ қуввати мосикани вазифасидурки, қуввати мосикани зидди ва хилофидур. Бас, агар бу қувватга путур етса буни хилофи бўлгон қуввати дофиъани ўз феълига шуғли учун монёъ бўлмаса, албатта, ул дофиъа вақти табиийдин бурун бурозга таважжуҳ қилур. Зероки ҳар қувватни ўз феълига таважжуҳи доимийдур, магар монёъи бўлмасагина, таваққуфга музтар ва ночордур. Чунончи қуввати мосика то жавҳари гизони инжизобиғача дофиъага ғолиб ва монёъ эрдик, вақти табиий мамоъниат ва муқоваматдин иборат эрди. Ва мосиканинг вазифаси комил ва муроди ҳосил бўлгондин сўнг хотиржамъ бўлуб, сўнг бу вазифага ихтимоми сустроқ, ҳам сафронинг танбиҳи бирлан дофиъанинг ихтимоми зўрроқ бўлуб, фазланинг ихрожиға мосикадин ғолиброқ бўлуб эрдик, бу ғалаба ихрожи табиийдин иборат эрди. Бас, агар мосика доим мағлуб бўлса ва дофиъа доим ғолиб бўлса, би-з-зарур ихрожи буроз қабл аз вақти табиий лозимдур.

Фоида. Билмоқ керакки, қуввати дофиъа бирлан қуввати мосиканинг агар бири ғолиброқ махлуқ бўлгон бўлса бу ғалабаси доим ул-авқот бўлмоғи лозим эрди. Ва агар икки қуввати мутазодда мусовий махлуқ бўлса эди, доимий мусовий бўлуб, бир-бирининг феълига монёъ бўлур эрди. Эмди гоҳи мосика ғолиб бўлуб, сафвати кайлусни тамомиға қадар дофиъага ғолиб ва амзоғға монёълиги ва андин сўнг дофиъа мосикаға ғолиб бўлуб, ихрожи бурозга мухталит бўлмоғи таржиҳи била моржиҳ қандоқ мумкин бўлур деб, баъзини қилгон шубҳаси бизни юқоридаги тақриримиз бирлан мундафиъ бўлгондур. Зероки агарчи қуввати дофиъа ва қуввати мосика бир-бириға мусовий бўлсалар ҳам, Ҳазрати Ҳакими мутлақнинг тақдири бирлан сиҳҳат ҳолда ҳожати баданға мутаносиб тақозойи табиат маржиҳ ва муқаввий бўлурки, ул

хар бир қувватни ўз феълида комил ул-иҳтимомлигидин иборатдур. Ва қасир ул-иҳтимомлиги эса мағлубиятдин иборатдур. Масалан, жавҳари физо ҳануз жигарға тамом мунжазиб бўлмоғон ва бадан ҳануз ул жавҳарға муҳтож вақтида табиатнинг тақозоси ва ҳожати баданни тамом раво қилмоқға моилдур. Ва қуввати дофиъани таҳриқиға мутаважжих бўлмас. Бас, дофиъа агарчи зотан ўз феълида доимий бўлса ҳам қосир ул-иҳтимомдур. Ба хилофи мосикаки, бу ҳам ўз феълида доимийдур, лекин ҳожати бадан учун имсоки физоға тақозои табиат анга мунаббих ва муқаввийлигидин мосика комил ул-иҳтимомдур.

Бас, маълумдурки, ҳарчи комил ул-иҳтимом бўлса, албатта қосир ул-иҳтимомға голиб бўлур. Бинобарин мосикани инжизоби сафвати физо ҳосил бўлғунича дофиъаға голиб бўлуб, физони имсоқ қилур. Ва инжизоби тамом ҳосил бўлғондин сўнг ҳам табиат тарафидин имсоқға таклиф бўлмоғони учун ва ҳам ўз муродини ҳусулидин қаноат ҳосил бўлғони учун имсоқға иҳтимоми сует ва қосир бўлур, ба хилофи дофиъаки, ичакға сафрони қуюлмоғидин табиат огоҳ бўлур. Ва дофиъани дафъи бурозға иҳтимомини табиат тақозо ва таклиф қилур. Ва бу таклифдин дофиъани иҳтимоми яна комил бўлуб, ихрожи буроз учун мосикаға голиб бўлур. Бас, таржиҳи било муражжих лозим келмаски, табиатнинг тақозосидин ҳосил бўлғон камоли иҳтимом муражжих ва муқаввий бўлур. Фатааммул фаиннаҳу ғомизун. Ва бу ҳол сихҳатға хосдур. Ва вақти маразда таъсири кайфияти марази аҳад ут-тарафайнға маржих бўлуб, доимий қабз ва ё доимий итлоқ учун боис бўлур. Зероки сафронинг ичакға мўътадил миқдор нузули сихҳат вақтдаги дофиъаға муқаввий бўлур бўлса, вақти маразда кўп миқдор нузули ва батариқани авло муқаввий бўлур. Ва инчунин мосикаки, сихҳат вақтида инжизоби жавҳари кайлусий ҳосил бўлғунича дофиъаға голиб бўлса, бас, мараз вақтида дофиъани заиф ва ё ботиллиги сабабдин, албатта, ба тариқани авло голиб бўлур.

Эмди бу сабаб миёнасида бир-биридин фарқи учун далил

бўлгон аломатларни баён қилинурки, хорижий сабабдин бўлса собиқда физои музликанинг тановули бунга далилдур, ҳам буроз лузужатлик бўлуб, хориж бўлмоғи далилдур. Ва агар ичакни жароҳати сабаб бўлса, хуружи буроздин бурунроқ маҳалли жароҳатдин буроз ўтмоғида андак алам ва озор маҳсус бўлмоғи ва йиринг ва қушур каби жисмларни бурозға қўшилуб хориж бўлмоғи далилдур.

Ва гоҳи ичакда яраси бўлгон касални оғзида ҳам яра зоҳир бўлурки, урфда чиллашур дерлар. Ва агар бу аломатлардин ҳеч бири зоҳир бўлмаса, ул вақтда ё сафрони ичакға кўп қуюлгонидин ёки қуввати мосикани заифлигидин бўлур. Ва ҳар иккисини яна фарқи шулки, агар буроз рангин бўлса ва бурозни хуруж вақтида лизъ ва сўзиш маҳсус бўлса, бунга сабаб сафро бўлур. Ва гоҳи қабл аз хуружи буроз ичакни андак мижгуб огримоғи ҳам аломати сафродур. Ва агар бурозда рангинлик ва хуруж вақтида сўзиши бўлмаса, балки батнда андак оғирлик маҳсус бўлса, мосиканинг заифлигиға далили қотиъдур.

ИККИНЧИ ҚИСМ бутий ул-буруз, яъни хуружи буроз вақти табиийдин кеч келмоғи баёнидадур. Бу ҳам икки навъ бўлур. Бири умури хорижийдин бўлур, чунончи ҳобис нимарсадин ичмоқ ёки хориждин ҳумул қилмоқ бирлан бўлур. Буни нишони тақаддуми сабабдур. Ва бири умури дохилийдин бўлур. Ва умури дохилий оммдурки, хоҳ баэътибори худди буроз бўлур ва хоҳ баэътибори қувват бўлур ва хоҳ баэътибори амъо бўлур, хоҳ баэътибори аъзо бўлур. Агар баэътибори буроз бўлса, анга физойи қобизнинг тановули далил бўлур. Агар ичак эътибори бирлан бўлса, паст ичакда жароҳат ва ё варам осорининг вужуди унга шоҳид бўлур. Зероки агар паст ичакда жароҳат ёки варам бўлса алам ва озорнинг хавфи ила табиат хуружи бурозға монё бўлур. Агар баэътибори қувват бўлса, уч хил бўлур. Бир хили қуввати дофиъани заифлигидин бўлурки, бурозни муътод вақтида дафъ қилолмас. Ва ани аломати шулки, бурознинг назжи комил бўлур ва сахтроқ бўлур.

Ва иккинчи навъи шулки, агарчи қуввати дофиъа заиф бўлмаса ҳам, лекин ўтдин ичакға сафро камроқ келур. Ва

қуввати дофиъани камо йанбағий огоҳ қилолмас. Бинобарин ўз вақтида дафъи бурозға ҳаракат қилмас. Ва ани аломати бурознинг оқлиги ва сафро рангиға бўялмоғонидур. Ва ичакда бурудат галабасининг осори зоҳир бўлмоғидур.

Ва учинчиси қуввати ҳозимани заифлиги ва таомни ўз вақтида ҳазм қилуб еткуролмоғонидур. Ва шул сабабдин табиат ул таомни то ҳазми комил бўлғунича меъда ва ичакда турмоғиға муҳтож ва муқтазий бўлғони ва ҳам табиат муқтазосиға итоати қуввати мосика ҳам узоқ замонғача таомни имсоқ қилғони ва дофиъа ҳам шул вақтиғача ўз феълини таъхир қилғонидин бўлур.

Ва маълумдурки, агарчи қувватлар ҳаммаси би-т-табъ ўз вазифаларида феъллари доимий бўлса ҳам, лекин ҳаммаси яна табиат амриға мутиъдурлар. Биамри Холиқи мутлақ.

Ва ҳозиманинг заифлигини нишони шулки, турш таъмлик кекирук пайдо бўлур. Ва меъдада ел ва риёҳ зиёда бўлур. Ва агар баъътибори иштиёқи аъзо бўлса, ани аломати шулки, давоий мусҳил бирлан танқия қилинғондин сўнг ҳам бурозни бироз кеч хориж бўлмоғи, балки бурунги миқдоридин ҳам кеч, ҳам оз миқдор келмоғи ва қиллати гизо бунга далилдур. Зероки агар аъзони гизо учун ҳожати ва иштиёқи зўр бўлса, табиат ҳам ҳожати баданни таъмин қилмоқ тақозосида бурозни дафъиға ихтимом қилмас. Бинобарин бурозни хуружи таъхирлик бўлур. Бас, агар давоий мусҳил бирлан танқия қилинса исҳол сабаби бирлан бадан рутубати камаюб, яна баданни ҳожати зиёда бўлур. Бинобарин яна одатдин кечроқ буроз ҳосил бўлур. Ва ҳам ҳожати баданий зиёда бўлғони учун жавҳари физиойяға қўшуб, баъзи тафли физони рақиқроғини ҳам жазб қилур. Бинобарин буроз аввалғидин камроқ ва сахтроқ бўлуб келур. Аммо баданға мунжазиб бўлуб келгон тафли гизо ҳам аъзони иштиёқи бирлан латофат ҳосил қилуб, безарар ва маъдум бўлуб кетар. Ва истисқо каби зарарға боис бўлмас.

ОЛТИНЧИ ДАФЪА роиҳаи буроз баёнидадур.

Билмоқ керакки, маъкули гизо агарчи хушбўй нимарсалардин бўлса ҳам баъзи мугаййири бўй, чунончи ангадон ва

сир қўшилмаса ҳам бевужуди буроз бадбўй бўлса, баданда мутаъаффин ахлотнинг кўплигига далолат қилур. Ва буроз турш-бўйлик бўлса, мизожни совуқлигига ва балгамнинг кўплигига далилдур. Ва агар заиф ул-ҳол маризда бурознинг бўйи бағоят шадид ун-натан ва мункар ур-роиха бўлсаки, сасиған гўшт ва йиринг роихасига мушобиҳ роихалик бўлса анқариб ўлимға далилдур.

ЕТТИНЧИ ҚИСМИ КЎПИҚДОР БУРОЗНИНГ БАЁНИДАДУР. Ва бунинг сабаби ё бағоят қувватлик ҳарорат бўлурки, бадандаги ахлотни қайнатиб юборур. Ва қайнамоқ таъсири бирлан худ ахлотдин кўпик пайдо бўлур. Яъни худ ахлот ажзосидаги рутубати латифалари бухорот бўлуб кўпук бўлур. Чунончи қайнатилғон сувдан ҳосил бўлғон кўпук каби. Ва бунинг аломати ўткур ҳароратнинг тақаддумидин пурзоҳирдур. Ва зоҳири аломати каррот баъда маррот мазкур бўлғондур.

Бас, агар зўрлик бирлан дафъи ҳарорат ва таскини ғалаёни ахлот учун тадбир ва чорасига машғул бўлмай ихмол қилунса, оқибати таби ғибб ва таби диққ ва андин зубони аслия ва аъзойи дамавийяларға интиқол қилуб, иложпазир бўлмас. Ва ё баданда кўп миқдор бод мавжуд бўлуб, мазкур бодлардин бурозға мумтазиж бўлуб келур. Чунончи шиддатлик шамол дарёға қараб ҳаракат қилса дарё сувиға мухталит бўлуб, дарё юзида кўпук ҳосил қилғони кабидур. Ва бу боднинг сабаби ала-л-аксар ғайр аз меъда ва амъои бадан мизожини совуғлиги ва балгамнинг ғалабасидур. Ва бунга ҳазмнинг заифлиги ва баданнинг сустлиги ва лубоби даҳан ва имтилоийи бадан ва соири аломати борид ва ратублар далилдур.

Ва гоҳи мизожни ҳароратидин ҳосил бўлғон иссиқ бод ҳам бурознинг кўпугиға боис бўлур. Лекин бу навъ бағоят кам бўлур. Зероки иссиқ мизож кишининг баданидаги ҳарорати табиийяси бақувват бўлур. Бинобарин ул баданда бод ҳосил бўлмай, балки мойияти тамом таҳлил топуб турар. Ва агар ул таҳлил мойиятдин агар бухороти духонийя ҳосил бўлса, ул хорижи баданға қариб бўлғон шаърий томурларда ҳосил

бўлуб, андин теру чирк ва мўй ҳосил бўлур ва хорижи баданга мундафиъ бўлур. Магар нодиран баъзи зиёдаси дохил тарафга майлони ҳам мумкин бўлурки, заъф ва қусури ҳарорат сабабидин мўйлик ҳарорат ҳосил қилолмоғон сабабдингина мумкин бўлур. Магар бухороти духонийяни кўп миқдор ҳосил қилмоқга таъсир қилгудек ҳарорати ғариба мавжуд бўлса, ул вақтда бадандин бод ва кўпук ҳусулидин муқаддам худ буроз моддаси қайнаб биринчи навъ кўпук ҳосил бўлур, албатта.

Бас, бу уч навъ кўпукни миёнасида фарқ шулки, агар худ буроз моддасининг қайнамоғидин бухорот пайдо бўлуб, кўпук ҳосил қилгон бўлса, ани аломати шулки, бурознинг назжи комил бўйи палағда бўлгон тухумнинг бўйи каби бадбўй бўлур. Ва кўпук доналари убаб, яъни ҳажми каттароқ ҳам мажмуъи мужтамиъроқ ва тўдароқ бўлур. Ва ҳам баданда ҳарорати муфритнинг тақаддуми бунга шоҳид бўлур.

Аммо иккинчи навъ кўпукда баданга совуқ мизожни ғалабаси ва рутубатнинг имтилоси ва бурозда назжнинг қусури ва бурозда туршбўйлик ва кўпук доналарида парокандалик ва ҳажми ҳам убаб донасиға нисбатан кичикроқ ва ҳазмнинг заифлиги ва иштаҳа камлиги ва соири ғалабаи бурудат ва рутубат осори ҳаммаси бунга шоҳиддур.

Ва агар барсабили нудрат учинчи навъидин бўлса ани кўпуги пароканда, лекин кўпук доналарини ҳажми бағоят реза ва бурознинг бўйи андак бадбўйки, мўътадилға яқинроқ бўлур. Фи-л-жумла оловда чала куйган ҳайвон тезагининг тутунидин маҳсус бўладурғон бўйға мушобиҳроқ бўлур. Ва бурознинг назжи мўътадил, лекин рангида хира бўлур.

САККИЗИНЧИ ДАФЪА бурознинг хуруж вақтидаги овоз ва қароқурининг баёнидадур. Билмоқ керакки, хуружи буроз вақтида овознинг зоҳир бўлмоғи икки важҳдин холий бўлмаски, ё боднинг сабаби бирлан зоҳир бўлур ва ҳува-л-аксар ва ё қуввати дофиъанинг сабаби бирлан зоҳир бўлурки, бу қувватнинг бақувватлигида агарчи ичакда бод бўлмаса ҳам, лекин шиддатлик дафънинг сабаби бирлан овоз зоҳир бўлур.

Ва ҳува-л-ақаллу би-л-жумла ичакда боднинг беифрот ва бефасод мавжуд бўлмоғи меъда ва ичакнинг ҳароратининг эътидолига далилдур. Зероки совуқ меъда ва совуқ ичакда ҳаргиз бод пайдо бўлмас. Чунки боднинг вужуди моийятнинг ё бухорот ҳолига ўзгарилгонидур ёки бухороти арзиййи духонийядур. Ҳар иккисига сабаб яна ҳароратдур. Ва совуқ меъда ва ичакда кайфийяту бухорийянинг вужуди мумтаниъдур. Ва инчунин зиёда иссиқ меъда ва ичакда ҳам боднинг таваллуди муяссар бўлмас. Чунки ҳарорат сабаби бирлан таҳлили бухорот кўп бўлуб, бухорот қуруб фано ва маъдум бўлуб турар. Ва бодлик ҳолда боқий турмас. Бас, муътадил ҳароратики, йубусат ва духонийяға моилроқ бўлса, бод шундин иборатдур.

Ва атиббо дебдурларки, “ар-риҳу духонун боридун йатавалладу мин талаттуф ил-ахлооти”, яъни бод совуган дуддурки, ахлотнинг латофат ҳосил қилмоғидин, яъни назжи комил бўлмоғидин ҳосил бўлур, дебдурлар. Бас, бу мақомдаги духондин муродлари шулки, совуган вақтида ҳам ижтимоъи аъзо бирлан сув ҳолига ўзгарилмағон кам рутубатлик бухорот демақдур. Ва дуди маҳз демақ мурод эрмас. Би-л-жумла бурознинг хуруж вақтида баланд овоз зоҳир бўлмоғи ва хуружи буроздин муқаддам батнда нафх ва дамликнинг эҳсоси боднинг ғализлигиға далилдур. Агар эшикнинг ҳаракат вақтидаги овози каби борик ва нафис овоз бирлан буроз ориз бўлса, бу овоз бурозға рутубати рақиқанинг мухталит бўлғониға далилдур. Ва агар буроз қувватлик овоз бирлан дафъатан хориж бўлса ва буроз оқ ранглик бўлса, жигарнинг зафилигиға ва мосариқонинг масдудлигиға ва меъдадин жигар жавҳари кайлусни камроқ жазб қилғониға далолат қилур. Ва агар буроз кайлус ҳолидин мутағаййир бўлғон, лекин комил назж ҳосил қилмоғон ҳолида овоз бирлан хориж бўлса, қуввати дофиъани ғолиб ва мосикани заифлигиға далилдур. Ва агар буроз хориж бўлмоқда соф овоз бирлан хориж бўлса, бу овоз ичакни рутубатидин холийлигиға ва бурознинг қуруқлигиға далилдур. Ва

агар батнда қулдураган ингичка овоз пайдо бўлса бодни ингичка ичакда пайдо бўлғониға ва йўғон ичак боддин холий эканиға ва бод ҳам ғализ эмаслигиға далилдур. Ва агар қулдираган овоз ғализ бўлса ғализ бод ғализ ичакда эканиға далилдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бодки меъдада пайдо бўлур агар бадбўйлик эҳдос қиладурган баъзи нимарсанинг тановули бирлан гўё бурози бадбўй каби бадбўй бўлса, ахлотнинг уфунатиға далолат қилур. Зероки ул нимарса аввало ахлотға уфунат ориз қилғон бўлур. Ва уфунат таъсиридин боди меъда бадбўй бўлғон бўлур. Ва илло беуфунати ахлот худ бод бадбўй бўлолмас.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, арақ, яъни тер тўртинчи ҳазмдин ажраладурган фазлаи ахлоти бадандур. Бинобарин аҳволи бадан учун баданда қандай хилтнинг ғолиблиги хусусида арақ бирлан ҳам истидлоли бавл ва буроз учун муъовин ва муқаввийдур. Шунинг учун агарчи арақнинг зикрига мотин ва аксари шориҳлар иқдом қилмоғон бўлсалар ҳам фузалот баёнининг охирида фазлаи арақнинг баёнини ҳам дарж қилиб ўтмоқ лозим кўрилдики, мақоми мансаби баёндр.

Бас, билмоқ лозимдурки, гизойи баданнинг ақсойи баданға етиб бормоқлари учун бир миқдор сафро ва бир миқдор сувға мухталит бўлуб бормоқлари лозими табиийдур. Токи сув гизойи мазкурни суюлтируб ақсойи баданға еткурмоқда муъин ва раҳбарлик қилур. Ва сафро ҳам ўзининг иссиқлиги ва тезлиги қуввати бирлан масомни кенг ва гизони рақиқ қилуб, мададкори нуфуз бўлур. Ва гизо маҳалли мақсудға етгондин сўнг мазкур сувларнинг аксар миқдори яна жигар тарафға етиб келуб бавл йўли бирлан мундафиъ бўлур. Чунончи мабҳаси бавлда муфассал мазкур бўлди. Ва баъзи боқий андак миқдори терининг остига мундафиъ бўлур. Бас, агар ул сув холис бўлса, бухор бўлуб таҳлил топар ва кўзга кўринмас. Ва агар холис бўлмай, балки терининг остига келиб ўрнағон фазлаға махруж бўлса ва лекин ғализ бўлмаса тер бўлуб, масоми бадандин хориж бўлур. Ва кўзга кўринур. Ва шунинг учун атиб-

бо тер баданнинг ахлотидин хабар бергувчидур, демишлар. Ва агар фазла бирлан мамзуж бўлгон сувга ахлотнинг таъсиридин ғализлик ориз бўлса, ул сув ва фазлалар терининг остига келуб чирк бўлурлар.

Ва би-л-жумла аҳволи баданга истидлол учун тердан топиладургон нишоналар олти навъ бўлуб, олти рашҳа бирлан баён қилинур.

БИРИНЧИ РАШҲА тернинг кўплик ва камлигининг баёнидадурки, буни икки қисм бирлан баён қилинур.

БИРИНЧИ ҚИСМ кўп терламоқ баёнидадур. Ва тернинг кўп бўлмоғига олти хил сабаб бордурки, баъзиси табиий ва баъзиси ғайритабиийдур. Чунончи, ҳар бирига ишорат қилинур.

Биринчи сабаб шулки, баданда рутубат кўп бўлур. Ва кўплик сабабидин худ баҳуд чиқа берадур.

Ва иккинчи сабаб шулки, рутубат бағоят суюқ бўлур. Ва суюқлик сабабидин доим ус-сайлон бўлур. Ва агарчи миқдори кўп бўлмаса ҳам хуружи доимий бўлур.

Ва учинчи сабаби шулки, аъзо эруб суюлуб, масом йўлидин доим чиқиб турадур.

Тўртинчи сабаб шулки, масом ҳоли табиийсидин кенгроқ бўлур. Бинобарин рутубат кўпроқ чиқиб турар.

Ва бешинчи сабаб шулки, қуввати дофиъа бақувват бўлур. Ва рутубатни кўпроқ дафъ қилур.

Ва олтинчи сабаб шулки, қуввати мосика заиф бўлур. Ва рутубатни имсоқ қилуб сақламоқдин ожиз бўлур. Бас, ночор рутубат андак-андак тарашшуҳ бирлан хориж бўлуб турар.

Ва би-л-жумла қуввати дофиъа бирлан мундафиъ бўлгон тер ёки мўтадил ҳаракат бирлан чиқгон тер ва ё мўтадил иссиқ ҳаво бирлан, яъни баифрот бўлмогон иссиқ ҳаво бирлан чиқгон тер ва ё мўтадил ҳаммом бирлан мўтадил миқдорда чиқгон терлар ҳаммаси табиий тердур. Ва сабаблари ҳам асбоби арақи табиийдур. Ва бундин бошқалари асбоби арақи ғайритабиийдур.

Ва билмоқ керакки, тернинг кўп чиқмоғи қуввати баданни

заиф қилур ва баданни ориғлатур, магар бўҳрон кунда чиқғон тер ҳарқанча кўп бўлса ҳам, қуввати дофиъайи табиийанинг дафъи ва қувватнинг ғалабаси бирлан чиққан фазлаи зоидаи мундафиъа бўлғони учун боиси равнақи қувват ва мўвжиби сиҳҳати бадан бўлур.

Ва тернинг ҳаммадин ёмонроғи аъзонинг эриганидин ва ё қуввати мосиканинг ориз бўлғон тердур. Ва билмоқ керакки, қуввати дофиъанинг дафъи бирлан чиқғон тер бирлан қуввати мосиканинг заифлиги бирлан чиқғон тернинг миёнасида фарқи шулки, агар қуввати дофиъанинг дафъи бирлан тер чиқса, албатта аввал имтилоий баданни лозим тутар токи рутубати зоидаинг дафъиға қуввати дофиъа ҳаракат қилур. Аммо заъфи қуввати мосика учун имтилоий бадан лозим эмас. Ва яна бир фарқ шулки, қуввати дофиъанинг дафъи бирлан тер чиқса, тобора баданға фараҳлик ва енгиллик ҳосил бўлур. Аммо заъфи мосикадин чиқса баданға тоборо касаллик ва оғирлик маҳсус бўлур. Яна бир фарқи шулки, дафъи дофиъа бирлан тер чиқса маризнинг бўҳрон кунда чиқар ва бошқа вақтда чиқмас ёки жуда кам чиқар. Аммо заъфи мосикадин чиқса ҳамма вақт боробар бўлур. Ва яна дафъи дофиъадин тер тез чиқса, анга муқаввийи мосика бўлғон даволарнинг истеъмолидин кўп манфаат бўлмас. Магар андак ва заъфи мосикадин чиқса анга муқаввийи мосика даволар кўп манфаат қилур.

Ва инчунин агар аъзонинг эригонидин тер ҳосил бўлуб турган бўлса, ани зарари заъфи мосика сабабидин чиқғон тернинг зараридин ҳам ёмонроқ бўлур. Ва давойи муқаввийи мосикадин ҳеч нафъ бўлмаслиги бу навънинг аломати хоҳсасидур.

Ва яна бир аломати шулки, ҳиддатлик ҳароратнинг вужуди шартдур. Зероки агар аъзонинг эримоғи сабаб бўлғон ҳарорат зўр ҳиддатлик бўлмаса ани моддаси тер бўлуб чиқмоқға қодир ва қобил даражада рақиқ бўлолмас. Ва тер бўлуб чиқолмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, агар сиҳҳатликда тер кўп чиқса ва ани сабаби зоҳир бўлмаса ани сабаби баданнинг тоқатидин зиёда миқдор физо тановул қилинғонидурки, бадан ўз тоқати-

дин зиёда моддаи рутубатни хорижға чиқариб турғон бўлур. Ва агар физонинг кам миқдор тановули бирлан ҳам тер кўп чиқса ва сабаби зоҳир бўлмаса, билмоқ лозимки, баданда фаъла кўп ва истифрӯғ учун бадан муҳтожлигиға далилдур. Ва агар маризнинг баданидин ҳамма вақт ва ҳар кун тер кўп чиқса баданда ахлотнинг кўплигиға далилдур. Ва агар исҳол ва ё қай ва ё бошқа истифрӯғ воқеъ бўлуб туруб, бовужуди яна тер кўп чиқса, жуда ёмон аломатдурки, баданда ахлот бағоят кўплигиға ва қуввати табиат ахлотнинг назжидин ва дафъидин ожиз бўлуб, ниҳоят чарчағониға далилдур.

Ва агар баъзи узвдин тер кўпроқ ва баъзи узвдин камроқ чиқса беморликға сабаб бўлғон модда терни кўп чиқарғон узвида эканиға ва ё бошқаға нисбатан кўп терлағон узвда модданинг кўпроқ эканиға далилдур. Ва агар модда ҳамма баданда баробар бўлса ва баъзи узвдин тер чиқмоқ учун монеълик бўлмаса, албатта бу тақдирда ҳамма бадандин тер баробар чиқар. Ва агар ҳар бемордин, хусусан ўткур иситмалик касалда ва ё ахлоти муҳтариқадин пайдо бўлғон иситма касалида бошдин ва гардандин ва кўкракдин совуқ тер чиқса, қуввати ҳайвонийянинг заиф бўлғониға ва ёки тез фурсатда заиф бўлмоғиға далилдур. Чунки бу тер модданинг кўп ва хомлигиға далилдурки, бу қадар кўп миқдор хом моддани табиат пишируб еткузмоғиғача қуввати ҳайвонийянинг тоқати кифоя қилмас ва заифланур. Ҳатто пишурмоқдин табиат ҳам ожиз бўлур.

ВА ИККИНЧИ ҚИСМ тернинг камлигининг баёнидадур. Ва билмоқ керакки, тернинг кам чиқмоғиға асл сабаб тўрт хил бўлур.

Биринчи баданда рутубатнинг камлиги. Иккинчи модданинг хом ва ғализлиги. Ва учинчи масомнинг танг ва бандлиги. Ва тўртинчи қуввати дофиъанинг заифлигидур. Ва баданда рутубат ва модданинг кўплик аломатлари зоҳир бўлғон ҳолда тернинг камлиги ёмондур. Ва танқияи баданға чора кўрмоқ вожибдур. Хусусан имтилои баданда тернинг камлиги қуввати дофиъанинг заифлиги ва ё модданинг ғализ ва хомлигидин

бўлса жуда ёмондур. Ва дофиъанинг тақвийясига ва модданинг нажйиға кўшиш қилмоқ лозимдур.

ИККИНЧИ РАШҲА ТЕРНИНГ РАНГИНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, тернинг рангтини эҳсос қилмоқ бағоят мушкул, балки оддий назар бирлан бетадбир эҳсоси мумтаниъдур. Ва бунинг учун энг яхши тадбир шулки, чанг ва ғубор ва чирқдин холий ва мусаффо пахта ёки оқ қоғозни тер бирлан ҳўллаб, сўнгра офтобга кўюб қиздурса, мазкур пахтага ва ё қоғозга бадандаги хилти ғолибнинг асаридин андак ранг ҳосил бўлурки, таъаммуқи назар бирлан маҳсус бўлур. Бас, агар тернинг ранги сариқ рангга моил бўлса, баданга моддаи сафронинг ғалабасига далилдур. Ва агар рангги оқ бўлса, балғамнинг ғалабасига далилдур. Ва агар тер чиркин ва ғализ бўлса, савдонинг ғалабасига аломатдур. Ва агар тер қизилга моил сел бўлса, ё қуввати мосиканинг заифлигига ва ё баданда қоннинг фасодига далолат қилур. Зероки агар қон фасод сабаби бирлан баданга гизоликга нолойиқ бўлса, табиат ани гизои баданга сарф қилмас. Бас, ночор ул қон тер бўлуб, мундафиъ бўлур. Ва заъфи мосика сабабидин ориз бўлган қизил тернинг аломатиға заъфи мосиканинг аломатлари шоҳиди кофийдурки, каррот баъда маррот мазкур бўлғондур. Ва қон фасодидин ориз бўлғон бўлса фасоди хун осори ҳам зоҳир бўлур. Ва инчунин қонга муфсид бўлғон нимарсаларнинг ва ғализ қилғувчи нимарсаларнинг тановули ҳам бунга далилдур. Масалан, балиғ гўшти, хусусан бўй ҳосил қилғон балиқ ёки офтобда қотирилғон балиқ ва бошқа эски ва қуруқ гўштлар, хусусан шўр гўшт ва бўйланган гўшт, ала-л-хусус бўйланган калла ва поча ва бодинжон ва кеч ҳазм бўладурғон гизо бирлан тез ҳазм бўладурғон гизонинг ижтимоъи, хусусан сут ва узум ва тухум ва балиқлардин ҳар икки хилининг ижтимоъи муғаллиз ва муфсиди хундур.

ВА УЧИНЧИ РАШҲА ТЕРНИНГ БЎЙИНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, тернинг турш бўйлиги баданда хом

балгами ҳомиз борлиғиға далолат қилур. Ва тернинг аччиқ ва тундбўйлиги ахлоти сафровийнинг нишонасидур. Ва бадбўйлиги ахлотнинг уфунатлиғиға далилдур. Ва агар бадбўй тер бирлан ҳарорати бадан жамъ бўлса, ул вақтда аъзонинг эриганлиғиға далолат қилур. Лекин миёнасида фарқи шулки, агар ҳарорат ахлотнинг уфунатидин бўлса, мазкур хилти ғолибнинг аломатлари зоҳир бўлур. Ва бавли ва буроздин мазкур хилти уфин осори маҳсус ва бурознинг назжи мўътадили ва лекин бадбўй бўлур. Ва осор бадан эриган бўлса бавлда бадбўйлик кам бўлур. Ва буроз мўътадили табиий бўлур. Ва бадан тобора ориғ ва заиф бўлур. Ва ҳарорат андак ва доимий бўлур. Ва беморнинг ибтидосидин тер уйқуда кўкракдин чиқар. Ва бошқа вақтда бошқа узвдин чиқмас. Сўнгра батадриж бедорликда ҳам ва бошқа аъзодин ҳам чиқа бошлар.

ТҶРТИНЧИ РАШҶА ТЕРНИНГ ТАЪМИ БАЪНИДАДУР

Ва таъми ҳам бўйиға қиёс бирлан истидлол қилмоқ мумкиндур, чунончи учинчи рашҳада зикр қилинган каби турш таъм хом балғам ғалабасиға ва аччиғ ва тез таъм сафроға ва ба ғоят турш ва хираранг бўлса, савдо ғалабасиға ва ширин таъм бўлса, қон ғалабасиға далилдур.

ВА БЕШИНЧИ РАШҶА ТЕРНИНГ ИССИҚ ВА Ё СОВУҚЛИГИНИНГ БАЪНИДАДУР

Билмоқ керакки, иситмалик касаллардин совуқ тер чиқмоғи баданда хом рутубатнинг кўплиғиға далилдур. Бас, агар иситма янги ва ҳиддатлик бўлса, андин чиқғон совуқ тер эски иситма касалдин чиқғон совуқ тердин ёмонроқ бўлур. Зероки ҳиддатлик иситманинг муддати оз бўлур. Ва оз муддатда бу қадар кўп хом рутубат пишуб етилмоғи мумкин бўлмас. Ва узоқ вақтғача пишуб етилмоғи учун ҳиддатлик иситма фурсат бермас. Аммо эски ва беҳиддат иситманинг фурсати узоғдур. Ва узоқ муддатда батадриж рутубатнинг пишмоғи мумкиндур. Аммо иссиқ тер хоҳ иситма касалида хоҳ бошқа касалларда бўлса ҳам совуқ терга назаран умидворроқ ва саломатликка

яқинроқдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бу мазкур бўлгон совуқ тер ва иссиқ терлар умури баданийядин ориз бўлгон терлардур ва далолатлари ҳам умури баданийяға далилдур. Аммо умури нафсонийдин ҳам иссиғ ва ё совуқ тер пайдо бўлур. Лекин ани далолати умури баданийяға мувофиқ бўлмас. Чунончи шавқ ёки ғазаб ва ё хижолат бағоят ифрот даражаға етганда бадандин иссиқ тер чиқар. Лекин бу тер баданда рутубати назжа кўплигиға далолат қилмас, балки сабаби шавқ бўлгон мақсудға истиқбол ва умиди вусул учун нафс ва рух ва анга итотан қон ва ҳарорати ғаризийлар зоҳири бадан тарафға чиқарлар. Ва аларнинг ҳарорати ва тазйиқи бирлан бадандаги рутубат эриб, тер бўлуб чиқар. Ва хижолатда ҳам инчунин. Агарчи нафс ва рух изтироб бирлан ҳам зоҳири баданға ва дохили баданға мутараддид ҳаракатда бўлса ҳам, лекин сабаби хижолат бўлгон айбдин ижтиноб учун ботинға ҳаракати камроқ ва ақлнинг берган тасаллийи хотири учун ва ҳам муқовамат учун ул сабабни дафъиға қасд қилиб хориж тарафға ҳаракати кўпроқ бўлур. Ва нафс ва рухға таъъан ҳарорати ғаризийя ва қон зоҳир тарафға чиқиб, аларни ҳарорати ва тазйиқи бирлан иссиқ тер чиқар.

Ва инчунин шиддатли қўрқинч ва ё бехудликда сабаби қўрқинчдин ижтинобла нафс ва рух ботин тарафға ружуъ қилур. Ва анга таъъан табиат ва ҳарорати ғаризийя ва қон ҳам ботин тарафға ружуъ қилур. Ва зоҳири баданда қон ва ҳарорат қолмай ранг оқарур. Ва табиатнинг ружуъи ва изтироби бирлан қуввати мосика заиф бўлур, рутубатни имсоқ қилолмас. Бас, ҳароратсиз совуқ бадандин совуқ тер чиқар. Аммо бу тер ҳам баданда хом рутубат кўплигиға далолат қилмас. Ва яна қон олдирғон киши қўрқса бехуд бўлур ва совуқ тер чиқар. Ва қонни кўп миқдор олинса ҳам боқий қоннинг камлиги сабабли ва ҳам хориж бўлгон қон бирлан кўп миқдор ҳарорати ғаризийя хориж бўлган сабаблик зоҳири баданда ҳарорат кам қолур. Ва қоннинг кўп миқдор кетмоғиға нафрат учун табиат ва рух ва нафс ва аларға таъъан боқий қон ва

боқий ҳарорати ғаризийя ҳам ботинға ружуъ қилур. Ва мосика қуввати заифланиб, рутубатни имсоқ қилолмас. Бас, совуқ бадандин совуқ тер чиқарки, бу тер ҳам умури баданийға, яъни баданда хом рутубат кўплигиға далолат қилмас, балки умури нафсоний муваққатан оризий бир кайфиятдурки, бизнинг мабҳасдин хориж ва эътибордин соқитдур.

ВА ОЛТИНЧИ РАШҶА ТЕРНИНГ ҚИВОМИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, тернинг қивоми суюқлиги модданинг риқвати ва латофатиға ва тез фурсатда ул модда пишуб мундафиъ бўлмоғиға ва касални тез сиҳҳат топмоғиға далолат қилур.

Аммо тернинг қивоми қуюқ бўлмоғи модданинг ғализ ва ширадорлигиға ва касалнинг узоқ вақтға чўзилмоғиға далолат қилур. Зероки бу тариқа ғализ ва лузужатлик модданинг пишуб мундафиъ бўлмоғи учун кўп фурсат лозимдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, тернинг қивомини оддий назар бирлан эҳсос қилмоқ мушкулдур. Лекин баъзи аломатлар воситаси ила билмоқ мумкиндур. Ва ҳаммадин равшан аломат шулки, агар тер ғализ ва лузужатлик бўлса, зоҳири баданда марворид каби қатралар жамъ бўлуб кўрунарлар. Ва атрофға зуд сайлон қилмаслар. Ва агар тернинг қивоми рақиқ бўлса бадан масомидин чиқғон онда сайлон қилурлар. Ва қатра миқдорлик жамъ бўлмаслар.

ИНТИБОҶ. Билмоқ керакки, нафс, яъни оби даҳан бирлан ҳам истидлол қилмоқ кўкрак касалида ва кўкрак ичида бўлғон узвларнинг касалида моддаи касалнинг пишган ва пишмаганиға маҳсус ва энг равшан далолат қиладурғон далилдиндур. Бинобарин ани далолатидин ҳам мухтасаран намуна учун андак зикр қилуб ўтмак муносиб мақомдур.

Билмоқ керакки, нафснинг маъниси луғатда тишнинг милкидин бод чиқмоқдур, бағайри рутубат. Аммо баъзи атиббойи хоснинг урфларида нафсдин йўтал бирлан чиқғон

рутубатни айтурлар. Ва бу тақдирда нафс деб фақат кекирдак йўли бирлан келгон рутубатни хоссатан айтмоқ лозим келур. Аммо атиббои оммнинг истилоҳларида ҳар қаю тариқа бирлан оғиздин келгон рутубатни ҳаммасини ҳам нафс дерлар, хоҳ тупук ва сўлак каби худ-бахуд пайдо бўлуб келуб ва хоҳ комни сўруб жазб қилмоқ тариқи бирлан ҳосил бўлуб келсун ва хоҳ ўқчуқ ва қай тариқасида келсун ва хоҳ танахнух, яъни ҳавони бурун йўлидин башиддат истинжоб қилмоқ бирлан димоғ тарафдин ҳаво ёрдами бирлан даҳанга келуб, даҳандин хориж бўлсин ва хоҳ йўтал тариқи бирлан келсун, ҳаммаси ҳам нафсдур. Ва бир узвдин келмоқға хос ва маршрут эрмас. Ва маълумдурки, батариқаи қай ва ўқчуқ келган рутубат ўнғачдин ва меъдадин келур. Ва танахнух бирлан келган рутубат димоғдин келур. Ва батариқаи табаззук худ-бахуд пайдо бўлгон рутубат ҳалқдаги бездин келур. Ва комни сўруб жазб бирлан келтургон рутубат тилнинг ақсосидин келур. Ва турш нимарсанинг орзуси ва турш нимарсани тановул қилгон кишини кўрғонда оғизда пайдо бўлган рутубат ҳам меъдадин ва ҳам дилдин келур. Ва йўтал бирлан келган рутубат кекирдакдин ва ё ўпкадин ва ё ҳижобдин ва ё бошқа кўкрак қафасида мавжуд аъзодин келур. Зероки кўкрак қафасида воқеъ бўлгон ҳамма аъзонинг рутубат ва моддаи фазлияларини дафъи учун фақат кекирдак йўлигина махраждур. Ва бошқа махражи йўқдур. Кама марра онифан фи-т-ташриҳи.

Ва бу рутубатларнинг ҳаммасидин етти хил нимарсанинг далолати бирлан истидлол қилмоқ мумкиндур. Бинобарин бу мабҳасни ҳам етти нафха бирлан баён қилурмуз.

БИРИНЧИ НАФХА НАФСНИНГ КАСРАТ ВА ҚИЛЛАТИНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, нафснинг кўплиги моддаи маразнинг назжиға далилдур. Ва мараз охиринчи даражаға етуб шифоға навбат яқинлиғиға ишорат бўлур. Башартики, нафс маҳмуд бўлса. Яъни қивомда мўътадил ва рангда пок ва бўйдин холий бўлса. Ва илло бун хилофида моддани бағоят кўплиғиға ва касални узоқ вақт давомиға далолат қилур. Ва нафснинг

камлиги моддаи маразнинг ҳануз хомлигиға ва пишуб етулғониғача касални чўзилмоғиға далолат қилур. Ва лекин нафснинг доим андак-андак келуб турмоғи моддани назжға шуруъ қилғониға ва маразни ибтидоний даражадин тажовуз қилуб, даражаи тазоидға шуруъ қилғониға ва тездин даражаи таваққуфға етмоғиға далилдур. Ва нафснинг мўътадил миқдорда бўлмоғи моддаи маразнинг аксари назж ҳосил қилғониға далолат қилур. Ва сўнггидин албатта мўътадил миқдордин нафс кўпаймоғи лозими табиийдурки, бу тазоид тамом моддани назж ҳосил қилғониға далил бўлур. Бу тақдирда нафсни мўътадилға назаран иътидолдин зоиди яхшироқ бўлур. Аммо ўпка касалларида ва кўкракдаги бошқа аъзолар касалида нафснинг бўлмаслиги ё суъи мизожи созижға аломатдурки, мизожни фасоди бирлан моддани дафъиға табиат ҳаракат қилмас. Ва ё моддани хомлигиға ва табиатни заифлигиға далилдурки, хом моддани хомлик ҳолида андак-андак дафъ қилуб турмоқдин ожиздур. Ва бу мавридда моддани хомлиги оммдурки, хоҳ бағоят рақиқ бўлуб ҳануз қобили индифоъ бўлмоғон эътиборидин хом бўлуб ва ё бағоят ғализ бўлуб, ҳануз қобили индифоъ бўлуб суюлмоғон эътиборидин хом бўлур.

ИККИНЧИ НАФҲА НАФСНИНГ РАНГГИ БАЁНИДАДУР.

Аммо нафснинг оқлиги ё моддани хомлигиға далил бўлур ва ё назлаи балғамийға аломат бўлур. Ва ҳар иккисини фарқи шулки, агар нафс касалнинг ибтидосидин бошлаб келса ва қийинлик бирлан чиқиб келса, модданинг хомлигиға аломатдур. Ва агар касалнинг охиirroқ вақтида чиқса ва осонлик бирлан чиқса ва ани чиқғонидин сўнг беморға андак роҳат ва энгиллик пайдо бўлса назлаи балғамийға далолат қилур. Зероки моддаи балғам эримағон вақтда нузул қилмоғон бўлур. Бинобарин нафс ҳам маразни ибтидосида бўлмас. Ва эриган балғам нузул қилса, албатта касалнинг охиirroқ вақтида эриб нузул қилурки, ани кўчмоғи ҳам осон бўлур. Ва нузул қилган балғамнинг хориж бўлмоғи албатта мариризға роҳатбахшлиги

табиийдур.

Аммо нафснинг қизилға мойиллиги ё қоннинг ғалабасидин бўлур ва ё ҳанжара ва ҳалқ атрофида бўлгон ва ўпкада бўлгон томурлардин бирини ёрилғонидин бўлур. Ва ҳар иккисини миёнасида фарқи шулки, нафснинг ҳамма ажзоси рангда баробар ва текис бўлса, қон ғалабасиға далилдур. Ва агар баъзи ажзоси оқроқ ва баъзи ажзоси қизилроқ бўлуб, имтизожи комил бўлмаган томурнинг ёрилғониға далилдур. Ва қон ғалабасини бошқа осори ва ё томурға ориз бўлгон офатнинг тақаддуми ҳам шоҳид бўлур.

Аммо нафснинг сариглиги назлаи сафровийға далилдур.

Аммо нафснинг кўклиги ё сафронинг куйгонлигиға ва ё сафроға ифротлик бурудат ориз бўлуб, ҳарорати ғаризийясини ботил бўлғониға ва сафрони инжимодиға далолат қилур. Ва ҳар иккисини фарқи учун сабаб ихтироқ ёки сабаби инжимоднинг тақаддуми шоҳиди кофийдурки, борҳо мазкур бўлди.

Ва нафснинг моддаи савдодин бўлғони ҳам сафрои нафс каби ё ихтироқдин ва ё бурудати баифротдин ҳосил бўлур. Ва буни фарқи сабаби ихтироқ ёки инжимоднинг тақаддумидин зоҳирдур.

УЧИНЧИ НАФҲА НАФСНИНГ БЎЙИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, нафснинг бадбўйлиги моддаи маразнинг уфунатиға далолат қилур. Ва бадбўй бўлмаслиги модданинг уфунатдин холийлигиға далолат қилур. Ва нафснинг туршлиги моддаға бурудат асар қилғониға далилдур.

ТЎРТИНЧИ НАФҲА НАФСНИНГ ТАЪМИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, нафснинг ширинлиги қоннинг ғалабасиға ёки балғамнинг мўътадил табиийлигиға далолат қилур. Зероки қон ғолиб бўлса, албатта ғалабаси таъм эътибори ила маҳсус бўлмоғи зоҳирдурки, қоннинг таъми шириндур. Ва агар қон ғолиб бўлмаса ҳам, лекин балғам мўътадили табиий бўлса, табиий балғам бетаъм бўлур. Бинобарин қон таъми танҳо маҳсус бўлур. Ва агар балғам мўътадил миқдордин зиёда бўлса, қонга ғолиблиги бирлан қоннинг таъмини камайтируб,

гайри маҳсус қилур. Ва агар балғам нотабиий бўлса, ўз кай-фийяти нотабиийлигиға муносиб таъм ҳосил қилур. Ва қон таъмининг эҳсосиға монёъ бўлур. Бас, қоннинг ғалабасидин ширин бўлғон нафс бирлан балғами мўътадили табиийдин ширин бўлғон нафснинг фарқи таъаммуқи назар ила нафснинг ранггидин зоҳир бўлурки, агар нафс қизилға моилроқ бўлса қон ғалабасиға далилдур. Ва илло балғамийдурки, бу нафс албатта оқ бўлур. Нафснинг бетаъмлиги балғами мўътадили нотабиийға аломатдур. Зероки балғами нотабиийда фи-л-жумла таъми махсус бўлурки, бу таъм қоннинг ширин таъмиға муқовамат бирлан баробар бўлуб, ҳеч бир тарафда ғалаба бўлмоғон сабабдин ночор бетаъмлик ориз бўлур. Ва нафснинг шўрлиги рутубатға ҳароратнинг асар қилғониға ва лекин ҳануз ҳароратдин рутубат ғолиблигиға далолат қилур. Ва агар шўр таъмлик даражадин ўтуб, ҳирқат ва тез таъмлик ҳосил қилса бу таъм рутубатға ҳароратни бағоят асар қилғониға ва рутубатни баъзи ажзойи моййяти таҳлил топуб, филзат пайдо қилғониға далолат қилур.

Ва нафснинг турш таъмлиги моддаға бурудат асар қилғониға далолат қилур. Ва нафснинг нохуш ва бадтаъмлиги модданинг уфунатиға далолат қилур.

ВА БЕШИНЧИ НАФҲА ҚИВОМИ НАФС БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, нафснинг рақиқлиги аксарда модданинг хомлигиға далолат қилур. Ва гоҳи модданинг назжиға далолат қилур. Ва ҳар иккисини фарқини модданинг жинсидин ва нафси рақиқнинг пайдо бўлғон вақтидин билмоқ мумкиндур. Масалан, агар модда балғами табиий ёки сафрои табиий бўлса, нафснинг рақиқлиги моддаи мазкурнинг ҳануз хомлигиға далолат қилур. Зероки мазкур моддалар хомликда бағоят суюқ бўлур. Ва пишганда андак қуюлғон бўлур. Аммо савдо ва баъзи балғами нотабиий хомликда бағоят қуюқ бўлуб, пишганда суюлғон бўлур. Лекин балғами табиий ва сафрои табиий инсонда доимий мавжуд бўлғони учун уларнинг хомлигиға нафснинг рақиқлиги аксар вақт далолат қилур.

Аммо савдонинг ғалабаси ва балғами ғализи нотабиининг ғалабаси ҳар кимда мавжуд бўлмай, баъзи одамда тасодуфий сабабдин уларнинг пишуб суюлганлигига нафси рақиқнинг далолати гоҳи тўғри келур. Ва инчунин нафси рақиқнинг пайдо бўлгон вақтидин истидлол қилмоқда ҳам, агар ибтидои мараздин бошлаб нафс рақиқ бўлса, албатта модданинг ҳануз хомлигига далилдур. Зероки модданинг назжи маразни охир даражасига яқинроқ вақтидагина муяссар бўлур. Ва агар маразнинг охир даражасига яқинроқ вақтда нафси рақиқ пайдо бўлгон бўлса, шубҳасиз бу нафси рақиқ модданинг назжига далилдур.

Аммо нафснинг ғализлиги модданинг мутлақо хомлигига ва ани назжи қийинлик бирлан ҳосил бўлмоғига ва касални узоқ муддат чўзилмоғига далолат қилур. Зероки рақиқ нимарсанинг назжига назаран ғализ нимарсанинг назжи кўп қийин бўлуб, бунинг учун муддат лозимдур. Чунки рақиқ нимарсанинг мойийатини таҳлили учун андак ҳарорати ғаризийянинг таъсири кифоя қилур. Ва тез муддатда таҳлили мойийат бирлан ани андак ғализ қилмоқ осон ва кўп таъсир ва кўп муддатга ҳожат йўқдур. Аммо ғализ нимарсани эритуб суюлтирмоқ учун ҳарорати ғаризийянинг кўп таъсирлари лозимдур. Ва кўп таъсир албатта узоқ муддатдагина муяссар бўлмоғи мумкиндур.

Аммо нафснинг қивомда мўътадили модданинг тамом назжига далилдур. Ва иътидолдин сўнг ғализ бўлмоқ марази савдовийга хосдур. Ҳаттоки сўнгра даҳанда нафс камлик қилуб, даҳан доим хўшк бўлмоғи амрози савдовийянинг хоссасидур.

ВА ОЛТИНЧИ НАФҲА НАФСНИНГ ШАКЛИ МАЖМУАСИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, баъзи одамда мумкин ул-вужуддулки, нафси оғиздин чиқариб ташлангонда нафс қайси шаклда хориж бўлгон бўлса ҳам, лекин заминга етиб келғонигача шакли куравий ва мустадир шакл ҳосил қилур. Бас, бу истидорат моддани ғализлигига ва кекирдакда ва ўпкада зўр ҳарорат борлигига далолат қилур.

Ва ҳақим Букрот айтибдулки, агар ҳар кимда нафс муста-

дир бўлса, доим анга ихтилоти ақл аломатларидин андак аломат зоҳир бўлса, бас, бунинг андак фурсатда тамом ақлни заволига ва жунуннинг ориз бўлмоғига аломатдур. Ва яна дебдурки, нафси мустадир бўлгондин кўп кишини касалини оқибати селга айлангонини кўрдим. Ва яна дебдурки, ҳар кимда баданда иситма бўлмаса ва лекин нафси басоқий бўлса, бу нафси басоқий зубул касали ориз бўлмоғини нишонасидур, дебдурлар.

Ва нафси басоқий деб моддани хомлик ҳолича келғонидин ҳосил бўлгон нафсни айтурлар. Валлоху аълам би-с-савоб.

ВА ЕТТИНЧИ НАФҲА НАФСНИ ЧИҚАДУРГАН ВАҚТИ ВА ОСОНЛИҚ ВА ҚИЙИНЛИК БИРЛАН ЧИҚМОҒИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, назлада, яъни тумовда зот ва зот ур-рийада ва зот ул-жанбда нафс зуд кўчмоғи саломатликни нишонаси ва қуввати табиийяни бақувватлигига далилдур. Ва касални зўр қайтиб саломатланмоғига аломатдур.

Ва нафснинг кеч ва қийинлик бирлан кўчмоғи моддани хомлигига ва қуввати табиийяни заифлигига ва касал муддати-ни дарозлигига далилдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, нафси маҳмудга аломат шулки, рангги оқ ва ҳамма ажзоси ранг ва қивомда текис ва баробар ва қивоми мўтадил ва бебўй бўлур. Ва осонлик бирлан йўтал-май ўзича хориж бўлур. Ва ҳуруж вақти ҳам касални ибтидо-сидин кўп узоқ бўлмас. Ва нафси мазмумнинг аломати шулки, нафси хом ва беназж ва суюқ ва ҳамма ажзоси мухталиф бўлур. Ва шиддатлик йўталнинг ёрдами ила бамашаққат ва кеч хориж бўлур. Ва рангги қарога ва камуддатга ва ё сариг рангга моил бўлур. Ва бўйи нохуш бўлур.

Эмди ситтаи зарурийянинг ҳамма ловоҳиқини баёнидин фориғ бўлуб, тўртинчи мақола тамом бўлди.

БЕШИНЧИ МАҚОЛА. САҲИҲ КИШИЛАРНИНГ

ТАДБИРИ ТАРБИЯСИ ВА МАРИЗЛАРНИНГ ИЛОЖИ УЧУН ҚОИДАИ КУЛЛИЙЯ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, илми тибб икки қисмга мунқасимдур. Бир қисми илми назариёт ва бир қисми илми амалиётдур. Ва назариёт қисмини биринчи мақоладин бошлаб тўртинчи мақоланинг охиригача баён қилинди.

Эмди иккинчи қисм бўлгон илми амалиётга бешинчи мақоладин бошлаб шуруъ қилмоқ навбатидур.

Махфий қолмасинки, атиббо ҳаммалари илми амалийни шул икки қисм бўлгон тадбири асиҳҳо ила илож ул-марзога тақсим ва сарф қилгондур. Зероки саҳиҳ баданни тарбияси учун тадбирни номини илми сиҳҳат дерлар. Ва мариз баданнинг тарбияси учун тадбирни илож дерлар. Ва ҳар икки тадбир феъли амалийдурки, илми амалиёт дерлар. Ва шак йўқдурки, мабҳасни икки қисмга тақсим қилмоқ Шайх ур-раис алайҳир-рахманинг ва тобеъинларининг тақсимлариға мувофиқдурки, сиҳҳат ила маразнинг миёнасида восита бир ҳолатни исбот қилмаслар. Бас, аларнинг раъйлариға бу тақсим бетаъвил мувофиқ келур.

Аммо Жолинус ва тобеъини сиҳҳат ила мараз миёнасида бир восита ҳолатни исбот қилуб, агар ҳамма аъзойи бадан саломат бўлса ани сиҳҳат ва агар ҳамма аъзойи бадан офатлик бўлса мараз ва агар баъзи аъзойи бадан саломат ва баъзиси офатлик бўлса сиҳҳат ҳам эмас, мараз ҳам эмаски, учинчи ҳолати мутавасситаи байн ул-мараз ва-с-сиҳҳатдур, деб даъво қилғувчиларнинг раъйлариға назаран бу тақсим таъвил ила мувофиқ бўлур. Ва таъвил шулки, аларнинг даъво қилгон учинчи даъватлари сиҳҳат ила мараздин мураккаб ҳолатдур. Бас, ло маҳола тадбирлари ҳам тадбири сиҳҳат ва иложи мараз зимниға дохил бўлур. Ва заиф баданли кишиларнинг тадбири тарбиясида зикр қилинур, албатта.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, ҳифзи сиҳҳат ушбу беш хил хислатга соҳиб бўлгон кишиғагина ҳосил бўлур. Ва бошқа кишиға ҳосил бўлмаски, биринчи хислат тиббий қонунларға олим бўлмоқ, ҳам илмиға амал қилмоқ ёки табиби дононинг

суҳбатиға мусоҳиб ва сўзиға сомиъ бўлуб, ани фармониға итоат қилмоқдур.

Ва иккинчи хислат шулки, соҳиби давлат бўлмоқ ва соҳиби ҳукм бўлмоқдур, токи қувватларни ва руҳларни муҳофазати учун лозим бўлгон латиф физолар ва нафис даволар, марварид ва ёқут ва бунга ўшаш нимарсалар даркор бўлгон замон муҳайё бўлғай.

Ва учинчи хислат шулки, фориғбол ва беташвиш бўлғай. Ва бошқа кишининг ҳукмиға маҳқум ва асир бўлмағай, токи ҳар нимарсани ҳожат вақтида истеъмоли учун соҳиб ихтиёр бўлғай.

Ва тўртинчи хислат шулки, бахил ва хасис ва тангдил бўлмағай. Ва ўз нафси ва сиҳҳатиға муҳиб бўлғай, токи ўз тарбияси учун лозим бўлгон харожот ва мусорифға далир бўлғай ва зуд ҳозир қилғай.

Ва бешинчи хислат шулки, шаҳавот учун ҳарис бўлмағай, балки ўз нафсини забт қилиб сақламоқға қодир ва қасд қилгон нимарсасини баржо қилмоқға росих бўлғай, токи зарарлик нимарсаларни қатъан тарк қилмоқға ва фойдалиқ нимарсаларнинг истеъмолиға жиддан саъй қилмоқға муқтадир бўлғай.

Ва шубҳасиздурки, бу беш хислатнинг мажмуъи жуда кам кишиға муяссар бўлур. Бинобарин ҳифзи сиҳҳат ҳам камо йанбағий муяссар бўлмас. Камо ла йахфий.

Билмоқ керакки, илми ҳифзи сиҳҳат ҳам сиҳҳатнинг даражасиға назаран уч даражаға мунқасим бўлур. Зероки сиҳҳат уч ҳолдин ҳолат бўлмаски ғоят камолда бўлур ва ё андин андак таназзулда бўлур, яъни ғояти камолға етмаган даражада бўлур. Ва ё ноқис ва ё ғояти камолдин узоқ бўлур. Бас, биринчи қисмнинг тадбириға мутааллиқ илмни илми тақаддум ул-ҳифз дерлар.

Ва иккинчи қисм тадбириға доир илмни илми ҳифзи сиҳҳат дерлар.

Ва учинчи қисмнинг тадбириға мансуб илмни илми тадбири абдони заифа дерлар.

Аммо истилоҳи атиббода одат шундоғ жорийдурки, агарчи илми ҳифзи сиҳҳат ҳақиқатдин қисми сонийға хос бўлса ҳам, ҳамма қисмдин мақсуд ҳифзи сиҳҳат бўлғони учун лафзи ҳифзи сиҳҳатни ҳамма қисмға баробар итлоқ қилғондурлар. Чунки ҳамма қисмға илми ҳифзи сиҳҳат демакнинг шойиъ ва машҳурлиги гӯё маънийи ҳақиқий ҳукмини пайдо қилғондур.

Ва билмоқ керакки, бу мақолани ўн фасл ила баён қилурмуз.

БИРИНЧИ ФАСЛ - ТАДБИРИ МАЪКУЛ ВА МАШРУЪ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, маънийи тадбир мақсудға муносиб кайфиятлик нимарсанинг истеъмол қилмоқдур. Бинобарин бу мақомда аввало кайфиятга доир баъзи нимарсаларни зикр қилмоқ лозимдур.

Ва махфий қолмағайки, ҳама атиббо икки қоидаға иттифоқдурлар. Бири шулки, ҳифзи сиҳҳатға ўз мисли бирла тадбир қилмоқ ва бири шулки, иложи мараз ўз зидди бирлан тадбир қилмоқдур. Яъни сиҳҳат кишини ўз мизожиға мувофиқ ва монанд мизожлик нимарса бирлан тадбир ва тарбия қилмоқ. Ва мариз кишини мараз мизожиға зид ва хилоф мизожлик нимарса бирлан тарбия қилмоқдур. Ва бу қоидаға баъзилар тарафидин баъзи ноҳақ иродлар ва баҳслар ҳам ворид бўлғондур. Эмди бизға лозимдурки, қорийни китобдин баъзилар ҳам шундоқ шубҳа қилмасинлар учун ёки мазкур иродларни эшитган зотлар анга тасдиқ қилмасинлар учун мазкур иродларни ва анга муносиб жавобларини батафсил зикр қилурмиз.

Бас, биринчи қоидаға ирод шулки, ҳифзи сиҳҳат учун тадбирни сиҳҳат мизожиға монанд мизожлик нимарса бирлан қилмоқни ҳаргиз қабул қилиб бўлмас. Зероки инсоннинг ҳаммаси сиҳҳатлик ҳолида баробар ва бир ҳолатда бўлолмас. Балки бир кайфияти ҳорра ва боридаға моил бўлур. Зероки мизожда иътидоли ҳақиқийнинг вужуди мумтаниъдур.

Ва маълумдурки, агар иссиқ мизожлик саҳиҳ кишиға ўз мизожиға монанд иссиқ мизожлик гизо берилса, ул гизо албатта иссиғлик кайфиятни зиёда қилур. Ва боиси ихтироқ бўлур. Ва совуқ мизожлик саҳиҳ кишиға совуқ мизожлик гизо берилса, ул гизо албатта совуқлик кайфиятни зиёда қилуб, боиси инжимод бўлур. Ва шунинг учун иссиғ мизожлик кишиларнинг ҳифзи сиҳҳати учун анор ва олу каби нимарсаларни атиббо муқаррар қилгондурлар. Ва совуқ мизожлик кишиларнинг ҳифзи сиҳҳатлари учун иссиғ мизожлик гизоларни тавсия қилгондурлар. Бас, бундин собит бўлурки, ҳифзи сиҳҳат ҳам ўзиға зид бўлгон нимарсалар бирлан бўлур. Ва монанди бирлан бўлмас, дебдурлар.

Ва анга жавоб учун ҳақим Аби ибн Аби Содик дебдурларки, “бадани саҳиҳ кишилар икки даражадин хориж бўлмасларки, ё мизожлари даражаи иътидолнинг энг ўрта даражасида бўлур. Бас, бундоқ кишининг ҳоли сиҳҳати ҳеч ваҳддин лойиқи мазаммат ва айб бўлмас. Ва ё сиҳҳатликға нуқсон бўлмаслик даражада андак бир тарафға мунҳариф, яъни иссиқ ёки совуқликға моилроқ бўлур. Ва бундоқ кишининг ҳоли сиҳҳати агарчи андак инҳирофға нисбати бўлса ҳам, лекин сиҳҳатлик даражасидин хориж бўлмас. Бас, бу маънийки, мутаҳаққиқ бўлса, эмди сиҳҳатликни ҳифзи ўзиға монанд мизожлик нимарса бирлан бўлур”, деган қоидадаги сиҳҳатдин мурод мўтадилларнинг сиҳҳатидур. Ва мунҳарифларнинг сиҳҳати мурод эрмас. Бас, ҳеч шак йўқдурки, мўтадил баданлик киши мўтадил гизодин истеъмол қилса, ул гизо анга ҳеч қандоқ кайфияти зоифани эҳдос қилмас. Зероки гизонинг мўтадиллиги шундин иборатдурки, баданнинг асл ҳолатиға ҳеч қандоқ кайфият зиёда ва ё кам қилмас. Аммо мунҳариф мизожлик кишиларнинг ҳифзи сиҳҳатлари муҳолиф мизожлик нимарсанинг истеъмоли бирлан мўтадил қилинур, токи бир кайфият галаба қилмай асл ҳолатида боқий қолғай. Чунки булар учун тадбир икки хил мураккаб тадбирдин иборатдурки, бири муқаддимдаги инҳирофини риоя қилмоқ тадбири ва бири ҳозирғи сиҳҳатни бетағаййур боқий қолдирмоқ тадбиридур.

Ваҳоланки, қоидаи мазкурдин тадбири мураккаб хориждур. Зероки атиббонинг сўзлари мужарраб ҳифзи сиҳҳат устида-дурки, ҳифзи сиҳҳат доимо ўз монанди бирлангина мумкин бўлур. Бас, боҳиснинг баҳсида моддаи нақз учун кўрсатган иссиқ мизож ва совуқ мизожлик муддаони исбот қилолмас. Ва андоғ мизожлик кишилар инҳироф сабаби бирлан иътидоли мустакмала даражасидин хориждурларки, гўё иложи мараз каби ўз мизожларини зидди бўлгон нимарсалар бирлан тадбир қилинур.

ИНТИБОҲ. Ҳақим мулла Садид Козруний дебдурларки, Аби ибн Аби Содиқ каби фозил кишининг бул жавоблари садид ва рост эрмас, балки ғалат қилибдурлар. Зероки агар қоидаи мазкурада воқеъ бўлгон сиҳҳатдин мурод сиҳҳати томма, яъни бағоят камолдаги сиҳҳат мурод бўлса ул тақдирда илми тиббнинг сиҳҳат учун бўлгон қисми эътибордин соқит ва ҳукми ботил бўлмоғи лозим келур. Чунки бу тариқа мўътадил ҳақиқий мизожлик кишининг вужуди нодир ва камёбдур. Ва нодир бўлгон мўътадил эътибордин соқитдур, дебдурлар. Сўнгра яна ўзлари Аби ибн Аби Содиқнинг жавобларини таъвил қилуб дебдурларки, Ибн Аби Содиқни монанд ва мушокилат демақдин муродлари шулки, физо меъдаға тушуб, саҳиҳ меъданинг ҳарорати ғаризийясидин мутаассир ва мунҳазим бўлса, андин солиҳ қон пайдо бўлуб жузви бадан бўлмоқ учун баданға мушокил бўлур. Бас, иссиқ мизожлик саҳиҳ кишиларнинг физосиға аччиқ анор ва олу каби совуқликға монандроқ нимарсаларнинг монандлиги шул эътибор бирлан бўлурки, ул нимарса меъдаға тушганда меъданинг ҳарорати бирлан анинг совуғлиги зоил бўлуб, иссиқ қон пайдо қилурки, ул қон иссиғ мизожлик баданға жузви бадан бўлмоқ учун қобил ва баданға мушокил бўлур, демақдур. Яъни саҳиҳ ва иссиқ мизожлик кишининг мизожи ўз мизожиға монанд ва мушокил бўлмоғи баъд аз ҳазм жузви бадан бўлмоқ вақтида баданға монанд бўлмоғи муроддур. Ва бундин бурун физонинг

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

мизожи табиийси монанд бўлмоғи мурод эрмас. Чунки маълумдурки, агар иссиқ мизожлик киши яна иссиқ мизожлик гизо тановул қилса ул гизо баданнинг ҳарорати бирлан куяр ва фосид бўлур. Ва солиҳ гизо бўлолмас.

Ва инчунин совуқ мизожлик киши совуқ мизожлик таъм тановул қилса меъданинг ҳарорати ғаризийяси заифлик қилиб, ул физони ҳазм қилолмас. Ва боиси амрози ворида бўлур, деб Ибн Аби Содиқнинг сўзларини таъйини мурод бирлан таъвил ва тавжиҳ қилибдурлар.

Аммо ҳақир¹ мискиннинг фикримча, таъвили мулла Саид носадид ва савобдин баъиддур. Зероки ҳаким Аби ибн Аби Содиқ раҳматуллоҳи алайҳ шундоқ мўътабар ва муътамид алайҳ зотдурларки, ул кишининг бу қавллариға аксари муҳаққиқлар қоил бўлуб, тасдиқ қилғандурлар. Ва ул кишиға ирод ва иътироз қилмоқда мулла Садиднинг истидлол учун мўътадили ҳақиқий мизожлик кишининг нодир деб кўрсатмоқлари носадиддур. Чунки мўътадил ҳақиқий мизожнинг вужуди нодирғина эмас, ҳатто мумтаниъ ул-вужудлигида тамом ҳукамо ва атиббо муттафиқдурлар. Магар мулла Саид нодир ул-вужудға қоил эмиш. Ваҳолонки Ибн Аби Содиқнинг мўътадил мизож демоқдин муродлари шундоқ кишилардурки, аларда иссиғ ёки совуқ кайфиятнинг зиёдалиги ҳаддин зиёда бўлмоғон ва андак зиёдалиги аларнинг қуввати табиийялариға мағлубликдин беасар қолғондур. Ва аларнинг аҳволлари ҳеч важҳдин нуқсонға мансуб бўлмас. Ва қуввати ҳозималариға ва қуввати табиийялариға иссиғлик гизо ила совуғлик гизо баробар фарқсиз бўлурки, ўзини мағлубияти сабабидин ҳеч қандоқ кайфият эҳдосиға таъсир қилолмас. Ва бундин товоно кишилар нодир ҳам эрмаслар. Ва кўп топилурлар. Аммо иссиғ мизожлик ва ё совуқ мизожлик саҳиҳларнинг иътидолға келтурмоқ учун агарчи маризларнинг тадбири каби зид нимарса бирлан тадбир қилинса ҳам, лекин бунинг учун андақғина зид кайфият кифоя қилурки, қалил нимарса одам ҳукмида бўлуб, ани зидлиги монанд ҳисобида бўлур. Ва мариз кишиларнинг мизожи иътидолдин кўп узоқ бўлғони учун ани

ийтидолга келтирмоқ учун мараз қувватидин зўрроқ қувватлик зидга ҳожат бордур. Анинг учун иложи амрознинг тадбири маразга зид нимарса бирлан бўлмоғи лозимдур.

“Хасибат инна-л-ҳаққа ма қарраруху-л-атибба мина-л-масали фи тадбири-л-асихҳо ва-з-зидди фи-л-марзо”. Ва агар бартақдири таслим ва қабул қилсамизки, мўтадили ҳақиқий мизожлик киши мумтаниъ ул-вужуд бўлмай, мумкин ул-вужуд, балки мутаҳаққиқ ул-вужуд ҳам бўлса, яна атиббонинг сўзлари мулла Садиднинг заъамларича бефоида бўлмас. Ва муродлари бетавжиҳ худ-бахуд зоҳир ва даъволари боҳир бўлурки, албатта мўтадили ҳақиқий мизожлик кишининг мизожини ўзгаришидин сақламоқ учун ўзиға муносиб ва монанд бўлгон мўтадили ҳақиқий мизожлик гизо бирлан тадбир қилмоқ вожиб бўлур.

Ва яна агар мулла Садиднинг таъвилларига мувофиқ гизонинг монандлигининг мурод жузви бадан бўлмоқ вақтидаги баданга ҳамшақл бўлмоқлиги бўлса, бу фикр таъаммуқ бирлан назар қилгонда ҳақиқатдин чунон узоқ кўринарки, бу тақдирда маризларнинг тадбирлари ҳам зид нимарса бирлан бўлмай, монанд ва мушокил нимарса бирлан бўлмоғи лозим келур. Зероки совуқ мизожлик кишининг меъдасига тушган иссиқ мизожлик гизо ҳам меъдада совуғнинг таъсиридин ўз ҳароратини йўқотиб сўнгра жузви бадан бўлмоқда баданга мушокил ҳолда бўлгон бўлур. Албатта бас, бу мушокиллик масал ва монандликдин мурод бўлса ло маҳола иложи амроз ҳам бамасал бўлмоғи лозим келур. Ва сиҳҳату маразнинг ҳар икки сабабининг тадбири ҳам бир тариқада тадбир бамасал бўлуб, иккинчи қоидадаги “илож ул-марази би-з-зидди” деган қавли атиббо бефойда ва нақиз ҳақиқат бўлса керак. Ваҳоланки, бунга ҳеч ким қойил бўлмоғон хилофи ҳақиқатдур.

Бас, ҳақ шулки, атиббо қавлларида воқеъ бўлгон сиҳҳат мўтадил ул-мизождин мурод юқорида мазкур бўлгон сиҳҳатлик кишилардур.

Аммо саҳиҳи гайри мўтадил ул-мизожлар учун китобларда тадбир баён қилинмагондур. Чунки мўтадил мизожларға

тадбир учун ўз мизожиға муносиб ва мушокил гизо муқаррар бўлгондур. Ва иътидолдин жуда узоқ бўлгон маризларға тадбир учун иътидолдин жуда узоқ бўлгон зид мизожлик гизо ва даво муқаррар бўлгондур.

Бас, бу иккисини зимнида саҳиҳи ғайри мўътадиллар учун тадбир ҳам худ-бахуд равшандурки, ғайри мўътадил мизожларға монанд бўлгон ғайри мўътадил ҳам бўлмоғон ва маризларнинг таъдил ва ислоҳлариға лозим бўлгон даражада шиддатлик зид ҳам бўлмоғон, балки ўзини иътидолдин даражаи инҳирофиға муносиб даражалик зидди бирлан тадбир қилмоқ лозимдур. Бинобарин атиббои қудамо саҳиҳи ғайри мўътадил мизожлар учун ҳам тадбир таъйин қилмоқни лозим билмағондурлар.

Ва атиббои мутааххирин саҳиҳи ғайри мўътадил кишилар учун ҳам тадбир баён қилгондурлар. Чунончи ҳаким Қарший “Мўъжаз” номли китобларида ёзгондурларки, “куллу сиҳҳатин аврадно ҳифзаҳа ѓала ҳалиҳа аврадна ѓалайҳа аш-шибҳа фил-кайфиййати ва ин арадна фиълаҳа ила ма хува афзалу минҳа аврадна ѓалайҳа аз-зидда айи-л-мухалифа”, яъни ҳар саҳиҳи мўътадил мизожни тадбирини баён қилдукки, анга кайфиййати баробар ва мушобиҳ бўлгон нимарса бирла тадбир қилмоқни ҳам баён қилдик. Ва агар тадбирни таъсиридин зиёдароқ бўлмоғини хоҳласак мизож соҳибиға кайфияти зид ва муҳолиф бўлгон зиёда таъсирлик нимарса бирлан тадбир қилурмуз, дебдурларки, тадбирнинг таъсири мўътадил мизожларни тадбирининг зиёдароқ таъсирда бўлмоғини хоҳламоқ албатта саҳиҳи ғайри мўътадил учун лозим бўлур.

Маҳфий қолмасинки, саҳиҳи ғайри мўътадил кишиларнинг тадбири муҳолифатда агарчи аларнинг мизожлариға зид бўлмоқ эътибори ила маризлар тадбириға дохил бўлса ҳам, лекин зидликни зўрлик ва камлик эътибори бирлан миёнада фарқи ҳам бордур. Чунки муҳолифат оммдур ва зидлик хосдур. Яъни муҳолифат токи зўр ва шиддатлик бўлмаса ани зид демаслар. Бас, ҳосили калом шулки, саҳиҳи мўътадил мизожнинг тадбири мизожға мушобиҳ ва монанд мизожда бўлгон

нимарсалар бирлан бўлур. Ва саҳиҳи ғайри мўътадилнинг тадбири мизожга андак муҳолиф нимарса бирлан бўлур. Ва мариз кишининг тадбири мараз мизожига бағоят муҳолиф нимарса бирлан бўлурки, ани зидди мараз деб таъбир қилинур.

Аммо саҳиҳи ғайри мўътадил учун атиббонинг тадбир баён қилмагонлари ани ўзига равшан ва маълумлигидиндур. “Ваълам анна аксар аш-шукука-л-марғубата ъала ҳаза-л-қавли йартафиъу бима ҳаррарнаҳу”.

Ва иккинчи қоидага қилингон эътироз шулки, маразнинг иложига маразнинг зидди бирлан тадбир қилинур, деган қоидаи куллия эрмас, балки баъзи маразнинг ўз масали бирлан илож қилмоқга атиббо қарор қилгондурлар. Чунончи, исҳол доим вақеъ бўлуб тургон касалга яна исҳол бирлан илож қилмоқ ва қай қилиб тургон касални яна қай қилдурмоқ ва балғамий иситма касалга гофис ва бунга ўхшаш баданни қизитадурган даволар бирлан илож қилмоқ ва сафровий иситмаларга сақамуниё каби иссиқ даволар бирлан илож қилмоқга ҳамма атиббо муттафиқдурлар.

Бас, маълум бўлдики, маразнинг иложи зид нимарса бирлан бўлмоғи куллия бўлмас, деб эътироз қилингондур. Бас, анга жавоб шулки, иложнинг зид бўлмоғи маразнинг фақат кайфиятга хос эрмас, балки хоҳ ани кайфияти ва мизожига зид бўлсин ва хоҳ ани сабабига зид бўлсинки, бул ҳам ҳақиқатда маразнинг зиддидур.

Бас, гофис ила сақамуниё агарчи иссиқ мизожликда иситма касалининг масали каби бўлса ҳам, лекин иситмага сабаб бўлгон моддаи сафро ва балғамни бадандин ихрож қилур. Ва шак йўқдурки, агар сабаби мараз зоил бўлса худ мараз албатта би-з-зарур худ-бахуд зоил бўлур. Ва инчунин исҳол воқеъ бўлуб тургон кишига яна исҳол буюрмоқ ва қай қилиб тургон кишига яна қай буюрмоқда ҳам касалнинг сабаби бўлгон моддаи табиатга матлуб бўлгон тариқа бирлан осонлик ила хориж бўлса касал худ-бахуд зоил бўлурки, буларнинг ҳамма-си ҳақиқатан маразга зиддур ва эътироз етмас.

Эмди бу икки қоидани баҳс ва жавобидин фориф бўлдик

ва мақсадга ружуъ қилурмуз.

Билмоқ лозимдурки, табибга лозимдурки, саҳиҳ кишининг сиҳҳатини ҳифзи учун ҳар қаю ёшда бўлгон кишини ёшига қараб, шул ёшга муносиб тадбир қилгай. Чунончи ҳифзи сиҳҳат учун лозим бўлгон тадбирнинг ҳаммадин зарурроқ ва умдароғи икки нимарсадурки, бири бадандаги ахлотни уфунатдин муҳофаза қилмоқ ва бири бадандаги рутубати табиийяни мажрои табиатдин зиёда топмоғидин муҳофаза қилмоқдур. Бас, сиҳҳатнинг рукни бўлгон бу ики нимарсанинг камоли эса учинчи мақолада зикр қилингон асбоби ситтаи зарурийянинг иътидолига мавқудур. Шунинг учун табибга вожибдурки, ҳама вақт ситтаи зарурийянинг риоясидин ғофил бўлмагай. Ва ситтаи зарурийя жумласидин бўлгон таомнинг эҳтиёти бағоят мушкулдур. Ва анга эътибор қилмаслик боиси фасоддур. Бинобарин ибтидоан таомни баёни вожибдурки, аҳамми тадбирдур.

Аммо ғизонинг тадбири учун таомнинг миқдорини мўътадил қилмоқ вожибдур. Ва мўътадил миқдор шулки, иштаҳонинг тақозо қилгон миқдорини уч ҳиссадин икки ҳисса миқдоридур. Ва бу миқдордин зиёдаси ҳам зарарликдур ва ками ҳам зарарликдур. Чунки зиёдасида ҳазм нуқсонлик бўлуб тухма ва уфунат пайдо қилур. Ва ҳарорати ғаризийяни сўлдирар. Ва жавҳари ғизо ҳам жузви бадан бўлмоқга қобилят қилолмас. Ва ё муфсидларга боис бўлур. Ва инчунин бу миқдордин ками барои таҳлили баданга кифоя қилмай заифлик ва оруқлик эҳдос қилур. Ва бу хусусда ҳар бир инсоннинг аҳволи баданийяси бир-бирига мухталифдур. Бинобарин таом миқдорини ҳажм ва ё вазн эътибори бирлан таъйин қилмоқ маҳолдур. Шунинг учун ҳар кимни ўз иштаҳосини эътибори ила таъйин қилмоқ лозимдур. Хусусан камгўшт ва қуруқ мизожлик кишилар учун қоида бўлгон ва “хайр ул-умур” сифати ила мавсуф бўлгон иътидол миқдори шулки, баъд аз тановул қорин тортилуб таранг бўлмагай. Ва таомдин ҳеч оғирлик маҳсус бўлмагай. Ва қароқур овози пайдо бўлмагай. Ва таомни

меъдадин истифроғи зиёда кеч қолмағай. Ва таомнинг таъми меъдадин авд қилиб оғизда маҳсус бўлмағай. Ва бошқа ҳеч қандоғ умури нотабиий эҳдос қилмағай. Ва тановулидин қабл аз ҳазми комил ҳеч қувват ва шодлик маҳсус бўлмағай. Ва бу шартларнинг ҳаммаси иштаҳонинг тақозо қилғон миқдорини уч ҳиссадин икки ҳиссасиға қаноат қилмоқдағина бажо келур.

Ва иштаҳоға мутӣ бўлуб, бу миқдордин зиёда тановул қилмоқда зарар кўпдур. Зероки тановул вақтида меъда тамом тўлмаса тўйғонлик маълум бўлмай, ҳамон иштаҳо боқий турар. Ва агар мазкур миқдорни тановулидин сўнг сабр қилинса бир соатдин сўнг мазкур боқий иштаҳо худ-бахуд зоил бўлур. Ва ани сабаби шулки, таомнинг ҳазмиға шарт ани меъдада ҳарорати ғаризийя таъсири бирлан қайнамоғидур. Ва қайнамоқнинг лозимасидурки, таомнинг ҳажми зиёда бўлур. Ва анга тахалхул ва ҳоволликлар пайдо бўлуб, меъдада боқий қолғон холийликни тўлдирар. Бинобарин иштаҳо зоил бўлур. Бас, агар аввалғи иштаҳоға тобеъ бўлуб, меъда тамом тўлғунча таом тановул қилса ва меъдада холий жой қолдирилмаса, ул вақтда таомға ҳарорати ғаризийя таъсир қилолмас. Ва агар андак таъсир қилса ва таомнинг ўсиби зиёдалашмоқға тақозо қилса, меъда ани ўз ичиға сиғдирилмас, ночор таом ҳар тарафдин сиқилуб қувват ва матонат ҳосил қилур. Ҳарорати ғаризийя ва ҳарорати ғаризийяға мағлуб бўлмас, би-л-акс анга ғолиб бўлуб сўндираар ва ҳазм фосид бўлур. Ва бўкмоқ шундин иборатдур.

Ва агар меъдада андақғина холий жой боқий бўлуб, то ул холий ўрин тўлғониғача ҳарорати ғаризийя таомға таъсир қилиб, чала ҳазм қилиб, сўнгра меъда тўлиб қолиб боқий ҳазм нотаом бўлиб тўхтаса, ул вақтда таом тиқилуб, ночор меъдадин ичакға чалалик ҳолда ўтмоқға музтар бўлур. Ва чала ҳазм таомни тамом ҳазм қилмоқға ичаклар ҳам ожиз бўлур. Ва жавҳари физони ул таомдин ажратуб, баданға юборолмас. Ва баъзи бир қисмини чала ҳазмлик ҳолда ажратиб, мосориқо томурлар воситаси бирлан жигарға юборолса ҳам, лекин аксар қисми мунҳазим бўлмай, пастдин хориж бўлуб кетар. Ва жигар тарафға борғон оз қисмдин ҳам бир миқдор ғализ ва ноқис

ул-ҳазми мосориқода ғализлик бирлан ўрнаб қолиб, судда пайдо қилур. Ва баъзи миқдори жигарға етиб борса ҳам, лекин ҳазми даражаи кайлусликға етмаган чала бўлғони учун жигар ҳам ани қон ва бошқа табиий ахлот қилиб етқузмоқдин ожиз бўлур. Бинобарин бу жавҳари ғизолар чала ҳазмликини касри бирлан жузви бадан бўлолмас, балки офати бадан бўлурлар.

Бинобарин таом тановул қилғон кишиға вожибдурки, иштаҳосиға итоат қилмай, иштаҳонинг муқтазоси бўлғон миқдорнинг уч ҳиссасидин икки ҳиссасининг тановулиға қаноат қилуб, боқий бир ҳиссани тарк қилғай. Токи таом беофат ҳазми комил ҳосил қилиб анинг жавҳари ғизоси жузви бадан бўлғай. Ва миқдори таомға мутааллиқ тадбирнинг энг муҳимроғи шулдур.

Аммо таомнинг тартиби тановули ва таркиби ва мизожини риоялари ва бошқа вожиб ур-риоя бўлғон тадбирларни пастда баён қилинур.

Ва билмоқ керакки, баъд аз тановули таом агар қайси таом таъми узоғроқ муддатғача оғизда маҳсуе бўлса ва ё кекурук бирлан маълум бўлуб турса шул таом радийроқ ва зарарликроқдур. Ва зинҳор ул таомни мин баъд тановул қилмаслик лозимдур. Зероки таомнинг меъдада ўзгарилмай узоқ муддат боқий турмоғи икки сабабдин холий бўлмаски, ё қуввати ҳозиманинг заифлиги ва меъданинг нуқсонидин бўлур ва ё таомға табиатнинг нафратидин бўлур. Ва қуввати ҳозиманинг заифлиги комилдурки, хоҳ ҳақиқатан заиф бўлсинки, ҳарорати ғаризийяси камайғон ва хоҳ таом бағоят ғализ бўлуб, ани ҳазми мушкуллигидин ҳазмға заифлик қилсун ёки таом узоқ муддатғача ўзгарилмай ўз кайфиятида боқий турса, аммо табиатға таомнинг кайфияти номарғуб бўлса, ани ҳазми ва баданға жузв қилмоқдин табиат имтиноъ ва нафрат қилур. Ва қуввати ҳозимаға ҳазм учун фармон бермас. Бинобарин таом меъдада узоқ вақт ўзининг асл таомлик суврати навъийясидин ўзгарилмай боқий турар. Ҳаттоки таомнинг баъзи кайфияти табиатға номатлуб даражада муҳолиф бўлса, ани қай бирлан

таом келиб, ул ҳам қабл аз ҳазм тамоман ноқислик ҳолда би-з-зарур меъдадин ичакга ўтмоқга музтарр бўлур. Ва ул таомдин баданга гизо кам ҳосил бўлур. Бинобарин атиббонинг наздларида би-л-иттифоқ вожибдурки, баъд аз тановули таом бир миқдор фурсатгача дароз ётмоқ вожибдур. Чунки қувват ва ҳароратнинг истироҳати ётмоқда кўп ҳосил бўлур. Зероки ўтирғон кишининг қувватида ҳам танани йиқилмаслиги учун ани муҳофазатиға қувватни фи-л-жумла шуғли бўлур. Ва ётган кишини қуввати каби истироҳат қилолмас. Ва ётғонда аввалан ўнг тарафни босиб ётмоқ лозимдур. Зероки меъданинг таги ўнг тарафга моилдур. Ва ўнг тарафни босиб ётганда таом меъдага ўрнатмоғиға осон бўлур.

Ва маълумдурки, меъданинг тагининг қуввати ҳозимаси бошқа ажзосини ҳозимасиға нисбатан зўрроқдур, таомни тезроқ ҳазм қилур. Ва ҳам таом ва меъда ўзини огирлиги ила ўнгга моил ва жигарга муттасил бўлиб, жигарнинг ҳароратидин мадад олиб тез ҳазм бўлур. Ва сўнгра чап тарафини босиб ётмоқ лозимдурки, токи меъдага муттасил бўлғони учун ҳазм бўлолмай турган таом ажзолари чап тараф меъдага тегиб ҳазм бўлғай. Ҳам ўнг тарафда турғон жигар меъданинг устиға қарор олиб, ўз ҳарорати бирлан меъдани қизитуб, ҳазмга ёрдам бергай. Ва таом ҳазмининг ҳусули гумон қилинғондин сўнг яна ўнг тарафни босиб ётмоқ лозимдур. Токи жавҳари кайлус гизони мосариқо воситаси бирлан жигарга етмоғи учун йўл нашиб бўлур. Ҳусули муддао осон бўлғай.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳазмда ташвиш ва халал бермакда энг зиёда зарарлик нимарса энгил ҳаракатдур. Зероки таомни ҳазмидин бурун ичакга кетмоғиға сабаб бўлур. Аммо баъзи вақтда ҳаракати хафифани фойдаси ҳам бўлур. Чунончи таом ҳазм ҳосил қилғондин сўнг меъдадин ичакга ўтмоғиға ҳаракатнинг боислигига фойдадур. Ва сўнгги таомға меъдани холий ва толиб қилур. Ва таом тановулидин сўнг бетаваққуф ухламоқни одат қилғон кишиға баъд аз тановул андак ҳаракати хафифа фойдалиқдур. Зероки таомни фами меъдадин қаъри меъдага мунҳадир бўлуб қарор олмоғиға ва меъдани ҳарорати

зиёдароқ бўлмоғига ҳаракати хафифа мададкор бўлур. Ва шунинг учун кечаси таом тановули иттифоқ келса, баъд аз тановул андак фурсат пиёда юрмоқни атиббо яхши демишлар. Зероки таом то қаъри меъдага етиб қарор олмаса ухламоқ яхши эрмас. Лекин бу сўзларики, атиббо баён қилгондурлар, ҳаммаси ҳам доим ҳифзи сиҳҳати учун машғул бўлгон кишиларга назаран муҳаққақ ва муқаррардур. Ва илло авом унноснинг аксарлари атиббо наздида мазмум бўлгон ҳаракатларда батариқай касб доим машғулдурлар. Ва тановули таом сўнггидин бетаваққуф яна шул касбу меҳнатлариға машғул бўлмоқларига одат қилгондурлар. Ва ҳеч зарар ҳам кўрмаслар. Ва одатға табиат ҳам ва қувват ҳам одатланур. Лекин маъза-лика эҳтиёт шулки, бул ҳаракатга одат қилмаслик лозимдурки, мабодо бир вақтида андин зарар ориз бўлмағай. Чунки ёшнинг эътибори ила ва фасл ва қувват ва заъф эътибори ила аҳвол мутағаййир бўлур. Бинобарин бу одатнинг ҳукми доим бир маромда боқий турмас ва мутағаййир бўлур. Ва бу одатға мағрур бўлмаслик лозимдур. Шунинг учун муҳаққиқини атиббо дебдурларки, ҳар хил зарарлик нимарсаға одат қилгон бўлса анга вожибдурки, батадриж ул одатдин сақлағай, токи сўнгги вуқуи муқаррар бўлгон зарардин эмин бўлғай ва халал етмағай.

Ва билмоқ керакки, бир дафъа тановулда бир-бириға мухталиф таомларни аралаш тановул қилмоқ дуруст эрмас. Магар ёғлик таом бирлан шўр таомни ёки аччиқ таомни бир дафъада тановул қилмоқ дуруст, балки лозимдурки, би-л-акс шўр таом ва ё аччиқ таом тановул қилинса анга ёғлик таомлар аралаштирмоқ лозимдур. Зероки таомнинг бир-бириға мухталифлиги икки важҳдин бўлур.

Бир важҳ шулки, таомларни таъми ва ё бошқа кайфияти бир-бириға муҳолиф бўлуб, лекин муддати ҳазми баробар ва мувофиқ бўлур. Бас, бундай мухталиф таомни бир-бириға бир дафъа тановулда кўшмоқ дуруст, балки лозим ва матлубдур. Зероки ҳар таомики ёғлик бўлса ани муслиҳи шўр ва ё аччиғдур. Ёки би-л-акс ҳар таомики, шўр ва аччиқ бўлса, ани муслиҳи

ёғлик таомдур. Ва инчунин ҳар таомики нордон бўлса ани муслиҳи шириндур. Ва ҳар таомики ширин бўлса ани муслиҳи нордондур.

Ва иккинчи ваҳҳи ихтилоф шулки, таомлар бир-бирига муддати ҳазмда мухталиф бўлуб, баъзиси тезроқ ва баъзиси кечроқ ҳазм бўлур. Чунончи ҳўкизнинг гўшти бирлан товукнинг гўшти каби. Ва шунга ўхшаш баъзи шиддатлик ғализ бирлан бағоят латиф нимарсани бир дафъа тановулда аралаштироқ дуруст эрмас, чунончи муфассал баён қилурмуз.

Аммо агар мухолифлиги андак бўлса бир дафъада, аввало ғализ таомни ва сўнгидин латиф таомни тановул қилмоқ мумкиндур. Зероки меъданинг остида қуввати ҳозима бақувватроқ ва устида ҳозима андак заифроқ бўлур. Бас, аввало ғализни, сўнгидин латифни тановул қилғонда меъдани бақувват жойиға ғализ қарор олур ва заифроқ жойиға латиф қарор олур. Бинобарин ҳар иккиси баробар ҳазм бўлур. Ва агар ғализ ила латифни миёнасида фарқи кўпроғ бўлса, аввало латиф таомни, сўнгидин ғализини тановул қилмоқ керак. Ёки латиф ҳазми комил бўлғонда ани ҳазми кайлуси мосариқо ила жигарга ва тафли ичакға бормоғи мумкин бўлғай ва монеълик бўлмағай. Ва сўнгидин ғализнинг ҳазми ҳам батаанний бўлуб, меъдада таъхири беҳалал мумкин бўлғай.

Аммо би-л-акс, аввал ғализ таомни сўнгра латифни тановул қилинса, ғализдин бурунроқ латиф ҳазм бўлур. Лекин ани кайлуси мосариқо воситаси бирлан жигарга бормоғи учун пастда турғон ғализ таом монеъ бўлуб, йўлни банд қилған бўлур. Ва ночор латиф таом баъд аз ҳазм меъдада таваққуф қилур. Ва ғализ ҳам қабл аз ҳазм ичакға ўтолмас. Бас, мунҳазим таом ила ғайри мунҳазим таомни бир-бирлариға кайфиятлари мухолиф ва ўзлари мусоҳиб ва мухталиф бўлғони учун ҳар иккиси ҳам табоҳ ва фосид бўлур. Чунки табиат учун бу мураккаб мухталиф таомнинг баъзи ажзоси вожиб уд-дафъ ва баъзи ажзоси лозим ул-имсоқ бўлғонлиги табиат учун ташвиш ва изтиробдур. Зероки табиат учун таомнинг ҳамма ажзоси бир-бириға мушобиҳ ва

мусовий бўлмоғи матлубдурки, ҳамма сафват кайлусни жигарға жазб қилмоқда ва ҳамма тафлни ичакға дафъ қилмоқда таважжуҳи шомил ва муштарак бўлғай.

Аммо агар аввал бир таоми ғализ тановул қилинса, сўнгра ул таом чала ҳазм бўлгон вақтида яна бир латиф таом тановул қилинса шориҳи “Асбоб ва аломот”нинг наздларида зарари йўқдур. Чунки чала ҳазм бўлгон ғализ таом ҳазм бўлғониғача ҳазм бўлмоғон латиф ҳам ўз латофати сабаби бирлан ҳазм бўла олура. Ва табиатға боиси ташвиш бўлмас.

Ва анга атиббо манъ қилгон тадокули мазмума шулки, бир гизо тановулидин сўнг чала ҳазм ҳосил бўлгон вақтда яна гилзат ва латофатда шунга монанд бўлгон бир таомни тановул қилмоқдур. Чунки буларнинг ҳазми бир-биридин олдин ва кейин ҳосил бўлғонидин буларни дафъ қилмоқ ва имсоқ қилмоқда табиатға ташвиш ва сабаби фасод бўлур. Аммо тановули муқаддам ва муаххар бўлуб ҳазми баробар ҳосил бўлгон таомлар боиси ташвиш бўлмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, аксар нимарсаларни бир-бириға қўшуб тановул қилмоқни аҳли тажрибалар зарарлик топғондурлар. Ва зарариға далиллар баён қилғондурларки, ул нимарсанинг баъзисини зарарида атиббо иттифоқ қилғондурлар. Ва баъзисиға ихтилоф қилғондурлар. Аммо бу жойда анча аксар атиббо наздларида би-л-иттифоқ зарарлик ва зарари учун далили бақувват бўлгонларини интихоб ила баён қилурмуз.

Махфий қолмасинки, фужл, яъни турбни бир мажлисда қатиф бирлан ёки панир, яъни сутни чиритилгон ўғизи бирлан бир тановулда жамъ қилмоқ ёки хусрумия, яъни узумнинг ғўраси ва олу каби турш нимарсани исфибож, яъни парранда гўштлик шўрба бирлан жамъ қилмоқ ва ё сут бирлан турш нимарсани жамъ қилмоқ дуруст эрмас. Чунки агар сутға турш нимарса қўшилса сутни ивитадур. Чунончи хорижда ҳам кўрилура. Аммо агар сут меъдада ивिसа заҳарлик фасод қилура. Ва зўр зарар эҳдос қилура.

Аммо ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”ларида ёзғондурларки, турш нимарса сутни ачитиб заҳарлик фасод ҳосил

қилмоғи фақат янги ва хом сутға махсусдур, зероки қатиг нимарсани бир тановулда жамъ қилғон кўп кишиларни кўрдимки, аларға бир зарар зоҳир бўлмади, дегандурлар.

Ва яна сут бирлан балигни жамъ қилмоқ ҳам кўп зарарликдур, зероки бунинг ижтимоъи тамоми умрға доимий давом қилғувчи амрози музмина, чунончи махов ва пес ва қўланж касалларға боис бўлур.

Ва яна қатиг бирлан парранда гўштининг ижтимоъи ҳам зарарликдур. Аммо ҳаким Қарший дебдурларки, агар қатигни гўшт бирлан қўшуб пиширулғон бўлса зарари камроғ бўлур. Ва бу сўздин ҳаким Қаршийнинг наздларида қатиг ва гўштни ҳар бирини бошқа ё бошқа-бошқа пишируб, сўнгра фақат бир мажлисда тановул қилмоқдаги ижтимоъи зарарликдур. Яъни фақат меъдаға тушганда бир-бирига қўшулмоғи зарарликдур. Аммо ул хорижда жамъ бўлуб пишган бўлса ёки бошқа-бошқа пишгандин сўнг аввал хорижда бир-бирига гўё бир жинс каби кўп аралашгандин сўнг тановул қилинса ани зарари маълум бўлмаслиги маълум бўлур. Бовужуди эҳтиёт учун андин ихтироз қилмоқ лозимдур.

Ва инчунин биринж тановулидин сўнг устиға талқон қовурмоч тановул қилмоқ ва биринжни сирка бирлан жамъ қилмоқ зарарликдур. Зероки булар қўланж касали эҳдос қилурлар. Аммо биринжни ёғ ва гўштға қўшуб пиширулғон бўлса, ани ҳукми бу мабҳасдин хориждур. Зероки сиркани туршлигиға ёғ муслиҳдур. Шунинг учундурки, аксари мўътадил мизож ва пок табиат кишилар паловни сирка бирлан тановул қилурлар, лекин зарар кўрмаслар. Бовужуди андин ихтироз лозимдур. Хусусан мизожи ғайри мўътадил ва мунҳариф мизожлар учун зарарининг зуҳури яқин эҳтимолдиндур. Ва сирка бирлан қўшилғон ҳар нимарсани ҳам биринжға қўшмоқ сазовор эрмас.

Ва инчунин узум бирлан калла гўштини ижтимоъи зарарликдур. Чунки ҳар иккиси меъдаға кирганда меъдаға алам ва нафх ва тухма ва бошқа офатлар пайдо қилур.

Ва инчунин ҳалим тановул қилғондин сўнг устиға анор тановул қилмоқ кўп зарарликдур. Аммо агар ул қовурмоч

тановул қилуб, сўнггидин биринж ёки узум тановул қилуб, сўнггидин калла гўшти ёки аввал анор, сўнггидин ҳалим тановул қилинса зарар қилмас. Зероки қовурмочға назаран биринж ва узумға назаран калла гўшти ва анорға назаран ҳалим ғализдур. Бас, аввал ғализ, сўнгра латиф тановул қилинғон тақдирда ғализдин бурун латиф ҳазм бўлур. Лекин ани кайлуси бирлан мосариқо тамурини миёнасиға ғализ ҳоил бўлғони учун латиф меъдадин жигарға ўтолмас. Ва ғализ ҳам қабл аз ҳазм ичакға ўтмоғиға қуввати мосика имкон бермас. Бас, ночор латиф мунҳазим ила ғализи ғайри мунҳазим меъдада таваққуф қилғонидин бир-бириға таъсир қилуб ҳар иккиси фосид бўлур. Ва агар ул латифни сўнггидин ғализни тановул қилинса, ул латиф ҳазм бўлуб, ани кайлуси бемамониъат воситаси бирлан жигарға тафли ичакға мунҳадир бўлур. Ва сўнггидин ғализ ҳам алоҳида ҳазм бўлуб маҳалли мазкурда сўнгроқ мунҳадир бўлур. Ва бир-бириға ихтилоти ва монёлиги бўлмоғони учун ҳар иккиси ҳам фасод қилмас. Ва зарар пайдо бўлмас. Чунончи ҳаким Муҳаммад Садид Козруний “Шарҳи Мўъжаз”да кўп далиллар бирлан исбот қилғондурлар.

Ва инчунин кабутар бачанинг гўштини пиёз ва саримсоқ ва хардал бирлан бир тановул қилмоқ муносиб эрмас.

Ва инчунин тузланган гўштни сирка ёки саримсоқ ила қўшуб пишурмоқ дуруст эрмас.

Ва асал бирлан қовунни бир дафъада тановул қилмоқ дуруст эрмас.

Ва саримсоқ ила пиёзни жамъ қилмоқ дуруст эрмас.

Ва инчунин фундуқ, яъни рус ёнгоғи ила машҳур мевани бодомға қўшмоқ дуруст эрмас.

Ва обкомаларни ва панир, яъни сутнинг ўғизини ва сутни ҳеч бир-бириға қўшмоқ дуруст бўлмас. Ва сут бирлан шаробни жамъ қилмоқ ниқрис касалиға боис бўлур.

Ва пиёзни кўп тановул қилмоқ бадан ранггиға калаф, яъни доғ пайдо қилур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, икки хил таомнинг бир-бириға таркиби уч эҳтимолдин холий бўлмаски, мазкур таомларнинг

кайфияти ё бир-бирига монанд бўлур, чунончи ғизои ғализнинг ғизои ғализга ва ё ғизои ғализнинг ғизои латифга ва ё ғизои лазижни ғизои лазижга таркиби каби. Ёки кайфияти бир-бирига зид ва мухолиф бўлур. Чунончи ғизои ғализнинг ғизои лазижга таркиби каби. Баҳарҳол юқоридаги таҳилдин маълум бўлдики, бир-бирига мухолиф ё муғойир бўлгон икки ғизони ҳазми бир-бирига мухталиф бўлгон сабабидин ижтимоъи нодуруст ва манфий анҳудур. Ва фасоди ҳам равшандур. Шунинг учун илми тиббнинг мутиъи бўлгон баъзи қудамо ҳатто камоли эҳтиёт учун нон бирлан гўштни бир тановулда бир-бирига жамъ қилгон эрмаслар, балки бир вақтда танҳо нонни ва бошқа бир вақтда гўштни тановул қилгондурлар.

Аммо бир-бирига монанд бўлгон икки хил ғизо агар ҳар иккиси латифликда монанд бўлса ани ижтимоъи безарардур. Ва агагр ҳар иккиси ғализликда монанд бўлса ва ё ҳар иккиси латифликда монанд бўлса, ани бир-бирига қўшмоқ мумкин бўлмас. Чунки ғизои ғализ ва ғизои лазижнинг ҳар бири танҳоликда, ҳам аксар вақтда баъзи соф табиатли кишиларга халал ва зарар эҳдос қилмоқга кифоя қилур эрди.

Эмди икки ғализ ва ё икки лазиж жамъ бўлгонда батариқан увло зарар эҳдос қилур. Зероки агар бир хил ғализни бир муайян миқдорда тановул қилинса, агарчи узоқроқ муддатда бўлса ҳам табиат ани тасарруф қилур. Ва қуввати ҳозима ҳазм қилур, албатта. Ва ҳазмнинг таъхири табиатга ташвиш беруб, ҳайрат пайдо қилмас.

Аммо икки хил ғализни агарчи шул муайян миқдорда тановул қилинса ҳам, лекин ҳазми мухталифлик сабабидин албатта табиатга ҳайратафзо ва ташвишбахшлиги шубҳасиздур. Магар хорижда аввало бағоят ихтилот топуб, гўё бир жинс каби мумтазиж бўлгон бўлса, эҳтимолки, ани зарари бир ғизои ғализ зараридин зиёда бўлмай қолур.

Ва билмоқ керакки, ижтимоъи мумтаниъ бўлгонлар жумласидин баъзи иссиқ мизожликда бир-бирига монанд, лекин ижтимоъи зарарликлари бордур. Чунончи кабутар гўшти бирлан саримсоқни ижтимоъи каби.

Ва инчунин совуқ мизожликда бир-бирига монанд ва лекин ижтимоъи мумтаниълари бордур. Чунончи бодринг бирлан қатиглик хурмонинг ижтимоъи каби. Ва инчунин лузужатда бир-бирига монанд ва ижтимоъи нораволари бордур. Чунончи янги панир бирлан балиғ гўштининг ижтимоъи каби. Ва инчунин тез ҳосил бўлмоқда бир-бирига монанд ва ижтимоъи нодурустлари бордур. Чунончи сут бирлан қовуннинг ижтимоъи каби. Чунки ҳар нимарсанинг зоти танҳоликда қобил ул-фасод бўлса, яна бир монандига мураккаб бўлғонда батариқаи авло қобилроқ бўлур.

Ва инчунин гализнинг гализга ижтимоъи ва лазижнинг лазижга ижтимоъи ҳам шул қабилдиндур. Амо икки нимарсанинг бир-бирига монандлиги ҳеч важҳдин тафовут қилмай, ҳамма кайфиятда гўё бир кайфият каби монанд бўлса ва лекин латиф бўлса ани ижтимоъи ҳеч важҳдин зарарлик деб бўлмас.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ушбу мазкуротни аксари бурунги атиббони тажрибаларидин эшитилғон китобларидин кўрилғон мазмунлардур. Ва илло бу қадар таҳрир ва тақрир бизни истиъдодимиздин хориждур.

Ва яна атиббо дерларки, гўштики, ани дамлаб бухоротини чиқармай пиширилғон бўлса, чунончи замонимиздаги манту каби бўлса, иситма ва бошқа офатлар эҳдос қилур, дерлар. Ва шунинг учун атиббо наздларида ҳозирғи замонда ривож топғон қовурма палов мазмундур, магар гўштни қовурмоқда қозоннинг устини бекитмай туриб қовурулса ани зарари бўлмас. Ва ҳам одатнинг дахли томмаси бордурки, аввалдин бу манту ила паловга одат қилғон аҳли Туркистонга зарари камроқ махсус бўлмоғи одатнинг таъсиридур. Ва илло гаъри мўътодлар учун заҳар каби зарари зоҳирдур. Ва инчунин канакунжут ёки заққум ёғочи каби фосид жавҳарлик нимарсанинг чўғининг устида қабоб пиширулғон бўлса жуда ёмондур, балки эҳтиёт учун қозоннинг ичиға солиб ҳам бундоғ ўтин бирлан таом пишурмаслик авлодур. Ва булар бирлан нон пишурмоқ ҳам қабоб каби номаҳмуд ва ёмондур. Ва яна бу мабҳасга мутааллиқ бўлғон бошқа зарарлик нимарсаларни шу фаслнинг охирида алоҳида баён қилурмуз.

Ва билмоқ лозимки, инсонға сазовор шулки, доим бир хил таом тановулиға одат қилмай, балки ҳар тановулда ҳар хил мухталит таомлар ила одат қилгай.

Ва таомнинг мухталифлиги икки навъ бўлурки, ё мизожға мухталиф бўлур, ё кайфиятда мухталиф бўлур. Бас, ҳар икки эҳтимол бирлан мухталиф бўлуб турмоқ лозимдур. Чунки агар доим бир мизожлик таомға одат қилинса охир ул-амр шул таом мизожи бадан мизожиға ғалаба қилур. Ва баданда мизожи табиий мутағаййир бўлур. Ва суъи мизож ориз бўлур. Ва агар кайфиятда мухталиф бўлса, бул ҳам икки навъ бўлурки, ё ғализлик ва латифликда мухталиф бўлур, яъни муддати ҳазмда мухталиф бўлур ва ё таъмда мухталиф бўлур.

Бас, агар муддати ҳазмда мухталиф бўлмоғон таомнинг доимий тановулиға одат қилинса меъда шул навъ таомни шул миқдор муддатда ҳазм қилмоқға одат қилур. Сўнгра муддатда таомдин андак ғализроқ таом иттифоқ келса, меъдаға бегоналик қилур ва ани ҳазмиға меъда ожиз бўлур. Агар таъмда мухталиф бўлмай доимий бир таом тановулиға одат қилинса ҳам зарар қилур. Ва зарари икки хил далил бирлан собитдурки, бири далили ақлий ва бири далили нақлийдур.

Далили ақлий шулки, нафси инсон доим таъм ва бўй ва бошқа маҳсусотнинг тафаннуни ва янгиланиб, турланиб турмоғиға роғибдур. Бас, ани бу рағбатдин қайтариб доимий бир навъ таъмға мунҳасир қилмоқ сабаби нафратдур. Ва муқаррардурки, табиат ўз рағбати бирлан таомға таважжуҳ ва майл қилмаса таомнинг ҳазмида нуқсон ва фасод пайдо бўлур. Ва таомнинг фасоди баданнинг фасодиға боис бўлур.

Аммо далили нақлийки, баъзи аҳли тажрибалардин манқулдур ва ақл ҳам ани тақвийя қилур. Ва алар дебдурларки, бемаза таом иштаҳани соқит қилуб, баданға касал ва заифлик келтурар. Зероки бемаза таомдин аъзони суст қилғувчи рутубати мураххийя кўпроқ пайдо бўлур. Ва фами меъдани мустархий ва суст қилур. Ва ани боиси иштиҳо бўлғон такосуфи зоил бўлуб сустанмоғи иштаҳонинг сукутиға сабаб бўлур. Ва яна ул рутубатнинг шаънидурки, пайларни ҳўллаб суст қилур.

Ва андин истирхо ва хидр ва фолиж ва раъша ва лақва ва суъи мизожи борид ва совуқ бод ва ирқ ун-насо каби касаллар пайдо бўлур.

Аммо турш таъмлик нимарсани доимий тановул қилмоқ тезроқ қаримоқға ва заифланмоқға сабаб бўлур. Ва аъзони ва пайларни қуритар. Зероки туршнинг моддаси жавҳари латифдур. Ва анга туршлик пайдо қилғувчи фоъили совуқдур. Бас, туршлик нимарса ҳам баъътибори модда ва ҳам баъътибори фоъил қонға зид ва мухолифдур.

Ва маълумдурки, қонға зид бўлгон нимарсанинг кўп истеъмоли заифликға сабаб бўлур. Яъни ҳарорати гаризийяни заиф қилуб, қуввати табиийяни суст қилур.

Ва маълумдурки, қаримоқға ҳарорати гаризийянинг заифланмоғидин бошқа сабаб бўлмас. Ва аъзони ва пайларни қуритмоғиға сабаб шулки, туршнинг ўзи агарчи моддаи жавҳарнинг латофати бирлан қуруғлиги мастур ва махфий бўлса ҳам, лекин би-з-зот қуруқ мизожликдур. Ва ҳам ани фоъили совуқ бўлғони учун аъзоға инжимод ва такосуф пайдо қилурки, бу жумланинг ҳаммаси аъзонинг қуримоғиға сабаблардур.

Ва ҳам совуғликнинг таъсири бирлан меъданинг ҳароратини таскин бергани учун меъда заифланур. Ва физодин жавҳари физойяни тамом ажратолмас. Ва ажратган жавҳарини жигарга тамом дафъ қилолмас ва натижада бадан физодин камбаҳралик сабаби ила заифланур. Ва жигарга мундафиъ бўлмай қолгон жавҳари кайлусдин рутубати мураххия пайдо бўлуб, яна меъдани суст ва заиф ва иштаҳони соқит қилур.

Аммо аччиқ таъмлик нимарса қонни кам ҳосил қилмоқда ва тез қаритмоқда ва аъзони қуритмоқда гўё турш нимарса каби бир бир ҳукмдадур.

Аммо доимий совуқ нимарса тановулиға одат қилмоқ эса хоҳ би-л-феъл ва хоҳ би-л-қувва совуқ бўлсин баданнинг тамомни нишотиға ва қувватиға боис бўлгон ҳароратни таскин беруб, баданға футур ва касал пайдо қилур.

Аммо иссиқ нимарсанинг доимий тановули хоҳ би-л-феъл ва хоҳ би-л-қувва бўлсин меъдани суст ва иштаҳони заиф ва

баданни иссиқ ва ориғ қилур. Зероки иссиғнинг шаъни шул-дурки, рутубатни эритуб, қобили сайлон қилур ва таҳлил берур ва рутубатдаги жумудлик салобати зоил бўлмоғи меъдани сустликга ва иштаҳони суқутига сабаб бўлур. Ва рутубатнинг таҳлил топуб ва фаноси баданнинг қизимоқлиғига ва ориғланмоғига сабаб бўлур.

Аммо доимий шириннинг тановулига одат қилмоқ ҳам иссиғ нимарсага одат каби меъдани суст ва иштаҳони заиф қилур. Лекин иссиғнинг доимий тановулидаги таъсирига назаран шириннинг таъсири камроғ бўлур. Ва ҳам баданни ориғлатмас, балки андак семиртирар. Зероки шириннинг асл моддаи жавҳари ҳўлдур. Ва ҳам анга эҳдос қилғувчи фобил иссиғдур. Ва мизожидаги ҳарорати мўътадилдур. Бас, ўзини ҳарорати мўътадиласи бирлан меъдадаги рутубатни эритуб, қобили сайлон қилмоқда ва таҳлил бермоқда агарчи иссиғ нимарсанинг доимий тановули каби бўлмаса ҳам андин камроқ таъсир қилур. Ва рутубатдин жумудлик салобатини зоил қилур. Бас, бу маъни носоз меъдани суст ва заиф ва иштаҳони камлиғига боис бўлур. Лекин шириндин кўпроқ қон ва сафро ҳосил бўлғони учун баданда ориғлик бўлмай, балки анда семузлик ҳосил бўлур.

Аммо шўр нимарсани доимий тановул қилмоқ кўзга ва меъдага зарар қилур ва баданни хўшк қилур ва қувватни соқит қилур. Зероки туз бадандин рутубатни кўчирар. Ва мойийатини таҳлил қилур. Ва баданга жило берур. Ва бадан айшининг фароҳиға муносиб яхши қон шўр таомдин яхши бўлмас.

Ва қуруқ таомдин доим тановул қилмоқ қувватни соқит қилур. Ва рангги баданни фосид қилур. Ва мизож ва бурозни хўшк қилур. Зероки қуруқ таомда арзийят голиб бўлур. Бинобарин андин руҳ ҳосил бўлмас.

Маълумдурки, қувватнинг муҳдиси албатта руҳдур. Ва руҳни ҳосил бўлмаслиги шубҳасиз боиси заъфи қувватдур, балки боиси суқути қувватдур.

Ва ҳам қуруқ таомдин рутубати табнийя ҳосил қилмоқ қуввати табиийя учун кўп хараждур. Ва бадандин таҳлил топғон нуқсонга бадал учун матлуби замонда жузви баданлик ҳосил

бўлолмас. Ва шунинг учун ҳам доимий қуруқ таом тановул қилмоқ музъиф ва муқити қувватдур.

Ва яна қуруқ таомдин ҳосил бўлгон қон ғализ бўлур. Бинобарин зоҳири баданга кўп сироят қилолмас. Ва шул сабабдин бадан рангида фасод пайдо бўлур. Ва фасодни ва бурозни хўшқ қилмоғи равшандурки, баёнға ҳожат йўқдур.

Аммо ёғни доимий кўп тановул қилмоқдин рутубати мураххийя кўп ҳосил бўлур. Бинобарин аъзони касал ва сустликға ва иштаҳони суқутиға боис бўлмоқға бемаза таом ҳукмида бўлур. Ва ҳам ёғлик таомдин уфунат тезроқ пайдо бўлур. Ва шунинг учун Шайх ур-раис алайҳир-раҳма айтгандурларки, “ал-ғизоу-д-дасми-л-мувофиқ иза танаввала баъдаху ғизоун радиъун афсадаху”, яъни мизож ва табиатға мувофиқ бўлгон ғизои дасм, яъни ёғлик таом тановулининг сўнггидин бир ғизои радиъ тановул қилинса бу ғизои радиъ аввалғи ёғлик ғизои фосид қилур. Ва шориҳ дерларки, “ва сабабуху саҳулатун қабул уд-дасмиат тағаййур ли-вуфури-р-рутубати бианна-р-ратаб ақбалу фи-таъсири ьан куллама йарудду ьалайҳи”, яъни ғизои радиийнинг тановули аввалғи ёғлик ғизои фосид қилмоғиға сабаб шулки, ёғнинг тағаййур топмоқға қабилияти кўп ва осондур, чунки ёғда рутубат кўлдур. Ва рутубатлик нимарса ўзиға қўшилгон нимарсанинг таъсиридин мутаассир бўлмоқға қобилроқ бўлур. Бас, қабули фасод қилмоқда мизож ва табиатға мувофиқ бўлгон ёғлик таомнинг ҳоли шундоғ бўлса, мувофиқ бўлмоғон ёғлик таом батариқай авло фосид бўлур, дебдурлар. Ва Шайхнинг бу сўзлари зоҳиран шунга ишоратдурки, агар аввало ғизои радиий тановул қилуб, сўнггидин ёғлик ғизо тановул қилинса аксар вақтда фасод ориз бўлмас. Бас, ҳар қаю кайфиятда бўлгон таомни узоқ вақт-ғача доимий ва бетабдил тановул қилмоқ зарардин холий эрмас. Ва ҳар дафъада банавбат бошқа кайфиятда бўлгон таом тановул қилмоқ вожиби табиийдур.

Аммо бир таомнинг таркибини ажзои мухталиф ут-таъм ва мухталиф ул-кайфиятдин пишурган бўлса ани доимий истеъмолида зарар йўқдурки, бу мабҳасдин хориждур.

Ва яна инсонда сазовор шулки, очликда иштаҳои содиқ бирлан табиат таомни тақозо қилгонда иштаҳога мудофиъат тариқасида сабр қилмай ва то бир зарурат монё бўлмаса ҳаддан зиёда очликга сабр қилмай дарҳол таом тановул қилгай. Зероки зиёда очлик меъдага ридоъатлик моддаларнинг жамъ бўлмоғига боис бўлур. Ва меъдага моддаларнинг резиши кўп офатларга сабаб бўлур.

Ва билмоқ лозимдурки, ҳар вақт меъда таомдин холий бўлса, ночор бадандин рутубатларни жазб қилур. Лекин кўпроқ мунжазиб бўладурган модда сафро ила рутубати моййя бўлурки, латофати сабаблик осонроқ қабули жазб қилур. Ваҳоланки, булар баданнинг ҳожати учун зарурий моддалардур. Ва бадандин ружуълари баданнинг заифлиги ва бошқа нуқсонларига сабаб бўлур. Ва яна очликдин қизиб тургон меъдага бу моддалар жамъ бўлуб, кўпроқ таваққуф қилса зардоблик ҳолга ўзгарилуб кўп фасодлик пайдо қилур. Ва шунинг учун тонг отгонда андак физои ноштони ҳукамо лозим билгандурлар.

Ва инчунин узоқ кунда кундузида ҳам бир гизо тановул қилмоқ ва кечанинг ибтидосидагина бир гизо тановул қилмоқни муносиб дебдурлар. Ва субҳдаги физони арабда футур дерлар ва кундузи тановул қилингон таомни исми мутлақ ила гизо дерлар. Ва кечанинг ибтидосидаги таомни ишо дерлар. Аммо бу вақтларнинг эътибори фақат чин очлик ва иштаҳои содиқга нисбатан мўътабардур. Ва илло батариқай расм хоҳ ва нохоҳ берағбат тановул қилмоқ ва ё иштаҳои козибга иътимод ила тановул қилмоқ, албатта, зарарлиқдур. Ва шул эҳтимолга биноан баъзи атиббо ҳатто бир кунда бир бор гизо қилмоқ лозимдиги ва зиёдаси зарарлик ҳаттоки сабаби ҳалокатлигини даъво қилгондурлар. Чунончи “Тазкират ус-Сувайдий” соҳиби баъзи атиббодин нақлан шеър ила баён қилгондурлар.

Шеър:

Саласун муҳликотун ли-л-анами
Ва даъийят ус-саҳиҳа ила-с-сақами.
Даваму мудаммат ва даваму ватиъу,
Ва идхал ут-таъама ъала-т-таъами.

Ижъял гизаака кулла йавмин марратан
Вахзар таъаман қабла ҳазми-т-таъами.
Ваҳфаз манийяака мастатаъта фа-иннаҳу
Маъ ул-ҳайати йасубу фи-л-арҳами.

Таржимаси:

Уч нарса борки, одамларни ҳалокатга,
Ва соғларни эса касалликка чақиради.
Бири доимий шароб ичиш, бири доимий
жинсий алоқа,

Бири эса таом устига таом ейиш.

Сен овқатни бир кунда бир марта егин,

Ҳазм бўлмасдан туриб ейишдан сақлан.

Эрлик уруғини иложи борича асра,

Чунки у бачадонга тўкиладиган обиҳаёт

сувидир.

Лекин дарвишнинг фикри қосиримга онча марғуб шулки,
афроди инсон ҳаммаси баробар эрмас. Балки баъзи қувват
жиҳатида ва баъзи тоқат жиҳатида ва ҳожат жиҳатида ва
баъзи иштаҳо жиҳатида ва ҳазм жиҳатида ифрот ва тафрит
ва иътидол бирлан мутафовутдурлар.

Бинобарин ҳамма инсон учун куллиятан бир вақт ва бир
миқдорни таъйин қилмоқ мумтаниъдур. Балки ҳаммага баробар
куллийатан физо вақти чин иштаҳонинг зуҳуридур. Ва физо
миқдори муқтазои иштаҳо миқдоридин камроқ миқдордур.

Ва яна инсонга сазовор шулки, кундузнинг энг яхши
вақтида физо тановул қилғай. Чунки атиббонинг наздларида
кўпроқ миқдорлик таомнинг тановул вақти кундуздур. Ва илло
баъзи ҳожатлик вақтларда кечаси ҳам бақадри ҳожат андак
тановулга худ атиббо амр қилғондурлар.

Аммо ҳозирғи ғамонда аҳли неъматларга кечаси қоринни
тўйғизуб таом тановул қилмоқ умуман ривож олғондур,
лекин яхши эрмас. Ва ани тарк қилмоқ авлодур, албатта. Ва
кундузнинг энг яхши вақти фаслнинг эътибори ила
тафовутликдур. Чунончи қиш фаслларида кундузнинг ўртароқ
вақтларида, яъни туш вақтида тановул қилмоқ яхшироқдур.

Ва агар ёз фасли бўлса кундузнинг аввалроқ ва ё охиirroқ вақтида физо тановул қилмоқ афзалдур.

Ва инчунин ёз вақтида физони би-л-феъл иссиғроқ тановул қилмоқ ва қиш фаслида би-л-феъл совуғроқ тановул қилмоқ лозимдур. Зероки қиш фаслида ҳавои хорижийнинг совуқлигининг баданга тақосуф пайдо бўлуб аксар масомлар банд бўлур. Бинобарин кўп ҳарорат доҳили баданга муҳтабис бўлур ва меъданинг ҳарорати қолиб бўлур. Ва анга би-л-феъл совуқ физо муслиҳ. Ва агар қиш фаслида би-л-феъл иссиқ физо тановул қилинса меъдага икки хил иссиқ жамъ бўлур. Бас, агар меъданинг ҳарорати физонинг ҳароратиға қолиб келса, физони куйдуриб, ғайри табиий кайфиятға ўзгартирмоғи мумкиндур. Ва агар ҳарорати ғаризийға физонинг ҳарорати қолиб келса, ҳарорати ғаризийғани таҳлил ила фоний қилур. Ва агар ҳар икки ҳарорат бир-бириға қолиб бўлолмаса ҳар иккиси бир-бириға ўз вазиғаси бўлғон зарарни ихдос қилур.

Ва агар ёз фаслида совуқ физо тановул қилинса би-л-акс меъданинг ҳарорати ғаризийғаси камроғ бўлур. Чунки хориғ тарафға таҳлили кўпроғ бўлур. Бас, кам ҳароратлик меъдага совуқ физо тушса ани ҳазмиға меъданинг ҳарорати кифоя қилмас. Ва ҳазм нуқсонлик бўлур. Валлоҳу аълам би-с-сағоб.

ФОИДА. Ушбу мабҳасға мутааллиқ бўлғон бир неча масоили мутағарриқалар бордурки, аларни билиб қўймоқ ҳар бир инсон учун лозимдур. Бас, аларни ҳам мажмуъини ўн бир қоида бирлан баён қилурмуз.

БИРИНЧИ ҚОИДА ФИЗОИ ЛАЗИЗ ВА АНГА ОДАТ ҚИЛМОҚ УЧУН ЛОЗИМ БЎЛҒОН РИОЯЛАРНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ лозимдурки, агар физо лаззатлик ва ани жавҳари тоза ва пишурмоқда ҳам яхши санъат бирлан пишурилғон бўлса, бу таом ҳифзи сиҳҳат тадбирларини энг аълосидур. Ва бундоқ таомни ғанимат билмоқ лозимдур. Лекин бунга ҳам миқдорнинг кўп бўлмаслиғи ва табиат тақозо қилғон миқдор-

дин кам бўлмоғи ва анга иштаҳодин ҳануз боқийлик вақтда қўл тортмоқ шартдур. Зероки сиҳҳатнинг футурига боис бўладурғон энг зўр сабаб таомни миқдори кўплигидурки, андин меъда қайнамоғи ва бошқа кўп офатлар пайдо бўлур.

Ва агар таомнинг жавҳари тоза бўлмаса ҳам, лекин таъми лаззатлик бўлса ул ҳам таъми белаззат ва лекин тоза жавҳарлик таомдин яхшироқ бўлур. Шунинг учун Шайх алайҳир-раҳма “фа-рубба физоин маълуфин фиҳи мазарратун ма ҳува авфақу мина-л-фазили-л-ғайри-л-маълуфи”, яъни аксар вақтда баъзи зарарли хуштаъм нимарсадин мураккаб бўлғон физо бошқа хуштаъм нимарсага қўшилмоғон пок жавҳарлик физодин мувофиқроқ бўлур, дебдурлар. Зероки лаззатга табиатнинг рағбати зўрдур. Бинобарин лаззатлик таомга тез таважжуҳ қилур. Ва меъда ҳам ўзиға жазб қилур ва камоли шавқ ила тез ҳазм қилур. Шунинг учун ул физонинг жавҳаридаги андак зарар ҳам салоҳиятга айланур. Ва бундоқ физодин аъзоға кўп насиблар безарар ҳосил бўлур. Ва бу сўз юқоридаги зарарлик нимарсаларни безарар деганларга қилғон эътирозимизга мунофий эрмас. Зероки ул жойдаги зарардин мурод шиддатлик зарар эдики, зўр зарарлик нимарсанинг зараридин албатта эмин қолмоқ мумкин бўлмас.

Аммо камзарарлик нимарсанинг лаззатиға табиат ва меъда рағбат ила таважжуҳ қилғони учун солиҳ физони ҳукмиға кирар, яъни бундин мақсуд шулки, ҳадда-л-имкон таомни лаззатлик қилуб тановул қилмоқ сазовордур. Ва белаззат таомдин агар тоза жавҳарлик бўлса ҳам ихтироз лозимдурки, бундоғ таомдин баданға баҳра кам бўлур.

Ва маълумдурки, ҳар қаю саҳна ва ҳар қаю мизожни ўзиға мувофиқ ва мушокил физо лозим ва ани фаъоласи вожибдур. Ва ҳар кимки, тоза жавҳарлик яхши физолардин зарар кўрадурган бўлса ани тановулини тарк қилмоқ вожибдур. Ва бошқа навъ покиза жавҳарлик физоға ружуъ қилмоқ лозимдур. Зероки табиатнинг аҳволи мухталиф бўлуб турар. Ва бир вақтда бир нимарсаға роғиб бўлур. Ва бир замонида ул нимарсадин нафрат қилур. Ва баъзи мунофий сабаблар бўлмоғон тақдирда табиатнинг хоҳишиға итоат қилмоқ зарурдур.

Ва яна билмоқ керакки, бу хусусда одатни дахли ҳам кўпдур. Шунинг учун одатни риоя қилмоқ ҳам энг муҳим тадбирдур. Масалан, бир одам ҳар кун икки таом тановулига одат қилгон бўлуб, сўнгра ани қуввати ҳозимаси заиф бўлса, анга лозим шулки, таомни миқдорини камайтирғай. Аммо зинҳор ўз одати бўлгон икки маҳални камайтируб бир маҳал қилмағай. Ва инчунин бир кунда бир маҳал гизоға одат қилгон киши агар икки вақт қилса, ҳар икки одамни ҳам баданиға бу физоси заифлик ва сустлик ва касаллик келтируб, кўп офатлар пайдо қилур. Магар сўнгги миқдорни давоми ҳам одат бўлгондин сўнг бу офатлар барҳам топуб зоил бўлур.

ВА ИККИНЧИ ҚОИДА физои мутлақнинг мадҳи ва анга тавобул, яъни зира ва қаранфул мурч каби мусолиҳ қўшмоқнинг жоизлигини ва физои ва давоийға назаран физои мутлақнинг афзаллигининг баёнидадур.

Билмоқ керакки, ҳар ким ҳифзи сиҳҳатға толиб бўлса доимо физои мутлақ тановул қилғай. Яъни меъдаға боргондин сўнг меъданинг ҳарорати ғаризийясини таъсири бирлан ҳазм ва жузви бадан бўладурган аммо ўзи баданға таъсир қилиб, бадан ҳолини ўзгартирмайдургон физодин тановул қилғай. Ва зинҳор гизо давом тановул қилмағай. Чунончи коҳунинг тухми ва кашкоб каби нимарсадин тановул қилмағайки, булар агарчи меъдада ҳазм бўлса ҳам ани жавҳари физоийяси баданға жузви бадан бўлмоқда ўз кайфияти бирлан баданнинг ҳолини ҳам ўзгартируб бурудат эҳдос қилур. Магар маразға илож ё сиҳҳатни ғоят камолға авд қилдирмоқ учун муваққатан бақадри ҳожат физои давоийнинг тановули жоиздур. Ва зиёдаси мамнуъдур.

Аммо физонинг ислоҳи учун бошқа мусолиҳдин ҳам андак қўшмоқни зарари бўлмас ва зиёдаси зарардин холий ҳам бўлмас. Ва мусолиҳ қўшмоқдин ғараз физони андак лаззатликроқ қилмоқдур. Ва зиёдаси агарчи табиатға одат жиҳатидин марғуб бўлса ҳам гўё кўкнорға мубтало кишиға кўкнорнинг марғублиги каби анга табиатнинг рағбати эътибордин соқит ва зарари собитдур. Хусусан Туркистон қитъасида ал-ҳол ва

бағоят ривож топғон қаранфул, яғни гармдорини кўп кўш-моқдин қон ва бошқа ахлотни қизиб фосид бўлмоғи ва куй-моғи ва баданға хориж ва жароҳат пайдо қилмоқ, ҳатто кўпроқ таъсир қилғонда ҳатто қонни фосид қилуб жузом, яғни мохов касали ё захм пайдо қилмоқ ва собиқда шундоқ касаллар ориз бўлуб, сўнгра сиҳҳатланғон киши тановул қилса ҳатто етти-саккиз йилдин сўнг бўлса ҳам ул касални яна авд қилдирмоқ каби офатлари кўпдур. Ва ҳеч зарар қилмоғонда ҳам би-л-хосият инсонни жаҳли мураккабга, яғни ўзи билмаслик ва билган кишини насихатини қабул қилмаслик ва бадахлоқлик офатини бешак эҳдос қилур.

Бас, лозимдурки, табиатнинг ҳазми таомға таважжуҳини жалб қилмоқ учун андак лаззатға сабаб бўлмоқ миқдорига қаноат қилмоқ ва зиёдасидин ҳазар қилмоқни фаромуш қилинмағай. Ва агар таомни ўзи лаззатлик бўлса анга бошқа мусолиқ кўшмоқ сазовор эрмас.

Ва физодин маҳсус бўладурғон лаззатларни даражаси баъзиси баъзисидин тафовутлик бўлғони учун ул лаззатли физодин баданға неча миқдор манфаат бўлмоқни ҳукми ҳам шул тановул қилинғон физоға нисбатан тафовутлик бўлур.

Ва билмоқ керакки, мўътадил мизожлик киши учун физои мутлақларнинг энг яхшиси гўшг ва нондир. Башартики , шунга одат қилғон бўлса. Ва илло биринжға одат қилғон кишилар учун биринжнинг истеъмоли яхшироқдур. Ва гўштларнинг ҳаммадин яхшироғи барра кўйнинг гўшти ва ёш эчкининг гўшти ва бузоқнинг гўшти ва товуқнинг гўштидур. Аммо баррани бир яшар бўлмоғи шартдур. Чунки бир ёшдин кам бўлса ани рутубати қолиб бўлур. Ва андин балғам кўпроқ ҳосил бўлур. Ва баррадин ёш эчки бирлан бузоқ гўшти афзалдур. Зероки булар мўътадил мизожликдур. Чунки буларнинг ёшлари ҳарорат ила рутубатни тақозо қилур. Ва ҳар физоиқи ҳарорат ва рутубати кўп бўлса, андин кўпроқ ҳосил бўлур. Аммо навъ-лари совуғлик ва қуруғликға муқтазийдур. Бас, бир яшар эчки ва бузоқ ҳарорат ва бурудат ва рутубат ва йубусатға баробар муқтазийдурлар. Ва тўрт кайфиятға баробар муқтазийлик айни

мўътадилликдур. Лекин ёш эчкининг гўшти латифроқдур. Бинобарин аҳли сукун ва камҳаракат кишилар ва касалдин янги шифо топғон ва ҳануз қуввати заиф кишилар учун мувофиқроқдур. Ва бузоқ гўштининг гизолиги зўрроқдур. Бинобарин меъдаси ҳароратлик кишилар ва меҳнат ва машаққат аҳллари учун мувофиқроқдур. Аммо товуқ гўшти иссиқ ва латифроқ ва камрутубатроқдур. Бинобарин меъдаси ва бадани совуқ ва серрутубатлар учун мувофиқроқдур. Ва товуқни яхшироқ вақти жўжаликдин катта бўлғон ва ҳануз тухум қилмоғон вақтидур. Ва хуруснинг яхшироқ вақти ҳам жўжаликдин катта бўлғон ва ҳануз қичқирмоғон хурусдур.

Аммо ёш жўжа бағоят латифдур ва бағоят кам маънунатдур. Бинобарин, кўп муддатдин бери беҳаракат турғон маҳбуслар ва бағоят заиф ва бемажол бўлғон касалларғағина мувофиқдур. Ва бошқаларға гизо учун кифоя қилолмас. Аммо мизожи катта товугларға нисбатан мўътадилдур. Чунки жўжада рутубат ғолиброқ бўлур.

Ва Шайх алайҳир-раҳма “Қонун”да ёзғондурларки, “ват-тайҳужу йабисун ва ҳабисун ва-л-фарружу ратабун мутлақун”, яъни чил гўшти қуруқдур ва табиатни тўхтатур. Ва хонагий товуқ жўжаси мутлақдур, яъни мусҳилдур, дерлар.

Ва товуқ гўштини пишурмоқда энг яхши тадбир шулки, ани барра қўй ёки эчки боланинг қорниға солиб ва қоринни маҳкам боғлаб шул қорин бирлан қайнатуб пишурулғай, токи гўштнинг қоринда маҳбуслиги сабабдин ани рутубати табиийяси ўзида боқий қолғай ва сувға чиқиб кетмағайки, бадани инсонға кўп манфаат шул рутубатдин ҳосил бўлур.

Ва физонинг яхшироғи шўрбодир. Хусусан агар пиёз қўшуб пиширулғон бўлса. Пиёз бодни тарқатур ва бодни кўзғатур. Ва шунинг учун гўштни пишурмоқда пиёз қўшмоқ лозим бўлғондур. Хусусан агар гўштни хомлиғида агар пиёзға қўшуб бир кеча сақлаб эртасиға пиширилса гўшт андак қайнамоқ бирла мулойим ва муҳарро бўлур. Ва илло кўп қайнамоқ бирлан қаттиг бўлуб пишар. Ва шўрбо лугати форсийдурки, туркийда ҳам шул ном мустаъмалдур. Ва араблар шўрбоға бир ҳарфи

жимни зиёда қилиб шурбож демоқлари ҳам машҳур муъарраби форсийдур. Ва асли лугати арабийда шўрбони марақ дерлар. Ба фатҳи мим ва ройи муҳмала ва сукуни қоф.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, атиббо тарафларидин баъзи гўштларга нисбат бериб ёзилгон зарарлар ул гўштни жирмига махсусдур. Ва шўрбосида ул қадар зарар йўқдур. Ва яна гўштни пиширмоқ санъатининг тариқалари ҳар шаҳар ва ҳар вилоятда мухталифдур. Ва таркиботи ажзолари ҳам ажноси мухталифдурлар.

Бас, гўштнинг ҳолига ҳукм қилмоқ албатта анга қўшилгон ажзо ва тариқӣ саноатга назаран мухталиф бўлмоғи табиби донога махфий эрмас. Ва ҳар гўштарнинг асл хавосси эса “Ихтиёроти Бадийя”да мазкурдур.

Аммо аксари аҳли неъматларнинг физолари учун кўпроқ мустаъмал бўладурган гўштар ушбулар бўлғони учун фақир ҳам татвили баёндин ихтироз ила бу маҳал шул қадар баёнга иктифо қилдим.

Ва билмоқ керакки, нонларнинг ҳаммадин афзали бугдой нонидур. Яхши ва покиза бугдойдин бўлсаки, ани бошқа жинс нимарсадин ва гурбордин ҳатто мумкин қадар бугдойни ўз шираси ва лузужатидин ҳам тозалангон бўлғай. Ва кепаклик уннинг нони элангон уннинг нониға назаран тезроқ ҳазм бўлуб меъдадин ўтар. Ва эланган уннинг шираси голиброқ бўлғони учун ҳам ҳазми кечроқ ва ҳам меъдадин ичакга ўтмоғи кечроқ мумкин бўлур. Аммо замонимизда расм бўлуб аъло ҳисоблангон ва қийматбаҳолик бўлгон машина унлари камоли лузужатидин бағоят гализ ва ҳазми мушкул бўлур.

Аммо нонларнинг зоти эътибори бирлан, яъни кепаклик ва ё эланганлик ва бунга монанд эътибори ила ва ё бошқа эътибори ила, чунончи хамири ачитилгон ёки патир қилгон эътибори ила ва ё нон жирми қалин ва ё юпқалик эътибори ила танурда пиширилгон ва ё бошқа тариқа бирла пиширулгон эътибори ила бир неча ақсомға мунқасим бўлурки, ани бу маҳалда баён қилмоқ муносиб эрмас. Шунинг учун сўнгрқда алоҳида “Китоб ул-ағзия” ёзмоқни, ихтиёр қилдимки, нонни ва бошқа таомларни қадим ва жадид бўлгон ҳамма анвоъини

кўп фоидалари бирлан қўшуб, машруҳан шул “Китоб ул-ағзия”да муфаасал баён қилурман, иншааллоху таъоло.¹

Аммо биринжнинг яхшиси шулки, оқ ва ингичка ва хушбўй ва қаттиғ бўлур. Ва пишгандин сўнг дароз бўлур. Ва ўз сувратида собит бўлур, яъни эзилмас. Лекин араб ва юнонларда сув камлик сабабдин аларда биринж зироати бўлмағондур. Бинобарин ҳукамои юнон ва араб китобларида биринжни кама ҳаққуху баён қилинмағондур. Агар баъзи ҳукамои мутааххирин китобларида биринжда иссиқ мизожлик кишилар учун иссиғни зиёда қилмоқ ва совуқ мизожлик кишиларга совуғни зиёда қилмоқ хосияти борлиги бинобарин ғайри мўътадил мизожлар учун биринжнинг истеъмоли нодурустлиги, магар Ҳиндустон ва Туркистон каби аҳли биринжга одат қилғон бўлуб, бошқа ғизодин табиати нафрат қилса, анга касал ғайри мўътадил мизож вақтида ҳам биринжни истеъмоли баъд аз ислоҳ жоизлиги ёзилғондур.

Ва биринжни ислоҳидин мурод ани лузужатини зоил қилмоқ, чунки лузужати ҳазмга монеъ бўлур. Ва тариқаи ислоҳнинг анвоъи кўпдур. Лекин ҳаммадин яхшироқ ислоҳ биринжни бир сув бирлан чалароқ пиширғондин сўнгра сувини ташлаб яна бошқа сув бирлан пиширмоқдур. Аммо замонимизда расм ва мураввиж бўлғондурки, биринжни қайнағон сув бирла ивितуб қўюб, сўнг пиширурлар. Лекин бу ҳам ислоҳи ноқисдур ва комил эрмас. Ва баъзилар ивитилғон биринжга андак туз ҳам солурлар, лекин бу хатодур. Чунки туз солғонда ислоҳи ноқис ҳам ҳосил бўлмас, зероки туз биринжни қотирар. Ва лузужатнинг заволига монеъ бўлур. Фақат биринжни эзилмаслигига муъин бўлур.

ТАЎБИҲ. Баъзи ҳукамои мутааххириннинг бу сўзлариға назаран биринжда икки хил кайфияти мўтазодда бор бўлмоғи ва бул эса зоҳир ул-бутлон даъвои маҳзлиги англамасин. Чунки аларни иссиқ мизожли кишилар учун биринж иссиғни зиёда қилур, демакдин муродлари мутлақо эмас, балки изофийдур, яъни иссиқ мизожлик кишиларнинг қуввати ҳозималари бақувват ва ҳарорати ғаризийялари кўп бўлғони сабабдин

¹ Олим — табибнинг бу асари ҳам нашрга тайёрланмоқда.

биринжни яхши ҳазм қилиб, аиндин физои бадан, яъни қон ҳосил қилур, демакдур.

Маълумдурки, қон иссиғдур бас, агарчи бошқа физоға қиёсан биринждин ҳосил бўлғон қон камроқ бўлса ҳам, лекин иссиғдур. Бинобарин иссиғ мизожли кишилар учун ҳам иссиғни зиёда қилур демак ҳам галат бўлмас. Аммо совуқ мизожлик кишилар учун совуғни зиёда қилмоғи табиийдур. Ва гоҳи совуғ мизожли кишиға ҳам иссиғни зиёда бўлмоғиға биринж сабаб бўлур. Лекин бу иссиқ ғайри табиий ва эътибордин соқитдур. Чунончи агар биринж ҳазм бўлмай агар меъдада кўпроқ фурсат таваққуф қилса, анга ҳарорати ғайри табиий, яъни уфунат ориз бўлуб, ул ҳарорат баданға сироят қилур. Ва баданни қизитарки, бу ҳарорат эътибордин соқитдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, агар нон ҳазм бўлмаса кўпроқ зарар қилур. Зероки ноннинг жирми агарчи ҳазм бўлмаса ҳам, лекин ғоят даражада майда ажзоларға мунқасим бўлуб рутубат бирлан қўшилур, меъдадин жигарға ва андин баданға бормоқға қобил бўлур. Ва ҳар жойға борғонда бадан масомларини кенглик ва торлик эътибори бирлан баъзи масомдин ўтолмай банд қилур. Ва баъзи масомдин ўтса ҳам бошқа тангроқ масомға бориб ўтолмай ўрнаб қолиб, ани банд қилур. Ва натижада заҳири сафровий ва ярақон ва истисқо ва пес каби касаллар эҳдос қилур.

Аммо агар гўшт ҳазм бўлмаса андин зарар камроқ ҳосил бўлур. Зероки ҳазм бўлмоғон гўшт майда ажзоға мунқасим бўлмас ва баданға бормас, балки меъдадин ичакға ўтиб кетар. Бинобарин бадан гўштдин бенасиб қолса ҳам бошқа зарар топмас. Фақат ичакдин ўтиб хориж бўлғониға бод пайдо қилмоқ ва сассиқ кекирмоқ ва тухма ва бунга ўхшаш енгил ва муваққат зарарларғағина сабаб бўлур. Аммо агар биринж ҳазм бўлмаса анинг зарари ноннинг зараридин камроқ ва гўштнинг зараридин кўпроқ бўлур. Зероки биринж нон каби майда ажзоға мунқасим бўлолмас. Бинобарин баданға кўп нуфуз қилмас. Ва камроқ миқдор нуфуз қилғонидин зарар ҳам камроқ ҳосил бўлур. Баҳарҳол меъда ва ичакларда гўштдин ҳосил бўладурғон

зарар албатта биринждин ҳам ҳосил бўлур. Ва баданга нуфузи фи-л-жумла бўлгони учун зарардин бадан ҳам холий қолмас.

Аммо атиббои юнон наздларида касал одам учун ҳеч гизо биринждин яхшироқ эмаслиги даъво қилинур. Ва-л-ҳаққу ма кулна.¹

НУКТА. Билмоқ керакки, баъзи жойда атиббонинг қавллари бир-бирига муҳолиф бўлуб, бирларини иссиғ деган нимарсаларини бошқа бирлари совуғ демаклари ва ё бирларини бир жиҳатга фоидалик деган нимарсаларини иккинчилари шул жиҳатга зарарлик демаклари аксар воқеъ бўлгондур. Лекин ихтилоф аларнинг баъзилари тажрибада галат қилгонларига далил бўлолмас. Зероки бу ихтилоф тўрт эҳтимолдин холий бўлолмаски, ё ҳар икки имтиҳон қилғувчи мўътадил мизожлик бўлур ва ё бири мўътадил мизожлик бўлуб, иккинчиси иътидолдин хориж мизожлик бўлур ва ҳар иккисининг мизожи иътидолдин ики хил мухталиф тарафга хориж мизожлик бўлур. Чунончи бирининг мизожи даражаи иътидолдин иссиғроқ ва бирининг мизожи даражаи иътидолдин совуғроқ бўлур. Ва ҳар икки имтиҳон қилғувчини мизожи бир-бирига мувофиқ иътидолдин бир тарафга хориж бўлур. Чунончи ҳар иккиси ҳам ҳадди иътидолдин андак иссиғроқ ва ё совуғроқ мизожлик бўлур.

Бас, ҳар икки имтиҳон қилғувчининг мизожлари бир-бирига муҳолиф икки тарафга моил бўлса, яъни бирлари иътидолдин иссиғ тарафга моилроқ мизожлик ва бирлари иътидолдин совуқ тарафга моилроқ мизожлик бўлсалар, ихтилофларини сабаби албатта маълумдурки, андак иссиқ мизожлик кишига андак иссиқ нимарса кўпроқ таъсир қилур. Анга ўткирроқ иссиғлик гумон қилинур. Аммо мизожи андак совуғроқ кишига андак иссиғ нимарса асло таъсир қилмас. Ва иссиғлиги мутлақо маҳсус бўлмас. Бинобарин ул киши ул нимарсани мўътадил ва совуқ деб гумон қилур. Аммо ҳар икки имтиҳон қилғувчининг мизожи бир-бирига мувофиқ бўлса, хусусан

¹ Ҳақ бизнинг айтганимиздадир.

ҳар иккиси ҳам мўътадил мизожлик бўлса, ул тақдирда сабаби ихтилоф ё заминнинг ихтилофи ё фаслнинг ихтилофи ё замон маҳсуснинг ихтилофи бўлур. Масалан, баъзи давонинг бир иқлимда кўкаргони бошқа навъ шул давоға қувват ва хосиятда баробар бўлмай, баъзи ваҳҳдин тафовутлик ва атиббо имтиҳонларида сабаби ихтилоф бўлмоғи мумкиндур. Чунончи Маккаи мукарраманинг саноси бирлан Русиянинг саноси ва Тоифнинг хурмоси бирлан Боку ва Кобулнинг хурмоси ва Хитой мамлакатининг рийванди бирлан Туркистон мамлакатининг рийванди таъсирда ҳаргиз бир-бирига баробар эмаслиғи маълумдур.

Бас, мазкурлардин бир мамлакатда бўлгонини бир табиб ва бошқа бир мамлакатда бўлгонини бошқа бир табиб имтиҳон қилгон бўлсалар аларнинг қилгон ҳукмлари ҳам албатта тафовутлик ва бир-бирига ғайри мувофиқ бўлур.

Ва инчунин фаслнинг эътибори ила давонинг ҳоли ва мизожида тафовут собитдур. Масалан, қиш фаслида андак иссиқ даво ҳам ўткирроқ таъсир қилур. Чунки хорижий совуқнинг таъсири бирлан бадан масомлари тангроқ, балки банд бўлиб дохилий ҳарорати ғаризийя кўп таҳлил топмай дохили баданда ҳарорат қолиб бўлур. Ва қиш фаслининг ҳамма физоси иссиқ ва қуруқ мизожлик бўлур. Ва ани ҳароратиға монеъ бўлғувчи рутубат ва ҳўл мевалар ул фаслда муяссар бўлмас. Бас, бул даражада қолиб ҳароратлик баданға андак иссиқ ҳам ўткирроқ иссиқ каби маҳсус бўлур.

Аммо ёз фаслида ҳаво иссиқ ва масомлар очиқ ва кенг бўлуб дохилий ҳарорати ғаризийя кўпроқ таҳлил топуб камаюб турар. Ҳам ташналик бирлан чой ва сув ва ҳўл мева каби монеъи ҳарорат нимарсалар кўпроқ мустаъмал бўлуб, ҳарорати боқийяни ҳам таскин берурлар, балки мизожға совуғлик қолиб бўлур. Бас, бу ҳолдаги баданға андак ҳарорат мутлақо асар қилмас. Бинобарин ҳар навъ давони ҳар икки фаслдаги таъсирини тафовутлиғи имтиҳон ҳукмининг ихтилофиға сабаб бўлур. Хусусан фасл эътибори бирлан давонинг аҳволи мутағайир бўлур ва анга нисбатан мизожи ҳам мутағайир

ва сабаби ихтилоф бўлур. Масалан, агар бир одам узумни имтиҳон қилғонда ёз фаслининг аввалги нисфида имтиҳон қилса, албатта ани учинчи даражада совуқ ва қуруқ деб ҳукм қилур, чунки ғўрадур. Ва агар ёзнинг нисфи охирида имтиҳон қилса, албатта биринчи даражанинг охирида совуқ ва ҳўл деб ҳукм қилур. Чунки ул вақтда чала пишгандур. Ва агар куз фаслининг нисфи аввалида имтиҳон қилса, албатта ани биринчи даражада иссиқ ва ҳўлликда мўътадил деб ҳукм қилур. Чунки ул вақтда расо пишгандур. Ва агар куз фаслининг нисфи охирида имтиҳон қилса, албатта ани иккинчи даража иссиқ ва биринчи даражанинг охирида қуруқ деб ҳукм қилур. Бас, бу ҳукмларнинг ҳаммаси ҳақдур. Фақат ихтилофга сабаб фаслнинг ихтилофидур. Ва ҳам ёз фасли ила куз фаслини ва ҳам бошқа фаслларни табиатлари ҳам даво таъсири эҳсос қилмоқда муъийн ёки монё бўлур. Монё бўлмоғи сабаби ихтилоф бўлур. Ва инчунин замони махсусанинг тафовути ҳам сабаби ихтилоф бўлур. Ва замони махсуса икки навъ бўлуб, бирини имтиҳон қилғувчиға ва бири имтиҳон қилинғувчиға мансуб бўлур. Аммо имтиҳон қилғувчиға мансуб бўлғон замони махсусаға мисол шулки, имтиҳон қилғувчи табиб агарчи саломат ва мўътадил мизожлик бўлса ҳам, лекин бир замони махсусаға ҳаво иссиғлик таъсиридин ва ё гизонинг ихтилофидин қуввати табиийя музтариб бўлур. Ва табиатга ориз бўлғон ҳарорати ориза андак иссиғни зиёдароқ эҳсос қилмоқға сабаб бўлур. Ва аворизи нафсониялардин, чунончи фараҳ ва фазаъ ва ғам ва ноумидлик ва хижолат ва ғазаблардин бири, ориз бўлғон замонда қилинғон имтиҳонлар ҳукми агарчи мазкур одамнинг даражаи эҳсосиға назаран ҳақдур. Лекин бошқа одамни ва бошқа замондаги шул кишининг ўзини имтиҳониға муҳолиф бўлур. Чунки ғазаб ва фараҳ вақтида руҳи ҳайвоний ва анга таъбан руҳи табиий ва ҳарорати ғаризий ва қонлар зоҳири бадан тарафға таралуб, рангда қизиллик ва баданда ҳарорат ғолиб ва қуввати ҳассоса ўткир бўлур. Бинобарин андак иссиқ нимарса ҳам иссиғ баданға кўпроқ асар қилур.

Ва қуввати ҳассоса ҳам ул иссиғни зиёдароқ эҳсос қилур. Бинобарин шул замони махсусада бўлгон имтиҳоннинг ҳукми бошқа замонда бўлгон имтиҳоннинг ҳукмига муҳолиф бўлур. Аммо хижолат вақтида руҳ ва ҳарорат ва қонлар зоҳир тарафга хориж бўлуб, бадан ҳароратлик бўлур, лекин қуввати нафсония изтироблик ва ани эҳсоси беандоза ва эътибордин соқит бўлур, аммо зўр хавф ва қўрқинч ва ноумидликда зоҳирда воқеъ бўлгон сабабдин нафрат қилуб, руҳ ва ҳарорат ва қонлар дохили баданга ружуъ қилур ва рангда қизиллик ва баданда ҳарорат қолмас ва шул замони махсусада давонинг ҳарорати совуғ баданга таъсир қилолмас ва агар таъсир қилса қуввати нафсония ўз изтироби бирлан ул таъсирни эҳсос қилолмас. Бинобарин совуғ деб ҳукм қилур шул замони махсусада воқеъ бўлгон имтиҳоннинг ҳукми агарчи соҳибининг даражаи эҳсосига нисбатан дуруст бўлса ҳам бошқа замонда бўлгон имтиҳонга муҳолиф бўлур, аммо давога мансуб бўлгон замони махсуса маълумдурки, аксар давода машҳуддур. Чунончи баъзи давода бир замони махсусада бир таъсир бўлурки, узоғроқ муддат ўтгондин сўнгра анда ул таъсир бўлмас ёки кам бўлур ва инчунин даво бир кайфияти махсусада собит бўлгон замони махсусасида бир таъсири муқаррараси бўлур ва аввал кайфияти ўзгарилгон замонда таъсири ҳам ўзгарилгон бўлур. Масалан, узум мевасининг янгилик вақтида бўлгон иссиғлиги ани рутубати фоний бўлуб, мавиз ҳолига келгонда мавизнинг иссиғлиги узумдин ғолиб ва янги шарбатнинг иссиғидин ширинининг иссиғи ғолиб бўлғони кабидур. Ва маълумдурки, мазкур замони махсусада воқеъ бўлгон имтиҳон албатта бошқа замонда бўлгон имтиҳонга муҳолиф бўлур. Ҳаттоки баъзи даволар борки, то модомики ўзи мавжуд бўлгон мамлакатда росух турар, анда бир таъсир собитдур. Ва агар ул мамлакатдин бошқа жойга олиб борилса ул асар андин зоил бўлур. Чунончи мева қисмидин Тошкент шаҳрининг беҳисиди ва гиёҳ қисмидин бинафшасида бир таъсир бордурки, агар бу иккисини бошқа мамлакатга олиб борилса анда бу таъсир қолмас. Ва Миср шаҳрининг ҳулбаси ҳам мазкур шаҳарда зўр даволар-

диндур. Ва агар бошқа шаҳарға олиб борилса мош каби физойи мутлақ қаторида бетаъсир бўлур.

Ва яна доно кишилар наздида махфий эрмаски, имтиҳон қилғувчининг ҳоли ҳар доим бир маромда бўлмас. Ва мумкиндурки, имтиҳон қилинадурган нимарсанинг истеъмолидин бурунроқ ва ё сўнроқ воқеъ бўлгон баъзи оризий сабаблар ул нимарсани идрок ва эҳсосиға монез бўлғони учун имтиҳоннинг ҳукми бошқаларнинг имтиҳониға муҳолиф бўлур. Бас, вожибдурки, атиббонинг ихтилофлариға биноан бир тарафларда хато бўлғониға дафъатан жазм қилмай, балки ихтилофлик нимарсани ҳозирғи ҳолини аввало ҳўб яхши тажриба қилуб натижа ҳосил қилгондин сўнг анга биноан бир тарафни ҳукмини тақвия ва таржиҳ қилмоқ лозимдур. Ва зероки ҳар нимарсадин ғараз ул нимарсанинг асари бошқа нимарсада би-л-феъл зоҳир бўлмоғидурки, бизлар шул замоннинг мўътадил мизожликларини наздида иссиғ деб эҳсос қилгон нимарсаларини иссиғ ва совуғ деб эҳсос қилгон нимарсаларини совуғ деб эътиқод қилиб, бошқа ихтилофлик ҳукмларни эътибордин соқит қилурмуз. Башарти тажрибамиз камолға етуб, анга эътимод қилмоқға лойиқ бўлса. Валлоҳу аълам би-с-саваб.

ВА УЧИНЧИ ҚОИДА ФИЗОЙИ ДАВОИЙЯНИ ВА САҲИҲ КИШИЛАР УЧУН ФИЗОЙИ ДАВОИЙЯДИН ИЖТИНОБ ЛОЗИМЛИГИ ВА ФИЗОЙИ ДАВОИЙЯДИН ФИЗОЙИ МУТЛАҚНИНГ АФЗАЛЛИГИҒА ХИЛОФАН ВОРИД БЎЛГОН ИРОДЛАРНИНГ ЖАВОБИ ВА ЗАРУРАТ ВАҚТИДА ФИЗОЙИ ДАВОИЙЯНИ ТАДОХУЛИ ҲАМ ЖОИЗЛИГИНИНГ БАЁНИДАДУР

Ва билмоқ керакки, гиёҳ қисмининг ҳаммаси ҳам физойи давоийядур, физойи мутлақ эрмас. Ва инчунин мевалар ақсоми ҳам физойи давоийядурки, саҳиҳ мизожликларға буларни физо учун истеъмол қилмоқ яхши эрмас. магар бурунғи сиҳҳати комилға сиҳҳати ноқисани авд қилдирмоқ учун бақадри ҳожат истеъмоли мумкиндур.

Аммо мизожи ҳадди эътидолдин хориж кишиларға ва мизожлариға муҳолиф мизожлик бўлгон физойи давоийядин

бақадри ҳожат истеъмол қилмоқ муносибдур. Ва мувофиқ мизожликдин ижтиноб қилмоқ вожибдур. Камо марраҳу.

Аммо мўтадил мизож кишига нисбатан мунҳариф мизож кишиларнинг вужуди кўпдур. Ва аларга ўзларини мизожларини хилофида бўлгон сабзавотнинг истеъмолига ҳожат ҳам кўпдур. Бинобарин анвоъи буқул ва сабзавот халойиқ миёналарида физойи ҳақиқий мақомида одат ва шойиъ бўлгондур. Ва илло алардин бақадри имкон парҳиз қилмоқ лозимдур. Магар яхши пишган узум ва анжир ва яхши пишган хурмолар агарчи зотан давоий физойиядин бўлсалар ҳам, лекин булар баданга физиолик кўп ҳосил бўлғони учун зарари камроқ воқеъ бўлур. Бас, бу уч хил мева кўп ва мураввиж бўлгон шаҳарларда ани тановули физойи ҳақиқий ҳукмига қарибдурлар. Ва бу уч хилдин бошқа навъ мева бу мартабада эрмас. Ва аксарлари ҳазмда радиий ва фосид бўлур. Ва андин физойи бадан бўлмоқ учун баданга борғон жавҳари ридоатлик бўлгон сабабидин қонга уфунат пайдо қилур. Масалан, ўрик ва шафтолу бунга мисолдурки, жавҳари мартублигидин баданда рутубатни зиёда қилур. Ва кайфияти совуқлигидин бадан ҳароратини таскин ва тақлил қилур. Ва моддаи физони истеъмолига, яъни жузви бадан бўлмоғига монёъ бўлуб, фазлани зиёда ва жузви баданни кам қилур. Ва оқибатда истисқо ва баҳақ ва жараб каби касаллар эҳдос қилур.

САВОЛ. Баъзилар тарафидин ирод ворид бўлгондурки, гўштнинг физойи мутлақлиги муқаррардур. Ва ҳамма анвоъи гўштнинг мизожи иссиғлиги шубҳасиздур. Ва баданга ҳароратни зиёда қилур. Бас, бунга назаран иссиқ мизожлик физойи давоийяда бўлгон зарарлар албатта гўштда ҳам бўлмоғи лозимдур. Ва афзаллиги номаълумдур. Ва инчунин маълумдурки, физойи давоийя мизожни мўтадил қилур. Ва мизожни ҳолига муслиҳ бўлур. Ва яна баъзи физойи давоийя лаззатликроқ ва табиатнинг талаби иштаҳосиға марғуброқ бўлур.

Ва юқорида мазкур бўлдики, ҳар нимарса нақадар лаззатликроқ бўлса, шул қадар манфаатликроқ бўлур. Бас, бу маъни далолат қилурки, физойи давоийя физойи мутлақдин афзалдур, нега би-л-акс, дегандурлар.

Ва аларга жавоб шулки, агар гўшт иссиғ бўлса ҳам, иссиғлиги бағоят камдур ва мўътадил мизожлар учун ани иссиғи эътидолдин хориж даражада таъсир қилолмас. Ва маълумдурки, гўшт ҳазм бўлуб жузви бадан бўлса бадан гўштидин ҳам бир миқдор гўшт таҳлил бирлан камайғон ва анга муносиб ҳарорат ва рутубати ҳам бўлур. Бас, маъкул гўштдин ҳосил бўлғон гўшт бадан гўштининг нуқсонига бадал бўлур. Ва бадал бўлғон гўшт миқдориға муносиб миқдорда ани ҳарорати ва рутубати ҳам камаюр. Ва зиёда ҳарорат ва рутубат эҳдос қилолмас. Ва агар би-л-фараз эҳдос қилса ҳам камлик сабабидин ул эътибордин соқит бўлурки, мўътадил мизожларга мансубдур. Бинобарин физойи давоий мизожларни мўътадил қилмоғиға назаран физойи мутлақдин афзал демоқ ҳам ботилдур. Зероки мўътадил мизожлар яна эътидолға муҳтож эмаслар. Ва агар эътидолдин хориж мизожли кишиларни мизожларини ислоҳ ила мўътадил қилмоқ учун физойи мутлақдин афзал десалар бу фазилат физилик жиҳатидин эмас, балки даволик жиҳатидиндурки, бизнинг мабҳасдин хориждур. Ва ҳам физойи давоийдин ҳосил бўлғон таъдили мизож баъзи муслиҳотни қўшулмоғи бирлан физойи мутлақдин ҳам ҳосил бўлур.

Ва инчунин физойи давоийнинг лаззатлик бўлғони учун физойи мутлақдин афзал бўлғони ҳам муддаони исбот қилолмас. Чунки физойи мутлақ ҳам зотан ёки тадбир ила лаззатлик бўла олур. Бас, собитдурки, физойи давоийдин физойи мутлақнинг афзаллиги муқаррардур. Ва агар фаразан физойи давоий физойи мутлақдин лазизроқ бўлса ҳам ани физойи мутлақдин афзаллигини исбот қилолмас. Чунки физойи лазизнинг физойи камлаззатдин афзаллиги шул сувратда собит бўлурки, ҳар икки физонинг миёнасида фазилат жиҳатидин тафовути бағоят кам бўлур. Мазкурдин кам фазилатроғи лаззатлик бўлса, эҳтимолки ани лаззатининг нафъи камфазилатликнинг нуқсонига бадал бўлғай. Ва зиёда фазилат ҳосил қилолмас. Аммо физойи мутлақнинг фазилати физойи давоийға нисбатан кўп тафовутликдур. Бинобарин физойи давоий ҳаргиз физойи

мутлақ даражасида фазилатлик бўлмас. Зероки лаззатнинг фазилати ғизойи давоийнинг фазилатидаги нуқсонга бадал учун кифоя қилмас. Зероки ғизонинг фазилатидин мурод анинг аксар баданга қўшилуб жузви бадан бўлмоғидур. Ва бу маъни албатта ғизойи ҳақиқийдин бошқа нимарсада ҳаргиз бўлмаслиги шубҳасиздур.

Ва махфий қолмасунки, ғизонинг лаззати ҳаргиз ул ғизода мавжуд бўлгон ҳамма зарарларини дафъ ва нобуд қилолмас. Ғоят шулки, лаззат учун табиат роғиброқ бўлгон сабабдин ани қабул қилмоқ ва ҳазмига рағбат бирлан мутаважжиҳ бўлмоғи ила андин баъзи андак зарар бўлса номаълум бўлуб кетмоғиғағига лаззат сабаб бўлур. Ҳамма ғизойи давоийнинг зарарлари маълумдурки, баданга андин жузви бадан бўлғувчи ғизойи бадан жуда кам ҳосил бўлур. Ва яна андин баданга кайфияти зоҳида ҳодис бўлуб, баданни ҳолини эътидолдин хориж қилур. Бинобарин, атиббо айтибдурларки, мўътадил мизожлик саҳиҳ кишилар учун ғизойи давоийдин парҳез қилмоқ вожибдур. Ва агар хато бирлан ғизойи давоий тановул қилган бўлса, сўнггдин дарҳол ани қай қилмоқ ва ё исҳол бирлан тушурмоқ ва бошқа ани муҳолиф нимарсасидин яна тановул қилмоқ бирлан ани ислоҳ қилмоқ вожибдур. Ва ани тамом ҳазм бўлмоғидин муқаддам бошқа муслиҳни тановулида тадохули ағзийя бўлмоғини андиша қилмоқ хатодур. Зероки тадохулнинг зарари фақат ҳазми кайлуснинг нуқсонидур. Ваҳоланки ғизойи давоий ҳазми кайлусда бенуқсон ҳазм бўлуб, баданга нуфуз қилса бошқа зарари фоҳишларни эҳдос қилур. Ва илло фало. Бас, фоҳиши зарардин эмин қолмоқға фоҳиш бўлғувчи андак зарарни иртикоби жоиз, балки вожибдур.

ВА ТЎРТИНЧИ ҚОИДА ТАРТИБИ ҒИЗО БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, ҳифзи сиҳҳат толибиға вожибдурки, ғизонинг тановулида тартибни риоя қилгай. Ва юқорида мазкур бўлдики, энг яхши тартиб шулки, агар мухталиф ғизоларни

бир мажлисда тановул қилмоқ иттифоқ келса қаю бир физоники, бошқа бир физоға нисбатан андак ғализроқ бўлса, аввало андин тановул қилмоқ керак. Ва сўнгра андин андак латифроғини тановул қилмоқ керак. Чунончи бунинг ваҳҳи юқорида “ла йажузу-л-жамъу байна-л-атъмату-л-мухталифати” шарҳида кўп фавоиди бирлан муфассал мазкур бўлди. Аммо бу жойда атиббо миёналарида мазкур бўлгон ваҳмий низоларни ва андин маълум бўлгон риояйи тартибга доир фавоидини баён қилурмуз.

Билмоқ керакки, атиббонинг баъзилари тановулда аввало латифни, сўнгра ғализни тановул қилмоқ лозим дерлар. Ва далилдари шулки, агар аввало ғализни тановул қилинса, бу ғализ меъданинг ости қарор олиб, физони баданга нуфуз қиладурган мажроларини тўсиб турса ва ўзи ҳам қабл аз ҳазм баданга ўтолмай кўп фурсат меъдада боқий турса ва сўнгиндин тановул қилингон латифни физо аввали комил ҳазм бўлса ва баданга нуфузи учун мажрони бандлигинин нуфуз ҳам қилолмай, баъд аз ҳазм меъдада кечукса фосид бўлур. Ва ҳам бунинг фасоди физойи ғализни ҳам фосид қилур, дерлар.

Ва баъзи атиббо аввало физойи ғализни ва сўнгра физойи латифни тановул қилмоқ лозим дерлар. Ва далиллари шулки, меъданинг остида қуввати ҳозимаси зўрроқ ва кўпроқ бўлур. Аммо усти тарафдаги қувват фи-л-жумла камроқ ва заифроқ бўлур. Бас, аввал ғализни, сўнгра латифни тановул қилинса зўр қуввати ҳозима ғализ физоға ва заиф ҳозима латиф физоға мутаносиб бўлуб, ҳар икки физо баробар ҳазм бўлурки, асли мақсуд шулдур, дерлар. Ва бу икки хил қавли мухталифни бир-бирига татбиқ ва миёнадин хилофни зоил қилмоқ учун ҳаким Қарший дерларки, агар физойи ғализ ила физойи латифнинг миёнасида тафовути андак бўлса, аввало ғализни, сўнгра латифни тановул қилмоқ лозимдур. Ёки қаъри меъданинг қуввати ҳозимасида голибият ғализга кўпроқ таъсир қилиб ғализ ила латиф баробар ҳазм бўлғай. Ва агар ҳар икки физонинг миёнасида тафовути кўп бўлса, бул сувратда аввало латифни, сўнгра ғализни тановул қилмоқ ёки аввало ғализни

тановул қилуб, сўнгра то мазкур физойи ғализ чала ҳазм бўлгонғача таваққуф қилуб, сўнгра латифни тановул қилмоқ лозим дерлар. Чунончи юқорида батафсил баён қилингондур. Ва бул вақтда нисёнға танбиҳ учун муқаррар зикр қилдим.

Ва мискиннинг¹ наздимда мазкур икки қавли мухталифнинг бир-бириға татбиқи учун яна бир важҳ шулки, қаю бир физони аввало тановул қилмоқ очликнинг даражасига мавқуфдур. Чунончи агар очликнинг даражаси мўътадил бўлса ва ифротлик бўлмаса, бул тақдирда вожибдурки, аввало физойи латифни, сўнгра физойи ғализни тановул қилғай. Магар физойи ғализ ила физойи латифнинг миёнасида тафовути меъданинг уст тараф ва ост тарафидаги қуввати ҳозиманинг тафовутиға мутаносиб бўлса, ул вақтда аввало ғализни, сўнгра латифни тановули жоиздур.

Ва агар очлик даражаи эътидолдин ўтган ва лекин очлик ва меъда хомийлик сабаби бирлан ҳануз меъдаға сафро қуйилмогон бўлса, ул тақдирда аввало ғализни, сўнгра латифни тановул қилмоқ лозимдур. Зероки меъдани физо учун бағоят муҳтож ва роғиб ва қуввати ҳозимани бағоят ўткур ва бақувват ва табиатни физо учун толиб ва мутаважжиҳ вақтида физойи ғализнинг ҳазми осонроқ бўлур. Ва ғализ бирлан меъда ва табиат фи-л-жумла қаноат ҳосил қилуб таважжуҳи ноқис бўлгон вақтида физойи латифни тановул қилинса, бу ҳам ўз латофати сабабидин қуввати ҳозимани андак таважжуҳи бирлан комил ҳазм ҳосил бўлур ва мақсуд ҳосил бўлур.

Ва агар очлик даражаи эътидолдин ифрот даражаға ўтуб, холий меъдаға сафро қутолгон бўлса ёки ҳануз мўътадил очлик ҳосил бўлмай, меъда физо бирлан банд бўлса, бу сувратда ҳеч қандоқ физо тановул қилмаслик, балки меъда физодин холий бўлгунча ёки меъдадин сафрони танқия қилгунча сабр қилмоқ ва аввао меъдани тозаламоққа кўшиш қилмоқ ва сўнгра иштаҳои содиқни ёрдами бирлан физо тановул қилмоқ лозимдур. Ва илло физо боиси мараз, балки сабаби ҳалок бўлмоғи муқар-

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

рардур. Чунончи аксар пурхўр кишиларда меъда таомдин холий бўлмоғон вақтда яна гизо тановулидин тухма ва фасоди меъда ва дарунравлик каби анвои маразлар пайдо бўлмоғи ёки физосизликдин йутоғон кишиларга гизо муяссар бўлгонда қабл аз танқия гизо тановули сабаб ҳалок бўлмоғи машҳурдур. Ва меъдага сафро қуюлгонлигини суъу ул-мизожда меъда осоридин билмоқ мумкиндур. Ва баёнга ҳожат йўқдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, очлик мўътадил бўлгон ҳолатда аввало гизойи латифни, сўнгра гизойи ғализни тановул қилмоқнинг фойдаси шулки, меъданинг ости тарафда ҳарорат ғолиб бўлур. Ва гизойи латифни тез ҳазм қилур. Ва то гизойи ғализга ҳазм навбати келгунча гизойи латиф тамом ҳазм бўлур, ани сафвати, яъни гизойи баданга қобили хулоса жавҳарини меъда жигар тарафга ўтказган бўлур.

Ва маълумдурки, гизойи латиф комил ҳазм бўлгондин сўнгги гизойи ғализ қаю вақтда ҳазм топса ҳам ҳеч бок йўқдурки, оқибати комил ҳазм ила гизойи латиф ҳукмида бўлур. Аммо ғализ бирлан латиф миёнасида тафовути камроқ бўлса, ул тақдирда гизойи ғализнинг аввал тановул қилмоқ афзалдур. Чунончи такроран мазкур бўлди.

Аммо агар меъда гизодин холий ва иштаҳо зўр вақти бўлса, аввало гизойи латифни тановул қилмоқнинг фойдаси шулки, бул ҳолда меъда гизо учун зўр муҳтождур. Ва гизо меъдага етган онда меъда гизога таважжуҳ қилур. Ва очлик сабаби бирлан ориз бўлгон шиддатлик ҳароратнинг ёрдами бирлан меъда ул гизойи ғализни тез ҳазм қилур. Бас, ани сўнггидин тановул қилингон гизойи латифнинг тез ҳазм бўлмоғига ғализни тез ҳазм бўлғони мутаносиб бўлуб, миёналаридаги муҳолафат фоний бўлур. Бинобарин гизойи латифнинг сарий ул-ҳазмлиги табиатга ҳайрат афзо ва боиси ташвиш бўлмас. Ва ҳар икки гизо бир муддатда баробар ҳазм бўлғони учун гўё бир навъ гизо ҳукмида бўлур.

Бас, агар би-л-акс аввало гизойи латифни, сўнгра гизойи ғализни тановул қилинса, агар ул латиф сарий ул-фасод гизолар жумласидин бўлса очликни шиддатлик ҳарорати бирлан

меъдада фосид бўлур. Зероки ани латофати шуъладор меъда-нинг ҳароратига тоқат қилолмас. Ва ҳазм даражасидин ўтуб, фасод даражалик кайфиятга мутакаййиф бўлур. Бас, ани сўнг-гидин тановул қилинғон физоий ғализ ҳам анга бориб қўшил-ғони учун фосид бўлур. Ва агар аввало тановул қилинғон физоий латиф сарий ул-фасод бўлмаса, очликда меъда физога зўр муҳтожлигидин камоли рағбат ила мутаважжих бўлур. Ва физо ҳам камоли латофатлик сабаблик тезроқ ҳазм бўлур. Ва андин баданга тезроқ ҳазм бўлғувчи жавҳар осонроқ ҳосил бўлур. Аммо сўнгидин тановул қилинғон физоий ғализ ҳам ғализлик сабабидин ва физоий латиф бирлан меъда фи-л-жумла қоний бўлуб, сўнгги ғализ учун ҳожати ва рағбати ка-майган сабабидин албатта кеч ҳазм бўлмоғи ва латиф ила баробар ҳазм бўлмаслиги маълумдур. Бас, бир вақтда икки хил феъли мутагодда лозим келурки, бири ҳазм бўлғон физоии меъдадин дафъ қилмоқ ва бири ҳазм бўлмоғон физоии меъдада имсок ва қабз қилмоқ лозим бўлуб, қаю бирини ижро қилмоқ учун табиатга ҳайрат ориз бўлур. Ва латиф физоии ҳазмидин меъдага нафрат лоҳиқ бўлур. Бинобарин физоий латифга фасод ориз бўлур. Ва бу фасод сабаби бирлан физоий ғализ ҳам ориз бўлур.

Фоида. Билмоқ керакки, нонни танҳо тановул қилиб бўлмас. Ва меъдани хароб қилур. Аммо ҳукамои қадимни ҳар куни бир маҳал нон тановул қилганликлари манқулдур. Лекин нақл қилғувчиларнинг муродлари шулки, ҳукамои қадим нонни бегўшт, лекин муносиб ширинлик бирлан ҳар кун бир маҳал тановул қилуб эрдилар, демакдур. Ва танҳо нон демак мурод эрмас. Чунончи ҳаким Қарший раҳматуллоҳи алайҳ “Шарҳи Қонун”да шундай таъйин қилғондурлар. Ва яна билмоқ керакки, тез ҳазм бўладурган суюқ ва тайғоқ физоии кеч ҳазм бўладурғон қаттиқ ва ғализ бирлан қўшуб тановул қилмоқ раво эрмас. Хоҳ суюқни аввал ва куюқни сўнгра ва хоҳ би-л-акс тановул қилмоқ фойда бермас. Зероки суюқ ва тайғоқ таом хоҳ аввал ва хоҳ сўнгра тановул қилинса, меъдада қаттиқ таом бирлан жамъ бўлғонда ани ҳам тайғоқ қилур. Бас,

аввало суюқ ва тайғоқ физони тановул қилинғон тақдирда зарари зоҳирдурки, суюқ таом меъдадин ичакға ўтганда ғализдин ҳам баъзи ажзосини қабл аз ҳазм ўзиға қўшуб, тойдуруб кетмоғи муқаррардур. Ва агар ғализни аввал ва рақиқни сўнгра тановул қилинса, бу тақдирда мумкиндурки, физойи рақиқ ўзини рақиқлиги ва тайғоқлиги билан аввалғи физойи ғализға сингиб, ани ҳам тайғоқ қилуб, ўзи ичакға ўтмоғида ғализни ҳам ҳамроҳ қилуб, мундафиъ қилғай. Ва ё мумкиндурки, физойи ғализға синголмас ва ани тайғоқ ҳам қилолмас, лекин физойи рақиқ тез ҳазм бўлур. Аммо ани жавҳари кайлуси миёнада физойи ғализ борлиги ва ҳануз йўл бандлиги сабабдин жигарға ўтолмас ва меъдада баъд аз ҳазм кўп муддат таваккуф қилғони учун фосид бўлур. Сўнгра бу фасод физойи ғализға сироят қилуб, фосид қилур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, икки хил физони бир мажлиса тановул қилмоқни мамнуълиги учун мазкур бўлғон сўзлар фақатгина бир-икки физони тановул қилмоқ миёнасидаги замон бағоят қисқа бўлғон тақдирда вобастадур. Ва агар тановул миёнасидаги фосила замон узоқ бўлса ҳеч зарар йўқдур. Камо закарнаҳу онифан.

Ва яна билмоқ керакки, ҳазм муддати бир-бириға баробар бўлғон икки хил физодин тановул қилмоқ иттифоқан тўғри келса, аввали ширин таъмлигини тановул қилмоқ лозимдур. Зероки худ аъзо шириндур. Бинобарин ширин таомни ўзиға тезроқ жазб қилур. Ва ҳам табиатға ва ҳам баданға матлуб бўлғон сабабдин табиат ва қуввати ҳозима анга кўпроқ таважжуҳ қилур. Ва ҳам ширинлик таъмининг фоъили ҳарорат бўлғони сабабдин ширин таомнинг ҳарорати ҳам ҳазмға ёрдам қилуб, ширин таом ғайри ширин таомға назаран тезроқ ҳазм бўлур. Бас, ширинни аввало тановул қилмай ғайри ширинни тановул қилинса, ул вақтда аъзо сўнги физони жазб қилмоқда бурунғи ғайри ширин физони баъзи ажзосини қўшулуб қабл аз ҳазм мунжазиб бўлмоғи лозим келур. Ва бу маънийдин зўр фасодлар пайдо бўлур.

ТАНБИХ. Билмоқ керакки, бу охирғи баён бўлғон сўз

маҳалли иштибоҳдур. Чунончи аксари физойи ғайри ширини баъзи ажзоси қабл аз ҳазм жигарға мунжазиб бўлгонда фасоди азим боис бўлса, физойи ширин аъзоға марғуб бўлуб, ани аъзо жазб қилса, ани аксари ажзоси қабл аз ҳазм мунжазиб бўлуб, зўр офатларға сабаб бўлмоғи лозим келур. Чунончи Шайх ур-раис алайҳирраҳма табиат ширин физони қабл аз ҳазм баданға тарқатур. Бас, бу физойи ғайри мунҳазим баданда қонни фосид қилур, деган эрдилар. Бас, андоқ бўлса ширин физони аввал тановул қилмоқдин ҳам ҳеч фойда бўлмаса керак. Чунки қабл аз ҳазм баданда мунжазиб бўлгон ширин физо ҳам ғайри ширин каби муфсиддур деб шубҳа қилинмасун. Зероки ширин табиатға марғуб бўлғони учун табиат доим анга мутаважжиҳ ва моилдур. Бинобарин ани баданда ҳам ҳазмиға машғулдур.

Ва тўртинчи ҳазмда ҳам, яъни жавҳари физони жузви бадан қилмоқ вақтида ҳам табиат камоли таважжуҳи бирлан комил ҳазм қилур. Ва ширин ҳам ўзини латофати ва баданда ширинликда ҳам ҳамжинслиги сабаблик андак таважжуҳ бирлан комил ҳазм бўлмоқға қобилдур. ғоят шулки, ширин андак ширадор бўлмоғи лозимдур. Бинобарин баданға борганда ўз нозик масомларини банд ва масдуд қилур. Ҳам ўз шираси бирлан қоннинг қивомини қуюлтирур. Ва Шайхнинг ҳам қонни фосид қилур, демакдин муродлари шулдур. Чунки ширинликни кўп истеъмол қилғувчилар тез-тез қон олдириб турмоқға муҳтож бўлурлар. Ва илло, албатта табиатға марғуб ва маҳуб бўлгон физонинг зарари ҳеч вақтда номарғуб ва манфур физони зарари каби шиддатлик ва боиси фасод бўлолмас. Бас, ширин физони аввал тановул қилмоқ ҳам ўзини камзарарлиги сабабдин ва ҳам номарғуб физони мунжазиб бўлмоғиға монъелиги сабабдин лозимдур ва фоидадин холий бўлмас.

БЕШИНЧИ ҚОИДА МУҲДИСИ СУДДАЛАР БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, суддаи масом пайдо қиладурган нимарсаларнинг навъи кўпдур. Чунончи асбоби судад мабҳасида

мазкур бўлгондур. Лекин бу жойда алардин истеъмоли аксар вақт воқеъ бўладургонларини баён қилинур.

Билмоқ керакки, агарчи ширинлик нимарсаларни кўпроқ истеъмоли зотан муҳдиси судда бўлсалар ҳам, лекин ани доимий истеъмол қилмоқ кўпроқ судда эҳдос қилур. Аммо кам миқдор истеъмоли боиси судда бўлмас, балки баъд аз таом ширинликдин андак миқдорнинг тановули ул таомнинг яхши ҳазм бўлмоғиға боис бўлур. Чунки меъда ширинға роғиб ва мутаважжиҳ бўлгони учун дарҳол феъли ҳазмға ҳам шуғулланур. Шунинг учун баъд аз таом андак қандли чой ичмоқ ёки бошқа шарбат ичмоқни жоиз, балки яхши дерлар. Аммо агар ширинлик кўпроқ миқдор бўлса муҳдиси суддадур. Чунки табиат камоли рағбат бирлан ани жигар ва баданға жазб қилур. Ва ширинлик бирлан баъзи ғайри мунҳазим физо ажзоси ҳам мунжазиб бўлур. Ва нозик масомларға боргонда андин ўтолмай масомни банд қилуб қолур. Ва инчунин баъд аз таом шароб ичмоқ ҳам муҳдиси суддадур. Зероки шароб би-т-табъ сарий ун-нуфуздур. Ва таом ҳануз ҳазм бўлмоғон вақтда таомға нуфуз қилуб, андин мосариқоға ўтар ва жигарға борар. Ва шул вақтда ҳануз ҳазм бўлмоғон таомнинг баъзи ажзоси ҳам шаробға ҳамроҳ бўлуб борур. Ва баъзи танг масомларға етганда андин ўтолмай қолиб, масомни масдуд қилур. Бас, суддаға боис бўлғувчи нимарса ҳақиқатдан шароб бўлмас, балки ҳазм бўлмоғон физо боис бўлур. Аммо шаробни масомға еткарувчи мубдариқ эканлигинин ани мажозан мусаддид дерлар. Би-л-жумла шаробнинг баданға тез нуфуз қилмоғи би-з-зотдурки, бошқанинг ёрдамиға муҳтож эрмас.

Аммо шириннинг баданға нуфузи би-л-араздурки, баданнинг жазби ва ёрдамиға муҳтождур. Ва ширин нимарсани баданға ва табиатға марғублигиға атиббо шундоқ далил кўрсатганлардурки, агар бир одам аввал бир физойи бетаъмни тановул қилуб, андин сўнг яна бири физойи ширинни тановул қилса, сўнгра хоҳ қасддан ва хоҳ тасодифан қай қилса, агарчи аввал тановул қилингон бўлса ҳам ибтидоан физойи бетаъм тушар, сўнгра ширин тушар. Бас, бу маъний далолат қилурки,

табиат бетаъм физоға то роғиблиги ва ани имсокиға ихтимом-сизлигидин аввал бетаъм мундафиъ бўлур. Аммо ул вақтда табиат ширинга роғиб ва Толиблигидин физойи ширинни имсоқ қилуб турғон бўлур. Бас, бетаъм физо тамом мундафиъ бўлғондин сўнг агар қайнинг сабаби зўр бўлса, ночор табиат ширинни ҳам бўшатмоқға музтар бўлур. Бинобарин ширин сўнгроқ тушар дерлар.

Ва инчунин зўр исҳол воқеъ бўлғонда ҳам табиат қоннинг ширинлигиға роғиблигидин ани қаттиқ имсоқ қилур, то қондин бошқа ахлот тамом бўлғунча қонни сақлаб турар. Ва агар бошқа ахлот тамом бўлуб, қонга навбат етган бўлса, исҳолнинг сабаби бағоят зўр бўлуб, табиатни музтар қилса, сўнгра табиат ночорликдин қонни ҳам бўшатар. Бинобарин сабаби шиддатлик бўлмоғон исҳолларда ҳаргиз қон мундафиъ бўлмас. Ва сабаби зўр бўлғон шиддатлик исҳолни энг охирдагина қоннинг мундафиъ бўлмоғи мумкиндур.

ОЛТИНЧИ ҚОЙДА БАЪЗИ ҲОЛАТЛАР СЎНГГИДА ИСТЕЪМОЛ МАМНУЪ БЎЛҒОН ФИЗОЛАР БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, зўр меҳнатлик ҳаракат ва шиддатлик ғазаб ёки меъдани шиддатлик қизитадурган сабаблар ўзиға ориз бўлғон кишиға фасодни тез қабул қилғувчи физолардин чунончи, балиқ гўшти ва тарбуз ва қовун ва сут каби физолардин бермоқ сазовор эрмас, балки мамнуъдурки, меъданинг ҳарорати бирлан фосид бўлур. Ва баданда ахлоти арбаъани ҳам фосид қилур. Ва шунинг учун атиббо наздларида қовун ва тарбузнинг тановул вақти икки таомнинг миёнаси, яъни меъда таомдин тамом мустағний ҳам бўлмоғон ва жуда холий ҳам бўлмоғон, балки бурунғи таом чала ҳазм бўлғон сўнги физо учун ҳожат бўлмоғон вақтдур. Зероқи агар очлик ҳолда қовун ва тарбуз тановул қилинса, булар ўзлари фасодға қобилликларидин меъданинг очликдин ҳосил қилғон ҳарорати бирлан тез фосид бўлурлар. Ва инчунин меъдаси аслида ҳарорат мизожлик бўлғон одамлар учун қовун ва тарбуз ва сут кабиларнинг истеъмоли мамнуъдур. Ва шул сабабдиндурки, баъзи

иссиқ мизожлик кишиларда ғализ таом яхши ҳазм бўлур. Аммо латиф таом яхши ҳазм бўлмас. Чунончи сўнгроқда муфассал баён қолурмуз, иншааллоҳу таъоло.

Ва агар меъда таомга тўйоб мамнун бўлгон вақтда қовун ва тарбуз ва сут кабиларни тановул қилинса булар тезроқ ҳазм бўлур, лекин меъдадин баданга ўтмоғи учун аввалғи тановул қилингон ғизолар моневлигидин улар ҳам ночор баъд аз ҳазм ҳам меъдада маҳбус қолуб, фосид бўлурлар. Ва фасодлари аввалғи ғизога ҳам сироят қилуб, ани ҳам фосид қилур.

ИНТИБОҲ. Табиб учун вожибдурки, доим меъданинг ҳоли ва мизожининг мулоҳазасида бўлғай. Ва ҳар кимнинг ўз одатиға мувофиқ тадбир қилғай. Ва меъда хусусида тажрибани қиёсдин мўътабар билғай, яъни бир иқлимдаги кишининг касалиға бир ғизо яхши нафъ қилгон бўлса, бошқа иқлимда бўлгон ва маиший одати бошқа тартибда бўлгон бир кишиға ҳам мазкур навъ касал ориз бўлса, буни ҳам аввалғи иқлим кишиси қиёс қилуб, анга фоидалик бўлгон ғизо ёки даво бирлан сўнгги одамни ҳам тарбия қилмоқ хатодур. Балки бу қиёсни эътибор қилмай сўнгги одамни ўз табиатиға одат бўлгон асбоби маишатларни тажриба қилуб, мазкурлардин ҳозирғи ҳолиға муносибларини тажриба бирлан имтиҳон қилуб тадбир қилмоқ вожибдур. Зероки баъзи баданларға ва баъзи мизожға бир навъ хосият ҳосил муқаррар бўлгондурки, ул хосият қиёсға тўғри келмаслиги аҳли тажрибаларға махфий эрмас.

ЕТТИНЧИ ҚОИДА МИЗОЖЛАРНИНГ ИХТИЛОФИ ВА ҲАР БИР МИЗОЖНИ ЎЗ ҲОЛИҒА МУНОСИБ ТАДБИРЛАРИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, аксар одамни меъдаларини аҳволи ва мизожлари ҳар тариқа бўлур. Ва бирини ҳоли ва мизожи яна бирига муҳолиф ва анга биноан тарбия ва анга биноан тадбири тарбияси ҳам муҳолиф бўлур. Масалан, баъзи одамлар бўлурки, таом тановулидин бурунроқ андак қобиз нимарсадин истеъмол қилуб, сўнгра таом тановул қилмоқлари зарурдур. Чунки буларнинг меъдалари суст ва қуввати мосикалари

заифдурки, агар қабл аз физо қобил нимарсадин истеъмол ила меъдани қабз ва қуввати мосикани танбиҳ бирлан ёрдам қилмасалар тановул қилғон физолари то ҳазм вақтигача меъдада барқарор турмас ва меъдадин ичакга ўтуб кетар. Ва инчунин баъзи одамлар бўлурки, аларга таом тановулидин сўнг қобиз нимарсадин андак истеъмол қилмоқ лозим бўлур. Чунки булар уч кайфиятдин бирига меъдалари мубтало бўлғонлардур.

Чунончи бир кайфият шулки, аларнинг меъдалари таомни қабул қилолмай, қай қилмоқ кайфиятига мубталодурки, таом тановулидин сўнг қобиз нимарса истеъмоли бирлан меъдага қувват ва салобат бермаса, тановул қилғон физосини қай қилур.

Ва иккинчи кайфият шулки, уларни меъдаси заиф ва қуввати дофиъаси кам бўлур. Бинобарин буларни меъдаси ичида ҳазм бўлғон физони ичакга дафъ қилмоқдин ожизлик кайфиятга мубтало бўлғон бўлурки, то қобиз нимарсани истеъмоли бирлан меъдани салобатлик ва қуввати дофиъани танбиҳ бирлан ҳаракатга ёрдам бермаса, физои мунҳазим меъдада узоқ муддатгача мундафиъ бўлмай, қабзият ва фасод эҳдос қилур.

Ва учинчи кайфият шулки, баъзи одамларнинг меъдаси таомдин бухорот пайдо қилмоқ кайфиятига мутакаййиф ва мубтало бўлурки, таом тановулидин сўнг қобиз нимарсалар бирлан таом меъдани қабз қилуб, бухоротга монёъ бўлмаса физодин бухорот мияга суъуд қилуб, бош оғруғи ва бош айланмоғи ва кўз тинмоғи ва қуянчиқ касали каби офатлар ориз бўлур. Ва шунинг учундурки, бош айланмоқ ва кўзтинмоқ ва қуёнчиқ касалига мубтало киши учун таом тановулидин сўнг кашниз тухмидин ва бунга ўхшаш қобиз нимарсадин истеъмол қилмоқни атиббо лозим билурлар. Ва шунинг учун ҳақим Қарший “Шарҳи Қонун”да ёзғондурларки, ҳар кимики, меъдасини юқори тарафи заиф бўлуб, анга қувват берғувчи шарбатлардин истеъмол қилмоқ лозим бўлса, анга сазовор шулки, аввало физо тановул қилуб, сўнгра шарбатдин истеъмол қилғай, токи меъда физо бирлан тўлғондин сўнгги истеъ-

мол қилинғон шарбати муқаввия таомни устида ва меъдани юқори тарафида қарор олуб, то гизо ҳазм бўлгунча мазкур камқувват жойға тегуб, таъсир қилуб турар. Ва агар меъданинг ҳаммаси камқувват бўлуб, анга шарбати муқаввия истеъмоли лозим бўлса ҳам, қабл аз гизо ва баъд аз гизо истеъмол қилғай.

Ва инчунин меъданинг мизожини мўтадил қилмоқ учун муносиб бўлғон шарбатларни ҳам қабл аз гизо ва ҳам баъд аз гизо истеъмол қилғай. Зероки қабл аз гизо истеъмол қилмоқда меъда таомдин холий бўлғони учун даво меъдаға бевосита мулоқот қилуб, тезроқ таъсир қилур. Лекин шарбат тезроқ меъдадин ичакға ва мосариқоға ўтуб кетар. Бинобарин меъда даво асаридин холий қолмаслиги учун баъд аз таом ҳам истеъмол қилмоқ афзалдур. Токи узоқ замонғача меъда даво асаридин баҳравар бўлуб турғай.

Ва яна баъзи одамлар бўлурки, тез ва осон ҳазм бўладурган латиф таомдин тановул қилса меъдасида таом фосид бўлур. Ва агар ғализ ва бадҳазм таомдин тановул қилса бемалол ва безарар ҳазм қилур. Зероки буларнинг меъдалари ўткур ҳароратлик бўлуб, физойи латифни ҳазм эътидолидин зиёда қайнатуб фосид қилур. Аммо мўтадил мизож учун ҳазми қийин бўлғон ғализ физони аввал меъда ўз ҳарорати бирлан тез ва яхши ҳазм қилур.

Ва баъзи одамлар бўлурки, ғоятда латиф бўлғон таомни ҳазм қилур. Лекин мўтадил мизожлик меъда учун ҳазми бемалол бўлғон таомни ҳазм қилолмас. Ва ғализ таомни ҳазмидин мутлақо умид бўлмас. Ва булар шундоқ одамлардурки, меъдалари бағоят совуқ мизожлик ва рутубати лозижалик бўлур. Шунинг учун бағоят латиф бўлғон таомнинг ҳазмиға андак боқий қолғон ҳарорати ғаризийяси кифоя қилса ҳам, лекин латофат ва филзатда мўтадил бўлғон физонинг ҳазмиға кифоя қилолмас. Ва меъданинг рутубати монез бўлур. Ва ғализ таомнинг ҳазми учун мутлақо имкон бўлмас. Бас, табиби ҳозиқға вожибдурки, аввало меъда аҳволини бағоят диққати комила бирлан ташхис қилуб, сўнгра меъданинг тоқатиға мутаносиб физодин тадбир ва тарбия қилғай.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, умуман аҳли тибблар миёна-ларида “умму-л-аъзои ал-миъдату ва умму-л-амраз ат-таому”, яъни аъзонинг аноси меъдадур ва касалларнинг аноси таомдур, деган сўз машҳурдур. Фи-л-ҳақиқат ростдур. Зероки меъда бақувват ва мўътадил мизожлик бўлуб, таомни нуқсон ҳазм қилса, ул таомдин жавҳари физойия ажралуб бадан аъзолариға жузви бадан бўлуб қўшилур. Ва яхши ҳазм бўлгон физодин ҳосил бўлгон қондин нутфа ҳосил бўлуб, андин фарзанд аъзолари ҳам ҳосил бўлур. Бинобарин гўёки аъзонинг бўладургон аноси меъдадур. Ва агар таом ҳазмға ноқобилликдин ёки тартиби физонинг фасодидин ёки меъдани заифлигинин ва ё ҳарорати голиблигинин мўътадил ҳазм бўлолмаса, ул физодин баданға баҳра ва таҳлил топгон баданнинг нуқсони учун бадал ҳосил бўлмай аъзоға заифлик нуқсон ориз бўлур. Ва яна ҳазм бўлолмоғон физодин ажралгон хом жавҳар баданға боргонда физойи ноқобилликдин ҳаммаси фазла бўлуб, бу фазлалардин анвоъи касаллар пайдо бўлур. Бинобарин ҳамма касалларни туғадургон аноси таом демак ростдур.

САККИЗИНЧИ ҚОИДА ҲАР ҚАЮ МИЗОЖҒА МУТАНОСИБ БЎЛГОН ФИЗОЛАРНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, афроди инсоннинг ҳар бири ҳар бошқа мизождадурлар. Зероки мизож бадандаги тургон ахлоти арбаъанинг миқдори таркибасидин ҳосил бўлгон кайфиятдур. Ва афроди инсоннинг ҳар бирида ахлотнинг ҳаммаси бири-бириға баробар эрмаслиги баъзи ахлот баъзиға нисбатан зиёд ва кам бўлмоғи маълумдур. Ва ҳар бир хилт голиб бўлса, ани кайфияти ҳам голиб бўлурки, мизож шул кайфиятдин иборатдур. Бас, ҳар қаю мизожда бўлгон инсон учун ўз мизожиға зид бўлгон физо ва даво бирлан тадбир қилмоқ лозим экани шул фаслнинг аввалида илож ул-марзода муфассал мазкур бўлгондур. Бинобарин бу жойда тафсилиға ҳожат йўқдур. Лекин тазкир ва танбиҳ учун ҳар қаю мизожлик одам ҳаққиға муносиб физодин бир мисол кўрсатиб ўтмоқға иктифо қилурмуз.

Масалан, савдовий мизожлик киши учун кўп рутубатлик

ва кам ҳароратлик нимарсанинг тановули муносибдур. Чунончи гизо учун қорамол гўштидин шўрбо ва анга мусолиҳдин райҳон ва исфиноҳ кўшмоқ ва мевадин ширин қовун кўшмоқ муносибдур. Ва бошқа нимарсалар ҳам бунга қиёс қилинур.

Ва сафровий мизож кишилар учун гизолардин совуқ ва ҳўл нимарсалар муносибдур. Масалан, кашкоб ва биринжоб ва анга мусолиҳдин хирфа ва коҳулардин кўшмоқ ва мевалардин тарбуз ё олулар муносибдур. Лекин сафро мизожлар учун тарбузнинг истеъмолига шарт шулки, кўпроқ миқдор тановулға иштаҳоси толиб ва ўзи қодир бўлса ва илло оз миқдорнинг тановули бил-акс зарар қилур. Зероки тарбуз сариъ ул-истиҳоладур, яъни меъдада тез ўзгарилур. Бас, агар мўътадил мизож киши тановул қилса ҳазми солиҳ тарафиға тез ўзгарилуб, яхши ҳазм бўлур. Ва агар ғайри мўътадил мизожлик ва меъдаси ахлотлик киши тановул қилса, бас, агар тарбузнинг миқдори хилтға голиб бўлса, ани ювуб, меъдани пок қилур. Ва мазкур хилтни баданға қилгон кайфиятини зоил қилур. Ва агар тарбузнинг миқдори хилтға мағлуб бўлса, хилтнинг кайфиятиға тарбуз ҳам мутакаййиф бўлуб, фосид бўлур. Ва ўзи ҳам сафроға кўшилуб сафро бўлур. Бинобарин сафро мизож кишиға вожибдурки, тарбуздин тановул қилса, тўйуб тановул қилғай. Ва илло тарк қилғай.

Иссиқ қон мизожлик кишилар учун андак совуқроқ ва гизолик камроқ нимарсалар муносибдур. Чунончи гизодин биринжоб ва сўк ва мош ошлари ва аксар сабзалардин бўлгон гизо муносибдур. Ва мевадин тарбуз ва ўрук ва шафтолулар муносибдур.

Ва совуқ қон одамлар учун ҳазми осон ва гизолиги кам ва баданға ҳароратафзо нимарсалар муносибдур. Чунончи гизодин чала пишган тухумнинг сариғи ва жигарнинг кабоби ва куймоқ ва товуқ гўштининг шўрбоси ва анга мусолиҳдин мурч ва зира ва ишбит ва жамбул кўшмоқ муносибдур. Ва мевадин ширин пишган узум ва мавиз ва анжир ва ёнғоқлар муносибдур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, мухталиф мизожда боис бўлгон ахлотдин мурод ахлоти табиий ва мизождин мурод мизожи табиийдур. Бас, мизож мизожи табиий бўлмай суъ

ул-мизож бўлса, хоҳ суъ ул-мизожи созиж бўлсин ва хоҳ суъ ул-мизожи хилтий бўлуб, ул хилт фосид ва ғайри табиий бўлсинки, ани тадбирига танҳо физойи давоий кифоя қилмас, балки давоий маҳз бирлан тадбир қилмоқ лозим бўлур. Чунки бу икки сувратда мизожнинг сабаби бақувватдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, балғами табиийя ҳам зотан қондурки, ҳануз қонлик даражаға етуб ҳазми комил бўлмоғондурки, ранги ҳануз оқ бўлур. Чунончи “Боб ул-ахлоти-ларбаъа”да муфассал мазкур бўлдики, физо жигарга боруб ҳазми кайлус ҳосил қилғонда тўрт даражаға мунқасим бўлурки, мўътадил пишган даражада бўлур. Ва ранги қизил ва ҳарорати ғаризийяси ғолиб бўлур. Ва номини истилоҳда балғамдин имтиёз учун иссиқ қон дерлар. Ва андин андак чалароқ ҳазм бўлғоннинг ранги оқ, яъни беранг ва ҳарорати кам бўлурки, номини совуқ қон ва балғами табиийя дерлар. Ва еврўпий табиблар қизил қонни “қизил шар” ва оқ қонни “оқ шар” дерлар. Ва шар бамаънойи курадур. Зероки қон турбин оина бирлан кўрилғонда ани ҳар бир ажзойи сигори куравий шаклда бўлур. Ва жавҳари кайлусидин иътидол даражадин ўтуб, тезоблик ва испиртлик даражаға борғони сафродурки, еврўпийлар ани “жёлтый сок”, яъни “зардоб” дерлар ва “шар” дерлар. Чунки сафро бағоят суюқ ва камранглигинин ажзойи сигорийни турбин оина ҳам кўрсатмоқға қуввати кифоя қилмас. Ва жавҳари каймусидин ҳосил бўлғон сўхта ва дурдасини савдо дерларки, булар ҳаммаси ахлоти табиийдурлар. Ва ғайри табиий ахлотлар буларнинг фосид бўлғонларидур. Ва фосид балғамға иштибоҳ бўлмасин учун юқорида баён бўлғон интибоҳда қон ва балғами табиийя демак ўрнида иссиқ қон ва совуқ қон лафзи мазкур бўлди.

ТУҶҚИЗИНЧИ ҚОИДА ФИЗОЙИ ДАВОЙЛАРДИН ОРИЗ БЎЛАДУРҒОН ЗАРАРЛАРНИНГ ТАДОРУКИ БАЁНИДАДУР

Махфий қолмағайки, агар физойи давоийлардин баъзисини хато тариқа бирлан тановул қилинғон бўлса анинг яхши тадбири шулки, ани қай ёки исҳол бирлан дафъ қилғай. Ва

агар қай ё исҳоли муяссар бўлмаса ёки анга бир монёъ бўлса, бу тақдирда ул ғизои давоийяни бошқа тадбир бирлан ислоҳ қилмоқ вожибдур. Батариқаи ислоҳ уч навъ бўлур.

Бир навъи шулки, ул ғизои давоийянинг ҳазми учун ёрдам берилур, токи тезроқ ҳазм бўлуб мундафиъ бўлғай. Ва табиатға кўп малол ва кулфат бермағай. Зероки ғизои мутлоқға назаран ғизои давоийянинг ҳазми қийиндур. Ва ани ҳазм қилмоқ табиатға малол ва душвордур.

Ва иккинчи тариқаи ислоҳ шулки, ғизои мазкурнинг фазласини назж қилмоғиға иъонат берилур. Зероки маълумдурки, ҳазми қийин бўлгон ғизодин фазла кўп ҳосил бўлур. Ва ани назжиға агар табиат қодир бўлмаса андин анвоъи касаллар пайдо бўлур. Бас, бундоқ ғизони фазласи кўп миқдорлик бўлғони учун ғолибан анга табиат пишурмоқдин ожиз бўлур. Ва кўп навъ касал андин ориз бўлур. Бинобарин ул фазлани пишурмоқға иъонат бермоқ вожибдур.

Ва учинчи тариқаи ислоҳ шулки, мазкур ғизои давоийя таъсиридин суъ ул-мизож пайдо бўлмоғини манъи учун тезроқ кўшиш қилмоқ вожибдур. Ва ани тариқаси шундоғ бўлурки, мазкур ғизои давоийя ҳануз ҳазм бўлмоғон вақтда ани устидин анга муҳолиф мизожлик нимарсадин ҳам тановул қилинур. Токи ани ихтилоти сабабидин аввалғи ғизодин кайфияти зоида пайдо бўлолмағай. Ва ғизо устига яна ғизонинг тадохули агарчи мамнуъ ва манҳий бўлса ҳам, аммо бу мақомда атиббо тадохулни жоиз, балки лозим билурлар. Чунки тадохулда ҳазми нуқсонлик хавфи бордур. Аммо бу жойда мизожни фосид ва ботил бўлмоқ хавфи бордур.

Бас, ҳазмнинг риоясидин мизожни риояси ҳам зарурдурки, ҳифзи сиҳҳат учун онга асл ва унда сабаби иътидол мизождур. Бас, тадохул бўлғувчи ғизои соний учун аввало ғизои аввални тафтиш ва тафаҳхус қилмоқ лозимдурки, агар аввалғи ғизои давоийя совуқ мизожлик бўлса, масалан қисо ва қаръ, яъни тевавовон ва ошқобоқ каби нимарсадин бўлса, ани таъдил бирлан ислоҳ қилмоқ учун сармисоқ ва гандано каби нимарсалардин истеъмол қилмоқ лозимдур. Ва агар

аввалги ~~ғизо~~ ғизо давоийя иссиқ мизожли бўлса, ани таъдил ва ислоҳи учун совуқ мизожлик ғизои давоийялардин, масалан, бақлат ул-ҳамқо ва қисо ва кашниз каби нимарсалардин истеъмол қилмоқ лозимдур. Ва агар аввалги ғизои давоийя мусаддиди масом нимарсалардин бўлса, ани таъдил ва ислоҳи бодиён ва карафш ва косний каби муфаттиҳи масом нимарсалардин истеъмол қилмоқ лозимдур. Ва баҳарҳол ғизои давоийянинг таъдили ва тадорукини анга зид бўлгон ғизои давоийя бирлан қилинур. Ва давои сарфдин истеъмол қилинмас.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу тўққизинчи қоида ғизои давоийяни истеъмолини хато тариқа бирла воқеъ бўлса, деб хатони қайд қилинди. Токи ани одат тариқасида доим истеъмол қилмоқ бу баҳсдин хориждур. Ва маънийи хато аввалда ҳеч воқеъ бўлмағон ва сўнгра иттифоқон беирода ё баирода, лекин бахилофи мақсуд воқеъ бўлгон нимарсани айтурлар. Бас, бу жойда хато тариқада истеъмол маъниси шулки, аввалда бу ғизои давоийяға одат қилмағон одам иттифоқан иштаҳо муқтазоси бирлан ўз ҳолиға нолойиқ нимарсани истеъмол қилгон бўлурки, ул нолойиқнинг тадоруки албатта зарурдур. Ва боқий тadbирларни ўнинчи қоидада баён қилурмуз, иншааллоху таъоло.

Агар мазкур хатодан истеъмол қилингон ғизои давоийя таъсири бирлан захарланмоқ хавфи ҳам бўлса, анга зид бўлгон ғизои давоийя бирлан тадорук қилгондин сўнг шарбати муқаввиялардин ҳам мувофиқ мизожини бермоқ керак. Масалан, агар иссиқ мизожлик ғизои давоийя тановул қилгон кишиға сиканжубин бермоқ муносубдур. Ва агар ул сиканжубин холис асалдин қилингон бўлса, яхшироқ бўлур. Ва агар асалдин бўлмай шакардин қилингон бўлса, андин бузварий афзалдур. Ва агар совуқ мизожлик ғизои давоийя тановул қилгон бўлса, анга моъ ул-асал ва шароби асалий ва шароби каммуний нофиъдур. Ва агар ул ғизои давоийя ҳам ғализ ва ҳам иссиқ мизожлик бўлса, анга кўпроқ бузвар бирлан қувват берилган сиканжубин яхшироқдур. Ва агар ул ғизои давоийя ғализ ва совуқ бўлса, анга мурч ва ялпиз бирлан қувват берилган сиканжубин яхшидур.

ЎНИНЧИ ҚОИДА МЕЪДАДА ФОСИД БЎЛҒОН ГИЗОНИНГ УМУМАН ТАДОРУКИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, агар вақтики гизонинг миқдори тановули баифрот кўп бўлса ва имтилонинг, яъни бўкмоқнинг хавфи бўлса ёки гизо тановулидин сўнг воқеъ бўлгон меҳнатлик ҳаракатнинг сабаби ила гизо меъдадин пароканда бўлуб, ичакға қабл аз ҳазм тушган бўлса ва ё гизодин сўнг кўп миқдор ичган сабабдин гизо сувнинг ёрдами бирлан меъдадин таралуб меъдада мушавваш бўлса, ҳатто баъзи қисми меъдаға қабл аз ҳазм ўтган бўлса, бас, вожибдурки, тезлик бирлан қай қилғайки, гизойи фосиднинг ихрожиға ҳеч тадбир қай каби сариё ут-таъсир бўлмас.

Аммо агар гизо меъдадин ичакға ўтуб қолгон бўлуб, қай қилмоқни вақти ўтган бўлса ва ё қай қилмоқға баъзи монельик сабаблар бирлан маъзур бўлса, исҳол бирлан ихрож қилмоқ лозимдур. Ва агар исҳол учун андак-андак иссиқ сув ичиб турмоқ кифоя қилса, бошқа тадбирға ҳожат бўлмас. Фақат иссиқ сувни истеъмол қилабермоқ лозимдурки, иссиқ сув гизойи фосидни ювуб тушар ва уйқу келтурар ва шул вақтда дарҳол ётуб ухламоқ керак. Ва уйқуни ғанимат билмоқ керак. Зероки уйқунинг муддати мумкин қадар узоқ бўлмоғида жигар ва томурлар мазкур гизойи фосиддин уйқу ичида пок бўлурлар. Ва агар иссиқ сув бакор келмаса ва ё муяссар бўлмаса кўрилулки, ани табиати худ баҳуд ижозат қилса, яъни ўзича ичи келса, муроиди ҳосилдурки, анга иктифо қилғай. Ва илло маризнинг ҳолиға муносиб бўлгон мулойимроқ нимарсалар бирлан ёрдам беруб ичини келтурмоқ лозимдур. Масалан, аввал ул гизойи фосидни ва ё кўп миқдор гизо тановул қилгон кишининг мизожи иссиқ бўлса итрифул ва гўлқанд бирлан исҳол қилмоқ кифоя қилур. Ва зўр исҳол берилмас. Ва агар анга сирка бирлан тарбияланган саътардин ҳам кўшулса яхшироқ бўлур. Ва агар ул гизони ва ё тановул қилгон кишининг мизожи совуқ бўлса, зиранинг жавориши ва хурмонинг жавориши ва шаҳриёрон кабилар муносибдур. Ва шунда фосид бўлгон гизонинг хирожиға энг яхши нимарса уч адад наҳуд миқдорича сабри сақутарий танҳо ютмоқ ва шул

миқдорча ~~оқ~~ сақични танҳо ва ёки бавроқ қўшуб ютмоқдур. Лекин бавроқнинг миқдори сақичнинг миқдориға баробар ва ё кам бўлсун. Ва зиёда бўлмоғи мумкин эрмас. Ва баъзи атиббо бу хусусда энг яхши тадбир андак афюнни шароб бирлан ичирмоқ, дебдурлар.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, агар бу мазкур бўлгон тадбирлардин ҳеч бири нафъ қилмаса сўнгра, албатта, вожибдурки, ул кишини узоқ вақт уйқуға буюрғай. Ва бир кечакундузгача ҳеч таом бермағай. Ва шул тадбир бирлан андак тахфиф топқондин сўнг ҳаммомға буюрғай. Ва меъда ва пўконнинг тўғриси бўлгон мавзёға такмид қилмоқ, яъни иссиқ нимарса босиб турмоқға буюрғай. Ва сўнгра бағоят латиф физодин тановулни лозим билғай. Ва агар ушбу тадбирларнинг ҳаммаси бирлан ҳам ҳануз баданда оғирлик ва аъзода тамаддуд ва сустлик ва малолат боқий бўлса, ул вақтда муқаррар билмоқ керакки, мазкур физойи фосиднинг фазлалари бирлан томур тўлгон бўлур. Ва кўп миқдор физо меъдада яхши ҳазм бўлолмас. Ва агар бўла олса андин ҳосил бўлгон кўп миқдор жавҳар кайлусини жигар ҳазм қилуб еткиза олмас. Бас, ночор ҳазми ноқислик ҳолда томурға ўтар.

Ва маълумдурки, меъдаға нисбатан томурнинг қуввати ҳозимаси жуда камдур. Бас, томур ўзининг вазифаси бўлгон ҳазми муқаррарасидин зиёда бўлгон жигар вазифасидаги нуқсонни ҳам тамом ҳазм қилмоқдин албатта ожиз бўлур. Бас, ҳазм бўлмоғон фазлалар томурға жамъ бўлуб, томурни таранг ва мутамаддид қилур. Ва баданға сустлик пайдо қилур. Ва эснамоқ ва керишмоқ ҳолатлар ориз бўлур. Ҳатто томур гоҳи камоли тамаддудин ёрилур. Баҳарҳол томурда физодин ҳосил бўлгон фазла бўлгонининг осори зоҳир бўлса дарҳол бақувват мусҳиллар бирлан фазлани ихрож қилмоқ лозимдур. Ва агар томурда фазланинг ҳосил бўлгонлиги баданға фақат чарчагонликдин бошқа асар эҳдос қилмаса, ул тақдирда неча вақтгача ул фазлаларни мусҳил даволар билан қўзғатуб, батадриж ихрож қилмоқ ва шул миёнада мазкур фазланинг назжи учун ҳам доим мунзиж истеъмол қилмоқ лозимдур.

Ва баъд аз назж ул чарчамоқ қайси жиҳатдин бўлса, анга муносиб тақвият, хоҳ тақвияти уруқ, хоҳ тақвияти ҳозима ва хоҳ тақвияти табиатга муносуб тадорук қилмоқ лозимдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ёшлик даври ўтуб қувват заифланмоқга моил бўлса, вожибдурки, шул вақтдин эътиборан одатдаги тановул қилинадурган гизо миқдорини камайтургай, токи ғизонинг фазласи зиёда бўлмағай. Зероки агар гизо одатга мувофиқ миқдорда бўлса, лекин ани назжиға ва дафъиға қувват кифоя қилмаса бешубҳа андин кўп фазла жамъ бўлуб, офатлар эҳдос қилур. Лекин бу ҳукм аксариятга биноандур. Ва илло шук йўқдурки, баъзи одам йигитлик даврида меъдасини ҳазми заиф ва баданининг ҳоли хароб бўлур. Ва йигитлик даври ўтгандин сўнг сиҳҳатланиб, қуввати ҳозимаси бақувват ва фазласи кам бўлур. Бас, булар кам ва нодир бўлғони учун бу мабҳасдин хориждур.

ЎН БИРИНЧИ ҚОИДА ТАОМНИ ҚАНДОҚ ҚОЗОНДА ПИШИРМОҚ АФЗАЛЛИГИ ВА ҚАНДОҚ ҚОЗОНДА ПИШИРМОҚ МАНҲИЙЛИГИ ВА ШУНГА МУТААЛЛИҚЛАР БАЁНИДАДУР

Ва билмоқ керакки, ҳар зарфики, жавҳари асл жайийд бўлса, анда таом пиширмоқ афзал бўлур. Бас, ҳаммадин афзал зарф тиллодин ишланган зарфдур. Ва баъд аз он кумуш зарф ва баъд аз он темур зарфдур. Лекин зарфни фазилати учун ани ювмоқда ғоят эҳтимом бирлан поклаб ювмоқ ва занг олдирмаслик шартдур. Ва агар ани ичини қалъий бирлан оқланса, занг олмаслигиға сабаб бўлур.

Ва билмоқ керакки, доим ғизони тилло зарфда пишируб тановул қилмоқ дилни бақувват қилур. Ва кўрқинчни зоил қилур ва заифликни барҳам берур. Ва инчунин темур қозонда пишган таом масонани ва аъзойи таносулни бақувват қилур. Ва нуъуз ва ҳаракати шаҳвоийя эҳдос қилур. Аммо бахилофи миски, анда таом пишурмоқ яхши эрмас. Хусусан узоқ муддатда пишган ва серёғ ва сермоийят бўлуб пишган таом ёки турш нимарса қўшуб пиширулган таом ва инчунин мис

асбобда узоқ турғон ёғ ва чарбилик нимарсаларни тановул қилмоқ сазовор эрмас.

Ва билмоқ керакки, мис асбобни қалъий бирлан оқартирилғони агарчи оқартирилмоғониға нисбатан зарари камроқ бўлса ҳам зарарига қалъий таом монёз бўлолмас ва зарардин таом холий бўлмас. Шунинг учун атиббо зиёда таъкид бирлан мис асбобға қалъий қилмоқни буюрарлар. Ва беқалъий мис асбоб истеъмол қилмоқни наҳий қилурлар. Ва қалъийси зоил бўлгон асбобни дарҳол янги қалъий қилмоқға таклиф қилурлар. Ҳатто баъзилар мис асбобда пиширулгон таомни доимий тановул қилгон кишиға жузом, яъни мохов касали пайдо қилмоғини заъам қилурлар. Ва гумони голибим шулки, аларнинг муродлари қалъий қилинмоғон мис бўлса керак. Ва жез ва биринж асбоби ҳам мис асбобнинг ҳукмидадур. Аммо софол идишда бир борадин зиёда бўлмаслик шарти ила бир бора таом пишурмоқ жоиздур. Ва инчунин юмшоқ тошдин ишлангон қозонда беш бора таом пишурмоқ мумкин дур. Ва андин зиёда пишурмоқ мамнуъдур. Зероки буларнинг жирмида тахалхул ва кавокликлар бордур. Ва анда пиширулгон таомнинг баъзи ажзоси ани кавокларига сингуб қолуб, уфунат пайдо қилур. Сўнгра ани уфунати сўнгғи пиширулгон таомға таъсир этуб, ани ҳам фосид қилур.

Ва атиббо дебдурларки, “лайса шайъин йухдису-л-ҳуммийоту-л-уфунийа кама йухдису ҳаза ва каза йухдису-л-жарабу би-қайҳин ва анваъан минал-амрози би-қуллин инсанин би-ҳасби гилз ал-ахлоти ва риққатиҳо ва би-ҳасби ма йалзамуху мин ат-тасарруфи ва-д-даъати ва-р-рийазати”, яъни ахлотнинг уфунати бирлан пайдо бўладурган иситма касалини пайдо қилмоқда ҳеч сабаб сафолда пишурилгон таом каби сарий ул-асар бўлмас. Ва инчунин йиринг ва фасодлик жараб, яъни ҳўл кўтир пайдо қилур. Ва ҳамма инсонға бадан осойиши ёки риёзатиға муносиб ва ул софолда пишгон таомға табиатни таважжуҳи ва тасарруфиға муносиб анвоъи касаллар пайдо қилур. Бинобарин софол идишда мукаррар пишган таомдин ҳазар қилмоқ вожибдур.

Шунинг бирлан биринчи фаслнинг биринчи жузви бўлгон маъкулот баёнига ниҳоя беруб, иккинчи жузви бўлгон машруба баёнига шуруъ қилурмуз.

“Амма-л-мау фа-вақтуҳу-л-ъаташу саваун кана ъала-т-таоми ав баъдаху”, яъни сув ва чой каби нимарсаларни ичмоқнинг вақти ташналик вақтидур. Хоҳ тамом тановули бирлан бирга бўлсин, хоҳ таомдин сўнг бўлсин. Ва билмоқ керакки, ташналик икки навъ бўлурки, бирини ъаташи содиқ ва бирини ъаташи козиб дерлар, яъни чин ташналик ва ёлгон ташналик демақдур. Бас, ъаташи содиқ шулки, таомда жавҳари арзийят голиб бўлур. Бинобарин ҳазми комил учун ноқобил бўлур. Чунки ҳазм учун таомни қивоми мўътадил бўлмоғи лозимдур. Ва ани мўътадил ул-қивом қилмоқ учун ҳазм вақтида таомға сув қўшмоқға табиат муҳтож бўлурки, бул ҳолатнинг номи ъаташи содиқ, яъни чин ташналикдур. Аммо агар меъданинг юқори тараф қисмида шўр балғам ўрнагон бўлса, ани шўрлигидин меъда озорланиб ани ювиб юбормоқ ёки шўрлик ҳиддатини таскин бермоқ учун доим сувни тақозо қилурки, бу ҳолатнинг номи ъаташи козиб, яъни ёлгон ташналикдур.

Ва инчунин истисқо касалида жигарга чала ҳазм бўлгон кайлус боруб, жигарни ҳазми каймуси учун ноқобил бўлур. Ва жигарни ҳазмига ожиз бўлур. Ва инчунин дафъиға ҳам ожиз бўлур. Бас, бу кайлус жигарда таваққуф қилуб, жигарнинг ҳарорати бирлан қизуб, яна жигарнинг ҳароратиға ҳарорати ғариба зиёда қилур. Бас, жигар ҳарорати ғарибанинг дафъи учун ҳар дам сувға муҳтож бўлурки, бул ҳам ъаташи козиб ва табиат ҳожатидин зиёда талабдур. Ва табиат учун айни зарардур. Бинобарин мотиннинг ъаташдин муродлари албатта ъаташи содиқдур. Бас, агар содиқни суроҳатан зикр қилсалар зебороқ бўлур эди.

Ва ташналикға сув ичмоқға мутааллиқ сўзларни беш машраб бирлан баён қилурмуз, иншааллоху таъоло.

БИРИНЧИ МАШРАБ СУВ ИЧМОҚ ВАҚТИНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, мўътадил мизожлик кишилар учун сув ичмоқнинг вақти меъда таомнинг ҳазмига шуруъ қилгондин сўнгги вақтдур. Яъни таом тановулиди сўнг бир соати комил ўтгандин сўнгра ичмоқ мумкин бўлур. Ва таомдин сўнг сув ичмоқга ҳожат бўлмоқнинг сабаби шулки, физоларнинг аксариди арзийят ғолиб бўлур, ваҳоланки, ани ҳазми учун қивоми мўътадил бўлмоғи лозимдур.

Ва арзийяти ғолиб бўлгон нимарсаннинг қивомини мўътадил қилмоқ учун анга сув қўшмоқга табиат муҳтож бўлур. Токи қуввати ҳозиманинг феълини қабул қилмоқга ани муҳайё қилғай. Зероки агар ҳазм вақтида сув қўшилур қивоми мўътадил бўлмаса, ғолибан ул гизо куйуб фосид бўлур. Чунончи куруқ донни қозонга солур пишурганда куйгани каби. Аммо агар таом ўзи суяқ таом бўлса, мўътадил мизожларни сувга кўп муҳтож қилмас.

Ва махфий қолмасинки, таомнинг тановул вақтида ва тановулдин сўнг бевосита сув ичмоқ манҳий ва нодурустдур. Чунончи ани сабаби сўнгги машрабда баён қилинур. Лекин бу манъ иссиқ мизож бўлмоғон кишиларга махсусдур. Чунки иссиқ мизожли кишини меъдаси қизуб тургон бўлур. Ва ани таом тановулида ва тановулдин сўнг бевосита сув ичмоғи жоиз, балки вожибдур. Зероки андоғ киши ташналикга сабр қилса, физоси агарчи суяқ бўлса ҳам куйуб фосид бўлур. Зероки таомнинг суви иссиғлик сабабидин меъданинг ҳароратини таскин бермоқга асар қилмас.

Ва инчунин мўътадил даражадин иссиғроқ бўлгон бошқа сув ҳам эътидолдин узоқлик даражасига муносиб таскини ҳарорат учун камроқ асар қилур. Камо ла йахфий (Чунончи, бусир эмас).

Ва яна билмоқ керакки, баъзи одамнинг меъдаси ҳароратлик бўлур. Бинобарин таомга иштаҳоси кам бўлур. Ва агар совуқ сув ичса меъдасини ҳарорати таскин топур иштаҳо ҳосил бўлур. Ба ҳарҳол сув ичмоқга вақт таъйин қилмоқни мизожнинг ҳолига

ҳавола қилинурки, ани риоясидин қатъий назар ҳукм қилмоқ хатодур. Зероки агар чин ташналик пайдо бўлса сув учун табиатнинг муҳтожлигига далилдурки, андин манъ қилмоқ боиси мазарратдур. Бинобарин соҳиби китоб вақтни мутлақ қўюб “фавақтуху-л-ъаташу саваун кана ъала-т-таъами ав баъдаху” дегандурлар. Ғоят шулки, муродлари андак хоҳишга мутобаъат қилмоқ зарур демак эрмас, балки ъаташи содиқ ва рағбати фоиқ муроддур. Бавужуди он иссиқ мизож кишилар учун сут ичмоқ мамнуъ бўлгон вақтларда совуқ сувни ҳам камроқ ичмоқ лозимдур. Ва ҳам февран симуруб ичмай андак таанний бирлан сўруб-сўруб ичмоқ лозимдур. Ва агар шундоқ кишилар холис сув ўрнига қанд ё набот қўшулгон сув ичсалар яхшироқ бўлур.

ИККИНЧИ МАШРАБ СОВУҚ СУВ ИЧМОҚ МАМНУЪ БЎЛГОН ВАҚТЛАР БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, сув ичмоқдин наҳий қилингон вақтларнинг бири таом тановул қилиб турган вақт ва тановулдин фориг бўлгон он дарҳол сув ичмоқ раво эрмас. Лекин бу ҳукм кишиларга махсусдур. Ва меъдаси ҳароратлик киши мустаснолиги юқорида мазкурдур.

Ва иккинчиси наҳор вақтида сув ичмоқ мамнуъдур. Зероки меъда таомдин холийлик вақтида сув меъдага боруб, бемуҳлат ва беислоҳ дафъатан боруб совуғлиги боқийлик ҳолда бевосита мулоқот қилса ани таъсири, балки ўзи ҳам аъзойи раисаларга етар. Бас, агар дилга етса ани ҳарорати ғаризийясини сўндуруб, нобуд қилмоқ ва дафъатан ўлдурмоқ ҳавфи бордур. Ва агар жигарга етса истисқо касали эҳдос қилмоқ ҳавфи бордур. Ва яна совуқ сув ичмоқдин пайларга ва ичакларга ва нафас олатларига ани кекирдак ва ўпка ва андаке гишоларга зарар қилур. Ва ичган суви нақадар совуқроқ бўлса, шул қадар зарари зўрроқ бўлур. Аммо ҳаво бағоят иссиқ бўлгон вақтида ёки бод вақтида ё ичакларида ҳарорати ғолиб бўлгон кишиларга наҳорга сув ичмоқ дурустдурки, бу совуқ сув мазкур кайфиятлар шаррига ва зарарига муслиҳ ва дофийдур. Ва ани совуғлиги муқобилдаги ҳароратларга муқовамати учун ҳам зарар қилмас. Ва агар андак зарар ҳодис бўлгон тақдирда ҳам

зўр офатлик зарарларни дафъи учун андак зарарнинг иртикоби жоиз, балки лозимдур. Шул сабабдиндурки, ўткир иссиғи бўлгон касалларга на наҳорга ичган совуқ сув зарар қилмас. Камо ла йахфий.

Ва учинчиси қаттиғ меҳнатлик ҳаракат ва риёзатдин сўнг бефосала истироҳат совуқ ичмоқ мамнуъдур. Зероки бу ҳолатларда ҳаракат сабаби бирлан аъзо қизуб, совуқ нарсага муҳтож бўлуб турар. Бас, агар шул вақтда совуқ сув ичулса, ул сувнинг совуғлиги батадриж зоил бўлмоғига муҳлат бермай бесабрлик ва камоли шавқ ила аъзо ул сувни жазб қилур. Бас, ул сув ҳануз совуғлик боқий ва мункасир бўлмоғон ҳолда аъзога борса, аъзодаги ҳарорати ғаризийнинг фаносига боис бўлур.

Ва инчунин меҳнат ва зўр ҳаракатлик жимоъдин сўнг совуқ сув ичмоқ қатъиян мамнуъдур. Зероки жимоъ ҳамма аъзо ва руҳ ва қувватларни ва қонни баробар ҳаракати бирлан ҳосил бўлур. Бас буларнинг ҳаракатидин баданда ҳам ҳарорат ғолиб бўлуб, совуқ нимарсага муштоқ бўлур. Ва ҳам бадандин маний мустафриғ бўлуб, аъзога қуруқлик ҳосил бўлғони учун бадан сувга муҳтож бўлур. Ва шул вақтда ичилгон совуқ сувни бадан зўрроқ ва кўпроқ жазб қилур. Бас, сувнинг совуғлигининг ҳодис бўладурган заифликга илова бўлуб худ сувнинг ўзидин ҳодис бўладурган заифлик кўшулса, аъзога заифлик ва ҳарорати ғаризийга фанолик кўпроқ ориз бўлур. Ва шу уч хил сабаб ҳаракати жимоъийлар совуқ сув ичмоқнинг энг зўр монельаридандур.

Ва тўртинчи сабаби ҳаммомдин чиқондин сўнг ҳануз баданнинг ҳарорати зоил бўлмоғон вақтда совуқ сув ичмоқ мамнуъдур. Зероки онда ҳам бадан ҳарорат сабаби бирлан эруб ва таҳлил сабаби бирлан қуруб сувга ва совуқ кайфиятга муҳтож ва муштоқ бўлуб турар. Шул вақтда ичилгон совуқ сувни қабл аз ислоҳ жазб қилур. Ва ани зарари баъд аз жимоъ ичилгон сувнинг зарари миқдорида бўлмаса ҳам, баъд аз ҳаракати шадида ичган сувнинг зараридин зиёдароғ бўлур.

Ва бешинчиси зўр исҳолдин сўнг совуқ сув ичмоқ мам-

нуьдур. Зероки исхолда баданға танқия сабаби бирлан куруқлик кайфият ориз бўлуб, бадан сувға муҳтож бўлур. Бас, шул вақтда ичилгон сувни қабл аз ислоҳ бадан жазб қилур. Аз баски, исхол таъсири бирлан таҳлил топуб камайгон ҳарорати ғаризийга мунжазиб бўлгон сувни совуғининг таъсири кўшулса боқий ҳарорат ҳам совуб, суств ва заиф бўлур. Ва бадан мизожиға заифлик ва аъзоға суствлик пайдо бўлмоғиға шул совуқ сув боис бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ушбу мамнуь вақтларда ичилгон совуқ сувнинг зараридин раъша ва хидр ва заъф каби касаллар, яъни титроқ ва камжонлик ва беқувватлик касаллар пайдо бўлур. Бас, ҳарорати ғаризийнинг имотати ва фаносиға боис бўлғувчи хоҳ совуқ сув ва хоҳ бошқа сабаб бўлса, андин ижтиноб ва ҳазар қилмоқ вожибдур. Ва агар гоҳи бир сабаби бирлан бир киши мамнуь вақтларда маъзур ва совуқ сувдин ҳазар қилмоқдин музтар ва ноилож бўлса, ул вақтда лозимдурки, аввало совуқ бирлан мазмаза қилуб, неча бор оғзини чайуб ташлағай, токи мазмаза сувини совуғлиги бирлан бадани иштиёқи камаюб суств ва фи-л-жумла сабр ва қаноат ҳосил қилғай. Сўнгра совуқ сувдин бар сабили имтисос андак-андак миқдордин гўёки имкон тариқи бирлан батаанний ичмоқ лозимдур. Токи шул қайдлар бирлан ташналик шоядки, зоил бўлғай. Ва илло дафъатан симуруб ичмоқ мутлақо мамнуьдур.

Бас, агар бу қайдлар кифоя қилмай ҳануз ташналик голиб бўлса, ул вақтда вожибдурки, аввало бир миқдор нон ва ё бошқа дона физосидин бир миқдор тановул қилуб, сўнгра сув ичмоқ керак, токи сув ул физоға мураккаб бўлгонлиқдин сўнг сувнинг латофати камаюб фи-л-жумла ғализ ва баданға мунжазиб бўлмоқға қобиляти камаюб, баданға тез нофиз бўлмай, меъдада таваққуф ила салоҳият ҳосил қилуб безарар ва ё камзарар ила кетгай.

Ва олтинчи ҳўл мевалар истеъмолидин сўнг совуқ сув ичмоқ мамнуьдур. Зероки меванинг суви бирлан холис сув бир-бириға жинслиқда ва кайфиятда муҳолифдурлар. Бинобарин ҳар иккисини бир-бириға жамъ бўлмоғи ҳар иккиси

учун боиси фасоддур, Ва окила, яъни еляра ва ёмон жароҳат ва йиринглик ва фасодлик яралар пайдо қилур. Хусусан қовун ва тарбузнинг жирми серрутубат ва сариъ ул-фасоддулки, анга сувнинг ижтимоъи кўпроқ фасодга боис бўлур. Бинобарин қовун ва тарбуз бирлан холис сувнинг қаю бири истъёмол қилинғон ва ул меъдада турғон замонда ва япа бирини истъёмол қилмоқ мамнуъдур, магар аввалғиси меъдадин ўтгондин сўнг яна бирини истъёмоли безарардур.

Ва еттинчиси уйқуга шуруъ вақтида ва ё уйқудин бедор бўлғон онда совуқ сув ичмоқ мамнуъдур. Ва инчунин кечасида агарки ухламаса ҳам совуқ сув ичмоқ мамнуъдур. Зероки бу вақт ичган совуқ сув аксар амрози димоғий эҳдос қилур. Лекин бу манъ ҳама инсонға баробар ва куллий эрмас. Чунки баъзи иссиғ мизожлик киши бўлса ва ё куннинг иссиғ вақти бўлса ва ё кечлик таом тановул қилган бўлиб, мазкур таомнинг қивомига мутаносиб миқдорлик совуқ сувни ичилса ва ё мазкур таом кечаси тановул қилиниб, анга мутаносиб миқдорлик совуқ сув ичмоқ хоҳ уйқудин аввал, хоҳ уйқудин сўнг бўлсин зарар қилмас. Бовужуди эҳтиёт учун совуқ сувдин ижтиноб қилиб, ани ўрниға иссиқ чой ичмоқ ва сўнгидин бир лаҳза ухламай сўзлаб ўлтирмоқ ва ё андақ ҳаракат қилиб юрмоқ, сўнгра ухламоқни афзал дерлар. Ва бунга далил учун ушбу вақтда совуқ сув ичиб дарҳол уйқуга шуруъ қилғон баъзи одамларнинг димоғига фасод ориз бўлғони ҳам кўрулғонлигини нақл қилурлар.

Ва инчунин уйқудин бедор бўлғондин сўнг то уйқу асаридин тамом фориг бўлуб, ҳавосси хамса жамъ бўлмоғон ва табъ ҳам бурунғи ҳолиға ҳануз етмагон бўлса, агарчи меъда таомдин холий бўлмаса ҳам совуқ сув ичмоқ раво бўлмас. Ва инчунин бошқа вақтларда ҳам ғаташи козибға итоат қилиб совуқ сув ичмоқ мамнуъдур. Ва ғаташи козиб ва ғаташи содиқ ва суккоринийнинг бир-бирининг фарқини яқинда тездин баён қилурмуз, иншааллоҳу таъоло.

Аммо билмоқ керакки, атиббонинг совуқ сув истъёмоли хусусида баён қилғон зарарлари шул таркибға амал қилмагон

кишиларға дафъатан пайдо бўлмоғи лозим эрмас. Зероки баъзи зарарлар эҳсос қилинмаслик миқдордин ориз бўлуб, узоқ муддат ичида ориз бўлгон зарарлар сўнгра зоҳир бўлур. Ва шунинг учун Шайх ур-раис алайҳир-рахма: “Ва ин лам йазурруху фи-л-ҳолий йазурруху ғала тувли-л-айями ва-л-амъани фи-амсий”, дебдурлар.

Бас, Шайх алайҳир-рахманинг бу сўзлари баъзи жоҳилларнинг ақл ва ҳикматдин узоғ бўлгон ноҳақ иродларини дафъ қилурки, алар заъам бирлан бизлар ҳукамо наҳий қилгон мунаҳқиётларини кўп иртикоб қилдик ва ҳеч зарар топмадик. Бас, жазм қилдикки, ҳукамонинг ҳукмларида ғалат воқеъ бўлубдур, деганлар. Ваҳоланки, бу жоҳилларнинг назарлари зарари ожилға мунҳасирдур.

Аммо ҳукамои муҳаққиқиннинг назарлари зарари ожилға, балки зарари ҳожилғача тааддий қилур. Зероки зарарлар бўлурки, қуввати табиатнинг бақувватлиги сабабли маҳсус бўлмас, аммо қарилик даврида албатта ани самарасини топқай. Ҳатто баъзи заиф табиатлик кишиларға ёшлик даврида ҳам зарар маҳсус бўлур. Бас, муҳаққиқларнинг ҳарчи ҳукмлариға итоат қилмоқ ва ҳар нимарсаики, ани иртикобини манъ қилсалар, андин ҳазар қилмоқ вожибдур.

Ва яна кутуби фикҳияда ҳам субутиға етгандурки, тиббнинг қонунича, зарарлик бўлгон нимарсани тарк қилмоқни шаръи шарифға ҳам муҳолифлиги йўқдурки, ани иртикоби шаръан ҳам манҳий ва мамнуъдур.

УЧИНЧИ МАШРАБ БИР-БИРИҒА МУХТАЛИФ БЎЛГОН ИККИ ХИЛ СУВНИ МЕЪДАДА ЖАМЪ ҚИЛМОҚ МАМНУЪЛИГИ БАЁНИДАДУР

Махфий қолмасунким, аҳли тажрибалар ариқ суви бирла қудуқ сувини меъдада жамъ қилмоқни манъ қилибдурлар. Аммо мазкур сувлардин бири меъдадин ўтгандин сўнг иккинчисини ичмоқни зарари йўқдур. Ва ҳақим ғарший “Шарҳи ғонун”да ёзибдурларки, бир неча бора тажриба сўнгида жазб қилдукки, ариқ суви бирлан қудуқ сувини жамъ қилгонда меъдада бод ва қароқур эҳдос қилур, дебдурлар.

Шоядки, анда ҳам бу бод ва қароқурлар ҳар икки сувнинг ғализ ва латифлигида бир-бирига мухталифлигинин ҳодис бўлғондур. Чунки қудуқ сувини ғализлиги ва ариқ сувини анга нисбатан латифлиги шубҳасиздур. Ва бошқа сувларда ҳам иллати фасод маълум бўлса, аларни ҳам жамъ қилмоқ мамнуълигиға ҳукм қилмоқ мумкиндур. Ҳосили калом меъдада ижтимоъи мамнуълик фақат чоҳнинг суви бирлан ариғнинг сувига махсус деб гумон қилинмасин, балки чоҳ суви бирлан ёмғур сувини ва инчунин ёмғур суви бирлан ариқ сувини ижтимоъи ҳам мамнуъдур. Ҳоят шулки, ёмғур суви бирлан ариқ сувининг фарқи камроқдур. Бинобарин аларнинг ижтимоъида зарар ҳам камроқдур. Ва илло инда-т-таҳқиқ чоҳ суви каби бир-бирлариға мухолафатдин холий эмаслар. Ва аларнинг ҳукмлари батариқаи ислоҳлари ва бошқа мутааллиқотларини маъкул ва машруб мабҳасида муфассал зикр қилунди. Ва бу мабҳас фақат маъкул ва машрубға мунҳасирдур. Бинобарин тақрор зикр қилинмади.

ТҶРТИНЧИ МАШРАБ СОВУҚ СУВ ВА ИЛИҚ СУВ ВА ИССИҚ СУВЛАРНИНГ АҲКОМИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, мўътадил мизожлик кишилар учун энг солиҳроқ сув совуқликда мўътадил бўлган сувдур. Ва агар мўътадил совуқ сув муяссар бўлмаса бошқа сувни амалий тариқа бирла мўътадил қилуб, сўнгра истеъмол қилмоқ лозимдур. Ва амалий иътидолдин мурод шулки, асар сув бағоят шиддатлик совуқ бўлса анга қайноқ сув қўшмоқ ёки оловга қўйиб ислоҳ қилмоқдур. Аммо офтобға қўйиб ислоҳ қилиб бўлмас. Ва агар мавжуд бўлғон сув иссиғ бўлуб, иътидол учун ани совутмоқ лозим бўлса, масалан, ях ё қор бирлан совутмоқға ҳожат бўлса аларни сувға қўшмай хориждин истеъмол қилмоқ лозимдур. Чунончи бир идишға ях солуб, сўнгра ани ичиға бошқа идишда бўлғон сувни идиши бирлан қўуб совутмоқ керак. Чунки офтобда исиган сувни истеъмол қилмоқда би-л-хосият барас, яъни пес касали эҳдос қилмоқнинг хавфи бордур.

Агар сувнинг ичиға ях ё қор солинса, эриб сувға қўшилур.

Ва маълумдурки, қор ва яхнинг суви бағоят ғализ ва касифдур. Ва иссиқ сув рақиқ ва латифдур. Ҳар иккисининг ижтимоъи мамнуъдур. Хусусан баъзи кўллар ва фасодлик сувлардин бўлгон ях бўлса ани фасоди тез таъсир қилур. Ҳаттоки янги ёғиб турган қорнинг суви ҳам ғализлик ваҳидин латиф сувга қўшилмоғи мамнуъдур. Ва қор сувини истеъмоли ҳам дуруст эрмас. Зероки пайларға ва ичакларға ва аъзои танаффусларға зарарликдур.

ТАНБИҲ. Қор сувини аъзойи мазкурға зарари совуқ жиҳатидин бўлса керак. Андоғ бўлса табиий совуқ сув ҳам эриган қорни сувидин совуғлиги кам бўлмоғон тақдирда бул ҳам мазкур аъзоға зарар қилса керак ва ҳеч фарқи бўлмаса керак, деб гумон қилинмасин. Чунки қор ҳарчанд эриса ҳам то қайнамаса ғализлиги боқий турар. Ва ғализлик сабаби бирлан мазкур аъзодин тезроқ ўтиб кетолмай кўпроқ таваққуф қилур. Бинобарин кўпроқ таъсир қилур.

Ва маълумдурки, фобилнинг мафъулға асари феълий мулоқот замониға муносиб ҳосил бўлурки, агарчи фобили заиф бўлса ҳам, лекин мунфаъилға мулоқоти узоқ вақтға давом этса ани таъсири оз муддат мулоқот қилгон бакувват фобилнинг таъсиридин кўпроқ таъсир қилур. Бас, собитдурки, эриган қор сувини совуқлиги холис сувнинг совуғлигининг кам бўлгон тақдирда ҳам аъзода кўп таваққуфи сабабдин зарари кўпроқ бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, мўътадил совуқ сувни мўътадил мизож кишига солиқ деб иътидолға қайд қилмоқнинг сабаби шулки, иссиқ мизожлик ва совуқ мизожлик кишилар бу ҳукмдин хориждурлар. Зероки иссиқ мизожлик кишилар гоҳи ўткир совуқ сувдин нафъ олурлар ва зарар кўрмаслар. Лекин маъазолика шиддатлик совуғни ҳеч вақтда истеъмоли сазовор эрмас. Ва шиддатлик совуқ сувға таҳаммул қилмоқ шундоғ кишиға махсусдурки, қони ғолиб ва гўшти кўп ва мизожида ҳарорати зўр бўлса ва илло таҳаммул мумтаниъдур.

ТАНБИҲ. Қони ғолиб кишини шиддатлик совуқ сувға таҳаммули ва андин зарар кўрмаслиги ани ҳароратидин экани

зоҳирдур. Бас, бу тақдирда лозим келурки, сафро мизожлик кишилар қон мизожликлардин зиёда таҳаммуллик бўлсалар, чунки сафронинг ҳарорати қоннинг ҳароратиға голиб ва зиёдадур деб, гумон қилинмасун. Зероки сафро мизож кишилар аксар ориғ ва камгўшт бўлурлар. Бинобарин шиддатлик совуғ учун камо янбағий таҳаммул қилолмаслар. Аммо қон мизожлик кишининг бадани сергўшт бўлур. Ва аъзоси қўп қалин гўшт бирлан ўролғон бўлурки, андин совуқ сувнинг зарари нуфуз қилиб асл аъзоға етолмас.

Ва маълум бўлдики, мўтадил мизожлар учун мўтадил совуқ сув муносибдур. Ва иссиғ мизожлик учун зиёда шиддатлик бўлмоғон совуқ сув муносибдур. Ва ифрот даражалик совуқ сув аларға ҳам мамнуъдур. Бас, ла маҳола собит бўлдики, совуқ мизожлик кишиларға совуғлиғи иътидолдин камроқ бўлғон сув муносибдур. Ва андин зиёда совуғи зарарликдур. Магар иссиқ ҳаво ва ё бир сабаби ориза бирлан ҳожат зўр бўлғон вақти мустаснодур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, совуқ сувнинг мўтадилға ва шиддатлиға ва бешиддатға қайд қилмоқнинг сабаби зоҳирдурки, албатта совуқликда даражалар мутафовутдур. Ва ҳар даражаси ҳар бир мизожға муносибдур. Лекин мўтадилдин мурад нима ва мутавасситдин мурад нима ва шадиддин мурад нималиғи аксарларға хафий ва аксар кутубда зикри матрукдур. Бинобарин бу мавридда таъйин қилмоқ лозимдурки, китобатдин мурад нафъи омма учун изҳори мақосиддур.

Ва зоҳирдурки, баданға сув тегса ё андин бир кайфият баданға маҳсус бўлур ва ё бўлмас. Бас, агар ҳеч кайфият баданға маҳсус бўлмаса бу даража иссиқ ила совуқнинг миёнасида ва мўтадили ҳақиқий ва ҳоқи васатдурки, бу даражани арабда фотир дерлар ва туркийда эмуқ дерлар.

Ва агар баданға бир кайфият маҳсус бўлса икки эҳтимолдин холий бўлмаски, ул кайфият албатта ё иссиғ бўлур ё совуқ бўлур. Ва бу кайфиятларнинг ибтидоий даражаси эҳсоси мумкин бўлғон даражадур. Ва интиҳоси иссиғликда қайнамоқ ва совуғликда музламоқдур. Ва ҳар бир кайфиятнинг ибтидосидин то интиҳо-

сиғача неча даражалар собитдур. Бас, бу мақомда мўътадил совуқ, шиддатлик совуқ ва мутавассит совуқлардин мурод қаю даражалик совуқ эканиға мисол ила баён қилмоқ лозимдур.

Мўътадил иқлимда саратон вақтда кундуз вақтда усти очиқ ариқда жорий бўлгон сувнинг даражасини мутавассит дерлар. Ва қалил ул-бард ҳам дерларки, совуқ мизождларға муносиб даража шулдур. Ва бошқа фаслларда қайноқ сув қўшмоқ ва ё оловға қўймоқ бирлан шул даражаға табдил қилмоқ лозим бўлур.

Ва мўътадил иқлимда савр ойининг нисфи охирида ва ё мезон ойида кундузи усти очиқ ариқда жорий бўлгон сувнинг даражаси мўътадилдур. Башарти ҳаво очиқ бўлса ва мўътадил мизождлар учун муносибдур. Ва мўътадил иқлимда далъ ойида ва ях остида бўлгон сув шиддатлик совуғдурки, ҳеч қандоғ одамға муносиб эрмас. Ва андин даражаси камроқ сув иссиқ мизождлар учун муносибдур. Ва бу баёндин маълум бўлурки, саҳиҳ одамларнинг ҳар бир фардида агарчи совуқ мизождлик бўлса ҳам совуқ сув ичмоқ учун ҳожат борлиғи муқаррардур. Ва ғоят шулки, мизождға муносиб даражада совуқ бўлмоғи мизожд даражасида муваввиздур. Ва совуқ сувға ҳожат борлигининг сабаби шулки, чин ташналик то совуқ сув бўлмаса бошқа нимарса бирлан таскин топмас. Ва совуғнинг таъсирида аъзонинг ҳамма ажзосини жамъ ва қабз қилмоқ ва салобат ҳосил қилмоқ лозимлиги сабабдин сув меъдаға қувват берур ва дилға роҳат етказур. Ва бухоротнинг суъуди, балки ҳусулиға монёъ бўлур. Ва баданға рутубатни кўпроқ ҳосил қилур. Ва шунинг учундурки, совуқ сув ичмоқни таклиф ва таҳриз учун ҳадиси шарифда ва “балайкум би-л-маи-л-баити”, яъни кечасида олингон совуқ сувдин ичмоқни ўзларингизға лозим тутинглар, мазмунда ҳадис ворид бўлганлиги ҳам совуқ сувға ҳожат борлиғиға далилдур. Зероки кечасининг суви албата кундузининг сувига нисбатан совуғроқ бўлур. Лекин ҳадисдаги ҳукм зоҳиран мутлақ бўлса ҳам дарвишнинг¹ фикри қосирим муқтазосича Макки Муқаррама ва Мадинаи Мунаввара ва

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

шулар каби ҳавоси бағоят иссиғ бўлғон шаҳарларга махсусдур. Зероки баъзи ҳавоси совуқ шаҳарларнинг кечалик сувлари ифрот даражада совуқ бўлурки, ани ичмоқ асло мумкин бўлмас. Хусусан қиш вақтларида ҳатто мазмаза қилиб бўлмас. Бас, ҳадиси мазбур албатта анга шомил бўлмаса керак. Ёки “муқай-йидун-би замони дуна замони охар” бўлса керак.

Ва юқорида маълум бўлдики, шиддатли совуқ сувни ичмоқ ҳар қаю мизожлик одам учун ёмон ва радийдур. Бас, агар андоқ сувдин ичмоқ бир одамға бир сабаби бирлан зарур бўлса, аввало таом тановул қилиб сўнгра мазкур сувдин камроқ миқдор ичмоқ лозим. Токи сувнинг зиёда совуглиги меъдада турғон иссиқ таомға қўшилмоқ бирлан совуглигининг шиддати мункасир бўлғай. Ва ҳам таомға ихтилоти ва миқдорда мағлублиги ила меъдадин аъзоға тез нуфуз қилмағай. Ва совуқ сувни ҳақиқати ва фоидалари ва зарарлари маълум бўлди.

Бас, эмди фотир, яъни илиқ сув ва қайноқ сувларни баён қилинур.

Билмоқ керакки, қайноқ сув ва илиқ сувларни истеъмол қилмоқ жоиз эрмас. Магар ҳар вақтки, илож учун қай қилмоқ мурод бўлса қай қилдурадурган доруни илиқ сув бирлан ичмоқ лозимдур. Токи илиқ сувнинг шаънида ҳам фи-л-жумла қай қилдурмоқ иқтисоси бордурки, ани бирлан дору таъсириға иъонат берур. Ва меъдани чайиб тоза қилмоқ ва ични юргизмоқ матлуб бўлса қайноқ сув ичмоқ муносибдур. Токи меъдадаги балғами шўр ва балғами лазижаларни ўз иссиғи бирлан эритуб, ҳам ўзини мулаййин ва мураххийлиги бирлан меъданинг қуввати мосикасини заиф қилур. Ва меъдада мавжуд бўлғон ахлот ва фазлаи гизони эритуб ювуб турар. Бинобарин баъзи мусҳил ҳаббларни ва суфуфларни қайноқ сув бирлан ичмоқни таъйин қилинғондурки, қайноқ сув ул доруға иъонат қилғай.

Ва инчунин ʔаташи козибни таскин берур. Чунки ʔаташи козибға сабаб бўлғон балғами шўри лазижани эритуб меъдани андин пок қилур. Аммо маъазалика кўп ичмоқ сазовор эрмас. Чунки қайноқ сувни кўп ичмоқ меъдани суст қилур. Аммо қайноқ сувнинг совугани қалил ун-назж, яъни баданға нуфуз

учун кам қобилиятдур. Хусусан иссиқ мизожлик кишиларга муносиб эрмас. Ва бошқа аҳкомлари “Мабҳаси маъкул ва машруб”да муфассал мазкур бўлгондур.

БЕШИНЧИ МАШРАБ ЎАТАШИ СОДИҚ ВА ЎАТАШИ КОЗИБНИ ВА СУВ ИЧМОҚ ТАРИҚАСИНИ ВА БОШҚА МУТААЛИҚОТНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, жумҳури атиббо наздларида би-л-итти-фоқ ўаташи содиқ, яъни чин ташналик шулдурки, бадан ва аъзонинг рутубатга ҳожати ва ифтиқори учун бўлғай. Чунончи бадандин таҳлил ила фано бўлгон рутубатларга бадал бўлғай. Ва ё баданга пайдо бўлгон йубусат ва ҳароратни зоил қилмоқ учун бўлса ва ё тановул қилингон таомнинг қивомини ҳазмга қобил даражада суюлтирмоқ учун бўлса, уларни ўаташи содиқ дерлар. Ва бундин зиёдасини ўаташи козиб дерлар.

Ва жумҳурни шунинг учун қайд қилиндики, ўаташи козиблардин баъзи қисми баъзи атиббо наздларида ўаташи содиқ жумласидин ҳисоб қилинур. Чунончи пастда баён қилурмуз.

Ва билмоқ керакки, жумҳури атиббо наздларида би-л-иттифоқ ўаташи козиб шулки, бир хилти шўри ғализ, чунончи балғами шўр ё хилти лазижки, шадид ул-ёбис, яъни қуруғлиги ғолиб, чунончи балғами жасий ва ё хилти ғализи шадид ул-йибс, чунончи хилти савдовий эҳтироқи меъдага жамъ бўлса ва ани ювмоқ учун меъда сувга толиб бўлса ва ани талабиға мувофиқ табиат ҳам мазкур моддани зоил қилмоқ учун сув талаб қилса, бу ҳолат ўаташи козибдур.

Ва ани хос аломати шулки, нақадар кўп сув ичса шу қадар йўтал пайдо қилур. Ва агар сабр қилса ва ё ухласа ва турса, шул фурсатда мазкур модда таскин топиб, ташналик ўзича зоил бўлур. Ва ё қайноқ сувдин кўп ичмоқ бирлан мазкур хилт эриб зоил бўлғони учун ташналик таскин топқайки, бу ташналик ўаташи козибдур. Ва таомдин сўнг меъдани ва табиатни ҳазм учун машғул ва муштаъил бўлгон вақтида ҳарчанд кофий ва вофий миқдорда сув ичгани бирлан яна боқий турган ташналик ҳам ўаташи козиб қабилдиндур. Ва ўаташи козибга иътамид бирлан сув ичмоқ жуда қаттиғ

зарарликдур. Бас, ани дафъи учун совуқ ҳавоға чиқиб нафас олмоқ ва совуқ сув бирлан мазмаза қилмоқ авлодур. Ва буни бирлан ташналик босилмаса жумраги бағоят танг бўлгон идишдин сув эмгони каби сўруб ичмоқ мумкиндур. Ва бу жумлада кофий ва вофий миқдорда деб қайд қилинди, токи таомни қивомини ҳазмға қобил даражада суюлтирмоқ учун сув талаб қилгон ʔаташи содиқ бу ҳукмдин хориж бўлғайки, миқдори кофий шундин иборатдур. Ва андин зиёданинг талаби ʔаташи козибдур.

Аммо атиббо наздларида содиқ ва козиблиғи ихтилофлик бўлгон ʔаташ маст кишиларға ва хумор кишиларға ориз бўлгон ташналиқдурки, аларға аксар кечаси ва уйқудин сўнг ориз бўлур. Ва ани баъзи атиббо ʔаташи козиб дерлар. Ва баъзилар ʔаташи содиқ дерлар. Ва Шайх ур-раис алайҳир-раҳма ʔаташи козиб дегувчилар жумласидандурлар. Шунинг учун “Қонуни кабир”да “мутаваʔату-л-ʔаташи-л-казиби фи-л-лайли кама йаъризу-с-суккара ва-л-махмурина заррун жиддан”, яъни кечасида маст кишиларға ва хумор кишиларға ориз бўлгон навъи ʔаташи козибға фармонбардорлик қилмоқ, яъни бу ʔаташнинг тақозосиға итоат бирлан сув ичмоқ бағоят зарарликдур, дегандурлар.

Аммо ҳақим Қарший раҳматуллоҳи алайҳ бу ташналикни ʔаташи содиқ дерлар. Шунинг учун “Шарҳи Қонун”нинг бу маҳаллида ёзибдурларки, “Йушабиху ан йақуна ʔаташи-с-сукран ави-л-махмурина лайса би-казибан лианнаҳу ҳадисун ʔан тасхин уш-шараби ли-л-миʔдати ва иннама йанбағи ʔан йусамма казибан иза кана ʔан балғами лазижин ав малижин ав ғализин ва иза кана шурбу-с-сукран ави-л-махмуру ли-ажли ҳарорати-л-миʔдати би-сабаби тасхини-ш-шароби лаҳа фа-лайса залика ʔиндий би-мазмумин лианнаҳу йусаккину ҳазиҳи-л-ҳарарата ва йутфиҳа”, яъни мастликни ё хуморликни ташналиғи козиб эмасға ўхшар. Зероки бу ташналик меъдани шароб қизитиб юборғонидин ҳодис бўлур. Ваҳоланки, ʔаташи козиб деб исм бермоқ анга балғами лазиж ё балғами шўр ва ё балғами ғализдин бўладурғон ташналиқларға сазовордур. Ва ё

мастлар ва ё хуморларни сув ичмоқлари шароб қизитғонидин меъдаларида пайдо бўлгон ҳароратни таскини учун бўлса бу ташналик мени наздимда мазмум ва ёмон эрмас. Зероки бу ташналик мазкур ҳароратни пасайтируб таскин берар, дебдурлар.

Ва ҳақирнинг¹ ақидасида онча ҳақ Шайх ур-раис жонибларидадур. Зероки ʔаташи содиқ деб баданнинг ҳожати аслийя табиийясиға зарурий бўлгон миқдор сувнинг талабини айтулар. Ваҳоланки, шаробнинг тасхинидин ҳодис бўлгон ташналик ҳожати аслийя табиийя эрмас. Балки ҳожати ибтилоийя зоидадур. Чунончи кўкнорға мубтало кишиларни ичган кўкнорлари ва сўнгидин дам-бадам ичиб турган беандоза чойлари албатта ҳожати табиийядин хориждур. Ҳатто ҳаким Қарший ўзлари ҳам бу маънийга қоил ва муътарифдурлар.

Ва яна бир далил шулки, мастлик ҳолда шаробнинг тасхини бирлан меъдаға ҳарорат пайдо бўлуб ташна қилмоғи мумкин бўлса ҳам, аммо хуморликда шароб мавжуд эрмас. Балки шароб учун эҳтиёт мавжуддур. Эмди буни ҳам шаробнинг тасхинидин ҳодис демак шоёни таажжубдурки, фақат ҳожати ибтилоийя демакдин бошқа тавжиҳ кўринмас.

Ва яна бир далил шулки, агар шаробнинг тасхинидин ҳодис бўлгон ҳароратни ўзидин зоил қилмоқда меъданинг сувға ҳожатини ҳожати аслийя табиийя десалар балғами шўрнинг шўрлигидин ҳодис бўлгон ҳирқат ва ҳароратни зоил қилмоқ учун ҳам меъда сувға муҳтождур. Ва бу ҳожати аслийя табиийя демак лозим келур. Ваҳоланки, буни ʔаташи козиблигига ҳаким Қарший муътарифдурлар.

Ва яна бир далил шулки, истисқо касалида меъдадин ҳазм кайлуси ноқис бўлуб боргон жавҳари физони жигар ҳам ҳазми кайлусда тамом ва комил ҳазм қилолмас. Ва жавҳари физонинг ажзоси комил ҳазм бўлмоғони учун ғализлик қилиб жигарда таваққуф қилур. Ва жигарни ҳарорати бирлан қизиб ҳарорати ғариба пайдо қилур. Ва бу ҳарорати ғарибанинг жигарга таъсир

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

қилуб, ани ҳароратини зиёда қилур. Бас, ночор жигар ўзиға ориз бўлгон ҳароратни таскин бермоқ ва ўзида боқий қолгон жавҳари ғизойи ғализни с/юлтируб ўзидин дафъ қилмоқ учун доим сувға муҳтождурки, бинобарин бу касалнинг номини истисқо дерлар, яъни сув талаб қилмоқ демақдур.

Бас, агар аъзо ўзиға ориз бўлгон ҳароратни изоласи учун сувға бўлгон ҳожати аслийяи табиийя бўлса истисқонинг ташналиғи ҳам ʔаташи содиқ бўлмоғи лозим келур. Ваҳоланки, бунга ҳеч ким қоил эрмас. Ҳаттоки ҳаким Қаршийнинг ўзлари ҳам ани козиблиғиға қойилдурлар.

Бас, собит бўлдики, ҳаким Қаршийнинг қавллари қавли садиқ эрмас. Ва ҳақиқатдин баъийддур. Валлоху аълам би-с-саваб.

ФОИДА. Билмоқ керакки, қор тановул қилгон кишиға баъд аз тановул ориз бўлгон ташналик ҳам содиқ ёки козиблиғида ихтилоф воқеъ бўлуб, баъзилар содиқ ва баъзилар козиб дерлар. Ва ҳар қаюлари ўз даъволарини исботиға далил баён қилурлар. Чунончи буни ʔаташи содиқ дегувчилар дерларки, қор агарчи би-л-феъл совуқ бўлса ҳам аммо би-л-қувва иссиғдур. Чунки қорнинг жирми бухороти духонийядин мураккабдур. Бас, ани тановул қилинғонда меъданинг ҳарорати бирлан ани совуғлиги зоил бўлғондин сўнг духонийятнинг иссиғлиги асар қилиб, меъдаға ҳарорат пайдо қилур. Ва меъда ани зоил қилмоқ учун сувға муҳтож бўлур. Бас, қорнинг ҳароратининг дафъи учун бўлгон ташналик албатта ʔаташи содиқдур, дерлар.

Аммо ани ʔаташи козиб дегувчилар дерларки, қорнинг хосияти шулки, ўзининг совуғлиги бирлан балғамни ва рутубатни касиф қилур. Яъни меъданинг ичида мавжуд бўлгон балғам ва рутубатлар батариқаи инжимод ғализ бўлур. Ва ғализнинг дафъи учун меъда сувға толиб бўлур. Ваҳоланки, инжимоди ғализни рақиқ қилмоқға эритмоқ ила ҳарорат ёрдам бермаса бу ёрдамни совуқ сувдин умид қилмоқ хилофи табиатдур. Бинобарин бу ʔаташ-ʔаташи козибдур, дерлур.

Ва роқими мискин¹ дерманки, мани занни ғолибимда сўнгги қавл ақраб басавобдур. Зероки аввало қорни жирми духондин мураккаблиги собит эрмас. Балки совуқ ҳаводин мутаассир бўлуб, инжимод ҳосил қилгон бухороти мойиядур. Ва духоннинг таркибига далолат қилғувчи ҳеч асар ва аломат қорда мавжуд эрмас. Чунки мойиятнинг асл шаъни хоссаси беранглиқдур ва анинг инжимодининг хоссаси оқлик ва рукни сувдур. Аммо духоннинг рукни арзиятдур. Ва асли сифати хоссаси қаро ранглик бўлмоқдур. Чунончи биринчи мақолада “Боби аркон”да муфассал баён қилдим.

Аммо қорда сифати хоссаи духон бўлгон қаро рангдин ҳеч андак ҳам маҳсус эрмас. Ва агар би-л-фараз кўзга маҳсус бўлмас даражада бағоят оз миқдор духон ҳам мураккаблигини таслим қилсак, тановул қилингон андак миқдор қорға андак мураккаб бўлгон ғоят даража кам ва ҳукми адам бўлгон гавҳари арзийяни бу қадар ҳарорат эҳдос қилмоғи ақлан, балки ваҳман ҳам мумкин эрмас.

Ва жавҳари арзийя жумласидин бўлгон ғизоларни қуруғлик ҳолида мазкур тановул қилинган қорни миқдориға неча ҳисса зиёда тановул қилинса ҳам бу қадар ташналик эҳдос қилолмас. Ва бундин собит бўлурки, қорда духонийят мураккаб ҳам эрмас. Мураккаб бўлгон тақдирда муассир ҳам эрмас. Чунончи “Мақолаи сонийя”да “Асбоби зарурийянинг иккинчи фасли”да “Маъкул ва машруб”нинг охиринчи қисмида қорни ва қор ва ёмғур сувларини баёнида бу хусусни кўп далиллар бирлан батафсил баён қилдим. Ва шу далилларға биноан қор тановулидин меъдаға ҳақиқатдин ҳарорат ғолиб бўлмоғи баъийдун куллу-л-бўъд бўлмоғи ва бу ташналик албатта ыаташи козиблиғи суроҳатан маълум бўлур.

Аммо қор тановулидин сўнг ташналик пайдо бўлмоғининг сабаби шулки, албатта зоҳирдурки, иссиқ нимарсаға совуқ сув ёки қор бориб текканда дафъатан иссиқ ила совуқ биририға қарши муқовамат қилуб, мазкур иссиғнинг таъсири

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

қорни эритмоқ ва сувини бухорот қилиб кўтармоқдур. Ва меъдаға мазкур бухорот жамъ бўлса бир ҳарорати ғариба ориз бўлур. Ва шунинг изолаеси учун меъда сувға толиб бўлур. Бас, агар анга сабр қилинса, мазкур бухорот таҳлил топғондин ташналик худ-бахуд зоил бўлур. Ва ҳожати табиийядин бўлмас. Чунки мазкур муқовамат қилмоқ қорнинг совуғлиги меъданинг иссиғидин асарланиб, сўнг камайғони каби меъданинг иссиғи ҳам қордин асарланиб камаюр. Ва агар ани устиға бу ташналикни эътибор қилиб сув ичса яна зиёда совуб кетмоғи ва ҳоли табиийсидин тамом ўзгариб кетмоғи лозим келур. Бинобарин бу ташналик албатта ʔаташи козиб бўлса керак.

Ва инчунин ғизои ғализи лазижларнинг тановулидин сўнг, чунончи янги балиғнинг гўшти ва ҳалим ва калла-пойча каби ғизолар тановулидин сўнг ориз бўлғон ташналикда ихтилоф воқеъ бўлуб, баъзилар ани ʔаташи содиқ ва баъзилар ʔаташи козиб дерлар. Чунончи агар ғизои лазижаи ғализ меъдадин жигарға борғонда мазкур ўзини шираси ва ғализлиги ила мосариқони банд қилуб, аъзоға сув бормоғи учун маний бўлса ва аъзо сувға ҳақиқатан муҳтож қолса, бу тақдирда албатта ʔаташи содиқ дегувчиларнинг сўзлари ҳақдур. Ва агар мазкур ғизони табиат баданға номувофиқ кўруб, ани меъдадин ювуб, ичак тарафға дафъ қилмоқ учун табиат сувға муҳтож бўлса бу ҳолат ʔаташи козибдур. Ва баъзилар наздида бу ҳолат ҳам ʔаташи содиқлиги даъво қилинурки, моддаи лазижани дафъ қилмоқ учун ҳароратни меъдаға табиат мутаважжиҳ қилуб, албатта ташналик пайдо қилур. Ва табиатнинг хоҳиши бирлан пайдо бўлғон ташналик албатта содиқ бўлур, дерлар.

Аммо мискиннинг гумони голибимда мазкур ғизонинг тановулидин тақрибан олти ярим соат ёки зиёда замон ўтгандин сўнг ташналик ориз бўлса, шубҳасиз ʔаташи содиқдур. Зероки бу фурсатда жавҳари ғизонинг жигарға борғон, лекин лузужатидин масом банд бўлғони учун бадан сувға муҳтож бўлғон бўлур. Агар баъд аз тановул икки-уч соат ичида ташналик воқеъ бўлса, албатта сабаби табиатнинг тафаррути бўлурки, ʔаташи козибдур.

Магар балиғ гўштини танҳо тановул қилғон бўлса ва сув ва ё чой ҳамроҳ қилмоғон бўлса икки-уч соат ичида қуруғлигининг ҳазмга ноқобиллиги сабабидин ани қивомини суюлтириб, ҳазм қилмоққа табиат таважжуҳ қилуб, сувга муҳтож бўлурки, ташналикни содиқлиги шубҳасиздур. Лекин баҳарҳол физои лазижаи ғализнинг тадбири айнан ʔаташи козибнинг тадбири бўлур. Ва физои ғализ сабабидин бўлғон ташналик бирлан ʔаташи козиб тадбири моддани кўчирмоқ ва суюлтирмоқда баробар ва фарқсиз бўлса ҳам, лекин физои ғализ ташналиги учун совуқ сувни кўп ва батакрор ичса, ташналик таскин топқай.

Аммо балғами шўр ва балғами лазижнинг ʔаташи козиби ҳарчанд совуқ сув ичса ҳаргиз таскин топмас.

ТАНБИҲ. Сув ичмоқда одоб ва эҳтиёт шулки, сувни батадриж, оз-оз ичмоқ керак. Ва бир дам бирлан тўйуб симируб ичмоқдин эҳтироз қилмоқ керак. Ва миёнада неча дафъ таваққуф бирлан ичмоқ керак. Ва таваққуф ва нафас вақтида сув косасини оғиздин узоқ тутуб турмоқ лозимдур, токи нафаснинг бухороти духонийяси мазкур авом миёнасида одати қабиҳа бўлғон тариқада оғизни юқори кўтариб очиб, шиша ёки жўмрак бирлан сувни узоқдин қуйиб ичмоқдин ҳазар қилмоқ вожибдурки, гоҳи зўр ва муфрит йўтал ва бошқа офатларга боис бўлур. Ва гоҳи мазкур сувдин бир миқдори нафас йўлига кетуб, қориктурмоқ каби сабаби ҳалок бўлмоқ хавфи бордур. Ва сув ичмоқ учун зарфнинг энг яхшиси пиёла каби усти очиқ бўлғай, токи сувда зулув ёки бошқа нимарса бор бўлса ани кўрмоқ мумкин бўлғай. Ва агар кечаси қоронғи вақтда сув ичмоқ лозим бўлса чироқда кўриб ичғай, чунки қоронғи вақтда ичмоқ ва ё обдастанинг жўмраги каби ичидаги суви кўринмайдурган нимарсадин сув ичмақда зулув каби нимарсаларнинг зараридин эмин қолмаслик хавфи бордур. Ва яна мазкур пиёла гоҳи оқ бўлмоғи лозимдур, токи сувда мавжуд бўлғон зарра каби майда нимарса ҳам кўзга маҳсус бўлғай. Ва пиёла ҳажми қалин бўлғай, яъни суврати катта кўриниб, ичидаги суви кам миқдор бўлғай, токи ани

сувратиға назаран сувиға нафс гүё тўядурғон каби қаноат ҳосил қилғай.

Аммо сувни ҳақиқатда камроқ ичган бўлғай. Ва пиёланинг моддаси ҳарчанд латифроқ бўлса, яхшироқдур. Ва билмоқ керакки, қўрғошимдин ва қалайдин бўлгон идишда сув ичмоқ ташналикни тезроқ таскин берар. Аммо мисдин бўлгон идишни доим истеъмол қилмоқни баъзи ҳукамо муҳдиси жузом, яъни мохов касали пайдо қилур, дебдурлар. Лекин мани гумони ғолибимда бартақдир рост бўлса ҳам бу ҳукм қалай қилинмоғон мис идишға бўлса керак. Ва тиллодин ва кумушдин бўлгон идишда ичмоқ заъфи дилға қувват берур. Ва хафақон касалини зоил қилур. Лекин ҳадд ал-имкон ани истеъмол қилмаслик сазовордурки, аларни истеъмоллари ҳадиси шарифда таҳдид бирлан манъ қилинғондур. Ва булар каби маъданий моддалардин бўлгон идишларнинг ҳукмларини “Маъкул ва машруб” мабҳасидаги ўн биринчи қоидада муфассал баён қилғон эрдим. Бинобарин бу жойда тақрор қилмадим.

ТАНБИҲ. Билмоқ кераки, бир одам баъзи сабаблар бирлан маъзур бўлуб, ташналикға сабр қилмай кўп миқдор сув ичиб меъдаси тўлғон бўлса, хоҳ ул одам сиҳҳат ҳолда, хоҳ мараз ҳолда бўлсаки, дарҳол ҳаракат қилиб қай қилмоқға шуруъ қилмоғи лозимдур. Токи кўп сув ичганликнинг офатидин саломат бўлғай.

ФОИДА. Атиббо услубларида сув ичмоқ тадбирларининг қаторида шароб, яъни хамр ичмоқ тадбирларини ҳам баён қилибдурлар. Лекин роқими мискин¹ хамрнинг қатъий ҳаром ва нажас ул-айнлигиға ва шаробининг мавриди лаънат ва нафратлигиға биноан услуби атиббодин мужтаниб бўлуб, ани баёнидин имтиноъ қилдим. Ва ани ўрниға мусалласи шаръийнинг баёнини муносиб кўрдимки, бунинг манфаатлари ҳам хамрнинг манфаатлариға яқиндур. Чунончи баён қилинур. Ва яна аз рўйи шаръ ҳазрати имом Абу Ҳанифа ва имом Абу Юсуф раҳамаҳумаллоҳ наздларида ҳалолдур. Ва бир ривоят ила имом Муҳаммад раҳматуллоҳ наздларида ҳам ҳалоллиги

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

марвийдур. Чунончи “Ҳидоят ул-фиқҳ“ ва бошқа мўътабар китобларда шундоғ баён қилинғондур. Лекин мусалласнинг ҳалоллиги неча шароит бирлан маршрутдурки, бул шароитларга мувофиқ бўлмас. Бас, ани шароби бу шароитдин ғофил қолмасин учун аввало шароитни баёни сазоворроқдур.

Ва махфий қолмасинки, мусаллас ичмоқ ибодатга қоим бўлмоқга зарур бўлгон сиҳҳатлик учун даволанмоқ ва қувватланмоқ нийяти ила бўлғай. Ва ҳаром бўлгон мастлик даражада еткизадиган миқдордин камроқ ичмоқдур. Ва ҳаром бўлгон мастликдин мурод сўзида ҳазён ва беҳудагўйлик пайдо бўлгон ҳолатдур. Бас, агар кайф ва хурсандлик қасди бирлан ичса ва ҳазён сўзласа муттафиқун ғалайҳ ҳаромдур. Ва шунинг учундурки, авом ун-нос ўзларини бу шароитга мувофиқ эҳтиёт қилмоқликларини қийинлигини кўруб имоми Муҳаммад раҳматуллоҳи алайҳ мусалласни ҳам бошқа шароблар қаторига қўшуб, ҳаммасини ҳам ҳаромга ҳукм қилдилар. Ва ул замоннинг уламолари бу ҳукмга фатво ҳам берди. Ва би-л-жумла имоми муҳтарам ва хайр ул-умамнинг наздларида ҳалол бўлгон нимарсани шароитини риоя қилиб туруб даво учун ичилса ағлаб шулки, ул киши ғиндаллоҳ айбдор бўлмас. “Лианна-ламала би-ривояти-с-сиқати лайса мимма йувахизу ғалайҳ амилуҳа”.

Ва яна мусалласнинг моҳиятида ҳам атиббо миёналарида ихтилоф бордурки, бу ихтилофни ҳам баён қилуб ўтмоқ лозимдур, токи уламо миёналарида ҳалол ва ҳаромлигида ихтилоф воқеъ бўлгон мусаллас қайси навъ мусаллас экани равшан маълум бўлсин.

Билмоқ керакки, аксар атиббо ва уламо наздларида мусаллас шулки, узум ширасини олиб бошқа сув қўшмай холис ширанинг миқдорини ўлчаб жазм қилғондин сўнг қайнатилуб. Ва мазкур ширанинг уч ҳиссасидин икки ҳиссаси камаюб, фақат бир ҳиссаси қолғунча қайнатилуб, сўнгра ихтиёрликдурки, андак сув қуюб, андак суюқ қилмоқни хоҳлаган киши анга бир қадар сув қўшуб яна бироз қайнатиб, сўнгра идишга кўтарур ва қуюглигини хоҳлаган киши бошқа сув қўшмай,

мазкур боқий бир ҳиссани ўзини идишга кўтарур. Ва оғзини маҳкам беркитуб, шароблик кайфият ҳосил қилгунча иссиғ жойда сақланурки, мусалласи шаръий ушбудур. Ва буни ичганда мастлик ориз қилмоқдин миқдори муттафиқун ғалайҳ ҳалолдур. Ва мастлик ориз қилгон миқдорида ихтилоф бордурки, мазкур миқдордаги шарбат ҳаром ёки ани мастлиги ҳаромдур. Баҳар-тақдир зиёда миқдор ичмоқ ҳаромликдин холий бўлмас, дерлар.

Аммо “Баҳ ул-жавоҳир”да ёзгондурларки, Муҳаммад ибн Маҳмуд “Шарҳи куллиёти Йилоқий”да ёзибдурки, мусалласи тиббий шулки, уч ҳисса шарбатга аввал бир ҳисса сув қўшуб тўрт ҳисса қилинур. Сўнгра мазкурдин нисфи қолгунча, яъни холий сув тамом кетуб яна шарбатнинг уч ҳиссадин бир ҳиссаси кетуб икки ҳиссаси қолғониғача қайнатулур, дебдурлар. Ҳам атиббоға таън қилуб, атибболар мусалласи тиббийни мусалласи шаръийдин имтиёз қилмай янглишгондур ва ҳар иккисини номиға лафзи мусаллас муштарак итлоқ қилинмоғи муншоъи ғалат бўлгондур. Вагарна фикҳда маъруф бўлгон мусалласни муҳаққиқлар дибс дерлар. Ба касри дол ва бойи муваҳҳада ва рубби инаб ҳам дерлар.

Баҳарҳол ҳаром ва ҳаромлигида воқеъ бўлгон ихтилоф фикҳға мутобиъ бўлгон мусалласға махсусдур. Ва Муҳаммад ибн Маҳмуд баён қилгон мусалласи тиббийлари мусалласи шаръийдин бошқа ва бу ҳукмдин хориждурки, ани аҳли шаръ мусалласи жумҳурий дерлар.

Ва Шайх ур-раис алайҳир-раҳма “Қонун”ларида ҳаттоки анга лафзи мусалласни итлоқ қилмай “шароби мағсул” деб баён қилгондурларки, ани ҳукми агарчи ҳаромликда ҳам даражасидин пастда бўлса ҳам мусалласи шаръий даражасидин хейли юқорида, яъни ани ҳукми ҳалол даражаға нисбатан ҳаром даражаға яқиндур. Ва бу китоб мансаби баён таҳсили бўлмоғони учун бундин гаҳсилни тарк қилиб анга зарурий уз-зикр бўлгонларини интиҳоб ва иқтисор қилдим.

Эмди билмоқ керакки, мусалласи шаръийнинг манфаатлари хамрнинг манфаатлариға қарийбдур. Ва покиза қон пайдо

қилмоқ ва ҳазмға қуввати ҳозимани зиёда қилмоқ ва қуввати боҳни зиёда қилмоқ учун бағоят нафъ қилур. Ва чечак ва қизамиқ чиққан кишиларға би-л-хосият нафъ қилур. Ва зот улжанб ва зот ус-садр касаллари учун фоидалиқдур. Аммо кўп ичмоқ ва доим ичмоқ иссиқ мизож кишиларға зарар қилур. Ва ани ислоҳи сувға ва ё гулобға қўшиб ичмоқдур. Ва мусалласни ичмоқдин икки соат бурун арақи бидмушқдин ичмоқ ҳам мусалласнинг зарариға муслиҳдур.

Ва билмоқ керакки, мусалласларда баён қилингон ёмонлик ва ҳаромлик ва бошқа мунофийлар агарчи ул мусалласни қайнаб етулгонлигиға ва маст қиладургон даражада қувватлик бўлмоғиға махсус эрмасдур, балки қайнамоғон хомроғи ва камқувватроғиға ҳам шул ҳукм шомилдур. Лекин шак йўқдурки, қайнагондин сўнг албатта қуввати ўткир бўлур. Ва тез маст қилур. Ва юқорида мазкур бўлдики, маст қиладурган нимарсаларни маст қиладургон миқдорда ичмоқ шаръан манҳийдур. Ва маъазалика ани ҳам шаръан манҳий анҳу бўлса, албатта андин иҳтироз лозимдур. Ва мускир нимарса атиббо наздларида ҳам мамнуъдур. Ва манълариға далил учун “Лианна-с-сукра йуқаддиру-р-руҳа ва-л-хавасса ва йузлиму-л- ақла ва йухрибу-л-бадана иза афрата фиҳи бал йуҳлику” дегандурлар, яъни zeroки мастлик руҳни ва хавоссни хира қилур ва ақлни қоронғу қилур, яъни жилосини махфий қилуб беидрок қилур. Ва агар ифрот даражаға етса, баданни хароб қилур, балки ҳалок қилур, дебдурлар.

Аммо иккинчи навъ мусалласки, номини мусалласи жумҳурий дерлар, ани ҳукми мазкур бўлгон манфаатларни бермоқда хамрга баробардур. Ва яна хамрдин зиёдароқ фазилати шулки, безарардур. Аммо хамрни баъзи жиҳатдин зарари ҳам бордур. Ва инчунин мусалласни наҳорға ичмоқ ва меваларнинг тановули сўнггидин ичмоқ мумкин ва қимиз мумкин эрмас.

ФОИДА. Табибнинг вазифаси ҳар маразға илож ва ҳар оризаға тадбир қилмоқдир. Бинобарин шароб ичмоқдин пайдо бўлгон оризалар тадбиридин ҳам андак баён қилмоқ муносибдур.

Тадбири лизъки, шароб ичгандин сўнг ўнгач ва фаи меъдага сўзиш ва ачишмоқ ориз бўлса, лозимдурки, аччиғ анор ширин анорни бир-бирига баробар миқдор қўшуб, сўнгра андин батариқаи имтисос, яъни гўё сут эмғон каби оз-оз миқдордин дам-бадам ичиб турғай. Токи мазкур анор сафронинг сўзишини таскин берғай. Чунки шаробдин сафронинг вазни энгил бўлур. Ва сафролик меъдага шароб тўлса ўзининг ҳиддатлик ғалаёни ва ҳарорати бирлан сафрони ҳам қайнатур. Ва ҳам ҳиддатини зиёда қилур. Ва ҳам вазни сафрога нисбатан оғирлиги учун сафрони юқориға кўтарур. Ва ҳам ўзи сафрога айланур. Ва фаи меъдани ва ўнгачни ҳисси ҳам зиёдароқ бўлғони учун ул сафрони ҳиддатидин озурда бўлурки, сўзиш шул ҳолатдин иборатдур.

Ва анорни ширин ва туршдин мураккаб қилмоқни лозимлигиға сабаб шулки, танҳо ширин анор сафронинг таъсиридин мутаассир бўлур, ўзи ҳам сафро бўлур кетмоғи мумкиндур. Ва бу тақдирда сафрога таскин ўрниға, балки ёрдам берган бўлур. Ва агар танҳо турш анор бўлса, ани туршлиги ҳам сафро каби ўнгачға алоҳида озор ва сўзиш пайдо қилур. Ва ҳам меъда жисми асабоний бўлғони учун турш таъм меъдага зарар қилур. Ва анорни батариқаи имтисос оз-оздин ичмоқни фойдаси шулки, фаи меъда ва ўнгачға батадриж узоқ вақтгача тегуб ўтуб, таскин учун таъсири доимий бўлур. Ва агар анга озроқ гулоб ҳам қўшуб ичса яна яхшироқ бўлур ва меъдага ҳам яхши қувват берур. Ва сазовор шулки, анорни тухмидин ҳам озроқ миқдорни хўб майда қилиб чайнаб ютуб юборғайки, меъданинг тақвиятиға иъонат қилур. Лекин кўп миқдор ютмоқ яхши эрмас, токи меъдада бод пайдо қилмағай.

Ва яна лозимдурки, шароб ичгандин сўнги субҳ вақтида шарбати афсантинни совуқ сувға қўшуб, буни ҳам батариқаи имтисос ичғай. Ва сўнгра бир муносиб ғизодин озроқ миқдор тановул қилғай. Сўнгра ҳаммомға кирғай.

Шарбати афсантиннинг фойдаси шулки, меъдага қувват берур ва таомға иштаҳо пайдо қилур. Зероки ичилгон шароб сафрога айлангон вақтда аксар иштаҳо соқит бўлур. Ва анга

совуқ сув қўшмоқни фойдаси шулки, сувнинг совуқлиги шарбати афсантиннинг ҳароратини иътидолға келтирур. Ва меъдани куйиб тургонини таскин берур. Ва фами меъдаға қувват берур. Ва батариқаи имтисос ичмоқни фойдаси анор баёнида мазкур бўлди.

Сўнгра физо тановул қилмоқдин мурод шулки, физо сафроға аралашганда сафронинг танҳоликдаги ҳиддати камаюр, лекин физонинг миқдори кам бўлмоғи ва тўймаслик лозимдур. Хусусан таомдин сўнг ҳаммомға тушмоқ иродаси бўлғонда тўймаслик вожибдур ва бул вақтда ҳаммадин яхшироқ таом музвараи рўмонийдурки, анга наъноъ қўшуб, хушбўй қилинғон бўлса. Ва ҳаммомға тушмоқдин мақсуд димоғни, яъни мияни мулоийм қилмоқ ва шаробни бухоротидин етган озорни таскин бермоқ ва шаробдин мияға бухорот бўлуб суъуд қилғон ва баданға риоят қилғонларини таҳлил қилмоқ.

Ва физони тўймас даража кам миқдор тановул қилмоқнинг фойдаси шулки, агар меъда физодин холийлик вақтида ҳаммомға тушса, ҳаммомнинг ҳарорати меъдаға сафро қуйилмоғиға боис бўлур. Ва агар физоға тўйуб тушса физонинг баъзи ажзоси қабл аз ҳазм баданға кириб, масомларға судда пайдо қилур. Чунки ҳаммомнинг ҳароратидин жигар қизигонда ўзида бўлғон рутубатлар таҳлил топғай. Бас, ул рутубатнинг нуқсонини тўлдирмоқ учун меъдадин рутубат жазб қилур. Ва рутубатға мухталит бўлғон ва ҳануз ҳазм бўлмоғон ажзои физо рутубат бирлан қўшилуб, мунжазиб бўлурлар. Ва баъзи танг масомлардин ўтолмай қолиб суддаға боис бўлурлар. Валлоҳу аълам.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ичилган шароб сафроға айланғон сувратда ҳаммом тушмоқ бартақдир жоиз бўлурки, шаробдин ҳосил бўлган сафро уфунат пайдо қилғон бўлуб, ани уфунати иситмаға сабаб бўлмоқ хавфи бўлмаса. Ва илло кўп зарар қилур. Ва тафсилини “Илож” мақоласини “Табби фибб” бобида ва “Табби диққ” бобида баён қилурман, иншааллоҳу таъоло.

Ва ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”да ёзгондурларки, бу жойда тақвияти меъда ва иштаҳо учун шарбати афсантиндин

шарбати лиму нофиъроқдур. Шарбати лиму шакар бирлан пиширулгон бўлса ва ё беҳи қўшуб пиширулгон бўлса сиканжубин бўлса. Ва инчунин шарбати осни шарбати лимуға ва ё сиканжубинға қўшуб ичса ҳаммаси ҳам шарбати афсантиндин нофиъроқ бўлур. Лекин бу шарбатларнинг ҳаммаси ҳам ўткир турш бўлмаслиги лозимдурки, сабаби мазкур бўлди.

Ва бу шарбатларнинг шарбати афсантиндин афзаллигининг ваҳжи шулки, шарбати афсантиннинг мизожи иссиқ ва қурукдур ва таъми шириндур. Бинобарин кўп миқдор сафролик меъдаға тушгонда бу ҳам сафроға айланиб кетмоғи эҳтимоли бордур. Аммо мазкур шарбатларнинг таркибида совуқ мизожлик ажзолари ва таъмида туршлик борлигининг безарар ва нофиъи мутлақдур. Ва агар бундоқ кишилар ташна бўлса сув ўрниға гулоб ичмоқ афзалдурки, қобизлиги ва хушбўйлиги сабабдин меъдаға қуввати тамом ҳосил қилур.

ТАДБИРИ ИМТИЛОИ ШАРОБ

Билмоқ керакки, агар киши шаробни кўп миқдор ичиб юборган бўлса энг яхши тадбир қай қилмоқдур. Ва агар қай қилса фа ҳува-л-мурод ва агар қай келмаса устиға яна кўп миқдор сувни танҳо ёки асал қўшуб ичса қай келтурар. Сўнгра ҳаммомға тушгай, токи шаробнинг боқий фазлалари бадандин таҳлил топгай. Сўнгра баданға ёғ суруб, молиш қилмоқ керак, токи бадан мулойим бўлур, шаробни сўзишини дафъ қилур. Сўнгра ухлатмоқ керак, токи табиат истироҳат қилур чарчафонлик озорини ўзидин зоил қилгай.

ФОИДА. Билмоқ керакки, қай қилмоқ учун аксар одамға илиқ сув ичмоғи қайға иъонат қилур ва қайни осонроқ ва тезроқ келтиур. Чунки илиқ сувнинг табиати ғаший келтирар. Лекин баъзи одамға совуқ сув қайни осон қилур. Ва илиқ сув балки қайни таскин берур. Чунки андоғ кишининг меъдасининг мизожи рахв ва суут бўлур ва ахлоти ҳам суюк бўлур. Ва совуқ меъдаға такосуф ориз қилғони учун салобат ва қувват ҳосил қилур. Ва ахлотға ҳам такосуф ориз бўлғонидин филзат ва индифоъ учун қобилият ҳосил қилиб осонроқ мундафитъ бўлур. Аммо илиқ сув би-л-акс таъсир қилиб қайни таскин берур.

ТАДБИРИ АСИҲҲОИ САКРОН

Билмоқ керакки, шароб ичиб беҳушлик ғолиб бўлса, зуд хушига келтирмоқ учун тадбир зарурдур, токи бухорот мияга суъуд қилуб боиси ҳалок ва боиси сарсом ва фасоди димоғ бўлмағай. Ва ани тадбири шулки, совуқ сувга сирка қўшуб неча марра дам-бадам ичирмоқ керак. Ё қатигнинг зардоби ва турш меваларнинг сувини ичирмоқ ва сандал ва кофур ҳидлатуб турмоқ ва бухоротнинг суъуддин тўхтатмоқ учун мубарридоти радиъалардин, чунончи гул ёгининг хамр сиркасига қўшуб, бошига сурмоқ ва бошидин совуқ сув қўймоқ дафъ қилур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, агар шаробдин меъдада боқий бўлса, лозимдурки, аввало қай қилдурғай, то мастликнинг асл сабаби зоил бўлғай. Сўнгра мастлик иложига машғул бўлғай. Ва бу ҳолатда қай учун совуқ сув ичирмоқ муносибдур, токи қай бирлан модда шаробни ихрожи ила бухоротни мияга суъудини тўхтатиб таскин бермоқ ҳам ҳосил бўлғай. Ва агар меъда шаробдин холий бўлгон бўлса зинҳор қай қилмоқға амр қилмағайки, шаробдин холий меъдани ҳаракат қилдурмоқ фақат бухоротни суъуд қилдирмоқдин бошқа натижа бермас. Бас, бу ҳолатда ани ўз ҳолига қўймоқ бирлан қаноат қилмоқ лозимдур. Ва меъдада ҳануз боқийлик нишони шароб ичган замон яқинлигинин ва меъданинг тўлалиги ва бошқа асарлардин маълумдур, албатта.

ТАНБИҲ. Агар одами бағоят алам ва озорлик учун муҳтож бўлса ва лекин ани озориға тоқат қилолмайдиган бўлса, чунончи аъзосидин бир миқдор узвни кесмоқ ва ё ёрмоқ лозим бўлуб, анга тоқат қилолмаса ани шиддатлик маст беҳуш қилуб қўйуб, сўнгра мазкур иложни қилмоқ лозимдур. Ва бунинг учун дастгирлик қиладурган нимарсалар шулардурки, шийламнинг сувини шаробға қўшуб ичирғай, токи шиддатлик маст қилуб, ани аъзосини кесилғонини ўзиға сездирмас ё шотиржки, ани луффоҳ ҳам дерлар ва афюн ва бизр ул-банж ҳар бири ярим дирамдин ва жавзи бавво ва мушк ва уди хом - ҳар бири биринин қийротдин - ҳаммасини янчиб

қоруштируб, мазкурдин бақадри ҳожатни шаробға қўшуб ичурғай. Ва ё қаро ранглик бизр ул-банжни йабруҳ ус-санамнинг пўсти бирлан қўшуб, сувға солуб, сўнгра то сув қизигунча қайнатиб, сўнгра сузуб, сувини шаробға қўшуб ичирилса бағоят зўр маст беҳуш қилурки, гўё мурда каби беҳис қилур. Ва илож учун лозим бўлгон тадбирнинг озорини сездурмас. Ва илож тадбири тамом бўлгондин сўнг яна хушёр қилмоқ тадбирини ва маст қиладурган доруларнинг баҳасби синн ва қувват лозим бўладурган миқдори шўрбатларини ва бошқа шароит ва фавоидини шул мақола охирларида “Боб ул-фасл ва-л-шарҳ ва-л-ҳижомат ва-т-таъриқ” да муфассал баён қилурман, иншааллоҳу таъоло.

Ва бу муқаддимада бундоқ тадбирлар учун шул қадари кофийдур.

ТАДБИРИ ХУМОР

Билмоқ керакки, хумор ҳолати шундин иборатдурки, меъдаға кирган шароб тамом ҳазм бўлмай ани фазласи меъдада боқий қолур. Ва андин мияға бухорот чиқар. Бас, агар бу фазлаға рутубат мухталит бўлгон бўлса улардин чиқгон бухорот бош оғруғи ва бошда оғирлик пайдо қилур. Ва агар бу фазлаға сафро мухталит бўлса андин мияға чиқгон бухорот ўқчуқ ва қай ориз қилурки, сафронинг шаънидур. Ва инчунин мазкур фазлаға қаю хилт мухталит бўлгон бўлса ани чиқгон бухоротда шул хилтнинг шаънидаги осори зоҳир бўлур. Бинобарин ҳар кимнинг хумори бир-бириға монанд бўлмай, мутафовут бўлур, яъни мастлик бир ҳолатдурки, холис шаробнинг бухороти мияға чиқиб жамъ бўлуб, миянинг ҳамма ажзосини ўраб олуб, мияни ўз вазифасиға машғул бўлмоғиға халал беруб монеъ бўлур. Бинобарин қуввати ҳоссалар ва қуввати муҳаррикаларға нуқсон ва заъф ориз бўлур. Ва қуввати ҳосса пайларини мабдаъи ва маркази бўлгон муқаддами димоғни фил-жумла мулойимроқ ва тахалхули кўпроқ бўлғони учун бухоротнинг ижтимоъиға қобилроқдур. Ва бухорот ҳам аввало муқаддами димоғда жамъ бўлур. Бинобарин мастликни ибтидосидин бошлаб ҳавоссға футур ориз бўлур ва ҳаракати

иродийя хануз бенуқсон бўлур, сўнгра муқаддами димоғ тамом тўлуб банд бўлгондин сўнгги чиқгон бухорот муаххири димоғда қарор олулар. Ва қуввати муҳаррика пайларига марказ шул муаххири димоғ бўлғони учун сўнгроқ шу ҳаракати иродийядин иборатдур.

Аммо хуморликға асл сабаб шароб эрмас, балки шароб фазласиға мухталит бўлгон хилтнинг бухоротидур. Лекин ани мияға суъуд қилмоғиға сабаб ва мубдарқий шароб фазласини бухоротидур. Ва меъдадаги фазлаи шаробнинг камлиги ва анга мухталит бўлгон хилтнинг ғалабасиға нисбатан бухоротға ҳам фазла хилти бухоротий ғолиб бўлуб, мияға озор ва табиатға малол берур. Бас, табиат ул малолнинг дафъиға чора учун хилтға мағлуб бўлгон фазлани яна ғолиб қилмоқға, яъни яна шароб ичиб бухороти хилтийяни таскин бермоқға иқтизо қилурки, бу ҳолатнинг номи хумордур. Ва хуморнинг изоласи учун қай ва исҳол қилмоқ лозимдур. Токи мазкур фазла ва хилтлар мундафиъ бўлса. Баъди изолаи сабаб, албатта, мусаббаби ҳам зоил бўлур. Бас, қай қилдирмоқ учун шибитни қайнатиб, сувиға сиканжубин кўшуб ичуруб, қай қилдирмоқ ва то меъда пок бўлғунғача неча бор такрор қилмоқ лозимдур.

Ва исҳол учун ҳам балғам ва ҳам сафрони сурадурган мусҳиллар таркиб қилиб ва таркибда мизожни ҳам риоя қилиб бермоқ лозимдур. Масалан, иссиқ мизожли кишиға иссиғ анор ва ширин анор сувини аралаштируб, бироз сақамуниё бирлан ичурмоқ керак. Аммо совуқ мизожли кишиға иёражи фикроға сақамуниё кўшуб ичурмоқ керак. Ва агар қай ва исҳол фоида беролмаса, яъни меъдадин хилтни кўчирмоқға кифоя қилолмай, балки меъдани ҳаракатга киргизган сабабидин куруқ ўқчуқ ориз қилиб озор берса, ул вақтда бир миқдор мулойимроқ таом тановул қилдирмоқ ва бир соат таваққуф қилуб, сўнгра қай қилдирмоқ керак, токи шаробнинг фазласи таомға мухталит бўлуб тушуб, меъда пок бўлғай. Андин сўнгра меъдага қувват берадурган ва ҳароратни таскин беруб, бухоротни тўхтатургон шарбатлардин, чунончи анор шарбати ва олма ва беҳи шарбати ва ғўра шарбати ва зирк шарбати кабилар бирлан меъдага қувват бермоқ лозимдур.

Ва яна лозимдурки, ушбу шарбатларни совуқ сув бирлан ичгай, токи совуқликни маънидаги таскини бухорот ва ажзойи меъдани жамъ ва қабз қилмоғи мазкурнинг феълига ёрдам бўлуб, тезроқ нафъи зоҳир бўлгай. Ва бу бобда ҳаммадин яхшироқ нимарса агар муяссар бўлса арпанинг кашкидин қилинғон бўза бўлсаки, анга бир миқдор сунбул ут-тибб қўшуб пишурилғон бўлса. Ва сузилғондин сўнг анга андак ғўранинг ва ё лимоннинг сувини қўшиб ичса ҳам эҳдоси кайф бирлан ноиби маноби шароб бўлмоқ ва қай қилдурмоқ бирлан танқийаи меъда қилмоқ ва сунбул ут-тибб ёрдами бирлан ва ҳам бўзадин меъдада боқий кашк жавҳари бефазла сарий ул-ҳазмлигининг ҳам танқийа ҳам тақвийаи меъда ҳосил қилмоқ ва ҳам арпанинг таъби совуғлиғиға ғўра ёки лимоннинг муъин бўлуб, бухоротни таскин ила рафъи хумор каби ҳамма жиҳатдин нафъ қилур. Сўнгра оёқни иссиқ сув бирлан ва ё муносиб даволарни қайнатиб сув бирлан оёқни ювмоқ ва орқаламоқ ва бошқа муносиб ёғлар суруб, мияға қувват бермоқ тадбирлари лозимдурки, алар зиёда тафсили баёнға мафқуф-дурлар.

Бинобарин бу муқаддимаға татвили каломни муносиб кўрмадим. Иншааллоҳу таъоло фасли судоънинг “Судоъи хуморий” қисмида муфассал баён қилурман. Ва шул маҳаллга назар қилмоқ керак.

ИККИНЧИ ФАСЛ РИЁЗАТ ВА ДАЛКНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, бешинчи мақоланинг иккинчи фасли риёзат ва далк баёнидадур. Аммо риёзатнинг таърифини атиббо китобларида “амма-р-рийазату фа-ҳийа ҳаракатун ирадий-йатун тазтарру ила-н-нафси-л-азим”, яъни риёзат деб катта ва зўр нафас олмоқға соҳибини муҳтож қиладурган ихтиёрий ҳаракатни айтилу, дебдурлар. Аммо Шайх ур-раис алайҳир-рахма бу таъриф охириға “ва таватируху” иборатини зиёда қилғондурлар, яъни риёзат деб соҳибини зўр нафас олмоқға

ва пайдарпай нафас олмоқға мухтож қиладурғон ҳаракатни айтилур, дебдурлар. Зероки ул кишининг наздларида бу тавотур бўлғон зўр нафасға боис бўлғон ҳаракатнинг даражаси риёзат даражасиға етмас.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу таърифдаги риёзатдин атиббонинг муродлари риёзатики, ҳаммаи бадан ва ғайри баданға омм ва асари ҳамма баданда сироят қиладурғон риёзатдур. Ва илло аларни ўз китобларида ҳар ҳаракатики, фоидалик бўлса хоҳ ихтиёрий ва хоҳ аразий бўлсин ва баданий ва хоҳ нафасий бўлсин ва хоҳ соҳибини зўр нафас олмоқға мухтож қилсин, хоҳ анга мухтож қилмасин, ҳаммасини ҳам риёзат дегандурлар. Ва ҳаракатнинг ҳамма анвоъ ва ақсомини мабҳаси набзда саккиз қисм бирлан баён қилинди. Ва бу жойда тақроран зикриға ҳожат йўқдур.

Ва билмоқ керакки, атиббонинг аксарлари бир нимарсани таъриф қилмоқда таърифлари жомий ва моний бўлмоғи учун ул нимарсани ҳадди ҳақиқийсини топиб, кама йанбағий ихтимом қилмаслар, балки барсабили баён таъриф қилурлар. Ва бу мавриддаги риёзат таърифи ҳам шул қабилдиндур. Ва бу сўздин ғараз шулки, иззат ва эҳтиромлик зотларнинг равий-йаи таърифларики, зоҳир бўлди, бу таърифға ҳам ҳеч қандоқ шак ва шубҳанинг иродиға мажол қолмағай. Ва жамъ ва манъни бу таърифларға дахллари бўлмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, риёзат қилмоқ учун инсоннинг ҳожати зўрдур. Зероки ҳеч шак йўқдурки, тановул қилинғон ғизонинг ҳаммаси тамом ҳазм бўлуб, жузви бадан бўлолмас, балки ҳазмдин бир миқдор фазла боқий қолур. Бас, агар ҳар ғизодин бир миқдор фазла қолаверса ва бадандин чиқиб кетмаса ва таҳлил топмаса узоқ замонда кўп миқдор фазла баданға жамъ бўлмоғи лозим келурки, кўп фасодларға боис бўлур. Зероки агар ул фазла уфунат пайдо қилса амрози уфунат ориз қилур. Ва агар миқдори кўп жамъ бўлса амрози имтилоий пайдо қилур. Ва агар кайфияти бақувват бўлса суъ ул-мизож ҳодис қилур. Ва агар бир узвға қуйилса анга варам эҳдос қилур. Ва анинг бухороти жавҳари руҳни фосид қилур. Бас, маълум

бўлдики, фазлани жамъ бўлмоғига монёъ бўладурғон бир нимарсага инсон муҳтождурки, ул нимарса риёзатдур. Чунки агарчи табиат Аллоҳу таъолони изни бирлан доимо фазланинг дафъига машғулдур, лекин то ҳаракат иъонат қилмаса танҳо табиат кифоят қилмас.

Аммо баъзи қай қилдирадурган даво ва мусҳил даволар бирлан танқия қилмоқ андақгина муддатга кифоя қилур. Лекин қувватни кўп султ қилур. Лекин аъзои раисани заиф қилур. Зероки мусҳил даволар баданнинг энг ниҳоятидаги хилтларни тамоман жазб қилолмас ва бақиясини таҳлили учун яна ҳаракат лозимдур. Агар ул мусҳил фаразан бадандаги аъзои хилтни ҳам тамом жазб қилмоқга қуввати кифоя қилса, албатта ул даво заҳардин холий бўлмас. Ва мусҳиллик қуввати ҳожатга кифоя қилса ҳам, лекин ҳожат бўлғон бошқа қувватлари ва кайфияти мизожлари зиёдалиқ қилиб, баданни хароб қилур. Ва яна баданга фазла бўлғон хилти фосидга қўшуб, бадан физосига лозим бўлғон хилти солиҳни ҳам жазб қилур. Ва ё даво бермоқда бир хатолик содир бўлуб, саломатлик учун кўп зарарлар эҳдос қилур. Ва шунинг учундурки, Афлотун китобида ёзғондурки, “Шурбу-д-даваи касаҳми йармийу фи-зулмати фаруббамо йахтиу ва руббама йасибу”, яъни даво ичмоқ қоронғида отилғон ўқ каби гоҳи хатога кетар ва гоҳи нишонга етар, яъни ичилғон давдин кўп фойда ёки зарар ҳосил бўлуб, дебдур.

Бас, табиат даво амалининг ҳақиқати маълум бўлдики, фазланинг жамъ бўлмоғини манъ қилмоқда риёзат каби эрмас, зероки риёзат фузулни беизо таҳлил қилур. Ва табиатга бамувофиқи муддао иъонат қилур. Ва шунинг учун Шайх ур-раис алайҳир-рахма дебдурларки, “ал-мувафиқу ли-истиъмولىҳа ъала важҳи иътидалиҳа фи вақтиҳа биҳи гинаун ъан кулли илажин”, яъни риёзатни ўз вақтида иътидол даражасида истемол қилиб юрғон кишини шул риёзати бошқа иложга муҳтож қилмас, дебдурлар.

Ва бу жумлани сўнгидин риёзатни тарк қилгувчилар аксарият диққга мубтало бўлурлар, дебдурлар. Ва ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”да ёзибдурларки, у маҳалда Шайхнинг диққдин

муродлари ориғликдурки, тарки риёзатнинг натижасидур. Чунки аъзо фазлаи рутубийяға мухталит бўлгон сабабдин бошқа гизони кўп жазб қилолмас. Ва рутубат анга монёъ бўлур. Ва аъзода камгизолик натижасидин ориғлик пайдо бўлур. Чунончи қари кишиларда бу навъ ориғлик машхурдур, дебдурлар.

Ва мискин¹ дерманки, ҳақим Қаршийнинг фикрлари ҳам рост ва мувофиқи ҳақиқатдур. Мумкин диққнинг маънисида таъйини мурод қолмай, балки мутлақ қўйилса яна яхшироқ бўлур эди. Зероки диққ маълумдурки, томурларни ичида мухтабис бўлуб, уфунат пайдо қилгон фазлаларнинг уфунатидин пайдо бўлгон ҳароратдур. Ва бу ҳароратға ориғлик ҳам лозимдур. Бас, агар шу фазланинг жамъ бўлмоғидин муқаддам риёзати мўътадила истеъмол қилиб турулгон бўлса эди, бу фазлалар таҳлил бирлан мундафиъ бўлур эдилар. Ва уфунат ҳосил қилмас эди ва табби диққ ҳам ориз бўлмас эрди. Бинобарин Шайхнинг диққдин муродлари маънийи мутлақ бўлмоғи муносиброқдур.

Аммо баъзилар шароб ичмоқ ва ҳаммомға тушмоқни риёзатға бадал бўлур, чунки булар ҳам фазлани таҳлил берур, дебдурлар. Лекин андоғ эрмас. Зероки шароб фазлани риёзат каби таҳлил қилмоғи собит эрмас. Ҳам шаробнинг ўзидин ҳам фазла ҳосил бўлур. Аммо риёзат фазлани таҳлил қилмоғи муҳаққақдур. Ва ўзидин фазла йўқдур.

Ва инчунин ҳаммом зоҳири баданни иситса ҳам, аммо ботинни совутар. Чунки ҳаммомнинг иссиғиға ҳамжинслик жиҳатидин аввало ботиндаги ҳарорати табиийя ва руҳи ҳайвонийялар ботини бадандин зоҳирға бафароғат таралурлар. Ва сўнгра ҳаммомни таъсири табиатни ва руҳни таъсиридин зиёда бўлур. Бас, ночор ани дафъиға муқовамат учун ҳарорати ғаризийя ва руҳ зоҳири баданға кўпроқ хужум қилур. Ва ботинда ҳарорат кам қолур. Ва ҳам ҳаммомнинг иссиғи фазлани таҳлил берғони каби ҳарорати ғаризийяни ва руҳни ҳам таҳлил берур. Ва авом ун-нос миёналарида ҳаммомнинг ўзи иссиқ, мизожи совуқ деган шуҳрат ҳам шул мазмунға биноандур.

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

Аммо риёзат тамоми баданни зиёда иситар. Ва тамоми бадандин фазлани таҳлил қилур. Ва яна риёзатдаги ҳаракат фазлани кўзгатиб суюлтирмоқ ва ўрнидин тезроқ кўчирмоқға ҳам боис бўлур.

Бас, маълум бўлдики, буларнинг ҳеч бири манфаатда риёзатға баробар бўлолмас. Ва риёзатнинг мановиёи кўпдур. Ва жумладин баъзисини муаллиф “Қонун”да батариқаи баён қилиб дебдурларки, “ар-риёзату тадфаъу-л-амраза-л-маддий-йата ва танъашу-л-ҳарората ва таслибу-л-мафасила ва туҳаллилу-л-фазалата ва тавсау-л-масама”, яъни риёзат моддий касалларни дафъ қилур, ҳарорати ғаризийяни бақувват қилур ва устихон бўғимларини маҳкам қилур ва фазлани таҳлил қилур ва масомларни кенгайтирур, дебдурлар. Лекин бу манфаатларни хусулиға бошқа тадбирларни ҳам мувофиқ бўлмоқлари шартдур. Ва илло бир тарафдин фоида бўлса ҳам яна бир тарафдин зарар бўлуб турса, албатта, бу фоида зоҳир бўлолмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, риёзат икки қисм бўлурки, бир қисми ҳама баданға таъсирлик ва бир қисми баъзи баданға хос таъсирлик бўлур. Аммо тамоми баданға фоидалик бўлгон риёзатнинг мисоли икки одам бир-бириға курашмоқ ҳаракатидур. Ва от чопмоқ ва оҳиста пиёда тез юрмоқ риёзати хоссадиндур. Аммо Ибн Маҳмуд Чағминий раҳматуллоҳи алайҳ “Қонунча”да пиёда чопмоқни риёзатға дохил қилибдурлар. Ва инчунин оёғни заминға тепуб юрмоқни ҳам риёзати оммадин ҳисоб этмишлар. Ва яна риёзати хоссанинг мисолларидин бири пиёда тез юрмоқ эканини ҳам ўзлари баён қилгондурлар. Ваҳоланки, пиёда чопмоқ пиёда тез юрмоқдин неча мартаба шиддатлик ҳаракатдурки, риёзати хосса жумласидин бўлмоқға сазовордур.

Ва риёзати оммани риёзати куллий ҳам дерлар. Чунки ани таъсири ва таҳлили ҳамма баданға баробардур.

Аммо риёзати хоссанинг таъсири агарчи ҳамма баданға шомил бўлса ҳам, лекин баробар шомил бўлмас, балки кўпроқ таъсири баъзи аъзоға хос бўлур. Ва риёзати хоссанинг мисолларидин бири, масалан, баланд овоз бирлан ўқимоқдур. Зероки баланд овоз

бирлан ўқимоқ бошдаги фазлаларни таҳлил қилур. Ва бошдаги ҳамма аъзони гизо жазб қилмоқға ҳозирлаб огоҳ қилур. Ва ўпкани ҳам фазласини таҳлил қилиб, ўзини жазби гизоға омода қилур.

Аммо махфий қироат ҳақиқатда риёзат жумласидин бўлса ҳам, лекин ул қадар ҳалди иътидолдин зиёда риёзатларда қўшилуб, ҳисоб этилмас.

Ва яна риёзат таърифида оғир юк кўтармоқ ва камон ипини қаттиқ куч билан тортмоқ ва кофтобни човгон бирла отиб ўйнамоқ риёзати хосса жумласидиндурки, агарчи ҳамма бадан фазласини таҳлил қилса ҳам, лекин хусусан икки қўлни ва гарданни ва кўкракни ва икки китфни ва орқани фазлаларини зиёда таҳлил қилур.

Ва яна риёзати хосса жумласидин бири пиёда тез юрмоқдурки, икки дунбани ва икки сонни ва икки поччани ва қадамни фазлаларини таҳлил қилур. Ва риёзати хоссани риёзати жузъийя ҳам дерлар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, риёзатнинг анвоъи кўпдурки, баъзиси риёзати омма ва баъзиси риёзати хосса ва баъзиси риёзати баданийя ва баъзиси риёзати нафсонийя ва баъзиси ҳам баданийя ва нафсонийядин мураккабдур.

Зероки ҳар риёзатики, анда бадан ҳаракатидин бошқа ҳаракат бўлмаса ани риёзати баданийя дерлар.

Ва агар анда нафс ҳаракатидин бошқа ҳаракат бўлмаса, ани риёзати нафсонийя дерлар. Чунончи шодлик ва ғамгинлик ва қўрқинчлик каби ҳаракати нафсонийялар риёзати нафсонийялардур.

Агар анда ҳам бадан ҳаракати ва ҳам нафс ҳаракати бўлса, ани риёзати мураккабаи баданийя ва нафсонийя дерлар.

Ва билмоқ керакки, лаззатлик нағмаларнинг эшитмоқ қулоқнинг риёзатидур. Ва майда хатни гоҳи-гоҳи ўқимоқ кўзни риёзатидур. Аммо майда хатни доим ўқимоқ кўзнинг рутубатларини кўп таҳлил қилғони учун зарарлиқдур. Ва яна чиройлик ва хушнуса нарсаларға кўп қарамоқ ҳам кўз учун риёзати нофиълардиндур. Ва инчунин мўътадил даражада йиғламоқ ҳам риёзати нофиъадиндур. Ва аммо кўп йиғламоқ кўзнинг рутубатларини таҳлил беруб зарар қилур.

Ва отға миниб мўтадил масофалик йўл юрмоқ касалдин янги сиҳхат топғонлар учун риёзатларнинг энг фоидалигиндур. Хусусан от миниб одат қилғон кишилар учун бағоят нофиьдур.

Ва таржиҳ бирифқ, яъни оҳиста арғамчи учмоқ касалдин янги турган кишилар учун енгил риёзатдин ҳисоб қилинур. Ва чархпалак ва беланчак каби нимарсалар ҳам арғамчи каби-дур.

Ва билмоқ керакки, арғамчи учмоқ ва чархпалакда айланмоқ ноқаларға нафъ қилғони каби кўкрак ва ҳижоби ҳожизиде касали бор кишиларға ҳам фоидалик ва риёзатдур. Ва камуйқу кишиларға уйқу келтиур. Ва бодни таҳлил қилур ва бош касалини асаридин қолғон бақияларини, чунончи ғафлат ва фаромушликни зоил қилур. Ва иштаҳо пайдо қилур. Ва ҳарорати ғаризийяни огоҳ қилур, яъни бадан тарбиясига мутаважжиҳ ва машғул қилур. Ва агар арғамчиға курси боғлаб курсига ўтириб учса, шатр ул-ғибб ва ҳуммиёти мураккабаларға ва ҳуммиёти балғамияға энг мувофиқ риёзатдур. Ва яна никрис касалиға мубтало кишиға ва истисқоға нафъ қилур. Зероки арғамчи учмоқ ҳаракати моддани жойидин қўзғатур, бас, агар оҳиста ҳаракат бирлан учса суюқ моддани кўчиар. Ва агар зўр ҳаракат бирлан учса қуюқ моддани ҳам кўчиар.

Ва яна зўр таъсирлик енгил риёзатлардин бири кемаға тушуб, сайр қилмоқдур. Зероки дарёнинг сайри ва кеманинги ҳаракати ахлотни қўзғатиб ҳаракатға киргизар, ҳаттоки, баданға эски ўрнағон касалларни, масалан, жузом ва истисқо моддаларини кўчиар. Ва меъдаға ва қуввати ҳозимаға қувватни зиёда қилур. Чунки баданға ташаббус билан етишуб, ўрнағон моддаларни кўчирмоқда кемаға миниб, сайр қилмоқни таъсири зўрдур. Зероки бунда ҳаракати нафс ҳам иштирок қилур. Чунончи ваҳм ва кўрқинч ва ёмон ҳаволарға дучор келмоқ дарё сайрини лозимасидур. Ва ҳеч шак йўқдурки, баданға ҳаракати нафсонийянинг асарлари ҳаракати баданийя асарларидин кўпроқ ва ғолиброқ ориз бўлур. Ва кемада қай ва ғашаён ориз бўлмоғи моддани кўчганиға далилдур. То бир

зарурати қавийя бўлмаса воқеъ бўлгон қайни тўхтатмоқ ва ахлоти фосидани индифоъдин манъ қилмоқни атиббо зўр зарарлик дебдурлар. Аммо кемада дарё сайри бехавф ва бефараҳ бўлса ва ё сайрнинг муддати қисқа бўлса моддани кўчирмоқга таъсир қилмас. Кама ла йахфий. Ва истисқо касалига сайри дарёнинг таъсир қилмоғи шул сувратда кама ҳаққуҳу ҳосил бўлурки, ул дарё шўр бўлса. Зероки дарёи шўрнинг бухороти рутубатни ҳам қуритар.

ТАНБИҲ. Ҳар узвики, риёзати мўътадиласи кўпроғ бўлса ани қуввати ҳам кўпроқ бўлур. Хусусан мазкур риёзат бурундин одат бўлгон бўлса ва инчунин ҳар қувватнинг шаънидурки, ҳар қанча риёзат қилса шул қадар бақувват бўлур. Ва шунинг учундурки, кўп нимарсани ёд олгон кишини қуввати ҳофизаси бақувват бўлур. Ва кўп фикр қилғувчиларнинг зеҳни тез бўлур. Ва кўп хаёл қилғувчиларнинг тасавури соф ва бехато бўлур. Ва кўп жимоъ қилғувчиларнинг муваллиди маний қуввати бақувват бўлур. Ва бола эмизғувчи хотинларнинг сут ҳосил қилғувчи қуввати бақувват бўлур. Зероки, ботиний қувватлар машқ бирлан мазкур феъллариға малака ҳосил қилурлар ва табиат ҳам одат қилиб кўпроқ эҳтимом бирлан анга мутаважжих бўлур. Ва руҳ бирлан ҳарорати ғаризийя ҳам табиатға табъан шул тарафға мутаважжих бўлурлар. Бинобарин мазкур қувват таборо бақувват бўлур. “Биҳасби ҳол би-изниллоҳи-л-қавиййу-л-мутаъол”.

Ва билмоқ керакки, ҳар риёзатки, анжومي машаққатлик ва шиддатлик бўлса лозимдурки, ибтидосини оҳисталиқдин бошлаб батадриж машаққат даражаға еткузмоқ керак, токи муддао безарар ҳосил бўлғай. Ва риёзатнинг яхшиси шулки, мўътадил миқдорлик ва ўз вақтида бўлғай. Шунинг учун атиббо дебдурларки, “вақту-р-рийазати ында ниқай-л-бадани мина-л-фузули-л-хилтиййати ва-л-бурази ва баъда инҳизами-т-таъами”, яъни меҳнатлик ва катта танаффусға муҳтож қилғувчи риёзатнинг вақти баданни фузули хилтиййдин ва бураздин пок бўлгон ва меъда ва ҳазмдин фориг бўлгон вақтидур, дебдурлар.

Зероки риёзати мазкурдин аъзо қизиб таҳлил топмоғи лозим бўлур. Ва таҳлил топғон миқдор ажзоға мадад учун аъзоға физо лозим бўлур. Бас, қизиган аъзо қабл аз таҳлил анга бадални тадоруки учун физони кўпроқ жазб қилур. Бас, агар таомнинг ҳазмидин муқаддам риёзатға шуруъ қилинса, аъзо ҳануз ҳазм бўлмағон физони жазб қилур. Ва ул физои ғайри мунҳазимдин баданда судда пайдо бўлур.

Ва маълумдурки, аъзоға физо етишмаган тақдирда худ аъзо таҳлил топиб камаюр. Бас, аъзони нуқсондин ҳимоя қилмоқ учун анга бадал буларнинг физони жазбиға табиат мутаважжиҳ бўлуб, жигарнинг қуввати жозибаси меъдадин ҳазм бўлғон ва ё ҳазм бўлмағон физони жазб қилур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, қорин ва ичакларнинг тўла вақтида риёзат қилмоқ манҳий ва мамнуъ бўлғони каби бағоят очлик ва меъда тамом холийлик вақтида риёзати шадида қатъиян мамнуъдур. Шунинг учун Шайх алайҳир-рахма дебдурларки, “ан артаза мумталиийан хайрун мин ʻан йартаза халийан”, яъни тўқлик ҳолда риёзат қилмоқ очлик ҳолда риёзат қилмоқдин яхшироқдур, дебдурлар. Ваҳоланки, тўқликда риёзат мамнуъ эрди. Бас, маълум бўлдики, ул киши наздларида ҳам очлик вақтидаги риёзат зиёда мамнуъдур.

Ва ҳаким Букрот айтибдурки, “мата кана биинсанин жуъун фа-ла йанбағий ʻан йатъаба”, яъни инсонға очлик ориз бўлғон вақтда меҳнат бирлан шуғул қилмоқ сазовор эрмас. Бас, маълум бўлдики, Букротнинг наздида ҳам очлик ҳолдаги риёзат мамнуъдур.

Бас, билмоқ керакки, риёзат қилмоқ учун ҳаммадин яхши вақт шулки, меъдада таомни тамом ҳазм бўлуб, етушган замониға муттасил бўлғай. Ва сўнг қолмағай, балки зўр меҳнатлик ва узоқроқ муддатға борадурғон риёзат учун муносиброқ вақт ҳануз меъдада таомдин ғайри мунҳазми боқийлиги вақтда шуруъ қилмоқдур. Токи риёзатнинг охириччи жузви очлик вақтға мувофиқ келмоқдин эмин бўлғай. Ва қувват заиф бўлмағай.

ФОИДА. Билмоқ керакки, риёзат қилмоқ учун риёзат қилғувчининг ҳоли мутаносиб бўлмоғи шарт бўлғони каби риёзат

вакти ҳам фасл жиҳатидин мўътадил вақтда бўлмоғи шартдур. Аммо риёзат қилгувчининг ҳоли мутаносиб риёзат бўлмоғи шулки, ул киши хоҳ иссиқ мизожлик ва хоҳ совуқ мизожлик бўлса, лекин албатта мартуб мизожлик бўлмоғи шартдур. Аммо агар қуруқ мизожлик киши бўлса, хусусан қуруқ ва иссиқ мизожда бўлса анга риёзатдин ҳазар қилмоқ вожибдур. Ва шунинг учун Шайх алайҳир-раҳма айтгандурларки, “руббама авқаати-р-рийазату ҳарру-л-мизожи йабисатун фи амразин фа-иза тарақаҳа саҳҳа”, яъни қуруқ ва иссиқ мизожлик киши риёзат қилиб риёзатни аксар вақтда иссиғ ва қуруғ мизожлик касалларга панд қилур. Бас, агар ул риёзатни тарк қилса мазкур касалдин сихҳатланур, дегандурлар.

Ва инчунин ҳар фаслда бир мўътадил вақтда риёзатга шуруъ қилмоқ ҳам шартдур. Масалан, баҳор фаслида кун ўртасида, яъни қиём вақтда риёзат қилмоқ муносибдурки, иссиғ ва совуғликда мўътадил вақтдур. Аммо ёз фаслида кунни аввал вақтида риёзат муносибдур. Чунки агарки замон жиҳатидин кун аввали ва охири ҳар иккиси мўътадилдур. Лекин қайфият жиҳатидин кунни охир вақтига нисбатан аввал вақт совуғроқ бўлур. Чунки кечанинг совуғлиги ҳануз фи-л-жумла боқий ва тамом зоил бўлмоғон бўлур. Ва агар қиш фасли бўлса риёзат учун агар монеълик бўлмаса кунинг охир вақти муносиброқдур. Чунки кундуздаги офтобнинг таъсири тамом зоил бўлмоғон мўътадилга қариброқ бўлур. Ва агар кеч вақтида фурсатсизлик ва ё бошқа монеълик бўлса, ул тақдирда куннинг аввал вақтида ва ё кечаси риёзат маконини андак иситиб, сўнгра риёзатга шуруъ қилинур. Аммо қайси вақтда риёзат учун энг муносиб ва мўътадил вақт куннинг ўртаси бўлса ҳам, лекин бу вақт гизо тановулига махсусдурки, қабл аз тановул меъда холий бўлур. Ва баъд аз тановул меъдада ғайри мунҳазим бўлур. Ва ҳар икки ҳолда риёзат мамнуъдур.

Ва яна риёзат учун зарур бўлгон шартлардин бири риёзат миқдорини риоят қилмоқдур. Ва бу хусусда уч нимарсани назарга олмоқ лозимдур. Бири шулки, баданнинг рангига қарамоқ керак, агар ранги баданда покизалик ва жавдат зиёда

бўлса риёзатнинг вақтидур. Ва иккинчи ҳаракатга назар қилмоқ керакки, бас, агар ҳаракат шодлик ва рағбат ва енгиллик ила бўлса ҳануз риёзатнинг вақтидур. Ва учинчиси шулки, автога назар қилмоқ керакки, бас, агар аъзо ҳануз тўла ва сўлимоғон бўлса риёзатнинг вақтидур.

Аммо қачонки, ушбу ҳолатларга нуқсон пайдо бўлса ва риёзатни охирроқ вақтида кўп терласа ул вақтда дарҳол риёзатни тўхтатмоқ вожибдур. Аммо риёзатнинг аввалроқ вақтида бадандин чиқадурғон озроқ тер бу ҳукмдин хориждур. Зероки таҳлил фазла ва танқийаи баданни умид қилинғон фондалиқ тер ушбу тердурки, тарки риёзатни вожиб қилмас. Чунки риёзатдин ҳодис бўладурғон тер икки нафъ бўлур. Бири шулки, зоҳири баданга яқинроқ бўлғон фазлалар ҳаракатнинг иссиғи бирлан эруб сув ҳолиға келиб, масомдин хориж бўлур. Ва бу тер нофиъ ва айни мақсуддур.

Ва иккинчи навъ тер шулки, аъзойи ботинийлар риёзатнинг ҳарорати бирлан қизиб анда мавжуд бўлғон рутубати аслийяи зарурийялари бухорот бўлуб, зоҳири бадан тарафга тарқалур. Ва зоҳири баданга яқин келганда терини остида яна бухорот ҳолидин сувлик ҳолға ўзгарилиб масомдин тер бўлуб чикур. Ва бу фазла бўлмай, балки бадан учун зарур бўлғон рутубати аслийядин ҳосил бўлғони учун зўр зарар эҳдос қилур. Бинобарин бу терға навбат етғонда дарҳол риёзатни тарк қилмоқ вожиб бўлур.

Фоида. Билмоқ керакки, ботини баданда бухорот бўлғон рутубати аслийялар зоҳири баданга яқин яна сув ҳолиға ўзгарилмоғиға сабаб шулки, “Ташриҳи жилд” бобида мазкур бўлдики, тери жисми асабонийдур. Ва бадандаги пайлар ва томурларнинг энг ниҳоятлари бўлғон нафис тораларидин тўққилғондур. Бас, жисми асабонийнинг мизожи совуғ бўлур ва ҳам хориждаги совуқ ҳаводин мутаассир бўлур. Бинобарин анга етган бухоротға ҳам совуғлик таъсир берур. Ва сув ҳолиға ўзгартиур. Ва маълумдурки, бухороти мойийяга совуқ асар қилса, дарҳол сувлик ҳолға келур. Чунончи “Боби аркон”да “Ёмғур фусули”да муфассал мазкур бўлди.

Ва навъ сўнгги тернинг аломати шулки, биринчи навъ тер чиқиб сўнгра таскин ёки тахфиф топғондин сўнг чиқар ва меҳнатлик ҳаракатдин сўнг чиқарки, ул вақтда чарчагонлик аломатлари ҳам зоҳир бўлур. Ва шул вақтда меҳнатдин ихтироз вожибдур, токи зарурий бўлгон рутубати аслийя таҳлил топмоғай ва баданга зубул ва ориғлик ва таб диққ ориз бўлмағай. Ва шул эҳтиёт учун атиббо баъд аз риёзат баданга ёғ суртмоқни амр қилғондурлар, токи териси бирлан агар баданга хушкийят ориз бўлгон бўлса ёғ бирлан яна бадан ҳўл ва мулойим бўлғай. Ва яна тери остида моддаи фазладин андак боқий бўлса, ул ҳам таҳлил топсин учун далк, яъни баданни уқаламоқға амр қилғондурлар.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, агар бир узвға офат едуб бовужуди риёзат қилмоқ лозим бўлса, чунончи эҳтиёт бирлан риёзат қилмоқ керакки, мазкур офатлик узвни ҳаргиз ҳаракат қилдирмағай, токи ҳаракат сабаби бирлан ул офат зўраймағай, ҳам бошқа аъзонинг риёзатидин мазкур узвға манфаат ҳосил бўлғай.

ФОИДА. Билмоқ керакки, заиф баданлик кишилар учун риёзатни ҳам заиф бўлмоғи лозимдур. Ва бақувват баданлик кишилар учун риёзатни ҳам бақувват бўлмоғи лозимдурки, риёзатдин умид қилинғон фоида ҳам шул маромға вобастадур. Зероки бақувват киши агар заиф риёзат қилса, риёзати таҳлили фузул учун кифоя қилмас. Ва агар заиф киши зўр риёзат қилса, аъзойи ботинийяси таҳаммул қилолмай қизиб кетуб, рутубати зарурийяси тамом таҳлил топқай. Ва зубул ва таб диққ касалиға мубтало бўлур.

Ва яна билмоқ керакки, ҳар нимарсаға одатнинг ҳам дахли томмаси бордур. Ва кўп терламоқ ва шиддатлик риёзат қилмоқ ҳам одат бўлмоғи ила ҳукми мухталиф бўлур. Бас, риёзатики, пиёда элчиларда ва шитобкор кишиларда бўлур ва ҳарчанд кўп терламоқ бирлан ҳеч қандоғ зарар ҳам кўрмаслар, балки семирарлар ва қувватлари ҳам зиёда бўлур. Бас, риёзат аларнинг ҳақиға муфрит эрмас. Ва тернинг кўплиги риёзатни тўхтатмас, вожиб ҳам қилмас. Зероки семиз кишиларнинг

териларини остида рутубати фазлиялари кўпроғ бўлур. Ва ҳарчанд кўп терлағонда ҳам шул фазла чиқарки, андин ғайри фоида ҳеч зарар ҳосил бўлмас. Ва ҳам ботиний аъзолари шул риёзатга одат қилғони учун риёзатнинг ҳарорати аларнинг рутубати аслийяларини таҳлил қилмоқ даражада асар қилмас. Магар алар ҳам одат бўлғон миқдордин яқбора баифроти риёзат қилса, албатта зарардин холий бўлмас, валлоху аълам.

Бас, риёзатдин бурунроқ ва бевосита баъд аз риёзат далк, яъни баданни уқаламоқ ҳам лозим эрди. Бинобарин далкнинг аҳқомини ҳам алоҳида баён қилинур.

ДАЛК (УҚАЛАШ)

Аммо далк даражаи эътибори ила олти қисмга мунқасим бўлур. Бир қисми қаттиқ чангаллаб сиқиб уқаламоқдур. Ва бу тариқ уқаламоқ рутубати мураххияни кўп таҳлил берганидин аъзога устиворлик ва бақувватлик пайдо қилур.

Ва иккинчиси қисми оҳиста ва бўш уқаламоқдур. Ва бу тариқа уқаламоқ зоҳири узвдаги қонларни андак-андак атрофга тарқалғони сабабдин қонларнинг ўрнида тахалхул ва ҳоволлик пайдо қилур. Ва ул ҳовол жойларга рутубатларни жазб қилур. Ва масомларни суст қилур. Ва рутубатлар ул узвга сайлон ила жамъ бўлурлар. Бинобарин ул узвга сустлик ориз бўлур.

Ва учинчи қисм узоқ вақтгача уқаламоқдур. Ва бу тариқа далкдин аъзо ориғлар, зероки узоқ вақт уқаламоқ кўп миқдор моддани таҳлил қилур.

Ва тўртинчиси мўътадил замонгача уқаламоқдур. Ва бу тариқа уқаламоқ баданни семиртирар. Чунки ул жойга мўътадил миқдор қон жазб қилур, бошқа нимарсани таҳлил қилмас.

Ва бешинчиси дурушт нимарса бирлан молиш ила уқаламоқдур. Чунончи мўйдин тўқилғон нимарсадин харита қилиб, ани қўлга кийиб туруб уқаламоқ каби. Бас, бу тариқа уқаламоқ шу жузвга қон жазб қилур. Бас, агар уқаламоқ фурсати мўътадил замон бўлса, ул қон шул узвда муҳтабис қолиб, гўштга қўшилур. Ва мазкур узвни семуриб катта

бўлмоғига сабаб бўлур. Ва агар узоқ вақтгача давом бирлан уқаланиш би-л-акс жазб қилинғон қон ва мазкур узвда аввал мавжуд бўлғон қонларни яна таҳлил қилуб, мазкур узвни оригламоғига боис бўлур. Шунинг учун қазиби, яъни олати таносили кичик бўлуб, ани катта қилмоқ ирода қилғон киши даво истеъмолидин аввал дурушт нимарса бирлан мўътадил замон молиш қилуб, сўнгра даво истеъмол қилмоқға атиббо амр қилғондурлар. Ва тафсилини “Боб ул-амроз” ва “Таъзим ул-қазиб”дин кўрмоқ керак.

Ва олтинчи қисми юмшоқ ва текис нимарса бирлан молиш қилмоқ, чунончи юмшоқ каф бирлан ва ё юмшоқ латта бирлан уқаламоқ ва молиш қилмоқдур. Ва бу тариқа далк қонни камроқ жазб қилур. Лекин жазб қилғон миқдорини шул узвда бетаҳлил қолдирар.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, далк ҳақиқатдин риёзатнинг бир қисмидур. Зероки фазланинг таҳлили таҳлил топмоғи ва рутубатнинг рақиқ бўлмоғи ва ҳарорати латифани баданға таралмоғи ва автор ва узалотнинг салобат ва қувват ҳосил қилмоғи риёзатдин ҳосил бўлғони каби далкдин ҳам ҳосил бўлур. Ва бундин зиёда яна баъзи манофиъи бордурки, аларнинг ҳусули далкдин бошқа тадбир бирлан ҳаргиз мумкин бўлмас. Ва ул манофиънинг ақсоми кўпдур. Чунончи бир нафъи шулки, агарчи бир хос узвда бир модда муҳтабис бўлса ва ул модда ғализликдин ёки лузужатидин мазкур узвға муташаббис ва ёпишган бўлса ул узвдин ани кўчируб кама йанбағий чиқармоқ ҳеч тадбир бирлан мумкин бўлса, магар далк бирлан мумкиндур.

Ва иккинчи навъи шулки, агар бир узв асли хилқатда табиий миқдоридин кичикроқ бўлса ва ё бир сабаби ориза бирлан ориглағон бўлса, бас ул узвни табиий миқдорға етқариб катта қилмоқни ва ориғ узвни табиий миқдорда семиртирмоқни хоҳлағон кишиға далкдин бошқа ҳеч бир илож бўлмас. Зероки узвни катта бўлмоғи учун анга катта миқдор физо келиб қўшилмоғи шартдур. Ва физонинг келиб қўшилмоғи учун ул узвда ҳарорати ғаризийянинг ўткир ва бақувват

бўлмоғи шартдур. Зероки гизоланмоқнинг афъоли тамом ва комил бўлмас. Магар ҳарорат ва масомнинг тенглиги бирлан комил бўлур. Ва бир узви махсуснинг ҳароратини зўрайтируб, масомини кенгайтириб ҳеч тадбир бирлан мумкин бўлмас, магар далк бирлан мумкин бўлур. Чунки агар бадалк ҳаракат қилинса хоҳ ул ҳаракат ҳамма баданға омм бўлсин ва хоҳ бир узвға хос ҳаракат бўлсинки, бундоғ бир узвға махсус ҳарорат ва тавсиъи масомға боис бўлолмас, зероки ҳаракатнинг таъсири бошқа аъзоға ҳам муштарак ва шомил бўлур. Аммо далкнинг асари зотийяси далк қилинғон узви махсусға мунҳасирдур. Ва ҳамма атиббо иттифоқдурларки, ҳар узвики, табиий миқдордин кичик бўлса ва ани катта қилмоқ мурод бўлса ва ё бир узв ориғ бўлсаки, ани семиртирмоқ мақсуди бўлса лозимдурки, аввало ул узвни дурушт нимарса бирла уқаламоқ ва ҳам анга иссиқ сув қуймоқ керак. Ва анга зифт суртмоқ керак. Сўнгра яна такрор амал қилмоқ керак. Бас, қачонки ул узвға интифоҳ ва тўлалик ҳосил бўлса, сўнгра дарҳол бул тадбирдин қўл тортмоқ лозимдур, токи бул узвға мунжазиб бўлғон қонлар яна таҳлил топмағай, дерлар.

Ва Жолинуc айтибдурки, “ъолажа ан Нажашиййу ғуламан нақис ул-алийя би-ҳаза-л-илажи йавман ва йавман ла фасаҳат алийя ва намаат фи замани йасир”, яъни ҳабаш подшоҳларидин Нажжоший исмлиқ подшо бир тараф дунбаси ноқис ва кам бўлғон бир ғуломни шул тариқа далк бирлан бир кун далк ва бир кун таваққуф ила илож қилиб турди. Бас, андақ замонда ғуломнинг ноқис дунбаси ўсиб комил бўлди, дебдур.

Ва далкнинг учинчи нафъи шулки, агар баъзи узвға шиддатлик совуқ таъсиридин инжимод ориз бўлиб қони музлагон бўлса ва ё бир узвға бод келиб ўрнағон бўлсаки, андин ҳаргиз чиқмаса анга ҳеч илож бўлмас, магар далк илож бўлур.

Ва тўртинчи нафъи шулки, гоҳи бўлурки, юқорироқ мавзедин моддани паст тарафға тортмоқ лозим бўлур, лекин ул паст тараф қортуқ қўймоқға қобил бўлмас. Бас, шул сувратда мазкур моддани ҳеч тадбир бирлан жазб қилиб бўлмас, магар далк бирлан жазб қилмоқ мумкиндур.

Ва билмоқ керакки, бир узвни беҳис қилмоқ учун лозим бўладурғон тадбирлар жумласидин бўлғон ғамз ва кабс ва рабтлар, агарчи далк қисмидин эрмаслар, лекин манфаатлари далкнинг манфаатлариға қарибдур.

Бас, ғамз луғатда сиқмоқдур ва истилоҳи атиббода кесилмоғи лозим бўлғон узвни ҳиссини ботил қилмоқ учун бир латта ёки пахтани ўз-ўзиға ўраб, куррашақл қилиб, мазкур узви мақсулға қуйиб, устидин узун миқдорлик латта бирлан сиқиб боғлаб, атрофини ҳам маҳкам ўраб боғламоқни айтурлар. Токи куррашақл бўлғон латта узвға ботиб, мазкур узвдағи қон ва рутубатларни атрофға тарқатғай, ҳам ани атрофидин ўрагон латта яна узокроқға тарқалғай, ҳам яна мазкур узвға муттасил бўлғон пайларни маҳкам сиқиб, сезги қувватининг нуфузиға монёъ бўлғай.

Ва кабс луғатда туфроқ бирлан чуқурни тўлдирмоқдур. Ва истилоҳи атиббода аъзонинг ҳиссини тавқиф ва қонларини таҳлил учун узвнинг чуқурлик жойларини маҳин туфроқ, латта ва пахталар бирлан тўлдируб, узви мақсуддин бошқа атрофға бир узун латта бирлан сиқиб ўрамоқдур.

Ва рабт луғатда боғламоқдур. Ва истилоҳи атиббода мазкур кабс тариқасида, лекин маҳин туфроқ ёки латтани қўймоқ фақат узун арғамчи каби дурушт нимарса бирлан узви мақсуддин бошлаб бир миқдор масофағача ғоят даража маҳкам боғламоқни айтурларки, бу амаллар ҳаммаси ҳам қон бирлан қўшуб фазлани ҳам таҳли қилурлар. Сўнгра латтани ечилғон замон қонлар яна мазкур узвға авд қилур. Аммо фазлалар қонға нисбатан ғализлиги сабабдин авд қилолмас. Ва шул уч хил амалнинг ҳаммасида ҳам боғламоқнинг ибтидоси узви мақсуддин ва интиҳоси атрофда бўлур, токи мазкур узвдин қон ва моддаи фазлия атрофға батадриж мундафиъ бўлғай.

Ва яна кабс деб офтобда қизигон туфроқ ва қум ва сомон каби нимарсаға аъзони кўймоқни ҳам айтурлар. Ва бу ҳам агарчи узвни беҳис қилмоқ даражада бўлмаса ҳам, фақат бод ва рутубатни таҳлил қилур.

Ва яна бир навъ рабт бордурки, мазкур бўлғон рабтнинг хилофида боғланур, яъни боғламоқда атрофда ибтидо

қилиниб, интиҳоси узвға мақсудда тамом бўлмоғи вожибдур. Чунончи илон ва чаён ва ўргимчак каби заҳардор нимарсалар бир узвни чақса ани заҳарини доҳили баданға сироят қилдирмаслик учун дарҳол бир узун аргамчи каби латта бирлан ул узвнинг атрофидин маҳкам бўғиб боғланур. Сўнгра боқий латтани мазкур боғлонгон маҳаллдин то мазкур узвғача маҳкам сиқиб ўраб келинур. Токи таралған заҳарлар яна чиқилуб авд қилуб, чақилгон маҳаллдин хориж бўлғайлар. Ва агар ўшал мавзедин наштар урилса заҳарни хориж бўлмоғи баосоний муяссар бўлур. Ва агар узви мазкур қобил бўлмаса қортуқ ҳам қўймоқ ёки даҳан бирлан сўриб ташламоқ афзалдур.

ФОИДА. Риёзат бобида мазкур бўлдики, риёзатнинг ибтидо ва интиҳосида далк лозимдур, яъни қабл аз риёзат ва баъд аз риёзат бевосита далк қилмоқ лозимдур. Ва ҳар бир далкни номи ва ҳукми ҳам бир-бириға муғаййирдур. Чунончи қабл аз риёзат бўлгон далкнинг номини далк ул-истиғдод дерлар. Чунки бу далкнинг манфаати риёзатнинг ҳаракатиға аъзони қобил ва омода қилмоқдур.

Ва бу далкнинг ибтидосини бўш ва мулойим ва батадриж шиддатли қилмоқ ва охирини бағоят шиддатли қилмоқ лозимдур. Сўнгра риёзатға машғул бўлмоқ керак. Ва баъд аз риёзат бўладурган далкнинг номини далк ул-истирдод дерлар ва далк ул-мусаккин ҳам дерлар. Ва бу далкнинг манфаати баданға роҳат бермоқ ва рутубати аслийяни таҳлил топмоғиға нофиъ бўлмоқ ва қон ва аъзоға жазб қилмоқ ва териға яқин бўлгон узвлардин моддаи фузулни асари риёзат таҳлилидин боқий қолгон бўлса таҳлил қилмоқдур.

Ва бу далкдин икки ғараз бордурки, бири рутубати аслийяни таҳлилдин сақламоқ ва бири узлада боқий қолгон фузулни таҳлил бермоқдур. Бас, вақтики, рутубати аслийяни таҳаллулдин сақламоқ мақсуд бўлса, лозимдурки, хуруъ ёғи каби масоми баданни маслуд ва банд қиладурган ёғлар бирлан баданни ёғлаб далк қилғай, токи масомни бандлиги бирлан рутубати аслийя баданда маҳбус қолиб, таҳаллулдин маҳфуз бўлғай. Ва асари мавод матлуб бўлса, ёғсиз фақат далкнинг ўзи кофийдур. Ва

агар ёғни истеъмол қилмоқ матлуб бўлса, ёғлардин бадан масомини очадурган, масалан, зайтун ёғи каби ёғлар бирлан қилгай, токи фазлалар масомдин хориж бўлмоғиға муъин бўлгай. Лекин баҳартақдир баъд аз риёзат бўладурган далк мулоимлик бирлан муътадил даражада бўлмоғи ва зинҳор шиддатлик зўр талаб бўлмаслиғи лозимдур. Зероки бадан риёзатдин сўнгра заифлангон бўлур. Ва заиф бадан учун заиф далк лозимдур. Ва яна далк истирдод учун бир маҳаллни кўп уқаламай, балки ҳар дафъада бошқа жойни уқаламоқ лозимдур. Токи мухталиф маҳаллни мухталиф вазиятда қилингон далкнинг асари ҳамма аъзоға баробар етуб, ҳамма бадан баробар баҳравар бўлгай.

УЧИНЧИ ФАСЛ ҲАММОМҒА ТУШМОҚ ТАДБИРЛАРИНИ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, ҳаммомни яхшироғи эскироғи ва кенгроғи ва пок ҳаволиғи ва ширин сувлиғи ва ҳаммомнинг оташдони ҳаммомға тушадурган кишини мизожиға мувофиқроқ бўлгонидур. Аммо ҳаммомнинг эскироқ бўлмоғининг нафъи шулки, анга ишлонгон оҳакнинг бўйи тамом зоил бўлуб, бухороти зоидалари мунқатиъ бўлгон бўлур. Зероки оҳакнинг бухороти дилға ва руҳға зарарликдур. Ва ҳам ҳаммомдаги ҳавонинг ҳиддатини зиёда ва мизожиға қуруғликни эҳдос қилур. Ва ҳаммомнинг кенглигини нафъи шулки, анда ҳаво кўп бўлур, токи инсон ичидин чиқоргон нафасидаги дилни фазласи бўлгон бухороти духонийяни кўшилмоғи ҳам масомдин чиқгон чиркларнинг бухороти мухталиф бўлмоғи ила мазкур ҳаво тез ҳосил бўлмас. Зероки агар ҳаммомдаги ҳаво оз миқдор бўлса тезроқ фосид бўлур. Ва фосид ҳаво нафас олмоқда дилға етса зарар қилур. Ва ҳавони фосид бўлмоғини нафъи вусъати ҳаммом сабаби бирлан хуб-бахуд маълумдур. Аммо ҳавони пок бўлмоғиға ҳаммом равшан ва пок бўлмоғи ҳам сабаб бўлур. Ва яна ҳаммомни тутун ва қариҳ бўйдин холий бўлмоғи афзалдур, токи ул ҳаво дил мизожини фосид қилмоғай. Зероки тутун ва бадбўйлик дилға зарар берур. Ва ҳавони мизожини фосид қилур. Ва инчунин қоронғулик ҳам кудурати сабабидин нафс ва нафасға зарар қилур. Ва ҳаммомнинг суви

ширин бўлмогини фойдаси шулки, ширин сувнинг латофати ва масомидин баданга сингиб ўтмоқга қобилияти сабабдин баданга тортиб эҳдос қилмоқ бамувофиқи муддао ҳосил бўлғай.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бу мақомда ҳифзи сихҳатга муносиб тадбирлар баёнида бўлгон сабабдин саҳиҳ кишиларга муносиб тадбирларни баён қилдим. Ва илло маълумдурки, истисқо ва фолиж каби рутубати зиёда бўлгон касаллар учун би-л-акс шўр сувга гусл қилмоқ ва ширин сувни гуслидин ҳазар қилмоқ вожибдур. Токи ширин сув ўз латофати сабабдин масомга сингиб рутубатни зиёда қилмағай. Ва шўр сув ҳам ўз ғилзати бирлан масомга сингмоқга ноқобиллиги сабабдин издиёди рутубат зараридин омон бўлғай.

Ва яна билмоқ керакки, атон ба фатҳи ҳамза ва батаҳфифи нун луғати арабийя бўлуб, маъниси катта тош демақдурки, ани ҳаммомнинг хонасиға ва оташдон устиға яқин бўлгон жойга ўрнатурлар. Ва зиёдароқ иссиғни хоҳлаган киши ул тошни устида ётарки, ул тош оташдонга яқин бўлғонидин зиёдароқ қизиб тургон бўлур. Ва атон ба фатҳи ҳамза ва батаҳфифи нун бимаънийи оташдон, яъни ўчоқдур. Бас, бу тош ва ўчоқнинг ҳароратини тақдири ҳар қаю одамнинг мизожиға мутаносиб мухталиф даражалик бўлмоғи маълумдурки, ани риояси ҳам вожиботдиндур, масалан, балғам мизожлик кишилар учун иссиғлиги зўрроғ сув лозимдур, Ва сафро мизожлик кишилар учун иссиғи камроқ сув лозимдур. Лекин ифрот даражада иссиқ сув ҳар қандоқ мизожлик кишилар учун нораво ва зарарликдур.

Ва инчунин илиқ сув ҳам ҳаммомга сазовор эрмас. Зероки зиёда иссиқ сув баданни ва бадандаги рутубати аслийяни эритуб таҳлил қилур. Ва баданни суст қилур. Аммо илиқ сув баданни терлатолмас. Ваҳоланки ҳаммомдин асл ғараз бадан масомларини очмоқ ва терни оқизиб бадандаги фазлаларни таҳлил қилмоқдур. Балки ҳаммом сувини илиқ ила шиддатлик иссиқ миёнасида мўътадил бўлмоғи шарт ва вожибдур. Чунки мўътадил сувдин мўътадил замонда бадан терлар ва ул сувдин бадан ҳарорати латифа ҳосил қилур ва бадандин таҳаллул ҳам мўътадил бўлур, яъни бадан ҳожати учун зарур бўлгон

ругубати аслийя боқий бўлур. Ва баданга зарарлик фазлагина таҳлил топгай.

Ва атиббо дебдурларки, “ва-л-ҳаммаму мусаххинун би-ҳаваиҳи ва мураттабун би-маиҳи”, яъни ҳаммом ҳавоси бирлан баданни иситар ва суви бирлан баданни ҳўллар, дебдурлар. Бас, бу сўздин маълумдурки, ҳаммомнинг нафъи шул икки фоидадин мураккабдур. Ва ҳар одам учун бу икки фоидадин қаю бири матлуб бўлса анга кўпроқ машғул бўлгай. Масалан, совуқ мизожлик ва серрутубатлик кишига баданни иситмоқ рутубати фазлийяни кўпроқ таҳлил қилмоқ матлубдур. Бас, анга сазовор шулки, ҳаммомда кўпроқ терлаб ўлтирмоқ ва сувини камроқ қуймоқ, яъни ҳаммомнинг ҳавосида кўпроқ замон ўлтириб, сув истеъмоли учун камроқ замон машғул бўлмоқ лозимдур. Ва ё сафровий ва ё савдовий мизожлик бўлуб, баданни рутубат ила тартиб қилмоқ матлуб бўлса, ҳаммомда кўп ўлтирмасдин балки андак тер зоҳир бўлгондин сўнг бетаваққуф сув истеъмолига машғул бўлмоқ кўпроқ муддатгача сув истеъмол қилмоқ лозим бўлур, ҳам иссигда кўп турмаслик лозимдур. Ва зероки иссиғ хона зиёда қизитмоқ ва кўп терлатмоқ бирлан баданга ёки хўшкийятни зиёда қилиб сув истеъмолининг фоидадини зоил қилмоқ эҳтимоли бордур.

Ва маълумдурки, аксари ҳаммомлар уч хоналик бўлур. Ва ҳар хонасининг ҳавоси ҳам мухталиф бўлур. Аммо маслаҳки, либосларни ечмоқ учун махсусдур, бу хона ҳаммомнинг ҳисобидин хориждур. Ва анда ҳаргиз ҳаммомнинг ҳароратидин асар бўлмас. Ва бу маслаҳхонага бевосита бўлгон биринчи хонада ҳарорат кам бўлур, чунки оташдондин узоқдур. Ва бошқа хоналарга нисбатан бу хона мубарридурки таъсирида баданни совутар. Ва илло маслаҳхонага нисбатан бу хона ҳам иссиғлиги шубҳасиздур. Ва иккинчи хонаси бундан иссиқ ва учинчи хонаси ҳаммадин иссиқ бўлуб, даражаси ҳам бир-бирига мухталифдур. Ҳар хонада сув истеъмол қилмоқ агар матлуб бўлса лозимдурки, аввал сувни ул иссиғлик даражаси мазкур хонанинг даражасига мувофиқ ва муносиб бўлгай, кам ва зиёда бўлмагай. Ва шунга имо учун дерларки, “ва йанбағий ьан

йастаъмала фи кулли байтин мин буйути-л-хаммами ал-мау-л-мушакил би-ҳаваихи”, яъни ҳаммом хоналарини ҳар бир хонасида иссиғлиги шул хона ҳавосини иссиғига баробар иссиқ сув истеъмол қилмоқ сазовордур, дерлар. “Фа-ла йустаъмалу фи-л-байти-л-ҳарри ал-мау-л-бариду ва ла фи-л-байти-л-бариди ал-мау ҳарру шадид ул-ҳарорати”, яъни бас, иссиқ ҳаволик хонада совуқ сувни ва совуқ ҳаволик хонада ўткир иссиқ сувни истеъмол қилинмас, дерлар. Ва иссиқ сувни шадид лафзи бирлан қайд қилмоқларнинг сабаби шулки, шиддатлик бўлмоғон иссиқ сув, бу ҳукмдин хориждур. Зероки ҳар қаю хоналар бақадриҳол ҳароратдин холий эрмаслар. Бинобарин шиддатлик бўлмоғон иссиқ сув ҳам ҳаммом ҳавосига таносубдин кўп узоқ бўлмас. Ва ҳар хонанинг ҳавосига ул хонада мустаъмал бўладурган сувнинг кайфияти мушокил ва мутаносиб бўлмоғи лозимлигининг сабаби шулки, агар сув ҳаммом ҳавосига мутаносиб бўлмаса, баданга иқшиъроқ ихдос қилур, яъни баданни сучитар ва табиий натижани би-л-акс берур. Масалан, иссиқ ҳаволи хонада совуқ сув истеъмол қилинса, баданни касиф қилур. Ва масомни зийқ, балки банд қилур. Ва тери остидаги эриб таҳаллулға омода бўлган рутубати фазлийяни қотирар. Ва мониъи таҳлил бўлур, ваҳоланки, ҳаммомдин таваққуф қилинғон мақсуд таҳаллули фузулдур.

Ва инчунин агар совуқроқ ҳаволик хонада шиддатлик ва ўткир иссиқ сув истеъмол қилинса бадандаги рутубати ҳазмийя эриб таҳаллулға қобил бўлмоғидин муқаддам иссиқ сув масомға сингиб баданга рутубатни зиёда қилур. Ҳам шиддатлик иссиқ сув баданни суст қилур ва руҳни жазб қилур ва масомни зиёда кенг ва ҳарорати ғаризийяни таҳлил қилур. Ва ҳаммомда то фазла таҳлил топғонға сабр қилмоқдин ожиз ва бетоқат бўлур. Ва натижада бадан серрутубат ва камҳарорат ва камқувват бўлур. Ваҳоланки ҳаммомға кирмоқдин асл мақсуд тамоман бунинг хилофидур.

Ва шунинг учун атиббо ҳаммомға кирмоқда ҳар қаю хонада бадан хонанинг иссиғидин касб қилуб, шул хонанинг ҳавосига “хў” қилиб муносабат ҳосил қилғониғача таваққуф қилуб,

батадриж кирмоқни хусусан чиқмоқда батадриж чиқмоқни бағоят даражада таъкид қилғондурлар. Зероки чиқар вақтда бадан масомлари очик ва бадан эриган ва юмшоқ ва қувват заиф бўлур. Бас, агар бу ҳолатда тадрижни риоя қилмай дафъатан чиқса кўп офати азим эҳдос қилгай. Масалан, зот ул-жанб ва зот ус-садр ва зотал-араз ва зот ур-рия касаллари ҳодис бўлур. Зероки дохили баданда ҳарорат кўп бўлур ва бадан рутубатлари бухорот ҳолига келуб саврон қилуб кўзғолғон ва бадан масомларидин хориж бўлуб турғон ҳолда дафъатан совуқ ҳавога чиқмоқда ҳавонинг совуғлиги таъсиридин бадан дафъатан касийф ва масомлари банд бўлур. Ва бухорот хориж бўлолмай дохили баданга мухтабис бўлур. Бас, пайдар-пай ҳосил бўлуб турғон ва таҳлил топмоқга йўл топмай дохили баданга мужтамиъ бўлуб қолғон бухорот кўкрак аъзоларига шиш пайдо қилурларки, бу аъзонинг ҳар бирига ориз бўлғон шиш бир офати азим ва хатарнокдур. Ва ҳеч ким ўзини ҳаммом ходимларига қиёс қилуб тадриждин бепарво бўлмоғи сазовор эрмас. Чунки ходимларнинг баданлари батадрижликга одат қилғондур. Ҳам агар фаразан совуқ ҳаво таъсир қилса, то ани асари зоҳир бўлғунча яна неча бор ҳаммомга кириб терлаб турғонлари учун бу асар зоҳир бўлмоқдин муқаддам зоил бўлур. Бинобарин аларнинг батадриж чиқиб зарар кўрмаслари эътибордин соқитдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳаммом хоналарининг мизожлари баданга рутубат зиёда қилмоқ ва ё қуруқлик зиёда қилмоқда мухталифликлари фақат ҳаммом ҳавосини таъсирига биноандур. Ва сув истеъмол қилмағон кишигагина шул мизож таъсир қилур. Ва илло агар сув истеъмол қилуб турса, албатта сув баданга рутубат еткариб турмоғи бирлан ҳаммом ҳавосини мужаффафлиги, яъни баданни зиёда қуритмоқ асари номаълум ва беасар қолмоғи мумкиндур. Лекин мундоқ бўлса ҳам иссиқ хонада кўп таваққуф қилмоқ яхши эрмас, чунки бу хонада иссиқ шиддатликдур, эҳтимолки бунинг таъсирини зоил қилмоқга сув истеъмолдин ҳосил бўлғон рутубат кифоя қилолмас. Ва ҳам танаффусда иссиқ ҳаводин олғон нафас қизиби турғон дилнинг тарвиҳи учун кифоя қилолмай руҳи ҳайвонийя куйуб камаюр. Хусусан иссиқ хонанинг

хам оташдон устиға баробар ва ё кўп яқин бўлгон маҳаллида кўп таваққуф қилмоқ зарардин холий бўлмас. Чунки бир хонанинг хам оташдонга яқин ва узоқ муносабати бирлан бир маҳалли бошқа маҳаллига таъсирда мухталифлиги муқаррардур.

Ва яна билмоқ керакдурки, ҳаммомга очлик ҳолда тушмоқ баданни қуритар, зероки ҳаммомнинг иссиғлиги бадандин рутубатларни таҳлил қилур. Аммо меъда физодин холий бўлгон учун ул рутубатларни нуқсонини тўлдирмоқға меъдадин рутубати физойя етишмас. Ва тўқлик ҳолда ҳаммомга тушмоқ баданни семиртирар. Лекин бадан мажроларига судда пайдо қилур, зероки ҳаммом дохили бадандин зоҳирға моддаи физойяни кўп жазб қилур. Лекин комил ҳазм бўлмоғон физо хам мунжазиб бўлуб, баъзи танг мажроларға борғонда гализлиги сабабдин мажрода тўхтаб қолуб, мажрони банд қилур. Ва шунинг учун атиббо “ва-л-увла ьан ла йакуна ьалар-риқи ва ла ьала-ш-шабъи-л-муфрити”, яъни ҳаммомга тушмоқ вақтининг энг муносиб вақти наҳорға хам бўлмағай ва зиёда тўқликда хам бўлмағай, яъни меъда таомни комил даража ҳазмға еткүзгөн, лекин ҳануз меъда ул таомдин холий бўлмоғон миёна ҳол вақтидур, дерлар.

Ва яна ҳаммомда таом емоқ ва сув ичмоқдин ҳазар қилмоқ вожибдур. Зероки ҳаммомда масомлар васиъ бўлуб ва шул сабабдин ҳазм бўлмоғон физоларни ақсои баданға нуфуз бўлмоғиға ҳаммом мувжиб бўлуб. Зероки ҳаммомнинг таъсиридин бадан эриб, мажролар кенгайиб турар. Ва аъзо ўзидин таҳлил топғон рутубатларнинг нуқсонини тўлдирмоқ учун физони башиддатроқ жазб қилур. Бас, ҳазм бўлмоғон физолар агарчи ўзга баданға нуфуз қилмоқға моил бўлмаса хам аъзонинг жазби ила баданға нуфуз қилурлар.

Ва ҳаммомда ҳаддин зиёда кўп ўлтурмоқ аъзои заифға яна фазла қуйилмоғиға ва жасадни суст бўлмоғиға ва пайларға зарар пайдо бўлмоғиға ва ҳарорати ғаризийяни таҳлил бирлан камаймоғиға ва иштаҳони соқит бўлмоғиға ва боҳни соқит бўлмоғиға сабаб бўлуб. Магар одат бўлгон миқдорғина ўлтирмоқда бу зарарлар бўлмас.

Аммо баъзи атиббо ҳаммомда кўп ўлтирмоқдин қатъий назар, ҳаммомнинг ўзи би-з-зот шул офатларга боис бўлмоғини даъво қилуб, сўзларини охирида ва “ла хайра фи-л-хаммами” деб заъам қилғондурлар. Лекин асли ҳақ сўз Шайх ур-раис алайҳир-раҳманинг “Қонуни кабир”ида деган сўзларидур. Ва ани ҳосили шулдурки, ҳаммом неча хил бир-бирига зид бўлғон асарлардин мураккабдурки, агар ҳожатга муносиб ва мутобиқ тариқ бирлан бўлса, шубҳасиз фоидалиқдур. Шунинг учун ани атиббо муҳофазоти сиҳҳат ва музаййилоти мараз жумласидин ҳисоб қилғондурлар. Ва агар қадри ҳожатга муносиб ва мутобиқ бўлмаса, албатта, шубҳасиз зарарлиқдур.

Ва бу мууроотни камроқ андиша қилғон баъзи атиббо мутлақан зарарлик деб мазаммат қилғондурлар. Ва ҳаммомдин наҳий қилғондурлар. “Ва-л-ҳаққу ма қулна” деб баён қилғондурлар. Би-л-жумла Шайх ур-раис алайҳир-раҳманинг сўзларидин ҳаммомда бир-бирига зид бўлғон таъсирлар борлиғи, чунончи ҳам баданни иситмоқ ва ҳам совутмоқ ва ҳам хўлламоқ ва ҳам баданни қуритмоқ таъсири, ҳам нофиълик таъсири ва ҳам музиррлик таъсири ва ҳам бадан ҳолига ҳам ислоҳ таъсири ва ҳам ифсод таъсири каби бир-бирига зид бўлғон таъсирлар борлиғи зоҳир бўлурки, маҳалли иштибоҳдур. Бинобарин рафъи иштибоҳ учун Шайхи мазкурни муродларини изоҳ қилмоқ муносиби мақомдур.

Ва билмоқ керакки, ҳаммомда манфаат таъсири ҳам ва зарар таъсири ҳам борлиғи муҳаққақ ва муқаррардур. Аммо манфаатлариға мисол уйқу келтирмоқ ва масомларни очмоқ ва рутубати фазлияни таҳлил қилмоқ ва моддани пишурмоқ ва физони зоҳири баданга жазб қилмоқ ва исҳоли рутубатни тўхтатмоқ ва бадан чарчағонлигини зоил қилмоқ каби таъсирлари ҳам бордур.

Ва зарарлик таъсирлариға мисол ҳаммомға кўп ўлтурғонларга дилни заиф қилмоқ ва руҳни фоний қилмоқ ва кўнгулни беҳуд қилмоқ ва ўқчуқ ориз қилмоқ ва буйракни ва юракни ўйнашмоқ ва сокин моддаларни кўзғатмоқ ва

моддаларни уфунат учун мухайё қилиб қизитмоқ ва моддаларни баданда бўлгон фазо ва бўш жойларга қуймоқ ва аъзойи заифаларга қуймоқ каби зарари ҳам шубҳасиз кўпдур.

Бас, одамики баданида рутубати голиб ва мизожи соғуғ бўлса анга ҳаммомнинг ҳавосида кўпроқ таваққуф қилмоқ фоидалиқдур, токи бадани исиб ҳарорати ғаризийяси қувват ҳосил қилғай. Ва бадандаги рутубати фазлийяси эриб ва масомлари очилиб мазкур фазла таҳлил топқай ва бадани пок бўлғай. Ва бу таъсир бу кишининг ҳаққиға фоидадур.

Аммо бадани иссиғ ва қуруқ киши шу тариқа ҳаммомда кўпроқ ўлтирса, ани баданида фи-л-жумла мавжуд бўлгон рутубати ҳам таҳлил ила фоний бўлур. Ва анга хушкийят зиёда голиб бўлур ва руҳи куйуб фоний бўлур ва қони қизиб қуюқ ва ғализ бўлур. Ва қони ва бошқа ахлоти қизиб уфунат пайдо қилур ва хафақон ориз бўлурки, бу ҳоллар ҳаммаси бу кишининг ҳақиға тамоман зарардур. Ва боқий таъсироти издодийяларини бунга қиёс қилинур.

Бас, собит бўлдики, ҳар хил мизожиға муносиб ва ҳожати баданийясиға мутобиқ маромда ҳаммомға кириб чиқса ҳаммомнинг фоидаси муҳаққақдур ва илло зарари ҳам муқаррардур.

Фоида. Билмоқ керакки, ҳаммомға тушмоқ хусусиға мутааллиқ бўлуб, ҳаммомға тушган кишилар анга амал қилмоғи лозим бўлган баъзи нимарсаларни баён қилинур. Ва фоида беш қоида бирлан зикр қилинур.

БИРИНЧИ ҚОИДА

Ҳар кимики, ҳифзи сиҳҳатини хоҳласа анга вожибдурки, агар ҳаммомға тушмоқни ирода қилса фақат меъда ва жигарида бўлгон физоси ҳазм бўлгон, лекин ҳануз бошқа физоға муҳтож бўлмоғон вақтдағина ҳаммомға киргай. Магар иссиқ мизожлик ва сафроси голиб киши бўлуб, ҳаммомнинг ҳарорати бирлан сафроси яна ғалаба қилмоғидин хавф қилса андақ миқдор физои латиф тановул қилуб сўнгра ҳаммомға кирмоқ лозимдур.

Аммо ҳақим Маҳмуд Чағминийнинг наздларида наҳорлик ҳолда ҳаммомға кирмоқ иссиқ мизожлик кишиларнинг ҳақиға мамнуъдур. Ва бошқа кишилар бироз миқдор тановулидин сўнг ҳаммомға кирсалар зарар қилмас, дерлар. Лекин камоли эҳтиёт шулки, меъда холий вақтда ҳаммомға кирмоқни мутлақо мамнуъ демак сазовордур. Ва агар иссиқ мизож кишига қабл аз ҳаммом таом тановули лозим бўлса ҳаммадин яхши ва мақомға муносиб таом меваларнинг сувиға ёки гулобға ивитилгон нондур.

ИНТИБОҲ. Таом тановул қилмоқ ва сув ичмоқ ҳаммомда мамнуъ бўлғони каби ҳаммомдин чиққандин сўнг то ҳаммомнинг асаридин ҳосил бўлгон бадан ҳарорати тамом зоил бўлғониғача ҳам мамнуъдур. Ва агарчи шул вақтларда таом ва сувнинг тановулини атиббо мутлақо манъ қилгондурлар.

Аммо таҳқиқ шулки, бағоят ашадд мамнуълик жуда совуқ ва ё жуда иссиқ бўлгон сувға ва таомға махсусдурки, меъдаға кирган сув нақадар совуқ бўлса ва ё иссиғ бўлса, шул қадар зарарлик бўлур. Аммо баданнинг иссиғлик ҳолиға жуда совуқ сув ичмоқни зарари маълумдурки, ани аъзо камоли иштиёқ ва рағбат ила жазб қилур. Ва сув ночор совуғлиги камайиб мувофиқи мизожи бадан бўлмоғон ҳолда мунжазиб бўлуб, ўзини совуқ кайфиятидин аъзоға таъсир қилур. Бас, агар дилға етса дафъатан ҳалок қилур. Ва агар жигарға етса истисқо ориз қилур. Ва инчунин бошқа офатлар ориз қилур.

Аммо ўткир иссиғ зарари шулки, қизиб турғон баданға яна иссиғни зиёда қилуб, руҳни таҳлилиға ва бадандин тер бирлан рутубати аслийяни зиёда таҳлилиға ва ахлотни уфунатиға ва жасадни ориғламоғиға ва баданда таби диққ пайдо бўлмоғиға ва ҳамма аъзони сушт ва ҳамма қувватни заиф бўлмоғиға боис бўлур.

НУКТА. Маълум бўлдики, ҳаммомда ва ҳаммомдин янги чиқгон вақтда тездин ўткур иссиқ ва ё ўткур совуқ нимарсани, хусусан, сувни тановули бағоят манҳийдур. Лекин кўп шиддатлик совуқ бўлмоғон сувни андак-андак миқдордин батариқаи имтисос ичмоқ ифрот даражада ташна бўлгон киши учун боки йўқдур, балки баъзи иссиқ мизожлик кишиларни

ахлот ва арвоҳни куймоғидин омон қолмоқға сабаб бўлур. Ва шунинг учун атиббо дебдурларки, ҳаммомда зўр ташналик ориз бўлгонгача ўлтирмоқ раво эрмас. Чунки иссиқ мизож кишилар учун зўр ташналикға сабр қилмоқ қаттиқ зарарликдур.

ИККИНЧИ ҚОИДА ОБЗАН, ЯЪНИ БИР ЗАРФДАГИ СУВҒА ТУШМОҚ БАЁНИДАДУР

Оврўпо истилоҳи ила ванна исми бирлан машҳурдур.

Бу бас, билмоқ керакки, обзан баданға рутубат еткурмоқда ҳамма тадбирдин яхшироқ тадбирдур. Лекин анда кўп вақт турмоқдин ихтироз лозимдур. Ва обзан зарфи кенг бўлсин ва чуқурлиги андоғ бўлсинки, сув тўлдиргондин сўнг ичиға тушуб ўлтиргон кишини гарданигача кўмадургон бўлсин. Зероки дили бақувват ва мизожи мўътадил ва хафақон касалидин барий ва холий кишилар учун баъзи вақтда то гардангача кўмуб обзан қилмоқға ҳожат бўлур.

Ва яна обзан зарфини зинҳор бегона одам истеъмол қилмогон бўлғай. Зероки агар бундин муқаддам юқумли касалдин бириға мубтало бўлгон киши истеъмол қилгон бўлса, сўнгра анда бу киши чўмилса эҳтимолки, ани касалидин бу киши ҳам эмин қолмас. Магар шул мустаъмал зарфдин бошқа янги зарф муяссар бўлмаса ва обзан қилмоқға ҳожат зўр бўлса, бу тақдирда мазкур обзан зарфини тезоб бирлан ёки сулаймоний ва ё кофроз ва маргимуш қўшуб эритилгон сув бирлан ювмоқ лозимдур. Токи анга сироят қилгон моддаи мараз ва ё ани кайфияти бўлса тамом зоил бўлғай. Андин сўнг ул зарфни истеъмоли мумкиндур.

Ва инчунин ҳаммомда то кўп миқдор сув бирлан муболага қилиб ювмаса ҳеч жойға ётмоқ раво эрмас. Ва инчунин ходимларнинг харитасини то бамуболага ювуб пок қилмасдин ўз баданиға урмоқни қабул қилмағай. Чунки ул харита аксар вақт бир фасодлик баданға истеъмол қилинуб, ул фасодни кайфийяти бирлан мутакаййиф бўлурки, ул кайфиятни зоил қилмай истеъмол қилинса, ул кайфиятнинг фасодидин эмин бўлмоқ хавфликдур.

УЧИНЧИ ҚОИДА БАДАН ЧИРКИНИ КҮЧИРАДИГАН НИМАРСАЛАР БАЁНИДАДУР

Махфий қолмағайки, бадан чиркини кўчирадиган нимарсаларнинг анвоъи кўпдур. Ва ҳар бир навъи бир бошқа шаҳарға ривож ила мустаъмалдур. Лекин аксар шаҳарларда баробар машхурларидин бири сидрдурки, кунор дарахтидин иборатдур. Бас, ани баргини обзан сувиға солиб чўмилса ва ё куруқ баргини янчиб, бир миқдор сувға қўшуб, ул сувдин баданға суртса бадан чиркини кўчирмоқда бошқа навъларидин бақувватдур. Ва баданни бағоят жило бирлан пок қилур. Ва яна мўйни тўкилмоғиға монеъ бўлур. Ҳам мўйни йўғон қилиб тез ўстирар ва мулойим қилур ва бадандин ҳароратни зоил қилур, хусусан ани лаблокининг сувиға, яъни асорасиға қўшуб истеъмол қилинса зиёда бақувват таъсирлик бўлур.

Ва иккинчи навъи хитмийдур, яъни ёввойи оқ гулхайридур. Ва ани суви бирлан чўмилмоқ бошни ориғиға фоида қилур.

Ва учинчи навъи собундурки, ани истеъмоли суддаи масомни очар ва димоғи совуқ мизож ва мартуб мизожлик кишилар учун мувофиқроқдур.

Ва тўртинчи навъи роибдур ва арпанинг уни ва нахуднинг унини сувға қўшуб, баданға молиш қилмоқ иссиқ мизожлик кишиларға нофиъдур. Ва бадан чиркини зоил қилмоқда ҳама навъдин ҳам тезроқ таъсир қилур.

ТҮРТИНЧИ ҚОИДА ҲАММОМДА ДАЛК ҚИЛМОҚ ВАҚТИНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, агар ҳаммомға кирган киши мизожи куруқ ва бадани дурушт бўлса, қабл аз ғусл далк қилмоқ лозимдур, токи масомлар очилғай ва мажролар кенгайғай ва баданға сув осонроқ нуфуз қилғай ва ботини бадан рутубатдин кама йанбағий баҳра олғай. Ҳам аввало ғусл қилғон тақдирдаги агар масом очиқ бўлса бадандаги фи-л-жумла мавжуд бўлғон рутубат тамом таҳаллул ила фано бўлмоғи ва сўнгги ғусл сувидин бадан баҳра олғунча фурсат танглик сабаблик бебаҳра хориж бўлмоқ зараридин ёки такаллуф бирлан кўп фурсат сабр қилғонда ҳаммомнинг иссиқ ҳавосидин танаффус қилмоқ

бирлан юрак ўйнамоқ ва руҳ куймоқ зарарлардин эмин бўлғай.

Ва инчунин бадани кўп кирлагон киши аввал далк, сўнгра гусл қилмоқ лозимдур, токи кирнинг заволи бирлан масомлар очилиб мажролар кенгайиб ҳам таҳаллули фузул ва ҳам тартиби бадан кама йанбағи ҳосил бўлур. Ва агар мизожи қуруқ бўлмоғон ва бадани мулойим кирламоғон киши ҳаммомға кирса аввал гусл, сўнгра далк қилмоғи муносиброқдур, токи аввал ҳаммом ҳавосини ва иссиқ сувни таъсири бирлан бадан фазлалари эриб теъ бирлан мундафиъ бўлғай. Сўнгра фазла ҳам агар бўлса далк бирлан таҳлил топқай.

БЕШИНЧИ ҚОИДА ОЁҚНИНГ ТАГИНИ ТОШ БИРЛАН ИШҚАМОҚ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, халқ миёнасида одати машҳур бўлгон амаллардин бири ҳаммомда оёғни тагини тошға ишқамокдур. Ва ани неча фойдаси бордур. Чунончи бир фойдаси шулки, чиркини зоил қилгон сабабидин оёқдин аъйо ва малолат асарини дафъ қилур. Ва оёқни қариҳ манзарликдин пок қилур. Ва иккинчи фойдаси бош оғруғиға ва бошқа махсус соир касалларни ҳаммасига нафъ қилур. Зероки оёқ тагини тошға ишқамок моддани юқоридин пастға жазб қилур, ҳаттоки, бошдин бошқа юқори аъзоларда моддий касал бўлса, бу жазбнинг нафъидин алар ҳам холий қолмаслар. Ва шунинг учун атиббо дебдурларки, агар моддани юқоридин пастға шиддатлик жазби мақсуд бўлса ул вақтда шиддати хушунат ва дағал тошға ишқамок лозимдурки, ани жазби бақувватроқ бўлур. Магар одамики бағоят нозик баданлик ва териси юпқа бўлса анга нозик ва силлиқ тошға молиш қилмоқ муносибдур, токи дағал тош оёқни озориға сабаб бўлмағай. Ва ҳар кимики, баданида моддаси суюқ ва териси юпқа бўлса ани учун оёғни тошға ишқамокнинг афзал вақти ҳаммомға киргон он ишқамокдур. Ва агар моддаси ғализ ва териси қалин бўлса то ҳаммомдин чиқарға яқин вақтгача таъхир қилмоқ афзалдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, агар ҳаммомда соч олдирмоқ ва қўлтуқни тагини ва зери ноғни пок қилмоқға ҳожат бўлса буларни ҳар бириға бўлса ҳам ҳаммомға киргонда бетавақуф

машғуд бўлмоқ лозимдур. Зероки ҳаммом таъсиридин табиат заифлангондин сўнг ундоғ амалларға машғул бўлмоқ табиатни зотан заифланмоғиға ва малолланмоғиға боис бўлур. Ва қўлтиқ тагини тозаламоқда зинҳор тик турғон ҳолда машғул бўлмоқдин ҳазар қилмоқ лозимдур. Чунки ҳаммомда қўлтиқ тагини молиш қилмоқ ва қирмоқ би-л-хосият баъзи вақтда ғаший ва бехудликка сабаб бўлур. Бас, агар тик туриб машғул бўлгон ҳолда бехудлик воқеъ бўлса йиқилиб тушмоқ, хусусан тиф ушлагон ҳолда йиқилмоқ хатарнокдур. Хусусан агар замонимизда истеъмоли мураввиж бўлгон оҳак ва зарних каби даволар бирлан пок қилмоқда ғаший воқеъ бўлмоқ эҳтимоли яқинроқ бўлур. Ва ул даволар агар фаразан ғаший пайдо қилмаса ҳам, лекин бошқа зарардин холий эрмас. Ва зери нофни пок қилмоқда устара бирлан пок қилмоқ би-л-хосият боҳнинг шаҳватини, яъни жимоъ учун рағбатни зиёда қилур. Ва олатнинг кўпроқ ўсмоғиға боис бўлур. Чунки устара бирлан қирмоқ қонни жазб қилурки, олатнинг ҳақиға далки мулойимдур. Ва қонни жазб қилмоқ бирлан узвни семирмоғи ва катта бўлмоғини далки мўътадилда зикр қилинди. Лекин зери нофни ва мумкин бўлгон жойларини эҳтиёт учун ўлтириб қирмоқ авлодур, токи ҳаммомни иссиғини ёки бадбўйлиги дилға асар қилса бехудлик ориз бўлмоқ зараридин эмин бўлғай.

ФОИДА. Билмоқ керакки, баъзи балғаммизож одамларға хусусан қиш пайтида ҳаммомда қай қилмоқға ҳожат бўлур. Зероки ҳаммомнинг таъсири бирлан бадандаги балғам, хусусан меъдада мавжуд бўлгон балғами эриб қай бирлан мундафиъ бўлмоқға қобил бўлур. Ҳам андин ҳосил бўлгон бухороти табиатға малол бўлур. Бинобарин табиат ани қай бирлан дафъ қилмоқға тақозо қилур. Бас, агар шундоғ ҳолат ориз бўлгонда қайни тўхтатиб қолмоқға ул киши қодир бўлолса ҳаммомдин чиқгондин сўнг қай қилмоғи афзалдур. Чунки агар ҳаммомда қай қилиб меъдаси холий бўлгондин сўнг ҳаммомда таваққуф қилса ани меъдасида саффо жамъ бўлуб, балғамнинг зараридин ёмонроқ зарарлар эҳдос қилур. Ва агар ҳаммомда қай қилмоқ матлуб бўлса, то ҳаммомдин

чиқар вақтгача сабр қилуб, сўнг қай қилғай. Ва қайдин фориг бўлгон онда ҳаммомдин чиқғай. Ва агар қайни тўхтатмоқға қодир бўлолмай қай кўп воқеъ бўлуб қолса, ул вақтда ҳаммомни тарк қилуб дарҳол хориж бўлмоқ лозимдурки, ҳаммомни нафъидин меъдаға сафро жамъ бўлмогининг зарари голибдур.

Ва ҳаммомда қортуқ солмоқ жуда ёмондур. Ва агар қортуқға толиб кишининг қони ниҳоят даражада ғализлик сабабидин ҳаммомда қонни эритуб, сўнгра қортуқ солмоқ лозим бўлса, ҳаммомда бақадри ҳожат ўлтурғондин сўнг хорижға чиқуб, қортуқ солғай, токи мақсуд беазият ҳосил бўлғай, албатта.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ҳаммомдин чиқғондин сўнг хорижда ҳам оёқни ювмоқ лозимдур. Бас, агар совуқ мизожлик киши қиш фаслида ҳаммомдин чиқса оёғини ночор иссиқ сувға ювғай. Ва илло совуқ сувға ювмоқ лозимдур, токи ҳаммом иссиғлигининг ориз бўлгон кайфият ҳароратни мўътадил қилғай. Ва агар димоғида ҳарорати голиб киши бўлса ҳаммомдин чиқғондин сўнг бошиға совуқ сув бирлан масҳ тортмоғи ва юзини совуқ сув бирлан ювмоғи лозимдур. Хусусан ёз фасли бўлса буни тарки мамнуъдур. Ва ҳаммомдин чиқғондин сўнг ҳуммоз гиёҳининг суви ва нордон олманинг сувини лисон ус-саврнинг сувиға ёки гулобға қўшуб ичмоқ ёки шуккоъий гиёҳини ҳозирда Оврўпо истилоҳича шовул исми ила машҳурдур ва ё бақлат ул-ҳумқо, туркийда семизўт ва форсийда хирфа дерлар, шуларнинг суви ҳам мизожни таъдил қилур. Ва шул куннинг физоси ҳам нордон таъм физодин, масалан аччиг анорнинг суви ва ғўранинг суви ва зиркнинг суви ва сирка каби нимарсалардин қўшилгон физо муносиброғдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳаммом хоналарининг ҳаммаси ҳам бақадриҳол ҳароратдин холий бўлмоғони сабабдин ул хонанинг иссиғлик даражасига нисбатан совуқроқ сув бирлан ғусл қилмоқ суддаи масомға боис бўлмоғи нақадар зарарлик бўлса, би-л-акс ҳаммомдин бошқа совуқ ҳаволик жой, хусусан шамол юриб турғон жойда иссиқ сувға ғусл қилмоқ ҳам шул

қадар зарарлиқдур. Зероки ҳаммомда совуқ сув масомни банд қилмоғи ила бухороти фазлийя мухтабис бўлуб, таҳлил ҳосил бўлолмас. Ва буни хилофида совуқ ҳаволик жойда иссиқ сув бирлан масомлар очилур. Ва андин совуқ ҳаво баданға нуфуз қилиб фазлани ва бухоротни баданға мухтабис қилур. Ва андин зот ул-жанби рихий каби бод касалларни эҳдос қилур. Бинобарин мумкин қадар атрофи ихота қилунғон ва шамолдин маҳфуз жойда ғул қилмоқ ва сувни илиғ даражада истеъмол қилмоқ лозимдур. Хусусан мизожи заиф ва таъби нозик кишиларға бу тадбир вожибдур.

ТАНБИҲ. Совуқ сувға ғул қилмоқ баёнидадур.

Билмоқ керакки, агар совуқ сув бирлан ғул қилмоқнинг дуруст бўлмоғиға беш хил шарт бордурки, агар ул шартлардин ҳеч бири мавжуд бўлмаса совуқ сувға ғул қилмоқ қатъиян мамнуъдур.

Биринчи шарт шулки, ғул қилғувчи одамнинг ёши йигитлик даврида бўлмоқ ва мўтадил миқдорда гўштдор бўлмоғи ва мизожи иссиқ ва ғул вақти ёз фасли бўлмоғи ва ғул қилғувчининг фазладин пок бўлмоғи шартдур. Зероки йигитлик даврида бадан ҳарорати бақувват бўлур. Ва сувнинг совуғлигининг чандон мағлуб ва мутаассир бўлмас. Ва муқоаватға муқтадир бўлур. Ва мўтадил миқдор гўшт ҳам сувнинг совуғлигининг камроқ мутаассир бўлур. Ва аъзойи аслиға совуқни нуфузи учун гўшт монӣ ва ҳоил бўлур. Аммо оруғ ва камгўшт кишининг то ботини баданиғача совуқ сироят қилур. Ва зарар еткарур. Ва инчунин рутубат бирлан семирған камқон ва совуқ мизожлик семуз киши ҳам совуқ сувға тоқат ва муқоават қилолмас. Чунки онча муқоавати ҳарорат бирлан бўлур ва ҳарорат қонда мавжуд бўлур. Ва камқон кишида ҳарорат кам бўлур. Ва ҳам фазлалик семузнинг фазласи андак совуғдин мутаассир бўлуб, сўнгра ях ҳукмиға кириб, балки совуқ сувнинг таъсириға жозиб ва муъин бўлур.

Ва иссиғ мизожлик кишиға иссиқ вақтда сувнинг совуғлигининг зарар камроқ мутасаввир бўлур. Зероки иссиғ мизожлик кишида ҳарорат ғолиб бўлуб, сувнинг совуғиға

муқовамат қилур. Аммо иссиқ вақтда сувнинг ўзида шиддатлик совуқ боқий қолмай мункасир бўлуб, бадан ҳолиға мутаносиб даражаға яқин етган бўлур. Аммо бадан фузулдин холий бўлмоғининг шартлигиға сабаб шулки, агар баданда фазла бўлса сувнинг совуғлиги бирлан масом банд бўлуб, баданда фазла маҳбус қолур ва таҳлил топмас ва кўп офатларға боис бўлур.

Ва иккинчи шарт шулки, ғул қилғувчи кишини тухма, яъни меъда ачиб қайнамоғидин ва қайдин ва исҳолдин ва сахардин, яъни бехобликдин ва назладин холий бўлмоғидур. Зероки агар тухма ориз бўлуб турғон бўлса, ани моддаси совуқ сувнинг таъсири бирлан ботини баданда маҳбус қолур. Ва таҳлил топмас. Ва меъдада таваққуфи сабабидин яна зиёда фосид бўлур ва кўп офатлар эҳдос қилур. Ва агар қай ва исҳол воқеъ бўлуб турғон бўлса, совуқ сувнинг таъсири бирлан ҳаво ботини баданға кириб, қамалур ва қай ва исҳолға моил бўлур.

Ва яна қай ва исҳол баданни ва қувватни заиф қилур. Ва заиф баданға совуқ сув шиддатлик таъсир қилуб кўп офатлар туғдирар. Ва инчунин баифрот кам уйқуликда ҳарорати ғаризийя ва руҳ таҳаллул бирлан заифланур. Ва таҳлил топғон миқдорининг ўрни холий қолғон учун баданда таҳаллул ва ҳоволлик пайдо бўлур.

Ва маълумдурки, ҳарорат ва руҳнинг таҳлили бирлан қувват ва ҳарорат ва бадан заиф бўлур. Таҳаллулнинг мажроси бўлғон масомлар очик бўлғон ҳолда заиф баданға совуқ сув зиёда таъсир қилуб фи-л-жумла боқий бўлғон ҳарорати ғаризийяни ва руҳни зиёда сўндируб, зарари фоҳиш ва офати азийм ориз қилур. Ва агар ғул қилғувчи кишида назла бўлса совуқ сув баданға моддани маҳбус қилур. Ва таҳаллулдин манъ қилур. Ва модданинг эҳтибоси модданинг дафъатан зиёда бўлмоғиға боис бўлур ва зуком, яъни тумов касали эҳдос қилур.

Ва учинчи шарт шулки, ғул қилғувчи одамни меъдаси бақувват бўлмоғи лозимдур. Ва агар меъдаси заиф бўлса совуқ сувға ғул қилмоқ моддани ботин тарафға, яъни меъдаға қайтарур. Ва меъда заифлигининг ул моддани дафъ қилолмай ночор қабул қилур ва фасод ҳосил бўлур.

Ва түртүнчи шарт шулки, ғусл вақти таом меъдада ҳазм бўлгон вақтига мувофиқ бўлғай. Зероки ҳануз таом ҳазм бўлмагон вақти совуқ сувға ғусл қилинса икки важдин зарар қилур. Бир важди шулки, таомни ҳазми учун ҳарорати ғаризийя ботини баданға таважжуҳ бўлгон сабабидин зоҳири баданда ҳарорат кам қолур. Ва камҳароратлик баданға совуқ сувнинг таъсири албатта зўрроқ бўлур.

Ва иккинчи важди шулки, совуқ сув ҳам масомни банд қилғони сабабдин ботини баданда ҳароратни зиёда қилур. Катта танаффусға, яъни кўп миқдор ҳароратға нафас олмоқға муҳтож қилур. Бас, бул вақтда меъданинг тўлалиғи катта танаффус учун эркинлик бермай монёь бўлуб, қурблик ва бетоқатлик пайдо қилур.

ТАНБИҲ. Қорин тўқликда совуқ сувға ғусл қилмоқ меъдаға ҳароратнинг зиёда қилмоғи сабабдин боиси ҳазм ва муқаввийи меъда бўлмоғи маълум ва юқорида мазкур эрди. Эмди бу маҳалдаги совуқ сувға ғусл қилмоқ на учун зарар қилур ва боиси ҳазм бўлмас, деб шубҳа қилинмасин. Зероки бу тақдирда ҳам таом ҳазми учун совуқ сувға ғусл қилмоқни аъойини мутаҳаққиқ ва муқаррардур. Лекин катта танаффусға монёьлик жиҳатидин зарарликдур. Ва маълумдурки, бир жиҳатдин фоидалик бўлгон нимарса иккинчи жиҳатдин зарарлик ва фоидасиға нисбатан зарари голиб бўлгон нимарсадин ҳазар қилмоқ лозимдур.

Бешинчи шарт шулки, совуқ сувға ғусл қилмоқ жимоъ сўнггидин воқеъ бўлмағай, зероки жимоъда моддаи маний хориж бўлмоғи ҳаракати жимоъийя бирлан ҳарорати ғаризийя ва руҳ таҳлил топмоғи ва масомларни очилмоғи сабабдин баданға таҳалхул пайдо бўлур. Ва ҳароратнинг таҳаллули бурудатни ғалабасиға мусталзим бўлур ва бадан заиф бўлур. Бас, бул вақтда бадан совуқ сувға мулоқот қилса бадан ҳаракати ва истифроғи маний сабаби бирлан ташналик ҳолида ва совуқ сувни кўпроқ жазб қилур. Ва баданни заифлигиға мутаносиб сувнинг совуқлик таъсири шиддатлик бўлур. Ва баданнинг маҳаллий таҳалхулиға сув нуфуз қилуб, совуқлик кайфияти

бирлан боқий ҳароратни ҳам совутар. Ва бошқа неча офатлар туғдирар. Хусусан, баъд аз жимоъ бевосита ва бемуҳлат ғул воқеъ бўлса, ҳануз жимоъ ҳаракати бирлан қўзғолган бухорот ва ҳарорати ориза таскин ва таҳлил топмоғон бўлса, сувнинг совуғи бирлан масом банд бўлуб, мазкур ҳарорати ориза муҳтабис қолуб, томурдаги ахлотни қизитуб уфунат пайдо қилур. Ва асл ғулнинг вужубиға иллоти ғойи бўлғон амниятни фоний қилуб, таби диққ ҳосил қилур.

Ва ёш болалар ва қари кишиларнинг бадани ҳам заифлик сабабидин совуқ сувға ғул қилмоқлари сазовор эрмас. Ва инчунин меҳнатлик риёзат сўнггидин совуқ сувға ғул қилмоқ ҳам зарарлиқдурки, боиси суддаи масом ва ҳофизи бухорот ва монёи таҳаллулдур. Магар риёзатдин сўнг иссиқ сувға ғул қилуб, сўнгра совуқ сувға ғул қилмоқ бу манъдин хориждурки, ани алоҳида баён қилурмуз.

Фоида. Билмоқ керакки, иссиқ сувға ғул қилғондин сўнг совуқ сувға ғул қилмоқ башараға ва зоҳири баданға қувват берур. Ва иссиқ сув истеъмолидин баданда ҳосил бўлғон ҳароратни таҳлилдин тўхтатиб баданда сақлар. Ва таҳлилға кетмоқ учун зоҳири баданға чиқғон ҳароратни терининг остида тўхтатмоқ шубҳасиз муқавийи башарадур. Ва териға қувват бергонидин ва ани устида ҳароратни маҳбус ва анинг остида ҳароратни маҳбус сақлағонидин терининг рангини қизил ва равнақлик қилур. Ва териға бошқа офат келмоғиға офат келур. Хусусан қўтирға фоида қилур. Бинобарин эҳтиёт учун бу кишини қай ва исҳол қилмоқдин манъ қилинмас, токи зоҳири бадан тарафға мундафиъ бўлолмай доҳили баданда маҳбус қолғон моддалар қай ва исҳол тариқаси бирлан мундафиъ бўлуб турмоғи зарурдур. Зероки аксар бўлурки, ботини баданда моддаи зоида пайдо бўлса ани табиат зоҳири баданға дафъ қилиб турар. Ва шул маъни аъзойи ботинийнинг поклигиға боис бўлур. Бас, агар зоҳири баданға қувват берилганликдин мазкур моддани тери қабул қилмаса, бешак ул модда аъзойи ботинийда жамъ бўлуб қолур. Ва аъзойи раисаларға зарар қилур. Бинобарин ул моддалар қай ва исҳол бирлан мундафиъ бўлуб

турмоқлари лозимдур. Лекин билмоқ лозимдурки, иссиқ сув истеъмолидин сўнгги совуқ сув зинҳор шиддатлик совуқ бўлмаслиги лозимдур, балки иссиқ ҳолатдин совуқ ҳолатга бадан батадриж ўтмоғи лозимдур. Ва мақсуд беазият ҳосил бўлур, чунки икки хил бир-бирига муҳолиф бўлгон кайфиятнинг биридин яна бирига дафъатан ўтмоқда ҳамма бадан ва қувват ва руҳларга фасоди азим ориз бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, риёзатдин сўнг совуқ сув бирлан чўмилмоқ ҳам аксари шароитиға мувофиқ бўлса башараға қувват берур. Ва ҳароратни таҳаллулдин муҳофазат қилур. Ва ҳарорати ғаризийяға ва соири баданға ҳам қувват берур. Ва буни шароити тўрт хилдур.

Биринчи шарт шулки, ғусл қилғувчи одамнинг бақувват ва иссиқ мизожлик бўлмоғи шартдур. Зероки агар қуввати заиф ва мизожи совуқ бўлса, анга зарар қилур.

Ва иккинчи шарт шулки, риёзатнинг миқдори мўътадил бўлғай, зероки агар иътидолдин зиёда бўлса модда ҳароратни кўп таҳлил қилгон сабабидин бадан совуғон бўлур. Ва совуқ баданға совуқ сув кўпроқ таъсир қилуб, кўпроқ зарар қилур. Ва агар иътидолдин кам бўлса, риёзатдин умид қилингон фоида камроқ ҳосил бўлур. Ва кам фойдани совуқ сув маҳв ва беасар зоил қилур. Ва шунинг учун атиббо дебдурларки, сўнггидин совуқ сув бирлан ғусл қилмоқ муносиб бўлгон риёзатнинг миқдориға нисбатан ҳаракати тез бўлғай, яъни кам ҳаракат тезҳаракатлик бўлғай, токи бадан таҳлилиға назаран иситмоғи кўпроғ бўлғай. Зероки бу мақомда баданнинг бетакрор исимоғи ва совуқ сувнинг таъсири бирлан ул иссиқ баданда боқий ва маҳбус қолмоғи мақсуддур.

Ва учинчи шарт шулки, риёзат сўнггидин ғуслни хоҳлаган киши риёзатдин сўнг ва ғуслдин аввал баданни шиддатлик куч бирлан далк қилдурғай, токи бадан зиёда ҳароратлик ва мустаҳкам бўлуб, ботини баданға сувнинг совуғлиги нуфуз қилмағай, лекин далки моддани таҳлил қилғай.

Ва тўртинчи шарт шулки, ғуслдин сўнг яна далк қилдирғай, токи териға яқин келуб совуқ сувнинг таъсири бирлан

масом банд бўлуб, ҳануз таҳлил топмай, терининг остида муҳтабис ва боқий қолгон моддаи фазлия агар бўлса, далк бирлан таҳлил топқай.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, хоҳ совуқ сувға ва хоҳ иссиқ сувға бўлсин ва хоҳ ҳаммомдин сўнг ва хоҳ риёзатдин сўнг бўлсин гусл қилмоқда тамоми баданни сувға кўмиб туруб гусл қилмоқ афзалдур, токи гуслдин матлуб бўлгон манфаат ҳамма баданға текис ва баробар ҳосил бўлғай. Аммо сувни бошдин куйиб гусл қилинса бу матлуб ҳамма баданға баробар ҳосил бўлолмас. Ва ушбу тариқа гусл қилгон киши учун тановул қиладиргон таомининг миқдориға то нафси қаноат ҳосил қилгон миқдорғача ихтиёр ва кенглик бермоқ лозимдур. Зероки бу гусл ва далклар бирлан анинг ҳарорати ғолиб бўлғони учун қуввати ҳозимаси ҳам бақувват ва нафси хоҳлагон миқдор физонинг ҳазмиға қодир бўлур. Бас, агар бундоқ киши оз миқдор физо тановулидин сўнг зиёда тановулдин манъ қилинса, ул кишининг физоси ҳароратнинг ғалабаси бирлан қуюб фосид бўлур. Валлоҳу аълам би-с-саваб.

ТЎРТИНЧИ ФАСЛ УЙҚУ ВА БЕДОРЛИК ТАДБИРЛАРИНИНГ БАЁНИДАДУР

Махфий қолмағайки, уйқу ва бедорликнинг ҳақиқатини ва инсонға зарурлиги сабабини ва андин ҳосил бўладурган манфаатларини “Ситтаи зарурийя” бобида машруҳан баён қилдик. Эмди бу жойда анга мутааллиқ бўлгон нимарсаларни ва аларнинг тadbирларинигина баён қилурмуз.

Бас, билмоқ керакки, уйқунинг яхши вақти меъда кўп тўқ бўлмоғон ёки кўп оч бўлмоғон, балки тановул қилингон таом меъданинг юқори қисмидин чўкуб паст қисмиға ўрнагон вақтидин бошлаб ухламоқдур. Ва уйқу муддатини мўътадил бўлмоғи вожибдур. Зероки мўътадил уйқу қувватларни бақувват ва ўз афъоли учун бағоят муқтадир қилур. Ва руҳни зиёда қилур. Аммо очлик ҳолатдаги уйқу қувватни соқит қилур ва баданни ориелатур. Зероки очлик ҳолатдаги уйқуда ҳарорати ботин бадан тарафға

моил бўлур. Ва ҳазм ва таҳлил учун меъдада физо бўлмас. Ҳарорат ночор руҳға таважжуҳ ва таъсир қилуб, ани таҳлил қилур. Бас, агар руҳ таҳлил топмоқ ила камайса, шубҳасиз баданда совуғлик ғалаба қилур, албатта.

Аммо агар таом меъдада ҳазм бўлмоқға қобил ва омода бўлгон вақтдаги уйқу меъдаға ҳароратни жалб қилғони учун табора ҳазмға иъонат қилур. Ва ҳазмдин қон пайдо қилғони учун истиқболда қонни таъсири бирлан яна ҳарорат зиёда бўлуб, натижада қуввати ҳозима яна бақувват бўлур ва бадан семирур. Ва физони ҳазм учун омода бўлмоғидин мурод ул физони қон бўлмоқға қобилият ҳосил қилмоғидур. Ва баъзи атиббонинг наздида андин физонинг кайфияти ва миқдори тановул қилғувчининг ҳолиға муносиб бўлмоғидур. Зероки агар физонинг миқдори тановул қилғувчининг ҳозимасининг тоқатидин зиёда бўлса ва ё тановул қилғувчининг меъдасида совуқ хилт бўлса, баданға совуқни ғолиб қилур. Бас, совуқ хилт совуқни ғолиб қилмоғи маълумдур. Аммо кўп миқдор физо совуғни ғолиб қилмоғиға сабаб шулки, агар физо кўп миқдорда бўлса қуввати ҳозима анга мағлуб ва ҳарорати ғаризийя ҳам камаюр. Чунки физонинг хомлиги ва ё кўплиги сабабдин агар ҳазм бўлмаса, шубҳасиз қуввати ҳозима ва ҳарорат мағлуб ва мақхур бўлур. Бинобарин баданға совуғлик ғалаба қилур.

Ва кундузда безарурат ухламоқ ва кўп ухламоқ меъдаға ҳароратни зиёда қилуб, андаги физони қайнатуб бухорот ҳосил қилур. Ва бухорот мияға суъуд қилуб, андин назлалар пайдо қилур. Ва ҳам бу ҳарорати ғариба руҳни ва ҳарорати ғаризийяни кўп таҳлил қилуб, баданға заифлик ва мизожға совуғлик ғолиб бўлур. Бинобарин мин баъд ҳазм ноқис бўлуб, баданда рутубати фазлийя ҳосил бўлур. Ва натижада амрози рутубий ва назлийлар ориз бўлур.

Ва рутубати фазлийя қонға мухталит бўлуб, зоҳири баданға таралуб, терининг остига етганда хорижий ҳавонинг таъсири бирлан ғализ ва таҳлилға ноқобил бўлуб, тери остига жамъ бўлгон сабабидин ранги башарани фосид қилур, ҳаттоки, баданға жароҳатлар пайдо қилур. Ва яна бошқаларини тездин лафзи зарурат қайдининг фойдаси бирлан қўшуб, машруҳан зикр қилурмуз, иншааллоху таъоло.

Аммо орқани босиб осмон тарафга қараб ётиб ухламоқ фазлаларнинг мажрои табиийдин бошқа тарафга жалб қилиб кобус ва сакта каби амрози радийлар эҳдос қилур. Чунончи сўнгроқда баён қилинур.

Ва билмоқ керакки, осмонга қараб ётиб ухламоқ пайғамбарлар ва соҳиб риёзатларга махсусдурки, аларнинг риёзатлари таҳлили рутубат қилиб турган сабабидин баданлари рутубати фазлиядин покдур. Бинобарин алар учун бул тарақида ухламоқни зарар қилмоқ эҳтимоли йўқдур. Аммо бошқа мардум акли таомга ҳорис бўлғони ва аларда рутубат кўп бўлғони сабабдин аларнинг ҳақиға зарар қилур.

ТАНБИХ. Билмоқ керакки, ҳаммадин яхши уйқу андак тер бирлан мутгасил ва мутгасиф тер бўлғон ва мўътадил миқдорда бўлғон уйқудур, яъни олти соатдин кам ва ўн соатдин зиёда бўлмоғон уйқудур. Ва миёнадаги тўрт соат муддатдин ҳар жузви ҳар қаю мизож соҳиби таҳолуфига нисбатан мўътадил миқдор демакга мумкиндур. Чунончи бағоят мўътадил мизожлар учун саккиз соат мўътадил миқдордур. Ва андак мартуб мизожлар учун тўққиз соат ва андак хўшқиятга моил мизожликлар учун етти соат мўътадил бўлур.

Ва уйқу учун ҳаммадин муносиброқ вақт шулки, таом меъданинг юқори қисмидин тушуб паст қисмида ўрноғон бўлғай. Ва бу ҳолатни аълои батннинг етгиллигидин билмоқ мумкиндур. Аммо агар таом қаъри меъдага ўрнамоғон вақтда ухланса бу уйқу аксар вақтда таомдин бод ва қароқур эҳдос қилур, яъни меъда физонинг тасарруфига таважжуҳ қилмоғига монё бўлур. Бас, ҳазмга футур етиб, бод ва бухороти касира андин пайдо бўлур ва меъда андин дам бўлур ва уйқу ҳам ташвишноқ ва бераҳат ва кўрган тушлари ҳаволик бўлур. Ҳеч шак йўқдурки, бедор кишига бу ҳолат пайдо бўлса кекирмоқ ва ҳаракат қилмоқ ва бошқа ҳийлалар бирлан бу бодни таҳлил ва дафъ қилмоқ мумкин бўлур. Аммо уйқуда бу тадоруклардин ҳеч бири муяссар бўлолмас, ночор бод мужтамиъ бўлуб, қароқур, ҳатто алам ва озор эҳдос қилур.

ФОИДА. Физонинг ҳазмига уйқу бирлан иъонат қилмоқни ихтиёр қилғон кишилар учун энг яхши тариқ шулки, гизо меъданинг юқори қисмидин ҳануз пастга тушмаган вақти

бўлса, ул вақтда ўнг тарафни босиб ётмоқ керак, токи қаъри меъда ўнг тарафда бўлғони учун бу тараф нашиб бўлуб, физонинг қаъри меъдага тезроқ ўрнамоғига сабаб бўлғай. Лекин бу тариқа ётғонда икки важҳ бирлан ухламаслик лозимдур. Бир важҳ шулки, қабл аз инҳидори гизо ухламоқ зарар қилурки, сабаби мазкур бўлди.

Ва иккинчи важҳ шулки ўнг тарафни босиб ётмоқға ҳожат фақат физони қаъри меъдага ўрноғон вақтғача лозимдурки, бу мақсуд тахминан бир соат фурсатда ҳосил бўлур. Ва зиёдаси икки сабаб бирлан зарар қилур.

Биринчи сабаб шулки, гизо қаъри меъдага тушгондин сўнг ҳазм бўлмоғи мақсуддур. Ва ҳазм учун иъонатнинг энг зўр сабаби чап тарафни босиб ётмоқдур. Чунки чап тарафни босиб ётқонда меъда устига жигар тамом қопланиб босиб турар. Ва ўзини ҳарорати бирлан меъдани қизитар ва чап тараф ҳам босилиб, хориж ҳаводин маҳбуслиги сабабдин қизиб турар. Бас, меъда ҳар тарафдин баробар ҳарорат касб қилур.

Ва маълумдурки, меъданинг ҳарорати қуввати ҳозимани бақувват қилур. Бас, агар чап тарафни босмай ўнгни босган ҳолда ухламоқда бу манфаатдин холий қолур. Чунки агар ўнг тарафни босиб ётғонда меъда жигарни устига муттасил бўлуб андин ҳарорат касб қилмоғи мумкин бўлса ҳам, лекин жигарни қалин бўлгон ўрта марказиғагина муттасил бўлур. Аммо жигарни атрофи табиий оғирлиги бирлан қобурға тарафға тушуб, меъдадин ажраб турар. Ва шул сабабадин оз ҳарорат меъдани кама йанбағий қизитмоқға кифоя қилмас. Ва ҳам чап тараф юқорида хорижий ҳаводин мутаассир бўлуб турғони учун меъдага ёрдам берарлик ҳарорат касб қилолмас.

Ва иккинчи сабаб шулки, доимий ўнг тарафни босиб ётғонда, яъни таом қаъри меъдага ўрнагондин сўнг ҳам шул ҳолда ётғонда жигар ва мосариқо мажролари меъданинг остида ва нашиб тарафда бўлғони учун ҳазм бўлмоғон физодин баъзи табиий оғирлик ила меъдадин мосариқоға ўтуб, қабл аз ҳазм жигарға бориб бир офат эҳдос қилғай. Ва ё мосариқоға судда ориз қилғай. Бинобарин гизо қаъри меъдада қарор олгондин

сўнг дарҳол чап тарафни босиб ётгай, токи жигарнинг ҳарорати ғизонинг иъонат қилгай. Ва ҳазм ҳосил бўлгондин сўнг яна ўнг тарафни босиб ётгай, токи ҳазм бўлгон жавҳари ғизо осонлик бирлан мосариқо воситаси бирлан жигарга нуфуз қилгай. “Ли-истиълаи-л-миъдати ъала-л-кабиди”.

Ва махфий қолмагайки, меъданинг қаъри ўнг тарафга моил халқ қилинғондур. Токи ғизонинг холис жавҳари жигарга осонлик ила мунжазиб бўлгай. Лекин ҳазм ҳосил бўлгонлигини жазм қилғондин сўнг ўнг тарафни босиб ётмоқ лозим бўлур. Агарчи ҳамма одамни ҳолини бу маромга забт қилмоқ мумкин бўлмай ҳар кимнинг одатиға назаран ҳоли батафовут бўлса ҳам, лекин аксар мўътадил мизожлар ҳақиға ҳазмнинг камоли учун миёна муддат саккиз ярим соат экани тажрибада маълум бўлғондур.

НУКТА. Қайси тарафни босиб ётмоқни тартиби таомни тановул қилғон вақтни ибтидосидин бошлаб риюя қилинмоғон бўлса уйқу вақтидаги қайси тарафни босиб ётмоқ навбати бўлса, шул тарафни босиб ётиб ухламоқ лозимдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ухламоқда бадандин табиий фазла муидафиъ бўлғондин сўнг ухламоқ лозимдур, токи уйқу безарар бўлгай.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, қоринни босиб ётмоқ ҳам қориннинг ҳазмиға иъонат қилур. Лекин юзни ҳам заминға қаратуб, пешонани кўйиб ётмоқ яхши эрмаски, кўзға назла тушмоқ ва бошқа кўз касаллари ориз бўлмоқ хавфи бордур. Шунинг учун бу тариқа ётмоқ шаръан мамнуъдур. Аммо қоринни ерга босиб, юзни ўнг ва ё чап тарафга қаратиб бир тараф юзни босиб ухламоқ шаръан ҳам, тиббан ҳам жоиз ва фоидалиқдур. Аммо орқани босиб осмонга қараб ухламоқ қаттиқ зарарлиқдур ва кўп офатларға, чунончи назла ва сил ва важаъи захр ва кобус ва саръ ва сакта каби касалларни ориз қилур. Ва кундузда узоқ вақт ухламоқни қаттиқ манъ қилинғондур. Зероки кундузда кўп ухламоқ бадан рангини фосид қилур ва талоқни семуртирар ва баданни оруғлатар. Ва ани сабаби “Боби ташриҳ”да “Талоқ” баёнида мазкурдур. Ва

оғизни бадбўй қилур ва қуввати нафсонийяни суст қилур ва иситма ва шиш пайдо қилур ва зеҳни кунд ва паст қилур ва амрози рутубий, хусусан назла эҳдос қилур, ғала-л-хусус қиш фасли бўлса кўпроқ эҳдос қилур.

Ва ҳамма фаслда ҳам иштаҳони соқит қилмоқ кундузда ухламоқни лозимасидур. Ва агар одамики кундузда ухламоқни одат қилгон бўлса, бу одатни албатта тарк қилмоқ лозимдур. Зероки зарарли нимарсаға одат қилмоқ агарчи тез фурсатда зарар еткурмаса ҳам, лекин ани зараридин эмин қолиб бўлмаски, мурури замон сўнггида бир офати азим эҳдос қилур. Лекин бу одатни тарки ҳам дафъатан зарардин холий бўлмас. Бинобарин батадриж ва таҳлил тарк қилмоқ лозимдур.

Ва агар одамики, кечаси бедор бўлуб, сўнгра кундузида табиат иқтисоси бирла ухласа зарар қилмас, балки фойда қилурки, бу уйқу ҳожати табиийдур. Ва агар кундузда ухламоқ одат бўлгон кишига ҳаво иссиқ вақти ва кундузнинг узоқ вақтида бедорликдин ва ё ҳаракатдин чарчаб уйқу келса дарҳол ухламоқ лозимдурки, ҳожати табиийдур.

Ва қиём вақтида азбаройи талофийи нуқсон ухламоқ табиат учун боиси роҳатдур. Ва зиёда ухламоқ зарар қилур. Ва қиём вақтидаги уйқуни номини қайтула дерларки, Ҳазрати Расули акрам саллаллоху алайҳи васалламнинг суннати оддийларидур. Бас, агар бу уйқуни суннатлигини нийят қилиб ухласа савоб ҳам бўлур. Ва агар тарк қилинса итоб бўлмас.

Аммо бомдод вақтидаги уйқуни номини айтула дерларки, жуда зарарлиқдур. Хусусан агар меъда холий бўлса зарари шиддатлиқдур. Ва инчунин чоштгоҳда ухламоқни номини хайтула дерлар. Ва бу уйқу ҳавос қувватларини футуриға ва кудуратиға боис бўлур. Ва инчунин кундузда офтобнинг заволидин сўнгги уйқуни хайтула дерларки, ухлағувчи одам бирлан намози пешин миёнасиға ҳоил бўлур. Ва нисён ва фаромушхотирликға сабаб бўлур.

Ва инчунин кундузнинг охирроқ вақтидаги уйқуни номини гайтула дерлар. Ва бу уйқу кўп офатларға боис бўлур, ҳалокатға еткизар.

Ва бу мазкур бўлгон уйқу вақтларини баҳасби баён биринчиси

ба қофи мафтуҳа ва иккинчиси ба айни муҳмала ва учинчиси ба фои мафтуҳа ва тўртинчиси ба ҳои муҳмала ва бешинчиси ба гайни муъжама луғоти арабийлардур.

Ва кундуз вақтидаги уйқулар учун бошқа исмлар ҳам бордур. Лекин тиббий тариқ бирлан манфаат ва мазаррати исбот қилинғонлари шул беш навъ уйқуки, аксари жоҳиллар бунга рағбат қилурлар. Бинобарин бул мақомда шул беш навъ уйқунинг баёниға иктифо қилинди.

АММО БЕДОРЛИК кўб бўлса бас, ани зарари шулки, баданни қуритар ва рутубати аслийларни фоний қилур ва баданни болидаликдин ва кўркам намоийишдин манъ қилур. Ва миянинг мизожини фосид қилур. Ва агар бағоят даражада ифротлик бўлса, мияга қуруғлик ва ихтироқ зиёда қилмоқлик сабабдин жунун эҳдос қилур.

Билмоқ керакки, бедорлик учун ҳожат би-3-зотдур. Зероки инсон, балки ҳайвонотнинг камоли баданийяси ва камоли илмияси бедорликдагина муяссар бўлур. Аммо уйқуға ҳожат би-л-араздур. Токи бедорликдин ҳосил бўлғон маломат учун илож ва тадорик бўлғай ва тафсирини “Ситгаи зарурийя” бобида муфассал баён қилинди. Аммо ҳар ишда иътидол яхши бўлғони каби бедорликда ва уйқуда ҳам иътидол яхшидур. Ва ҳар қаюсини ифроти ҳам офатларға боис бўлди. Чунончи мазкур бўлди.

Ва билмоқ керакки, мўътадил миқдор уйқу агарчи ҳар хил киши учун нофиъдур, лекин қари кишилар учун нофиъроқдур. Зероки уйқу аларнинг рутубати ғаризийларини муҳофаза қилур. Ва ёшлик вақтидаги рутубатини авд қилдирар. Ва шунинг учундурки, Жолинус ҳар кеча хаси мутаййиб бақласидин тановул қилур эрди. Ва дер эрдикки, “инний аляна ʼала-н-навми ҳарисун ай инний алявма шайхун файанфаъуни тартибу-н-навми”, яъни ҳозирда ман уйқуға толибман, яъни қаридурман ва кечасининг уйқусининг тартиби манға нафъ қилур, дер эрди.

Ва Шайх ур-раис алайҳир-рахма “Қонуни кабир”да ёзғондурларки, Жолинуснинг бу тадбири қарилар кам уйқулар учун энг яхши тадбирдур. Ва агар бақлаи хаси мутаййибнинг

тановулидин ва ани ҳазми комил бўлгондин сўнг ҳаммомға кирса ва бошдин совуқ сувни кўп қуйса уйқуға ниҳоятда иъонат қилур.

Ва бақлаи хасни форсийда гиёҳи коху ва туркийда қоқиўт дерлар. Ва ани мутаййиби дорчиний ва бунга ўхшаш нимарсалар қўшиб хўшбўй қилинғонидур. Ва бу нимарсаларни қўшмоқдин ғараз хаси мазкурнинг совуқлигини камайтирмоқдур. Ва ани бодини йўқотмоқдурки, токи ани ухлатмоғи безарар бўлғай.

Аммо кохунинг ўзи шадид ут-танвимлик сабабидин анга ва қўшилғон хўшбўй ва қуруқ мизож нимарсаларни хосиятиға монёъ бўлолмаслар. Ҳам хўшбўй нимарсалардин миқдори физио кохунинг миқдориға назаран ғоят даражада кам бўлурки, ҳатто монёъ бўлмоқға қодир ҳам бўлолмас.

Ва уйқу келтирмоқ учун лозим бўладурган бошқа тadbирларни саҳар касалида ва уйқуни дафъ қиладурғон тadbирларни субот касалида муфассал баён қилурман, иншааллоху таъоло.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, уйқунинг тadbири мутлақаси мазкур бўлди, лекин уни лозим бўладурган тadbири мутафарриқаларини баёни лозимдур. Масалан, офтобнинг тобишида ухламоқ бошни оғир қилур, зероки офтобнинг ҳарорати агарчи мияни қизита олмаса ҳам бадандин мияға кўб бухорот суъуд қилмоғиға боис бўлур ва шунинг учун бош оғриғи пайдо қилур.

Аммо ойнинг тобишида ухламоқ қонни ҳаракатга киргизар ва аксар бурундин қон жорий қилур. Ва боҳ шаҳватини қўзғатурки, бу осор ҳаммаси ойнинг нурининг лозимасидур. Ва шунинг учун ойнинг ёруғ вақтида жамиъи рутубатлар қўзғалур. Ва ҳўл мевалар ва қисо ва бодринглар ой ёруғида бошқа кунларға назаран икки ҳисса ўсарлар. Ва ҳар навъ меваларда зиёдалиқ икки ҳисса маҳсус бўлур. Ҳаттоки рутубатни ғалабаси бирлан ой ёруғ кечаларида қовун ва анорлар кўп ёрилар. Ва шунга ўхшаш баданда қон ҳам кўп ҳосил бўлуб, ҳаракатға кирар. Ва ғалаба бирлан ўз-ўзиға ўралуб, ани қуюғ ва суюғ ва солиҳ ва фосиди бир-бирига аралашган бўлур.

Бинобарин ой ёруғ вақтида қон олдирмоқни манъ қилғон-дурларки, фосид қондин зиёдароқ солиҳ қон зое бўлмоғи мумкиндур. Ҳаттоки чоҳ суви анҳор сувлари ҳам ой ёруғ вақтида кўпроқ бўлмоғи ва ой қоронғу вақтида камаймоғи аҳли тажрибаларға маълумдур. “Ва залика куллуху мин амри холиқи-ш-шамси ва-л-қамари вала йадхулу фиҳи ли-ақли-л-башари”.

Аммо баъзи танани офтобға ва баъзи танани сояға муқобил қилиб ухламоқни аҳли шаръ манъ қилибдурлар. Ва тибб тариқи бирла ҳам мамнуъдур. Чунки баданнинг ҳамма аъзо ва ажзосининг ҳоли бир-бирига муташобих кайфиятда бўлолмай, муҳолиф кайфиятда мухталиф бўлмоғи муқтазои табиатнинг хилофидур.

Ва билмоқ керакки, ухламоқ учун макон ҳам ҳар бир одамнинг мизожиға мутаносиб даражалик иссиқ ва ё салқин бўлмоғи лозимдурки, андин зиёда ва ё кам даражада бўлса, албатта зарарлик бўлур. Ва ул жой пок ва озода бўлмоғи лозимдур ва бадбўйликдин муназзаҳ ва холий бўлғай. Ва чақадурғон ҳаввомдин ва бошқа ҳайвонотдин ҳар тариқа талбир бирлан мумкин қадар эҳтиёт бирлан сақланғон бўлсин. Чунончи сарир ва каравотни баланд қилмоқ ва чирогни узоқ қўймоқ каби талбирларни кама йанбағий баржо қилмоқ лозимдур. Ва ўринни ҳам ҳар ким ҳар фаслға мувофиқ қилмоғи лозимдур. Чунончи иссиғ мизож кишиларға ва иссиғ фаслға мутаносиби канаф ва мунга ўхшаш нимарсалардин бўлғон фалосда ётмоқ ва мазкур нимарсалардин либос киймоқ муносибдур.

Ва қиш фаслида совуқ мизожлар учун юнглик фалос ва тивитлик ва ипаклик либос муносибдур. Ва мўътадил мизожларға ғала-д-давом пахта либоси ва фалоси лозимдур. Аммо фалос ҳар нимадин бўлса ҳам қалин бўлмоғи лозимдурки, асло ухлағон кишиға маконнинг қаттиғлиги маҳсус бўлмағай. Чунки қаттиғ жойда ухламоқдин пайға зўр зиён ориз бўлур. Ҳаттоки тамаддуд ва ташаннуж ва фолиж касалларига сабаб бўлмоғи мумкин бўлур. Хусусан совуғ ерда ётиб ухлағон киши учун бу зарарлар яқин эҳтимолдиндур. Аммо юмшоқ ўринда

ухламоқ баданни семуртирар ва гулнинг баргини устида ухламоқ башарти орқаси гул баргиға мулоқий бўлуб, узоқроқ ухласа қуввати боҳни заиф қилур. Ва айиқ терисини устида орқани босиб ухламоқ боҳни бақувват қилур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, агарчи уйқуда хорижий ҳавонинг таъсири бирлан зоҳири бадан совуғ бўлуб кўрпа ёпинмоқға ҳожат бўлса ҳам, аммо ботинға ҳарорат авд қилгон сабабидин ботинда ҳарорат зиёда бўлғай. Ва шунинг учун-дурки, одам бедорликға нисбатан уйқуда кўпроқ терлар. Чунки табиат моддаға голиб ва мутаважжиҳ бўлур. Ва қуввати табиийя ва ҳайвонийя ва ҳарорати ботин баданда жамъ бўлурки, буларнинг ижтимоъи моддани пишурмоқ ва дафъ қилмоқға сабабдур. Ва табиатнинг голиблиги бирлан ул модда ночор тер бўлуб, хорижға мундафиъ бўлур. Бас, ҳар кишики уйқуда кўп терласа ва зоҳиран терға бир сабаб маълум бўлмаса, масалан, ҳаво кўп иссиғ бўлмаса ва устидаги кўрпаси кўб қалин бўлмаса андоғ одамнинг баданида жузви бадан бўлмоқға яқин даражалик гизо ё хилт кўплиғиға бу тер далилдур. Аммо одамийки, бедорликда кўп терласа ани ҳам табиати ва ҳарорати голиб деб ҳукм қилиб бўлмас, балки бу тернинг сабаби шулки, бедорликда руҳ зоҳир тарафға ҳаракат қилур. Ва руҳнинг ҳаракатиға табъан суюғ модда ҳам зоҳири баданға хориж бўлур. Ва зоҳири баданда руҳнинг таъсири бирлан ҳарорат зиёда бўлғони сабабдин масом кенг бўлур. Бинобарин зоҳири баданға етган суюқ модда терининг остида маҳбус қолмай масомлардин тер бўлуб чиқар. Бас, бундин собит бўлдики, бедорликда чиқгон терға нисбатан уйқуда чиқгон тер яхшидурки, табиатнинг феъли ва қуввати табиийянинг бақувватлиги бирлан чиқар.

ФОИДА. Уйқуни ва бедорликни ҳолидин мизожни билмоқ баёнидадур.

Билмоқ керакки, кам уйқу ва кўп бедорлик мизожни иссиқ ва куруқлиғиға далилдур. Ва уйқунинг кўплиги мизожда рутубат ва совуқ голиблиғиға далилдур. Ва уйқу бирлан бедорликнинг иътидоли тўрт кайфиятнинг ҳаммасида мизожнинг

ийтидолиға далилдур. Ва гоҳи уйқуда кўрилғон туш воқеъасидин ҳам мизож кайфиятиға истидлол қилинур. Башартики, бошқа далиллар ҳам далолат қилур бўлса ва туш кўрмоқнинг сабаби руҳнинг ҳоли тағйир топганлигидур, хоҳ суъ ул-мизожи созиж сабаби бирлан руҳ мутағаййир бўлғон бўлсин ва хоҳ суъ ул-мизожи моддий сабаби бирлан бўлсин ва хоҳ таъсироти фазли Илоҳийя сабаби бирлан мутағаййир бўлғон бўлсин. Бас, суъ ул-мизожи созиж ва суъ ул-мизожи моддий сабаби бирлан руҳни мутағаййир бўлғони сабабдин кўрилғон тушни арабда руъйайи ориза дерларки, андин бадан мизожиға истидлол қилмоқ мумкиндр. Ва бошқасидин истидлол мумкин эрмас.

Ва бу мақомда таҳқиқи калом шулки, туш кўрмоқ тўрт навъ бўлур. Ҳар бирида бир суврат ва кайфият мушоҳада қилинур. Бинобарин тўрт мушоҳада бирлан баён қилурмуз.

БИРИНЧИ МУШОҲАДА шулки, уйқуда нафси нотиқа бу оламдин сайр қилуб олами мужаррадотға борур. Ва махфий қолмасунки, инсоннинг нафси зотан бу оламдин бошқа оламларға ҳам алоқаси бордур. Лекин бадан таъаллуқоти бирлан бошқа оламдин доим маҳжубдур. Ва гоҳи бўлурки, Худованди оламини инояти бирлан аксар бавоситаи риёзат ва гоҳи бевоситаи риёзат ҳам руҳи инсонға бу оламдин тамом холис ва мужарраб бўлмоқ муяссар бўлуб, олами арвоҳ ва олами мисол ва олами мужаррадотға етар. Ва Олами Арвоҳ ва Лавҳ ул-Маҳфуздаги неча нимарсаларнинг куллиётидин баъзиси руҳға мутаносиб бўлғони сабаби бирлан руҳға макшуф ва маълум бўлур. Ва руҳ агарчи таъаллуқоти жисмонийдин мужаррад бўлғон бўлса ҳам, лекин ҳануз баданда ҳаётлик боқийлик сабаби бирлан қуввати нафсонийяни руҳға муносабати бор, лекин руҳни Олами Арвоҳда кашф қилғон нимарсасини суврати қуввати мутахаййилаға акс беруб, акси сувратни мутахаййила тасаввур қилур. Сўнгра бу суврат ҳисси муштаракға кирар. Ва ҳисси муштарак ул сувратни ўз хазинаси бўлғон хаёлға топширар. Ва хаёл ул сувратни муҳофазат қилур. Ва бедор бўлганда ул киши мазкур сувратни хаёлдин ёдиға келтирурки, туш кўрмоқ ушбу сувратларни кашф қилмоқдур. Бас, агар бу макшуф

бўлгон суврат бирлан суврат эгасининг миёнасида нисбати зўр бўлса, бу туш таъбирга муҳтож бўлмас. Ва қандоғ кўрган бўлса воқеъда ҳам шундоқ бўлур. Ва агар кўрилгон суврат бирлан суврат эгасини, яъни воқеъ бўладурган воқеъани миёнасида муносабат камроқ бўлса, ул туш таъбирга муҳтож бўлур. Чунончи тушда кўрилгон йилонни молга таъбир қилгондурлар, чунки ҳар иккиси ҳам одамга душманликда бир-бирига мутаносибдур. Ва тушда кўрилгон сутни илмга таъбир қилгондурлар. Чунки ҳар иккиси ҳам одамга фоида қилмоқда бир-бирига мутаносибдур. Ва бу тариқа тушни рўёи содиқа дерлар. Ва рўёи содиқанинг шаъни хоссаси бўлгон хосияти шулки, агар ани аввал бор кимга баён қилгон бўлса ва эшитган киши хоҳ илми таъбирни билиб ва хоҳ билмай хато қилиб таъбир қилса, аксар вақт таъбирда кўрсатилгон нимарса воқеъ бўлур.

Ва шунинг учундурки, ҳадиси шарифда таъкиди аниф бирлан нодон кишини ҳузурида кўрган тушни баён қилмоқ сазовор эрмаслиги ворид бўлгондур. Ва асҳоби ризвон ва асҳоб ризвонуллоҳи алайҳим ажмаъийн кўрган тушларини ҳузури пурнури Ҳазрати Рисолатпаноҳ саллаллоҳу алайҳи васалламдин баён қилуб, ул жаноби ирфонмаоб таъбирлари бирлан баҳраманд бўлур эрдилар. Баҳарҳол рўёи содиқа пайғамбарларга бўлгон ваҳий каби илми мутаҳаққиқ бўлмаса ҳам гўё Илоҳий тарафдин ато қилингон ижмолий ишоратдур. Ва баъзилар ҳатто рўё ваҳй ул-мўъминин деб таъбир қилгондурлар. Хусусан солиҳ ва муттақий кишиларнинг рўёларини ваҳий деб таъбир қилмоқ қариб ут-таносубдур, валлоҳу аълам.

ИККИНЧИ МУШОҲАДА рўёи тахаййулийдур. Билмоқ керакки, аксар воқеъ бўлурки, одам бедорликда камоли шавқ ё камоли ваҳм бирлан бир сувратини кўп хаёл қилса, масалан, ошиқ киши маъшуқини жамолини камоли шавқ бирлан ўйлаб юрса қуввати мутахаййиласи бу хаёлга одат қилур. Ва уйқуда ҳам шул хаёлга машғул бўлур. Бас, буни лозимаси бўлгон суврати зеҳнийя, яъни маъшуқни суврати маънавийяси хаёлда ҳосил бўлур. Ва ҳосил бўлгон сувратни хаёл ҳисси муштаракга

жилвагар қилур. Ва ҳисси муштарақ ул сувратни олиб тасарруф қилгондин рӯё ҳосил бўлур. Ва бедор бўлгондин сўнг ул киши хаёлида ўйлагон ҳисси муштарақийда тафтиш ва тасарруф қилингон суврати маънавийяни ёдиға олиб, тушимда маъшукумни кўрдум, деб таъбир қилур. Ёки хаёли бир маънийнинг вуқуъи эҳтимолидин кўркуб, бедорликда шуни кўп ўйлагон бўлур. Ва ани қуввати мутахаййиласи бу хаёлға одат қилгон бўлуб, мазкурнинг тахаййулиға уйқуда ҳам машғул бўлса, ул нимарсанинг суврати зеҳнийяси мутахаййилада ҳосил бўлуб, ҳисси муштарақға жилвагар бўлур. Ва қуввати ҳам ул суврати маънавийядин изтироблик бўлур. Ва бедор бўлгондин сўнг бу изтироблик ҳолатни ул киши ёдиға олиб, тушумда фалон кулфатни кўрдум, деб таъбир қилур. Бас, бу тушни номини рӯёини козиба ва асғоси аҳлом дерларки, ҳеч эътибори йўқдур. Ва таъбирға лойиқ эрмас. Ва воқеъада ҳеч ҳодисаға ишорат бўлмас. Ва ҳам бадан мизожиға далолат қилмас.

ВА УЧИНЧИ МУШОҲАДА шулки, баданға суъ ул-мизожи созиж ориз бўлур. Ва суъ ул-мизожни кайфийятиға мутаносиб кайфийятлик нимарсаларни туш кўрмоқға сабаб бўлур. Ва тариқати шулки, агар суъ ул-мизож ҳорр бўлса, ани ҳарорати бирлан руҳ қизуб, муштаъил бўлур. Ва маълумдурки, ҳама қувватлар руҳдин ҳосилдур ва руҳға мутиъ ва тобиъдурлар. Жумладин бири қуввати нафсонийдур. Бинобарин руҳға ориз бўлгон ҳарорат ва иштиъолдин қуввати нафсонийя мунфаъил ва мутаассир бўлур. Ва кайфийят таъсирини, яъни ҳароратни ўзиға мутаносиб кайфийятлик нимарсанинг суврати бирлан мутахаййила хаёл қилур ва бу сувратни ҳисси муштарақға арз изҳор қилур. Ва бедорликда ул мазкур суврати хаёлийяни ёдиға олиб, тушумда оловни ва ё офтобни ва ё чақмоқни ва ё яшинни ва бунга ўхшаш ҳароратлик нимарсалардин қаю бирини қуввати мутахаййила тасаввур қилгон бўлса, ани кўрдум деб гумон қилур.

Ва агар суъ ул-мизож борид бўлса, ани совуғлиги бирлан руҳ совуб, анда жумудлик кайфийят пайдо бўлур. Ва андин қуввати нафсонийя мутаассир бўлуб, дафъатан совуғлик

кайфийятга мутакаййиф нимарсалардин бирини сувратини мутахаййила хаёл қилур. Ва хаёлни суврати зеҳнийя ҳисси муштаракга намоён бўлур. Бас, бедор бўлгондин сўнг бул киши тушумда қор ва ях ва ёмғур ва шамол каби суврати зеҳнийяси тасаввур қилгон нимарсаларни кўрдум, деб гумон қилур.

ВА ТҮРТИНЧИ МУШОҲАДА шулки, руҳни ҳолини тағйирига суъ ул-мизожи моддий сабаб бўлур. Бас, агар суъ ул-мизожнинг моддаси сафро бўлса, ани ҳарорати бирлан руҳ қизиб муштабил бўлур ва андин сариқ ранглик бухорот суъуд қилур. Ва қуввати мутахаййила бу кайфийятга мутакаййиф бўлгон нимарсалардин бирининг сувратини тасаввур қилур. Ва мазкур суврати хаёлийяни ҳисси муштаракга намудор қилур. Ва ё бухороти суъудийяга мутаносиб суъудлик нимарсани тасвир қилур. Бас, бедор бўлгондин сўнг бул киши мазкур суврати хаёлийяни ёдиға олиб, тушида олов ва офтоб каби нимарсаларни кўрганлигини ва осмонға парвоз қилганлигини гумон қилур. Ва агар суъ ул-мизожни моддаси қон бўлса, ани ҳарорати мўътадиласи бирлан руҳ мутаассир бўлур ва таъсиридин қуввати мутахаййилаға таъсир қилур. Ва мутахаййила ҳам қоннинг ҳароратиға мутаносиб ҳароратлик нимарсаларнинг сувратини тахаййул қилур. Ва қондин суъуд қилгон бухоротға мутаносуб қизил ранглик нимарсалар шаклини тахаййул қилур. Ва бу суврати хаёлийялари ҳисси муштаракга намоён бўлур. Бас, ул киши хунрезлик воқеъаси каби нимарсаларни тушида кўрган бўлур. Ва суъ ул-мизож моддаси балғам бўлса шул тариқа бирлан сувға фарқ бўлмоқ ёки совуқ ҳавода юрмоқ ва қор ва ёмғур каби нимарсаларни ва оқ ранглик нимарсаларни туш кўрар. Ва агар модда ғолиб савдо бўлса қаро ранглик ва тийра ранглик нимарсаларни ва кўрқинч ва ваҳшат ва гамгинлик воқеъаларини ва баланд жойдин пастға йиқилмоқ ва мунга ўхшаш воқеъаларни туш кўрар.

ТАЗКИР (ЭСЛАТМА). Махфий қолмасинки, баёни тадобир мақомида тадбири жимоъни баёни ҳам зарурнёт жумласидин эрди, лекин фақирини ножиз ситтаи зарурийянинг тўртинчи қисмида ҳаракат ва сукун баёнида ҳаракати жимоъни

ва анга зарур бўлгон тадбирни ижмолан зикр қилгон эрдим. Анга иктифо қилиб бу жойда татвили калом қилмадим. Нозирини китоб афв қилгайлар. Ва тадбири жимоъни кўрмоқ лозим бўлса ўшал бобга назар қилгайлар.

БЕШИНЧИ ФАСЛ ТАДБИР БАҲАСБИ ФУСУЛ БАЁНИДА

Билмоқ керакки, тадбири зарурийя жумласидин бири йилнинг ҳар бир фаслига мутобиқ ва муносиб алоҳида тадбир қилмоқдур. Ва учинчи мақоланинг иккинчи фаслида асбоби ситтаи зарурийяда баёни фусули арбаъа ʻинда-л-ҳукама ва ʻинда-л-атиббони ва анинг ҳудуд ва миқдорларини муфассал баён қилингон эрди. Бинобарин бул жойда ҳар фаслға муносиб тадбирларға мутааллиқ нимарсаларни баён қилинур. Ва бу мавриддаги фусулдин мурод назди атиббода мўътабар бўлгон фусулдур. Аммо баҳор фаслида қон олдирмоқ ва исҳол қилмоқ тадбирлариға ҳифзи сиҳҳат учун муҳтож кишиға лозим ва айни вақтидурки, қон зиёда бўлгон ва бошқа хилтлар эриб назж ҳосил қилгон замондур. Ва баданни қизитадурган рутубатни зиёда қиладурган нимарсалардин парҳез қилинур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, баҳор фаслини табиатидаги ҳарорати латифаси бирлан қиш фаслида совуғнинг таъсиридин қотиб ғализ бўлгон моддалар эриб сайлон қилурлар. Ва эриб исиган сабабларидин ҳажмлари зиёда бўлуб, ўз маконлариға сиғмай атрофға тошиб тажовуз қилурлар. Ва ҳар хилтни осори зоҳир бўлур. Шунинг учун баҳор фаслида баҳор мизожида муносиб иссиқ кайфийятлик касал пайдо бўлур. Бинобарин тақаддуми ҳифзи сиҳҳат учун атиббо баҳор фаслида танқия қилмоқға амр қилгондурлар. Токи ахлотнинг ғалаёнидин воқеъ бўлмоғиға мунтазир бўлгон касалларнинг зараридин амният ҳосил бўлғай. Ва танқиянинг аксар мизожларға мувофиқроқ ва осонроғи албатта қон олдирмоқ ва исҳол қилмоқдур. Бинобарин ҳаким Муҳаммад ибн ал-Маҳмуд Чағминий “Қонунча”-ларида танқия учун қон олдирмоқ ва исҳол қилмоқни баён

қилиб бошқа навъ танқиядин сукут қилғондурлар. Илло алардин бошқа навъ танқиялар ҳам кўпдур. Хусусан баҳор фаслида башарти мумкин ва осонроқ муяссар бўлса ва бошқа моневъ бўлмаса ҳаммадин яхшироқ танқияти қай қилмоқдур. Зероки қиш фаслида меъда ва ани атрофиға балғам кўпроқ жамъ мунжамид бўлур. Ва баҳор фаслида мазкур балғам эруб, ҳаракатға кирар. Ва зоҳирдурки, меъда ва ани атрофида бўлгон балғамларнинг ихрож учун ҳеч тадбир қайдин яхшироқ бўлмас. Ва агар қай қилмоқ меъдаға ва бошқа аъзоға зарар қилмасин деб хавф қилинса, боядки одамнинг риояти аҳамми муҳим-мотдин бўлгон сабабидин ҳар кимнинг одат қилгон тариқи бирлан танқия қилмоқ лозимдур. Ва гоҳи бўлурки, ҳам қон голиб бўлур ва ҳам бошқа бир хилт голиб бўлур. Ва ул сувратда ҳар иккисини танқияси лозим бўлур. Ва илло голиб хилтға муносиб ва мутобиқ танқия вожиб бўлур. Маъна залика гоҳи бўлурки, бир одам қон олдирмоқни одат қилгон бўлур. Аммо мушқилға одат қилмоғондурки, анга қондин бошқа хилтнинг ғалабаси зоҳир бўлғондур. Бас, шундоғ одамға одатни риоя қилиб андин қон олинса фоида қилур. Ва одат натижаси бирлан исҳолни тақозо қилғувчи хилт ҳам қон бирлан мундафиъ бўлуб исҳолдин мустағний қилур.

Ва би-л-акс қон ғалаба қилгон одам агар мушқилға одат қилгон бўлуб, одатиға биноан исҳол қилса исҳоли фоида қилуб, қон олдирмоқдин мустағний қилур. Лекин қон олдирмоқға одат қилгон кишини олдиргон қони мушқилға бадал бўлмоғи кўпроқ воқеъ бўлур. Ва ҳам лойиғроғи қон олдирмоқдур. Зероки қаю хилт голиб бўлса, ани қон ихрож қилур. Ва шунинг учун қон олдирмоқни атиббо истифроғи куллий дерлар, яъни хилт учун умуман танқия деб ҳисоб қилурлар.

ФОИДА. Одатни риоя қилмоқдин мурод ғайри муътод нимарсаға ҳожат бўлса ҳам ҳаргиз ани иртиқоб қилмаслик лозим демоқ эрмас, балки одат қилингон нимарса бирлан мақсуд ҳосил бўлса, ғайри муътодни истеъмол қилинмасун, демоқ муроддур. Ва илло зарурат вақтида “аз-зарурот тубаййиху-л-махтурот” муқтазосича ўз вақтиға лойиқ бўлгон нимарсаларнинг ҳеч бирининг иртиқоби мамнуъ эрмас.

Ва яна билмоқ лозимдурки, баҳор фаслида баданни қизита-дургон, рутубатни зиёда қиладургон нимарсалардин парҳез қилмоқ лозимдур. Токи баҳор фаслининг табиатиға иъонат беруб, ани таъсири ҳаддин зиёда бўлмоғиға сабаб бўлмағай. Зероки баҳор фаслини табиати ҳам баданни қизитур ва рутубатни зиёда қилур. Ва шак йўқдурки, ҳар нимарсаики қизутса, ҳаракат ва ғалаён эҳдос қилур. Ва ҳар нимарса рутубат эҳдос қилса, моддани зиёда қилур. Бас, бундоқ нимарсалар фасли баҳор табиатиға иъонат қилуб, эътидолдин зиёда модда ҳосил қилмоғи ва моддани тоқатдин зиёда қўзғатмоғи бу фаслға муносиб эрмас. Шунинг учундурки, атиббо баҳор фаслида гўштни кўп тановул қилмоқдин ва мусолиҳ қўшилмоғон ҳамр ичмоқдин ва ҳаммомға кўп тушмоқдин ҳазар қилмоқни вожиб дегандурларки, буларнинг ҳаммаси баданда ҳарорат ва рутубатни зиёда қилур. Ва моддани қўзғатуб, ғалаёнға киргизур.

Ва баҳор вақтида латиф физолар тановул қилмоқ ҳамма талбирлардин фоидаликроқ талбирлардур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, истилоҳи атиббода физойи латифни уч хил маъниға итлоқ қилинур. Чунончи ҳар бир маънини баён қилуб, мазкурдин баҳор фаслида қайси маънида бўлгон физойи латиф мурод экониға ишорат қилмоқ лозимдур. Бас, бу уч хил маънидин бири шулки, физойи латифа бамаънойи физойики, андин суюқ қон ҳосил бўлур. Ва бу маъни баҳор фаслининг талтиф физоси учун мурод эрмас. Зероки қонни суюлтирадурган физолар ғолибан иссиқ мизожлик бўлурки, баҳор вақтида ани истеъмоли муносуб бўлмас. Балки бу фаслда ҳаммадин мувофикроқ физо мизожи совуқ ва ғализ физодур. Чунки ани севуглиги ахлотнинг ҳароратини таскин беруб ислоҳ қилур. Ва ғализлиги қон ва ахлотнинг суюқлигини қуолтуруб ислоҳ қилур.

Ва иккинчи маъниси шулки, физойи латиф бамаънойи физойи қалилдур. Ва бу маъни ҳам фасли баҳорға муносуб эрмас. Зероки баҳорда қорин ва ичак ва томур ва бошқа жавфлар иссиғ бўлур. Ва шул сабабдин қувват бўлгон ҳолда физони камайтурмоқ бешубҳа зарарликдур. Чунки очликнинг

қуввати ахлотнинг ҳиддатиға ва ғалаёниға сабаб бўлур. Бас, бу фаслда физони ҳаттоки эътидолдин зиёда миқдор қилмоқ лозимдур. “Ва қад қола ал-Буқроту ал-ажвофу фи-ш-шитои ва-р-рабнъи асхану ма йақуну-бит-табъи ва-н-навми фиҳимо атвалу фа-йанбағи ан йақуна ма йатанаввалу мин ал-ағзиййати аксару мин ма кана ва залика ли-анна-л-ҳорра-л-ғаризиййу фи-л-абдони фи ҳозайни-л-вақтайни қавиййун касирун ва лизалика йаҳтожу ила физайн касир”, яъни батаҳқиқ ҳақим Буқрот айтгондурки, қиш ва баҳор фаслида бадандаги жавфлар табиий миқдордин иссиғроқ бўлур. Ва бу икки фаслда уйқу миқдори узоғроқ бўлур. Бас, сазовор шулки, бу икки фаслдаги тановул қилинадурган физолар бошқа фаслдаги физо миқдоридин кўпроқ бўлғай. Зероки бу икки фаслда ҳарорати ғаризий баданда кўп бақувват бўлур. Шунинг учун кўпроқ физоға бадан муҳтож бўлур, дегандур.

Ва физойи латифнинг учинчи маънисини шулки, андин мурод қалил ут-тағзиядур, яъни физойи, миқдори кўп, лекин баданға жузви бадан бўладурган жавҳари кам бўлгон физо демақдур. Фасли баҳорда физойи латиф тановул қилмоқ керак демақдин мурод ҳам миқдори кўп ва ҳосили кам бўлгон физодин тановул қилмоқдур. Зероки баҳор фаслида ахлот кўп кучайган бўлур. Ва бадандин таҳлил топгон мо йатаҳаллалға бадал учун ҳожат кам бўлур. Бинобарин бу фаслда мазкур тариқ кам ҳосил физо кифоя қилур. Аммо бу фаслда меъдада ҳарорат кўп ва ҳозима кам бўлур. Бинобарин меъдада физо кўпроқ учун ҳам ҳожат бордур. Токи меъдани ҳазмиға машғул бўлуб турар. Бинобарин миқдори кўп ва ҳосили кам бўлгон физо бу фаслға сазовордур. Ва ани мисоли исфиноҳ ва коху ва кашниз ва шовул каби совуғроқ мизожлик гиёҳларни қовуруб емоқдур.

Ва яна билмоқ керакки, бу фаслда риёзати мўътадила қилмоқ ҳам яхшидур. Зероки бу риёзат табиатға малоллик бўлуб, тургон ахлоти зоидани таҳлил беруб табиатға ёрдам берур. Лекин ифрот даражалик риёзатдин зинҳор парҳез лозимдур. Чунки ифротлик риёзат ҳам баданға ҳожатлик бўлгон зарурий ахлотни қўшуб, кўп ахлотни таҳлил берур. Ва ҳам

баданни қизитуб, баҳор фаслини табиатиға иъонат қилур. Ва баданда боқий қолған ахлотни ҳаракати ғалаёнға киргузар ва ҳам қизитуб, уфунат пайдо қилур. Ва ҳам бадан қувватини заиф қилур. Бас, сазовор шулки, риёзат мўътадила бўлғай. Ва бу фаслдаги риёзати мўътадиладин мурод оҳиста ҳаракатлик демақдурки, узоқ вақтға давом қилғай. Токи узоқ вақтда бўлган ҳаракатдин ахлот кўпроқ таҳлил топқай. Аммо оҳиста ва бешиддатлик сабабдин баданни ва ахлотни зиёда қизитмағайки, риёзатдин асл мақсуд ушбудур.

Ва баҳор фасли учун либоснинг энг яхшиси фаслни аввалроқ вақти бўлса, синжоб киймоқдур. Синжоб бакасири син жонварийдурки, кулранглик бўлур. Ва ани терисидин пўстин қилинур. Терисини ҳам синжоб дерлар. Зероки бошқа пўстинларға назаран бунинг иситмоғи камроқ бўлуб, баҳор ҳавосиға муносиброқдур. Ва агар синжоб мавжуд бўлмаса пахталик либосийки, пахтаси янги ва андак бўлуб, қовуғлари бир-бириға яқин, яъни серқовуқ қилуб тикилган бўлса буни ҳам иссиғи камроқ ва баҳор ҳавосиға муносиброқ бўлур.

Аммо ёз фаслида ғизони ва шаробни ва риёзатни камроқ қилмоқ ва сояни ва соябонни ва сукун ва оромни ва бадан ҳароратини таскин берадурган нимарсаларнинг истеъмолини ўзиға лозим тутмоқ ва гоҳи қай қилмоқ, башарти мумкин ва осонроқ бўлса, лозимдур.

Фоида. Билмоқ керакки, иссиқ кунларда ҳазм заиф бўлур. Ва ахлот қизиган бўлур. Ва қизигани сабабдин ғалаёнға кируб ҳажми зиёда бўлур. Ва меъда ахлот бирлан мамлу ва тўла бўлур, ҳаттоки аъзоға ахлот кўпроқ нуфуз қилуб, таралуб турар. Бинобарин ёзда ғизони камайтирмоқ лозимдур. Зероки агарчи иссиғнинг шиддати бирлан баданда таҳлил кўп бўлса ҳам ани бадалича ғалаёнда ахлот етуб турган сабабидин ғизо учун баданнинг ҳожати ҳам камроқ бўлур. Бас, ночор ғизони камайтирмоқ лозим бўлур. Ва инчунин шароб ва риёзатни камайтирмоқ лозимдур. Чунки баданни қизитмоқ ва ахлотни зиёда ғалаёнға киргузуб, куйдирмоқ ва фосид қилмоқ ва уфунат пайдо қилмоқ ва бошқа зарарлардин эмин бўлғай.

Ва инчунин соя ва соябон ва сукунни ўзиға лозим тутмоқни фойдаси шулки, булар ҳаммаси мусаккини ҳароратдур. Ва таскини ҳароратнинг фойдаси тарки шароб ва тарки риёзат нафъида мазкур бўлди. Ва ҳароратнинг таскини учун кўпроқ истеъмол лозим бўлгон нимарсалар шарбати ҳуммоз ва шарбати тамарҳиндий ва олу ва зирк ва бунга ўхшаш туршлик шарбатлардур.

Ва ёзда қай қилмоқнинг нафъи шулки, бу вақтда ахлот қайнаб ғалаён ва саврон бирлан юқориға кўтарилур. Ва фами меъдаға келуб тургон бўлур. Хусусан голиброғи хилти сафро бўлур. Ва маълумдурки, фами меъдаға етуб турган ахлотнинг, хусусан сафронинг дафъи учун ҳаммадин осонроқ тадбир албатта қай қилмоқдур. Аммо қайнинг осонроқ воқеъ бўлмоғи ва бошқа жиҳатдин қайға моневъ йўқлиғи ва одатнинг тақозосини риоя қилмоқ лозимдур.

Ва яна ҳўл мевалардин кўпроқ тановул қилмоқ, чунончи ўрик ва гилос ва олуча ва қовун ва тарбуз ва бодрингларнинг истеъмоли баданнинг ҳароратини таскини учун назди атиббода мухтор бўлгондур. Лекин ҳаммадин яхшироқ мубаррид совуқ ширин сувдур.

Ва ёз фаслида либос учун ҳаммадин яхшироқ нарса зигирпоядин ишлангон канафдур. Ва агар канаф мавжуд бўлмаса, ипдин бўлгон либоски, ранги оқ бўлса раводур. Чунончи оқ ранг офтобнинг ҳароратиға моневъ бўлур.

ТАНБИҲ. Ва агар қай қилмоқ баосони муяссар бўлмаса ва ё қайға моневъ бўлса, совуқ мизожлик мулайийн нимарсалар, чунончи меваларнинг суви бирлан ва сутнинг зардоби бирлан енгилроқ исҳол қилмоқ мумкиндур. Ва агар ҳожат бўлса аларға фулуси хиёршанбар қўшуб ва ё ҳалиладин андак қўшуб тақвия қилмоқ керак.

Аммо ёз фаслида турбуд ва ғориқун ва сақамуниё ва шаҳми ҳанзал каби мусхиллардин ҳадд ал-имкон ижтиноб қилмоқ вожибдурки, алар офати азимға сабаб бўлурлар.

Ва ёз фаслида қон олдирмоқдин ҳам ижтиноб қилмоқ вожибдур. Зероки иссиқда қон эриб суюлуб солиҳ ва фосид-

лари мухталит бўлуб турар. Ва андин бухороти ҳосил бўлуб турар. Бас, агар қон олинса ул вақтда фосид қондин зиёдароқ солиқ қон чиқиб кетар. Ва ҳам қонга таъён ҳарорати ғаризий ва ҳам руҳ хориж бўлур. Магар зарурат бўлса оз миқдор қон олдирмоқ ва мутавассит вақтда қон олмоқ, яъни эртаги ва кечки салқин вақтда олмоқ керак. Аммо эртаги салқин яхшироқдур. Чунки кечасини салқинлик осори ҳануз боқий бўлур. Ва қон олдирғондин сўнг муаддал нимарсалардин ичмоқ лозимдур. Чунки қоннинг ҳаракати сабабидин суъуд қилгон бухоротнинг таскини учун шарбати боридайи мутфиядин, чунончи шарбати зирк ва шарбати лимун ва ғура суви ва олуча ва олуйи Ҳирот ва қурутган ўрикнинг ивитилган суви каби нимарсалардин ичмоқ керак. Лекин бу риоялар ҳаммаси ҳар фаслнинг ўз табиатида воқеъ бўлғондағина андеша қилинур. Ва агар фасллар ҳолати табиийсида боқий бўлмай, фаслларнинг таъсири бир-биридин имтиёзлик бўлмоғон шаҳарда бўлса бу риоялар соқит ул-этибордур. Балки қаю фаслда бўлса ҳам ул шаҳарнинг иссиғлик ва ё совуғлик даражасини риоя қилуб, анга мувофиқ амал қилмоқ лозимдур.

Аммо куз фаслида баданга хушкият пайдо қилғувчи нимарсалардин ва жимоеъдин ва шиддатлик совуқ сувдин ва совуқ жойда ухламоқдин ва кундуздаги қиём вақгининг иссиғидин ва кечадаги ва эртадаги совуғдин ва ҳўл мева тановулидин ихтироз қилмоқ вожибдур.

Ва куз фаслининг аввалроқ вақтларида сурги ва қай ва қон олмоқ каби истифроғ амаллари истеъмол қилинур. Ва баданга андак рутубат пайдо қилғувчи ва баданни андак иситғувчи физолардин тановул қилинур.

Фоида. Куз фаслида баданга хушкият пайдо қилғувчи нимарсадин парҳез қилмоқнинг сабаби шулки, бу фаслнинг мизожи қуруқдур. Бас, агар бу фаслда яна қуруғликни зиёда қилғувчи физо тановул қилинса физонинг таъсири фаслнинг таъсирига иъонат қилуб, бадан мизожиға зўр тағаййур эҳдос қилур. Ва бу сўз маҳалли иштибоҳдур. Чунончи ҳеч шак йўқдурки, куз фаслиға назаран ёз фаслининг мизожида қуруғлик

голибдур. Чунки ёз ҳавосида иссиғлик голибдур. Ва иссиғ ҳавонинг лозимаси қуруғлик экани шубҳасиздур. Бас, агар куз фаслида қуруқ мизожлик ғизодин парҳез лозим бўлса, ёз фаслида бундоғ ғизодин парҳез қилмоқ батариқаи авло лозим бўлса керак эди. Ваҳоланки, ёз фаслининг тадбирлари қаторида бу парҳез шарт қилинмади, деб шубҳа қилмоқ мумкин дур. Лекин бу шубҳа бодий райъда бўладурган асосиз шубҳалардин бўлуб, эътибордин соқит дур. Чунки агарчи ёз фаслида иссиқ голиб бўлса ҳам хушқият голиб бўлмас. Зероки иссиғнинг таъсири бирлан ахлот эриб сайлон қилуб турар ва ани сайлони хушқият учун тадорук бўлур.

Ва яна ёз фаслида анвоъи ҳўл мевалардин тановул бўлуб турарки, булар ҳам ҳавонинг иссиғи ва ҳам хушқиятиға муслиҳ бўлурлар. Аммо куз фаслида ҳаво иссиқ-қуруқ бўлур ва ахлот эримас, ҳам кузнинг салқинлиги ва салқин вақтда тармева тановули зарарлик бўлгон эътибори ила ҳўл мева тановул қилинмас. Бинобарин куз фаслида бўлгон хушқият беислоҳлик сабабидин зўр зарарлик бўлур. Ва куз фаслида жимовдин эҳтироз лозимлигининг сабаби зоҳир дурки, ҳам манийнинг хориж бўлмоғи ва ҳам жимов ҳаракатидин ҳосил бўлгон ҳарорат сабаби бирлан бадан рутубати таҳлил топмоғидин ночор хушқият ғалаба қилур. Магар жимовики, мўътадил миқдорда ва табиат хоҳишиға мувофиқ равишда бўлса, ул жимов ҳеч вақтда зарар қилмас.

Аммо куз фаслида шиддатлик совуқ сувдин парҳез лозимлигиға сабаб шулки, куз фаслининг ҳавоси салқин бўлур. Ва ёз фаслининг иссиқ ҳавосидин нафас олиб одат қилгон кўкрак ҳолатлари, масалан, кекирдак ва ўпка ва ҳалқ ва ҳижоби ҳожиз ва шараён ва варид томурлар ва ғишо ва пайлар ва работларининг аҳволида куз фаслиға ўтуб совуқ ҳаводин нафас олгон сабаблик тағаййур ва инқилоб ориз бўлур, мазкур аъзоға заифлик ориз бўлур.

Ва маълум дурки, совуқдин заиф бўлуб тургон ҳалқ ва аъзойи синаға совуқ сув албатта зарар қилур. Ва инчунин совуқ сувни куз фаслида ичмоқ қандоғ зарарлик бўлса, анга чўмилмоқ андин зиёдароқ зарар қилур. Чунки совуқ сув баданнинг

масомларини банд қилур ва рутубатни таҳлилдин манъ қилур. Ва ҳарорати баданда маҳбус бўлуб, бадан рутубатларини бухорот қилуб мияға суъуд қилдирар. Лекин миядин ул бухорот совуқ сувнинг таъсири бирлан совуб, яна сув ҳолиға келуб назла бўлур. Ва амрози назлийлар, чунончи зуком, яъни тумов ва бош оғруқи ва кўз ва кўзға тушса кўр қилмоқ ва ўпкага тушса сил қилмоқ ва без пайдо қилмоқ ва мафсилларға тушса важаъ ул-мафосил ва оқма касаллар пайдо қилур. Ва ҳароммағз воситаси бирлан факра устихониға боруб таъсир қилса ҳадба, яъни букур касали эҳдос қилур.

Бас, шиддатлик ва совуқ сувнинг истеъмоли ва шиддатлик куруқ таомнинг тановули, хусусан кечаси тановул қилуб, қабл аз ҳазм ухламоқ, агарчи ҳамма фаслда зарарлик бўлса ҳам, хусусан куз фаслида зиёда зарар қилуб мазкур бўлгон касаллар каби зўр офатлар пайдо қилур.

Аммо салқин жойда ухламоқдин кундуз қиём вақтининг ҳароратидин кечани ва эрта азонни салқинидин сақланмоқ ҳам назладин эмин бўлмоқ учундур. Чунки совуқ ҳавони таъсири бирлан совуғдан ахлот агар қиём вақтининг муваққат иссиғлигидин мутаассир бўлуб эриса, андин бухорот суъуд қилмоғиға боис бўлур.

Ва совуқ жойда ухламоқ ва кечанинг совуғиға ва субҳнинг совуғиға дучор келмоқ ул бухоротнинг сув ҳолиға келуб, назла ҳосил бўлмоғиға боис бўлур. Ва назладин офоти мазкура ҳосил бўлур.

Аммо тўқлик ҳолда қабл аз ҳазм ухламоқ доимий мамнудур. Хусусан куз фаслида мамнудроқдур. Токи мия бухорот бирлан зиёда тўлмағай. Аммо ҳўл мевадин эҳтироз қилмоқдин мурод бу мавридда куз фаслининг мевасидин эҳтироз қилмоқдур. Чунки куз фаслида пишган меванинг табиатида рутубати фазлия голиб бўлур. Зероки ҳавони камҳароратлик сабабидин ани рутубати фазлияси таҳлил топмоғон ва хом мева ҳукмиға яқинроқ бўлур. Ва ани тановули кўпроқ воқеъ бўлса ахлотни ғалаёнға келтируб бешубҳа иситма пайдо қилур. Ва бу маъни куз ҳавосини мухталифлиги ва ҳазмнинг фасоди сабабдин куз фаслида кўпроқ воқеъ бўлур.

Аммо агар ёз фаслида пишган ҳўл мевани куз фаслида тановул қилинса бундоқ зарар қилмас. Балки баъзи вақтда фоида қилур. Зероки ёз ҳавоси иссиғлигининг тарбиялангон меванинг рутубати зоидасти таҳлил топгон бўлур. Ва рутубати аслияси айни гизойи бадандур, ҳам ул рутубатлар сўлуб, таҳлил ила камайгон ва боқий рутубати жавҳари гизойяга мағлуб бўлуб, шира ҳосил қилгон бўлур. Ва ул ширага мураккаб бўлгон рутубати аслийяси аксар одамга гизо бўлур.

Ва баъзи қуруқ мизожлик кишиларнинг ҳаққиға куз фаслининг таъби қуруқ мизожи учун муслиҳ бўлуб, нафъ қилур. Ва ислоҳи бирлан мизожи мўтадил қилгонлигининг ахлот галаёниға, балки монёъ бўлур.

Аммо куз фаслини аввалроғида танқия қилмоқ лозимлиги азбаройи моддани камайтирмоқ ва табиатни кучайтирмоқ учундур. Лекин қай бирлан танқия қилмоқ мамнуъдур. Зероки қайнинг ҳаракати бирлан томурдаги ахлоти ҳаракатга кирар. Лекин агарчи меъдада мавжуд бўлгон ахлот қай бирлан мундафиъ бўлса, лекин томурдаги ахлотни чиқаруб дафъ қилмоқ учун қайнинг ҳаракати кифоя қилмас. Ва зоҳирдурки, агар ахлот қўзғалуб ҳаракатга кирса, лекин хориж бўлуб кетолмаса, ани ҳаракатидин ҳарорати ғариба ҳосил бўлур ва бухорот пайдо бўлур. Ва фаслининг мухталифлигининг мададкорлиги анга қўшилиб, уфунат пайдо қилуб, иситма ориз бўлур, албатта.

Бас, фаслда танқиянинг авлоси қон олмоқ ва ё кўп зўр бўлмогон заифроқ муҳил ила исҳол қилмоқдур.

Ва яна билмоқ керакки, баъзи одамларнинг баданларида ахлот кўпроқ ва ғализроқ бўлур. Ва куз фаслининг ҳавоси ани эритмоқ учун қодир бўлмас. Ва агар андоқ киши танқияга ҳаракат қилса кўп ва ғализ ахлотни ҳаммасини чиқармоқ албатта мумкин бўлмас. Бас, ночор қўзғолгон ахлоти фосидлар ахлоти солиҳ бирлан мухталиф бўлуб, ани ҳам фосид қилур. Ва ҳавонинг фасоди ва қувватларнинг заифлиги ҳам ахлотларнинг ифсодига иъонат қилурлар. Ва фаслининг иқтисосиға муносиб касаллар ориз бўлур. Бинобарин бундоқ кишилар бу фаслда танқияга ҳаракат қилмай тинч турмоқлари лозимдур.

Ва агар баданда сокин бўлгон ахлоти фосидга фаслнинг фасоди иъонат бериб дафъатан бир зўр фасод эҳдос қилмоқ хавфи бирлан танқия қилмоқ лозим кўрилса, ул тақдирда қон олмоқ исҳолдин авлодур. Зероки исҳол ахлотни зиёда кўзгатур. Бовужуди он ихрож қилолмас. Бинобарин офатларнинг ҳудусиға боис бўлур. Аммо қон олгонда тамоми ахлотнинг ҳаракат қилмоғи лозим эрмас. Балки ихтиёрий тариқада бақадри ҳожат олингон қон оҳиста оқиб чиқар. Ва тўхтатилгондин сўнг боқий қолгон ахлот беҳаракат турар. Аммо қай қилмоқ бағоят мамнуъдур. Лима закарнаҳу.

ФОИДА. Билмоқ керакки, куз фаслида баданда андак рутубатафзо нимарсалардин истеъмол қилиб юрмоқ лозимдур. Ва лекин боядки, аввал мураттаб нимарса иссиғ бўлғай, токи куз ҳавосининг совуқ ва қуруқлигиға тамом муслиҳ ва инсон мизожиға тамом мувофиқ бўлғай. Ва яна ул мураттабнинг рутубати уфунатға қобил ва ахлотнинг ҳаяжониға боис бўлмағай. Чунончи қовун ва тарбуз ва шафтоли ва сут каби сарий ул-фасод нимарсалар истеъмол қилинмағай. Ва куз фаслида гусл қилмоқ учун илиқ сув истеъмол қилинғай. Зероки зиёда иссиқ сув масомни кенгайтируб, таҳлили рутубат ила баданға хушкиятни ғолиб қилур. Ва совуқ сув куз ҳавосини совуқлигиға муъин бўлур. Ва ҳам масомни банд қилмоқ бирлан амрози назлий эҳдос қилур. Ва буларнинг ҳаммаси ҳам бу фаслнинг ридоати ва фасодига биноан бўлур. Ва шароб ичмоқ бу фаслда баифрот бўлмаслиги лозимдур. Чунки ифрот даражада ичмоқ агарчи ҳамма фаслларда мамнуъ бўлса, хусусан куз фаслида ва қуввати табиийянинг заифлиги сабабдин зиёда мамнуъ башиддат зарарликдур.

ТАНБИҲ. Куз фаслида агар ёмғур кўп ёғса куз табиатининг зарарига муслиҳ бўлур. Чунки ёмғур бухороти бирлан ҳавонинг қуруқлиги эътидолга келур. Ва ахлоти баданийянинг ҳиддати мункасир бўлур. Аммо қиш фаслида қон олтурмоқ ва қай қилмоқдин эҳтироз қилмоқ вожибдур. Ва ҳожат зўр бўлгон тақдирда исҳолға рухсат берулур. Ва қиш фаслида гизо миқдо-

рини зиёда қилмоқ вожибдур. Ва исҳол ичмоқдин муқаддам гизо тановул қилуб сўнғидин мусҳил ичмоқ муносиб бўлур. Зероки қиш фаслининг совуғлиги бирлан ахлот ғализ ва ширадор бўлур. Бинобарин мусҳил бирлан зоил бўлолмас, магар таомга мухталит бўлуб, мусҳил давонинг исҳолида таом бирлан қўшулуб мундафиъ бўлур. Ва таом ахлотни дафъи учун муъин ва мубдариқ бўлур. Ва исҳолдин олдин таом тановул қилмоқ фақат қиш фаслига махсусдур. Ва бошқа фаслларда дуруст эрмас. Чунки бошқа фаслларда ахлот бу қадар ғализ бўлмай, қобили индифоъ бўлур. Бинобарин мусҳилнинг таъсири бетаом ва холис таомнинг дафъиға мусруф бўлса, кўп миқдор ахлот дафъ бўлуб танқияи комил ва мурод ҳосил бўлур.

ФОИДА. Қон олмоқ ва қай қилмоқдин бу фаслда эҳтироз қилмоқ лозимлигиға сабаб шулки, бу фаслда ахлот ғализ ва оғир бўлуб, паст тарафға чўкуб, таҳнишин бўлур. Ва қай ва қон бирлан бундай ахлотнинг дафъи мумкин бўлмас. Ва шунинг учун Шайх ур-раис алайҳир-рахма ҳаким Букротдин нақл қилуб ёзғондурларки, “Қола ал-Букроту йустаслиху фиҳи-л-исҳалу дуна-л-фасли ва йукраҳу-л-қаййу”, яъни Букрот дебдурки, қиш фаслида исҳол қилмоқ дуруст ва салоҳиятлик бўлур, аммо қон олдирмоқ салоҳиятлик эрмас. Ва қай қилмоқ қариҳ ва мутлақо нораводур, дебдур. Бас, бу фаслда танқия учун зарурат бўлса, фақат исҳолға қаноат қилмоқ лозимдур. Ва қиш фаслида исҳолнинг салоҳиятиға сабаби зоҳирдурки, модда паст тарафға кўп ўрноғон бўлур. Бинобарин исҳол тариқасида мундафиъ бўлмоғи осонроқ бўлур. Чунончи ёз фаслида сафро ғалаён ила юқориға кўтарилгон сабабидин ани дафъи батариқаи қай осон бўлғони кабидур. Аммо қон олдирмоқда агарчи ғализ моддаларни ихрожи мумкин бўлса ҳам, лекин бу фаслда ҳавонинг совуқлигиға муқовамат учун баданда қон кўпроқ мавжуд бўлмоғиға эҳтиёж ҳам кўпдур. Бинобарин модда сокин бўлгон вақтда қон олдирмоқдин эҳтироз қилмоқ ҳам зарурийдур. Аммо агар модда ғалаён бирлан ҳаракатға кирса, хоҳ фаслнинг бошқа фаслга интиқоли

бирлан ва хоҳ боди муғаййири мавод сабаби бирлан бўлса ҳам ҳожат вақтида қон олдирмоқдин ҳеч зарар бўлмас. Ва бетаваққуф қон олдирмоқ лозим бўлур.

Ва инчунин то ҳожат зўр бўлмаса исҳол учун ҳам журъат қилинмаслик лозимдур. Ҳосили калом шулки, қиш фаслида то ҳожати нақдина мавжуд бўлмаса фаслнинг таъсири бирлан сўнгра воқеъ бўлмоғи гумон қилингон зарарлардин ҳифзи сиҳҳат учун эҳтиётан исҳол қилмоқ дуруст эрмас. Бахилофи бошқа фаслларки, анда азбаройи эҳтиёт исҳол қилмоқ раводур. Ва бошқа танқияларни бамуносиби ҳол истеъмолини лозим билғондурлар, чунончи мазкур бўлди.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, қиш фаслида ғизони кўп тановул қилинмоғиға сабаби куллий шулки, бу фаслнинг совуглик таъсири бирлан томурдаги ахлотларнинг қивоми ғализ ва ҳажми кичук бўлуб, томурни тўла ҳолатда сақламоқға кифоя қилолмас. Ва томурнинг аксар маҳалли холий қолмоғи лозим келур ва холий бўлмоқ мумкин эрмас. Бинобарин томурлар ҳам ўзида мавжуд бўлгон ахлот ўзиға камлик қилуб турғон учун бадандин таҳлил топғон моддаларға бадал учун баданға модда ўткармоқдин имтиноъ қилур. Ва бадали ма йатаҳаллил агар баданға етмаса, баданға ва қувватларға ва руҳға нуқсон ориз бўлур. Бинобарин томурларнинг ичидаги ахлотнинг ҳажми камаймоғи ва нумувлардин баъзи маҳалларини холий қолмоқ лузуми табиатға боиси изтирор ва мувжиби ташвиш бўлур. Шунинг учун томурдаги ахлотнинг нуқсонига лойиқ ахлот пайдар-пай етиб турмоғиға табиат муҳтождур. Ва бу ахлот пайдар-пай ҳосил бўлмоғи учун кўп миқдор ғизо лозимдур. Ва яна хорижий ҳавонинг таъсири бирлан андин ижтиноб учун ҳарорати ғаризийя ботини баданға жамъ бўлур. Ва шул сабаб бирлан меъданинг ҳарорати голиб ва ҳозимаси бақувват бўлур. Ва ғизони тез ҳазм қилуб, ўзидин ўтказур. Ва холий қолса ночор меъдаға бошқа моддалар жамъ бўлурлар ва кўп офатларға сабаб бўлурлар. Ва бу эҳтимоми зарурнинг дафъи ва тадоруки учун табиат изтирорлик бўлур. Ва шул офатға мадорик учун табиат кўп ғизоға муҳтождур. Ва қиш фаслидин

модда камаймоғи ва иштаҳонинг зўраймоғига ҳам асл сабаб шудур.

Аммо баъзи атиббо бу фаслда ахлотни кам бўлмоғи ва иштаҳонинг кўп бўлмоғига сабаб бу фаслда ҳарорат меъдада ва бошқа ботини баданда кўп бўлуб, моддани кўп таҳлил қилғони ва ахлот кам қолғони ва ани нуқсонини тўлдирмоқ учун иштаҳо кўп бўлмоғини сабаб қилуб кўрсатибдурлар. Лекин бу тавжиҳ ʻинда-т-таҳқиқ мақрун басавоб эрмас. Зероки бу фаслни аввалидин шу иштаҳо пайдо бўлур. Бас, агар меъдага жамъ бўлгон ҳароратнинг таҳлил қилмоғидин модда кам қолмоғи ва ани нуқсонига бадал учун эҳтиёж иштаҳодин иборат бўлса эди, бир ё икки кун фурсатда бу қадар модда таҳлил бирлан камая олмас эрди. Бинобарин жабри нуқсонга ҳожат ҳам маҳсус бўлмас эрди ва иштаҳо ҳам зоҳир бўлмас эрди. Валайса фалайса.

Ва агар бир-икки кундак фурсатда модда таҳлил топмоғи фаразан мумкин бўлмоғи бунга қиёсан боқий уч ой фурсат ичида беҳисоб моддалар таҳлил топмоғи ва жабри нуқсонга ҳожат онан фа-онан зиёда бўлмоғи ва фасл охирларигача беҳад иштаҳо кўпаймоғи лозим келур эрди. Валайса фалайса.

Ва яна қиш фасли охирларида модда кўп таҳлил бирлан бағоят камайгон бўлса эди, баҳор фаслига интиқол қилгон замон дарҳол бу фаслда модда кўп ҳосил бўлолмай ночор баҳорда ҳам модда кам бўлмоғи лозим бўлур эди. Валайса фалайса. Ваҳоланки, қиш фаслида модданинг таҳлилга кетмоғи ʻинда-т-таҳқиқин махфийдур ва қобили тасдиқ ҳам эрмас. Ва баҳор фаслида модданинг бағоят зиёда бўлмоғи қобили инкор ҳам эрмас. Фа-л-ҳаққу ма кунно валлоху аълам. Зероки баҳор фасли бошқа фаслларга нисбатан энг мўътадил экани муқаррар ва собит экани ʻинда-л-жумҳурдур. Ва бу фасл табиатга қувват берур. Шунинг учун бу фаслда модда кўп бўлур, чунки қиш фаслида қотиб инжимод ҳосил қилгон моддаларда табиат ғолиб бўлуб, эритган сабабидин модда ўсуб, ғалаён кўтарилур ва баҳор вақтидаги модда ва сермоддалик шул ғалаёндин иборатдур.

НУКТА. Билмоқ керакки, қиш фаслида гизо миқдорини оширмоқ лозим бўлгон каби риёзат бирлан меҳнатни миқдорини ҳам оширмоқ лозимдур, токи ғализ бўлгон ахлотни латиф ва соил қилиб таҳаллулға қобил қилгай. Аммо гизо миқдорини оширмоқ учун жанубий қиш бўлмас. Лекин шартдур, чунки агар жанубий қиш бўлса, яъни жануб тарафдин шамол етуб турадурган жойни қиш фасли бўлса, анда гизо миқдорини камайтирмоқ лозим эрмас, лекин риёзат миқдорини оширмоқ лозим бўлур. Зероки жанубий шамол ахлотни ғализ ва касиф қиладургон даражалик ўткур совуқ бўлмас. Бинобарин ахлотнинг ҳажми ҳам гизони оширмоқға муҳтож қилар даражада ноқис бўлмас. Ёки жануб тарафда денгиз яқин бўлгон сабабдин жанубий шамолда рутубат ғолиб бўлуб, баданға ҳам рутубатни зиёда қилур. Бас, бу рутубати зоида таҳлил қилмоқ учун риёзати зоидаға эҳтиёж воқеъ бўлур. Ва яна жанубий қиш фаслида жануб шамолининг фасоид ва рутубатининг ғалабаси сабабдин ахлот ҳам уфунат пайдо қилмоқға омода бўлур. Ва тақдирда равшан маълумдурки, уни дафъи ва тадоруки учун албатта тақлили гизо вожибдур, токи боиси қиллати фузул бўлгай. Ва қобили уфунат бўлмоғиға монёъ бўлгай.

Ва инчунин ғоят ифротға етмас даражалик риёзат лозим бўлур, токи риёзат сабаби бирлан ҳарорати ғаризийя бақувват бўлуб, ахлоти фазлийяни таҳлил қилгай. Ва бу маъни монийи уфунат бўладургон сабабларнинг энг бақувватидур. Ва билжумла қиш фаслида зикр қилингон тадбир ва манъи танқияларни қиш фасли ўз таъбида боқий бўлғониға ва жанубий шамол кўп етмосиға назаран зикр қилунди. Ва илло баъзи шаҳарлар чунон мушоҳада қилингондурки, ҳатто ани қиш фасли амрози ҳорраларни эҳдос қилуб, ани иложи учун қон олмоқдин бошқа тезроқ нафъи зоҳир бўладургон тадбир бўлмас. Ва инчунин ул шаҳарларда баданни иситмоқни тарк қилмоқ, балки совутмоқ ва қон олдирмоқ бирлан танқия қилмоқ лозим бўлур. Бундоқ умури лоҳиқаларни ва қиш фасли табиатида бўлгон ва ё бўлмоғонлигини ва ё бунга ўхшаш илож

ишларда риояси лозим бўлгон нимарсаларни мулоҳаза қилмоқ табиб учун вожибот жумласидиндур, токи тадбирида ғалат воқеъ бўлмағай “ва-л-ҳодиййу валлоҳу-л-мулаҳҳим би-с-савоб”.

ФОИДА. Агар қиш фасли ўз табиатида боқий бўлса бу фаслда физонинг ғализроғидин тановул қилмоқ лозимдур. Ва шунинг учун атиббо ёз фаслида тановул қилинадурғон бугдой нонининг хамираға нисбатан қиш фаслида тановул қилинадурғон бугдой нонининг хамира куюкроғ бўлмоғи лозим дегандурлар. Ва инчунин гўштлардин ва қовурдоқлардин қаю бири ғализроқ бўлса ани тановули қиш фасли учун муносиброқдур. Зероки бу фаслда қуввати ҳозима бақувват бўлур ва кўп миқдор физоға муҳтож бўлур. Бинобарин ғализ таом тановул қилинса ани ҳазмиға қуввати ҳозима кўпроқ машғул бўлмоғи ила зиёда таомдин мустағний бўлур. Ва ҳам ғализ физонинг ҳазмиға қодир бўлур.

ТАНБИҲ. Бу жой мавқийи иштибоҳдурки, назди атиббода тадбирнинг умдаси таъдилдур. Бас, андоғ бўлса ёз фаслининг ҳарорати бирлан ахлот эруб суюлуб турғон замонда физойи ғализ тановули муносиб бўлса керак эди. Токи физонинг ғилзати ахлотнинг риққатиға муқовамат бирлан иътидолға боис бўлур эди. Ва қиш фаслининг совуғи бирлан ахлот ғализ бўлуб қотуб турғон замонда физойи латиф тановули сазовор эрди, токи ани латофати ахлотнинг ғилзатиға муқовамат бирлан иътидол ҳосил қилур эди. Ваҳоланки, қиш фаслида физойи ғализни сазовор демак таъдили ахлотға хилофдур, деб иштибоҳ қилмоқ мумкиндур. Лекин бу маҳалда асли табдир таъдил бўлса ҳам бир маҳалининг сабаби бирлан таъдилнинг хилофи афзал бўлғондур. Ва монё шулки, физойи латиф латофати сабаблик баосоний ҳазмға қобил бўлғони каби бошқа инфийолға ҳам қобилдур. Ва қиш фаслининг совуғидин мунфаъил ва мунжамид бўлмоғи ҳам баосоний мумкиндур. Ва бу маъний кўп фасодларға боисдур. Аммо физойи ғализ агарчи ҳазмда бамашакқат мундафий бўлса ҳам, баъд аз индифоъ андин ҳосил бўлгон қон ҳам салобатлик бўлур, қиш ҳавосининг совуғиға

мунфаъил ва мунжамид бўлмас. Шунинг учун физойи ғализ ансабдур. Ва қиш фаслининг таъсири бирлан ҳарорати ғаризийя ботини баданга мутаважжиҳ бўлуб, меъданинг ҳарорати голиб ва ҳозимаси бақувват бўлган сабабдин физони ғализлиги меъдага малол ҳам эрмас. Аммо ёз фаслида ва иссиқнинг таъсири бирлан ҳарорати ғаризийя ҳамма баданга мунташир бўлуб ва меъданинг ҳарорати кам ва ҳозимаси заиф бўлуб. Ва ҳавонинг ҳарорати бирлан ташналикдин совуқ сув ва ҳўл меваларни истеъмоли кўп бўлмоғи ҳам меъданинг ҳароратига монё бўлуб ва ҳазми заиф қилур. Бинобарин ёз фаслида баосоний ҳазм бўлмоқ учун физойи латифни ва қиш фаслида инжимодга ноқобил бўлгон физойи ғализни атиббо сазовор билурлар.

Ва буқулдин қиш фаслида фақат карам ва салақ ва карафс ъинда-з-зарурат сазоворроқдур. Зероки карам ва салақ ғализдур ва иссиғдур, аммо карафс муфаттиҳи масом ва мулаттифи ахлотдур. Ва ҳақ шулки, агарчи вақти заруратда буларнинг истеъмоли жоиз бўлса ҳам би-з-зарурат вақтда ҳатта-л-имкон булардин ҳам ихтироз қилуб, фақат физойи мулаттифаи ахлот ила қаноат ва иктифо қилмоқ афзалдур.

Ва шароб ичадурган кишилар учун қиш фаслида шароб ичмоқ ҳам фоидалиқдур.

Ва қиш фаслида агар муяссар бўлса ҳаммадин яхши ва муносиб либос абъаб ва нифоқ ва ҳавосил ва далқ терисидин бўлгон пўстиндур. Абъаб би айна муҳмала бимаънойи бўзқуҳидур, хинг исми бирлан машҳурдур. Ва нифоқ тулкидур. Ва ҳавосил бир қушнинг номидурки, икки навъ бўлуб. Бир навъи оқ ранглик ва хушбўй бўлуб ва териси қалин ва бақувват ва хушбўй ва пари майин бўлуб. Ва ани терисидин пўстин қилурлар. Ва Миср атрофида бу қуш кўпроқ мавжуддур. Бинобарин ани терисидин пўстин қилмоқ ҳам Мисрда шойиьдур.

Ва иккинчи навъининг ранги қаро ва бағоят бадбўй бўлуб ва ғайри мустаъмалдур. Ва далқ бимаънойи гўрбаи саҳройидурки, туркийда молин дерлар ва ани иссиғи саммурға нисбатан камроқ бўлуб. Ва агар бу пўстинлар мавжуд бўлмаса, ночор пахтанок либос лозим бўлуб.

ФОИДА. Билмоқ керакки, либоснинг рангида ҳам фасл эътибори ила тафовут кўпдур. Чунончи ёзда оқ ранглик либос сазовордур. Чунки офтобнинг ҳароратиға оқ ранг монёдур. Аммо қиш фаслида қаро ранглик либос муносибдур. Зероки қаро ранг офтобни ҳароратиға жозибдур ва ҳароратни жазб қилмоқ бирлан бадандаги ахлотни эритуб турар ва инжимодиға монё бўлур.

Ва баҳор фаслида сабз ранг либос лойиқдур. Зероки сабз ранг агарчи офтобни ҳароратиға жозиб ҳам ва монё ҳам эрмас, лекин би-з-зот сабзнинг ўзи салқиндурки, баҳорнинг табиатиға муқовим бўлур.

Ва куз фаслида сариқ ранглик либос лойиқроқдур. Чунки агарчи сариқ ранг офтобни ҳароратиға оқ каби монё ва қаро каби жозиб бўлмаса ҳам, лекин фи-л-жумла жазбий бўлур. Ва ҳам сариғни таъби фи-л-жумла ҳароратға моилдур. Бинобарин куз фаслининг табиатиға муқовим ва ахлотнинг инжимоди ва гилзатиға монё бўлур.

ФОИДАИ ЖАЛИЛА ТАДБИРИ ФАСОДИ ҲАВО ВА ТАДБИРИ ВАБО БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, вабо ба фатҳи вов ва алифи мақсура ҳам мамдуда мустаъмалдур. Маъниси биринчи табақа ҳавони, яъни бизларни баданларимизға муттасил бўлгон ҳавойи мураккабани жавҳариға ҳавойи фасод ориз бўлмоғидин иборатдур. Ва ҳавоға жавҳарни қайд қилмоқдин мурод шулки, ҳавонинг жавҳари пок бўлатуруб, фақат кайфийяти фосид бўлгон сабаб бирлан ҳалок қиладурғон ҳаво вабонинг ҳукмидин хориж бўлғай. Чунончи тоқати табиийядин хориж даражада исиб кетган ҳаво ёки совуб кетган ҳаво ҳам батариқаи ихтироқ ё инжимоди руҳ боиси ҳалокат бўлур, аммо вабо эрмас. Чунончи “Ситтаи зарурийя”нинг фасли сонийсида муфассал зикр қилдимки, ҳавонинг тағаййури уч тариқа бўлуб, мазкурдин биригинаси вабодур.

Ва ҳавои вабойининг фасоди шулки, гўё сув уфунат пайдо қилғони каби ҳаво ҳам уфунат пайдо қилуб, салоҳиятдин чиқиб фосид ва муфсид ҳодатға қирар. Ва инсон доим ҳаводин .

нафас олмоқға муҳтожлигининг агар мазкур фосид ҳавонинг тўлқунига дучор келуб, андин нафас олиб қолса, ул уфунатлик ҳаво хилтларни ва руҳларни тез фурсатда мутаъаффин ва фосид қилур. Хусусан дилни атрофидаги ахлотга тез таъсир қилуб, андин дилга ва руҳи ҳайвонийга сироят қилуб ҳалок қилур.

Ва ҳавойи вабоийянинг уфунат ва фасоди хоҳ осмоний сабаблар бирлан ва хоҳ замин сабаблари бирлан бўлса баробар-дурки, ҳар иккиси ҳам вободур. Аммо ҳавонинг фасоди замин сабаблари бирлан бўлмоғи зоҳирдурки, чунончи зўр ва шиддатлик муҳораба воқеъ бўлуб, урушда ўлгонларнинг жасадлари кўмилмай сасиб қолгон бўлса ва ё бошқа маснуъи таъаффуний мураввиж бўлгон жой, масалан, елимпазлик ва кўнчилик касби кўп ва ривожлик бўлгон жойларда ва ё бошқа қозуврот ва ҳайвон гўнглари кўп жамъ бўлгон жойларда баҳартақдир уфунати кўп бўлгон жойлардаги ҳаво ул уфунатдин мутаассир ва мутаъаффин бўлур. Ва масофи жуда кенг ва катта бўлган тўқайлик ва сизотлик заминлардин ҳам ҳаво иссиғ вақтида бухороти мутаъаффина агар кўп суъуд қилса вабо бўлмоғи мумкинмур.

Аммо вабо пайдо қиладургон осмоний сабаблар учун ҳукамо неча хил асбоб баён қилгондурлар. Лекин назари таҳқиқ бирлан қароғонда ани кайфийятига ҳануз воқиф бўлолмагонлиги эътироф қилмоқ айна инсофмур. Ва кўрсатган асбоблари мажзуби қалб бўлуб, жазм ва қаноат ҳосил қилолмас. Ва фақат ғзаби Илоҳий демақдин бошқа важҳ макшуф бўлмас. Ва шунинг учун Шайх ур-раис алайҳир-рахма ҳам “Қонун”ларида асбоби вабо хусусида “авли-амрин самовийийин хафиййа ғала-н-носи кайфиййатуҳу”, яъни ёки кайфиййати инсонга махфий бўлгон самовий сабаблар бирлан вабо бўлур, деб ижмолий баён бирлан қаноат қилгондурлар.

Бинобарин фақир авҳоми ғайри мутмаиннларни тарки зикрини лоиқ билдим. Аммо билмоқ керакки, ҳавонинг фасоди сержимоъ кишиларга кўпроқ ва тезроқ кишиларга таъсир қилур. Бинобарин вабо вақтида мужомоъатдин ихтироз вожибдур. Ва қуввати заиф кишиларга ва масоми очик кишиларга ва баданда

ахлоти радийяси кўп кишиларга ва қорни жуда оч қолгон кишиларга ва аксар вақтда тўйиб таом тановул қиладургон пурхўр кишиларга кўпроқ ва шиддатлироқ таъсир қилур. Чунки қуввати заиф кишилар андак сабабдин тезроқ мутаассир бўлмоқлари зоҳирдурки, мағлубият албатта заифликни лозимасидур. Ва инчунин масомнинг очуқлик вақти ҳам муълумдурки, ҳавонинг фасоди бир миқдор танаффус воситаси бирлан аъзойи танаффусга таъсир қилса, яна бир миқдор масом воситаси бирлан умум баданга ҳам таъсир қилур. Зероки ҳамма масомлардин ҳам истиншоқ қилмоқ муқаррардур. Лекин ўпканинг истиншоқи кўп ва кофийдур. Ва масоми истиншоқий андак бўлғони учун ғайри маҳсус ва тарвиҳи қалб учун ғайри кофийдур.

Бинобарин вабо вақтида либосни қалинроқ киймоқ, балки теридин ваё елим бирлан оҳорлангон либос киймоқ лозимдур токи ҳавойи фосид андин нуфуз қилмағай.

Аммо бадани серахлот кишиларга ҳавойи фосид андак таъсир қилса ҳам ани ахлоти қобили уфунат бўлғони учун андак баҳона бирлан мутаъаффин бўлуб, тамом фосид ва руҳга муфсид ва вабога муъин бўлур.

Аммо жуда оч қолгон кишининг меъдаси холий бўлгон сабабдин анга атрофдаги моддалар қуюлуб жамъ бўлурлар. Бас, агар ул ҳолда ҳавойи фосид таъсир қилса, ул моддалар зудроқ мутаассир ва мутаъаффин бўлуб, руҳга муфсид ва вабога муъин бўлур. Ва агар жуда тўқ ва пурхўр киши бўлса, албатта ани баданида, хусусан меъдасида рутубати фазлийяси кўп бўлурки, кўп физодин кўп рутубат жамъ бўлмоғи бадиҳий ва пурхўрликнинг лозимасидур. Бас, ул кишига ҳавойи фосид андак таъсир қилса рутубати тезроқ ва кўпроқ уфунатни қабул қилиб вабога муъин бўлур.

Ва билмоқ керакки, вабонинг ҳаммадин ёмонроғи асбоби самовийдин ва ҳам асбоби арзийдин мураккаб бўлгонидур. Ва асбоби самовийдин бўлгон вабонинг энг саҳиҳ далиллари шулки, қайси фаслда воқеъ бўлса, ул фасл ўз табиий ҳолидин мутағаййир бўлур. Ва яна осмонда думдор юлдузлар зоҳир

бўлур. Ва мазкур юлдузга заминни қайси қатъаси рўбарў ва яқин бўлса, ул қитъада вабо воқеъ бўлур.

Ва яна ҳаво губордор ва гоҳи беғубор ва равнақи безътибор ва осмонда булут доимий ва лекин беборон ва ё камборон бўлур. Ҳам замин асбобларидин холий ва муъарро бўлур. Аммо вабоға замин асбоби сабаб ва боис бўлғониға ҳаммадин равшан далиллари шулки, ул вилоятнинг атрофида зўр жанг воқеъ бўлгон бўлур. Ва анда ўлгон кишиларнинг дафниға фурсат ва имкон бўлмай ер юзида қолгон ўликларнинг таъаффуни бирлан олам уфунатға тўлгон бўлур.

Ва яна ер юзида бўлгон ғайри инсон жониворлар ҳам кўп ўлурлар. Ва яна ердаги экинлар, хусусан ғалла жинсиға кўп зарар ва нобудлик ориз бўлур. Ва вабо ҳавосининг аломати шулки, андак иссиғ шамол маҳсус бўлур, ҳаттоки баъзиларнинг димоғи ул шамолдин андак бадбўйлик ҳам эҳсос қилур. Чунки тоза ва оқор сувға қиёсан уфунат пайдо қилгон сувни иссиғроқ ва бадбўйроқ бўлғони каби ҳавойи мутаъаффин ҳам илиғроқ ва бадбўйроқ бўлмоғи уфунатни лозимасидур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, вабо мавсумида мумкин қадар бадан рутубатини қурутмоқ ва камайтурмоқ ва сўнғроқда баён қилинадургон тадбирлар бирлан маконни ва макон ҳавосини таъдил ва ислоҳ қилмоқ ва ногоҳ иссиқ ва бадбўй шамол маҳсус бўлса, дарҳол шу шамол ўтиб кетгунча ҳифзи нафас бирлан ўзини танаффусдин сақлаб турмоқ вожибот жумласидиндур.

Ва бадан рутубатини қурутмоқ ва камайтурмоқнинг фоидаси юқорида маълум бўлдики, рутубат қобили таъаффондур. Ва ани камаймоғи андак сабабнинг зараридин эминликға боис бўлурки, асли мақсуддур. Ва бадан рутабутини қурутмоқ учун ҳаммадин яхшироқ тадбир шулки, баданни ахлооти зоидадин батариқаи исҳол танқия қилмоқдур. Лекин зинҳор турбуд каби бақувват мусҳиллар ва ё сақамуниё каби дилли заиф қиладургон мусҳиллар бирлан танқия қилмағай. Балки ҳалила ва фулуси хиёршанбар ва сутнинг зардоби ва тamarҳиндий каби мулайийн нимарсалар бирлан танқия қилмоқ сазовордур. Ва

бадан рутубатини курутмоқ учун ҳаммадин яхшироқ тадбир физони камайтирмоқдур. Чунки рутубат физодин ҳосил бўлур. Ва агар физо кам бўлса рутубат ҳам кам бўлур. Ва собиқдаги рутубатлар таҳлил бирлан зоил бўлуб, дам-бадам камайуб турарлар.

Аммо физони жуда кам қилиб, оч қолмоқ ҳам дуруст бўлмас, чунки очликдин меъда холий бўлса анга модданинг инсибоб ва ижтимоъиға сабаб бўлур. Ва ҳам очликдин қувват кам бўлса андак фасодни дафъиға муқоваматдин ожиз ва мағлуб бўлур. Бас, лозимдурки, физони камроқ миқдордин тезроқ фурсатда мутаъаддид навбат бирлан тановул қилмоқ лозимдур.

Ва яна физойки, рутубатнок сариъ ул-фасод бўлгон нимарсаларни тарк қилмоқ лозимдур. Масалан, анвоъи гўштлар ва сут ва мевалар бағоят зарарликдур. Ва агар гўштнинг тановулиға баъзи сабаблар бирлан ҳожат зўр бўлса, қуш гўшти каби мизожи мўътадил ва ҳазми енгил ва уфунат эҳтимолидин узокроқ гўштға турш нимарса қўшуб, ислоҳ қилгондин сўнг эҳтиётан озроқ тановул қилмоқ керак. Ва мужомаъатдин ва меҳнатлик риёзатдин ва энтикуб, катта ва мутавотир нафас олмоқға сабаб бўладургон нимарсалардин ихтироз қилмоқ лозимдур. Бинобарин роҳат ва бадан осойишини атиббо яхшироқ деб билурлар.

Лекин дарвиши камандиш¹ наздида осойиши баданға таҳлили рутубат ҳам қўшулса афзал бўлур. Бас, бу маъни учун кенг ва каттароқ ва атрофи бегона ҳавонинг духулидин маҳфуз жойда далк, яъни ўзини мулойим ҳаракат бирлан уқалатмоқ ва ғайрни уқаламоқ каби таҳлили рутубатға боис бўладургон, лекин қуввати чарчамайдурган даражалик ҳаракати хафифа, хусусан мазкур хонаи маҳфуз ичида муяссар бўлса беланчак ва чархфалак ва арғамчиға сандал боғлаб, сандалға ўлтуруб ҳавода учуб ўйнамоқ бағоят фойдалиқдур.

Зероки булардин ҳам баданға роҳат ҳосилдур. Ҳам маҳфуз бўлгон соф ҳаводин баданға тарбия мавжуд бўлур ва қувватға

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

малол келмаслик даражада бўлгон ҳаракати хафифадин таҳлили рутубати фазлия ҳосил бўлур.

Ва яна вабонинг сабабиға назар қилмоқ керакки, агар сабаби вабо самовий бўлса, ертўла каби чуқурлик ва кенг ва атроф девори баланд ва усти ёпиқ жойда истиқомат қилмоқ вожибдур. Ва даромад эшукни маҳкам беркитуб, хорижий ҳаво кирмоғиға имкон қўймаслик лозимдур, токи асбоби самовий таъсиридин ўзи узоқроқ ва маҳфузроқ бўлғай. Ва хонанинг ҳавосини ҳам сўнгроқ баён қилинадурғон тариқа бирлан ислоҳ қилуб турмоқ лозимдур.

Ва агар асбоби арзийдин вабо бўлгон бўлса ул тақдирда болохона каби баланд хонада истиқомат қилмоқ муносибдур, токи заминдин суъуд қилгон бухороти уфунийядин ҳатта-лимкон баландроқ ва узоқроқ бўлғай. Ва агар мумкин бўлса саҳроға чиқиб дарахт ва девордин холий заминнинг баландроғ маҳаллида чодир тикуб анда истиқомат қилмоқ афзалдур, токи заминида бўлгон бухороти уфунийяни ул жойда тавқифиға саҳро шамоли монёе бўлуб, атрофға тарқатуб турар. Бинобарин вабонинг таъсиридин таъсири амният бўлур.

Ва агар асбоби самовий ва ҳам асбоби арзий мураккаб бўлса, бу вақтида саҳродин уйда турмоқ афзалдур. Зероки саҳронинг ҳамма ҳавосини ислоҳ қилмоқ мумтаниъдур. Аммо биргина хона ҳавосини тадбир бирлан ислоҳ қилмоқ мумкин бўлур.

Ва яна ҳар қандоқ ҳолда бўлса ҳам бу замони муҳликада ҳар хил қўрқинч ва васвас хаёлларни андиша қилмай Аллоҳға таваккул ила беғам ва хурсандлик ила турмоқ тадбирларнинг умдасидурки, қўрқув ва ғамнинг натижасидин дил заиф бўлур ва заифликда вабо асариға мағлубият тезроқ ҳосил бўлур, наъузубиллоҳ.

Аммо шодликда дил бақувват бўлур. Ва андак таъсирнинг асарини қабул қилмас. Лекин мазкур бўлгон тадбирларнинг ҳеч биридин ғофил ва бепарво ҳам бўлмаслик лозимдур. Чунки Ҳазрати Шориъ саллаллоҳу алайҳи васалламдин шундоғ фар-

мон содир бўлгондур: ”Ва-л-ҳофизу ҳуваллоҳу”.¹ Ва маконнинг ислоҳи учун аввало шундоқ хонани ихтиёр қилмоқ лозимдурки, анда сув ва зах ва фавворалардин ҳеч бири бўлмагай. Зероки ҳавонинг фасоди аксар рутубатнинг кўплигинин пайдо бўлур. Ва ҳилтит қўшулгон сиркадин уйни сатҳиға ва деворларига сепмоқ ва бундин бошқа ҳавонинг уфунатиға муслиҳ нимарсалар тутатмоқ, масалан, сўд ва кундур ва ос ва қизилгул ва сандал ва усфанд ва уд каби нимарсалардин тутатмоқ бирлан пайваста уй ҳавосини ислоҳ қилуб турмоқ лозимдур. Банавъийки, бутун тутун зиёда кўп бўлуб димоғни озурда қилмас даражада бўлмоқ шарти бирлан.

Ва инчунин сокин кишининг мизожида бўлгон хушбўй нимарсаларни ҳам уйда мавжуд бўлмоғи ва ани бўйидин ислаб турмоғи мувофиқдур. Чунончи агар иссиқ мизожлик киши бўлса, совуқ мизожлик хушбўйлардин, чунончи сандал ва кофур ва қизилгул ва бинафша каби нимарсалардин ислаб тургай. Ва агар совуқ мизожлик киши бўлса, иссиқ мизожлик хушбўйлардин, масалан, мушк ва уд ва заъфарон ва жанди бидастар ва анбар ва бунга ўхшаш нимарсалардин ислаб турмоқ муносибдур, токи бўйи муфарриҳлик сабабидин дилға қувват беруб, дилни вабо таъсириға муқовамат учун қодир қилур. Ва ҳам мизожи зидлик сабабидин ул кишининг мизожини иътидолға келтирар.

Ва билмоқ керакки, сирканинг истеъмолида хоҳ ичмоқ ва хоҳ исини исламоқ ва хоҳ хона ичиға сочмоқ бирлан ҳавонинг фасодидин заифланмасликда ва ҳавонинг уфунатини ислоҳ қилмоқликдин нафъи куллий бордур. Ва шарбати гозий ва шарбати ёқутий ва шарбати сандал каби муфарриҳи қалб шарбатлардин аксар вақтда ичуб турмоқ зарурдур ва ҳаргиз ташвишга яқин бўлмаслик лозимдур. Ва ҳожат вақтида совуқ сувдин журъа-журъа ичиб тургай.

Ва агар ҳавонинг фасоди асбоби арзийядин бўлса, сувни ҳам гилбўтаға аралаштируб лойи таҳнишин бўлгондин сўнг соф сувини ичмоқ ва ё сувни андақ қайнатиб ислоҳ қилгандин

¹ Ва асровчи Зот Аллоҳдир.

сўнг ичмоқ лозим бўлур. Ва агар сувнинг таъми турш бўлмас даражада сирка қўшуб ичса яна яхшироқ бўлур. Ва шунинг учундурки, Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳ “истиъмоул-л-халли фи-л-вабаи аманун мин афатиҳи”, яъни вабо вақтида сирканинг истеъмоли вабонинг офатларидин эмин сақлар, дебдурлар.

Ва яна вабо вақтида энг фоидалик нимарса сариқёғнинг кўп истеъмолидур, хоҳ таомға қўшуб тановул қилмоқ ва хоҳ зоҳири баданға қўшуб суртмоқлик бирлан бўлса, кўп нофиъдур.

Ва тадбири мазкур мабҳаси жузъийяда, яъни илож ул-марзонинг “Иложи вабо” қисмида муфассал баён қилинур. Бинобарин бу мақоми куллийя шул қадар баёнға иктифо ила татвили каломға ниҳоят бердум. Би-ъавниллоҳи ва карамиҳи.

ОЛТИНЧИ ФАСЛ ҲОМИЛА ХОТУНЛАР ВА ЭМИЗУВЧИ ХОТУНЛАР ВА ГЎДАКЛАР ТАДБИРИНИНГ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, ҳомила хотунларға қон олтурмоқ ва қортуқ қўйдурмоқ ва исҳол қилмоқ ва қай қилмоқдин ҳазар қилмоқ вожибдур. Магар зарур вақтида бўлса, “аз-зарурот туббайину-л-махтурот” муқтазосича умури манҳийяларнинг истеъмолиға ҳам рухсат бордур. Ва бу нимарсаларнинг мамнуълигининг ва ҳаммадин мамнуъроқ ва хатарлик вақтини шул фаслнинг охирида муфассал баён қилурмуз.

Ва инчунин кўркунчлик ҳолатни кўрмоқдин ва кўркунчлик баҳайбат овоз қилмоқдин ва эшитмоқдин ва таомларнинг ҳидини дафъатан камоли рағбат ила қаттиғ ҳидламоқдин эҳтироз вожибдур. Аммо меъдани танқия ва бақувват қилмоқ ва ҳамлнинг таъсири бирлан лой ва кесак емоқға толиб қиладургон иштаҳони зоил қилмоқ учун доимий гулқанд ва сиканжубин тановулиға одат қилмоқ муносибдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳомила хотунни қон олтурмоқ ва қортуқ қўйдурмоқ ва исҳол ва қай қилмоқдин агарчи ҳамма

вақти манъ қилинғондур, лекин ҳамлининг муддати тўрт ойгача тўлмоғон вақтда зиёда мамнуъдур. Инчунин ҳамл муддати етти ойга тўлғондин сўнг то таваллудгача зиёда мамнуъдур. Ва шул тўрт ойдин биринчи ойнинг йигирманчи кунигача бағоят таъкид мамнуъдур. Ва ғала-л-хусус биринчи ҳафтанинг то уч кунигача шадид ул-манъдур. Агар шу уч кун миёнасида қон олдурса ва қортуқ қўйдурса ва ё қай ва ё исҳол қилса, бешубҳа ҳамли соқит бўлур. Бинобарин мазкур муддат миёнасида ҳамлини қўзғатадурган ҳар навъ сабаб ва ҳаракатлар ҳомила хотунга ҳаромдур. Ҳатто анга сабаб бўлган табиб-табиби жоҳил ҳамлининг диясиға зоминдур. Аммо ҳомила хотунни қон олдирмоқдин манъ қилмоқ шунинг учундурки, қонни хуружи аъзойи раисани заиф ва қувват ва мизожларни суст қилур. Ва бу маъний раҳмға таъсир қилуб, ани ҳам аксар вақтда суст ва инсофдин ожиз қилур. Бас, ночор болани ҳаракати ва суқутиға боис бўлур. Хусусан боланинг тааллуқи раҳмға мустаҳкам бўлмоғон кунларда қон олунса, аксар болани соқит қилур. Ва боланинг раҳмға тааллуқли гўё меванинг шохи дарахтға тааллуқи кабидур. Чунончи мевалар ибтидойи вужуд вақтидин комил ул-жисм бўладурган вақтининг нисфиғача меванинг тааллуқи шохи дарахтға камроқ ва заифроқ бўлур. Бинобарин андак ҳавонинг таъсири ва ё андак ҳавонинг таҳрики бирлан шохдин жудо бўлуб тушар. Ва урфда ани оғруб тўкилди, деб таъбир қилурлар. Аммо боқий нисфий муддатда тааллуқи маҳкам бўлур ва тўкулмас ва меванинг жисми мукамал бўлғондин сўнг пишмоқ давриға юзланғондин бошлаб яна тааллуқи камая бошлар ва андак ҳаракат бирлан шохдин жудо бўлуб тушар. Ҳатто тамом пишғондин сўнг тааллуқи тамом муқатиъ бўлуб, бесабаб худ-бахуд шохдин жудо бўлуб тушар.

Ва ҳамл ҳам инчуниндурки, болани ибтидойи вужудида раҳмға тааллуқи йўқ демак даражада заиф бўлур. Сўнгра батадриж алоқаси қувватлануб бориб, тўрт ойда мустаҳкам бўлур. Ва шул ойдин муқаддам баъзи сабаблар воқеъ бўлуб, болани таҳрик қилса соқит қилмоғи мумкиндур. Ва тўрт ой тўлишидин нақадар муқаддам сабаб воқеъ бўлса, шул қадар

сукут хатари зўрроқ бўлур. Ва тўрт ойдин сўнг то еттинчи ойгача ҳамлнинг раҳмга алоқаси маҳкам бўлур. Ва етти ойдин сўнгги вақтда эҳтиёт бағоят вожибдур.

Чунки ибтидодаги каби еттинчи ойдин сўнг боланинг раҳмга алоқаси яна заифланиб, вақти таваллудда яна мунқатиъ бўлур. Бинобарин шу икки вақти мазкурда эҳтиёт вожибдур. Хусусан ибтидоий вақтда боланинг тааллуқи раҳмга бағоят заиф бўлур. Аммо саккизинчи ойда таваллуд топғон бола саломат яшай олмас ва ҳалок бўлур. Ва ани сабабини юқорида иккинчи мақолани еттинчи фаслида бақиййайи аъзойи мураккаба муносиб даво буюрдум. Аллоҳу таъолонинг марҳамати бирлан бу навбат туғилғон фарзанд саҳиҳ ул-бадан ва саломат ҳолда туғилди ҳам умри бақолик бўлди. Ва бундин сўнг яна икки фарзандлик бўлди ва ҳар бирини ҳолати ҳаммага бешинчи ойда қон олдурди. Алар ҳам бақолик бўлдилар. Ва бошқа жойларда ҳам шунга ўхшаган ҳодисалар зоҳир бўлғони машҳуд бўлди, деб ёзғон эрдилар. Ва бу ҳикоят умдаи қоидага мутазамин бўлғони учун гарчи боиси татовули калом бўлса ҳам нақл қилинди.

Аммо қортуқ қўйдирмоқ ҳомила хотунга мамнуълигига сабаб шулки, қонни қортуқ зоҳири баданга тортур. Аммо табиат ҳамлнинг физоси учун раҳмга юбормоқни тақозо қилар. Бас, қортуқни феъли табиатнинг тақозосига хилоф бўлур. Ва ҳар нимарсаики муқтазои табиатга муҳолиф бўлса, анда амният бўлмас. Ва яна қортуқ қўймоқдаги шартни, яъни тиг бирлан тилмакни шиддатлик алами ва қортуқнинг шиддатлик жазби аксар вақтда гашийга сабаб бўлур. Ва ҳомила учун гаший гоятда ёмондур. Чунки гаший вақтида тамоми қувватлар ўз феълини тарк қилуб, муаддал қилурлар, жумладин раҳмнинг қуввати мосикаси ҳам имсоки ҳамлни тарк қилур. Ва ҳамл ночор соқит бўлур. Ва яна эҳтимоли бордурки, тигин чуқурроқ тилинғон бўлса, қортуқда қон кўпроқ кетуб, ани зарари томурдин қон олдурғоннинг зараридин кам бўлмас, балки томурнинг қони ғализроқ ва ҳазми ва жузви бадан бўлмоқга қобилияти камроқ ва моддаи фазлияга мухталит бўлур. Аммо гўшт-

нинг қони соф ва рақиқ ва жузви бадан учун қобил ва ғизойи бадан учун зарурийдур. Бинобарин агарчи кам миқдор қон чиқса ҳам бақадри миқдор зарардин холий бўлмаслиги баёнида муфассал баён қилдим. Бинобарин бу мақомда муносиби татвили калом кўрилмади.

Аммо саккиз ойдин сўнг ҳам табиат тақозосига хилоф бўлгон ночорий ҳаракат бирлан таваллуд бўлмоғи ҳам яхши эрмас. Ва болани кўзгатурғон нимарсаларнинг истеъмолида савоб йўқдур. Лекин боланинг танаси комил етулғони сабабдин беиродаи табиат баъзи муҳаррирот сабаби бирлан таваллуд топгонни кўп зарари бўлмас. Махфий қолмасинки, ҳомила хотун ўзини саломатлиги учун қон олдирмоқға зарурат бўлсаки, олдирмоғон тақдирда ҳаёти хавфлик бўлса, чунончи хуноқ, яъни бўғма касали ёки зот ул-жанби ҳақиқий ориз бўлгон бўлса, ул тақдирда ани ҳамлини риоя қилмай бетавақуф қон олмоқ лозим бўлурки, ҳомиланинг муҳофазати ҳамлининг муҳофазатидин кўпроқ матлубдур. Зероки агар ҳомила ҳалок бўлса, ани ичидаги ҳамли ҳам албатта ҳалок бўлмоғи муқаррардур. Ва агар қон олинуб, ҳомила сиҳҳат топса ҳамли соқит бўлмоғи муқаррар эрмас, балки муҳтамилдурки, соқит бўлмаса ҳар иккиси ҳам саломат бўлур. Ва агар ҳамли фаразан соқит бўлса, аммо ҳомиланинг ўзи саломат қолмоғи фоидадур. Ва минбаъд ҳамлининг эвазига яна бошқа ҳамл ҳосил қилмоқ умиди яна боқийдур.

Лекин қон олдирмоқда яхшироқ тадбир шулки, агар монеъи бўлмаса қонни андак-андакдин бўлуб чиқарилғай, токи фосид қонни чиқармоқ бирлан ҳомилани муҳофазати ҳосил бўлғай. Ва бўлуб-бўлуб аъзойи раисаға малол еткурмай олмоқда ҳамлини муҳофазати ҳам ҳосил бўлғай. Ва агар бу тадбирға монеъ бўлса, масалан, ҳомиланинг ҳоли хатарлик ва бўлуб-бўлуб бамуҳлат олмоқға фурсат танг бўлса, шул сувратда ҳамлининг муҳофазатидин қатъий назар қилмоқ ва баякбор қон олмоқ вожиб бўлур. Ва агар қон олдирмоқнинг зарурати шадид бўлмай, қобили муҳлат бўлса, бул сувратда миёнароқ кунларғача, яъни ибтидоий ҳамлдин эътиборан тўрт

ойдин сўнг ва етти ойдин муқаддам бўлгон кунларидин бирида олмоқга рухсат берилгайки, бу кунларда ҳамлнинг тааллуқи раҳмга мустаҳкам бўлуб, камхатар бўлур.

Аммо ҳар тариқада бўлса ҳам ҳомиладин кўп миқдор қон олмоқга рухсат берилмас. Аммо қоннинг зарурати ҳомиланинг ҳолини ислоҳи учун бўлмай, балки ҳамлнинг ҳолини ислоҳи учун бўлса, бул ислоҳ то қон олинмаса бошқа даволар бирлан мумкин бўлмаса қон олмоқ жоиз бўлур. Хусусан бу қон олмоқ ҳамл муддатининг тўртинчи ва бешинчи ойиға мувофиқ келса, яна яхшироқ бўлур, токи боланинг такаввунни солиҳ қондин ҳосил бўлуб, умид қилингон монфаат айнан ҳосил бўлғай. Чунончи ҳаким Муҳаммад Акбар Арзоний раҳматуллоҳи алайҳ саргузаштларидин ҳикоят қилуб ёзгондурлар.

ҲИКОЯТ. Бир хотун бор эрдик, ҳомила бўлгон кунларида андин фосид бўлгон қоннинг асарлари зоҳир бўлуб эрди. Ва ҳамли туғулгонда боласи иллатлик ва бадани яралик ва ранги қизил бўлур эрди. Ва умри бир ёшға етмай вафот қилур эрди. Ва шул тариқа бирлан тўрт фарзанди нобуд бўлдилар. Сўнгра бу ҳодисанинг хабари Парвардигорнинг илтифоти бирлан фақирға эшитулди. Иттифоқан мазкура хотун бешинчи навбат ҳомила бўлгон вақтида мани ҳузуримға келгон эрди ҳамда бешинчи ойға юз қўйгон замони экан. Ул хотундин қон олдум ва мўтадил миқдор қон чиқгондин сўнг тўхтатдим. Ва сўнгра покиза қон хусулиға салоҳиятлик гизо ва бадан қонининг тасфиясиға муносиб даво буюрдим. Аллоҳ таъолонинг марҳамати бирлан бу навбат туғилгон фарзанди саҳиҳулбадан ва саломат ҳолда туғулди. Ҳам умри боқийлик бўлди ва бундин сўнг яна икки фарзанд бўлди ва ҳар бирини ҳолати ҳамлиға бешинчи ойда қон олдури, илло раҳам бақалик бўлдилар ва бошқа жойларда ҳам шунга ўхшагон ҳодисалар зоҳир бўлғони машҳуд бўлди, деб ёзгон эрдилар. Ва бу ҳикоят унда қондан мутазаммин бўлғони гарчи боиси татовули калом бўлса ҳам нақл қилинди, аммо қортуқ қўйдирмоқ ҳомила хотунға мамнуълигиға сабаб шулки, қонни қортуқ зоҳири баданға тортур. Аммо табиат ҳамлнинг физоси учун раҳмға юбормоқни

тақозо қилур. Бас, қортуқни феъли табиатнинг тақозосига хилоф бўлур ва ҳар нимарсанинг муқтазойи табиатга муҳолиф бўлса, анда амният бўлмас ва яна қортуқ қўймоқдаги шартни, яъни тиф бирлан тиламоқни шиддатлик алами ва қортуқни шиддатлик жазби аксар вақтда гашийга сабаб бўлур ва ҳомила учун гаший ғоятда ёмондур, чунки гаший вақтида тамоми қувватлар ўз феълини тарк қилиб, муаттал қолурлар. Жумладан, лаҳмининг қуввати мосикаси ҳам имсоки ҳамлни тарк қилур ва ҳам ночор соқит бўлур ва яна эҳтимоли бордурки, тифни чуқурроқ тилинғон бўлса, қортуққа қон кўпроқ кетиб қолиб, ани зарари тамурдин қон оларғоннинг зараридин кам бўлмас, балки тамурнинг қони ғализроқ ва ҳазми ноқисроқ ва жузви бадан бўлмоққа қобилият камроқ ва моддаи фазлияга мухталит бўлур, аммо гўштнинг қони соф ва рақиқ ва жузви бадан учун қобил ва физойи учун зарурийдур. Бинобарин, агарчи, кам миқдор қон чиқса ҳам бақадри миқдор зарардин холи бўлмаслиғи мумкиндур. Ва яна қортуқ гўштдаги суюқ ва покиза ва физойи бадан учун солиху омода қонни жазб қилур. Бас, агар бундоқ қон бадандин камайса боқий қон баданни ўз физосига кам бўлғони учун андин ҳамл физосига етқузмоқдин имтиноъ қилур. Ва ҳамл беғизоликдин нобуд ва фосид бўлур. Бас, табиат буни исқотиға таважжуҳ қилур ва ҳамл ночор соқит бўлур. Ва ё ҳамлға физо би-л-кулли мунқатиъ бўлмаса ҳам, лекин камаюр. Лекин физонинг камлигидин ҳамлға зарар ва нуқсон ориз бўлур. Ва би-л-жумла то ҳожати қавий бўлмаса қортуқни истеъмоли хоҳ ҳомилаға ва хоҳ бошқаларға сазовор эрмас. Хусусан мазкур бўлғон айёми манъхийда андин эҳтироз қилмоқ ҳомила учун лозимдур. Лекин аз рўйи ақл ва аз рўйи тажриба собитдурки, ҳомила учун қортуқни зарари томурдин олғон қоннинг зарариға нисбатан хийли кам зарарроқдур. Шунинг учун ҳомиладин қонни камайтирмоқға зўр ҳожат воқеъ бўлганда агар қортуқ бирлан мурод ҳосил бўладурган бўлса, зинҳор томурдин олмоқға журъат қилмаслик керак.

Ва зулу қўюб олинғон қон ҳам қортуқ қўйуб олинғон қоннинг ҳукмидадур. Лекин агар қортуқда баданни тиф бирлан

тилмоқ аламиға ва қортуқни жазбиға сабр қилолмаса, аммо зулуни озориға таҳаммул қилса зулу қўймоқ яхшироқдур. Ва илло қортуқ афзалдур. Зероки зулу кичик жойни тишласа ҳам чуқур тишлар. Бинобарин аксар бўлурки, андин тўхтамай кўпроқ қон чиқар. Ва бу маъний ҳомиланинг ҳаққиға мамнуьдур. Аммо қортуқда эҳтиёт бирлан тилган тақдирда хавф камдур. Аммо муҳажжамаи норий, яъни олов қуввати бирлан баданни тилмай қўюладурган қортуқ агар хавфлик бўлмағон мавзеъга беозор қўйилса, зарар қилмас. Ва хавфлик мавзеъларга ҳеч вақтда қортуқ қўймоқ ҳомилаға муносиб бўлмас. Ва хавфлик мавзеълар бош устихонининг усти тараф чоки ва меъданинг усти ва эмчакнинг ости ва киндикнинг ости, бел ва соннинг ичкари тарафини андоми махсусаға қариброқ мавзеъидур.

Зероки бош устихонининг юқори тарафиға қортуқ қўймоқ қуввати нафсонийяни заиф қилур. Ва ақлни ва ҳавосни идрокни камайтирар ҳам қонни пастдин юқориға тортғони сабабдин мияға боқий қонларни ва фазлаларни ва бухоротни ижтимоъиға боис бўлур. Ва ҳам табиатни физои ҳамл учун раҳмға қон еткузмоқ иқтисосиға муҳолифлиги учун ҳомилаға номуносиб ва зарарлик бўлур.

Ва меъда усти ва эмчакнинг ости дилға қариб бўлғони учун жазб қилғон қон ва бошқа ахлотнинг бухороти дилға таъсир қилмоғи ва ҳам дил тарафдин қувват ва руҳи ҳайвонийяларни ҳам жазб қилмоқ озори боиси ғаший ва соири офот бўлмоқ эҳтимоли бордур. Ва ҳам физойи ҳамл учун муқтазойи табиатға муҳолиф тарафға жазб қилғон бўлурки, бу маънийнинг ҳаммаси ҳомилаға зарарлик ва ҳамлнинг сукутиға боис бўлур.

Аммо белға ва киндукнинг остиға қортуқ қўймоқнинг зарари зоҳирдурки, бу жойлар раҳмининг тўғрисида бўлғони сабабдин қортуқни ул маҳалға жазб қилмоғи ҳамлнинг жойидин кўзғалмоғиға боис бўлур. Ва сонни ичкари тарафи юқори қисмиға қортуқ қўймоқ батариқаи авло ҳамлни паст тарафға тортмоғи ила боиси суқут бўлмоғи равшан ва маълумдур.

Аmmo ҳомилани мусҳилдин манъ қилмоқнинг сабаби шулки, раҳм ила ичакни бир-бирига яқинлиги, бинобарин нафъ ва зарарда бир-биридин мутаассир бўлмоқ ила мушорикати бордур. Ва мусҳилға сифати лозима бўлгон ихтилоф ва исҳолдин ичакға ориз бўлгон кайфийятдин раҳм ҳам асарланиб заиф бўлур. Ва қуввати мосикаси раҳмни имсокиға қодир бўлолмай ўзидин раҳо қилур. Ва ночор ҳамли табиий оғирлиги ила соқит бўлур.

Ва яна зўр мусҳиллар ҳаммаси заҳардин холий бўлмас. Ғоят шулки, заҳари кам бўлғонидин миқдори муайянада ичгон кишида сезилмас ва миқдори муайянадин зиёдароқ бўлса, албатта сезилур, ҳатто кўп зиёдаси ҳалок қилур. Бас, заҳарлик нимарсаларнинг истеъмолидин ҳомиланинг ҳаққиға манъи куллий бордур. Магар ҳомиланинг ичи қабз бўлса, мулайийн нимарсанинг истеъмоли мамнуъ эрмас, балки маъмурун бихдур.

Ва табиатни мулоийм қилмоқ ҳамиша лозим ва кўп фоидалиқдур.

ҲИКОЯТ. Ҳаким Муҳаммад Акбар Арзоний раҳматуллоҳи алайҳ дебдурларки, бир хотун бор эрдик, икки адад фарзандни батариқаи одати табиийя басаломат туғди. Сўнгра бир одати нотабиийя анга ориз бўлдики, ҳар вақт ҳомила бўлуб, муддати ҳамлни олтинчи ойиға ўтса ул хотуннинг ичи қабз бўлар ва етти ойда ҳамли соқит бўлар эрди. Ушбу тариқа бирлан пайдарпай уч ҳамли соқит бўлгон экан. Ва тўртинчи ҳамлға ҳомила бўлғондин сўнг фақирға мурожаат қилуб, саргузаштини баён қилди. Ва ман ҳақиқати ҳолдин огоҳ бўлғонимдин сўнг ани ҳамли олти ойға юз кўйғонда ойнинг аввали бирлан енгилроқ мунзиж беруб, сўнгра мағзи фулуси хиёршанбарни бодом ёғиға қўшуб бердим. Ва шул кун уч-тўрт бор амал қилди. Ва бир ҳафтадин сўнг иккинчи бор яна мазкурдин бердим. Шунинг бирлан ани қабзияти ҳам муртафиъ бўлди. Ва еттинчи ойға саломат ўтди. Ва тўққизинчи ойда ҳамли ҳам батариқаи мўътод басаломат таваллуд топди. Ва бошқа кўп жойларда

ҳам ҳомилаға мулаййинотдин берилғони кўп офатлардин омонликға боис бўлғони машҳуд бўлди, дебдурлар.

Ва шунинг учундурки, ҳомила хотинлар доим табиатларини мулойимроқ қилиб юрмоқларини атиббо лозим дебдурлар.

Ва мискиннинг¹ фикрим шулки, агар ҳомилаға талйин лозим бўлса ёғликроқ шўрбо ва ё бошқа физойи муносибалар бирлан агар мурод ҳосил бўлса ҳаммадин яхшидур. Ва бошқа мулаййинот истеъмоли яхши бўлмас. Ва агар бу физолар кифоя қилмаса ширхишт, яъни янтоқшакар ёки сутнинг зардоби каби нимарсалардин ичирмоқ керак. Ва фулуси хиёршанбардин ҳам озроқ ичирмоқ мумкиндур. Лекин албатта бодом ёғидин кўшмоқ ҳам ул ҳомилани фулуси хиёршанбар ичмоқға қадимдин одат қилгон бўлмоғи ва захир касали бирлан муътод бўлмаслиғи шартдур. Зероки баъзи одамлар кўрилдики, данд егонда юраклари печиш қилмади, аммо фулуси хиёршанбар ичгонда агарчи бодом ёғидин кўп миқдор кўшилса ҳам хийли печиш пайдо қилди. Би-л-жумла мизож ва одатнинг риояси ҳамма вақт зарурдур. Ва ҳар хусусда ани мулоҳазаси вожибдур.

Ва яна ҳомилаға талйин учун тамарҳиндийни гулқандға кўшуб ва ё таранжубинни гулобға эритуб ичирмоқ ҳам мумкиндур. Лекин ҳаммадин яхшироқ ва аксар мизожға мувафиқроқ ва ҳамма вақт топмоқ мумкин бўлгон нимарса ҳомила учун қизилгулдурки, ани қуруғидин ҳожат ва табиат муқтазосича уч дирам ё зиёдасини бир кеча гулобға ивитиб куюб тонгдин сўнг сув кўшуб хўб эзуб, мулойим ва майда қилуб, бироз қанд ва ё набот бирлан ширин қилуб едурулса, икки-уч бор беозор ва бафароғат амал қилур. Ва бавужуди амал ҳамлни ва қувватларни ва аъзойи ботинийларни муҳофаза қилур. Ва агар гулни мавсуми бўлуб, ҳўл гул муяссар бўлса ва шул тариқада эзуб берилса қуруғ гулдин бақувватроқ ва нофиъроқ бўлур. Ва фақир борҳо тажриба қилгондур.

Аммо баъзи мулаййинотики, ҳомилаға бермоқ мутлақо нораводур, масалан, бинафша ва хитмий каби. Ҳар нимар-

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

саики, лузужатлик бўлуб, жанинни раҳмдин тойдурадургон ва меъдани заиф қиладургон бўлса, ани истеъмоли ва истеъмом қилмоқ учун амр қилмоқ ҳаром қабилидин мамнуъдур.

Аммо бинафшадин манъ қилмоқнинг асл ҳикмати шулки, бинафша дилга номувофиқдур. Ва баъзи мизожга курб ва ғамгинлик эҳдос қилур ва меъда ва ичакларни заиф қилур ва буларнинг заифлигининг басабаби мужоварат ва мушоракат мутаассир бўлуб, раҳм ҳам заиф бўлурки, бул ҳолатларнинг ҳаммасида исқоти жанин хавфи бўлур.

Аммо хитмийдин манъ қилмоқнинг сабаби шулки, хитмий мудири ҳайздур. Ва ҳар нимарсаики, раҳм томурларини оғзини очуб, ҳайзни идрор ва ихрож қилур бўлса, боиси исқоти ҳамл бўлмоғи ҳам мумкин бўлур. Хусусан ҳамлни ибтидоий муддатида ва ё беш ойдин зиёда муддат ўтган вақтида бўлса, ʼала-л-хусус ҳомилада исқоти ҳамл одат бўлса ва мизожи заиф бўлса андақ вақтида хатар кўпроқ бўлур. Ва ҳомила учун булардин бошқа баъзи истеъмоли муносиб бўлгон ва ё андин эҳтироз лозим бўлгон нимарсаларни пастроқда муфассал баён қилурмиз, иншааллоху таъоло.

Аммо ҳомилани қайдин манъ қилмоқнинг сабаби шулки, қай ҳамма баданни ҳаракатга киргизар. Бинобарин қайни атиббо зилзилат ул-бадан деб таъбир қилурлар. Бас, ҳамма баданни баробар ҳаракат қилдиргани учун, шул жумладин раҳмни ва болани ҳам ҳаракатга киргузуб соқит қилмоқ хавфи бордур. Лекин агар ҳомилага қай худ-бахуд ориз бўлуб, беозор ва баосоний келуб турса, ани манъ қилмаслик лозимдурки, табиатга зарарлик бўлгон моддаи зоидаи фосидага қуввати табиийя ғолиб бўлуб, ани дафъиға мутаважжиҳ бўлур. Бас, ани тўхтатмоқ маънан табиатни мағлуб қилмоқ бўлур ва табиатнинг муқтазосиға муҳолиф амал доимо мамнуъдур. Магар қай баифрот бўлуб, ҳамлни суқутиға хавф зиёда бўлса, ул тақдирда муносиб шарбатлар бирлан тўхтатмоқ ҳам лозим бўлур. Бас, худ қайнинг ўзи ҳомилалар ҳақиға бу қадар мамнуъ бўлса, зоҳирдурки, зўр қай қилдирғувчи даволарнинг истеъмоли батариқай авло ҳомилаларға ҳаром даражада мамнуъдур.

Магар қай учун зўрроқ зарурат воқеъ бўлса, ул сувратда камқувватроқ ва енгилроқ ва камзорроқ қай дорулар бирлан баэҳтиёт қай қилмоқға рухсат берилур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳомилалар учун тадбири куллий шулки, аларға доимо таъьларини иътидолидин мулойим қилиб юрмоқлари лозимдур. Ва бунинг учун энг яхши нимарса серёф шўрбо ичмоқдур. Ва яна доим мўътадил даражали риёзатға машғул бўлмоқ ва оҳиста пиёда юруб турмоқ сазовордурки, бағоят фоидалиқдур. Чунки бу ҳаракати мўътадилалар бирлан баданни ва раҳмни ҳарорати ғаризийяси зиёда қувват ҳосил қилур ва ҳамлни имсокиға қудрати кўп бўлур. Ва физони яхши ҳазм қилуб, андин пайваста янги ва солиҳ қон ҳосил қилмоқ ва ул қондин пайваста физойи ҳамл еткизуб ҳамлни таъмин ва тарбия қилуб турмоқ ва ҳамл учун зарарлик ва исқоти учун боис бўладурғон рутубати фазлийяси лазижаларни раҳмдин таҳлил қилуб турмоқға шул риёзати мўътадила ва машиий оҳисталар сабаб бўлуб турарлар.

Аммо риёзат баифротдин эҳтироз лозимдурки, зиёда таҳлилға ва қувватни заифлиғиға боис бўлуб, қуввати мосикани имсоқдин ожиз бўлмоғиға ва ҳамлни сукутиға боис бўлур.

Ва яна ҳомилаға лозим шулки, ҳаммомға тушмоқни ўзиға ҳаром билғай. Зероки ҳаммомнинг исиги баданни суст ва қувватни заиф қилғай, жумладин раҳмни ҳам суст ва мосикаи ҳамлни заиф қилур. Ва яна рутубати лазижани эритуб баданда сайлон қилдирар. Ва жумладин раҳм мажросида сайлон қилдируб, мажрони тайғоқ қилурки, бу маънилар ҳаммаси ҳамлни сукутиға боис бўлмоқ эҳтимолиға яқиндур. Хусусан раҳмни фузулидин агар бухорот суъуд қилса, раҳм ила дил ва димоғ мобайнидаги мажро бўлғон томурлар воситаси бирлан мазкур бухорот дилға ва димоғ тарафға етса, беҳуд қилур. Ва беҳудлик ҳомиланинг ҳаққиға кўп хавфликдур. Ва бунда аксар ҳамл соқит бўлур. Магар боланинг истикмоли тамом ва таваллудиға фурсат яқин бўлғонда ҳаммомға тушмоқ баъзи хотунларға кўп нафъ қилур ва таваллудни осон бўлмоғиға боис бўлур.

Ва яна маълумдурки, хотунларнинг аксарида расмдурки, бошиға баъзи ёғлардин суртуб, сочларини ислоҳ ва жилосиға

машғул бўлурлар. Бас, ҳомила бўлгон хотунға сазовор шулки, ушбу ёғни камроқ суртғай, балки суртмағай. Зероки мазкур ёғда хейли ғилзат ва лузужат бордурки, шунинг бирлан соч толаларини тартиб ва рангни равнақ бирлан сақлар. Бас, агар шул ғилзат ва лузужати масомларни банд қилса, таҳлилга келтирадурган бухороти мойияларни ва мияда ихтибосиға ва ижтимоъиға ва андин назла пайдо бўлмоғиға боис бўлур. Ва бу назла ўпка тарафға резиш қилса, шиддатлик йўтал пайдо қилур. Ва ҳеч шак йўқдурки, шиддатлик йўтал ҳамма баданни силкитуб, ҳаракат берур ва жумладин раҳмни ва болани силкитуб беором ва исқот учун омода муҳайё қилур. Ва шунинг учун атиббо истилоҳларида йўтални мазаъзаъ ул-бадан дерлар. Аммо ҳозирги замонда бу тариқа ёғ суртмоқ бағоят ривож топгонлиғидин баъзи хотунлар учун одати табиийя даражада бўлмоғи мумкиндур. Бас, агар ҳомила хотунға ҳам шул нимарса одат бўлгон бўлса, анга бу одатнинг дафъатан тарки мушкулдур, балки бош оғриғи ва бошқа офатларға боис бўлур. Шунинг учун бу дарвиши камандиш наздида мухтор шулки, тадҳинға одат қилгон хотун ҳомила бўлса бу одатни тарк қилмағай, балки суртадургон ёғини ислоҳ қилғай. Яъни мияни латофат ва қувватини зиёда қилуб, масомни очадурган даволар, масалан, асорун ва дорчиний ва зарованд ва устухудус ва райҳон ва шибит ва бошқалардин қаю бири муяссар бўлса сув бирлан қайнатуб, қувватини сувға ўтказуб, сўнгра сузуб, сувини мазкур одат бўлгон ёғ бирлан қайнатилур. Ва сув тамом зоил бўлуб холис ёғ боқий қолгондин сўнг мазкур ёғдин бошқа суртмоқда ғайр аз-нафъ ҳеч зарар бўлмас. Ва давонинг муфаттиҳ масомлик таъсири ёғнинг мусаддид масомлиғиға муслиҳ бўлур. Ва мулаттиф ва муқаввий димоғлик таъсири қуввати нафсонийя ва қуввати табиийяни бақувват қилмоғи ила ҳамл имсокиға ва муҳофазатиға муъин бўлур. Ва назла ва зуком қилмас.

Ва яна ҳамилаға вожибдурки, сакрамоқдин ва йиқилмоқдин ва тўқунуб зарб топмоқдин ва жимоъдин, хусусан жимоъийки, кўпроқ ҳаракат бирлан ва узоқроқ замонға боруб инзол

бўлса, булардин ғоят эҳтиёт бирлан ихтироз қилғай. Аммо сакрамоқ ва йиқилмоқ ва тўқунмоқдин ихтирознинг важҳи зоҳирдурки, болани силкитуб кўзғатур ва исқот қилур.

Аммо жимоъдин ихтирознинг важҳи шулки, лаззати томманинг шаънидурки, анга нафс ва табиат ва қувватлар камоли шавқ ва рағбат бирлан мутаважжиҳ ва моил бўлуб, ўзларини бурунғи вазифаларидин маътал қолурлар. Бинобарин инзол вақтида тамом бадан бўшашуб қувват заифлик ҳолат пайдо бўлур. Хусусан кўпҳаракатлик жимоъда лаззат ҳам зиёдароқ ҳосил бўлуб, баданни ҳам зиёдароқ бўшаштирар. Ва жумладин раҳмнинг ўзи ҳам бўшашиб, қуввати мосикаси ҳам заифланиб болани имсокиға муқтадир бўлолмай қолса, бола ночор ўзини табиий оғирлиги бирлан паст тарафға моил ва соқит бўлур. Ва раҳмдин тарашшиҳ қилғон мазий ва инзол қилинғон манийлар мажрони тайғоқ қилуб, болани суқутиға мадаккор бўлур. Ҳатто лаззат олмоқда шул қадар таъсир бўлурки, табиатиға марғуброқ бир таомнинг бўйини агар қаттиғроқ ҳидласа шул ҳиддин ҳосил бўладурғон лаззат боиси. исқот бўлмоқ хавфи бордур.

ТАНБИҲ. Баъзилар бу маънийға шубҳа қилиб бу ишларни бутун олам иртикоб қилурлар ва ҳеч зарар кўрмаслар. Бас, нима учун ҳомилани бул маънийдин манъ қилинди десалар, анга жавоб шулки, атиббои дурандишлар андоғ эҳтиёт бирлан оқибатни андеша қилурларки, то шаънида андак зарарни шоибаси бўлғон нимарсадин манъ қилурлар. Хоҳ ул зарар андак ғайри махсус бўлсинки, истиқболда батадриж кўпроқ зарар бўлуб, бир офати азима пайдо қиладурган зарар бўлсин ва хоҳ зарари ғайри қатъий, балки эҳтимоллик бўлуб, гоҳи баъзи одамғагина ориз бўлмоғи мумкин бўлғон зарарлик нимарса бўлсин. Аммо бу нимарса офат қилинғонлик ва ё табиатнинг ихтилофи сабабидин зарарнинг зоҳир бўлмаслиги эътибордин соқитдур. Ҳатто жимоънинг зарари агарчи баъзан бўлса ҳам ақлан ва ҳам тажрибатан собитдур. Ва яна ҳомилаға жуда тўйиб таом емакдин ва ғазабдин ва гамдин ва бошқа умури нафсонийдин ҳатта-л-имкон ихтироз қилмоқ лозимдур.

Зероки тўйиб таом емакда меъда чўзилиб ҳажми зиёда бўлур. Ва раҳмни босиб, ичидаги болани тазйиқ қилур. Бас, агар шу тўқлик ҳолатда меъда ҳазмга ноқис бўлуб, таомдин кўпроқ бод ҳам пайдо бўлуб, меъдани ҳажмига қўшуб, раҳмни кўпроқ сиқуб босса, болани исқот қилур. Ва ё шул тўқликда таомнинг ҳазмига меъда тамом ожиз бўлса ночор ҳазм бўлмогон ҳолда дафъ қилур. Ва исҳол воқеъ бўлур. Ва исҳолнинг ҳомилага зарари болада мазкур бўлди.

Ва ё зиёда тўқлик ҳолатда агар бир сабаби бирлан шиддатлик акса ва ё йўтал ҳодис бўлса ўпкани ҳавойи танаффус бирлан тўла бўлгон ҳолидаги ҳажми бирлан меъдага берган садма ва зарбаси меъданинг ҳажми ва тазйиқиға қўшилуб раҳмни босиб болани сиқса аксар исқот қилур. Ва ҳам кўп физодин кўп рутубати фазлийя пайдо бўлуб, раҳмга бориб раҳмни суст ва қуввати мосикани заиф қилур. Ва лузжати бирлан раҳм йўлларини тойгоқ ва ҳамлни суқутға омода қилур.

Аммо ғазаб зиёда шодликда хориждаги маҳбубға тезроқ вусулни шавқи учун нафс ва руҳ анга табъан қон хориж тарафға мунташир ва моил бўлур. Ва шунинг учун шодликда юз қизил бўлур. Агар шодликни сабаби муҳимроқ бўлса нафс ва руҳ ва қувватни шавқ бирлан хориж тарафға қилгон тўлқинидин баъзи ҳаракати ихтиёрий ва ғайриихтиёрий зоҳир бўлур. Масалан, ханда ва қаҳқаҳа ва сайҳа ва рақс ва рақз каби ҳаракат қуввати нафсонийядин содир бўлур. Ва шодликға сабаб бўлгон маҳбуоби матлубнинг ҳусулидаги лаззатға руҳ ва қувватлар чунон мутаважжиҳ ва моил бўлсаларки, бурунги хизмат ва вазифаларини тарк қилсалар тамом баданда сустлик ва ҳаракати ғайритабиий ва ғайриихтиёрий бўлмоғи ва бу жумладин раҳм ҳам суст ва мосикаси заиф бўлуб, ҳамлни ўзидин раҳо қилмоғи ва ночор ҳамли табиий оғирлиги ила соқит бўлмоғи мумкин бўлур. Ҳаттоки шодлик сабаби жуда аҳамм ва ашадд бўлса руҳ ва қувват ул марғубға тез восил бўлмоқ учун камоли шавқ ила тамоми бадандин фориг бўлурки, шодмарг ушбу ҳолатдин иборатдур.

Ва инчунин ғазабда ҳам хорижда манфур воқеъадин насф интиқом олмоқ тариқи бирлан муқовамат учун зоҳири бадан

тарафга моил ва мутаважжиҳ бўлур. Ва анга таъбан руҳ ва қувват ва қон ҳам зоҳири бадан тарафга мутаважжиҳ бўлурлар. Ва агар ғазабда нафс ул манфур нимарсани дафъиға қодир ва беваҳм бўлса қон ва қувватлар зоҳири баданга кўп шиддатли тўлқин бирлан мутаважжиҳ бўлурлар. Бинобарин юз қизариб тутақиб турар ва қувватларни тўлқинидин баданда ҳаракати ғайрииродийлар ва титроқлар пайдо бўлуб, гўё бу ҳаракатлар хориждаги манфур воқеъани дафъи учун нафснинг таважжуҳнинг намунасидур.

Бас, агар хориждаги манфурдин нафсни ихтирозни бағоят шиддатлик бўлса тамоми қувватларни муқовамат ва мудофъатга сарф қилур. Ва баданда қуввати дофиъа ҳаракатга кирар. Ва мосика заиф ва мағлуб бўлур. Ва шул ҳолатда раҳмнинг қуввати дофиъаси ҳам ҳаракат қилуб, болани би-л-феъл дафъ ва исқот қилмоқ хавфи бордур.

Ва агар ғазаб ваҳм бирлан мураккаб бўлса нафс ва руҳ ва қувватларнинг таважжуҳи бир дафъа манфурга муқовамат учун зоҳири бадан тарафга ва бир дафъа ваҳмнинг ғалабаси ила манфурдин ихтироз учун ботини баданга ружуъ қилмоқга сарф бўлуб, нафс ва табиат изтиробда қолур.

Ва маълумдурки, агар қувватлар нафрат бирлан ботини баданга ва маркази бадан бўлгон дилга ружуъ қилсалар атрофи баданда қувват кам қолур. Ва ҳеч узв ўзида бўлгон омонатни сақламоқга қодир бўлолмас. Чунончи шиддатли кўрқинчда масона ўзида омонат тургон бавлни имсокиға қодир бўлолмай дарҳол сийуб юбормоқ ва ичаклар ўзида бўлгон фазлаи физони имсоқ қилолмай беихтиёр ихрож қилмоқ машҳуддур. Ва инчунин раҳм ҳам боланинг имсокиға қодир бўлолмай исқот қилмоғи яқин эҳтимоллардиндур.

Бас, агар ғазаб фараҳ бирлан мураккаб бўлса қуввати дофиъани голиблиги боис суқут қилур. Ва агар ғазаб ваҳм бирлан мураккаб бўлса баданни камқувватлиги боиси суқут бўлур. Ва агар ваҳм ва ё ғам ва ё ҳамм ва фузун ориз бўлса ҳам инчунин хорижий кулфатдин халослик умиди мунқатиълик сабабидин нафс ва руҳ ва қувватлар батадриж ботини бадан тарафга ружуъ қилиб, атрофи баданнинг қуввати мосикаси заифлан-

моғи боиси суқут бўлмоғи хавфи бордур. Бинобарин бундоғ ҳолатлардин ҳатта-л-имкон узоқ турмоқ ҳомилаға вожибдур. Хусусан муддати ҳамл тўрт ойға тўлмоғон вақтда ва олти ойдин ўтган вақтда ва ала-л-хусус муддати ҳамл бир ойға тўлмоғон вақтда шадид ул-манъдур.

Ва яна ҳомилаға сазовор шулки, бел ва биқин ва қоринларини устидин бир мулойим шол ва ё бошқа муъин нимарсани ўраб боғлаб юрғай, токи хорижий ҳавонинг совуғи ҳомиланинг қорниға ва раҳмиға асар қилмоғи ҳам яхши эрмас. Ҳам болани имсоки учун мазкур шол раҳмнинг имсокиға иъонат қилғай.

Ва яна таъми тез ва ачиқ ва тахир ва турли нимарсалардин, масалан, гармдори ва мурч ва кабар ва тирмис ва хом зайтун каби нимарсаларни тановулидин ва яна мудирри тамс, яъни ҳайзни жорий қиладурғон нимарсалардин, чунончи лубиё ва нахуд ва кунжуд каби нимарсалар тановулидин ихтироз қилғай. Ва физолардин гўштнинг қайнатма шўрбоси, хусусан парранда гўштнинг шўрбоси каби касир ул-ғизо сариъ ул-ҳазм физоларики, мулайийни табиат бўлса, анга қаноат қилғай. Ва доим пурхўрликдин ва ҳазми оғир физодин ҳазар қилғай, токи мабода тухма ва фасоди ҳазм ориз бўлуб, андин ҳайза касали воқеъ бўлмағайки, ҳомилалар учун зарар қилмоқда ҳеч нимарса ҳайзадин ёмонроқ бўлмас. Ва агар ҳомила шаробхўрликға мубтало бўлса шароби райҳонийи кўҳнадин ичмоғиға рухсат берилур.

Ва мевалар жинсидин майиз ва беҳийи ширин ва нок ва ширин олма ила турш олманинг таркиб қилиб тановул қилмоқ ва анорнинг ҳам турш ва ширинини таркиб қилиб тановул қилмоқ яхшироқдур. Ва даводин, агар муяссар бўлса марвариднинг жавориши ҳомила учун бағоят яхшидур. Ва инчунин бошқа жаворишларики, анга ҳарорати кўп ўткур бўлмоғон латиф ва хушбўй даволардин қўшуб ва шаққарини кўп ва ҳамма ажзоға ғолиб қилиб тайёрлатғон бўлса. Ва инчунин гулқандики, анга уд ва мастакий қўшуб, меъдаға қувват бермоқ ва меъдаға жамъ бўлғон моддаларни таҳлил қилмоқ учун қувватини ўсти-

рилгон бўлса, ушбулардин ҳомилага бериб турмоқ лозимдур.

Ва гоҳ-гоҳ баданни иситадургон ва қобиз ва хушбўй даволардин марҳам қилиб ҳомилаи қорнига зимод қилмоқ лозимдур.

СИФАТИ ЖАВОРИШИ МАРВАРИДКИ, ҳомилалар учун нофиъдур. Ва ҳамли кўп соқит бўладургон бўлса ва ё боласи заиф ҳолда туғилиб ҳаёти бақолик бўлмай нобуд бўладурган бўлса аларга бағоят нафъ қилур. Ва раҳмни ва меъдани ҳолини ислоҳ қилур. Ушбудурки, тешулмоғон марварид оқирқарҳо ҳар бири бир дирамдин, занжабил, мастакий ҳар бири тўрт дирамдин, заранбод ва дарунаж ва тухми карафш ва шитаржи ҳиндий ва қоқула ва жавзи бавво ва басбоса ва қирфа ҳар бири икки дирамдин, қизил баҳман ва оқ баҳман ва мурч ва дорфулфул ҳар бири уч дирамдин, дорчиний беш дирам, шакар ҳамма ажзонинг вазнига баробар ёки андак зиёда бўлур. Ва шакарни аввал қивом қилуб, сўнгра мазкур ажзоларни қўшуб қориштируб, тошдин ишланган лагандга қўюб қотирилур. Ва ҳар бир тановул миқдори бир туршак ҳажмида бўлур. Ва ҳар кун уч бора тановул қилинур.

Ва инчунин муфарриҳоти ёқутий ва даво ул-муск ва машрудитус ва бунга ўхшаш қувват ва ҳамлни муҳофозат қиладирган даволардин истеъмол қилинса бағоят нофиъдур, башартики, раҳмда суъ ул-мизож ва шиш ва бошқа офатлар бўлмаса.

ФОИДА. Амрозики, ҳамл сабабидин ҳомилага ориз бўлур ва баёни атиббо одатларида илож ул-марзонинг хотинларга махсус бўлгон амроз бобида зикр қилинурки, иложи жузъийёт бобидур. Ва фақир ҳам бу мақоми баёни куллиёт бўлгани сабабидин аларни баёнидин сукут қилдим. Ва баёни жузъийёт мақомида баста тамом бирлан иншааллоҳу таъоло баён қилурман.

Лекин бу мақомда ҳомилаларга ориз бўлғувчи баъзи аворизга мутааллиқ тадбирларни баён қилмоқни муносиб кўрулманки, бу нусхани таҳлилидин гараз ҳар бир ҳолоти куллиянинг тадобирига танбиҳдур.

ТАДБИРИ ҒАШАЁН ВА ҚАЙ

Билмоқ керакки, маълум аксар ҳомила хотинга кўнгил беҳузур бўлмоқ ва қай қилмоқ ориз бўлур. Бас, ани то бир зарурат бўлмаса зинҳор таскинига таважжуҳ қилмаслик лозимдур. Хусусан ҳамл муддатидин тўрт ой ўтмагон бўлса зинҳор ани дафъ қилмоқдин қўл тортмоқ вожибдур. Зероки бу фурсатларда моддаи тамший мужтамаъ бўлуб, қай бирлан мундафиъ бўлуб турар. Бас, ани дафъиға монеъ бўлинса тарбийиаи бадан ва танқийаи бадан учун табиатни таважжуҳи ва физосиға хилоф бўлуб, қуввати табиийя заиф ва мақҳур бўлур. Ва раҳм ва бадан мазкур модда бирлан мумталиий бўлуб, шул моддани излоқи бирлан ҳамл соқит бўлур. Магар қайнинг ифротидин қувватнинг заифланмоғи ва қайнинг шиддатлик ҳаракати бирлан ҳамлни кўзгалмоқ хавфи бўлса ва ё ҳамл муддатидин тўрт ой ва ё зиёда муҳлат ўтган бўлса ул вақтда қайни тўхтатмоқ учун муқаррар бўлгон нимарсалар бирлан тўхтатмоқ лозим бўлур. Ва агар қай ориз бўлмай фақат кўнгилни беҳузурлиги озор берса ва андак иёнат бирлан қай осонроқ муяссар бўладурган даражада бўлса шибитнинг тухми ва турбнинг тухми бирлан қай қилмоқ жоиздур. Чунки бу ҳар икки тухум агарчи мудирри тамс бўлса ҳам, лекин булар жигарға етмай меъдадин яна қай бирлан қайтиб тушарлар ва тамсға таъсир қилмаслар. Зероки идрори тамс учун аввало жигарға бориб жигардин мосариқо воситаси бирлан раҳмға ва масонага етмоқ шартдур. Ва илло идрор қилолмас.

Ва агар таом тановулидин сўнг қай қилмоқ кўпроқ ориз бўлса, таомдин сўнг қобиз ва хушбўй нимарсалардин, масалан, оловға кўмуб, кабоб қилгон беҳидин тановул қилмоқ, хусусан ани кабоб қилмоқ вақтида уднинг шохини беҳининг бир неча жойиға санчиб туриб кабоб қилингон бўлса қайни таскини учун кўп нофиъ ва мужаррабдур.

Ва яна қўлни ва оёқни гўштарини доимий ғамз қилиб босиб-босиб турмоқ ва пиёда оҳиста йўл юрмоқ каби оҳиста ҳаракатлар ахлотни камайтирмоғи ва жазб қилмоғи сабабдин қай ва ғашаёини таскин қилур.

Ва яна меъдани бақувват қиладурғон нимарсалардин меъдани устиға зимод қилмоқ ва анорнинг тухми ила наъноъни баробар вазнда қўшиб огизга солиб шиммоқ ва гилбўтани чарби ёғи бирлан қўшуб яламоқ ҳам қай ва гашаённи таскин қилур.

ТАДБИРИ ИШТАҲОИ ФОСИД (БУЗИЛГАН ИШТАҲАНИ ТУЗАТИШ)

Билмоқ керакки, ҳомила хотунларнинг баъзилариға хусусан қиз болаға ҳомила бўлғонлариға аксар бир иштаҳои фосид пайдо бўлурки, таъълари доим кесак ва лой емоқни тақозо қилур. Бас, агар бул иштаҳо андак бўлса тадбири учун ҳаракат лозим бўлмас, чунки бола камолға етмоғи бирлан бу иштаҳо худ-бахуд зоил бўлур. Ва иштаҳо зўр бўлса ул тақдирда гулқанд ва ё ҳомиланинг ҳолиға муносиб бўлғон бошқа давоий хафифа бирлан меъдани танқия қилмоқ лозимдур. Ва танқиядин сўнг меъдани турш таъмлиқ нимарсалар бирлан ислоҳ қилмоқ керак. Ва бунинг учун ғўранинг сувини қивоми ва ани шарбати бағоят нофиъ ва мужаррабдурки, асал ва ё шакар қўшуб қайнатилғон бўлур.

Ва раҳми қуввати мосикасини ҳам бақувват қилмоқ ила болани муҳофазатиға ажиб ут-таъсирдур. Ва яна одамики, лой ва кесак емоқға орзуси зўр бўлса ани баданиға қуруқ нашоста емоқ ҳам таскини орзу ва ҳам ҳифзи ҳамл ва ҳам фи-л-жумла танқийаи меъда учун нофиъдур. Ва гоҳи ҳиддатлик таъмда бўлғон нимарсаларни, масалан, хардал ва бунга ўхшашларни тановули ҳам ахлоти фосидани меъдадин кўчурғон сабабидин мазкур иштаҳони заволиға фоида қилур ва иштаҳои фосидни ҳоил қилуб, иштаҳои содиқ пайдо қилур. Лекин эҳтиёт учун мумкин қадар ҳиддатлик нимарсадин ҳазар лозимдур, чунончи юқорида мазкур бўлди.

ТАДБИРИ СУҚУТИ ИШТАҲО (ИШТАҲА ЙЎҚОЛИШИНИ ДАВОЛАШ)

Билмоқ керакки, агар ҳар вақт ҳомиланинг иштаҳоси соқит бўлса дарҳол серёғ таом тановулидин ва ўткур ширин тановулидин манъ қилмоқ лозимдур. Пиёда оҳиста юруб мулойим ҳаракат қилмоқға амр қилмоқ лозимдур. Ва суюқроқ шароби райҳонидин андак-андак ичиб турмоқ фойдалиқдур. Ва ғашаённи ва қайни таскин берур. Ва кўп миқдор ичмоқ зарардин холий эрмас.

Ва инчунин агар муяссар бўлса қабл аз таом ва баъд аз таом андак-андак зированднинг тановули ҳам иштаҳо пайдо қилур. Ва яна меъданинг устиға беҳи мевасини ва ё қиннаб баргини ва ё қасаб уз-зариани ва ё сунбулни кўҳна шароби райҳонийға қўшуб зимод қилмоқ ҳам меъданинг қувватини зиёда қилиб иштаҳо пайдо қилур. Ва инчунин ҳар давоики, табиат андак қобиз ва мизожи андак ҳароратға моил ва муқаввийи меъда ва муъини иштаҳо бўлса андин тановул қилдирмоқ ҳам мумкиндур.

ТАДБИРИ ХАФАҚОН (ХАФАҚОННИНГ ТАДБИРИ)

Билмоқ керакки, гоҳи ҳомила хотуннинг меъдасини юқори қисмиға бир хилт ёпишур ва меъданинг дилға мушоракати сабаблик меъдадаги хилти мазкурдин дилға озор етар. Ва дил беҳузур бўлуб, шиддатлик ҳаракат қилурки, хафақони ҳомила шул ҳолатдин иборатдур.

Ва маълумдурки, ҳомиланинг раҳмида ҳарорат зиёда бўлур. Ва ҳамлни ва йўлдошни ҳарорати ҳам анга муъин бўлур. Ва раҳмдаги рутубати фазлияларни қизитуб, андин ҳарорат ва бухорот ҳосил қилур. Ва раҳми меъдаға мушоракати қавий бўлғони учун раҳмдин суъуд қилғон ҳарорат ва бухорот меъдаға таъсир қилуб, андаги хилтни ҳам қизитуб, рутубатини таҳлил қилур ва моддасини ғализ қилур. Лекин меъданинг паст қисми аксар таомдин холий бўлмоғони учун андаги хилт физо рутубатидин ислоҳ топиб ҳам физоға қўшилуб мундафиъ бўлуб турарлар.

Аммо меъданинг юқори қисми аксар вақт физодин холий

бўлғони учун қивоми ғализ ва лузужатлик бўлуб, мазкур мақомда боқий ва пойдор бўлуб, дилға таъсир қилуб, боиси хафақон бўлур. Ва бу навъ хафақон қайноқ сувни журъа-журъа ичиб турмоқ бирлан аксар зоил бўлур. Чунки қайноқ сув мазкур хилтға пайваста етиб турмоғи бирлан ани батадриж эритуб ҳам суюлтируб меъдадин дафъ қилур. Ҳатто баъзи ҳомиланинг хафақони қайноқ сувдин ичмоқ бирлан фавран зоил бўлур. Ва инчунин риёзати мўътадил ҳам мазкур хафақоннинг заволиға аксар кифоя қилур. Ва агар булар бирлан хафақон босилмаса сўнгра дилға муолажа қилмоқ лозим бўлур.

ТАДБИРИ БОДКИ, МЕЪДА ВА ИЧАҚДА ЮРАР

Билмоқ керакки, баъзи ҳомилаларға ҳамлни вазнидин раҳмға ва табиатға малолат ориз бўлгон сабабидин табиат тамоми таважжуҳини раҳмға ва ҳамлни муҳофазасиға сарф қилиб, меъданинг тарбиясиға таважжуҳи ноқис бўлур ва меъда заифланур. Ва ё раҳмнинг ҳарорати меъдаға кўпроқ таъсир қилуб, ғизони қайнатуб, андин бод ва бухорот ҳосил қилур. Бас, ул бодлар меъда ва ичакларда маҳбус қолиб айланиб юрарлар. Ва ани дафъи учун меъдаға қувват бергувчи суфуфлар ва маъжуни каммуний ва бунга ўхшаш муқаввийи меъда ва муҳаллили риёҳ нимарсалардин баъд аз таом андак тановул қилмоқ нафъ қилур. Ва ғизо миқдорини камайтирмоқ ҳам фоида қилур. Аммо мўътадил миқдор ҳаракат қилмоқ бағоят нофиъдур.

ТАДБИРИ ВАРАМКИ, БАЪЗИ ҲОМИЛАЛАРДА ОЁҒНИНГ ЮЗИҒА ПАЙДО БЎЛУР

Ва ани дафъи учун карамнинг баргини сувға қайнатиб пишируб, зимод қилмоқ ва ё зирк дарахтини асорасини карам суви бирлан эзиб суртмоқ ва ё сабри сақутарий ва фуфал ва сандал каби нимарсаларни инаб ус-саълаб, яъни итузумининг суви бирлан қўшиб суртмоқ ва ё гул ёғини сиркаға қўшиб суртмоқ ва тузни сиркаға эритуб суртмоқ ва ё кўҳна набизни сиркаға қўшуб суртмоқ кифоя қилур ва варамни зоил бериб таҳлил қилур.

ТАДБИРИ ХОРИШ ВА ЖЎШИШИ ФАРЖ (ЖИНСИЙ АЪЗО ТАДБИРИ)

Билмоқ керакки, раҳмининг ҳарорати гоҳи паст тарафга сироят қилиб ҳомиланинг фаржи (жинсий аъзоси)га хориш ва ё қизамиқ каби жўшиш ва жароҳат пайдо қилурки, гўё захм каби куюб шуъла ва хориши бирлан бетоқат қилур. Ва бу хориш ва жўшиш гоҳи фаржнинг дохилида ва гоҳи хорижида пайдо бўлур. Ва бунинг дафъи учун хитмий, яъни оқ гулхайрининг илдизининг шираси ва ё гули саршўйни маҳалли махсусиға суртмоқ керак. Ва инчунин гули саршўйни кувада пишган айронға ва ё итузумининг сувиға ва ё тарбузнинг сувиға ҳал қилиб, ани ичига маризнинг ўлтурмоғи бағоят нафиъ ва сариъ ул-асардур. Ва фаржни зоҳир ва ботинини шул даво бирлан олуда қилиб турмоқ бирлан аксар хориш ва жўшиш зоил бўлур. Ва агар бунинг бирлан тезроқ зоил бўлмай андак қонни камайтирмоқ ҳам зарур бўлса, сонни ичкари тарафиға қортуқ ва ё зулув қўюб андак қон чиқармоқ ҳам жоиздур. Аммо маҳалли махсусиға зулув қўюб қон чиқармоқ ҳомиланинг ҳақиға раво эрмас.

ТАДБИРИ ТАМАДДУДИ ШИКАМ (ҚОРИН ТАРАНГЛИГИНИНГ ТАДБИРИ)

Билмоқ керакки, гоҳи бухороти ва болани оғирлигини сабаби бирлан орқани узлаларида ва қоринда тўлалик ва таранглик ориз бўлуб, андин ҳомилаға чарчамоқ ва зўр маломат зоҳир бўлур. Бас, бу ҳолда қорин ва биқинлариға гул ёғи суртмоқ ва эчкининг тезаги ила арпани унидин мураккаб хамир қилиб мазкурдин нон пишируб, ул нонни иссиғлик ҳолида латтаға ўраб узлаларға батадриж такмид қилмоқ лозимдур. Ва гизо учун ҳам латиф гизодин камроқ миқдорда тановул қилмоқға қаноат қилмоқ ва бошқа гизодин ва пурхўрликдин ихтироз қилмоқ вожибдур. Ва орқанинг ва гарданнинг ва китф ва бозунинг узлаларини қаттиқ уқаламоқ ва ишқамоқнинг нафъи кўпдур.

ТАДБИРИ ЖАРАЁНИ ХУН (ҚОН КЕТИШНИНГ ТАДБИРИ)

Билмоқ керакки, ҳомила хотунларга гоҳи воқеъ бўлурки, болани ва йўлдошини ҳажми ва вазнидин раҳмга тамаддуд ва таранглик ориз бўлуб, раҳмнинг томурларининг оғзи очилур. Ва андин қон тарашшуҳ ила сизиб чиқар. Ва раҳмда мужтамиъ бўлуб, сўнгра хорижга жорий бўлур. Бас, ани тўхтатмоқ учун адас, яъни ясмуғ ва анорнинг гули ва анор пўсти ва қуруқ анжир ва ҳалила ва мозу ва бузғанаж ва аччиқ тошларни агар муяссар бўлса ҳаммасидин баробар миқдорда таркиб қилуб ва илло ҳар қаю мавжуд бўлгонларини сувга ва сиркага қўшуб қайнатуб, сувига мазкур ҳомилани ўтирмоғи ва шул даволарнинг тафлини эзиб қовуғига суртмоғи лозимдур. Ва агар қон кўпроқ жорий бўлуб, ани тезроқ тўхтатмоқ учун ҳожат зўр бўлса, ул вақтда ҳар икки қўлни қўлтиғидин маҳкам бўғиб боғлаб ва ҳар икки сонни ҳам юқорисидин маҳкам боғламоқ лозимдур. Токи оёғ ва қўллардин қон танага ўтмоғига монёъ бўлса фақат тананинг қони бир миқдор жорий бўлгондин сўнг баданни холий қолмоғи мумтаниълиги сабабдин боқий қонни худ бадан жазб қилиб турар. Ва жорий бўлмоқга монёъ бўлур. Ва баъзилар ҳаттоки ҳар икки эмчакни ҳам остидин бўғиб боғламоқни амр қилғондурлар. Ва кўрси қаҳрабо ва бошқа ҳар қаю давоий ҳобисларики, ифроти тамс учун буюрилғондур, алардин ҳам бермоқ лозим бўлур.

ИНГИБОҲ. Билмоқ керакки, ҳамл муддати саккиз ойга тўлиб тўққизинчи ойга шуруъ қилса ҳомилага лозимдурки, ширин бодомнинг ёғидин уч дирамдин ичиб турғай. Ва турш нимарсалардин ва ғализ нимарсалардин парҳез қилғайки, бу тадбирлар фарзандни беозор ва ғоятда осонлик бирлан таваллуд топмоғига боис бўлур.

Ва инчунин сигирнинг сутидин ҳар куни тоқат ва таҳаммулига яраша ичиб турмоғи ҳам таваллудни осон бўлмоғига сабаб бўлур. Ва яна вазъи ҳамл кунлари яқин етса ҳомилага лозимдурки, ҳаммомга кириб терлағай ва тоқати кўтарғон даражалик иссиқ сув бирлан ғусл қилғай. Ва ё карам ва ҳулба ва шибит ва зигирлардин қайнатиб, ани сувига тушуб ўлтурғай.

Ва яна қорниға ва орқасиға шибитнинг ёғидин ва ё бобунанинг ёғидин ё кунжид ёғидин суртиб турғай. Ва гизоға серёғ таомлар, хусусан серёғ қуймоқ ва қанддин ҳалвои тар тановул қилмоқ ва ширин бодом ёғидин ичмоқни ўзига вожиб билғайки, буларнинг ҳаммаси муҳили валодатдур. Ва тез муддатда баосони таваллудни ҳосил қилур.

АММА-Л-МУРЗИА, яъни болани эмизғувчи хотин хоҳ боланинг ўз онаси ва хоҳ бегона бўлсинки, ани тадбири эри бирлан мужомаъат қилмоқдин ва беҳаракатлик бирлан узоғроқ оромдин эҳтироз қилмоқдур. Чунки мужомаъатда қон ва бошқа ахлотларға ҳарорати гариб ориз бўлуб, алардин қўзғолғон бухороти уфнийя сутни фосид қилур. Ва зиёда тан оромликда сутнинг рутубати фазлийяси таҳлил топмай қолиб сутни фосид қилур.

АММА-Т-ТИФЛ, яъни боланинг тарбияси учун тадбир шулки, ани ахлоқини таъдил ва ислоҳ қилмоқға ва болаға ғазаб ва ғуса ва хавф ориз бўлмоқдин муҳофазат қилмоқ вожибдур. Чунки бу нимарсалар болани нишотини синдирур ва ўсмоғиға монё бўлур. Бас, бу қадар баён баёни куллий ижмоли бўлуб, бундин истифода қилмоқ қийин бўлғони учун унга мутааллиқ бўлғон тадбироти жузъийяни неча фоидалар бирлан яна машруҳан баён қилмоқ лозимдур.

ФОИДА. Болани туғилган вақтидин то йўлга кирадиган вақтгача бўладурган тадбирлар баёнидадур. Билмоқ керакки, бола туғилғонда ани танасини ҳавонинг қуруғлигининг муҳофаза қилмоқ лозимдур, токи раҳмда рутубат фазлийя миёнасида тарбия топғон бола дафъатан қуруқ ҳаводин мутаассир бўлса бу таъсир анга хилофи табиат бўлуб, зўр офатға сабаб бўлур. Ва болани киндиги бирлан йўлдошиға муттасил бўлғон ичак шаклик мажроики, ани номини ҳам урфда киндик дерлар, мазкурни боланинг баданиға муттасил бўлғон маҳаллиға яқин бўлғон жойини бош бармоқ ва саббоба бармоғи бирлан тутуб турур, боқий ажзосини бола тарафдин йўлдош тарафға оҳисталик бирлан сидирмоқ керак, токи оҳисталикдин болаға озор ҳам етмасин. Ва сидирмоқ ила ани ичида бўлғон

хилт ва рутубатлар йўлдош тарафга мундафиъ бўлуб, киндик ҳам пок бўлсин. Сўнгра тобини чалароқ тоблангон ва ёғ суртуб мулойим қилингон ип бирлан ул киндикни икки жойдин бўғиб боғламоқ керакки, бири боланинг киндикига яқин жойдин ва бири андин бир қариш қадар узоғроқдин боғланур. Лекин бу ипни ҳам хўб мулойим бўлмоғи лозимдур. Сўнгра мазкур иккинчи бўғилгон жойдин яна икки-уч панжа эни қадар узоқ бўлгон жойдин ўткир тиг бирлан кесмоқ керак.

ФОИДА. Билмоқ керакки, киндикни бул тариқа икки жойдин бўғуб банд қилуб, сўнгра кесмоқ агарчи авом ун-нос миёналарига мустаъмал бўлмай, фақат тўрт панжа эни қадар бир жойдин банд қилуб, сўнгра кесмоқ одатдур. Лекин икки жойдин мазкур тариқада боғлаб, сўнгра кесмоқни кўп фоидалари бордурки, авом ун-нос доялари андин беҳабардурлар. Чунончи аҳли тажрибаларнинг китобларида марқумдурки, киндикни хўп сидируб ахлотдин пок қилуб ва мазкур тариқада икки жойдин банд қилуб ва бир қаричдин зиёдароқ қолдируб кесмоқ киндикни ўсуб баланд кўтарилмоғига монёъ бўлур. Ва яна боланинг масонасида қуввати мосикаси зиёда ва бақувват бўлуб, беирода ўринга сиймоқ камроқ воқеъ бўлур. Ва агар бир қаричдин камроқ қолдириб кесилса ул тақдирда бола катта бўлгунча ўринга беихтиёр сийиб кўяр. Ва яна киндинни хўб оҳиста сидириб бод ва ахлотдин пок қилуб сўнгра боғлаб банд қилуб сўнгра кесилмаса киндикда боқий бўлгон бод ва ахлотнинг сирояти бирлан ул бола агар ўғил бўлса моягида ва агар қиз бўлса фаржида бод пайдо бўлуб, масонасида ва ё меъдасида ва ё раҳмда иллат пайдо бўлур. Аммо агарчи “Қонун” ва баъзи бошқа китоблардин зоҳиран аввал киндикни кесмоқ ва сўнгра боқий киндикни боғламоқ лозимлиги маълум бўлур. Лекин киндикда бўлгон бод ва ахлотни дохили баданга сироятдин эҳтиёт учун аввал боғлаб сўнгра кесмоқ яхшидур. Ва агар бартақдир аввал кесиб қўйилгон бўлса тезлик бирлан боғламоқ лозимдур, токи киндикдин ҳавойи хорижий қоринга кирмағай. Ва боиси иллат ва изо бўлмағай. Ва киндикни боғламоқ учун ҳаммадин яхшироқ ип муяндулки, ҳайвонот мўйи-

нинг энг нозик ва майинларидин тўплонгон бўлур. Ва ани арабда савф ва форсийда шол ва туркийда тивит дерлар. Ва бу тивит киндикни тезроқ қуритар. Ва бадандин тезроқ кўчар. Ва яна болаға озор етқузар даражада дағал ва қаттиқ ва тоби пишук бўлмаслиги лозимдур. Ва бовужуди яна боғлаб мулоиймроқ қилмоқ лозимдур, токи шоиба азият учун ҳеч эҳтимоли қолмағай.

Ва яна бир парча латгани зайтун ёғиға олуда қилуб киндикни ўраб қўймоқ керак, токи ул латта киндикни иссиқ сақлағай. Ва ёғи киндикни қотирмай мулойим сақлағай. Ва хорижий совуғни таъсиридин киндикни маҳфуз сақлағай. Ва агар бу латта зигирпоянинг канафидин бўлса киндикни тезроқ қуритиб бадандин кўчирмоқға яна муъин бўлур. Лекин яхшироқ тадбир шулки, зардчўба ва анзарут ва дам ул-ахавайн ва ушна ва зира ва муррлардин баробар миқдорни қўшуб хўб майдалаб эзиб кесилган киндикға сепмоқ керак, токи киндикни тез қуритуб, бадандин кўчирар. Ва киндикни кесмоқдин муқаддам ҳам бу даводин сепмоқ раводур.

Ва яна болани чўмилтуруб, раҳмдин ориз бўлгон рутубати фазлийлардин пок қилмоқ ва бадан чиркини пок қилмоқ ва масомларни очиб рутубати фазлийянинг таҳлилиға ёрдам бермоқ лозимдур. Ва чўмилтирмоқ учун энг яхши тариқ шулки, аввало тузни бағоят майдалаб эзиб, боланинг баданиға сепмоқ керак. Сўнгра болани ўраб олиб бир лаҳза сақлаб турмоқ керак, токи боланинг баданиға туз яхши сингиб таъсир қилғай. Ва уфунатни қабул қилмасликға қувват ва истеъдод ҳосил қилғай. Лекин тузни майда қилмоқда кўп муболаға зарурдурки, андоқ бўлмоғонда ҳам бадан масомлариға сингимас ва ҳам баданға қадалиб озор берур. Сўнгра бир жом ва ё тос ва ё тоғора каби очиқ зарфда чўмилтирар. Лекин чўмилтирмоқда кўб эҳтиёт лозимдурки, боланинг қулоғиға сув кирмасин. Ва болани чўмилтирганда ҳам аввал намакоб бирлан ювмоқ сўнгра ширин сув бирлан ювмоқ зарурдур. Бас, намакоб бирлан чўмилтирмоқда хўб эҳтиёт қилмоқ лозимдурки, боланинг оғзиға ва бурниға ва кўзиға намакоб кирмасин. Ва чўмил-

тиргондин сўнг покиза латта бирлан баданни артиб қуритуб, дарҳол бир мулойим покиза нимарсаға боланинг ўраб ҳаводин маҳфуз тутмоқ лозимдур. Ва бу ўролгон нимарсанинг иссиғлик даражаси раҳминг иссиғлик даражасига яқин муносабатда бўлғай, токи иссиқ раҳмдин янги хориж бўлгон болани хорижий совуқ ҳавоға батадриж одатлантирмоқ лозимдур. Ва ўролгон пардани бағоят нафис ва майин ва беоҳор бўлмоғи лозимдур, токи майин ва нафислиги болани беозор роҳатиға сабаб бўлур. Ва беоҳорлиги эса бадан масомларини очиқ ҳолда боқий бўлмоғиға сабаб бўлур. Чунки агар парда оҳорлик бўлса андин жудо бўлгон оҳор зарралари бадан масомлариға кириб масомни банд қилур. Ва боланинг баданидаги рутубати фазлийяни таҳаллулиға монёъ бўлуб, кўп офатларға боис бўлур. Магар пардаи хориждин яна бир пардаики, ани елим каби ширадор ва матонатлиқ нимарса бирлан оҳорлангон бўлуб, оҳори ҳаракат бирлан тўкилмайдурган бўлса ани бирлан ўрамоқ афзалдур. Токи хорижий ҳавонинг нуфузиға бу оҳор монёъ бўлуб, болани муҳофазат қилур.

Ва баъзи атиббои ҳаззоқ дебдурларки, аввал тузни хўб майда қилиб боланинг ҳамма танасига юпқа қилиб сепмоқ керак. Ва шул ҳолда бир кеча ва кундуз ё зиёда вақт чўмилтирмай, туз бирлан ўраб олиб сақламоқ керак. Сўнгра сув бирлан ювмоқ керак. Чунки тажриба бирлан маълум бўлгондурки, агар шул тариқа қилиб, бир кеча ва кундуз туз бирлар сақлануб сўнгра ювилгон боланинг баданидин жароҳат кам чиқар ва уфунатни ҳам бу бадан кам қабул қилур. Ва агар аввал намакобға чўмилтургон бўлса, сўнгра баданиға туз сепмай фақат ширин сув бирлан чўмилтирмоқни баъзилар кофий деб билурлар. Лекин намакобға андак шозана ва қуст ва сумоқ ва хўлба ва саътар ва ҳино каби нимарсалардин хоҳ танҳо ва хоҳ мажмуъидин мураккаб қўшуб қайнатилгон бўлса яна яхшироқ бўлурки, бу даволар рутубати фазлийянинг таҳлили учун намакобнинг таъсирини зиёда қилур. Ва бу маъни зоҳири баданни маҳкам ва бақувват қилур. Ва агар аввал танҳо намакобға чўмилтируб, сўнгра мазкур даволардин қўшуб қайнатилгон

сувға чўмилтирулса раво бўлурки, баҳарҳол асли мақсуд бўлгон бадан салобати ва қуввати ҳосил бўлур.

Ва маълумдурки, янги туғилган бола раҳм ичида тарбияланиб хорижий ҳаво ва бошқа нимарсалар мулоқотиға нисбати бегона ва ғоятда ижтиноблик бўлур. Бинобарин андак нимарсанинг сабаби бирлан хийли изо ва озор топмоғи мумкиндур. Шунинг учун ҳатта-л-имкон аввало зоҳири баданни бақувват ва салобатлик қилмоқ тадбирини атиббо лозим билибдурлар, токи шул тадбирлар бирлан бола кўб офатлардин маҳфуз бўлғай. Ва шунинг учун кўб таъкид қилгондурларки, агар боланинг бадани кўп кирлик бўлса ва зиёда рутубатлик бўлса, ани бадани ҳам заифлиги зиёда бўлур. Ва бул сувратда ани баданиға такроран намакоб суртмоқ лозимдур. Ва сўнгра тоза сув бирлан чўмилтурмоқ лозимдур. Зероки тузнинг истеъмоли бирлан баданнинг масомлари банд бўлур ва рутубати фазлийянинг таҳлилиға монезь бўлур. Бас, илиқ холис сув бирлан чўмилтурмоқ масомни очиб рутубатни таҳлил қилур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, намакоб бирлан чўмилтурмоқда оғиз ва бурун ва кўзни эҳтиёт қилмоқ лозимдур. Чунки бу аъзони пайлари ҳануз ғоят даражада нозик ва заифдурки, тузнинг ҳиддатидин зарарланмоғи яқин эҳтимолдиндур. Ва қулоқни хоҳ сув ва хоҳ намакоб кирмоғидин эҳтиёт қилмоқни сабаби зоҳирдур. Ва чўмиртурмоқ вақтида дояға лозимдурки, чап қўлининг иликиға боланинг кўкраги билан кўйиб кўтарғай ва боланинг қорнини доянинг илкиға тегмай жудо бўлуб турғай. Ва доя ўнг қўли бирлан болани ишқаб чўмилтурғай. Ва боланинг қўл ва оёғларининг атрофиға ҳаракат қилдируб, тортиб кўйғай. Чунончи бир бора боланинг ҳар икки қўлини орқа тарафиға еткизуб, ҳар икки кафи белни ниҳоятиға етғай. Ва яна бир бора юқори тарафиға кўтаруб, қўлни кафини бошнинг орқа тарафиға еткурғай. Ва оёғни ҳам бир бора орқасиға қайируб, товонини ва думбасиға еткурмоқ ва бир бора оёғни ёзиб дароз чўзмоқни лозим билғай. Лскин ниҳоятда эҳтиёт лозимдурки, бу амалдин болаға ҳеч озор ва офат ориз бўлмағай.

ФОИДА. Доянинг билагиға боланинг қорнини текузмай фақат кўкраги бирлан ётқизмоқнинг фойдаси шулки, боланинг кўкраги қорниға нисбатан қаттигроғ бўлгани учун билакнинг қаттиғлигини зарарланмоқ эҳтимоли узоғроқдур. Шундоғ бўлса ҳам тўш устихони ичкариға ботмасин учун мумкин қадар эҳтиёт қилмоқ лозимдур. Ва агар боланинг қорни доянинг билагиға қўйилса қорин бўшлиқ сабабидин билакнинг қаттиғлигини озурда бўлмоғи яқин эҳтимолдиндур. Аммо болани кўкрагиға нисбатан орқаси бирлан билакға қўймоқ агарчи осонроқ ва ўрнашмоқ учун орқаси текисроқ бўлса ҳам зинҳор орқаси ила билакға ётқизмоқдин эҳтироз қилмоқ лозимдур. Чунки бул сувратда боланинг бош тараф ва думба тарафнинг оғирлиги ила боланинг орқасига зўр келуб, фақра, яъни бўғин устихонлари бир-биридин кўчмоқ ва работлари чўзилмоқ каби офатлар ориз бўлмоғи ва боланинг кўзи ва бурни ва оғзиға сув ва намакоб кирмоғи мумкиндур.

Ва боланинг оёқ ва қўлларини атрофға ҳаракат қилдирмоқни фойдаси шулки, боланинг туғилган вақтларида бадаида рутубати табиийяси ва ҳарорати зиёда бўлур. Бинобарин аъзоси тез ўсар, бас агар ани аёғи ва қўлларини ҳаракат қилдирса йўрғакда ётғон шаклидаги оёғ ва қўлни пайванд бўлғон устихонларини бир-бириға тегиб турғон жойлари сиқилиб, ўсмай қолиб ани атрофи кўпроқ ўсадур. Сўнгра ҳаракат учун ўсган устихон ва ўсалмоғон устихонға сиғолмай ҳаракатға монё бўлур. Бинобарин оёғ ва қўлни ҳар кун икки-уч бора атрофға ҳаракат қилдируб бўғим жойларни баробар ўстирмоқ лозимдур.

Аммо то болани аъзолари маҳкам бўлғунича мазкур тариқада чўмилтурруб оёқ ва қўлни ҳаракат қилдируб турғонда бу хавфлардин ҳеч бири ориз бўлмас. Ва чўмилтирғондин сўнг мулойим ва беоҳор латта бирлан артиб қуритуб олғай, токи латтани дуруштлиги болани тирнаб озор бермоқ зараридин ҳам оҳорлик бўлса, оҳори баданға ёпишуб бадан масомларини банд қилмоқ ва рутубат таҳлилиға монё бўлмоқ зарарларидин эмин бўлғай. Сўнгра йўрғак учун бир озода ва беоҳор ва муло-

йим латтани ерга ёзиб, ани устига болани ерга қаратиб қорни ила ётқизуб, сўнгра яна ағдариб, орқасини бостируб ётқизғай ва ҳамма аъзосини оҳиста-оҳиста ҳоли баданга муносиб вазият бирлан ғамз ва далк қилиб ҳамма аъзосини табиий шаклига муносиб ростлаб туруб, ўраб олғай ва йўргакнинг устидин юмшоқ ва тобланмоғон ип билан боғлағай, лекин мазкурни ҳам кўп шиддатлик сиқиб ўраб боғламағай, токи боланинг бада-нига ботиб озор етқузмағай. Ва йўргак латтасини қалинлиги ҳам шундоғ даражада бўлмоғи лозимдурки, андин болаға ҳосил бўладурган иссиқнинг даражаси раҳмнинг иссиғлигига монанд ва муганосиб бўлғай. Токи раҳм тарбиясиға одатланғон болаға хорижий ҳавонинг таъсири бегона ва муҳолиф кайфийят бирлан асар қилмағай. Ва йўргак қиладурган хонанинг иссиғи ҳам мазкур даражада бўлмоғи лозимдур, токи хорижий ҳавонинг офатидин эмин бўлғай. Ва илло ҳавонинг совуғидин боланинг масомлари банд бўлуб, бадандаги бухороти рутубийяси баданда маҳсус қолиб, зот ул-жанб ва зот ус-садр ва зот ул-арз каби маразлар ориз бўлур.

Ва билмоқ керакки, бола онани қорнида бавл қилиб. бавли йўлдошда жамъ бўлур. Аммо раҳмда буроз қилмас. Чунки буроз бўларлик тафл боланинг физойи раҳмийясида мавжуд эрмас. Бинобарин боланинг мақъади аксар банд бўлур, шунинг учун дояға лозимдурки, болани чўмилтурғон вақтида жим-жилоқ панжаси бирлан боланинг мақъад тешугини очиб қўй-ғай. Токи агар жамъ бўлғон бурози бўлса хориж бўлғай.

Ва яна боланинг кўзиға зайтун ёғидин томизмоқ лозимдур, токи кўзни ва кўз табақаларини чиркидин ва рутубати фаз-лийядин пок қилур. Ва агар бунинг учун зайт ул-анфоқ томи-зулса яна яхшироқ бўлур. Чунки зайт ул-анфоқ бошқа зайт-ларға назаран покроқ ва софроқ бўлур. Ва кўзни чиркдин пок қилмоқ учун ҳам бақувватроқ бўлур.

Ва яна дояға лозим шулки, ўзини тирноғини тез-тез олиб турғай. Ва тирноғи олинғон панжа бирлан болани бурнидин чиркларни тозалаб турғай, токи чиркнинг сабаби бирлан бурун тешуги танглик қилмағай. Зероки агар буруннинг тешуги

танглик қилса нафаснинг танглигиға сабаб бўлур, нафаски, куч ва изтирор бирлан олинса ҳалқнинг хўшкийятиға боис бўлур. Ҳам шиддатлик танаффусда ҳавойи хорижий совуғлик ҳолича беислоҳ ўпкаға боруб, ўпкаға суь ул-мизож ва варам эҳдос қилур.

Ва танаффус бирлан хориж бўладурғон хомиз ул-қорбун, яъни бухороти духонийялар ҳам мажро танглигининг кама йанбағий хориж бўлолмай, боланинг руҳи куймоғиға ва дили қизиб кетмоғиға боис бўлур. Ва шул сабаб бирлан боланинг рутубати аслияси куйуб фоний бўлмоқ ва таб ориз бўлмоқға боис бўлур. Бинобарин бурнини чиркини доим тоза ва пок қилиб турмоқни вожиботдин билмоқ керак. Ва бунинг пок қилмоқни фақат панжа бирлан деб тахсис қилмоқни фойдаси шулки, панжа мулойимроқ бўлур. Ва болани бурниға озор еткурмоқдин холийроқ бўлур. Ва панжани тирноғи ҳам янги олинғонлик шартини шунга биноандурки, тирнаб болаға озор ва бурниға жароҳат эҳдос қилмоқ эҳтимолидин холий бўлғай.

Ва яна болани кўзларини бағоят юмшоқ ва мулойим нимарса бирлан оҳиста ва камоли эҳтиёт бирлан артиб турмоқ лозимдур, токи рамз ва чирк ва рутубати зоидалардин пок бўлғай. Лекин кўзни нури ғамз сабаби бирлан таҳлил топмоқ ва кўз табақалари босилиб озурда бўлмоқдин камоли эҳтироз ила эҳтиётни вожиб билмоқ керак.

Ва яна ҳар куни икки-уч бора боланинг қовуғини панжа учи бирлан андак-андак босиб қовуғдин сийдукни хориж бўлмоғиға ёрдам бермоқ лозимдур, токи боланинг қобуғидин сийдиги тамом хориж бўлуб турғай. Зероки янги туғилган боланинг масонасида қуввати дофиъаси бағоят заиф бўлур ва сийдукнинг мажроси ғоятда юмшоқ бўлур. Ва шул сабабдин холий турғон мажро пачоқ ҳолда бўлуб, усти тарафи ости тарафға ёпишуб турар. Ва боланинг сийдуги ҳам катта одамнинг сийдугиға назаран кам ҳиддатроқ бўлғони сабабдин масонанинг қуввати дофиъаси ҳам камроқ эҳсос қилур. Ва ани дафъиға камроқ таважжуҳ қилур. Бас, агар ани қобуғидин панжа бирлан босилиб сийдукни ихрожиға ёрдам берулмаса

аксар боланинг сийдуги қобуғда мухтабис қолуб кўп зарар қилур. Ва яна маълумдурки, қобуғдин сийдук хориж бўлмоғи учун албатта мажронинг очиқ бўлмоғи шартдур. Ваҳоланки янги туғилган боланинг мажроси мунтабиқ ва ўз-ўзиға ёпишуб банд бўлгон бўлур. Ва ани очиб сийдукни хориж қилмоқ учун қуввати дофиъа заиф бўлғони учун боланинг ҳаракати иродийяси бирлан бу мажронинг очилмоғи муяссар бўлолмас. Бинобарин қўл бирлан қобуғни ғамз қилмоқ ила сийдукни ихрожиға ёрдам бермоқ зарурийдур. Лекин лозимдурки, бу ғамзни ҳам камоли эҳтиёт ва мулойимат билан қилгай. Ва масонаға сийдук жамъ бўлгон замонни ва эҳтибосни эҳсос қилгон вақтдагина ғамз қилмоқ керак. Ва бошқа вақтда зинҳор бехуда ғамз қилмагай.

ФОИДА. Билмоқ керакки, боланинг киндиги аксар уч ё тўрт кунда соқит бўлур. Ва гоҳи баъзи боланинг киндиги олти ё етти кунгача таъхир ҳам қилур. Бас, қачонки киндик соқит бўлса лозимдурки, ани ўрнини қуритуб тез битирадурган нимарсалардин киндикға сепуб илтийомға ёрдам бергай. Ва жароҳатни қуритардурган нимарсаларнинг ҳаммадин яхшироғи садафнинг куйдирилгон кули ва урқубнинг кули ва калийнинг кулидур, яъни қальийдин бўлгон упадур. Ва садафнинг моҳияти маълумдур.

Аммо урқуб бизамми айни муҳмала ва сукуни ро ва замми қоф ва сукуни вов ва бои муваҳҳада оёғнинг товонида воқеъ бўлгон йўғон пайдин иборатдурки, урфда таъзир учун машҳур бўлгон пай қирқмоқ шул пайнинг қатъ қилмоқдин иборатдур. Ва бу пай ҳамма ҳайвонларда мавжуддур ва ҳайвонларнинг соқларини, яъни пойчаларини ҳам урқуб дерларки, ани кулида ҳам тажқиф ва маҳалли жароҳатни битирмоқ хосияти бордур. Ва бузоғнинг пойчасини кулида агарчи тажқиф ва илтийом қуввати бор бўлса ҳам, лекин ул пойчанинг пайидаги тажқиф ва илтийом қуввати бақувватроқдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, болани йўрақда сақламоқни муддати бир неча кунгача деб таъйин қилмоқ мумкин бўлмас, балки то мадомики боланинг аъзоси ҳануз бўш ва мулойим

бўлса, албатта ани йўргакда сақламоқ лозимдур. Чунки йўргакда сақламоқнинг фойдаси шулки, болани кўтарғон вақтда ани аъзосидин баъзи узвида бир зарар ва офат етмасин учун ҳамма аъзосини табиий шаклда сақлаб турмоқдур.

Ва маълумдурки, баъзи тани соф ва бунийяси мустаҳкам анодин туғилғон болани ҳам бунийяси тавоно бўлуб, тўрт ё беш кунда аъзоси салобат ва қувват ҳосил қилур. Ва баъзи заиф ул-бунийя анодин туғилғон бола ниҳоятда нозик ва заиф ул-бунийя бўлуб, то ани аъзоси салобат ҳосил қилмоғи учун кўб вақтгача йўргакда эҳтиётлик бирла тарбияға муҳтож бўлур. Бинобарин йўргакнинг лузуми учун бир муддати муайяна муқаррар эрмас. Аммо аксариятға назаран миёна муддат уч-тўрт ой бўлмоғи машҳуддур. Сўнгра йўргакни тарк қилуб оддий либос бирлан тарбия қилмоқ мумкин бўлур.

Аммо ҳозирғи замонда олти ёки етти кунгача йўргакда сақлаб сўнгра бешикға солмоқ баҳонаси бирлан аксар жойда йўргакни би-л-куллия тарк қилмоқнинг одат бўлмоғи ўзларини хизматдин фориг қилмоқ фикри бирлан бўлғон дояларнинг хатоларидур. Ва илло бешикға ҳам монё бўлмаслик равишда муносиб йўргак қилмоқ лозимдур, токи боланинг аъзоси офат ва осиблардин эмин бўлғай.

Ва яна билмоқ керакки, болани йўргакка ўрамоқда лозимдурки, аввало болани ҳар қаю узвини ушламоқда доя ўз қўлини мазкур узвнинг шаклиға ҳамшакл қилиб гўё ул узвға доя ўз қўлини қолиб қилғон каби ва ул узвнинг ҳайъати аслийясида қарор олмоғида гўё иёнат равишда ғоят мулойимлик бирлан ушлаб ҳамма аъзосини рост қилғай, яъни болани пешонаси ва кўкраги ва орқаси каби сатҳи текис бўлғон узвларини ушламоқда доя ҳам ўз қўлини кафини мусаттаҳ ва текис ёзиб туруб ушлағай. Ва боланинг қўли ва оёғи ва панжалари каби нозик узвларини ушламоқда доя ўз қўлини кафини ҳам қилиб, мазкур узвнинг ҳажмиға муносиб вазиятға келтируб ушлағай, токи болани узвларининг шакли энг яхши даражасида бўлуб, тарбия топғай.

Ва яна боланинг вазниға ва баданининг тоқатиға муносиб

қувват бирлан ушлаб ростлағай. Ва зиёда қувват бирлан сиқиб ушламағай. Ва охиста ва батадриж ҳаракат бирлан ростлағай, токи болаға ҳеч изо ва озор етмағай. Ва шу икки тариқа бирлан боланинг ҳар икки қўлини ёзиб, ҳар икки сонига еткизуб қўйғай. Ва ҳар икки оёғини ҳам бир-бирига баробар қилиб қўйғай. Ва оёғи буралиб қолмоғидин эҳтиёт қилиб, панжаларини осмон тарафга тўғри қилғай. Ва боланинг бошига тивит каби ғоят даражада юмшоқ ва иссиқ нимарсадин дўппи кийгизмоқ ва ани устидин юмшоқ нимарсадин саллача ўратмоқ керакдур. Ва ани устидин покиза ва беоҳор нимарсадин маълум тариқада йўргак ўрамоқ лозимдур. Ва ани устидин ғоятда мулойим ва печсиз ип ёки латта бирлан боғланур. Ва ани ҳам кўб маҳкам боғламоқ сазовор эрмас, токи боланинг баданига озор етмағай.

Ва яна ўғил боланинг йўргак боғига нисбатан қиз боланинг йўргак боғини бўшроқ боғламоқ лозимдурки, токи қиз боланинг қорни йўргак вақтида ўсмоғи учун ани боғланғони монё бўлмағай. Зероки аларнинг баъд аз балоғат ҳомила бўлмоқлари учун қоринлари катта ва кенг бўлмоқлари матлубдур. Маълумдурки, аларнинг қоринларини маҳкам сиқиб боғланса ул тариқа боғланмоқ қоринни ўсмоғига монё бўлур. Ва йўргакни ҳар тўққиз ё ўн соатда ечиб бир ё икки соатгача ечуқ ҳолда қўйғай, токи бола оёғ ва қўлини ўз ихтиёрича ҳаракат қилдируб, ҳам ҳаракатга одат қилғай ва ҳам ҳаракат таъсири бирлан ани рутубати фазлийяси таҳлил топғай ва узлалари салобат ҳосил қилғай. Сўнгра яна охисталик ва эҳтиёт бирла ушлаб мазкур тариқада йўргакка ўраб боғлағай, токи болани ҳаракат этмоқ ва кўтармоқ вақтида озор ва шикастдин эмин бўлғай. Ва уйқуда туш кўриб туришда қилгон ҳаракати жиддийроқ бўлса бу ҳаракати зоҳирда ҳам аъзосига воқеъ бўлуб, ўз ҳаракатидин ўзи чўчуб, сучуб, қўрқуб уйғонмоқ ва бу қўрқув агар мутавотир воқеъ бўлса болаға хафақон ва ваҳм муставлий бўлмоғидин эмин бўлғай.

Ва яна ҳануз киндиги тушмаган болани йўргакка ўрамоқ ва ечмоқ вақтида кўб эҳтиёт қилмоқ лозимдур. То киндиги

йўргакка илашиб тортилмоқ ва эзилмоқдин эмин бўлғай. Ва агар йўргакка ўрамоқ вақтида ҳануз тушмаган киндикка ёғ бирлан олуда бўлгон дока латта қўюб йўргакка ўраса ва ё чарби ёғи бирлан зардчўбадин бўлгон марҳамдин киндикга қўйиб йўргакка ўраса яхшироқ бўлур.

Ва агар бавл ва буроз учун йўргакни ичидин боланинг остига ёзилгон латтаси бавл бирлан ҳўл бўлса дарҳол йўргакни ечиб, тезлик бирлан ул латтани олиб бошқа қуруқ латта ёзгай. Токи бавлнинг ҳиддати бирлан боланинг баданига озор етмагай ва натижада жароҳат ориз бўлмагай.

ТАНБИҲ. Йўргакдаги боланинг бошига мулойим ва иссиқ нимарсадин дўппи қилиб кийгизмоқ ҳам саллача ўратмоқ лозимлигига сабаб шулки, раҳмнинг ҳароратлик тарбиясига одатлангон ва хорижий ҳавонинг таъсирига бегона бўлгон бола учун хорижий ҳавонинг андак таъсири ҳам зўр офатга боис бўлур. Масалан, саръ касалики, ани урфда умму ус-сибён дерлар ва зукомки, ани тумов дерлар ва назла ва бош оғриғи ва кобуски, уйқуда қўрқиб қулфат чекмоқ ва ани урфда босин-қирамоқ дерлар ва бунга ўхшаш офатлар ориз бўлмоғи ғолиб эҳтимолдиндур. Бинобарин боланинг бошини мазкур дўппи ва саллачалар бирлан хорижий ҳаводин муҳофаза қилмоқ вожибдур, токи мазкур офатлардин эмин ва саломат бўлғай.

Ва боланинг сақланадурган уйнинг ёруғлик ва равшанлиги мўътадил, балки андак қоронғуликка моил бўлмоғи лозимдур. Чунки маълумдурки, ўткир равшанлик кўзнинг нуруни нобуд қилур. Бас, янги туғилгон боланинг раҳмдин янгиғина хориж бўлгон вақтида кўзи заиф ва камнур бўлурки, анга эътидолдин андак зиёда бўлгон равшанлик ҳам зиёда таъсир қилиб кўзнинг нуруни нобуд қилмоғи мумкиндур.

Ва болани баланд овоз билан йиғламоқ ва кучанмоқ ва бунга ўхшаш болани аъзосиға ва ахлоқиға зарарлик ҳолатлардин эҳтиёт бирлан сақламоқ лозимдур. Чунки баланд овоз бирлан йиғламоқ ва кучанмоқда ўпканинг тазйиқи бирлан ичидаги аъзолар, масалан, қорин ва ичак ва чарби ва қобуқлар сиқилиб ўз маконларидин бошқа бир маконга интиқол қилмоқ тақозоси

бирлан булар ҳам ўпкаға муқобил тараф маконларини сиқиб тазйиқ қилурлар.

Маълумдурки, боланинг ҳамма аъзоси заиф бўлур, хусусан киндиги раҳмда боланинг гизоси учун мажро бўлгон тешук бўлуб, ул тешук ҳануз мустаҳкам бўлмоғони учун ички аъзонинг тазйиқиға таҳаммул қилолмай яна зиёда кенгайур. Ва андин ичак ва чарбилар хориж тарафға чиқар. Лекин тери ҳавойи хориж бирлан салобат ҳосил қилғони ҳам жисми асабоний бўлғони учун андин хориж бўлолмай, ночор терининг остида жамъ бўлуб, киндик терисини баландға кўтариб турарларки, ани урфда киндиги ўсан дерлар. Ваҳоланки бу ҳол бир навъ даббадур.

Ва инчунин моякнинг мажроси бўлгон асл иллизини ички бадандин масонаға ўтган тешуги ҳам ҳануз заиф ул-қувват бўлғони учун мазкур тазйиқға таҳаммул қилолмай яна йиртилуб кенгайур. Ва андин ичак ва чарби ўтуб масона харитасиға тушарки, бу ҳол ҳақиқий даббадур. Ва инчунин бола агар кўп йиғласа бир мақсуд талабида йиғламоғи маълумдур, масалан, хоҳ сут талаб қилуб ва хоҳ ҳаракат талаб қилуб йиғлағон бўлса мақсуди ҳосил бўлмаслиги сабаби бирлан ани ғазоби ёки ғамгинлиги зиёда бўлуб, умури нафсонийлари ҳадди иътидолдин хориж бўлур. Ва асабоний қасаллар ориз бўлур, ахлоқи ёмон бўлур ва танаси ўсмоқ ва камолот ҳосил қилмоқда ноқис бўлур. Бинобарин баланд овоз бирлан йиғламоқдин ҳатта-л-имкон сақламоқ вожибдур. Ва ҳам ул боланинг хузурида бошқаларнинг ҳам шиддатлик баланд овоз қилмоғи бағоят зарарлиқдур, балки хатарлиқдур. Зероки баланд овозни ҳеч эшитмаган бола дафъатан шиддатлик овозни эшитса анга шиддатлик кўрқув ориз бўлуб, дилни изтироби бирлан ҳалок бўлур. Ва ё ҳавоси хамсаи ботинийлари бу овозни тасаввур ва тахаййулдин изтироб бирлан ожиз бўлурлар. Ҳам бу изтиробнинг шиддати бирлан табиий иътидолдин хориж бўлуб, мин баъд ҳеч тасаввур ва тахаййулға қодир бўлолмасалар. Ва натижада беҳушлик ва жунун ориз бўлур ва ё боланинг ҳамма аъзоси ҳануз заиф бўлғони каби қулоғининг пардаи сомийаси ҳам албатта заиф бўлур. Ва шиддатлик

овоздин ҳосил бўлгон шиддатлик ҳаво тўлқиниға тоқат ва таҳаммул қилолмай ёрилиб абадий кар бўлур. Ҳам карлиги сабаб бирлан ҳеч сўз эшитиб ўрганолмоғонидин тили ҳам гўнг бўлур. Ва бунга ўхшаш кўп офатларға шиддатлик овоз боис бўлур. Бинобарин боланинг ҳузурида баланд овоздин ҳазар қилмоқ вожибот жумласидиндур.

Ва билмоқ керакки, бола қирқ кунга тўлғунича ҳар куни бир бора чўмилтириб турмоқ лозимдурки, боланинг танаси ўсиб бадани кўп офатлардин маҳфуз бўлмоғиға чўмилтирмоқ кўп фоидалиқдур. Ҳатто ёз фасли бўлса баданнинг чиркини ва терлагон бўлса терини зоил қилмоқ учун ҳар кун икки ё уч бор чўмилтирмоқ лозим бўлур. Ва гоҳи бўлурки, агар бола заиф мизожлик бўлса ва ё қиш фасли ва ё ҳаво совуқ бўлса, икки ё уч кун, балки ё зиёдароқ кун ўртада ўтказуб сўнг чўмилтирмоқ муносиб бўлур.

Аммо бола қирқ кунликдин ошгандин сўнг ҳар ҳафтада бир бора ва ё икки бора чўмилтирмоқ кофийдур. Хусусан ёз фасли бўлса ҳар ҳафтада икки бора чўмилтирмоқ афзалдур. Ҳаво иссиқ вақтда илиқ сув бирлан чўмилтирмоқ лозимдур. Ва ҳаво совуқ вақтида уйни хўб иситиб шул иссиқ жойда баданни куйдирмас даражалик иссиғроқ сув бирлан чўмилтирмоқ керак. Токи боланинг масомидин хорижий совуқ ҳаво доҳили бадан кириб, доҳилий аъзосиға таъсир қилмоқ ва ё масомиға совуғ ҳаводин судда ориз бўлуб, таҳлили фузулға монё бўлмоқ ва зот ул-жанб, зот ус-садр ва зоти араз каби офатлардин эмин бўлғай. Ва чўмилтирғонда ё мўътадил даражалик ҳаммомда ёки ҳаммом каби иссиғ ва атрофи маҳбус уйда чўмилтирмоқ лозимдур, токи боланинг баданиға ҳеч совуқ шамол тегмоқ эҳтимоли бўлмағай.

Бас, агар ҳаммомда чўмилтирмоқ муяссар бўлса боланинг баданида қизиллик ранг ҳосил бўлгон замон ҳаммомдин чиқармоқ лозим бўлур. Ва бундин зиёда таваққуф қилмоқ раво эрмас. Зероки бундин зиёда таваққуф қилмоқ боланинг баданидаги рутубати аслийяси таҳлил топмоғиға сабаб бўлурки, ёш боланинг рутубати тезроқ таҳлил топмоқға қобилроқдур.

Ва чўмилтирмоқ учун энг яхшироқ ва салоҳиятлик вақт шулки, кўп ухлаб тургандин сўнг бифосила ва эмгон сути комил ҳазм бўлгондин сўнги вақтдурки, бу икки хислатнинг ижтимоъи эрта бирлан наҳорда мумкин бўлур. Бинобарин эрта бирлан наҳорда эмизмагон вақтда чўмилтирмоқ сазовордур. Ва агарчи чўмилтирадиган сувға ҳулба ва шодана ва ҳино ва қуст ва сумоқ ва саътар каби муҳаллал ва мужаффаф нимарсадин кўшиб қайнатилгон бўлса яхшироқ ва бехатар бўлур.

Ва яна чўмилтируб баданини артиб қурутгандин сўнг баданиға ёғ суртмоқ керак. Аммо агар боланинг киндиги соқит бўлган, лекин ани ўрни ҳануз қуримоғон бўлса ул маҳаллға зинҳор ёғ етқузмағай, сўнгра йўргакға ўрағай ва шул тариқада тез-тез баданни ёғлаб турмоқни ўғил бола учун то тўрт ойғача ва қиз бола учун то ўн ойғача давом этмоғи лозимдур, токи ёғ баданға сингиб гизои бадан бақувват бўлғай. Ва ҳам ҳавойи хорижийнинг таъсиридин баданни муҳофаза қилғай. Ва мазкур муддатдин сўнг ҳар ҳафтада бир бора ёғ суртмоқ кифоя қилур.

Ва билмоқ керакки, ўғил бола учун ёғларнинг афзали сариг ёғ ва думба ёғи ва чарби ёғидурки, башарти янги ва беуфунат бўлса. Ва қиз бола учун бинафша ёғи ёки зайтун ёки кунжит ёғи бирлан тайёрлангон бўлса. Ва инчунин бодом ёғи ҳам қиз бола учун яхши ва муносибдур. Ва ёғ суртган вақтда боланинг орқасидаги муҳра устихонининг ҳар икки тараф ёнида воқеъ бўлгон пайлар ва узлаларини то гарданғача ёғ суртиб бош бармоқ бирлан оҳиста-оҳиста молиш қилмоқ керак, токи бешикда ва йўргакда кўп ётган сабабидин босилиб ва эзилиб чарчагон бўлса молиш бирлан тоза қон ва руҳ келиб чарчагонлиги бартараф бўлғай. Чунки кўп кўрилгондурки, ёшлар болаларға кўп шиддатлик йиғи ориз бўлуб ҳатто гаший ориз бўлмоқ даражағача етгон эдилар ва ҳеч тариқа ва тадбир бирлан йиғиларини таскин бермоқ мумкин бўлмоғон эрди. Охир ул-амр мазкур тариқа бирла орқаларини молиш берган ҳамон йиғилари таскин топиб ором олиб ухладилар.

Ва маълум бўлдики, аларнинг орқаларидаги пайлари ва нозик узлалар узоқ вақт босилиб ётуб озурда бўлгон сабабдин

бетоқат бўлуб йиғлар эрдилар. Ва молиш ила озорлари барта-
раф бўлди. Ва бу ҳолни авом ислоҳларида форсийлар раги
пўшт ва туркийлар орқа томур дерлар. Тасмиййату-ш-шай би-
исми-л-маҳал қабилдиндур. Ва бу ҳолда шийофи муносиблар
бирлан боланинг ичини мулойим қилмоқ ҳам фоидалиқдур.

Ва билмоқ керакки, боланинг таваллудиға уч кун тўлгон-
дин сўнг зиёда таваққуф қилмай бешикка солмоқ афзалдур.
Ва бешикка солмоқда боланинг остидағи жиҳозини ғоят
эҳтиёт бирлан тафтиш қилуб текисламоқ лозимдур, токи
баъзи жойи баландроқ бўлса боланинг баданиға ботиб, баъзи
узлаларини эзиб озор бермағай. Ва яна бурса ва бошқа газанда
ҳайвоноти ҳувомм бўлмағай. Ва болани қўлини сонига еткузуб
ростлаб қўйғай ва оёғини ҳам ҳар иккисини баробар қилиб,
оёқ панжаларини осмон тарафға тўғрилаб сўнгра мулойим
ва иссиғлиги раҳм иссиғлигиға қариб ва мутаносиб ҳижоз
бирлан ўраб боғлағай. ♦

Ва ёғламоқда ҳам камоли эҳтиёт лозимдур, токи қўл боғи
ва оёқ боғи тортилмоқда қўлни ва оёқни ҳам би-л-қаср бир
тарафға тортиб моил қилмағай, чунки боланинг ҳамма аъзоси
бағоят нозик ва жисми тез ўсмоқдадур. Бас, бу маънийға бепар-
волик бўлуб, боланинг қўли ва оёғи кўпроқ вақт буралиб бир
тарафға моил бўлуб ётса шул шаклда ўсиб мустаҳкам бўлур. Ва
сўнгра ани ислоҳи мумкин бўлмас. Ва кўп кишиларнинг бу
маъниға бепарволикларининг касри бирлан болаларининг оёғи
буралгон ёки хам бўлгон ҳолда бўлуб қолгонларини ва қўл ва
оёғини яхши эҳтиёт бирлан ёзмогон сабаблари бирлан бола
йўлга кирган вақтида оёғи бир-биридин узун ва қисқалиқда
тафовутлик ва оқсоқ бўлуб қолганлиги кўрилгондур.

Ва яна боланинг оёғ ва қўлини боғламоқда кўп шиддатлик
тортиб боғламағай. Зероки башиддат боғланса тиззани кўзи орқа
тарафға букилиб ҳар икки иликнинг ўртасида сиқилиб кўп
ўсолмас. Ва сўнгги вақтда юк кўтармоқда юкни вазни бирлан
оёғни орқа тарафға қайрилиб кетмоғи монёъ бўлмоқ ва оёғни
муҳофаза қилмоқ учун ёрдам беролмас. Ҳатто ўз танасини
кўтармоқға оёғи қодир бўлолмай тиззаси орқа тарафиға букилиб
қоладурган бола ўз замонимизда машҳуд бўлди.

Ва агар қўлини башиддат боғланса кўкраги сиқилиб танаффусда дилни ва руҳни ҳожатиға лойиқ миқдорда ҳавойи насим олмоқдин ўпка ожиз бўлур. Ва мумкин қадар олған ҳавоси дилни ва руҳни ва қонни пардасиға лозимича кифоя қилолмас. Бас, руҳ қизиб андин баъзи қисми таҳлил ила ихтироқ ила фонинг бўлуб турар. Ва дили ва қони ҳам жароҳатлик бўлур. Ва натижаси сўнгги вақтда қолғони рутубати аслийяси ҳарорат бирлан таҳлил топуб жузви бадан бўлмоғони учун боланинг танаси яхши ўсмас. Ва қони қуюлиб, уфунат ва ҳарорати ғариба пайдо қилиб, таби диққ ва баданға жароҳат ёки сўнгроқ вақтларда савдовий касаллар ва ё махов касали ҳодис қилур. Ва боланинг дили ҳароратлик бўлғони учун ҳафақони ҳорра ва ваҳм каби офатлар ориз бўлур.

Ва кўкрак лозимича ёзилмоғони учун кўкрак аъзолари ҳам яхши ўсолмас. Бас, бу аъзойи шарифа нуқсонлик бўлғонда аларнинг тарбиясига муҳтож бўлгон соири аъзонинг саломатлиги ҳам нуқсонлик бўлмоғи табиийдур.

Ва агар би-л-фараз ҳеч касаллик ориз бўлмоған тақдирда руҳ таҳлил бирлан камайғони сабабдин ва ани бадалиға қоннинг қуюқлигининг касри бирлан руҳ етишолмоғони сабабдин руҳ тарбияи бадал учун камлик қилғонлиги сабабдин баданнинг қувой салосаси, яъни қуввати ҳайвонийя ва қуввати нафсонийя ва қуввати табиийялари ҳам камроқ ва заифроқ бўлуб, баданға тарбиялари кама йанбағий бўлолмас. Бас, боланинг гавдаси реза ва ўсмагон ва заиф бўлурки, бу офатлар ҳаммаси аксар бешиқда кўкрагини маҳкам сиқиб боғланғонининг касридур. Бас, лозимдурки, боланинг кўкрагини зинҳор маҳкам сиқиб боғламағай. Лекин бўш боғлагонда бола бешиқдин уйқуда йиқилмоқ ва оёғи бирлан осилиб қолиб ғалат бўлмоқ хавфи ҳам бордур. Бинобарин ани эҳтиёти учун яна бошқа тадбирға ҳожат бордур. Бас, анинг яхши ва осон тадбири шулки, аввало бешиқға бир рўймол каби нимарса ёзиб, сўнгра ани устиға болани ётқизмоқ керак. Сўнгра ул рўймолни икки тараф учини боланинг икки биқини бирлан қўли орасидин чиқариб олиб, яна ҳар икки қўлини устидин айлантируб, боқий учларини ҳар икки қўлни тагидин қайируб,

боланинг остига бостурилса бола уйқуда қўлини ул рўймолдин суғуруб ололмас. Ва гўё икки қўли орқасига боғланган каби ётар.

Ва маълумдурки, бола қўлини қўл боғидин чиқармаса қўл боғи ҳам зиёда бўшамас ва бола ҳам йиқилмас. Бас, болани бешиқга белағондин сўнг эмизуб тўйғизмоқни лозим билмоқ керак. Чунки бола бешиқда узоқ вақт ухлаб ором олмоғи матлубдур. Ва уйқуда физо тезроқ ва яхшироқ ҳазм бўлур. Бас, ани эмизуб яхши тўйғузилмаса, уйқуда боланинг қорни очиб, уйқудин ором ололмай тезроқ уйғониб йиғлағай. Ва аносини уйқусига ҳам халал бергай.

Ва агар уйқудин бола уйғонолмай узоқ ётиб қолса бурунғи физоси ҳазм бўлуб меъдаси холий қолғон сабабдин меъдасига ахлот жамъ бўлуб бетоб бўлур. Ҳам боланинг бадани физодин бебаҳра қолиб ўсмоғида нуқсон бўлур. Ва ҳам меъда холий қолғондин ҳарорати фаризийяси сутни ҳазм қилмоқ ўрнига руҳни таҳлил бермоқ учун таважжуҳ қилур. Ва натижада боланинг камайиб аъзосига ва қувватиға нуқсон ориз бўлур.

Ва болани бешиқда эмизғон киши ўзи зинҳор бешиқ устида ухламағай. Ва бедор туриб эмизғай. Зероки уйқуда ҳарорат ҳам руҳи ботинға ружуъ қилур. Ва эмчақда ҳарорати табиийя ва руҳ эътидоли табиий миқдоридин камроқ қолур. Бинобарин эмчақдаги сут ҳам ҳарорати табиийя ва руҳ тарбиясидин камбаҳра ва ҳазм жиҳати ҳам ноқис ва номарғуб табиат бўлур.

Ва яна ухлагон ано ўзини бедорликдаги вазиятини уйқуда ҳам сақлаб туролмас. Бас, агар уйқуда боланинг устига зиёдароқ ҳам бўлса, эмчагининг ширдони, яъни эмчагининг елини боланинг оғзи ва бурниға жамъ бўлуб, боланинг нафас йўлини банд ва ҳалок қилмоқ хавфи бордур. Бу тариқа воқеъа неча жойларда воқеъ бўлғони манқулдур.

Ва билмоқ керакки, болаға зиёда харж бўлмаслик шарти бирлан ҳатта-л-имкон бошиға ёстукни баландроқ қўюб одат қилдурмоқ сазовордур, токи бешиқни тебратмоқда боланинг эмган сути чайқалиб, оғзига келиб, қай қилмоқ эҳтимоли бўлмағай. Ва тебратганда ҳам шиддатлик ҳаракат бирлан сил-

китиб тебратмағай, токи халал ва малол ориз бўлмағай. Зероки бундай ҳаракат боланинг ҳақиға зўр риёзатдур. Хусусан эмизгандин сўнгра бундоқ ҳаракат меъдадаги сутни чайқатиб ва қай қилғай ва ё сутни қабл аз ҳазм меъдадин ихрож қилғай. Ва бешиқни тебратғон кишиға лозимдурки, лаҳн ва хуш овоз бирлан тараннум қилғай. Зероки хуш овозлик оҳанг садосидин физои руҳ ҳосил қилуб, бола лаззат топғай ва беоҳанг ва қариқ овоздин нафрат қилғай. Ва яна бешиқда ва хоҳ бошқа ўрин бўлса албатта боланинг бошини баландроқ қилиб ётқизмоқ лозимдур, токи баданнинг фазлалари бошға кирмоғидин бола эмин бўлғай. Ва агар ҳар гоҳ боланинг гарданида қулоқ орқасида ва қўлтиқнинг тагида ва човининг орасида уфунат пайдо бўлса, дарҳол муруд баргини янчиб гулисаршўйға қўшуб сепмоқ лозимдур, токи жароҳат пайдо бўлмағай. Ва агар аччиқтошни гулобға ёки сувға эритуб, анга андақ сирка ҳам қўшуб пахта бирлан суртилса яхшироқ бўлур. Хусусан анга гилбўта ёки гулисаршўй ҳам қўшилғон бўлса зиёда яхши бўлур. Ва агар қиш вақти бўлса, танҳо гулисаршўйни сепмоқ кифоя қилур.

ФОИДА. Боланинг эмизмоқ кайфийяти ва анинг талбири баёнидадур.

Билмоқ керакки, анонинг раҳмида бўлғон боланинг физоси анонинг қонидин бўлуб, боланинг киндигидин нуфуз қилуб ҳамма аъзосиға таралур. Аммо оғзидин батариқаи акл физо қилмас. Бинобарин янги туғилғон боланинг табиати ва меъдаси аклу шўрбға одат қилмағони учун табиатида сут эмиш учун рағбат ва таважжуҳи комил бўлмас ва меъдасида иштаҳои содиқ ҳам бўлмас, сўнгра баданнинг физоға муҳтожлигидин табиати батадриж огоҳ бўлуб, физо талабига мутаважжих бўлур. Ва меъда ҳаракат қилуб кенгаюр ва чин иштаҳо пайдо бўлур. Ва бу ҳолатнинг батадриж ҳосил бўлмоғи то икки кеча-кундузгача таъхир қилмоғи мумкиндур. Бинобарин то икки кунгача мумкин бўлса ҳеч эмизмаслик лозимдур, токи боланинг ўзи физоға талаб ва ҳаракат қилғай ва йиғлағай ва чин иштаҳо пайдо қилғай ва меъдаси ва ҳалқи ҳаракатға кируб, вусъат

пайдо қилғай. Ва агар то бу муддатгача эмизмай турмоқ мумкин бўлмаса, чунончи бола кўп йиғласа ва бетоқат бўлса, у тақдирда туғилгон вақтидин ҳар нақадар кечиктируб эмизилса, шул қадар яхшироқдур. Ва агар икки кунгача ҳам бола физо талаб қилмаса, сўнгра ночор эмизмоқ лозим бўлурки, икки кундин зиёда оч ва беғизо турмоқ боланинг тоқатидин хориждур. Бас, агар ҳар қачонки боланинг биринчи мартаба эмизмоқ лозим бўлса, аввало андак асални панжа бирлан боланинг оғзиға солиб сўрдирмоқ лозимдур, токи асал меъдани жило беруб, тарбия қилғай ва сутни ҳазмиға қодир қилғай. Ва асалнинг ширинлиги табиатға марғуб бўлғони сабабидин табиатни огоҳ қилуб, физо учун таважжуҳини жалб қилғай.

Ва яна эмизмоқдин бурун дояға лозимдурки, аввал ўзини бош панжасини хоҳ асалға ва хоҳ бошқа ширинликға олуца қилуб, шул панжасини боланинг оғзиға солуб, комиға мазкур ширани суртуб хўб молиш қилғайки, бу амални номини урфда танглай кўтармоқ дерлар. Ва бу амалдин сўнг эмизмоқ раво бўлур. Ва тажриба бирлан собит бўлғондурки, боланинг танглайни қайси нимарса бирлан кўтарилса ул бола бурун умрида шул нимарсадин зарар кўрмас. Ва агар зарар кўрса, бошқа одамларға нисбатан жуда кам зарар кўрар, ҳаттоки бошқа боланинг танглайини кўтармоқда чаённи янчиб набот бирлан эзиб, сўнгра шунинг бирлан танглай кўтаргонликлари ва натижада ул болани муддати умрида неча бор чаён чақса-да, лекин болаға андин алам ва озор маҳсус бўлмағони манқулдур.

Ва билмоқ керакки, болани эмизмоқда аввало андак эмизмоқ лозимдур. Сўнгра даражада-бадаража кундин-кунға зиёда қилмоқ керак. Чунки биринчи дафъада боланинг табиати ва меъдаси физоға одат қилмоғон сабабдин ҳам аносини сути ҳануз зардоб ва фазладин пок бўлмағони сабабдин кўп сут эмса ҳазми хатарлик бўлур. Ва андак сутнинг безарар ҳазм бўлғони тажрибадин ўтуб, бетадриж зиёда бўлгон сут мазкур хатардин холий бўлғай. Ва боланинг ҳар дафъа эмизмоқда яхши вақт шулки, боланинг ўзи талаб қилиб йиғлагон вақтидур.

Зероки бола йиғламоғи иштаҳойи содиқға аломатдур, ҳам йиғламоқ боланинг ҳаққиға риёзат бўлуб, ҳарорати қувватланур ва ҳозимаси бақувват бўлуб, сутни ҳазмиға иқтидор ҳосил қилур. Ва эмизмоқ навбатида ҳам бола бир ҳафталик бўлгунча бир кеча-кундузда икки ё уч борадин зиёда эмизмаслик лозимдур. Ва меъдани дафъатан тўлдируб эмизмоқ аксар вақтда меъдада бод пайдо бўлуб, юракда дам ва тамаддуд ориз бўлмоғиға сабаб бўлур ва бошқа офатлар пайдо қилур. Агар шундоқ ҳодиса иттифоқан воқеъ бўлса, эмизмоқни тарк этиб туриб, болани узоқ муддатғача кузатмоқ тадбириға машғул бўлмоқ керак. Қачонки бола меъдасида енгиллик ҳосил ва имтило асари зоил бўлуб, ўз рағбати ва иштаҳоси бирлан бола эмишға толиб бўлса, шул вақтда эмизмоқни ирода қилса, лозимдурки, аввало икки-уч пора эмчакни соғиб ташлаб, сўнгра эмизғай. Хусусан агар сути айбдор сут бўлса, ул вақтда аввало соғиб ташламоқни вожиб билғай. Ва айбдор сутни ислоҳ қилмоқ тадбирини алоҳида фоида бирлан баён қилурмуз, иншааллоху таъоло.

Ва билмоқ керакки, болаға сутнинг энг яхшиси ўз онасининг сутидур. Ва ҳаким Муҳаммад Акбар Арзоний дерларки, ҳаттоки тажрибаға етгондурки, боланинг аносиди мутлақо сут мавжуд бўлмай, ночор болани бошқа бегонаға эмиздуруб тарбия қилдурилгон эрди. Сўнгра болани баданида бир неча хил азият ва нуқсон бўлгон эрди. Сўнгра бир вақтида ўз аносини қуруқ эмчагини сўргон эрди, агарчи сути бўлмаса ҳам қуруқ эмчак боиси шифо бўлуб, боланинг баданидин кўп азиятлари зоил бўлди. Аммо агар ўз аноси муаввиф ва бетоб бўлса, бошқа эмизғувчи соф ва сўнгроқда баён қилинадургон сифатларға мавсуф бўлса, ул вақтда ўз аносини сутидин анинг сути яхшидур.

Ва мурзиъани, яъни эмизғувчи энанинг яхшироғи шулки, муқаввий даволарнинг истеъмолиға одат қилгон ва ўзининг сиҳҳатини яхши сақлагон бўлгон бўлғай, токи ани таъсиридин болаға матлуб бўлгон қувват шул замондин ҳосил бўла бошлағайки, асли мақсуд ва фоидаи азима шулдур. Агар боланинг ўз аноси эмизмоқчи бўлса, ани таваллудиға етти кун тўлғу-

нигача аноси эмизмагайки, бу етти куннинг миёнасида анинг сути фосида ва фазла ила мухталит бўлур. Ва етти кундин сўнг эмизмоқ раводур. Ва баъзи атиббо дерларки, бу наҳй ўз аносидин бошқа анаганинг ҳаққиға бўлгон наҳйдур. Ва аҳсан шулки, бола биринчи дафъада ўз аносини эмгай, токи ани ажзойи аслийялари ва аъзолари аввало шул сут бирлан банд бўлгай ва яхши семиргай. Чунки ҳамма сутларнинг жавҳари баъд аз ҳазм ажзойи баданға қўшилуб жузви бадан бўлмоғи учун боланинг ҳаққиға ўз аносининг сути гўё моя кабидурки, гўё сутға томизғи солинғонда ҳамма сут қатиқ қилғони каби анонинг сути ҳам бошқа сутлар ва физоларнинг жузви бадан бўлмоғиға моя ва муъин бўлур, дерлар. Аммо бу қавл этиборға сазовор эрмас, чунки етти кун миёнасида эмизмоқдин наҳй қилмоқ анодин бошқа мурзиъанинг ҳаққиғадур, демак шоёни таажжубдурки, агар ул мурзиъа ҳам туғуб ётгон бўлса, албатта ани сути ҳам фосиддур. Ва ўз боласиға номуносиб бўлгон сути бегона болаға ҳам номуносиблиги маҳалли иштибоҳ эрмас. Ва бу тақдирда наҳй ҳам бефойдадур. Ва агар ўзи туғмаган мурзиъа мурод бўлса, анга етти кун муҳлатнинг қайди бефойдадурки, янги туғмаган хотиннинг сути агар фосид бўлса, ҳамма вақт ҳам фосид ва агар солиҳ бўлса, ҳамма вақт ҳам солиҳдур. Аммо ўз аносини сути бола ҳақиға моя кабидур, деган жумла ақраб басавоб бўлса ҳам, ани фасоддин холий бўлмоғи шартдур.

Бас, собит бўлдики, бу наҳй боланинг ўз аносини сути ҳақида бўлгон наҳйдурки, мазкур етти кун асносида ҳануз фосидлик сабабидин ул сут эмизмоқдин наҳй қилинди.

Ва етти кундин сўнгги ано сути боланинг ҳаққиға моя каби фойдалиги шубҳасиздурки, қобили инкор эрмас. Бас, эҳтиёт шулки, баъд аз таваллуд то етти кунгача ано сутида фасод ва хавфи зарар бўлғони учун эмизмаслик афзалдур. Агар боланинг асл моддаи жисмияси анонинг манийсидин ва муддати ҳамлдаги физоси анонинг қони бўлуб, гўё анонинг бир жузви бўлғони учун анонинг сутидин ҳам бир бора эмизмоқ сазовордур. Ва зиёдаси мамнудур, то етти кунгача

бошқа энага эмизмоғи ва шул аснода ўзини аноси ўзини соғиб ташлаб турмоғи ёки бир бошқа одамга эмчагини сўрдириб ташлатмоғи лозимдур. Ва агар сўруб ташлағувчи киши муяссар бўлса, ўзи соғиб ташламоғидин афзалдур.

Ва етти кундин ўз аносининг сутига назар қилмоқ керакки, агар ул сутнинг қивоми ва ранги мўътадил бўлса, сўнгра боласини эмизмоқ учун ўзига рухсатдур. Ва агар қивоми суюқ ва ранги бузуқ бўлса, то ислоҳ топғон вақтигача яна қараб тургай. Ва агар болани аноси, ҳам дояси банавбат эмизадурган бўлса, лозимдурки, аввал бирини сути тамом ҳазм бўлуб, боланинг меъдаси сутдин бўшаб, чин иштаҳо пайдо бўлғон вақтгача иккинчиси эмизмоқни таваққуф қилгай. Чунки бир-бирига мухталиф мизожда бўлғон икки навъ сутнинг бир меъдада ижтимоъи гўё бир-бирига мухталит кайфийятда бўлғон икки навъ сутнинг ижтимоъи каби зарарлиқдур.

Ва билмоқ керакки, агар эмчақда сут кўп бўлса эмизғувчиға лозимдурки, эмизган вақтда ўз кўли бирлан эмчагини хўлмасиға яқинроқ мавзеъидин сиқиброғ ушлаб, сут мажросини андақ тангроқ қилиб туруб, сўнгра боланинг оғзиға солгай ва бир дамдин сўнг оғзидин тортиб олгай, токи бола оғзиға олғон сутини ютуб, оғзини бўшатгай, сўнгра яна оғзиға эмчак солгай, ҳоказо то эмчақдаги сутнинг ғалабаси камайған вақтгача шул тариқада эмизмоқ лозим. Токи оғзиға кўп сут жамъ бўлуб, голиблик бирлан боланинг ҳалқ мажросиға сифмай, зиёдаси димоғ ва бурун ё ўпка мажросиға кетуб, бола қорикмағайки, бу ҳолатдин кўп зўр қийинлик болаға лоҳиқ бўлур. Ҳатто ўпка мажросиға кетган сут танаффусға моил бўлуб, ҳалокиға боис бўлмоқ хавфи бордур.

Ва яна эмизғувчиға лозимдурки, то бир йил, балки зиёдароқ вақтгача болани ҳар икки жонибини риоя қилгай, чунончи бир дафъа боланинг ўнг тарафидин келиб ва бир дафъа чап тарафидин келуб эмизгай, токи боланинг ҳар икки тарафи вазиятда тарбия топгай. Ва ўсмоқда бошининг бир тарафи кўпроқ ўсуб, иккинчи тарафи босилиб ётғон сабабидин камроқ ўсмоғидин ва гардани ҳам бир тарафға кўпроқ таважжуҳи сабаблик каж бўлмоғидин эмин бўлгай.

Ва яна билмоқ керакки, агар боланинг йиғламоғи эмизмоқ бирлан таскин топса, маълумдурки, албатта йиғламоқнинг сабаби очликдур. Ва агар эмизганда ҳам таскин топмаса ёки эмчакни қабул қилмаса бу ҳолат боланинг танасида бир алам ва осор борлиғига ёки мизожиға бир ваҳшатлик тағаййур ориз бўлғониға далилдур. Чунончи анқариб ҳар бир авориз ва тағаййуротни аломати хоссалари ила баён қилинур. Анга қараб тезлик бирлан тадорик қилмоқ вожибдур, токи ҳам тадбирнинг таъхири ва ҳам йиғламоқнинг шиддати бирлан сабаб, ҳам мусаббаб кучайиб кетмағай. Чунончи кўп болаларни мушоҳада қилинғондурки, баъзилариға кўп йиғламоқни ва анга тадорук қилмоғонликнинг сабабидин болаға ғаший ва ё қуёнчик касали ориз бўлғондур. Ва баъзилариға дабба касали ёки киндиги ўсиб чиқмоқ каби офатлар пайдо бўлғондур.

ФОИДА. Бола эмизғувчининг шароити баёнидадур.

Билмоқ керакки, агар эмизғувчи киши учун тўққиз шароит бордур. Лекин мазкур шароитдин беш навъининг вужуди зарурийдур. Ва боқийлари фазлийдур, яъни боқийлари ҳам мавжуд бўлса, зиёда фазилатдур. Ва агар мавжуд бўлмасалар фарқи йўқдур. Ва бас, аввало вужуди зарурий бўлғон беш шартни баёни лозим кўрилди.

Биринчи шарт шулки, эмизғувчининг ёши йигирма бешдин кам ва ўттиз беш ёшдин зиёда бўлмаслиги лозимдур. Зероки ёши шул миёнада бўлғон кишининг қуввати мустакмал ва шунга нисбатан сути ҳам яхши бўлур.

Ва иккинчи шарт шулки, баданида ҳарорат мўътадил бўлғай ва семизликда ва гўштдорликда ҳам мўътадил бўлғай. Зероки бу иътидоллар ҳаммаси мизожнинг яхшилиғига далилдур. Чунки баданида агар ҳарорат ғолиб бўлса, сути қуюқ ва қобили фасод бўлур. Ва боланинг меъдасида ивиб қолмоқ ва ҳазм бўлмаслик эҳтимоли яқин бўлур. Ва агар кам ҳарорат бўлса, сути ҳам совуқроқ ва рутубати фазлияси ҳам кўпроқ бўлур. Ва инчунин агар сергўштроқ бўлса, ани сутида ҳам ҳарорат ва рутубат ғолиброқ бўлур. Ва агар камгўшт бўлса, ани сути ҳам совуқроқ ва қуюқроқ бўлур, анда моддаи савдо ғолиброқ бўлур. Ва бадани

семизроқ ва серёғ бўлса, ани сути ҳам совуқроқ ва рутубати голиброқ ва моддаи балғамийяси кўпроқ бўлур. Ва яна бадани хушранг бўлғай, зероки баданнинг ранги мизожга тобеъдурки, рангнинг покизалиги мизожнинг покиза ва мўътадиллигига далилдур. Ва яна гардани бақувват ва кўкраги васиъ бўлғай, зероки гарданнинг бақувватлиги мияни қувватиға намунадур. Ва кўкракнинг восиълиги дилнинг қувватиға далилдур. Ва яна анинг узлалари катта ва бақувват бўлғай, зероки бу маъни ҳарорати ғаризийянинг кўплигига далилдур. Ва яна гўшти қаттиқ ва пишиқ бўлғай, зероки гўштнинг қаттиғлиги баданда рутубати фазлиянинг камлигига далилдурки, бу шартларга мувофиқ, баданлар саҳиҳ бўлур ва уфунатни қабул қилмас.

Ва учинчи шарт шулки, ани хулқи ҳам яхши ахлоқ бирлан ораста бўлғай. Ва умури нафсонийяларнинг ҳеч биридин тез мунфаъил ва мутаассир бўлмағай, яъни андак сабаб бирлан тездин анга ғазаб ва ғам ва қўрқув каби ҳолатлар анга ориз бўлмағай. Зероки бу маънилари мизожнинг иътидолдин хорижлигига далилдур. Ва ахлоқи ҳамида иътидоли мизожга далилдур. Хулоса бадан ва нафснинг саломатлиги ва мизожнинг сиҳҳат ва иътидолини сутға дахли томмаси бордур. Шунинг учун Ҳазрати Набиййи муҳтарам саллаллоху алайҳи ва олиҳи васаллам болани мажнуна хотинға эмиздирмоқдин наҳй қилғондурлар. Ва бу ҳадиси шарифни ҳаким Шайх ур-раис алайҳир-рахма “Қонуни кабир”ларида нақл қилиб, яна бу нақлга иймонлари комиллигига ишорат учун ҳадиси шарифнинг иборатини тамомидин сўнг “ва йуноди залика би-аъло савтиҳи” иборатини зиёда қилғондурлар, яъни мазмуннинг ғоятда муҳимлигига биноан Жаноби Ҳазрат танбиҳ учун эҳтимом қилуб, бу ҳадиси шарифни баланд овоз бирлан айтдилар, дебдурлар.

Ва тўртинчи шарт шулки, ани эмчаги солиҳ бўлғай. Ва эмчакнинг солиҳлигидин мурод шулки, ҳамма ажзоси мужтамиъ бўлғай, яъни зиёда юмшоқликдин осилиб тушган бўлмағай ва ҳам зиёда қаттиғ бўлмағай. Ва катта ва кичикликда

ҳам мўътадил бўлғай. Зероки эмчакни бу ҳайъатда бўлмоғи ҳам мизожни иътидолига далилдур.

Ва бешинчи шарт шулки, сутининг қивоми ҳам мўътадил бўлғай. Ва ранги соф оқ ранглик ва ширин таъмлик ва покиза бўйлик ва кам кўпик ва ҳамма ажзоси муташобиҳ бўлғай. Яъни таъаммуқ ила назар қилгонда баъзи ажзосида суюқлик ва баъзисида қуюқлик кайфийят асло маҳсус бўлмағай. Ва билмоқ керакки, бу бешинчи шартнинг риояси бошқа ҳамма шартларнинг риоясидин ҳам зарурроқдур, зероки боланинг моддаи таваккули ва василаи ҳаёти фақат сутдур. Ва анинг эҳтиёти албатта вожибдур. Ҳатто ушбу шарт мавжуд бўлмай, боқий ҳама шартлар бир эмизғувчида мавжуд бўлса ҳам анга эмиздурмоқ мумкин бўлмас. Ва агар ушбу шарт мавжуд бўлуб, боқий шартлари тамом ноёб бўлса ҳам зарурат вақтида анга эмиздурмоқ раводур.

Ва яна билмоқ керакки, аксар хотунлар бўлурки, ўзи ўрта ёшлик ва тани саҳиҳ бўлур, лекин эмчагининг мизожи заиф ёки фосид бўлур. Ва шу сабабдин анда ҳосил бўлгон сут ҳам фосид ёки заиф бўлур.

Ва яна кўп хотунлар бўлурки, аларнинг ёшлари агарчи ўрта ёшда бўлмаса ҳам, лекин эмчакларининг мизожи бағоят бақувват бўлур. Ва анда салоҳиятлик сут ҳосил бўлур. Ва сутнинг салоҳиятига етти навъ аломат бордур.

Биринчи аломат шулки, мўътадил ул-қивом бўлғай. Ва қивомини иътидолига имтиҳон шул тариқа бўлурки, тирноқнинг юзиға бир қатра сут томизилур. Бас, агар ул сут тирноқ устида сайлон қилса, ани суюқ деб ҳукм қилинур. Ва агар тавакқуф қилса, ани қуюқ деб ҳукм қилинур. Ва агар атрофға сайлон учун андак моил бўлуб, сўнгра тавакқуф қилса, ани мўътадил деб ҳукм қилинур. Ва сутнинг қивомининг мўътадиллиги анинг комил даражада назж қилғониға, ҳам суви бирла тафли бир-бириға мутаносиб миқдорлик эканиға далилдур.

Ва иккинчи аломати шулки, ани миқдори мўътадилдур, зероки сутлик мизожнинг қуруқлигига ва эмчакнинг сут пайдо қиладурган фозиласининг заифлигига далолат қилур. Ва зиёда

кўплиги эса баданда рутубатнинг зиёдалигига далилдур. Ва рутубатнинг зиёдалиги сутни тезроқ уфунат ва фасодни қабул қилмоғига боис бўлур. Бас, ҳар иккисини миёнаси бўлгон мўътадил даражаси афзал ва мустаҳкамдур.

Ва учинчи аломат шулки, ранги соф оқ бўлғай. Зероки оқлик сут моддаси бўлгон қонни табиат эмчакга тамом ҳавола қилғониға ва эмчак ҳам ани комилға бенуқсон тасарруф ва таъсир қилғониға далолат қилур. Токи эмчак бирлан сутнинг ранги бир-бириға комил мушобаҳат пайдо қилгон бўлур.

Ва маълумдурки, эмчакнинг ширдони, яъни елининг ранги оқдур. Ва ҳар узви ҳозим агар ҳазми комил қилса, мунҳазимнинг рангини ҳам ўзгартируб, ўзини рангига мушокил ва ҳамранг қилмоғи лозим экани юқорида далиллари бирлан мазкур бўлди. Бас, маълум бўлдики, соф оқ бўлмай бошқа рангга андак моилроқ бўлгон сутларнинг ҳаммаси яхши эрмас. Аммо камид, яъни кўрғошим рангига моилроқ бўлгон сут мизожнинг совуғлигига ва савдонинг ғалабасига далилдур. Аммо сабз рангга моилроқ бўлмоғи камид сутдин ҳам совуғ бўлуб, андак жумудлик кайфийят ҳосил қилғониға далилдур. Аммо жумудлик бақувват бўлмас, чунки жумуд қовий қаро ранг эҳдос қилур, на сабзранг. Ва сутнинг сариф рангга моил бўлмоғи анга моддаи сафро мухталитлигига далолат қилур. Ва қизил рангга моиллиги эмчакнинг қуввати ҳозимаси заифлигига ва сут моддаси бўлгон қонни комил даражаға еткизуб оқартира олмағониға далилдур. Ва агар эмчакнинг қуввати бағоят ожиз бўлса, ҳатто сут ўрниға холис қон келур.

Ва тўртинчи аломати шулки, салоҳиятлик сутнинг бўйи покиза бўлур. Зероки аччиқ бўй ва бадбўй димоғ пардасини қабз қиладурғон бўйлар сутнинг фосидлигига далилдур.

Ва бешинчи аломат шулки, ширинтаъм бўлғай. Зероки ширинлик сут моддаси бўлгон қоннинг холис ва покизалигига ва бошқа хилтнинг ахлоти ва таъсиридин барий ва холийлигига далилдур. Ва яна сутнинг кайфийяти андак ҳароратға моилроқ маҳсус бўлмоғи ҳам сафронинг ғалабасига далилдур. Ва таъми шўрға моил бўлмоғи сафро ҳам балғамнинг ихтилотига

далилдур. Ва таъми андак нордонга моил бўлуб, ранги оқ бўлса, балғами ҳомизнинг ихтилотига далил бўлур. Ва агар таъми нордон ва ранги тийра бўлса, савдонинг ихтилотига далил бўлур.

Ва олтинчи аломати шулки, муташобиҳ ул-ажзо бўлур ва ҳеч бир жузви бошқа жузвига нисбатан қивомида ва рангида андак ҳам тафовути маҳсус бўлмас. Зероки бу ҳол сутнинг ҳамма ажзоси баробар ва мукамал назж ҳосил қилғониға ва фобилнинг феъли сутға муташобиҳ бўлғониға далилдурки, шул сут ҳўб маҳмуд сутдур.

Ва еттинчи аломат шулки, сут соғилғонда кўпиги кўп бўлмас. Зероки кўпикнинг кўплиги сутда боднинг мухталитлигиға далилдур. Ва агар сути бу шартға мувофиқ бўлгон эмизғувчи хотин муяссар бўлмаса, ночор пастроқда зикр қилинадурган тадбирлар бирлан эмизғувчи хотунларнинг сутини ислоҳ қилинғай. Ва ушбу беш шартлар зарурий шароитдур.

Ва олтинчи шарт шулки, эмизғувчи хотун ўз ҳамлини ҳар навбатда табиий муддатда туғиб юрган бўлғай, яъни ибтидоий ҳамлдин эътиборан тўққизинчи ой ичида туғиб юрган бўлғай ёки бу муддатдин бошқа бир муддатға одат қилгон бўлуб, ҳар навбатдаги ҳамлини шул вақти муъгадийға бетахаллуф туғуб юрган бўлғай. Зероки бу ҳоли хуни ҳайзнинг ҳоли ва раҳмнинг ҳолининг салоҳиятиға далилдурки, буларнинг ҳолини салоҳияти сут ҳолининг салоҳиятиға мусталзимдур. Чунки сутнинг моддаси ҳайздурки, ани фасоди албатта ҳосил бўладурган сутға сироят қилур. Ва инчунин раҳмнинг ҳам эмчакға мушоракат алоқаси бордур. Ва шул алоқа бирлан ўз ичида тарбиялангон боланинг камолотидин ва тез фурсатда таваллуди воқеъ бўлмоғи бирлан сутға ҳожати бўлмоғидин эмчакни огоҳ қилур. Бинобарин таваллудға яқин вақтда эмчак ўсиб, сут ҳосил қила бошлар.

Ва агар раҳмнинг ҳолида фасод бўлса, мазкур алоқа воситаси бирлан анинг фасоди ҳам сутға сироят қилмоғи муқаррардур. Бас, раҳмнинг ҳолининг сиҳҳати ва салоҳияти ҳам матлубдур. Ва шунинг учундурки, боласи соқит бўлгон

ва ё гарчи бу навбатлик ҳамли мустакмал бўлса ҳам ва ё агар болани исқот қилмоқ одати бўлгон хотиннинг сутидин болани эмиздурмоқ мамнуъдур. Зероки боланинг исқотиға одат қилмоқ албатта раҳмнинг фасодидин ва ё ҳайзни фасодидин бўлур. “Камо марра” (Чунончи айтиб ўтилди).

Ва еттинчи шарт шулки, болани эмизғувчи хотин ўзи ўғил бола тўққан ёки аксар ўғил туғиб юрган бўлғай. Чунки ўғил туғмоқ ҳайз ҳолининг сиҳҳатиға ва ҳарорати ғаризийянинг кўплигиға далилдур. Зероки боланинг ўғил бўлмоғиға ҳайз қонининг саҳиҳ ва бақувват ва комил ун-назж бўлмоғи шартдур. Ва баъзи атиббои ҳозиқнинг раъйларида ўғил болани эмизмоқ учун энаганинг ўзидин қиз бола туғилгон бўлмоғи ва қиз болани эмизмоқ учун ўзидин ўғил бола туғилгон бўлмоғи муносиблиги, токи бу маъни боланинг мизожиға боиси иътидол бўлмоғи манқул бўлса-да, лекин беасосдур.

Саккизинчи шарт шулки, энаганинг ўзининг вазъи ҳамли жуда яқин фурсатда воқеъ бўлмагон ёки кўп узоқ муддат ўтмагон, балки миёна фурсатлик бўлғай. Зероки кўп фурсат ўтгонда анинг боласи сутдин бошқа ғазоға ҳам одатланиб, сутға ҳожати камая бошлаган сари сут ҳосил қилмоқ учун аносидаги табиатнинг таважжуҳи ҳам камая бошлар ва сутни камроқ ҳосил қилур. Бас, оз миқдор сут икки болаға кифоя қилмай ва ҳар икки боланинг ғизосида нуқсон бўлур. Ва агар жуда яқин фурсатда баъзи ҳамл воқеъ бўлгон бўлса, ани сути ҳануз рутубати фазлийядин ва моддаи ғайри назижадин холий бўлмогон ҳам вазъи ҳамл сабаби бирлан сут соҳибининг сут ва мизожи заифланғони учун ҳануз сутнинг такмили назжига муқтадир бўлолмогон бўлур. Бинобарин ҳар икки сувратда ҳам ани сути бола учун маҳмуд ва муносиб бўлмас. Балки мутавассит бўлгон замондаги сути ансаб ва афзал бўлур. Ва мутавассит замон аксар хотинларда вазъи ҳамлға қирқ кун бўлгондин то етти ой бўлғонигача миёнадаги замонни эътибор қилинур.

Ва тўққизинчи шарт шулки, болани эмизиб юрган фурсатларда эмизғувчи ўзини жимоъдин ҳам сутнинг фасодиға боис бўладургон бошқа сабаблардин парҳез қилғай. Ва баданға изо

еткурадурган ва нафс учун макруҳ сезиладурган нимарсарларнинг ҳаммаси сутни фосид қилур. Ва яна номуносиб гизо ҳам фосид қилур. Чунончи, аларни шу мабҳаснинг охирида алоҳида муфассал баён қилурмуз, иншааллоху таъоло.

Ва билмоқ керакки, сутға энг зиёда зарарли нимарса жимоъдур. Зероки жимоъдин ҳайз қони ҳаракатга кирар. Ва андин ҳосил ва мутасоъид бўлгон бухороти сутға сироят қилуб, анинг ҳидини фосид қилур. Ва миқдорини камайтирар. Ва жимоъдин инзол таъсири бирлан баданга ориз бўлгон ҳарорат сутнинг жавҳарини ҳам фосид қилур. Ва яна агар шул жимоъдин ҳамл пайдо бўлса, ҳайзнинг қони ҳам эмадурган боланинг физосиға сут учун ва ҳам раҳмдаги бола учун тақсим бўлуб, ҳар иккисига ҳам кифоя қилолмай зўр зарар эҳдос қилур. Ва шунинг учун ҳадиси шарифда эмизғувчининг ҳаққиға жимоъдин наҳй ворид бўлгондур. Чунончи “Мишкот ул-масобиҳ”ни охирида “Боб ул-мубошарат фи-н-никоҳ”да мазкурдур. Ва бу бобда биз ҳам табаррукан ёзармизким “ъан асмой Бинти Язид қолат самиъту расулаллоҳи саллаллоҳу алайҳи ва олиҳи васаллама йақулу: “ла тақтулу авлодакум сирран фа-инна-л-ғила йудрик ул-фарис фа-йудъисуху ўан фарасиҳи, равоху Абу Довуд”.

Ва аҳли луғат наздларида “ғил”нинг маъниси эркак одам эмизғувчи хотинни баданини қўллари бирлан сийпаламоқ ва жимоъ қилмоқдур. Ва баъзилар маънийи “ғил” ҳомила ҳолда ёки эмизмоқ ва ҳомила ҳолда жимоъ қилмоқдур, дебдурлар. Ва маънийи “йудъисуху йусқитуху”, яъни ҳамлни соқит қилур маъносида дебдурлар. Баҳартақдир ҳомила ҳолда бола эмизмоқ ва ҳомила ҳолда жимоъ қилмоқ, ҳар иккиси ҳам ақлан ва ҳам нақлан манҳий ва мамнуъдур. Ва “Мишкоти шариф”нинг мазкур бобидаги бошқа бир ҳадиснинг мазмунидин агарки ҳомила ҳолда жимоъ қилмоқни раволиги маълум бўлса ҳам, лекин усули муҳаддисин “Қонун”ларида бир-бириға мутаъориз бўлгон икки ҳадисни рухсат мазмунидин наҳй мазмунида бўлғони ғолиб ва муътабар бўлур. Ҳам бу мавридда ворид бўлгон ҳадиси наҳийнинг бақувватлиги ақлан ҳам собитдур. Бас, шул ҳадиснинг наҳийға

амал қилмоқ авлодур. Хусусан болани эмизмоқ учун энага сақламоқ ва таскини шаҳват учун хотинни мутаъаддид қилмоқға қодир бўлгон агниё учун ҳадиси наҳйға амал қилмоқ сазовордур. Магар одамики, бир ададдин зиёда хотини бўлмай, андин ҳам ўзини сақламоқда галабаи шаҳватнинг бир амри фасод иртиқобининг хавфи бўлса ва бир энага сақламоқға истеълоди ҳам бўлмаса ночор ул киши ҳадиси рухсатға амал қилса раводур. Ва шунинг учун кутуби фикҳияда манъ қилинмоғондур. Лекин эҳтиёт шулки, ул ҳам ҳаттал-имкон бу маънидин эҳтироз қилғай. Ва “Мишкот” шорихлари бу икки ҳадиси наҳй ва ҳадиси рухсатни бир-бириға татбиқ учун кўп таъвиллар баён қилғондурлар. Лекин инда-т-таҳқиқ мустафод бўлгон хулосаси шул зикр қилингон тавжиҳдур. Валлоҳу аълам би-с-саваб.

ИНТИБОҲ. Эмизғувчиға муносиб физолар ва онга зарарлик физоларнинг баёнидадур.

Билмоқ керакки, ҳар вақт агар шароити мазкурға мувофиқ эмизғувчи муяссар бўлса, боядки, болани эмизишдин бир ҳафта муқаддам энагаға зарарлик физолардин парҳез қилдуруб, муносиб физолар бирлан тарбия қилғай, токи аввал анга яхши сут ҳосил бўлғай. Бас, анинг учун муносиб физонинг ҳаммадан яхшироғи буғдой ва жувори ва қўзининг гўшти ва эчки боласининг гўшти ва янги ва беуфунат балиқ гўшти ва бунга ўхшаш ҳазми қаймусға салоҳиятлиқ физолардур. Ва сабзалардин муносиброғи кохудурки, ани турк истилоҳида қоқиўт дерлар. Ва мевалардин муносиброғи бодом ва фундукдурки, туркда ани “рус ёнғоғи” дерлар. Ва сабзаларнинг ҳаммадин ёмонроғи жиржирдурки, ани форсийда таратезак дерлар. Ва хардалки, ани рус истилоҳида “горчица” дерлар. Ва бодуружки, ёввойи райҳондур. Ва булар ҳаммаси сутни фосид қиладурган нимарсалардур. Ва маъно ҳам фасоддин холий эрмас.

Ва энагани мўтадил риёзатға ва мўтадил ҳаммомға ва баданини мўтадил даражада уқалатмоқға буюрмоқ керак. Ва ҳаргиз зўр меҳнат ва ғам ва ташвишға йўл бермаслик лозимдур. Аммо гоҳ-гоҳ андак ва енгил ғазаб энаганинг ҳаққиға фойдалиқдур, токи ани қони ва ҳарорати зоҳири баданға моил

бўлуб, сутни назжи учун эмчакига ёрдам бергай. Хусусан агар энага совуқ мизожлик бўлса, би-л-қасд ани ғазабини келтирмоқ фоидалиқдур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, юқорида баён бўлгон шароитға мувофиқ энага муяссар бўлмай, балки сути қуюқ ва бадбўй бўлгон энага мавжуд бўлса ёки ҳайвон сути мазкур тариқада бўлса, ани ислоҳиға тадбир шулки, аввал зарфға соғуб, сўнгра бир муносиб вақтғача зарфи бирлан очиқ ҳаволик жойға қўйгай. Сўнгра болаға ичиргайки, очиқ ва покиза ҳаво ул сутни ислоҳ қилур. Ва энагани сутини ислоҳ қилмоқ учун ялпиз ва зуфо ва тоғ жамбули ва саътар каби мулаттиф нимарсаларнинг тухмудин қўшуб пишургон сканжубиндин тановул қилдурмоқ бадан сутиға муслиҳдур. Ва балиқнинг бир қисми бўлгон тарих гўштининг истеъмоли ҳам бадан сутини латиф қилур. Ва инчунин бу латиф нимарсалардин бўлгон физолар тановулиға бўюрмоқ лозимдур. Ва ҳар таомида андак турб ҳам бўлмоғини лозим билгай. Ва ҳар уч-тўрт кун миёнида сиканжубин ва иссиқ сув ичуб, қай қилмоқ-қа буюрмоқ лозимдур. То сут ислоҳ топғунча шул нимарсалар лозимдур. Ва андин зиёда давом этмоқ авлодур.

Ва билмоқ керакки, бадан сутини ислоҳиға мўътадил риёзатни ва иссиқ сув бирлан чўмилиб турмоқни ҳам ажиб таъсири бордур. Ва шароби райҳоний ичмоқда ва хушбўй таомлар тановулида сутнинг бадбўйлигини зоил қилмоқ учун манфаат кўпдур. Ва агар сутни фасодиға худ сутнинг ўзи кўплиги сабаб бўлуб, эмчақда кўп миқдор сут жамъ бўлғони учун ани ислоҳиға ҳарорати табиийя кифоя қилолмай ночор ғализ бўлгон бўлса, ани тадбири шулки, сутни камайтирмоқ учун физони камайтирмоқ ва камқувват физолардин тановул қилмоқ, хусусан бақла, яъни сабза физолари бирлан қаноат қилмоқ лозимдур. Ва эмчакиға зирани янчиб сиркада қориб зимод қилгай. Ва ё сиркани соғ тупроғ бирлан қориб зимод қилмоқ ва ё ясмуғни сирка бирлан қайнатуб зимод қилмоқ ва шўр сув ичмоқ ҳаммаси нафъ қилур.

Ва агар энаганинг сути иътидолдин суюқ бўлса, ани ислоҳи

учун риёзатни тарк қилмоқ ва осудаликга буюрмоқ керак. Ва хуни ғализ ҳосил қиладурғон хушбўй физолар тановулига буюрмоқ лозимдур. Масалан, муяссар бўлса оху, яъни кийик гўштидин ва илло сигир гўшти, хусусан ёши, икки ёшга тўлмаган тана гўштидин шўрбо ва қовурдоқ ва кабоб қилуб, хушбўй абозир ва мусолиҳ бирлан тановул қилгай. Ва агар мазкур гўшт ва баҳорий қизил буғдойдин ҳалим қилса, ҳаммадин афзалдур. Ва агар бир монё бўлмаса, ширин таъм шароб ичирмоқ ва ё узумнинг шарбатини ичирмоқ кўп нафъ қилур. Ва кўпроқ ухламоқга амр қилмоқ лозимдур.

ТАНБИҲ. Қоидаи куллиядурки, риёзат боиси таҳаллули рутубатдур. Ва сутнинг суюқлиғи анга рутубати зоиданинг ихтилотидин экани муқаррардур. Бас, бу маврида сути суюқ бўлғон киши учун тарки риёзатни буюрмоқ ва хилофи қоида бўлди, деб шубҳа қилинмасин. Зероки сариё ул-истиҳоладур.

Бас, ҳар нимарсаки, ҳазм учун сариё ул-истиҳола бўлса, албатта андак сабаб бирлан фасодга ҳам сариё ул-истиҳоладур. Хусусан суюқ сутда рутубат ғолибдурки, андак баҳона бирлан қобили уфунатдур. Ва риёзатнинг муҳаллиллиги маълумдурки, тазйиди ҳарорат сабабидиндур. Бас, агар сути суюқ одам риёзат қилуб, риёзатнинг ҳарорати бирлан сутнинг рутубати уфунат ҳосил қилуб, сутни тамоm фосид қилур. Бинобарин тарки риёзат ва осойиш лозимдур. Ва кўп уйқуға буюрмоқда ҳам ҳикмат шулки, уйқуда ҳарорат доҳили баданга ружуъ қилур. Ва меъданинг ҳазмига иёнат қилуб, покиза қон ҳусулига боис бўлур. Ва ҳам зоҳири баданда ҳарорат кам қолғонлиги эмчакдаги сутни уфунатдин маҳфуз қолмоғиға сабаб бўлур. Ва мин баъд ҳосил бўладурган сутнинг қуюлтирмоқ физо тадбири бирлан мумкин бўлур. Ва агар энаганинг сутида иссиғлик ғолиб бўлса ва энаганинг мизожи иссиғ бўлса, ани мизожини аввал иётидолга келтирмоқ лозимдур. Ва сут худ бахуд мўтадил бўлур.

Ва билмоқ керакки, эмизғувчи ўзи очлик ҳолда болани зинҳор эмизмағай. Ва ўзи таом тановул қилиб, сўнгра болани эмизғай, зероки очликда ҳарорат ғолиб бўлур. Ва таом тановули

бирлан ҳарорат сокин бўлур. Ва сиканжубин ва суюқ шароб ҳар бирини танҳо ва ё бир-бирига қўшуб ичмоқ таскини ҳарорат учун ажиб таъсир қилур. Ва агар сутнинг фасодиға сабаб совуқни ғалабаси бўлса, баданни қизитадурган ғизолар ва даволардин истеъмол қилғай. Ва баданни қизитадурган ва совутадурган тадбирларни камсутлик баёнига қўшуб муфассал зикр қилинур.

ИНТИБОҲ. Камсутликнинг сабаб ва тадбирлари баёнидадур.

Билмоқ керакки, агар сут кам бўлса олти сабабдин холий бўлмаски, ё иссиғдин ва ё совуғдин ва ё сут бўладурган модданинг йўли банд бўлгонидин ва ё эмчакни қуввати жозибаси заифлигидин ва ё ғизонинг кам ва ё номуносиблигидин ва ё умури нафсонийдин бўлур.

Бас, агар иссиғдин бўлса тафаҳхус қилиб кўрмоқ лозимдурки ва ё иситма тамоми бадандаму ёки фақат эмчакдаму? Ани сабабини тафтиш қилуб, ул сабабини зоил қилмоқ керак. Сўнгра иссиғни таскини ва мизожни иътидолга жалб қилмоқ учун давои муносиба қилмоқ лозимдур. Масалан, тамоми баданда иссиғ бўлса, ани сабаби ё сафронинг сабабидин бўлур ва ани аломати оғизни таъми аччиғ бўлур ва уйқу кам бўлур ва тил ва ҳалқ қуруғ бўлур. Ва иштаҳо соқит ва ташналик ғолиб ва бошда икки чаккадин бошлонгон оғриқ бўлур. Ва чакка томури тўла ва тез ҳаракатлик бўлур. Ва юзда ва тилнинг устида ва сийдукнинг рангида сариглик пайдо бўлур ва сийдук ачишиб келур. Бас, аввал ўткур сиканжубин ичуб, сўнғидин қайноқ сув ичуб сафрони қай қилуб тушурмоқ ва сўнғидин сиканжубинни танҳо ичмоқ ва ўрик ва ё олуи Ҳирот ва ё тоғ олучани ивितуб ичмоқ ва зиркни қайнатуб, сувига қанд ва шакар қўшуб қивом қилуб истеъмол қилмоқ бирлан ҳароратни таскин бермоқ лозимдур. Зероки агар сафрони дафъ қилинмаса ҳарорат босилмас. Ва ҳарорат босулмаса сут бўладурган модданинг рутубатини доим таҳлил беруб, камайтируб, анга аломат учун эмчакни қўл бирлан ушлаб кўрганда бошқа бадандин иссиғроқ сезилмоғи кифоядур. Анга зоҳирдин

латтани совуқ сувға хўллаб ёпмоқ ва кашниз ва ё коху совуқ гиёҳларни янчуб боғламоқ кифоя қилур. Ҳам туршакни суви каби андак совуқ нимарса ичмоқ бирлан мизож ҳам мўътадил бўлур. Ва гизо учун ҳаммадин яхши таом кашкоб ва исфиноҳ ва кохулардур.

Ва агар баданнинг иситмаси хорижий сабаблардин пайдо бўлгон бўлса, чунончи офтобда кўп юрмоқ ва ё оловлик хизматга кўп машғул бўлмоқ ва ё оғир меҳнат қилмоқ каби сабаблардин пайдо бўлса, ул шуғлни тарк қилмоқ, сўни ра талха ўтини янчиб сувға ивитуб, сувидин бир-икки журъа ичмоқ ва боқий сувға чўмилмоқ лозимдур. Ва шоҳтара ўтини истеъмол қилинса, талхадин бақувватроқ ва фойдаси тезроқ ҳосил бўлур. Ва ҳўл бедаға ўрнагон шабнам суви муяссар бўлса ҳаммадин яхшироғдур.

Ва агар сутнинг камлиги совуғдин бўлса, бул ҳам ё балғами рутубатни ғалабасидин ё савдонинг ғалабасидин бўлур. Ва ё хорижий ҳавонинг таъсиридин бўлур. Бас, агар балғам ва рутубат ғолиб бўлса, ани аломати оғизда серрутубатлик ва бемазалик ва серуйқулик ва камиштаҳолик ва юзда ва тилда ва сийдукда оқлик ва баданда, хусусан бошқа оғирлик ва ҳаракатга малоллик ва дангасалик ва ҳеч ташна бўлмаслик каби оризалардур. Бас, аввал балғамни қай ва исҳол бирлан дафъ қилмоқ лозимдур. Ва балғамни қай қилдирадурган давонинг ҳаммадин яхши осони намақоб ичуб, сўнггидин оғизға қўл ё пар суқуб ўқчуб, қай қилмоқдур. Ва агар бир мисқол шибит, яъни укробнинг тухми ва бир мисқол турбнинг тухуми ва бир мисқол тузни бир пиёла сувға қайнатиб ичуб, сўнггидин мазкур тариқа оғзига суқуб қусса, кўп яхши фойда қилур. Ва балғам тамом бўлгонлик маълум бўлгондин сўнг мизожни ислоҳи учун наҳорға гулқанди асалий истеъмол қилмоқ ва беҳи шарбати истеъмол қилмоқ лозимдур. Ва агар анжирдин беш ё олти донани майдалаб эзиб, бир коса сут бирлан қайнатуб ҳар кун наҳорға бир коса ичса, ҳам балғамни пишурмоқ, ҳам балғам ва рутубатни сурмоқ ва ҳам сутни зиёда қилмоқ ва ҳам ўзи латиф физилогидин ўзидин

салоҳиятлик қон ва суг ҳосил қилмоқ ва қувватни зиёда қилмоқ ва масом суддаларини очмоқда ажиб таъсири бордур. Ва чой ўрнига занжабил ва дорчиний қайнатиб ичмоқ фоидалиқдур. Ва бошқа гизо учун ҳам латиф ва андак иссиқ мизож нимарсалардин тановул қилмоқ совуғдин бўлган камсутлар учун ҳам суддадин бўлгон камсутлар учун ҳам эмчакни қуввати жазмнинг заифлиқдин бўлгон камсутлар учун муносибдур. Токи ани латофати андак қуввати ҳозиманинг таважжуҳи бирлан комил ҳазм бўлмоқға қобил бўлур. Ва иссиқ мизожлиги моддани эритмоқ ва суддани очмоқ ва қуввати жозиба ва ҳозимаға ёрдам қилмоқ, анга сабзи ҳам қўшуб пиширилган бўлса ва сабзининг тухмидин емоқ ва сабзининг ўзидин пишируб емоқ бағоят нафъ қилур.

Ва эмчакни тағиға беозорроқ ва бўшроқ қилуб банка қортуқ қўймоқ ҳам сутни зиёда қилур. Ва агар сутнинг камлиғиға фақат судда сабаб бўлса, яъни суг моддаси бўлгон қонларни эмчакға келадургон йўллариға ширадор рутубатлар ўрнагани сабаблик баъзи йўл тангроқ ва баъзи йўл банд бўлғони учун мазкур суг моддалари лозим миқдорича келолмоғони сабаб бўлса, анга ҳам тарбия ва гизо учун юқорида мазкур бўлгон тарбиялар муносибдур, лекин масомни очмоқ ва рутубатларни эритуб дафъ қилмоқ учун ҳар уч кунда бир бор бир мисқол рийванди чинийни бир коса сув бирлан қайнатиб кечаси ўрниға ётгон вақт ичиб, ўралиб ётмоқ лозимдур, токи рийванд ҳамма аъзони ичидин терлатиб, мазкур масомдаги рутубатларни эритуб, суяқларни таҳлил бирлан ва қуюқларини исҳол бирлан дафъ қилуб, масомни очғай. Ва яна кундуз вақтда ҳар олти соатда очлик ҳолда ярим пиёла шароби райҳоний ичмоқ масомни очмоқға қўп фоидалиқдур. Ва инчунин яна сабзининг тухми ва коснийнинг тухмидин хоҳ танҳо ва хоҳ ҳар иккисини қўшуб қайнатиб ичмоқ ҳам суддаи масомни очар.

Ва агар сутнинг камлиғиға эмчакнинг қуввати жозибаси заифлиги сабаб бўлса, физосиға юқорида мазкур бўлгон шўрбо муносибдур. Лекин анга мизожи иссиқ ва қуруқ бўлгон хушбўй нимарсалардин, чунончи заъфар ва кабобаи чиний ва дорчиний ва солиҳа кабилардин ҳар қаю бири муяссар бўлса, анга

андак қўшуб пиширмоқ қуввати ҳозима ва жозибани бақувват қилур.

Ва агар сутнинг камлигиға сабаб умури нафсоний бўлса, чунончи узоқ муддатғача ғам ва андуҳ бирлан мубтало бўлса ва юракнинг ҳарорати ғизонинг ва бадан рутубатини кўп таҳлил қилуб камайтируб турғон сабабидин бўлса, ани муносиб ғизоси ҳам шўрбодур. Лекин шўрбоға коху ва кашниз ва қабоқ ва исфинох каби мизожи совуқ ва ҳўл нимарсалар солмоқ лозимдур. Токи баданни ҳароратини таскин берғай. Ва агар мумкин бўлса ул ғамға боис бўлғон нимарсани зоил қилмоқ лозимдур. Ва илло тасаллийи хотир ва фараҳ аҳзо суҳбат ва мажлис ва ҳикояти латиға ва сергулшан ва нағмалар ва тараннумларни мажлисға олиб бормоқ каби тадбирлар бирлан ғамни фаромуш қилдирмоқни ва ҳар куни янги соғилғон сут ичмоқ ва сариқёғ тановул қилмоқ каби баданға рутубат ҳосил қиладурғон нимарсаларнинг истеъмолидин ғофил бўлмаслик лозимдур. Ва баданнинг зоҳиридин ҳам бетуз сариқёғ суртмоқ фоидалиқдур.

Ва агар сутнинг камлигиға сабаб ғизонинг камлиги бўлса, ғизо миқдорини ҳазм тоқатиға муносиб даражада даражабадаража оширмоқ керак. Ва агар арпанинг унинин ва бошқа дон кепалидин атола қилуб берулса ажиб ун-нафъдур. Ва агар иштаҳоси соқит ва иссиғи зўрроқ бўлса, мазкур аталанинг бадалиға ун ва кепакни ёғсиз қовуриб, сўнгра сув солиб қайнатиб ардоб атала қилуб ичирмоқ керак. Ва шунга муносиб ғизолардин ҳам батадриж зиёда қилуб бермоқ керак.

Лекин ҳар қаю ғизо учун бодиённинг илдизи ва тухми ва укропнинг тухми ва седанадин қўшуб пиширмоқни вожиб билмоқ керак. Ва яна сутлик сигирнинг елининини ва сутлик эчкининг елининини пишируб емоқ ҳам сутни зиёда қилмоқда бағоят фоидалиқдур.

Ва яна билмоқ керакки, қаю сабабдин сут кам бўлса ҳам эмчакни кўп молиш қилуб уқаламоқ сутни зиёда қилмоқда бағоят фоида қилур. Ва ҳаммадин мужарраброқ даво шулки, офтобда қуритилғон чувалчангдин бир дирамни эзиб,

кашкoбга қўшуб ичса ва неча кун бетарк ва пайдарпай ичса, сутни бағоят зиёда қилур. Ва кўп тажрибадин ўткoндур.

Ва яна сутни кўпайтирмоқ учун неча хил даволар бордур. Чунончи ўн икки дирам сариёғни эритуб, бир коса холис шаробга қўшуб ичса ва ё соф туфроқ бирлан кунжутни қўшуб, шаробга аралаштируб, яна соф тинитуб, шаробини ичса, эмчакига нордин тафлини боғласа ва ё эмчакнинг сутини зайт бирлан қўшуб, эмчакига суртса ва ё бoдинжонни бутун ҳолида сувга қайнатуб ани мағзидин ўн икки дирамни шаробга қўшуб ичса ва ё буғдойнинг кeпаги ва ё турбни шароб бирлан қайна-тиб ичса сутни зиёда қилур. Ва яна шибит, яъни укрoбнинг тухми ўтгиз олти грамм ва ёввойи беданинг тухми ва гандано тухми ҳар биридин ўн икки грамм ва бедани тухми ва хулба ҳар биридин йигирма грамм ҳаммасини янчиб, бoдиённинг ширасига ва ё асалга қоруштируб, ҳар кунни бир мисқолдин тановул қилинса сутни зиёда қилур.

ФOИДА. Фитом баёнидадур би касри фо.

Билмоқ керакки, фитомнинг маънисини болани сут эмишдин тўхтатмоқдур. Ва бунинг учун эмишни табиий муддати тамом тўлмоғи шартдур, яъни бола икки ёшгача тўлгунча агар бир монeъ бўлмаса, сутдин тўхтатмоқ сазовор эрмас. Бас, бола икки ёшга тўлуб, учинчи ёшга шуруъ қилса ва сутдин тўхтатмоқ учун бир сабаб монeъ бўлмаса, сўнгра тўхтатмоқ дуруст бўлғай. Ва агар боланинг табиий сутдин бошқа физога ҳам моил бўлса, муносиб ва мулойим нимарсадин андак-андак бермоқ керак. Ва агар боланинг олди тиши чиқа бошласа, сўнгра даража-бадаража қувватликроғ ва қаттиғроқ физоларга ҳам рухсат бермоқ керак. Аммо чайналмоғи қаттиғ бўлгон нимарса зинҳор берилмағайки, ани чайнамоқда тиш моддасини бoсилиб таҳлил топмоғига ва тиши тезда чиқолмасига сабаб бўлур. Бас, бу ҳолда болага берилмоғи мумкин бўлгон физо эмизғувчининг майда чайнаб бергон нонидур. Ва сўнгроқ вақтда асал қўшилгон сувга ва ё шаробга ва ё сутга ивитилгон нонни бермоқга рухсатдур. Ва қочонки болага сутдин бошқа физо бера бошлагонда андак-андак сув ҳам ичирмоқ лозим

бўлур. Хусусан ёз ва ҳаво иссиқ вақтларда вожиб билмоқ керак. Ва гоҳ-гоҳ сувга андак шароб ҳам қўшиб ичирмоқ керак. Лекин зинҳор физони ва сувни кўп берилмағайки, имтилоға ва рутубати фазлийяни зиёда бўлмоғига ва ҳазмни фасодиға сабаб бўлур. Ва агар имтило ориз бўлса ани аломати шулки, болани қорни каттароқ ва дам бўлур. Ва рангида оқлик ва камқонлик каби осори имтило зоҳир бўлур. Бу ҳолда лозимдурки, бошқа физодин ҳеч нимарса берилмағай. Ва сутни ҳам кам-кам эмизгай. Ва мумкин қадар болани кўп ухлатмоқға кўшиш қилгай, токи уйқу ҳам таом ҳазмиға ва бошқа физо тановулининг таркиға боис бўлур.

Ва яна билмоқ керакки, болани сутдин айирмоқ замони нақадар қийинлашса, шул қадар болани кам эмизмоқ ва бошқа физони кўпроқ тановул қилдирмоқ лозимдур. Ва кечалари болани уйқудин бедор қилуб хотирини малоллантируб эмизгай, токи бу малолат эмчакни нафрат қилмоқға сабаб бўлгай. Ва кундузлари таомни кўпроқ бергай, токи тўқлик эмчакнинг фаромушиға сабаб бўлгай. Ва эмчакни макруҳ манзарлигин безарар бўлгон рангларға ва қаро куяға олуда қилуб болаға кўрсатмоқ ва ани наздида эмчакни мазаммат ва шикоят қилмоқ ҳам болани эмчакдин нафратига боис бўлур. Муддао осонроқ ҳосил бўлур.

Ва эмчакдин айиргондин сўнг ҳазми осонроқ баъзи гўштардин, чунончи парранда ва барра гўштидин кам-кам бермоқ мумкин бўлур. Лекин болалар учун ҳаммадин яхшироқ таом ширбиринчдур. Сўнгра камёгроқ ва чалароқ қовурилгон ҳалвои тар ва атола ва барра гўштидин бўлгон ҳалим ва майда чайналгон нондур. Аммо ҳозирғи замонда хотунлар миёнасида шойибдурки, ҳатто янги туғилгон болаға думба ёғдин физо берурлар. Ва ўз заъамларича болаға фито деб эътиқод қилурлар, лекин бу зарар қилур. Чунки ёғнинг ҳазми ҳам оғирдур, ҳам ўзи меъдани суст ва иштаҳони соқит қилур. Бинобарин эмгон сутининг ҳазмиға монёъ бўлур. Ва боланинг тез ўсмоғига монёъ ва имтилосиға боис бўлур. Ва рутубати фазлийясини зиёда қилур. Бас, албатта думба ёғдин болани албатта сақламоқ

лозимдур. Қачонки бола эмчакни тарк қилса, ани машғул қилмоқ учун шакар кўшилғон нонни бўғирсоқ каби майда тўғраб кўйиб, ҳар замон бир донасини ани кўлиға бериб кўймоқ керак. Ва инчунин ўйинчоқ асбобларидин муяссар қилуб кўюб, ҳар замон ани ҳар хил ўйинға машғул қилуб ўткармоқ керак, токи анинг шуғли эмчакни фаромуш қилмоқға ҳам анинг ҳаракати рутубати фазлийяни бадандин таҳлил топмоқ ва ўзлари қувват ҳосил қилмоқ ва таоми комил ҳазм бўлмоқ ва қони яхши қивом ҳосил қилмоқ ва бадани салобат ҳосил қилмоқ каби фоидаларға боис бўлур. Ва агар бола эмчакни ёд қилуб, йиғлаб бетоқат бўлса, сабри сақутарий каби безарар аччиқ нимарсани эмчакға суртуб, сўнгра болаға бермоқ керак. Токи ани аччиқлиги болаға сабаби нафрат бўлғай. Ва бундин бошқа сабаби нафрат бўлғувчи ҳийлалар ҳам кўп ва маълумдурки, қаю бири муяссар бўлса, истеъмол қилмоқ раводур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, болани эмчақдин ажратмоқнинг энг яхши мавсуми баҳор ва куз мавсумидур. Ва зарурат вақтида ёз охиrhoғида ва қиш охиrhoғида ажратмоқ ҳам жоиз бўлур. Аммо ёзда иссиғнинг голиб вақтида ва қишда совуқнинг шиддатлик вақтида зинҳор ажратилмоғайки, зарарликдур. Масалан, ёзда ҳавонинг ҳарорати голиб вақтида ажратилса болаға зўр исҳол воқеъ бўлмоқ хавфи бордур. Ва қишда совуқлиги голиб вақтида ажратилса суъи ҳазм ва бунга ўхшаш офатлар воқеъ бўлмоқ хавфи бордур. Бинобарин бу икки мавсумда ажратмоқдин ҳазар қилмоқ лозимдур.

Ва агар баъзи зарурат сабаби ила ёз фаслида ажратмоқ лозим бўлса, ул тақдирда болани ажратилур. Лекин вожибдурки, ҳар соатда ташналигини таскин берғувчи ва табиън қобизроқ нимарсалардин совутуб беруб турғай. Ва бунинг учун сигирнинг қатигидин кувада пишуб ёғини тамом олинғон ва ҳануз ачилмағон айрондин совуқ ҳолда ҳар соат ичируб турмоқ ва ё барги зүфтнинг тухмини андак тап беруб, сўнгра совуқ сувға ивитуб, ширасини олуб ичируб турмоқ афзалдур. Ва физосиға ёғсизроқ палов ва биринч оқшоғидин талқон ва

кувада пиширилгон айрон ва нон муносибдур. Аммо ёғдин жуда эҳтиёт бирлан парҳез қилдирмоқ вожибдур. Ва ҳар икки кунда бир навбат бошнинг торикига ҳино боғламоқ ва нашоастани сирка ва гулобга ҳал қилуб бошнинг торикига суртмоқ болани ташналигини таскин бермоқ учун бағоят нофиъдур. Лекин ёш боланинг бошига сирканинг истеъмоли зарардин холий эрмас. Бинобарин агар зарурат зўр бўлмаса сиркани истеъмол қилиб бўлмас. Аммо кечалари боланинг қўли ва оёғига ҳино боғламоқ ва кундузлари ҳаво қизиган вақтда бир тағорага айрон солуб, анинг ичига болани ўлтирғизмоқ ва боқий баданларини мазкур айрондин қўл бирлан олиб ювмоқ фоида қилур. Ва агар қиш фаслида зарурат бор сабаби бирлан болани эмчакдин ажратмоқ лозим бўлса бул тақдирда болага ажратгондин сўнг физони ҳаргиз совутмай иссиқ ҳолда бермоқ лозимдур. Ва совуқ сувдин ва совуқ таомдин парҳез лозимдур ва инчунин боланинг танасини қалин нимарса бирлан ўраб совуқ ҳаводин эҳтиёт қилмоқ лозимдур. Ва даво ва мевалардин вақтга муносиблариниғина бермоқ керак. Масалан ташналикга долчиний ва занжабил қайнатиб ичирмоқ ва офтобий гулқанд, хусусан гулқанди асали ялатмоқ ва мевадин қаромайиз ва қуруқ анжир бермоқ муносибдур.

ФОИДА. Болани муҳофазат ва парвариш қилмоқ ва тишини осонроқ ва тезроқ чиқармоқ тадбирлари баёнидадур.

Билмоқ керакки, боланинг ҳар қачон ўзи ўлтирмоқ ва ҳаракат қилмоқга қодир бўлса, лозимдурки, ани покиза ва қалинроқ ва юмшоқ нимарсани устига ёзиб, устига ўлтирғизмоқ керак. Токи ернинг дурушт ва дағаллигинин бола озурда бўлмағай, зероки ҳануз болани жасади нозикдур. Бас, минбаъд думбасиға андак озор етса оқибатда болага ирқ ун-насо касали ориз бўлурки, уруфда бу касални куёнчиқ оғриғи дерлар. Ҳатто агар кўпроқ озурда бўлса, думба эзилиб ичидин зардоб олуб оқибатида оқма касали ҳосил бўлмоқ хавфи бордур. Ва яна паст ва текис жойга ўлтирғизмоқ лозимдур, токи баланд жойдин пастга йиқилмоқ хавфидин эмин бўлғай. Ва ҳар нимар-

саки, ўткир ва нишдор бўлса боланинг қўлига бермаслик ва агар қўлида бўлса, дарҳол қўлидин олмоқ лозимдур. Токи ани кесмоғи ва ё санчилмоғининг эҳтимолидн эмин бўлғай ва то боланинг ўзини ўлтирмоқға моил ва роғиб бўлмаса ани такаллуф бирлан ўлтирмоқға ўргатмоқ дуруст эрмас. Зероки боланинг ўзи ўлтирмоқға тақозо қилмоғи ани табиати, яъни қувваи табиийяси ҳануз маънийға ожизлиғиға далилдур. Ва ани такаллуф бирлан ўргатмоқ ани табиатиға малол ва кулфат бермоқдин иборатдурки, албатта табиатнинг малолатида зўр офатлар рўй бермоғи маълумдур. Бас, урфда одат бўлгон сунъий такаллуфлар, масалан, ҳануз ўтирмоқға қодир бўлмоғон болани болишға суяб ўлтиргизмоқ ва ҳануз юрмоқға қудрати бўлмоғон болани ғалтак аробаға суяб юргузмоқ хатодур. Ва яна доим ахлоқини таҳзиб ва ислоҳ қилмоқ ва ани ҳузурида ёмон ва фақш сўздин ҳеч сўзламаслик лозимдур. Ва доим яхши сўзларни талқин ва таълимиға машғул бўлмоқ лозимдур. Зероки шул вақтда ҳосил бўлгон одатни сўнг вақтда заволи ва тарки мумкин бўлмас.

Ва болаға доим лутфу марҳамат ва мулоимлик ва ризожўйлик тариқасида муомала қилмоқ лозимдур. Токи бола пайваста хушнуд бўлғай, зероки хушнудликда дил ва руҳ зиёда қувват ҳосил қилур. Ва бу қувват баданнинг тарбиясиға мутаважжиҳ бўлуб, баданни ўсмоғиға ва сиҳҳатининг муҳо-фазасиға масъул бўлур. Ва руҳнинг ва дилнинг бақувватлиги бошқа ҳамма узларға қувват берур. Натижада бола серқон ва ғайратлик ва жасоратлик ва фикри тез ва таъби салим ва бадани саҳиҳ ва жисми ўсимлик бўлур. Ва болаға ҳаммадин зарарлик нимарса ғам ва гуссадур. Зероки ғам ва гусса таъси-ридин руҳ ва ҳарорати табиийя доҳили баданға ижтиноб қилур ва дилда ҳарорат голиб бўлур ва қонни куйдирар ва рутубати аслияни фано қилур. Ва руҳни куйдирмоқ ва таҳлил бермоқ ила заиф ва фоиий қилур. Ва ҳамма аъзони заиф қилурки, натижада бадан оруқ ва мизожи қуруқ ва дили заиф ва қўрқоқ ва оқибати хафақон ва сил касалиға ва таби диққ касаллариға мубтало бўлмоғи яқин эҳтимоллардиндур.

Бас, замонамиздаги ҳазил мақомида қоим бўлгон жаҳолатлардин бири “ана, ола бўжи” деб қўрқитмоқ ёки сани “адаштируб” ёки “сотиб юбораман” деб гуссага солмоқнинг нақадар зарарлик экани ҳушёр кишиларга бешубҳа маълум бўлгон бўлса керак.

Ва агар боланинг олийя тиши чиқмоқға моил ва аломати зоҳир бўлса қаттиқ нимарса чайнамоқдин болани манъ қилмоқ лозимдурки, тиш моддасининг таҳлилига боис бўлмағай. Ва қўённинг миясини ва товуғнинг чарбисини тиш чиқадурган маҳаллға суртмоқ керак. Токи ул маҳаллни юмшатуб, масомларини очиб, тиш моддасини тезроқ зоҳир бўлмоғига мадад қилғай. Ва яна зайтнинг ёғини иссиқ сувға қўшиб ҳўб чайқатиб сўнгра боланинг бошиға ва гарданиға суртмоқ ва неча қатра ёғини қулоғиға томузмоқ керак. Агар зайт ёғи мавжуд бўлмаса бадалиға бошқа ширин ёғлардин истеъмол қилмоқ мумкиндур. Ва қачонки боланинг тиши чиқиб чайнамоқға қодир бўлса, ул вақтда янги ва ҳўл сучукмиянинг иллизидин бир донасини пўстини артиб, болани қўлиға беруб, ани бир учидин ип боғлаб, боланинг билағиға боғлаб қўймоқ керак.

Ва сучукмиянинг уч хил нафъи бордур. Биринчи нафъи шулки, бола ўзини қўлини тишламоқдин эмин бўлур. Ва иккинчи нафъи шулки, таъми ширинлик сабабидин бола ҳам ани чайнамоқға кўпроқ роғиб бўлур. Ва натижада милкни ёриб тиш зоҳир бўлмоғида бунинг ёрдами кўпроқ бўлуб, тиш тезроқ чиқар. Ва учинчи нафъи шулки, сучукмия оғизнинг ҳолини ислоҳ қилур ва оғиз оғриғи ва милк оғриғи ва оғизда жароҳат бўлмоқдин маҳфуз сақлар. Ва анинг шираси меъдани бакувват қилур ва рутубати зоидали дафъ қилур. Ва ўпканинг ҳолини ҳам ислоҳ қилур. Ва балғами мойини дафъ қилур. Ва кўкйўталдин эмин сақлар.

Ва яна гоҳ-гоҳ асалға туз қўшуб боланинг оғзиға суртмоқ лозимдурки, боланинг оғзи оқариб оғримоғидин эмин сақлар. Ва агар янги ва ҳўл сучукмия мавжуд бўлмаса, қуруғини ҳам пўстини олиб артиб, мағзини иссиқ сувға ивितуб, истеъмол қилмоқ ҳам мумкиндур. Ва қачонки бола сўзламоқға шуруь

қилса, томоғининг тагидин тилининг илдизини бармоқ бирлан ҳамиша молиш қилиб силаб юрмоқ керакки, бу маъний боланинг фасоҳатиға ва сўзи бурро ва тез такаллум бўлмоғи учун иъонат қилур.

Ва қачонки, бола чопиб юрмоқға қодир бўлса, текис ва юмшоқ жойғағина оҳистароқ чолиб ўйнамоқға рухсат бермоқ керак. Ва илло рухсатдин наҳй афзалдур. Токи йиқилмоқ ва зарбланмоқ эҳтимолидин эмин бўлғай. Ва яна изо ва озорға боис бўлмайдурган ўйинларға рухсат бермоқ, балки таклиф ва тарғиб қилмоқ сазовордурки, боланинг ҳаққиға ўйин ҳаракат ҳам бадан ҳам нафс учун риёзатдурки, бадандин рутубати фазлийя таҳдил топуб, бадан пок бўлур. Ва физоси комил ҳазм бўлуб, баданға ва қувватға қувват қўшилур. Ва нафсиға ориз бўлгон ғам ва ғуссаси бўлса, ани фаромуш қилмоқ ва сўнгра ориз бўладургон ғамни эътибор қилмоғон ва ўз шуглиға машғул бўлуб, бошқа оризадин беҳабар ва гофил бўлмоқ ила нафси зарардин эмин бўлур. Ва ўйиндин ўзи фикру мулоҳаза бирла тажриба олмоқ ила нафси қувватланмоқ ва ўйиннинг шавқи бирлан шод бўлғони учун руҳида қувват зиёда бўлмоқ каби фоидаларға ўйини боис бўлур.

Ва қачонки, таълим учун қобилият пайдо қилса муаллим ва муаддибға топширмоқ лозимдур. Муаллим ҳам рифқ ва мулойим сўз ва марҳаматқирдор ва дилнавозлик тариқи бирла муомала қилмоғи лозимдур. Токи боланинг таъбиға малол етмай, балки ўз рағбати ва шавқи бирла тааллумға машғул бўлғай.

Ва билмоқ керакки, таълим учун қобилият аксар болани тўрт ёшға тўлғонидин сўнг ҳосил бўлур. Хусусан олтинчи ёшға шуруъ қилгондин сўнг қобилияти зиёдароқ бўлур. Ва олтиға тўлғондин сўнг қобилияти бешубҳа комил бўлур. Лекин ҳар икки имоми хумом Абу Муҳаммад ал-Ҳасан ва Абу Абдуллоҳ ал-Ҳусайн розияллоху анҳумонинг мажлиси илмға жулуслариға Ҳазрати Набий ус-сақалайн саллаллоху алайҳи ва олиҳн васалламнинг ижозатлари вақти таваллуддин тўрт йил ва тўрт ой ва тўрт кунлик муддат ўтган вақтиға мувофиқ ворид бўлди.

Ва бу марҳамати олиялари бошқа муъминин ва муслиминга табаррукан суннат бўлуб, таълими авлоди учун ушбу муддатни вақти ифғитоҳ деб қарор бергандурлар. Ва бу воқеъани риоя қилмоқ албатта касир ул-баракатдур.

ФОИДА. Болалар учун тадбири куллийя баёнидадур.

Билмоқ керакки, ёш болаларнинг мизожлари ғоят даражада нозикдур. Бас, буларнинг муолажаларида жуда эҳтиёт қилмоқ вожибдур. Ва боланинг табиатиға малол ва такаллуф келтиргудек таъсири бақувват нимарсадин ҳаттал-имкон ҳазар қилмоқ лозимдур. Ва болаға қофур ичирмоқ қатъан мамнуъдур. Ва инчунин кўп иссиқ мизожлик ва кўп совуқ мизожлик нимарсаларни бермоқ нораводур. Ва нордон таъмлиқ нимарсадин эҳтироз лозимдур. Хусусан сут эмадурган болани нордон нимарсадин эҳтиёт қилмоқ вожибдур. Магар сутдин ажратилган бўлса, нордонлиги камроқ ва ширинлиги ғолиброқ сиканжубин бермоқни башарти андак-андак бўлса жоиздур. Ва агар нордонлиги ғолиброқ бўлса ва ё миқдори кўпроқ бўлса, манъ қилмоқ лозимдур. Ва ҳайвон сутидин ичган боланинг меъдасинин то сут тамом ҳазм бўлуб ўтгунча нордондин эҳтиёт лозимдур. Ҳатто катта одамлар учун ҳам сут бирлан нордон нимарсани меъдада жамъ қилмоқ раво эрмас.

Ва билмоқ керакки, ёш болаларнинг мизожлари ҳўл ва андак ҳароратға моилдур. Бас, аларнинг ҳифзи сиҳҳатлари учун ўз мизожлариға мувофиқ ҳўл ва андак ҳароратға моил мизожлик нимарсалардин бермоқ сазовордур. Аммо мизожи иссиқ ва қуруқ ёки совуқ ва қуруқ бўлғон нимарсалардин асло бермоқ мумкин эрмас. Магар бир ориза вақтида шул оризани мизожини ислоҳ учун бақадри ҳожат қуруқ мизожлик нимарсадин ғоят эҳтиётлик ила бермоқ раводур. Ва яна ёш болаларнинг баданлари ўсмоқ ва қувватлари камолот ҳосил қилмоқ давридадурлар. Бас, аларнинг мизожлариға мувофиқ нимарсалар бирлан камолотлариға тақвийят ва ёрдам берилсагина яхшидур. Ва бу ёрдам муфарриҳоти ёқутийя бирлан ҳосил бўлулки, тартиб ва таркиби қарободинларда мазкурдур. Ва яна муносиб мизожлик меъалардин гоҳ-гоҳ бериб турмоқ ҳам камолотға

ёрдам бўлур. Масалан, анор муқаввийи жигардурки, гоҳ-гоҳ анор тановул қилғон боланинг жигари бағоят бақувват бўлур. Ва физойи кайлусини яхши ҳазм қилуб, кўп қон ва солиҳ ахлот ҳосил қилур. Ва баданнинг ўсмоғиға ёрдам бўлур. Ва беҳийи ширин ва нок ва ношбути меъдани бақувват қилур. Ва меъда ҳам физойи кайлусийни яхши ҳазм қилуб, жигарга солиҳ каймус етказур. Ва жигардин бошқа қон ва ахлоти солиҳ кўп ҳосил бўлуб, баданни ўсмоғиға ёрдам бўлур. Ва ҳам мазкурлардин руҳи табиийя ва қуввати табиийялар кўп ҳосил бўлуб, бадан тарбиясиға мутаважжиҳ бўлурлар. Ва камолотни тез ҳосил қилурлар. Ва олма муқаввийи дилдур. Бас, гоҳи олмадин тановул қилғон боланинг дили бақувват ва нишоти ва хурсандлиги кўп бўлуб, жасоратлик ва ғайратлик бўлур. Ва ғайрат натижасида қилғон ҳаракати узлаларға салобат ҳосил қилур. Ва бадандин рутубати фазлийяни таҳлил қилур.

Ва яна буйрак ва қовуқни танқия қилмоқ ва бақувват қилмоқ учун қовун тухми ва бодринг тухми ва таррак тухми бағоят нофиъдурки, янчиб, қайнатиб гоҳ-гоҳ ичирмоқ ва ё янчиб, дока латтаға тугуб, латта бирлан бир коса қайноқ сувға ботириб сиқиб, яна ботириб яна сиқиб такрор қилмоқда янчилғон мағизлар айрон каби сувға қўшилуб, пўсти сузилуб рўмолда қолур. Бас, ул сувни ичирмоқда таъсири яна зиёдароқ бўлур. Ва инчунин бодиённи янчиб, элаб, шакарға қўшуб едирмоқ ҳам буйрак ва қовуқнинг танқия ва тақвиясиға бағоят муассирдур. Ва буйрак ва қовуқ агар бақувват ва покиза бўлса, рутубати фазлийяларни дафъ қилмоқда комил ул-ақл бўлуб, баданни пок қилиб турар. Ва фазладин пок ва холис бўлғон рутубати аслийя баданға кўпроқ жузви бадан бўлур. Ҳам болани истисқо касалиға ва тош келадурган касалға мубтало бўлмоқдин муҳофаза қилур. Ва мисол учун шул қадар баён кофийдур. Ва бошқа нимарсаларнинг истеъмоли ҳам баҳасби вақт ҳам фоидадин холий бўлмас.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, эмадурган болаға илож қилмоқда эмизғувчи хотуннинг ҳолини кўпроқ мулоҳаза қилмоқ лозимдурки, “ат-тифлу йўъалижу би-илажи мурзаба-

тиҳи” деган ҳукм атиббо миёналарида муқаррардур. Яъни эмадурган боланинг иложи эмизғувчиға илож қилмоқ бирлан ҳосил бўлур, деб қарор қилмишлар. Ва тажрибаға етгандурки, аксар вақтда эмизғувчиға буйрулғон парҳез даво бирлан боланинг касали зоил бўлғондур. Зероки ҳар касалики, ориз бўлур - аксар ғизодин ориз бўлур. Ва эмадурган болага ҳануз бошқа ғизо тановулиға қодир бўлмоғон бўлса, албатта анинг ғизоси фақат сут бўлур. Ва бу касални ориз бўлмоғиға ҳам сутнинг фасоди сабабдур. Бинобарин боланинг касалиға илож ва ислоҳ ҳам шул сутнинг ислоҳиға мавқуфдурки, агар эмизғувчиға илож қилуб, сутини ислоҳ қилинса боланинг касали зоил бўлмоғи шубҳасиздур. Ҳаттоки ҳам эмадурган ва ҳам бошқа ғизо тановул қиладурган боланинг касали ҳам аксар вақт эмизғувчиға илож қилмоқ бирлан зоил бўлур, хоҳ ул касалға сут сабаб бўлсин, хоҳ бошқа ғизо бўлсин болага даво бермоқға ҳожат қолмас. Ва болага даво бермасликдин асл ғараз шулки, даво жинси ғизо каби ҳазм бўлуб, анинг хулосаи жавҳари баданға жузви бадан бўлмоқға қобил эрмас. Бинобарин табиатнинг феъли ва тасарруфиға ҳам қобил эрмас, чунончи сабабларини маъкул ва машруб бобида муфассал баён қилдим.

Бас, давони эзиб, андин керакли таъсирини олуб, сўнгра ажзо моддаларини бадандин тамом хориж қилмоқға боланинг заифлик сабабидин ожиз бўлур. Бас, даво моддалари бадандин чиқиб кетолмас, ҳам баданға жузви бадан бўлолмас. Ва табиатиға ноқобил ва бадан ажзосидин бегона бир моддани бадан ажзосиға мухталит бўлуб турмоғи маълумдурки, оқибатда кўп офатларға боис бўлур. Аммо шул давони эмизғувчиға берилса, давони таъсиридин анинг сути фақат кайфийят ҳосил қилуб борса, матлуб бўлғон фоида беазийят ҳосил бўлурки, сут маҳзи ғизодур. Ва анинг кайфийяти маҳзи илождур. “Кама ла йахфи”.

Ва давонинг кайфийяти бирлан сутнинг мутакаййиф бўлмоғи икки навъ бўлур. Бир навъи шулки, бадан ул давонинг кайфийятидин асарланиб мутакаййиф бўлур. Чунончи иссиқ

бўлса шул баданни қизитар ва шул баданда турғон қон ва сут ҳам бадан бирлан баробар иссиқлик кайфийят ҳосил қилур.

Ва иккинчи навъ шулки, мазкур даво давоини мутлақ бўлмай, балки давоини физойи бўлуб, андин ҳосил бўлғон қон ҳам анинг мизожига мувофиқ хоҳ совуқ, хоҳ иссиқ кайфийятга мутакаййиф бўлур. Бас, ул қондин ҳосил бўлғон сут ҳам албатта ночор шул кайфийятга мутакаййиф бўлур. Лекин бу такаййуф кечикуб ҳосил бўлур. Зероки давоини физойидин қон ҳосил бўлмоқ ва ул қондин сут ҳосил бўлмоғи хийла муҳлатни хоҳлайдур. Аммо аввалги навъидағи кайфият тез ҳосил бўлур. Ҳаттоки баъзи даво меъдага етган онда анинг таъсири ҳамма баданга сироят қилур. Чунончи мумиё ичган кишига анинг таъсири ичган онда шикаст бўлғон узвида маҳсус бўлмоғи ва заҳар ичган кишининг ҳамма баданига ичган онда заҳар таъсири сироят қилмоғи машҳуддур.

Ва билмоқ керакки, агар эмизғувчи хотунга хоҳ табиатнинг дафъи бирлан ва хоҳ давонинг таъсири бирлан қай ёки исҳол воқеъ бўлса, зинҳор анга болани эмиздирмаслик лозимдур. Зероки ул вақтда эмизғувчининг ахлоти қўзғолиб, ҳаракат қилғон бўлур. Ва табиат ҳам фақат ахлотнинг дафъиға мутаважжиҳ бўлуб, сутнинг тарбиясиға эҳтимом қилолмас. Бинобарин сут хомроқ ва нотаёёр бўлуб, болаға зарар қилур. Ҳаттоки ҳаракатга кириб турган ахлот сутға ҳам келуб қўшилғон бўлса, яна зиёда асар қилуб, болаға ҳам қай ва ё исҳол воқеъ бўлур. Ва инчунин агар эмизғувчи даво ичган бўлса, давонинг таъсири сутға ҳам сироят қилур. Ва ани сути эмган болаға ҳам қай ва ё ислоҳ ҳосил қилур. Ва маълумдурки, болаға ҳожати бўлмоғон қай ва исҳолни зарари зоҳирдур. Аммо агар эмизғувчиға қилғон даво боланинг касалиға кифоя қилмаса, ул вақтда ночор катта одамларнинг касали учун мазкур бўлғон даволардин боланинг ҳолиға энг муносиброқ ва мулойимроқларидин ишлатмоқ учун рухсатдур.

Эмди боланинг ҳифзи сиҳҳатиға мутааллиқ тадбирларнинг баёнидин фориг бўлдук. Лекин неча адад касалларики, баъзиси болаларға маҳсус ва баъзиси аларға аксар воқеъ бўлур ва булар

учун атиббо неча тадбирлар ва давоийи мужаррабалар баён қилгондурлар. Агарчи буларнинг баёни илож ул-амроз бобининг жумласидиндур, лекин болаларнинг мураббиялари бундин ҳам хабардор бўлуб турмоқлари ва ҳифзи сиҳҳат тарбиясига машғул бўлгон вақтларида агар касал ориз бўлса, табибга мурожаатдин муқаддам тадбири илож учун ҳозир бўлмоқлари фоидадин холий бўлмас, деб шул мавридда мазкур касалларни ва лозим тадбирларини ҳам баён қилмоқ лозим кўрилди.

РИҲ УС-СИБЁН (БОЛАЛАР ТУТҚАНОҒИ, ШАЙТОНЛАШ)

Бу касал шундоғ касалдурки, дафъатан воқеъ бўлур ва болаға беҳушлик ориз бўлур. ғул ва оёғларини йиғиб бирига ўраб нотабийй ҳаракат қилдиар ва оғзидин кўпик чиқарур. Ва бу касал баъзи атиббо наздларида саръ, яъни кўнчиқдин бошқа бир касалдур. Бинобарин ани баёнида алар саръға ўхшаш деб баён қилгондурлар. Ва бунинг сабаби риҳи ғализдурки, сутда жамъ бўлуб, сўнгра мияға суъуд қилур. Ва миянинг қаҳфини, яъни юқори тараф устихонини мутамаддид ва таранг қилур, ҳаттоки баъзи боланинг устихонларини пайванд бўлгон чокидин кўчируб, устихонларини бир-биридин ажратур, дебдурлар. Ва баъзи атиббо буни сарънинг бир қисми, дебдурлар. Бинобарин бу касални умму-с-сибён ва фазаъ ус-сибён ва умму-ш-шайотин исмлари бирлан батариқан тародуф зикр қилибдурлар. Ва баъзилари зўр иситмалик бўлгон навъиға умму-с-сибён исмини махсус ва илло риҳ ус-сибён, дебдурлар. Ва баъзи агар бу ҳолат мутавотир воқеъ бўлса умму-с-сибён дур ва илло риҳ ус-сибён дебдурларки, бу ихтилоғ мақсудға беҳалалдур. Чунки баҳарҳол касалнинг исми қандоғ бўлсин, ани сабабларини ва аломатларини кўп тафаҳхус қилгондин сўнг қаю хилтнинг ғалабаси ва қаю сабабнинг осори зоҳир бўлса, анга муносиб тадбир қилмоқ лозим бўлур.

ИЛОЖ. Ушбу ҳолат болаға ориз бўлгон вақтида дарҳол ани қўл ва оёғини маҳкам тутуб, муттасил уқалаб турмоқ ва ё бир дуруштроқ нимарса бирлан молиш қилиб турмоқ лозимдур. Ва болани изтиробға қўймай, қўлларини бозусини

ва оёғларини сонини маҳкам боғламоқ лозимдур, токи қўл ва оёқдин мияға суьуд қиладурғон риҳ ва бухорот банд бўлғай. Ҳам боғламоқнинг ўзи мияда бўлғон бухоротни жазб қилуб, мияға ёрдам берғай. Бас, агар шунинг бирлан ифоқа лозим бўлса фа-хува-л-муроду ва агар кўп узоқ вақт давом этса ва ё баъд аз ифоқа яна мутавотир воқеъ бўлса, назар қилмоқ керакки, қайси хилтнинг осори зоҳир бўлса, анга муносиб талбир қилмоқ керак. Масалан, сафронинг асари зоҳир бўлса ва ўткир иситма зоҳир бўлса, баданини совутмоқ ва мияға рутубатни зиёда қилмоқ учун муносиб давони ичирмоқ, бурнига томизмоқ ва бошига зимод қилмоқ тариқалари бирлан истеъмол қилинур. Ва миясиға рутубат етказмоқдур. Хусусан ўз аносининг сути бағоят тез таъсир қилур. Ва агар мазкур сутға латтани ҳўллаб ани бошиға ёпилса, тез таъсир қилур. Ва инчунин қабоғни қириб, боланинг бошиға зимод қилмоқ ҳам мияға рутубат етказур. Ва болани салқин жойда сақламоқ ва агар таъби қабз бўлса, мулойим ҳўқналар бирлан ёки фулуси хиёршанбар ичирмоқ ва бошқа мулайийнот бирлан таъбини мулойим қилуб турмоқ лозимдур. Ва ташаннужини зоил қилмоқ учун гул ёғи ва маска ёғини иссиқға аралаштируб баданиға суртмоқ ҳам касал тутғон вақтда ва ҳам ифоқа вақтида бўлса баробар нафъ қилур. Ва агар балғамнинг аломати зоҳир бўлса боланинг баданини иситмоқ учун саъй қилмоқ лозимдур.

Ва бу касал болаларға аксар балғамдин ориз бўлур. Бинобарин аксари атиббо балғамий касалға манфаати кўп бўлғон давони ҳамма навъ касал учун умуман зикр қилғондурлар. Ва илло манфаати фақат балғамий касалға хосдур. Ва ул даво шулдурки, саътар, жанди бидастар, зиранинг ҳар биридин бир миқдор олиб, ҳаммасини қўшуб, эзуб, ғоят даражада майда ва мулойим қилуб, мазкурдин ўн икки арпанинг вазниға баробарини сутға қоруб, боланинг ҳалқиға солинса дафъатан ифоқа ҳосил бўлурки, риҳ ус-сибён бошқа ақсомиға нисбатан яхши бўлмоғида умид кўпроқдур.

Ва яна иссиғ мизожлик ҳўқна ва шиёфлар ва ичадурган мусҳилларики, суюқ балғамнинг ихрожиға махсусдурлар, алар

бирлан табъини мулойим қилуб турмоқ фоида қилур. Ва даволарики, истеъмол тариқи бирлан ёки болаға тақиб қўймоқ бирлан би-л-хосият нафъ қилур, аларни алоҳида зикр қилинур, иншааллоху таъоло.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, баъзи муҳаққиқларнинг китобларида ёзилғондурки, умму-с-сибён болаларға ориз бўлмас, магар иссиқ мизожлик болаға зўр иситма бирлан ориз бўлур. Ва бунинг иложи тезлик бирлан баданни совутмоқдур, дебдурлар. Бас, бу сўздин баъзи жоҳиллар хато англаб заъам қилғондурларки, бу касални ҳамма ақсомининг иложи фақат баданни совутмоқ бирлан бўлур, деб ва бу заъамлари бирлан ҳамма ақсомға баданни совутмоқ тадбирини ижро қилиб, оламни ҳалок қилурлар. Инчунин баъзи муҳаққиқлар ўз китобларида риҳ ус-сибён касали фақат балғамдин ориз бўлур, деб ёзғонларини кўрган баъзи жоҳиллар хато англаб, заъамларича бу касални ҳамма анвоъини иложи учун ҳам баданни совутмоқ лозим деб хато тарбия бирлан кўп болаларни қатлиға қўшиш қилурларки, ҳар икки жамоъа жоҳилларининг раъйлари фосиддур. Ва бу раъйидин эҳтироз лозимдур. Ва атиббонинг ҳукмлари умумий бўлмай, балки ўз истилоҳларига биноан битилғондур.

Ва юқорида мазкур бўлдики, умму-с-сибён ила риҳ ус-сибён бир-бириға хоҳ муродиф ва хоҳ мухоллиф бўлсинки, аввалан касални сабабларини аломатларини тафаҳхус қилмоқ ва сўнгра баҳасби сабаб муолажа қилмоқ лозимдур.

Эмди бу касални ҳамма анвоъиға баробар би-л-хосият нафъ қиладурган даволарни баён қилурмуз. Ва ул даволар ушбулардур.

Эчкининг ширдониди ва ё ичагида ва ё ўтида пайдо бўлган тошки, номини фодзахр дерлар. Мазкурдин андак миқдорини сутға ва ё айронға эзиб ичирмоқ ҳамма анвоъиға баробар фоида қилур. Ва яна қўл ва оёғини маҳкам боғламоқ ва икки пойчасиға қортуқ солмоқ ва қулоғининг ичига ва бурни ичига ва қўл ва оёғининг кафиға жанди бедастар суртмоқ фоида қилур. Ва инчунин оёғининг кафиға камқувватроқ тезоб

суртмоқ бағоят нафъ қилур. Ва хардалки, оврўроликлар истилоҳида “горчица” дерлар, мазкурни ун каби майда қилуб боланинг оёғининг кафига суртмоқ фоида қилур. Ва инчунин янги тугилгон ва сутдин бошқа гизо тановул қилмогон куённинг меъдасини янчиб ва ё эзиб, андин бир донаг, яъни бир мисқолни олти ҳиссадин бир ҳиссасини олуб, сувга ҳал қилуб ичирмоқ би-л-хосият нафъ қилур.

Ва тажрибаға етгандурки, риҳ ус-сибёнға мубтало бўлгон ва касали тўрт дафъадин зиёда тутгон болалар касал тутуб беҳуш бўлгон ҳолида маржон донасини оловда қизитуб туруб, икки қошини ўртасиға босуб доғлаб эрдилар, дафъатан бола ҳушиға келди. Ва сўнгра касали ғавд қилмади. Ва баъзилар маржон донасининг бадалиға қўйнинг тезаги ва бунга ўхшаш нимарсалар бирлан доғ солдилар ва ул фонда қилди. Лекин то икки-уч кунгача касал бола шул касалға мубталоликда ётгон бўлса ва кўзини қизиллиги ва нури камаюб умид узулгон даражаға етгон бўлса доғ солиб озор бермоқ муносиб эрмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, риҳ ус-сибён балоғатға етмагон болаларга кўпроқ ориз бўлур. Чунки зотан аларнинг мизожларида рутубат голибдур. Бас, агар хилқатларида рутубатлари яна андак зиёдароқ яратилгон бўлса, бу рутубат албатта риҳ ус-сибён касалини эҳдос қилур. Лекин бу рутубатнинг қоидасидурки, лекин бола ҳануз раҳмда турган вақтда миқдори табиийдин зиёда рутубат таҳлил топуб, пок бўлур. Ва агар раҳмда тамом пок бўлломгогон бўлса, бақияси баъд аз валодат шиш ва жароҳат бирлан чиқиб пок бўлур. Ва агар жароҳат ва шиш пайдо бўлмаса ва ё ҳам лекин ани рутубати пок бўлломмай, яна бақияси қолса, албатта шубҳасиздурки, бу рутубат риҳ ус-сибён касалини эҳдос қилур.

Ва бола балоғатға етган вақтида аксар бу касал худ-бахуд ва беилож зоил бўлур. Чунки борҳо зикр қилиндики, боланинг мизожи мартуб мизождур ва ўрта ёшлик одам мўътадил мизожлик бўлур. Ва қари одам қуруқ мизожлик бўлур. Зероки қонуни табиийдурки, бадан рутубати ҳар вақти таназзулда ва нуқсонда бўлур. Бас, ёшликда зиёдаликда қилгон бу рутубат

даража бадаража нуқсон ила ҳадди балоғатда мўтадил табиий даражаға етиб, бу касали зоил бўлур. Башарти аввалда тадбири хато воқеъ бўлмаса. Ва агар миёнада рутубатафзо тадбирларни хато фаҳм ила ажиб ижро қилуб, ноқис бўлгон рутубатни бадалиға жабри нуқсон бирлан рутубатни зиёда қилиб турилгон бўлса, бу ҳукмдин хориждурлар. Ва илло қонуни табиийда рутубат батадриж камаймоғи ва ҳадди булуғда худ-бахуд зоил бўлмоғи равшан ва ҳувайдодур. Шунинг учундурки, ёш ва доимо эмадурғон болаға саръ касали агар енгилроқ тутуб, тезроқ ифоқат ҳосил қилса ва тез-тез ёвд қилмаса, анга илож қилмоқдин баъзи атиббо манъ қилгондурлар. Зероки аксар воқеъ бўлурки, зотан бу касалнинг моддаси агарчи енгил бўлуб, касал тутған вақтда яна тезроқ ифоқат топса ҳам, лекин суъи тадбир сабаби бирлан бу касал яна қийин бўлур за оғирлашур. Аммо ҳар ҳолда эмизғувчиға муолажа қилмоқни вожиб билмоқ ва илождин тўхтамаслик лозимдур. Ва бу касални қўзгатадиган нимарсалардин болани сақламоқ лозимдур. Чунончи шиддатлик овоз эшитмоқдин ва маҳтоб жойда турмоқдин ва тўлған ойға қарамоқдин ва ялтироқ нарсаға ва тез оқадурғон сувға, тез ҳаракатлик нимарса, масалан, чарх парраси ва тегирмон тоши каби нимарсаларға қарамоқға ва балачд жойда туруб паст жойға қарамоқдин ва шамол бўлуб турғон жойда турмоқдин болани сақламоқ лозимдурки, буларнинг ҳаммаси бу касални ҳаракатға киргизуб авд қилдирар.

Ва доясини эчки, сигир, от гўштидин ва бошқа бухорангиз нимарсалардин, хусусан карафс ва бунга ўхшаш нимарсалардин ала-л-хусус жимоъдин парҳез қилдирмоқ лозимдур.

Ва махфий қолмағайки, бу касал ойнинг аввалларида серҳаракатроқ ва бақувватроқ бўлуб, тезроқ ва шиддатликроқ тутар. Ва ойнинг охирларида ҳаракат ва қуввати камайуб кечроқ ва енгилроқ тутар. Бинобарин ойнинг аввалларида боланинг муҳофазати учун ихтимом қилмоқ ва жанди бидастар ҳидлатуб турмоқ, балки либосиға ва бешикиға жанди бидастар тақиб қўймоқ ва ҳатто андак миқдорини кечалари болаға

тутқизмоқ лозимдур. Хусусан агар бесабаб йиғламоқ ва вазияти ўзгарилмоқ ва танаффуси ҳоли табиийдин ўзгарилмоқ каби касал муқаддимасининг осори пайдо бўлса, ани муҳофазасига инояти тамом бирлан эҳтимом қилмоқни вожиб билмоқ лозимдур. Ва ҳаргиз боланинг таъби қабз бўлмоқни раво тутмаслик лозимдур.

АТСАИ МУТАВОТИРА, ЯЪНИ ПАЙДАРПАЙ АТСА УРМОҚ

Билмоқ керакки, атса мияга азият бермоғи мумкин бўлгон нимарсани мия ўзидин дафъ қилмоқ учун қилгон ҳаракатидин иборатдур. Аммо ёш болаларга ориз бўлгон атсага аксар мияга ориз бўлгон шиш сабаб бўлур. Хусусан пайдарпай бўлуб тургон атса албатта шиш сабабидин бўлгонлиги зоҳирдур. Зероки бошқа нимарса, чунончи назла сабаб бўлса, бир неча бор атса бирлан мундафиъ бўлуб, атса таскин топгон бўлур эди. Бас, пайдарпай давоми далилдурки, бунга сабаб шишдур ва ани дафъиға мия ҳар қадар ҳаракат қилса ҳам шиш мундафиъ бўлмас ва мия ҳам ночор ҳаракатдин тўхтамас. Ва бу шиш иссиқдин пайдо бўлур. Агар иссиқ шиш сабаб бўлса, ани аломати таб ва ҳарорат ани лозимасидур.

ИЛОЖ. Совуғлик дорулардин суртуб ва совуғлик ёғлардин ва ё совуғлик асоралардин суртуб, мияни совутмоқ нафъ қилур. Ва асорадин энг фоидалиги қобоқнинг ва ҳўл кашнизнинг суви ва итузумининг сувидур. Ва ёғларнинг фоидаликроғи бинафшанинг ёғи ва қобоқнинг ёғидурки, ушбулардин ҳар қаю асора муяссар бўлса ва ё ҳар қаю ёғ мавжуд бўлса, ани ҳарна мавжуд бўлгонини бир-бириға қўйуб, боланинг бошига суртмоқ бирлан шиш таҳлил топқай ва атса таскин топқай. Ва агар атсанинг сабаби совуқ бўлсаки, боланинг бошига таъсир қилгон бўлса, ани аломати учун бурунроқдин совуқ ҳаво ва ё совуқ сувға мулоқот қилгонлик ва шишнинг асарларидин ҳеч бири мавжуд бўлмаслиги кофийдур.

ИЛОЖ. Бунинг тадбири учун бодруж, яъни тоғни сада-райҳонини майда янчуб ва докада элаб, найча бирлан боланинг бурниға пуфлаб ва димоғиға еткаруб турмоқ нафъ қилур. Ва

яна кабоб қилмоқда қўйнинг буйрагидин томғон селни бурнига қатра-қатра томузмоқ ҳам кўп фоида қилур. Ва андак заъфарон ва андак қандни бир-бирига қўшуб янчуб, чўғ оловга қўшуб туталса ва дудиға боланинг бурни тутуб турилса атсаи муфритни тўхтатар.

ФОИДА. Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳнинг “Қонуни кабир”ларида атсаи мутавотира мияда пайдо бўлгон иссиқ шиш сабаби бирлан ориз бўлур, деган қавллариға ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”ларида ирод қилуб, “ҳазо миммо истабъадаҳу фаинна урузу-л-аттоси ли-л-варами баъид”, яъни Шайхнинг бу сўзлари менинг ҳақиқатдин узоқ деб билганларим жумласидиндур, деб эътироз қилғондурлар. Яъни бу сўз ҳақиқатдин узоқ ва беҳуда сўз, деб ёзғондурлар. Ва иродлариға тақрир учун сарсом касалида бутун мия шишмоғини, лекин сарсомда аксар вақт атса бўлмаслигини далил қилғондурлар. Аммо фақирнинг наздида¹ ҳаким Қаршийнинг бу иродларида назар бордур. Зероки атиббои муҳаққиқин наздларида атса миянинг ҳаракатидин иборатдурки, ани бирлан мия ўзиға азият берғувчи муваззийни дафъ қилмоқ чорасида бўлур. Ва бурун тарафға дафъ қилмоққа саъй қилур. Ва ул муваззий бул ҳаракат бирлан мундафиъ бўлмоғи ёки бўлмаслигинин қатъий назар маҳзи ҳаракати дофиъани номи атсадур. Шунинг учун атиббо дебдурларки, миянинг атса ҳаракати баманзалаи ўпканинг йўтал ҳаракати кабидурки, ўзиға зарарлик бўлгон балғам ё дуд ё чанг ё ғубор каби нимарсаларни табиат ёрдами бирлан ўпка йўталга ҳаракат қилуб, ул зарарлик нимарсани оғиз тарафқа дафъ қилур. Ва мия ҳам табиат ёрдами бирлан атсаға ҳаракат қилуб, зарарлик нимарсани бурун тарафға дафъ қилур.

Аммо сарсом касалида атса бўлмаслиги мақсудни қадҳ қилолмас. Зероки миянинг баъзи жойи шишган вақтида атса ила ҳаракат қилмоқға махсус ва баъзи жойи бу ҳаракатдин ожиз бўлмоғи мумкиндур. Чунончи совуқ ҳаво мияға таъсир

¹ Бу срдә Боситхон табиб ўзини назарла тутмоқда.

қилмоқда атса бурундин нафас воситаси бирлан таъсир қилур. Ва маълумдурки, нафас бирлан борган совуқ ҳаво буруннинг мунтаҳосида бўлгон хишумға бориб, андин ҳалқ тарафға борур. Ва мияға бормас, балки ҳавони мияға яқин бормоғини пайи ҳассоса воситаси бирлан эҳсос қилгон ҳисси муштарак боқий ҳавоси арбаъаға ҳавола қилгондин сўнг боқий мия ўзини муҳофаза қилмоқ ва совуқ ҳавоға мудофаат учун ҳаракат қилурки, атса ушбу ҳаракатдин иборатдур. Яъни ибтидоан совуқ ҳаводин фақат ҳисси муштарак мунфаъил ёки мутаассир бўлур, лекин ўзи атса уролмас. Қачонки боқий димоғларға мазкур совуқ ҳаводин ахбор қилса, сўнгра ҳануз мунфаъил бўлмагон боқий атса ҳаракати бирлан мудофааға машғул бўлур.

Ва инчунин иссиғдин ориз бўлгон шиш ҳам мия ажзосининг ҳаммасида бўлмас, балки баъзи жузвида бўлур. Лекин қуввати мудриканинг ахбори бирлан огоҳ бўлгон боқий ажзолари мудофааға ҳаракат қилурларки, номи атсадур. Лекин муни бирлан шиш мундафий бўлолмас ва атса ҳам тўхтамас. Бас, ҳар уч шароит ҳаммаси мафқуддур. Бинобарин сарсом бўлгон кишида аксар атса бўлмаски, атса ҳаракатиға сарф қилмоқ учун оз бўлса ҳам қувват лозимдур. Ва шунинг учун Шайх ур-раис алайҳирраҳма “ман қаруба мавтуҳу ла йастатиғу ан йуъаттиса”, яъни ҳар кимға ўлум яқин қолгон бўлса, ул киши атса уролмас, дегандурларки, бу ҳолатни ҳолати фарғара ва мухаммаса дерлар. Чун бу ҳолатда қуввати табиийя ва қуввати нафсонийя ва қуввати ҳайвонийя тамом чарчаб мудофаадин ожиз ва маъйус қолгон вақтларидур. Аммо пайдарпай атса уруб тургон кишини ҳамма қуввати комил вақтидур. Хусусан ёш бола нашъу нумув давридадурки, онан фа-онан аъзо ва қуволари камолот ва тазоиддадур. Бинобарин аларнинг мияси мудофаадин тўхтамас ва пайдарпай атса урар.

УТОШ (ҚАТТИҚ ЧАНҚАШ)

Утош би-замми айни муҳмала ва шини муъжама бир касалики, зўр ташналикнинг лозимасидур. Бинобарин аташдин муштақ бўлгон лафз бирлан ном қўйилгондур. Ва бу яна ёш болалиқда маҳсус бўладурган бош ториканинг тешуги ҳам бу касалда андак

пастға чўкуб чукурроқ бўлур. Бинобарин нузул ул-йокрух ҳам дерлар. Ва форсийда мутлақ номи ташнагий лафзи бирлан машхурдур. Ва бошқа номи махсуси йўқдур. Ва баъзилар ғутос би-ғайни муъжама ва сини муҳмала лафзи бирлан ҳам баён қилибдурлар. Лекин ҳеч лугат ва истилоҳда мисоли кўрилмағондур. Ва баҳартақдир бу касал миянинг филофиға ориз бўлғон иссиқ шишдин иборатдур. Ва аломати шулки, бош торикидаги мазкур юмшоқ жойи андак чукур тушган бўлур. Ва ҳарчанд сув ичса ҳам ҳаргиз тўймас. Ва бош оғруғи ҳаттоки кўзгача сироят қилуб, туташ оғриғ сезилур. Ва юз ва баданнинг ранги аламнинг шиддати ва сафронинг ғалабаси бирлан сариг бўлур. Ва аксар боланинг бошига бу касалнинг вуқъидин бурунроқ майда яралар ҳам зоҳир бўлур.

ИЛОЖ. Боядки ибтидоан мияни совутмоқ ва рутубат еткимзоқ тадбирларини қилинғай. Чунончи қобокни ва ҳўл бодрингни қируб ёки янчуб ҳўл кашнизнинг суви ёки итузумнинг суви ва ҳўл хирфанинг сувиға қўшуб ва андак сирка қўшуб бошга қўймоқ, хусусан торикға қўймоқ ва тухумнинг оқини ёғиға ва андак сиркаға қўшуб ё гулёғини итузум бирлан қўшуб ва гулёғини янчилғон ҳўл бинафшаға қўшуб, бошнинг торикиға зимод қилмоқ фоида қилур. Ва яна хирфанинг баргини янчиб, танҳо ёки гул ёғиға қўшуб бошга қўймоқ ҳам кўп нафъ қилур. Лекин ҳар нимарсаики, бошқа қўйилса бошда туриб қизимоғиға зинҳор қўймаслик ва тез янгилаб турмоқ лозимдур. Ва яна хирфанинг тухмини андак таб бериб танҳо ўзини ва ё андак табошир бирлан болаға ичирмоқ ва сигир қатиғининг кувада пишган айрони ёки тарбузнинг суви бирлан болани чўмилтирмоқ ва қўл-оёғини кафиға ҳино қўймоқ ва қўл ва оёғини совуқ сувға солмоқ фоида қилур. Ва боланинг ва эмизғувчининг гизосиға тамом совуқ ва ҳўл мизожлик нимарсалардин бермоқ лозимдур. Ва бошқа тадбирларни катта одамларнинг иссиғдин бўлғон сарсом касалиға таъйин қилинғон тадбирларидин муносибини истеъмол қилмоқ керак. Хусусан кашкоб ичирмоқ кўп яхши нафъ қилур.

Ва билмоқ керакки, бу касалға исҳол яхши эрмас. Ва агар исҳол худ-бахуд воқеъ бўлса, дарҳол табошир ва тухми хирфа-

ни таб беруб болаға едирмоқ ва эмизғувчи арпа қовуруб янчиб қайнатиб ичирмоқ ва бунга ўшаш андақ қобизроқ нимарсани истеъмолиға буюрмоқ лозимдур. Токи исҳол тезроқ тўхтағай. Ва яна эмизғувчини тухмадин, яъни сассиқ меъда бўлмоғидин сақламоқ, балки эҳтиёт учун фizioni камайтурмоқға буйурмоқ лозимдурки, бу маъни боланинг исҳоли тўхтамоғиға боис бўлур.

ИЖТИМО УЛ-МОУ ФИ-Р-РАЪСИ, ЯЪНИ БОШҒА СУВ ЙИФИЛМОҚ

Хоҳ устихонни хориж тарафида ва терининг остида бўлсин ва хоҳ устихоннинг доҳилида ва мия гилофининг хорижида бўлсин, ҳар икки маҳалли мазкурда сувнинг ижтимоъи мумкиндур. Ва ёш болаларнинг миялари асли хилқатда серрутубат бўлгон сабабдин бу касалларға кўпроқ ҳодис бўлур. Бас, бу касални маҳалли ҳудус эътибори бирлан икки қисм баён қилурмиз.

БИРИНЧИ ҚИСМ шулки, қаҳфа устихонининг хорижида ва терининг доҳилида сув жамъ бўлур. Ва болаларға бу касал аксар вақтда дояларнинг хатолари сабабли оризки, боланинг бошини қаттиғроқ сиқуб ушларлар. Шунинг учун ул маҳаллнинг баъзи томурлари эзилуб, оғзи очилур ва андин қоннинг сели селоб қилуб чиқуб, терининг остида жамъ бўлурлар. Ва гоҳи мумкиндурки, селдин бошқа хилтлар ҳам жамъ бўлурлар. Ва бу навънинг аломати шулки, терининг ранги ўзгармай бурунғи рангда бўлур. Лекин терининг ўзи андақ кўтарилгон бўлур. Ва агар қўл панжаси бирлан босиб кўрилса, босилиб, тагидаги сувлар мундафиъ бўлурлар. Лекин босилгонда оғримас. Ва яна агар томурнинг оғзи очилгонлиги сабаб бўлса, бу сабаб болани кўп йиёламоғини ва ухламаслигини ҳам лозим тутар. Хусусан аввалроқ вақтида кўпроқ лозим тутар. Бас, ушбу касал бирлан бошқа шиш касалнинг миёнасидаги фарқ шулки, шул жойдаги тери ранги сиҳҳат ҳолдаги рангдин ўзгарилмоғи ва ушлаб кўрилгонда бошқа сиҳҳат узлардин бошқароқ ва муҳолифроқ сезилмоғи ва соҳибиға ҳам лазаъ ва лорсилламоқ

ва оғруқ маҳсус бўлмоқ ва сув жамъ бўлганлик аломатлари зоҳир бўлмаслиги ҳаммаси бошқа модда сабабидин ориз бўлгон шишнинг аломатидур. Илож ҳам лозимдур.

ИЛОЖ. Назар қилмоқ керакки, жамъ бўлгон сувнинг миқдори кўпми ёки камроқми. Ҳам мазкур сув шул маконда маҳсур ва қамалгонми ёки қўл бирлан босилгонда сувни мундафиъ бўлмоғи учун йўл очигми? Бас, агар сувнинг миқдори кўп бўлса ва ё босилгонда мундафиъ бўлмоқга йўли очиг бўлса, зинҳор анга тадбир қилинмасинки, зарар қилур. Ва агар сув ўз маҳаллида маҳсур ва оз миқдор бўлса, анга тадбир қилмоқ мумкиндур. Ва тадбир икки навъ бўлур. Бир навъ шулки, сувни осонроқ ва оҳистароқ тарқатадургон энгил даволардин зимод қилмоқ ва анинг устидин бир қитъа қалъини тунука шаклида сафҳа қилуб ёпуб, боғламоқдур. Ва иккинчи навъи шишни тиф бирлан ёруб маҳбус рутубатни чиқаруб олмоқ ва сўнгидин латта бирлан боғлаб ани устидин то уч кунгача андак-андак шароб ва зайтдин дамбадам суртуб ва латтани анга олуда ва ҳўл қилуб боғлаб қўймоқ лозимдур. Ва уч кундин сўнг очиб кўрилулки, агар ёрилгон жой битиб қолгон бўлса, муддао ҳосилдур. Ва агар ҳануз битмагон бўлса, битадурган марҳамлардин истеъмол қилинур. Ва ҳар навбат марҳамни янгиламоқда маҳалли жароҳатни ювмоқ ҳам лозимдур. Ёки ёрилгон жойни аввал тикиб, сўнг боғламоқ керак. Агар тикмоқ мурод бўлса, аввало бошда жамъ бўлгон сувларни ҳеч боқий қолдирмай тамом ҳаммасини покиза қилмоқ ва сўнгра ичида фасод ва йиринг пайдо бўлмаслик учун тезоби уш-шифоки, ҳозирда Оврўпо истилоҳича, “карбонная кислота” исми бирлан машҳурдур ва мазкурдин чорак мисқолини бир коса илиқ сувга қўшуб, мазкур сув бирлан жароҳатнинг ичини кўп ювмоқ, сўнгра тикмоқ лозимдур. Ва аҳёнан баъзи боланинг жароҳати баъзи сабаблар бирлан тез битолмай муҳлат ўтуб қолгон бўлса, ул тақдирда маҳалли жароҳатни бир дурушт латта ё олат бирлан гарчи озор бўлса ҳам қириб тирнамоқ лозим бўлур. Токи жароҳатдин қон зоҳир бўлсин, чунки жароҳатнинг зоҳир тарафи ҳавонинг

таъсири бирлан фасод ҳосил қилса ани жирмидин руҳ ва қуввати табиийя зоҳир бўлуб, илтийомға қобилияти қолмас. Ва агар тирнаб қон чиқарилса зоҳирдаги ноқобил парда йиртилуб қобили илтийом ғўшт очилуб, янги жароҳат ҳукмида бўлуб.

Ва билмоқ керакки, ёрмоқда ҳам шишнинг ҳажмиға таносуб миқдор ёрмоқ лозимдурки, агар шишнинг миқдори кам ва жамъ бўлғон суви ҳам кам бўлса эниға нисбатан бир тилмоқ кофийдур. Ва агар шиш катта ва суви кўп бўлса, ани икки ё уч адад хатти мутақотиъ тариқи бирлан тешиб, ичидаги сувни тамом чиқармоқ керак.

ФОИДА. Билмоқ керакки, агар даволарнинг зимоди бирлан муддао ҳосил бўлса зинҳор ёрмоқға журъат қилмағайларки, хатардин эмин эрмас. Ва даводин энг яхши нимарса лиму, деб ҳақим Муҳаммад Акбар Арзоний раҳматуллоҳи алайҳ ўз саргузаштларини ҳикоясида таъриф қилурларки, ул жанобнинг Аҳмадуллоҳ номли фарзандлари уч ёшлигида шул касалға мубтало бўлуб, оқибати мустадбир бирлан бир ҳафтада тамом шифо топғонини ёзғондурлар. Масалан, бир лимуни кесиб, ани кесилғон жойиға андак туз сепуб, сўнгра оловға тоблаб қизитуб боланинг бошидаги шишиға босғонларини ва ҳар кун икки-уч бора бу амални такрор қилғонларида бир ҳафтада ҳамма сувлар тамом таҳлил топуб, бола сиҳҳат топғонлигини, аммо ёш боланинг бошиға нордон нимарсанинг истеъмоли яхши эрмаслигини таъкид қилуб, агар бошқа зимод бирлан мурод ҳосил бўлса, лимуни ҳам истеъмол қилинмасун, дебдурлар.

ВА ИККИНЧИ ҚИСМ шулки, бош устихони бирлан мия филофининг миёнасиға сув жамъ бўлуб. Ва унинг аломати шулки, бола кўзини юммоғи қийин ва балки мумтаниъ бўлуб. Ва кўзи доим очиқ ва доим ҳўл бўлуб ва ҳамиша ёши оқиб турар. Ва агар бола соҳибтамыз бўлса бошининг ичида бир оғир борлигини ўзи эҳсос қилур. Ва илло бола доим болишда ётмоқға роғиблиги ва бошини кўтармоқға хоҳиш қилмаслигини маълум бўлуб. Ва аҳли таҳқиқи атиббо “ла ҳийлата фи

мислиҳи”, яъни бундоқ касалға ҳеч ҳийла йўқдур, демишлар. Лекин аларнинг мақсудлари ёш болаға тадбир қилинмасун демакдур, деб тамоқ қилурман. Чунки боиси таҳлил ва тақлил ва монеъи таҳсили рутубат даволар кўпдур. Лекин ёш болаларнинг мияси ссррутубат махлуқ бўлғони учун бу кулфат ва қабули рутубат учун жуда қобилдур. Ва бу рутубатларни тақлил ва таҳлил учун қай ва исҳол бирлан танқияға ва бақувват даволар истеъмолиға бола ожиздур. Ва эмизгувчиға даво қилғонда сут воситаси бирлан етадурғон даво таъсири оз ва ғайри кофийдур. Бас, шул андиша бирлан аҳли таҳқиқлар ёш болаға даво қилмай ўз ҳолиға қўймоқ керак, токи ҳадди балоғатгача батадриж рутубати камайуб, болиғ бўлғанда бетадбир худбахуд зоил бўлур, демак учун “ло ҳийлата фи мислиҳи” дегандурлар.

Фоида. Билмоқ керакки, бошда рутубат жамъ бўлмоғи хоҳ қаҳф устихонидин хорижда ва хоҳ дохилда бўлса болаларға махсус эрмас. Ва катталарда ҳам ориз бўлур. Лекин ғоятда кам ва нодир воқеъ бўлур. Шунинг учун бўлса керак атиббо катталарнинг касаллари қаториға бу касални қўшуб баён қилмағондурлар. Ва роқими китоб¹ андак намуна учун зикр қилурманки, Ҳазрати Қиблагоҳим хизматларида таҳсили тиббийяға машғуллигимда дарс асносида ул жаноб ушбу касални катталарға ҳам ориз бўлмоғи муҳаққиқлиғиға далил учун қаҳф устихонининг хорижида сув жамъ бўлмоқ касалиға мубтало бўлғон одам ул кишининг ҳузурлариға келғони ва бул жаноб анга тадбирлар ижро қилғонларини ва натижада ул мариз сихҳат топғонини, сўнгра беш ой қадар умр кўруб, баъд аз том босуб ўлганлиғини зикр қилғон эдилар. Ул аснода мискин ўн тўрт ёшларда бўлуб, айни гурурда бўлғоним учун агарчи ул жаноб тариқи тадбирларини муфассал баён қилғон эдилар, аммо ман аксарини фаромуш қилуб, ман ва мани ўзимға аснои умрумда бирғина одам келдики, қаҳф устихони ила мия ғилофининг миёнасида сув жамъ бўлғон касалға мубтало экан.

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

Мискин анга аввало тақдили физо буюрдумки, физоларини ҳамма ажзоси иссиқ ва қуруқ эди. Хусусан аксар вақт товуқ гўштидин шўрбо ва анга мусолиҳи ҳам иссиқ нимарсалардин солиниб эрди. Ва анда заъфарон қўшмоқни ҳеч тарк қилмади ва шул физони ҳам тўймай ярим иштаҳо миқдорига қаноат қилди. Ва ташналикға ҳатта-л-имкон сабр қилмоқ ва жуда ночорликда занжабил қайнатиб ичмоқға буюрдум. Ва ҳафтадин сўнг гумгуд ичиб қайт қилмоқни ҳар уч кунда такрор бирлан беш бор қайт қилдурдум, сўнгра милҳи фаранггийки, ҳозирда оврўпо луғатида, “английский сол” бирлан машҳурдур, ҳар уч кунда бир бор ичиб олти бор исҳол ва сўнгра уч бор риванди чинийдин қайнатиб, кечаси ичиб ётди. Андин мияни танқияси учун какрўл ҳидлатиб, бурнудин сув туширдум. Ва шул аснода баҳор вақти эрди, ман анга қалин либос ва кўпроқ ҳаракатни ҳам буюрган эдим. Ул киши агарчи аҳли давлат ва ходим ва мардикор ишлатувчи эрди, лекин мани амрим бирлан қалин либос кийган ҳолда ўзи кетмон бирлан таноб заминни шудгор ҳам қилуб, хўб терлади. Ва мудлати ярим ойда шифойи комил топди, биизниллоҳи таъоло.

АЛ-ВАРАМУ-Л-ХОРИЖУ МИНА-Л-ҚАҲФ, ЯЪНИ БОШ УСТИХОНИНИНГ ХОРИЖИДА ПАЙДО БЎЛГОН ШИШИ

Хоҳ ул шиш устихонни ўраб турғон қалин гишода бўлсин, хоҳ андин ҳам хорижда ва терининг остида воқеъ бўлсин ва ул шиш хоҳ иссиқ ва хоҳ совуқ бўлсинки, бу касал ила устихон хорижида сув жамъ бўлғон касални фарқини аломатлари бирлан баён қилдум. Ва шишни иссиқ ва ё совуқ эканини ўз навъийятидин истидлол қилиб билмоқ мумкиндур. Аммо қаҳф устихонини сиқиб оғримоқ бу касалнинг ҳамма анвоъига ҳам лозимдур. Ва иложига ҳам баҳасби сабаб риҳ ус-сибён ва утошда зикр қилинғон зимодлардин муносибини истеъмол қилинур ва тадбирлари ҳар ҳолда сарсомнинг тадбиридин енгилроқ бўлур бошқа жиҳатларда, аммо қон жиҳатидин агар мариз қобил бўлса, анга қортуқ солуб қон чиқармоқ яхшидур. Ва катта одамларға қонни томурдин олғонда оз бўлса ҳам

қортуқ бирлан олунғони яхшироқдурки, маҳалли мақсуддин олинур.

АТ-ТАШАННУЖ, ЯЪНИ УЗВНИНГ ТОРТИЛМОҒИ

Яъни бу касал сабабининг эътибори ила олти хил бўлур. Биринчи навъи шулки, узвнинг рутубати камайуб қуруқлик галаба қилур. Ва маълумдурки, ҳар бир ҳўл жисм агар қуриса ҳажми кичик бўлур. Чунки фоний бўлгон рутубатнинг макони холий қолмоғи мумтаниъдур. Бас, ночор ул рутубатнинг атрофидаги ажзо бир-бирларига тортилиб муттасил бўлуб, фоний рутубатнинг нуқсонига бадал бўлурлар. Ва катта ҳажмлик жисм агар кичик бўлса, ночор ўзиға муттасил бўлгон ажзои баданни ўз тарафиға тортур. Ва аломати шулки, даража бадаража кўпроқ тортилуб ҳодис бўлур. Ва ҳаргиз дафъатан ҳодис бўлмас. Ҳам зўр иситма ва ё кўп истифроғдин сўнг ҳодис бўлур.

ИЛОЖ. Бул аъзоға рутубат еткурмоқ учун бодом ёғи ва бинафша ёғи каби ёғларни илиқ ҳолда танҳо ёки эритилгон мумға қўшуб, бошнинг фарқиға ва орқанинг муҳра устихониға ҳар вақт суртуб турмоқда пайнинг юмшоғи боис ҳам ташаннужға сабаби таҳфиф бўлур. Ва ҳам пай воситаси бирлан аъзоға рутубат етар. Ва тамоми баданға ҳам суртмоқ, хусусан мафсилға, яъни устихоннинг пайванд жойлариға суртмоқ керакки, мафсилдин даво тезроқ сироят қилуб, работ воситаси бирлан узви мақсудға етар. Ва маскан учун ҳавоси ҳаммом каби иссиқ ва ҳўл жойда сақламоқ керак. Лекин иссиқлиги ҳаммомдин кам бўлмоғи лозимдурки, бадандин боқий рутубатни ҳам таҳдил қилмағай. Балки бир уйни эшиқларини беркитуб, ичиға манқалда чўғ олов қўйуб, анинг устиға кетмон қўюб қизитилса, дам-бадам ани устиға сув сепуб уйни буглаб турмоқ кифоя қилур.

Ва эмизғувчиға иссиқ ва ҳўл мизожлик нимарсалардин физо бермоқ ва агар таом тановулиға одат қилгон бўлса болага ҳам шул гизодин бермоқ лозимдур. Ва совуқ ва қуруқ нимарсалардин ҳар иккисиға парҳез лозимдур.

Ва билмоқ керакки, ташаннуж агар иситма сабабининг

ходис бўлуб, ҳануз ҳам иситмаси боқий бўлса, аввал иситмага тадорук қилмоқни вожиб билмоқ зарурдурки, аксар муҳликдур.

Ва иккинчи навъ ташаннуж қабзиятдин ва уйқусизликдин ва кўп йиғламоқдин ҳодис бўлур.

ИЛОЖ. Мулойимроқ мулайийн нимарсалар бирлан ҳўқна қилуб табиатни равон қилмоқ керак. Масалан, сутнинг зардобига андак совун кўпигидин қўшуб ёки андак фулусни сувга ҳал қилиб собун қўшуб ҳўқна қилмоқ муносибдур. Ва ухлатмоқ учун саҳар касалида анқариб зикр қилинадурган тadbирларни истемол қилмоқ ҳам йиғламоқни тўхтатмоқда мазкур бўладурган ҳийла ва даволарни амалга келтирмоқ лозимдур. Ва агар зарурат бўлса эмизғувчиға, балки болаға андак мухаддир нимарсадин, масалан, кўкнор ёки андак афюндин бермоқ жоиздур, токи бола қарахтлик бирлан йиғидин тўхтаб истироҳат қилғай. Ва аъзодин ташаннужни зоил қилмоқ учун биринчи қисмда зикр қилинғон ёғлардин ва баданни ёглаб турмоқ керак.

Учинчи қисми шулки, рутубатни ғалабасидин ҳодис бўлур. Ва маълумдурки, ҳар бир танг жойға кўп рутубат жамъ бўлса, ани тазийқи бирлан атроф чўзилмоқға ва ташаннуж пайдо қилмоқға музтар бўлурки, бу ҳолат ҳақиқатдин ташаннуж эрмас, балки тамаддуддур. Ва ё рутубатнинг ҳусули бирлан манфазлар тўлишганда ул манфаз энига нақадар йўғонлашган бўйича шул қадар қисқа бўлурки, бу ҳолат баъътибори тувл ва арз ташаннуж маъатамаддуддур. Ва ташаннужи рутубийнинг аломати шулки, собиқдаги асбоби мурааттибларнинг вужуди ва ҳозирдаги осори рутубатнинг зуҳуридур.

ИЛОЖ. Бунинг учун боланинг мизожини қуритмоқға кўшиш қилмоқдур. Чунончи иссиқ мизожлик мусҳил даволар бирлан неча бор такроран ҳўқна қилиб турмоқ ва баданиға зайт ва қуст ёғи ва канакунжут ёғи каби иссиқ ва қуруқ ёғлардин суртуб турмоқ зарурдур. Ва эмизғувчиға сув ўрниға асал шарбат ичирмоқ ва нон бирлан тановул қилдирмоқ ва нахуд шўрбоики, жўжа товук гўштидин пиширилғон ва анга мурч ва қабоба ва заъфарон ва ялпиз каби иссиқ ва қуруқ мусолиҳдин кўп солинғон бўлса,

андин гизо қилмоқ ва бунга ўхшаш иссиқ ва қуруқ физолардин мукаррар қилмоқ керак.

Ва тўртинчи навъи шулки, оғруқдин ва шишдин ҳодис бўлурки, ёш болаға тиш чиқар вақтида тишнинг милкиға бу шиш ва оғриқ пайдо бўлур. Ва мияға яқинликдин бу озор агар мияға сироят қилса, мия андин ижтиноб қилур. Ва миядин кўқарган пайларга ташаннуж ҳаракати ориз бўлур. Ва бунга аломат учун худ тиш чиқмоқ муқаддимаси ва анинг осори кофийдур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, фоидаи куллийя атфолнинг бевосита юқорида зикр қилинғон қоидаи тадбири муҳофиз ва парвариши атфолда баён қилинғон тадбирлар бирлан тишни тез чиқмоғиға ёрдам бермоқ ҳам варам ул-лиссада зикр қилинадурган тадориклар бирлан шишни таҳлил бермоқ ва ташаннужни зоил қилмоқ учун боланинг оғриғини, хусусан милкини ёғлаб турмоқ керак. Ва билмоқ керакки, тиш чиқар вақтида болаға ориз бўлғон ташаннуж аксар имтилоий бўлур, яъни рутубатни ғалабасидин ориз бўлур. Ва гоҳи кўп исҳолнинг вуқъидин ва ё зўр иситма касалнинг сўнггидин тиш чиқмоғи тасодуф келса мизож қуруқлигидин ҳам ҳодис бўлмоғи мумкиндур ва бу навъи аксар муҳлиқдур. “Ли-қуввати сабабиҳи” (Кучлилиги сабабли).

Ва бешинчи навъи шулки, ҳазмнинг заифлиги ва фасодидин ҳодис бўлур. Зоҳирдурки, агар ҳазм заиф ё фасодлик бўлса физодин балғам кўпроқ ҳосил бўлур. Ва жойлар ҳам ҳануз заифлигидин балғамни осонроқ ва кўпроқ қабул қилур. Ва агар бола тан ободроқ ва жасади каттароқ бўлса, анга бу касал кўпроқ ҳодис бўлурки, тан обод болада фазла кўпроқ бўлур. Ва фазлаға балғам қўшулса яна миқдори ҳажми зиёда бўлмоғи боиси ташаннуж бўлур, албатта.

ИЛОЖ. Боядки, эмизғувчини физосини ислоҳ қилғай. Ва ҳўл мизожлик ва оғир ҳазмлик физолардин ва пўрхўрликдин парҳез қилғай. Ва агар гизо тановулиға қодир бўлса боланинг физосиға ҳам шул мулоҳаза лозимдур. Ва жавориши каммуний каби жаворишлар бирлан болани ҳам эмизғувчини ҳазмиға

тақвия бермоқ ва гули савсан илдининг ёғидин ва эрсо, яъни савсани баррийи осмонгуний ва ё дилбус, яъни савсани баррийи сурх ва ё бошқа ҳар навъ савсанларнинг илдининг ёғидин ва ё жанд ёғидин ва гулхайри ёғидин боланинг бада-нини ёғлаб турмоқ керак. Ва бошқа тадбирларни учинчи қис-мида баён қилинган тадбирлардин олмоқ мумкиндур.

Ва бу навъ ҳақиқатда учинчи навъдиндур, лекин болаларга кўп воқеъ бўлмоғи ва баъзи тадбирлар учун хос бўлғони сабабдин алоҳида зикр қилинади.

Ва олтинчи навъи шулки, агар пайларнинг мабдаи бўлгон мия ва ҳароммағзлар саломат бўлса, лекин изтироб ва тоқат-дин хориж бўлгон ҳаракат сабаби бирлан ёки йиқилмоқ сабаби бирлан баъзи пайларга янчилмоқ ва эзилмоқ ва ўз-ўзиға ўролмоқ ва буралмоқ кайфийяти ориз бўлуб, ташаннужға сабаб бўлур. Ва ани аломати шулки, ташаннужнинг ҳодис бўлгон вақти мазкур воқеълардин бирини вуқуъиға бевосита муттасил бўлур.

ИЛОЖ. Узви муаввифнинг ислоҳи учун шўр пахта ва сийдук ва бошқа зимоди муносибалардин боғламоқ ва нўв-шодир испиртидин боғламоқ ва тухум сарифини суртуб, усти-дин оҳиста молиш қилмоқ ва тухумнинг сарифини куйдуруб ёғини олиб суртмоқ муносибдур.

КУЗОЗ (ЕЛКАНИНГ ҚОТИШИ)

Яъни, орқадин ва курак устихониға муттасил бўлгон узла-лардин бошлаб андак ориз бўлгон ташаннуждурки, мазкур куракни маҳалли табиийсидин дохил ва хориж тарафға ваё қўлтуқ тараф ва ё орқа тараф ёқиға тортилгонлиги маҳсус бўлур. Ва урфда ани “орқаси тиришган” деб таъбир қилурлар. Ва баъзи атиббо кузозни ҳар навъ тамаддудға итлоқ қилгон-дурлар. Баҳарҳол ҳар иложини шул ташаннуж баҳсидин баҳасби мизож мувофиқини истеъмол қилмоқ лозимдур.

КАСРАТУ-Л-БУКО ВА-С-САҲАР, яъни боланинг кўп йиғламоғи ва ухламаслиги. Бу ҳолат беш навъ бўлур.

Биринчи навъи боланинг қулоғи ва ичаги ва ё кўзи ва ё бошқа бир узви оғриган сабабдин бўлур. Ва ани иложи мазкур

узвни ислоҳ қилмоқдурки, сўнгра ўз мавридида баён қилинур.

Ва иккинчи навъи шулки, миянинг шишмоғи бунга сабаб бўлур ва бунинг иложи юқорида ўтди.

Ва учинчи навъи шулки, меъдадаги сутнинг фасоди бунга сабаб бўлур. Ва ани аломати шулки, агар қай қилса фоидаланур ва очлик ҳам нафъ қилур. Ва қайда эмган сути ивиган ва фасоди зоҳир бўлур. Ва бошқа навъларнинг асари мавжуд бўлмаслиги ҳам бунга далилдур.

Ва бу навънинг ислоҳи эмизғувчининг сутини ислоҳ қилмоқдур. Ва танқия қилмоқ ва сўнгра ҳазмға қувват бермоқ ҳам бола, ҳам эмизғувчиға лозимдурки, булар ҳаммаси ислоҳи шири фосид фаслида зикр қилинди.

Ва тўртинчи навъи шулки, бола бешикға қаттиғ сиқилиб боғланғонидин аъзосида ориз бўлғон озор сабабидин ҳодис бўлур. Ва анинг тадбири баданни ёғламоқ ва батадриж молиш қилмоқ ва иссиқ сувға, хусусан зардчўба қўшуб қайнатилғон сувға баданини чўмилтирмоқ лозимдур.

Ва бешинчи навъи шулки, миянинг мизожи бузулғонидин ва руҳи нафсонийнинг фасодидин ҳосил бўлурки, бу ҳолат саръ касалининг муқаддимасидур. Ва оининг ибтидоларида кўпроқ воқеъ бўлур.

ИЛОЖ. Болаға жанди бидастар ҳидлатмоқ лозимдур. Ва агар андак миқдорини ичирилса яна яхшироқдур. Ва бошқа тадбирлари ҳаммаси риҳ ус-сибёнда мазкур бўлди. Баҳасби ҳожат муносибини ихтиёр ва истеъмол қилмоқ лозимдур.

Эмди даво ва тадбирларики, бу касалнинг ҳамма анвоёиға баробар фоидалиқдур, баён қилурман. Билмоқ керакки, болани беланчакға ётқизуб тебратмоқни фоидаси жуда зўрдур. Ва ўйин ишлариға машғул қилмоқда фоида кўпдур. Ва агар табъи қабз бўлса, мулойим хўқна бирлан бўшатмоқ фоида қилур. Ва аксар воқеъ бўлурки, ҳайбат бирлан болани қўрқитмоқ хушёр ва тамизлик болаларға кўп фоида қилур. Лекин шиддатлик ва қаттиқ қўрқитмоқдин эҳтироз вожибдурки, бошқа офатларға боис бўлмағай. Ва агар бу тадбирлар кифоя қилмаса кўкнорнинг тухми ва нашанинг тухмини қовуруб,

бир харитаға солуб пайваста болаға ҳидлатуб турмоқ ва ё ёстиғининг пойиға қўюб, анинг ҳидидин болани ҳар нафасда баҳравар қилмоқ ва кўкнор ёғини коху ёғи бирлан қўшуб, боланинг пешонаси ва икки чаккасининг миёнасиға батамом ва бошини торикиға ва орқасини мухра устихониға суртмоқ лозим бўлур. Ва агар бундин зиёдароқ таъсир матлуб бўлса, бир миқдор кўкнор пўстини сувға ивитуб, сувини набот қўшуб эмизғувчиға ичурилса сутдин боруб, ани қуввати ҳам қўшилур. Ва андакни болаға ичурмоқ ҳам жоиздур.

Ва инчунин кўкнор тухмини сувға ивитуб ширасини таомға қўшуб ичирмоқ ҳам болаға уйқу келтирур. Ва агар бу тадбирлардин мақсуд ҳосил бўлмаса ушбу давони бермоқ лозим бўлурки, болани ухлатиб таскин бермоқда таъсири зўрдур. Масалан, ёввойи нашанинг тухмики, ҳаббу-с-самна дер ва жавзи жандум ва оқ кўкнор тухми ва қаро кўкнор тухми ва зиғир ва семизўтнинг тухми ва говзабон тухми ва коху тухми ва анисун ва бодиён ва зира ва испағулки, мажмуъи ўн икки ажзодур, ҳар биридин баробар миқдор олиб, ҳар бирини бошқа-бошқа қоврулур. Ва испағулдин бошқа ҳамма ажзони янчиб бир-бириға қўшилур. Аммо испағулни бутун ҳолда қўшилурки, ани янчилғони зарарлик, ҳатто муҳликдур. Ва шул ҳамма ажзоға баробар шакар қўшуб ҳар куни болаға мазкурдин ичирилур. Ва агар ухлатмоқ учун бундин ҳам бақувват бўлмоғи матлуб бўлса, мазкур ажзодин бир жузвининг учдин бир миқдорича афюн ҳам зиёда қилинса ухлатмоқ учун бағоят бақувват бўлур. Ва катта одамларға ҳам уйқу келтирур. Аммо уйқусизликнинг сабаби руҳи нафсонийни фасоди ва руҳ ус-сибённи муқаддимасидур, бинобарин агар ҳожат зўр бўлмаса бу давони берилмасунки, руҳи нафсонийға зарари бордур.

АЛ-ФАЗАЪ ФИ-Н-НАВМ, ЯЪНИ УЙҚУДА ҚЎРҚМОҚ

Билмоқ керакки, гоҳи бола тушида қўрқинчлик тушлар кўрар. Ва ўшал сабаб бирлан қўрқиб уйғонур. Ва бу ҳолат уч қисм бўлур. Биринчи қисм шулки, аввало бола бедорликда бир нимарсадин бағоят қўрқғон ва камоли қўрқинчдин ҳавоси

хамсаи ботинийяси ул нимарсани кўпроқ ўйлағонидин ул нимарсанинг суврати зеҳнийяси боланинг миясида қарор олгон бўлур. Лекин бедорликда ани суврати хорижийяси мавжуд эмаслиги ақлига маълум бўлғони учун бола қўрқмас. Аммо қачонки ухлаб ақли бегона ва мастур бўлса, ул нимарсани суврати зеҳнийяси хаёлга жилва қилур. Ва ақлдин бегона турган хаёл ул сувратни воқеъий ва мавжуд фаҳмлаб қўрқуб уйғонур.

ИЛОЖ. Ҳар навъ ҳийлаки, муносиб бўлса ани бирлан боладин қўрқинчни узоқ қилмоқ ва фаромуш қилдирмоқ зарурдур. Масалан, агар ани қўрқитгон нимарса маълум бўлса, боланинг бедор вақтида назариға кўрсатуб туруб ани таҳқир ва таҳқиқ қилмоқ ва урмоқ ва ани ҳақирлигиға бола фи-л-жумла қаноат ҳосил қилса, сўнгра таҳқир қилмоқни боланинг ўзича буюрмоқ ва журъатлантирмоқ лозимдур. Токи анга ўрганиб бола қўрқувни фаромуш қилғай, ҳам бедорликда бола учун завқлик ва шавқлик таомлар ва ўйинларға машғул қилмоқ фоида қилур. Чунки ҳануз ани мияси заифлик сабабидин завқлик таом ва ё шавқлик ўйинға банд бўлғони учун анинг хаёли бурунғи қўрқинчни ҳам эслаб турмоқдин ожиз бўлуб, ани фаромуш қилғай.

Ва агар ани қўрқитган нимарса маълум бўлмаса, ул тақдирда болани зиёда шодлантирмоқ лозим бўлурки, бурунғи қўрқониға нисбатан ҳозирғи шодлиги ғолиброқ бўлсин. Токи бола камоли шавқ бирлан бу шодлик сабабини кўпроқ хаёл ва тасаввур қилуб, анинг суврати зеҳнийяси ҳам боланинг хаёлиға қарор олсун, токи уйқуда ҳам бу суврати хаёлийя жилва қилуб, тушида шод бўлғай ва шу шавқ бирлан бурунғи қўрқинчни фаромуш қилғай. Ва даво учун покиза биринчни сувға ювуб, ани болаға ичирмоқ нафъ қилур. Инчунин саратон, яъни қишқишбақанинг устихонини кўйдуруб, кулини наботға қўшуб едирмоқ ва инчунин кашниз тухмини наботға қўшуб янчиб едирмоқ фоида қилур.

Ва иккинчи қисми шулки, физони кўп тўйғизуб берилса, таом меъдада тўла ҳазм бўлолмай фосид бўлмоғи, ҳам уйқуда

қўрқмоқға боис бўлур. Ва қўрқувни таом фасодидин ҳодис бўлмоғи икки навъ бўлур. Бир навъи шулки, фосид таомдин ғализ бухорот мияға чиқуб, руҳи нафсонийнинг мушавваш қилур ва руҳ музтариб бўлур. Ва изтиробни ақлдин бегона турган хаёл ҳар навъ тасаввури ботилалар бирлан тахаййул қилуб бола тушида қўрқуб уйғонур. Ва бу тавжиҳ Жолинуслининг мазҳабиға назарандур.

Ва иккинчи навъи шулки, вақтики таом меъдада фосид бўлуб, анинг фасодидин меъда азият топса, анинг азияти қуввати ҳассоса воситаси бирлан қуввати мусаввира ва мутагаййираға маълум бўлуб, қўрқинчлик ва фосид ва азиятлик тушларни хаёл ва тасаввур қилур. Ва бола қўрқуб уйғонур. Ва бу тавжиҳ Шайх ур-раис алайҳир-рахманинг мазҳаблариға назарандур. Бас, хоҳ бухорот воситаси ва хоҳ қуввати ҳассоса воситаси бирлан тушда қўрқмоқ болаға ҳодис бўлса, (қуйидаги илож қилинур).

ИЛОЖ. Илож шулки, ғизони камайтирмоқ, ҳам ғизодин сўнг то ғизоси чала ҳазм бўлғунча уйқудин манъ қилмоқ ва агар манъ мумкин бўлмаса ва бир сабаби бирлан ани ухлатмоқ зарурати ҳам бўлса, болани белоғондин сўнг бешиқни маҳкамроқ тебратмоқ лозимдур, токи анинг ҳаракати таомнинг ҳазмиға ва меъдадин ичакға ўтмоғиға боис бўлғай. Ва мастакийни набот бирлан эзиб, мазкурдин андақини танҳо ва ё нонға қўшуб едирғай. Токи бул ҳам ҳазмға муъин ва фасоддин муҳофиз бўлғай.

Ва учинчи қисми қизамиқ ва ё чечакнинг муқаддимаси бўлғай. Ва буни ўз маҳаллида зикр қилинур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ёш болаға гоҳи уйқуда бир ҳолате пайдо бўлурки, болани қўрққанлиги бошқа бедор кишиға маҳсус бўлур. Лекин уйқудин уйғонмас. Бас, гўёки энгилроқ кобус, яъни бўшроқ босинқирағон ҳолат пайдо бўлур. Ва ани иложи шулки, болаға жанди бидастар ҳидлатилғай. Ва риҳ ус-сибёнда зикр қилинғон нимарсалардин энгилроқ ва муносиброғини истеъмол қилинғай. Токи мабодо бу ҳолат риҳ ус-сибён муқаддимаси бўлуб, анга анжом топмоқ

эҳтимолидин эмин бўлғай. Ва собун ила хўқна қилуб таъбини ҳам мулойим қилмоқ фоида қилур.

АЛ-ФАЗАЪ ФИ-Л-ЙАҚЗА, ЯЪНИ БЕДОРЛИҚДА ҚЎРҚМОҚ

Ва билмоқ керакки, агар бола бир нимарсадин қаттиғроқ қўрқса, сўнгра ўз нафсини заифлигинин ва ақл ва идрокини камлигинин кўп нарсани тасаввурини ҳам гўё воқеъий фаҳмлаб, бедорликда ҳам қўрқар. Ваҳоланки, ани меъдаси имтилодин ва меъдаси фасоддин холийдур. Бас, бу навъ қўрқув ҳам ҳақиқатдин уйқуда қўрқмоқ касалининг айнан ўзидур. Фояти шулки, ё сабаб бўлгон қўрқунч воқеъаси шиддатликроқ ёки боланинг нафси ва идроки заифроқ бўлур. Ва иложи ҳам биринчи қисм фазаъи навмдаги иложлардур. Магар анинг дилига қувват бермоқ учун ширин олманинг шарбатидин ялатмоқ ва нафсиға қувват бермоқ учун гулқанд едирмоқ ҳам изофа қилинур.

АЗ-ЗУКОМ ВА-Н-НАЗЛА, ЯЪНИ ТУМОВ БЎЛМОҚ ВА БУРНИДИН НАЗЛА КЕЛМОҚ

Ва билмоқ керакки, бадан иссиқ жойдин ва иссиқ ҳаводин бетадриж дафъатан совуқ ҳавоға мулоқот қилгонлигинин пайдо бўлур. Ва сабабида атиббо миёнларида ихтилоф бордур. Бас, баъзи атиббо наздларида иссиқ ҳавонинг танаффуси бирлан одатланиб тургон баданға дафъатан совуқ ҳавонинг танаффуси муҳолиф бўлуб, нафас йўли мияға яқин бўлғони учун бу совуқ ҳаво мияға азият берур. Бас, ночор миянинг дафъиға муқовамат қилуб, акса ҳаракатиға шуруъ қилур. Ва акса қуввати бирлан назла мундафиъ бўлур, дерлар.

Ва баъзи аҳли таҳқиқлар наздида иссиқ баданға, хусусан бошға совуқ ҳаво таъсир қилса, андин нафрат учун ҳарорат дохил тарафға ижтиноб қилур. Ва бу ҳарорати мужтамиъани дафъи учун табиат ёрдами бирлан мия муқовамат қилуб, мазкур ҳарорати рожиъани хориж тарафға дафъ қилмоқ учун атса ҳаракатиға шуруъ қилур. Ва атса қуввати бирлан назла мундафиъ бўлур, дерларки, бу қавл ақраб басавобдур.

Ва биринчи мазҳаб аҳлидин ҳақим Мулло Садид бу мазҳабга эътироз бирлан ирод ҳам қилибдурларки, агар мияға ҳарорати мужаммиъанинг зиёдалиги сабаб бўлуб, анинг дафъиға атса ҳаракати бирлан шуруъ қилур бўлса, бас, сарсоми сафровийда, балки ҳама ақсомида доим атса лозим бўлур эрдик, анда ҳарорат жуда кўп жамъ бўлур, валайса фалайса, дебдурлар.

Аммо фақир¹ роқимнинг фикримча ҳақим Мулло Садиднинг сўзлари носадиддур. Зероки ҳануз тумов бўлган кишининг мияси саломат ва қувваи нафсонийяси бақувватдур. Бас, мия атса ҳаракати бирлан анга ҳаракати мудофаъаға ҳозир ва қодирдур. Ва табиат ҳам мияға иъонат учун барподур. Аммо сарсомда батадриж суъуд қилгон ҳароратдурки, аввало соири баданда анга муқовамат бирлан қуввати табиийя чарчагондур. Сўнгра мияға суъуд қилгон бухорот аввало беазийят суъуд қилуб, гўё шароб бухороти каби мияни маст ва бешуъур қилгондур. Ва шул сабаб бешуъурлик бирлан батадриж заифлангон мия бу ҳароратнинг дафъи эмас, ҳатто анинг вужудидин беҳабар каби бешуъурдур. Ва қуввати табиийядин лозимича ёрдам ҳам йўқдур. Ва фи-л-жумла ёрдами бўлса ҳам андин истифода учун миянинг бешуъурлигидин қобилият ҳам йўқдур. Бинобарин сарсомда аксар атса ҳаракати бўлмас. Чунончи бу хусусдаги тафсилини атсаи мутавотира баҳсида ҳақим Қаршийға жавобан зикр қилгон эрдим.

Бас, иссиғ бадан, хусусан бош агар дафъатан совуқ ҳавоға мулоқот қилса, агар нафасини совуқ ҳаводин эҳтиёт қилуб чиқса ҳам, агар боши яланг бўлса, албатта тумов бўлур. Бас, маълум бўлдики, эруб тургон иссиқ баданға дафъатан совуқ таъсир қилса, баданнинг масомлари банд бўлур. Ва таҳлил топмоқдин бухороти фазлийялар маҳбус бўлуб, мияда жамъ бўлур. Бас, бухорот табиатға ёт бўлғони учун мияға ёрдам беруб огоҳ қилур. Ва ҳануз ўзи солим ва бақувват бўлгон мия табиатнинг танбиҳи ва иъонати бирлан атса ҳаракатиға шуруъ

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

қилур. Ва атсада назла мундафиъ бўлур. Ва бунга яна бир далил шулки, дафъатан совуқ ҳавога мулоқот қилгон кишида аксар ўпка ва ҳижоб ва бошқа сийна аъзоларидин баъзисида шиш пайдо бўлур. Ва йўтал ва хала ориз бўлур. бас, маълум бўлурки, албатта совуқ ҳаво танафбус бирлан иссиқ ўпкага борғонда ани ва ҳижобни масомларини банд қилур. Ва таҳлилға кетуб турғон бухорот банд ва маҳбус қолиб, шиш пайдо қилур. Ва табиат ёрдами бирлан ўпка ҳам ани йўтал ёрдами бирлан ҳаракат қилур. Ва йўталнинг зарбасидин шишлик узвға тамаддуд ориз бўлуб, озор эҳдос қилурки, хала шул озордин иборатдур.

Бас, иккинчи мазҳаб аҳлининг ҳарорат совуқ ҳаводин нафрат ила дохилда мужтамиъ бўлур, демақдин мақсудлари гумони ғолибимча, масом бўлуб, дохилда бухороти духонийя мужтамиъ ва маҳсус бўлур, демақдур. Бас, бу касал ёш болаларда кўпроқ воқеъ бўлур. Зероки аларнинг рутубатларини ғолиблиги ва мияларининг заифлиги ва табиатларининг нозиклиги ҳам сабаб бўлур. Хусусан бошлариға совуқ ҳаво мулоқот қилса, шубҳасиз тумов бўлурлар. Бинобарин атиббои аҳли таҳқиқлар болаларнинг бошларини ўраб юрмоқни кўп қаттиқ таъкид қилғондурлар. Ва тумовға аксар вақт йўтал ҳам ҳамроҳ бўлур. Бинобарин бунинг иложи ва тадбири тарбиясини йўтал бобида баён қилурмиз, иншааллоҳу таъоло.

Аммо бул мақомға зарури шулки, эмизғувчини гўштдин, сутдин ва ширинликдин парҳез қилдурмоқ ва боланинг бошини ўратиб турмоқ вожибдур.

ВАЖАЪУ-Л-УЗН, ЯЪНИ ҚУЛОҚ ОҒРИҒИ

Ва билмоқ керакки, ёш болаларнинг қулоқ оғриғи аксар боддин ва рутубатдин пайдо бўлур. Ва бу оғриқни аломати шулки, бола сабабсиз йиғлар ва бошқа ҳеч қандай сабабдин асар маълум бўлмас. Ва бола бетоқат бўлур. Ва оғриғи шиддатлик бўлса, бола қўлини дам-бадам қулоғиға еткариб турар. Ва агар оғриқлик қулоғини болишға ётқизилса, ё шул қулоғиға қўл босиб турилса оғриғи таскин топқай. Ва боланинг ахлооти

кўк бўлмоғи, бош ва гарданларини ҳар тарафга тоблаб турмоғи ҳам шул касални нишонасидур.

ИЛОЖ. Ҳазизи Маккий ва саътар ва милҳи табарзад ва адас ва мурри Маккий ва тухми ҳанзал ва абҳал - ушбулардин қаю бири муяссар бўлса, ани гул ёғиға ва кунжут ёғиға ва ё бодом ёғиға солиб қайнатуб, сўнгра ул ёғдин қулоғнинг ичига неча қатрани илиқ ҳолда томузилғай. Ва ҳамма вақт хотирда турмоқ керакки, ёш боланинг қулоғиға томузиладурган нимарсани икки ҳолда томузмоқ лозимдур. Зероки аларнинг ҳамма аъзолари заиф ва нозикдурки, андак иссиқ нимарсани томузулса, қулоғининг териси куюб, яра пайдо қилмоғи мумкиндур. Ва агар совуқ ҳолда томузулса, фоида ўрниға зарар қилуб, қулоқ оғруғини зиёда қилур. Ва ҳеч аларнинг қулоғларига ўткир даво қўймаслик лозимдурки, қулоғни яра қилмоқ ва кар қилмоқ хавфи бордур. Ва андак миқдор бодиённи оғизда чайнаб, сўнгра ғоят кичик ва юпқа докаға ўраб, қулоғни тешугиға қўймоқ нафъ қилур. Ва бобунани сув бирлан қайнатуб, сувини жумраклик идушға солуб, оғзини маҳкам беркитулса, сувнинг буғи ночор жумракдин чиқуб турар. Ва ул жумракни қулоғнинг тешугиға тутуб, андин чиқгон буғларни қулоқ ичига етқузилса кўп нафъ қилур.

ФОИДА. Ва гоҳи қулоқ оғруғиға иссиқ шиш ҳам сабаб бўлур. Ва ани аломати шулки, анга иситма ҳам лозим бўлур. Ва анга илож учун қулоғнинг илдизиға зулу қўймоқ ва табиатини мулойим қилмоқ ва қулоғиға сут томузмоқ нафъ қилур. Ва гоҳи қулоқнинг ичига сув кириб қолғони ҳам оғриқға боис бўлур. Ва ани аломати шулки, баъд аз ғусл ориз бўлур. Ва агар тамизлик бола бўлса, шул тараф қулоғиға оғирлик борлигини эҳсос қилур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, болага кўп озор бўлмаслик шарти бирлан оғриғни қулоғини паст тарафға нашиб қилуб, оҳиста-оҳиста силкитуб, сувни тушурмоқ керак. Агар сувдин тушмай боқий қолса, сўнгра бир миқдор покиза пахта ёки докадин мулойим фатила қилуб, мазкурни аввало сувға хўллаб, сўнгра қаттиқ сиқуб ташлаб, боқий нами қуримоғон ҳолда боланинг

қулоғиға оқиста-оқиста суқуб ва бураб юборилса қулоқдаги боқий сувни мазкур нам фотила ўзиға жазб қилуб олур. Ва лекин фотила хўб мулойим бўлмоғи шартдур, токи агар қулоқ пардасиға тегса зарар қилмағай. Ва агар бу тадбир кифоя қилмаса, сўнгра болани ерга ётқизуб, ҳар икки қўлини кафининг болани ҳар икки қулоғиға маҳкам босуб, панжалари бирлан бошини маҳкам босиб, барқарор ушлаб турғай. Яна бир киши рўмолни қия буклаб, арғамчи каби қилиб, ани ўртасини боланинг пешонасига қўюб ва ҳар икки тарафини қулоқ устида қўллар устидин ўраб, ҳар икки учини боланинг орқа тарафида тугуб буруштурғай. Сўнгра ҳар икки қўли бирлан навбат-банавбат мазкур рўмолни бириктирилгон учларини сидириб тортиб, соғиб турғай. Ва шул ҳолда боланинг боши тортилуб чайқалмаслиги ва гарданиға зўр келмаслиги учун ушлаб турган одам бағоят эҳтиёт бирлан барқарор туруб турмоғи лозимдур. Шул ҳолда соғилгон рўмолнинг садмаси тутуб тургон қўлға сироят қилур. Ва қўлнинг кафиға ориз бўлгон садма қулоқ ичидаги ҳавони ҳаракатға киргизуб даража бадаража маҳбус тургон сувни кўзгатуб, ўрниға кирар. Ва натижада қўлни кафи қортуқ каби сувни тортиб олур, лекин қўл кафининг атрофида ҳеч очик жойи бўлмай, ҳамма тарафи қулоқ тешугининг атрофиға баробар тегуб, қортуқ каби ёпишуб турмоғи шартдур. Ва агар бу тадбир ҳам боқий қолгон сув борлиги гумон қилинса, сўнгра ани олов қуввати бирлан олмоқ лозим бўлур. Ва ани тариқаси шулки, бир қарич миқдорда арпабодиённинг ва ё бунга ўхшаш чўпни бир учиға андак пахта ўраб ёғ бирлан олуға қилуб, ёндурмоқ керак. Ва чўпнинг бир учини андак намроқ пахта ўраб қулоғнинг ичига суқуб турмоқ керак. Токи бу оловнинг қуввати жозибаси чўп воситаси бирлан сувларни батамом жазб қилур. Ва анинг жазбиға қулоқ ичидаги пахтанинг намлиги ҳам восита бўлур. Ва ҳам жазб учун муьин бўлур.

ҲАККАТУ-Л-УЗН, ЯЪНИ ҚУЛОҚНИ ҚИЧИМОҒИ

Билмоқ керакки, бунга ё оғриқ ҳам жузв бўлур ва ё беоғриқ бўлур. Бас, оғриқлик бўлса, иложи айнан важаъу-л-узнда зикр

қилинғон илождурки, андин муносибини олиб истеъмол қилмоқ керак. Агар оғриқи бўлмаса аломати шулки, боланинг ўзи гоҳи қўлини қулоғиға юборуб тирнамоғи ва мулойимроқ йиғламоғи ва қулоғиға бармоқни босиб турғонда бола роҳатланиб турмоғи, хусусан қулоқ ичиға иссиқ нимарсадин томузилса, дарҳол бола тинчиб, роҳатланмоғи далилдур.

ИЛОЖ. Бироз ҳулба донани одам сути, хусусан ўз аносининг сути бирлан қайнатиб пиширилур, токи анинг қуввати сутға тамом ўтгай. Сўнгра мазкур сутдин илиқ ҳолда қулоқ ичиға томузуб турмоқ керак. Ва фатилани асалға булғаб қулоқ ичиға қўймоқ ҳам фоида қилур.

САЙЛОНУ-Р-РУТУБАТИ МИНА-Л-УЗН, ЯЪНИ ҚУЛОҒИДИН СЕЛ ВА ЗАРДОБ ОҚМОҒИ

Ва бу икки навъ бўлур. Бир навъи шулки, қулоқ ичида жароҳат бўлур ва сел андин чиқар. Ва аломати шулки, ибтидосида қулоқ оғриғи ва сўнгидин шиш ва бусур асарлари зоҳир бўлур ва сўнгра зардоб оққан бўлур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, селни ибтидоан тўхтатмоқға зинҳор тадорук қилмаслик, балки бир неча кун ўз ҳолиға қўймоқ лозимдур. Сўнгра асални одам сутиға қўшуб қайнатуб, мазкурдин ҳар куни неча бор қулоқ ичиға илитуб томузмоқ ва сўнгидин яна бир фатилани олуда қилуб, қулоқ ичиға қўймоқ жароҳатни битирмоқ ва селни покизалаб қурутмоқ учун фоида қилур. Агар анзарутни жуда майдалаб эзиб, фатилани асалға олуда қилғондин сўнг анзарутға ҳам булғаб, сўнгра қулоқ ичиға қўйилса, қулоқни тез пок қилмоқ ва жароҳатни тезроқ ислоҳ қилмоқға ибонат қилур. Бас, агар бунинг бирлан муддао ҳосил бўлмаса асаллик фатилани аччиқтошға булғаб, қулоқ ичиға қўйилса таъсири зўрроқ бўлур. Ва агар мурри Маккийни сувға эритуб, гул ёғиға қўшуб қайнатуб, суви тамом кетуб холис ёғи қолғондин сўнг мазкурдин ҳар куни уч-тўрт бор илиқ қилуб қулоқ ичиға томузилса қулоқни ярасини битирар. Ва агар битгандин сўнг оғриғидин яна боқий бўлса, яна ушбудин томузилса оғруқни ҳам зоил қилур.

Ва иккинчи навъи шулки, мияда .рутубат кўп бўлур. Ва

агарчи кулоқда яра бўлмаса ҳам миядин рутубат кулоқ йўли бирлан келиб турар. Ва ани аломати шулки, бемуқаддима пайдо бўлур. Ва боланинг бошида оғирлик сезилур. Ва бола болишда ётмоқға кўпроқ рағбат қилур. Ва яра ва шишларнинг осоридин ҳеч бири мавжуд бўлмас.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, агар кулоқдин келадурган селига назар қилмоқ керак. Бас, агар оз миқдор келадурган бўлса, зинҳор ани тўхтатмоқға журъат қилмаслик лозимдурки, балоғат вақтгача рутубат келуб худ-бахуд зоил бўлур. Бас, агар тадбир бирлан тўхтатилса миядин мундафиъ бўлуб тургон фазла тўхтаб қолуб, мияға бошқа офатлар эҳдос қилмоқ хавфи бордур. Ва агар селнинг миқдори кўп бўлуб, яра қилмоқ ва эритмоқ хавфи бўлса, ул тақдирда илож қилмоқ раводур. Ва иложи шулки, физо миқдорини камайтирмоқ лозимдур. Ва асал ва хамирни бир-бириға қўшуб, анга озроқ аччиқтош ёки заъфарон ё андақгина натрун ҳам қўшуб, сўнгра бир фатилани анга олуда қилуб кулоқ ичига қўймоқ ва ҳар кун уч-тўрт бора янгилаб турмоқ керак. Ва аксар вақт бу давоға ҳожат бўлмай, фақат мазунинг қайнатилган сувиға андақ заъфаронни эзиб, фатилани шунга олуда қилиб қўймоқ кифоя қилур.

ИРТИФОЪУ-Л-АЙН (КЎЗНИНГ КЎТАРИЛИБ ЧИҚИШИ)

Яъни кўз ғўласи ҳолати табиийясидин андақ зоҳир тарафға ўсуб кўтарилмоғидур. Ва аксар атиббо бу касални интифоҳу-л-айн деб таъбир қилғондурлар. Ва интифоҳ лафзи шиш учун аксар истеъмол қилинур, ваҳоланки бу касал шиш эрмас. Ва моддадин холийдур. Бинобарин баъзи атиббойи аҳли-т-тахқиқ интифоҳ ўрниға иртифоъ лафзини ансаб дебдурлар. Токи қорийин наздларида моддалик шиш деб шубҳа қилмоқ эҳтимолидин эмин бўлғай.

ИЛОЖ шулки, ҳазизни сувға эритуб, сувиға ювғай ва бодруж, яъни тоғ райҳонини сувға қайнатуб, сувиға ювмоқ ва яхни эритуб сувиға ювмоқ ҳам нафъ қилур.

РАМАД, ЯЪНИ КЎЗ ОҚИНИНГ ШИШМОҒИ

Ва анинг иложи шулки, то уч кунгача кўзга ҳеч даво еткузмаслик лозимдур. Фақат эмизғувчининг ғизосига ҳам агар ғизога одат қилган бўлса, болани ғизосига каллапочадин шўрбо қилуб ва анга қотирилгон қуруқ нон тўғраб ғизо бермоқ ва каллапочанинг ўзидин ҳам бермоқ лозимдур. Агар кўзнинг пилки бир-бирига кўпроқ ёпишуб қоладирган бўлса, эмизғувчини ва ё бошқа хотунни сутини пахтага соғиб ҳўллаб, боланинг бошига ёпмоқ керак. Ва бунинг учун ўғил туққан хотуннинг сутидин қиз туққан хотуннинг сути яхшироқдур. Ва шул сутга эски пахтани ҳўллаб, иссиқ-иссиқ кўзга ҳам боғлаб турмоқ кўзни озориға ва пилкнинг шишиға бағоят фоида қилур.

Ва инчунин кўзни одам сийдуги бирлан ювмоқни зўр таъсири бордур. Ва рамаднинг ибтидосидин уч кун ўтгандин сўнг зира ва ёнғоқнинг мағзи ҳар иккисидин баробар миқдор олиб, ҳўб янчиб, сўнгра қўлнинг кафиға солиб, тупук қўшуб, ҳўб эзуб, молиш қилмоқ, токи гўё малҳам каби мулойим ва бир жинс ҳолға келгай. Сўнгра ани пахтанинг юзига олиб устиға одам сутидин андак соғдуруб, кўзни ёпуб боғласун ва бир кеча-кундузда икки бора янгилаб турсун. Кўз аламиға ва милк шишиға ва бир-бириға ёпишуб қолмоғиға кўп нафъ қилур ва моддаи касални тамом жазб қилуб олур. Хусусан қиш вақти бўлса ва ё рамад риҳий бўлса тез таъсир қилур.

Аммо рамаднинг ибтидосидин кўзга даво қилинса даво ўз қуввати жозибаси бирлан миядаги ва атрофдаги моддаларни кўз тарафға жазб қилуб, рамадни шиддати ва издийодиға боис бўлмоқ хавфи бордур. Ва агар бу тадбирлар бирлан рамад зоил бўлмаса ҳар қаю хилтнинг ғалабасиға қараб, муносиб мусҳили бирлан ул хилтни танқия қилмоқ лозимдур. Ва қоннинг ғалабаси зоҳир бўлса гарданға ва қулоқни юмшоқ жойиға зулу солуб қон чиқармоқ зўр фоида қилур. Ва ҳазизни сутға эзиб, ҳар кун икки-уч бор кўзга томузмоқ ва зоҳирдин суртмоқ кўп нафъ қилур ва безарардур. Ва то мумкин бўлса бақувват давони кўзга синҳор еткизилмасунки, болаларнинг кўзлари ниҳоят даражада

нозикдур. Ва бақувват дорунинг истеъмолидин неча хил офатлар ҳодис бўлмоқ эҳтимоли бордур. Ва яна таъми нордон нимарсаларни ҳам болаларнинг кўзиға қўйиб бўлмас.

БАЁЗУ-Л-АҲДОҚ, ЯЪНИ КЎЗ ҚОРАЧУГИНИНГ ОҚАРМОҒИ

Билмоқ керакки, бу касал баёзи машҳурдин бошқадур. Ва баёзи машҳурки, чечак ва қизамиқ ва бошқа касаллар сабаби бирлан ориз бўлур. Ул бир дона оқки, қорачуқ устида воқеъ бўлуб, оқ бирлан қаро бир-бирларидин мумтоз бўлуб кўринурлар, гўё саломат бадан ила барас каби ажралиб турарлар. Аммо бу баёз эса тамом қарочуқда бўлур. Лекин жуда оқ бўлмас, балки қорачуқнинг қаролик ранги камайуб, оқлик рангга моилроқ бўлур. Лекин бу оқлик ҳам ибтидосида қарочуқнинг ҳамма ҳажмиға баробар ориз бўлмас, балки агарчи баёзи ҳодис бирлан асл қаронинг миёнасида бир муқаррарий бир чегара махсус бўлмай, батадриж мутафовут бўлса ҳам, лекин бу оқ ибтидоан қарочуқнинг атрофида махсус бўлуб, сўнгра батадриж тамом қарочуқға сироят қилур. Ва бунинг сабаби аксар вақт кўп йиғламоқдур ва гоҳи катта одамларнинг кўзиға оқ эҳдос қиладурғон сабаблардин ҳам ҳодис бўлур. Ва кўп йиғламоқни оқликға сабаб бўлмоғининг важҳи шулки, кўп йиғламоқдин табақайи инабийянинг рутубати таҳлилға кетуб, анга қуруғлик галаба қилур. Бинобарин ранги оқарур. Ва буни мисоли хориждаги гиёҳлардурки, агар рутубати табиийялари қуруб камайса, рангларидин сабзлик зоил бўлуб қолур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, агар аввалан изолаи сабаб лозимдур, яъни ҳатта-л-имкон йиғлатмаслик ва офтобға зинҳор болани яқин келтирмаслик лозимдур. Ва нури ўткир нимарсалар, масалан, равшан ёнғин ва катта чироқ ва катта олов ва офтобға муқобил турғон оинанинг шуъоъи ва янги ёққан қор каби ўткир ва равшанликларға қаратмоқдин эҳтироз вожибдурки, ҳаммаси ҳам муҳаллили рутубатдур. Сўнгра кўзға рутубат еткурмоқ тадбири учун итузумнинг сувидин кўзнинг ичиға ҳар куни неча бор томузуб турмоқ ва симобнинг

елимидин бир миқдор олуб, анга түрт ҳисса набот кўшуб, ҳар иккисини бағоят мулойим бўлгунча эзуб, андин ҳар кун кўзга сурма қилиб тортмоқ кўз оқини зоил қилур. Хусусан агар сабаби кўп йиғлаганлик бўлмай, бошқа сабабдин бўлса, ани тез зоил қилур.

СУЛОҚ, ЯЪНИ КЎЗ ПИЛКИНИ ЙЎҒОН БЎЛМОҒИ

Урфда ани шилпуқ дерлар. Ва бу касал ҳам болаларга аксар кўп йиғлагондин ориз бўлур. Ва иложи ҳам кўзга итузумнинг сувини томузмоқ ва анга латтани ҳўллаб, кўзнинг устига ёпмоқдур ва ҳатта-л-имкон йиғлатмаслик лозимдур. Ва сабаби кўп йиғламоқ бўлмай, балки бошқа сабабдин бўлуб, анга итузум фоида беролмаса ва бақувватроқ иложга ҳожат бўлса, ул тақдирда ҳар сабоҳ аввал иссиқ сийдук бирлан кўзни ювмоқ, сўнгра итузуми боғламоқ лозимдур.

АЛ-ҲАВАЛ, ЯЪНИ ФИЛАЙ

Ба фатҳи ҳои муҳмала ва вов ва сукуни лом, бамаънойи кажбинки, урфда ани филиай дерлар, яъни кўз ўзига муқобил турган нуқтадаги нимарсани кўролмас, балки бошқа тарафга андак моил бўлса сўнгра кўрар. Ва бу касалнинг лозимасидурки, бир адад нимарсани икки адад кўрар. Зероки кўринган нимарсани ҳар бир кўз бошқа-бошқа кўруб, ани сувратини ўзига жазб қилуб, акс олур. Ва ҳар бир кўз ўзида ҳосил қилгон сувратини илдизи бўлгон асаби мужаввафа воситаси бирлан мажмаъу-н-нурайнга топширар, яъни акс берар. Ва мажмаъу-н-нурайн ҳам ўзида ҳосил бўлгон сувратдин миянинг аввалида ва кўзга яқин бўлгон ҳисси муштаракга акс берарки, кўрмоқ шундин иборатдур.

Ва ҳар икки кўзнинг илдизи бўлгон асаби мужаввафаси кўздин ўсуб, кўз устихонидин ўтгандин сўнг, бир-бирига тақотуъ қилгон шаклда бирлашиб, сўнгра яна ажрашиб, бир-бирлари ҳисси муштаракга рост ва чап тарафдин муттасил бўлгондур. Ва ҳар икки асаби мужаввафани жавфлари ҳам маҳалли тақотуъда бирлашганларки, шул жойнинг номи мажмаъу-н-нурайндур. Чунки ҳар кўзнинг нури ҳам шул жойда бирлашур. Ва ҳар кўз кўрган нимарсасидин ўзига ҳосил қилгон

сувратидин бергон акси мажмаъу-н-нурайнда бир нуқтада жамъ бўлғони учун ҳар икки кўзда берилгон акс бир нуқтада биргина суврат бўлуб тушар. Ва андин акс олгон ҳисси муштаракгина акс олиб, зоҳирда кўринган бир нимарсанинг ададини эҳсосда ҳам бир адад кўрур. Ва мажмаъу-н-нурайнинг фойдаси шулдур. Ва зиёда тафсили кўз ташриҳида зикр қилинди.

Аммо ғилай бўлгон кишининг кўзи эгри ва бир тарафга моил бўлғони учун кўрган нимарсасидин мажмаъу-н-нурайнга берган акс ҳам бир тарафга моил бўлур. Бас, ҳар кўздин берилган акс бир нуқтага жамъ бўлолмай, икки нуқтага икки акс ҳосил бўлғони учун ҳисси муштарак ҳам андин икки акс эҳсос қилур. Ва бу касалнинг ёш болаларга ҳодис бўлмоғи учун кўпроқ сабаби саръ касали ҳодис бўлур, андин аъзога бўлгон ташаннужи сабабдин кўз бир тарафга моил тортилуб қолгон бўлур ёки узоқ вақтгача бир тараф ёнини босиб ётуб, сут эмишга таважжуҳ қилғони учун кўз томурлари шул тарафга чўзилуб қолгондин ҳодис бўлур. Ва ё бир тарафга узоқ вақтгача таажжублануб қараб тургонликдин ва ё бола бир қаттиқ овозни эшитуб, чучуб ҳаракатга кириб, овоз келгон тарафга дафъатан тез қараб узоқ-узоқ вақтгача шул ҳолда туруб қолгонидин ва бунга ўхшаш кўзни бир тарафга жалби назарни ҳам узоқ вақтгача ўзига жалб қилғувчи нимарсалар сабаби бирлан ҳодис бўлур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, ёш болаларнинг аъзолари бағоят нозикдурки, ҳар қаю ҳайъатга қобилдур. Лекин ўзлари онан фа-онан камолот ва салобат ҳосил қилуб маҳкамлашмоқдадур. Бинобарин бу касалга ҳеч ихмолни раво кўрмай, тезлик бирлан тадбир қилмоқ лозимдур. Токи ўзлари шу ҳолича салобот ва истеҳком ҳосил қилмоғидин бурунги қобили салоҳ вақтда ислоҳ қилмоқ лозим. Ва вақти ғаниматдур. Ва буни ислоҳи тадбири шулки, боланинг кўзи моил бўлгон тарафининг муҳолиф тарафига ва кўзга яқин жойга бир қизил нимарсани осиб қўймоқ лозимдур. Токи бола би-т-табъ қизил ранглик нимарсани кўрмоқга роғиблигидин бу осилгон нимарсани

кўрмоқга дам бадам таважжуҳи бўлуб, шул мухолиф тарафга қарамоғи боиси ислоҳ бўлур.

Ва яна бир тадбир шулки, боланинг кўзи устига бир парда ёпуб, тепадин бир кичик тешук очуб, шул тешукни гилай кўзининг мухолиф тарафига моилроқ ёпмоқ ва шул тарафга бир чироқ ёқиб кўймоқ керак. Токи бола мазкур тешукдин чироқ тарафга назар қилуб кўпроқ таважжуҳ қилгай. Ва таважжуҳи мухолиф тарафга кўпроқ бўлмоғи боиси ислоҳ бўлгай. Чунончи лақва бўлгон киши чиннидин ёки мис асбобдин ўз аксини кўрмоқга қилгон назари ва анга таважжуҳи ислоҳ бўлғони кабидур.

Ва эмизғувчига латиф ва тез ҳазм бўладургон таомлардин бермоқни ва бухоротангиз таомлардин ва жимоьдин парҳезни вожиб билмоқ керак.

ИЛТИСОҚУ-Л-ЖАФН, ЯЪНИ КЎЗНИНГ ПИЛКИ УЙҚУДА БИР-БИРИГА ЁПИШМОҒИ

Ва маълумдурки, ёш болаларга фоидалик бўлгон табиий уйқуларида ҳам фи-л-жумла кўз милклари ҳам бир-бирига ёпишмоғи табиийдурки, эътибордин соқитдур. Зероки аларнинг мизожлари серрутубат бўлғони учун кўзлари ва милкларида ҳам рутубат кўпроқ бўлур. Ва уйқуда кўз юмилғони сабабдин таҳлил топмай маҳбус қолгон рутубат хориждин ҳавонинг таъсири ва дохилдин ҳароратнинг таъсири бирлан ғализ бўлур. Ва милкнинг бир-бирига андак ёпишмоғига васила бўлур. Аммо бу миқдорнинг кўпроқ ва чиркликроқ ёпишса, бу ҳолат рамаднинг муқаддимасидур.

ИЛОЖ. Боядки ҳар сабоҳ кўзини иссиқ сийдук бирлан ювгай ва сўнггидин сурмайи исфаҳонийдин кўзига тортгай ва ани ихрожига тўтиёи кирмонийни ювуб эзуб, қуритилғонидин суртгай. Ва боланинг кўзига гарду губор етмоғидин ва бурнига пиёзни ва ҳўл ёнғоқни ва ҳар навъ қовунларни ва тамокуни ҳиди кирмоғидин эҳтиёт бирлан муҳофазат қилгай. Ва агар газ, яъни арча дарахтини чўпини куйдуруб, дудини кўзига сурма қилуб тортилса, кўздин ва бурундин сув келтируб, фоида қилур.

ЗАРҚА, ЯЪНИ КЎЗНИНГ КЎКЛИГИ

Бас, агар бу ранг ато ва анодин мерос бўлса илож йўқдур. Зероки боланинг вужуди моддаси бўлгон нутфа ато ва анонинг ҳамма аъзосининг қонидин ҳосил бўлгон ва бола бўлмоқда ҳам ато ва анонинг қаю узвидин келгон бўлса, болада ҳам шул узви учун масруф бўлур. Бинобарин боланинг шакли ато ва анонинг шаклига фи-л-жумла монандроқ бўлур. Бас, ато ёки анонинг кўзи кўк бўлса, анда ҳосил бўлгон қон ва маний ҳам шул кўз бирлан ҳамжинс бўлур ва ул моддадин ҳосил бўлгон боланинг кўзи ҳам шул рангда бўлмоғи лозимдурки, бу ранг бола учун ранги табиийдур. Бас, асл модданинг ранги табиийси тадбир таъсири бирлан қобили тағаййур бўлмас. Ва агар ато ва анодин мерос бўлмай, бошқа сабабдин ориз бўлса, анга илож қилмоқ мумкиндур.

Илож шулки, боланинг таваллудидин кўп узоқ ўтмаган ва чилла ичида мушк ва заъфароннинг ҳар иккисидин баробар миқдор олуб, бир-бирига қўшуб эзуб, гўё ундек майда қилуб, сўнгра милни анга олуда қилуб кўзга тортмоқ керак. Ва агар ани боланинг аносини сутига қоруб кўзига тортулса яхшироқ бўлур. Ва яна мумдин бир фатиламонанд кичик шийофча қилуб, ани мазкур мушк ва заъфаронга булғаб, ҳар ҳафтада икки бор кўзнинг ичиға тортилса кўп фоида қилур. Ва боланинг чилласи чиққандин сўнг агар кўзида кўклик асаридин боқий бўлса, ани ўз ҳолиға қўймоқ раводурки, батадриж худ-бахуд зоил бўлур. Ва агар боланинг кўзида кўклиги андак бўлса, аксар вақт катта бўлғонида худ-бахуд зоил ҳам бўлур. Ва баъзиси агар илож қилинмаса зоил бўлмай ҳам қолур. Бинобарин кўки андак бўлгон тақдирда ҳам муолажа қилмоқ афзалдур.

Ва агар мазкур бўлгон даволар кифоя қилолмай бўлардин бақувватроқ давоға ҳожат бўлса ва ё чилла ичида даво қилинмоғон бўлуб, сўнгроқ даво қилинмоқ бўлса, ул тақдирда лозимдурки, садафни куйдируб, кўмир қилуб, сўнгра зайт ёғи бирлан эзуб, боланинг бошидаги торик устихонини тешук каби юмшоқ жойиға суртмоқ керак. Ва ҳар кун такроран суртилса фоида қилур. Ва итузумининг шираси ва ширин анор

пўстининг ширасидин кўзга тортуб, ўртада бир ё икки кун ўткариб, яна бир тортуб, шул тариқа ўртада муҳлат бирлан давом қилинса нафъ қилур. Лекин муҳлатсиз давоми жоиз эрмас. Ва инчунин сурма ва заъфарон ва мушкни гулоб бирлан эзуб кўзга тортмоқ ҳам нафъ қилур.

Ва баъзи атиббо дебдурларки, агар милни ҳўл ҳанзалға сукуб, сўнгра суғуруб олуб, мазкур милни ҳўл ҳолида кўзга тортулса кўп нафъ қилур ва мужарабдур, дерлар. Бас, агар бун истеъмол қилмоқ лозим бўлса, эҳтиёт учун милни суғуруб олгондин сўнг аввал бир бора милни панжа учи бирлан силамоқ лозимдур, токи ҳанзалнинг тухми ва ё бошқа дурушт аъзоларидин милға ёпишуб чиққан бўлса, андин пок бўлғай ва кўз пардасини тирнаб зарар қилмағай. Ва яна ушбу сурма ажаб таъсирликдурки, сурмаи исфаҳоний уч дирам, заъфарон ва тешилмаган марварид ҳар биридин бир дирам, мушк ва кофур ҳар биридин бир дирамнинг олти ҳиссадин бир ҳиссаси ва зайт чироғининг дуди икки дирам мажмуини бағоят эзуб, бир ҳафтада уч-тўрт бор кўзга тортилса, кўзнинг кўкининг зоил қилмоқда ажиб ул-асардур.

ИХТИБОСУ-Ш-ШАЙЪ ФИ МАЖРА-Л-АНФ, ЯЪНИ БУРУН ТЕШУГИДА БИР НИМАРСА ҚАМАЛУБ ҚОЛМОҒИ

Билмоқ керакки, аксар воқеъ бўлурки, бола физо ютар вақтида йўтал ё акса ёки бошқа бир ҳаракат ҳам воқеъ бўлурки, анинг сабаби бирлан оғиздин ҳалққа боргон физодин бир миқдори ҳалқдин мундафиъ бўлуб, бурун йўлиға отилиб чиқар ва ул йўлда тўхтаб қолур ва бола ани таханнух бирлан дафъ қилмоққа қодир бўлолмас. Ва агар ҳануз тили чиқмагон бўлса, ҳолини баён қилмоқдин ҳам ожиз бўлур. Сўнгра ул физо уфунат пайдо қилур ва андин бухорот чиқиб мияға зарар берур. Ва болаға доимий кўрқинч ва мутаваҳҳиш ҳолати ориз бўлур ва бадхўйлик ва беадаблик ҳаракатлари андин содир бўла бошлар. Ва физо ва бошқа ўйин ва сўзларда майли кам бўлур. Ва рангда содиқлик ва камкувватлик ва уйқусизлик ва баданда оғруғлик пайдо бўлур. Ва баъзи бола камоли ваҳшатдин мулојим иситма

хам пайдо бўлур. Ва бунинг аломати шулки, гизо қилгон тараф бурнидин танаффусда ҳаво чиқмас. Ва агар ҳар икки тарафга гизо тиқилгон бўлса мутлақо бурнидин нафаси чиқмай, оғзидин дам олур. Ва гунналик овозга ҳаргиз қодир бўлмас ва банд тараф бурнидин ҳаргиз рутубат келмас. Ва ҳар замон шул тараф бурнига қўл юборуб ишқалаб турмоғи ҳам гувоҳлик берур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, боланинг бурнини ҳам зоҳир тарафдин ва ҳам ичкари тарафдин ёғлаб турмоқ лозимдур. Ё андин оқ мум ҳам қўшиб эритилгон ёғ бўлса яна яхшироқдур, токи ёғни таҳлил топиб тез қуриб кетмоғига мум монёъ бўлуб турар. Ва ухлатмоқда болани орқасини бостириб осмонга қаратиб ётқизмоқ керак. Ва ухлагон вақтида банд бўлгон тараф бурнига неча қатра ёғ томизмоқ керак. Ва уйғотгандин сўнг акса келтирадигон даволардин ани бурнига тутиб акса келтирмоқ керак. Токи банд бўлгон гизо акса бирлан хориж бўлғай. Ва агар бу даво ҳам кифоя қилмаса ва ё ҳар икки тараф бурни банд бўлуб, ул давони ҳидлатмоқ мумкин бўлмаса, болани осмонга қаратиб ётқузуб бир киши ўз оғзини боланинг банд тараф бурнига қўйиб туриб, бола ичига дам олмоғига баробар маҳкам пуфлағай. Токи банд бўлгон гизо ичкари тараф мундафиъ бўлмоқ учун жойидин қўзгалғай. Ва сўнгра бевосита бола нафасини хориж тарафга чиқармоғига баробар ани очиқ бурнига аввалғидин ҳам қаттиқроқ пуфлағай, токи анинг дами ҳам боланинг нафаси бирлан ул банд нимарса хориж бўлғай.

Ва аксар мумкин бўлурки, боланинг бурнини ёғлагандин сўнг очиқ тараф бурнини беркутилса нафас олмоқ учун ночор бола оғзини очар. Ва шул вақтда дарҳол банд тараф бурнидин маҳкам пуфланса, банд бўлгон гизо яна ҳалқ тарафга мундафиъ бўлуб, оғзидин чиқар. Лекин хотирдин фаромуш қилинмасинки, банд тараф бурнидин пуфламоқ вақти албатта бола нафасини хорижга чиқармоқ вақтига баробар бўлсин, токи нафасини ичига тортган вақтига иттифоқ келиб, мундафиъ бўлгон нимарса ҳалқдин нафас бирлан кекирдак тараф-

га кетиб, болани қорикмоғи кулфатидин эмин бўлсин. Ва кўп жойда кўрилдики, ушбу иллатга мубтало бўлгон бола иситма чиқарур эрди ва ҳеч даво бирлан иситмасини таскини мумкин бўлмоғон эрди. Бас вақтики касалнинг сабабини таҳқиқ қилиниб бурнига гизо тикилғони маълум бўлғонидин сўнг мазкур тадбирларнинг ижросидин сўнг боланинг бурнидин биринж ёки нахўд ё анор дона каби нимарса сасиғон ҳолда хориж бўлур эрди. Боланинг иситмаси ҳам хўд-бахўд тўхтади. Бас, таом танаввул қилмоқға одатлангон боланинг касалини таҳқиқ қилмоқда шул маъниллардин ҳам гофил бўлмаслик лозимдур.

Ва боланинг ўзи зоҳир тарафдин бир нимарсани бурнига суқиб қўйгон бўлса ҳам агар ул нимарса ани қўл ёки мўйчинак каби асбоб бирлан олмоқ мумкин даражада кўриниб тургон бўлса ҳеч вақтни кечиктурмай дарҳол олмоқ лозимдур. Агар олмоқ мумкин бўлмаса мазкур тадбирлардин муносибини истемол қилмоқ лозимдур. Агар буруннинг ўз рутубати бўлгон чирк бурун ичида қотиб қолиб, бурунни банд қилгон бўлса бурнига сут соғдирмоқ лозим бўлурки, қотган хилтни тез ивитиб кўчирмоқда ажиб ул асардур. Ва яна сиҳҳатлик ҳолида ва ҳам бурнини пайваста поклаб артиб турмоқ кўп зарурдур.

АЛ-ҚУЛЛОЪ, ЯЪНИ ОФИЗНИНГ ЯРАСИ

Билмоқ керакки, ёш боланинг офизлари ва тилларининг териси бағоят нозик бўлур, ҳаттоки эмчакга тегмоқ ва ани сўрмоқға ҳам нозиклигидин таҳаммул қилолмас. Ва яна эмган сутларининг моияти ва жилоси ҳам анинг терисини заифланмоғиға доим иъонат қилиб турар, хусусан эмчак сути солиҳ бўлмаса зиёдароқ таъсир қилур. Ва шул сабаб бирлан боланинг оғзида ва тилида майда яралар пайдо бўлур. Бас, агар бу яра беуфунат бўлса номини қуллоъ дерлар, би замми қоф ва агар уфунатли бўлса номини окила дерларки, турк истилоҳида ел дерлар. Ва бу яранинг ҳаммадин ёмонроғи кўмир ранглик қора бўлур. Ва номини фаҳмий дерларки, аксар қотил бўлур. Ва ҳаммадин енгилроғининг ранги сут каби оқ бўлурки, номини

лабаний дерлар. Ва хатарлик навъи ила енгил кам зарар ила енгил навъининг ўртасида миёна даражалик ранг тариф ранглик сариғ бўлурки, ани номини духний дерлар. Ва би-л-жумла бу яраларни қаю хилтни ғалабаси бирлан ҳодис бўлгонлигини ўз рангидин истидлол қилмоқ мумкиндур.

ИЛОЖИ. Билмоқ керакки, катта одамларнинг қуллоъ касалида баён қилингон даволардин камқувватроқлари бирлан эмизғувчини ва болани мўътадил қилмоқ учун ғолиб хилтга муносибларини истеъмол қилмоқ раводур. Ва яна болаларнинг қуллоъи учун ушбу нимарсалар фоида қилурки, куруқ бинафшани тапҳо майда янчиб сепилса ҳамма навъ қуллоъга нафъ қилур. Ва мазкурға андақ қизил гул ҳам қўшилса яхшироқ бўлур. Ва балғамий қуллоъ учун бинафшаға андақ заъфарон ҳам қўшмоқ керак. Ва коҳунинг ва итузумининг суви ва семиз ўтнинг сувини ҳар биридин суртмоқ қуллоъи дамавий ва сафровий ва савдовийларга нафъ қилур. Ва агар бақувватроқ давога ҳожат бўлса сучукмиянинг иллизини эгов бирлан майдалаб, яна янчиб хўп майда қилиб янчмоқ, сўнгра қуллоъга сепмоқ керак. Ва ушбу даво қуллоънинг зўрроғиға ва милкнинг ярасиға, хусусан балғамий навъиға нафъ қилур. Мурр, мозу, қушури кундур - ҳар учовини баробар олиб, кўп майда қилиб, асалга қориб суртилур. Ва аксар вақтда шохтутнинг суви ёки қивомини суртмоқ кифоя қилур, хусусан қуллоъи дамавий ва сафровийға кўп нафъ қилур.

Ва агар мумкин бўлса, аввал боланинг оғзини асалдин бўлгон шаробға ёки асал шарбатига чайқаб, сўнгидин мазкур даволарни истеъмол қилинса зўр таъсир қилур. Ва агар булардин ҳам бақувватроқ давога ҳожат бўлса ушбу давони қилинсинки, анорнинг иллизининг пўсти, жулнор, сумоқ - ҳар бири олти дирамдин, мозу тўрт дирамдин, куйдирилган аччиқтош икки дирам - ҳаммасини салоя қилиб хўб майдалаб туйиб сепилур. Ва аксар мумкиндурки, арпани то жигарранг бўлғунча қовуриб, сўнгра уйқу вақтида қуллоъга сепилса ва агар бола ани ютиб юборса, яна бошқани сепилса шул ҳам кифоя қилур. Ва қуллоъни зоил қилур. Ва янтоқ шакарини

салоя қилиб сепмоқ ҳам инчунун нафъ қилур, ҳаттоки янтоқ шакарини кечаси сепилғон бўлса тонг вақтигача нафъи зоил бўлур. Ва агар қуллоъ қоннинг ғалабасидин бўлуб, анга даводек ҳеч нафъ ҳосил бўлмаса, сўнгра ночор қортуқ қўймоқ ва зулу солмоқ бирлан бақадри ҳожат қон чиқармоқ зарур бўлур.

ЛАЗЪУ-Л-ЛИСА, ЯЪНИ ТИШ МИЛКИНИНГ КУЙИНИБ ОҒРИМОҒИ

Билмоқ керакки, аксар тиш чиқарға яқин вақтда милкға иссиқ модданинг келмоғи сабабдин ва ё бошқа модда, чунончи шўр балғамни шул маҳалға қўйилмоғи сабабдин милкға куйишмоқ ва оғриқ пайдо бўлур. Ва аломати шулки, бола ғизони тановулиға моил бўлур, лекин оғзиға солинғон таом андак иссиқроқ бўлса ва ё андак ғализроқ бўлса ани чиқариб ташламоққа тақозо қилур. Ва андак иссиқ таом тегса милкни куйдирғон каби сезилур. Ва агар ғализроқ таом тегса гўё қаттиқ нимарса каби милкнинг оғриғи зиёда қилур. Ва агар бола совуқ ҳавоға оғзи бирлан нафас олса роҳатланур. Ва совуқ сув ичса ҳам роҳатланур ва совуқ таомға беозор ва бемалол роғиб бўлур.

ИЛОЖИ. Ёғ ва мумдин фатилаға суртиб, сўнгра оловға тутиб, фатилани иситуб, милкға босмоқ керак, токи ёғ ва мум милкни мулойим қилуб, масомларини очғай ва ани иссиқлиғи моддаи касални эритиб таҳлил берғай.

АВРОМУ-Л-ЛИСА, ЯЪНИ МИЛКНИНГ ШИШМОҒИ

Билмоқ керакки, тиш чиқар вақтида муқаррардурки, милкда шиш пайдо бўлур ва алам ва озор ҳодис бўлур. Зероки тиш ёриб чиқмоғи учун милк ёрилмоғи ва милк ажзоси бир-биридин ажраб йиртилмоғи лозимдур. Ва шул сабаб бирлан милкда алам заифлик пайдо бўлурки, булар шишға боис бўладурғон модданинг нузулиға ва ани ночор милк қабул қилмоғиға боис бўлур, хусусан милк мияға яқин жойда бўлмоғи ва боланинг мияси серрутубат бўлуб, ўзиға зиёдалиқ қилғон рутубатни яқин атрофиға дафъ қилиб турмоқ миянинг шаъни ва табиий одатидур. Ва шунинг учун аксар шиш кўпайғон вақтида

юқори ва паст жағда соқол чиқадурғон жойнинг атрофигача ориз бўлур ва ташаннуж пайдо бўлур.

ИЛОЖИ. Қачонки милкда шиш пайдо бўлса анга қўл панжасини қўйиб оҳиста-оҳиста босмоқ ва тишни тезроқ ёриб чиқмоғи учун фоидаи куллиядин юқорида фоидаи парвариши атфол ва анботи аснонда зикр қилинғон ёғлар, масалан, қўйнинг мияси ва товуқнинг чарбиси кабилардин милкға суртиб турмоқ керак. Ва асални бобуна ёғига қориштириб суртмоқ ёки асалға сақич қўшуб эритиб, кўп мухталит қилинғон бўлса андин суртиб турмоқ лозимдур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, милкни ёглаб турмоқнинг ҳикмати милкни юмшатмоқ ва масомларини очмоқ ва моддани юмшатиб таҳлил бермоқдур, токи таҳлил бирлан камайиб турғай ва милк юмшоқ масомлари очилғай, масомлари очилмоғи тишни осонроқ чиқмоғига ёрдам бўлғай. Ва агар бобуна ва ё шибитни қайнатиб сувини бир обдастаға солиб, иссиқроқ ҳолида ани жўмрагидин боланинг бошиға шилдиратиб қўйиб турилса, милкға яқин аъзодаги моддалар ҳам таҳлил топиб, милкнинг шиши тезроқ зоил бўлур. Ва милкни панжа бирлан оҳиста босмоқни нафъи шулки, андак модда эзилмоқ бирлан суюлиб таҳлил топғай ва маҳкам босмоқнинг мамнуълигини нафъи шулки, милк озор топса, озори янада зиёда шишмоққа боис бўлғай, ҳам тиш моддаси келғон бўлса маҳкам босилмоқ сабаби бирлан яна мундафиъ бўлуб, асли мақсуд бўлғон тиш чиқмоғи яна кечикмоғига сабаб бўлмағай.

Ва шишни қайтарадурғон давони милкға зинҳор қўйилмағай, зероки шишнинг моддаси миядин мундафиъ бўлғон рутубати фазлийядурки, агар милкдин қайтарилса дафъи вожиб бўлғон мияга қайтиб, мияда тўхтаб қолмоғидин кўп зўр офатлар ҳодис бўлмоқ хавфи бордур. Ва ё мияга қайтмаса ночор ичға ва ё кўкрак аъзосига мундафиъ бўлса аввалғи эҳтимолдин баттар офатлар ҳодис бўлмоғи шубҳасиз ва муқаррардур.

Ва яна шиш албатта ҳароратлик бўлур ва ани қайтарадурган даво албатта совуғ бўлур ва ҳароратни таскин қилмоқ бирлан

моддани рад қилур. Ва оғиз ва анинг атрофидаги узвлар ҳаммаси асабий ва пай узвлардурки, пайнинг асл мижози совуғдур. Бас, агар яна совуқ ҳаводин асарланса пай зарарланур, хусусан би-л-фeyл совуқдин кўп зарарланур. Ва яна шубҳа йўқдурки, қайтарадурғон даво милкни қотирар ва тишни ёриб чиқмоғига моний бўлурки, бу маъний хилофи мақсуд ва зоҳир уз-зарурдур. Ва тишни тезроқ чиқармоқ тадбирлари шул мабҳаснинг фоидаи куллиясини аввалида мазкур бўлдики, андин қадри ҳожатини олиб истеъмол қилмоқ сазовордур.

ВАРАМУ-Л-ҲАЛҚ, ЯЪНИ ҲАЛҚНИНГ ШИШМОҒИ

Билмоқ керакки, ўргач бирлан оғизнинг миёнасида шиш кўпроқ ориз бўлур. Ва бир нимарсани ютмоқ хийли қийин бўлур ва гоҳи бу шиш кўп узлаларға ва орқанинг муҳр устихонланининг узлалариға ва гардан остида ҳар жонибдаги узлаларғача таралур. Ва бу шиш аксар синни тараъруьда, яъни жасаднинг ўсув даврида кўпроқ ориз бўлур. Зероки бу ёшда ҳарорат ўткур бўлур ва мядаги рутубатни эритиб паст тарафға сайлон қилдиар.

ИЛОЖИ шулки, ҳўқна қилмоқ ва анга муносиб давоий мулайинлардин кўшуб, табиатни равон қилмоқ ва сўнгра шоҳтутнинг сувидин дам-бадам андак-андак ичиб турмоқ ва шунинг бирлан фарғара қилиб турмоқ кифоя қилур. Ва гоҳи сумоқнинг янчиб, пўстини оғизға солиб, анинг таъми бирлан оғизда ҳосил бўлғон сув бирлан фарғара қилмоққа ҳожат ҳам бўлурки, бунинг таъсири шоҳтутға назаран бақувватдур.

АВРОМУ-Л-ЛУЗАТАЙН (ИККИ БОДОМСИМОН БЕЗНИНГ ШИШИ)

Яъни ҳалқда ва тил иллизини икки жонибида бўлғон икки пора гўштнинг шишмоғидур. Ва бу шиш аксар вақт мядин мундафиъ бўлғон балғамдин пайдо бўлурки, мядин шул жойға тушган бўлур. Ва аксар мяянинг ҳарорати сабабидин ҳам ҳодис бўлурки, бу ҳарорат мяянинг рутубатини эритиб батариқай назла шул гўштға тушар. Ва анинг аломати шулки, боланинг эмчак сўрмоғи ва сутни ютмоғи қийин бўлур. Ва сабабининг аломатлари борҳо мазкур бўлғондурки, балғам аломатлари ва ё ҳарорат асори зоҳир бўлур, албатта.

ИЛОЖ. Агар балғамдин ҳодис бўлса варам ул-ҳалқда зикр қилинғон тадбир ва даволарни истеъмол қилинғай. Ва эмизғувчини балғамафзо нимарсалардин парҳез қилдурғай. Ва яна бир панжани асалға олуда қилиб, сўнгра анга аччиқтош ҳам майдалаб сепиб, мазкур панжа бирлан шишни молиш қилмоқ лозимдур, токи аччиқтошнинг таъми бирлан ул шишдин кўпроқ сўлак оқсунки, кўп нафъ қилур. Ва агар модда кўп бўлса ва шиш ҳануз боқий бўлса уч кундин сўнг оғизға қўл суқуб, панжанинг учи бирлан шишни маҳкам босмоқ лозим бўлур, токи моддаи хилт босилиб, атрофға мундафиъ бўлғай. Ва агар ҳарорат сабабидин пайдо бўлғон бўлса бошни торикиға ва устихонни юмшоқ жойиға совуқ нимарса суртмоқ лозимдур, токи рутубатнинг сайлониға сабаб бўлғон ҳарорат зоил бўлғай, чунончи қабоқ ва ё бодрингни қириб бошға зимод қилмоқ ва ёки анинг сувиға латта хўллаб ёпмоқ ва ё ҳинонинг барги ва ё талханинг барги ва ё хўл кашниз ва ё итузумини янчиб зимод қилмоқ ёки сувини олиб латта хўллаб ёпмоқ - ҳаммаси нафъ қилур. Ва агар даво бақувват бўлмоғи лозим бўлса ушбуларға сирка ҳам қўшилса бағоят тез таъсир қилур, лекин бошқалари бирлан мурад ҳосил бўлмоғи мумкин бўлса сирка қўшмоқ сазовор эрмас. Бас, ушбулар бирлан ҳарорат таскин топғондин сўнг шишнинг дафъи учун мазкур бўлғон тадбирлардин баҳасби ҳожат истеъмол қилинур.

ИСТИРХОУ-Л-ЛАҲОТ (ЛАКЛУКНИНГ БЎШАШУВИ)

Яъни лаклукни сушт бўлуб, паст тарафға чўзилиб ўсуб тушмоғидур. Ва буни боланинг оғзини каттароқ очиб кўрмоқ ҳам мумкиндур. Ва бу касал баъзи вақтда йўталға ҳам сабаб бўлур.

ИЛОЖИ. Андақ қобизроқ нимарсадин суртмоқ бирлан лаклукнинг сустиги зоил бўлуб, қувват ҳосил қилур, сўнгра юқориға яна тортилуб, асл ҳолатиға авд қилур, масалан, аччиқ тошни майда эзиб ёғ ёки асалға қориб мазкурдин лаклукта суртмоқ кифоя қилур. Ва сўнгтидин янадин рутубат тушуб, ани сушт қилмаслиги учун мозуни майда эзиб, сиркаға қоруб

ёки нашоастани сиркага қориб бошнинг торикига суртмоқ нафъ қилур.

АС-СУЪОЛ, ЯЪНИ ЙЎТАЛ

Билмоқ керакки, ёш болаларга ориз бўлгон йўтал тўрт навъ бўлур. Ва биринчи навъи шулки, боланинг халқиға нафас воситаси бирлан тутун кируб ўрнагон бўлур. Бас ани дафъи учун ўпка ҳаракат қилуб йўталиб турар.

ИЛОЖ. Набот ва шакар ва таранжубин ва асаллардин қаю бири муяссар бўлса болаға бермоқ керак. Ва аксар болаға худ сут эмишнинг ўзи ҳам дудни изоласиға кифоя қилиб, бошқа давоға ҳожат қолдирмас. Ва иккинчи навъи шулки, нафас воситаси бирлан гард ва губор халққа бориб ёпишгон сабабиндин бўлур.

ИЛОЖ. Ҳалқни ва сийнани муносиб ёғлар билан ёғлаб турмоқ ва серёғ таом едирмоқ ва агар бола қодир бўлса сут билан фарғара қилдирмоқ керак. Ва бола учун ёғларнинг муносиброғи сариф ёғ ва маска ёғидур. Ва агар сарифёғ бирлан қизил пиёздин пиёздоғ қилиб едурса кўп нафъ қилур.

Ва учинчи навъи кекирдакни қуримоғи сабабиндин пайдо бўлур. Ва аломати дуд ва губордин холий бўлатуриб қуруқ йўталмоқ ва ҳеч нимарса кўчмасликдур.

ИЛОЖ. Бунга ҳам халқ ва сийнани мазкур ёғлар билан ёғламоқ, хусусан мум ёғидин андак-андак ялатиб турмоқ ва беҳдонанинг ширасига набот қўшиб ялатмоқ ва яна хоҳ гизо жинсидин рутубатафзо нимарсани бермоқ муносибдур. Ва қобокни кўпроқ едурмоқ кўп нафъ қилур. Ва испағул ширасидин ялатмоқ ҳам нафъдур. Ва агар бу қуруқликға сабаб сафро ғалабасини ҳарорати бўлса, шоҳтутнинг суви ва ё олучанинг суви ёки қивоми, яъни чилпокидин андакни физодин аввал бермоқ керак. Ва сўнгра гизо бермоқ керак. Ва сут эмизмай гизо бирлан тарбия қилмоқ зарурдурки, сафронинг ҳарорати меъдада сутни фосид қилур. Хусусан шоҳтут ва олуча бирлан сутни жамъ қилмоқда сут шубҳасиз фосид бўлурки, сут нордонға қўшилса албатта фосид бўлур. Ва эмузғувчи ҳам сафрони дафъ қиладургон совуқ ва ҳўл мизожли физолардин тановул

қилғай. Ва сафроси ғолиб бўлуб, тадбири ғизо кифоя қилмаслик даражада бўлса, танқияи сафро ҳам қилмоқлик муносибдур.

Ва тўртинчи навъи рутубатнинг кўплигининг ҳосил бўлур. Ва бу навъ йўтал гудакларга кўп воқеъ бўлуб турарки, алар мартуб мижоздурлар. Ва яна аксар вақт тумов ва назла аралаш воқеъ бўлур. Шунинг учун жумҳури атиббо болалар касали қаторида фақат ушбу навъ йўталнигина тумов бирлан қўшуб, бир жойда зикр қилғондурлар. Ва бошқа навъини зикр қилмоғондурлар.

Ва бу навъ йўталнинг аломати шулки, агар тумов аралаш бўлса, бурнидин рутубат келиб турар ва миядин тушган рутубатнинг баъзи қисми бурунға келса ҳам, яна баъзи қисми ҳалқ тарафға тушар. Бунинг учун боладин гоҳи бир нимарсани ютғонлик ҳаракати ҳам сезилиб турар. Ва агар йўтали тумовсиз бўлса, рутубат ғалабасини бошға осори зоҳир бўлур.

ИЛОЖ. Агар йўтали назла ва тумовсиз бўлса, аввало моддани пишурмоқ учун чилонжийда ва бинафша ва сучук миянинг илдизи ва говзабон ва парсиёвишон ва зуфо ва тухумдин пок қилинғон майиз - ушбуларнинг мажмуъини қўшуб қайнатиб ичирмоқ керак. Ва уч кундин сўнг агар қабзият бўлса, мазкур давоға фулуси хиёршанбар ҳам қўшиб, табиатни мулойим қилмоқ керак. Ва агар фулус амал қилмаса ва ё ани бола ичмаса, санонинг баргидин қўшиб қайнатмоқ ҳам раво бўлур. Ва кўкрагини то ҳалқиғача бодом ёғи бирлан мумдан мураккаб бўлғон қийрутидин суртиб турмоқ лозимдур. Ва қўйнинг тивити, яъни мулойим юнгининг бир миқдорини олиб, арча ёғочиға ёпиб, дудиға тутиб турмоқ керак. Токи юнға дуд хўб ўрнағай. Сўнгра ул юнгни боланинг кўкрағиға доимо ўраб боғлаб қўйғай. Бир кечаю кундўзда бир неча бор яна мазкур юнгни бошқа арча ёғиб, ани дудиға тутиб, дудни янгилаб турмоқ лозимдур. Ва кечаси, хусусан саҳар вақтларида бола иссиқ уйда бўлмоғи лозимдур. Токи нафас бирлан совуқ ҳавонинг кекирдағиға ҳаргиз етмағай. Ва агар тили чиққан бўлса ҳатто-л-имкон ани сўзламоқдин ҳам манъ қилмоқ керак.

Ва жандибидастарни ҳидлатиб турмоқ ҳам ва ани сувға эзиб икки қулоқни юмшоқ гўштига ва икки чаккасиға ва қўл ва оёғини кафиға суртиб турмоқ нафъ қилур.

Ва ҳаргиз болаға совуқ сув берилмасун. Ва агар сув бермоқ зарур бўлса, андак асал қўшиб ширинроқ ҳам совуғлигини камроқ қилиб бермоқ раводур. Ва агар бола буни қабул қилмаса, ночор тоза ва холис сувни совуқлигини камайтируб берилур. Ва ўткир совуқни асло бериб бўлмас. Ва гоҳ-гоҳ панжани асал ила иёражға олуда қилуб, боланинг оғзиға суқуб, тилининг илдизиға етказиб суртмоқ керак. Токи болани қай қилдурсунки, сийнасидаги рутубат хориж бўлсун. Ва агар модда пишган бўлуб, қай осонроқ келадурғон бўлса, қайнинг фоидаси жуда зўрдур. Хусусан, агар йўталнинг сабаби назла бўлса, анга қай қилмоқ бемислдур.

Ва яна билмоқ керакки, ёш болаларнинг йўталиға ушбу даво нафъ қилурки, самғи арабий, катиरो, беҳдонанинг мағзи, сучук миянинг илдизи, қанд ушбудин бақадри ҳожат олиб, майда янчиб ҳаб қилинур. Ва ҳар кун мазкурдин бир ё икки донани сутға эзиб ичирилур.

Ва агар зиғир донасини сувға ивитуб, ширасини олиб анга андак асал ва ё қанд қўшиб ичирилса, бағоят нафъ қилур. Ва агар мавжуд бўлса шарбати зуфодин ялатуб турмоқ ҳам нафъ қилур. Ва боланинг хўроки учун энг яхши ғизо мош ва биринчидурки, анга бодомни ширасидин қўшуб тановул қилса ва товуқ гўштининг кабоби ва нон ва ҳалвои мағзий ва бунга ўхшашлардин ғизо бермоқ муносибдур. Ва агар бола қобил бўлса, “Қарободини Қодирий”да мазкур бўлгон ҳаббу-с-суолдин ҳар кеча бир дона оғзиға олиб сўриб ётса кўп нафъ қилур. Ва яна ушбу даво хили фоидалидурки, қўйнинг кўз қорачиғи ичидаги оқ донасининг бир ёки икки донасини қуритуб, набот бирлан эзиб, сўнгра сутға ҳал қилиб наҳорға болаға ичирилур. Ва мурри Маккийдин бир дона лубиё миқдоричани олиб уйқу вақтида болаға юттирилса ва тонг вақтида бодом мағзи ва ё ёнғоқ мағзидин бўлгон ҳалвойи мағзий едурулса ва шул амални икки ё уч кун такрор қилунса, ҳар қандай эски йўтални дафъ қилур.

Ва яна пиёзни пишируб, сувини олуб, мазкурдин ҳар куни наҳорда бир қошиқ ичмоқ ва сийнасини ёғлаб турмоқ ва арча ёғочининг дуди бирлан дудлангон юнгни сийнаға боғламоқ аксар болаға нафъ қилуб, бошқа давоға ҳожат қолдирмас. Ва агар бу йўтал назлалик бўлса, болани бошидин иссиқ сувни кўп қўймоқ керак. Ва саҳар вақтиги, назланинг ҳаракат ва галаён вақтидур, ул вақтда асал бирлан бодом мағзидин бўлгон ҳалвойи мағзийдин едирмоқ ва боланинг бошини ўраб, совуқ ҳаводин маҳфуз сақламоқ лозимдур. Ва боқий тадбирлар беназла йўталда мазкур бўлди, баҳасби ҳожат муносибини олиб, истеъмол қилинур.

ФОИДА. Ёш болаларнинг йўталлари агар балғамдин бўлса ўткир қуруқ ва иссиқ мизожлик давони зинҳор истеъмол қилинмағай. Хусусан, болада таъби балғамий ҳам ҳодис бўлса, ул сувратда ўткир қуруқ ва иссиқ даво кўп зарар қилур. Балки бу тақдирда тамоми тадбир ва иъонатни фақат моддани пишурмоқ ва иссиғини таскин бермоқ учун сарф қилмоқ лозимдур. Ва аксар воқеъ бўлурки, истиманинг ҳарорати бирлан модда касал бўлуб тургон балғамнинг ўзи таҳлилға кетуб, бошқа бунга ўткир иссиқ даво истеъмол қилинса, ани таъсири зиёдалиқ қилур ва балғамни қотируб қўяр. Ва иситмалик бўлгон балғамий йўтал учун ушбу даво яхшироқдур.

Беҳининг тухуми, сучукмиянинг илдизининг пўсти артилгон бўлса, жилонжийда, гули бинафша, гули говзабон - ҳар биридин бақадри ҳожат олиб қайнатиб ичирилур. Ва агар табиатни мулойим қилмоқ ҳам матлуб бўлса, яхшироқ таранжубин ёки ширхишт муяссар бўлса, андин мазкур давоға кўшуб қайнатмоқ кифоя қилур. Ва агар алар муяссар бўлмаса, фулуси хиёршанбар кўшмоқ раводур. Лекин бошқа иссиқлик мушхилдин ҳаргиз бериб бўлмаски, зарар қилур.

Аксар жойда кўрилдики, беҳарорат бўлгон балғамий йўталға замоннинг жоҳиллари ўткур иссиқ ва қуруқ даво билан муолажа қилгон эрдилар. Даволари суюқ хилтни қуритуб ва қуюқ хилтни зиёда қўюлтируб, боланинг нафасига танглик ориз бўлди. Ва баъзи болаға зўр иситма ориз бўлди. Ва баъзи

бировларға бир навъ ўпка шиши ориз бўлдики, ани номи ҳинд истилоҳича дубба исми ила машҳурдур. Ва ушбулардин аксари ҳалок бўлди. Бас, бу бобда ўткир иссиқ ва қуруқ давонин эҳтиёт ва ихтироз вожибдурки, беҳарорат балғамий йўталға иссиқ ва қуруқ давони зарари бу қадар бўлмоғига қиёсан ҳароратлик навъига нақадар зарар қилмоғи маълумдур.

Бас, бу жоҳилларни фикри фосидлари, хусусан, беақл хотунларки, ўзларини тажрибакор ва ҳозиқаи замон билурлар, аларни сўзларини эътибордин соқит билмоқ фарздур. Ва аларнинг гойяи илмийялари бўлгон сармояларики, тўтиё ва ҳаббу-л-мулук каби заҳарлик нимарсалардур, бас, буларнинг сўзиға эътибор қилуб, бундоқ нимарсаларни маризға бермоқ ҳаромдур.

ЗОТУ-Р-РИЙА, ЯЪНИ ЎПКАНИНГ ШИШМОҒИ

Ва бу касал гўдақларға кўпроқ ориз бўлур. Ва касални ташхис ва иложда тadbири босавоб бўлмаса, аксар ҳалок қилур. Ва аломати шулки, йўтал ва нафас танглиги ва танаффус вақтида кекурдакнинг бошида бир муғок ва чуқурлик пайдо бўлур, яъни мазкур жой нафас олмоқда чуқур бўлуб, нафас чиқармоқда яна баландға кўтарилуб, доим ҳаракат қилиб турар. Ва ҳинд истилоҳида бу касални дубба би зами доли муҳмала ва бафатҳи бойи мушаддада ваҳо дерлар.

Ва бу касал икки навъ бўлурки, ё иссиқ моддадин пайдо бўлур. Ва аломати шулки, зўр иситма чиқариб турмоқ бунинг лозимасидур.

ИЛОЖ. Ҳаммадин яхшироқ тadbир шулки, модданинг пишмоғига мунтазир бўлмай дарҳол жилонжийда ва итузуми ва гули бинафша ва мағзи фулус ва шакар кабилар бирлан табиатни равон қилмоқ зарурдур. Сўнгра иссиқ моддалик йўталда мазкур бўлгон тadbирлардин баҳасби ҳожат муносибини олиб истеъмол қилмоқ мумкиндур. Ва шоҳутнинг қивомидин ялатиб турмоқ кўп нафъ қилур. Ва физодин моши муқашшар каби енгил ва беҳарорат таомға қаноат қилмоқ ва бошқадин парҳез қилмоқ лозимдур. Ва мумкин қадар сут эмизмоқдин сақланмоқ лозимдурки, иситмалик боланинг меъдаси-

да сут ивиб фосид бўлур. Лекин баҳарҳол эмизғувчининг сутини ислоҳ қилмоқ тадбиридин гофил бўлмаслик лозимдурки, баъд аз шифо ҳам бола эмганда зарардин эмин бўлғай.

Ва яна қонни совутадургон ва сафрони кесадургон нимарсалардин касал тақозосиға муносибларини истеъмом қилдирмоқ ва ҳуқна бирлан табиатни мулойим қилиб турмоқ зарурдур. Ва агар бу модда меъдадин ва бадандин келмай, балки миядин келгон назла бўлса анга тумов аломатлари ҳам зоҳир бўлур. Ва мазкур тақдирда бу иложға илова қилиб, боланинг бошидин иссиқ сув куюб турмоқ лозимдур. Токи назлани қўйилмогини сув тўхтатғай. Ва агар бу шишнинг сабаби балғам бўлса бунда ҳам андак мулойим иситма бўлур. Лекин ҳаргиз шиддатлик бўлмас. Ва иложи биайниҳи рутубатдин бўлгон йўталда зикр қилингон илождур. Магар шишнинг риояси учун қуруқ ва дурушт нимарсани бериб бўлмас.

СУЪУ-Т-ТАНАФФУС, ЯЪНИ НАФАС ОЛМОҚНИНГ ЁМОНЛИГИ

Бу мажрои табиийда бўлмас ва бунинг сабаблари кўбдур. Лекин ёш болаларға бу касални кўпроқ эҳдос қиладургон сабаби бошдин сийнаға балғам тушмоғидур. Ва сийнаси заиф бўлгон болаларға бу касал кўпроқ ориз бўлур. Бунинг иложи ҳам рутубатдин бўлгон йўталнинг иложидур.

Ва яна боланинг қулоғини илдизига ва тилининг илдизига зоҳир тарафдин зайт ёғи суртиб турмоқ ва оғзига иссиқ сувдин томизиб турмоқ ва зиғирни майда янчиб, асалға қориб ялатиб турмоқ ва оғзига қўл суқуб, тилини босиб, ўқчитиб қайд қилдирмоқ кўп нафъ қилур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, гоҳи иситманинг ҳарорати ёки қурутувчи иссиқ ва қуруқ давони ҳарорати бирлан ўпка ва кўкракда балғам қўйилиб қолур ва шул сабабдин нафас мажрои табиийдин кўп қаттиқ ўзгарилур. Ҳаттоки, боланинг нафас олмоғи бағоят қийин бўлгонлигидин бола оғзини катта очиб, гўёки шунинг бирлан ичиға кўпроқ ва осонроқ ҳаво киргизмоқни тақозо қилур. Бас, шундоқ ҳолда энг тадбири комил шулки, боланинг заифлиги ва бетоқатлиги ва йиғламо-

гидин кўрқмай дарҳол ҳаводин маҳфуз ва иссиқ уйға олиб кириб, бараҳна қилуб, ани сийнасиға узокроқ вақтгача сув кўйиб турмоқ керак. Ва агар ул сувға гулхайри ва ё садарай-ҳон каби нимарса қайнатилгон бўлса яна яхшироқ бўлур. Ва илло холис иссиқ сув ҳам кифоя қилур. Сўнгра баданини ар-тиб қийрутийдин муносиброғини суртиб, сўнгра қалинроқ нимарсаға ўраб олмоқ керак.

Ва қийрутий деб мум бирлан ёғни бир-бириға қўшуб эри-тулғонини айтурлар. Лекин бу маҳалда муносиброқ қийрутий бодом ёғи ёки тухумнинг саригини ёғи ва ё зайтун ёғи бир-лан мумдин мураккаб бўлгонидур. Бас, бу амални бир кеча ва кундузда уч-тўрт бор такрор қилинса, жуда тез ва зуд нафъ қилур. Ва биринчи борда нафаси равон ва осон бўлур, би-зниллоҳи таъоло.

Ва бу амал ҳаким Муҳаммад Акбар Арзонийнинг “Му-жарработ”ларидиндур. Ва ул киши бул тажрибаларини саба-би учун саргузаштларини ҳикоя қилуб, Ҳабибуллоҳ номлик бир ўғиллари шу касалға мубтало бўлғони ва танаффуснинг қийинлигини шиддатидин, ҳатто умидлари узилғони ва ҳеч навъ тадбир ва даво ва ғизодин фоида бўлмоғони, охир ул—амр Жаноби Шофий ул-амроз тарафидин илҳом бўлуб, нис-фи шаб вақтида шул амални ҳам қилиб кўрмоқ хотирларига келиб, шул онда иссиқ сув қуйғонларини ва шул соат иноя-ти Илоҳий бирлан боланинг нафаси равон бўлуб, шифойи комил топғонини ва сўнгра бошқа жойларда ҳам бу амални неча одамларға буюрғонларида алар ҳам тез баҳраёб бўлғон-ларини китоблариға ҳикоятан ёзғон эдилар. Ва роқим ҳам кўп кишиға буни буюрдум, алҳамдулиллоҳ, ҳаммалари шифо топ-дилар.

ХАРХАРАИ АЗИМА ФИ-Н-НАВМ, яъни уйқуда баланд овоз билан хирилламоқдур.

Бу кайфият авом ун-нос ўртасида хуррак исми билан ма-шҳур бўлгон хурракдин бошқадур. Ва хуррак овози бурун-нинг мунтаҳосидин чиқар ва аммо бу хархара сийнадин чи-қар. Ва бунинг сабаби сийна работларида рутубатнинг кўпли-

гидур. Хусусан уйку вақтида рутубат бурун тарафга жамъ бўлур. Ва шул сабабдин уйкуда нафасни чиқмоғига халал берур. Хусусан танобод болаларга аксар ҳодис бўлурки, алар сер-рутубат бўлурлар. Ва мажрои нафаслари заиф бўлур, албатта.

ИЛОЖ. Моу-л-асални иссиқлик ҳолида қирт-қирт ичируб турмоқ ва зиғир тухмини янчиб элаб, асалга қоруб ялатмоқ ва эмузгучининг сутини ислоҳига қўшиш қилмоқ ва болани тўйғузиб эмизмаслик ва бошқа ғизони ҳам қорни хўб очғон вақтдагина тўйғузмай оз миқдор бермоқ ва совуқ ҳаводин ва совуқ сувдин ихтироз қилдурмоқ ва иситилғон зайт ёғи бирлан қулоқнинг юмшоқ жойини ва ҳалқ ва сийна ва қўл ва оёқларини ёғлаб турмоқ лозимдур. Ва агар бир ҳикмати бирлан болани йиғлатмай қай қилдирмоқ мумкин бўлса, қай кўп нафъ қилур. Ва илло бу касални ибтидосида йиғламоқ зарарликдур.

Ва боланинг оғзига набот солиб сўрдирмоқ ва гоҳи асал ила бодом мағзининг ҳалвосидин бермоқ ҳам нафъ қилур. Ва гоҳи зиғирнинг асалга қориб яламоқ ва серёғ таом едирмоқ сийна ва ҳалқни ёғлаб турмоқ билан ҳам зоил бўлур. Ва бошқа тадбирга ҳожат бўлмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, гоҳ бола кечаси ёнғоқ мағзи каби ёғлик нимарсадин тановул қилур ва сўнгтидин бетаваққуф совуқ сув ичар ва иссиқ уйда ётиб ухлар ва хархара иллатига мубтало бўлур, чунки ёнғоқнинг ва бошқа ёғлик нимарсанинг ёғи билан ҳалқ ва кекирдакнинг оғзи ёғланур ва шиддат совуқ сувнинг таъсирида ҳалқда қотиб боиси суддаи масом бўлур. Ва ҳам сувнинг совуқлиги ҳалқда судда эҳдос қилурки, ҳалқнинг таҳлил топмоғи зарур бўлғон рутубатлар ҳанжара узвида маҳбус қолурлар. Ва бунга иловатан уйкуда ботинга ружуь қилғувчи рутубатлар қўшилур ва ҳам уйнинг иссиқлиги ва уйқуси бирлан ботинга ружуь қилғон ҳарорати табиий таъсири бирлан рутубати мухтабисаларнинг ҳажми ўсар ва бухорот ҳосил қилур ва таҳлил учун суддаи димоғ монеъ бўлур. Бас, мазкур рутубати мухтабисалар мажрони фи-л-

жумла шиш каби тангроқ қилур ва нафасга халал берур. Бинобарин, уйқу вақтида хархара пайдо бўлур.

Ва бунга энг яхши тадбир шулки, неча кунғача бетарк шоҳтутнинг суви ёки қивомидин ичирмоқ лозимдур. Токи шоҳтут қувват ҳофизаси сабаби бирлан моддани ҳалқдин таҳлил берғай ва суддаи масомни очғай. Ва шул миёнада хархара учун мазкур бўлгон бошқа тадбирларни ҳам ижро қилиб турмоқ керак. Ва гоҳо саръни, яъни қуёнчиқ касалини муқаддимаси бўлур. Ва анинг аломати бошқа анвоънинг аломатларидин холий бўлмоғидур. Ва агар шундоғ бўлса илож учун жанди бидастарни сувга эзиб бурнига ва қулоғига ва бошини фарқиға қўл ва оёғни кафиға суртиб турмоқ ва андак жанди бидастарни ичирмоқ нафъ қилур. Ва ғизони эҳтиёт қилмоқ керакки, ҳазми оғир ва бодангиз ва рутубатафзо нимарсалардин парҳез қилмоқ ва саръга ва хархараға фоидали ғизо ва даводин истеъмол қилмоқ керак.

АЛ-ФУВОҚ, ЯЪНИ ҲИҚИЧОҚ

Ҳиқичоқни форсийда ҳўк-ҳўк дерлар. Ва бу ҳолат меъданинг ҳаракатидин иборатдурки, ўзига бир зарар еткизмоғи эҳтимоллик ва ё андак халаллик бўлгон нимарсани рад қилмоқ учун меъда ақалли эҳтимом бирлан таважжуҳ қилмоғи ва ани ўзидин кўчирмоқ учун қилгон ҳаракатидур. Лекин эҳтимомнинг камлиги ва ё мундафиъ бўлмоғи мақсуд бўлгон нимарсани лузужатлик ва маҳкамлигидин ҳеч нимарса мундафиъ бўлмас. Аммо зарари муқаррар ва ё табиатга номарғуб нимарса бўлса, анинг дафъиға меъда жиддий таважжуҳ қилуб, дофиъасини тамом сарф қилиб, ани дафъ қилурки, қай қилмоқ шундин иборатдур. Бас, ҳиқичоққа боис бўлғувчи сабабларнинг анвоъи кўпдур. Лекин ёш болаға аксар воқеъ бўладургон ҳиқичоқ меъданинг заифлигидин ва эмган сути ва ё таомининг миқдори кўплигидин ва ё оз бўлса ҳам ғайрисолиҳлиги ва ҳажми меъдаға оғирлигидин ҳиқичоқ воқеъ бўлур. Аммо хотинлар ўз заъамларича болаға воқеъ бўлгон ҳиқичоқни меъдаси ва ичагини кенгайтирмоқ учун воқеъ бўлур, деб эъти-

қод қилурлар. Ва анга илож қилмаслар. Бас, бу заъамлари эътибордин соқитдур. Хулоса агар ҳиқичоқ гоҳи воқеъ ва камроқ бўлса, анга даво қилмоқға ҳожат бўлмас. Ва агар пайдарпай воқеъ бўлуб изо етса, анга тадорук лозимдур. Ва тадоруки шулки, жавзи ҳиндий, яъни норжилни шакар бирлан эзиб берилса нафъ қилур. Ва жанди бидастарни сувға ҳал қилиб озроқ ичирилса ҳиқичоқни тўхтатур. Ва агар ани сиркаға ва ё гулобға ҳал қилиб ичирилса ҳар қандоқ зўр ҳиқичоқни дафъатан тўхтатур. Ва агар бола идроклик ва маънавий андишада фикри мухтабир бўлса, ани хавфлик нимарсалардин халос бўлмоқ фикриға ва ғамфинлик пайдо қилғувчи нимарсалардин эмин қолмоқ тадбирини хаёлиға ва таъажжубли нимарсаларнинг хайратига ва шавқлик ўйинларнинг шуглиға жалб қилиб, болани ғафлатға солмоқ ҳам ҳиқичоқни тўхтатмоғиға сабаб бўлур.

Ва аҳли тажрибаларнинг қавмлариға назаран ҳиқичоқ тутган болани эмузғувчи хотинни яна бошқа боласиға ўзидин тугилғон бўлса, ани либосидин бир ипни олиб, тупук бирлан хўллаб, ҳиқичоқлик болани бошиға ва пешонасиға ёпиштирулса, би-л-хосият дафъатан ҳар қандоқ зўр ҳиқичоқни зўр таскин берур, дерлар. Ва агар ялпизнинг сувини шакар қўшуб ичирилса ҳам, аксар ҳиқичоқни таскин берур. Ва агар ҳиддатлик аччиқ нимарсани ва ё қуруқ нимарсани болаға едурғон сабабдин ҳиқичоқ тутғон бўлса, ани тадорики сув ичирмоқ ва беҳидонанинг шираси ва испағулнинг шираси ва зигирнинг шираси каби ширалардин ичирмоқ бирлан бўлур, аммо мизожла қуруқлик ғалаба қилғон сабабидин катталарға ориз бўладурғон ҳиқичоқ ёш болаларға ориз бўлмас. Ва агар нодиран ориз бўлса, албатта ҳалок бўлур. Ва илож мумкин бўлмас. Зероки ёш боланинг таъби табиий мизож маргубликдур. Бас, бу қадар табиий рутубатни фоний қилмоқға қодир бўлғон сабабға ҳожати зўр бўлур. Ва боланинг қуввати заиф ва бадани нозикдур. Бас, нозик бадандин зўр сабабни зоил қилмоқ маҳолдур.

АЛ-КАЙЙУ-Л-МУБАРРИХ, ЯЪНИ ШИДДАТЛИК ВА ИФРОТЛИК ҚАЙ ҚИЛМОҚ

Ва бу қай уч навъ бўлур. Бир навъи сутни кўпроқ эмгандин бўлур. Ва аксар хотуннинг одатидурки, бола йиғламасин ёки шўхлик бирлан суҳбатга халал бермасин учун эмчакага беҳожат машғул қилуб қўярлар. Ва маълумки, меъданинг ҳожати ва тоқатидин зиёда сутни меъда ҳазм қилолмас ва ночор сут фосид бўлур. Ва ул фосидни меъдадин чиқармоққа табиат таважжуҳ қилур. Ва зоҳирдурки, меъдадин чиқармоқни энг яқин йўли оғиз тарафидур. Ва дафъни энг тез муяссар бўлмоқ тариқи қай қилмоқдур. Бинобарин, ани табиат қай бирлан ихрож қилур.

ИЛОЖ. Аввало эмизғувчини танбеҳ қилмоқ ва ҳожат вақтидағина камроқ миқдор эмизмоқга буюрмоқ лозимдур. Ва қачонки болаға қай ориз бўлса, ибтидоан шул маъни мулоҳазаси вожибдур. Зероки агар сабаб мунқатиъ бўлмаса, ҳеч даво нафъ қилолмас.

Ва иккинчи навъи рутубати балғамийяни зиёдалиғидин ҳодис бўлур. Ва аломати шулки, қайда балғам мундафиъ бўлуб турар.

ИЛОЖ. Ярим донак қаранфул, яъни ўн грамм қаранфулни майда эзиб хоҳ танҳо ўзини ва хоҳ ширин олманинг ва ё ширин беҳининг суви бирлан ичирмоқ ва қайни тўхтатмоқ учун кам таъсирроқ ва қуввати заифроқ ҳобислардин, масалан, қизил гул ва фуфал ва ўт ва ҳалила ва бунга ўхшаш нимарсадин қаю бири муяссар бўлса, майда янчиб сувиға ва ё шаробға қоруб, меъданинг устиға зимод қилмоқ лозимдур. Агар пистанинг энг хориж тараф пўсти муяссар бўлса, ани майда эзиб, олма ва ё беҳининг суви бирлан ичирулса, қайни тезроқ тўхтатур. Ва агар чўл ялпизни майдалаб эзиб, наънонинг шаробиға қўшуб ичирилса, қайни жуда тез тўхтатур. Ва агар ўт ва сандални бағоят суда қилуб гулобға эритуб ичирилса ҳам нафъ қилур.

Ва учинчи навъи меъдаға сафро қуйилғонидин ҳодис бўлур.

Ва аломати қайда сафро тушмоғи ва сафронинг ҳарорати ва бошқа осори зоҳир бўлмоғидур.

ИЛОЖИ. Ҳар давоики, меъдани бақувват қиладурғон бўлуб, таъми нордон бўлса, ани тановули фоида қилур. Масалан, нордон беҳнининг қивоми ва ғўранинги қивоми ва рибоснини ва зиркнини шарбати ва бунга ўхшашлар ҳаммаси нофиъдур. Ва яна ушбу даво кўп нафъ қилурки, ялпизнини суви ва аччиқ анорнини суви ва сугук анорнини сувидин баробар миқдор олиб, ҳаммасини кўшуб, анга бир миқдор набот ҳам кўшуб, кумушдин бўлгон зарфга солуб, то нисфи қолгунча қайнатуб, сўнгра кўтариб олинур ва мазкурдин болага андак-андак ичирилур.

Ва инчунин фодзахри ҳайвонийдин ярим донак ва гилбўтадин икки донак ва икки олма ва ё беҳи ва ё ношбўтинини сувига эзиб ва ё маскасини олингон айронга ва ё наъно шаробиға эзиб ичирмоқ ҳам зўр қай ва ўқчиқни таскин берур. Ва ҳар қаю меваларнини жавориши ва шароби мастаки ва сиканжубинлар ҳам қайни тўхтатмоққа нафъ қилур.

ФОИДА. Куллиётда мазкур бўлдики, сут бирлан нордон нимарсанинги ижтимои мамнуъ ва манҳий анҳудур. Бас, агар эмадирғон болага нордон таъмлиқ нимарсадин бермоқ зарурати иттифоқ келса, шундоғ вақтда бермоқ вожиб бўлурки, боланинги эмган сути ҳазм бўлуб, меъдадин ўтган бўлса ва меъда холий бўлса. Ва ҳам нордон нимарса то ҳазм бўлуб, меъдадин ўтғонигача сут эмизмай турмоқ вожибдур. Ва ҳамма вақт шул маънини хотирда сақламоқ лозимдурки, вожиб улҳифздур, албатта.

ЗАЪФУ-Л-МИЪДА, ЯЪНИ МЕЪДАНИНГ КАМҚУВВАТЛИГИ

Ва анини аломати шулдурки, нордон кекурмоқ ва меъдада оғирлиқ сезилмоғи ва беимтило суъи ҳазм, яъни қориндам бўлмоғон ҳолда таом яхши ҳазм бўлмаслиги. Ва гоҳи ҳайза воқеъ бўлмоғи, яъни ифрот даражада қай ҳам исҳол воқеъ бўлмоғи ва иштаҳо камлигидур. Ва бу касал ёш болаларда эмган сути меъдада фосид бўлгонлигини кўпроқ ориз бўлур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, аввало эмизғувчининг сутини, баҳасби сабаб ислоҳ қилмоқға таважжуҳ лозимдурки, то сабаб зоил бўлмаса, мусаббаб зоил бўлмас. Сўнгра боланинг меъдасига қувват бермоқ учун беҳининг сувиға андак қаранфул ва сўк қўшуб ичирмоқ ёки бир қийрот сўкка. Бир қийрот сўк олти дона арпанинг вазниға баробар сўкни майбеҳиға, яъни беҳининг сувиға узумнинг суви қўшуб пиширулгон шарбатиға қўшуб, ҳар куни уч маротаба ичируб турмоқ ва гули савсаннинг майини гулобга қўшиб ва ё ос сувиға қўшуб, боланинг меъдасига зоҳирдин тило қилмоқ ва инчунин мастаки ёгидин суртмоқ нафъ қилур. Ва агар муяссар бўлса нўшдорунни сутға ва ё гулобга эзиб, ҳар эрта ва кеч ичирмоқ бағоят ва ёки гулқанд, хусусан гулқанди асалийдин эрта ва кеч ялатиб турмоқ ҳам кифоя қилур. Ва қаранфулни гулоб бирлан қайнатиб набот қўшуб наҳорға ичирмоқ ҳам зўр нафъ қилур. Ва меъдани карахт қиладурғон ва заиф қиладурғон ва тойғоқ қиладурғон нимарсалардин, чунончи анвоъи олулар, ўрик ва ёғ ва лубоблар ва қабоқ ва қовун ва тарбуз кабилардин болаға ва эмизғувчиға парҳез қилмоқ лозимдур. Ва физо учун тез ва осон ҳазм бўлуб, оз миқдори кўп қувват ҳосил қиладурғон сариъ ул-ҳазм ва касир ул-физо таомлардин, чунончи парандалар гўшти ва тухумнинг сариғи каби латиф физолардин ҳазм ила меъдаға қувват бермоқ лозимдур.

ТАЖАББУНУ-Л-ЛАБАН ФИ-Л-МИЪДА, ЯЪНИ МЕЪДАДА СУТ ИВИБ ҚОЛМОҒИ

Билмоқ керакки, аксар вақт хотунлар табобати айни жаҳолатлари бирлан боланинг эмган сути меъдасида ивиб қолур. Баин тариқаки, болаға агар исҳол воқеъ бўлса, ани изоласи учун хотунлар дарҳол анга инфаха берурлар ва сўнгидин сут эмизурлар. Бас, меъдаға бориб инфаха бирлан қўшилгон сут дарҳол фосид бўлур ва ивиб қолур. Сўнгра уфунат ва суммият пайдо қилур. Ва анинг аломати шулки, боланинг қорни бод пайдо қилиб, дам бўлур ва кўнгли ғаший бўлур. Ва нафаси танг бўлур. Совуқ тер чиқарурки, бу аломатлар ҳаммаси шул ивиган сутнинг суммият пайдо қилгоннининг аломатидур. Ва

гоҳ бўлурки, мазкур сутнинг уфунати сабаби бирлан бола иситма ҳам чиқарур ва баъзи болаға безгак каби титроқ пайдо бўлур. Ва ҳарорати табиийси зоҳири бадандин ботинга - дил тарафга ружуъ қилурки, кўп ёмон хатарнинг аломатидур.

Билмоқ керакки, инфаха би-касри алиф ва сукуни нун ва фатҳи фо ва хойи муъжама лугати арабийядур. Ва форсийда панирмоя дерлар. Ва маъниси фақат сут эмғувчи ва бошқа гизодин ҳануз бебаҳра бўлгон ҳайвон бачанинг меъдасидур. Ва бунинг ажаб хосияти бордурки, янги сутға кўшилса ани ивигуб фосид қилур. Ва ивиган сутға қўшилса, ани эритиб таҳлил берур. Зероки меъданинг табиий феъли ҳазм ила тағйир бермоқдур. Ва сутни табиати зудроқ ҳазм ва тағайурни қабул қилмоқдур. Бинобарин инфахаки, меъдаи бежондур, ўзини феъли табиийси ила сутға таъсир қилиб, тағйир берур. Лекин ҳаёт ва ҳарорати табиийяси зоил бўлгон сабабидин тағйири комил ва батариқи салоҳ бўлмай, балки батариқи фасод бўлур.

Бинобарин янги сутни ивигуб фосид қилур. Ва инчунин ивиган фосид сутға кўшилса ҳам шул тариқа тағйир беруб ани ивигур ва таҳлил берур. Ва ҳабби куртумки, форсийда хасакдона дерлар, ул ҳам янги сутни фосид ва фосид сутни ивигуб таҳлил қилмоқға инфаха каби масъулдур. Ва ҳар иккиси ҳам танҳо сут бирлан эмас, балки баданда ивиган қонни ҳам ивигуб, таҳлил қилур. Бас, лозимдурки, эмадургон болаға инфаха бермаслик лозимдур. Ва агар берилса болани эмган сути ҳазм бўлиб, меъдадин ўтгандин сўнг бермоқ ва сўнгидин то инфаха ҳазм бўлуб, боланинг меъдаси холий бўлмоғунча эмизмаслик лозимдур.

ИЛОЖ. Агар боланинг эмган сути хоҳ инфаха сабаби бирлан ва хоҳ нордон нимарсаға кўшилгон сабаби бирлан меъдасида ивиганлиги маълум бўлса, анга инфаха бермоқ лозимдурки, ивиган сутни эритуб таҳлил қилур. Ва инфаха ҳар қаю ҳайвон бачадин олинган бўлса ҳам, шул таъсирни берур. Аммо кўннинг инфахаси кўп таъсирликдур. Ва бундин сўнг

даражалиги эчку бачанинг инфахасидур. Ва агар инфахани ошрайхон ёки баранжосиф қайнатилган сув бирлан ичирилса яхшироқ ва тезроқ таъсир қилур. Ва яна шибит ила ялпизни қайнатуб, сувиға сиканжубин қўшуб, иссиқ-иссиқ, бақадри ҳожат ичурмоқ ҳам ивиган сутни ивитуб таҳлил қилур. Ва сиркани мумкин бўлса танҳо ва илло қайноқ сув қўшуб ичирмоқ ҳам аксар кифоя қилур. Ва яна куруқ ялпизни янчиб, сув бирлан ивиттирмоқ ҳаммадин сариз ул-асар нафъ қилур. Ва анжир ёғочини кулидин қувват олгон сувдин ичирмоқ ҳам меъдада ивиган сутни эритиб дафъ қилур. Ва анинг тариқаси шулки, анжир ёғочини куйдириб, кулини сув солуб, бир чайқатуб, сўнгра бир муддат сақланур, токи кули таҳнишин бўлуб, суви соф бўлғай. Сўнгра соф сувни ажратуб, бошқа косага солуб, анга яна бошқа анжир кулини қўшуб, чайқатиб қўйилур. Ҳоказо беш ёки олти маротаба кулни янгилаб, сўнгра соф бўлган сувини болаға андак-андакдин ичирилур.

Ва агар бу тадбирлар бирлан ҳам ивиган сут мундафиъ бўлмаса, сўнгра энг яхши тадбир - қай қилдирмоқдур. Ва агар қай келмаса, исҳол бермоқ лозим бўлурки, баҳартақдир ивиган сут меъдада қолмай хориж бўлмоғи зарурдур. Ва исҳолдин сўнгра то узоқ муддатгача болаға ғизо бермай оч қўймоқ лозимдур. Токи агар исҳолдин сўнг ҳам қолган бақия сут бўлса, очликда ҳазм бўлуб, меъдаси пок бўлғай. Сўнгра эҳтиёт учун доянинг ёки аносининг сутидин эмизмай, ани бадалиға те-ванинг ва ё эчкининг ва ё сигирнинг сутидин бир неча кун ичируб турмоқ афзалдур. Ва аларнинг ғизоси учун ҳам судоб ва бўймодарон ва шовил ва ҳуммоз гиёҳларидин бериб турмоқ яна муносибдур. Ва агар бола эмчакдин парҳез қилолмаса эмизгувчиға ғизойи латифлардин райхон ёки ялпиз қўшиб бермоқ ва ғализ таомлардин парҳез буюрмоқ лозимдур. Ва агар мавжуд бўлса, тарйоқи форуқдин ҳам болаға ва ҳам эмизгувчиға гоҳ-гоҳ едирмоқ кўп фоида қилур. Ва болани зинҳор тўйғизмай оз-оз эмизмоқ лозимдур ва гоҳ-гоҳ болани қасддин йиғлатмоқ ва қорнини ўраб иссиқ тутмоқ ва қонни фо-

сид ва ғализ қиладурғон нимарсалардин эмизгувчиға парҳез буюрмоқ керак.

ФОИДА. Билмоқ керакки, эчкини сутида меъдада ивиган сутни ва қонни эритуб дафъ қилмоқда ажиб зўр таъсир бордур. Ҳаттоки, томурларнинг ичида ивигон қонни ҳам эритуб таҳлил қилур. Бас, бу ҳолда эчкининг сути ҳамма сутлардин афзалдур. Хусусан агар ани хўроки учун ҳам риюя қилинуб, мазкур гиёҳлардин хўрак бериб турулғон бўлса, анинг сути ажиб ут-таъсирдур.

Ва билмоқ керакки, меъдада сут ҳосил бўлуб, ивигани каби гоҳи ичдин баъзи мавзеъ ёрилуб, андин чиққан қон ҳам меъдаға нозил бўлуб, ивиб қолур. Ва анинг аломати ва иложи ҳам айнан ивиган сутнинг аломат ва иложидурки, мазкур бўлди.

ҲАЙЗА (ҚАТТИҚ ҚУСИШ ВА ИЧ КЕТИШИ)

Яъни кўб зўр қай ва исҳолни дафъатан кўп ориз бўлмоғидурки, вабо ҳам ҳайзанинг бир қисмидур. Ва анинг сабаби уч навъ бўлур. Бир навъи шулки, физо тановулида меъданинг тоқатидин зиёда миқдор тановул қилинур. Ва анинг ҳазмиға меъда ожиз бўлур. Сўнгра ул физо фосид бўлур ва суммият пайдо қилур. Бас, табиатнинг дафъиға дафъатан мутаважжиҳ бўлур. Ва физонинг захарлик табиати ҳаётға зарарлигиға нисбатан ани дафъи муҳим бўлғони ва ҳатта-л-имкон тезлик бирлан ани дафъ қилуб, баданни андин пок қилмоқ қуввати табиийянинг вазифаси бўлғони сабабдин табиат ани ҳам қай ва ҳам исҳол тариқаси бирлан дафъ қилур.

Ва иккинчи сабаб шулки, тановул қилинғон физо агарчи кўп миқдор бўлмаса ҳам, лекин табиатға голиб бир кайфийятға мутакаййиф бўлғони сабабидин ани ҳазмиға меъда таважжуҳ қилмас. Ва ул физо меъдада яна фосидроқ ва кайфийяти зиёдароқ бўлуб, суммият пайдо қилур. Чунончи эскиб бадбўй бўлғон гўшт ва ё офтобнинг ҳароратиға кўюб пиширулғон балиқ, хусусан ҳўл вақтида бадбўйлик ҳосил қилуб, қуруғонда ҳаво таъсири ва офтобни ҳарорати бирлан ани бўйи зоил ва номаълум бўлса ва бунга ўхшаш ҳар бир физойи фо-

сиддин тановул қилинса, андин нафрат қилур ва ҳазмига таважжуҳ қилмас. Ва бошқа физойи собиқлар агар меъдада бўлса, алар ҳам шул фосид физонинг касри бирлан ҳазмидин маҳрум қолур. Ва фосид физонинг фасоди меъдадаги физоларга сироят қилуб, андак фурсатда ҳаммасини фосид ва заҳардор қилур. Бас, табиат дарҳол ул фосиддин баданни пок қилмоқ учун мазкур фосидни ҳам қай ва ҳам исҳол бирлан дафъиға таважжуҳ қилур.

Ва учинчи сабаби шулки, агарчи тановул қилинғон физо кўп миқдорлик ҳам бўлмас ва фосид кайфийятлик ҳам бўлмас, лекин хорижий ҳаво уфунат бирлан ва ё бошқа асбоби самовий ва ё асбоби арзий бирлан фосид бўлур. Ва шул ҳаво кимга келиб тегса ани нафасидин ва бадан масомларидин кириб, баданга фасод ориз қилур. Ва бу фасоддин тезлик бирлан баданни пок қилмоқға табиат дафъатан мутаважжиҳ бўлуб, ҳам қай ҳам исҳол тариқи бирлан фасодни дафъиға машғул бўлур. Ва шул учунчи қисм ҳайзанинг номи махсусаси вабодур.

Аммо биринчи қисми гўдак болаларда кўпроқ ориз бўлурки, сутни кўп эмган бўлур. Ва меъдага анинг ҳазми малол бўлур. Бинобарин меъда ани ҳазмига кўп илтифот қилолмас ва сут кўпроқ тўхтаб қолғони учун бадан ҳарорат бирлан кайфийяти ўзгарилуб, фосид бўлур. Ва маълумдурки, бошқа физоларга нисбатан сут бағоят нозик ва сариъ ул-истиҳоладур. Ва ҳеч физонинг ҳазмига қодир бўлмағон ёш бола сутни ҳазм қилур. Ва қоидаи куллиядурки, ҳар нимарсаики, ҳазм учун нақадар қобил бўлса, фосид учун ҳам шул қадар қобилдур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, бу касал агарчи кўп шиддатлик ва хатарнок бўлса ҳам, лекин исҳолни зўрлиги ва заъифликни шиддати ва томурни ҳаракатдин қолмоғи ва томурнинг тортмоғи ул қадар хавфлик эрмас. Хусусан гўдакларнинг қуввати табиийялари зўр ва ўсмоқ ва камолот ҳосил қилмоқлари учун тарбияға табиатлари кофийдур. Ва бадандаги фасоднинг миқдори оздур. Бас, оз фасоднинг дафъиға зўр табиатни кифоя қилмоғи учун умид ҳам катталарнинг касалига нисба-

тан кўпроқдур. Бас, илож қилғувчи табибга лозимдурки, далир бўлғай ва касални шиддатдин кўрқиб, хушини йўқотуб иложда хато қилмағай. Ва то модомики, моддаи касал ҳаракатдадур ва қай ва исҳол бирлан мундафиъ бўлмоқдадур, зинҳор ани тўхтатмоққа саъй қилмағай. Ва мутлақо суг ва ё бошқа гизо бермағай, магар қай ва исҳол худ-бахуд тўхтатгондин сўнг агар меъдаси тамом пок бўлғонига гумон ғолиб бўлса ва бундин зиёда очлик қувватни суқутиға сабаб бўлмоғи жазм бўлса, ул сувратда камоли эҳтиёт бирлан андақгина гизо беруб, агар зарари маълум бўлмаса, икки соатдин кўп яна андақ гизо бермоқға рухсат бергай. Токи мабодо меъдада фосид нимарсадин ҳануз андақ бақиясидин бўлса сўнгги гизони ҳам фосид қилуб, касални авд қилдирмоқ хавфидин эмин бўлғай.

Ва мумкин қадар болани ухлатмоқ учун тадбир қилмоқ лозимдур. Зероки бу касалга ҳеч тадбир осудаликдек фоида беролмас. Хоҳ ухласа ва хоҳ ухламай осуда ётса кўп нафъ қилур. Ва агар қай ва исҳол камайгон бўлса, лекин боланинг ўзи жуда бемажол бўлса, сўнгра қай ва исҳолни тўхтатмоққа ўз мавридида баён қилинғон нимарсалар бирлан саъй қилмоқ лозим бўлур. Ва тарйоқи форуқдин андақни эмизғувчиға бермоқ ва агар иситмаси бўлмаса болаға ҳам андақ бермоқ нафъ қилур. Ва ташаннуж бобида баён қилинған ёғлар бирлан боланинг баданини ёглаб турмоқ ҳам зарурдур.

ИСҲОЛ, ЯЪНИ ИЧ СУРМОҚ

Махфий қолмағайки, болаларнинг тиши чиқар вақтида аксар ичи сураар ва анинг сабаби тажрибаға етгон тадбирлари бирлан баён қилинур. Лекин бу сўздин тиши чиқмоқдин бошқа сабаблар бирлан ич сурмаслиги лозим келмас, зероки аларнинг гизоға ҳарисликлари ва гизо сўнггидин ул гизони фосид қилғувчи ва ё қабл аз ҳазм меъдадин ичакға ўтказувчи ҳаракати ношойиста ва шўхликлари сабабидин истило ва ич сурмоқ ориз бўлуб турар, ғоятти шулки, тиш чиқар вақтида агарчи қадри ҳожатдин зиёда гизо ва ношойиста ҳаракат бўлмаса ҳам, аксар ич сурмоқ воқеъ бўлур. Бинобарин буни ва бошқа ақсомларини машруҳан зикр қилурмуз.

Биринчи қисм исҳол тили чиқмоғи сабаби бирлан ориз бўлур. Бу қисми ҳам уч навъ бўлур. Биринчи навъи шулки, тиш чиқар вақтидаги милкда ориз бўлгон тафарруқи итгисол ва ёрилмоқдин ҳосил бўлгон йиринг сут ила қўшилуб, меъдаға кетар ва ани лозимаси бўлгон жилва тойғоқлиғи сабаби бирлан ва ҳам ўз фасоди бирлан, сутни ҳам фосид қилгон сабаби бирлан ич сурмоқ ориз бўлур.

Ва иккинчи навъи шулки, табиатнинг таважжуҳи тиш чиқармоққа кўпроқ машғул бўлгон сабабидин сутнинг ҳазмиға илтифот ва эҳтимоми камроқ бўлуб, боланинг эмган сути яхши ҳазм бўлолмағи фосид бўлур. Ва исҳол ориз бўлур. Балки сути фосид бўлмаса ҳам ҳазми нуқсонлик бўлса, агарчи миқдори мувофиқи одат бўлса ҳам албатта ночор ул сут батариқайи исҳол мундафиъ бўлур. Ва қоидаи табиатдурки, агар бир нимарсаға ихтимом бирлан мутаважжиҳ бўлса, албатта ҳазм учун таважжуҳи ноқис бўлур, ҳаттоки агар бошқа нимарсаға камоли эҳтимом ила жиддий машғул бўлса ҳазм жодасидин тамом тўхтар.

Ва учинчи исҳол навъ шулки, милк тишни ёриб чиқар вақтида милкға пайдо бўлгон озор ва алам сабаби бирлан ҳамма қувватлар ва жумладин қуввати ҳозима заиф бўлур. Ва болани эмган сути агарчи мувофиқи одат миқдорда бўлса ҳам, қуввати ҳозимаға қўплик ва оғирлик қилур. Ва ҳазми ноқислик ила ночор исҳол ила мундафиъ бўлур. Ва муқаррар бўлгондурки, оғруқнинг сифати лозимасидурки, аъзони ўз феъли хос ва вазифаи махсусасидин манъ қилур. Зероки аъзонинг афъоли табиатнинг таважжуҳи ила бўлуб ва табиатнинг таважжуҳи фақат оғруқлик узвға машғулдур. Ва бошқа аъзоға илтифот қилмас. Бас, ночор бошқа аъзо ўз феъларида баҳасби шиддат ва хиффат алам ноқис ва ё маъғал бўлурлар.

ИЛОЖ. Бу қисми исҳолни зинҳор тўхтатмаслик лозимдур, магар вақтики, исҳол ифрот даражаға етгонликдин бир зарари куллий ориз бўлмоқ хавфи бўлса қобизлиги заифроқ ва алар бирлан тўхтатмоғиға ёрдам бермоқ мумкиндур. Ва шул аснода тишни тезроқ чиқмоғиға ёрдам берадургон тадбир-

ларда машғул бўлмоқ вожибдурки, асли илож шу тадбирлардур. Ва алар шул мабҳаснинг фоидайи куллиясида ва фоидайи парвариши атфолда мазкур бўлди.

ФОИДА. Билмоқ керакки, бу қисм исҳолни тўхтатмоқдин наҳий қилмоқда ҳикмат шулки, агар исҳолнинг сабаби тиш милкидин ҳосил бўлгон йиринг сут бирлан қўшилуб, меъдага кетганлиги бўлса, анинг важҳи зоҳирдур. Зероки агар исҳоли тўхтатилса ва йиринг меъдада боқий турса доим болани эмган сутини фосид қилиб, исҳолни давомига ва баданда фасоди куллий пайдо бўлмоғига боис бўлур. Ва агар исҳолнинг сабаби сутни ҳазми учун табиат таважжуҳ қилмагонлиги бўлса бунинг важҳи ҳам равшандур. Ва зероки ҳазми учун табиат таважжуҳ қилмоғон сабабдин мундафиъ бўлуб турғон моддани агар тўхтатилса, анинг вужуди табиатга малолдур.

Фоят шулки, бу исҳолни тўхтатмоқдин наҳий қилмоқ биринчи қисмини наҳий қилгон каби ашадд таъкидлик эрмас. Ва агар исҳолнинг сабаби қуввати ҳозиманинг заифлиги бўлса, буни тўхтатмоқдин наҳий қилмоқнинг ҳам важҳи ҳувайдодур. Зероки қуввати ҳозима заифлигининг ҳам булмоғон сут меъдада тўхтаб қолса, фосид бўлур. Ва анинг фасоди бошқа офатларга ҳам боис бўлур. Балки сўнгги икки қисми исҳолга илож учун меъдани ва қуввати ҳозимани бақувват қиладурғон ва таъби андақ қобиз бўлгон нимарсалар бирлан ҳазмга ёрдам бермоқ лозимдур. Чунончи зира ва анисун ва тухми караф ва қизил гулнинг тухмидин қаю бири мавжуд бўлса, ани таб беруб қизитуб, бир харитага солуб, боланинг қорнига ва маъқадига такмид қилинур. Ва агар анга сирка ҳам сепилса таъсири бақувватроқ бўлур. Ва инчунин таригни қизитуб, сирка сепиб такмид қилмоқ ҳам муассирдур. Ва қоринга зирани ва гулни сирка бирлан такмид қилмоқ нафъ қилур. Лекин нимгарм қилуб такмид қилмоқ лозимдур. Зероки, совуқ бўлса ҳеч таъсир қилолмас ва иссиқ бўлса болани куйдирар.

Ва яна эҳтиёт қилмоқ керакки, сиркани ҳирқати қориннинг терисини куйдирмағай, яъни сиркани узоқ вақтгача так-

мид қилмай, андақ фурсатдин сўнг олмоқ муносибдур. Токи сиркани ҳиддатидин бадан териси озурда бўлуб, яра пайдо қилмағай. Ва яна зира ва ҳаб ул—ос ва уди ҳиндий ҳар учовидин бир миқдор олуб, майда янчиб, гулобға эзиб, анга озроқ сирка ҳам қўшуб, боланинг қорниға суртилса исҳолнинг тўхтатмоқда ажиб ун-нафъдур.

Ва яна исҳолни тўхтатмоқ учун, хусусан қоннинг галабасидин ориз бўлган исҳолни тўхтатмоқ учун ҳаммадин аъло илож шулким, лисон ул-ҳамл, яъни барги зифт баргини янчиб, сувини олиб офтобда ва ё оловда иситуб, бир тосга солуб, анга болани исҳол дафъидин фориг бўлгон соатдин ўтқизилса ва ҳар бир исҳол дафъидин сўнг бу амал такрор қилинса ва болани чарчамағудек шойиста замон анга ўтқузуб давом этса ва агар болани ўтқузмоқ қийин бўлгон тақдирда, обдаста бирлан нутул қилса ва ё бир латтани анинг бирлан ҳўллаб боланинг маъъадиға ёпса нафъ қилур.

Аммо исҳолни тўхтатмоқ учун ичдин ичирмоқға ҳаммадин яхшироқ дору ҳайвондин олингон подзаҳрдурки, сигир маскасидин чиқгон айронға ёки лисон ул-ҳамлнинг сувиға ва ё нордон олмани сувиға ва ё беҳининг сувиға эзиб ичурмоқ кўп фоида қилур. Ва яна райҳон тухмининг ва ё барги зифт тухмининг ва ё испағулни қовуруб, сўнгра сувға ивितуб лубобини олуб, ичирмоқ нафъ қилур. Башарти меъда бақувват бўлгон ҳолда воқеъ бўлгон исҳол бўлса. Ва агар меъда заиф бўлса, бу тақдирда ушбу лубоблардин бермоқ раво эрмас.

Ва исҳол учун энг аъло тадбир физони камайтирмоқдур. Ва физоларнинг исҳол учун энг нофиъроғи ва юз даража даводин ҳам афзали паловдурки, анга сигир айронидин қўшуб, иссиқ-иссиқ бермоқдур. Ва зинҳор совутилмасинки, зарар қилур. Ва ошнинг гўштидин бермаслик лозим. Агар гўштин парҳез қилдирмоқ мумкин бўлмоғон тақдирда гўштлардин энг афзали, яъни исҳол учун кам зарарроғи мошк ва чил гўштидур. Ва агар бул тадбирлар бирлан исҳол тўхтамаса ва бола сутдин бошқа физо тановулиға ҳам одат қилгон бўлса, панир-

моя, хусусан қуёнбача ва ё эчки бачадин олингон панирмояни қурутуб, янчиб, элаб, бир донак миқдорини совуқ сув бирлан ичирулса, би-изниллаҳи таъоло дафъатан би-л-хосият исҳолни тўхтатур. Лекин шул қуни мутлоқо сут бермаслик вожиб бўлурки, панирмоя сутни фосид қилур. Балки сутнинг эвазига тухумининг саригини чала пишируб бермоқ ёки ноннинг мағзини ва ё қовурилгон унни ва ё қовурилгон биринчи сув бирлан қайнатиб пишируб бермоқ ва бошқа сут ўрнига физоликда қойиммақом бўладурған қобизроқ нимарсадин физо бермоқ лозим бўлур.

Ва агар болаға даво ҳам бермоқ зарур бўлуб, лекин бола даводин нафрат қилур бўлса, ул даводин такмид ва тазмид қилмоқ бирлан қаноат қилмоқ ҳам нафъ қилур. Ва агар едирмоқ ҳам зарур бўлса, нонға қўшуб пишируб набот қўшуб бермоқ ҳам мумкиндур. Ва бошқа тариқа бирлан ҳам бола учун осон бўлгон тарзда бермоқ раводур. Ва агар янги панирмоя мавжуд бўлса, бетуз пишируб бермоқ ҳам нафъдур. Ва гилбўтани дам-бадам андак-андак ялатиб турмоқ ҳам нофиъдур. Ва самғи арабийни таб бериб, чала пишган тухумни саригиға қўшуб бермоқ ва арпа унидин нон пишируб бермоқ ҳам нафъ қилур. Ва агар исҳол иситмалик ва йўталли бўлса ҳар кун эрта ва кеч икки маҳалдин шарбати осдин икки-уч бор анғўшт бирлан ялатуб турмоқ кўп нафъ қилур. Ва мевадин ношботи қоқи, олма, беҳи, жийдалардин бермоқ зўр нофиъдур.

Ва иккинчи қисм исҳол шулки, болани сутдин ажратилгон сабабдин ориз бўлур ва аломати ҳам зоҳирдурки, сутдин манъ қилингон сўнгидин ориз бўлур. Ва анга энг яхши илож шулки, яна сут эмизмоқ ва бирон ой ё зиёдароқ вақт ўтказуб, сўнгра салқинроқ ва муносиброқ фурсатда ажратмоқ керакки, ушбу тадбир бирлан исҳол тамом зоил бўлур. Ва бошқа иложға аксар ҳожат бўлмас. Ва сут эмизгондин сўнг исҳол боқий ва бошқа иложға ҳожат бўлса, бир кеча бир дирам кўкнорни андак таб бериб, шакар ёки набот қўшуб бермоқ ва физо ва давои андак қобизлар бирлан тадбиқ қилмоқ кофийдур. Ва агар бақувватроқ тадбир учун ҳам ҳожат

бўлса, биринчи қисмда мазкур бўлгон тадбирлардин баҳасби ҳожат муносибини истеъмол қилмоқ мумкиндур.

Ва учинчи қисм исҳол шулки, жигарга ёки мосариқо тамурларига судда воқеъ бўлуб, жавҳари физо жигарга боролмоғонлиги сабабидин ориз бўлур. Ва бу навъ исҳол ёш болаларда аксар сутни кўп эмизгон сабабдин ва ё эҳтиётсизлик бирлан бир физо тамом ҳазм бўлмоғон ҳолда яна бир физо берган сабабдин ориз бўлур. Ва анинг аломати шулки, тиш чиқар вақтдин ва эмчакдин ажратилгон вақтдин бошқа вақтда ориз бўлур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, бу қисм исҳол воқеъ бўлгон болани ҳатта-л-имкон қобиз нимарсалардин парҳез қилдирмоқ ва суддани очмоқ учунгина кўшиш қилмоқ ва жигар ва меъдага қувват бермоқ тадбирларига машғул бўлмоқ лозимдур. Масалан, ҳалила мураббосидин бодиён арақи бирлан кўшуб, ҳар кун беш-олти бор ичируб турмоқ ва гоҳ-гоҳ нўшдорудин ялатиб турмоқ кўп нафъ қилур. Ва агар исҳолнинг кўп воқеъ бўлгон сабабидин бола кўп заиф ва беҳол бўлуб, бундин яна бир офат пайдо бўлмоқ хавфи бўлса, бундоқ зарурат вақтида биринчи қисмда мазкур бўлгон тадбирлардин истеъмол қилмоқ ҳам жоиздур.

ИЪТИҚОЛ, ЯЪНИ ИЧ БОҒЛАНМОҚ ДЕМАҚДУР

Бу исҳолнинг хилофидур. Ва билмоқ керакки, ёш болаларнинг рутубатлари зиёда ғолиб бўлса, меъданинг қуввати дофиъасини заиф қилур. Бинобарин меъда ўз фазласини ичак тарафга дафъ қилмоқдин ожиз бўлур ва ё рутубат ғолиблик сабабдин сафро кам ҳосил бўлур ва ўтдин ичакга кам миқдор келурки, фазланинг дафъи учун ичакни огоҳ қилмоққа кифоя қилмас. Ва ё ўт ила ичак миёнасидаги мажро сафро билан банд бўлурки, ичакка сафро ўтолмас. Бинобарин ичак фазланинг дафъиға ҳаракат қилолмас. Бас, ночор ич қабз бўлур. Бунинг аломати шулки, қорин катта ва тўла бўлур ва имтило сабаби бирлан иштаҳо соқит бўлур. Ва аҳёнан агар фазла ўз оғирлиги муқтозосича пастга тушуб хориж бўлса, кўп қотган бўлмас.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, ичакни дафъи фазла учун огоҳ қилмоқ ҳам фазлани паст тарафга нақл қилмоқ учун ҳўкизнинг ўтидин ва ё бухури марям гиёҳининг асорасидин боланинг киндиғиға суртмоқ ёки зайт ёғини танҳо ва ё маска ёғини иссиқ сувға қўшуб, боланинг қорниға суртуб, сўнггидин қўлнинг кафи бирлан боланинг сийна тарафидин киндик тарафга молиш бирлан силамоқ лозимдурки, токи ҳам фазла молиш сабаби бирлан пастға моил бўлғай ва ҳам даво таъсири бирлан ичак огоҳлануб, фазланинг дафъиға мутавважжиқ бўлур ва муддао ҳосил бўлур.

Ва агар бу нимарсаларни зоҳирдин суртмоқ кифоя қилмаса сўнгра ҳумул истеъмол қилур ва ҳумул базамматайн мақъадға даво кўтармоқдур. Ва бу маврида ҳаммадин яхши таъсирлик ҳумул сичқоннинг тезагидурки, андин андақ миқдорини боланинг мақъадиға киргизуб қўйилса, ични равон ва ичакни дафъи фазла учун огоҳ қилур. Ва агар бир кичик қитъа собунни шоффа каби тарошлаб, боланинг мақъадиға кўтарилса, ични келтирмоқ учун тез таъсир қилур. Ва шакари табарзаддин шоффа қилмоқ ҳам сариъ ул-асардур. Ва найшакар бирлан собундин мураккаб шоффа қилуб кўтармоқ ҳам инчунин нафъ қилур. Ва агар асални ўткир қивом қилиб қотируб, андин шоффа қилиб ва боланинг ичида узоқроқ турса, тез амал қилур. Ва агар мазкур асал қивомиға ялпизни майдалаб қўшилса ва ё осмонгун гули савсаннинг илдинини янчиб, элаб қўшилса, ва ё куйдируб кул қилуб қўшилса таъсири бақувват бўлур.

Фоида. Билмоқ керакки, юқорида баён бўлгон иссиғлик тамрих ва шоффалар ва иситмасиз қабзиятға махсусдур. Чунки агар иситмаси ҳам бўлса, ул вақтда меъдаға иссиғлик ёғни суртмаслик ва иссиқлик ҳумулни кўтармаслик лозимдур ва иситмалик қабзият учун ушбу даволар фоида қилурки, бинафшани янчиб, элаб, шакар қўшиб шоффа қилмоқ керак. Ва агар бу кифоя қилмаса ушбу шоффани истеъмол қилинурки, гули бинафша уч дирам, гули хитмий икки дирам, барғи сано беш дирам, намаксанг, яъни ялама туз бир ди-

рам, найшакар саккиз дирам. Бас, мажмуъини мураккаб қилиб, қисқа-қисқа шиёфлар қилиб, болаға кўтартирилса, тез амал қилур. Ва яна мағзи фулуси хиёршанбарни гулобга эзиб, оловда ва ё офтобда иситиб, боланинг қорнига суртмоқ ҳам муносибдур.

ИНТИБОҲ. Ва агар бу тамрих ва шиёфи мазкурлар бирлан қабзият равон бўлмаса ва ё аларнинг истеъмолига бир монельлик ҳам бўлса, ул вақтда машрубот бирлан ични мулойим қилмоқ мумкиндур. Лекин баҳасби ҳожат ва ҳасби мизож мулайин ичирмоқ лозимдур.

МАҒС (ИЧАК ОҒРИҒИ)

Ба фатҳи мим ва сукуни ғайни муъжама ва соди муҳмала, яъни мутлақ ичак оғримоғидурки, хоҳ бу оғриқ исҳол ила бўлсин ва хоҳ қабзият ила бўлсин, лекин ёш болаларга аксар беисҳол мағс ориз бўлғони сабабидин бу мавридда фақат мағси беисҳолни баён қилинур.

Ва анинг аломати шулки, бола бетоқат бўлуб йиғлар ва ўз-ўзиға ўралиб гижиниб ҳаракат қилур. Ва ҳаракатида ҳар тарафға тўлганур, лекин олди тарафға энгайса гўё оғриғи камайгондек ҳис қилиб олдиға кўпроқ энгаюр. Ва бу касял эмадурғон болаларға кўпроқ ориз бўлур, хусусан кўп миқдор эмизилғон бўлса, дарҳол ориз бўлур. Зероки сутнинг сифати лозимасидурки, ўзининг рутубати моййяси ва жилоси ила меъдани заиф қилур ва сутнинг ҳазмиға нуқсон воқеъ бўлур. Бас, ул сут ўзидин бод пайдо қилур ва ул бодлар ичакни тамаддуд ва таранг қилурки, андин ичакда ҳодис бўлган озорнинг номи мағсдур. Ва ё эмадурган болани ҳам эмизиб ва ҳам бошқа гизо берилур, лекин аввалги гизо тамом ҳазм бўлуб, меъдадин ўтган ва ё ҳануз ҳазм бўлмоғонлиги риоя қилинмас. Бинобарин чала ҳазм бўлган гизоға бориб қўшилғон сут ва ё янги гизоға қўшилғон чала ҳазмлиқ сут фосид бўлур ва ўзидин бод пайдо қилиб ичакға тамаддуд оғриғини эҳдос қилур.

ИЛОЖ. Иссиқ сув ва кўпроқ миқдор зайт ёғи иситиб, анга оз миқдор туз ҳам қўшуб, сўнгра ани ҳўкизнинг қовуғиға солиб, боланинг қорнига такмид қилинса зўр нафъ қилур. Ва

инчунин кўйнинг тезагини майда эзиб, қизитиб, бир хари-тага солиб, такмид қилмоқ ва нонхоҳни майда янчиб, товук тухумнинг оқига қориб, боланинг қорнига суртмоқ ва боди-ёни ва игирни янчиб, элаб, ҳар бирини ва ё ҳар иккисини маъан сут бирлан болаға ичирмоқ кўп фоида қилур. Ва инчу-нин анисун ва мастакийни танҳо ва ё ҳар иккисини сут бир-лан ичурмоқ нафъ қилур. Ва яна болани қорин бирлан эмиз-ғувчининг қорниға ва ё сониға суяб ётқизмоқ, чунончи бо-ланинг қорни доим эмизғувчининг қорниға ва ё сониға тегиб турадургон ҳолатда ётқизуб, оҳиста-оҳиста қимирлатиб тур-моқ ва орқасидаги пайларини гул ёғи каби ёғлар бирлан си-лаб турмоқ ва ичак оғриғининг таскини учун кўп тажрибаға еткандур.

Ва инчунин анбари ашҳабдин андак миқдорни гулобға ва ё гул ёғиға ва ё зайт ёғиға эзиб, боланинг қорниға суртмоқ ва андак миқдор анбарни болаға ичириб ютқизмоқ ҳам мағсни дафъатан таскин қилур. Ва ҳақим Муҳаммад Акбар Арзоний раҳмамадуллоҳи алайҳнинг наздларида мағснинг таскини учун ҳаммадин фоидалироқ тадбир эмизғувчи киши боланинг кин-дигидин бошлаб то меъдасиғача тили бирлан уч бор яламоғи ва ҳар бор ялағондин сўнг тупигини туфлаб ташламоғида ажаб асари куллий машҳуд бўлгонлигини ўз китобларида ёзгон-дурлар.

Ва агар мағс боқабз бўлуб, ичи тўхтаб қолган бўлса ва бу тадбирлардин ҳеч нафъ ҳосил бўлмаса, ул тақдирда эътиқол-да зикр қилингон шофқалардин истеъмол қилиб, табиатни равон қилмоқ лозим бўлур. Ва агар ичакни алами кўп шид-датлик ва бола бетоқат бўлса андак афюнни гул ёғиға эзиб, боланинг маъдиға суртилса, аларни муқаррар таскин қилур. Сўнгра ичакдаги бодларни чиқармоқ учун ушбу ёғи бемисл нофиъдурки, оқ хардал, жавзи баввойи муҳриқ, яъни куйди-рилғани, нонхоҳи муҳриқ, барги сарв, барги судоб, тўхми ҳалюн, абҳал, анжадони муҳриқ, мозарйун - ушбу тўққиз нафъ давонин агар муяссар бўлса ҳаммасидин ва илло муяс-сар бўлгонларидин баробар миқдор янчиб, ҳўл кашнизнинг

суви бирлан қайнати́лур. Ва сувдин аксари фоний бўлуб, озроғи боқий қолғондин сўнг, сузиб олиб, мазкур сувға баробар кунжут ёғи қўшиб яна қайнати́лур, то суви тамом фоний бўлуб, фақат ёғи холис қолгунча, сўнгра ушбу ёғдин боланинг қорниға ва маъқадига андакни суртилса, жуда кўп ва тез бод келтурар, ҳаттоки забт қилиб тўхтатиб қолмоқ мушқул бўлур, ҳатто катта одамларға ҳам хийла асар қилур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, гоҳи бўлурки, мағсға сабаб иссиқ суви мизож бўлур. Ва ё иссиқ моддадин пайдо бўлуб турғон бод сабаб бўлур. Бинобарин ҳарчанд иссиқ нимарсани такмид қилинса ҳеч нафъи зоҳир бўлмас, балки алами зиёда бўлур. Бас, бу сувратда иссиқ даво истеъмолидин қўл тортмоқ, балки совуқ сувға латта хўллаб ёпмоқ, ўраб қоринға босмоқ ёки оқ сандални майдалаб гулобға эритиб суртмоқ лозим бўлур. Ва боладин ва эмизғувчидин суви мизожни зоил қиладурғон тадбирларни бермоқ вожибдур.

НУТУВВУ-С-СУРРА, ЯЪНИ КИНДИКНИ БАЛАНД КЎТАРИЛИБ ЧИҚМОҒИ

Ва бу касал икки навъ бўлурки, ё туғилгон кунларида пайдо бўлур ва анинг сабаби киндикни кесар вақтида воқеъ бўлгон хато тадбирдур. Чунончи киндикни кесгувчи одам ани ушламоқда бепарволик бирлан танадин хориж тарафға тортиб, киндикнинг илдизиға озор ва тамаддуд эҳдос қилғон бўлур. Ва ё эҳтиётсизлик бирлан бошқа озорлар пайдо қилғон бўлур. Ва киндикни би-л-акс тана тарафға сидируб, анинг ичидаги рутубати фазлийя ё бодларни киндик илдизига жамъ бўлмоғиға боис бўлур. Ва аларнинг сабаби бирлан киндик танадин ўсиб чиқар. Бас, бу навъ нутувву-с-суррани муҳлат ўткармай янги пайдо бўлгон вақтларида ислоҳ қилмоқ вожибдурки, агар таъхир қилинса, сўнгра ислоҳ ва давони қабул қилмас. Ва ислоҳ учун тадбир шулки, латта ва ё пахтани ўз-ўзиға ўраб ва ҳажмини мазкур киндикнинг баландлик ҳажмиға мутаносиб қилиб, киндик устиға қуйиб, устидин бир рўмолни белбоғ қилиб тортиб боғланур, токи ул латта ёки пахта сиқилмоқ натижасида киндикни босиб, саҳиҳлик ва

табий ҳолатга келтируб турғай. Ва неча муддат шул тариқада сақлаб, сўнгра киндик ҳам шул ҳолатда боқий ва маҳкам бўлур.

Ва иккинчи навъи шулки, сифоқ, яъни терини остида ва сурбнинг устида боқий бўлгон парда шул маҳаллдин ёрилур, сўнгра бу парданинг орқасидаги сурб исимлик парда ўзини оғирлиги ва ҳам анинг орқасидаги ичак ва чарбиларнинг тазйиқи бирлан мазкур ёрулгон жойдин хорижга чиқиб, терининг тагиға бевосита жамъ бўлурки, терининг баландға кўтарилмоғиға сабаб бўлур. Ва сифоқ пардасининг ёрилмоғи катта одамлар учун бир неча сабаблардин бўлур. Аммо ёш болаларда аксар қаттиқ ва кўп йиғламоқ ва қаттиқ сайҳа қилмоқ сабаб бўлур. Ва ёки сифоқ ёрилмас, лекин сифоқ бирлан терининг миёнасиға рутубат жамъ бўлур. Ва терини баландға кўтарур, лекин бу навъ нутув болаларға жуда кам воқеъ бўлур, зероки аларда ҳануз рутубати фазлийя йўқдур. Ва рутубати аслийялари қондин ажраб бир жойға бу қадар жамъ бўлғони узоқроқ эҳтимолдиндурки, барсабили нудрат воқеъ бўлур. Ва ё суъи тадбир бирлан кесиб ташланадурган зиёда киндикни би-л-акс тана тарафға қаратиб сидирилгон сабаблик ани рутубати фазлийяси терининг остига келиб жамъ бўлгон бўлурки, биринчи навъда иложи бирлан зикр қилинди.

Ва ё шул маҳаллға терининг остига бод жамъ бўлур. Ва ё киндикдин гўшти зоил ўсиб терини кўтаргон бўлур. Ва ё шул жойда майда томурлардин бирини оғзи очилгон ва ўзи ёрилгон бўлур ва андин қон чиқиб терининг остиға жамъ бўлуб, терини баланд кўтаргон бўлур. Ва томурнинг оғзи очилмоғи ва ё ўзи ёрилмоғиға сабаб ҳам биринчи қисмда зикр қилингон хато тадбир бўлур, чунончи киндик рўдасини кесмоқда эҳтиётсизлик бирлан танадин хориж тарафға андак тортилгонда киндикни илдизида пайдо бўлган тамаддуд ва тортишув сабаби бирлан ул жойдаги нозик томурларға ҳам тамаддуд ориз бўлуб ёрилмоғиға ва ё оғзи очилмоғиға боис бўлур. Ва ё болани қаттиқ кучониб йиғламоғи ва ё қаттиқ сайҳаси ва ё дурушт ҳаракати сабаб бўлур. Маълумдурки, ёш болани

хамма аъзоси камоли назокатдадур, андак сабаб бирлан та-
харруқ ва тафарруқға қобилдур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, агар сифоқ пардаси ёрилиб,
андин сурб парда ўтиб келиб, киндик терисини кўтаргон
бўлса, анқариб фатқ касалиға баён қилинодирган муолажа-
ларни истеъмол қилинур. Ва бодангиз нимарсалардин бола-
ни ва эмизғувчини парҳез қилдирмоқни вожиботдин ҳисоб
қилинур, хусусан агар нутувви сурра боднинг ижтимоъидин
ҳодис бўлгон бўлса, бодангиз нимарсалардин парҳез фарз
деб билмоқ лозимдур.

Ва яна кўрғошимнинг каттароқ бир қитъасини пачоғ-
лаб, текис қилиб, киндик устиға кўйиб, устидин белбоғ
ила боғлаб кўймоқ ёки бир харитачани эгов бирлан майда
қилингон кўрғошимға ва ё майдалангон сурма тоши бирлан
тўлдируб, киндик устиға кўйиб боғламоқ керакки, кўп нафъ
қилур. Ва агар киндикда бод жамъ бўлгонлиги нутувдин ҳосил
бўлгон бўлса бодшикан даволарни едирмоқ ва зоҳирдин сур-
тмоқ бирлан зоҳир бўлур. Ва бодни таҳлили учун ҳаммадин
фоидалироқ ва осонроқ даво шулки, масалан, исириқ, зира,
фирмоннинг барги ва гули игирнинг янчилғони ва кабоба ва
қаранфул кабиларни сувға қайнатиб нутуввға суртмоғ ва анга
латта хўлаб нутуввға ёпмоқ ва тафлини зимод қилмоқ ки-
фоя қилур. Бу навъ нутувнинг хос аломатидиндурки, қорин
очликда ва ё бодшикан даво истеъмолида камаюр. Ва тўқлик
ва ё киндикка совуқ ҳаво етганда кўпаюр. Ва агар нутувви
сурра рутубати балғамийянинг ижтимоъи сабабидин ҳодис
бўлгон бўлса, рутубатни таҳлил қиладургон нимарсани зи-
моди бирлан зоил бўлур. Ва бу навъ нутувви сурранинг ало-
мати хоссаларидиндурки, ушлоғонда қўлға бағоят юмшоқ ва
мулойим сезилур. Ва очлик ва тўқлик бирлан кам ва зиёда
бўлмас. Ва зимод учун рутубатни таҳлил бермоқда ҳаммадин
нофиъроқ нимарса суъд ва арпанинг уни ва сигирнинг тезаги
ва кўйнинг қийи ҳаммасини кўшиб иситиб зимод қилинур.

Ва агар киндикда терининг остидин гўшти зонд ўсиб ну-
тувв ҳосил қилгон бўлса зинҳор анга таарруз қилинмасинки,

анга илож қилмоқда гўшти зоидни кесмоққа эҳтиёж бордур. Ва ани кесмоқда хатар бордур. Ва бу навъ нутуввнинг аломати хоссасидурки, нутувв қаттиқ бўлур ва ҳеч тадбир бирлан камаймас. Ва агар майда томурларнинг оғзи очилмоғи ва ё ёрилмоғи сабаби нутувв бўлса, бу нутувв юмшоқ бўлур ва ранги бинафшаранг ва қаро ранглик бўлур. Зероки ўз мавқъидин кўчуб фосид бўлгон қоннинг ранги қаро бўлур ва терининг остидин кўрингон қаро ранг терининг қалин ё юпқалигиға нисбатан ҳам қоннинг фасодийяти шиддат ва қиллатиға нисбатан ё қаро ёки бинафшаранг бўлуб кўрилмоғи лозимдур. Ва бунинг изоласи учун зулу қўйиб, жамъ бўлгон қонни сўрдириб олмоқ ва сўнггидин яна қон чиқиб жамъ бўлмаслиги учун томирнинг оғзини банд қиладургон қобизи қавий даволардин, масалан, аччиқтош, мозу ва бузғанаж ва норпўст каби қобизлардин зимод қилмоқ муносибдур. Ва агар зулу қўйгондин сўнг нутуввнинг рангидин ҳануз ҳам фосид қоннинг бақийяси борлиги маълум бўлса, аввало ҳайвонот панирмоясидин нутуввға ёпиб, боғлаб қўймоқ лозим бўлур, токи бақийяи қонни эритиб таҳлил қилғай, сўнгра давоий қобиз зимод қилинур.

ВАРАМУ-С-СУРРА, ЯЪНИ КИНДИКНИНГ ШИШМОҒИ

Билмоқ керакки, гоҳи киндикни кесилгон вақтда шу маҳалли узви заифроқ бўлса гўё жароҳатлик узв шиш пайдо қилғони каби киндик ҳам шиш пайдо қилур.

ИЛОЖ. Шинкор ва сақични агар мавжуд бўлса, ҳар икисини ва илло мавжуд бўлгонини кунжуд ёғига эритиб ҳал қилинур, сўнгра мазкурдин андақини болаға едирилур, ҳам зоҳирдин киндигиға суртилур ва шинкор ба ҳуруфи шини мўъжама ва нун ва кофи арабий ва алиф ва ройи муҳмала гиёҳи машҳурдурки, Абу Халсо ва хассу-л-ҳимор ва фияжнуш ба ҳуруфи фо ва ёйи таҳтоний ва жим ва нун ва шини мўъжама исмлари ила машҳурдур. Ва худ шинкор исмидин ҳам баъзи ҳарфини табдил ила уч луғат машҳурдур. Биринчи луғатда шинжордурки, коф ўрниға жим бадалдур ва иккин-

чи луғатда шунқордурки, коф эвазига қоф малфуздур. Учинчи луғат шинколдурки, ро бадалига лом қойимдур. Ва яна упа ва мурдорсангни итузумининг суви ё ҳўл кашнизнинг суви бирлан эзиб киндикни атрофига зимод қилмоқ нафъ қилур.

ТУҚАЙЎУХУ-С-СУРРА, ЯЪНИ КИНДИКНИ ЙИРИНГЛАМОҒИ

Билмоқ керакки, гоҳи бўлурки, киндикни хато бирлан терскарига сидирилса киндик ичагидаги рутубати фазлийяси киндик илдизига жамъ бўлур ва бу узв ҳануз заифлиги сабабдин ул рутубатни дафъи ва таҳлилига қодир бўлолмас, балки заифлигининг ўзи фасодни қабул қилиб, йиринг пайдо қилур ёки киндикни тортиб илдизига озор етқизилгон бўлур. Ва бу узвда заифлик бўлгон сабабидин тафарруқи иттисол воқеъ бўлуб, тафарруқи илтиём ҳосил қилолмаи йиринг пайдо қилур. Ва ё киндик тешигида чирк жамъ бўлур ва киндик ҳануз заифлигининг чиркдин мунфайил ва мутаъассир бўлуб, фасод ҳосил қилур. Бас, баҳар тақдир киндикда йиринг пайдо бўлса узвнинг заифлигининг бу фасод атрофга сироят қилуб йиринглик жойнинг атрофида қизил ранг ва андак ҳарорат пайдо бўлур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, бу ҳолат пайдо бўлса, ҳеч муҳлатни раво кўрмай тезлик бирлан йирингни ва рутубатни зурурий мужаффафалар бирлан тез қурутмоқ ҳам атрофидаги қизилларни ва ҳароратини зоил қилмоқ учун қизил сандал, жадвор, ҳазизи ҳиндийларни ҳўл кашнизнинг сувига қўшуб, киндик атрофига суртмоқ керак.

Ва зурур учун муносиб даволар ушбулардур: мурдорсанг, усрунж, тегирмоннинг гарди ва шоданаж ва ўчоғнинг қизил кесаги кабилардур. Бас, агар даволар кифоя қилмаса боланинг таваллудиға икки ойдин зиёда вақт ўтган бўлса, киндик атрофига икки адад зулу солиб, қон чиқоргондин сўнг, зурурларни истеъмол қилинса, албатта нафъ қилур, би-изниллаҳи таъоло. Лекин агар даво бирлан муддао ҳосил бўлмоғи мумкин бўлса ҳаргиз зулу солмоқ сазовор эрмаски,

зулудин болаға заиф меъда ориз бўлмоқ яқин эҳтимолдиндур. Ва агар бир қитъа қўрғошимни текислаб киндик устига қўйиб боғланса, йирингларини қурутиб, жароҳатларини битирмоқда ҳамма талбирлардин мустағний қилур, ҳаттоки кўп эски жароҳатларни битирар ва мужаррабдурки, бир боланинг киндигига шул касал ориз бўлуб, то бир йилгача яхши бўлмади ва кўп даволар қилинди, лекин даводин ҳеч нафъ ҳосил бўлмади. Ва зулу солмоқдин андак таҳқиф ҳосил бўлса ҳам яна сўнггидин рутубат ва йиринг таровиш қилур эрди. Охир ул-амр мурдорсанг ва усрунж ва санги жароҳатки, арабда ҳажар уз-зира дерлар, ҳар учовини баробар миқдор олиб, бир-бирига қўшиб, хўб салоя қилиб, киндикга сешиб, устидин бир қитъа қўрғошимни текислаб ёпиб боғламоқга буюрдим ва шул тартибда қилиб эрдилар, Шофи ул-амрознинг лутфи бирлан икки ҳафтада тамом сиҳҳат ҳосил бўлди. Ва инояти Илоҳий бирлан сўнгра авд қилмади.

ФАТҚ ВА ҚИЛ (ДАББА)

Билмоқ керакки, бу касал ба баэътибори маҳалл уч навъ ва баэътибори кайфийят тўрт навъ бўлур. Ва бу анвони бир-биридин инкор қилмоқ қорин пардаларини ташриҳига мавқуфдур. Бинобарин аввал ани баёни лозим бўлди.

Махфий қолмасинки, қориннинг ҳамма табақаси тўрт қабат пардадин иборатдур. Биринчи парда теридурки, тамоми баданни иҳота қилгон ва жумладин қоринни ҳам иҳота қилгондур. Ва бунга то хориждин бир нимарса зарб бермаса ва ё жароҳат чиқмаса бошқа касал сабаби бирлан тешилмоқ эҳтимоли йўқдур.

Иккинчи мироққ би-касри мим ва фатҳи ройи муҳмала ва ташдиди қофдурки, терининг остида ва сифоқнинг устида воқеъдур. Ва гўшт ва нозик асабий пардалардин мураккабдур. Ва бу парда қоринни тамом иҳота қилгон. Ва атрофи жигар ва меъда талоқларни ҳам иҳота қилгондур. Бас, қачонки меъдада моддаи савдо бўлса ва ё талоқда моддаи савдо кўпроқ ҳосил бўлуб, харждин зиёедаси талоқда жамъ бўлса, албатта бу пардага нафх ва боди савдовий пайдо бўлмоқ лозимдур. Сўнгра

бу бодлар ушбу пардадин суъуд қилиб ҳавосси хамсанинг ихтилолига ва хаёлоти фосидага боис бўлса номини молихулиёйи мироққий дерлар.

Ва иккинчи парда сифоқ би-касри соди муҳмала ва фатҳи фо ва алиф ва сукуни қофдур. Ва бу парда мироққ пардасининг остидин анга муттасил ва сарб пардасини устида воқеъ бўлуб, андин мунфасил ва жудодур. Ва масоҳаси қоринни тамом ихота қилиб, соннинг аслида закардин икки жонибида икки бўлак бўлуб, ҳар бўлаги яна андак жамъ бўлуб, закарни ҳар икки ёнидин паст тарафга ўткондин сўнг яна андак ёзилиб, ҳар икки мойкни ҳам ихота қилгондур. Ва мойк ила мойк терисининг миёнасида воситадур.

Ва учинчиси сарб ба фатҳи сойи мусалласа ва рои муҳмала ва сукуни бодур. Ва бу парда жисмийдурки, миёнасида қалин ва ғализ ва ёғларни ўраб олгон ва тамом меъда ва ичакларни ихота қилгондурки, номини форсий ва туркийда чарбий дерлар. Бас, бу касалнинг баёнида аввало қорин табақаларини ҳақиқатини билмоқ лозим эди, баён қилинди. Энди мақсудга ружуъ қилурмузки, фатқ ба фатҳи фо ва сукуни тойи мусанноти фавқонийя ва қофдур. Луғатда бамаънойи ёрилмоқ ва тешилмоқдур. Аммо истилоҳи атиббода икки маънига мустаъмалдур. Бир маъниси шулки, соннинг аълосида ва закарнинг икки жонибида сифоқ пардаси мойк тарафга ўтмоғи учун воқеъ бўлгон икки тешук ҳолати табиийясининг кенгаюр. Ва шул сабабдин юқоридин бирон нимарса сифоқ пардасини дохил тарафидин мойк тарафга тушар ва мойк терисини ҳажми катта бўлур. Бас, агарчи ҳақиқатдин сифоқ тешилмаса ҳам истилоҳи атиббода мажозан фатқ дерлар. Ва туркийда дабба дерлар. Ва бу касал ёш болаларнинг рутубатлари кўплиги ва аъзоларини ва пардаларини сустлигининг ва ҳаракоти анифаларини кўплигининг аларга кўпроқ ориз бўлур. Ва бунинг номини қил ҳам дерлар. Би-касри қоф ва сукуни йойи мусанноти таҳтоний ва лом ва юқоридин мойк кисасига тушгон нимарса ё бод бўлур ва ё сув бўлур ва ё сарб пардаси, яъни чарби бўлур фақат. Ва ё чарби бирлан ҳамроҳ бўлуб ичаклар-

дин ҳам тушар, аммо ичак тушмоғи то чарб ёрилмаса мумкин бўлмас. Бас, тушгон нимарсаға фатқни нисбат бериб ном таъйин қилинғондурки, фатқи риҳий ва фатқи мойй ва фатқи сарбий ва фатқи маъойй дерлар. Аммо фатқи мойй ёш болаларға жуда кам воқеъ бўлмоғи кўп талош ва жустужулар бирлан маълум бўлғондурки, важҳининг баёни бу мавридға сигмас.

Ва иккинчи маъни шулки, пардаи сифоқки, юнон истилоҳи бирлан арби торун исми бирлан машҳурдур. Ва шул парда ёрилуру ва ани ёрилгон тешугидин ичидаги бор нимарсаларнинг тазйиқи хоҳ сарб пардаси танҳо ва хоҳ ичаклар бирлан ўтиб, мойк қисасиға ва бошқа жойға тушиб тўда бўлурки, ҳақиқий фатқ шулдур. Ва яна сифоқ пардасини ёрилгон мавзеъиға нисбатан бу касални уч хил ном бирлан зикр қилинурки, агар киндик атрофидин сифоқ ёрилиб чарбий ва ичак хориж бўлса ва тери остида муҳтабис бўлуб турса, ани номини фатқи мироққ ул-батн дерлар. Ва агар соннинг энг аъло-сиға ва закарнинг икки жонибининг муттасил бўлгон жойики, форсийда пайғўлаи рон ва каширон ҳам дерлар. Ва арабда урбийя би-замми ҳамза ва сукуни ройи муҳмала ва касри бойи мувахҳида ва фатҳи йойи мусанноти фавқониййи мушаддада дерлар. Бас, агар сифоқ пардаси шул мавзеъдин ёрилгон бўлса ва ё мойкка тушмаган бўлса номини фатқ ул-урбийя дерларки, бу ҳар икки навъ хотунларға кўпроқ ориз бўлур. Ли-сақли-л-ҳамли ва тамдид-л-вазъи. Ва агар шул жойдин ёрилса ва андин сарб пардаси ва ичакка ўтуб мойкка тушгон бўлса, номини қил дерлар. Зероки қилнинг маъниси мойк қисасиға бир нимарсани тушмоғидур. Ва хоҳ мажронинг кенглигидин ва хоҳ сифоқнинг ёрилғонидин бўлсин, баробардур.

ИЛОЖ. Қил касалида аввало мойкка тушган нимарсани оҳиста-оҳиста молиш бирлан юқори тарафға қайтариб чиқарилуру. Сўнгра тешукни илтиём бирлан беркитадурғон давоий мушаддадлардин зимод қилинурки, анқариб баён қилинур. Сўнгра мойкдин ҳам орқа тарафға ҳам олди тарафға тортиб

боғламоқ ҳамда муносиб андозага уч гўшалик бир киса тикиб, ҳар гўшасига бир донадин узун боғлар банд қилинур. Ва кисани янчилгон зира ва ё янчилгон бодиён бирлан тўлдириб, босиб-босиб маҳкам қилиб, сўнгра кисани моякга қўйиб бандларини орқаси тараф ва олди тарафдин белга тортиб, қаю тарз бирлан лойиқроқ ва часпонроқ бўлса, боғламоқ лозимдур. Ва боғламоқда маризни осмонга қаратиб ётқизиб боғламоқ муносибдур, токи нозил бўлгон нимарсалар яна юқориға қайтмоғи осонроқ бўлур. Бас, агар моякга тушгон нимарса фақат бод бўлса, бодангиз нимарсалардин ижтиноб қилмоқ ва бодшикан нимарсалардин истеъмол қилмоқ ҳам болаға ва ҳам эмизғувчиға вожибдур. Ва агар киндик атрофидин ва сон пайғувласидин ҳодис бўлган фатқ бўлса, нонхоҳни майда янчиб, тухумни оқиға қориб қўймоқ кифоя қилур. Ва агар бақувватроқ давони хоҳланса, давойи мушаддадлардин қўймоқ раводур. Ва аксар вақтда янчилган зира ва ё бодиён бирлан тўлатилгон кисани боғламоқ кифоя қилур. Ва бошқа давоға ҳожат бўлмас. Лекин фатқнинг иложида асл пухта сўз шулки, болани қаттиқ йиғламоқдин ва куч ила ҳаракат қилмоқдин тўхтатмоқ зарурдур. Хусусан даво қўймоқ вақтида ва киса боғлаган вақтида ҳаракатдин тўхтатмоқ вожибдур. Ва бу касалдин агар бепарволик ила кўп эскитулгон бўлмаса ёш гўдак зуд яхши бўлур.

СИФАТИ АДВИЯЙИ МУШАДДИДА

(МУСТАҲКАМЛОВЧИ ДОРИЛАРНИНГ ТАРКИБИ)

Мастаки, анзарут, кундур, жавз ус-сарв, барги сарв, ақоқийё, дам ул-ахавайн, гулнор, мурри Маккий, аччиқтош, абҳал, сабр ва ҳазиз - ушбу даволарнинг ҳаммаси ёки ҳарчи мавжуд бўлгон қадрини баробар миқдорда олиб янчиб элаб, сўнгра балиқ елимидин ҳал қилгон итузумининг сувиға қориб, латтаға олиб, фатқға боғланур.

Ва иккинчи навъики, фатқнинг ҳамма анвоъиға баробар фоида қилур, ушбулардурки, гулнор, барги мурд, мозу, сабр, мурр, кундур, жавз ус-сарв, зифт, муқил, абҳал - мазкурлардин ҳаммасини ва ё баъзи мавжудларини баробар миқ-

дордин олиб, янчиб, элаб балиқ елимидин қўшуб эритилган итузумининг сувиға қориб, сўнгра латтаға олиб маҳалли мақсудға қўйилур.

Ва учинчи давои мушаддид шулки, сичқон тезагини суғта эзиб, мазкурдин бетарқ ҳар куни боланинг хусиясиға ва закариға суртиб турмоқ кўп нафъ қилур.

ЗАҲИР (ЁЛҒОН ИЧКЕТИШ)

Бу касал энг охиринчи ва мақъадға муттасил бўлгон ичакни ҳаракатидин иборатдур. Ва бунинг сифати хоссасидурки, одамий ҳар андақ муддатда халоға бормоқға муҳтож бўлур, лекин борганда ҳеч нима келмас, магар андақгина рутубати лазижа келур. Ва шунинг учун бу касални иллат уд-дажжожа ҳам дерларки, товукнинг тезаги каби оз миқдор рутубатдин ўзга ҳеч нимарса келмас. Ва бу касални ёш болаларға воқеъ бўлғониға аксар аларни остлариға зах ва совуқ сироят қилғонлиги сабаб бўлур. Ва гоҳи сафродин ҳам бўлур. Чунончи иссиқни шиддати ва саҳрони ғалабасидин воқеъ бўлгон исҳолларда шул ҳолат пайдо бўлур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, агар болаға зах ва совуқ таъсир қилғон сабабдин заҳир пайдо бўлган бўлса, зах жойда ўлтирмоқ ва ё совуқлик нимарсалар истеъмолининг тақаддими ва ранг ва тилнинг оқлиги ва баданнинг совуқлиги ва исҳолда мундафиъ бўлгон модда ҳам оқроқ рутубати лазижалик ва сафродин холийлигидин ва ташна бўлмаслигидин ва бошқа аломатлардин билиб ҳазм қилғондин сўнг ҳабб ур-рашод ва зира ҳар иккисини баробар миқдор олиб, янчиб, элаб, эскиған саригёғға қориб, бақадри ҳожат совуқ сув ила ичирмоқ керак. Ва ширин беҳининг қивоми ва ширин олманинг қивоми ва гулқанди офтобийлардин ялатиб турмоқ кўп нафъ қилур.

Ва яна тариқ ва ё арча ёғочининг кули ва ё қўйнинг қийининг кулини тобада қизитиб, латтаға ўраб, боланинг мақъадиға такмид қилмоқ, хусусан райҳон тухмини таб бериб, мақъадиға такмид қилмоқ бағоят тез нафъ қилур. Ва агар хумдондин янги олинған сафолни ҳануз иссиқ вақтида устиға қалинлиги бақадри ҳожат латтаға ёзиб, устиға болани ўтқиз-

са ҳам бошқа такмидлар каби нафъ қилур. Ва лекин эҳтиёт учун сазовор шулки, иссиғлиги мўътадил бўлғай, токи иссиғи элутуб дилға заифлик ва ё куйдурмоқ каби изо еткизмағай. Ва бир қитъа сир, яъни саримсоқни боланинг мақъадига хумул қилинса ҳам кўп нафъ қилур. Ва бола агар гизоға одатланган бўлса, ҳалвои тар ва ҳалвойи пашмак ва жигар кабоб ва тухумнинг саригини чала пишгани каби гизолар муносибдур. Агар ҳануз гизоға одат қилмагон бўлса, эмизгувчининг гизосини ислоҳ қилмоқ бирлан қаноат қилинур.

Ва агар заҳир иссиғидин ориз бўлгон бўлса, собиқда бола сафро қай қилғони ва ё шиддатлик иситма сўнгидин заҳир воқеъ бўлғони ва боланинг рангида ва кўзида сариглик пайдо бўлғони ва ташналик ва сийдугининг тўқ сариг ва ё оч қизил рангда бўлғони каби сафровий аломатларнинг зуҳури бирлан жазм ҳосил қилинса, у вақтда семизўтти луъоби ва коҳунинг сувидин андак-андак ичируб турмоқ ва итузумидин едирмоқ ва шотутнинг сувидин андак-андак ичирмоқ ва зиркни қайнатиб, сувидин хўқна қилмоққа қаноат қилмоқ лозимдур.

Аммо исҳолни тўхтатмоқға зинҳор мубодарат қилинмағайки, заҳирни содиқ ёки козиблиги муқаррар бўлмағунча вожиб уд-дафъ бўлгон моддани тўхтатмоқдин бошқа офатлар воқеъ бўлғай.

Ва билмоқ керакки, гулқандға луоби бинафша ва исфагулни таб бериб, сўнгра андин олингон луоби ва хирфанинг луоби ва барги зифт тухмининг луоби каби муносиб луобларға кўшуб ялатиб турмоқ ҳар икки навъ заҳир учун ичакға қувват бермоқ жиҳатидин ҳам ўзини излоқи ва тайғоноқлиги бирлан моддаи вожибат уд-дафъни кўпроқ ва тезроқ дафъ қилиб, ичакни покиза қилмоқ жиҳатидин ва ҳам баданға, хусусан ичакға гизо бўлмоқ жиҳатидин тамом нафъ қилур.

Ва яна тухумнинг саригини гул ёғига кўшуб, сўнгра илитуб, устиға болани ўтқизилса банаҳвийки, боланинг мақъадига сироят қилодургон бўлса, мақъад варамини зоил қилмоқ ва исҳол тўлғоғидин мақъадға ориз бўлгон озорни зоил

қилмоқда ҳар икки навъ заҳир учун ажиб ул-асар нофиь-дур, башарти тақрор истеъмол қилинса.

Ва ични тўхтатмоқ зарур бўлган вақтда физо риоясиға муносиб физони исҳол бобида зикр қилинғон физолардин буюрмоқ сазовордур.

ТАВАЛЛУДУ-Д-ДИЙДОН, ЯЪНИ БОЛАНИНГ ИЧИДА ҚУРТЛАР ПАЙДО БЎЛМОҒИ

Билмоқ керакки, ичда пайдо бўлодурғон қурт аксар моддаи балғамдин пайдо бўлур ва булар тўрт навъ бўлур. Бир навъи дароз бўлурки, арабда ҳаййот дерлар ва туркда гижжа дерлар. Ва бу навъ қурт амъойи улёда, яъни юқори ичакларда пайдо бўлурки, туркда аччиқ ичак дерлар. Бу қуртларнинг қадри аксар бир қариш ва камроқ ва андак зиёдароқ бўлур. Ва гоҳи батариқаи нудрат то бир газғача бўлмоғи мумкиндур. Ва бундин зиёда узун гижжанинг вужуди гўдакларда мавжуд бўлғони ҳеч кўрилмағон ва эшитилмоғондур. Аммо катта одамлардин батариқаи нудрат то қирқ газғача гижжа топилғони фақат Ёврўпо табибларидангина манқулдур.

Ва иккинчи навъи шаклда ошқобоқнинг шаклида бўлур ва ҳажми ҳам мазкурға қариб ҳажмда бўлур. Бинобарин бу навъ қуртнинг номини ҳаббу-л-қаръ дерларки, қабоқ тухуми демакдур. Ва бу навънинг пайдо бўлиши аксар пўконда бўлур. Ва бу навънинг сифати лозимасидурки, бирининг сўнггидин яна бири мунтазам бўлур, гўё занжирдек бир интизомда кўри-нур.

Учинчи навъи майда кана шаклда гирдак бўлур, бинобарин номини мустадир дерлар ва бу навъ пароканда ва бири-биридин жудо бўлур. Ва интизом ёки ижтимоъ ҳолатида кўрилмоғондур.

Ва тўртинчи навъи жисман майда бўлур ва шаклан сирканинг қурти шаклида бўлур. Бас, агарки ҳар тўрт навънинг ҳаммасини номи дуд, яъни қурт бўлса ҳам, лекин аввалғи уч навъини ҳар бири ўзига махсус номи бирлан мумтоз бўлғони учун бу тўртинчи навъиға махсус исм берилмай тасмият уш-шай би-исми-л-омм қабилидин дуд деб ном бермоқ одати

атиббодур. Ва бу навънинг пайдо бўлиши маъойи мустақимда, яъни энг охиринги ичкада пайдо бўлуб, макони мақъадга яқин бўлур. Бинобарин ўзини доимий ҳаракат бирлан мақъадга хориш эҳдос қилиб турар. Ва физосиға ҳам мақъаднинг дохили атрофини тишлаб еб турар. Бинобарин мақъадга кўп озор ҳам бериб, яра қилиб турар. Ва агарчи бу тўрт навъ куртларнинг ҳамма ақсоми ҳам гўдакларда пайдо бўлмоғи мумкин бўлса ҳам, лекин гўдакларда аксар пайдо бўладургони шул тўртинчи навъидур ва бундин сўнг даражада кўб пайдо бўладургони биринчи қисми, яъни гижжадурки, бу ҳар икки навъ рутубати балғамиядин пайдо бўлур ва рутубати балғамия гўдакларда кўб бўлмоғи маълумдур. Аммо иккинчи ва учинчи навъ курт гўдакларда жуда кам ва нодир пайдо бўлур, зероки бу ҳар икки навъи куруқ мизожға моилроғи моддадин пайдо бўлур ва бундоғ модда ёш гўдакларда жуда кам ва нодир мавжуд бўлур. Ва бирон сабаби қавий бирлан, чунончи, зўр иситма ва кўп исҳол сабаби бирлан рутубати фано бўлгон ғайри табиий модда пайдо бўлгондағина андин пайдо бўлур.

ИЛОЖ. Агар биринчи навъ бўлгон гижжа пайдо бўлгон бўлса, ярим дирам миқдорлик дарманани сутға қўшуб ичурмоқ аксар кифоя қилур ва агар ҳожат бўлса афсантин ва баранги кобулий ва ҳўкузнинг ўти ва шаҳми ханзал каби даволарни хориждин қорниға суртмоқ ҳам гижжани ўлдируб хориж қилмоқда дарманаға иъонат қилур. Ва агар бола гизо тановулиға қодир бўлса аввало 4-5 кунгача ҳар кун кабоб ва қаро мавиз тановул қилиб туриб, сўнгра даво ичмоғи афзал ва таъсири даво асраъ бўлур. Зероки кабоб ва қаро мавиз гижжа учун бағоят марғуб гизодур. Ва тўрт-беш кун асносида бу гизоға одат қилгон гижжалар яна шул гизонинг талабида қорин ва ичкаларда жамъ бўлурлар ва шул вақтда ичурилгон даво ҳамма гижжаларға дафъатан таъсир қилиб, муддао зуд ҳосил бўлур. Ва агар тўртинчи навъда баён бўлгон майда куртлар пайдо бўлгон бўлса росин, яъни андиз ва зардчўба ҳар иккиси баробар миқдорда ва шакар ҳар иккисиға баробар миқдорда олиб, ҳаммасини янчиб қўйиб, ҳар куни мазкур-

дин бир дирам миқдорини сув бирлан ичирмоқ ва ҳино бирлан мумни бир-бирига қўшуб, боланинг мақъадиға андак миқдорни шиёф қилмоқ ва бир лаҳзадин сўнг боланинг мақъадини чироқ нуриға муқобил тутиб туриб, мақъад атрофини ангушт билан тортиб ҳам қошиб турмоқ ва шул аснода агар мазкур қурт чиқиб кўринса, ани териб олиб турмоқ лозимдур. Ва билмоқ керакки, зайт ёғини болаға ичурмоқ ва мақъадиға суртмоқ, хусусан ҳуқна тариқи бирлан мақъадға дохил қилмоқ ҳар навъ қуртларнинг ихрожи учун ҳам нофиьдур. Ва балғамафзо гизолардин болаға ҳам, эмизғувчиға ҳам бўлормоқ вожибдур. Ва мумни гул ёғиға ва ё нафт ёғиға эритуб, мақъадни хориж ва дохил тарафини анинг бирлан ёғлаб турмоқ лозимдурки, қуртлар мақъадни тишламоғиға ва хориш пайдо қилмоғиға монеъ бўлур. Ва норжилни меваси, агар муяссар бўлса, шакарға қўшуб едурмоқ би-л-хосият нафъ қилур.

ХУРУЖИ МАҚЪАД шулки, яъни боланинг кўтони чиқмоғидур.

Билмоқ керакки, касалнинг худусиға неча хил сабаблар бўлса ҳам, лекин ёш болалар ҳақиға ул сабаблардин қатъи назар ўзларини мизожлари мартуб ва аъзолари заифлиги ҳам сабаб бўлур. Бинобарин, бу касал ёш гўдакларға кўпроқ воқеъ бўлур.

ИЛОЖ. Бу касалға илож узви махсусға тақвият еткузмоқ ва мизожиға ҳароратни зиёда қилмоқ ва рутубатини камайтирмоқда **урупунинг уруғи** агар мавжуд бўлса, янги ва ҳўл ос меваси ва баллут дарахтининг меваси ва гавазн шохининг куйдурилғони ва анорнинг пўсти ва қизил гулнинг қуруғи ва аччиқтош ва эчкининг туёғи ва жулнор ва мозу ва қоғазни сўхта, ҳаммасидин баробар олиб, мажмуъини кўб миқдор сув билан узоқроқ муддатгача қайнатилур, токи ҳама давонинг қуввати сувға ўтгай. Сўнгра мазкур сувни илиғ вақтида бир тоғораға солиб, ичиға болани ўтқузуб, ўн икки дақиқа қадар сақламоқ, сўнгра сувдин чиқармоқ керак. Ва агар мазкур бир бор кифоя қилмай яна ҳожат бўлса, сув то уфунат пайдо қилма-

са, такрор иситиб ҳар кун бир бор истеъмол қилмоқ раводур. Ва агар бу даволар ҳаммаси муяссар бўлмаса, муяссар бўлгон қадрини истеъмол қилмоқ мумкиндур. Ва анга бузганч ва зира ҳам қўшмоқ муносибдур. Ва яна райҳон тухми ва зира ва мозуни сувға қайнатиб, сувини нимгарм қилиб тило қилмоқ ва латгани анга ҳўллаб, нимгарм вақтида мазкурға ёпмоқ нафъ қилур. Хусусан, агар мазкурға андак заъфарон ҳам қўшулса нафъи зиёда бўлур. Ва асрори мактумадии маҳсуб бўлгон бир давои **ажиб бу бобда** ҳайвонот териси, хусусан, қари эчкининг терисики, кўп эски ва кўп ишлонгон бўлса, ани куйдуриб, кулини мазкур узвға неча дафъа сепса, ажаб нофеъдур. Хусусан эски ғарболнинг тўрини куйдурғони бўлса муъжиза каби ажиб ул асардур. Аммо янгироқ терида бу қадар таъсир мавжуд эрмас ва бунинг сири то ҳануз кашф қилингон эрмас ва илмун индаллоҳи. Ва агар хориж бўлгон ичакда шиш ва ёрликдин ва ё бошқа сабабдин ани қайтариб, ичакга киргузмоқ қийин бўлса, аввало мум қўшилгон ёғлар бирлан ёглаб, сўнгра идхол қилмоқ керак, токи осонроқ дохил бўлур. Хуружи мақъад агар шишлик бўлса шишиға фулуси хиёршанбарни мағзини итузумининг сувиға ҳал қилиб, зимод қилмоқ бағоят нофеъдур. Ва аксар бўлурки, бу касал ёшликда пайдо бўлса ҳам, неча вақтдин сўнг ўз-ўзидин бемуолажа ҳам зоил бўлур.

ҲАРҚАТ УЛ-БАВЛ, яъни сийдук қизиб куйдуруб келмоғидур.

Ва бу ҳолат ҳавонинг иссиғлигининг ва эмизғувчини ва ё боланинг ўзини иссиғлик гизо ва иссиғлик даво истеъмолидин аксар ориз бўлур.

ИЛОЖ. Боядки, тарбузнинг сувиға шакар қўшуб, ширинроқ қилиб, болаға ичурмоқ ва ё барги зуфтнинг ширасиға шакар қўшуб, ширин қилиб ичирмоқ ва тарбузнинг сувини тосға солиб, ичиға болани ўтқузмоқ лозимдур. Ва болани ва эмизғувчини иссиғлик нимарсалардин парҳиз қилдурмоқ лозимдур. Ва яна пишгон итузумини майда эзиб, боланинг зақариға ва мойкиға ва қиз бўлса фаржиға суртмоқ ва қовуғиға

андин зимод қилмоқ ва сигир қотиғининг айронидин ичурмоқ кўб фоида қилур. Ва агар ҳожат зўрроқ бўлуб, бақувватроқ илож даркор бўлса, қуруғ кашнизни сувға ивитиб, қувватини сувға чиқариб, сўнгра мазкур сув бирлан кохунинг тухмидин шира тортиб, ушбу ширадин болага ичирмоқ лозим бўлур. Ва агар ҳарқати бавл иситмалик бўлса аксар бу ҳолат сафронинг ғалабасидин бўлур ва сафронинг осори ҳам зоҳир бўлур ва бу тақдирда сафронинг танқия қилмоқ ва иситмасини таскин бермоқ учун хуммои сафровийда зикр қилнадурғон муолажалардин мулойимроқ ва муносиброғини истеъмол қилмоқ лозимдур.

АЛ-БАВЛУ ФИ-Л-ФИРОШИ, яъни уйқуда ўрунға сиймоқдур ва анинг сабаби мизожнинг совуқлиги ва қовуқнинг сустлигидур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, кундур ва сўд ва хавлинжон ва жафти баллут ва ҳабб ул-ос ва гулнор, ҳамасидин баробар миқдор олиб, янчиб, элаб, суфуф қилинур ва ҳар кун икки бор мазкур суфуфдин болага бериб турилур. Ва яна мушк ва жандибедастарни савсан ёғи ва росин ёғи ва қуст ёғи каби иссиғ ёғлардин бириға ҳал қилиб, боланинг қовуғиға суртмоқ нафъ қилур. Ва агар мастаки ва шоҳ баллут қароси ила ва сўд ва қанд ҳаммасидин баробар миқдор олиб, суфуф қилиб берилса, жуда кўб ва яхши таъсир қилур. Ва ҳаммадин яхшироқ тадбир шулки, болага кундузларида сувни ва суоқ таомни камроқ бермоқ ва кечқурунда ҳеч сувлик таом бермаслик ва кечалари такалуф бирлан болани уйқудин уйғотиб, сийдуруб ётқизмоқ ва совуғ ва ҳўл нимарсалардин доимий манъ қилмоқ ва физиға шўрбосиз фақат пишгон гўшт ва ё қовурдоқ ва ё кабоб ва ё чала пишгон тухумнинг сариғи каби сувсиз физолардин бермоқ муносибдур. Ва доимий офтобий гулқанд бериб турмоқ фоида қилур. Ва яна зира ва кундур ва ҳабб улос ҳар биридин беш мисқол ва асал қирқ мисқол ва аларни майда янчиб, элаб, асал бирлан маъжун қилиб, ҳар кун уч маҳал бир дирамдин бериб турмоқ ҳам нафъ қилур. Ва ипчунин ҳар кун андак-андак жавзи бавводин бериб тур-

моқ ҳам кўб нафъ қилур. Ва инчунин мурри Маккийдин ҳар кун и чорак дирамни наҳорға шароб бирлан ичурмоқ ҳам нофиъдур. Ва яна ёнғоқ ва норжилға шакар қўшиб бермоқ ва ё сияҳдонаға шакар қўшуб бермоқ нофиъдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, агар бу тадбирлардин манфаат бўлмаса, сўнгра ноннинг хамираға андак миқдор кабутарнинг тезагидин қўшиб, нон пишуруб болаға берилса, шубҳасиз, нафъ қилурки, асрори мактумадиндур. Лекин беизни муфтийи шаръ бунга мубодарат қилмоқға рухсат йўқдур, чунки аксар бўлурки, ёшликда ҳеч даво нафъ қилмас, лекин балоғатдин сўнг худ-бахуд зоил бўлур. Бинобарин буни узри шаръий деб ҳисоб қилмоқға бу ҳақирда журъат йўқдур. Ва яна болани мўътадил даража урмоқ ва мўътадил даража қўрқитмоқ ҳам боланинг хавотирлик сабаби бирлан хийли огоҳ қилиб, манфаат берур, лекин эътидолдин зиёдаси, балки билъакс қуввати табиийянинг изтироб ила умури баданияға кам эътиборлигиға қуввати мосика заифлигиға, ҳатто, жуда қаттиғ қўрқон бола бедорликда ҳам ўзини имсоқ қилолмаслигиға ва бошқа офатлар ҳудусиға сабаб бўлур. Шунинг учун мискинға манзур тадбир шулки, болани уялтирмоқ ҳам танбиҳи табиат учун кофийдур ва қўрқитмоқни хатардин холий деб бўлмас.

УСР УЛ-БАВЛ, яъни қийинлик бирлан сиймоқдур.

Билмоқ керакки, қийналиб сиймоқ икки қисм бўлур: биринчи қисми шулки, масонани ва ё буйракни тоши ва ё куми бунга сабаб бўлур. Ва махфий қолмасинки, буйрак тошиға нисбатан масонани тоши ўғил болаларда кўпроқ бу касалға сабаб бўлур. Аммо қиз болаларда бу тошнинг пайдо бўлиши жуда кам ва нодир бўлур, чунки қизларни масонасини гардани ўғулникиға нисбатан кенгроқ ҳам аввали гарданнинг букулғон кажи ўғулникиға нисбатан камроқ бўлур. Бинобарин агар кум ва ё майда тош пайдо бўлса ҳам, лекин сийдук бирлан мундафиъ бўлуб турар ва сийдукға монёъ бўлолмас. Бас, хоҳ масонада ва хоҳ буйракда пайдо бўлғон тош ила кумни фарқини сиймоқдаги қийинликни камлиги ва ё зўрлигидин ва сийдукда кум борлиги ва ё йўқлигидин билмоқ мум-

киндур. Аммо бу тош ва ё кумни буйракда пайдо бўлғони ила масонада пайдо бўлғонининг миёнасида фарқи шулки, агар буйракда пайдо бўлса белда оғирлик ва тамаддуд сезилур ва яна сийдукни аввали куюқ ва ранги хира бўлуб, сувникидин суюқ ва ранги соф бўлуб чиқар ва рангида соф қизил ва ё соф сариғлик кўринур. Ва кум ҳам қизилға моил ранглик кум чиқар. Ва агар масонада пайдо бўлган кум ва ё тош бўлса, анга аломат шулки, сийдукнинг ранги оқ, қивоми суюқ бўлур ва заҳарнинг илдизида сийгондин сўнг қичуқ пайдо бўлур ва андак замонағача бола ул мавзени қошимоқ ва молиш қилмоқни тақозо қилиб турар. Ва зиҳорда, яъни масонани муқобили бўлгон мавзёки, киндик бирлан закарнинг миёнасида ва мўйи зери нофни манбатидур, анда озор сезилур ва агар бола хушёр бўлса аломатни ўзидин сўраб билмоқ мумкиндур. Лекин сиймоқда қийналмоқ ва масонада оғриқ пайдо бўлмоқ шул вақтдағина бўлурки, тош масонанинг гарданида бўлса, илло масонанинг ўз ичидаги тош сийдукға монё бўлмас ва ҳам оғриқ пайдо қилмас.

Ва тош касалининг аксари маврусий бўлур, яъни бола-нинг отасиға ва ё аносиға собиқда тош касали ориз бўлгон бўлса, алардин мерос қабалида болаға ҳам ориз бўлур.

ИЛОЖ. Сийдук йўлини бўшатмоқ ва оғриқни таскини учун хасак ва бобуна ва хитмий, яъни чўлий оқ гули хайри ва карафс ва шибит ва каранб, яъни карам ва парсиёвушон ва қуртамни чала янчилғони ва хулба ва испағулнинг барги ва семизўт ва бинафша ва кунжутнинг барги ва хаббозий, яъни тугмаўтни илдизи ва анинг барги ва хори хасакнинг барги ва шохи, ушбулардин нечаси ва ақалли қаю бири мавжуд бўлса, ани кўброқ сув бирлан қайнатиб, сувини тосға солиб, илигроқ бўлгон вақтида болани шул сувнинг ичиға ўтқузилур, бадавъеки, сув болани белига етадургон бўлсин. Бир кечаюкундузда икки-уч бор шул тариқада такрор қилинур ва то сув совигунча болани сувда сақлаб, сўнтра лунги бирлан баданини артиб, қуритуб, ўраб олинур. Масона тошини майдалайдургон ёғлар, чунончи, чаённинг ёғи ва хасак ёғи ва бобуна

ёғи каби ёғлардин, агар тош буйракда бўлса, боланинг белига суртилур ва агар масонада бўлса, боланинг қовуғига суртилур ҳам шул ёғлардин закарини аҳлилига томизилур ва маъъадиға ҳам ҳумул қилунса нафъ қилур. Аммо баданни танқия қилгондин сўнг, кўб сийдуродурган даволардин ичурмоқ ҳам буйрак тошиға ва ҳам масона тошиға нофиъдур. Лекин кўб сийдурадургон доруни шул вақтда бермоқ раводурки, бола мазкур сувнинг ичида ўлтургон бўлса, токи сувнинг мулайийлик таъсири бирлан бадан эриб ва мухаддирик таъсири бирлан суст бўлуб турғонида сийдукни ва сийдук бирлан ҳамроҳ бўлуб келгон майда қумларни ва майда тошларни келмоғи ва осонроқ ва мажро кенгроқ ва озори камроқ бўлғай.

Ва яна агар тош масонада бўлуб, усри бавлға сабаб бўлгон бўлса, анга ҳамадин яхшироқ ҳийла шулки, болани орқаси бирлан ётқизиб, икки оёғини баландға кўтариб туриб, қовуғини пастдин баландға қаратиб силамоқ керак, токи масонанинг гарданиға келиб, мажрони банд қилғони учун сийдукни йўлини тўсган тош силамоқ бирлан яна масона ичиға қайтиб кириб, сийдукға йўл очилғай ва сийдук бафароғат келғай. Ва агар тош масона гарланидин ўтиб келиб, закар мажросиға тиқилгон бўлса, ул тақдирда закарнинг ости тарафини силаб кўргонда қўлга ҳам маълум бўлур ва ул вақтда лозимдурки, дарҳол тосға иссиғ сув солиб, сувға болани ўтқузилғай, токи сувнинг иссиғлигининг асарланиб, закарнинг мажроси мулойимроқ ва кенгроқ ва сустроқ бўлуб, тошни ҳажмиға лойиқ даража кенгаймоқға қобилият ҳосил қилғай. Сўнгра закарнинг аҳлилиға муносиб лубоблар ва мувофиқ ёғлардин мавжуд бўлғонини томизилғай, токи закарнинг аҳлили бағоят мулойим ва тойғоқ бўлғай, сўнгра закарни илдизи тарафдин учи тарафға қаратиб, оҳиста-оҳиста соғиб молиш қилунғай, токи мажрода банд бўлгон тош молишнинг тазйиқи ва таҳрики ва лубоб ва ёғларни излоқи бирлан хориж бўлғай. Ва агар шул тадбирнинг ижросида бола бағоят музтар ва бетоқат бўлса маъжунни фулуниё каби тажрибадин ўтказилгон мухаддир нимарсалардин, чунончи, давойи ябруҳ

ус-санам ва барашаъшо ва тарёқи кўҳнаки, кўҳналик ила афюн қувватини ҳосил қилгон бўлса, ушбулардин қаю бири мавжуд бўлса, андин андак едурмоқ лозим бўлур, токи анинг таъсири бирлан ҳам бола маст бўлуб, ҳам аъзоси суст ва беҳис бўлуб, то ул тош хориж бўлгунча озорини сезмай турар. Ва инчунин наша ва тарёқлардин андакни болаға едурмоқ ва андакни закарига суртмоқда ҳам мастлик ва ҳам закарита карахтлики ва беҳислик ориз бўлиб, муддао ҳосил бўлур. Ва агар ҳеч тадбирдин манфаат ҳосил бўлолмай ва тош закардин хориж ҳам бўлмай ва масона тарафға ружуъ ҳам қилолмай, ҳамон сийдук йўлини банд қилиб турса ва сийдук бандлигининг азобидин ҳалокати хуний ҳам бўлса, ул вақтда ночор эътимодлик жарроҳнинг тадбириға тобшурмоқ лозим бўлур, токи жарроҳ боланинг закарини тош тўхтоғон маҳаллини маълум ва мувофиқ ҳикмат тарафидин ёриб, тошни чиқариб олғай.

Ва кўб сийдуруладурган ва аларнинг иссиғ мизожлари ушбулардурки, карафш, бодиён, анисун, сўъд, шуниз, ҳалюлардир. Ва совуғ мизожликлари ушбулардурки, бодринг, тухми таррак, тухми хасак, ҳиндувона, косний, итузум, коканж, тухми кадулардур. Ва мўътадиллари парсиёвушон, фуҳ, яъни рўян, қовун тухми кабилардур. Бас, баҳасби мизож ушбуларнинг муносибини олиб, болаға берилур. Лекин гоҳ-гоҳ берилурки, доим бермоқ зарарликдур. Ва кўб сиядирулган давонинг истеъмоли учун энг яхши вақт табиатни мулоийм қилгондин сўнг, истеъмол қилмоқ лозим. Ва табиатни мулоийм қиладургон даволарнинг тошлик бола учун энг фоидалиги шулки, анжир ва сучукмияни илдизи, сапистон, хитмий, ҳар биридин баробар бақадри ҳожат олиб, сув бирлан қайноғондин сўнг, сувини соф қилиб олиб, анга мағзи фулус ва таранжубиндин ҳасби ҳожатни ҳал қилуб ичирилғай. Билмоқ керакки, усри бавл учун ва бадандин тошни рафъ қилмоқ учун қалдирғоч гўштини қайнатиб, шўрбосини ичурмоқ нофиъдур. Ва тариқаси шулки, қалдирғочни сўйиб, бол ва паридин пок қилиб, карафснинг суви ва бодом ёғи бир-

лан қайнатилау ва кашнизи ва дорчиний ва хавлинжон ҳам андак-андак қўшилуру. Ва ғўшт пишгондин сўнг шўрбосини ичурилуру. Ва билмоқ керакки, аввало баданни танқия қилмоқ, хоҳ батариқайи исҳол ва хоҳ батариқайи ҳуқна, лозимдуру ва давонинг нафъи ҳам баъд аз танқия истеъмол қилинса, комилроқ бўлуру. Ва яна бу касалнинг тадбири учун энг заруру шарти латиф ғизолардин оз миқдор бермоқ ва иштаҳоға лойиқ миқдорнинг нисфиға қаноат қилдирмоқдуру, токи талтифи ғизо ё тажвиди ҳазм ва тақвияи меъда ҳосил бўлғай.

Ва яна билмоқ керакки, эркак эчкини, эчкилар галасида зукурият вазифасини адо қилиб юрган вақтида сўйиб, қонини олиб, бир сафол зарфға солиб, зарфи ила кўра ва ё тануруға қўйиб куйдирилгон бўлса, номини истилоҳи атиббода тасмияи жузь биисми кулл қабил ила римод ут-тис дерлар ва ҳам эркак қўённинг қонининг кули ва ҳам чаённинг куйдирилгон кулининг ҳар бири ҳам масона ва буйрак тошларини майдалаб, сийдук бирлан дафъ қилмоқда ажиб асари куллийси бордуру. Ва миқдорини римоди тисдин ва римоди арнаб, яъни қуён кулидин бўлса, чорак дирам, то ярим дирамғача ичурмоқ мумкин бўлуру. Аммо чаён кули етти граммдурки, бир дирамнинг олти ҳиссадин бир ҳиссаси бўлуру ва ушбулардин қаю бири муяссар бўлса, анга таъйин қилилгон миқдорини қаю тариқа бирлан мумкин бўлса, ичурмоқ жоиздуру.

Ойна ва шишани бағоят майда эзиб, ғубордек қилиб, мазкурдин андак ичурмоқ ичдаги тошни майдалаб тушурмоқда ажиб ул-асарлигини атиббо таъриф қилгондурулар. Лекин агар бошқа даво бирлан мақсад ҳосил бўлмоғи мумкин бўлса, бун истеъмол қилмоқ раво эрмаски, хатардин холий эрмас. Ва агар ночорлик сабабдин истеъмолиға зарурут бўлса, ани майдалаб эзмоқда бағоят муболага қилмоқ вожибдуру, токи анинг баъзи зарраси меъда ва ё ичакға қадалиб, анга жароҳат пайдо қилмоқ эҳтимоли қолмағай. Ва яна ҳажар ул-яҳуд исмлиқ тошки, хийли юмшоқ бўлуру ва ани сувға ҳўллаб, яна бир бошқа тошға ишқаса, андин майда ажзолари ажралиб гилбута каби сувға

ҳал бўлур ва мазкурға бир мулойим ва нафис коғаздин бўлгон фатилани олуца қилиб, закарнинг аҳлилиға оҳиста-оҳиста юборилса, масонадаги тошни титуб майдалаб, сийдук бирлан тушурар. Ва маъжуни ҳажар ул-яхудки, “Қарободин”ларда мазкурдур, андин бодиринг тухмини ва ё қовун тухмининг шира-си бирлан ичурмоқ масона ва буйрак тошини майдалаб тушурмоқда бағоят муассирдур.

Ва иккинчи қисм уср ул-бавл шулки, масонада, хусусан, масона гарданида шиш пайдо бўлгон сабаби ва ё масонаға ивигон қон ва ё жароҳати дохилиядин мидда келиб, масона гарданиға келиб мажрони банд қилғонидин ва ё масона, хусусан, анинг гарданида бод пайдо бўлғонидин ва ё анга лузужатлик хилт келиб банд қилғонидин ва ё ҳиддатлик хилт келиб масона гарданида сўзиш эҳдос қилғонидин ва гоҳи буйракға шиш пайдо бўлғонидин ва бунга ўхшаш сабаблардин ҳодис бўлур. Ва бу навъ уср ул-бавл кўб тафсилға муҳтожлигинин ва ҳеч бу навъ катта одамларға кўпроқ ориз бўлмоғи сабабдин бу мақомда баёни муносиб бўлмади. Иншоаллоху таъоло “Иложи амрози-л-кибор”да муфассал баён қилурман. Агар лозим бўлса ўшал мақомға мурожаат қилмоқ керак.

АЛ-ҲУММАЁТ, яъни иситмалар демақдур.

Махфий қолмағайки, иситма касални ақсоми кўпдур, масалан, ҳуммойи явм ва ҳуммойи диққ ва ҳуммойи хилтий ва ҳуммойи оризий каби иситма касалларнинг ҳар бири яна неча қисмларға мунқасимдур, лекин ҳуммойи явм касали ёш болаларға жуда кам ориз бўлур ва ҳуммойи диққ эса ҳеч ориз бўлмас. Демак даражада кам ва нодиран ориз бўлур. Бинобарин бу мавридда фақат ҳуммойи хилтий қисмининг анвоъиниғина баён қилурмиз.

Билмоқ керакки, инсонда доим мавжуд бўлгон ахлоти арбаъаки, қон ва балғам ва сафро ва савдодур, ушбулардин гоҳи бир хилт ва гоҳи икки хилт ғолиб бўлуб иситма чиқарур. Бас, ушбулардин ҳар бирини ғалабаси сабаб бўлгон иситмани аломатлари ва иложларини бошқа-бошқа баён қилурмиз.

Сўнгра булардин қаю икки хилтнинг галабаси ила мураккаб ул-кайфият бўлгон иситмани жудо-жудо зикр қилурмиз.

Биринчи қисм ҳуммойи дамавий, яъни танҳо қон голиб-лигидиң пайдо бўлгон иситманинг баёнидадур, хоҳ қон исиб, қайноқ бўлуб, иссиғлик кайфияти бирлан иситма чиқаргон бўлсин ва хоҳ уфунат пайдо қилиб, бухороти уф-нияси бирлан иситма чиқаргон бўлсинки, шул қисмға мун-дариждур. Ва қон галабасининг аломати шулки, анга дои-мий иситма лозим бўлур ва тамури тўла ва йўгон бўлур ва бадан ва кўз қизил бўлур ва ҳаргиз терламас. Ва яна иситма-нинг ҳудусидин муқаддам қон кўпайтурадургон ғизолар ва мевалардин болани ва ё эмизғувчини тановул қилгонлиги ҳам бунга шоҳид бўлур. Ва ё ҳавонинг ўткур иссиғлик кай-фияти қонни қизитмоғиға боис бўлса иситмадин муқаддам ҳавони иссиғ бўлғони бунга далили қотей бўлур.

ИЛОЖ. Агар бола жуда ёш бўлуб, эмизғувчини тани обод ва қони голиб бўлса, дарҳол бетаваққуф эмизғувчидин қон олмоқ зарурдур. Ва иссиғлик таомлар ва мевалардин парҳез қилдурмоқ лозимдур. Ва қонни ва сутни совитадургон даво-лардин, масалан, тамри ҳиндий ва олуларнинг қайнатулгон суви ва зиркнинг суви ва лиму кабилар ичурмоқ лозимдур. Ва ғизосини ислоҳи ҳам лозимдур, масалан, кашкоб ичурмоқ ва биринжи хурдийға ҳўл кашниз ва сирка ва ғўра кабилардин қўшиб бермоқ ва коху ва шавул ва семизўт ва исфанохлардин самбўса ва қовурдоқ қилиб бермоқ муносибдур.

Ва гоҳи итузуми ва шоҳтут ва тарбузлардин тановул қил-моқға буюрмоқ лозимдур. Ва агар бола олти ойдин ошгон бўлса боланинг қулоғининг устидин андак тилуб, қон чиқар-моқ қўб нофиьдур. Ва агар шул жойға зулу солинса ҳам жоиз-дур. Ва агарчи боланинг бошқа аъзосидин қон чиқармоқ фои-дадин холий бўлмаса ҳам, лекин қулоғининг устидин қон чиқармоқнинг нафъи кўпроқ ва иситма сабабидин ориз бўлгон ғашийни ва заифликни зоил қилмоқ учун таъсири тезроқ бўлурки, тажрибаға етгондур. Ва гоҳ бўлурки, боланинг қуло-ғини тилмоқ бирлан дарҳол қон чиқмас. Бул тақдирда бо-

ланинг қони зотан камлиғини ва ё тигни юзароқ урилғонлигини гумон қилмай, балки анинг гардани ва қулоғини молиш қилунса, сўнгра қон чиқар. Чунончи соҳиби “Хулосат ут-тажориб” қизамуғ иситмасиға мубтало бўлғон бир болани кўргонларини ва ул боланинг иситмаси саккиз кун муддатдин ўтгонлигини ва бола беҳуш ва ғоятда сушт ва заифлигини ва анинг қулоғини устидин тилғонларида асло қон чиқмоғонлигини ва охируламр ул болани ўтқузуб қўюб, гардан ва қулоғини молиш қилғонларидин сўнг қон чиқиб, ҳатто миқдори маъхуддин зиёда қон чиқадурғон бўлғонда ани тўхтатмоқ учун неча ҳийлалар ижросиға муҳтож бўлғонларини ва шул онда бола ҳушиға келиб, физо талаб қилғони ва неча кун миёнасида иситмаси тамом зоил бўлуб, сиҳат топғонлигини ўз китобларида ҳикоя қилиб ёзғондурлар.

Ва билмоқ керакки, чилонжийдани қайнатиб, сувини сузуб олиб, соф қилиб, совитуб қўюб, мазкурдин бир кечакундуз асносида неча бор ичурмоқ қизамуғ иситмасиға ва гоҳи тутуб, гоҳи таскин топиб, бир кунда неча бор чиқадургон таби мутбиқа исмлиқ иситма изоласиға кўб таъсирлик нофеъдур. Ва махфий қолмағайки, танҳо қоннинг ғалабасидин пайдо бўлғон иситманинг сифати хоссасидурки, асло терламас, магар иситмаси босилғон ёки таназулға қайтғон кунигина озроқ терлар. Шунинг учун бундоғ иситмаларға аксари вақт терлатмоқ нафъ қилур. Бинобарин шул мақомда терлатмоқ тадбирларидин ҳам андак баён қилмоқ муносиб кўрилди, токи ҳар қаю иситмаға ҳам ҳожат вақтида истемол қилмоқға нозирини китоб тайёр ва қодир бўлғайлар.

Терлатмоқ тадбири шулки, кўкариб турғон ҳўл қамични ёнчиб, сувини сиқиб олиб, боланинг бошини ўртасиға ва ҳар икки оёғини тағиға суртиб ва танасини ўраб, иссиғ тутиб турилса, кўб терлатур. Ва агар қамич муяссар бўлмаса ва ул вақтда боланинг устидин бир чодир каби парда ёпиб, бир зарфни иссиғ сувға тўлдириб, мазкур парданинг ичиға қўйилса ҳам сувнинг буғи баданни эритуб ва масомларини очиб терлатур. Ва пошўя ҳам, яъни бир тоғорадаги иссиғ сувға бола-

нинг ҳар икки оёғини солиб қўймоқ ва мазкур сувдин бир пиёла бирлан олиб, ҳар икки оёғни тиззасидиш қўюб турмоқ ҳам терлатур. Ва агар тер чиқса ва яна зиёда чиқиб турмоғи матлуб бўлса, зинҳор терни артмаслик лозимдурки, хориждаги тер дохилдаги терни ўзига жазб қилмоқ ва кўпроқ терламоқга восита бўлур. Ва агар терни тўхтамоғини хоҳланса зоҳирдаги терни артиб қурутмоқ ва ботиндаги тер чиқмаслиги учун баданга ўралғон пардаларни олмоқ бирлан тер тўхтамай. Ва инчунин бинафшани чой каби қайноқ сувга дамлаб, сувини ичурмоқ ҳам терлатур. Аммо бинафшани сувга солғондин сўнг зинҳор қайнатилмасинки, хосияти зоил бўлур. Ва инчунин қатигни айрон қилиб, анга андак ун ҳам қўшиб, бир қайнатиб, мазкурдин иссиқ-иссиқ ичурмоқ ҳам терлатур. Ва агар иситмани бош оғриғи ҳам бўлса ва қулогини тилгонда қон чиқмаса ёки тилмоқ учун бир монёъ бўлса ул вақтда бунга ҳам пошўя қилмоқ лозим бўлур. Ва агар ичи қабз бўлса андак мулойим ва кам қувватроқ мулайийн нимарсалардин шиёф ва ё ҳуқна қилиб, табиатни мулойим қилмоқ зарурдир. Ва яна сандал ва кофур ва навшодир испирти каби шумумлардин ҳидлатмоқ ва итузуми ва коҳу ва барги зуфт ва коканж кабилардин сувини бошга суртмоқ ва анга латта ҳўллаб бошига ёпмоқ муносибдур.

ИККИНЧИ ҚИСМ - ҳуммойи сафровиядур, яъни танҳо сафронинг ғалабасидин ориз бўлғон иситмадур. Ва анинг аломати шулки, баданни ва тилни ва кўзни ранги сариғ бўлур ва сийдукни ранги сариғ ила қизилдин мураккаб бўлгон қўнғур-ранглик бўлур ва сийдуги иссиғ бўлиб, сўзиш бирлан келур ва ташналиги ғолиб ва иштаҳоси соқит ва уйқуси кам ва оғзи қуруқ бўлур. Ва сафровий иситманинг сифати хоссасидурки, агар сафро томурнинг ичида уфунат пайдо қилғон бўлса, ҳар кун иситма лозим бўлур ва магар кун аро иситмаси аввалғи кундаги иситмаға нисбатан зўрроқ бўлур. Ва агар томурдин хорижда уфунат пайдо қилғон бўлса иситмаси кун ора тутар ва кун ора иситма бўлмас.

ИЛОЖ. Эмизғувчининг табиатини тамри ҳиндий ва олу-

лар суви бирлан мулойим қилмоқ ва болаға ҳам мазкурлардин ичурмоқ лозимдур. Хусусан агар бола ғизоға одат қилгон бўлса булардин ичурмоқни вожиб билмоқ керак ва агар эмизғувчининг мизожида қон ғолиб бўлса андин албатта қон олмоқ ва сафронинг ҳиддатини босмоқ учун сиканжубин бермоқ ва бошқа шуиға муносиб нимарсалардин бермоқ лозимдур. Чунки боланинг касали учун энг муҳим илож эмизғувчининг мизожини ислоҳ қилмоқ экани неча бор мазкур бўлди. Ва инчунин агар ғизо тановулиға одат қилгон бўлса болаға ҳам ғизо ва даво бирлан тадбир қилмоқ лозимдур. Ва агар табиати қабз бўлса кам қувватроқ шиёф бирлан таъбини равон қилмоқ керак.

Ва билмоқ керакки, ҳинодин боланинг қўл ва аёғининг кафтиға ва бошининг торикиға зимод қилмоқ ўткур иситмаларни таскин берур, хусусан, ҳўл ҳино сарий ул-асардур. Ва агар терлатмоқға ҳожат бўлса қон ғалабасидин бўлгон иситма бобида мазкур бўлгон тадбирлар бирлан терлатмоқ сазовордур. Ва агар бош оғригининг таскиниға пошўя кифоя қилмаса биринчи қисмда зикр қилингон шумум ва тилолардин истеъмол қилмоқ лозимдур.

ФОИДА. Шайх ур-раис раҳматуллоҳи алайҳ бу навъ иситмалар тадбири учун болаға анор сувини сиканжубини асалийға қўшуб ичурмоқ ва бодиринг сувиға андак кофурни ҳал қилиб шакар қўшуб ичирмоқ лозим деб “Қонуни Кабир”ларида буюргондурлар. Ва Ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”ларида анга ирод қилиб эмадургон бола нордон нимарсалардин тановул қилмоғи асло жоиз эрмас, зероки сут бирлан нордони фами меъдада жамъ бўлмоғи ул сутнинг ивимоғиға ва фасодиға ҳатто заҳарға айланмоғиға сабаб бўлур, деб эътироз қилибдурлар. Ва бу дарвеш наздида Ҳаким Қарший раҳматуллоҳи алайҳининг бу эътирозлари бежо кўринур, чунки Шайхнинг мақсудлари боланинг меъдаси сутдин холий бўлгон вақтида ичурилсун демақдур, зероки меъдада сут бирлан нордон ижтимоъидин сутға тажаббун ва фасод ва саммият ориз бўлмоғини тарбияи атфол бобида худи Шайх муфассал ва

мудаллал баён қилгон эрдиларки, бу маъно ҳаммаға маълумдур. Аммо нордон бирлан сут жамъ бўлмай, ҳар бири танҳо меъдаға ворид бўлмоғида ҳеч қандоғ фасод ва зарар йўқлиғи бадиҳийдур.

Ва махфий қолмағайки, Шайхнинг болаға бодринг сувиға андак кофур ҳал қилиб шакар қўшуб ичурмоқға буюрмоқдин мақсудлари ҳам ҳароратни жуда зўр бўлгон вақти ва бошқа нимарса билан ани таскини мумкин бўлгон вақтидагина ичурсун демакдур. Зероки ҳожат зўр бўлмоғон тақдирда ёш болаға, хусусан, қиз болаға кофур ичирмоқ, ҳаргиз жоиз эрмаслиғи ҳам бадиҳий ва худди Шайхнинг “Қонун”-ларида марқумдур.

Сифати пошўяки, иситманинг зўрлиғида иссиғни жазб қилуб бош оғриғини зоил қилмоқға нофиъдур: бинафшанинг гули ва хитмийнинг гули ва толнинг барги ва чала ёнчилгон лавлағи ва буғдойнинг кепағи, ҳар биридин бақадри ҳожат олиб, кўпроқ сув бирлон қайнатила ва анга бир тарбузнинг қизил мағзини ҳам эзиб қўшила. Сўнгра бир зарфики, чуқурлиғи боланинг оёғини тиззасиғача қўмодургон бўлса, анга солиб ичиға боланинг аёғини солиб қўйила ва аёғини юқори тарафдин паст тарафға қаратиб молиш қилиб турила. қачонки, сувнинг иссиғлиғи жуда камайса, сўнгра оёғини олиб артиб пардаға ўраб қўйила. Ва мазкур сувни такрор иситуб, пошўя қилмоқ мумкин бўла. Бинобарин ани ташламай сақламоқ эҳтиётдурки, яна пошўя зарур бўлса дастгирлик қила.

Сифати шиёфи нармки, зўр иситмалик боланинг таъбини мулойим қилиб, иситмасини таскин ва ё таҳфиф қилмоқда сариъ ул-асардур. Гули бинафша уч дирам ва гули хитмий икки дирам ва сано беш дирам ва мағзи фулуси хиёршанбар етти дирам ва қизил шакар етти дирам ва оқ харсанг туз бир дирам, мажмуъини янчиб қўуб, ҳожат вақтида мазкурдин бақадри ҳожат олиб, бодом ёғи қўшуб шиёф қилина.

ВА УЧУНЧИ ҚИСМ ҳуммойи балғамиядур, яъни танҳо балғамнинг ғалабасидин ориз бўлгон иситмадур. Ва анинг

аломати шулки, аввалги икки қисмнинг аломатларидин ҳеч бири зоҳир бўлмаслиги ва ташналик андақгина бўлмоғидур, магар балғам шўр бўлса ташналик зўр бўлур. Ва бу ташналик ҳар чанд совуқ сув ичса ҳаргиз босилмас. Ва агар қайноқ сувни иссиғ ҳолида журъа-журъа ичса, андак нафъ қилур. Ва балғамий иситманинг сифати хоссасидурки, ҳар кун тутар, яна таскин топар башарти моддаи балғам томурнинг хорижида уфунат пайдо қилғон бўлса. Ва агар моддаи балғам томурнинг ичида уфунат пайдо қилғон бўлса анга доимий иситма лозим бўлур. Лекин иситма тутар вақтида доимий иситма андак кучайғон бўлур ва яна иситмани ҳар кун бир маромда бўлмоғи ва агар томур ичида уфунат пайдо қилғон бўлса ҳар кун вақти муқаррарда кучаймоғи ва юзида шиш каби имтило зоҳирлиги ва меъданинг заифлиги ҳам ҳуммойи балғамияға шоҳид бўлур.

ИЛОЖ. Ҳар куни эмизғувчиға косний ва бодиён қайнатиб ичурмоқ ва сучукмия илдизини янчиб, қайнатиб, гулқанд қўшиб ичурмоқ ва болаға ҳам озроқ ичурмоқ керак. Ва меъдани суғ ва карахт қиладургон нимарсалардин ҳар иккисига парҳез буюрмоқ керак. Ва совуғ сув ва совуғ жой ва бошқа совуғ нимарсаларни тарих қилиб, ташналикға сабр қилмоқ ва жуда ночорликда бағоят оз ичмоқ бирлан қаноат қилмоқни яхшироқ деб билмоқ керак. Ва иситманинг ибтидосидин эътиборан икки ҳафта ё зиёдароқ ўтгондин сўнг бўйимодаронни қайнатиб ва ё қайноқ сувға ивитиб сувини ҳам болаға ва ҳам эмизғувчиға ичирмоқ кўб нафъ қилур. Ва балғам пишгондин сўнг эмизғувчиға исҳол бермоқ лозим бўлса тарбуд ва ғориқун ва шаҳми ҳанзал ва бунга ўхшаш мусҳили балғамлардин исҳол бермоқ сазовордур. Ва бошқа тадбирлар учун сафро ва балғамдин мураккаб бўлғон иситманинг иложиде баён қилунадургон тадбир ва адвияи мужаррабалардин ҳарчи муносибини истеъмол қилмоқ сазовордур.

ВА ТҶҲРТИНЧИ ҚИСМИ ҳуммойи савдоиядур, яъни танҳо моддадаи савдонинг ғалабаси сабабидин ориз бўлғон иситмадур. Ва бу иситма ёш болаларға жуда кам ва батариқайи нуд-

рат ориз бўлур. Ва агар ориз бўлса, жуда кам бола шифо топар ва аксари ҳалок бўлур. Чунки ёш болани асли мизожи табиийяси иссиғ ва ҳўлдур ва савдонинг мизожи совуғ ва куруғдурки, тамом муҳолифдур. Бас, боланинг рутубати табиийяси ва ҳарорати табиийясини мағлуб ва савдони ғолиб бўлмоғиға боис бўлғон сабаби бағоят зўр ва бақувват бўлур. Ва боланинг бадани нозик ва қуввати заиф бўлур. Бинобарин зўр сабабнинг изоласиға заиф даволар кифоя қилмас ва кифоя қилғудек зўр даво ва зўр танқияға боланинг нозик бадани ва заиф қуввати таҳаммул қилолмас, магар бу муҳолиф мизожи боланинг ўз жисмиға ориз бўлмай, балки эмизғувчиға ориз бўлиб, анинг асари ва кайфиятиға сут воситаси бирлан болаға сироят қилғон бўлса эмизғувчини ҳолини ислоҳ қилмоқ тариқи бирлан боланинг шифоси мумкин бўлур. Бил-жумла савдовий иситманинг сифати хоссасидурки, бу иситма тутган кунидин бошқа яна икки кун ўртада осойиш ила ўтиб, тўртинчи кун тутар, башарти савдо томурдин хорижда уфунат пайдо қилғон бўлса. Ва агар савдо томурнинг ичида уфунат пайдо қилғон бўлса доимий иситмани лозим тутар, лекин ҳар тўртинчи кун иситмаси зўрроқ бўлур ва навъи ҳам болаларға жуда нодир воқеъ бўлур ҳам камроқ иложпазир бўлур.

ИЛОЖ. Моддаи савдони пишурмоқ учун дояға то қирқ кунғача майиз ва бодиён ва сапистон ва сучукмиянинг илдизидин қайнатиб, гулқанд кўшуб ичирмоқ лозимдур, токи савдо аксар шул қадар муҳлатда назж ҳосил қилур. Ва назжнинг асари зоҳир бўлғондин сўнг бир неча бора тафориқ бирлан мусҳили савдо бермоқ лозим бўлур. Ва ғизо учун доимий нахўд шўрбо бермоқ ва бошқа ғизодин парҳез қилдирмоқ лозимдур. Ва касалнинг ибтидоий зуҳуридин эътиборан болаға доянинг сутидин парҳез буюрмоқ ва бошқа доя табдил қилмоқ боланинг ҳақиға энг аъло илождин ҳисоб қилмоқ керак. Ва агар бола ғизохўр бўлса, анга зўр парҳез буюрмаслик лозимдур. Лекин ҳўл мевалардин сарий ул-фасодлари, чунончи қовун ва шафтолу каби меъдада тез ҳазм бўладурган мевалардин ва

коху каби шиддатлик совуқ сабзалардин болани парҳез қилдирмоқ вожибдур.

Ва ҳар нимарсаики, мизожи совуқ ҳам қуруғ бўлса андин парҳез қилдирмоқ зарурдур. Ва бу касал узоқ муддатга чўзиладурган ва тезда заволи мумкин бўлмайдургандур. Бинобарин бунинг тадбирида энг зарур ва муҳим тадбир моддаи савдонинг назжиға ва қуввати маризға риоя қилмоқдур. Ва қирқ кундин сўнг дояға жантиёно бермоқ нафъ қилур.

Ва жантиёно бир давоидурки, анвоъи заҳарларни, хусусан йилоннинг заҳарини дафъ қилмоқда бемисллигидин номини арабда даво ул-ҳаййа дерлар. Ва инчунин бадандин савдони ихрож қилмоқ ва анинг кайфийятини бадандин зорил қилмоқда ҳам беадилдур. Ва тариқи истеъмоли ва миқдори шўрбати “Қарабодин” да мазкурдур. Ва инчунин табби рубъға бериладурган бошқа хил давои мужаррабани ҳам агар эмизғувчиға бермоқдин мурод ҳосил бўлмоғи мумкин бўлса, боланинг ўзиға ҳаргиз бермоқ раво эрмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, табби рубъ, яъни савдовий иситма икки навъ бўлур. Бир навъи савдойи табиийя уфунат пайдо қилиб иситма чиқарур. Ва бу мақомда зикр қилинғон аломатлар ва иложлар шул навъ иситмаға махсусдур. Ва иккинчи савдойи ихтироқий уфунат пайдо қилиб иситма чиқарур.

Ва савдойи ихтироқий шулки, ҳар хилтийки, куйса савдо ҳукмиға кирарки, савдойи ғайри табиий шундин иборатдур. Ва номини савдойи ихтироқий дерлар. Ва бу навънинг иложи хилти савдо тадбири ила куйган асл хилтнинг тадбиридин муштарак бўлур.

Аммо ҳуммойи мураккаба, яъни икки хил хилтнинг мураккабидин ориз бўлғон иситмадур. Махфий қолмағайки, ҳуммойи мураккабада икки хилдин зиёда хилтнинг голиб бўлмоғи асло мумкин эрмас. Чунки миёналарига хилофи куллий воқеъ ва зиддони ло яжтамиёнидурлар. Чунончи балғам ила сафро ва қон ила савдонинг миёнасида хилофи куллий бордурки, балғам совуқ ва ҳўлдур, аммо сафро иссиғ ва қуруқдур. Бас,

ҳар иккисининг ғолиб бўлмоғи мумтаниъдурки, бир баданда ҳам иссиқ ва ҳам совуқнинг ғалабаси ва яна ҳам ҳўл ва ҳам қуруғнинг ғолиб бўлмоғи маҳолдур. Ва инчунин қон иссиғ ва ҳўлдур, аммо савдо совуқ ва қуруқдур. Бас, ҳар иккисининг бир баданда ғолиб бўлмоғидин бир баданда ҳам ҳўл ва ҳам қуруқнинг ғалабаси ва яна ҳам иссиқ ва ҳам совуқнинг ғалабаси лозим келурки, бу амри маҳолдур. Аммо қон ила сафронинг ғалабаси мумкиндур. Чунки агарчи бири ҳўл ва бири қуруқ мизожлик бўлса ҳам, лекин бир-бирини қувватидин каср ва инкисордин сўнг бир миёна даражаға келгай ва ё бири андақ ғолиброқ бўлса анинг ғалабасидин андақ асари, яъни андақ ҳўллик ва ё андақ қуруқлик боқий ҳам бўлгай. Аммо ҳар иккисининг иссиқлиги жиҳатидин бир-бириға мувофиқ бўлгон сабабидин баданда иссиқлик жиҳати ўткир бўлмоғи мумкин бўлур.

Ва яна балғам ила савдонинг ғалабаси мумкиндур. Чунки қоннинг ҳўллиги ва савдонинг қуруқлиги бир-бириға мухолифлиги сабабидин агарчи касру инкисор ила ҳўллик ва қуруқлик бир даражаи мутавасситаға келсалар ҳам, лекин совуқликда бир-бирлариға мувофиқ бўлғони учун баданда зиёда совуқлик таъсир эҳдос қилмоқлари мумкиндур. Ва инчунин қон ила балғам ғолиб бўлмоғи мумкиндур. Чунки булар ҳар иккиси иссиқ ва совуқликда хилоф бирлан қувватлари мункасир бўлса ҳам, лекин ҳўлликда мувофиқлик сабабларидин баданға зиёда рутубат ҳосил қилмоқлари мумкиндур. Ва инчунин сафро ила савдонинг ҳар иккиси ғолиб бўлмоғи мумкиндур. Чунки булар агарчи иссиқ ва совуқликда бир-бирлариға зид бўлғони учун қувватлари мункасир бўлса ҳам, лекин қуруқликда ҳар иккиси бир-бириға мувофиқ бўлғони учун баданға хўшкийятни зиёда эҳдос қилмоқлари мумкиндур.

Магар истилоҳи атиббода тўрт хилтдин уч навъи табиий миқдорда ҳосил бўлуб, бир навъи табиий миқдордин кам ҳосил бўлса ҳам, мазкур камроқ ҳосил бўлгон хилтға нисбатан боқий уч хилтни ғолиб деб таъбир қилурлар. Шунинг учун уч хилтнинг аломатларини эътибор қилиб, анга муносиб тадбир

ва илож баён қилғондурлар. Ва илло бу илож ҳақиқатдин уч хилтнинг ғалабасининг иложи эрмас, балки бир хилтнинг камлигини иложидур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, мутаъаддид хилтнинг ғалабасидин пайдо бўладурган иситманинг анвоъи кўпдур, лекин аларнинг иложига қоидаи куллия шулки, ҳар қаю хилтнинг аломати кўпроқ зоҳир бўлса, даво таркибида уч хилт дафъига муносиб давони ҳам кўпроқ қўшилур. Ва мураккаб хилтдин воқеъ бўладурган иситмалардин аксар воқеъ бўладурган навъи гибби ғайри холис ва шатр ул-ғибб исмлик навъидурки, ҳар иккиси андак тафовутни истисно қилганда бир навъи воҳиддурлар. Ва мураккаб хилтлардин ҳар бирининг назжи ва танқияси ва парҳезининг усули қоидасини танҳо бир хилтдин пайдо бўлгон иситма иложида зикр қилинди.

Эмди бир неча давоики, сафро ва балғамдин пайдо бўладурган иситмаға нофиъдурлар, аларни баён қилинур, токи ҳар бирининг ғалабасига муносиб кўрилғонини истеъмол қилинғай.

Билмоқ керакки, сиканжубини усулий кўп фоидалик ва усулдин мурод ковулнинг илдизи ва бодиённинг илдизи ва карафшнинг илдизи ва коснийнинг илдизидур. Ва шул тўрт илдизни баробар миқдорда олиб сув бирлан қайнатиб, сувини сирка ва шакар бирлан пиширилгон сиканжубинни “сиканжубини усулий” дерлар.

Ва қўрси гул ва шарбати дийнор ҳам инчунин кўп фоидалиқдур. Ва аксар воқеъ бўлурки, иситма тутадурган навбатидин бурунроқ андак асал шарбати ва гулоб ичирилса фоида берур. Ва безгак тутар вақтнинг ибтидосида совуқ сувдин парҳез қилмоқ зарурдур. Ва яна безгак тутар навбатидин неча соат игарироқ қўл панжаси бирлан бир неча бор асал ялатмоқ безгак ва эски иситмаға аксар вақт кўп фоида берур. Ва нонхоҳни янчиб, элаб, асалға қориб едирмоқ ҳам фоида берур.

Ва агар мастакийни майда янчиб, қаттиқ нонни янчиб эланғонидин мастакийға баробар миқдорни қўшуб, ҳар ик-

кисидин нахўд миқдорида ҳабб қилиб, ҳар таом сўнггидин бир дона мазкур ҳаббдин болаға юттирилса кўп нафъ қилур.

Ва яна аксар бўлурки, таби нонбаи балғамийяға қирқ кундин сўнг иситма тутар навбатидин неча соат бурунроқ нахўд миқдорича жанди бидастарни юттирулса яхши фоида қилур. Ва жавзи баввони янчиб, элаб, асалға қориб, навбатдин бурунроқ юттируб, сўнггидин сув ичмоқдин сақлаб турилса безгак туттирмай қолдирмоқға сариъ ул-асардур. Лекин учтўрт навбатғача мукаррар қилмоқ лозимдур. Ва иситма хусусида энг муҳим ва зарур тадбир меъдаға қувват бермоқдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, агар бола физохўр бўлуб, кўп эммайдурган бўлса ани гўштлик ва ёғлик тоамлардин парҳез қилдирмоқ мумкин бўлса фабиҳа-л-мурғдур. Ва илло ҳарчи хоҳлагонининг зарари кўп шиддатлик бўлмаса, ани бермоқ мумкиндурки, гизо тўғрисидаги ёш болаларнинг тадбирлари катталарнинг тадбирлариға кўп жиҳатда муҳолиф бўлур.

Ва кўп бора кўрилдики, эски иситмалик болалар ҳеч тадбирдин манфаат кўролмас эрдилар. Ва парҳезни бағоят эҳтиёт бирлан риоя қилур эрдилар. Сўнгра парҳезни тарк қилиб, ёғлик палов еб эрдилар, иситмалари фавран бартараф бўлуб, сиҳҳат топдилар. Би-л-жумла беморнинг табъиға, хусусан ёш боланинг табъиға мутобаъат қилмоқ ҳам вожибдур. Ва таомнинг турлик бўлмоғи ҳам фоидадин холий бўлмас. Чунки доимий бир хил таом бўлса, табиат андин нафрат қилур. Ва маълумки, табиат хоҳламағон физосини ҳазмиға ҳам ихтимом бирлан таважжуҳ қилолмас. Бас, ани ҳазми ҳам ноқис бўлур. Ва агар ҳар турлик гизо банавбат бўлса, ул гизо табиатға марғуб бўлур. Ва табиат анга яхши рағбат ила таважжуҳ қилур ва комил ҳазм қилур. Аммо физони кўп миқдор истемоли ҳеч вақтда раво эрмаски, боиси имтило бўлур.

ҲАСБА ВА ЖУДАРИЙ ВА ҲУМАЙҚО, ЯЪНИ ҚИЗАМИҚ ВА ЧЕЧАК ВА ҚИЗИЛЧА

Ва бу касалларни агарчи атиббо болалар касаллари қаториға киргузмай, балки катталар иситма касалларининг сўнггидин баён қилмоқни муносиб билғондурларки, бу касаллар

ҳам ибтидоларида иситма чиқармоқ лозималари бўлгон сабабдин иситмалар қаторига муносабатлари бордур. Лекин дарвеш¹ болалар касали қаторига киргизмоқни лозим кўрдим. Токи болалар тадбирининг мақоласи мустақмал бўлғай. Чунки бу касаллар ҳаммаси инсонға ёшликда ориз бўлурлар. Ва болани парвариш ва тадбир даврида бу касаллар иложининг тадбирига ҳам ҳожат бўлур.

Билмоқ кераки, агар ҳасба ба фатҳи ҳойи муҳмалаки, ани туркда қизамиғ дерлар. Бир-биридин мутафарриқа ва жудо-жудо бўлгон майда ва қизил бусралардурки, тариг миқдори-ча бўлур. Ва бу бусралар зоҳир бўлмоқға яқин ва аввало юпқа ҳажмлики ва гирдак ва қизил шиш бўлурлар. Сўнгра ул шишлар гўё бурга ҳажмиға ўхшаш бўлурлар. Сўнгра бусра бўлуб, зоҳир бўлурлар. Ва моддалари сафроға аралаш қон бўлур. Ва бусранинг сифати хоссасидурки, пишмай ва йиринг ҳосил қилмай қавжираб тўкилур, фақат. Ва бунинг лозимасидурки, аввало иситма чиқарур ва андин сўнг бусра зоҳир бўлур.

Аммо жударий би замми жим катта бусрадурки, ҳажми ясмугнинг ҳажмидек ва андин катта бўлур. Зоҳир бўлгондин сўнг пишуб йиринг пайдо қилурки, ани форсийда обла дерлар ва туркийда чечак дерлар. Ва бу бусра ҳам зуҳуридин муқаддам иситма чиқармоқни лозим тутар. Ва қизамуқ ила чечак иситмасининг аломати шулки, ҳар иккисида ҳам боланинг орқасида ва оёғини иликида оғриқ пайдо бўлур ва бурнида қичуқ пайдо бўлур ва кўзи қизариб ёш оқиб турар ва бошида оғриқ ва оғирлик пайдо бўлур. Ва баданида ҳам оғирлик пайдо бўлур. Ва уйқуда кўрқмоқ ва териларда сўзиш ва санчуқ доим маҳсус бўлур. Ва баъзи болаларда йўтал ва томоқ оғруқи ва нафас танглиги ва овоз бўғилмоғи ҳам ориз бўлур. Баҳарҳол шул тариқа иситма пайдо бўлса қизамуғ ва ё чечак чиқмоғиға ҳукм қилмоқ керак. Хусусан ҳалқ ўртасида қизамуғ ва чечак чиқуб тургон мавсумида бўлса, шубҳасиз ҳукм қилмоқ керак.

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

Ва қизамуғ чечак иситмасининг миёнасида фарқ шулки, қизамуғ иситмасида чечак иситмасиға назаран иссиқ кўпроқ ва ҳиддатликроқ бўлур. Магар орқасини оғримоғи чечакға назаран камроқ бўлур. Ва лекин боланинг изтироб ва бетоқатлиги чечакға назаран кўпроқ бўлур.

Ва яна бир фарқи шулки, қизамуғ аксар вақтда дафъатан зоҳир бўлур. Аммо чечак тез чиқса уч кунда ва илло бир ҳафтада чиқар. Ва қизамуғ чечакға назаран ёмонроқ ва хатарлироқ бўлур. Хусусан ранги қаро ва кўк ва бинафшаранглик бўлса ва ўзи қаттиғ бўлса ва кечикуб чиқса ва гаший ва андуҳни кўпроқ эҳдос қилса ҳалок қилур. Ва инчунин агар дафъатан ғоиб бўлуб, сўнггидин гаший пайдо қилса ҳам ҳалок қилур. Ва инчунин чечак катта ва бир-бириға бағоят яқин чиқса ва кўп миқдор чиқса ва ранги қаро ва бинафшаранг бўлса ва кўпрак ва қоринға кўп чиқса ва кечикуб чиқса ва кеч пишса хатарлик бўлур. Ва инчунин агар чечакдин қон сизуб турса ва ё аввал чечак зоҳир бўлуб, сўнгра иситма чиқарса жуда ёмон аломатдур. Ва инчунин агар чечак зоҳир бўлғондин сўнг ҳам иситмаси камаймаса ёмон аломатдур.

Ва қизамуғ ила чечакнинг энг енгил ва асламлигиға аломат шулки, нафасида осойиш бўлса. Ва эси соғлиқдагидек ҳушёр бўлса ва таомға ва сувға иштаҳоси барқарор бўлса, бундоқ касал бешубҳа сиҳҳатланур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, болаларға бу касални пайдо бўлмоғиға сабаб аларнинг қонларини пишурмоқға табиатлари таважжуҳ қилуб, қонларини тасарруф қилмоғидур. Зероки ёш болаларнинг қонлари хом ва рутубатликдур, албаттаки, ани ўзгариб пишурмоқлик лозимдур.

Ва маълумдурки, иссиқ ва ҳўл нимарса то қайнамоғунча аввалғи ҳолидин бошқа бир ҳолға ўзгарилиб, хомликдин пишмоғи мумкин бўлмас. Ва шунинг учундурки, болаларнинг қонлари пишгон вақтида қайнамоқ воситаси бирлан баданларига мазкур бусралар зоҳир бўлур. Ва қон қайнагон вақтда баъзи монеълар сабаби бирлан зоҳири баданға ҳеч нимарса пайдо бўлмаслиги нодирдур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, ҳар қачон иситма қизамуғ ё чечакни иситмаси экани маълум ва ҳануз бусраси зоҳир бўлмагон бўлса, боядки, тез ила қортуқ қўймоқ ва ё зулу солмоқ тариқаси бирлан боланинг баданидин қон чиқармоқға кўшиш қилгайлар. Бас, агар иситма қизамуғнинг иситмаси бўлса камроқ қон чиқаргайлар. Ва агар чечакнинг иситмаси бўлса, андин кўпроқ қон чиқаргайларки, анда қон зотан кўп бўлур. Ва агар қизамуғ иситмаси кўп шиддатлик зўр бўлса ва боланинг оғзи аччиғ ва кўзи сариқ ва сийдиги оловранглик бўлса, авло шулки, андин қон чиқармоқни мавкуф қўюб, аввало агар таъби мулойим бўлмаса мулайийн нимарсалар бирлан сафрони андак камайтирмоқ керак. Ва сўнггидин сафрони таскин бермакға машғул бўлгайлар. Ва қон чиқармоқни кузатиб тургайларки, бу ҳолатда қон чиқармоқ зарар қилур.

Ва билмоқ керакки, баъзи атиббо қизамуғ ва чечак иситмасида агарчи ҳануз бусраси зоҳир бўлмагон бўлса ҳам қонни қуюлтирадурган ва совутадурган даволарнинг истеъмолидин манъ қилибдурлар. Ва анга истидлол учун бул вақтдаги қоннинг қайнамоғи табиатнинг тасарруфи ила бўлмағини ва табиат учун ортиқча бўлгон моддаи зоидани бадандин шул тариқа бирлан дафъ қилмоқға табиат муқтазий эканини, бас, ани қуюлтирмоқ ё совутмоқ табиат иқтисосиға муҳолиф кайфийятта муқтазийлигини ва бул маъний табиатнинг изтиробига боис бўлмағини баён қилибдурлар. Лекин ҳақ шулки, сафро ғолиб бўлса ани таскин бермоқда бошқа чора бўлмас. Гояти шулки, қонни совутмоқға қўб муболага қилиб бўлмас. Зероки бул иситмаларда, агарчи сафро ғолиб бўлса ҳам аммо ани совутмоқ шул қадарғина бўлсаки, аъзоға тасалли берса ва ҳарорати ғарибани андак синдурса мумкинмур. Бундин ҳарорати ғаризийя қувватланиб, табиатға мадакдор бўлуб, фазлаларнинг дафъига табиат бемашаққат қодир бўлса ҳам, яна баданни ҳам сафронинг офотидин саломат турмоғиға таскини сафро боис бўлса. Аммо қачонки бусрадин агарчи зоҳир бўлса, сўнгра мулайийнотдин ва мубарридотдин ихтироз вожибдур. Мусҳили мулайийн нимарсалар бадандин рутубатни

дохил тарафға жазб қилурки, бу маъний бусра моддасини ҳам дохилға жазб қилинмоғиға сабаб бўлур.

Ва мубарридот қоннинг қайнамоғиға монень бўлуб, бусранинг зоҳирға чиқмоғиға монень бўлур. Ва муғаллизот қонни қуюлтируб бусрани кечикмоғиға сабаб бўлур. Балки сазовор шулки, бу ҳолатда бадандин қон чиқармоқ ҳам нораводур, магар бусраси чечак бўлуб қон ғолиб бўлса ва андин бир офат пайдо бўлмоғидин хавф қилинса ул вақтда чечак бусраси зоҳир бўлгондин сўнг ҳам бир миқдор қон чиқармоқ раво бўлғай. Чунки кўп тажрибаға етгандурки, бул ҳолатда заруратға лоиқ қон чиқарулғонда ботинға енгиллик пайдо бўлуб, мариз баофият анжомиға етар.

Ва яна бусра кўриниши бирлан дарҳол болани мулоғим ва иссиқ жомаға ўраб, ҳавоси мўътадил бўлгон уйда сақламоқни ва совуқ ҳаводин маҳфуз тутмоқни вожиб билмоқ керак, токи боланинг масоми очилиб, андак терласа қизамуғи тер воситаси бирлан осонроқ зоҳир бўлғай. Ва совуқ сувдин журъа-журъа дам-бадам ичируб турмоқ керак. Ва бурниға дам-бадам сандал ва кофур ҳидлатиб турмоқ лозимдур, токи булар дилға қувват берар ва қизамуғни тезроқ чиқармоқ учун табиатға ёрдам берар. Ва қачонки, модда ғализ бўлса ва ё масом банд бўлса, дарҳол моддани суюлтирмоқ ва масомни очмоқға кўшиш қилмоғи вожибдур. Аммо модданинг ғализлигини аломати шулки, бусра кўкракға ва кўкрак атрофиға кўпроқ чиқар ва бошқа жойға камроқ чиқар. Чунки кўкрак бошқа аъзоға назаран серругубат бўлур. Ва ругубатға мухтали модда албатта камругубат узвдаги моддаға нисбатан суюкроқ бўлур. Ва ҳам кўкрак дилнинг макони ва дил руҳининг маркази бўлғони учун ҳарорати кўпроқ бўлур. Ва ҳарорат эса моддани эритуб латиф қилиб турар. Ва ҳам кўкракнинг масоми истиншоқи ҳаво учун бошқа жойнинг масомиға назаран васиъ ярәтилғондур. Бинобарин модда кўкрак масомидин чиқар. Ва бошқа масомлардин ғализлик қилиб кўп чиқолмас. Ва кўкракдин зоҳир бўлғониға ҳатто тўрт кун ўткан бўлса ҳам

ҳануз бошқа аъзодин бусра тамом чиқмаган бўлур. Ва ушбулар ҳаммаси модданинг ғализлигиға далилдур.

Ва масом бандлигининг аломати шулки, масомнинг териси дурушт бўлур ва тер чиқмас ё кам чиқар. Ва моддани латиф қилмоқ масомни очмоқ тadbири шундоғ бўлурки, маризнинг ҳолини ташхис қилиб, анинг ҳарорати қайси даражада эканини билиб, анга муносиб тadbир қилмоқ лозимдур. Масалан, агар маризнинг томурини ва нафаси ҳолати табиийясида барқарор бўлса ва беҳушлик ва ҳарорат ва дилида андуҳ кўп бўлмаса ва тили қорайган бўлмаса ул тақдирда уйнинг ҳавосини иссиғроқ қилмоқ ва совуқ ҳаво бермаслик ва совуқ мизожлик нимарса бермаслик ва ҳидлатмаслик лозимдур, токи уйнинг ҳарорати ва болани иссиқ тутмоқ бирлан ҳам модда эриб сув бўлғай, ҳам андак тер бирлан масом очилғай. Ва бола ичиб турмоғиға совуғи ўткир бўлмоғон тоза ва холис сув бермоқни муқаррар қилмоқ лозимдур. Ва совуғи ўткир сувни зинҳор бермаслик лозимдур. Ва гоҳ иссиқ сув ҳам бермоқ лозимдур. Ва ё иссиқ сувға бодиён сувини совуғидин қўшуб андак совуғроқ қилиб ичирмоқ мумкиндур. Ва ушбу фонда қилурки, лаки мағсул тўрт дирам ва муқашшар ёсмуқ етти дирам, катиро уч дирам - ҳар учовидин то ҳар қанча миқдор муносиб кўрилса олиб, мажмуъини ўзиға муносиб сув бирлан то сувдин нисфи қолғунча қайнатиладур. Сўнг сузиб олиб мазкур сувдин дам-бадам оз-оз ичириб туриладур. Ва агар мазкурға қизилгулдин икки дирам ва анжир етти дона ва майнз тухми бирлан ўн дирамни қўшуб қайнатилғон бўлса яна яхшироқ нафъ қилур.

Ва инчунин агар танҳо анжирни сув бирлан қайнатиб, анга андак зарфарон ҳам қўшуб ичирулса жуда кўп нафъ қилур. Ва яна беморнинг олдига бир катта зарфда иссиқ сув қўшуб, зарфнинг ва беморнинг устидин иҳота қилгудек катта пардани чодир қилуб ёпулса, токи сувнинг буғи чодир тагидин келиб беморнинг ҳамма баданиға етиб турса, баданини андак терлатиб, масомларини очиб, бусрани тез чиқармоқда кўп таъсирликдур. Лекин боланинг бошини пардадин хориж-

ға чиқариб қўймоқ лозимдур, зинҳор парданинг тагида ўрол-фон бўлмасин, токи сувнинг буғи боланинг димоғига етиб, бетоқат қилмағай. Ва агар ташхиқ қилғонда боланинг томури ва нафаси мутағаййир ва беором бўлса ва ҳуши ҳалоллик ва ҳарорати ўткур ва тили қаро бўлса, зинҳор иссиқ нимарса берилмасин. Балки юқорида зикр қилинғон тадбирни лозим тутмоқ керак, яъни беморнинг танини иссиқ жомаға ўраб, ҳавоси мўътадил уйда сақламоқ ва совуқ сувдин дам-бадам журъа-журъа ичирмоқ ва сандал ва кофур ҳидлатмоқни лозим билмоқ керак. Ва бундоғ ҳолатда масомни очмоқ учун мазкур тағорадаги иссиқ сувнинг буғига буғламоқдин бошқа ҳеч тадбир қилиб бўлмас. Ва буғламоқни ҳам хафалик ва беқарорлик ориз қилмоғудек даражада буғламоқ шартдур.

Ва агар бу иситмада ҳарорат жуда ўткир бўлуб, болани иссиқ жомаға ўрамоқ ҳам заифлик ва ғаш ва андуҳ ва беоромлик келтирар бўлса, лозимдурки, уйнинг ҳавосини иътидолдин совуғроқ қилмоқ ва совуғлик хушбўйлардин, чунончи кофур ва сандал ва бинафша ва лиму кабилардин дам-бадам ҳидлатиб турмоқ ва совуқ ҳаводин нафас олдирмоқ учун боланинг бурниға муқобил жойда елпуғич бирлан елпуб турмоқ ва лекин танасини ўраб зоҳири баданини совуқ ҳаводин маҳфуз тутмоқ лозимдур.

Магар вақтики, совуқ нимарсаларни ҳидлатмоқ ва бурниға елпуб, совуқ ҳаводин нафас олдирмоқлар ҳам кифоя қилмай ҳароратнинг таскиниға ҳожат жуда зўр бўлса, ул ҳолда дилни салқинлатмоқ учун гоҳ-гоҳ жомасини сийна устидин андак-андак кўтариб, сийнасиға ва дилиға совуғроқ ҳаво еткизуб ва устидаги жомани андак юпқароқ қилмоқ раво бўлғай. Токи сийнадин бошқа баданиға ҳаргиз совуқ ҳаво етмағай.

Лекин қачонки, чечак зоҳири баданға чиққан бўлса бо-вужуди беқарорлиги ва ичидаги ҳарорати камайса ва тили қаро бўлса ва яна шул аҳвол бирлан танасини иссиғ жомаға ўраб турмоқ жуда зўр хатодур.

Ва агар беҳушлик ва ўқчуқ ориз бўлса ҳамма таважжуҳни

фақат дилга тақвият бермоқ учунгина сарф қилмоқ ва бошқа оризалардин мутлақо қатъи назар қилмоқ вожибдур.

Ва билмоқ керакки, чечак ва қизамуғ батамом чиқгондин сўнг боланинг табиати мулойим ёки қабзлигини риоя қилгон ҳолда совуғликроқ шарбатлардин баҳасби ҳожат бермоқ керак. Ва болани табиатини риояси бирлан мулойимроқ ва ё қобизроқ ажзонинг таркибини фаромуш қилмаслик лозимдур. Лекин бул вақтда мусҳил нимарса истеъмол бирлан ҳаргиз таъни кўзғатмағайларки, зўр зарар қилур. Ва инчунин агар худ-бахуд исҳол вақеъ бўлса ани ҳаргиз тўхтатмағайларки, табиат ўз таважжуҳи бирлан дафъ қилиб тургон фазлани безарурат тўхтатмоқ табиатга, балкиҳаётга зарба бермоқдин иборатдур. Хусусан агар бу ижобатдин табиатга рўшнолик ва баданга енгиллик пайдо бўлуб тургон бўлса, ани ҳибсидин батариқаи авло эҳтироз лозимдур. Магар бир неча кунга бу исҳол давом этсаки, сўнгги исҳол табиатнинг таважжуҳидин эмаслиги муқаррар бўлса, сўнгга анинг ҳифзиға ҳам қобиз, ҳам муқаввий даволар, чунончи кўрси табошири қобиз ва рубби беҳи ва бунга ўхшаш даволар истеъмоли бирлан ҳўб таважжуҳ қилмоқ лозимдурки, қизамуғнинг охирида воқеъ бўлгон исҳолда зўр хатар бордур.

Ва агар боланинг бурнидин қон жорий бўлса, то вақтики, пушти ранглик суюқ ва соф қон келгунча зинҳор қонни тўхтатмоқга кўшиш қилмаслик лозимдур. Магар пуштиранглик суюқ қон келса ва ё қуюқ шул миқдор келсаки, бундин зиёда келмоғидин заифланмоқ хавфи бўлса, бу сувратда дарҳол “Руюф” бобида мазкур бўлгон тадбирлар бирлан тўхтатмоқ чорасига таважжуҳ қилмоқ вожиб бўлур.

Ва агар болаға уйқусизлик ва ё шиддатлик йўтал каби баъзи ҳолат ориз бўлса, алар учун қилинадиргон тадбир ҳам боядки, асли касалға, яъни қизамуғ ва ё чечак тадбирлариға мувофиқ равишда бўлғай.

Ва билмоқ керакки, ҳар қачон қизамуғ ё чечак зоҳир бўлгондин сўнг яна ғойиб бўлса, бошқа ҳамма жиҳатнинг

риоясидин қатъи назар ила фақат мазкур бусрани яна зоҳирға чиқармоқ учун бўғламоқ ва терлатмоқ каби юқорида мазкур бўлгон тадбирлар ижросиға машғул бўлмоқ вожибдур, албатта.

Ва яна тезлик бирлан совуқ хушбўй нимарсалардин ҳидлатмоқ бирлан қуввати табиийға ёрдам бермоқ вожибдур. Ва ҳўл бодийёни янчиб, сувини олиб ёки қуруғини сувға қайнатиб, сувини олиб ва инчунин карафсни ҳўлидин ўз сувини ёки қуруғини қайнатиб, сувини олиб ва мумкин бўлса ҳар иккисининг сувидин маъан ва илло қаю бири мавжуд бўлса андин ичирмоқ кўп нафъ қилур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, қизамуғ ё чечак бусраси зоҳир бўлмоқ замонида кўз ва бурун ва ҳалқ ва мафосил ва ўпка ва қулоқ ва ичакларни муҳофаза қилмоқ ва алардин бусра чиқмоғини манъиға тадбир қилмоқ лозимдур, токи алардин бусра чиқмағай ёки чиқса енгилроқ ва камроқ чиқғай. Бас, бу аъзодин ҳар бирини муҳофазаси учун махсус тадбирларини жудо-жудо баён қилинур.

Аммо кўзнинг муҳофазати шулки, сумоқни гулобға ивигуб қувватини чиқариб, сўнгра соф гулобини ажратиб олуб, мазкурға андак кофур ҳам эзиб, мазкурдин бир кеча-кундузда неча бор кўзга томузмоқ кўздин бусра чиқмоғини манъ қилур. Ва ҳўл кашнизнинг суви ёки аччиқ анорнинг суви ёки мозуни гулобға эзиб, ани гулобидин кўзга томузмоқ ҳам инчунин бусрани манъ қилур. Хусусан аларға ҳам андак кофур ҳал қилингон таъсири комил бўлур.

Ва агар бусра кўзга зоҳир бўлгон бўлса, кофурни гулобға эзиб томузмоқ лозимдур. Ва бунга кашнизни ва кофурни суви кифоя қилмас бўлса ва агар сурмаи исфаҳоний ва кофурни гулобға эзиб кўзга ҳар лаҳзада томизуб турилса кўзнинг қизилини зоил қилмоқ ва кўз қорочуғидин зоил бўлгон бусра учун нафъ қилур. Ва агар қачонки, кўзнинг ғўлаги шиш каби ўсиб зоҳир тарафға кўтарилмоққа муқаддимаси маълум бўлса, мазкур даволардин томизгандин сўнг кўзнинг устиға латгани

неча қабатлаб қўйиб, анинг устига бир қитъа қўрғошимни пачоғлаб, кўз андозасига муносиб шаклда қилиб қўйиб, устидин рўмол бирлан боғлаб қўймоқ керак. Токи кўз ғўлагини босиб турмоқ бирлан ани юқори кўтарилмоғига монёв бўлғай. Ва агар боғланмоқдин бола бесабрлик бирлан йиғлаб гоҳ-гоҳ андак замон ечиб туриб, сўнгра яна боғламоқ лозимдур.

Аммо буруннинг ичини муҳофазат қилмоқ шулки, агар бола тоқат қила олса сиркани танҳо ва илло гулоб қўшуб, бурнига ҳар лаҳза томизиб турмоқ ёки гул ёғи ва ё ҳабб ул-ос ёғидин ҳар лаҳза томизиб турилурки, анга андак миқдор кофур ҳам ҳал қилунғон бўлмоғи шартдур.

Аммо ҳалқнинг муҳофазати шулки, бадандин бусра зоҳир бўлғон онда, балки бусранинг муқаддимаси бўлғон иситма ориз бўлғон вақтда болага соат ба соат анор ва анинг тухмини чайнатиб, сувини ютиб турмоқга ва сумоқни ва ё қизилгулни сув бирлан қайнатиб анинг сувиға ва ё ёсмуғни муқашшар қилиб гулоб бирлан қайнатилган бўлса анга фарғара қилмоққа амр қилмоқ керакки, ҳаммаси муҳофазати ҳалқ учун нофиъдур. Ва инчунин жуда совуқ бирлан фарғара қилмоқ ҳам нофиъдур. Хусусан анга гулоб қўшилғон бўлса зиёда нафъ қилур. Ва анорнинг қивоми ва шоҳтутнинг қивомидин ялатмоқ ҳам нафъ қилур.

Аммо ўпканинг муҳофазати шулки, қачонки чечак ё қизамуғ зоҳир бўлса ва сийна ва овоз дурушт бўлса, ул вақтда назар қилмоқ керакки, анинг ҳарорати зўрми ёки камроқми? Ва инчунин боланинг табъи мулойимми ёки сахтми? Бас, агар ҳарорати зўр ва табъи сахт бўлса испағулнинг луъоби ва беҳдонанинг луъоби ва қандни бодом ёғига қўшуб журъа-журъа ичириб турғай, балки андак-андакни ялатиб турғай, токи давони мурури кўпроқ фурсатга давом этгай. Ва бодом мағзини янчиб боланинг оғзига солиб турса, токи ани сўруб ва луъобини ютиб ётса ҳам нафъ қилур. Ва ушбу луъуқдин ялатиб турмоқни ҳам буюрмоқ керакки, ширин қабоғнинг тухмининг мағзи икки ҳисса ва оқ бодомнинг мағзи бир ҳисса, катиро ярим ҳисса қанд ҳамма ажзоининг мажмуъига уч ҳисса

бўлур. Ва мажмуъини эзиб элаб, испағулнинг ва ё беҳдонанинг лубобиға қориб ялатилур.

Агар ҳарорат зўр, лекин боланинг табъи мулойим бўлса, ул вақтда самғи арабий ва мағзи бодом ва бодринг тухмининг мағзи ва нашоста - ҳар бирини жудо-жудо қовуриб, майда янчиб, яна қовурилғон испағулнинг лубобиға қориб ялатилур. Агар ҳарорат зўр бўлмаса ва табъи ҳам кўб мулойим бўлмаса бу тақдирда лозимдурки, маска ёғига шакар қўшуб ялатуб турилғай.

Аммо мафосилнинг муҳофазати, яъни устихон бўғимлари, хусусан қўл ва оёқ бўғимларининг муҳофазати шулки, чўби сандал ва асорай момиса ва гили арманий ва қизилгул ва андак кофур ҳаммасини гулобға қўшуб салоя қилинур. Ва анга андак сирка ҳам қўшуб, бўғим жойлариға суртилур. Агар бўғим жойдин жароҳат чиқса ани тез-тез ёриб, йиринг ва фасодини чиқариб турмоқ ва фасоди тамом бўлса, сўнгра жароҳатни битирадурган марҳам қўйиб битирмак керак.

Аммо ичакларни муҳофазати шулки, ҳамма вақт ҳабб улос шарбатидин ва кўрси табоширдин ва беҳдонанинг қивомидин бериб турмоқ керак. Хусусан чечак ва қизамуғ тамом зоҳир бўлгондин сўнг касалнинг шиддати камаюб инҳитот ва таназзул давриға юзланган замонида ушбуларни кўпроқ бермоқ зарурдур. Чунки зоҳири бадандин қизамуғ ва чечак камайган вақтида агар дохилда моддасидин бақияси бўлса гоҳи ул моддаи бақия зоҳир бўлмай, ичакға резиш қилур. Бас, шунинг учун бул вақтда ичакнинг риояси кўпроқ зарурдур. Ва яна анжирни бодиён бирлан қайнатиб ичирмоқ ҳам ўпка ва ҳам ичакнинг муҳофазатиға кўп нафъ қилур.

ФОИДА. Чечак ва қизамуғ чиқгон болаларға муносиб атъима ва ашриба баёнидадур. Билмоқ керакки, агар болаға чиқгон бусра чечак бусраси бўлуб, ҳарорати зўр бўлса анинг физосиға арпани ва ё ёсмуғни қовуриб янчиб, нордон анорнинг сувиға ё ғўранинг сувиға ва ё рибоски, урфда иллоти омма ила ривоч ва равоч дерлар, анинг сувиға қўшуб бермоқ фоида қилур.

Ва агар боланинг ичи қаттиғ бўлса ва сийнаси ва ҳалқи дурушт бўлса, аммо ҳарорати кўп зўр бўлмаса арпани қовуриб жуллобга кўшуб бермоқ муносибдур. Ва нордон нимарсадин манъ қилмоқ лозимдур. Ва жуллоб шулки, оқ набот ва шакардин икки қадоғни олиб, олти қадоғ гулоб бирлан то нисфи қолғунча қайнатила. Ва шул аснода ани кўпукларини олиб пок қилинур. Сўнгра бир дирам заъфаронни гулобга эзиб кўшилур, сўнгра шишаға солиб сақланур ва ҳожат вақтида истеъмол қилинур.

Ва агар боланинг ичи мулойим бўлуб, ҳарорати зўр бўлса ва сийна ва ҳалқи дурушт бўлса арпани яна такрор қовурилу. Ёки биринчи қовурмоқда кўпроқ қовурилу. Ва кўрси табошири қобиз бирлан кўшуб берилур. Ва агар боланинг ичи суриб турган ва ҳарорати зўр бўлса қовурилгон арпадин ва анорнинг ва кўкнорнинг тухмидин баробар кўшуб, мажмуъидин кашкоб қилиб бермоқ лозимдур.

Ва агар боланинг ҳалқида дуруштлик ва ўзида уйқусизлик пайдо бўлса кашкобни қовурилган арпа ва кўкнор тухмидин пиширулғай, аммо анорнинг тухмидин кўшмоқ раво эрмас. Ва бошқа санъатни маризға ориз бўлгон воқеъа ва ҳолатларға нисбатан муносиброқларини ижро қилмоқни табиби ҳозиқнинг раъйиға ҳавола қилинур.

Аммо қизамуғнинг моддаси қароранглик бўлур. Чунки анда сафро кўп бўлур. Ва сафро қонни куйдируб каоб қилурки, ночор ранги қаро бўлур. Шунинг учун чечакға назаран қизамуғнинг ҳарорати ва шиддати зўрроқ бўлур. Бинобарин анга физо учун бериладурган нимарсалар чечакға бериладурган физодин совуқроқ бўлмоғи лозимдур. Масалан, кашкоб ва бунга ўхшаш нимарсалардин физо бермоқ сазовордур. Ва агар йўтал бўлмаса кашкобға нордон нимарсадин ҳам кўшмоқ раво бўлур. Ва тарбузнинг суви ва хирфанинг суви ва қабоғнинг сувидин ҳам кўшмоқ муносибдур. Лекин буларнинг ҳаммаси нордон нимарса кўшмай холис бермоқ раво эрмас. Ва нордонни йўталлик одама бериб бўлмас. Бинобарин бу нимарсаларни йўталлик болаға бермоқ дуруст бўлмас. Ва ҳар ца-

ҳарда истеъмоли ривожлик ва одат бўлгон физоларни ҳам бермоқға рухсат бермоқ керакки, одат мизожиға тобеъ бўлмас. Масалан, кўкнорға одат қилгон кишининг ичган кўкнори анинг ўзига нафъ қилур, аммо бошқа одат қилмогон киши шул миқдор кўкнорни ичса ҳалок қилур.

Ва билмоқ керакки, янтоқ шакари ва бинафша ва девпечакнинг сувини қизамуғлик болага бермоқ қатъан дуруст эрмаски, мамнуъ ва ашадди таъкид ила манҳий анҳудур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, қаю фаслида болаларға чечак ва қизамуғнинг зухури кўп ва шойиъ бўлса, шул фаслда ёши ўн ёшға тўлмагон болаларға қортуқ қўймоқ ва зулу солмоқ тариқи бирлан қон чиқармоқ ва эҳтиёт бобида бундин ҳам юқори амалларни ижро қилмоқ ва эмизғувчидин қон олмоқ ва мусҳил бермоқ ва физосида ҳам эҳтиётни риоя қилмоқ лозимдур. Ва сут ва шароб ва гўшт ва бодинжон ва бунга ўхшаш физолардин ва хурмо ва қовун ва асал ва анжир ва узум ва бунга ўхшаш мевалардин ва бошқа ҳар хил қон кўпайтирадиган ва сафрони қўзғатадирган нимарсалардин эмизғувчинини ва болани манъ қилмоқ ва камшира ва нордон таъмлик меваларнинг суви бирлан, масалан, олуча ва туршак кабиларни ивитуб, сувини ичирмоқ бирлан боланинг таъбини мулојим қилиб турмоқ лозимдур.

Ва офтобда юрмоқ ва оловға яқин турмоқ ва чопиб юрмоқ ва оғир юк кўтармоқ ва тоқатидин зиёда меҳнатға шуғул қилмоқ ва ҳожати зарурийядин зиёда қалин либос киймоқ ва ҳар амалики, баданни қизитадурган бўлса, андин қаттиқ манъ қилмоқ лозимдур.

Ва шул мавсумда ҳамадин яхши физо испаноҳ ва бақлат ул-ҳумқо каби сабзалар ва нордон таъмлик таом ва мевалардур. Ва гўшт тановулиға гоҳ-гоҳ мазкур сабзалар бирлан ислоҳ қилиб пиширулмоқ шарти бирлан рухсат бермоқ мумкиндур. Аммо ҳар куни тановулни манъ қилмоқ лозимдур. Аммо жилонжийда шарбати ва сабзи тухмининг шарбати, жилонжийда ва сиканжубин ва суфуфи табошир ва қўрси кофур ва бунга ўхшашларнинг истеъмоли бағоят нафъ қилур. Ва совуқ сувға

ғул қилмоқ ҳам нофиъдур. Ва андақ миқдор отнинг сутидин хоҳ хом сут, хоҳ қимиз бўлса ичирмоқ кўп нафъ қилур. Хусусан қимизнинг нафъи зўрдур. Ва бир бор ичган қимизининг таъсири ҳатто шул йилда чечак чиқармасликға кифоя қилур. Ва агар чиқса ҳам бир неча адад қобили шуморғина чиқар. Ва андин зиёда ҳаргиз чиқмаски, ба такрор тажрибадин ўтказилгандур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, аксар чечак худ-бахуд анжумиға етар. Ва ани пишурмоқ ва ярасини қуритмоқ ва қуритганларини танадин кўчириб тозалармоқға ҳожат бўлмас. Лекин гоҳ-гоҳ баъзи чечакда мазкурларға ҳам ҳожат бўлур. Бинобарин ушбу уч хил тадбирни ҳам баён қилмоқ фоидадин холий эрмас.

БИРИНЧИ ТАДБИР чечакни пиширмоқ баёнидадур. Билмоқ керакки, қачонки болаға чечак чиқғондин сўнг ҳам ҳануз чечак пишмай туриб анинг ҳарорати ва беқарорлиги ва андуҳи камайса ва томури ва нафаси ҳоли табиийсиға келса бу ҳолат чечакни жуда кечикиб пишмоғиға аломатдур. Ва шул вақтда лозимдурки, бобуна ва иклил ул-малик ва бинафша ва хитмий ва буғдойнинг кепаги - ушбулардин ҳаммасини маъан ва ё булардин қаю бири мавжуд бўлса танҳо кўп сувға қайнатуб, икки адад зарфға солуб, бирини боланинг орқа тарафиға ва бирини олди тарафиға қўйуб, устидин бир чодир ёпуб қўймоқ керак, токи сувнинг бухороти латифаси боланинг ҳамма баданиға етуб, чечак буғ бирлан хўл бўлғайки, чечакни пишмоғи шулдур. Ва сўнгидин чечак ўз ичидин ҳам тез муддатда сув йиғиб, сўнгидин хўшкриша бўлур. Ва агар сўнгидин хўшкриша бўлмаса, яъни тез қуриб қотмаса ани қуритмоқ тадбирини ҳам қилинур.

Аммо агар чечак тамом зоҳир бўла туриб, лекин ани ҳарорати ва беқарорлиги камаймаса ва томури ва нафаси ҳоли табиийға келмаса наъзу биллоҳ, бу ҳолат яхшиликни аломати бўлмаски, моддани бағоят кўплиғиға далилдур.

ВА ИККИНЧИ ТАДБИР чечакни қуритиб хўшкриша қилмоқ баёнидадур. Ва тариқаси шулки, ҳар гоҳ чечак баданға

зоҳир бўлуб, етти кун ўтуб, тамом пишса ва бовужуди қуриб, хўшкриша бўлмаса ани катта-катталарини игна бирлан оҳишта ёриб, андин хориж бўлгон сувларини латта бирлан териб олинур. Ва сўнгра қизилгулнинг қуруғи ё ос дарахтининг барги ва ё гулисавсаннинг баргидин майда янчиб ёки сандал ва арча ёғочини майдалаб боланинг этагининг остида чўғоловга солуб, анинг дудини боланинг тамом баданига етказилса ҳамма чечак хўшкриша бўлур. Лекин агар вақт ёз вақти бўлса қизилгул ва ос барги ва сандал бирлан дудламоқ яхшироқдур. Ва агар қиш вақти бўлса савсаннинг ва арча ёғочи бирлан дудламоқ нофиъроқдур. Ва агар бадандин баъзи жойида яра бўлса қизилгул ва кундур ва сабр ва анзарут ва дам ул-ахавайнлардин майда эзиб ярасиға сепмоқ ярани қуритиб битирар. Ва агар чечакнинг донаси катта ва суви кўп бўлса гулнинг баргини майда элаки қилиб ва таригни ва ё арпани ун қилиб, боланинг тўшагининг устига эзиб, болани ётқизилса чечакнинг сувини жазб қилур. Ва боланинг тўшак озоридин ва бадани тўшакка ёпишиб заҳмат чекмоғидин эмин қилур. Ва агар чечакнинг пўсти тирналгон ва йиртилгон бўлса хўл савсаннинг баргини танасидин узиб олгон ҳамон болани тўшакиға эзиб, ани устиға болани ётқизулса ва ё қуруқ барги осни майдалаб тўшак устиға сепиб, устиға болани ётқизилса ва инчунин майда ва мулойим қумдин тўшак устиға эзиб, устиға болани ётқизилса чечакни қуритиб битирмоқда сарий ул-асардур. Ҳатто бир кечада нафъ қилур. Ва агар бу тadbирлар ҳам кифоя қилолмай чечак тезда қайтмаса, сўнгра агарчи озори бўлса ҳам намакоб қўймоқдин бошқа чора бўлмас. Ва намакобни ислоҳ қилмоқ ва кам озор қилмоқда тариқи савоб шулки, қизил ясмук ва қизилгулнинг барги ва арча ёғочини майда тарошлаб сув бирлан хўб қайнатиур, токи мазкур ажзонинг қуввати тамом сувға ўтар. Сўнгра мазкурнинг сувини ажратиб олиб, туз қўшиб намакоб қилинур. Ва бир покиза ва мулойим пахтани шул намакобға хўллаб чечакнинг устиға қўйилур, токи намакоб чечакға тегса зуд қотириб, хўшкриша қилур. Ва агар ҳарорати

зўр бўлса қадри кофур ва сандални майда эзиб шул сувға ҳал қилмоқ ҳам лозим бўлур.

Ва толнинг барги ва дўлананинг барги ва рухуна ва мурдор-сангни бағоят майда қилиб намакобдин сўнг чечакка сепилур. Ва агар чечак яралик ҳолға айланса анга ҳам марҳами кофур қўйиб ислоҳ қилинур. Ва инчунин агар яра бурун ичида пайдо бўлса ҳам шул марҳами кофурдин истеъмол қилинур. Ва қачонки чечак қотиб хўшкриша бўлса ани бадандин зоил қилмоқ учун тадбир қилинур.

Ва Ҳақим Акбар Арзоний раҳматуллоҳи алайҳ китобларида ўз саргузаштларидин ҳикоятан ёзибдурларки, мани Муҳаммад Шукруллоҳ исмлиқ ўғлимға бағояти зўр чечак чиқди. Ва чечакнинг доналари катта ва обдор эрди ва ани ҳирқатдин ўғлим бағоят даража беором эди. Ва ул вақтда чечакни ёриб сувини чиқармоқ бу Ҳиндистон диёрида одат бўлмоғон ва қари кампирлар тарафидин ҳатто зўр зарарлар таҳдиди ила манҳий анху эрди. Дарвиш ҳам шул вақтгача чечакни ҳеч кимға ёрмоқни буюрмоғон эдим. Бинобарин ўз ўғлим борасида шул онгача бу амалдин таваққуф қилдим. Охир ул-амр болани бетоқатлигиға тараҳҳуман ва ноҳия кампирларни заъамлариға таҳаллуфан сўзани заррин бирлан чечакдин бир каттасини сувини чиқариб эрдим, бу хизматим эвазига ўғлимдин ташаккур эшитдим. Дедики, гўё ҳамма баданимға чўғ, олов босиб куйдирар эрдилар, шул мавзеъдин бир дона чўғ зоил бўлди деди, сўнгра батадриж ва бамуҳлат ёра бошладим. Ва бир кеча ва кундузнинг тўрт посидин уч поси тамом бўлгунча ман ҳам ҳамма чечакни ёриб тамом қилдим. Баинояти Илоҳий ўғлимнинг ҳарорати ва беоромлик ва андуҳгинлиги тамом зоил бўлуб, ухлади. Ва шул воқеъадин сўнг бу амални борҳо ҳаммаға буюрдим. Ва ҳаммалари ҳам ўғлим каби ҳамон замон фарҳати куллий тобдилар. Ва карратан баъда марротин тажрибадин ўтди, деб ёзғондурлар.

Аммо хўшкришани бадандин зоил қилмоқ тадбири шулки, билмоқ керакки, хўшкреша деб реш, яъни яра тамом қуриған вақтида анинг юзида қолғон пўстни айтурлар. Ва номи-

ни ҳам шул муносабат бирлан хўшкриша қуйғондур. Бас, қачонки чечак қуриб анинг хўшкришаси қолса қарамоқ керакки, хўшкришаси қандоқ кайфийятдадур. Масалан, хўшкриша агар юпқа бўлуб, анинг тагида хўллигинин ҳеч асар маълум бўлмаса, иссиқроқ ёғдин анинг устига бир қатра томизмоқ бирлан тез фурсатда ўзи кўчиб тушиб кетар. Ва бунинг учун ёғларни ҳаммадин яхшиси кунжут ёғидур. Лекин юзда бўлғон чечакнинг хўшкришасига кунжут ёғи бадалига писта ёғи истеъмол қилмоқ муносибдур. Чунки кунжут ёғи томғон жойда бир доғ асари боқий қолурки, кўриниш жойига бу доғни бўлмоғи хусни инсонга бир халалдур. Ва агар хўшкриша қалин бўлса ё тагида рутубати борлиги маълум бўлса, ул тақдирда анга ёғ томизмай худ қўл бирлан оҳиста кўчириб олмоқ ва тагидаги рутубатини латта бирлан териб пок қилмоқ лозимдур. Ва сўнгра назар қилмоқ керакки, ўрни соири баданга баробарми ёки бадандин чуқурроғми? Бас, агар ўрни соири бадандин чуқурроқ бўлса, анга сабр ва мурр ва зардчўба ва мурдорсанг ва кумушни эритганда ажралган фазласи ва қальийнинг упаси ва усрунжлардин қаю бири муяссар бўлса майда эзиб сепмоқ лозим бўлур. Ва агар ўрни чуқур бўлмай терига баробар бўлса, анга аччиқтош сепмоқ кифоядур. Ва туз сепмоқ ҳам инчунин кифоя қилур, яъни қотириб хўшкриша қилур.

Бас, аввалги баён бўлғон юпқа хўшкриша каби хўшкриша пайдо қилса ёғ томизмоқ бирлан ва агар яна қалин хўшкриша пайдо қилса баоҳиста қўл бирлан кўчириб олинур, сўнгра назар қилинурки, агар анинг таги ҳам аввалгидек рутубатлик бўлса ани ҳам латта бирлан териб олинур ва ўрнига мазкур даволардин сепилур. Ва агар тагида рутубат бўлмаса давога ҳам ҳожат бўлмас. Ва агар ўрнидин яна хўшкриша пайдо бўлса, ани ёғ суртиб қўймоқ керак. Токи соқит бўлғай. Ва агар чечак яхши бўлса, лекин ўрнида нишона, яъни чўтири қолса, ани зоил қилмоқ учун қамични илдизи ва боқиланинг уни ва қовун тухумининг мағзи ва биринч ва набот ва бодомнинг мағзи ва арпанинг уни ва ҳар биридин бир миқдордин олиб, майда

янчиб, тухумни оқиға қориб, ул нишонға суртмоқ керак. Ва агар чечакнинг ўрни оқ ва барасранг бўлуб қолса, ўрдакнинг чарбиси ва марҳами дохилигон зимод қилмоқ керак.

ХУМАЙҚО. Бар вазни Зулайхо. Хумқоки, ҳамоқатни исми тафзили муаннасининг тасғиридур ва андин мурод бусрайя-дурки, урфда номини қизилча дерлар. Аммо бу бусра ибтидосига бурга чаққан жойнинг рангига ўхшаш андак қизилнамо бўлгон важҳидин номини қизил десалар ҳам, лекин бусра зуҳур қилгондин сўнг ранги оқ ва донаси катта ва адади жуда кам пароканда бўлурки, донасини санамоқ мумкин бўлур. Ва бу бусранинг сифати хоссасидурки, иситмаси бўлмас ва боланинг ақли барқарор ва нафаси осойишлик ва беозор бўлур. Ва жинси чечак жинсидин бўлса ҳам энг аслам ва безарар навъидиндур.

Ва хумайқонинг маънисининг бу бусраға муносабати шулки, ҳамоқат бефоида ҳаракатни лозим тутар, хусусан анинг муаннаси ва сағири батариқайи авлодур. Бас, бу бусранинг зуҳуридин ҳеч қандоғ касал ва кулфат ёки ҳеч қандоқ фоида ва роҳат эҳдос қилмоғонлигини бефоида ҳаракати деб ҳисоб қилмоқ мумкиндур. Бинобарин номини “хумайқо” дебдурлар. Ва форсийда боди обила дерлар ва бу бусра худ-бахуд зоил бўлур. Ва тадбир ва давоға муҳтож эрмас. Ва агар тезроқ заволи учун тадбир ҳам матлуб бўлса, чечакда маълум бўлгон муоалажадин энгилроғини истемол қилмоқ ҳам мумкиндур.

АЛ-БУСУРУ ФИ-Л-БАДАН, ЯЪНИ БАДАНҒА ЧИҚҚАН ҲАР НАВЪ БУСРА (ТОШМА)ЛАР

Билмоқ керакки, болаларнинг баданиға зоҳир бўлгон бусралар хусусида қоидадурки, агар бусранинг ранги қаро бўлса аксар муҳлик бўлур. Ва оқ ё қизил бўлса аслам ва безарарроқ бўлур, ҳаттоки бундоғ бусранинг зуҳури болани сўнг вақтдаги кўп офатлардин эмин бўлмоғиға боис бўлурки, бунинг зуҳури ила баданға танқия ҳосил бўлур. Шунинг учундурки, бундоқ бусраға, хусусан, бошдин чиқгон бўлса илож учун тездин таважжуҳ қилмасликни ва сабр қилиб турмоқликни атиббо таъкид қилгондурлар. Лекин агар кўп замон ўтгон ва

ботинда модда тамом мундафиъ бўлғониға гумон голиб бўлса, сўнгра илож қилмоқ лозимдур. Аммо агар бусранинг ранги қора ва хавфлик бўлса ҳаргиз муҳлатни раво кўрмай тезлик бирлан аъзои раисаға қувват бермоқ ва бусранинг уфунатини ислоҳ қилмоқ ва ани суммиятини атрофға интишордин манъ қилмоқ ва ҳозирға жазб қилмоқ тадбирларриға баҳасби ҳол машғул бўлмоқ лозимдур.

ИЛОЖ. Аввало эмизғувчининг баданини ахлотдин танқия ва таъдил қилмоқ ҳам батариқай физо ва ҳам батариқай даво лозимдур.

Ва бусури салимани то ўзи пишғонигача қараб турмоқ керак. Ва пишгондин сўнг бусрани қуритадиган латиф даволар бирлан батадриж ва бешитоб тадорук қилмоқ лозимдур. Ва қуритмоқнинг энг яхши тадбири шулки, қизилгул ва ос дарахтининг барги ва ё меваси ва мастаки дарахтининг барги ва қарағайнинг барги ва арчанинг барги ва бунга ўхшаш мужаффафлардин қаю бири муяссар бўлса, сувға қайнатиб, суви бирлан болани ҳар куни бир маҳал чўмилтирмоқ ва сўнггидин сочиқ бирлан баданни артиб қуритиб, сўнгра гул ёғи ва ё ос ёғи бирлан баданни, хусусан бусралик жойини ёғламоқ керак. Ва агар бусур йиринг ва фасод қилган бўлса упадин марҳам қилиб қўймоқ керак. Ва агар йиринги кўп бўлса ва ани аввалан покиза қилмоққа ҳожат бўлса, аввало андак натрун қўшилгон асал шарбати бирлан ювмоқ ва сўнггидин упа марҳам қўймоқ керак. Ва агар фасоднинг танқияси учун бундин бақувватроғи матлуб бўлса, бурани сувға ҳал қилиб, ани бирлан ювмоқ кифоя қилур. Лекин ярани ачитмасин учун сутға аралаштируб ювмоқ афзалдур, токи буранинг асариға бола сабр қилолғай.

Ва гоҳи ҳиддатлик даво таъсири бирлан ва ёхуд бусранинг моддасини таъсири бирлан агар бусра ёрулгон бўлса, гоҳти қизилгул ва ос ва ясмук ва қарағай барги ва мастаки барги ва арча барги кабиларни қайнатилгон сувиға чўмилтирмоқ бирлан қаноат қилғайлар. Ва натрун ва буралар ис-

теъмолидин қўл тортғайлар. Ва агар болада қон ғалабасининг асари зоҳир бўлса қортиқ ё зулу қўймоқ тариқаси бирлан қон чиқармоқ лозимдур.

Ва бусраға ушбу давони суртмоқ нафъ қилурки, мурдорсанг ва тўтиёйи сафид ва сувға тўйғон сапол, ҳар учовини баробар миқдордин олиб, бағоят майда салоя қилиб, гул ёғи ва ё газ, яъни арча ёғи ва ё ос ёғи бирлан қориб суртилур. Ва давоики, ярани йиринглатмаслик учун муяссар ва йирик ҳосил қилғон яра учун ҳам нофиъдур, ушбудур: жилонжийдани ҳўкуз ёғи бирлан қовуруб куйдурилур, сўнгра анга тўтиёйи мағсул қўшилур салоя қилинур. Токи ҳаммаси бир зот каби аралашгай, сўнгра ярага суртилур. Ва яна янги зоҳир бўла бошлагон ва ҳануз фасод олмоғон жўшишни таскин бермоқ ва яра қилмаслик учун ушбу кофийдурки, эшакнинг тезагини ёғидин суртилса дафъатан жўшишни таскин берур ва чиқармас. Ва сўнггидин ҳаммомға тушиб, баданни пок қилғондин сўнг юқорида мазкур бўлган қизилгул ва ос кабиларни қайнатулғон суви бирлан чўмилтирмоқ лозимдур. Ва агар бу тадбирдин сўнг яна бусур зоҳир бўлса ҳинони косний сувиға ва ё сиркаға қўшиб суртмоқ, мазкур тезак ёғини яна бир неча кун такрор суртмоқ керак. Токи бусрадин ҳеч асар қолмағай.

Ва тезакдин ёғ олмоқнинг тариқаси шулки, чала қуруғон ва мағзида ҳўллиги ҳануз боқий бўлғон тезакдин келтирилур. Ва сўнгға заминдин бир кичикроқ чуқур қазиб, ичиға кўмурни чўғ қилиб солинур ва устиға мазкур тезакни қўйиб ани устидин бир косани тўнкариб қўйилурки, косанинг атрофидин дуд ва бухорот чиқмоғиға имкон қолмағай. Ва андак замондин сўнг косани олғонда сариғ ранглик ғализ чиркин тер косаға ўрноғон бўлур. Бас мазкур терни бир зарфға олиб, ҳожат вақтида ишлатилурки, тезакни ёғи ушбу тердин иборатдур.

САЪФА (ШИРИНЧА). Яъни жароҳатидурки, бошға ва юзға аксар ва гоҳи масомлар банд бўлғон вақтида ва болаңи

кўп вақт чўмилтирмоғонда тамоми баданга ҳам ориз бўлур ва бунинг ақсоми кўпдур. Лекин болаларга кўп ҳодис бўладиргон навъи саъфайи ратаб, яъни ҳўл саъфадурки, андин зардоб чиқиб турар ва номини форсий ва туркийда ширинча дерлар.

ИЛОЖ. Аввало баҳасби ғалабаи хилт қон олмоқ ва исҳол қилмоқ тариқи бирлан эмизғувчининг баданини танқия қилмоқ ва физосини ислоҳ қилмоққа буюрмоқ лозимдур. Ва боладин ҳам қортиқ ва ё зулув бирлан қон чиқариб ва сўнггиндин муносиб мизож шарбат бирлан қон кайфийятини иътидол қилмоқ лозимдур. Ва агар боланинг қулоғини орқасиндин тилиб, андин чиққан қонни олиб ширинчага суртилса ва ё қулоқ остидаги томурдин қон олиниб ширинчага суртилса, зўр нафъ қилур. Ва эмизғувчиға ҳалила ва анисун ва шакардин мураккаб суфуфдин неча кунлар истеъмол қилмоққа буюрмоқ керак.

Ва ушбу даво ширинча учун мужаррабдурки, қанбил, ҳино, мурдорсанг, мозу, анорнинг пўсти, зардчўба - ҳаммасидин баробар миқдор олиб, хўб майда ва мулойим қилиб эзилур, сўнгра мумни гул ёғиға ва кунжут ёғиға эритиб туруб, устиға мазкур давони қориштирилур. Ва устиға узум сиркасиндин ҳам қўшилиб, хўб элаб қоруштируб, ширинчага суртилуру. Ва агар ширинча бошда бўлса, аввал сочини тозалаб олиб, сўнгра даво суртилуруки, то даво жароҳатға етиб асар қилғай. Ва инчунин агар ширинчанинг зардоби қуриб пўст каби қотган бўлса, ани ҳам кўчириб сўнгра даво суртмоқ лозимдур. Ва инчунин бир мушт нахуд ўрниға андак куйдирилгон тўтиёни майда эзиб қўшиб, ҳар иккисини хўб қориштириб, ачигон қатиқға қўшиб суртмоқ жуда нафъ қилур. Ва олти соатдин сўнг ювиб ташлаб бошқа суртилуру. Ва бунда ҳам, сочлик жой бўлса, сочини олмоқ ва ширинчани пўстини кўчирмоқ шартдур. Ва шул тариқа истеъмол қилинса бир ҳафтада тамом сиҳҳат ҳосил бўлур.

САҲЖУ-Л-ФАХЗ ВА НАҲВУҲУ (БИЧИЛИШ ВА ШУНГА ҶҲШАШЛАР)

Билмоқ керакки, аксар воқеъ бўлурки, болаларнинг чо-вида, қўлтигида ва қулоғининг орқасида ва гарданида ва ҳар бир чинлик ва териси букланган жойда бир харош пай-до бўлурки, турк урфида номини бичилган дерлар. Ва бунга аксар сийдукнинг ҳиддати ёрдам берғони учун човда кўпроқ ориз бўлур.

ИЛОЖ. Ос ва қизилгул ва арпани ва ёсмиғни уни, сучук-миянинг илдици ва сўъд - ушбулардин танҳо-танҳо ва ё баъ-зисини баъзисига қўшуб ҳўб мулойим ва майда қилиб сеп-моқ нафъ қилур, хусусан ўша мавзеъни сув бирлан ювиб, сўнгра сепилса тез таъсир қилур. Ва гулисаршўйдин сепмоқ ҳам баъзи заифроқ харошни яхши қилмоқга кифоя қилур. Ва инчунин ўчоқ ва ё танурнинг қизил кесагини сепмоқ ҳам аксар вақт кифоя қилур. Ва агар марҳамга ҳожат бўлса муносиб марҳамлардин истеъмол қилмоқ раводур. Ва бу-нинг учун қийрутийки, мум ва саригёғ ва сақич ва зардчўба ва тезоб уш-шифоки, ул Оврўпо истилоҳида карбонная кис-лота исми ила машҳурдур - ҳаммасидин баробар вазнда олиб, зардчўбани губор каби майда қилғондин сўнг мумёғ бирлан эритуб, устига сақични солиб ковлаб турилур. Ва сақич ҳам эриб тамом бўлғондин сўнг зардчўбани солинур ва оловдин пастга тушируб, то қотғунча ковлаб аралаштируб турилур ва ҳожат вақтида ушбудин қоғаз устига андакни қўйиб оло-вга қўйиб эритиб, харошга ёпилур.

СУЪЛУЛ (СЎҒАЛ). Яъни инсоннинг баданига, хусусан қўлига ва панжаларга пайдо бўладурғон бир зиёдалиқдур-ки, номини туркда сўғал дерлар. Анинг худуси катталарда аксар хилти савдовийдин ҳодис бўлур ва бошқа хилти кам ва нодир бўлур. Ва аммо ёш болаларда ани хилофидур.

ИЛОЖ. Билмоқ керакки, сўғалнинг зоил қилмоқ учун баҳасби хилт танқия ва исҳол ва ислоҳи физо кабилар ло-зимдурки, асл илож ушбулардур. Лекин бу иложни таҳми-лига нозик баданлиғ ва заиф қувватлиқ гўдак албатта ожиз-

дур. Шунинг учун гўдак ҳақидаги иложга чиқгон сўғални курутуб тўкмоқ ва эмди чиқадургонларини чиқмоқдин манъ қилмоқ тадбиридин андак баён қилиб, бошқа тадбирлар баёнига тажовуз қилмаслик лозимдурки, ихтисо ва ихтисоримни маъфу кўрғайлар.

Ва бу сўғалнинг изоласи учун одамнинг қуруқ тезагини кўмир олов устига қўйиб куйдириб, ани дудиға сўғални тутиб турмоқдур. Ва бу амални ҳар куни батакрор қилинса бир неча кунда батадриж сўғални тўкиб туширар. Ва энди чиқадурган бўлса манъ қилур. Ва инчунин сўғални тирноқ бирлан тирноб, пўстини ёриб ёки юпқалаб, сўнгра анга анжир баргини сутидин тегизиб турилса сўғални дафъ қилур.

ҚУВАБО (ТЕМИРАТКИ). Яъни дуруштликки, маъруфдур. Ва ақсар қўлнинг кафининг орқасиға ориз бўлур. Ва ани иложи шулки, одамийки наҳор ва ё рўздор бўлса ва неча соатдин сўнг оғзиға мазмаза қилмогон бўлса, ани тупугидин суртмоқ зўр нафъ қилур. Ва бошқа иложга ҳожат бўлмас. Би-изниллоҳи таъоло.

Энди болаларға кўп ориз бўладургон касаллар баёнидин фароғат етти би-манниҳи ва карамиҳи.

АЛ-ФАСЛУ-С-СОБИЪУ ФИ ТАДБИРИ-С-СИБЁНИ ВА-Ш-ШУББОНИ ВА-Л-КУҲУЛИ ВА-Л-МАШОЙИХИ

Яъни еттинчи фаслида гўдаклар ва болиғ ёшлар ва даври инҳитотға ўтиб мўйи оқара бошлагонлар ва жуда қариган шайхлар тарбиясиға мутазаммин тадбирларни баён қилинур.

Аммо ёш гўдакларнинг тарбияларида тадбир шулки, аларнинг мижозлари иссиқ ва ҳўлдур. Бинобарин аларнинг гизолари андак совуқ ва қуруқ мизожға моил бўлмоғи вожибдур. Лекин ифрот даражалик совуқ ва қуруқдин ихтироз фарздур. Зероки ўткир совуқлик боланинг ўсишиға фобил ва боъис бўлгон ҳароратға зарар қилур. Ва ўткир қуруқлик ва болани

Ўсишига асл модда бўлгон рутубатни камайтирмоқ бирлан зарар қилур.

Аммо болиғ ёшларнинг мизожлари иссиқ ва қуруқдур. Бас, аларни физолари ва ҳамма тадбирлари андак совуқ ва ҳўл мизожлик бўлмоғи муносибдур.

Аммо ёши қайтғон кишиларнинг мизожлари совуқ ва қуруқдур. Бас, аларнинг физолари ва ҳамма тадбирлари иссиқ ва ҳўл мизожда бўлмоғи вожибдур.

Аммо жуда қари шайхларнинг мизожлари мухталифдур. Зероки аларнинг аъзоларини асл мизожлари совуқ ва қуруқдур. Лекин ҳароратларини камлиги сабабидин аъзоларини ҳамма тажовиф ва қавакларидида рутубати балғамийя жамъ бўлғондур. Бинобарин сазовор шулки, аларнинг ҳоллариға таъаммуқ бирлан назар қилмоқ керакки, аларнинг ҳолларида зоҳир бўлғон аъроз ва аломатларидин совуқ ва қуруғлиқ маҳсус ва маълум бўлса аларнинг физолари ва ҳамма тадбирлари иссиқ ва ҳўл бўлмоғи муносибдур. Ва агар зоҳир аъроз ва аломатларидин совуқ ва ҳўллик маълум бўлса, аларнинг физолари ва ҳамма тадбирлари иссиқ қуруқ бўлмоғи вожибдур.

ТАНБИҲ. Юқорида, яъни бешинчи мақоланинг биринчи фаслида ҳифзи сиҳҳат бамисл ва иложи мараз базидд бўлмоғи қоидаи куллия эканини баён қилғон эдик. Бинобарин бу мақомда гўдакларнинг мизожи иссиқ эди. Ани физо ва тадбири учун совуқни лозим кўрмоқ ва шайх ва қариларнинг мизожи совуқ эди, ани физо ва тадбирлари учун иссиқни лозим кўрмоқ бамисл бўлмай, на учун базидд бўлди? Ваҳоланки, мақоми ҳифзи сиҳҳат баёнида эди деб, шубҳа қилмоқ мумкиндур. Ва шубҳанинг жавоби ҳам мазкур фаслда баён бўлғон эди. Ул фаслға назар қилмоқ бирлан бу шубҳа мунҳалл бўлур. Ва яна ёш жиҳати бирлан ҳосил бўладиган мизожнинг таҳқиқи худ ёшлар баҳсида мазкур бўлғондур. Толиблари ул мақомға назар қилғайлар.

ФОИДА. Махфий қолмағайки, ёш йигитларнинг қувватлари бақувват ҳам яна истиклол қуввати даврида бўлғонла-

ри учун кўп тадбирларга муҳтож эмаслар. Ва аларнинг энг умдаи тадбирлари риёзатдурки, юқорида муфассал баён қилинғондур. Бинобарин буларнинг ҳақида зиёда тадбир баён қилмоқ лозим кўрилмади. Аммо гўдакларнинг ҳақидаги тадбир машруҳан баён қилинди. Бинобарин бу мақомда ёши қайтғон киши ва жуда қаригон кишилар ҳақида лозим бўлғон тадбирларни баёни бирлан иқтисор қилмоқ ва аларнинг ҳақиға лозим бўлғон ҳамма тадбирларни уч ифода ила баён қилмоқға шуруъ қилурмуз.

БИРИНЧИ ИФОДА-ҚОИДАЛАР ҲАҚИДА

Билмоқ керакки, ёши қайтғон мўйсафидлар ва жуда қари шайхларга истифроғ лозим бўлса, мумкин қадар қон олмаслик, хусусан қортиқ ва зулу қўймаслик вожибдур. Чунки аларнинг қувваи ҳозималари заиф ва иштаҳолари камдурки, кўп физо тановул қилолмаслар, ҳам физони яхши ҳазм қилиб, андин кўп қон ҳосил қилолмаслар. Бинобарин алар ҳар доим ўзлари қонға муҳтождурлар. Ва қонлари бошқа хилтлар бирлан олуца бўлса, ани хилтини исҳол бирлан танқия қилмоқ мумкин бўлғон ҳолда қон олмоқ зўр хатодур. Хусусан агар қортиқ ё зулу қўйилғонда томурдин физойи бадан учун тарашшуҳ қилғон соф қон чиқар ва бул маъни аларнинг ҳақиға зўр зарардур. Ва шунинг учун олтмиш ёшдин сўнг буларнинг иртиқоби мамнуъдур. Чунончи важҳини анқариб ўз маҳаллида муфассал баён қилинур, иншааллоҳу таъоло.

Ва танқиянинг энг яхшиси аларнинг ҳаққиға исҳолдурки, кўп зўр бўлмай барсабили иътидол бўлса ва ҳамма ажзоси баданға ҳарорат ва рутубат етқирмоқ бирлан иёнат қилдурғон бўлса. Ва лекин ўткир иссиқ бўлмаса, токи ўз ҳарорати бирлан бадан рутубатини қурутмағайки. ул рутубатнинг ўзи моддаи ҳарорат эрди. Анинг қуримоғи боиси бурудат бўлур. Ва ҳаммадин яхшироқ тадбирлар кўпроқ ухламоқдур. Ва аларни ухлатмоқ фоидалари ва бу ҳақдаги ҳаким Жолинуслинг сўзи бирлан ҳаммаси тадбири навм ва яқзада мазкур бўлди.

Ва яна ҳаммомға кўп тушмоқ ва ашриба ва ағзияни мизожға мувофиқ ва муносибларидин истеъмол қилмоқ ва таби-

атни мулойим қилмоқ ва шиёф ва ҳуқналар бирлан ичақдин балғамни ихрож қилиб турмоқ ва мудиррот бирлан мажройи бавлдин балғамни ихрож қилмоқ ва баданни ёғ суртиб мўътадил даражада уқалатмоқ ва хушбўй нимарсаларни кўпроқ ҳидламоқ ва аксар вақт кўпроқ мўътадил ҳаракатда бўлмоқ ва агар пиёда юрмоқ мумкин бўлмаса от ёки ароба бирлан ҳаракат қилмоқ ва агар ул ҳам муяссар бўлмаса, беланчак каби асбобларда ҳаракат қилмоқ афзалдур.

Ва агарчи қуввати шаҳват боқий бўлса ҳам кўп жимоъдин ҳазар қилмоқ қариларға вожибдур. Ва қудрати етгон қадар ул ишни кам қилмоқ зарурдур.

ИККИНЧИ ИФОДА-ҚАРИЛАРНИНГ ФИЗОЛАРИ БАЁНИДА

Махфий қолмоғайки, қари кишилар учун ғизони кўп бўлмоғи матлубдур. Токи қувват ва рутубат кўп ҳосил бўлғай, лекин аларнинг меъдалари заиф ва кўп ғизонинг ҳазмига ожиздур. Бинобарин вожибдурки, ғизони батафорик оз-оз ва тез-тез тановул қилғайлар. Ва яна аввалғи ғизо ҳазм бўлмай туриб, иккинчининг идхоли лозим кўрилмаслиги учун сариё ул-ҳазм ғизолардин тановул қилмоқ ва миқдори озликни қуввати кўп ғизолардин, чунончи тухумнинг сариғи ва моё уллаҳм ва сут кабилардин тановул қилмоқ лозимдур. Ва ҳазми қуввати ва заъфиға нисбатан ҳар кунда уч ё тўрт карра ғизо тановул қилмоқ лозимдур.

Ва ҳаммадин яхшироқ тадбир шулки, ғизонинг тановулидин икки соат ўтиб, учинчи соат озроқ нон бирлан асал емоқ керак. Токи асал меъдаға жило бериб, меъдани пок ва сўнгги ғизодин кўпроқ миқдорининг ҳазми учун муҳайё қилғай. Ва боядки, нон яхши санъатлик пишган бўлғайки, зоҳири ва ботини баробар мўътадил пишгон бўлғай. Ва ҳаргиз хомлик ва ё кўпгонлиги бўлмағай ва тузи ҳам мўътадил бўлғай, токи тез ҳазм бўлғай. Ва ғизони тез ҳазм бўлгон соатида мулайийн табиат бўладургон нимарсадин емоқ керак. Ва бундин ғараз шулки, ҳазм муддатида асал балғамни суюлтирар

ва нон таҳлил топғон бўлур. Ва меъдада фақат суви йўқ балғам фазласи ҳолис ва танҳо қолғон бўлур. Бас, ани сўнгги егон мулаййин нимарса зоил қилғай ва меъдага фазлаи балғамдин танқия ҳосил бўлғай, токи умдаи физо бўлғон кечлик таомни меъда ва бошқа аъзо камо йанбағий қабул қилғай. Ва физони кўпроқ миқдорига иштаҳоси толиб ва ҳазмидин меъдаси муқтадир бўлғай. Лекин зоҳир маълумдурки, мулаййин нимарсанинг лозимлиги табиат қабз бўлғон вақтдағина муносиб ва нофиъдур. Ва илло мулаййинга ҳожат йўқдур. Балки мулоийм табиатга мулаййин истеъмоли боиси заъф бўлуб, натижада рутубати табиийянинг заволи ва қувватнинг сукути ориз бўлур.

Ва билмоқ керакки, Шайх ур-раис алайҳир-рахманинг қавлларига назаран ҳаммомга кирмоқ вақти мулаййин нимарсанинг истеъмолидин муқаддам бўлмоғи лозимдур. Шунинг учун “фа-йаъкулу фи-с-собийати баъда-л-ҳаммами ма йулаййуну-л-батна”, яъни ҳаммомдин сўнгги еттинчи соатда мулаййин табиат нимарса тановул қилинур, дегондурлар. Ва ул кишига эътирозан шориҳ “Ва фиҳи ашколун фаинна талийину-т-табиати фа-йанбағий ан-йакуна муқаддиман ъама-л-истихмами”, яъни бу сўзда ишқал бордур, зероки батаҳқиқ табиатни мулоийм қилмоқ ҳаммомга тушмоқдин муқаддам бўлмоғи сазовордур, дегандурлар.

Дарвишниг наздида¹ Шайхнинг қавллари ҳақ кўринур. Чунки ҳаммомга тушмоқ азборойи фазлаларни ҳўллаб эритмоқ ва бадандин осонроқ хориж бўлмоғи учун муҳайё қилмоқдур. Бас, ҳаммомга тушмоқ мулаййин нимарса истеъмолидин муқаддам бўлмоғи лозимдур. Сўнгра учинчи физо вақти кечқурун кечага яқин ва кундузнинг охирроқ вақтидадурки, умдаи физони, яъни кўпроқ тановул қилинмоғи одат бўлғон физони боядки шул вақтда тановул қилинғай. Зероки кечанинг совуқ ҳавоси таъсиридин нафрат учун ҳарорати табиийя дохил тарафга моил бўлуб, меъдани кўпроқ қизитмоғи ҳам кечаси узоқ вақт ухламоқ бирлан ҳарорати ғари-

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

зийя дохил тарафга ружуъ қилмоғи ва кечаси ҳаракатсизлик сабабдин ҳозима бақувватлонмоғида ҳазми комил бўлғай. Ва яна шул муддатда агарчи талйин учун муллаййин нимарса еган бўлса ул нимарса ҳам заифлик қилур ва меъда ани ҳазмига ҳам қодир бўлур.

Ва зоҳирдурки, гизо агар меъда учун марғуб ва матлуб бўлса, ҳазм учун маҳмудроқ бўлур. Ва физиоки, маҳмуд бўлса ҳамма мизожлар учун лойиқроқ бўлур, хусусан шайхлар учун муносиброқ бўлур.

Ва билмоқ лозимдурки, қари кишиларда қуввайи ҳозима заифлигинин аларда балғам зиёда бўлур. Ва мизожларига қуруқлик ва арзийят голиблигинин аларда савдо ҳам кўпроқ бўлур. Шунинг учун балғам пайдо қиладурғон ва савдо ҳосил қиладурғон нимарсалардин парҳез қилмоқ аларга вожибдур. Масалан, сувга қайнатиб пишширган хамир ва биринч ва қобоқ оши ва жамиъий нордон таъмлик таом, шароб ва мевалардин ва қовун ва тарвуз ва бодринг ва қобоқ ва шафтолу ва ўрик ва анжир ва анвоъи олулар ва помидўр ва коху ва исфинох ва кашниз ва хирфалардин бўлғон таом - ҳаммаси балғамафзодур.

Ва қурутилғон эски гўшт, хусусан эски ов гўшти ва мош ва карам ва бодинжондек таомлар ва ясмиқ кабилар ҳаммаси савдоафзодурларки, қари кишиларга булардин парҳез қилмоқ вожибдур. Ва иссиқ-қуруқ мизожлик ва аччиқ ва тахир шўр таъмлик нимарсалардин эҳтироз лозимдур, токи аларнинг мизожларидаги қуруғликни кучайтирмағай, масалан, мурч, гармдори ва қаланфул кабилардин парҳез лозимдурки, булар батариқаи даво истеъмол қилинурлар. Ҳаттоки ёшлар учун ҳам батариқайи гизо истеъмоли зарардин холий эрмас.

Ва агар балғамафзо нимарсалардин хоҳ карҳан, хоҳ изтироран тановул қилинғон бўлса, ани дафъига даво бирлан илож қилмоқ ҳам даво эрмас, балки ани мизожига зид бўлғон гизо тановули лозимдур, токи аввалғи гизо зарарини сўнгги гизо дафъ қилғай.

Ва билмоқ керакки, агар сут ичгон вақтларида қари кишиларнинг киндик ва жигарларининг атрофида тамаддуд ва таранглик ва оғриқ ва ё қичиқ пайдо бўлмаса ва аъзолариға сутнинг бориши яхши бўлса, аларға сут бағоят нофиъдур. Зероки сут аларнинг баданлариға ҳам ғизо ва ҳам рутубат етказмоғи бирлан мизожлариға хўб мувофиқдур. Ва алар учун сутнинг энг мувофиқроғи эчкининг сути ва эшакнинг сутидур. Ва эшак сутининг хосиятларидин бири меъдадин тез ҳазм ўтар ва меъдада ивимоғи жуда кам нодир бўлур, хусусан агар анга андак туз ва асал қўшилса ҳаргиз ивимас. Ва яна қарилар учун ҳам сутдин пишгон сут мувофиқроқдур. Ва сутнинг қайнатмоқда ҳаммадин яхши тадбир шулки, уч ҳисса сутға бир ҳисса сув қўшуб, яъни чорак ҳиссаси, яъни сувнинг қадри ҳиссаси зоил бўлғунча қайнатилур ва сўнгра набот асал қўшуб ҳазмға лойиқ миқдордин ичилур. Агар қайнатмоқда бир-икки қитъа занжабил қўшуб қайнатилса яна яхшироқ бўлур.

Ва сабзалардин қари кишилар учун яхшироғи лаблағи ва карафсдур ва андаки гандано ҳам сазовордур. Ва боядки, бу сабзаларни обкома ва зайт бирлан қайнатиб тановул қилғай. **Обкома** даводурки, арпанинг уни ва янчилгон ялпиз ҳар иккисини баробар миқдор олиб, хамир қилиб, бир неча адад ғўлак шаклда қилиб танурға қўйиб пиширилур, сўнгра ул ғўлакларға баробар вазнда яна ёлғиз ва шул вазнда туз ва ғўлакнинг чорак вазнида бодиён, совуқ мизожлар учун андак дорчиңий ва қаранфул ва тухми карафс кабилардин қўшиб, боз хамир қилиб, йигирма кун офтобға қўйиб, ҳар кун анга сув сегиб кавлаб турулур токи ранги қорайиб, уфунат пайдо қилғай. Сўнгра ани сувға ҳал қилиб мазкурдин соф сувини ажратиб олиб, шишаға солиб, яна неча кун офтобға қўйилур ва ҳар кун чайқатиб турилур, сўнгра истеъмол қилинур. Хусусан таомдин муқаддам тановул қилинса табиатни мулоғим қилмоқ бирлан ёрдам қилғай. Аммо лаблағини жирмидин тановул қилмоқ сазовор эрмаски, жирми ғализ савдовийдур. Ва анча манфаати қайнотулгон шўрбосидадур. Ва инчунин барги ҳам фоидалидурки, анда бундоғ ғализлик

йўқдур. Ва агар одамики, бир вақти муқаррарида савм, яъни саримсоқ тановулига одат қилгон бўлса, анга қаригон вақтида савм яхши нафъ қилур.

Ва мурабболардин занжабил мураббоси мувофиқроқдур. Ва инчунин бошқа мураббо ҳам нофиъдур. Башартики, фақат меъдани исситиб, ҳазмга ёрдам бериш даражадагина бўлса ва баданга қуруқлик эҳдос қилиш даражасиға етмаса. Ва уйқу келтирмоқ учун коҳу емоқ энг маъқул тадбирлардинки, ани хушбўй мусолиҳлар бирлан хушбўй қилиб пиширгон бўлса, чунончи навм ва яқза мабҳасида зикр қилинди.

Энди қарилар учун таомни ҳазм бўладургон соатида табиатни мулойим қиладургон даво ва мевалар тановулига ҳам атиббо амр қилгон эдилар. Бас, аввал давои мулайин ва мевайи мулайинлардин ҳам шаммаени баён қилурмиз, то ҳар қаю фасл учун муносибларини истеъмол қилгайлар. Масалан, анжир қарилар учун ҳамма мулайин нимарсаларнинг афзалидур. Бас, мизож иссиқ бўлса ва ё ёз фасли бўлса ҳўл анжирни андак олу бирлан қўшуб тановул қилмоқ муносибдур. Ва агар мизожи мўътадилроқ ва куз фасли бўлса анжирни танҳо тановул қилмоқ сазовордур. Ва агар мизожда совуқ ғолиб ва ё қиш фасли бўлса қуруқ анжирни асал шарбати бирлан пишируб ичмоқ лойиқдур. Ва агар баҳор фасли бўлса сут бирлан пишируб ичмоқ ансабдур. Ва бундин бошқа ҳар нимарсанинг тановулида ҳам мизожга мувофиқи зарурдур. Ва анжирдин сўнгги даражалик ширалик узум ва майиздулки, баҳасби фасл муносибидин тановул қилинур.

Ва даводин лайлобдулки, форсий ва туркийда ани печак ва печок дерлар ва кўп навъ бўлур. Ва ҳар қаю навъидин муяссар бўлса, ани сувга қайнатуб ва андак туз ҳам қўшуб пиширилур. Ва обкома ва зайт қўшуб хушбўй қилиб ичилса табиатни яхши мулойим қилур. Ва инчунин басфоижнинг илдизини товуқ шўрбасиға ва ё лаблаги шўрбасиға ва ё каранб шўрбасиға қўшуб пиширилса қариларға талйини таъб учун муносибдур. Ва каранб ҳозирги замонда ғалати омма бирлан карам исми ила маъруфдур.

Ва билмоқ керакки, сақич би-л-хосият ичакни беозор жило бериб, қариларнинг таъбини мулойим қилур. Ва миқдори хўроки бир фундуқ миқдоридин то уч фундуқ миқдоригача раводур. Ва фундуқ мевадурки, рус ёнгоғи исми ила машхурдур. Ва доройи узумнинг ғужуми миқдорида бўлур. Ва инчунин хасакдонанинг мағзини кашк бирлан ичмоқ қарилар учун яхши мулайийндур. Ва агар хасакдонанинг мағзиндин бир ҳисса ва қуруқ анжирдин ўн ҳисса қўшуб мулойим қилиб янчиб, мазкурдин ёнгоқдин каттароқ миқдорда тановул қилинса таъни хўб мулойим қилур. Лекин буларни истеъмол вақти юқорида мазкур бўлдики, гизоликға одатан умда ва кўп миқдорлик бўлгон кучлик таомдин ярим соат муқаддам истеъмол қилинғай, токи “кама хува ҳаққуху” асар қилғай. Зероки, баъд аз гизо ёки гизо вақтида тановул қилингон тақдирда андак мулайийин даво кўп миқдорлик гизоға қўшилуб, асари зоҳир бўлмай қолур.

Ва яна ёғ бирлан хўқна қилмоқ ҳам яхши фоидалиқдурки, ҳам таъни мулойим қилур ва ҳам ичакни юмшатур. Ва хўқна учун ёғларнинг яхшироғи ширин зайт ёғидур. Ва бошқа ҳиддатлик хўқналардин ижтиноб лозимдурки, қариларнинг ичаклариға қуруқлик ориз қилмағай.

ТАНБИҲ. Билмоқ кераки, қари одамларнинг таълари бир кун восита бирлан икки кунда бир бор ижобат қилмоғи иътидоли табиийдурки, анга мулайийин нимарса истеъмол қилмаслик лозимдур. Ва ҳар кун ижобат қилмоғи ҳожатдин зиёдадур. Аммо иккинчи кун ичи келмаса мулайийин нимарсанинг истеъмоли зарурдур. Ва бу истеъмол бир ҳафтада бир бор, ниҳоят икки бор кофийдур ва зиёдаси зарарликдур.

УЧИНЧИ ИФОДА-ДАЛК (УҚАЛАШ) ВА РИЁЗАТ ВА ТАФТИҲИ СУДАД (ТИҚИЛМАЛАРНИ ОЧИШ) БАЁНИДА

Билмоқ керакки, жуда қари кишилар учун далк, яъни баданни уқаламоқ мўътадил бўлмоғи вожибдур, каман ва кайфан. Аммо каман мўътадил шулки, уқаламоқ замонни мўъта-

дил замон бўлғайки, кўп узоқ замон ва кўп қисқа замон бўлма-
гай. Ва мўътадил кайфан шулки, қари кишининг тоқатиға
лойиқ миёна қувват сарфи бирлан уқалағай. Ва яна баъзи
узви заиф ва аламлик бўлса, ани уқаламағайки, зарар қилур.
Ва уқаламоқнинг ҳамма ақсоми ўз мабҳасида мазкур бўлди.
Лекин машойихнинг ҳақиға фоидаликроғи шулки, дурушт-
роқ қўл ё дурушт латта бирлан уқаланса аъзоларида бўлгон
иллатнинг мусибати ва зарарини манъ қилмоқда бағоят таъ-
сирлик бўлур.

Аммо машойихнинг риёзатлари баданларининг аҳволиға
ўзларида одат бўлгон касаллариға ва ўз одатлариға муносиб
мухталиф бўлур, чунончи агар баданлари ғоят эътидолда
бўлса, риёзати мўътадил муносибдур. Ва мартуб мизождарни
кўпроқ ва камрутубатларни камроқ уқаламоқ лозимдур, токи
мартубларнинг рутубати фазлийялари уқаламоқ бирлан кўпроқ
таҳлил топиб иътидолға яқинроқ бўлғай. Ва камрутубатлар-
нинг рутубатлари таҳлилға кўп сарф бўлмағай. Ва инчунин
одамики, бир касалға мубтало бўлса риёзат қилмоқға ҳам
шул касални риояси жуда лозимдур. Масалан, димоғида ка-
сали бор одам мияни риёзатдин сақлаб, бошқа аъзони риё-
зат қилдирғай. Чунончи қийин маънолик иборатни мутолаа
қилмоқ ва бир нима ёд олмоқ ва кўп бедор бўлмоқ каби
риёзатлардин ихтироз қилмоқ, балки пиёда ёки от миниб
кўп юрмоқ ва рўзғор ишлари каби кўп фикр андишаға беҳо-
жат бўлгон ҳаракатларға машғул бўлмоқ лозимдур.

Ва агар ул касал оёғда бўлса пиёда юрмоқ, барпо тур-
моқ каби риёзатлардин ижтиноб қилиб, қўл бирлан кўп
ҳаракат қилмоқ ва ё от ва аробада кўп юрмоқ ва камон от-
моқ ва ўлтириб теша чопмоқ каби риёзатлар сазовордур.

Ва агар ул касал тана атрофида бўлса, чунончи жигар ва
талоқ ва меъда ва ичакларда бўлса бош ва оёқ ҳаракати муно-
сиброқдур. Башарти монёъ бўлмаса, чунончи кўп тиловат
қилмоқ ва кам ухламоқ ва пиёда юрмоқ каби. Ва агар монёъ
бўлса, масалан, пиёда юрмоқда камқувватлик ила қоқил-
моқ ва йиқилмоқ эҳтимоли яқин бўлса ва ё йўл ноҳамвор ва

ё ўртада кўпруксиз ариқдан сакраб ўтмоқ лозим бўлуб, бу аниф ҳаракатлардин шишлик узвга зарар ва озор етмоқ эҳтимоли бўлса бу риёзатдин эҳтироз қилмоқни вожиб билмоқ керак. Балки тиловат бирлан қаноат қилмоқ лозимдур.

Ва агар касал кўкрак аъзоларида, чунончи ўпка ва ҳижобларда бўлса зинҳор овозлик риёзатни иртикоб қилмаслик лозимдур. Балки фақат оёқ ҳаракати зиёда танаффусга боис бўлмас даражада бўлса ва мутолааи маҳзки, фақат фикр ила бўлса ва иборатдин мустағний бўлса сазовордур.

Ва яна лозимдурки, риёзатга шуруъ батадриж бўлғай. Ва дафъатан кўп миқдор риёзати ғайри мўътодни иртикоб қилмағай. Ва бу маънилар мабҳаси далк ва риёзат бобида бу фасли мустақилла бўлуб, муфассал зикр қилинғондурки, агар боқий шубҳа бўлса, ўшал фаслға ружуъ қилғайлар.

Аммо тафтиҳи судда агар машойих баданлариға ориз бўлса муфаттиҳи судда зарурдур. Ва пайваста агар судданинг риоясида бўлмоқ аларнинг ҳақида лозимдур. Ва муфаттиҳи суддаларнинг ҳаммадин яхшироғи маъжуни фудинажий ва маъжуни фалофулий ва маъжуни асоносиё ва маъжуни амрусиллардурки, судда ҳодис бўлмоғини манъ қилур. Ва ҳодис бўлғон суддани очиб, моддаи суддани дафъ қилур. Ва судда очилғондин сўнг ҳаммомға буюрмоқ керак, токи моддаи суддадин ҳодис бўлғон бақияси бўлса, тер билан мундафиъ бўлғай. Сўнгра зоҳири баданни ёғламоқ ва ботинни батариқайи ғизои мо ул—лаҳмға жувори ва арпа кўшуб, пишируб ичмоқға буюрмоқ керак, токи тафтиҳи масом учун истеъмол қилинғон давойи мужаффафлар ва ҳаммомдин ориз бўлғон хўшкийятни изола қилуб, баданға зоҳиран ва ботинан рутубат еткурғай.

Ва одамийки, саримсоқ ва пиёз тановулига одатланган бўлса, улар судданинг дафъига зўр таъсирликдур. Ва агар шаробхўр бўлса мурчни майда янчиб шаробға солиб ичса судданинг ҳудусиға монеъ бўлур. Ва асалдин қилинғон шароб қари кишилар учун мувофиқдурки, судда ҳудусиға ва бўғимлар огриғининг ҳудусиға монеъ бўлур. Хусусан агар судда мах-

сус бир узвда ҳодис бўлгон бўлса, шул узвға махсус даводин мазкур шаробға мураккаб бўлғони сарий ул-асар бўлур. Масалан, агар судда аъзойи бавлда ҳодис бўлса карафснинг тухми ва ё илдизидин таркиб қилингон шароби асалий кўп нофиъдур. Ва агар судда тош келгон сабабидин бўлса карафсдин ҳам бақувватроқ даво, масалан, петросолиюнки, карафси куҳийдур, андин мураккаб бўлгон шароби асалий нофиъдур. Ва агар судда ўпкада ҳодис бўлса, зуфо ва салиха ва парсиёвишон ва бих ус-ус кабилардин мураккаб шароби асалий нофиъдур ва ҳоказо.

САККИЗИНЧИ ФАСЛ - ИЛОЖУ-Л-МАРЗО (КАСАЛЛАРНИ ДАВОЛАШ) БАЁНИДА

Билмоқ керакки, бешинчи мақоланинг биринчи қисми бўлган ҳифзи сиҳҳат бобидин фароғат ҳосил бўлди, би-ман-ниҳи ва карамиҳи.

Эмди иккинчи боб бўлгон “Иложу-л-марзо”ға шуруъ қилурмиз.

Билмоқ керакки, касалға илож қилмоқ икки тариқа бўлурки, даво истеъмоли бирлан бўлур ва ё қўл тадбири бирлан бўлур. Чунончи ҳар бирини машруҳан баён қилинур.

Аммо даво истеъмоли ё ичдин бўлурки, ё исҳол қилур ёки ҳибс қилур ёки мизожни тағйир берур. Яъни мизожни беҳибс ва беисҳол фақат мўътадил қилур. Ва ё хориж тарафдин бўлур, чунончи ҳиддатлик даво истеъмоли бирлан бадандин бир зои� нимарсани камайтирар ва ё баданға чизи зиёда қилур, масалан, гўшт ўстирар ё бадандин чиқадурган нимарсани манъ қилур. Ва андоғ давони родиъ дерлар. Ва ё бадан мизожини тағйир берар. Ва бундоғ даво истеъмоли ё тантил ва ё такмид ва ё бунга ўхшаш амал бирлан бўлур.

Ал-ҳол хилтнинг ислоҳиға ва мизожнинг таъдилиға хоҳ хориждин ва хоҳ дохилдин меъдаға бормасдин таъсир қиладурган даволарни машруҳан баён қилинурки, баъзи давонинг таъсири тамом баданда бўлур. Ва баъзининг таъсири бир узв-

ға махсус бұлур. Бас, ҳар бирини махсус фоидалари бирлан зикр қилинур.

Ва бу даволарнинг истеъмоли истилоҳи атиббода махсус номлари ушбулардур.

ҚУТУР деб бадан тешуклариға, чунончи кулоқ ва кўз ва бурун ва бунга ўхшаш аъзоға томизадурган суюқ давони айтурлар.

СУЪУТ ҳам ҳақиқатдин қутурнинг бир қисми, лекин фақат бурунға хосдурки, хоҳ бурун ичига тўкмоқ ва хоҳ истиншоқ тариқи бирлан төртмоқдур. Ва мажозан майда қуруқ давони ҳидлаб бурунға тортмоқни ҳам суъут дерлар. Аммо кулоқ ичига қутур қилмоқ учун давони нимгарм бўлмоғи шартдурки, совуғи ҳам иссиғи зарарлиқдур. Ва ё бошқа қутур ва ё суъут учун совуқ ҳолда истеъмол қилинур.

НУТУЛ шулки, суюқ давони тан устига бир миқдор масофа батадриж ва бетаваққуф қуйиб турмоқдур. Ва бу масофанинг ақалли даво зарфи бирлан бадан миёнаси бир қарич бўлур. Ва ниҳояти то бир одам қаддиға қадар бўлур. Чунончи қўланж касалида ҳанзал қайнатилгон сувни бир одам қома тича баланд масофадин қуймоқ лозим бўлур. Бас, нутулдин асли гараз ё ичдаги моддани таҳлил ва ё мизожни мўътадил қилмоқдурки, ҳар вақт таҳлил мақсуд бўлса давони нимгарм қилиб қуймоқ лозимдур. Ва ҳар вақт баданни совутмоқ ва тарвиҳ ила мизожи баданни ислоҳ қилмоқ мақсуд бўлса, совуқлик ҳолича нутул қилмоқ муносибдур. Ва кўпроқ вақтда совуқ нутулға ҳожат бўлур. Ва яна нутулни гоҳи таквиди ратабға ва гоҳи обзанға ва инкибобға ҳам итлоқ қилинурки, ўз маҳаллида мавжуд бўлгон қарина бирлан мақсудни англатур.

СУКУБ деб суюқ давони худ нутул каби батадриж қуймоқни айтурлар. Лекин сукуб батаваққуф қуюлур ва миёнада баданға андак-андак дам бермоқ усулида тўхтатиб, яна қуюб яна тўхтатуб мутаъадид қуюлур. Ва нутул ила сукуб миёнасида фарқи фақат таваққуфдур. Ва сукубни шундоқ вақтда ишлатилурки, бир узв иллатлик бўлса ва ё касал заиф ва ё гўдак бўлуб, давони бетаваққуф қуюлмоғиға тоқати бўлмаса.

Ва инчунин жигар ва дил ва меъда устига лозим бўлса, албатта сукуб зарурдур. Зероки нутулнинг таҳлили зўрдурки, бу аъзога зўр таҳлил муносиб эрмас.

КИМОД-ТАКМИД шулки, баданга иссиғ нимарса босмоқдур. Хоҳ ул нимарса қуруқ бўлсин ва хоҳ сувлик бўлсин ва қуруқ бўлсин. Ва кимод шулки, тариф ва туз ва кепак ва қум каби қуруқ нимарсани қизитуб бир харитага солуб баданга босилур. Ва тош ва гишт ва кесакларни қизитуб босмоқ ҳам инчуниндур.

Аммо кимоди ратабки, сувлик кимоддур ул шундоғдурки, сув ё гулоб ё шароб давойи муносибаларни қайнатилгон сувини иссиғ ҳолда ҳўкузни қовуғига ё шишага солиб то иссиғлик боқий ҳолда баданга босмоқ ва иссиғи зоил бўлса яна такрор босмоқдурки, ҳақиқатдин булар ҳам қуруқ кимод қисмидиндур. Зероки буларнинг агарчи ичида сув бўлса ҳам баданга тегмас. Ва қуруқ зарфга тегар. Ва асли кимоди ратаб шулки, исфанажки, оммаи халқ миёналарида баллут исми ила машҳурдур, ани пахта ва ё латта ва намаат ва бунга ўхшаш нимарсани мазкур иссиқ сувга ҳўллаб баданга босмоқдур. Ва буни сувидин бадан ҳўл бўлуб, масомлари очилур. Ва қовуғ бирлан босилгон такмиддин бақувватроқ бўлур. Шунинг учун жигар ва меъдага такмид зарур бўлса эҳтиёт шулки, қовуғ ёки шишалик такмид қилғайлар. Ёки бундоғ аъзога камоли эҳтиёт учун фақат гулобдин такмид қилмоқ ва агар фақат гулоб кифоя қилмоғон тақдирда мазкур даводин қўшуб такмид қилмоқ сазовор бўлур. Зероки хушбўй нимарсалар дил ва меъдани бақувват қилур. Ва агар хамр ила гулобни баробар миқдорда бир-бирига қўшуб, иситуб анга исфанаж ёки пахтани ҳўллаб бир узвга такмид қилинса, ул узвга ҳам қувват берар. Ҳам аламини таскин берар, ҳам бодини таҳлил берар.

Ва хулоса шулки, қуруқ мизожлик ҳаво вақтида ва қуруқ мизожлик баданга зарур бўлгонда ҳўл такмид яхшидур. Ва рутубатлик ҳаво вақтида ва рутубатлик баданга зарур бўлгонда қуруқ такмид муносиброқдур.

ТИЛО шулки, суюқ ва сойил давони зоҳири баданга

қўймоқдур. Ва хоҳ ул нимарсани ўзини суртуб қўйсун ва хоҳ бир латта ва ё пахта каби нимарсани анга олуца қилиб баданга ёпилсун ва хоҳ ул нимарса сув жинсидин бўлсин ва хоҳ ёғ жинсидин бўлсинки, баданга суртгонда сайёллик сабабидин юпқағина миқдор таваққуф қилгай.

ЗИМОД шулки, зоҳири баданга қўйиладурган даво сайёл бўлмай, балки ғализ ва ўз жисмига мутаносиб бўлуб, баданга қалин миқдори ҳам оқмай барқарор турадурган бўлса, хоҳ ул нимарсани баданга қўйгондин сўнг устидин боғлаб қўюлсин, хоҳ боғланмасун, лекин боғламоқ афзалдур, токи даво баданга текис ва баробар тегиб таъсир қилгай ва узвда кўп вақт муттасил ва мамос турса, бу узвни бавоситаи масом танаффусида давонинг асари маҳалли мақсудга яхшироқ нуфуз қилгай. Ва агар гоҳи аъзойи раисадин бирига тило ё зимод лозим бўлса, боядки, аввало бир парча латтани хом уднинг дуди бирлан бухур этиб, сўнгра мазкур давога шул латтани олуца қилиб, латта бирлан қўймоқ лозимдур. Ва ҳаргиз аъзойи раисага давои қавий ут-тахлилни ҳам қўйиб бўлмас ва ҳам хушбўйсиз қўйиб бўлмаски, сабаби юқорида мазкур бўлди. Ва агар дилни ва ё мияни ҳароратини таскин бермоқ учун тило қилмоқ лозим бўлса, ҳаргиз латта қуримоғига муҳлат бермай, дам-бадам янгилаб турмоқ лозимдур, токи даво баданга қуриса тақбизи бирлан масомни банд қилиб, балки ҳароратни эҳтибосиға ва узви раисни яна зиёда қизимоғига боис бўлур. Ҳатто мазкур латтани исимоғига муҳлат бермаслик лозимдур, токи дохилдаги ҳароратга зоҳирдин латтанинг ҳарорати муъин бўлмагайки, аъзойи раиса талбирида комил эҳтиёт вожибдур.

ШУМУМ шулки, даво нимарсанинг хоҳ қуруқ ва хоҳ хўллик ҳолида ҳидламоқдурки, фақат анинг кайфийяти, яъни ҳиди бурунға кирар. Аммо жирми кирмас.

ЛАХЛАХА шулки, суяқ давои хушбўйни шишаға солиб, хўб чайқатиб, ҳидини чиқариб, шиша оғзидин ҳидламоқдур. Ва гоҳи мажозан хушбўй бўлмоғон давони ҳам мазкур тариқада ҳидламоқни лахлаха дерлар. Масалан, сирка ва нўвша-

дир испирти каби. Ва бу лахлаха иссиқ суъи мизож учун кўп мустаъмал бўлур. Ва миянинг мизожини таъдил қилмоқ учун бағоят сарий ул-асардур.

НУФУХ шулки, давони бағоят майда қилиб, сўнгра ҳидланур ва ё найчанинг бир тараф учиға мазкур давонин кўйуб, иккинчи тараф учидин пуфлаб, маризнинг бурниға ва ё ҳалқиға еткузмоқдур. Токи маҳалли мақсудға беинтишор етгай.

УТУС шулки, давоий атсаовар бирлан акса келтурмоқдур. Хоҳ ул даво куруқ ва майда бўлуб, ани ҳидламоқ тариқи бирлан бўлсин ва хоҳ суюқ нимарсани бурун ичиға гомизмоқ бирлан бўлсин. Бас, биринчи тариқани утуси нуфухий дерлар. Ва иккинчи тариқини утуси суъутий дерлар. Аммо давоий утуснинг истеъмоли учун моддаий касалнинг камлиги шартдур. Ва агар модда кўп бўлуб, то оммаи бадани танқия қилмоқ утус истеъмол қилмоқ раво эрмас. Чўнки модда кўп бўлса бурун тарафға мундафиъ бўлғонда ҳаммаси батамом бурундин хориж бўлмоғиға амнийт йўқдурки, ҳаракатга кирғон кўп миқдор модданинг баъзиси бурундин хориж бўлса ҳам, баъзиға кўзға ва қулоқ ичиға ва баъзиси ўпкаға резиш қилуб, кўп офатларға боис бўлмоғи мумкиндур. Ва инчунин танқия қилмоқда ҳам заифроқ мусҳиллар бирлан неча дафъа батакрор танқия қилмоқ шартдур. Ва ҳаргиз давоий қавий ул-исҳолни истеъмол қилмоқ раво эрмас. Чўнки маълумдурки, давоий мусҳиллар аввалан бадандин моддани ва обиятни дохили баданға жазб қилиб, сўнгра ичакдин исҳол қилур. Бас, агар давоий қавий ул-исҳолдин истеъмол қилинса анинг жазби ҳам шиддатлик бўлуб, миядаги захарлик назла моддасини дохил тарафға кўп жазб қилиб, анинг инсибобидин зўр офатлар ҳодис бўлмоқ эҳтимоли яқиндур.

ВАЖУР шулки, суюқлик ва сайлонлик давони ҳалққа еткизуб томузмоқ ва ё зиёда миқдор қуймоқдур. Токи меъдаға ворид бўлишдин муқаддам асар қилиб манфаат бергай. Масалан, кўкнор сувини важури димоғдин резишни манъ қилғони каби.

СУНУН шулки, қуруқ давони хоҳ муфрад, хоҳ мураккаб бўлсин майда янчиб тишға суртилур. Масалан, тишқоли ва чордору каби.

КУҲЛ шулки, муфрад хоҳ мураккаб бўлгон қуруқ давони майда эзиб, милни давога олуца қилиб кўзға тортилур. Ва бу амал учун милнинг энг яхшиси тиллодин бўлгон милдур. Сўнгра кумушдин бўлгонидур. Аммо касал бўлмогон одам учун бундоғ милнинг истеъмоли шаръан жоиз эрмас. Ва бу икки навъ мил муяссар бўлмаса, сўнгра жетки, ғалати омма бирлан жез дерлар, андин бўлгон мил дуруст бўлур. Сўнгра мисдин, сўнгра шиша, сўнгра парранда парининг ўзаги ва ҳоказо.

ЗАРУР шулки, қуруқ давони майда салоя қилиб, кўзға ва ё жароҳатға сепилур.

БУРУД шулки, совуқ давони хўб майда эзиб гоҳи пай ва аксар кўзға истеъмол қилинур. Ва зарур тариқи ё иктиҳол тариқида. Аммо зарур тариқи кўз милкининг касаллариға кўпроқ истеъмол қилинур. Ҳам иктиҳолға нисбатан даво миқдори зарурда кўпроқ бўлгон сабабидин таъсири бақувватроқ бўлур.

БУХУР шулки, давоий муфрад ёки мураккабни миждардаги чўғ устиға солиб куйдуриб, анинг бўйини мариз димоғиға етказилур. Ва агар бир узв учун бухур махсус бўлса, масалан, қулоқ ё тиш каби бир узви махсусни бухур қилмоқ махсус бўлса, бухурнинг дудини най воситаси бирлан ул узвға етказилур. Ва агар мақсадға ё раҳмға бухур қилмоқ мақсуд бўлса, бир тоғоранинг тагидин парма бирлан тешуб, сўнгра бухурнинг устиға тўнкариб қўйилур. Ва устиға мариз мақъадини бараҳна қилиб ўлтирур. Ба навъики, маризнинг маъҳуд тешуги тоғоранинг тешугиға тўгри бўлсин, токи давонинг дуди бу тешукдин иккинчи тешукға кириб, маҳалли мақсудға етгай. Ва бу амал ҳақиқатда бухур эрмас, балки тадхундур. Лекин атиббо истилоҳларида бухур исми ила шуҳрат олгондур.

Ва яна аксар вақтда даво зуд куйиб тамом бўлмаслиғи ва батадриж куймоғи мақсуд бўлгон сабабдин давони сув бир-

лан ҳўл қилиб, сўнгра куйдирилур. Бас, сувнинг бухори чиқар ва дуди ҳақиқий чиқолмас. Бас, мумкиндурки, шунга биноан исмини бухур деган бўлсалар.

Ва дуд бирлан бухорнинг фарқи маълумдурки, дуд оловдин ва ҳаводин ва жинси арздин мураккабдур. Ва бухор эса оловдин ва ҳаводин ва сувдин мураккабдурки, дуд ила бухорнинг мураккаб бўлмоғида андеша ҳам йўқдур.

ТАМРИХ шулки, ҳўл давони баданға суртмоқдур. Хоҳ ул нимарса ёғ жинси бўлсин, хоҳ сув жинси бўлсин. Ва агар ёғ жинсидин бўлса анга духн ва тадҳин ҳам дерлар. Бас, тадҳинға нисбатан тамрих оммдур. Ва тамрихға нисбатан тило оммдурки, тамрих фақат суртмоқдур. Аммо тило ҳам суртмоқ ва ҳам анга латтани олуца қилиб ёпмоқға шомилдур.

ШОФФА шулки, бир неча давони янчиб, бир-бириға кўшуб, данакдек қитға-қитға қилиб мақъадға кўтарилур. Ва мазкур давони сувға эзиб кўзға тортмоқни ҳам айтур. Ёки давойи муфрадни, масалан, собун ва бунга ўхшаш давони тарашлаб ёки мураккаб даволардин тартиб бериб, орқа тарафиға ва ё олди тарафиға кўтарур.

Аммо қўланж касалиға истеъмол қилинадурғон шоффаи мушхилнинг узунлиги олти панжадин кам бўлмаслиги лозимдур. Токи анинг асари қулун ичакиға зудроқ етгай ва зуд амал қилгай.

ФОИДА. Билмоқ керакки, маъойи мустақимға, яъни энг паст ичакға шиёфларнинг асари кўп ва зуд бўлур. Зероки даво анга восил бўлур, лекин мухаддир ва қарахт қиладурган давони зинҳор шиёф қилинмасинки, кўп зарар қилур. Ҳаттоки мавлоно Шайх ур-раис алайҳир-рахма “қад шаҳадна ман ихтамала-л-афйуна фа-мата”, яъни батаҳқиқ афюнни шиёф қилгон киши сўнггидин ўлғонини кўрдуқ, дебдурлар.

Ва агар шиёф қилмоқ лозим бўлса, ғоятки бир бақувват риштанинг бир учини мазкур шоффаға маҳкам боғлаб ҳумул қилгай, токи вақти заруратда шул риштадин тортиб шоффа ни чиқармоқ мумкин бўлсин. Зероки гоҳ бўлурки, мухаддир нимарсани ҳумул қилгондин сўнг таҳдирнинг шиддатидин

табиат шул қадар қабз бўлурки, ҳатто неча кунгача шоффанинг ўзини дафъ қилолмас. Ва инчунин бундоқ шиёфни узок вақт ичида сақламоқ ҳам муносиб эрмас. Ва бирон соат сақлағондин сўнг тортиб олмоқ лозимдур. Ва зоҳирдурки, бу иш то бир риштаға боғланмаса мумкин эрмас. Ва раҳмға кўтариладурган шиёфларни ҳам шул тариқа тақбиз ва ҳибсий бўлурки, ани ҳам бир риштаға боғлаб, сўнгра кўтармоқ яхшидур.

ФАТИЛА шулки, агар қуюқ ва салобатлик нимарса бўлса, ани узун ва ингичка шаклда тартиб бериб орқасиға ва ё олдиға кўтарур. Ва қулоғиға ва ё бурниға ва ё жароҳатининг тешугиға қўяр. Ва ё давои сайёл бўлса пахтадин ва латтадин мазкур шаклда тартиб бериб, давоға олуда қилиб қўяр.

ОБЗАН шулки, инсоннинг қаддиға лойиқ миқдорда узун шаклик ҳавзчадурки, ҳаммомларда бино қилинғон бўлур. Хусусан Эрон ва Ҳиндистон ҳаммомларида умуман расмдур. Ва ани холис иссиқ сувға ёки даво қайнатилғон сувға тўлдируб, маризни анинг ичига ўлтирғизур ёки осмонға қаратиб ётқизилур. Ва гоҳи бир макондин яна бир маконға кўчирмоқ имконияти учун мисдин ва тунукадин ва чўяндин ва бошқадин қилинурки, рус истилоҳича ани ванна дерлар. Ва гоҳи ҳаводин муҳофаза учун қопқоқ ҳам ани ўртасидин одамнинг боши сиғадурган тешук кўйғон бўлур, токи ҳаводин муҳофаза учун қопқоғни ёпғонда ичидаги одам бошини чиқариб, ҳавойи насимдин нафас олиб турғай. Ва танасиға мазкур сувнинг таъсиридин мақсуд ҳосил бўлғунча ўлтирмоқға танаффуси бемалол бўлғай. Би-л-жумла агар шул тавсифға мувофиқ зарф муяссар бўлса яхшироқдур. Ва илло ҳар зарфики, касаллик мавзеъни сувға кўмадирғон бўлса ани истеъмол қилмоқ мумкиндур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, қўланж касали учун обзан қилмоқда сувнинг миқдори ва аламлик мавзеъдин баланд бўлмаслиги сазовордур. Токи юқори аъзо ҳам иссиқ сувнинг асаридин суст бўлмағай. Балки моддаи аламни паст тарафға дафъи учун қодир ва голиб бўлғай. Ва маълумки, обзан сувға кўмилғон узвни мустархий ва суст қилур. Ва шунинг учун моддани

таҳлил ва аламини таскин қилур. Бас, қўланжда касаллик ичакдин юқори узвни сувға кўмилмоғидин эҳтирос қилмоқ зарурийдур. Ва яна ҳар вақт обзанны масона касали учун, чунончи ҳибси бавл учун лозим бўлса, сувнинг миқдори киндикдин юқори бўлмаслиги зарурдур. Кама закарнаҳу (Чунончи, буни айтиб ўтдик).

Ва агар сийдикни равон қилмоқ учун давои мудирр ичирмоқ лозим бўлса обзаннынг ичида ўлтирғонда ичирмоқ зуд таъсир қилур. Ва обзанда ўлтирмоқ муддатининг миқдори ва сувнинг иссиқлиги миқдори касалнинг табиатини таҳаммулига ва эҳтиёжиға нисбатан тафовутлик бўлурки, ани таъйин қилмоқ табибнинг раъйиға мавқуфдур.

ВАЗЪУ-Л-ҚАДАМАЙН ФИ-Л-МАИ-Л-ҲОРР, ЯЪНИ ОЁҒИНИ ИССИҚ СУВҒА СОЛМОҚ

Ва бу амал бухоротни баланд аъзодин паст тарафға жазб қилмоқда кўб яхши тадбирдур. Шунинг учун кўб навъ бош оғриғиға кўп нафъ қилур. Ва яна иситма касалининг бақия ҳароратини тортмоқға ва терлаш учун иъонат қилмоқға тамом таъсири бордур. Ва шунинг учундурки, иситма қайтғондин сўнг ани асари узоқроқ фурсат давом этмоғи маълум бўлса, дарҳол икки оёқни иссиқ сувға солинса, тезроқ иситма асарини зоил қилур. Ва инчунин ҳар икки қўлни иссиқ сувға солмоқ ҳам бадан тануридин ҳароратни жазб қилмоқда асарлиқдур.

Эмди шул маҳалда неча нимарсаларнинг баёни муносиб, балки зарур кўриндики, аларни ҳам баён қилурман. Масалан, биринчиси шулки, оёқни солинадурган зарф баҳадди чуқур бўлмоғи керакки, анга оёқни солғонда то тиззасигача сувға кўмилғай.

Ва иккинчиси шулки, бу амални қилғон вақтда бир баланд курсиға ўлтирғон ҳолда оёқни сувға солмоқ керак. Ва ҳаргиз ўрнидин турган ҳолда оёғини босиб турмағай. Зероки босиб турган ҳолда оёғни томурлариға тамаддуд бирлан зиқлик ориз бўлуб, бухорот камоянбағий мунжазиб бўлолмас.

Ва учинчиси шулки, агар иситма бир вақтида шиддатлик ва голиб вақтида ҳам юқорига ҳам зохири баданга майлони бақувват бўлур. Бас, мумкиндурки, буни паст тарафга жазб қилмоқ изтироб ва беоромликга боис бўлур. Ва ё иситманинг голиблиги ила сувнинг иссиғи ҳам анга муъин бўлуб, баданни зиёда қизимоғига боис бўлур, би-л-феъл.

Ва тўртинчиси шулки, зўр иситмалик кишига пошўя қилинғонда, агарчи иситмаси қайтғон вақтида бўлса ҳам маризнинг олдиға бир қалин парда тутиб қўюлғай, токи иссиқ сувнинг бухори маризнинг димоғига етмағай. Зероки баъзи жойда кўрулдике, ҳароратнинг айни шиддатида пошўя қилғон эдилар ва ё иситма камайған вақтида ҳам сувнинг бухори маризнинг димоғига ва дилиға етмоғидин эҳтиёт қилмоғон эрдилар, дафъатан маризнинг димоғига халал ва дилиға хафақон ориз бўлди. Ва бул ишда эҳтиёт вожибдурки, аксар мардум ундин ғофилдурлар. Баъзи жуҳҳол пошўя бемахал ва беэҳтиёт бўлғонлигинин аҳёнан бир зарар кўрганлари учун мутлақо пошўядин эҳтироз қилурлар. Ва илло пошўяки, муносиб вақтида лозим эҳтиёти бирлан бемашаққат бўлса, саросар анфаълиги шубҳасиздур. Қатъан анда шоибай зарар йўқдур.

Ва бешинчиси шулки, оёқни сувға солғонда боядки, сувнинг ичида ҳар икки почани юқоридин пастга қаратиб батадриж молиш қилиб турғай. Токи молишнинг жазби сувнинг жазбиға муъин бўлуб натижа тезроқ ва осонроқ ҳосил бўлғай. Ва агар бир монёи бўлмаса, то бир соатғача оёқни солибтурғай. Агар шундоқ қилмоқни ирода қилинса, лозимдурки, пошўя зарфининг тағига кўмир оловидин бир миқдор солиб қўйғай, токи матлуб муддатғача сув совимай ҳамон матлуб иссиғлигида барқарор ва боқий бўлғай. Ва оёғни сувдин олғондин сўнг дарҳол лунги бирлан артиб қуритғондин сўнг, яна сувнинг ҳарорати худ-бахуд зоил бўлғунча оёғни ўраб қўйғайки, совуқ ҳаво тегмағай. Токи оёғдаги ҳарорати боқия ҳам юқоридин фи-л-жумла ҳарорати ғарибани жазб

қилиб турғай. Ва ҳам оёқ масомлари совуқ ҳаводин асарланиб судда ориз бўлмағай.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, онча ҳароратнинг шиддатлик галабасида пошўядин сақланмоқ риояси бадан иситмасиға махсусдур. Аммо сарсомда бу риоялар эътибордин соқит бўлуб, мумкин қадар бетаваққуф пошўяға машғул бўлмоқ вожибдур. Зероки ҳарорат суъуди бирлан мияда варам зиёда бўлмоқнинг хавфи ҳама эҳтимолот хавфидин хатарликроқдурки, ҳатта-л-имкон ҳароратни миядин пастға тезроқ жазб қилмоқ вожибдур. Ва жазби ҳарорат учун агарчи холис иссиқ сувда шул қадар таъсир бўлса ҳам, лекин баъзи давоийки, жазби ҳарорат ва таъдили мизож учун махсусларини, чунончи бобуна ва бинафша ва хитмий ва гули нилуфар ва ҳинонинг барги ва тол барги ва буғдойнинг кепаги кабилардин қўшуб қайнатмоқ яна зиёда таъсирлик ва нофиъ бўлур.

ШАДДУ-Л-АТРОФ (ҚҶЛ ВА ОЁҚНИ БОҒЛАШ)

Шадду-л-атроф, яъни қўлни, қўлтиғ ва оёғни сон юқорисидин маҳкам бўғиб боғламоқдурки, аъзойи раиса тарафиға мутаважжух бўлгон моддани жазб қилмоқ учун бўладурган тадбирларнинг аълосидур. Шунинг учун саръда ва ғашийда ва бунга ўхшаш аъзойи раисаға ориз бўлгон касалларда қўл ва оёқни боғланса фавран нафъ қилур. Ва яна қўл ва оёғда бўлгон зарарлик модда ёки заҳарлик кайфийят тана тарафға суъуд қилмоқда бўлса, қўл ва оёғни боғламоқ ани суъуддин тўхтатур. Чунончи қўл ва оёқни мушорикати бирлан бўлгон бош оғриғида мушоҳада қилинур. Ва инчунин қўл ва оёқни чаён ёки йилон чақиб, заҳари баданға тарала бошлагонда қўл ва оёғни маҳкам бўғиб боғланса, ул заҳар танаға сироят қилмай, тўхтаб қолур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳаким Жолинус қўл ва оёқни боғламоқ кайфийятида дебдурки, қўлни қўлтиғдин ва оёқни сон юқори мунтаҳосидин бошлаб, то қўлни кафи ва оёғни қадамиғача ўраб боғланур. Ва ҳаким Сарофиюн “Куннош” исмли китобида шул тариқа боғламоқни ихтиёр қилибдур. Аммо ҳаким Розий дебдурларки, атрофни фақат аслдин боғ-

лансин, яъни кўлни кўлтуғдин ва оёғни сон мунтаҳосидин боғлансин ва бақиясини боғланмасин, токи бақияси мунжазиб қонларға макон бўлур, дебдурлар. Ва бунга иловатан Жолинусға эътироз учун атрофни ҳаммасини ўраб боғламоқда хатойи азим бордур, дебдурлар.

Аммо дарвишнинг фикри қосиримча Розийнинг Жолинусға бу тахтибалари хатодин холий кўринмас, зероки боғламоқ икки эҳтимолдин холий бўлмаски, ё шиддати тамом ила боғланган бўлурки, асло моддаға суъуд ва нузул учун имкон қолмоғон бўлур. Чунончи чаён ва йилон чақғон кишини боғламоқ каби. Ва ё барсабили иътидол боғланғон бўлурки, анинг алам ва озориға хабар қилмоқ мумкин бўлур.

Бас, агар биринчи эҳтимолға мувофиқ шиддати тамом бирлан боғлансаки, андин модда ўтиб нузул ё суъуд қилмоғиға имкон қолмоғон бўлса, бунинг зарари кўп зоҳирдурки, агарчи фақат кўлтиқ ва мунтаҳойи сондингина боғланган ва бақияси бўш қолғон тақдирда ҳам моддани жазби учун ҳеч имкон, яъни модда учун йўл қолмоғон сабабидин мурод ҳосил бўлмас. Ҳам бул тариқа башиддат боғламоқ беҳуш кишидин бошқани ҳаққиға мумкин бўлмаски, ани озори ва ҳушёрини беҳуш қилур. Хусусан заиф ва ориқ кишиларни ҳалокатға еткузар.

Ва агар иккинчи эҳтимолға мувофиқ барсабили иътидол боғланса, маълумки, бундоғ боғланмоқ мажрони ҳаргиз банд қилолмас. Ва моддани нузули ва суъудиға монё бўлолмас. Магар томурни торгуб тамаддуд ҳосил қилур, фақат. Ва мутаҳаққиқ бўлғондурки, боғламоқдаги жазби том ани алам ва озориға биноан эрмас, балки мажрони тамаддудиға биноандур. Чунончи фасд қилғонда ани андак тамаддудға боис бўларлик даражада боғланса, қонни бадандин жазб қилуб бермоғи ва бўшатиб юборғонда томурдин тамаддуд зоил бўлғон ҳамон қон тўхтамоғи машҳуддур. Ва бул тариқа боғлаб томурға тамаддуд эҳдос қилинса моддани жазб қилмоғи ёки ақалли таъсири моддани суъудиға монё бўлуб, атрофға моиллик ҳолда томур ичида жобажо қолмоғи эса нақадар боғланмоқ миқдори

қўп бўлса, шул қадар томурға тамаддуд қўп ҳосил бўлуб, жазби зиёда бўлмоғиға ёрдам бўлурки, асли матлуб шулдур. Бас, ҳаким Жолинуслинг қавли ақраб басавобдур. Би-л-жумла агар боғламоқ бош оғриғи ва руёф ва истиҳоза ва бунга ўхшашлар учун бўлса вожибдурки, барсабили иътидол боғланғай. Ва саръ ва сакта кабилар учун бўлсаки башиддат боғламоқни аламини идроқ қилолмаса, ул вақтда ҳарчанд башиддат боғланса яхшироқ бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, қўл ва оёқни бандини бўшатмоқда аввало оёқни пошўяға солуб, шул ҳолда бўшатмоқ лозимдур, токи боғланиш сабаби бирлан мунжазиб бўлгон модда бўшатилгон ҳамон яна ружуъ қилмасин учун банднинг эвазиға пошўя жазб қилиб турғай. Ва пошўяда тургон вақтида боғни батариқаи акс аввал бўшатмоқ лозимдур, яъни боғламоқда қўлтуғ ва сондин бошлаб, сўнгра каф ва қадамни боғлангон эди ва бўшатмоқда каф ва қадамдин бошлаб, сўнгра қўлтуғ ва сонни бўшатмоқ лозимдур. Зероки бандни шиддатидин озурда бўлгон қон юқори баданға суъуд қилмаслиги учун қадам тарафидин бўшатилгонда сиқилиб тургон узвға ёзилмоқда ўзиға атрофидин қон жазб қилмоқға муқтазий бўлур. Ва тобора юқори тарафдин бўшатилгон жойнинг иқтизоси бунга замм бўлуб, қувваи жозибаси қувват ҳосил қилур. Ва ниҳоят қўлтуғ ва сон бўшатилгонда танадин қон ва моддаларни жазб қилурки, асл матлубдур.

Ва агар бунинг хилофида юқори тарафдин бошлаб юқори тарафдин бўшатиб, натижаси бунинг хилофида бўлур. Камола йахфий. Ва яна якбора бўшатмай батадриж бўшатмоқ афзалдур. Бас, агар боғлаган узвнинг озор ва аламиға мариз бетоқат бўлса, тезроқ андак замон кўрсатилгон тариқада бўшатиб, сўнгра яна боғламоқ керак.

Ва яна маълум бўлғайки, агар боғламоқға ҳожат андак бўлса, қўлтуғдин юқори сондин боғламоқ аксар кифоя қилур. Чунончи тажрибаға етгандурки, қўлтуғдин боғламоқ ғашаёнға дафъатан монё бўлгондур. Ва агар ҳожат зўр бўлса бутун қўл ва оёқни тамомини ўраб боғламоқдин бошқа чора бўлмас.

ҲУМУЛ шулки, даволардин хоҳ муфрад ва хоҳ мураккаб давони орқа тараф ва ёки олди тарафга кўтарилур.

ФИРЗАЖА би-касри фо ва сукуни ройи муҳмала ва фатҳи зойи муъжама, ҳумуллиқ хотинлар фаржида кўтармоғига мхсус бўлур. Ва истеъмоли шундоғ бўлурки, латтани мазкур давоға олуда қилиб, латта бирлан кўтарилур.

ИНКИБОБ шулки, иссиқ сувнинг бугиға ва ё даво қўшуб қайнатилғон сувнинг бугиға энгашуб турилур. Ва бир пардани бош усти бирлан ёпиб, сувни шул парда ичида тутар, токи сувнинг буғи бош ва қулоқ ва тамоми баданға етгай. Ва бу амал тезлатмоқ учун истеъмол қилинур.

Ва агар вақтики, қулоқ учун лозим бўлса, мазкур сувни оғзи танг бўлғон зарфға солиб, унинг оғзиға қулоғини тутиб турмоқ кифоя қилур. Ва парда ёпилмоқға ҳожат бўлмас.

ҲУҚНА шулки, амали махсус бирлан давони мақъаддин ичакға ва фарждин раҳмға юборилур. Ва билмоқ керакки, муолажада ҳамма тадбирларнинг энг умдароғи ҳуқнадур. Хусусан вақтики, даво ичмоқға монеълик бўлғон вақтда ёки давонинг қуввати камаймасдин ичакға етмоғи матлуб бўлғон вақтда ва ё тезликда даво асари раҳмға бевосита етмоғи мақсуд бўлғон вақтда ҳеч тадбир ҳуқнаға бадал бўлолмас.

Ва яна буйрак оғриғи ва масона оғриғи ва мия касаллари ва моддани баланддин пастға жазб қилмоқ ҳожати ва бухрот суъудини манъ қилмоқ ҳожати учун бағоят нофиъдур. Ва бу амални биринчи мартабада ҳақим Букрот бир гардандароз ва каж минқор ва пурхўр қушдин кўриб, ибрат олиб топғондурки, ул қуш таомни кўп ер эди. Ва ичагида бўлғон тафлни ўзидин зоил қилмоқ учун шўр дарё лабида туриб, тумшуги бирлан дарёдин сув олиб ўз мақъадиға ихтиқон қилур эрди. Ва ҳақим Букрот кўриб ибрат олди ва ҳуқна учун асбоб ихтиро қилди. Ва дарё сувиға ҳукамо мамосил қилмоқ учун холис сувға андак туз қўшуб ҳуқна қилмоқға ривож берди. Ва халойиқ миёналарида бу амал шойиъ бўлди. Сўнгра баҳасби ҳожат анга давойи мусҳил ҳам қўшдилар. Ва жиҳати қабз ва саҳж учун ҳам баъзи қобиз ва луюблардин қўшмоқни расм

қилдилар. Ва ҳуқна учун қонунлар таҳрир қилдиларки, ҳар бир қонунларини бир фоида бирлан алоҳида баён қилинур.

ФОИДА. Муҳқина, яъни олати ҳуқна баёнидадур. Ва ул олат бир кисадин иборат бўлуб, бир тарафи сербар ва иккинчи тарафи камбар бўлуб, қабоқнинг гардани шаклида бўлур. Ва шул камбар тарафига бир анбуба, яъни най ўрнатилгон бўлур. Ва кисанинг ичига ҳуқна суви солиб, найни маҳалли мақсудга кирғизгандин сўнг кисани сиқиб, ичидаги сувни тазйиқ этиб, най воситаси бирлан маҳалли мақсудга юборилур. Ва ҳарчандики, зарурат учун най ва бунга ўхшаш бир тешуқлик анбуба бирлан халқ истеъмол қилурлар. Лекин сазовор шулки, анбубани икки тешуқлик қилуб ясамоқ керак, токи бири тешуқдин сув кирғай ва иккинчи тешуқдин агар ичакда муҳтабис бўлгон бод бўлса, хорижга чиқғай. Ва юқори ичакга суъуд қилуб эҳдоси фасод қилмағай.

Ва бу анбубани кайфийяти шулки, нуқрадин ёки мисдин ва бунга ўхшаш нимарсадин анбуба қилмоқ керакки, анинг қадди саккиз панжа эни, балки бир қарич бўлғай. Токи агар юқори ичакга даво еткармоқ лозим бўлгон тақдирда ва ё раҳмга даво еткармоқ лозим бўлгон тақдирда ҳам дастгирлик ва тахфифда ҳам дастгирлик қилғай. Ва йўғонлиги жимжилоқ панжасидек бўлғой, балки андин бориқроқ бўлса яхшироқдур, токи ёш болаларга ҳам истеъмоли мувофиқ ва беозор бўлғай.

Ва анбубани икки палла қилиб, бир палласи йўғонроқ ва иккинчи палласи ингичкароқ бўлур. Сўнгра бир-бирига пайванд қилмоқда миёнага бир қалинроқ ва сувнинг нуфузига монез ва бемасом нимарсадин парда қўйиб пайванд қилинур, токи бунинг бирлан анбубада икки адад тешуқ ҳосил бўлуб, бир тараф палла йўғонроқ бўлғони учун андин кенгроқ тешуқ ҳосил бўлғай. Ва иккинчи палласидин ингичкароқ тешуқ ҳосил бўлғай. Ва кенг тешуқ ичга даво кирмоғи учун ва тор тешуқ хорижга бод чиқмоғи учун мажро бўлур. Ва анбубани кнсага вобаста бўладурған тарафидин тор тешуқни маҳкам банд қилинур. Токи кисадин келгон даво суви бунга кирмағай, аммо кнса иҳотасидин хорижда

қолғон жойда хориждин тешуб мазкур тор тешукға муттасил қилмоқ керак, токи дохилда бод бўлса шул мажродин хориж бўлғай. Ва агар камоли эҳтиёт учун анбубани ичға кирадурған тарафидаги ҳар икки тешукни ҳар бирини яна икки адад тешуклик қилиб ишланса яна авло бўлур. Токи гоҳи агар ахлот ёпишуб бир тешукни банд қилса, иккинчи тешукдин давони духули ва ё боднинг хуружиға мажро тайёр бўлғай.

Ва кисани чармдин ва ҳўкизни қовуғидин қилмоқ раводур. Агар бир миқдор ичак мавжуд бўлса, анбубани ичакға банд қилиб, иккинчи учини ҳар навъ зарфға банд қилмоқ мумкин бўлур. Лекин бу таҳлиллар ҳеч навъ асло муяссар бўлмоғон дашт ва саҳро ва тоғ аҳллариға лозим бўлғон тақдирға биноан ёзилди.

Аммо бу замонда шаҳар аҳли учун киса эвазиға махсус зарфлар ва ичак эвазиға резина анбубалар мавжуддур. Фақат анбубаи дохила бир тешуклик мавжуд бўлса ҳам икки тешуклик анбуба ноёб ва ғайри расмдур.

ФОИДА. Ҳуқна олатини тариқаи истеъмол баёнидадур. Билмоқ керакки, ҳуқна қилмоқда аввало узви махсусга киргузиладиган анбубани узвға кирадиган тарафини ёғ бирлан ёғламоқ керак, токи духули беозор бўлғай. Ва яна анбубани на миқдор киргизмоқ лозим бўлса батадриж киргизмоқ керак. Ва вожибдурки, анбубани кенг тешуклик тарафини пастға ва тор тешукли тарафини баландға қилиб ушлағон ҳолда узви махсусға кирғизғай, токи даво ўз оғирлиги бирлан паст тарафдин оқиб кирса ичдаги ҳавонинг тафаввуқи табиийси бирлан юқоридаги тешукдин хориж бўлмоғи мумкин бўлғай. Ва яна анбубаға муттасил бўлғон маҳалдин ичакни икки панжа бирлан маҳкам сиқиб банд қилиб туриб киса ёки бошқа зарфда бўлғон сувини ичакға тамом тўлдирмоқ лозимдур. Токи ичак ичида бўлғон ҳаволар тамом юқориға кўтарилиб, ичак ҳаводин холий бўлғай. Сўнгра анбубани киргизуб бўлуб, ичакни банд жойини очмоқ керак, токи хориждин дохилға ҳеч ҳаво кирмоқ эҳтимоли қолмағай.

ФОИДА. Ҳуқна сувини миқдори баёнидадур. Билмоқ

керакки, хуқна давосининг миқдори олтмиш мисқолдин зиёда бўлмоғи ҳар навъ ҳожат учун ҳамма атиббо наздида мамнуъдур. Аммо камлик миқдорида атиббо миёнларида ихтилоф бордур. Аксарлари наздида хуқна давосининг ками қирқ беш мисқол бўлмоғи муносибдур. Ва баъзилар ани раво кўрмай, бундин ҳам камроқ бўлмоғини муносиб кўргондурлар. Лекин яхшиси шулки, хуқнаға ҳожат сабабиға назар қилмоқ керакки, агар қўланж касали ва пўкон қабзияти ва ё ҳасиф қабзияти каби кўпроқ миқдор хуқнаға муқтазий бўлуб, хуқнани таъсири юқорироқ маҳалға етмоғи матлуб бўлса ва маризнинг танаси мўтадил бўлса, хуқнани миқдори қирқ беш мисқолдин кам бўлмағай. Ва олтмиш мисқолдин ортиқ бўлмағай. Аммо заҳир каби паст ичакға махсус касал бўлса, анга ҳаттоки йигирма беш мисқол миқдори ҳам кифоя қилур. Лекин бу миқдор мўтадил баданлик катта одамлар ҳаққиға муносибдур. Аммо танаси кичик бўлгон катта ёшликлар ва болаларға ўз жасадиға муносиб миқдорни ихтиёр қилмоқ ва танаси иътидолдин катта жисмликлар учун миқдори давони ҳам андак зиёда қилмоқ табибнинг раъйиға мавқуфдур. Ва яна давойи хуқна қуюқ ва суюқликда мўтадил бўлмоғи лозимдур. Зероки агар мусҳил даводин хуқна қилгонда ани қивоми қуюқ бўлса, мусҳилнинг ҳидлатидин ичакға заҳир ва ё жароҳат пайдо бўлмоғи мумкиндур. Ва агар қивоми суюқ бўлса ҳам юқоридаги беҳожат ичакларға таралмоғи бирлан аларға зарар қилур. Ва ҳам суюқлик жиҳатдин паст ичакға камроқ юқғони сабабдин матлуб қадар нафъ қилолмас. Аммо қўланж касали учун бўладургон хуқнанинг давоси суюқроқ бўлмоғи яхшироқдур, токи матлуб бўлгон маҳалға етиб бормоғи осонроқ ва тезроқ бўлғай.

Аммо саҳж касалида қуюқроқ бўлмоғи муносиброқдур, токи касалнинг сабабини зоил қилмоқда таъсири кўпроқ бўлғай. Лекин қаю касал учун бўлса ҳам хуқна давоси албатта нимгарм ва илиқ бўлмоғи лозимдур. Зероки андин иссиғроғи гаший ва хафалик пайдо қилур. Ва совуғроғи ичакда бод пайдо қилур. Ва матлуб бўлгон хилт ва боднинг хуружиға монё

бўлур. Аммо кўп исоиғ ва ё совуғ бўлмагон ҳуқна бу зарарлардин холий ва дохили аъзонинг мизожи ва кайфийятиға муносиб бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ҳуқнани кўп қилмоқ ва анга одат қилмоқдин жигарнинг қуввати заиф бўлур. Шупинг учун зарурат вақтида камроқ истеъмол қилмоқ лозимдур. Ва яна меъда таомдин холий ва очликда ҳуқна зарар қилурки, таом баданни, хусусан меъдани ва қувватни заиф қилур. Ва меъдаға бошқа ахлот нузулиға боис бўлур. Бинобарин очлик ҳолдаги кишиға аввало тавобул солингон шўрбо бирлан гулқанд ёки мастакий каби муқаввий нимарсани ичируб, сўнгра ҳуқна қилмоқ лозимдур. Ва тавобуллик шўрбоға хушбўйлик ва хуштаъмлик пайдо қиладурган қуруқ даволарни айтилур. Масалан, қуруқ кашниз ва зира ва созажи ҳиндий ва мурч ва ҳил ва қаранфул ва дорчиний ва бунга ўхшаш нимарсалардур.

Ва ҳуқна қилмоқ вақтида маризнинг қайси вазиятда ётқизмоқ хусусида атиббонинг ҳар қаюлари ҳар тариқа шакл баён қилуб, ихтилофлари кўп бўлгондур. Лекин дарвиш бу мақомда аларнинг ихтилофларининг баёни бирлан татвили каломни лозим кўрмадим. Балки ўз фикримға мақбул тариқаларнинг баёни бирлан қаноат қилмоқни муносиб билдим, афв этгайлар.

Билмоқ керакки, ҳар узвға ориз бўлгон касал учун лозим бўлгон ҳуқнанинг истеъмоли вақтида шул узвға давони еткармоқ ва андин тажовуз қилдирмаслик учун муносиб бўлгон ҳайъатда маризни ётқизмоқ зарурдур. Ва агар зоҳир касалиға ҳуқна лозим бўлса, маризни осмонға қаратиб ётқизмоқ муносибдур. Лекин боши ва орқасида ёстиқни баланд кўйиб белдин юқори аъзони заминдин баландроқ қилиб кўймоқ лозимдур, токи даво мақъадға яқин бўлгон маъойи мустақимда жамъ бўлғайки, маҳалли мараздур. Ва андин тажовуз қилмағай.

Ва буйрак касали учун ҳуқна лозим маризнинг бош ва гарданиға баландроқ ёстиқ ва думбасининг остиға пастроқ

ёстуқ қўймоқ муносибдур, токи бели заминда туриб, буйрак мавзеъи нашиб бўлғай. Ва даво ул мавзеъда таваққуф қилиб, кўпроқ таъсир қилғай.

Ва агар масона ва раҳм касали учун бўлса, боядки, маризни ерга қаратиб ётқизуб, сийнасига ёстуқ қўймоқ ва шул ҳолда ҳуқна қилмоқ муносибдур. Токи даво масона ва раҳмининг устига келиб таваққуф қилғай ва андин юқориға тажовуз қилмағай.

Ва агар қўланж касали учун бўлса маризни тиззаси бирлан ётқизуб, сийнаси остига баланд ёстуқ қўймоқ ва мариз белини орқасига букиб, қорнини заминға яқинроқ қилуб турмоғиға амр қилмоқ керак. Ва шул ҳолда ҳуқна қилмоқ муносибдур, токи даво пўконға етиб, қўланжни таҳлил қилғай. Ва агар бул нафъ қилмаса даво мазкур маҳаллға етолмағониға аломатдур. Бас, ул ҳолда ё қўланж бағоят озорлик бўлуб, анга давони тезроқ еткизмоқ матлуб бўлгон вақтда давосиз холис сувни пўконға еткизиб қабзиятни зоил қилмоқ матлуб бўлгон вақтда маризни аввал осмонға қаратиб ётқизуб ҳуқна қилмоқ керак. Ва икки минут қадар шул ҳолда қўйиб, сўнгра оҳиста тобланиб чап тарафини босиб яна икки минут қадар ётмоғи. Ва сўнгра яна оҳиста тобланиб қорнини ерга босиб икки ё уч минут қадар ётмоғи, сўнгра яна тобланиб ўнг тарафини босиб ётмоғи лозимдур. Токи даво пўконға бешубҳа ва тез етиб матлуб ҳосил бўлғай. Чунки ташриҳи муфассал зикр қилиндики, пўконнинг маҳалли ўнг тараф биқиндадур. Ва анга муттасил бўлгон ҳасип қориннинг олди тарафи ва киндик тўғриси бирлан айланиб, чап тараф биқинға ўтгандур. Ва андин айланиб, орқа тарафға ва белни тўғрисиға келиб, маъойи мустақимға, яъни кўтонға муттасилдур. Маъойи мустақим мақъадға муттасил бўлгондур. Бас, мақъаддин юборгон даво осмонға қараб ётгонда белиға етмоғи осондур. Ва икки минут асносида тамом белда жамъ бўлур. Сўнгра чап тарафни босиб ётса нашиблик ҳосил бўлуб, икки минутда ҳамма даво ҳасифнинг охириға жамъ бўлур. Сўнгра ерга қараб ётса киндик тарафға нашиблик ҳосил бўлуб, ҳамма даво ҳасифнинг тамом қаддиға

таралгон бўлур. Сўнгра ўнг тарафини босиб ётса нашиблик ҳосил бўлуб, даво ҳасифдин пўконга ўтар. Бас, қўланжга сабаб бўлгон хоҳ бод ва хоҳ қабзият бўлса ва ани маҳали хоҳ ҳасифда ва хоҳ пўконда бўлса - ҳаммасига етган бўлур. Ва бодни таҳлил ва қабзни талйин бирлан шубҳасиз нафъ қилгон бўлур.

Аммо бош касали учун ҳуқна қилмоқ лозим бўлса маризни теккис ўринда осмонга қаратиб ётқизмоқ ва фақат бошига бир ёстуқ қўймоқ ва шул ҳолда ҳуқна қилмоқ муносибдур. Токи даво бошдин моддани жазб қилмоғига баданни ҳамворалиги фақат бадан бошидин нашиблиги муносиб ва муъин бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ҳуқнани юборгондин сўнг анбубани оҳиста ва батадриж олмоқ керак, токи давони жазб қилиб чиқмағай. Сўнгра қўл бирлан мақъад оғзини мужтамиъ қилмоқ керак. Токи ҳам қўлни феъли ҳам мариз табиатиға бу ҳаракатдин ориз бўлгон танаффури ҳаракат бирлан мақъад мужтамиъ бўлуб, давони маҳфуз тутғай. Аммо давони сақламоқдин бир қийинлик ва ё андуҳ ориз бўлса ул сувратда давони қайтиб чиқмоғига монёъ бўлмаслик лозимдур. Ва агар даво ўзича чиқмаса, агар бу даво заҳир ва саҳж учун қилингон беозор бўлса, ҳеч боки йўқдур. Ва агар ҳуқна давоси ҳиддатлик мусҳил давонин бўлуб, ярим соатдин зиёда таваққуф қилса, боядки яна бир ҳуқна қилғай, токи сўнгги ҳуқна аввалги ҳуқнани ҳаракатга киргизуб, тушурғай. Лекин сўнгги ҳуқнанинг миқдори аввалги ҳуқнанинг нисфи миқдоридин зиёда бўлмағай. Ва ҳуқнаи соний эвазиға аксар вақтда шоффа ҳам кифоя қилур.

Ва ҳуқна қилгон вақтда маризға лозимдурки, ҳатта-л-имкон йўталмоқдин ўзини эҳтиёт қилиб сақлаб турғайки, бу ҳолатда воқеъ бўлгон йўталдин гоҳи ҳиқичоқ ориз бўлурки, таскини душвор бўлур.

Ва яна мусҳил давони суви бирлан ҳуқна қилмоқға ҳожат бўлгонда аввало ёғ бирлан иссиқ сувдин ва ё собуннинг кўпиги бирлан иссиқ сувдин ҳуқна қилиб, булар тушгандин сўнг

мусҳил даводин ҳуқна қилгай, токи модда ёғ ва собундин мунфаъил бўлуб, исҳол учун қобил уд-дафъ бўлгай. Ҳам ичак собун ва ёғ бирлан тойғоқ бўлуб, баосоний мундафиъ бўлгай. Ва ҳам агар модда куйган ва ҳиддатлик бўлса ёғ ва собун паст ичакларга юқуб, гўё пардадек хилт бирлан ичак миёнасида ҳоил бўлуб, хилти ҳодданинг таъсиридин ичакни муҳофазат қилгай. Ва мақсуд беозор ҳосил бўлгай.

ФОИДА. Билмоқ керакки, ҳуқна учун мусҳил давонинг таркиби ҳам ичмоқ учун қайнатилгон мусҳилнинг таркибиға яқин бўлур. Ҳояти шулки, баъзи мусҳилларни ҳуқнаға қўшилмас, чунончи сабри сақутарий ва сақамуниё ва анвоъи ҳалилани ҳуқнаға қўшиб бўлмас. Ва ҳуқнани ақсоми кўплур.

Бир қисми шулки, андак мулайийин бўлур ва зиёда исҳол қилмас. Ва бундоқ ҳуқна иситмаларға ва ичаги шишган касалға ва қабзиятға фоида қилур. Ва бунинг таркиби шундоғ бўлурки, ҳам талйинлик ва ҳам азлоқлик, яъни ичакни тойғоқ қиладурган луболик даволардин таркиб қилинур. Масалан, бинафша ва хитмий ва арпа ва буғдойнинг кепаги ва чилонжийда ва сапистон ва лавлаги ва коснийнинг ва хуббоз, яъни тугмача ўт ва нилуфар ва хасак ва зигирдона ва сучукмиянинг илдизи ва майиз ва фулуси хиёршанбар ва шакар ва беҳдона ва семизўт ва испағул ва бунга ўхшашлардур.

Ва иккинчи навъи шулки, ҳиддатлик мусҳиллардин таркиб қилинур. Ва совуғдин бўлган қўланж ва бошқа совуғдин бўлган касалларға истеъмол қилинур. Масалан, сано ва турбуд ва ғорикун ва шаҳми ҳанзал каби ҳиддатлик мусҳиллардурки, қайнатиб ичилур. Ва ҳожатға лойиқ миқдори муқаррари вазн эътибори бирлан бир неча муслиҳлар таркиби бирлан ислоҳни риоя қилмоқ шарти бирлан истеъмол қилинурки, аларнинг баёни ҳаммаси “Ғарободин”ларда марқумдур.

Ва бошқа қисм ҳуқналарки, ҳар бир касал учун махсусдур, ҳаммаси ўз мавридида зикр қилинур. Ва шунга иктифон татвили каломдин эҳтироз ила мақсуди ҳусулға ружуъ қилурман.

ИЛОЖУН БИ-Л-ЙАДИ, ЯЪНИ ҚЎЛ ТАДБИРЛАРИ БИРЛАН БЎЛАДУРГОН ИЛОЖ

Масалан, синганни боғламоқ ва ёрмоқ ва шишни ёрмоқ ва доғ солмоқ каби амаллардур. Ва жароҳатни тикмоқ ва гўшти зоидни кесмөк ва ўқ ва пайконни ёриб олмоқ каби қўл амаллари ҳам шул ҳукмдадур. Аммо бу маврида батариқаи ижмол жабр ва бат ва кайға мутаъаллиқ бўлгон аҳкомни уч қоида бирлан баён қилинур.

ФОИДА. Жабр аҳкоми баёнидадур. Билмоқ керакки, синган устихон ва ё ўз жойидин чиққан бўғимни маъруф ва маъмул тариқада боғламоқни истилоҳи атиббода жабр дерлар. Ва устихон сингон бўлса каср дерлар. Ва бўғимдин чиқгонни агар ўз ўрни бўлгон чуқурдин тамом чиқгон бўлса халъ дерлар. Ва илло васий дерлар. Аммо устихонға ва ё устухонни ихота қилгон нимарсаға зарб етса анинг учун ҳаракатға суствик ва иқтидорсизлик ориз бўлса, ани ваҳн ва ваҳий дерларки, ҳар иккиси муродифдур.

Ва бу фойдани икки қисм ила баён қилинур.

ҚИСМИ АВВАЛ КАСР (СИНИШ) БАЁНИДА

Ва анинг тадбири шулки, ани оҳиста ва мулойимлик бирлан тортиб ёзилур, токи узв ҳолати аслисиға келгай. Сўнгра тафтиш ва тафаҳхус қилмоқ керакки, агар устихонға тафаттут ориз бўлса, яъни мутаъаддид синуқ парчаси бўлса ани оҳиста-оҳиста силаб, ўз ўрниға келтируб, жуфтламоқ лозимдур. Ва узв ҳайъати табиийясиға келгондин сўнг ҳар икки тарафидаги соф узвни қўшуб, мажмуъини бир узун асоба бирлан ўраб боғланур ва соғ жойни андак мулойим ва синиқ жойни маҳкамроқ ўралур. Ва ўрамоқ вақтида узвда табиий чўқурлик бўлса, анга латгани буклаб қўйиб, чуқурлик миқдорини тўлдируб, текис қилмоқ лозимдур. Ва боғлагандин сўнг яна тафаҳхус бирлан назар қилиб, агар асобанинг қаю жойида андак чуқурлик бўлса ҳам латта бирлан тўлдирмоқ лозимдур, то тамом узв текис бўлгай. Сўнгра агар муяссар бўлса анор ёғочидин, аввало тол ёғочи ёки бошқа мулойимроқ ёғочдин, бўлгон юпқа тахтадин тўрт донасини узвнинг

тўрт тарафидин узвға баробар муттасил қилиб қўюб, анинг устидин ип ва ё латта бирлан боғлаб қўюлурки, бу пахталарни арабда **жабоир** дерлар. Ва ҳар бир тахтани **жабра** дерлар. Ва жабоирни боғлагондин сўнг агар монеъи бўлмаса қон олмоқ ва енгилроқ исҳол бермоқ муносибдур, токи шиш ҳодис бўлмоқдин эмин бўлғай.

Ва бу вақтда ҳаммадин яхши ғизоға жўжа хуруснинг шўрбосидур. Токи ҳазми каймусдин тезроқ молдаи жузви бадан ҳосил бўлуб, сингон устихонға етиб мунъақид бўлғай. Ва устихонға пайвандлик тезроқ муяссар бўлғай. Ва бир мисқол гилбўтани жуллоб бирлан ичирмоқ ва устихони шикастанинг истиқомати учун нафъ қилур. Ва инчунин мумиёи форсий ҳам сарий ул-асардур. Ва жабоирни икки кунғача ечмоқ раво эрмас. Магар зарурат бўлса ечуб ҳаводин узвни баҳралондирмоқ лозим бўлур. Ва зарурат оғруқ ва қичуқ ориз бўлмоқдин иборатдур. Ва мазкур узвға нимгарм сувдин тантил қилмоқ қичуқнинг таскинига кўп таъсирликдур. Ва агар бир ҳафта вақт ўтса ва узвда оғриқ ва шиш ва ҳароратдин ҳеч бўлмаса, боядки асобани жуда маҳкам боғланғай, то тўрт кун, балки беш кунғача сиқилиб турғай. Сўнгра асобани ечуб узвға жабр учун махсус зимодлардин қўймоқ лозим бўлур.

Ва ғизоға калла-поча ва ҳалим ва бунга ўхшаш ғизолар бирлан қон ва баданни ғализ қилмоқ тадбирлариға таважжуқ қилмоқ лозим бўлур. Ва биринждин ва тухумнинг саригидин ғизо бермоқ ҳам фоида қилур. Ва охиirroқ вақтда, яъни устихон мунъақид пайванд бўладурган замонида кун-бакун асобани сустроқ қилиб турмоқ лозимдур.

Ва устихонни инъиқод ва павандиға аломат шулки, асобаға қон зоҳир бўлур. То пайванд маҳкам бўлмаса узвни зўр ҳаракатдин сақламоқ лозимдур. Ва ҳам узвни бир ҳолда қолдирмай, балки пайванд истехқоми зоҳир бўлгондин сўнг ҳам андак-андак ҳаракат ҳам қилдируб турмоқ зарурдур. Токи узви мазкур карахт бўлуб қолмағай.

Ва жабоир боғламоқ учун муҳлати муайяна муқаррар эрмас, балки баҳасби ҳожат боғланур. Ва қачонки устихонда

устиворлик мутахаққиқ бўлса, сўнгра жабоирға ҳожат қолмас. Ва синғон узв нақадар катта бўлса жабоир шул қадар кўп вақт боғланур.

Ва яна ёши нақадар улуг бўлуб, даври нумувдин узоғлашган бўлса, шул қадар устихоннинг пайванди кеч ҳосил бўлуб, жабоирни кўп вақт боғламоқға ҳожат бўлур.

Аммо соҳиби “Захира” дебдурларки, синғон узвға то беш кун ўтмаса жабоир боғламаслик, балки асоба бирлан боғламоқға иктифо қилиб турмоқ лозимдур. Магар узвни каж бўлуб қолмоғи ва ё ва бошқа бир офат хавфи бўлса, ул тақдирда ночор боғламоқдин бошқа чора йўқдур, гарчи биринчи куни бўлса ҳам, дебдурлар.

Ва агар каср ила шиш ҳам ёр бўлса бузури арбаъаки, бизри мармоҳўр ва бизри ҳурмул ва бизри зиғир ва бизри камундур, мазкурларни майда янчиб, итузумини ёки семизўтни сувиға қориб суртуб, узвни боғламай, очиқ сақламоқ керак. Ва агар боғламоқ зарур бўлса, бағоят бўш боғламоқ керак. Ва ҳар кун икки бор очиб шамоллатиб турмоқ керак, токи шиш зоил бўлғай. Сўнгра касрнинг иложига мутаважжиҳ бўлмоқ керак. Ва агар каср бирлан гўштни эзилмоғи ёр бўлса, гўштни тилиб қон чиқармоқ лозим бўлур, то уфунатдин маҳфуз бўлғай. Ва агар каср ила жароҳат ҳам ёр бўлса, жабоир боғлангонда жароҳат маҳаллини очиқ қолдирмоқ лозимдур. Ва атрофиға латта буклаб қўйиб, жабоирни бир навъе боғламоқ керакки, каср маҳкам боғланиб, жароҳат очиқ қолғай.

Ва агар синғон узвнинг жароҳатидин қон сайлон қилиб турса сабр ва кундур ва дам ул-ахавайн ва мурр майда янчуб жароҳатға сепмоқ керак. Ва агар тан қонға пур бўлса, яъни қони ғолиб бўлса муҳолиф тарафнинг томуридин қон олмоқ керак. Ва илло муҳолиф тарафни маҳкам боғламоқ кифоя.

Ва агар каср пайванд бўлуб, битса ва лекин ул маҳаллда бир салобат ва қаттиғлик боқий қолсаки, ҳаракатға монё бўлса, бас, назар қилмоқ керакки, агар ул салобат ҳануз янги ва кўп қотмаган бўлса, бир қитъа қўрғошимни пичоқлаб, анга боғламоқ ва ўткир қобиз давони қўйиб устидин маҳкам боғла-

моқ лозим бўлур. Токи ул даво мазкур салобатни эзиб, тазийқ бирлан таҳлил қилгай. Ва агар салобат эскиб, мутаҳажжир бўлуб қотган бўлса марҳам ва қийрутий мулайийинлар ва мураххийлардин қўюб юмшатмоқ ва иссиқ сувдин тантил қилмоқ керак.

ИККИНЧИ ҚИСМ ХАЛЪ (ЧИҚИШ) ВА БОШҚАЛАР БАЁНИДА

Ва халънинг тадбири шулки, ул жойға бир модда қўйилмоғининг хавфи бўлса аввало қон олмоқ ва таъбини мулоийм қилмоқ ва бир мисқол гилбўтани жуллоб бирлан ичирмоқ ва гизоға шўрбоға бодом ёғи қўшиб ичмоқға буюрмоқ лозимдур. То иситма чиқармоқ ва шишмоқдин маҳфуз бўлгай. Узвни назар қилмоқ керакки, узв фақат жойидин чиқғон ва бошқа ориза пайдо бўлмоғонми ёки анга шиш ва жароҳат ва қарҳа каби ориза ҳам мураккабми? Бас, агар ушбу оризалардин бири мураккаб бўлса, аввал шул оризанинг иложига мутаважжих бўлуб сўнгра халъ иложига шуруъ қилмоқ керак. Магар халъ шундоғ узвда бўлсаки, баосоний қўл бирлан ани жойига тушурмоқ мумкин бўлса, ул тақдирда ул халъни жойига тушуруб, сўнгра ориза иложига қарамоқ мумкиндур.

Ва узвни жойига тушурмоқ тадбири шулки, ани батадриж оҳиста-оҳиста қимирлатмоқ ва ўнгу сўл тарафға қайируб ҳаракат қилдирмоқ, сўнгра батаанний тўғриға қараб тортмоқдурки, шунинг бирлан чиқғон узв жойига тушар. Ва аксар бўлурки, жойига тушғонда овоз ҳам мафсилдин эшитилур. Ва бул овоз узвнинг жойига тушғонига далилдур. Сўнгра узвни шул жойдин ҳўл латта бирлан маҳкам боғланур, токи яна чиқиб кетмағай. Ва агар боғламоқдин оғриқ шиддатлик бўлса, бандни ечмоқ керак, лекин очиқ ҳолда камоли эҳтиёт бирлан сақламоқ лозимдур, токи оғриқ бартараф бўлгай.

Ва асобаки, ўралур, боядки ҳўллаб ўрағай. Ва ҳўли қуримоғиға қўймай ҳўллаб тургай. Зероки агар латта қуриса мазкур жойни иситуб, шиш пайдо қилмоқ хавфи бордур. Ва авло шулки, муғос ва гилбўтани мурд баргининг сувиға қоруб,

анга латтани олуда қилиб совуқ ҳолида ўрамоқ керак. Ва тўрт-бец каррадин зиёда қалин ўрамаслик керак.

Ва арпа унини барги мурд сувиға қориб зимод қилмоқ кўп нофиъдур.

Ва ҳар узвни халъи учун махсус тадбирлар бордурки, китоби соҳиби “Комил”да ва “Шарҳи асбоб ва аломот”да ва “Тибби Акбарий” ва бошқа мўтабар китобларда мазкурдур. Ва қорийни киром вақти ҳожатда боқий талобирни мазкур кутуби мўтабаралардин ахз қилмоқлари мумкин бўлғони учун бу мақомда шул қадар баён бирлан қисқа қилдим.

Ва тадбири васиъ шулки, агар узв ўз мавзеъидин камроқ чиқғон ва тамом чиқмоғон бўлса анга гул ёғи суртмоқ ва барги мурдни майда янчиб узвға сепуб мўтадил даража боғламоқ ва муғоз ва хитмийни янчиб, тухумнинг сариғи бирлан суртмоқ кифоя қилур.

Ва агар ул узв кўпроқ чиқғон бўлуб, мазкур тило кифоя қилмаса бақувватроқ даволар зимод қилмоқ мумкиндур.

Ва агар васиъ шишлик бўлса муғоз ва гулнор ва ақоқийё ва фуфал ва мошларни тухумнинг оқи бирлан суртмоқ лозимдурки, бағоят нофиъ ва кофийдур.

Ва тадбири ваҳн ва ваҳий шулки, васи тадбирларининг енгилроғидур. Ва иссиқ сувдин тантил қилмоқ васи ва ваҳий ва ваҳнларни ҳаммасиға зўр нафъ қилур. Хусусан агар анга зардчўба қўшуб қайнатилғон бўлса хўб жалил ул-асар нофиъдур.

ФОИДА. АҲКОМИ БАТ, ЯЪНИ ЁРМОҚ АҲКОМИНИНГ БАЁНИДА

Билмоқ керакки, шиш то яхши пишмаса ани ёрмоқ сазовор эрмас. Ва ёрмоқда ҳам шишни юмшоқроқ ва баланд кўтарилғонроқ ва ости тарафроқдин ёрмоқ лозимдур. Чунки юмшоқликда модданинг пишганлиғиға аломатдур. Ва баландлик моддани кўб миқдор пишганлиғиға аломатдур. Ва баландлик моддани кўп миқдор жамъ бўлғониға аломатдур. Ва ости тарафдин ёрмоқ моддани ҳеч бақияси қолмай ҳаммаси тамом хориж бўлмоғиға сабаб бўлур. Ва яна баданни бўйиға қараб

ёрмоқ вожибдур, токи баъзи лифлар, яъни пай ва томурлар тораси кесилиб кетмағай. Магар қўлтиқ ва човнинг шишини бадан бўйига қараб ёриб бўлмас. Балки ани шиканжиға, яъни териси буклангон тарафға қараб ёрилулки, баданнинг эниға қараб ёрғай, то беофат бўлғай. Ва хилофи пешонийки, агарчи шиканж анда ҳам бордур, лекин пешоний шишини ёрмоқда зинҳор ани шиканжиға эътибор ва табъийят қилиб бўлмас. Чунки пешонийнинг лифларининг баъзи баданнинг бўйигадур ва шиканжийнинг лифларға мутақотиъдур. Бас, шиканжға қараб ёрилса пешоний узлаларини лифлари тамон кесилиб, узлалари қош ва кўз устиға тушар. Чунони табиб Андрумахисға амирзодасини муолажасида шул хато воқеъ бўлгон эди.

Шунинг учун атиббо ёрмоқ ишиға мутасадди бўлгон кишиға лозимдулки, ҳар қаю узвнинг лифлари ва томурлари ва узлаларини вазъийятиға воқифроғ бўлмоғи вожибдур, демишлар.

Ва шишни ёргондин сўнг модда кўп бўлса оз-оздин батафориқ чиқармоқ лозимдур, токи кўп моддани бир дафъада чиқармоқдин заифлик ориз бўлмағай. Ва модда батамом чиқғонидин сўнг боқий йўқини пахта бирлан артиб олиб, тозаламоқ лозимдур. Сўнгра битирмоқ учун упа ва тўтиё ва гулнор ва мозу ва дам ул-ахавайн ва анзарутдин марҳам қилуб кўйғайки, жароҳатни битирмоқ учун сариъ ул-асардур.

Ва яна билмоқ керакки, шишни ёрадурғон кишиға лозимдулки, сўнггидин қонни тўхтатдурган даво ва тадбирлар ва аламни таскин берадурган марҳамлар ва бу ишда даркор бўладурган асбоблари - ҳаммаси муҳайё бўлғай.

Ва аламни таскин берадурган марҳамларнинг ҳаммадин яхшиси афюн кўшилгон қалъий упа марҳамидур.

Ва қонни тўхтатадурган доруларнинг ҳаммадин яхшиси ўргимчакнинг торидур. Ва ичирмоқ учун ҳаммадин яхшиси кўкнор ва бунга ўхшаш мухаддирлардур.

ФОИДА. КАЙ, ЯЪНИ ДОҒ АҲКОМИНИНГ БАЁНИДА
Доғ икки навъ бўлур. Бир навъи шулки, оловнинг таъси-

ри бирлан бўлур. Чунончи бир тандор ва қавий ул-жисм нимарсани, масалан сих темурни оловда қиздируб, ани бирлан доғ солинур. Ва бу амалда олтин бирлан доғламоқ афзалдур, магар **шусадин** ҳосил бўлгон хурожни зарованди тавил бирлан доғланур, албатта. Чунончи зикр қилинур.

Ва инчунин умм ус-сибён касалида икки қошни миёнасини биссуд ё маржон бирлан боғланур. Чунончи умм ус-сибёнда мазкур бўлди. Ва ё жисми сайёлни, масалан, ёғни оловда қиздируб ани бирлан доғ солинур.

Ва иккинчи навъи шулки, оловсиз бўлур. Чунончи кайфийяти ҳиддатлик давони узвға қўйилур, токи узвни куйдирғай. Чунончи тезоб ёки тафси маъруф даводур. Ва ушбу даво ҳам куйдирар. Ва лекин ифрот даражада куйдирмас. Ва ҳиддати ҳам кўп эрмас. Чунончи сув тегмаган оҳак, собун, бураи арманий - ҳар учовини баробар олиб, хўб майда эзиб дарахти баллутнинг кулини сувиға ва ё анжир дарахтининг кулининг сувиға ва ё ноболиғ гўдакнинг сийдугиға қоруб, мазкурдин бир қитъани доғланмоғи матлуб бўлгон жойға қўйилур.

Ва би-л-жумла олов доғининг манфаати шулки, кўп рутубати фосидаки, бир узвға жамъ бўлгон бўлса ва ул узвнинг мизожи ва жавҳарини фосид қилиб турса ва ҳар навъ иллат пайдо қилиб турса, лекин ани ўзидин анвоъи истифроғ бирлан танқия ҳосил бўлмаса, фақат шул доғ бирлан рутубати фосида йўқолур.

Ва катта манфазларики, модда ва миддани маслакидурлар, шул доғ сабаби бирлан банд бўлур. Ва совуқ суъи мизожлар узвдин зоил бўлур ва қоннинг сайлони доғ бирлан тўхтар. Ва даво бирлан бўлгон доғнинг манфаати олов бирлан бўладурган доғнинг манфаатига яқиндур. Хусусан модда маслакини банд қилмоқда олов доғидин кам эрмасдур. Ва олов доғиға тоқат қилолмаган киши учун даво доғи кўп яхши тадбирдур. Ва ҳам носурни доғламоқға доғи махсусдур.

ҲАР ХИЛ КАСАЛЛИКЛАРНИ ДОҒЛАШ

Эмди касалларики, ани доғламоқни атиббо тажвиз қилгонларини баён қилинур. Масалан, биринчи кўз оғриғидур-

ки, назладин пайдо бўлуб, эскигон бўлса. Иккинчи зийқ ун-нафаски, кўп миқдор назланинг резишидин бўлгон бўлса. Ва учинчи жузом ва тўртинчи бош оғриқки, эски бўлса. Ва бешинчи нузул ул-моки, ҳануз шуруъда бўлса. Ва олтинчи шаъри зойд. Ва еттинчи кўз гўшасида пайдо бўлгон носур. Ва саккизинчи хурожи, шусадин пайдо бўлгон бўлса. Ва тўққизинчи харошки, жигарда бўлса ва жигар пардасида йиринг тўплагон бўлса. Ва ўнинчи талоқ касалики, ҳеч қандоғ зимод ва шарбати мудиралар бирлан манфаат кўрмагон бўлса. Ва ўн биринчи заъф ул-миъда. Ва ўн иккинчи истисқо. Ва ўн учинчи халъи бозуки, китфдин чиқгон бўлса. Ва ё рутубат кўплиги сабабидин ё бир захмий ва осибий сабабидин бўлса. Ва ўн тўртинчи дунба мафсалининг суствлиги ва важаъ ул-варк. Ва ўн бешинчи ирқ ун-насо. Ўн олтинчи қиллат ул-моъ. Ва ўн еттинчи буни рондин бўлгон фатқ. Ва ўн саккизинчи тиш оғриғи. Ва ўн тўққизинчи ҳар қаю зоҳирий мавзеъдин бўлгон назф уд-дамдурки, анга доғ асбобини еткузмоқ мумкин бўлса ва ул узв ҳам доғ учун қобил бўлса. Ва аксар узвни доғламоқ тариқи бир-бирига мухталифдур. Бинобарин ҳар бирини жудо-жудо баён қилинур. Ва тариқай доғда бир хил бўлгонларини ҳаммасини бир жойда баён қилинур.

ТАРИҚИ ДОҒИ ЗИЙҚ УН-НАФАС ВА ДАРДИ ЧАШМИ НАЗЛИЙ (НАФАС СИҚИШИ ВА КЎЗ ОҒРИҒИНИ ДОҒЛАШ)

Ва би-л-жумла кўз оғриғи ва зийқ ун-нафаси назлийни доғламоқ тариқи шулки, бошини ўртасидаги мўйни тарош-лаб, шул жойга доғ солмоқ керак. Банаҳжийки, шул мавзеъни териси тамом куйғай. Ва тери куйиб тушгандин сўнг, яъни яхшиси шулки, шул мавзеънинг устихонини ҳам андак қириб, юзини очиб, покиза қилинғай, токи андин масом очилиб, назланинг бухороти чиқғай. Бас, агар назла кўп ва ҳиддатлик бўлса, икки, балки уч доғни бир-бирига яқин қилиб солинғай. Ва доғнинг жароҳати тез битмагига кўймай жароҳатнинг юзини очиб турмоқ керак. Токи назланинг бухороти ва рутубатлари кўп вақт чиқиб турғай. Сўнгра марҳами манбиталар

бирлан жароҳатга яхши гўшт ундириб, сўнгра битирмоқ керак.

ТАРИҚИ ДОҒИ ЖУЗОМ (МОХОВГА ДОҒ СОЛИШ)

Жузомни доғламоқ тариқи шулки, ҳануз жузом ҳодис бўлмай, лекин ҳодис бўлмоғи аломатларидин жазми маълум бўлса, анга беш мавзеъдин доғ солмоқ керак. Биринчи пешонанинг усти ва соч кўқарган мавзеънинг мунтаҳосидин. Ва иккинчи, ёфухнинг орқа тарафи мунтаҳоси ва орқа тараф муҳити димоғ устихонининг устидин. Ва учинчи, шул устихондин паст ва гардан фақрасидин юқори бўлгон мавзеъдин, яъни бўйиндин. Ва тўртинчи ва бешинчи, ҳар икки қулоқ тагидин доғ солинурки, бул мавзеъдаги бош устихонининг хориж тарафида дарзи кушрий ва дарзи козиб бордур. Аммо дохил тарафи бедарз ва муттасилдур. Чунончи “Ташриҳ” бо-бида мазкурдур.

ТАРИҚИ ДОҒИ СУДОЪ (БОШ ОҒРИҒИ) ВА ШАҚИҚАИ МУФРИТ (КУЧЛИ ШАҚИҚА) ВА НУЗУЛ УЛ-МО (КАТАРАКТА) ВА ХАЁЛОТГА ДОҒ СОЛИШ

Судоъ, яъни бош оғриғи ва шақиқаи муфрит, яъни бошнинг нисфи баифрот оғримоғи ва нузул ул-моки, кўзга назла тушмоғи ва хаёлотки, кўзга назла тушмоқни муқалдимасидур ва номини хаёлот демоқнинг сабаби шулки, ҳануз сув ҳолига келмогон ва бухорот ҳолида кўзга келуб, кўз гавҳари муқобилидин ўтган назла бухороти гўё хорижда кўрингандек кўзга кўринур. Бас, агар ул бухорот туташ ва пайваст бўлса соҳиби гўё кўз олдидин бир занжир тортилиб ўтиб тургандек хаёл қилур. Ва агар ул бухорот мунқатиъ ва жудо-жудо бўлгон ҳолда гавҳар муқобилидин ўтса соҳиби кўз олдидин пашша каби нимарсалар пайдар-пай ўтиб тургондек хаёл қилур. Ва шул ҳолатдин беш ёки олти ой ўтганда мазкур бухорот сув ҳолига келиб назла бўлуб, кўз гавҳарини фосид ва нобуд қилур.

Бас, буларнинг дафъи учун икки чаккадаги йўгон шараён-га доғ солинур. Лекин боядки, то мазкур шараён куйгунча мукаррар доғ солмоқ керак. Агар то шараён куймаса доғ нафъ қилмас. Бинобарин баъзи атиббо камоли эҳтиёт учун шараён

устидаги терини аввало шараён бўйиға қаратиб тилиб, шараённи бараҳна қилиб, худ шараёнға доғ солурлар, токи нафъи бешубҳа зоҳир бўлғай.

Ва баъзи атиббо мазкур шараённи доғ ўрниға тибр ёки силл қилғондурлар. Ва тибр ила силлнинг маъниси ва тариқасини тўққизинчи фаслда фасди шараён бобининг охирида баён қилинур.

Лекин билмоқ керакки, шараёнға доғ ва тибр ва силл қилмоқ зўр хатарлиқдур ва офатдин холий бўлмас. Магар бошқа муолажадин ҳеч фоида ҳосил бўлмағанда маюслиқда истеъмолиға изтироран таважжуҳ қилинадурғон охиринчи тадбирдур.

Ва ҳақим Қарший ва Табарий ва бошқалар бундин ҳодис бўладурган ва ё ҳодис бўлмоғи мумкин бўлғон хейли офатларни баён қилғондурлар. Агар фаразан бошқа офат ҳодис бўлмағон тақдирда шул шараёниға доғ ё тибр ё силл қилинғон кишида қатъи таносул бўлур. Ва андин ҳаргиз фарзанд бўлмас.

ТАРИҚИ ДОҒИ ШАЪРИ ЗОИД

Яъни кўз милкига табиий киприқдин зоид ва халаллик бўлуб чиқғон мўйни мавзеъини доғламоқ тариқи шулки, аввало мазкур мўйни мўйчинак бирлан олинур. Сўнгра игна ва ё бунга ўхшаш ингичка бир нимарсани қиздируб, мазкур мўйнинг ўрниға доғ солинур, токи мўй моддаси чиқадурган масом куйиб банд бўлғай ва мўй чиқмағай. Ва агар икки адад мўй бир-бириға пайваста бўлуб чиқғон бўлса бир доғ ҳар иккисиға кифоя қилур.

Ва баъзи атиббо кўз милкини баъзи адвийаи қобизалар бирлан ташмир қилмоқ, яъни хориж тарафға милкни қайирмоқни доғ ўрниға истеъмол қилғондурлар. Токи ул мўйи зоид кўзға халал бермағай. Ва ул даволарнинг баёни иложи би-л-йад мавридиға номуносиблигидин баён қилинмади. Ва толиб кишилар “Тибби Акбарий”ға назар қилғайларки, ҳақим Арзоний мукамал баён қилғондурлар.

ТАРИҚИ ДОҒИ ҒАРБ

Ҷъни кўз гўшасиға ориз бўлгон носурни доғламоқ тариқи шулки, аввало носур гўштини то устихон зоҳир бўлгунча ўйиб кесиб олинур. Сўнгра назар қилинурки, устихон покизами ё андак фосид бўлганми? Бас, агар фосид бўлгон бўлса, андин фосидини тарашлаб пок қилинур. Ва илло фало.

Бас, устихон пок бўлгондин сўнг таъаммуқ ила назар қилиб, носурнинг чиқадурган тешукларини таҳқиқ қилуб, ул тешукларға ингичка олат бирлан доғ солинур. Ва махфий қолмағайки, бу носур тешуги кўзнинг бурун тараф гўшасида бўлурки, сиҳқатликда носур моддаси кўзға келса, шул тешукдин бурунға ўтиб мундафиъ бўлуб турар. Бас, агар шул тешук банд бўлуб қолса, модда кўз гўшасиға жамъ бўлуб, носур бўлуб ўсиб чиқар. Бинобарин кўздин бурунға тешук очилмоғи мақсуддур.

Бас, агар бир бор доғ ила мақсуд ҳосил бўлмаса икки ё уч бор доғ солинғай. Ва бурунға тешук очилғониға аломат шулки, агар маризнинг оғзи, ҳам бурнини маҳкам беркутилса кўз гўшасидин танаффус ҳавоси чиқар. Сўнгра носурнинг маҳаллиға бир кун эски ва ғубордин пок пахта қўйилур. Ва бир кундин сўнг пахтани марҳами зангорға олуца қилиб қўюлур. Токи бир кун холис пахта рутубатларни жазб қилуб, тешукни яна банд бўлмоғидин маҳфуз тутар. Сўнгра марҳами зангор кесулган носур ўрниға гўшти солих ўстириб, жароҳатни битурар.

Ва тариқи доғи харошки шуса касалидин пайдо бўлур, шундоғдурки, агар мазкур харош катта бўлса ва нафс ва йўталиб туфурмоқ бирлан пок бўлмаса ва йиринг пайдо қилса, боядки ани зированднинг илдизи бирлан доғ қилинғай. Ва темур каби нимарсалар бирлан зинҳор доғ солинмағай.

Ва доғ шул тариқа солинурки, зайт ёғини қизитуб, анга зировандни солинур, токи хўб қизигай. Сўнгра оташкурак бирлан ани олиб, ўн жойға доғ солинур. Чунончи чанбари гардан устихонининг бир-бириға пайванд бўлгон жойиғаки, гўш устихонининг усти ва тамоқ тагида бевосита бўлгон ус-

тихонға бир доғ солинур. Ва бул жойға доғ солмоқда аввал терини юқори тарафға тортиб, сўнгра мазкур устихон устиға солинур. Токи доғнинг таъсири мазкур устихонни ўзиға ҳосил бўлғай. Аммо терининг пастроқ жойиға ҳосил бўлғай.

Ва иккинчи, доғи гарданнинг икки жонибида давожин исмлиқ икки йўғон томурға яқин ва ани олди тараф ёниға икки доғ, бирини ўнг тарафға ва бирини чап тарафға солунурки, бу доғ миқдори кичик бўлмоғи лозимдур.

Ва учинчи, ҳар бир тараф биқиннинг миёнасининг андақ олди тарафға моилроқ жойиға бир доғдин ҳар икки тарафға икки адад катта доғ солинур.

Ва тўртинчи, ҳар тараф биқиннинг миёнасининг андақ орқа тарафға моил жойиға бир адад доғдин ҳар икки тарафға икки адад катта доғ солинур.

Бешинчи, фами меъданинг усти, тўшнинг охириға бир доғ солинур.

Олтинчи, икки курак устихонининг ўртасиға бир доғ солинур.

Еттинчи, шул доғнинг рўбарўсининг пастроқда, орқанинг икки тарафиға, яъни ҳар икки куракнинг остиға бир ададдин икки адад доғ солинурки, бу орқа тарафдаги уч адад доғнинг қатъи ҳам кичикроқ бўлур. Ва доғдин сўнг упа марҳам ва оҳақ марҳамлар бирлан муолажа қилинур.

Ва билмоқ керакки, бу касалға темур каби нимарса бирлан доғ солмоқ ва терини ёриб доғ солмоқ ҳаргиз дуруст эрмаски, онда зўр хатар бордур.

ТАРИҚИ ДОҒИ ЖИГАР (ЖИГАРГА ДОҒ СОЛИШ)

Бунинг тариқи шулки, жигар мавзеъининг охириға, яъни корсон устихониға яқинроқ мавзеъға бир доғ солинурки, тери тамом куйиб, дохилий ғишоға етгай. Ва доғ ўрнидин йиринг зоҳир бўлғай. Ва бу доғни жароҳати битмоғиға қўймай, ичиға эски пахтадин фатила қилиб қўйиб турилур, токи йиринг тамом чиқиб пок бўлғай. Ва шул аснода гўшт селидин ғизо ва муқаввийи жигар шарбатлардин ва

муқаввий шарбатлардин бериб турилур. Ва йиринг тамом чиқиб танқия ҳосил бўлгондин сўнг жароҳатни битирилур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, агар хурож жигарнинг нафсида, яъни гўштида бўлса, ул тақдирда варами жигар иложига таважжуҳ қилмоқ лозимдурки, анга доғнинг нафъи ва дахли йўқдур. Ва анинг аломати шулки, доим иситма анга лозим бўлур. Ва ўнг тарафда оғирлик ва оғриқ маҳсус бўлур. Ва даво ва танқиядин нафъ ҳосил бўлур. Ва агар оғруғи шиддатлик бўлса ва даво ва танқиядин ҳеч нафъ зоҳир бўлмаса, жазм қилмоқ керакки, модда парданинг тагидадур. Ва бунга доғ нафъ қилур, башарти моддаси маддалик ҳолга мустаҳил бўлгон бўлса.

ТАРИҚИ ДОҒИ СИПУРЗ (ТАЛОҚҚА ДОҒ СОЛИШ)

Бунинг тариқи шулки, чап тарафдаги қобирғаки, анинг тагида талоқ турар, шул мавзёга баданнинг терисини саноралар бирлан кўтариб туриб доғ солинур. Баинтариқаки, темурдин бир олат қилинурки, қадди дароз ва учи икки айри бўлур, токи бир дафъада икки доғ ҳосил бўлғай. Яна бирига яқин икки доғ солинурки, бу уч дафъада олти доғ ҳосил бўлур. Ҳаммаси талоқ сатҳига муҳозий бўлгон мавзёни устида бўлғай.

ТАРИҚИ ДОҒИ МИЪДА (МЕЪДАГА ДОҒ СОЛИШ)

Бунинг тариқи шулки, фами меъдага рўбарў бўлгон уч жойга доғ солинур. Чунончи бир доғни гузруф ҳанжаридин, яъни тўшни ниҳояти бўлгон гузруфдин андак пастроқ жойга ва андин пастроқ бўлгон икки тарафига икки доғ солинурки, шаклда мусаллас шаклик бўлур, зовийяси баланд ва икки залъи паст бўлур. Ва доғ терининг қалинлигига **лойиқ** даражалик бўлур. Ва теридин чуқур жойни куйдирмас ва буни битурмай турмоқ лозим бўлур, то доим рутубат чиқиб тургай.

Ва меъдага доғ солмоқ учун шундоқ вақтда ҳожат бўлурки, то назлаи димоғий доим меъдага резиш қилиб, ани табоҳ қилиб турса. Ҳаттоки ҳеч даво ва тадбир нафъ қилмаса.

ТАРИҚИ ДОҒИ ИСТИСҚО (САРИҚ СУВ КАСАЛИГА ДОҒ СОЛИШ)

Бунинг тариқи шулки, беш жойға доғ солинур. Бир доғ фаи меъдаға ва бир доғ қаъри меъдаға ва бир доғ жигарға ва бир доғ талоқға ва бир доғ киндикнинг устиға солинур. Ва бунинг нафъи истисқойи таблий ва истисқойи зиққийға махсусдур. Аммо истисқойи лаҳмийға дахли йўқдур. Ва яна бошқа илож ва тадбирдин тамом маъюс бўлгондағина доғ учун рухсат бўлур. Ва илло фало.

ТАРИҚИ ДОҒИ КИТФ (ЕЛКАГА ДОҒ СОЛИШ)

Бунинг тариқи шулки, қачонки бозу устихонининг муҳраси китф устихонидин чиқса, аввало чиқган муҳрани жойиға солинур, сўнгра доғ солинур. Баинтариқаки, маризни саломат тараф ёни бирлан ётқизилур. Сўнгра чиқгон мафсилнинг терисини санора ёки панжа бирлан кўтарилур, токи ёғнинг қуввати терини остида бўлгон пай ва работлариға таъсир қилмағай. Бас, чиқгон мафсилниг атрофи бўлгон териға мутааддид доғ солинурки, ақалли тўрт адид мураббаъ шаклда бўлур. Ва доғнинг қуввати шундоғ бўлмоғи лозимдурки, тери тамом куйгай.

ТАРИҚИ ДОҒИ МАФСИЛИ САРИН (СОҢ СУЯГИГА ДОҒ СОЛИШ)

Бу ваъж ул-варк ва ирқ ун-насои кўҳна (қуймиг нервининг шамоллаши) учун солинур. Баинтариқа бўлурки, мафсили мазкурнинг атрофиға мутааддид доғлар солинур. Ва баъзи атиббо бунинг учун махсус бир олат ясагондурлар, коса шаклик доира ва ичиға яна икки адад доира насб қилгондурларки, бирининг устидин бири муҳитдур. Ва бир дафъада уч адад доғ ҳосил бўлур. Ва бу косанин банди узун ва қабз бўлуб, ушламоқға кофи бўлур. Ва доиранин қутри ярим панжа миқдори бўлур. Ва қалинлиги хурмо данагининг йўғонлигичадур. Ҳар икки доиранин миёнаси бир панжанин йўғонлик миқдоринча бўлур. Фи-л-жумла доғ солгондин сўнг жароҳатини битурмоқға қўймаслик лозимдур, токи рутубат яхши тараш-

шуҳ қилиб чиқиб тамом бўлғай. Сўнгра битирмоқ учун марҳам истеъмол қилинур.

ТАРИҚИ ДОҒИ ДАНДОН (ТИШГА ДОҒ СОЛИШ)

Бунинг тариқи шулки, агар тиш суъи мизожи бориди содадин оғриси ё балғамдин оғрисаки, ҳеч даво бирлан таскин топмаса тиллодин ёки темурдин мил қилуб, оловға қизитилур. Ва бир найни оғриғон тишға боробар барқарор қўйиб туриб, темур милни қаратуб, қизигон ҳолда най ичидин юборуб, тишға босуб доғ солинур. Ва замоне босиб турилур. Ва боз такрор қилинур, то худ доғ бўлғай. Ва агар ул тишнинг атрофиға хамирдин девор ихота қилуб, ани ичиға хўб қизитилгон зайт ёғидин қошиқча бирлан қуйилса ҳам доғ бўлур. Ва оғриғи фавран таскин топғай.

ТАРИҚИ ДОҒИ НОСУРИ ЛИССА (МИЛККА ДОҒ СОЛИШ)

Бунинг тариқи шулки, милнинг бир тарафиға латта ўраб қайнаб тургон зайт ёғи ва кунжут ёғи ва ё гулёғиға ботириб, сўнгра бу гўшти фосидға босилур. Ва шу амални то гўшти фосид куйиб тамом бўлғунча ва илтийомға монёъ бўлгон рутубати фосидаси куйуб тамом бўлғунча такрор қилинур.

ИНТИБОҲ. Ҳар жойики, чуқурлик ва ичкарилик бўлса, чунончи бурун ичи ва оғизнинг ичидек бўлуб, анга доғ зарур бўлса тариқаси шулки, най воситаси бирлан доғланур, токи ғайри мақсуд узв куймоқдин эмин бўлғай. Чунончи тишни доғламоқда мазкур бўлди.

Ва агар найча юпқалик сабабидин милнинг ҳароратиға монёъ бўлолмаслиғи, балки ўзи милдин мутаассир бўлуб, қизиб бошқа узвни куйдирмоқлик эҳтимоллик бўлса, ул тақдирда талқ ва муғра ёки гилбўтани сиркаға ҳал қилиб, найнинг хориж тарафидин суртилур. Ва устидин латта ўраб гулобға ва ё баъзи асораларға солиб хўб совутуб, сўнгра истеъмол қилинур, токи безарар бўлғай.

Ва қачонки гўшти фосидни доғламоқ лозим бўлса гўшти солиҳни куйдирмоқдин ихтироз ва ихтиётни лозим билмоқ керак. Ва гўшти саҳиҳ ва солиҳнинг нишони шулки, доғ тегса

алам ва озорни ҳис қилур. Ва гоҳ бўлурки, гўшт ила анинг тагидаги устихонини доғламоқға ҳожат бўлур, токи фасодики, гўштдин устихонға ҳам сироят қилғон бўлса, ул ҳам зоил бўлғай. Аммо бош устихониға доғ солинса ғоятки доғни кўп чуқур таъсирли қилинмағай, токи доғ мияға асор қилмағай. Ва ани пардалариға ташаннуж ориз қилмағай. Ва бошдин бошға узвға доғни чуқур солишмоғи лозимдур. Хусусан агар назф уд-дам учун доғ солинур бўлса чуқурроқ солинмоғи вожибдур, токи хўшкриша чуқурроқ бўлғай ва тездин соқит бўлмағай. Зероки хўшкришани тез соқит бўлмоғи зўр офатни жалб қилур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ушбу жойғача мазкур бўлғон амаллар илож би-л-йад (қўл билан қилинадиган) амаллардур. Ва бундин бошқа қон олмоқ ва қортуқ қўймоқ ва зулу солмоқлар ҳам агарчи амал би-л-йаддур, лекин аларнинг мавзеъи ва кайфийяти ва манофиъи кўп тафсилоти лозим ул-баёнду. Бинобарин аларни алоҳида бир фасл қилиб, тўққизинчи фаслда баён қилурмуз, иншааллоҳу таъоло.

АЛҲОЛ ИЛОЖ БИ-Л-АДВИЙЯ БАЁНИға шуруъ қилурмуз. Ва даво бирлан илож қилмоқда ўн нимарсанинг риояси лозим ва зарурийдур. Масалан, биринчи маразнинг навъи риояси, иккинчи маразнинг сабабини риояси, учинчи маразнинг қувват ва заъфининг риояси, тўртинчи мизожи ҳодислар риояси, бешинчи мизожи табиийнинг риояси, олтинчи маразнинг ёшининг риояси, еттинчи одатини риояси, саккизинчи шаҳарнинг риояси, тўққизинчи вақти ҳозирнинг риояси, ўнинчи ҳоли ҳавонинг риояси лозимдурки, ҳар бирини алоҳида машруҳан баён қилурман.

Билмоқ керакки, маразнинг навъининг риояси шулки, аввало ҳўб таққиқ қилмоқ кераки, бу касал иссиғми ё совуғми? Ва ҳўлми ё қуруғми? Ва мизожиғина кайфийят бирлан баситми ёки мураккабми? Ва созижму ё моддийми? Бас, бу риоятларға мутобиқ иложлар бирлан муолажа қилмоқ лозимдур.

Ва маразнинг сабабининг риояси шулки, бу мараз бада-

нийми ёки нафсонийми? Ва бодийми ёки собитми? Ё во-силми, ё шунга муносиб сабабни изоласини фикрида бўлмоқ лозимдур.

Ва маризнинг қувват ва заъфининг риюяси шулки, маризнинг бақувват бўлуб, баданининг истифроғига ҳожат бўлса истифроғ учун мубодарат қилғай. Ва агар заиф бўлса, агарчи истифроғи баданга ҳожат бўлса ҳам истифроғ учун таважжуҳ қилинмас. Ва инчунин агар бақувват бўлса даводин ҳам бақувватроғини истиъмол қилмоқ ила мақсудни тез ҳосил қилмоқга, агар мариз заиф бўлса даводин ҳам заифроғига қаноат қилмоқга мулоҳаза қилмоқ лозимдур.

Ва маризнинг заъфидин мурод заъфи ҳақиқийдурки, касални узоқ чўзилмоғи ва бадан ҳожатлари кўплигининг ориз бўлур. Ва заъфи оризки, беморликнинг шиддати ва ахлотнинг кўплигининг ориз бўлур. Ва бунга истифроғ мўвжиби қувват бўлур. Ба сабаби изолаи сабаб ва мизож ҳодис ва мизожи табиийнинг риюяси шулки, мизожи ҳодиснинг мизожи табиийга татбиқ қилинурки, ҳар икки мизож бир-биридин мухолофатда нақадар узоқ бўлса, шул қадар касалнинг сабаби бақувват бўлур. Ва бу сабабнинг изоласи учун давонинг ҳам шул қадар қувватда ва миқдорда бақувват қилмоқ лозим бўлур. Масалан, агар мизожи аслий иссиқ бўлуб, мизожи ҳодис ҳам иссиқ бўлса касал сабаби заифлигига далилдур. Ва давони ўткир совуқ бўлмоғи ва совуқ давони миқдори кўп бўлмоғига ҳожат бўлмас. Магар мараз ҳодис дарғояти даражаи ифрот бўлса, ани дафъига лойиқ даража давои зид кифоя қилур. Агар мизожи аслий иссиқ, лекин мараз ҳодиси совуқ бўлса мараз сабабини зўрлигига далилдурки, мизожи аслийни тамом мағлуб қилмоқга ва мухалиф кайфийятга татбиқ қилмоқга таъсир қилгондур. Бас, сабабга муқовамат ҳам анга ғалаба учун давода ҳам ўткир иссиқ ва кўп миқдор иссиқ истеъмолига ҳожат бўлур. Магар марази ҳодис кўп кўрқинчлик бўлмаса, лекин зиёда ўткур иссиқ давони бир жиҳатдин мизожи аслийга зарар қилмоғини ваҳм қилинса, ул тақдирда иссиқ давони кам миқдор ва камкайфийятлик қилмоқ мум-

кин бўлурки, шул ҳам ҳадди васатдин кам бўлмаслиги лозимдур, албатта.

Ва маризнинг ёшининг риояси шулки, агар мариз гўдак ва ё шайх бўлса ани дафъиға бақувват мусҳил бериб бўлмас. Ва инчунин агар ҳодис бўлгон касали иссиғ бўлса, анга ўткир совуғ доруни, хусусан кофурни бериб бўлмас. Зероки маълумки, гўдакни ва шайхни мизожлари заифдур. Ва заиф мизож кишини бундоқ зўр мусҳил ва ўткир совуқ даволарға таҳаммул қилмоқға қуввати ва тоқати йўқдур. Ва агар шайхларға ҳодис бўлгон иссиқ касалнинг сабаби зўр бўлуб, анга муқобил давонинг қуввати ҳам зоҳиран сабаби маразға муносиб бақувват бўлмоғи лозим. Ва совуғликни баифрот қилмоқ матлуб бўлса ҳам, лекин шайхларнинг заифликлари бунга монъедур. Ва бундоқ иложнинг зимнида бошқа зарар ҳам ҳодис бўлмоғи эҳтимолликдурки, атиббо буларға ўткир совуғни манъ қилгондурлар. Магар ўткир совуқни истеъмолини ҳозирғи зарурат тақозо қилса ва эҳтимоллик зарарнинг андешасида бақувват даво истеъмолини тарк қилмоқдин офати қавийя ҳодис бўлмоғи жазм бўлса, сўнгроқдаги бўлмоқдаги зарар хавфини заъами бирлан ҳозирда худуси муҳаққақ бўлгон зарарға рози бўлмоқ албатта мумкин эрмас.

Ва маризнинг одатининг риояси шулки, мариздин сўрамоқ керакки, исҳол ва қай доруларға одат қилгонму ёки йўқму? Мулайин ва мусҳил ва муқийй нимарсаларни таъсири бунинг таъбиға қандоғдур? Токи ҳожатға мувофиқ тадбир қилинғай. Ва ишнинг асли одатға риоя қилмоқдур. Ва одатға риоя бетажриба ҳосил бўлмас. Шунинг учун атиббо дебдурларки, то мумкин бўлса беморға собиқда ул бемор ўзи тановул қилгон нимарсалари бирлан муолажа қилмоқ зарурдур. Ва агар мусҳил бермоқни ирода қилинса аввало мулайин нимарса бериб, ани таъбини имтиҳон қилмоқ керак, сўнгра мусҳил бермоқ керак. Ва шул мавридда одати табойиъ аҳқомидин баъзи нимарсаларни эшитмоқ зарурдур.

Ва мазкурлардин бир миқдорни ёзиб ўтармизки, ҳаким Муҳаммад Акбар Арзоний дебдурларки, манға машҳуд бўлгон

вақойиъи ажибалардин бири шулки, бир одами бор эрдик, беш дона чилон ва тўққиз дона сапистон ва бир дирам қизилгулни қайнатиб ичса йигирма бор амал қилур эрди.

Ва яна бошқа бир одам бор эрдик, бир мисқол испағул ичса ўттиз бор амал қилур эрди. Ва амалида ҳамма ахлот ва моддани дафъ қилур эрди.

Ва яна бошқа бир одам бор эрдик, сано ва турбуд каби мушхиллардин агар собиқ мазкур бўлгонларнинг мулайинларини миқдорига икки ҳисса миқдорни ичса ҳеч амал қилмас эрди. Аммо фулуси хиёршанбардин беш дирам ичса кофий ул-маром амал қилур эрди.

Ва бир одам иссиғ мизожлик эрди ва аксар совуғлик истеъмол қилур эрди. Лекин агар қачонки тухми хирфанинг ширасидин ичса тамом аззосига хориш пайдо бўлуб, бетоқат бўлур эрди. Ва тилида ва юзида гўё мурчалар юриб тургандек ҳаракат махсус бўлур эрди. Сўнгра сийнасида хафалик ва нафасида зийқлик ориз бўлур эрди. Ва то қай қилмаса бу оризалар зоил бўлмас эрди. Ва ман ўз гумонимда бу киши тухми хирфанинг ширасини ичгон соатида иттифоқан бошқа сабаблар бирлан шул ҳолат ориз бўлгон, лекин ул киши ўз эътиқодича бул ориза хирфанинг таъсири бўлди деб эътиқод қилгон бўлса керак. Бинобарин ҳар вақт хирфа ичганда вас-васаи савдонинг хаёли бирлан ҳануз ҳам шул ориза бўлуб тургонлигини ваҳман сезгандек бўлса керак. Ва илло воқеъи бўлмас деб заъам қилдим. Бинобарин ул кишига сездирмай андак хирфанинг ширасини гизоға қўшуб, махфий суратда истеъмол қилдургон эдим, ҳамон соатда мазкур ҳолат анга ориз бўлуб, бетоқат бўлди, сўнгра қай қилиб таскин топди. Бас, маълум бўлди, бу ориза одатнинг таъсири экан, деб ёзгондурлар.

Бас, мискинға¹ ҳам бир одам ҳожатманд бўлуб келгон эрди. Ва савдоси ғолиб эрди. Анга бир неча кун мунзиж тановулидин сўнг афтимун ва сақамуниё ва сано ва турбуддин

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

мураккаб мусҳил бердим, ҳеч асар қилмади. Ва икки кундин сўнг мазкур миқдорға ярим ҳиссадин таркиб қилиб бердим, ҳеч асари зоҳир бўлмади. Бас, назжи нотамом эркан, гумон қилиб яна ўн кун мунзижға амр қилдим. Сўнгра мусҳилға аввалғи миқдордин икки ҳисса қилиб бердим. Ва эҳтиёт учун ўн дона ҳабби танакор ҳам бердим. Ва ҳаббни кечаси ютиб ётиб, эртаси наҳорға мусҳилни ичмоқға буюрдим. Ажабо, мазкур ўн дона ҳабби танакор кечаси то тонгғача ўн бор амал қилгонининг хабари бирлан яна мазкурни истеъмоли лозимми ёки тўхтатмоқ лозимми, деган саволни келтурдилар. Ман гумон қилдимки, бурунғи икки бора истеъмол қилган мусҳиллар ҳануз боқий турғон бўлса, эмди таъсир қилибдур, деб, бинобарин у мусҳилни уч кундин сўнгра истеъмол қилмоқға буюрдим. Ажабоки, бу мусҳил ҳам ҳеч амал қилмади. Сўнгра қачон исҳолни хоҳласа уч дона ҳабби танакор ютар эрди. Беш ё олти бор амал қилиб эрди. Ва бошқа мусҳил асар қилмас эрди. Ва танқийаи баданға тамом сиҳҳатиға Ҳазрати Ҳакими мутлақ фақат ҳабби танакорни сабаб қилди. Ва табиат маромиға мувофиқ нимарсада шул қадар хислат бордурки, ҳамма илож одати табиийға мувофиқ бўлмоғи лозимдур ва ани риояси зарурдур.

Ва шунинг учундурки, атиббо “ал-адату табиъатун санийй-атун”, яъни одат иккинчи табиатдур демишлар. Аммо Буқрот “ал-адату табиъатун хамисатун”, яъни одат бешинчи табиатдур демиш. Ва бу ҳар икки қавлни маъони бирдур. Чунки ҳеч навъи инсоннинг мизожи кайфийяти арбаъадин бириға моил бўлмай чора йўқдур. Шунинг учун фалонийнинг таъби иссиғдур ёки совуғдур ва ё ҳўлдур ва ё қуруғдур дерлар.

Ва ул таъб ул кишини ҳақида табиийдурки, ани риояси зарурийдур. Ва одат ҳам риояси вожиблиқдур ва табиатға мушобихдур. Бас, агар бир таъби воҳид ҳамма афродға рост келмоғини эътибор қилинса одат таъби соний бўлур. Агар табойиъи арбаъни ҳам фардиға рост қилмоғини эътибор қилинса шубҳасизки, одат бешинчи таъб бўлур.

ВА МУРОЪОТИ БАЛАД шулки, билмоқ керакки, шаҳар

иссиғму ёки совуғму? Ва иқлим жиҳатидин таъби қандоқ? Ва вазъийят жиҳатидин ва атрофиға назар жиҳатидин қандоқ ва хосияти нимардур? Бас, ушбу жиҳатлардин вақф бўлгондин сўнг иложда ҳам анинг тақозосиға мувофиқ риоя қилмоқ лозимдур. Масалан, ул шаҳар мўътадил иқлимдин бўлса ва иътидолига монёъ бўладурган оризаси бўлмаса ва ё иқлими соний ё солисдин бўлса ҳам, лекин ани жануб тарафи тоғ ва шимол тарафи ширин дарё бўлса, бас, шундоғ шаҳарларики, хоҳ би-3-зот ва хоҳ би-л-араз мўътадил бўлса, анинг таъби иссиғдур. Ва мужовари жиҳатидин совуғдурки, анда бўлгон касалға ўткур иссиғ ва ўткур совуқ қилиб бўлмас. Ва даражаи иътидолни риоя қилмоқ лозимдурки, ани мизожи мўътадил бўлгон сабабдин анда тургон кишининг мизожи андак муғаййир нимарсанинг таъсири бирлан тағйир топмоғи мумкиндур.

Ва юқорида мазкур бўлдики, сабаби заиф учун тадоруки заиф қилмоқ лозимдур. Ва инчунин агар иссиқ шаҳарда иссиқ касал ориз бўлса мўътадил шаҳарда ориз бўлгон иссиқ касалнинг иложиға нисбатан совуғи камроқ илож қилмоқ кофийдур “ли-заъфи сабабиҳи” (Сабабининг заифлиги туфайли).

Ва яна кўп иссиқ шаҳарларда қон олиб, танқия қилмоқ камроқ бўлмоғи лозимдур. Ва зўр исҳол ва қайдин ихтироз лозимдур. Ва қон олмоқ эвазига қаноат лозимдур. Ва инчунин зиёда совуқ шаҳарда зўр мусҳил ва зўр қайдин ижтиноб зарурийдур. Ва мумкин қадар қон чиқармоқға журъат қилинмағай. Ва агар чиқармоқ зарур бўлса бу жойда қортуқдин фасд афзалдур. Яъни томурдин олмоқ афзалдурки, иссиқ шаҳарға би-л-аксдур.

Ва яна билмоқ керакки, баъзи шаҳарда бир хосият бўлулки, баъзи даволар у шаҳарда амал қилур ва бошқа шаҳарға юборилса аввалғидек амал қилолмас, балки мутлақо амал қилмас. Ва асари тамом ботил бўлулур. Масалан, субутға етгандурки, бир шаҳрида бир заҳар бордурки, заҳри қотили машхурдур. Бас, агар ани бошқа шаҳарға олиб борилса, агарчи

об-ҳаво таъсиридин ҳарчанд эҳтиёт қилинғон бўлса, анда мутлақо заҳарлик таъсири қолмағай. Ва горикун ҳам Рум шаҳрида қилғон амалини бошқа шаҳарға олиб борғонда қилолмас. Ва бинафша Тошкентда қилган таъсирини бошқа шаҳарға борса қилолмас. Бас, табибни ушбу хусусда ҳам моҳир бўлмоғи лозимдур. Ва ҳар шаҳарға борғонда ул шаҳарнинг уқалойи диёри ҳақиқат осорларидин ҳар нимарсани сўрағай, токи қадимғи зиллатидин маҳфуз қолғай.

Ва муроъоти вақти ҳозирға икки маъни бордурки, ҳар иккиси ҳам айни мақсуддур. Масалан, бир маъни шулки, ал-ҳол тўрт фаслдин қаю бири ҳозир бўлса ани риояси лозимдурки, шул фаслға муносиб даво ва ғизо бирлан тадорук лозимдур. Башарти фасли табиий ҳолида устивор бўлса, чунончи фусули арбаъа баёнида мазкур бўлди.

Ва иккинчи маъни шулки, бир фасл ҳозир бўлса, лекин табиатида устивор бўлмай, балки мутағаййир бўлса, чунончи қиш фасли бўлса ва лекин ҳаво иссиғ бўлса, бу фасл қишлик табиатидин тағаййур топғондурки, агар қиш фасли бўлса бу кунғи тadbирда бу кунғи вақтнинг даражаи кайфийятини риоя қилмоқ лозимдур.

Бас, ушбу мазкур бўлғон ўн нимарсани риоя қилғон ҳолда иложга шуруъ қилмоқ лозимдур. Ва илож батариқани зид кайфийят ва қамийяти мараз бўлуб, лекин даражаи кайфийят давони ё даражаи кайфийят мараздин истихроҷ қилинур, яъни касал кайфийяти бақувват ё заифликда қаю даражада бўлса давонинг кайфийяти мутазоддаси ҳам шул даражада бўлур, токи ани дафъиға муқобалат ва муқовамат қилғай. Масалан, кўп ўткур иссиғ касалға ўткур совуқ бирлан илож қилинур ва ё мизожи бадан кайфийятининг истихроҷ қилинур. Масалан, иссиқ мизожлик кишиға иссиқ касал ориз бўлғон бўлса, ани иложи учун совуқлиги енгилроқ даво бирлан илож қилмоқ сазовордур. Зероки анинг сабаби ҳам заифдур. Лекин иссиқ баданға иссиқ сабабнинг таъсири зўрроқ тағйир берган каби эҳсос қилинур. Ва агар кайфийяти мараз ва ё мизожи бадан би-л-акс бўлса иложда ҳам базидди маз-

кур тадбир қилинурки, масалан, агар зўр совуқ кайфийятлик мараз бўлса, зўр иссиқ кайфийятлик даво бирлан илож қилинур. Ва ё совуқ мизожлик кишига зўр совуқ кайфийятлик касал лоҳиқ бўлса, илож учун анга заифроқ иссиқ даво бирлан илож қилмоқ лозимдур. Ва ё кайфийяти давони даражасини вақтга ва ҳавога ва маконга муносиб бўлгон муносабатдин истихрож қилинур. Зероки вақти ёз ва ҳаво иссиқ бўлса, иложда даво кайфийятини кўпроқ совуқ кайфийятлик бўлмағини тақозо қилур. Ва агар би-л-акс қиш фасли ва ҳаво кўп совуқ ва макон ҳам боди жанубий ва макон жануб тарафи очиқ ва шимол тарафида тоғ бўлуб, боди шимолийга монё бўлса ва иморатнинг жануб тарафи очиқ ва шимол тарафи девордин махрум ва боди шимолийга муқобил бўлса, иложда даво кайфийяти кўпроқ иссиқ бўлмағини тақозо қилур.

Аммо давонинг истеъмоли вақтини ё касал вақтидин истихрож қилинур. Масалан, иссиқ шиш касалнинг ибтидоийи зуҳур вақтида фақат давоийи радиё истеъмолининг вақтидурки, зимод қилинур. Ва интиҳосида фақат давоийи муҳаллилининг истеъмоли вақтидурки, анга давоийи радиё зарар қилур.

Ва тазойид вақтида, яъни ибтидо даражадин кўпайиб тараққий қилмоқда ва ҳануз ибтидо даражага етмағон бўлса ҳам радиё ва ҳам муҳаллил давонин мураккаб бўлгон даво истеъмолининг вақтидур.

Ва инчунин агар иссиқ касалнинг ибтидоийи зуҳурида моддани андак талтиф қиладурган мулаттифроқ даво истеъмолининг лозим вақтидур. Ва интиҳосида зўр мулаттиф даво истеъмолининг лозим вақтидур. Ва инчунин агар касалнинг моддаси кўп ва ҳаяжонлик бўлса худ касалнинг ибтидосида модданинг назжиға қарамай исҳол бирлан истифроғ қилмоқни вақтидур.

Ва агар модда камроқ ва ё қўзғалмоғон ва беҳаяжон бўлса, аввало даво ва физойи мунзиж истеъмолининг лозим вақтидурки, баъд аз назж истифроғ қилинур. Ва ё маризнинг қуввати ва заъфидин истихрож қилинурки, мариз бақувват одам

бўлса истифроғни таъхир қилмай касал ибтидосида истеъмол қилмоқ лозимдур. Зероки истифроғ қилмоқға ҳожат ҳам истифроғ учун кофий қувват бўлатуриб истифроғни таъхир қилмоқ касални табиатга ғалаба қилмоғиға ва қувватни заифланмоғиға боис бўлурки, ул вақтда иложи қийин бўлур.

Ва агар мариз заиф бўлса истифроғни таъхир қилмоқ ва муносиб ғизолар бирлан қувват пайдо қилиб, сўнгра истифроғ қилмоқ лозимдур. То маризга меҳнат ва маломат камроқ ва мақсуд осонроқ ҳосил бўлғай.

Ва агар мариз заиф бўлса ва лекин истифроғ учун ҳожат зўр бўлса ва ғизо бирлан қувватнинг зиёда бўлмоғи қийин бўлса, бул тақдирда эҳтиёти тамом бирлан истифроғни жуда енгил ва мутаъаддид қилмоқ ва моддани оз-оздин батафориқ дафъ қилмоқ лозимдур, токи маризга маломат кам ва мақсудни ҳусули тез ва осонроқ бўлғай.

Лекин шул миёнада касалга муносиб ағзия ва ашриба бирлан қувват ҳосил қилиб турмоқға таважжуҳ ҳам лозимдурки, бу ишлар табиби дононинг раъйиға мавқуфдур, то ҳар қаю тадбирни салоҳликроқ ани амалга келтурғай. Ва ё давонинг муносиб истеъмол вақтини касалнинг ҳодис бўлгон вақтидин истихрож қилинур. Масалан, агар қиш фаслида истифроғ зарур бўлса куннинг ўртасида, яъни чошт вақтида истифроғ қилмоқ лозимдур, токи кундузда офтобнинг таъсири бирлан ҳавонинг шиддати камайиб қиш табиатидин фил-жумла баҳор табиатиға моилроқ бўлур. Ёки ёз фаслида бўлса эрта саҳар вақтида истифроғ муносиб бўлур, токи кечанинг салқинлигининг таъсири бирлан фил-жумла ёз табиатин баҳор табиатиға моилроқ бўлғай.

Аммо давони қаю тариқада истеъмол қилмоқни касалли ориз бўлгон узвдин истихрож қилинур. Масалан, касал саҳжки, агар юқори ичакда бўлса давони ичирмоқ тариқи муносибдур. Агар саҳж паст ичакда ориз бўлгон бўлса, давони ҳуқна тариқи бирлан истеъмол қилмоқ муносибдур. Зероки касаллик узвға давонинг битмоғи аввалги тақдирда ичилмоқ бирлан ва сўнғги тақдирда ҳуқна бирлан тезроқ етар. Аммо даво-

дин қаю бирини бошқа давоға нисбатан мувофиқроғи маризнинг қуввати ва заъфидин истихроҷ қилинур. Зероки беморнинг ҳоли маълумки, ҳар вақтда ҳар навъ ҳолатға ўзгарилур. Масалан, касалининг кўп вақтиға чўзилмоғи ва парҳез ва истифрӯғ сабаблари бирлан заифланмоқ ёки дарднинг камаймоғи ва даво ва гизонинг ёрдами бирлан қуввати ўсмоқ ҳолатлар боис бўлур. Бас, шул замонда истеъмоли матлуб бўлган давонинг қуввати шул замондаги маризнинг қувватиға муносиб бўлғони мувофиқроқ бўлурки, аввалда маризнинг бақувват ҳолиға муносиб бўлғон исҳоли сўнгғи беқувват замониға ўткирлик қилур ва ё аввалғи заифлик ҳолиға муносиб бўлғон талйини сўнгғи бақувват ҳолиға кифоя қилмай, муҳилға ҳожат бўлур.

Ва аммо бир узви махсусға даво қилмоқ тўрт тариқа бирлан тамом бўлур. Биринчи шул узвнинг мизожи табиийсидин олинур. Чунончи боби “Ташриҳи аъзойи мураккаба”да мазкур бўлдики, ҳар узвнинг ўзиға хос мизожи табиийси бордурки, ҳамма аъзонинг мизожи бир-биридин тафовутлиқдур. Масалан, миянинг мизожи совуқ ва дилнинг мизожи иссиқ бўлмоғи мизожи табиийдур. Бас, ҳар бир узвға хоссатан даво қилмоқ шул узвнинг мизожи табиийсиға келтирмоқ учун кайфийяти кифоя қиладурган даво бирлан илож қилмоқ лозим бўлурки, мияға даво қилмоқда иссиғроқ даво қилмоқ мияға зарар қилур. Ва дилға даво қилмоқда совуғроғи дилға зарар қилур. Бас, қаю аъзони мизожи табиийсиға мувофиқ ва муносиб даво лозимдур.

Ва иккинчи тариқ ул узвнинг хилқатидин олинур. Бас, агар ул узв нозик жирмлик бўлса, чунончи ўпка каби юмшоқ ва нозик ва мутахалхал махлуқ бўлса, анинг иложига бақувват даво бирлан илож қилуб бўлмас. Ва агар буйрак каби жирми қаттиқ бўлса анга бақувват даво бирлан илож қилинур. Ва агар жигар каби мутавассит жирмлик бўлса, анга мутавассит даражалик даво истеъмоли қилинур.

Ва учинчи тариқ узвнинг қадри аҳамиятидин олинур. Масалан, ул узв дил ва димоғ ва жигар каби аъзойи раисийя

қисмидин бұлса ёки меъда ва ўпка каби нафъи ҳамма баданға баробар бўлуб, тамоми бадан анинг нафъиға муҳтож бўлса ва ё ул узв бағоят латиф ва шариф ҳисси ўткур бўлса, чунончи кўз ва қулоқ каби, латиф ва закий бўлса, анинг иложида бақувват муҳаллил давони зинҳор истеъмол қилиб бўлмас.

Бинобарин Шайх ур-раис алайҳир-рахма дебдурларки, ҳар вақт аъзойи раисани танқияси матлуб бўлса зинҳор бақувват даво бирлан бир дафъада танқия қилмоқни ирода қилинмасин. Ва инчунин буларға зимод қилмоқ матлуб бўлса бақувват муҳаллил даво истеъмол қилинмасун. Ҳаттоки мўътадил қувватлик муҳаллилға хўшбўй давои қобизлардин мамзуж қилиб зимод қилмоқ лозимдур. Токи ул узвнинг қувватини муҳофазат қилғай. Ва муҳаллил даво кўзнинг қувватини таҳлил қилмағай, деб таъкид қилғондурлар.

Ва яна бундай узвларни ифрот даража совутмоқ ҳам ифрот даража иситмоқ мамнуъдур. Ва бу риоялар учун ҳаммадин лоиқроқ узв дилдур. Ва андин сўнг даражаси миядур. Ва андин сўнг даражаси жигардур.

Ва инчунин меъда ва ўпкага тамоми баданға нафъи муштарак бўлғонидин ани ифрот даражада совутмоқ раво эрмас, хусусан агар ўзида заифлик бўлса бағоят мамнуъдур. Шунинг учундурки, ҳиддатлик иситма касалида ҳам агар меъдасида заифлик бўлса ўткур совуқ сув ичирмоқ ва бошқа ўткур совуғлик даво ичирмоқ мамнуъдур.

Ва инчунин агар ҳар вақт заиф ўпкалик кишида иситма бўлса ҳам ўткур совуғлик даво истеъмол қилмоқ сазовор эрмас. Ва инчунин ўткур муҳаллил ва ё мураххий нимарсани аъзойи раисаға истеъмоли дуруст бўлмоғони каби меъда ва ўпкага ҳам дуруст эрмас.

Ва аъзойи заки ул-ҳисға риоя қилмоқ шундоғдурки, унга анвоъи йаттуёт каби кайфийяти ридоатлик ва ачитуб озор берадурган ҳиддатдик даволарни истеъмол қилинмағай. Ва йаттуъ деб заҳарлик сути бўлғон гиёҳ ва дарахтларни айтилурки, масалан, анжир дарахтининг сути ва лоғия дарахти-

нинг сути ва шубрум ва мзорйун ва моҳудона ва бантофилун ва арзисо ва ашрлар каби сутларни айтилуру.

Ва тўртинчи тариқ узвнинг вазъидин олинур, яъни анинг вазъи баданнинг қаю мавзъида ва анга маъсирини еткузмоқ учун масофани ва манфазни яқин ва йироқлигини мулоҳаза қилиб, шул мулоҳазадин истихрож қилинур. Масалан, ўнгачга даво таъсирини еткузмоқ учун давои машруба лозимдур. Чунки ўнгач ўзи маъкулот ва машруботнинг манфазидурки, анга давои машруб дафъатан етар. Аммо ўпканинг дафъи бундоғ эрмас. Ва анга давонинг етмоғи то жигар йўлидин маълум томурлар воситаси бирлан оз миқдор таъсир кўп миқдор таанний бирлан борур. Ва ё ўнгач масомларидин тарашшуҳ ва таҳаллул тариқаси бирлан бағоят оз таъсир ва бағоят кўп таанний бирлан борурки, ҳар икки суратда ҳам давонинг етмоғида нуқсон кўп бўлур.

Ва инчунин уср ул-баль касалики, турк истилоҳида қилтомоқ дерлар. Ва ҳақиқати ўнгачга ориз бўлгон фолиждин иборатдур. Ва анга мусаххин даво зимод қилмоқда сийна тарафга нисбатан орқа курак тарафга зимод қилмоқда нафъи кўпроқ бўлур. Зероки ўнгач кекирдикнинг орқасида мавзъдур. Ва сийна тарафга нисбатан орқа тарафга яқиндур. Бинобарин орқа тарафга қўйилган зимоднинг таъсири ўнгачга етмоқ умиди ғолиброқдур. Ва ё бир узвни ўзиға муттасил бўлгон бошқа бир узвға мушоракатининг мулоҳаза қилиб, шул мушоракатнинг риоясидин истихрож қилинур. Масалан, бир узвда ҳосил бўлгон моддани истифроғ қилмоқда мазкур узвға мушорик бўлгон аъзо тарафдин дафъ қилинур. Чунончи жигарнинг чукур тарафида, яъни қоринға муттасил тарафида модда ҳосил бўлса ани истифроғи исҳол бирлан мумкин бўлур. Зероки жигарнинг шул тарафи қорин ва ичаклар бирлан мушорикдур, яъни миёналарида воқеъ бўлгон мосориқо томурлари воситаси бирлан моддани ичак тарафга жазб қилмоқ мумкиндур. Ва агар жигарнинг муҳаддаб ва дўнг тарафида модда ҳосил бўлгон бўлса, ани истифроғ қилмоқда идрор тариқи бирлан истифроғ қилмоқ лозимдур. Зероки жигар-

нинг шул тарафи буйрак ва қовуқлар бирлан мушорикдур. Ва жигар ҳазми каймусида гизодин ажратган мойийатини ажваф исмлиқ томур воситаси бирлан буйракга юбориб турар. Бас, давоий мудирр бирлан мазкур моддани мойийатга қўшуб, жазб қилмоқ учун ажваф томури роҳи муқаррардур. Ва истифроғ тез ва осон ҳосил бўлур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, агар модда бир узвга қўйиб турмоқда бўлуб, ҳануз мабдаъдин мунқатиъ бўлмоғон бўлса ул сувратда мазкур моддани бу мавзеъдин бошқа хоҳ яқин ва хоҳ узоқ бир мавзеъга жазб қилинур. Токи резиши мунқатиъ бўлғунча бурунға қўйилғон моддадин бу узв мунфаъил бўлуб, мутағаййир ёки фосид бўлмай, баъд аз инқитоъ танқия ва истифроғ учун муҳлат зоил ва зоеъ бўлмағай. Ва лекин моддани жазб қилмоқда уч шарт риоя қилмоқ лозимдур.

Биринчи шарт шулки, модда ҳосил бўлғон узв бирлан модда жазб қилинадурғон узв бир-бирига фақат бир қутрда муҳолиф бўлмоғи шартдур. Масалан, ўнг қўлда ҳосил бўлғон моддани чап қўлга жазб қилмоқ ва би-л-акс раводур. Аммо икки қутрлик муҳолиф тарафга жазб қилмоқ ҳеч раво эрмас, яъни бир қутр ила муҳолиф бўлғон узвни яна бир қутр ила муҳолифи бўлғон учинчи бир узвга жазб қилмоқ, масалан, ўнг қўлда бўлғон моддани чап оёқ тарафга жазб қилмоқ асло жоиз эрмас. Ва бошда бўлғон моддани оёқ тарафга жазб қилмоқ раводур. Аммо бошқа тарафга жазб қилмоқ раво эрмас.

Ва иккинчи шарт моддалиқ узв бирлан модда жазб қилинадурган узвни миёнасида мушоракатни риоя қилмоқдур. Масалан, хотинларнинг раҳми бирлан эмчакнинг миёнасида мушоракат бордурки, муддати ҳамлда бадандин, хусусан эмчакдин раҳмга гизойи жанин учун хуни тамс етиб турар. Ва баъд аз таваллуд гизойи мавлудга сут ҳосил қилмоқ учун раҳм ўзиға жамъ бўлғон хуни тамсни эмчакга етказуб турар. Ва шунинг учун эмчакга қортуқ қўйилғонда хуни тамсни ҳибс қилур, яъни эмчак ила раҳми мушоракатга сабаб бўлғон томурлар мажросининг воситаси бирлан хуни тамсни жазб ила сайлондин тўхтатур.

Ва учинчи шарт муҳозот ва рўбарўйликни риоя қилмоқдур. Масалан, жигар касали учун қон олмоқ лозим бўлса ўнг қўлни бослиқ томуридин олмоқ томуридин олмоқ ва талоқ касали учун чап қўлни бослиқ томуридин қон олмоқ сазовордур. Зероки жигар ўнг тарафдадур. Ва ўнг қўлдин қон олгонда модданинг хориж бўлмоғи учун масофаси яқин ва хуружи тез ва осон бўлур. Ва ҳам бослиқни жигарни рўбарўсида йўғон варид томурға муттасил ва жигар томури ҳам шул жойда мазкур йўғон варидға муттасил бўлғони учун нафъи тез ва осон бўлур. Аммо бошқа томурдин қон олгонда агарчи асл мабдаъи шул йўғон томур бўлса ҳам, лекин асл мабдаъи жигарға муҳозий бўлмоғон ва жигарнинг қони узоқ масофадин бошқа томур воситаси бирлан айланиб келмоғи қийин, балки бошқа томурнинг қони хориж бўлуб, ўрниға жигарнинг ғайри табиий қон ва моддаси баданға сироят қилиб қолмоғи лозим келур.

Ва инчунин талоқ касалида чап қўлнинг бослиқ томуридин олмоқ муносибдурки, талоқнинг маҳалли чап тараф қобирғанинг тагида меъдаға ёпишуб турар. Ва анинг асл томури ҳам бослиқнинг асл томури йўғон тана томурға муттасил бўлғон жойлари бир-бириға яқиндур. Бинобарин талоқдаги моддани чап тараф бослиқ воситаси бирлан жазб қилмоқ сазовордур.

Ва билмоқ керакки, агар моддани беистифроғ фақат бошқа узвға жазб қилмоқ матлуб бўлса, назар қилмоқ керакки, мазкур узвға резиш қилғон модда резишдин тўхтағон бўлса ва резиш қилғон миқдори шул узвға жамъ бўлғониға кўп вақт ўтмаган қариб ул-аҳд бўлса, боядки, модда турғон узв бирлан модда жазб қилинадурғон узвнинг миёнаси бир миқдор узоқроқ бўлғай, токи ул модда яқинлик сабабдин яна аввалғи жойиға авд қилмоқ эҳтимоли бўлмағай. Масалан, раҳмда жамъ бўлғон моддани илик гўштиға қортуқ кўймоқ бирлан жазб қилинур. Зероки модда мажзубанинг ҳиддат ва суврати инжизоб сабаби ила мункаср бўлғони учун узви қарибдин

авд қилиб, узви аслийга ружуъ қилмоғи, хусусан паст узвдин баланд узвга ружуъ қилмоғининг хавфи қолмас.

Ва агар модданинг бир узвга жамъ бўлғониға кўпроқ вақт ўтган бўлса, ул тақдирда моддани бошқа тарафга жазб қилмоқ раво эрмаски, ўзи басабаби макс фосид бўлғондур. Бас, ани жазб қилинғон жойни ҳам фосид қилур. Бас, лозимдурки, ул модда худ узви мазкурдин хорижга дафъ қилинғайки, асли мақсуд шул узвни танқия қилмоқдур. Ва бошқа тарафга жазб қилмоқ мақсуд би-3-зот эрмас. Бинобарин модданинг ихрожи учун энг осонроқ ва энг комилроқ тариқ бошқа тарафга жазб қилмоқ худ нафси узвдин хориж қилмоқдур.

Ва билмоқ керакки, моддани қариб ул-аҳд ва ҳануз янги деб эътибор қилмоқ уч кун ва ниҳоят беш кундурки, шул миёнада бошқа узвга жазб қилмоқдур. Ва бундин сўнг баъид ул-аҳд ва жазби нораводур.

ФОИДА. Билмоқ керакки, моддани бир узвдин бошқа бир узвга жазб ва имола қилмоқ неча синф бўлур.

Биринчи синф шулки, бир узвики моддалиқ узвга баробар ва муқобил бўлса ани маҳкам боғланур, ҳаттоки алам ва озор эҳдос қилғай, токи аламни мудофааси учун руҳи табиийя ва аларга таъбан қонлар шул аламлик узв томонга моил бўлурлар. Ва модда ҳам қонга таъбан шул тарафга моил бўлур.

Ва иккинчи синфи шулки, моддалиқ узвни баробар бўлғон бир узвга қортуқ қўйиб жазб қилинур.

Ва учинчи синфи шулки, шул баробар ва муқобил узвга иссиқ ва жозиб даволардин, чунончи қуст ва оқирқарҳо ва хардал каби даволардин зимод қилинур.

Ва тўртинчи синфи шулки, агар модда масалан, ўнг қўлда бўлса, чап қўл бирлан риёзат қилмоқ ва оғир юк кўтармоқга амр қилмоқдур. Чунончи Жолинуслинг хизматиға узоқроқ масофадин бир қўли бирлан бир оғир нимарсани кўтариб бир одам келғон эрди, қўлида шиш пайдо бўлди. Сўнгра анга Жолинусли шул юкнинг вазниға баробар вазнлик нимарсани бошқа қўли бирлан кўтариб кетмоқга амр қилди. Ва ул ҳам

шундоқ қилиб эрди, бошқа тадбирға муҳтож бўлмай, та-
мом сихҳат ҳосил қилди.

Ва бешинчи синфи шулки, агар модда бош ва ё кўзда бўлса, лозимдурки, аввало шул узвга "огриқни таскин бера-
дурган даво кўймоқ керак. Сўнгра анинг аёғини зўр қувват бирлан молиш қилмоқ керак. Ва молишни сондин қадам тарафга қараб қилмоқ керак. Токи моддани инжизобиға муь-
ин бўлғай. Ва ё ҳар икки оёғини иссиқ сувға солиб кўймоқ керак. Ва ё таноб бирлан юқори сондин бошлаб то қадами-
ғача маҳкам ўраб боғламоқ керак. Чунончи тариқаси "Шадд ул-атроф"да мазкур бўлгондур. Ва агар модда ботинға моил бўлсаки, меъдаға ва ё сийнаға резиш қилмоқ эҳтимоли бўлса, дарҳол шадди атроф қилғай, яъни ҳам икки кўлини қўлтуғ-
дин билагигача ва икки оёғни юқори сондин то тўфўққача маҳкам боғламоқ керак, токи модда меъда ва сийнадин хо-
риж тарафқа қайтғай.

Ва билмоқ керакки, моддани турғон ўрнидин бошқа та-
рафға имола қилмоқ матлуб бўлса, ҳаргиз муҳлатни ўткар-
маслик лозимдур. Бас, агар модда камроқ ва ҳануз кўп кўзғал-
моғон бўлса анга танҳо имола кифоя қилур ва истифроғ ҳожат бўлмас. Аммо агар бадан моддаға тўла бўлса ва модда кўп ҳаракатлик ва ғалаёнлик бўлса, истифроғ ҳам қилмоқ лозимдур. Токи бошқа офатға анжом топмағай.

Ва яна маълум бўлғайки, идрор, яъни сийдикни раво қилмоқ моддани кам-камдин дафъ қилиб қайтарур. Кўп тер-
ламоқ сийдикни равон қилмоқ бирлан ёр бўлса ва ё қайлик исҳол ва ё исҳоллик қай бўлса, яъни баҳасби тақазойи иллат ё кўп терлатмоқ ва камроқ идрор бўлса, модда хорижи баданға кўпроқ мунжазиб бўлур ва зиёдаси сийдик бирлан мундафиъ бўлуб турар, башарти модда дохилда кўп бўлса. Ва илло кўпроқ идрорға таважжуҳ ва сўнгра камроқ терлатмоқға таважжуҳ қилинур, токи аксар модда сийдук бирлан мундафиъ бўлғай. Ва бақияси тер бирлан хорижи бадан тарафға имола топқай.

Ва ё исҳолни кўпроқ ва қайни камроқ қиладурган даво-
дин истеъмол қилмоқ муносиб бўлур. Башарти модда

ичакларда ва ё сийнадин паст аъзода, кўпроқ меъдада ва сийнадин юқори аъзода кўпроқ бўлса, токи камроқ қай бирлан меъда ва юқори аъзога танқия ҳосил бўлғай. Ва кўпроқ исҳол бирлан ичакларда ва ё паст аъзодаги моддалар мунжазиб ва мундафиъ бўлғай. Ва шул тариқа бирлан модданинг бақияси ҳам ўз маҳаллидин бошқа тарафга мунжазиб ва моил бўлғай.

Ва ё модда меъдада ва ё сийнадин юқори аъзода кўп бўлуб, ичакларда ва сийнадин паст аъзода кам бўлса, зўрроқ қай ва камроқ исҳол қиладурғон даводин истеъмол қилмоқ муносибдур, токи кўп модда кўп қай бирлан юқоридин мундафиъ бўлғай. Ва кам модда камроқ исҳол бирлан ичаклар ва паст аъзодин дафъ бўлуб, бақияси ўз маҳаллидин мунжазиб бўлғай. Баҳар тақдир имола моддани ўз маҳаллига мухолиф тарафни риояси лозимдур. Хоҳ ул имола маҳалли моддага яқин маҳаллга бўлсин ва хоҳ узоқ маҳаллга бўлсин. Масалан, бир одамни ҳалқидин ва ё оғзидин қон келиб турғон бўлуб, бу қонни ўз мажросидин бошқа яқин маҳаллга жазб қилмоқ матлуб бўлса ани бурнини қонатмоқ лозим бўлур, то оғзидин келиб турғон қон бурни тарафга моил бўлғай. Ва агар оғзидин узоқ тарафга имолани хоҳланса қўлни ё оёғни томуридин қон олмоқ керак. Токи оғзидин келиб турган қон томур воситаси бирлан қўл ва оёқ тарафга моил бўлғай.

Ва инчунин хотиники, бавосири бўлса ва ани қонини яқин маҳаллга имола қилмоқни иродаси қилинса раҳм тарафга имола қилинур, токи ҳайзиға кўшилиб мундафиъ бўлғай. Ва агар узоқ маҳаллда имола қилмоқ муносиб кўрилса белдин юқори аъзога таралғон томурдин, масалан, бослиқ ва акҳал томуридин қон олмоқ лозим бўлур. Токи бавосирнинг маҳаллига борган ва эмди бормоқда бўлғон қон мазкур томур тарафга моил ва мунжазиб бўлғай. Лекин зинҳор моддани аъзойи раисаға ва ё меъда ва ўпка каби аъзойи шарифға ва ё кўз ва ё қулоқ каби аъзойи латиф ва закий ул-ҳисға келтирмағайлар. Ва ҳатта-л-имкон эҳтиёт қилғайлар, балки мумкин қадар узвики, забун қадр ва қавий ул-жисм бўлса анга имола қилғайлар.

ДАВОЛАШДАГИ ЕТТИ ҚОНУН

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, қонуни тадовийда неча қонунларики аларни муҳофазати табибга вожибдур, аларни баёни ҳам шул мавридда муносиб кўрилди.

БИРИНЧИ ҚОНУН шулки, ёз фаслини ва қиш фаслининг шиддатлик вақтида мумкин қадар зўр исҳолдин ва зўр қайдин ва томурға доғ солмоқдин ва шишни ёрмоқдин ижтиноб қилғай.

ВА ИККИНЧИ ҚОНУН шулки, табиби ҳозик касал навъини ва анинг сабабларини таҳқиқ қилмоқда ўзининг қонуни тиббийдин бўлгон илми ва тажрибаси, хулосаи тамом ҳунарини сарф қилуб, ташхиси маразда муболага қилғай. Ва қонуни тиббийға мувофиқ қилгон тадбиридин натижани зуҳури тез маълум бўлмогон тақдирда зинҳор ул фикрдин қайтиб, қилгон иложидин қўл тортмоғай. Ва аинг хилофида бошқа тадбирга таважжуҳ қилмағайки, даво асари маҳалли мақсудға дафъатан етмоғи ва натижаси зоҳир бўлмоғи аксар вақт мумкин бўлмас, балки батаанний зоҳир бўлур. Ва инчунин агар фаразан қонунға мутобиқ бўлмогон бир тадбир аҳёнан воқеъ бўлуб, андин бир манфаат ҳам зоҳир бўлса, зинҳор ул тасодуфий манфаатға фирифта бўлуб, тариқи қонундин чиқмағайки, оқибат зарар қилур.

ВА УЧИНЧИ ҚОНУН шулки, давони таркиби ва навъийятини шул маразға кайфийяти мутаносиб бўлгон бошқа давоға табдил қилуб турғай. Ва кўп вақт бир тариқа даво истеъмол қилдирмағай. Токи табиат анга одат ёки андин нафрат қилмағай. Зероки агар анга одат қилса, ўзига одат бўлгон нимарсадин мунфаъил ва мутаассир бўлмас. Ва даво натижа беролмай қолур. Ва агар андин нафрат қилса, ул нимарсани тамом қуввати бирлан рад қилур ва баданға қабул қилмас. Ва даво бефоида зойиъ, балки табиатға мушаввашлик жиҳатдин зарар қилур.

ВА ТЎРТИНЧИ ҚОНУН шулки, қачонки касални ташхис қилмоқда фикри икки эҳтимолға мутараддид бўлса яхши чора шулки, ҳукмни маризнинг табиатиға тафвиз қилғай-

ки, ани табиатининг рағбатидин ул табиат қаю сабабдин мағлуб бўлғони ва табиатға касални мағлуб бўлғонидин дардни ташхис қилмоқ мумкин бўлуб, илож учун йўл очилур.

ВА БЕШИНЧИ ҚОНУН шулки, агар касал аламлик бўлса, аввал аламини таскин бермоқ лозимдур, агарчи тахдир бирлан бўлса ҳам, яъни аламни таскин бермоқ мумкин бўлмай, балки баданни карахт қилиб, сезгу қувватини камайтирадурган даво истеъмоли бирлан бўлса ҳам. Лекин баданни карахт қилса ҳам аксар инсонға одат ва мустаъмал бўлгон қўкнор ва афюндиин зиёда қувватлик тахдир қилмоқ сазовор эрмас.

ОЛТИНЧИ ҚОНУН шулки, ботиний аъзодин бир аламлик узв учун қон олмоқ матлуб бўлса, аввало баданни султ қиладурган зимодлар қўймоқ ва аламни таскин берадурган тилолар ва машруботи мусаккиналар бирлан аламни таскин бериб, сўнгра қон олғай. Зероки аввал аламни таскин бермай туриб, қон олинса, маълумдурки, худ алам ўзи жозибдур, чунончи борҳо мазкурдур. Бас, моддани хориж тарафға фасд қилинғон томур жазб қилур. Ва ҳам шул касаллик узвға жазб қилур. Бас, бир-бириға мухталиф бўлгон икки хил жазб миёнасида табиатға ташвиш ва ҳалал ориз бўлуб, гаший ва заъф пайдо бўлур ва моддаи мақсуд чиқмас.

ВА ЕТТИНЧИ ҚОНУН шулки, ҳамма илождин муқаддам қуввати нафсонийя ва қуввати ҳайвонийяға еткурмоқни лозим билғай. Ва шодлик ва хушнудлик ва маҳбублар тарафға машғуллик ва финойи латифларни эшитмоқ, катта муҳташамларни мулозамати ва суҳбатида бўлмоқ ва маризнинг ўзи ҳаё қиладурган даражада эътибор ва обрўлик кишиларни мулозаматида бўлмоқ аксар касаллар учун фоидалиқдур.

Ва инчунин бир макондин бошқа бир маконға ва бир ҳаводин бошқа бир ҳавоға интиқол қилмоқ иложи амроз учун жалил ул-асардур.

ТЎҶҚИЗИНЧИ ФАСЛ ФАСД ВА ҲИЖОМАТ ВА ТАЪЛИҚ БАЁНИДАДУР

Бу уч боб бирлан баён қилинур.

БИРИНЧИ БОБ ФАСД БАЁНИДА

Билмоқ керакки, фасднинг маъноси томурни ништар бирлан ёриб қон чиқармоқдурки, маъруфдур. Ва қони голиб ва ўзи емоқ ва ичмоқда соҳиби иштаҳо ва соҳиби ҳазмлар учун зўр илождурки, уруқи варидий, яъни беҳаракат томурдин олинур. Аммо шараён, яъни ҳаракатлик томурдин ҳаргиз қон олиб бўлмас. Ва беҳаракат томурни ҳар қаю мавзеъда мавжуд бўлгонидин олмоқ мумкиндур.

Аммо халойиқ миёналарида машҳури одат бўлғони қўлнинг тирсагида бўғим устида равшан кўринадурган томурлардин олмоқдур. Магар иллат агар бошда бўлса, қийфол томурдин олмоқнинг нафъи тезроқ зоҳир бўлурки, ани форсийда сарору дерлар. Ва агар иллат танада бўлса бослиқдин олмоқ сариъ уннафъдур. Аммо акҳалки, форсийда раги ҳафт андом дерлар ва андин қон олмоқ ҳам бошдаги иллатга ва ҳам танадаги иллатга нафъ қилур. Ва қон олмоқ фасли неча фондаларга мутазамминдурки, аввало аларнинг баёни лозимдур.

ФОИДА. Қон олмоқнинг таърифи ва бошқа истифроғлардин бунинг фазилати ва бунга мутааллиқ манфаатлар баёнидадур.

Махфий қолмағайки, фасд ихтиёрдаги истифроғи куллийдурки, ҳамма ахлоти арбаъани шул ёрилғон томурдин ихрож қилур. Бас, агар томур мўътадил миқдорда ёрилғон бўлса, ҳар қаю хилт шул томур ичида мавжуд бўлган миқдорига мутаносиб миқдорда чиқар. Аммо агар зиқроқ ёрилган бўлса, ахлотни суюқлари чиқар ва қуюқроғи боқий қолур. Бинобарин томурни зиқ ёрмоқдин атиббо манъ қилғондурлар. Магар вақтики фасддин мурод фақат қонни имола қилмоқ бўлса, масалан, қони ҳақиқатдин кўп бўлмай, балки бошқа сабаб бирлан луъоб ориз бўлғон кишидин фасд қилмоқда томурни зиқ очмоқ мумкиндур.

Ва билмоқ керакки, истилоҳи атиббода истифроғи куллий лафзини икки маънига итлоқ қилинур. Бири шулки, тамоми баданни танқия қилмоқ маънидур. Бу тақдирда истифроғи жузъий бир узви махсусни танқия қилмоқни айтурлар. Масалан, давоий суъут ва утус бошнинг танқиясига махсусдур.

Ва иккинчи маъний шулки, баданни ақсоми ахлатни ҳаммасидин танқия қилмоқдур, агарчи баъзи аъзодин бўлса ҳам. Ва бу тақдирда истифроғи жузъий деб баъзи ахлотдин танқия қиладурган давони айтурлар. Чунончи исҳол ва қайларки, андин бир хилти махсусни танқия қилинур. Ва фасд таърифида зикр қилингон истифроғдин мурод ҳам шул маъний охирдур. Ва илло ирқи арбия ва ирқи моқдин фасд қилмоқ бир узви махсуснинг танқиясига хос бўлганлигининг фасд таърифидин хорижда қолур. Ва шак йўқдурки, қон агар ҳар қаю узвдин чиқар бўлса, албатта ҳамма ахлотдин мураккаб бўлур. Ва қоннинг истифроғи ҳамма ахлотнинг истифроғини лозим тутар.

Ва фасднинг бошқа истифроғлардин умдаи фазилати шулки, қон танқияси ихтиёрийдур. Ва қачонки фасд қилгондин сўнг агар қонда фасод йўқлиги маълум бўлса, фавран тўхтатмоқ мумкин дур ва ҳеч зарар бўлмас.

Ва ҳам қон чиқармоқда баҳасби ҳожат миқдордин кам ва зиёда чиқармаслик ихтиёрададур. Аммо бахилофи мусҳил ва муқий даволарки, амаллари мақсуд бўлмоғон модда мундафиъ бўлғони маълум бўлса, ани тўхтатиб бўлмас. Ва агар ҳибс қилса икки хил мухталиф амални таорузи ила зарар берур. Ҳатто гоҳи мусҳилдин сўнг қобиз нимарсанинг қабзияти қуввати дофиъага ёрдам бериб, яна зиёда исҳолга боис бўлур.

ФОИДА. Қон олмоқға қандоқ одам сазоворлиги баёнидадур.

Билмоқ керакки, қон олмоқға уч тоифа сазовордурлар.

Биринчи шундоғ одамдурки, баъзи касаллар сабаби бирлан қон олдирмоқни одат қилгон бўлуб, қачонки қони голиб ва мутағаййир бўлса ул касали авд қиладурган бўлса, маса-

лан, ирқ ун-насо ва ниқрис ва важаъи мафосили дамавий худуси учун мустаъид ва қобил бўлгон тоифадур. Ва одамики, саръ ва сакта ва молихулиё касалларига мустаъид бўлуб, қони ғалаба қилгон ва ё тағйир топгонда шул касаллар анга ҳодис бўлмоғи муқаррар бўлса.

Одамики, томоқ оғриғи, ичак варами ва иссиқ рамад касалига мустаъид бўлса ва қони ғалаба қилгон ёки тағйир топгон вақтда шул касалларга мубтало бўлмоғи маълум бўлса ва одамики, аъзойи ботинийси заиф ва бовужуди мизожи иссиқ бўлса бундоқ касалларга ҳар баҳор фаслида боядки, албатта фасд қилдурғайлар. Ва шунинг учун ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”ларида айтгондурларки, “ва қад йафсуду ла ликавни зиёдат-уд-дами ав ридаъати кайфийатиҳи би-л-фиъли бал-би-л-қуввати изо конат тилка-л-қуввату қарибатун”, яъни гоҳи фасд қилинурки, сабаби би-л-феъл қон зиёда бўлғони ёки тағйир топғони бўлмай, балки би-л-қувват голиб ва ё мутағаййир бўлғонидин фасд қилинур. Агар шул ғалаба би-л-қувва қариба бўлса, дерлар.

Ва иккинчи тоифа шулки, бир одамики, анинг қони кўп миқдорлик ёки мутағаййир бўлса ҳам, лекин бир офатнинг худусидин хавф қилуб, андин фасд қилмоқга ҳукм қилгон бўлса, чунончи анга бир зарба ёки сақта етган бўлса варам пайдо қилмоқ хавфи бўлса. Бинобарин эҳтиёт андин фасд қилмоқ лозим бўлур, токи варамнинг худусидин эмин қолғай. Ва инчунин одамики, анда варам ҳодис бўлгон бўлуб, лекин ул варам пишмай туриб ёрилмоғидин хавф қилса ҳам фасд қилдурмоғи лозим бўлур.

Ва учинчи тоифа мундоғдурки, амрози дамавийга ҳақиқатдин мубтало бўлгон бўлурки, андин батариқаи авло фасд қилмоқ лозим бўлур. Чунончи ушбу сўнғи фоидада фасдга монез бўлгон кишиларнинг безътибор сўз ва мардуд далилларини баёнида машруҳан зикр қилурмуз. Ва мазкур бўлгон уч тоифадин бошқа кишилардин фасд қилмоқ сазовор эрмас.

ФОИДА. Фасд учун баъзи қудамо ва ғайруҳумнинг миёналарида воқеъ бўлгон ихтилофлари баёнидадур.

Билмоқ керакки, баъзи атиббо фасдни мутлақо манъ қилгондурлар. Ва ўз муддаоларининг исботига уч далил зикр қилгондурлар. Биринчи далиллари шулки, қон аъзони ва руҳларни асл моддасидур. Ва қувват ва сиҳхатни мўвжибидурки, бундоғ муҳим нимарса қобили ихрож бўлмас демишлар.

Ва иккинчи далиллари шулки, ҳар бир зарур нимарсани муҳайё қилмоқ би-изниллоҳи таъоло табиатни феъли лозимасидурки, фазлаларнинг дафъи учун бир муффриғ зарурдур. Чунончи сафро учун ўт ва савдо учун талоқ муффриғдур. Бас, агар қон фазласини ихрожи мумкин бўлса эди, буни фазласи учун ҳам ўт ва талоқ каби бир муффриғ бўлмоғи лозим эди, дерлар.

Ва учинчи далиллари шулки, бартақдир қон ихрож қилинғонда ё ани кўплигини зиёдаси ихрож қилинур ёки ани ридоъати ва фасоди сабабидин ихрож қилинур эрди. Ваҳоланки бу ҳар икки сувратда ҳам фоида мутасаввур эрмас, балки зарари мутаҳаққиқдур. Зероки қонни кўплигида зоҳирдурки, мизожда иссиғлик ҳосил бўлур. Ва зиёдалик қилғон қон сафро ҳолига ўзгарилур. Бас, сафрони танқияси вожиб бўлса керак, на қонни. Ва инчунин агар қон фасоди сабабидин чиқарилса бу тағаййур, албатта, ё совуқ кайфийят бирлан мутағаййир бўлғон бўлур ва ё иссиқ кайфийят бирлан мутағаййир бўлғон бўлур. Бас, агар совуқлик кайфийят бирлан мутағаййир бўлса, албатта, анга такосуф ва ҳажмига камлик ориз бўлуб, миқдори камайса керак. Ва миқдори камлик қилғон нимарсани яна бадандин ихрож қилмоқ раво бўлмас. Ва агар иссиқ кайфийят бирлан мутағаййир бўлса ҳеч шак йўқдурки, ани латифи сафроға ва касифи савдоға мустаҳил бўлур. Бас, аларни танқияси вожибдур. Ва қоннинг ихрожи лозим бўлмас, дерлар. Ва бу қавли соқит ул-эътиборни жумҳури атиббои қадим ва жадидлар қилиб, ҳар бир далилға жавоб ёзғондурлар.

Биринчи далилнинг раддиға дебдурларки, қон агарчи моддаи аъзо ва арвоҳдур ва боиси қувватдур, лекин анга эътидол шартдур. Ва ҳар вақт эътидолдин тажовуз қилиб ориз

бўлса, зиёдасини ихрож қилмоқ лозимдур. Чунки миқдори кўп бўлса баданга тамаддуд ориз бўлуб, ҳарорати ғаризийни сиқиб мақхур ва мағлуб қилур. Чунончи андак оловни кўп миқдор ўтун босиб ўчирғони каби фано қилур.

Иккинчи далилнинг раддиға дебдурларки, ўт сафро фазласи учун ва талоқ савдо фазласи учун муфриғдур. Демак асло қобили таслим эрмас, балки булар ҳар иккиси хилти мазкур учун хазонадур ва ҳам ҳар икки хилт фазла эрмас, балки хилти табиийдурлар. Ва инчунин қон ҳам хилти табиийдурки, анинг хизонаси тамоми бадандур. Бас, баданга зиёдалиқ қилғон қонни бадан вусъятидин зои� миқдорини бадан ихрож қилмоқ албатта вожибдур.

Аммо каломи атиббода ўт ила талоқни муфриғаи сафро ва савдо деган сўз батариқаи мажоз воқеъ бўлғондур. Муфриғки, бефоида ва зои�и ғайри табиий нимарсани жамъ бўладурган макони маъносидадур. Бадиҳийдурки, бу мақомда асло мутасаввур эрмасдур. Ва бартақдири таслим қоннинг ўзига махсус муфриғи бўлмоғони қонни танқияси нораволиғиға далил бўлса, балғамни ҳам ўзига махсус муфриғи йўқдур. Бас, ани танқияси ҳам нораволиги лозим келур. Ваҳоланки, балғамни танқияси лозимлиғиға бу жамоъанинг ўзлари ҳам қоилдурлар.

Бас, маълум бўлдики, иккинчи далиллари ўз наздларида ҳам ботил ва безътибордур.

Ва учинчи далилнинг раддиға дебдурларки, қон кўпаймоғи ва анинг ҳарорати ифрот даражаға етса шак йўқдурки, албатта қон сафро ҳолиға мустаҳил бўлмоғиға боис, балки мувжиб бўлур. Ва сафро эса суъи мизожи ҳорни зиёда бўлмоғиға бешак сабаб бўлур. Ва бу маънидин ҳам собит бўлурки, қоннинг зиёдаси сафроға мустаҳил бўлуб, суъи мизожи ҳорға боис бўлмоғидин муқаддам зои� қонни ихрож қилмоқ лозим, балки вожиб бўлур. Ва қон сафроға мустаҳил бўлғон тақдирда ҳам қони зои�ни бадандин ихрожи жоиздур. Зероки зиёда қоннинг ҳаммаси дафъатан сафроға мустаҳил бўлмас, балки оз-оздин батаанний мустаҳил бўлур. Бас, зиёда қонни

бадандин чиқармоқ сафроға мадад етиб турмоқни мунқатиъ бўлмоғиға боис бўлурки, айна мақсуддур.

Ва маълумдурки, сафроға етиб турган мадад мунқатиъ бўлса, бурунғи сафронни истифроғ ила таъдил қилмоқ яна осонроқ бўлур.

Ва яна билмоқ лозимки, қон кўплик миқдори агарчи баифрот бўлса ҳам, лекин доимий сафроға мустаҳил бўлмоғи лозим эрмас. Ва аксар бўлурки, ҳарорати ғаризий қонға ғолиб бўлуб, ани қайнамоқдин тўхтатур. Ва сафроға мустаҳил бўладиган даражаға еткузмас. Хусусан агар фасд қилуб қонни миқдорини камайтирилса бу маъни ҳарорати ғаризийнинг феълиға иъонат бўлуб, батариқаи авло сафроға мустаҳил бўлолмас. Ва фасд жоиз дегувчи жумҳури атиббонинг сўзларини тақвия қилмоқ учун ҳақим Қарший далил баён қилибдурларки, ҳар гоҳ қоннинг миқдори шул қадар кўп бўлсаки, ани дафъи учун ғизони камайтирмоқ бирлан то баданға бир зарар бермай қонни камайтирмоқни умид қилуб бўлмаса ва қон мутағаййир бўлуб, бир кайфийяти радийя ҳосил қилсаки, ани даволар ва тadbирлар бирлан ислоҳ қилмоқни умид қилиб бўлмаса, ночор андин бир амри ғайри табиий воқеъ бўлурки, анинг дафъи вожиб бўлур. Лекин дафъи то фасд қилинмаса муяссар бўлмас. Бас, ҳожат вақтида фасд қилмоқ лобуддийдур. Ва фасддин наҳий қилмоқ ўзи манҳий анхудар, ақлан ва истиқроан дебдурлар.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, ушбу таҳрирдин мутаҳаққиқ бўлдики, ҳожат вақтида қон олмоқ ҳам зарурийдур. Ул ҳам икки кишиғағинадур. Бири шундоғ одамдурки, анинг қони ўзининг табиий миқдоридин ё би-л-феъл зиёда бўлса ва ё би-л-қувват ил-қарина зиёда бўлса.

Ва иккинчиси шундоғ одамдурки, анинг қонининг кайфийяти зиёда бўлса би-л-феъл ё би-л-қувват ил-қарина. Бас, ҳар вақтки, қон фақат кўплик ё фақат мутағаййирлиги ани танқия қилмоқ вожиблигини лозим тутса. Бас, ҳар иккисининг жамъ бўлмоғи батариқаи авло танқияни лозим тутар.

Ва шул икки навъ кишидин бошқа ҳеч кимға фасд қил-

дирмоқ раво эрмас. Зероки қон агар миқдорда ва кайфийятда мўътадил бўлса ани бадандин чиқармоқ би-л-иттифоқ манҳий анхудур. Камо ло йахфи.

ФОИДА. Қандоқ одамға фасд учун қоннинг назжини рияси лозим ва қандоқ одамға лозим эрмаслиги баёнидадур. Махфий қолмағайки, қон олмоқдин мурод ё моддани камайтирмоқ ва ё ҳамма моддани тамом қилмоқдур. Бас, агар моддани камайтирмоқ мақсуд бўлса била тамаҳхул қон олмоқ мумкиндур. Ва назж учун мунтазир бўлмоққа ҳожат йўқдур. Агар моддани тамом чиқармоқ матлуб бўлса, назар қилмоқ керакки, қонда қуюқлик ва ширадорлик борми ёки йўқми? Агар қуюқлиги ва ширадорлиги бўлса, фасд қилмоқда аввал қонни назжиға интизор бўлмоқ вожибдур, чунки қуюқ бўлса, то томурни жуда катта очилмаса қон чиқмоғи мумкин бўлмас. Ва агар катта очилса маризнинг қуввати соқит бўлур. Зероки қон ила қўшилуб, кўп руҳи ҳайвоний ва руҳи табиий чиқиб зое бўлур. Аммо баъд аз мўътадил даражада очилгон томурдин чиқмоқға қон қобилиятлик бўлур. Ва руҳ нобуд бўлмас. Ва агар қон ширадор бўлса, шираси сабаби бирлан ул қон томирга ёпишгон бўлур. Ва томурдин чиқмоғи қийин бўлур. Бас, агар беинтизор назж ани фасд қилинса ширадор қон томурға ёпишган ҳолда қолиб, покиза ва янги қон ила руҳ чиқар. Ва бу маъни албатта қуватнинг сукутиға ва мизожни совумоғиға ва ҳазмни қусуриға ва назжнинг таъхири ҳам қусуриға боис бўлур. Ва покиза қонни ёрдамидин маҳрум бўлуб, танҳо ва холис қолгон нотабиий қон баданнинг тарбиясиға кифоя қилмас. Ва бу маъний яна кўп офатлар ҳудусиға сабаб бўлур. Ва агар қонда андак гилзат бўлса ва шира бўлмаса назар қилинурки, қоннинг қивоми қандоқ даражададур. Бас, агар мўътадил бўлса шунинг ўзи назждурки, било тамаҳхул фасд қилинур. Ва агар мўътадил даражадин суоқ бўлса, яна назар қилмоқ керакки, қон томурлар ичида мунташирму ёки бир узви махсусда муҳтабисму? Агар томурға мунташир бўлса ҳам било тамаҳхул фасд қилмоқ мумкиндур. Зероки қувват табиатнинг покиза қонға нисбатан ва фосид қоннинг дафъиға

иктидориға биноан фосид қон жўпроқ мундафиъ бўлур. Ва хува-л-матлуб (Бу эса исталган нарсадир).

Ва агар ул қон бир узви маҳсулда мухтабис бўлса, чунончи ниқрис ва важаъ ул-мафосил ва хурож кабиларда мухтабис бўлса, бу қоннинг назжига интизор бўлмоқ вожибдур, то қивоми мўътадил ҳосил қилғай. Ва фасд қилғонда хориж бўлмоқға қобилият ҳосил қилғай. Зероки бир узвда мухтабис бўлғон суюқ қонни ул узвнинг гўштлири ўз ичларида шилиб олғон бўлурки, андын ажралиб чиқмоғи қийин бўлур. Бас, фасд қилғонда моддаи мақсуд чиқолмай ғайри мақсуд қоннинг чиқмоғи маълумки, ёмонликдин бошқа натижа бермас.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, юқорида марқум бўлғон жумлалардин мафҳум бўлдики, фасд учун назжни эътибор қилинмас. Магар моддани тамом чиқармоқ матлуб ва лекин ғализ ё лазиж бўлса ва ё қон суюқ ва лекин бир узвға муташаббис ва маҳсур бўлса, назжни эътибор қилинур. Ва бундин бошқа сувратда назжни эътибордин соқит қилмоқ лозимдур. Ва било таваққуф фасд қилмоқ керак. Ва фасд учун қоннинг назж топмоғи вожиб ёки вожиб эмаслиги хусусида атиббо миёналарида ҳарчанд ихтилоф кўпдур. Лекин онча аҳли таҳқиқларга мухтор бўлганларини интихоб қилиб ёздим. Ва татовулдин ижтиноб учун мо адони тарки баёни лозим кўрилди.

ФОИДА. Қандоқ одамлар учун фасд қилмоқға қабл аз назж мубодарат қилмоқ жоизлиги баёнидадур.

Билмоқ керакки, ҳар одамики, ниқрис ва важаъ ул-мафосил ва ирқ ун-насо ва саръ ва сакта ва молихулиё ва бўғма ва ичак варамлари каби қондин ориз бўладирғон касалларға мустаъид ва қобилиятлик бўлса, яъни мазкурлардин бириға собиқда мубтаъо бўлғон ва фасд қилмоқ бирлан касали мундафиъ ва лекин қон ғалаба қилғон вақтда агар фасд қилдурмаса ул касали яна авд қилмоғи одат бўлғон кишиларнинг қонида ғалаба маҳсус бўлса, андоғ кишилардин фасд қилмоқ учун қонни назжи эътибордин соқитдур. Ва бетаваққуф фасд қилмоқ лозимдур.

Ва яна бу касаллар то ҳодис бўлмаса мустаъидларнинг

қони бешак шиддатлик фосид бўлмас. Ва инчунин қоннинг қивоми ҳам даражаи иътидолдин кўп узоқ бўлмас. Бас, бир монези бўлмоғон тақдирда фасд қилмоқ фоида қилур. Ва агар қон чиқғондин сўнг бақияси бўлса, ани осонлик ила ислоҳ қилмоқға табиат кифоя қилур. Ва агар бу касаллар фасддин бурунроқ ҳодис бўлуб қолса, сўнгра қон чиқармоқға беназж жураёт қилмоқ сазовор эрмас. Ва назж ҳосил бўлғунча мунтазир бўлмоқ вожибдур. Зероки молихулиё касалида қон ғализ бўлур. Ва то назж ҳосил бўлмаса хорижға чиқмоқға қобилияти бўлмас. Ва бошқа касалларда қон бир узви махсусда маҳсур ва маҳбус бўлур. Ва то назж ҳосил бўлмаса чиқолмас.

ФОИДА. Билмоқ керакки, гоҳи бўлурки, мариз агарчи маразнинг ибтидоси ва тазоид давридин нузул ва инҳитот давриға етган бўлса ҳам андин фасд қилмоқға ҳукм қилинур. Ва ҳукмнинг таҳқиқи икки важҳ бирлан мумкин бўлур.

Биринчи важҳ шулки, агарчи касалнинг моддаси қондин бошқа хилт бўлса ҳам, лекин қон миқдорида ҳақиқат ғалаба бўлса фасдға ҳукм раво бўлур. Масалан, одамики, сафровий иситмадин бўлса ва лекин қони ҳам кўп ва ғолиб бўлса ва ибтидосида қон олинмоғон ва бошқа тадобири сафровийлар бирлан илож қилиб, мазкур тадбирлар натижаси бирлан касал таназзул ва инҳитотға етган бўлса ҳам, лекин қоннинг ғалабасидин яна бир зарарнинг хавфи бўлса, шул тақдирда баъд аз инҳитот бўлса ҳам фасдға ҳукм қилинур. Зероки сафровий иситмаға мубтало бўлғон кишида қон ҳам ғолиб бўлса, танқияи сафро ва табрид бирлан сафронинг ғалаённини тахфиф қилиб, инҳитот давриға етказилган бўлса ҳам яна анинг қони сафроға мустаҳил бўлуб, касал авд қилмоқ эҳтимоли яқиндур. Бинобарин андоқ кишиға фасд қилмоқ баъд аз инҳитот ҳам лозим деб ҳукм қилинур.

Ва иккинчи важҳ шулки, касалнинг моддаси ҳақиқатан қон бўлур. Лекин фасд қилмоқ фақат табрид бирлан қоннинг ғалаённини тахфиф ё таскин берилғон бўлур. Ваҳоланки, қон агарчи беғалаён бўлса ҳам ҳануз ғолиблиги боқийдур. Бас, шул сувратда агарчи баъд аз инҳитот бўлса ҳам яна касалини

авд қилмоқ хавфи бирлан фасд зарур деб ҳукм қилмоқ раводур. Ва мисоли сунухус иситмасидурки, баъзи давойи мутфий ва мубарридлар бирлан қоннинг ғалаёнини таскин берилғон ва касали даври инҳитотға етгон, балки шифо топғон бўлса ҳам, лекин ҳануз қони ғолиб бўлғони учун яна авд олмоғи яқин эҳтимолдиндур. Зероки хоҳ баданий ва хоҳ нафсоний сабабларнинг андак таъсир ва таҳрики бирлан ул қон яна ғалаёнға кетилмоғи осон ва аксар вақтда воқеъдур.

Ва баданий сабабларнинг мисоли кўп ҳаракат қилмоқ ва ё офтобда ва ё оловға яқин жойға туриб баданни қазитмоқ ва асал ва эски гўшт кабилардин кўпроқ тановул қилмоқ каби сабаблардур. Ва нафсоний сабабнинг мисоли ифрот даражалик ғазаб ёки ғам ориз бўлуб, қонни қизитмоғидур.

(ҚОН ОЛИШДАГИ УМУМИЙ ҚОНУНЛАР)

ФОИДА. Фасд қилмоқ учун оммаи қавонин баёнидадурки, буларни машруҳан баён қилурман.

БИРИНЧИ ҚОНУН шулки, касал ҳаракатда бўлган куни, яъни навбатлик касал бўлса ўз навбати ва тутадурган куннда зинҳор фасд ва истифроғи дигарни қилмоқ сазовор эрмас. Зероки навбат куннда мумкин қадар табиатни сокин ва осойиш бирлан сақламоқ зарурдур. Токи хилтнинг ҳаракатиға фасд ва бошқа истифроғ боис бўлмағай.

ВА ИККИНЧИ ҚОНУН шулки, агар касал бўҳронлик ва узоқ муддатга чўзиладурган бўлса ва лекин фасд қилмоқға муҳтож ҳам бўлса ҳатта-л-имкон фасд қилмай туриб бошқа тадбири мусаккин бирлан аввал касални таскин бермакка кўшиш қилмоқ лозимдур. Агар бефасд таскин қилмоқ жуда мумкин бўлмай, ночор фасд қилмоқ мумкин бўлса, жуда кам миқдор фасд қилмоқ керак, токи маризнинг қувватиға футур етмағай. Чунки узоқ муддат давом қиладурган касалнинг то инқирозигача мариз қувватға муҳтождур. Ва аҳёнан агар фасд камлик қилиб, яна фасд қилмоқ зарур бўлса ва маризда қувват боқий бўлса ҳама вақт яна фасд қилмоқ мумкин бўлур.

УЧИНЧИ ҚОНУН шулки, агар кўп вақтдин буён фасд қилдирмағон одамни қонининг ғалабасидин шикоят қилиб

қиш фаслида келса ва қонининг ғолиблиги ҳақиқатдин рост бўлса ва зарурат учун фасд қилмоқ лозим бўлса, сазовор шулки, қонни камроқ чиқаргай. Зероки бу фаслда қон мўтадил миқдордин зиёдароқ бўлмоғи матлубдур. Токи ҳавонинг совуқлигиға муқовамат қилгай. Ва ҳам совуқнинг шиддати бирлан ва агар қони касиф бўлса ҳажмида камлик ҳодис бўлмагай.

ВА ТҮРТИНЧИ ҚОНУН шулки, табиат сахт вақтида ва ё варамсиз қўланж касалида фасд қилмоқдин эҳтирозни вожиб билмоқ керак. Зероки фасд моддани ичакдин бошқа тарафға жазб қилғон сабабидин табиатнинг ҳифзиға ва сахтлигиға яна иъонат берур. Ва қўланжда аламнинг шиддатидин ориз бўлғон заифликни яна зиёда қилур. Аммо қўланж варамини моддасини дафъ қилмоқ учун фасддин бошқа чора йўқдур. Аммо фасдни боиси тазоиди ҳибси табиат демоқ қонуни тиббийдур ва доим тажрибада ҳам мушоҳада қилинур. Лекин баъзи жойларда кўрулдике, қабзиятға мубтало бўлуб, ҳеч мулайиндин ва бошқа тадбирдин нафъ кўролмағон кишилар фасд қилдирғон кунларидин қабзиятлари зоил бўлдике, натижаси хилофи қонун бўлди. Ва бунинг сабаби учун дарвишнинг хотириға икки тавжиҳ келурки, ё баданда модда ғолиб эрди ва табиатнинг тамом таважжуҳи шул модда тарафиға машғул бўлғон сабабдин ижобати таъбь учун ўтдин ичакға сафро туширмоқ ҳожатиға табиатни таважжуҳи зоил бўлғон эрди. Қачонки фасд бирлан камайған эди, табиат ҳам хотиржам бўлуб ўз ҳолиға келди. Ва анинг афъоли ҳам мажрои табиийға ўзгарилиб, ҳибснинг изоласи учун ўтдин ичак сафро еткурди. Ва ё ўт бирлан ичакни миёнасидаги мажроға варам ориз бўлуб, сафронинг йўли банд бўлғон эди, фасд сабаби бирлан ул варам зоил бўлуб, сафроға йўл очилиб ичакға тушди. Ва ҳибси таъбьни зоил қилди. Валлоху аълам.

БЕШИНЧИ ҚОНУН шулки, ҳомила хотунға ва ҳайз кўриб турғон хотунға то имкон борича фасд учун рухсат нораводур. Чунки ҳайз кўриб турган хотиннинг сабаби зоҳирдурки, ҳайзи фасд ҳукмидадур ва то ҳайзи тўхтамағунча эҳтимолки қон

галабаси сокин бўлғай. Ва агар андин фасд қилинса вожиб уд-дафъ бўлғон ҳайз қони бошқа тарафга мунжазиб бўлуб, раҳм тарафга тарашшуҳдин мамнуъ бўлур. Ва фасд тариқидин хориж бўлмоғи учун навбат етмас. Ва ночор баданда маҳбус қолур. Ва агар раҳмга тарашшуҳ мамнуъ бўлмай сайлони давом этса, ҳар икки тарафдин қоннинг хуружи боиси заъф ва мўвжиби қиллати хун бўлур. Аммо ҳомила хотиндин фасдни манъ қилмоқ болани соқит бўлмоғи учундур. Зероки қонни ихрож қилмоқ боланинг физоси фоний бўлмоғига ва боланинг заифланмоғига боис бўлурки, заифланғон болани раҳмда барқарор сақламоқ табиатга қийинроқ бўлур. Хусусан қон ҳаракатга келган сабабидин мияга ва дилга бухорот суъуд қилуб, гаший ориз бўлса қуввати мосикалар имсоқдин тўхтаб болани соқит бўлмоғи яна қариб ул-вуқуъ бўлур.

Ва яна бошқа истифроғлар ва ё хотиннинг ўзи физони камайтирмоғи ва ё физосини миқдорини кам бўлмаса ҳам, лекин камқувват физолардин тановул қилуб, андин тағзийайи бадан ҳосил бўлмоғи раҳмдаги боланинг физосини камайтуруб, соқит қилмоқда фасд ҳукмидадур. Лекин бошқа истифроғ сабаби бирлан боланинг соқит бўлмоғи аксар бола тўрт ойга тўлмасдин бурунроқ ва етти ойга тўлғондин сўнг воқеъ бўлур.

Аммо фасдни исқотга боис бўлмоғи аксар бола катта бўлғон вақтда бўлур, зероки ул вақтда вазни оғир бўлур ва фасд сабаби бирлан агар бола заифланса ани сақлаб турмоқ табиатга ва ани қуввати мосикаларига душвор бўлур. Шунинг учун Буқрот ҳам “ал-маръату-л-ҳомилату ин фусидат асқатат хоссатаҳу инкана тифлуҳа қад азума”, яъни ҳомила фасд қилинса боласини ташлағай, хусусан агар боласи катта бўлган бўлса, деб болани катталигини баъд аз ҳукм тахсис қилғондур.

Ва билмоқ керакки, агар фасднинг сабаби исқот бўлмоғи аксар боланинг катта бўлган вақтида ва бошқа истифроғнинг сабаби исқот бўлмоғи боланинг тўртинчи ойга етмаган ва ё еттинчи ойдин ўтган вақтида бўлмоғининг сабаби шулки, фасд

қилмоқда боланинг физоси бўлган қон ихрож қилинур. Бас, фасднинг исқотига сабаб аксарда боланинг физоси йўқолгани бўлур. Ва зоҳир маълумдурки, бола ҳар на қадар каттароқ бўлса, шул қадар гизоға муҳтожроқ бўлур. Ва катталиқ ҳолатида анга гизо бўлмасликнинг зарари ҳам кўпроқ бўлур. Бас, фасднинг зарари тўртинчи ойга етмаган болаға камроқ бўлур. Ва боланинг вазни ҳам камроқ ва гизоға ҳожати ҳам камроқдур. Ва фасддин қолғон бақия қон ҳам анга гизоликға кифоя қилур. Агар нодиран ғаший ориз бўлуб, раҳмнинг қуввати мосикаси маътал қолган сабабдин соқит бўлмоғи мумкиндур.

Аммо бошқа истифроғни боиси исқот бўлмоғиға сабаб баданда изтироб ҳодис бўлмоғидур. Ва истифроғ давоси рутубатни жазб қилғони учун ул рутубатнинг имсокиға табиатнинг ташаббуси камаймоғидур. Ва шак йўқдурки, тўртинчи ойга ҳануз етмаган бола раҳмда ҳануз мустаҳкам тамаккун топмоғон бўлур. Ва инчунин баъд аз етти ой таваллуд вақти яқин бўлғони учун раҳмға алоқаси камайғон бўлурки, андак баҳона бирлан раҳмдин зоил бўлмоғи осон бўлуб, истифроғни рутубатға жазби ва табиатнинг қиллати ташаббуси боиси исқот бўлур. Ва шунинг учун Жолинус раҳмдаги боланинг ҳолини меванинг ҳолиға ташбиҳ қилиб дегандурки, тўртинчи ойга етмаган боланинг ҳоли гулдин янги чиққан навпайдо меванинг ҳолиға ўхшарки, навпайдо мева андак совуқ ва ё андак гармселнинг таъсири бирлан оғриб тўкилур. Ва еттинчи ойдин ўтган боланинг ҳоли пишган меванинг ҳолиға ўхшарки, андак таҳрик сабаби бирлан тўкилур, дегандур.

Ва махфий қолмағайки, исқолға нисбатан қайни боиси исқот бўлмоғи ўқчуғда раҳмни сиқиб, ҳам силкитмоғи сабабдин кўпроқ бўлур. Ва қайға нисбатан исқолнинг боиси исқот бўлмоғи моддани паст тарафға ва раҳм жонибиға ҳаракат қилмоғидин бўлур. Баҳарҳол то зарурати қавийя бўлмаса фасддин ва исқолдин ва қайдин ижтиноб қилмоқ ҳомилага вожибдур. Аммо баъзи ҳомилага худ-бахуд қай ориз бўлур. Бас, агар бу қай ибтидосида кўп машаққатлик бўлмаса тўхтатмоқға

тадбир қилмаслик лозимдурки, бу қай меъданинг моддаи фосидаларининг дафъиға боис бўлур. Ва ҳомила хотиндин фасд қилмоқни тажвиз қиладурғон зарурат икки навъ бўлур. Бир навъи офатни би-л-феъл зоил бўлмоғидур. Ва заволи офат би-л-феъл шундоғ бўлурки, ҳомилага қоннинг галабасидин бир қўрқунчлик касал ориз бўлса. Ва то фасд қилмасдин бошқа тадбир бирлан ани заволи мумкин бўлмаса, шундоғ вақтда андин фасд қилмоқға рухсатдур. Зероки икки тарафда ҳам шиддатлик хатар бўлғон тақдирда ғолиб хатарни эътибор қилиб, бошқасини эътибордин соқит қилмоқ ҳикматдур. Масалан, ҳомила зот ул-жанби ҳақиқийға мубтало бўлса фасд қилмоғонда ҳаёти хатарлик бўлса, албатта бетаваққуф фасд қилмоқ лозимдур. Зероки фасднинг хатари бола соқит бўлмоғининг хавфидур. Ва фасд қилмасликнинг хатари худ ҳомиланинг ҳалокидурки, агар бу ҳалок бўлса ичидаги боланинг ҳалоки ҳам лозимдур. Ва агар фасд қилинса ҳомила саломат қолур, балки эҳтимолки, боласи ҳам саломат қолғай. Ва агар соқит бўлса аносини саломат қолмоғи муҳимдурки, боласини эвазига бошқа ҳамл қилмоғи ҳам мумкин бўлур. Ва инчунин агар ҳомилага нафс уд-дам ориз бўлуб, баданидин қон доимий сайлон қилса ани бошқа тарафқа имоласи учун бетаваққуф фасд қилмоқ вожибдур. Зероки фасдни манъиға сабаб боланинг физосиға нуқсон ориз бўлмоғи эрди. Ваҳоланки, нафс уд-дамда жорий бўлуб турғон қон ҳам боланинг физосидурки, сайлони давом этса болаға нуқсонни гизо бешубҳадур. Ва ҳам аносини ҳаёти хатардадур. Бас, агар аноси ҳалок бўлса, анга табъан боланинг ҳаёти ҳам қатъийдур. Ва агар фасд қилинса ҳар иккисининг ҳаёти умидликдур. Ва лекин бу бобда фасд бағоят зийқ бўлмоғи лозимдур, токи истифроғдин имоласи кўпроқ, қуватни заиф қилмоғи камроқ бўлғай.

Ва иккинчи навъи шулки, ҳозирғи фасднинг натижасида вазъи ҳамлдин сўнг ориз бўладурғон офат ҳомиладин ва ё боласидин зоил бўлғай. Ва бу шундоғ бўлурки, хўб имтиҳон ва тажриба бирлан қатъий маълум бўлсаки, агар ҳозирда фасд

қилинса баъд аз вазъи ҳамл ҳомила ва ё боласидин ҳар иккиси офатдин саломат қолгай. Ва илло офатлар ва бусур ва қуруҳларга мубтало бўлғайлар ва ё бирлари мубтало бўлғай. Ва бу иш ҳўб тажрибаи комил бирлан мутаҳаққиқ бўлмаса, фақат заъам бирлан фасдга журъат қилмоқ сазовор эрмас.

Аммо ҳоизадин фасд қилмоқнинг мамнуълиги икки сабаб бирлан экани юқорида мазкур бўлдики, фасд сабабидин имола ҳосил бўлуб, ҳайз қабл аз вақт тўхтамоғидур. Ва бири агар қон сайлонда давом этса заифлик ориз бўлмоғидур. Бас, агар бу икки эҳтимолнинг воқеъ бўлмаслигиға амният бўлса бундин фасд қилмоқ раво бўлур.

ВА ОЛТИНЧИ ҚОНУН шулки, агар баданда имтило бўлса, аввало назар қилмоқ керакки, бадан қон бирлан имтилолик бўлганми ё ахлооти хоми балғамий бирлан имтилолик бўлганми? Зероки агар хом ахлотдин имтилолик бўлса ва андин фасд қилинса зарар қилур, балки ҳалок қилур. Ва бул сувратда модда пишмаса фасд қилиб бўлмас. Аммо сирф ва холис қондин бўлгон имтило бўлса назғға ҳожат йўқдурки, мужаррад асари зоҳир бўлиши бирлан фасд қилмоқ раводур.

Ва одамики, савдоси ғолиб бўлса ва тамоми баданда имтило асари бўлгон тамаддуди омм бўлса, андин аввал қон олиб, сўнгра мусҳили савдо бермоқ нофиъдур.

ВА ЕТТИНЧИ ҚОНУН шулки, қачонки баданда фосид қон бўлса ва миқдори андақ бўлса ва ани фасд бирлан ихрож қилмоқ лозим бўлса қонни камроқ олмоқ вожибдур. Ва сўнгидин физои маҳмуд тановули бирлан покиза қон ҳосил қилмоқға таважжуҳ қилмоқ лозимдур. Ва неча кун муҳлатдин сўнг боз камроқ миқдор қон олмоқ лозимдур. Ва сўнгра боз физойи маҳмуд тановули бирлан солиҳ қон ҳосил қилмоқға таважжуҳ қилмоқ зарурдур, ҳоказо шул тартибда фасд қилмоқ лозимдур, токи фосид қон ҳаммаси хориж бўлғай. Ва покиза қон маҳфуз қолгай. Зероки табиатнинг шаънидурки, ихрож вақтида имкон борича покиза қонни хориж бўлмоқға қўймас ва маҳфуз тутқай. Ва ҳама таважжуҳни фақат фосид қоннинг дафъиға сарф қилур. Магар ул фосид қон бағоят ғализ ва

лузужатлик бўлса, бу ҳолатда ани дафъига муқтадир бўлолмас.

САККИЗИНЧИ ҚОНУН шулки, қачонки бир одамнинг баданидаги фосид қони бир узвига моил бўлса, шул узвга сайлон қилмоғи бир офати азимга боис бўладурган бўлса, шунинг учун қабл аз ҳудуси офат ул фосид қонни фасд бирлан ихрож қилмоқ зарур бўлса, бу қонни ҳам бир неча бора оз-оз олиб турмоқ вожибдурки, амнийят шу сувратда бўлур. Ва баякбор олмоқ дуруст эрмас. Ва ҳар бор фасд қилгондин сўнг то сўнгғи фасдгача миёнада физойи солиҳ бирлан хуни солиҳ таъсири учун тадбир қилмоқ лозимдур. Зероки маълумдурки, бир узвга йиғилмоқда бўлгон қон ўз қадри ҳиссасига ва ғализлигига нисбатан фасд вақтида камроқ чиқарки, асли ихрож мақсуд би-з-зот бўлгон шулдур.

Ва бир узвга моил бўлмай умум баданда тургон қон миқдориға ва рикқатиға нисбатан кўпроқ чиқарки, ани чиқмоғи ғайри мақсуддур. Бас, лозимдурки, фасд қилгонда мутаъаддид такрор бирлан кам-кам қон чиқарилғай, токи ғайри мақсуд қон кўп чиқиб кетмағай. Ҳар бор чиқгон ғайри мақсуд қон эвазига физои солиҳдин бўлгон покиза қон қелиб, жабри нуқсон бўлуб турғай. Токи фосид қон чиқиб тамом бўлгунча ғайри мақсуд қон камаймасдин нуқсони тўлиб турғай.

Ва билмоқ керакки, агар баданда солиҳ қон кам бўлса ва ахлооти фосид кўп бўлса, бу тақдирда фасддин ижтиноб вожибдур. Зероки зоҳирдурки, агарчи табиат ҳарчанд фосидни дафъига ва солиҳни ҳибсиға таважжуҳ қилса ҳам қоннинг ҳаммаси табиатнинг тасарруфида маҳсур бўлмоғи мумкин эрмаски, ҳама солиҳни ҳама фосиддин батамом ажратиб ҳибс қилса. Бас, шундоғки бўлса, албатта солиҳ қон фосид қонга бир миқдор қўшилуб чиқмоғи ҳам зарурдур. Ва шак йўқдурки, солиҳ қон ғоятда кам бўлса андин кам миқдор чиқмоғи ҳам маслаҳат бўлмас. Ё Рабб, қандоғ зўр ҳожат бордурки, шул қадар шароитнинг мулоҳазаси бўлатуриб, яна фасдга рухсат берилса.

ВА ТУҚҚИЗИНЧИ ҚОНУН шулки, қачонки, фосид

қонға сафро таъсиринин аралаш бўлуб, қон фасодиға шул сафро боислиги ихтимоллик бўлса ва қонни фасд қилмоқ лозим деб билсалар, аввал назар қилмоқ керакки, сафро-нинг миқдори зарар қилгонми ё кайфийяти зарар қилгонми? Бас, агар миқдори голиб бўлуб зарар қилгон бўлса, ани қай ва ё исҳол бирлан аввал танқия қилмоқ лозимдур. Ва агар кайфийяти голиб бўлса, таскини ҳиддат ва татфийайи ҳарорат қилмоқ керак. Сўнгра фасд қилмоқ керак, токи муддао беазият ҳосил бўлғай. Ва танқия лозим бўлгон сувратда зоҳирдурки, батариқайи қай танқия қилмоқға шундоқ вақтда ҳожат бўлурки, сафро меъда атрофида бўлса. Аммо агар моддаи сафро, масалан, қўлда бўлса анга қай қилмоқ зарар қилурки, кўп шиддатлик ҳаракат бирлан андак сафро хориж бўлуб, ҳожатға кифоя қилмас. Аммо ҳаракатинин кўп озор ва заифлик ориз бўлур.

ВА ЎНИНЧИ ҚОНУН шулки, агар модда ғализ бўлса ва фасдға эҳтиёж бўлса, аввало ҳаммомға тушмоқға буйруқ лозимдур. Ва зуфо ва ҳошо қўшуб қайнатилгон сиканжубини мулаттифлардин ичмоқға буюрмоқ лозимдур, то модда латиф бўлғай. Сўнгра фасд қилмоқ раводурки, бу тадбирда атиббои қадим ва атиббои жадид - ҳаммалари муттафиқдурлар. Аммо пиёда юрмоқ атиббои қадим наздларида тадобири мулаттиф жумласидин бўлуб, ушбу ҳолатда бўлгон кишиларни пиёда юрмоқға амр қилгондурлар. Аммо мутааххириндин баъзилари пиёда юрмоқдин манъ қилгондурлар. Ва бу ҳолатлик кишиға пиёда юрмоқдин сокин турмоқ авлороқ дегандурлар.

ЎН БИРИНЧИ ҚОНУН шулки, ҳар гоҳ фасд қилмоқға музтарлик бўлсаки, иситма ё ахлоти радиъа сабабидин қувват заиф бўлатуруб, фасдсиз чора мумкин бўлмаса боядки, қонни юқорида мазкур бўлгон каби батафорик олинғай, то модданинг ихрожи қувватнинг риояси бирлан ёр бўлғай.

Ва билмоқ керакки, фасдда томурни зийқ очмоқ қувватни ҳифз қилмоқда асари зўрдур. Лекин гоҳи бўлурки, моддаси ғализ бўлур. Ва ҳарчи рақикроғи чиқар ва ғализи ва касфи ва кадари боқий қолиб, зарар қилур.

Бас, фасд вақтида ва ё васиъ очмоқ учун моддани рақик ва ғализлигини таҳқиқ бирлан шул мулоҳазани фаромуш қилмаслик лозимдур.

Ва махфий қолмағайки, фасдни васиъ очмоқ ғашийға тезроқ етқарур. Ва танқияни комилроқ ва жароҳатни битмоғи кеч ҳосил бўлур. Би-л-жумла семиз одамдин фасд қилмоқда ё совуғ вақтда фасд қилмоқда ва моддаи савдони фасд қилмоқда ва ё бошқа моддаи ғализни фасд қилмоқда ё фақат қонни зоҳирға чиқармоқ учун фасд қилмоқ вожиб бўлса васиъроқ очмоқ лозимдур. Ва васиъдин мурод мўътадил замонда вожиб ул-ихрож бўлгон қоннинг хуружиға кифоя қиладурган даражалик мўътадил очмоқдурки, фасдға моҳир кишилар наздида маълумдур.

Аммо ориф кишидин фасд қилмоқда ва ё иссиқ вақтда фасд қилмоқда ғаший воқеъ бўлмоқ хавфи бўлгон вақтда ва ё қонни бир тарафдин бошқа тарафға фасд қилмоқда, чунончи руьоф қонини имола қилмоқда тангроқ очмоқ керакки исҳол баҳсининг охирида фасдға ҳам исҳолға ҳожат бўлса, қаю бирини аввал қилмоқ лозимлиги хусусида муфассал баён қилурмуз, иншааллоху таъоло.

НУКТА. Фасдда васиъ очмоқ ғашийға яқинлигиға баъзилар ирод қилиб фасдни васиъ очмоқ ғашийға ва заъфға мўвжиб бўлмоғи учун фақат васиъ очмоқда руҳ кўпроқ хориж бўлур, демоқдин бошқа сабаб кўрсатмагандур. Ваҳоланки, руҳ латифдур. Ва латиф нимарсанинг наздида маҳражнинг васиъ ва зийқлиги фарқсиздурки, зийқдин ҳам хориж бўлур, деб ўз нусхаларида ёзганлари манзур бўлди.

Ва дарвиш бу иродға ҳам ҳасби тоқат жавоб ёзиб ўтмоқни лозим кўрдим. Ва жавоб шулки, ло нусалимки, латиф наздида ҳам васиъ ила зийқ бефарқ бўлса балки зоҳирдурки, латиф ҳам васиъдин кўпроқ ва зийқдин камроқ чиқмоғи бадихийдур. Ва яна бунга илова васиъда тафарруқи иттисол кўпроқ ва анга мутаносиб озор ҳам кўпроқ воқеъ бўлур. Ва табиатнинг шаънидурки, баданнинг қаю нуқтасида осиб ва озор бўлса, шул нуқтаға мутаважжиҳ бўлур. Ва таважжуҳи

хам баҳасби осиб ва озор бўлурки озор нақадар кўпроқ ҳосил бўлса, табиат шул қадар тезроқ ва жиддийроқ моил бўлур. Ва табиат нақадар кўп моил бўлса руҳ ҳам анга табъан моил бўлур. Бас, фасди васиъда озор ва осиб кўпроқ бўлур, бинобарин табиат ва руҳ кўпроқ мунга моил бўлур. Ва кўпроқ моил бўлган руҳни катта тешукдин чиқмоғиға ҳаргиз камроқ моил бўлгон руҳни кичкина тешукдин хориж бўлғони баробар миқдорда бўлолмас, албатта фасди васиъдин хуружи руҳ кўпроқ бўлмоғи шубҳасиздур. Ва фасди васиъни шашийға яқинроқ бўлмоғи шул сабаб бирландур.

(ИСИТМАЛАРДА ҚОН ОЛМОҚ ҚОНУНЛАРИ)

ФОИДА. Иситмаларға мувофиқ вақтда фасд қилмоқ аҳкомининг баёнидадур. Ва бул ҳам уч қонунға мужтамилдур.

Биринчи қонун шулки, шиддатлик қизиб турган иситмада ва бошқа беҳиддат иситманинг ибтидосида ва иситма тутадурган навбат кунида фасд қилмоқдин ижтиноб лозимдур. Аммо шиддатли иситмада фасддин ижтиноб вожиблигига неча нимарса сабабдур. Бири шулки, бундоғ ўткир иситмаға сафронинг ғалабаси сабаб бўлур ва қон ғалабаси бу қадар шиддатлик илтиҳобға сабаб бўлолмас. Бас, анга танқийайи сафро лозимдур, фасд лозим бўлмас.

Ва иккинчи сабаб шулки, фасд қилғонда сафронинг ҳиддатиға фи-л-жумла муқовамат қилиб нақз етказиб турғон қон хориж бўлур. Сўнгра сафронинг ҳиддати кучайиб, илтиҳоби яна зўрайиб кетар.

Ва учинчи сабаб шулки, бундоғ шиддатлик иситмада қувватлар таҳлил топиб камайиб турар. Бас, бу ҳолда фасд қилмоқ раво эрмаски, қувватларни зиёда таҳлил берур. Аммо ҳиддатлик моддаси бўлмоғон жамиъий иситмаларнинг ибтидосида фасд қилмоқдин ижтиноб қилмоқнинг сабаби шулки, агар ул иситмада қон ғолиб бўлмаса важҳи зоҳирдур. Ва агар қон ғолиб бўлса иситмасини камлиги далилдурки, моддаси ҳануз ғализдур. Ва зоҳирдурки, андин қонни ихрож қилмоқ бурудатни мўвжиби бўлғони учун яна моддани ғилзатиға сабаб бўлур. Хусусан агар қонни кўпроқ ихрож қилинса модда

кўп ғализ бўлур. Ва ани назжи кўп қийин бўлуб, касални ё ҳалок ва ё кўп узоқ муддатга давомиға сабаб бўлур. Аммо агар қонни камайтирмоқ учун фасд қилиб, қонни озгина олинса анга музойақа бўлмас. Зероки андин табиатға андак енгиллик ҳосил бўлуб, маразға ғалаба қилмоғи ва моддани назжиға тезроқ мутаважжиҳ бўлмоғи мумкин бўлур. Ва лекин агар ҳиддати бўлмоғон иситмада моддаси назж топғон бўлса, ул моддани чиқармоқ учун фасд қилинса кўп нафъ қилурки, фасд истифроғи куллийдур. Хусусан агар қон ғолиб бўлса нафъи яна зоҳирроқдур. Аммо иситма тутадурган навбат кунда фасддин ижтиноб қилмоқни сабаби шулки, бир кунда табиат касалға муқовамат учун мутаважжиҳ бўлур. Бас, бу кун бир фасд бирлан тамом моддани хориж қилмоқ албатта мумкин бўлмас. Балки моддани табиатға қарши ҳаракатға киргузмоқ табиатнинг изтиробиға ва мизожнинг заифланмоғиға сабаб бўлур.

ВА ИККИНЧИ ҚОНУН шулки, агар иситма касалида ташаннуж ҳам ёр бўлса ҳам андин фасд қилмоқға ҳожат бўлса, аввало сабаби ташаннужни таҳқиқ ила ташаннужи ёбис ёки ташаннужи ратаблигини муқаррар қилмоқлиги лозимдур. Бас, агар ташаннужи ёбис бўлса, фасдни мавқуф қўймоқ лозимдур. Зероки то иситма бадандин обиятни қуритуб, шул жумладин пайларнинг рутубатини ҳам қурутмаса ташаннужи ёбис пайдо бўлмас. Ва яна бунга иловатан ташаннуж уйқусизликка ва бағоят кўп терлашға ва қувватнинг соқит бўлмоғиға боис бўлур. Бас, бу ҳолатларни устиға фасд қилиб яна баданни қурутмоқ ва боқий қувватни соқит қилмоқ хатоғи азимдур. Аммо агар ташаннужи ратаб ва балғам ғолиб бўлса, бу тақдирда ҳам фасд қилмоқ раво эрмас. Зероки то пайларға заифлик ориз бўлмаса ташаннуж пайдо бўлмас.

Бас, пайларнинг заифлиги ва балғамнинг ғалабаси собит бўлатуриб фасд қилмоқ яна пайларнинг заифлигиға ва балғамни зиёда ғалабасиға боис бўлур. Магар ташаннужи ратаб бўлуб қон ғолиб бўлса, бу тақдирда камроқ ихрож қилмоқ шарти бирлан фасд қилмоқ жоиздур.

Зероки уйқусизлик ва кўп терлашлик ва қувватни соқит қилмоқ ташаннузнинг лозимасидурки, бу ҳолатда кўп қон чиқармоқ бу лозималарнинг издийодиға боис бўлур.

ВА УЧИНЧИ ҚОНУН шулки, агар ҳуммойи йавм касалида фасд қилинса қоннинг камроқ чиқармоқ лозимдур, яъни қон баданда мўътадил миқдор даражаға келмоғидин муқаддам ҳануз ғолиблик вақтида тўхтатмоқ зарурдур, токи ғолиб қонни боқий миқдори то иситма зоил бўладурган вақтғача ғизойи баданға даркор бўлғай. Ва кўп ғизо тановулиға ҳожат бўлмағайки, кўп ғизо тановул қилмоқда ғизони ҳазм вақтидаги меъдада қайнамоғи ва анинг бухороти иситманинг бетоқатлигини зиёда қилур. Ва руҳ ва қувватларнинг кўп таҳаллулиға ва заифланмоғиға боис бўлур. Ва зоҳирдурки, агар қон баданда мўътадил ҳолға келгунча ихрож қилинса, бас, бу сувратда ғизони кам тановул қилмоққа амр қилинса ҳеч шак йўқдурки, табиат баданға ғизо еткурмоқда ночор мўътадил миқдор қоннинг сарфиға таважжуҳ қилур. Ва мўътадил қон иътидолдин камаймоқға музтар бўлур.

Ва маълумки, қоннинг иътидоли ҳар ҳолда матлубдур. Ва иътидолдин ифроти ва тафрити фасоддин холий эрмас. Ва агар қон иътидолдин камаймасин учун ғизо тановулини ошурмоқға амр қилинса ғизонинг кўплиги бетоқат ва беоромликни зиёда қилурки, ваҳҳи мазкур бўлди.

Аммо ҳуммойи сунухусда, яъни фақат солиҳ қоннинг миқдори даражаи иътидолдин ифрот даража зиёда бўлгон сабабидин ориз бўлгон беуфунат иситмадин фасд қилмоқда ҳам қонни кам чиқармоқ, албатта лозимдурки, баданда боқий қон мўътадил даражадин ғолиб қолғай. Ва атиббонинг сунухусдин фасд қилғонда қонни кўп миқдор олмоқ керак, деган ҳукмлари бизнинг мақсудға хилоф бўлмас. Зероки аларнинг муроди миёнада таваққуф бирлан бир неча дафъа фасд қилмай, бир дафъада кўп миқдор қон ихрож қилинсунки, бу касрати миқдор боиси ғаший ва мувжиби заъфи қувват бўлмас демоқдур. Аммо иътидол даражадин кам қолгунча ихрож қилунсун демоқ раво эрмас, балки зотан қоннинг ифрот дара-

жа ғолиблигига назаран бир одамдин ихрож қилинғон қон зоҳиран кўп миқдор бўлмоғи, лекин баданда мўътадил даражадин ҳануз ғолиб даражада боқий қонга назаран кам миқдорлиги мумкиндурки, бу қиллат ва касрат ҳайсияти мухталиф сабабдин бир-бирига зид ва мунофий эрмас.

ИНТИБОҲ. Агар қоиле ирод қилсаки, ҳуммои сунухус уфунат пайдо қилмоғон солиҳ ва табиий қонни баҳасби миқдор ғолиблигидин ориз бўлғон иситмадур. Бас, бундин фасд қилмоқда иътидол даражадаги қон боқий қолғунча чиқармоқ мамнуъ бўлса ва физойи бадан учун мўътадил қон масруф бўлуб, иътидолдин яна камаймоғининг мулоҳазаси лозим бўлса, эмди ҳуммойи мутбиқаки, қонни уфунатидин ҳодис бўлур ва ҳам уфунати сабабидин анда таҳлил кўпроқ бўлур. Бинобарин физои бадан учун табиат ани кўпроқ сарф қилур. Бас, бундин фасд қилмоқда қонни ихрож қилмоқ миқдори сунухусдин ихрож қилмоқ миқдордин камроқ бўлмоғи лозим эди. Нима учун ҳар иккисида ҳам баданда боқий қолғон қон иътидолдин қолмаслиғини бетафовут шарт қилинди деса, жавоб шулки, ло нусаллимки, ҳуммои мутбиқада бадан физоси учун аввал қон кўпроқ сарф бўлса ёки физойи баданга ноқобил ва ғайри табиийлик сабабидин асло, сарф бўлмас. Ва табиат ани ҳаргиз жазб қилмас, балки фақат ани уфунатдин ислоҳ қилмоқға ва таҳлилдин мумкин қадар манъ қилмоқға таважжуҳ қилур. Ва шунинг учун ҳуммойи мутбиқадин фаст қилмоқда баъзи атиббо муболаға қилмоқни ҳатто баданда мўътадил даражалик қон қолғунча кўп чиқармоқни тажвиз қилғондурлар. Хусусан агар сийдуги қизилға моил рангда бўлса ва томури йўғон ва юзи мунтафих бўлса қонни кўпроқ ихрожини муносиброқ кўргандурлар. Магар иситмаси шиддатлик ва илтиҳоблик бўлса, ул тақдирда қонни камроқ чиқармоқ авлодурки, сабабини баён қилдик.

Ва билмоқ керакки, агар сийдуги суюқ ва оловранглик ва юзи ҳам касални ибтидосига назаран сўлғон бўлса зинҳор фасд қилмағай. Агарчи иситмаси мутбиқа бўлса ҳам, зероки сийдукнинг суюқлиги қоннинг камлигига далилдур. Агар буй-

ракда судда воқеъ бўлмоғон бўлса юзнинг сўлмоғи қондин холий бўлуб, гўштда тахалхул ва ҳоволлик ҳодис бўлғониға ва рутубат осонлик ила тез таҳлил топиб турғониға, вақтни ва қувватни заифлиғиға далилдур. Ва зоҳирдурки, бундоқ ҳолда қон олмоқ раво эрмас. Магар сийдикни суюқлиғи магар буйракда судда воқеъ бўлуб, мажронинг танглигини қоннинг сели ўтолмай қолиб, холис мойиятиғина сузулиб ўтгондин бўлса ва юзда сўлғонлик бўлмаса иситма мутбиқа бўлуб, уфунатли қоннинг ғалабаси муқаррар бўлса фасд қилмоқ вожиб бўлур.

Ва ҳар иситмаики, анда шиддатлик ларза бўлса, яъни безгак бўлса зинҳор андин қон олиб бўлмас. Зероки шиддатлик ларза далолат қилурки, совуқ хилт уфунат пайдо қилғондур. Масалан, балғам ёки савдонинг уфунатидин ҳосил бўлғон бухороти титратур. Чунки сафронинг уфунати фақат одамни кериштирар ва титратмас. Аммо қонни уфунатида ҳаттоки керишмоқ ҳам бўлмас, магар нодиран бўлмоғи мумкиндур. Ва титратмоқ фақат совуқ хилтнинг уфунатиға хосдур. Бас, совуқ модданинг таъаффуни учун фасд қилмоқ раво бўлмас. Агар совуқ хилтда уфунат воқеъ бўлса ҳам, лекин анга қон қолиброқ бўлса маризнинг ёши ва одати ва фасл тақозо қилса, ул тақдирда фасд қилуб андақ қон чиқармоқ раво бўлур. Хусусан мутаъаффин модданинг назжи зоҳир бўлса ва илло фало.

Ва безгақдин фасдни манъиға яна бир важҳ шулки, безгакка таҳлилнинг кўплиғи лозимдур. Бас, кўп таҳаллулнинг устига яна фасд қилмоқ раво эрмас. Ва табибнинг ҳамма таважжуҳи шул маъниға масруф бўлғайки, фасд қилмоғи сафронинг ғалабасиға ва балғамнинг хом қолмоғиға сабаб бўлмағай, яъни ҳар вақт иситма ҳиддатлик бўлса ва сийдуги оқ ва суюқ бўлса ва сафро ғоятда шиддатлик бўлса, андин фасд қилинмасинки, фасди сафронинг ғалабасиға мўвжиб бўлур. Ва инчунин иситмаси ҳар вақт балғамдин бўлса ва балғами хом бўлса фасд қилинмасинки, қоннинг чиқмоғи балғамни

хомлигининг издийодиға ва назж ҳосил қилолмаслигиға ва ўзга қонга ғолиб бўлмоғиға боис бўлур.

ИНТИБОҲ. Ҳар гоҳ иситма касалдин қон олмоқ вожиб ва табиб бемор ҳузуриға ҳозир бўлса ва фасд учун бошқа бир монъелик бўлмаса агарчи касалнинг ибтидосиға тўрт кун бўлуб ўтган бўлса ҳам бетааммул фасд қилмоғи лозимдур. Ва баъзи атиббонинг “ла сабила илайҳи баъда-р-рабиъи” деган сўзларини эътибордин соқит билғай. Ори ҳар на қадар тезроқ ва муқаддамроқ фасд қилмоқ авлодур. Лекин агар муқаддамроқ фасд қилмоқ мумкин бўлмаган бўлса ҳар вақт ҳам вақти фасддур. Башарти қувватнинг ва фасд учун вужуди ва ё адами вужуди зарур бўлгон нимарсаларнинг риояси бирлан бўлсаки, юқорида мазкур бўлди. Ва бу раъй Жолинуслининг ихтиёрий қилгон раъйидур. Ва Шайх ур-раис ва аксар мужаррабиннинг раъйлари ҳам шулдур. “Ва ҳаза хува-л-ҳаққ ъинди” (Бу менинг наздимда ҳақдир).

Ва билмоқ керакки, гоҳи бўлурки, иситма касалдин фасд қилмоқға ҳожат ҳам бўлмас, лекин фасд учун бир монъе ва хавф ҳам бўлмас. Чунончи сафронинг ғалабаси ва балғамнинг хом қолмоғи каби монъе ҳам бўлмас. Бас, шул тақдирда фасд қилуб андак миқдор қон чиқармоқ авлодур, токи фасд сабаби бирлан модда камайиб боқий моддаға ғолиб бўлмоқ учун табиат қувват ҳосил қилғай. Ва иситма зоил бўлғай. Аммо бу жасоратға маризнинг юзи сўлимоғи ва ёши тўлгонлиги ва қувватининг заифлиги мусоада бермаса фасд қилмоқ сазовор бўлмас. Ва ҳар гоҳ иситма қонни ифрот даража ғолиблигининг ориз бўлгон бўлса ва фасд учун монъелик бўлмаса ва касалнинг ибтидосида икки кун ўтган бўлса фасд қилуб, қонни кўп миқдор чиқарилса ақсар бўлурки, қон чиқиб турган вақтда иситма тамом зоил бўлур. Аммо биринчи ё иккинчи кунда фасд қилинса эҳтиёт шулки, кўп қон чиқарилмағайки, бу фурсатда моддани назжидин умид йўқдур. Ва анча қон моддасини ихрож қилмоқда назжга муҳтож эрмас деб, атиббонинг айтган сўзлари ва юқорида бизнинг ёзғонимиз бунга хилоф бўлмас. Чунки қон чиқармоқ ва кўп чиқармоқ бошқа

маънодур. Ва ҳам мутлақо чиқармаслик ҳукми бошқа. Ва азбаройи эҳтиёт бошқа маънодадур. Ва яна мумкиндурки, фақат қон ғолиб деган маризда қонға мағлуб бўлгон хилт беназжликда хориж бўлолмаи қолиб, кўп миқдор қон хориж бўлгондин сўнг ул мағлуб хилтдин асар зоҳир бўлса. Бинобарин қон чиқармоқ назжға ҳожат бўлмаса ҳам ушбу эҳтимолдин эҳтиёт учун кўп миқдор чиқармаслик зарурдур.

Ва иситма ориз бўлгон куни ҳам фасд қилуб қон чиқармоқ жоиздур. Ва лекин ул биринчи кун кўп миқдор чиқармоқ жоиз эрмас. Ва иккинчи куниға агар қон бошқа хилт бирлан аралаш бўлмаса ва бошқа монеъ бўлмаса кўп миқдор қон чиқармоқ ҳам жоиздур. Чунки қоннинг мизожи иссиқ ва ҳўлдур. Ва икки кунда назжи тамом бўлмоқға қобилдур.

ФОИДА. Фасддин ихтироз вожиб бўладурган аҳвол баёнидадур. Билмоқ керакки, кўп совуқ мизожлик кишини фасддин ихтироз қилмоғи вожибдур. Чунки совуқ мизожлик кишида қон бағоят кам ва балғам ғолиб бўлур. Ва шундоғ ҳолат бирлан фасд қилмоқ раво бўлмас. Ва инчунин ҳавоси зўр совуқ шаҳарда фасд қилмоқдин ижтиноб вожибдур. Зероки бундоқ шаҳарларда қон қуюқ бўлур ва ҳажми кам бўлур. Ва яна аксар фасд қилинса анга совуқ ҳаво зўр таъсир қилур ва фасд сабаби бирлан ҳарорати камайғони учун анинг дохилий баданиға ҳам совуқ ҳаво сирят қилур. Ва шунинг учун қиш фаслида фасд қилинмас. Ва инчунин шиддатлик алам баданға ориз бўлуб турғонда фасддин ихтироз вожибдур. Зероки шиддатлик алам руҳни кўп таҳлил берур. Ва қувватни бағоят заиф қилур. Бас, шул ҳолатда фасд қилмоқ руҳни ва қувватни бағоят заиф қилур. Ва яна шиддатлик алам вақтида модда ва шул аламлик узвға мутаважжиҳ бўлурлар. Ва бу ҳолда қилгон фасд моддани ўз тарафиға жазб қилур. Ва бу маъний табиатға халал беруб фасодға оид қилур. Аммо қачонки алам бир узви шарифға ва ё узви раисға ва аларға яқин бўлгон узвға варам пайдо қилур бўлса ва ё шул алам аъзойи ботинийнинг варам сабабидин ориз бўлгон бўлса, бундоқ вақтда мазкур ша-

роитни мулоҳазаси бирлан табиби ҳозик рухсат берса фасд қилмоқ вожибдур. Чунончи зот ул-жанб ва ғайруҳуда.

Ва инчунин ҳаммомдин сўнг бифосила фасд қилмоқдин ижтиноб вожибдур. Зероки ҳаммом бадандин аксар рутубатни ва андак руҳни таҳлил берур. Ва бу ҳолатда фасд қилмоқ руҳни яна кўп нуқсонига боис бўлур. Ва инчунин жимомдин сўнг фасд қилмоқдин ҳазар қилмоқ лозимдур. Зероки жимомни лозимаси бўгон ҳаракоти баданийя ва ҳаракоти нафсонийялардин руҳда кўп таҳлил воқеъ бўлур. Ва инзолда манийга ҳамроҳ бўлуб, кўп руҳ хориж бўлур. Бас, бу ҳолда фасд қилинса қонга ҳамроҳ бўлуб, яна руҳ бадандин хориж бўлмоғи кўп заифликга боис бўлур.

Ва инчунин ўн тўрт ёшга етмаган боладин фасд қилмоқдин ихтироз вожибдур. Зероки бу ёшдаги боланинг рутубати суюқ ва таҳаллулға осонлик ила қобил ва қони ҳануз пишиб, маҳкам бўлмоғондур. Ва балғами ғолибдур. Ва ҳам ўсмоқ ва баданига бадан қўшилмоқ учун муҳтож давридурки, бу ҳолат бирлан фасд қилмоқ раво эрмас. Лекин агар фасд учун ҳожат зўр бўлса ва фасддин ўзга чора бўлмаса ва ул боланинг тани обод ва жасади баркамол ва узлалари қаттиқ ва томури кенг ва тўла ва ранги қизил бўлса фасд қилмоқ мумкиндур. Ва биринчи фасд қилмоқда батадриж қон чиқармоқ лозимдур ва камроқ чиқариб тўхтатмоқ зарурдур, токи табиати қон чиқармоқға ўрганиб одат қилғай. Ва агар болада бу сифатлар бўлмаса ва андин фасд қилинса ани нумувсига зарар қилиб ўсмай қолур.

Ва инчунин қарилик ёшида ҳам фасддин ҳатта-л-имкон ихтироз вожибдур. Зероки бу ёшда ҳам қон кам ва балғам ғолиб ва заифлик зўр бўлур ва бу ҳол бирлан фасд қилмоқ нораводур. Магар фасд учун ҳожат зўр бўлса ва ё бағоят тан ободон ва пурқувват ва гўшти қаттиқ ва юзи қизил бўлса, ул тақдирда фасд қилмоқ раво бўлур. Лекин ҳаргиз кўп қон чиқарилмас. Зероки юқорида мазкур бўлдики, ҳатто ёш йигитлардин ифрот даражада қон чиқармоқ сазовор эрмас. Эмди шайхларға ифротни қандай имкони бўлғай?

Ва инчунин жуда ориқ кишилардин ва жуда семуз кишилардин ва ковак баданлардин ва оқлўст ва суштгўшт кишилардин ва сариқ ва камқон кишилардин мумкин қадар фасд қилмоқдин ижтиноб қилмоқ лозимдурки, ҳар бирини жудо-жудо баён қилинур.

Билмоқ керакки, оруғлик икки навъ бўлур. Бир навъи қоннинг камлиги сабабидин бўлур. Ва бу навъ чорасиз монези фасддур. Ва иккинчи навъи қоннинг ҳиддати сабабидин бўлур. Ва ул шул тариқа бўлурки, қоннинг ҳиддати табиатга макруҳ ва номарғублигидин ани табиат тасарруф қилмас. Ва бадан физоси учун баданга жазб қилмас. Ва бадан таҳаллулининг бадалига сарф қилмас. Бас, ночор ул қон томурларда махзун ва маҳбус бўлуб, кўп миқдор бўлуб, йиғилиб қолур. Ва бовужуди қоннинг кўплиги бирлан бадан физодин бебаҳра сабабдин бағоят даража ориф бўлур. Бас, бундоғ оруғ кишилардин қонни камайтурмоқ учун фасд қилмоқ ва ҳиддатни таскин бермоқ учун мутфий даволар бирлан совутмоқ раводур. Аммо ҳар икки навъ оруғликнинг миёнасидаги фарқи камқонликнинг лозимаси бўлгон аломатлар ва томурнинг ҳоли ва суштигидин ва баданнинг суст ва заифлигидин ва қоннинг ҳиддатида эса томурнинг тўлалиги ва қаттиглиги ва тез ҳаракати ва дохили баданда иситма каби ҳарорати хафифа борлиги соҳибига махсус бўлмоғи каби осор бирлан зоҳирдур.

Ва инчунин семизлик ҳам икки навъ бўлурки, шаҳмий ва лаҳмий бўлур. Аммо шаҳмий семиз маълумки, анда балғамнинг ғалабаси ва қоннинг камлиги сабабдин гўшт ўрнига ёғ ҳосил бўлуб, семурғондур. Бас, қоннинг камлиги ҳолда фасднинг нораволиги зоҳирдур. Аммо лаҳмий семизда яна маҳфий эмасдурки, гўштнинг кўплиги қонни томур ичида бўлгон ҳазми солиси баҳожат камол бўлгон сабабдин табиат ани жазб қилуб, физои баданга кўп сарф қилгон сабабдиндур. Ва маълумки, қон нақадар баданга тарашшуҳ қилиб, гўштлик ҳолатга мустаҳил бўлса шул қадар томурдин миқдори камаюр. Бовужуди камлиги бирлан фасд қилмоқ албатта раво эрмас. Ҳаттоки агар фасд қилинса томур холий қолмоқга мусталзим бўлур. Бас,

томурда нақадар бўшлиқ ҳодис бўлса, шул қадар хориждаги гўштларни оғирлигини сиқилиб ичидаги ҳарорати ғаризий-лари баданнинг тахаллули ва кавоклариға таралуб кетмоқ хавфи ҳам бордурки, бу ҳолат қотилдур. Ва бу хавф шахмий семизлар ҳақида ғалиброкдурки, гўшт каби ўз шаклиға ҳофиз ва мустақил эрмас. Балки бадан ҳарорати бирлан эриб турғони учун қаю тараф холий бўлса шул тарафға моил бўлуб, мунзагит қилмоқға қобилдур. Ҳам бу навъ семизда зотан қоң кам бўлғони учун фасд қилғонда томурнинг холий бўлмоғи осонроқдур. Бинобарин бундоқ семиздин фасд қилмоқни ашадди таъкид ила манъ қилғондурлар.

Аммо бадани бўш ва кавок бадан кишилардин фасд мамнуълиги маълумки, бу навъ кишиларда қон кам бўлур ва фасд қилғонда буларнинг аъзосидин қоннинг таҳлил топтоғи сабабдин қувватлариға заифлик зўр ориз бўлур. Ва инчунин одамики, камқонликдин қобили фасд бўлмоғонлар ва ёшлиқ ва ё пирлик сабабдин қобили фасд бўлмоғонлар ҳам шул қонунға дохилдурлар.

Ва оқ пўстлик ва суст гўштлик кишилар ва ё сариқ пўстлик қонсиз кишилардин фасдни мамнуълиги батариқаи авло хувай-додурки, камқонликдин албатта қобили фасд эрмаслар.

Махфий қолмағайки, пўстнинг сариғлиги икки навъ бўлур. Бир навъи шулки, баданнинг ҳам зоҳирида ҳам ботинида қон кам бўлур. Бинобарин баданнинг ранги сариғ бўлур. Ва иккинчи навъи шулки, баданда қон кўп бўлур. Лекин ғализликдин ва ё бошқа сабабдин тери тарафға чиқолмайдур. Бинобарин баданнинг ранги сариғ бўлур. Ва бу сариғлик фасдға монё бўлмас. Ва шунинг учун фасдға монё бўладурғон сариғ пўстликға қонсизликни қайд қилинди. Ва инчунин одамларики, касаллари узоқ вақтға давом этган бўлса алардин фасд қилмоқ жоиз эрмас. Зероки узоқ касалнинг лозимаси ҳазми заиф қилмоқдур. Ва узоқ вақтғача ҳазмнинг заифлиги албатта қоннинг нуқсонига боис, балки мувжибдурки, баданнинг таҳлилиға бадал етмаган бўлур. Ва андин фасд қилмоқ хатодур. Магар дохилдаги қонни фасоди зоҳир бўлса, ул вақтда

бақадри ҳол фасд қилуб, фосид қондин ихрож қилмоқ раводур. Ва лекин қоннинг ҳолига назар қилмоқ вожибдурки, агар гализ ва қора қон чиқиб баҳасби қувват ва зарурат ихрож қилинур. Ва агар суюқ ва пуштиранг чиқса дарҳол тўхтатмоқ вожибдурки, бундоғ қонни чиқармоқда зўр хатар бордур. Ва инчунин қорин тўқлик вақтида фасд қилмоқ мамнуъдур. Зероки гомурдин мустаффриғ бўлғон қоннинг эвазига ҳануз ҳазми комил бўлмоғон моддаи ғайри назижани томурға мунжазиб бўлмоқ хавфи бордур. Ва инчунин ҳануз ичаги тафлға тўла бўлғон вақтда фасд қилмоқ мамнуъдур, токи ичакдин ҳам баъзи фазлаи рақиқа мосориқо воситаси бирлан томурдин мустаффриғ бўлғон қоннинг эвазига мунжазиб бўлмағай.

Ва агар қорин тўқлик ва ичак тўлалик вақтида бир сабаби бирлан фасд қилмоқ зарур бўлса, боядки тадобир ила мазкур танқия қилуб, сўнгра фасд қилинғай. Ва зоҳирдурки, меъда ва анга яқин ичак ва бошқа аъзони танқияси учун яхшироқ тадбир қилмоқдур. Ва паст ичакларни танқияси учун яхшироқ тадбир ҳуқна ва мунга ўхшаш амаллардур.

Ва инчунин тухмада, яъни гизонинг ҳазмиға фасод ориз бўлғон вақтда фасд қилинмағай. Лимо зукира (Бу айтиб ўтилди).

Ва инчунин одамики, фами меъдаси закий ул-ҳис ва ё заиф бўлса ва ё меъдасида сафро кўпроқ бўлса ва ё меъдаси фузулни резишини осонроқ қабул қиладурган бўлса фасд қилмоқға зинҳор далирлик қилмаслик лозимдур. Хусусан бундоқ кишидин наҳор ҳолида фасд қилмоқда хатари азим бордур. Ҳаттоки, баъзиларини ҳалок қилмоқ хавфи бордур. Ва фами меъданинг ҳисси закий ва ўткурликнинг аломати аччиғроқ нимарсани ютганда озорни эҳсос қилмоғидур. Ва меъданинг заифлигининг аломати иштаҳонинг заифлигидур. Ва фами меъдада оғриқ маҳсус бўлмоғи ҳам меъда заифлигининг нишонасидур. Ва фами меъдада сафро кўпроқ бўлмоғи ва ё ўтдин келган сафрони меъда осонроқ қабул қилмоғининг аломати доим кўнгил айнамоғи ва офизнинг мазаси аччиғ бўлмоғи ва аксар сафро қай қилмоқ одатидур. Би-л-жум-

ла агар қачонки шундоғ одамдин баҳасби зарур қон олмоқ лозим келса, одамики фами меъдаси закий ул-ҳис бўлса ва ё фами меъдаси ахлот воридадин мутаассир бўлуб заиф бўлгон бўлса, аввал анга бир неча луқма покиза нонни нордон таъмлиқ қивомики, хушбўй бўлса, чунончи лиму қивоми каби ва ё бебўй нордон қивомки, анга хушбўй даво таркиби бирлан хушбўй қилингон бўлса. Чунончи зирк ва шотут қивоми ва ё сиканжубин каби қивомларики, давои афовийя¹ қўшуб хушбўй қилингон бўлса, шулардин мазкур нонни оғушта қилиб едурмоқ ва сўнгра фасд қилмоқ лозимдур. Ва агар меъданинг заифлиги мизожнинг совуқлигидин бўлса нонни мо ус-суккар, яъни ширин мураббо қивомики, афовийя бирлан хушбўй қилингон бўлса, анга оғушта қилиб едирмоқ, сўнгра фасд қилмоқ лозимдур. Ёки шароби наъноъи мумсик ва ё шарбати беҳи оғушта қилиб едирмоқ, сўнгра фасд қилмоқ ҳам раводур.

Ва одамики, меъдасида сафро пайдо бўладурган бўлса, аввало анга кўп миқдор иссиқ сувға ўткур таъмлиқ сиканжубин қўшуб ичируб қай қилдирмоқ ва сўнгидин неча луқма нонни мазкур сиканжубинга оғушта қилиб едурмоқ лозим. Сўнгра бир миқдор муддат истироҳат қилдируб, сўнгра фасд қилмоқ лозимдур. Ва фасддин сўнг лозимдурки, олингон қоннинг бадалиға қон еткурмоқ учун агар меъдаси гўштнинг жирмини ҳазм қилмоқға қувватлик бўлса бир неча кабоб едирмоқ лозимдур. Ва агар гўштнинг жирмини ҳазм қилмоқ шубҳалиқ бўлса чайнаб ютмоқға ва тафлини ташламоқға амр қилмоқ керак. Токи ихрож қилингон нотабийй қон бадалиға кабобдин табийй янги қон ҳосил бўлғай ва сафро голиб бўлуб қолмағай.

Ва билмоқ керакки, баъд аз фасд ғизони кўп миқдор бериб бўлмас. Зероки фасд сабаби бирлан меъда заиф бўлур.

¹ Афовийя — бамаънойи адвийи таййибаи ёбисаларнинг исми мутлақидурки, таомға хушбўй қилинур. Масалан, дорчиний ва ҳилдона ва кабоба ва қаранфул ва заъфаронлар кабидур.

ИНТИБОХ. Билмоқ керакки, иссиқ сув ва сиканжубин ичириб қай қилдурмоқ шул вақтда муносибдурки, сафро куюқ бўлса. Ва агар суюқ бўлса иссиқ сувдин совуқ сув муносиброқ бўлур. Зероки совуқ сув суюқ сафрога яхшироқ мухталит бўлур ва ҳиддатини камайтирар, ҳам меъдани касиф ва дурушт қилиб, қай қилмоқга муҳайё ва бақувват қилур.

ФОИДА. Бадандин сайлон қилғувчи қонни тўхтатмоқ учун зарур бўлгон фасдни ва беҳожат бўлгон фасддин пайдо бўладурган оризаларни баёнидадур.

Билмоқ керакки, қайни тўхтатмоқ яна қай қилдирмоқ бирлан ва исҳолни тўхтатмоқ яна исҳол қилдирмоқ бирлан ҳосил бўлурки, сабаби исҳол ва ё сабаби қай бўлгон модданинг ўзи ҳам сўнгги исҳол ва ё қай бирлан мундафиъ бўлур. Ва инчунин бадандин сайлон қилиб тургон қонни тўхтатмоқ ҳам яна қон олмоқ бирлан ҳосил бўлур. Масалан, бурундин руьоф қони ва раҳмдин истиҳоза қони ва мақъаддин бавосир қони ва ё кўкракдин ва ё баъзи жароҳатдин қон тўхтатмай сайлон қилиб турса ани тўхтамоқ фасд қилмоқ бирлан ҳосил бўлурки, қонни муҳолиф тарафга жазб қилур. Лекин бу фасдни жуда танг очмоқ лозимдур, токи танқиясидин имоласи кўпроқ бўлғай. Зероки бу вақтда танқия мақсуд эрмас, балки имола мақсуддур, яъни сайлон қилиб турган қонни муҳолиф тарафга жазб қилмоқ мақсуддур. Ва шунинг учун мазкурни батакрор оз-оздин чиқармоқ ва миёнада бир кун ўтказиб, иккинчи кунда яна фасд қилмоқ яхшироқдур, токи фасд батакрор бўлса ҳам, қувват соқит бўлмай маҳфуз қолғай.

Ва фасдни такрор қилмоқга амр қилмоқга сабаб сайлон қилғувчи қонни ҳануз тўхтатмогон бўлмогидур. Ва илло агар биринчи фасд бирлан сайлон мунқатиъ бўлса мурод ҳосилдур. Ва ё бошқа фасд қилмоқ раво бўлмас. Ва агар сайлон тўхтатмай такрор фасдга ҳожат бўлса ҳар бор фасд қилгонда бундин бурунги фасдга назаран қонни камроқ чиқармоқ лозимдур. Токи агар озроқ қон чиқмоқ бирлан сайлон мунқатиъ бўлмоғи мумкин. Ва муяссар бўлса зиёда чиқармоқда беҳожат исроф бўлмағай. Шунинг учун Шайх ур-раис алайҳир-раҳма

“таксуру иъдод ул-фасди авфақу мин таксири миқдариҳи”, яъни фасдни батакрор қилмоқ қонни кўп чиқармоқдин мувофиқроқдур, демишлар.

Ва билмоқ керакки, қонни кўп чиқармоқдин манъ қилмоқ сайлонни зўр бўлмоғон вақтига хосдурки, андак имола бирлан тўхтатмоғи умидлик бўлса ва тўхтатғондин сўнг давойи қобизлар бирлан маҳалли сайлон илтийоми мумкин бўлса, токи мақсуд андак қоннинг ихрожи ила ҳосил бўладурган кўп қон исроф ва нобуд бўлмаса. Аммо агар сайлон шиддатлик бўлуб, қонни камроқ ихрож қилмоқ ила муддао ҳосил бўлмаслиги қатъий бўлса, ул тақдирда бир дафъа фасд қилмоқда ҳатто гаший ориз бўлғунча қон чиқармоқ раводур. Зероки гашийда мизожни совумоғи бирлан қон ғализ бўлур ва ночор сайлондин тўхтатур. Ва давойи қобизлар бирлан маҳалли сайлон жароҳатини қурутмоқ ва битирмоқга имкон ҳосил бўлур. Чунончи майдони ҳарб мажруҳларида машҳуддурки, гаший ориз бўлса, қони тўхтар. Ва яна гашийнинг хосиятидурки, қонни ботин тарафга мутаважжих қилур. Чунки гашийда дилни муҳофазати учун дил тарафга мутаважжих қилур ва анга таъбийят бирлан қон ҳам мутаважжих бўлуб, хориж тарафга сайлони тўхтар. Баҳартақдир кўп чиқармоқга зарурат вақтидагина ижозатдурки, то шул қадар кўп чиқарилмоғон тақдирда сайлондин тўхтамоғи мумкин бўлмаса ва илло кўп қон чиқармоқни зарари зоҳирдур.

Аммо фасдки, иттифоқан беҳожат воқеъ бўлуб қолса зарари шиддатликдур ва сафрони зиёда қилур. Зероки бадандин рутубат камаюр. Ва фасд сабаби бирлан ахлот ҳаракатга кириб қизиб кетар ва баданда ўткир иссиғни ориз қилур. Бас, баданга ориз бўлғон зўр иссиқ бовужуди қиллати рутубат шубҳасиз сафрони кўзғалмоғиға сабаб бўлур. Ва яна тилнинг рутубатини қурилар. Зероки қоннинг камлиги ва сафронинг ғолиблиги бутун баданга қуруғлик эҳдос қилур. Лекин тилнинг рутубати бошқа бадан рутубатиға назаран бағоят латофатликдур. Бинобарин бошқа рутубатға назаран тезроқ таҳлил топқай. Ва ҳам танаффус бирлан хорижий ҳавонинг таъ-

сири анга муъин бўлур. Шунинг учун қуруқлик аввало тилда пайдо бўлур, би-л-жумла агар шундоқ иттифоқ воқеъ бўлса кашкобга шакар қўшуб ичирмоқ бирлан тадорук қилмоқ лозимдур, токи ҳам сафрони галаёнини таскин бермоқ ва ҳам қон ҳосил қилмоқ учун физо бўлмоғи бирлан нафъ қилғай. Ва агар физиқда бундин ҳам бақувватроқ бўлмоғи матлуб бўлса гўштлик шўрбо, хусусан жўжа шўрбосидин мазкур кашкобга қўшмоқ мумкиндур. Ва чала пишган тухумнинг сариғи ҳам нафъ қилур. Ва бошқа физодин парҳез зарурдур. Зероки физони кўп бермоқ сазовор эрмаслиги, чунки қон кўп чиқғони учун меъдани заиф қилмоғи зикр қилинди.

ФОИДА. Бир фасд тешугидин иккинчи дафъа қон чиқармоқ ва баъзи одамларики, алардин кечаси уйқуда фасд қилмоқ лозимлиги ва мажнунлардин фасд қилмоқ ва тангроқ очмоқ бир тешукдин иккинчи бора қон чиқармоқга тааллуқлик нимарсалар баёнидадур.

Билмоқ керакки, ҳар вақт фасд қилмоқда яна такрор фасд қилмоқ агар малҳуз бўлса ва бозу мафсилига наштар урмоғни хоҳласалар, боядки, томурни бўйиға қаратиб ёрғайлар, токи мафсилнинг ҳаракати жароҳатни очилмоғиға ва битиб қолмасиға сабаб бўлғай. Ва яна чокни каттароқ очмоқ лозимдур, токи тез битиб қолмағай. Шул тариқа бирлан битиб қолмоқни хавфи бўлса андак туз қўшилғон зайт ёғиға бир қитъа латтани олуда қилуб, жароҳат устиға қўйиб ани устидин боғламоқ керакки, зайт, балки ҳамма ёғлар ҳам жароҳатни битмоғини қийин бўлмоғиға сабаб бўлурлар. Зероки жароҳатнинг лаблари бир-бириға ёпишмоғиға ёғ монё бўлур. Ва зайтға туз қўшмоқнинг сабаби шулки, ёғнинг зарарини дафъ қилмоқға тадорук қилғайки, ёғларнинг шаъни суст қилмоқдур. Ва сустликнинг зарари бирлан жароҳатға фасод ориз бўлмоқдин туз ўз тажфифи бирлан ул сустликни зоил қилиб, уфунат ҳодис бўлмоғиға монё бўлур. Ва аксар жойда кўрилулки, фасднинг жароҳати йиринг ҳосил қилиб фасод олур. Сабаби шулдурки, фасд қилғувчи баъзи жоҳиллар фасд жароҳатиға бетуз холис ёғ қўюрлар. Бас, ёғни суст қилмоғи фасодға боис бўлур. Ва зайт ёғини

латтага олуда қилиб истеъмол қилмоқни фойдаси шулки, жароҳатни битиб қолмоғига монё бўлур. Ва бу тadbирлар ҳаммаси шундоғ вақтда лозим бўлурки, бу жароҳатдин яна бир неча муддат сўнг иккинчи дафъа қон чиқармоқ матлуб бўлса. Ҳатто агар иккинчи қон чиқармоқга ҳожат зўр бўлса ва жароҳат тез битиб қоладурган бўлса ва иккинчи қон олти соатдин сўнг чиқариладурган бўлса бир муроёоти мазкур лозимдур.

Ва билмоқ керакки, фасдин аввал фасд мавзеъини ёгламоқ наштар урғонда ориз бўладурғон оғриқни камроқ сезилмоғига ва жароҳатни тез битиб қолмасига боис бўлур. Ва ёгламоқ тариқаси шулки, зайт ёғига ва ё бошқа ёғни жароҳат маҳаллига хўб суртилур ёки шул мавзеъини ёғнинг ичига суқулиб сўнгра латта бирлан ишқаб суртилур, сўнгра наштар урилур. Сўнгра агар бир кундин сўнг иккинчи дафъа қон чиқармоқ матлуб бўлса, мақсудни ухламоқдин манъ қилмоқ лозим бўлур. Зероки табиатнинг афъоли уйқуда бақувватроқ бўлур, шунинг учун фасд қилдурган киши агар ухласа наштарнинг жароҳати уйқуда битиб қолур. Ва агар қиш фаслида фасд қилмоқга ҳожат зўр бўлса ҳавоси иссиқ уйнинг ичида фасд қилдирмоқ муносиброқдур. Ва агар уй мавжуд бўлмаса айвон ёки саҳнда фасд қилмоқга мувофиқроқ кун ҳаво очиқ ва шамол тўхтаган кундур. Ва агар бундоқ ҳам муяссар бўлмаса ва зарурат фасд қилмоқга музтар ва ночор қилса шимол тарафдин келадурган шамолга нисбатан жануб тараф шамоли фасд учун муносиброқдур. Аммо ёз фаслида фасд қилмоқ зарур бўлса қиш вақтидаги ҳукмнинг акси муносибдур. Зероки мақсуд фасд кунда ҳавонинг иътидолига яқин бўлмоғидур, токи табиийга ҳеч ташвиш ориз бўлмағай. Ва шамолнинг ҳаммаси ҳам агарчи инсоннинг баданига нисбатан совуғдур, лекин жанубий ҳаво шамолига нисбатан иссиғдурки, сабаблари “Мабҳаси риёҳ”да мафассал зикр қилинди. Бас, жанубий ҳаво қиш фаслида тасхини баданга боис бўлур ва шимолий ҳаво ёз фаслида табридга боис бўлур ва ҳаза хува-л-матлуб (бу эса мақсадга мувофиқдир).

Билмоқ керакки, агар ваҳмдор кишидин ва мажнун кишидин фасд қилмоқда, боядки кечаси ухлагон ҳолида фасд қилгайлар. Зероки кечаси уйку голиб бўлур. Шунинг учун фасд қилмоқ мақсуд эканига тезда огоҳ бўлолмаслар ва ғафлатлик вақтларида мақсуд беазият ҳосил бўлур. Ва илло асл мақсуд хоҳ кечаси ва хоҳ кундуз бўлса уйку ҳолатда фасд қилмоқдурки, ҳолати ғафлатдур. Зероки баъзи одам фасддин шул қадар қўрқадурки, фасд қиладургон одам ҳар онда қабл аз фасд кўнгиллари беҳузур бўлур. Бас, бундоқ кишидин бедорлик ҳолида фасд қилиб бўлмас. Ва инчунин мажнунлар фасдга бедорликда итоат қилмаслар. Ва мажнунларни кечаси фасд қилмоқни иккинчи фоидаси шулки, наштарнинг жарҳи тонг вақтиғача тезроқ битиб қолгай. Чунки гоҳ бўлурки, ақли зоил бўлгон кишига хаёли фосид голиб бўлуб, фасдни яна очиб қон чиқармоқни ўзига маслаҳат фаҳмлаб кўп қон чиқаргон сабаби бирлан ҳалок бўлурлар. Агар кечаси фасд қилинса уйку ғафлати бу хаёли фосиддин маҳбус тутар, то бедор бўлғунча жароҳати битиб қон чиқармоқ эҳтимоли узоқроқ бўлур.

Ва билмоқ керакки, фасд қилгондин сўнг ихрожи матлуб бўлгон қонни бир дафъада ихрож қилмоқ, баъзи жузвини мавқуф қўюб, иккинчи дафъада ихрож қилмоқ учун таъхир қилмоқ неча сабабга биноандур.

Биринчи шулки, беморни заифлигига биноандурки, агар матлуб бўлгон миқдор қон баякбора ихрож қилинса, анга беморнинг қуввати кифоя қилмас. Бас, ушбу ҳолатда беморнинг ҳоли тақозо қилгон миқдорни ихрож қилуб, бақиясини агарчи ҳафтадин сўнг бўлса ҳам муҳлат бериб ихрож қилинур. Токи бемор ҳамма қонни ихрожиға таҳаммул қилмоқга мустаъид бўлгай. Ва иккинчи дафъа ихрожнинг таъхирига аксар вақт сабаб шул заифлик бўлур.

Ва иккинчи сабаб шулки, баданнинг имтилосига нисбатан кўп миқдор қонни ихрожи лозим бўлур. Ва лекин моддаи матлуб ҳануз яхши пишмаган бўлур. Бинобарин биринчи дафъада андак имтилони камайтирмак учун зарурат озроқ қонни ихрож қилинур. Ва бақиясини назжиг мунтазир бўлмоқ лозим-

дур. Бас, бундоқ сувратда иккинчи дафъа ихрожни то модданинг назжи зоҳир бўлгунча таъхири вожиб бўлур.

Ва учинчи сабаб шулки, лозим уд-дафъ бўлгон модда узоғроқ узва маҳсур ва қамалгон бўлурки, бу дафъа фасд бирлан ул моддани чиқмоғи асло мумкин бўлмас. Бинобарин бир фасд бирлан андак миқдор қон чиқарилур, то қуввати табиийя огоҳ бўлуб, ҳаракатга киргай ва моддаи мақсудни узви мазкурдин ихрож қилмоқға таважжуҳ қилгай. Сўнгра томурни банд қилинур ва то ул моддаи мақсудни маҳалли мақсудға етиб келғониға мунтазир турмоқ лозим бўлур. ва қачонки табиат ул моддани пишуруб маҳалли мақсудға еткурғонининг асари зоҳир бўлса сўнгра иккинчи дафъада ихрож қилинур.

Ва тўртинчи сабаб шулки, баданда фосид қон кўп бўлур ва солиҳ қон озроқ бўлур. Бас, маълумки, фасд қилғонда солиҳ қон баданда қолиб, фақат фосид қон танҳо чиқмоғи мумкин эрмас. Шунинг учун бир дафъада ихрожи мақсуд бўлгон фосид қонни ихрожи ҳам мумкин эрмаски, фосид қондин бурунроқ анга аралашиб чиқгон солиҳ қон тамом хориж бўлмоғи ва ҳаёт мунқатиъ бўлмоғи лозим келур. Бинобарин биринчи дафъа фасд қилиб, бир миқдор қонни ихрож қилинур. Сўнгра бу дафъада ихрож ва зое бўлгон солиҳ қоннинг эвазиға физодин яна солиҳ қон ҳосил бўлуб, жабр нуқсонини тўлдиргунча таъхир қилмоқ лозимдур. Бас, қачонки жабри нуқсон бўлса ва нуқсоннинг аломати бўлган заифликки, биринчи дафъа фасддин ориз бўлгон эди, ул зоҳир зоил бўлса, иккинчи дафъа ихрож қилинур. Ва то моддаи фосиди тамом бўлгунча шул тариқа солиҳ қонға иъонат ва бадал еткузмоқ учун муносиб замон таъхир қилмоқ, сўнгра такрор фасд қилмоқ лозимдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, агар фасд қилмоқдин фосид қонни ихрож қилмоқ мурод бўлмай, балки бир тарафға жазб ва имола қилмоқ мурод бўлса, чунончи руъоф ва нафс удам касалларида қон жорий бўлуб турғон тарафидин бошқа муҳолиф тарафға жазб қилмоқ учун бўлса, биринчи фасд бирлан яна иккинчи қон чиқармоқни миёнаси фосила бўладурғон муҳлатнинг миёнасини мўътадили бир кундур. Магар

баҳасби муқтазойи ҳожат бир кундин камроқ ва ё зиёдароқ муҳлат ҳам жоиздур. Чунончи назф қоннинг сайлони зудроқ бўлуб, имола тезроқ ҳосил бўлмоғи зарур бўлса, бир куннинг уч ҳиссадин икки ҳиссаси ўтгандин сўнг, балки жуда зарур бўлса, уч ҳиссадин бир ҳиссаси ўтгандин сўнг иккинчи қонни чиқармоқ мумкиндур. Ва агар назжнинг қони озроқ ва сайлони оҳистароқ ва андак-андак бўлса, икки кун ва андин зиёда муҳлат ҳосила қилмоқ ҳам раводурки, бунинг ихтиёри табиби дононинг раъйиға муфаввиздур.

Ва фақири ҳақир¹ “Қонун”ни ва “Шарҳ”ларни батамом мулоҳазасидин сўнг хулосаи мақосидни таҳрир қилурман. Бинобарин нозирини киром наздларида баъзи таҳририм каломи Шайх алайҳир-раҳмаға мутобиқ кўринмаса ани каломи Шайхдин айнан таржима билмай, балки анга тафсир деб билғайлар. Ва беасос ва сушт деб гумон қилмоғайлар.

Ва яна билмоқ керакки, фасд қилмоқда наштарнинг кундлиги ва ё санъати номувофиқлиги ва ё бошқа сабаб бирлан алам ва озор на миқдор зиёда бўлса, фасднинг жароҳати шул қадар кеч битар. Чунки озор қуввати мултаҳимани заиф қилур. Ва агар наштарни ёғ бирлан олуда қилинғон бўлса, агарчи фасд вақтида озор кам бўлса ҳам жароҳати кеч битарки, ёғ анга монёь бўлур. Ва фасд қилғонда кўп миқдор қонни ихрождин ғаший ориз бўлғони каби биринчи фасдда кўпроқ қон олинғон ва ғаший ориз бўлмоғон бўлса, иккинчи қон чиқармоқда миёнадаги муҳлати камроқ бўлса ғаший ориз бўлур. Зероки андоғ муҳлатда икки бор истифроғ бешак заифлик эҳдос қилур. Магар ҳар икки истифроғ миёнасида бир бақувватроқ физо тановули бирлан андак қувват етқарилган бўлса, ул сувратда ғаший ориз бўлмай қолса мумкин бўлур.

Ва яна билмоқ керакки, биринчи дафъа фасд қилғондин сўнг яна иккинчи бора қон чиқармоқ матлуб бўлса ҳар икки қон миёнасидаги муҳлати фосилада ухламоқ моддани иккинчи

¹ Бу срда Боситхон табиб Ибн Сино ва бошқа табиблар ижодида учрамайдиган тажрибаларини баён қилган.

қонға қўшилиб чиқмоғиға монё бўлур. Зероки уйку ахлотни ботини бадан тарафга жазб қилур. Бас, агар иккинчи бора қон чиқармоқ андак мухлатдин сўнг ва ё бир кундин сўнг матлуб бўлса, албатта маризни бир кечалик уйкудин манъ қилмоқ лозимдур.

Ва фасддин сўнг яна иккинчи қон чиқармоқнинг яхшироқ ва муносиброқ вақти икки ё уч кундин сўнг бўлмоғидур. Зероки шул қадар мухлат ҳифзи қувват учун муносиброқдур. Ва зоҳирдурки, моддани бир дафъада ихрож қилмай, баъзи миқдорини иккинчи дафъага мавқуф қўймоқдин асл мақсуд ҳам азбаройи ҳифзи қувватдур.

ФОИДА. Фасддин сўнг риояси вожиб бўлгон ва фасддин бурун андин ижтиноб вожиб бўлгон нимарсалар баёнидадур.

Билмоқ керакки, фасд қилгондин сўнг бевосита ухламоқ икки важҳдин мамнуъдур. Бир важҳ шулки, уйкуда агар фасд қилингон қўлини босиб ётиб қолса томури сиқилиб, гўё боғлонгон каби қонни жазб қилмоғи ва қон жорий бўлуб, уйкуда қон сероб ҳалок бўлмоқ хавфи бордур.

Ва иккинчи важҳи шулки, фасд қилгонда қон ва бошқа ахлот ҳаммаси ҳаракатга кириб, алардин бухорот ҳосил бўлур. Ва ул бухорот таҳлил топмоғиға мунтазир бўлмай ухласа уйқуси бухоротнинг таҳаллулиға монё бўлур ва бухорот узларда маҳбус бўлуб, баданға дармонсизлик ва сустлик ориз қилур. Бас, фасд бирлан уйқунинг миёнасида фосила мухлат учун энг ақалли бир куннинг учдин икки ҳиссасидур. Ва агар оламики, уйкуға бағоят одат қилгон ва бу муддатғача бедор турмоғи мумкин бўлмаса би-з-зарур андоғ кишиға бир куннинг учдин бир ҳиссаси фосила учун кофий бўлур.

Ва яна фасддин бурун ҳаммомға тушиб, сўнг фасд қилмоқ ҳам икки важҳдин мумкин бўлмас. Бир важҳи шулки, ҳаммом баданни мулойим ва тойғоқ қилғони сабабдин фасд қилмоқ қийин бўлур.

Ва иккинчи сабаби шулки, ҳаммомнинг ҳарорати бирлан покиза ва солиҳ қонлар ғалаёнға кириб фасд қилгонда фосид қонға ва бошқа ахлотға нисбатан тоза қон кўпроқ хориж бўлур.

Аммо фасд қилдурғувчининг қони кўп ғализ бўлса, ани эритуб латиф ва сайлонға қобил қилмоқда ҳаммомға тушмоқ зарур ва яхши тадбирдур.

Ва яна фасддин сўнг тўйуб таом тановул қилмоқ икки ваҳҳдин мумкин эрмас. Бир ваҳҳ шулки, фасднинг лозимаси бўлгон заифликда агар тўйуб таом тановул қилса заиф аъзоға таом оғирлик қилур.

Ва иккинчи ваҳҳ шулки, баданда истифроғ сабаби бирлан ориз бўлгон нуқсоннинг бадали учун бадан ғизони қабл аз ҳазм жазб қилиб, баданда судда ва истисқойи лаҳмий эҳдос қилмоқ хавфи бордур. Бас, салоҳ шулки, фасддин сўнг икки-уч кунгача ғизони камроқ қилиб, сўнгра батадриж оддий миқдориға еткурмоқ лозимдур.

Ва яна фасддин сўнг меҳнат ва риёзатдин ижтиноб қилмоқни уч ваҳҳдин вожиб билмоқ зарурдур. Биринчи ваҳҳ шулки, фасд қилгонда ҳамма ахлот кўзғалиб саварон ва жўшға келур. Бас, фасддин сўнг агар меҳнат ва риёзат воқеъ бўлса ахлотни зиёда жўшға келмоғиға сабаб бўлур.

Ва иккинчи ваҳҳ шулки, фасдда ахлот ҳаракатга кириб, баданни қизитар. Ва риёзат ҳам қизитар. Бинобарин ул кишиға иситма ғолиб бўлмоқ хавфи бордур.

Ва учинчи ваҳҳ шулки, ҳаракат таҳлилни лозим тутар. Ва фасд моддани ихрож ва таҳлил қилур. Бас, агар фасд бирлан риёзат ҳаракати жамъ келса таҳлил икки ҳисса ҳосил бўлуб, шиддатлик завқ ва хўшкийят ориз бўлур.

Ва яна фасддин сўнг орқани ерга босиб осмонга қараб ётмоқ осонроқ ва афзалроқ. Зероки бу вазъийят заиф одамлар ҳақиға кўп муносибдурки, бу шаклда ётгон кишини бақувват амал ва ҳаракат учун ҳеч ҳожати бўлмас. Лекин роҳати зиёда бўлур. Аммо бошқа вазъийят бунинг хилофидур.

Ва яна фасддин сўнг истиҳмоми муҳаллилдин ижтиноб қилмоқни лозим билғайлар. Ва бунинг ваҳҳи айнан риёзат манъининг ваҳҳидурки, мазкур бўлди. Ва истиҳмоми муҳаллилдин мурод ҳаммомнинг иссиқ хонасида кўпроқ муддат турмоқ ва ҳаво истеъмолени камроқ қилмоқдурки, иссиқ

ҳаводин баданда таҳлил кўп бўлур. Ва сувни камроқ истеъмолидин баданга рутубат камроқ ҳосил бўлур. Аммо агар баданга тортиб ва таҳлилни мўътадил қилинса ани баъд аз фасд мамнуълиги наштарнинг жароҳати битганигачадурки, ҳаммомда қонни қизимоғи ва жароҳатни юмшатмоғи сабабдин жароҳатдин яна қон чиқиб кетмоқ хавфи бордур. Ва жароҳат битгандин сўнг ҳаммомга тушиб, сувни кўпроқ истеъмол қилмоқ ва иссиқ ҳавода камроқ ўлтирмоқ кўп нафъ қилурки, ҳаммомнинг андак таҳлили бирлан фасддин боқий қолиб, тери тарафга мундафиъ бўлгон фазла бўлса таҳлил топғай. Ва баданнинг тартиби бирлан фасд сабаби ила бадандин таҳлил топгон обийят учун бадали мои таҳаллул ҳосил бўлғай.

ФОИДА. Фасд сўнггиға мутааллиқ бўлгон вожиб ул-ҳифз аҳкоми куллийялар баёнидадур.

Билмоқ керакки, агар фасддин сўнг фасднинг ўрнига модда қуюлуб варам пайдо бўлса ва қуюлгон моддаси салим бўлса, яъни фасод ва ридоъат ҳосил қилмоғон бўлса ва ҳануз ҳам модда қўйилиб турмоқда бўлса дарҳол муҳолиф қўлдин яна фасд қилмоқ керак, токи бу тарафга мутаважжих бўлгон модда муҳолифга мунсариф бўлғай. Ва модданинг салимлигини шунинг учун қайд қилдимки, агар моддада ридоъат ва фасод бўлса ва хоҳ ул модда қўйилиб турмоқда бўлсин ва хоҳ қўйилмоқдин тўхтоғон бўлсинки, шул фасд қилингон қўлни бослиқ томуридин агар яна мумкин бўлса фасд қилмоқ ва илло шул қўлни бошқа томуридин фасд қилмоқ вожибдур. Зероки бундоғ зарар бериб тургон фосиди муфсид моддани шул варамлик узвин бошқа тарафга тортмоқ ва яна мувжиби фасод ва мувжиби ҳалокатдур.

Чунончи ҳақим Қарший ҳикоят қилибдурки, Димишқ шаҳри санайи ҳижрий 650 (милодий 1252 й.) да ва андин сўнг шундоқ иттифоқ келдики, мардум миёнасида қон ғалабаси ривож олгон эрди. Ва ҳар ким фасд қилдурса фасднинг маҳаллида қизил ранглик иссиқ варам пайдо бўлур эрди. Ва табиблар иккинчи қўлдин фасд қилмоқға буюрар эрдилар. Ва ҳар кимки иккинчи қўлдин фасд қилдурса ҳалок бўлур эрди.

Ва аксарлари иккинчи фасддин сўнг кечикмай ҳалок бўлур эрди. Ва жуда кам киши фасддин сўнг йигирма кунгача боқий бўлди. Сўнгра ҳалок бўлди деб, ёзғондурлар.

Бас, лозимдурки, бу хусусда бағоят эҳтиёт қилинғай. Ва фасд қилинғон қўлга варам ориз бўлғон тақдирда моддаи варамни таҳқиқ қилмай муҳолиф тарафдин фасд қилмоқға ижозат берилмаслик лозимдур.

Аммо агар варам ридоъат ва фасоддин салим бўлса ва модда резишдин тўхтағон бўлса ҳам шул варамлик қўлдин фасд қилмоқ бирлан танқия қилмоқ лозимдур, “Кама ҳува забитатун куллийатун фи танқийати фи-л-моддати-л-мунқатиъати-л-инсибаби”.

Ва яна упа марҳам ва бошқа ўткир мубаррид даволарни тило қилмоқда варам моддаси ридоъатдин холий бўлмоғини вожиб билмоқ лозимдур. Зероки ридоъатлик моддаға давойи қавийи ул-мубарридни тило қилмоқда моддани ичакға ва ё аъзойи шарифаға дафъ қилмоқ хавфи бордурки, боиси ҳалокдур. Зероки моддани ҳаракатға киргузғони учун иситмаға ва ё бошқа фасодға мувжиб бўлур. Бас, бу ҳолатда жалил ул-қадр тадбир яна такрор фасд қилиб зоид қонни чиқармоқдур. Бас, агар бу фасд кифоят қилса фабиҳо ва илло баҳасби ғалабаи худ истифроғ қилмоқ лозимдур. Агар одамики, анда қаро савдо қон кўпроқ ҳосил бўлса зоҳирдурки, ул киши тез-тез муддатда қон олдирмоқға муҳтож бўлур. Чунки хуни савдовий ўзини қуруқлик сабабидин аъзонинг табиатиға жуда макруҳдур. Ҳам агарчи миқдори оз бўлса ҳам баданға оғирлик қилур. Ва ани бадандин чиқармоқ дафъатан енгиллик берур. Лекин вожибдурки, бундоқ одамнинг кўп миқдор қони баякбор чиқарилмағай. Ва агарчи қоннинг рангида тағаййур пайдо бўлмаса ҳам ҳар бор кам-камдин қон чиқариб яна тўхтатмоқ лозимдур. Бир бор фасд қилғондин сўнг мусҳили савдо бирлан танқия ҳам қилиб турмоқ лозимдур. Зероки мусҳили савдо истеъмол қилмай қонни кўп чиқарилса қариган вақтда совуқ ва балғам зиёда ғалаба қилур. Ва сакта каби касалларни эҳдос қилур. Чунки қонни кўп чиқармоқ агарчи

ҳозирда савдони ихрожиға сабаб бўлуб, фоида қилса ҳам, лекин кўп қон чиқармоқ, рутубатнинг заволиға сабаб бўлур. Яна савдони ғалабасиға боис бўлур. Ва мизожни совутар ва ҳазмни заиф қилур. Бас, қариликнинг табиий совуқ ва куруқ мизожи бу мизожға қўшилса кўп навъ содда касалларни эҳдос қилур. Шунинг учун кўп миқдор қон чиқармоқдин ихтироз вожибдур.

Ва билмоқ керакки, аксар вожиб бўлурки, фасд иситма кўзғатур ва иситмаси уфунатни таҳлил берур. Чунончи баданда оз миқдор бир хилт уфунат пайдо қилғон бўлур, лекин бу хилт оз ва соз бўлуб, ҳеч зарари зоҳир бўлмас. Ва ул уфунат батадриж кучайиб кўп офатларға боис бўлмоғини гумон қилинғон бўлур. Лекин шул замонда фасд воқеъ бўлур ва мазкур хилтни ҳаракатга киргузуб иситма пайдо қилур. Сўнгра бу хилт аслида андак бўлуб, фасд сабаби бирлан яна камауб жуда андак қолғон сабабидин ул андак ҳам иситмаси бирлан таҳлил топар. Ва вуқуъи гумон қилинғон офатларнинг ҳаммасидин эмин бўлмоғиға шул фасд сабаб бўлғай.

Ва агар бир саҳиҳ киши фасд қилдурса назди атиббода ул кишининг ҳақиға ҳаммадин яхшироқ тадбир шулки, фасддин сўнг бир таом тановул қилиб, андин сўнг икки ё уч пиёла шароб ичғай ёки меъдаға ҳазм учун ёки физо меъдадин тез ўтмоғи учун иъонат берғай. Ва фасд сабабидин ориз бўлғон заъфни зоил қилғай. Ва шароб учун фасд қилдиғувчи одамға саҳиҳликни қайд ва шарт қилмоқликни сабаби шулки, баъзи касалики, анга баъзи сабабдин шароб ичирмоқ жоиз эрмас, алар бу ҳукмидин хориждурлар. Ва илло мариз фил-ҳақиқат қувватға саҳиҳдин ҳам муҳтожроқдур ва монё бўлмоғон тақдирда озроқ миқдордин шароб ичиб турмоқ аларни ҳақиға ҳам яхшироқдур.

ТАНБИҲ, Агар одамики фасоддин ғаший ориз бўлмоқ одати бўлса, фасдға ҳожат ҳам бўлса, анга фасддин бурунроқ қай қилдирмоқ вожибдурки, ғашийни қай манъ қилур ва инчунин ғаший ҳолатида қай қилмоқ сарий ул-асар танқиялар жумласидиндур.

ФОИДА. Фасд қилинадурган томурлар аҳкомининг ижмолий баёнидадур.

Билмоқ керакки, фасд қилинадурган томур албатта маълумки, ё аврида томуридин бўлур ва ё шароин томуридин бўлур. Ва аврида томуридин фасд қилмоқ машхур ва мураввиждур. Аммо шароин томуридин фасд қилмоқ чандон ривожлик ва машхур эрмас. Ва андин фасд қилмоққа атиббо ҳам беш хил сабабнинг андишасида камроқ журъат қилгондурлар. Чунончи биринчи сабаб шулки, шараёндин фасд қилгонда қон тўхтамай қолмоқнинг хавфи бордур.

Ва иккинчи сабаб шулки, шараёндин руҳ кўпроқ хориж бўлур. Зероки авридага нисбатан шароинда руҳ кўпроқ бўлур.

Ва учинчи сабаб шулки, шароиндин фасд қилмоққа ҳожатлик махсус касаллар жуда кам воқеъ бўлур.

Ва тўртинчи сабаб шулки, шароиннинг асл мабдаи дил бўлгон ваҳҳидин андин фасд қилмоқ дилни заиф қилур. Хусусан агар кўпроқ миқдор олинса ҳамма аъзони, хусусан дилни кўп заиф қилур.

Ва бешинчи сабаб шулки, шароиндин қон олмоқ аксар вақтда абурасмо касалининг худусиға сабаб бўлур. Зероки шароин жирмига воқеъ бўлгон жарҳнинг битмоғи қийин, бинобарин аксар вақт шароиннинг жароҳати битмай туриб, терининг жароҳати битиб қолур. Сўнгра шараёндин чиққан қон теридин чиқолмай қолиб терининг остида мужтамиъ бўлурки, буни арабда абурасмо ба бойи мувахҳада ва баъзилар анурасма ба нун, ва баъзилар умм уд-дам лафзи бирлан исм бергондурлар.

Ва билмоқ керакки, абурасмо ҳодис тақдирда томурни тангроқ очилгонлигининг ҳодис бўлур. Зероки томурни васиъроқ очилса ёки қон кўпроқ чиқарилса терининг битмоғиға шул қоннинг мурури монёъ бўлур.

ФОИДА. Кўлда бўлгон аврида томурлардин қон олмоқни тариқаси ва ани манфаатларини баёнидадур.

Булар олти навъ томурдурки, қийфол, акҳал, бослиқ, ҳабл уз-зироеъ, абгий, аслим исмлари билан машхурдур.

ОЛТИ ХИЛ ТОМИРЛАР БАЁНИ

КЙЙФОЛ ТОМИРИ. Аммо қийфол луғати юнониядурки, канора ва чет маъносидадур. Ва бу томур ҳам тирсакни юқори тараф четида ва бош бормоқни тўғрисида воқеъдурки, андин юқори тарафда ҳеч томур йўқдур. Бинобарин номи раги қийфол бўлгондур. Ва бу томурдин фасд қилгонда бош ва юз ва гардан қонлари чиқар. Бинобарин бу томурни форсийда сарору дерлар. Ва андин фасд қилмоқни тариқаси шулки, қўлни ҳаракат қилдирмоқ учун азуд устихонида воқеъ бўлгон узлани билак илкига мафсилга яқин жойдаги марбут ва банд бўлгон маҳаллидин юқорироқ маҳалида ва худ мафсил маҳаллидаги юмшоқ жойда бу томурдин фасд қилинур. Баинтариқаки, хўб эҳтиёт бирлан томурни ўртасига етар миқдордагина наштарни суқилур. Ва андин чуқурга ўткармаслик зарурдур, токи наштарнинг учи мазкур узлаға етиб бир зарар эҳдос қилмағай. Ва ҳам томур ҳар икки тарафдин тешулмағай. Чунки томурнинг зоҳир тарафдаги жарҳи хорижий ҳаво таъсири ва тарбияси бирлан тез ва осон ва безарар битар. Аммо дохилий тараф жарҳидин чиқгон қон хорижға чиқолмай ночор томурдин чиқгон андак миқдори гўштда жамъ бўлур. Бас, ул қонда ридоъат ва фасод бўлса, шу маҳаллдаги гўштни ҳам фосид қилмоқ ва яра пайдо қилмоқ хавфи бордур. Ва ҳам томурни дохил тарафидаги жарҳи хорижий ҳаводин мастур бўлғони учун битмоғи қийинроқ бўлур. Лекин томурни бўйиға тилиб, тешукни қаттароғ очмоқ зарурдур. Токи қон баҳасби муддао хориж бўлғай. Зероки бошқа томурларға нисбатан бу томурни жарҳи ғализроқ ва қаттигроқдур. Ва тангроқ очилгон тешук кифоя қилмас. Ва агар фасд қилғувчи биринчи дафъа наштар урғонда хато қилиб наштари томурға тегмай қолса иккинчи наштар урмағайки, иккинчиси варама эҳдос қилур. Ва агар бу томур мазкур маҳаллдин зоҳир бўлмасабунини шуъбасини бозунинг орқа тарафидин қидируб топмоқ мумкин бўлур.

Ва билмоқ керакки, атиббони бу томурдин фасд қилмоқ аслам ва камхатарроқ демоқлари мазкур маҳаллдин фасд қил-

моқға хосдур. Ва илло халқ миёнасида машхур топғон маҳаллки, мазкур узланинг охири билак иликиға марғуб бўлғон маҳаллга муҳозийдур, анда хатар ва зарар мазкурдин эминлик бўлмас. “Ли ихтимали исабати-л-жарҳи ьала-л-узлати”.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, мобиздин, яъни бозу узласи марбут бўлғон жойдин йўқорироқ жойдин фасд қилмоқ қоида-си қийфол томуриға махсус эрмас, балки акҳал ва бослиқ ва ибти томурларини фасдиға ҳам шомилдур, токи пайға ва шараёнға офат етмоғидин эмин бўлуб, қонни камо йанбағий чиқармоқға бу риоя боис бўлғай. Чунончи бу тўрт томурнинг ҳақида ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”да равшан баён қилиб “ҳазихи-л-арбаъату қад жарати-л-адату биан йуфсида ма йа-куну тахта-л-мабизи ва-л- вожибу ьан йакуну фавқаҳу ва за-лика лианна-л-бизъа иза кана-бихадаи-л-мабизи лам йасхул хуружу-д-дами мунзирқан лианна-л-йади туҳаррикат такаса-фа-л-жилду ҳунака фа-монаъа инзирақаҳу ва ин кана-л-бизъа тахта-л-мабизи лам йуъмин афати-л-асаби ва -ш-шараёни бисабаби касрати-л-узали ҳунака фамуниъа инзироқиҳи ва инқонал бизъу тахтама мабизи лам юъмин мин офотил аса-би ва-ш-шараёни би сабаби касратил-ъазали ҳунака фа-йаку-ну-л-хадару мин исабати-л-мабизиъи баъза шазайа ал-асаби-л-аксари ла муҳала”, яъни бу тўрт томурдин фасд қилмоқда бозу узласи банд бўлғон маҳаллнинг паст тарафидин томур-ни очмоқға одат жорий бўлғондур. Ваҳоланки ани юқори та-рафидин очмоқ вожибдур. Зероки ул марбут маҳаллнинг тўғри-сидин очганда қонни оқиб чиқмоғи осон бўлмас. Зероки қўл қачон ҳаракат қилса териси тамаддуд бирлан такосуф ва са-лобат ҳосил қилур. Ва қонни оқиб чиқмоғиға монъ бўлур. Ва агар марбут маҳаллнинг паст тарафидин очилса, бу маҳаллда узлалар кўплиги сабабидин шараён ва пайларға наштардин заҳмат ва офат ориз бўлмоғидин эминлик бўлмас. Бас, аларға наштар тегиб пайнинг кўп миқдор тораларидин баъзиси ке-силса чорасиз қўлга суслик лоҳиқ бўлур, дебдурлар.

АКҲАЛ ТОМУРИ

Аммо акҳал томури шулки, қийфолнинг паст тарафида

бозунинг ички тараф ўртасидин андак юқориға моилроқ маҳаллда воқеъдур. Ва ўзи ҳам қийфолдин ва ҳам бослиқдин мураккабдур. Шунинг учун акҳал исми бирлан мусаммодур. Зероки аҳли Юнон мураккаб нимарсани қаҳлобус дерлар. Ва акҳал қаҳлобусдин муштақдур. Ва баъзи атиббо бу томурда қон кўп бўлгон сабабдин ранги куҳул ул-лавн, яъни сурма ранглик кўринмоғи учун исми акҳал бўлгонини ва акҳал куҳулдин муштақ бўлгонлигини баён қилибдурлар. Баҳартақдир бу томурдин фасд қилинғонда қон махсус бир узвдин чиқмай, балки тамоми бадандин баробар келур. Шунинг учун бу томурни арабда наҳр ул-бадан ҳам дерлар. Ва форсийда ҳафт андом дерлар. Ва томурдин фасд қилмоқда наштарни чуқур урмай юзароқ урмоқ лозимдур. Чунки бунинг тагида пай ҳам мафсилни марбут қилиб турғон работ бордурки, анга наштар тегиб бир офат эҳдос қилмағай. Ва яна томурнинг бўйиға мувофиқ очмоқ лозимдур. Ва бир тарафға моил бўлмоқдин эҳтиёт қилмоқ икки важҳдин вожибдур. Бир важҳ шулки, гоҳи бу томурни икки жонибида гўё камонни ипидек тортилғон пай бўлур. Арабда ани асаби ҳанийя дерлар. Бас, агар наштар томурнинг бўйиға мувофиқ бўлмай моилроқ бўлса шул асаби ҳанийяға тегмоқ хавфи бордур.

Ва иккинчи важҳи шулки, наштар моилроқ бўлса худ томурнинг баъзи торалари кесилиб қўлни камқувватроқ бўлмоқ эҳтимоли бўлур. Ва ҳам томурни бўйиға мувофиқ очилса қон чиқмоғи осонроқ бўлур. Ва яна мобиздин юқорироқ маҳаллдин очмоқ лозимдурки, важҳи қийфолда мазкур бўлди.

Ва билмоқ керакки, гоҳ одамнинг акҳал томурининг устида ҳам ватрға ўхшаш юпқа ва ингичка пай тортилғон бўлур. Бинобарин акҳалдин фасд қилмоқда аввало буни хўб тафаҳхус қилмоқ лозимдур. Бас, агар шул пай борлиги зоҳир бўлса наштар урмоқда хўб эҳтиёт қилмоқ керак. Ва ҳар кимки, акҳал томури йўғонроқ бўлса, бу пай ҳам анинг устида зоҳирроқ бўлур. Ва қачонки бу пай зоҳирроқ бўлуб, анга жароҳат етса зарар ҳам кўпроқ бўлурки, хорижий ҳавонинг таъсири хорижий пайға кўпроқ бўлур. Ва агар барсабили хато мазкур

пайға жароҳат воқеъ бўлса, ани тадбири шулки, фасднинг жароҳати битмоғиға монёъ бўлуб турмоғи лозимдур. Ва шул миёнада фақат пайнинг жароҳатини битирмоқ муолажасиға машғул бўлмоқ вожибдур. Ва қўлнинг ҳаммасиға, хусусан наштар жароҳатининг атрофиға иссиқ ёғ суртиб турмоқ лозимдур. Ва хориж тарафдин хоҳ би-л-феъл ва хоҳ би-л-қув-ва совуқ нимарса тегмоғидин ва совуқ ҳаводин эҳтиёт қилиб ўраб, иссиқ сақламоқ лозимдур.

Ва маълумки, наштар жароҳатини битирмай турмоқдин мурад шул жароҳатни очиқ турмоғи сабаб мажруҳ пайға давонинг етмоғи осонроқ бўлмоғидур.

ТАНБИҲ. Акҳал ва қийфол томурунинг тагида ҳарчанд шараён томури аксар одамда бўлмаса ҳам, лекин баъзида нодиран шараён бўлур.

Чунончи бу хусусда Абул Ҳасан тарихидин “Захира” китобида ҳикояси манқулдур. Бас, эҳтиёт шулки, ҳар қаю томурдин фасд қилмоқда ҳам аввал шараён борлиги ва ё йўқлигини хўб имтиҳон ва тафаҳхус қилиб, сўнгра наштар урмоқ керак. Зероки аксар одамда аврида ва шароин томури агарчи юқорида зикр қилинган тариқда воқеъ бўлса ҳам, лекин гоҳида таҳаллул ҳам қилур. Бас, ҳар қаю томурдин фасд қилмоқда таҳқиқ қилмоқ вожибдур.

(БОСЛИҚ ТОМУРИ)

Аммо бослиқ шулки, акҳалдин пастроқда бозунинг ички тараф ўртасидин андак паст тарафға моилроқ воқеъ бўлгон ва учи бозу юқори тарафиға яна моил ва муаррид бўлгон томурда ва бослиқ томурдадур. Ва бослиқ лугати юнонийяда катта подшоҳ демоқ маъносидадур. Ва бу томур рабтнинг, яъни қўлтуғдин қўлға тушадурган томурнинг энг катта шўъбасидур. Шунинг учун номи бослиқ бўлгондурки, ҳамма томурдин каттароғдур. Ва ҳам бу томур дилға ва мияға ва ўпкаға ва ҳижоби ҳожизға ва кўкракға муттасил бўлгон сабабидин жиғардин кўкарган бошқа томурларға нисбатан шарофатлиқдур. Бинобарин подшоҳи азиму-ш-шаънға мушобаҳати бордур. Бу

томурға китфдин нозил бўлгон томурнинг бир шўбаси келиб мураккаб ва мухталит бўлгондур.

Ва билмоқ керакки, ҳар қўлга бир китфдин бир томур нозил бўлгондурки, ани китфий дерлар. Ва бир томур роби-тадин, яъни қўлтуғдин нозил бўлгондурки, ани рабтий дерлар. Ва китфий томур қўлни юқори қисмида шохларга ажраб, бир шохи билак иликни занди аълосиға киргандур. Ва рабтий томуриға мухталит бўлмоғон танҳо томур бордурки, ани қийфол дерлар. Ва боқий шўбалар пастроқға тушиб, рабтий томурини шўбалариға мухталит бўлгондурки, қийфолдин бошқаси би-л-иттифоқ ва қийфол ила ҳабл уз-зироъдин бошқаси би-л-ихтилоф ҳаммаси китфий ва рабтий томурининг таркибидин махлуқдур. Баҳартақдир бослиқ қўлтуғдин нозил бўлуб, тирсакға яқин келгонда икки шўбаға ажрагондур. Ва бири каттароқ шўбадурки, тирсак мафсилидин ўтганда юқори тарафға моил бўлуб, акҳал томуриға тушулгон каби махсус бўлур. Ва иккинчи шўбаси андан кичикроқ бўлуб, паст тарафға андак моилроқдур ва шўббайи улвийни исми мутлақ ила бослиқ дерлар ва шўббайи суфлийни бослиқи рабтий дерлар. Ва буни ибтий демоқ китфий томурни ихтилотидин холий демоқ учун эрмас, балки ўзи бозунинг паст тарафиға моил бўлуб, қўлтуқға муҳозий бўлгон муносабатиға биноандур. Зероки қўлни ҳамма томурини ҳам китфий томуридин холий эрмас, ҳатто маълум бўлдики, ҳабл уз-зироъ холис китфийлиги ихтилофлик бўлса ҳам қийфолнинг китфийи сирфлиги ғала-л-иттифоқдур.

Аммо ҳеч томурни ибтийи сирфлигиға ҳеч ким қоил эрмас. Би-л-жумла бослиқнинг пастидин жигар ва талоқ ва ўпка ва жанб, яъни сийна атрофи ва ҳижоб ва сийна кўпроқ танқия топар. Ва варк, яъни корсон ва ёнбош ва тизза ва поча ва қадамларға, хулоса гардандин паст аъзонинг ҳаммасиға танқия ҳосил бўлур.

Ва бослиқдин фасд қилмоқ тариқаси шулки, аввало бослиқнинг қаю тарафида шараён томури воқеълигини хўб тафаҳхус қилмоқ лозимдур. Бас, агар шараён фақат бослиқ-

нинг тагида бўлса, наштарни юзароқ урмоқ лозимдур. Хусан агар шараён ҳам юзароқ ва бослиқга яқинроқ бўлса, наштарни юза урмоқ вожибдур. Ва чуқур урмоқ қатъан мамнуъдур. Ва мумкин қадар бослиқни шараёндин четроқга тортиб турмоқ зарурдур, токи шараёнга зарар етиб офати азим пайдо бўлмағай. Ва бу тақдирда томурни бўйиға қараб очмоқ лозимдур. Ва шараён бослиқни тагида воқеъ бўлмоғи аксариядур. Ва агар бослиқнинг бир тараф ёнида шараён воқеъ бўлса наштарни томурнинг бўйидин андак шараёнсиз тарафга моилроқ урмоқ эҳтиёти муносиброқдур. Ва агар бослиқнинг ҳар икки жонибида шараён воқеъ бўлса, наштарни баҳадди эҳтиёт бирлан томурни бўйиға қараб урмоқ вожибдурки, наштар ҳар икки жонибдағи шараёнга етмоқ эҳтимоли бўлмағай. Ва шараён бослиқни ҳар икки жонибида воқеъ бўлмоғи жуда кам тасодуф келур. Ва бир тарафида воқеъ бўлмоғи миёна даражада дучор келур. Баҳарҳол бослиқни шаъни шараёнга лозим ур-рифоқадур. Ва шараёндин холий бўлмоғи батариқаи нудрат мумкин ҳам бўлур.

ТАНБИҲ. Аксар воқеъ бўлурки, фасд учун қўлни боғлогонда томурға интиfox ва тўлалик бўлур. Ва бу интиfox гоҳи бослиқдин пайдо бўлур ва гоҳи тагидағи шараёндин пайдо бўлур. Бас, ҳар биридин пайдо бўлса ҳам дарҳол қўлни ечуб юборуб, оҳиста-оҳиста силаб, интиfoxни тарқатмоқ лозимдур. Сўнгра такрор боғламоқ лозимдур. Агар яна интиfox пайдо бўлса яна ечуб, молиш бирлан интиfoxни зоил қилинур ва ҳоказо такрор бирлан ҳам интиfox барҳам топмаса ҳаргиз наштар урмаслик лозимдур. Балки ҳожат учун ибтидин фасд қилмоқ муносибдур.

Ва билмоқ керакки, нафхнинг кўплиги сабабдин ва ё боғламоқнинг шиддати ва ё интиfoxдин ориз бўлгон тамаддуи хориж ва тазйиқи ботин сабабидин шараён мағлуб бўлуб, ҳаракатдин тўхтар ва табиб ани бослиқ гумон қилиб наштар уриб, кўп зўр офат ва ҳалокатга боис бўлур. Шунинг учун қўлни боғламоқдин муқаддам хўб тафаҳхус бирлан шараённи қидирмоқ лозимдур, токи хатодин эминлик бўлғай. Ва

интифох пайдо бўлгон вақтда фасддин манъ қилмоқ бослиқ томурига махсус бўлмай, балки томурнинг фасдига шомилдурки, боғламоқдин қаю томурга ясмук ва ё нахуд миқдорида интифох лоҳиқ бўлса, то боғни ешуб молиш бирлан таҳлил қилинмаса наштар урмоқ раво эрмас.

Ва яна бослиқнинг тагида пай ва майда узлалар воқеъдурки, фасд вақтида аларнинг риоясини билмоқ керак. Ва бослиқнинг қаю маҳаллидин фасд қилмоқ муносиблигида ихтилоф воқеъ бўлгондур. Бас, фасд қилинадургон томурлар баённинг ибтидосида Шайх алайҳир-раҳма ёзгондурларки, ма фавқа мабиздин фасд қилинсин деб, яъни бозуи аълонинг узласининг охири бозуи асфалнинг ибтидосига банд бўлгон маҳаллдин юқори тарафдин фасд қилинсин, дебдурларки, бу маҳалл айна мафсилнинг устидур. Ва анинг шарҳида ҳақим Қарший ҳам бу маҳаллни фасд учун муносиблигига далиллар баён қилгондурлар. Чунончи қийфол баҳсида мазкур бўлди.

Лекин бослиқни зикрида яна Шайхни ўзлари мабиздин пастроқдин фасд қилмоқни тасриҳ қилиб, “куллама унҳитат фасдуху илал-зироъи фа ҳува аслам” дегандурлар. Ва соҳиби “Захира” ҳам шул маънига тарафдордурлар. Ва Шайхнинг бослиқ бобининг охирида бослиқни нақадар пастроқ маҳаллидин фасд қилинса, шул қадар эминроқ бўлур, деган сўзлари фақирнинг фикри қосиримча мабиздин юқори маҳаллда бослиқ бирлан шараён ҳамроҳ бўлгон ҳолатга махсус бўлса керак. Зероки аксар одамда бослиқ мабиздин нақадар пастроқга борса, шул қадар шараёндин узоқроқ бўлур. Чунончи Каломнинг суқий ва ҳум фа ҳува аслам лафзи бу маънига далолат қилур. Ва илло бослиқ мабиздин юқори маҳаллда шараёндин узоғроқ ва ё холий ва ё бехатар бўлгон тақдирда юқоридин фасд қилмоқ муносиблиги бадиҳийдурки, қоннинг хуружи тез ва осон бўлур. Ва ғализ қоннинг хуружига ҳам мафсилни ҳам бўлмоғи бирлан томурнинг оғзи очилиб, йўл берар. Бас, шул тавжиҳ бирлан таноқузи ҳам муртафиъ бўлур, валлоху аълам.

ТАНБИҲ. Фасд қилғувчиға вожибдурки, дуқоқи кундур,

яъни кундурнинг кепаги ва дам ул-ахавайн ва сабри сакутариий ва мурри Маккий ҳар бири баробар миқдор ва қалқатор ва зок ҳар биридин бошқа бир жузвнинг чорак ҳиссаси миқдорида олиб, ҳамма ажзони қўшиб, ҳўб майда эзиб, ўзи бирлан доим ҳамроҳ қилиб олиб юрғай. Ва қўяндни мўйидин ҳам олиб юрғай, токи қачонки фасд қилғонда наштар шараёнға тегиб жароҳат эҳдос қилса, дарҳол қўлни ечуб юбориб, қонни қўл бирлан босуб тўхтатғай. Сўнгра мазкур даводин андакни олиб, қўяндни мўйи бирлан аралаштируб эзиб, юмалақлаб наштардин ҳосил бўлғон тешукға киргизуб, устидин панжаси бирлан босуб турган ҳолда мажруҳнинг қўлини маҳалли жароҳатдин юқорироқ мавзёйға кўп миқдор совуқ сувни пайваста қуюб турғай. Токи сувнинг совуғлиги шараён қониға сироят қилиб, қоннинг қивомиға филзат ва ҳажмиға нуқсон ориз бўлуб, тўхтатмоғи осон бўлғай. Ва давоий мазкурнинг қобиз ва ҳобислигиға муъин бўлғай. Ва қўянднинг мўйи давони қон бирлан оқиб чиқиб кетмоғиға монёь бўлғай. Ва мўйнинг қўяндға таҳсиси мулоиймлигининдурки, ҳам давоға ихтилоти осонроқ ва ҳам мажруҳ баданға озори камроқ бўлғай. Сўнгра жароҳатдин андак юқори жойдин бир нимарса бирлан банавъи боғлағайки, қоннинг йўлини тангроқ қилиб тўхтатмоқға андак ёрдам берғай. Аммо зиёда озор бериб қонни, балки би-л-акс жазб ва имоласиға сабаб бўлмағай. Ва яна худ жароҳат устидин ҳам бир рўмол бирлан банавъи боғлағайки, фақат давоий мазкурни босиб, қонни тўхтатиб турмоққа кифоя қилғай ва андин зиёда бўлмағай. Зероки шиддатли маҳкам боғламоқни озори ва шараённи ҳаракатига монёьлигини касридин кўп одамлар ҳалок бўлғонлари кўп нухаларда манқулдур.

Ва фасд қилинғон киши қўлини ёстиқ устиға қўюб беозор сақлағай ва уч кунгача қўлини бандини зинҳор ечмағай. Ва уч кундин сўнг багоят эҳтиёт бирлан ечгайки, мабодо рўмол ёпишган бўлса жароҳат давосини шиддат бирлан кўчируб, жароҳатни очиб юбормағай. Ва жароҳатни ибтидосидин то шифо ҳосил бўлғунча давоий қобизлардин пайваста зимод қўйиб турғон бўлғай.

Ва наштар шараёнға урилғониға аломат шулки, қон суюқ ва пушти ранглик чиқар, ҳам шараённинг ҳаракатига мутаносуб сакраб-сакраб етилиб чиқар. Ва набзда заифлик ориз бўлур. Ва баъзилар қўлнинг терисини бир тарафға тортиб, терининг тешугини шараён тешугиға муҳолиф қилурлар, токи мунҳариф бўлгон тарафнинг гўшти шараён устига келуб, жароҳат тешугиға мунтабиқ бўлғай. Ва қони чиқмоғиға монёъ бўлғай. Ва шул ҳолатда боғланғай, токи би-з-зарур қон тўхтағай. Ва шараён хусусидаги боқий тадбирларни бош шараёнидин фасд қилмоқ бобида машруҳан зикр қилинур.

ҲАБЛ УЗ-ЗИРОЪ ТОМУРИ

Аммо ҳаблу-з-зироъ шулки, бослиқдин пастроқда воқеъ бўлгон томурдурки, тирсак мафсилида бослиқ томурининг тагидин мутақаттиъ бўлуб, паст тарафға ўтгандур. Ва зоҳиран гўё бослиқдин бир шўъба каби кўринур. Ва уч тарафи қўл устига моил бўлуб, билакни орқа тарафига ўтиб, жимжилоқни орқасиға бориб тамом бўлур. Шу шаклда билакға ўралиб, борғонлиги арқонға мушобиҳ бўлғони сабабидин ҳабл уз-зироъ деб ном берилгондур. Ва бу томурнинг таҳқиқи ва фасадининг манфаатида ихтилоф воқеъдур.

Ва важҳи ихтилоф шулки, аксар одамнинг қўлидин бу томур топилмас. Шунинг учун “Захира”да соҳиби “Захира” бу томур аксар одамда бослиқ ва баъзида акҳал томуриға қўшилгон бўлур, деб ёзғондур.

Ва “Хулосат ут-тажоруб”да ҳабл уз-зироъ ила акҳал томурларидин мураккабдур деб ёзғондур. Ва баъзилар ҳабл уз-зироъ бослиқнинг думи, яъни бир шохи деб ёзғондурлар. Аммо вазъийяти тирсак мафсилининг ички тарафидин зоҳир бўлуб, қўлни юқори тарафига ўралиб, билакнинг орқа тарафига ўтиб, жимжилоқ панжасиға яқин бормоғида ҳаммалари иттифоқдурлар.

Бас, ҳар вақт шул вазъийятда хоҳ ибтий томурда бослиқ ўртасидин ва хоҳ бослиқда акҳал ўртасидин зоҳир бўлса, ани ҳабл уз-зироъ деб ҳукм қилмоқ керак. Ва бу томурнинг жониби агар шараёндин холий бўлса, фасд қилмоқда ани муар-

риб, яъни томурни бўйиға нисбатан андак моилроқ очмоқ яхшироқ. Ва агар шараён бўлса, ночор томурнинг бўйиға мувофиқ очмоқ вожибдур. Камо ло йахфий.

Ва бу томурдин фасд қилмоқни ҳукми атиббои қадимнинг ва Шайхнинг қавллариға назаран қийфол ҳукмидадур. Зероки аларнинг наздларида ҳабл уз-зироъ холис қийфол томуридин бир шўъбадур. Ва бошқа томурнинг бунга ихтилооти йўқдур. Аммо соҳиби “Захира” ва баъзи мутаххирин наздларида бослиқ ҳукмидадур. Зероки алар бу томур бослиқнинг шўъбаси дерлар. Аз баски, бунинг нафъи қавли аввалға назаран қийфолдин ва қавли сонийға назаран бослиқдин ҳосил бўлур экан, бунинг вужуди ва одами баробардур.

Ва бунинг фоидаси хусусида атиббо миёналарида бундоғ ихтилоф воқеъ экан аърози махсусаларга нафъи би-л-иттифоқ бўлгон қийфол ёки бослиқ мавжуд бўлгонда бу томурдин фасд қилмоққа нима зарурат бордур?

ИБТИЙ ТОМУРИ

Аммо ибтий шулки, тирсакнинг ости тарафда, қўлтиқнинг тўғрисида воқеъдур ва асли бослиқнинг бир шўъбасидур. Бинобарин номини бослиқи ибтий дерлар ва яна аслам ҳам дерлар. Зероки бунинг тагида ва ёнида шараён бўлмас. Ва шунинг учун фасд қилмоқда хавфи мулоҳаза қилинадурган офатлардин садоматроқдур.

Ва мундин фасд қилмоқ тариқаси шулки, аввало ани ҳўб молиш қилинур. Ва иссиқ сувдин анинг устига кўп тантил қилинур. Сўнгра бир узун бандни бозудин бир неча айлантируб боғланур. Сўнгра фасд қиладурган киши қўлини дароз узатиб кўтариб турғай, токи қўлтиғининг зовияси қоима бўлғай. Ва фасд қилғувчи одам чап қўлини бармоқи бирлан томурни маҳкам босиб туриб наштар урар. Бас, томурни молиш қилмоқ ва иссиқ сувдин тантил қилмоқ азбаройи баданни суст қилмоқ ва юмшатмоқ ва томурни зоҳир қилмоқ ва қонни эритуб, суюлтирмоқдур. Зероки бу томур зиқроқ ва қони ғализроқ бўлур. Ва узун банд бирлан неча бор айлантируб маҳкам боғламоқ ва бармоқ бирлан томурни маҳкам бо-

сиб турмоқ азбаройи томурни собит ва барқарор тутмоқ учундур. Зероки бу томурнинг хориж тарафи бағоят юмшоқ гўштлар ва пардалар бирлан ихота қилинғондур. Бинобарин наштарға росух бўлуб туролмас ва четга қочар. Бинобарин ани хўб эҳтиёт бирлан барқарор тутмоқ лозимдур. Ва қўлтуқнинг зовиясини қоима қилиб сақламоқ қоннинг лозим миқдорига оқиб чиқмоғи осон бўлмоғи учундур.

УСАЙЛАМ ТОМУРИ

Аммо усайлам шулки, асламнинг тасрифидур. Ва аслам бослиқи ибтийнинг номидур. Ва анинг охирида усайлам воқеъдурки, гўё анинг думидур. Ва андин қон олмоқда ҳам қўлни юқори бозудин боғланур ва сўнгра қўлни бир жомдаги иссиқ сувға солиб турмоқ лозимдур, токи бадан ва томур мулойим бўлғай. Ва томур равшан ва зоҳир бўлғай ва қони суюлғай. Сўнгра қўлни чиқариб наштар урғондин сўнг яна сувға солиб турмоқ лозимдур. Ва сувға қўлни чандон солиб турмоқ лозимдурки, токи қон сувға чиқиб туриб, оқибат худ-бахуд тўхтағай. Зероки томур ўзи ингичка, лекин қони ғализ бўлур. Бинобарин оқиб чиқмоғи суст бўлур. Ва бир миқдор чиқондин сўнг ўзи тўхтар. Ва ани ҳибс қилмоқға ҳожат бўлмас.

Ва ўнг қўлнинг усайлами жигар оғриғига ва чап қўлни усайлами талоқ оғриғига би-3-зот фоида қилур. Аммо жигар атрофи ва талоқ атрофиға мужовар узларға ва ўпкаға би-табъ фоида қилур.

Ва чап қўлнинг усайламининг фасд қилмоқ дилнинг касалларига ҳам нафъ қилур, башарти анинг сабаби жигарда бўлмаса. Зероки агар сабаби жигарда бўлса, ул вақтда ўнг қўлни усайлами фоидалиқдур.

Ва билмоқ керакки, бослиқ томури ичи васиъ ва мабдаъи жигар ва талоқға яқин бўлғони сабабдин агарчи ўнг қўлнинг бослиқидин фасд қилмоқ жигарға ва ўнг қўлнинг бослиқи талоқға тамом нафъ қилса ҳам, лекин усайламдин фасд қилмоқ ҳам моддаи касални узоқға имола қилғон сабабидин кўп фоида қилурки, аҳли тажрибаларға маълумдур.

Ва Шайх ур-раис ҳам важаъ ул-мафосил бобида “анна-

л-усайлама анфаъу мин ирқи-л-баслиқи фи ыла-ла-л-каби-ди ва-т-тиҳали”, яъни усайлам томури жигар касали ва талоқ касалида бослиқдин нофиъроқдур, деб ёзгондурлар. Ва аллома ҳам “Шарҳи Қонун”ларида усайлам томуридин фасд қилмоқ баёнида Шайхнинг баён қилгон мановиълариға илова қилиб, “ва-л-айсару йанфаъу-л-бавасира ва авжоъи-з-захрил-музмини ва-р-руқбати”, яъни чап қўлнинг асламидин фасд қилмоқ бавосирға ва эски бел оғриғи ва гардан оғриғиға нафъ қилур, деган жумла ўз тарафларидин зиёда ёзгондурлар.

ИНТИБОҲ. Томурға наштар урғондин сўнгги қоидаи зарурийялар баёнидадур.

Билмоқ керакки, бир махсус томурға фасд қилинса, лекин наштар хатоға кетуб томурни очмай қолса, шул тақдирда шул томурға яна иккинчи марра наштар урмоқ учун ҳожати зарурийя музтарр қилмаса зинҳор иккинчи тиф урмаслик ва қўлни боғламоқда зиёда маҳкам боғламаслик лозимдур. Ва бир ёки икки кун миёнада ўтказиб, сўнгра фасд қилмоқ лозимдур. Агар мазкур мажруҳ томурдин шул куни ҳожати зарурийя сабаби бирлан изтораран иккинчи фасд қилмоқ матлуб бўлса, аввалги жароҳатдин юқорироқ маҳалдин фасд қилмоқ лозимдур. Аммо аввалги жароҳатни паст тарафидин фасд қилмоқ жоиз эрмас. Ва бир кунда икки бора фасд қилмоқни манъ қилмоқни сабаби варам пайдо қилмоқнинг хавфидур. Хусусан қўлни боғламоқда шиддатли маҳкам боғланса албатта варам пайдо қилур.

Аммо аввалги жароҳатнинг паст тарафидин фасд қилмоқ манъиға сабаб қонни би-з-зарур аввалги жароҳатдин ўтиб келмоғидурки, маҳалли мазкурнинг мажруҳ ва заифлигидин варам пайдо қилмоқ хавфи зиёдароқдур.

Ва аввалги жароҳат учун яхши тадбир шулки, пахта ёки латтани гулобға ва ё совуқға ҳўллаб ёпиб турмоқ керак, токи сув ва гулоб модани қайтариб турмоқ таъсири бирлан варамнинг худусидин муҳофазат қилгай. Ва яна қўлни боғламоқда наштар урмоқда чунон эҳтиёт лозимдурки, терининг тешуги бирлан томурнинг тешуги бир-бириға муҳозий ва рўбару

бўлғай ва эгри бўлмағай, токи қоннинг оқиб чиқмоғи осон бўлғай.

Ва ул эҳтиёт шул тариқа бўлурки, тери қабл аз банд томурға тегиб турғон маҳаллни боғлағон вақтда ҳам шул ҳолда боқий бўлғай. Ва боғлағонда ул боғ терини бир тарафға моил қилиб тортмоғон бўлғай, икки наштарни уруб бўлғондин сўнг ипни яна андак бўшатмоқ лозим бўлғонда яна тортилғон тери яна ўз маҳаллиға авд қилиб, ҳар икки тешук бир-бириға мунҳариф ва қоннинг хуружиға монеъ бўлмағай.

Ва маълумки, аввало томурни равшан зоҳир қилмоқ учун маҳкам боғланур ва наштарни ургандин сўнг қонни равон чиқмоғи учун андак бўшатилаур. Ва инчунин наштар урмоқда терининг бир тарафға моил ушлаб наштар урмоқда бўлса, наштарни қайтариб олиб, томурни қўйиб юборғонда тери ўз жойға авд қилиб, ҳар икки тешук бир-бириға мунҳариф ва қоннинг хуружиға монеъ бўлмағай.

Ва билмоқ керакки, ориқ кишилардин фасд қилмоқда қўлни маҳкам боғламоқ томурни эзилиб қондин холий ва тешук банд ва қони юқори тарафда маҳбус бўлмоғиға сабаб бўлаур. Ва фасд қилғонда қон чиқмас, балки бундоғ кишилардин фасд қилғонда маҳкам боғламаслик лозимдур, токи томур эзилиб ичи холий қолмоғи ўзини зоҳир бўлолмаслигиға ва агар андак зоҳир бўлуб, фасд қилмоқ мумкин бўлғон тақдирда эзилиб турғон томурға урилғон наштар кўп чуқур бормаслиги, бинобарин тешуги тангроқ очилмоғи ва андин қон камо йанбағий хориж бўлолмаслигиға ва агар хориж бўлса суюғи хориж бўлуб, қуюғи зиёдароқ қуюлмоғиға сабаб бўлмағай.

Аммо семиз кишилардин фасд қилмоқда қўлни маҳкам бўғиб боғламоқ имола ила томурнинг зоҳир бўлмоғиға боис бўлаур. Ва баъзи фасд қилғувчилар фасд озорини сездирмаслик ва қонни кўп имола қилмоқ ила томурни кўп зоҳир қилмоқ учун қўлни маҳкам боғлаб, шул ҳолда бир миқдорғача фасд қилмай туруб, сўнгра фасд қилурлар. Ва бу амал агар кўп азиятға боис бўлмаса зарари йўқдур. Ва илло фасддин

варам пайдо бўлмоғи ва қон озурдалигидин зардоб чиқармоғи ва томурни бағоят тўлиб зоҳир бўлгон вақтида маконни танглиги сабабдин мазкур зардоб баданга тарашшуҳ ила қондин ажраб сингиб қолмоғи ва батаанний ўз фасоди бирлан баданни ҳам фосид қилиб, шул қўлдин оқма яра ҳосил қилмоқ хавфи бордур. Ва агар бундоқ бўлмоғон тақдирда озор сабаби бирлан варам эҳдос қилмоқ ва шул маҳаллға модда жазб қилмоқ лозими табиийдур.

Ва яна сиқилган сабаблик қўлдин қуввати ҳассоса зоил ёки заиф бўлғони сабабдин қуввати мултаҳима ҳам зоил ва заиф бўлуб, фасд жароҳати битмай қолмоқ хавфи кўп яқин эҳтимолдиндур.

Ва инчунин баъзи фасодлар наштарнинг озорини кам сездурмоқ учун аввал наштарнинг нишини ёғ бирлан олува қилуб, сўнгра фасд қилурлар. Ва юқорида мазкур бўлдики, ёғ агарчи озорни таҳфиф қилур, лекин илтиёми жароҳатни таъхир қилур ва кўп муддатгача жароҳат битмас. Ва шул аснода андак баҳона бирлан яна қон хориж бўлмоғи эҳтимоллиқдур. Хусусан уйқуда беихтиёр шул қўлни босиб ётиб қолса ва қон хориж бўлса, кўп қон хориж бўлуб, ҳалокат хавфи бордур.

ИНТИБОҲ. Қоннинг чиқармоқ миқдори ва тўхтатмоқ баёнидадур.

Билмоқ керакки, мардумнинг аҳволи қон чиқармоқға мухталифдур. Баъзи одам агарчи иситмалик бўлса ҳам то икки-уч ратл қон чиқармоқға таҳаммул қила олур. Ва баъзиларида иситма бўлмаса ҳам ҳатто бир ратл қон чиқармоқға таҳаммул қилолмай гаший ориз бўлур.

Бас, қон чиқармоқда асл қоида шулки, агар фасд қилдирғувчи одам қон олдирмоқға одат қилгон бўлса, ул одатидаги миқдорини риоя қилинур. Ва агар одат қилмоғон бўлса уч навъ аҳволнинг риоя қилмоқ лозимдур.

БИРИНЧИ АҲВОЛ қонни тез ва ё суст чиқмоғидурки, агар қон тез ва бақувват чиқиб турса ва заифлик асари зоҳир бўлмаса ва бадан ҳануз тўлалиги маълум бўлса ва қони ҳануз қора ва ғализ бўлса, қонни чиқариб турмоқнинг боки йўқдур.

Хусусан қони ғолиб мизожлик йигит одам бўлса кўпроқ чиқармоқ мумкин бўлур. Ва бундоқ кишининг ҳаққиға чиқариладурғон қоннинг мўътадил миқдори бир дафъада икки ратлдур. Бовужуди агар яна қон чиқармоқға ҳожат боқий бўлса, бақияси бошқа куни чиқарилур. Аммо бир дафъада бундин зиёда қон чиқармоқ мумкин бўлмас. Аммо агар қон сустроқ чиқар бўлса ва суслиға наштарни камроқ урилғони ва тешукни танглиги боис бўлмай, балки мўътадил тешулган бўлса ва яна терининг тешуги томурнинг тешугига эгрилик сабаб бўлмай, балки тўғри ва рўбарў бўлса ва шу ҳолда қоннинг ранги қизил бўлса ва баданда варам бўлмаса ва бадан ҳануз тўлалигига ҳам қатъий далил бўлмаса, дарҳол тўхтатмоқ лозимдур. Токи қоннинг кўп хориж бўлмоғи ёмон зарар эҳдос қилмағай. Зероки ҳаммадин ёмон зарар покиза қоннинг чиқмоғидур. Ва агар қон суст чиқса ҳам, лекин ранги фосид чиқиб турса ани андак чиқармоқ кифоя қилур. Зиёдаси раво эрмас.

Ва қонни рангидаги бақия фасодни ислоҳ қилмоқ мумкиндур. Масалан, одамики, анга қоннинг ғолиблиги кайфийят жиҳатидин бўлса, аммо миқдори ғолиб бўлмаса, андин қонни кайфийятини таскини учун андак қон чиқармоқ кифоя қилур. Сўнгра қонға тааддий қилмоқ хилтни исҳол ила танқия қилмоқ боиси салоҳ бўлур.

ВА ИККИНЧИ ҲОЛ қоннинг рангидурки, анинг риояси вожибдур. Чунки қоннинг ранги қаро ва қивоми куюб бўлса, то мўътадил миқдорғача чиқариб турмоқ лозимдур. Ва агар матлуб миқдорға етмай туриб қоннинг ранги қарорға ва чиқмоқдаги тезлиги сустроқ бўлса, ул вақтда набзға иътимод қилинурки, агар набз тўла ва бақувват бўлса чиқара бермоқ керак. Зероки аксар одам бўлурки, баданида фосид қон кўп бўлур. Лекин бу фасод ул томуриға ҳануз сироят қилмоғон бўлур. Бинобарин фасд қилғонда аввало қизил ва покиза қон чиқар. Ва бироз фурсатдин сўнг қаро фосид қон чиқар. Ва бул ҳам фасдни мўътадил очган тақдирдадур.

Ва агар фасд иътидолдин тангроқ очилса, танг тешукдин

ғализ қонни чиқмоғи мақолдур. Бас, боялки зинҳор танг очилмағай. Ва агар баданда варам бўлғон кишидин фасд қилғонда қони қизил чиқса андақ қон чиқғондин сўнг тўхтатмай қизил бўлса ҳам чиқара бермоқ лозимдур. Зероки баданда варам бўлса қонли варам узв тарафиға мутаважжиҳ бўлур. Чунки табиат қуввати варамға муқовамат учун варамлик узвға мутаважжиҳ бўлур. Ва қон ҳам табиатға таънан шул жонибға моил бўлур. Бинобарин қизил бўлса ҳам то матлуб миқдорғача чиқармоқ лозимдур, токи варамға мутаважжиҳ бўлғон қонлар ва худ варамдаги моддаға мухталит бўлғон қонлар учун фоида кифоя.

ВА УЧИНЧИ ХОЛ набз ҳолидур. Бас, табибға лозимдурки, маризнинг фасд қилинмоғон кўлининг набзини дам-бадам кўриб турғай. Бас, қачонки набзда тағаййур ва ўзгарилиш эҳдос қилса, хусусан заифлик тарафға ўзгарилса зуд тўхтатмоқ лозимдур. Ва инчунин агар заифликни муқаддима-сида юз бергувчи оризалардин, чунончи, эснамоқ ва керишмоқ ва ҳиқичоқ ва ғаший каби ориза зоҳир бўлса ҳам қонни зуд тўхтатмоқ лозимдур. Агар қоннинг рангида ва тезлаб чиқмоқ қувватида тезроқ ўзгарилиш пайдо бўлса, ваҳоланки андин кўп миқдор қон олмоқ зарурати муҳаққақ бўлса, бу ҳолда ҳам набзда иътимод қилинурки, набз ҳануз заифликға моил бўлмоғон бўлса қонни чиқариб турмоқни боки йўқдур ва матлуб миқдорғача олмоқ лозимдур. Ва агар набзда тағаййур пайдо бўлса дарҳол тўхтатмоқ лозимдур.

Ва билмоқ керакки, ҳар кимики, мизожи иссиқ ва бадани мутахалхал ва ҳовол бўлса, ғаший тезроқ ҳосил бўлмоғиға қобилроқ бўлур. Ва ҳар кимики, бадани ва мизожи мўътадил бўлса, ани хилофидур.

ИНТИБОҲ. Фасд қилувчи доим ва ўзида муҳайё қилиб юрмоғи лозим бўлғон нимарсаларнинг баёнидадур.

Бу нимарса неча навъдур. Бири шулки, фасд қилғувчи наштардин мутааддид ва муганаввиъ кайфийятда олиб юрмоғи лозимдур. Масалан, баъзи наштари дудама ва баъзи якдама ва буларнинг баъзиси тишдорроқ ва баъзиси ўткур ва

камнишроқ бўлмай, токи ҳар қаюси муносиб маҳаллда даст-гирлик қилмай. Масалан, томурнинг бир тарафида бағоят яқин турғон шараён бўлса анга жароҳат еткурмаслик учун наштарни томурнинг бўйига нисбатан шараёндин холий тарафга андак моилроқ бурмоқ лозимлиги зикр қилинган эди. Лекин бу тариқа моил урилганда наштарнинг бир тарафи шараёнга етиб, ани кесмасун учун фақат якдама бўлмоғи муносиброқдур.

Ва инчунин агар томурнинг остида шараён бўлса томурдин ўтиб, мабодо шараёнга етмасин учун камнишроқ бўлмоғи муносибдур. Ва агар бослиқи ибтий ва давожин томурлари тойғоқ ва наштар тагида росух туролмайдиган ва шараёнга яқин томурлардин фасд қилмоқ лозим бўлса, анга дудама ва камнишроқ наштар муносиброқдур.

Ва агар томур йўғон ва шараёндин холий, лекин тойғоқ бўлса, наштарни дудама ништар бўлмоғи муносибдур, токи ниш томурни қочирмаслигига боис бўлмай. Ва ани урғондин сўнг андак юқори тарафга тилмак бирлан фасднинг тешугини мўътадил қилмоқ мумкин бўлур ва ҳоказо.

Ва иккинчи шулки, қай қилдирмоқ учун вазъ қилинган чўбин олат ва ё пар каби нимарса анда доим муҳайё бўлмоғи лозимдур, токи агар гаший ориз бўлса, тезлик бирлан ул чўбни ва парни оғзига суқуб қай келтирмоқга ҳаракат қилмай. Зероки гашни зуд ифоқага келтирмоқда ҳаммадин яхшироқ тадбир қайдур.

Ва учинчиси шулки, даво ул-муск ва ақрос ул-мускдин тайёр бўлмай, токи агар заифлик ва гаший ориз бўлса, мазкурдин андак юттурмоқ лозимдур, токи ҳарорати табиийясини ҳаракатга киргузуб, ҳушёр ва бақувват қилмай. Ва яна нофани мушк тайёр бўлмай, токи ани тезроқ ҳидлатиб димоғига ва дилига қувват бермай. Зероки юқорида мазкур бўлдики, фасдда ҳаммадин хатарлик нимарса гашийдур. Зероки гоҳ воқеъ бўлурки, гашийдин сўнг ифоқати муяссар бўлмай ҳалок бўлур. Бас, лозимдурки, гаший аломати зоҳир бўлган он тадорукига машғул бўлмай, токи тадоруки гашийни ифрот даражага етмоғига монё бўлмай.

Ва тўртинчиси шулки, қуённинг мўйи ва сабр ва кундур ва дам ул-ахавайн ва мурр ва зок ва қалқатор каби даволар тайёр бўлмоғи лозимдур. Токи мабодо фасддин сўнг қони тўхтамай қолса ул даволарга қуённи мўйини олуда қилиб, фасд тешугига суқуб қўюб, шул тадбир бирлан қонни тўхтатгай. Ва юқорида мазкур бўлдики, назф уд-дам, яъни қон сизиб оқиб турмоғи шараён жароҳатининг лозимасидур. Ва гоҳи варид томурининг жароҳатида ҳам воқеъ бўлур. Ва агар кундурни майда янчиб, қуённинг мўйи бирлан оғушта қилиб, қон чиқиб турғон тешукга қўйулса қонни зуд тўхтатур. Хусусан варид томурнинг қонини дарҳол тўхтатур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, қон чиқиб турган ҳолатда ғаший ориз бўлмоғи кам бўлур. Ва қонни тўхтатгандин сўнг ғаший ориз бўлмоғи аксар ориз бўлур. Чунки қон оқиб трган ҳолатда табиат ва руҳ хориж тарафга мутаважжиҳ бўлур. Токи томур жароҳатининг битирмоқга фасд озорининг дафъига машғул бўлғайлар. Бас, бу маъний ғашийнинг ориз бўлмоғига монеъ бўлур. Ва қачонки қонни тўхтатилса табиат ва руҳ дилнинг муҳофаза қилмоқ учун дил тарафга мутаважжиҳ бўлур. Ва чиқиб турғон қон дафъатан тўхтамоғидин ҳосил бўлғон тамаввуж мунъакис ҳам кўп маънига муъин бўлур. Ва қоннинг ҳаракатидин ҳосил бўлғон бухор ҳам дил тарафга бормоғи бунга илова бўлур. Ва руҳнинг ўзи доим қон бирлан ҳамроҳ ва баданга мунташирлик сабаби бирлан бир миқдор руҳ қон ила қўшилуб хориж бўлғони учун нуқсон топгай. Ва ул ноқис руҳда яна аввалда жароҳатга таважжуҳи ва сўнгра дилга таважжуҳи бирлан аноъ ва дармондалик ориз бўлур. Ва бу ҳолатда тамом баданга мунташир бўлуб, тарбия қилмоқга ҳам озлик ва ҳам заифлик қилур. Бас, ночор руҳ дилга жамъ бўлур, то истироҳат вақтида бошқа руҳ ҳосил бўлуб, анга муъин бўлғони учун ҳавоси зоҳирийда маъталлик пайдо бўлурки, ғаший ушбу ҳолатдин иборатдур. Магар қон ифрот даражада хориж бўлса ва ё баданда сафронинг бухороти кўп бўлуб, қоннинг ҳаракати сабаблик бу бухорот қўзғолиб дилга етса бу сувратда қон чиқиб турғон ҳолатда ҳам ғаший кўпроқ

ориз бўлмоғи мумкиндур. Ва одамики, фасд қилмоқдин олдин анга мужаррад фасдни эшитмоқ бирлан ғаший ориз бўлур, бунга сабаб руҳни суоқлиғи ва дилнинг заифлигидурки, ҳар иккисидда қувват кам бўлгон сабабдин анинг руҳи фақат дилнинг тарбиясидин бошқага таважжуҳ ва тарбия қилмас. Ва ҳавосси зоҳирийлар дафъатан маътал қолур. Ва номи ғашийдур.

Ва одамики, ўз қонини ва бегонанинг қонини кўрган ҳамон анга ғаший ориз бўлур. Бунинг сабаби димоғининг заифлиги ва ёки савдовий ҳаёли боис бўлур. “Ва қад шаҳадна касиран ми́на-н-наси казолика” (Ва кўп одамларда шундай бўлганининг гувоҳи бўлдик).

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, қоннинг ғалабаси сабаблик ориз бўлгон иситмада ва сакта касалининг асари зоҳир бўлгонда ва хавоник, яъни бўғма касалларида ва муҳлик бўлгон зўр варамларда ва шиддатлик аламларда фасд қилиб ва мақдур миқдор қон чиқмай туриб ғаший ориз бўлса, лекин мариз бақувват бўлса, анинг ғашийдин кўрқмаслик керак. Ва ғаший учун тадорик қилиб ҳушёр бўлгондин сўнг яна матлуб миқдоргача қон чиқармоқ лозим бўлур. Ва агар маризнинг қуввати ҳам заиф бўлса, икки-уч кун фосила бирлан қувват ҳосил қилгондин сўнг яна фасд қилиб, боқий қонни ихрож қилинур.

ФОИДА. Шароин томуридин фасд қилмоқ баёнидадур.

Билмоқ керакки, шароиндин фасд қилмоқ бағоят хатарноқдур. Бинобарин варид томуридин фасд қилмоқда ҳам ёнида ва ё тагида шараён бўлмоқ эҳтимолидин кўп эҳтиёт бўлмоқ лозимлигини таъкид қилингон эрди. Ва агар шараёнга жароҳат воқеъ бўлса кўп офатларга боис бўлмоғи бирлан таҳдид қилингон эрди. Бас, бул қадар зарарлик бўлгон шараёндин яна фасд қилмоқ маҳалли иштибоҳдур. Бинобарин агарчи таввули калом бўлса ҳам мақсудни андак шарҳ ила изоҳ қилмоқ лозим кўрилди.

Ва ташриҳи аъзода ва даврони дамда муфассал баён ила маълум бўлдики, варид беҳаракат томурдур. Ва шараён ҳаракатлик томурдур. Ва дил эса ҳар икки томур миёнасида во-

ситадурки, ўнг тараф юқори батниға варид келиб ёпишғондур. Ва чап тарафига шараён келиб ёпишгандур. Токи ўпка ҳар бир танаффусида хориждин ҳавойи насим жазб қилиб, варид томуридин келган қонни елпитуб, дилга муносиб мўътадил даражада совутар. Сўнгра дилга ўткизар, токи қоннинг зиёда ҳарорати ва бухороти духонийяси дилга зарар қилмағай. Ва ўпка ҳар бир нафас чиқармоқда варид томуридаги ҳомиз ул-қорбунни, яъни бухороти духонийяни ҳар нафас бирлан хориж қилур, токи ул бухороти духонийя дилга ва шараёнға ўтиб руҳни куйдирмағай. Ва дил ҳам маълумки, доим ҳаракати инбисот ва ҳаракати инқибозда машғулдур. Ва ҳар инбисотида вариддин қон жазб қилур. Ва ҳар инқибозида шараёнға қон дафъ қилур. Бас, дилнинг ҳолати инқибозийси шараёнға инбисот эҳдос қилур. Зероки дил мунқабиз бўлғонда батнидаги қонни сиқиб, шараёнға дафъ қилур. Ва бу маъни шараённинг имтило ва инбисотиға боис бўлур.

Бас, бу тафсилдин равшан бўлурки, ҳар вариднинг қони ғализроқдур ва бухороти духонийяси зарарликроқдур. Ва ғализ қонда руҳ камроқ ва бори ҳам ғализроқдур. Ва варид беҳаракатдур. Бинобарин фасд қилғонда ғализ қон кўп чиқар ва бухороти духонийя кўп чиқар ва руҳ кам чиқар. Ва ўзи беҳаракат бўлғон сабабдин андин лозим миқдор қон чиқарилғондин сўнг бозу бўшатила қон дарҳол тўхтар ва жароҳати тез битар. Аммо шараён тамом бунинг хилофидурки, анинг қони соф ва суюқ қондур. Ва соф қонда латиф руҳ кўпдур ва духон ҳеч йўқдур ва томур дилнинг ҳаракати ва қоннинг мавжи бирлан доим ҳаракатликдур. Бас, андин фасд қилғонда соф қон чиқарки, моддаи ҳаёт ва гизойи бадандур ва руҳи латиф чиқарки, айни ҳаётдур. Ва бозуни бўшатмоқ бирлан қон ўзича тўхтаи олмаски, дил анинг инқибози ҳаракати бирлан мундафиъ бўлуб, отилиб чиқмоқға музтарр ва чорасиздур. Ва жароҳати битмаски, анга томурнинг доимий ҳаракати ва қоннинг доимий хуружи монёдур. Ва тадбирлар бирлан қонни тўхтатмоғи ва жароҳатнинг битмоғи қатъий бўлмай, бир эҳтимолдур. Бинобарин шараёнға наштар тегиб жароҳат қилмоғи

кўп офатларга, балки ҳалокатга боис бўлмоқ хавфи албатта бордур. Бинобарин шараёнга жароҳат етмоқдин камоли эҳтиётни таъкид қилингондур.

Аммо ҳолати сунухусда, яъни қон баҳасби миқдор кўп бўлса ва шараёнда имтило зўр бўлса, ул имтило руҳни тазйиқ ила таҳлил берур. Бас, қонни иътидоли табиийдин кўп зиёда бўлмоғи ва руҳни ҳожати ҳаётийядин кўп ноқис бўлмоғи ашаддий офатдур. Ва қоннинг ҳарорати дилни қизитмоғи ва руҳни куйдирмоғи ва ҳарорати ғаризийяни таҳлил қилмоғининг натижаси ҳалокдурки, бунинг риояси бошқа ҳамма офатларнинг риоясидин алзам ва авжабдур. Бинобарин бундоқ ҳолатда шараёндин фасд қилмоқ учун ҳам ифтиқор ашаддур. Чунки бу ҳолат тақлили физо бирлан батадриж қонни камайтурмоқ ва ё бошқа тадбир учун муҳлат бермас. Ва маълумки, дилга нақадар яқин бўлгон шараённинг қони софроқ ва мавжи зўрроқ ва шараённинг ҳаракати башиддатроқ бўлса ҳам, лекин дилдан на миқдор узоқ масофатда бўлса, ани қони андак ғализроқ ва мавжи заифроқ ва шараённинг ҳаракати сустроқ бўлур. Бинобарин фасд қилмоқда зарар камроқ ва манфаат кўпроқ ва қонни тўхтатмоқ осонроқ ва жароҳатни битмоғи тезроқ мумкин бўлур. Шунинг учун атиббо бундоқ ҳожат вақтида шараёндин фасд қилмоқни башарти тувли масофат рухсат қилгондурлар.

Бас, шараёники, андин фасд қилмоқга вақти заруратда рухсат бордур, ани мавқеъи ўнг қўлнинг кафини орқасида ибҳом бирлан саббобанинг миёнасидадурки, кўп эскиган жигар оғруққа ва эскиган ҳижоби ҳожиз оғриғи учун андин фасд қилмоқ расм бўлгондур. Ва нафъи ажиб берар.

Ва Жолинуслининг жигарида оғриқ пайдо бўлгон эрди, кўп тадбирлар қилди, нафъ ҳосил бўлмади. Охир ул-амр ухлагон ҳолида тушида ушбу шараёндин фасд қилдирмоқга номаълум киши тарафидин маъмур бўлди. Ва бедор бўлгондин сўнг шул шараёндин фасд қилдурди ва манфаат ҳосил қилди. Шундин сўнг бу фоида машхур бўлуб, мазкурдин фасд қилмоқ расм бўлди ва тажрибага етди.

Ва яна мазкур шараённинг ёнида андак қўлнинг кафи тарафга моилроқда воқеъ бўлгон яна бир шараён бордурки, андин фасд қилмоқнинг нафъи ҳам биринчи шараённинг нафъига яқиндур.

ОЁҚ ТОМУРЛАРИ

ФОИДА. Оёгдаги фасд қилинадурган томурлар баёнида-дур. Бу томурлар тўрт адад томурдин иборатдур.

БИРИНЧИСИ СОФИНДУР. Ва бу томур ҳар икки оёғнинг дохил тараф тўпуғининг муқаддам тараф ёнида зоҳир бўлгон йўғон томурдур. Ва софиннинг маъноси салимдур. Ва бу томурнинг тагида ва ёнида шараён ва пай йўқдурки, фасд қилгондин аларга заҳмат хавфидин салимдур.

Бинобарин юнон табиблари бу софин деб тасмия қилгондурлар. Ва бу томурдин фасд қилмоқнинг нафъи шулки, жигардин паст аъзони танқия қилур. Ва андин юқори аъзодин қонни паст тарафга имола ва жазб қилур. Ва шунинг учундурки, мияни амрози дамавийясида аввалан софиндин фасд қилмоқни атиббо мустаҳсан деб билгондурлар. Токи миядин зиёда қонни паст тарафиға мунжазиб бўлмоғиға сабаб бўлур. Чунончи субот касалининг баҳсида Шайх ур-раис қийфолдин ва софиндин фасд қилмоқ лозимлигига ишора қилгондурлар. Токи қийфолнинг фасди мияни танқия қилғай. Ва бақиясини софин фасди паст тарафга имола қилғай.

Ва ҳаким Қарший бу баҳснинг шарҳида софиндин фасд қилмоқ ва пойчаға қортуқ солмоқ шундоғ вақтда муносибдурки, моддаи касал мияға суъуд қилмоғини аввал вақти бўлса. Ва аммо агар суъуднинг охиirroқ вақти бўлса, қийфолдин фасд қилмоқ лозимдур. Аммо агар модда мияға чиқиб қарор олгон бўлса, бас, суъуддин тўхтагон бўлса ул тақдирда пешона томуридин фасд қилмоқ ва гарданнинг чуқуриға қортуқ қўймоқ авлодур деб ёзгондурлар.

Ва яна “Асбоб ва аломот” китобининг шарҳида тамоми баданнинг имтилоси сабаби бирлан ориз бўлгон молихулиё баҳсида ҳакими мазкур аввал суъудни қайд қилмай “Ва фасду-с-сафини авла мина-л-қийфали лийакуну-л-инжизаби ила

макани абъада ва хассатан фи-н-нисаи”, яъни софиндин фасд қилмоқ қийфол фасдидин авлодур, токи модда узокроқ маконга мунжазиб бўлғай. Хусусан хотунлардин фасд қилмоқда софин қийфолдин афзалдур, деб ёзгондурлар.

Зероки тамоми баданнинг имтилоси бир дафъа фасд бирлан танқия ҳосил қилмоғи табиий мумтаниъдур. Бас, агар аввал қийфолдин фасд қилинса агарчи бир миқдор қон хориж бўлса ҳам, лекин бадандаги боқий қонлар мия тарафга мунжазиб бўлуб, мияга жазб ва қоиммақом бўлур. Ва мияга танқия ҳосил бўлмас. Ва агар софиндин фасд қилинса бадандин бир миқдор қон хориж бўлур. Ва мобақияси мунжазиб бўлуб, миядин танга нозил бўлур. Ва мияга танқия ҳосил бўлуб, молихулиё ҳушига келур. Ва бақиясини иккинчи софиндин фасд қилмоқ мумкиндур. Ва агар яна бақияйи имтило бўлса, ани акҳалдин фасд қилмоқ афзалдурки, тамоми бадандин жазб қилур. Хусусан хотунларнинг софинидин фасд қилмоқ тамс қонини бақувват жазб қилуб, танқийайи раҳм қилур. Ва бавосир томуруни оғзини очар ва ирқ ун-насо оғриқи учун софиндин фасд қилинса ирқ ун-насо томурида қоиммақом бўлур. Ва соннинг хоришига ва ҳуся ва қовуқнинг хоришига ва аларнинг қуруҳиға нафъ қилур.

Ва софиндин қон олмоқ тариқаси шулки, пойчани тўпуғидин юқорироқ маҳаллдин боғланур, бир неча қадам босиб юрмоқга амр қилинур, токи томур равшан зоҳир бўлғай. Ва бу томур ўзи йўғон бўлгон сабабдин худ-бахуд равшан зоҳир бўлур ёки боғлатмоғон ҳолда ҳам зоҳир бўлуб турар. Бас, андоқ кишига мужаррад боғламоқ кифоядур. Ва панжа ва неча қадам юрмоқга ҳожат бўлмас. Лекин бу томурнинг қони гализроқ бўлур. Бинобарин қонни эритуб, суюлтирмоқ учун бир чуқурроқ зарфда нимгарм сув ҳозирлаб туриб оёғни боғлондин сўнг мазкур сувга оёғни солиб турмоқ керак, токи сувнинг таъсири бирлан қон эриб суюлғай. Ва қобили хуруж бўлғай. Ва яна томур зиёда равшан зоҳир бўлғай. Сўнгра фасд қилинур ва наштарни томур бўйиға нисбатан бир тарафга моилроқ урмоқ афзалдур. Ва бу қон гализ бўлса ҳам хуруж

осонроқ бўлғай. Ва фасд қилгондин сўнг оёғни яна иссиқ сувға солиб турмоқ керак, токи қон эриб суюлуб, пайдарпай хориж бўлуб турғай. Ва хориж бўлгон қон сувнинг остида хориж бўлуб, сувға мухталит бўлуб турғай. Токи ҳавои хориж таъсири бирлан касиф бўлуб, хуруждин тўхтаб қолмағай. Ва агар фасд қилингон вақтда бемашаққат мумкин бўлса, фасд қилингон одам қоим бўлуб, шул оёғини босиб турмоғи афзалдур, токи қон ва бошқа ахлот осонроқ хориж бўлғай.

Ва билмоқ керакки, софин томури аксар одамда танҳо бир тана бўлур. Лекин баъзи одамда бу томур тўпуқға яқин жойда икки тарафдин икки шох ажраб муншаъиб бўлғони ҳам мулоқий бўлур. Аммо ҳожат вақтида фақат танасидин фасд қилинур.

ВА ИККИНЧИСИ бир томурики, беномдур ва тавоннинг йўгон томурини орқасида воқеъдур, гўёки софиндин бир шўъба каби кўринур. Ва бунинг ҳукми ҳам софиннинг ҳукмидадур.

ВА УЧИНЧИСИ ИРҚ УН-НИСО томуридулки, оёғни ваҳший тараф ёнидин тортилуб ва тўпуқгача ва аксар одамда оёғни юзигача зоҳир кўриниб келгандур. Ва ниҳоят аксар одамда панжаи бунсурға, яъни жимжилоғни ёнидаги панжаға келиб мунтаҳий бўлур. Ва бу томурнинг нишонаси шулки, аксар одамда бу томур гириҳдор бўлур. Ва бу томурдин фасд қилмоқнинг фойдаси ваъжи ирқ ун-насо касали учун софин фойдасидин неча маротаба зиёда бўлур. Ва бошқа касаллар учун софин фойдасиға яқин фойда қилур.

Ва бундин фасд қилмоқ тариқаси шулки, дастор каби бир узун боғнинг бир учини тўпуқға яқин бўлгон бир пойчадин маҳкам боғланур. Ва бақиясини шул мавзийдин то сон мунтаҳосиғача маҳкам ўраб сиқиб боғланур. Сўнгра маризни неча бор ўлтирмоқға ва турмоқға амр қилинур.

Ва агар аввал ҳаммомға тушуруб, сўнгра фасд қилинса томурнинг зоҳир бўлмоғиға ҳаммом зўр ёрдам бергон бўлур. Чунки бу томур аксар одамда жуда махфий бўлур. Бас, агар томур зоҳир бўлса фасд қилғувчиға вожиб шулки, фасд

қилдирғувчининг оёғини бир хиштнинг устиға қўйдириб туриб, оёғининг ичи ва хориж тарафидин тўпуқнинг олдиндин фасд қилғай. Хоқ тўпуқдин андақ баландроқ ва хоқ пастроқдин зоҳир бўлса. Аммо томурнинг бўйига мутобиқ қилиб наштар урғай. Зероки бу томурнинг ҳар икки тарафида пай бордур ва анга наштардин зарар етмағай. Ва агар тўпуқға яқин жойдин зоҳир бўлмаса бунинг шўъбаси оёғнинг бунсур ила хунсур панжасининг миёнасида зоҳир бўлур. Ва андин фасд қилмоқ лозим бўлур.

Ва соҳиби “Захира” дебдурларки, агар бул шўъба зоҳир бўлса тўпуқнинг олдида фасд қилмоқдин ҳам мобайни хунсур ва бунсурдин фасд қилмоқ афзалдур. Зероки пайға заҳмат хавфидин масун бўлғай. Ва агар бу мавзиьдин зоҳир бўлмаса, сўнгра тўпуқға яқин жойдин фасд қилинур. Аммо Шайх-урраис “Қонун”ларида “ал-ирқуллазий байна-л-хунсури ва-л-бунсури мина-р-рижли йуфсаду баъда ирқи-н-наса ва қийла аннаху анфаъу мин ирқи-н-наса”, дегандурлар, яъни оёғни жимжилоғи ила анинг ёнидаги панжа миёнасидаги томурдин фасд қилмоқ ирқ ун-насодин фасд қилғондин сўнғ бўлур. Ва баъзи қавлда бундин фасд қилмоқ ирқ ун-насонинг фасдидин нофиъроқдур дебдурлар. Ва бул сўзларидин маълум бўлурки, Шайх алайҳир-рахманинғ наздларида бу томур ирқ ун-насонинг шўъбаси бўлмай, балки бошқа томурдур.

ВА ТҮРТИНЧИСИ МОБИЗДУРКИ, тиззанинғ орқа тарафида воқеъдур. Ва бу маҳаллда икки адад йўғон пай воқеъдурки, номини арабда мобизон дерлар. Ва бу томур мазкур асабға мутгасил воқеъ бўлғони сабабдин буни ҳам мобиз деб исм бергандурлар. Ва баъзи атиббо наздларида тиззанинғ орқа тарафининг исми мобиз бўлуб, бу томур шул мавзеъда воқеъ бўлғон сабабидин изофа бирлан ирқи мобиз дерлар.

Ва гоҳи музофни ҳазф қилуб, фақат музофун илайҳ лафзи бўлғон мобизға иқтисор қилинур. Ва би-л-ҳақиқат бу томурнинг махсус номи йўқдур. Би-л-жумла бу томурнинг ҳукми ҳам софин ҳукмидадур. Лекин идрори тамс ва авжоъи мақъад

ва бавосир учун софиндин фоидаликроқдур. Ва ичак оғруғи ва орқа оғруғи ва раҳм оғриғи учун ҳам фоида қилур.

Ва бу томурдин фасд қилмоқ тариқаси шулки, ҳам иликдин, ҳам сондин боғланур. Ва сўнгра неча қадам юрмоқға ва неча бор ўлтирмоқ ва турмоқға амр қилинур, токи томур зоҳир бўлғай, сўнгра фасд қилинур. Ва аллома ёзибдурларки, тиззадин тўрт панжа эни қадар баландроқдин маҳкам боғланур, сўнгра фасд қилдирғувчини орқаси бирлан ётқи-зуб оёғини баландға кўтариб, томурина тафтиш қилинур. Сўнгра фасд қилинур.

ИНТИБОҶ. Шайх ур-раис алайҳир-раҳма ёзибдурларки, оёғдин қилинадурғон фасдлар агарчи бош тарафға моил қондин ҳодис бўлғон касалларға ва савдовий касалларға нафъ қилур. Лекин қувватни заиф қилмоқда оёқ фасдини заиф қилмоғи кўл фасдини заиф қилмоқғиға нисбатан ғолиброқ бўлур. Ва бунга ҳаким Қарший нукта баён қилиб “ва залика ли-аннаҳу йабъуду фасда уруқи-р-рижли-д-дами ва-р-руху ʔани-л-қалби ва-л-аъзои-р- раисати”, яъни оёғдин қилинғон фасд кўпроқ беқувват қилмоғиға сабаб шулки, бу фасд қонни ва руҳни дилдин ва бошқа аъзойи раисадин узоқ қилур, дебдурлар. Ал-ҳаққу оёқдин фасд қилинғонда паст аъзодин қонни танқияси ва юқори аъзодин паст тарафқа имоласи лозимдур.

ФОИДА. Бошға, оғизға ва гарданға мутааллиқ бўлғон томурлардин фасд қилинадурганларини баёнидадур.

Бу томурларнинг баъзиси варид ва баъзиси шараён томуридур. Бинобарин ҳар иккисини икки фатҳ ила жудо-жудо баён қилурмуз.

ФАТҲИ АВВАЛ аврида баёнидадурки, булар ўн тўрт вариддурлар.

Биринчи пешона томуридур. Ва бу томур икки қошнинг ўртасидин бош тарафға амуд қоима бўлуб тортилғондур. Ва бундин фасд қилмоқ бошнинг оғирлиғиға, хусусан бошнинг бир тарафи оғирлиғиға ва шақиқасиға, яъни бир тарафи оғримоғиға ва икки кўзнинг оғирлиғиға ва эски доим бош оғриғиға

фоида қилур. Ва бу томурни хўб эҳтиёт бирлан очмоқ лозимдурки, токи кўз пиликнинг узлалари вобаста бўлгон ватрлар кесилмағай. Чунончи ҳаким Андарумахус подшоҳзодасини пешона томуридин фасд қилғонида мазкур ватр кесилуб, қизнинг кўзи юмулуб қолғони ва пилкини кўтормоғи мумтаниъ бўлғонини “Шарҳ ул-асбоб” соҳиби “Истирхо ул-жафн” бобида ҳикоя қилғон эрдилар.

Ва иккинчиси томурики, пешона тарафидин орқа тарафга бошнинг ўртасидин тортилғон варид томуридурки, номини ирқ ул-йофух дерлар. Ва андин фасд қилмоқ шақиқалда ва бош қарҳалариға нафъ қилур.

Ва учинчиси икки адад томурики, ҳар икки қулоқнинг юмшоқ гўштида воқеъдур ва номини ирқо ус-садғайн дерлар. Ва бу мақомда садғдин мурод баногушдур.

Ва тўртинчиси икки адад томурики, кўз гўшасиға бағоят яқин ва бурун ёнида воқеъдур. Номини ирқо ул-моқайн дерлар. Ва бу томурлар аксар одамда худ-бахуд намоён бўлмас. Магар гардан ва томоқни бўғмоқ ва фасд қилдирғувчи оғзини катта-катта очмоғи бирлан ҳам зоҳир бўлур. Бас, бу томурларға наштарни бағоят юза урмоқ вожибдур. Зероки чуқур урганда наштар жароҳати носурға айланмоқ хавфи бордур. Ва ҳам бу томурлардин қон кўп чиқмас, магар андак чиқиб сўнгра худ-бахуд тўхтар. Ва аҳёнан агар қон кўпроқ оқиб, ани тўхтатмоқға ҳожат бўлса самғи арабийни майда эзиб сепмоқ кифоя қилур. Ва бошқа тадбирға ҳожат бўлмас.

Ва бу томурлардин қон олмоқ бош сгруғи ва шақиқа ва рамади кўҳна ва дамъа ва кўзға парда тушмоқ ва пиликнинг кўтури ва бошқа бусури учун навъ қилур.

Бешинчиси уч ададдин олти адад томурики, ҳар бир қулоқнинг орқасида воқеъдур. Ва бу уч ададдин бир адади андак зоҳирроқдур. Ва икки адади хўб нозикроқ ва махфийдур. Ва бундин фасд қилмоқ нузул ул-моъни ибтидосиға ва бошнинг орқа тарафиға ориз бўлғон қуруғиға нафъ қилур. Ва меъданинг бухоротини қабул қилмоқдин бошни манъ қилур. Аксар

атиббо бу томурдин фасд қилмоқ наслни ибтол қилур деб-
дурлар. Аммо Жолинус бу маънига мункирдур.

Ва олтинчиси дарожайндурки, гарданнинг икки жониби-
да воқеъ бўлгон икки адад йўгон томурдур. Ва бундин фасд
қилмоқ жузомнинг ибтидосига ва шиддатлик бўғмаға ва зийқ
ун-нафасға ва рабу ва бухҳат ус-савтға ва зот ур-рияға ва ис-
сиқ қоннинг кўплигидин ориз бўлгон нафс танглигиға ва
талоқ касалларига ва жанин касалларига нафъ қилур.

Ва бундин фасд қилмоқ шул тариқа бўлурки, маризнинг
гарданиға бир рўмолни арғамчи каби ўраб гарданни бўғиб
туруб, маризға буюрилурки, фасд қилинадургон тарафдин
муҳолиф тарафға юз ўгириб турсин, токи бул тараф томурға
тамаддуд ва таранглик ҳосил бўлсин. Сўнгра таъаммуқ бир-
лан қараб билмоқ лозимдурки, томур қаю тарафға тоймоғи
ва зоил бўлмоғи яқин эҳтимоли бўлса, анинг муҳолиф та-
рафидин бармоқ бирлан босиб туриб, то тоядурган тарафи-
дин наштар урмоқ керак, токи томур наштардин қочмоқға
йўл ва чора топмағай. Боядки наштар дудама бағоят ўткир
бўлмоғи ва давожайндин фасд қилмоқ томурнинг бўйиға
мутобиқ очмоқ лозимдур. Ва ҳаргиз наштарни бир тарафға
моил урилмағай.

Еттинчиси буруннинг учида воқеъ бўлгон томурдурки,
буруннинг ҳар икки тараф ғузруфи бир-бириға туташгон
маҳаллидур. Болиғ кишиларнинг бурнининг учи ушлаб кўрил-
ганда мазкур ғузруф бир-биридин жудолиғи қўлга маҳсус
бўлур. Ва балоғат нишоналаридин бири шул эҳсоси тафар-
руқдур. Ва бу томурдин фасд қилмоқ учун наштарни учи да-
роз бўлмоғи лозимдур. Ва бундин фасд қилмоқ тариқаси шул-
ки, гарданни боғламай ва бўғмай ва томур зоҳир бўлмоғини
кутмай туриб, мазкур маҳаллға наштарни суқилур ва андин
андакгина қон чиқар. Ва анинг нафъи юзнинг доғи ва ранг-
нинг тийралиғи ва буруннинг бавосири ва бусури ва қичуғиға
маҳсусдур. Лекин гоҳи бу фасд юзда қуруқ саъфаға ўхшаш
қизил ранг эҳдос қилиб нафъидин зарари қолиб бўлур. Би-
нобарин эҳтиёт учун аввал қўлдин фасд қилмоқ, сўнгра бу

маҳаллдин фасд қилмоқ муносиброқдур. Балки бу маҳаллдин фасд қилмаслик авлодур.

Саккизинчиси хушшо устихонининг тагидаги томурлардур. Ва алардин фасд учун латиф қоннинг сабабидин ориз бўлгон садар, яъни кўз тинмоғиға ва бош оғримоғиға нафъ қилур. Ва хушшо ба замми хо ва шини муъжама ила қулоғнинг орқасидаги бош устихонини айтурларки, бошқа мавзеъларига нисбатан андак муртафиъ ва дўнгроқдур. Лекин бу маҳаллда мунташир бўлган томурларнинг асли танаси гарданнинг чуқур жойидин ўтуб келгандур. Ва фасд қилмоқда шу чуқурға яқин жойдин фасд қилмоқ лозимдур.

Ва тўққизинчиси лабда воқеъ бўлгон тўрт адад томурларки, икки адади юқори лабға ва иккиси қуйи лабға ўнг ва чапдин келгандурки, чаҳоррағ исми ила машхурдур. Ва бундин фасд қилмоқ оғизнинг қуруҳиға, оқ бусрасиға ва милкнинг оғриғи ва шиши ва қуруҳиға ва лаб ёрилғони ва бавосирға нафъ қилур. Ва бундин фасд қилмоқ учун учи бениш дерларки, шул наштар авлодур.

Ва ўнинчиси тил остидаги иякнинг ички тараф гўштида воқеъ бўлгон томурдур. Ва андин фасд қилмоқ бўғма касалиға ва лузатайн варамиға нафъ қилур.

Ва ўн биринчиси худ тилнинг ости тарафида воқеъ бўладурғон икки адад томурдур. Ва бундин фасд қилмоқ қон ғалабасидин ўпкаға ориз бўлгон ҳароратға ва қуруқ йўталға ва тилнинг оғирлигиға нафъ қилур.

Ўн иккинчиси бу томур қуйи лаб ила иякнинг миёнасида ʻанфақа исмлик мавзеъда воқеъ бўлгон томурдур. Ва бундин фасд қилмоқ оғизнинг бадбўйлигиға нафъ қилур. Ва ʻанфақа ба фатҳи айн мўйидурки, лаб бирла иякнинг миёнасида кўкарур. Ва форсийда ани бачаи риш дерлар. Ва мажозан шул мўйининг манбати бўлгон мавзеъни ҳам ʻанфақа дерлар.

Ва ўн учинчиси бир томурларки, сийнанинг энг юқори мавзеъида ва икки адад чанбари гардан устихонининг икки китфидин келиб, бир-бириға пайванд бўлгон жойида воқеъ бўлгондур. Ва тевани сўймоқда шул мавзеъдин сўюлур. Ва бу

мавзеъни арабда наҳр ва лубба ҳам дерлар. Ва бундин фасд қилмоқ фами меъда муолажаси учун нафъ қилур.

Ва ўн тўртинчиси икки адад томурдурки, буруннинг икки тешугида воқеъдур. Ва номини ирқо ул-манхарайн дерлар. Ва бундин фасд қилмоқ кўздин қон ва рутубатни истихрожи учун нофиъдур. Ва бундин фасд қилмоқ тариқаси шулки, маризни офтобга муқобил турғизиб бурнининг тешугиға офтоб нурини тушуруб, анга нафас олмай ҳибси нафас қилиб турмоққа амр қилинур, токи ҳибси нафас таъсири бирлан юзи қизариб, мазкур томури зоҳир бўлғай. Сўнгра наштар ва ё шул амалға махсус олат бирлан томурни очилур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу мазкур бўлғон ўн тўрт адад томурдин фасд қилмоқ атиббои мутақаддимийн миёналарида би-т-тажриба маълум бўлғондур. Ва китобларда баён қилинғондур. Лекин аҳсан шулки, тилнинг ва пешонанинг томуридин ва бошқаларидин то бир ҳожати қавийя воқеъ бўлмаса фасдни ихтиёр қилмаслик афзалдур.

ФАТҲИ СОНИЙ бошда воқеъ бўлғон шароин баёнида-дурки, азбаройи илож анга тадбир би-л-йад қилинур, яъни гоҳи фасд ва гоҳи батар ва гоҳи сам қилинур. Ва бу шараён икки навъдур. Бири қулоқнинг юмшоқ гўштидадур ва бунга мазкур амалдин баҳасби ҳожат истеъмол қилинур. Ва бу амаллар ҳамасидин мақсуд кўзга нозил бўлуб турадурган моддаи латифани нузулдин тўхтатмоқдур. Лекин фасд қилмоқ доғдин осонроқдур. Ва доғ солмоқ батардин осонроқдур. Ва батар қилмоқ саллдин осонроқдур. Ва аксар одамларики, кўзга назла тушмоқ муқаддимаси бўлғон хаёлот ориз бўлғон эди, ани мазкур шараёнға ҳаким Муҳаммад Акбар Арзоний доғ солғон эдилар, нафъ қилди. Ва нузулға монё бўлди. Ва бу тўрт навъ амалнинг ҳар бири нузул ва интишорнинг ибтидосиға мувофиқ келса нафъ қилур.

Ва иккинчиси қулоқнинг орқасидаги икки ададдин тўрт адад воқеъ бўлғон шараёндурки, анвоъи рамад ва нузул ва парда ва шабкўрлик ва кўҳна бош оғриғи учун фасд қилмоқ нофиъдур. Лекин бу шараёнларнинг ҳар иккисидин ҳам фасд

қилмоқ хатардин холий эрмас. Ва ҳар иккисининг жароҳати ҳам кечикуб битар. Ва бу икки томурни салл қилиб бўлмас ва батар ҳам қилиб бўлмас. Шунинг учун “Шориҳи асбоб ва аломот” соҳиби ёзибдурларки, “ва илла лаз-зани халфи-л-узнайни фа-ма раъайна ва самиъна аҳадан саллаҳума ва амма батаруҳума фа-ҳува йужибу-л-ъанат кама қала ал-Буқрот”, яъни магар ул қулоқ орқасида воқеъ бўлғон икки шараённи салл қилинғонини ҳеч кўрмадик ва ҳеч кимдин эшитмадик. Ва аммо бу ики шараённи батар қилмоқ фасод ва ҳалокға мўвжиб бўлур, чунончи Буқрот шундоғ дегандур, деб ёзгандурлар.

Ва билмоқ керакки, батар луғатда пайни ва томурни қирқуб узмоқдур. Ва аммо ислоҳи атиббода шараён устидаги терини ёриб, шараённи бараҳна қилиб, сўнгра санора бирлан шараённи ёриб ажратиб, кўтариб туриб ани икки жонибида ўртада уч панжа эни миқдор фосила ила ипак бирлан маҳкам бўғиб боғланур. Баҳаддики, шараённинг тешуги батамом банд бўлғай ва қон ўтмоқ эҳтимоли қолмағай. Сўнгра ҳар икки банднинг ўртасидин шараённи қатъ қилинур. Сўнгра қонни тўхтатадурган даволардин маҳаллға солинур, токи шараённинг кесилган жойи тез битғай. Ва салл ба фатҳи син ва ташдиди лом ҳам андак фарқ эътибори бўлмағонда батар маънисидадур. Ва фарқи шулки, саллда шараённи бараҳна қилиб очғондин сўнг шараёнға назар қилинур.

Бас, шараён ингичка бўлса батарда баён қилинғон тариқала уч панжа эни қадар фосила ила ани икки жойидин маҳкам бўғиб, ўртасидин қатъ қилинурки, бу амал айнан батардур. Ва агар шараён йўғон бўлса аввало андин фасд қилиб, бақалри ҳожат қон чиқариб, сўнгра мазкур тариқада банд ва қатъ қилинур. Ва баъзилар салл учун махсус вазъ қилинғон салола номлик олат бирлан қатъ қилмоқға хос деб зикр қилибдурлар. Ва бу қавл соқит ул-иътибордур. Баҳартақдир саллнинг амали офатдин холий эрмас. Балки зарари аксар вақтда нафъиға ғолиб бўлур. Зероки жароҳати битгандин сўнг ҳам яна очилмоқ эҳтимоли бордур. Ва андин қон тарашшуҳ қилиб

терининг остига жамъ бўлуб, абурасмо касали ҳодис бўлмоғи яқин эҳтимолдиндур. Ва ҳам озор ва аламнинг шиддатидин гаший ва ташаннуж эҳдос қилур.

Ва Табарий дебдурларки, “инний қад раъайту халқан саллат шараинаҳум фа-дахала-з-зарару тала ҳаракати аъйуниҳим ва заъуфа абсарухум”, яъни батаҳқиқ ман шараёни салл қилинғон неча халқни кўрдимки, кўзларини ҳаракатиға зарар дохил бўлди ва кўзлари заиф бўлди. Ва айзан дебдурларки, “ва қад раъайту ражулан би-л-басрати саллат шарайанаҳу фа-ҳадаса биҳи-л-ҳавлу-л-бишъи мин йавмиҳи”, яъни батаҳқиқ шараёни салл қилинғон бир одамни Басра шаҳрида кўрдимки, шул куни анга зўр ғилайлик пайдо бўлди. Ва айзан дебдурларки, “ва қад раъайту ман салла шарайануху фа-ҳадаса биҳи сайлану-л-луъабу”, яъни батаҳқиқ шараёнини салл қилдурган бир одамни кўрдимки, анга луъоб сайлон қилиб турмоқ ҳодис бўлди, дебдурлар. Бас, ҳожат шиддатлик бўлмғон сувратда зинҳор бу амалға мубодарат қилинмағай.

Ва соҳиби “Асбоб” дебдурларки, салл қилғандин сўнг қатъ қилинғон маҳаллни танқиядин сўнг доғ солмоқ авлодур, токи салл безарар бўлғай, дебдурлар.

ФОИДА. Билмоқ керакки, фасд қилинадурган томурдин икки адад қоринда ҳам воқеъдур. Бири ўнг тарафда жигарга мавзуъдурки, андин фасд қилмоқ жигар касалиға нофиъдур. Ва бири чап тарафда талоқға мавзуъдурки, андин фасд қилмоқ талоқ касалиға нофиъдур.

ИНТИБОҲ. Фасд қилмоқ вақтларини баёнидадур.

Билмоқ керакки, фасд учун ҳожат икки навъ бўлурки, бири ихтиёрий ва бири изтирорийдур. Ва ихтиёрий ҳожатнинг вақти чошт вақтидурки, таом батамом ҳазм бўлғондин ва нуқздин сўнг бўлур. Ва изтирорий фасд учун ҳожат доъий бўлғон ҳар вақт фасд вақтидурки, агар маризнинг қуввати ва ёши фасдға лойиқ бўлса, фасдни таъхири жоиз эрмас.

Ва яна билмоқ керакки, фасд қилмоқ учун ойнинг аввали ва охири ва ўртаси баробардур, бахилофи ҳижоматки, ойнинг аввали ва охирида ани истеъмоли дуруст эрмас. Ва бунинг далиллари мабҳаси ҳижоматда машруҳан зикр қилинур.

Ва баъзилар ойнинг ўртасида қон фосид бўлмоқ ва ё солиҳ бўлмоқ ихтилофи бўлгон сабабдин фасдни тарк қилиб турмоқни мустаҳаб билмишлар. Аммо фасддин сўнг қўлни ювмоқ ва боғламоқ ва қаю ҳайъатда наштарлар истеъмол қилмоқ каби лозими фасд бўлгон нимарсаларни усайлам томуридин фасд қилмоқ баёнига қўшиб баён қилиндики, такрор ҳожат эрмас. Ва наштарни ёғ ила олуд қилиб бўлмаслиги бослиқ фасдида мазкур бўлди. Ва занголуд бўлмаслиги ва қаю тариқа наштарни ушламоқ кабилар ўзи маъруф ва маълумлигинин баёнига таъарруз қилилмади.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, одамики, имтило сабаби бирлан кўп терлайдиган бўлса анинг иложи фасд қилмоқдур. Ва одамики, ҳаммомдин бош оғриғи эҳдос қилиб чиқгон бўлсаки, вожиб ул-фасд бўлса, лекин анга худ-бахуд исҳоли табиий ориз бўлса фасддин мустағний қилурки, исҳоли манфаатда қоим мақоми фасд бўлур.

ВА ИККИНЧИ ҚИСМ ҲИЖОМАТ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, ҳижомат икки навъ бўлур. Бири бошарт ва бири бешартдур. Ва булардин яна бири ё норий ва ё имтисосий бўлур. Ва ҳар иккисини икки баҳс ила баён қилинур.

БИРИНЧИ БАҲС ҲИЖОМАТ МАЪА-Ш-ШАРТ БАЁНИДАДУР

Билмоқ керакки, ҳижомат, яъни қортуқ солмоқдур ва шарт деб тилмоқни айтурлар. Ва бу баҳс икки фоидага мутазааминдур.

БИРИНЧИ ФОИДА маризнинг ёши ва ҳижоматнинг вақтига мутааллиқ аҳкоми куллия баёнидадур.

Билмоқ керакки, икки ёшга етмаган бачага қортуқ солмоқни атиббо раво кўрмағонлари каби олтмиш ёшдин ошгондин сўнг ҳам раво кўрмоғондурлар. Бас, ёш болага қортуқ манъ қилмоқнинг сабаби зоҳирроқдурки, ҳануз эмиб турган боладин қортуқ бирлан қон чиқармоқ ҳожати камроқ бўлур. Ва аъзосининг заиф ва беистиқоматлиги кўпроқ монёьдур.

Аммо олтмишдин ошгондин сўнг қортуқдин манъ қилмоқнинг сабаби қариллик ёшидаги кишининг мизожига совуқлик истило қила бошлагон бўлур ва қони ғализ бўла бошлагон ва риққати камайғон бўлур. Ва маълумки, ҳижомат суюқ қонни чиқарур. Бас, ёшлик кишига қортуқ солмоқ қонга ғализликни зиёда қилур ва табиатга ҳайрат ва малолатни илҳоқ қилур ва терида юбусатни эҳдос қилур. Ва мақсуд бўлғон фосид қонни ихрож қилолмас. Аммо бахилофи фасдки, то охири умрғача анга рўхсат бордур, башарти вужуди қувват. Зероки фасд хоҳ суюқ ва хоҳ қуюқ қонни баробар танқия қилур. Лекин ўн икки ёшга етмаган ва ында-л-баъз ўн тўртга етган боладин фасд қилмоқ жоиз эрмас. Зероки фасддин мақсуд кўпроқ қон чиқармоқдур. Ваҳоланки, булардин кўп қон чиқармоқ ўсмоқга монё бўлур. Ва яна фасд қилмоқ тамом аъзони танқия қилмоғи каби аъзойи раисани ҳам танқия қилур. Ва танқиянинг лозимаси заҳмат чекмоқдур. Ваҳоланки, бу ёшдаги боланинг аъзосини муҳофазот қилмоқ вожиброқдур. Бинобарин икки ёшга етгандин то ўн тўрт ёшга тўлғунча фақат қортуқ солмоқ ва зулу солмоқ бирлан иқтисор қилмоқни атиббо лозим билғондурлар, токи муддао беофат ҳосил бўлғай.

Ва билмоқ керакки, олтмиш ёшдин сўнг қортуқ қўймоқни ва ўн тўрт ёшга тўлмоғонда фасдни манъ қилмоқ зарурат бўлмасликга муқайиддур. Ва илло ҳожати қавиййа бўлғон вақтда мубошарат қилмоқ лозимдур.

Ва билмоқ керакки, ойнинг авалида ва охирида ҳижомат қилмоқ мамнуъдур, зероки шул кунларда ахлот сокин бўлур. Ва сокин хилтни ғалаёнга киргузмоқ мўвжиби офатдур. Ва собит бўлғондурки, оламнинг рутубатларининг қўпаймоғи ойнинг нури бирлан бўлур. Бас, ҳижомат учун ойнинг нисфи, хусусан нисфи сонийнинг аввалларики, ўн олтинчи ва ўн еттинчи кунлари ҳижомат учун ниҳоят маҳмуддур. Зероки баданнинг рутубати ва ахлоти ҳам ойнинг нуруни издиёдиға мутаносиб зиёда бўлур. Шунинг учун ночор зоҳири бадан тарафга тошиб чиқар. Ва ойнинг ҳақиқий ўртаси бўлғон

ўн тўртинчи куни ахлоти бадан ҳам камоли галабаға етар. Сўнгра батадриж нузул бирлан дохили баданга моил бўлур.

Ва маълумки, дохилга ружуъ қилмоқ учун ахлоти солиҳа латофати сабаби бирлан тезроқ ва осонроқ ҳаракат қилур. Ва ахлоти фосида ғализлик сабабидин ундоғ тез ҳаракат қилолмас. Бас, зоҳирдурки, агар ўн олтинчи ва ўн еттинчи кунларда қортуқ солинса сирфи ахлоти фосидани чиқарурки, айни матлубдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ойнинг аввалидаги ва охиридаги манъи ҳижоматга махсусдур. Ва фасдга шомил эрмас. Чунки фасд қонни зоҳири бадан ва ботини бадандин баробар жазб қилур. ғояти фатҳ шулки, биринчи ҳафта ва тўртинчи ҳафталаридаги фасд изтирорий бўлмай, агар ихтиёрий бўлса, ул вақтда таваққуф қилмоқ авлодур. Зероки вақтда модданинг латифлари ҳам зоҳирга чиқиб, ҳам ахлоти ғализларни ҳам андак суюлтирар. Бас, ахлоти касифаға нисбатан ахлоти ғайри касифанинг ихрожи табиатга осонроқ бўлур.

Ва ҳижомат учун ҳаммадин яхшироқ вақт ёз кунларида бўлса, кундуз кунидурки, офтобнинг қиёмига назаран тулуъига яқинроқ соатларидур. Аммо қиш ва ё салқин вақтларда қиём вақти ва ғурубни ҳоқ ва вусто, балки андин сўнгроқ соатлари яхшироқдурки, шул вақтларда офтоб таъсири бирлан қон суюлуб андак риққат ва латофат ҳосил қилур. Ва хурж учун қобилият ҳосил қилғон бўлур. Ва бу вақт агарчи фасд учун ҳам муносиб ва мухтор бўлса ҳам, лекин бу вақтнинг риояси ҳижомат учун кўпроқ зарурдур.

ИНТИБОҲ. Офтобнинг ҳарорати сабабидин хуни ғализни андак латиф қилмоқ ҳижомат учун фоидалик экани зикр қилинди. Ва бу зикр мўвжиби иштибоҳ бўлмоқ эҳтимоли бордур. Бинобарин муддаони суроҳатан баён қилмоқ лозим бўлди.

Ва иштибоҳ шундоғ бўлмоғи мумкинмурки, агар офтобнинг таъсири бирлан ғализ қон латофат ҳосил қилмоғи ҳижомат танқияси учун нофиъ бўлса, бас, ҳижомат учун ҳаммадин яхшироқ вақт айни қиём вақти бўлмоғи сазовордур, токи қон латофати барважҳи атамм ҳосил бўлур. Бас, қиёмга нис-

батан тулуъига ва ё гурубиға яқинроқ соатни таржиҳ қилмоқда нима маъно бордур, деб иштибоҳ қилинмасунки, офтоб қиёмида ҳарорати зиёдароқ бўлуб, ғализ қонни рақиқ қилмоғи ва ҳижомат учун рақиқ қон маҳмулроқ бўлмоғи оре мусалламдур. Лекин бунга бошқа зўр монёъ бордурки, ани зарари офтобнинг фоидасиға ғолиб, чунки қиём вақтида ҳижомат қилмоқ икки ҳолдин холий бўлмаски, ё тушлик таом тановулидин сўнг ҳижомат қилинур ёки қабл аз тановул очлик ҳолатида ҳижомат қилинур. Бас, агар баъд аз тановул бўлса, зоҳирдурки, анинг таомининг жигардаги ҳазми ва томурдаги ҳазми бу қисқа муддатда албатта камолиға етмагон бўлур. Ва бу ҳолатда воқеъ бўлгон ҳижомат қонни ихрож қилмоқда анинг ўрниға ҳануз нотаом ғизони жазб қилур. Ваҳоланки бунда кўп офатларнинг хавфи бордур. Чунончи, бири шулки, ҳижомат қилингон мавзёда ҳануз хом ва ҳазми нотаом қон жамъ бўлгон сабаблик барас воқеъ бўлур. Ва ё истисқойи лаҳмий ва бусур ва ҳоказо анвоёи офатлар ҳодис бўлмоқ эҳтимоли ғолибдур.

Ва агар ғизодин аввал ҳижомат қилинса, маълумдурки, бадан ифрот даражада холий ва ғизоға муҳтожлигига яна истифроғ илова қилинмоғи боиси заъф ва мушавваши табиат ва меъдаға сафро инсибобиға мўвжиб бўлур. Бинобарин қиём вақтида ҳижомат мамнуъдур. Ва агар ғизонинг тановул вақтини собиқдин табдил қилиб, ҳазми комил вақти қиём вақтиға мувофиқ бўлмоғи тасодиф келса, нурун ғала нурдурки, ҳува-л-матлуб.

Ва яна билмоқ керакки, ҳаммомдин янги чиққон кишини ҳижомат қилмоқ мамнуъдур. Зероки ҳаммом муҳаллили рутубат ва музъифи қуводур. Ва анга ҳижомат зам топса икки истифроғнинг ижтимоёи бағоят заиф қилур.

Ва табиатға изтироб ориз бўлур. Ва бошқа зарарлари ҳам кўпдур.

Магар одамики, қони ғализ бўлса, ани аввало ҳаммомға амр қилмоқ вожибдур, токи қони риққат ва хуружға қобилият ҳосил қилғай. Сўнгра бир фурсат шойиста осойиш ва исти-

роҳат қилгай, токи руҳ ва табиат ўз қувватини истироҳат бирлан истикмол қилгай, сўнгра ҳижомат қилингай.

ИККИНЧИ ФОИДА аъзога мутааллиқ аҳкоми жузъийлар баёнидадур.

Ва билмоқ керакки, миянинг батни муқаддамига ҳижомат қилмоқ ҳисға ва зеҳнға зарар қилур. Зероки батни муқаддам ҳис ва зеҳннинг мабдаъидур. Шунинг учун аксар атиббо бу маҳаллға ҳижомат қилмоқни макруҳ кўргондурлар. Аммо бошни орқа тарафига ва нуқра исмлиқ чуқурчаға ҳижомат қилмоқ акҳал томуридин фасд қилмоқнинг фоидасини берар. Ва икки қошнинг оғирлик эҳсос қилиб оғримоғига нафъ қилур. Ва кўз пилкининг рутубати фазлийясини қуруттар. Ва кўзнинг кўтуриға ва оғизнинг бадбўйлигиға нафъ қилур. Лекин нисён, яъни эслолмаслик эҳдос қилур. Шунинг учун ҳадиси шарифда ҳам андин манъ ворид бўлгондур. Ва сабаби зоҳирдурки, муаххири димоғ ҳифзнинг маҳаллидур. Ва қортуқ кўйилгон мавзеъни заиф қилмоқ ҳижомати маъа-ш-шартнинг лозимасидур.

Ва муаххири димоғнинг лозимаси нисёндур. Шунинг учун вожибдурки, агар нуқраға ҳижомат қилмоқ ҳожати бўлса нуқра чуқуридин андақ пастроқ маҳаллға қилингай, токи манфаат бемазаррат ҳосил бўлгай. Ва икки китфнинг миёнасиға ва гарданнинг мунтаҳосиға ҳижомат қилмоқ манфаатда бослиқ фасдиға ноибдур. Ва китф оғруғиға ва ҳалқ касалиға нофиъдур. Лекин фами меъдани заиф қилур. Шунинг учун бу маҳаллдин андақ юқорироқ жойға ҳижомат қилмоқ афзалдур, токи било зарар ва мақсуд било халал ҳосил бўлгай. Аммо агар бу маҳаллға ҳижомат қилмоқдин мақсуд ўпканинг назфуд-дами ва йўтални иложи учун бўлса мазкур маҳаллдин пастроқ маҳаллға ҳижомат қилмоқ вожибдур ва юқоридин нафъ қилмас. Баҳарҳол шул маҳаллнинг ўзиға ҳижомат яхши эрмас. Ва бу маҳаллнинг номини қоҳил дерлар.

Ва ихдаъайнға ҳижомат қилмоқ сарору томурининг фасдиға қоиммақом бўлур ва бош қалтироғиға нафъ қилур. Ва юз касалларини зоил қилур. Ва тиш, хусусан жағ милки ва қулоқ

ва кўз оғриқлари ва ҳалқ ва бурун касалларига нафъ қилур. Ва гоҳи димоғи заиф одамга бу ҳижомат тасодуф қилса, би-л-акс анинг бошига қалтироқ эҳдос қилур. Чунки димоғ ҳижомат жазби бирлан яна заифроқ бўлур. Ва ўзини барқарор тутолмас.

Ва ихдаъайн ихдаънинг тасниясидур. Маъниси гарданга мавзеъ бўлгон икки алад томурдурки, ўнг ва чап тарафдин бошнинг ҳамма аъзосига таралгондур. Ва почага ҳижомат қилмоқ софиндин фасд қилмоқ нафъига яқинроқ нофиъдур. Ва хотунларни тамсини идрор қилмоқ ва қонини танқия қилмоқда нофиъдур. Хусусан хотиники, оқ пўст ва бадани бўш ва мутахалхал ва қони суоқ бўлса, кўп нафъ қилурки, бу хусусларда почага ҳижомат қилмоқнинг нафъи софин фасдидин нофиъроқдур.

ТАНБИҲ. Нуқрага ҳижомат қилмоқ акҳал фасдиға ноиб ва қоҳилға ҳижомат қилмоқ бослиқ фасдиға ноиб ва ихдаъайнға ҳижомат қилмоқ сароруға ноиб ва почага ҳижомат қилмоқ софин фасдиға ноиб демақдин мурод ҳижомат маҳалли ва анга қариб маҳаллдаги касални изола қилмоқдағина ноиб демақдур. Зероки мазкур томурлардин фасд қилмоқ бутун бадандин ахлот жазб қилгонда албатта шул маҳалли ҳижоматдин ҳам жазб қилиб, шул маҳаллнинг касалиға нафъ қилур. Ва ҳижомат ҳам шул маҳалли махсусға нафъ қилмоқдағина мазкур фасднинг нафъига бадал ва ноиб бўлур. Ва илло фасднинг дафъи ва танқияси тамоми баданга ала-л-итлоқдурки, бунга ҳижомат ҳаргиз қоиммақом ала-л-итлоқ бўлолмас. Чунки фасд танқияси оммайи баданга ва ҳижомат танқияси маҳалли мазкурға хосдур. “Фа-ла йақуму мақамуху фи-л-аксари каза қала ал-Қаршийу фи шарҳи-л-Қонуни ва қамаҳдуваху би-фатҳи қоф ва мим ва суқуни ҳои муҳмала ва замми доли муҳмала ва фатҳи вов ва ҳо бамаъноийи баланди”, бас сардур. Ва бошнинг охири ва гардан устидаги нуқра чуқурининг устидаги дўнг мавзеъдур ва ҳомаҳ ба таҳфифи мим бошнинг ўртасидур. Ва бу мавзеъларга ҳижомат қилмоқ кўзнинг касалларига, чунончи жараб ва бусур ва мури сараж ва бунга ўхшаш

касалларға нафъ қилур. Лекин зеҳнға зарар қилур. Ва балоҳат ва нисёнға ва фикрнинг фасодиға сабаб бўлур. Ва кўзиға назла резиш қилгон кишиларға кўп зарар қилур. Ва баъзилар бу маҳалларға ҳижомат қилмоқ ақлға ҳалал етгон кишиға ва дувор касалиға нафъ қилмоғонини ва ҳижомат қилдиргон киши кечроқ қортаймоғиға боис бўлмоғини даъво қилгондурлар. Лекин Шайх ур-раис алайҳир-рахма “фиҳи назарун фа-ин-наҳа қад йафъалу залика фи абдани дуна абдани ва фи-лак-сари-л-абдани тасраъу-ш-шиба”, яъни бу даъвода назар бордур, бас, бу маҳаллға ҳижомат қилмоқ батаҳқиқ баъзи баданға мазкур нафъини берур ва баъзи баданға нафъ бермас ва аксарларини тезроқ қаримоғиға боис бўлур, дебдурлар. Фил-ҳақиқат ахлот ақл ва дуворнинг моддаси бағоят андак бўлуб, ҳижоматнинг таъсири ҳам тасодуфан андак бўлса ва бу андак жазб бирлан андак моддани имола қилмоқ бирлан қувват жазби тамом бўлуб, мияға батариқи нудрат таъсир қилмай қолса бу нудрати олийя соқит ул-эйтибор бўлур ва аксарға эйтибор лозимдур.

Ва иякнинг тағиға ҳижомат қилмоқ шишларға ва ҳалқум касалиға фоида қилур. Ва бошдин ва ҳар икки жағдин моддани жазб қилиб танқия қилур.

Ва думғаза устиға ҳижомат қилмоқ сонда ҳодис бўлгон чипқонға ва қўтурға ва бусурға ва никрис ва бавосир ва доъ ул-фил ва риёҳи масона ва раҳм ва хуккат уз-захр касалларига нафъ қилур. Ва бу мавзийнинг номини арабда қатан ба фатҳи қоф ва тойи муҳмала ва сукуни нун дерлар.

Ва соннинг олди тарафиға ҳижомат қилмоқ моякнинг варамиға ва соннинг хурожи, яъни ҳануз жароҳат ҳолиға етмаган моддаи жароҳатнинг ижтимоъиға ва почанинг хурожиға нафъ қилур.

Ва соннинг орқа тарафиға ҳижомат қилмоқ думбанинг варами ва жароҳатиға нафъ қилур.

Ва тиззанинг пастига ҳижомат қилмоқ тиззанинг зарабоники, иссиқ ахлотнинг ижтимоъидин ҳодис бўлса ва почада

ва оёгда ҳодис бўлгон жароҳати радиъа ва қуруҳи анифала-
рға фоида қилур.

Ва тўпуқ устига ва муҳозийсида ҳижомат қилмоқ ҳайзни
равон қилмоқ учун нофиъдур. Ва ирқ ун-насо касалига нафъ
қилур.

ТАНБИҲ. Ҳижомати бошартнинг уч навъ фоидаси бордур.
Бир навъи шулки, ҳижомат қилингон узвдин моддаи хун ва
соири ахлотни жазб қилиб, мазкур узвни танқия қилур.

Ва иккинчи навъ фоидаси шулки, қон ва бошқа ахлотни
узоқдин тортиб чиқарса ҳам, лекин муҳажжима қўйилгон
маҳалли махсусдин бошқа жойдин руҳни тортиб чиқармас. Ва
ўз ҳолига боқий қўяр.

Ва учинчи навъ фоидаси шулки, бадандин жазб қилгон
истифроғи аъзойи раисага таъсир ва таъарруз қилмас.

Ва билмоқ керакки, агар баданни чуқур маҳаллидин мод-
дани жазби мақсуд бўлса, тигни чуқурроқ урмоқ вожибдур,
токи мақсуд бўлгон модда баосони хориж бўлғай. Ва гўштнинг
тахалхулидин суюқ қон тарашшуҳ қилуб, ғализи тўхтаб қол-
моқ эҳтимоли камроқ бўлғай. Ва илло юзароқ урмоқ муно-
сибдур, токи баъзи уруқи шаърийялар кесилмоқ эҳтимоли
камроқ бўлғай.

Ва яна билмоқ керакки, гоҳи қортуқ ёпишгон жойга ва-
рам пайдо бўлуб, варамнинг тамадуди ва салобатидин шун-
доғ ҳолат ориз бўлурки, қортуқни бадандин кўчируб олмоқ
кўп қийин бўлур. Чунки қортуқнинг ичида ҳаво камлиги са-
бабдин баданни ҳаргиз бўшатмай ҳамон жазб қилуб турар.
Аммо анга хориждин ҳаво киргузмоқ учун баданни босуб йўл
очмоқ учун варамнинг тамадуди ва озори имкон бермас. Бас,
шул вақтда бадан тоқат қилғудек иссиқ сувга латгани хўллаб
қортуқ тагига такмид қилмоқ вожибдур, токи баданнинг та-
мадуд ва салобати юмшаб, бир тарафдин босиб ҳаво кир-
гузмоқга имкон берғай. Ва бундоқ варам аксар вақтда ҳайзни
ва ё руьофни тўхтатмоқ учун эмчак атрофиға ҳижомат қил-
моқда воқеъ бўлса, шул варам пайдо бўлур эрди. Агар эмчак
атрофида гўшт юпқароқ бўлуб, таги устихон бўлгон сабаби-

дин қортуқ ҳам озорликроқ бўлур. Хусусан моддани жазби бирлан варам ҳодис бўлғонда ҳам озор сабаби ва ҳам модда ижтимоъи сабабдин шиддатлик ва зўр тамаддудлик бўлур. Бас, бу озор ва тамадудға иловатан гўшти юпқа ва устихон яқиндурки, гўштни босиб ҳавоға йўл очмоқға булар монедурлар. Бинобарин бундоқ вақтда худ эмчакни ҳижомат қилмоқ атрофиға назаран бемалол ва беозор нафъ қилур.

Ва ҳижомат қилмоқнинг тариқаси шулки, аввало маҳалли мақсудға ёғ суртилур, токи беозор бўлғай, тезлик бирлан ул маҳаллға фақат қортуқ қўюлур, бешак. Ва андин андак замон ўтгандин сўнг қортуқни олиб ўрниға шарт қилинур, яъни тиғ урилур. Сўнгра яна қортуқ бир замони шойистағача кутуб турилур. Сўнгра қортуқни кўчируб, ичидаги қонни ва бадан қонини артиб тозалаб, яна қортуқни қўюлур. Ва шул тариқа бирлан уч ё тўрт карра қўюлур, токи матлуб миқдор қон хориж бўлғай. Ва шартни чуқурроқ урилмоғони сабабдин иккинчи ва учинчи навбатда қон чиқмаслиги маълум бўлса, яна такрор шарт қилинғай. Ва қортуқ қўймоқда биринчи навбатда қортуқни жазби бўшроқ ва кўчирмоқ муддати тезроқ бўлмоғи лозимдур. Ва бошқа ҳар навбатда батадриж қортуқнинг жазби ва қўйилғон муҳлатини оширилур. Ва қортуқдин тамом фориг бўлғондин бир соат ўтгандин сўнг физо бермоқ керак.

Ва ҳижомат қилдирғон одам агар сафровий мизож бўлса ҳижоматдин анор суви ва коснийнинг сувиға шакар қўшиб ичмоғи ва ё кохунинг сувиға сирка қўшиб ичмоғи лозимдур.

ИККИНЧИ БАҲС ҲИЖОМАТИ БЕШАРТ БАЁНИДАДУР

Ва бул ҳам ё олов бирлан ва ё имтисос бирлан бўлур. Ва имтисос бирлан ҳижомат маълум ва машҳурдур. Ва оловлик ҳижоматнинг тариқаси шул баҳснинг охирида баён қилинур.

Ва баҳар кайф бешарт ҳижоматнинг истеъмолиға неча гаразлар боис бўлур.

Биринчиси моддани муҳолиф тарафға жазб қилмоқдур. Чунончи ҳайз тўхтамасе эмчакға бешарт ҳижомат қилинур,

токи қонни раҳмдин эмчак тарафға жазб қилиб, ҳайз наз-
фини мунқатиъ қилғай.

Ва иккинчиси баданнинг дохилида чуқур маҳаллда бўлган
варамни хориж тарафға жазб қилмоқдур. Зероки чуқур
маҳаллда бўлгон варамға хориждин зимод қилингон даво-
нинг таъсири етмас. Бас, анга ҳижомат қилинса моддаи ва-
рамни хориж тарафға жазб қилур, токи анга давойи зимод
таъсир қилғай.

Ва учинчиси шулки, бир узви шарифға ориз бўлгон ва-
рамни ул узвға яқин бўлгон хасис ва камзарарроқ узвға жазб
қилмоқдур, токи узви шариф варамнинг офатидин маҳфуз
бўлғай. Лекин бу жазбнинг нафъи варамнинг ибтидоий зуҳу-
рида ва модда шул узвға маълум бўлгон вақтдагина ҳосил
бўлур, токи ул жонибға моил бўлгон модда ўз майлонидин
мамнуъ бўлуб, маҳалли ҳижомат тарафға моил ва мунжазиб
бўлғай. Аммо агар варам зоҳир бўлуб, модда ул узвға қарор
топгон бўлса, сўнгра ул моддани ўз маҳаллидин четга жазб
қилмоқ кўп қийин, балки мумтаниъ бўлур. Ва бу ҳолда ҳижо-
мат қилмоқ мамнуъдур. Зероки бу ҳижомат фақат аламни зиёда
қилмоқға боис бўлур. Ва зиёда алам эса зиёда модданинг ин-
сибобиға сабаб бўлур.

Ва тўртинчи шулки, совуқ бирлан асарлангон ва бодий
таҳлил топмай қолгон узвға қон жазб қилуб, иситма ва бод-
ни таҳлил қилмоқдур. Чунончи совуқ шамол асаридин ориз
бўлгон зот ул-жанб ва совуғдин мутаассир бўлуб, бод пайдо
қилиб оғригон узвларға истеъмол қилинур.

Ва бешинчиси табиий мавзъидин зоил бўлгон бир узв-
ни мавзъи табиийға жазб қилмоқдур. Чунончи орқа фақра-
ларидин бири ўз мавзъидин бир жонибға гоҳи баъзи сабаб-
лар бирлан моил бўлур ва ани мухалиф тарафиға ҳижомат
бирлан жазб ва ислоҳ қилинур. Ва инчунин мояк тарафға
ичак ва ё чарби тушарки, номини қил, яъни дабба дерлар.
Ва ул ҳолда ўонаға ҳижомат қилиб аларни мояк тарафдин
жазб қилинур. Ва инчунин гоҳи воқеъ бўлурки, мояк юқорига
тортилиб кетар ва ҳаргиз ўзича тушмас. Бас, ул ҳолда мояк
маҳаллиға ҳижомат қилинса моякни жазб қилиб туширар.

Ва олтинчиси шулки, алам ва озорнинг таскини учун истеъмол қилинур. Чунончи варамдин холий ва бошқа сабаблардин ориз бўлгон қўланжнинг аламини таскин ва ё тахфиф учун мустаъмал бўлур. Хусусан қўланжи рихийда ва хотунларнинг ҳайзлари банд бўлгон сабабдин ҳодис бўлғи! важаъ раҳмға, хусусан қони ғолиб ва жувон хотунларда кўп воқеъ бўлур. Бас, бундоқ ҳолатда киндиги атрофидин кўпроқ жойни жазб қилғай.

Ва билмоқ керакки, ҳижомати бешарт бодни жазб қилмоқда кўпроқ муассирдур. Хусусан оловлик ҳижомат муассирдур. Ва варкға, яъни думбанинг муҳозийдин андак юқорироқ бўлгон ёниға ҳижомат қилмоқ ирқ ун-насо касалиға нафъ қилур. Ва сон илиги ёнбошдин чиқмоқ хавфидин эмин қилур.

Ва икки варкнинг миёнасиға ва икки тизза ва икки сонға ҳижомат қилмоқ бавосир ва ниқрис учун нофиъдур. Ва мақъадға ҳижомат қилмоқ жамиъки бадандин жазб қилур. Ва ичакға ва ички аъзоларға нафъ қилур. Ва тўхтагон ҳайзни равон қилур ва баданни енгил қилур.

Аммо ҳижомат қилмоқнинг тариқаси шулки, мавзеъи ҳижоматни ёғ суртиб тойғоқ қилинур, токи қортуқни жазби бирлан бадан тойиб қортуқ тагиға жамъ бўлмоғи осон ва беозор бўлғай. Сўнгра агар қортуқ оловсиз бўлса, маълумки, қортуқни юқори учида бир танг тешуги бўлур. Ва қортуқ қўядургон одам аввал бир нимарсаики, тахалхулдин холий ва лекин мулойим бўлса ва ё андак тахалхули бўлса ҳам, лекин лузужатлик ва ширадор бўлса андин кичик бир қитъани оғзиға солиб, тупуги бирлан ҳўллаб туруб, сўнгра мавзеъи мақсудға қортуқни маҳкам ўрнатуб туруб, юқори тешугидин оғзи бирлан сўруб, қортуқ ичидаги ҳавони жазб қилур. Ва жазб вақтида қортуқни атрофини бадандин кўчирмаслик шарти бирлан андак-андак ҳар икки жонибға ҳаракат берғай, токи баданни ўз ичиға жазб ва жамъ қилмоғи мумкин бўлғай. Ва шу тариқа бирлан мумкин қадар жазб қилгондин сўнг оғзидаги бир қитъа нимарсани тили бирлан тешукға босуб тешукни банд қилур, токи яна андин ҳаво кируб қортуқни

жазби зоил бўлмағай. Ва бу қитъа хом терининг қитъаси бўлса ва ё хўб янчилғон пай бўлса яхшироқ бўлур.

Ва маълумки, қортуқ бадандин на миқдор қонни жазб ила ўзига жамъ қилса, шул қадар жазби заифланур. Бинобарин дамбадам такрор суруб, яна қортуқ тешугини мазкур қитъа бирлан беркитуб турмоқ лозим келур.

Аmmo оловлик қортуқни қўймоқ тариқаси шулки, бир чўбнинг учиға андак пахта ўраб, ани агар муяссар бўлса, испиртға ва ё бензинға илло бошқа ёғларға олуда қилуб, мавзеъи мақсудға бағоят яқин жойда ёқилур ва устиға қортуқни тўнқариб тутилур, токи оловнинг шуъласи қортуқ ичиға тўлуб, анда тўлғон ҳавони тамом таҳлил қилғай. Сўнгра дарҳол зудлик бирлан қортуқни баданға босилур. Бас, шул ҳолда қортуқ ичидаги олов фоний бўлғой, лекин мавжуд ҳавоси ҳануз иссиқ вақти бўлур. Ва баданға қўйгондин сўнг ул ҳаво совуб ҳажмиға нуқсон ориз бўлур. Ва танг маконға жамъ бўлмоғи лозим келур. Ваҳоланки боқий маҳаллни холий қолмоғи мумтаниъдур. Бинобарин ул нуқсоннинг бадалиға қортуқ баданни жазб қилур.

ВА УЧИНЧИ ҚИСМ ТАЪЛИҚ (ЗУЛУК СОЛМОҚ) БАЁНИДАДУР

Ва маънийи таълиқ алақ қўймоқдур. Ва алақ ба фатҳатайн ва алақа ба маънойи зулудур. Ва бу қисм уч баҳсға мутазамминдур.

БИРИНЧИ БАҲС зулув анвоъининг баёнидадур. Махфий қолмағайки, аҳли ҳинд зулув солмоқ хусусида ва бағоят баста тамом бирлан баён ва истеъмолиға ривож бергандурлар. Аммо атиббойи юнон аксар навъ зулудда заҳар бўлғони учун бу хусусда кўп сўз баён қилмоғондурлар. Ҳаттоки аксари қудамо зулув солмоқға мутлақо амр қилмоғондурлар. Лекин атиббойи мутаххирийн ҳижоматға қобил бўлмоғон баъзи мавзеъға ноҷор зулув солмоқға батадриж одат қилиб, зулувнинг нафъи тажрибада собит бўлғондин сўнг бу амалға муътод бўлдилар.

Ва ҳам нафъи собит бўлгон зулувларни аҳволи ва кайфийятинин баён қила бошладилар.

Хулоса, билмоқ керакки, ҳар зулувки, боши катта бўлса ва ранги сурмаранг қаро бўлса ва ё сабзранг бўлса ва ё музғаб, яъни андак мўйдор каби кўринар рангда бўлса ва ё илон балиғи сувратида бўлса ва ё устида ложувард ранг хутут бўлса ва ё мунқалибун рангига ўхшаш тобланиб кўринар бўлса, бундоқ зулувлар ҳаммаси заҳардор бўлур. Истеъмоли дуруст эрмас. Ва буларни баданга қўймоқ боиси варам ва ғаший ва назф уд-дам ва истирхо ва қуруҳи радииййи фосидаға мўвжиб бўлур. Ва мунқалибун муфрад басийғаи жамъдур. Ва бир паррандани номидурки, товус рангидадур. Ва вазъийяти тағйир топғони бирлан ранги ҳам мутағаййир бўлуб товланур.

Ва инчунин ҳар зулувки, балчиқ лойлик чашма ва бошқа ариқда бўлса, андин ҳам ижтиноб лозимдур. Ва ҳаммадин яхшиси тўхлаб гиёҳи кўкарган сувлардин ва қурбақалар яшайдирган сувдин сайд қилинғон бўлса, ани баданга ирсол қилмоқ сазовордур. Ва баъзиларнинг қурбақалик сувдаги зулувни радиъ ва истеъмоли нодуруст деган сўзлари маъқул эрмас. Ва боядки зулув мошранглик бўлуб, усти сабзрангға моил бўлғай. Ва устида зирних ранг саригдин икки адад хат тортилғон бўлур.

Ва яна зулувки, ашқар, яъни қўнгиранглик ва мудаббири мустатил, яъни атрофи гирд ва берух бўлса ва ё жигаранг қизил бўлса ва ё чугуртканинг танаси шаклида ва жусаси кичик бўлса ва ё сичқоннинг думи шаклида бўлса ва ё боши бағоят кичик бўлса беофат бўлур.

Ва агар зулувки, қорни тарафи қизил бўлса, орқаси сабзранг бўлса ҳамма зулувдин яхшироқ бўлур. Хусусан агар оқар сувдин сайд қилинғон бўлса ҳаммадин афзал бўлур. Ала-л-хусус истеъмолдин бир кун илгари сайд қилинғон бўлуб, бир кун бошини паст ва думини баланд қилинғон ва уч кун ҳайъатда сақланса, токи ичида бўлгон нимарсалари қай бирлан мундафиъ бўлса, сўнгра барранинг қони ва ё паррандининг андак қонидин ани олдига тўкиб қўйилса, токи баданга

қўймоқдин бурун андин андақ ғизо қилса, сўнгра ул зулувни олиб бадандаги лубоб лузужатини артиб пок қилиб, андин сўнг баданға қўйилса ҳаммадин афзал ва анфаъдур.

ИККИНЧИ БАҲС зулувни баданға қўймоқ тариқаси баёнидадур. Билмоқ керакки, ҳар вақтики, зулувға ҳожат бўлса, то қўймоқға баҳасби таъриф муносиб зулувлар ҳам муҳайё бўлса, сазовор шулки, аввало бир каттароқ зарфға покиза ширин сув солиб ани ичиға зулувларни солингай. Ва зулувлар сувда бироз ҳаракат қилмоқлариға назар қилиб турилгай. Бас, буларнинг қаюси тез ҳаракатлик бўлса, ани ажратиб олиб лубобдин пок қилиб, сўнгра бадандин маҳалли мақсудни намақоб бирлан ювмоқ ва молиш қилмоқ лозимдур. Токи бадан қизаргай. Сўнгра зулувни маълум тариқа бирлан баданға қўйилур. Ва агар зулув баданға тез ёпишавермаса баданға гули саршўй ва андақ қон суртуб, сўнгра зулув қўйилса камоли рағбат бирлан ёпишар. Ва агар тўйса ва ани тушмоғи матлуб бўлса ва лекин тушмаса, андақ майда туз ва ё бура ва ё кул ва ё канаф ва ё мўйнинг ва ё баллутнинг куйдирилгон кулидин зулув тишлагон жойға сепилса, дарҳол тушар. Сўнгра ул маҳаллға яна қортуқ қўйуб андақ қон чиқармоқ афзалдур. Токи зулувда андақ зарарлик кайфийят бўлуб, тишлагон жойиға асар қилгон бўлса қон бирлан мунжазиб бўлгай. Ва зулув қўймоқ вақтида лозимдурки, қонни тўхтатадурган нимарсалар муҳайё қилиб турилгай, токи агар зулув соқит бўлгондин сўнг қони тўхтамасе дарҳол ул жойға даво сепиб тўхтатмоқға ҳозир бўлгай. Чунки баъзи вақтда зулув тушгандин сўнг қон худ-бахуд тўхтамай қолур. Ва бунга сабаб баъзи зулув чуқурроқ тишлаб майда уруқи шаърийялардин баъзисини тишлаб кесмоғидурки, ани қони даво тадбири бирлан тўхтатилур.

Ва ҳаммадин яхшироғ даво бу хусусда куйдурилгон мозу ва ёки туздур. Ва илло кул ва ё софолдурки, ҳар қаюси муяссар бўлса бағоят майда қилиб сепилса қонни тўхтатар.

УЧИНЧИ БАҲС зулувнинг манфаатлари баёнидадур. Билмоқ керакки, баданда аксар жой бўлурки, ани ҳижомат бирлан танқия қилмоқға ноқобил бўлур. Ва ҳижомат мумкин

бўлмас. Ва шубҳасиздурки, баданнинг ҳаммаси ҳам зулув солмоқға қобилдур. Ва зулув солмоқ ул жойнинг танқиясиға кифоя қилур.

Ва яна маълумки, аксар мардум, хусусан хотунлар ва гўдаклар ва заиф ул-ҳоллар ва ҳам ваҳмдорлар тигнинг озориға таҳаммул қилолмаслар. Бас, аларға зулув солмоқ осонроқ ва камзорроқ бўлур.

Ва яна баданнинг чуқур жойидин қон жазб қилмоқда ҳижоматға нисбатан зулувнинг жазби зиёдароқдур. Ва шунинг учун аксар вақтда зулув соқит бўлгондин сўнг ҳам қон оқиб турар. Ва даво бирлан тўхтатмоқға ҳожат бўлур. Аммо ҳижоматда то тиг тасодифан баъзи томурларға тегиб қолмаса қортуқдин сўнг қон ҳаргиз худ-бахуд сайлон қилмас. Ва яна териға ориз бўлгон амрози музминаларда, чунончи саъфа ва қувабо кабиларда ҳижоматға назаран зулувнинг таъсири кўпроқдур.

Ва ҳинд атиббосидин баъзилари зулув фосид қондин бошқани жазб қилмас, деб ёзибдурлар. Ва мискиннинг фикримча¹ бу маъниға важҳи ақлий ҳам рост келурки, умум атиббонинг наздларида муттафиқун алайҳ қоидадурки, “инна-т-табиата мин шаъниҳа ҳифзу-л-жаййида ва дафъу-р-радиййа ин лам йуавиқуҳа-л-қосир”, яъни батаҳқиқ табиатнинг шаънидурки, яхшини сақлар ва фосидни дафъ қилур, агар анга зўрлаб манъ қилғувчи қосир бўлмаса, дерлар.

Бас, маълумдурки, зулувнинг жазби батадриждур. Ва табиатнинг феълиға монеъ бўлуб, анинг изтиробига боис бўлғудек шиддат зулувда йўқдур. Бас, батадриж жазбига лоиқ миқдор фосид қонни солиҳ қондин ажратиб, дафъ қилиб турмоқ табиатнинг вазифаси бўлгон учун зулув фақат фосид қонни жазб қилмоғи мумкиндур. Магар маҳалли мазкурда фосид қон бўлмаса, албатта ночор покиза қонни жазб қилурки, бу ҳукмдин хориждур, бахилофи ҳижоматки, аввал башиддат жазб қилур ва ўз ичида холийлик мумкин бўлмоғони учун табиатнинг феълиға мунтазир бўлолмас. Ва ёпиқон му-

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

ҳаллидин хоҳ солиҳ ва хоҳ фосид қон мавжуд бўлса, ҳаммасини жазб қилур.

ИНТИБОҲ. Ҳижоматда мазкур бўлгон шароитики, оининг аввалида ва охирида бўлмаслиги ва баъд аз нисф ва учинчи ҳафтанинг авваллароғида ихтиёр қилмоқ ва кундузнинг соатларидин муносиб соатларда ихтиёр қилмоқ баихтиёрий ва изтирорий ҳожатнинг риояси зулув солмоқда ҳам лозим билмоқ керак. Чунки ҳар иккисиди ушбу шароитнинг сабаби оининг нуруни таъсири бирлан моддани зоҳири бадан тарафга чиқмоғи ва ой камнур вақтида дохили баданга ружуъ қилмодур.

Ва инчунин бир ёш ва бир ярим ёшлик болаға ва олтиш ёшдин ошгон мўйсафидларға ҳижомат мамнуъ бўлғони каби зулув ҳам мамнуъ деб эътибор қилинғондур. Лекин олти ойлик, балки қирқ кунлик болаларға зарурат вақтида икки-уч адад зулув солмоқға рухсатдур. Ва тажрибада манфаати бемазаррат кўрилғондур.

Ва сурхбод исмлиқ касалики, қон фасодидин ориз бўлур ва хилқатда фазла тариқаси бирлан қондин ажралиб зоҳири баданға мундафиъ бўлгон фосид қон баъзи болаға ориз бўлур ва андоғ болани чилласи чиқғондин сўнг анга фақат зулув солмоқ ҳинд атиббоси миёналарида маъмулдур. Ва ҳақир ҳам аксар киндикдин қуруҳ пайдо қилғон болаларға ҳеч даво нафъ қилмағондин сўнг икки ой ва уч ойлик вақтида киндикнинг атрофиға уч адад зулув солмоқға буюрдум, андак муддатда қуруҳи қуримоқға юзланди. Сўнгра анга қўйилғон зурварларнинг таъсири фавран зоҳир бўлди. Лекин эҳтиёт шулки, то зарурат бўлмаса боланинг меъдасидин юқори жойлардин қон чиқармаслик яхшидур.

Ва агар зарурат ёки хато бирлан меъданинг рўбарўси ва ё андин юқори мавзеъларға зулув солинғон бўлса, то бир ҳафтагача нўшдору ва беҳи шарбати каби нимарсалардин ялатмоқ ва меъдасиға тақвия қилиб турмоқ лозимдур, токи меъда зарардин эмин бўлғай.

Аммо авом ун-нос миёналарида зулув солмоқда эҳтиёт

учун неча хил даволар ва бошқа тадбирларики, ҳожатдин зиёда машхурдур, беҳуда ва маҳзи лағвдур. Ва хоҳ зулув ва хоҳ ҳижомат ва хоҳ фасд бирлан қон чиқармоқни эҳтиёти бир хилдурки, мазкур бўлди.

Ва қон чиқарғондин сўнг иссиғлик нимарсалардин бермоқ мамнуъдур. Ва инчунин то зарурат бўлмаса совуғлик нимарсалардин бермоқ ҳам жоиз эрмас, балки мўтадил бўлмоғи яхшидур.

ЎНИНЧИ ФАСЛ ҚАЙ ВА ИСХОЛ (ИЧНИ СУРИШ) ВА ХЎҚНА (КЛИЗМА) БАЁНИДАДУР

Ва бу фасл уч қисмга муштамилдур. Биринчи қисми қай баёнидадурки, тўққиз фоидага мутазамминдур.

БИРИНЧИ ФОИДА қайдин мақсуд бўлгон ғоялар баёнидадур.

Билмоқ керакки, қай икки навъдурки, бири азбаройи ҳифзи сиҳҳат бўлур. Ва бири азбаройи изолайи мараз бўлур. Бас, анга сиҳҳатлик ҳолда қай қилмоқ ул сиҳҳатни ҳифзи учундур. Зероки ҳар кунлик тановул қилингон физодин андак-андак ғализи ва серлузужатлиги ночор қаъри меъдада ва ани атрофида қолур. Хусусан агар риёзат ва ҳаракат тарк бўлса, албатта. Ва ё меъда совуқ ва ҳўл мизожлик бўлса, бу лузужат албатта ҳосил бўлур.

Ва зоҳирдурки, мурури замон ила бу андак-андакларнинг ижтимоъидин касрат бўлур, бир-бирига фасод ориз қилурлар. Бас, эҳтиёт учун ани такассур ҳосил қилмоғидин муқаддам ихрож қилмоқ лозимдур. Ва шунинг учун Букрот ҳар ойда бир бор қайға одат қилмоқни ва ҳар бор қай қилғонда икки кун қай қилмоқни, яъни биринчи кундаги қай сабаби бирлан ҳаракатга кирган, лекин мундафиъ бўлолмайд қолган бақияси бўлса, иккинчи куни мундафиъ бўлмоғи учун эҳтиётни лозим билғондур. Ҳаттоки ҳар ким шул тариқа қайға одат қилса ва физода ва бошқа тадбирда исроф қилмаса, ул кишининг сиҳҳати учун зомин бўлурман, деб даъво қилғондур.

Лекин бунга амал қилувчи одамга лозимдурки, бир ойда бир қай қилмоқ учун интизом бирлан оининг муайян кунида қай қилмоқ, балки андин гоҳи тақаддум ва гоҳи тааххурни ихтиёр қилғай. Ҳатто баъзи ойда тарк ва баъзида такрор қилғай, токи табиат бир вақти махсусада қайға одат қилиб қолмағай.

Аммо касалик ҳолда қай қилмоқ ҳам икки навъ бўлур. Ва бири меъдани ва меъда атрофини танқия қилмоқ учундур. Ва бири узоқ бадандин моддани кўчириб жазб қилмоқ учундур. Бас, агар фақат меъдани поқ қилмоқ мақсуд бўлса, физоларики, ғализ хилтни латиф қиладурган, масалан, бетуз ва ё камтуз шўрбо, хусусан балиқ гўштининг шўрбоси кабилардин ичирмоқ ва сиканжубин ичирмоқ, сўнгра оғзига қўл ва ё пар суқуб, қайға ёрдам бермоқға ихтисор қилмоқ ва ҳиддатлик даво истеъмолидин ихтироз қилмоқ лозимдур. Ва агар ҳожат бўлса шибитни қайнатиб, сувиға сиканжубини асалий кўшуб бермоқ мумкиндур, токи осонроқ қай келғай. Аммо зўр қай қилдирғувчи даводин истеъмол қилмағай. Ва қай учун кўп муболаға қилиб ўхчимоқ ҳам раво эрмас. Чунки қувватлик даво ила қайға муболаға қилмоқ ҳар иккиси моддани атрофдин меъдаға жазб қилур. Ва холий меъдани балки хилт бирлан олуда қилурки, бу маъни хилофи матлубдур.

Аммо агар мақсуд узоқ аъзодин моддани жазб қилмоқ бўлса, ул сувратда бақувват даводин ва қайға муболаға қилмоқдин бошқа чора бўлмас. Лекин агар мусҳил бирлан мақсуд ҳосил бўлмоғи мумкин бўлса, қайнинг машаққатини иртикоб қилмаслик лозимдур. Агар қай қилмоқ зарур бўлса ва лекин мариз аҳволи номаълум бўлса, аввало камқувватроқ қайдору беруб, имтиҳон қилмоқ вожибдур. Агар ул даво кифоя қилмаса ва бақувват давоға мустаъддиги маълум бўлса, сўнгра бақувват қайдору, чунончи харбақ ва асорай рийванд кабилардин бермоқ мумкин бўлур. Ва илло ҳаражни раво кўрмаслик ва қайнинг эвазиға бошқа тадбир қилмоқ афзалдур.

Ва агар қай қилмасдин бошқа тадбир кифоя қилмаса ва

қайға мариз истеъдодлик ҳам бўлмаса, боядки, аввал ани қай учун омода қилинғай, баинтариқаки, ёғлик ва мулойим гизо бермоқ ва ҳаракат ва риёзатни тарк қилмоқ ва ёғлик нимарсадин ичируб турмоқни лозим тутмоқ ва батадриж қайға одат қилдурмоқ лозимдур. Ва қачонки, комил даражалик қайни ирода қилинса, ўшал куни қайдин бурунроқ янги ва покиза таомлардин ранги ва таъми бир-бириға мухталиф бўлғонларидин неча хилини аралаш ва кўп миқдор тановул қилдирулғай. Ва таом кўп чайнамоқдин манъ қилмоқ керак.

Ва таомни янги ва покиза бўлмоғидин мақсуд гоҳи қай қилолмай қолса ё қайда бу таом келолмай меъдада қолса, меъдада фасод пайдо қилмағай. Ва таомни кўп миқдор бўлмоғидин мақсуд меъда тўла бўлғон сабабидин қайни тезроқ ва кўпроқ ижобат қилмоғидур.

Ва ранги мухталиф бўлмоғидин мақсуд қуввати дофиъаға мухолафат қилмасин учун балки ҳар хил гизо сабаби нафрати табиат ва дафъи дофиъа бўлсин учундур. Зероки бир хил таомға меъда одат қилғони учун қуввати дофиъанинг дафъиға руҳ таважжуҳ қилмас. Ва хилофи мухталиф физиоки, анга меъда муътод бўлмоғони учун дофиъаға монъеъ бўлмас, балки қайға ёрдам берур.

Ва кўп чайнамасликдин мақсуд шулки, чайнамоқ меъданинг қуввати жозибасини ҳаракатға киргузар. Ва жозоба ҳаракати дофиъаға монъеъ бўлур. Шунинг учун ҳаттоки қайдин бурунроқ сақич чайнамоқни атиббо манъ қилғондурлар.

Ва қай қилдурадурган нимарсалар: жиржир, яъни тарате-зак ва турб ва тарих ва фудинажи жабалий, яъни ялпузи жабалий ва пиёз ва гандано ва кашқобки, дони бирлан асал қўшуб ичирулса. Ва боқилийдин пишурулғон ҳасс, яъни лўбиёнинг ҳарирасини шакар қўшуб ичмоқ ва ширин шаробға асал қўшуб ичмоқ ва бодомни асалға қўшуб ичмоқ ва қовун ва қисо ва буларнинг тухми ва ё илдизини янчуб, сувға ивигуб сувиға шакар қўшуб ичмоқ ва турб қўшуб қайнатилғон шўрбо ва ёғда пиширилган патир нонки, ёғдин олғонда дарҳол асалға ва ё душобға, яъни ширинийға солинғон бўлса. Ва

бўзаки, анга асал кўшуб ҳаммомдин чиқгондин сўнг ичулса қай ҳам, исҳол ҳам келтурар. Ва бошқалари қай учун меъдани ва қуввати дофиъани ва моддани омода қилса ҳам, лекин қўл ва пар суқуб ёрдам бермоқға муҳтождур.

ИККИНЧИ ФОИДА қай асносида лозим бўладурган тадбирлар баёнидадур.

Билмоқ керакки, қачонки қай қилмоқ учун ҳозирлик муясар бўлса ва меъдада тўлалик бўлмаса ва бошқа монёъ ҳам бўлмаса риёзат ва машаққат ҳаракатиға буюрмоқ керак, токи қай кўпроқ ва осонроқ келгай. Чунки машаққатлик ҳаракат ахлотни қизитуб ҳаракатга киргузар. Ва шул сабаб бирлан қай вақтида оғиз тарафға суъуд қилмоқ осонроқ бўлур. Ва шунинг учун Буқрот айтгандурки, агар одамиға харбақ ичурсанг бас, боядки, сани қасдинг ул одами ҳаракат қилдирмоқға кўпроқ бўлсин. Ва осуда қилмоқ ва ухлатмоқ учун қасдинг камроқ бўлсин. Ва агар истифроғни кўпроқ бўлмоғини хоҳласанг, ани ҳаракат қилдирмоқға кўшиш қил. Ва агар истифроғ тўхтамоғини хоҳласанг, ул одами ҳаракатдин тўхтаб ухламоғиға кўшиш қил, дебдур.

Ва яна қоринға бир катта рўмол ва ридони айлантириб ўраб, йўргак қилуб, мўътадил даражада боғламоқ лозимдур, токи бўш боғлағон тақдирдаги йўргакнинг монёъ ва муҳофиз бўлмоғон сабабидин ўхчуқ шиддатидин ориз бўладурғон фатқ, яъни даббадин эмин бўлгай. Ва ҳам маҳкам боғлаган тақдирдаги қайнинг дафъиға мудово учун ҳибси ҳавоға монёъ бўлуб, қайни қийинлашмоғиға боис бўлгай. Лекин мазкур йўргакни юқори тарафини бўшроқ ва паст тарафини батадриж маҳкамроқ боғламоқ муносибдур, токи қайни юқори тарафға дафъиға иъонат бергай.

Ва эҳтиёт учун ҳар икки кўзға латта ёки пахтадин рифода қилиб қўйиб, устидин бир асоба бирлан боғлаб тургай, токи қай ва ўқчуқ башиддатроқ воқеъ бўлса, кўзға зўр келиб ҳужуз касали воқеъ бўлмагай. Ва агар рифода бадалиға кичкина харита қилиб, ани сурма бирлан тўлдириб, кўзига харита бирлан боғласа яхшироқ бўлур.

Ва қай доруни ичгандин сўнг давони таъсири ҳосил бўлмоқға шойиста миқдор муддатғача беҳаракат турмоқ зарурдур, сўнгра қайға ҳаракат қилмоқ лозимдур. Бас, шул вақтда қай учун табиат ҳаракатға келса фабиҳа-л-мурод.

Ва илло парранданинг парини ҳино ёғи каби нимарсаға олууда қилуб, оғзига суқуб, то ҳалқиға етказуб, иъонат қилмоқ керак. Ва агар пар ҳам кифоя қилмаса, ҳаракат қилдирмоқ лозим бўлур. Ва агар бул ҳам кифоя қилмаса ҳаммомға туширмоқ лозим бўлур. Зероки ҳаракат ва ҳаммом қайға иъонат берур.

Ва инчунин меъдани ва атрофни, яъни оёқ ва қўлни иситмоқ ҳам қайға иъонат берур. Аммо меъдани иситмоқ гашаён ижоб қилурки, ҳарорат қуввати дофиъаға муъинлик зоҳирдур. Ва лекин оёқ қўлни иситмоқ гашаённи ижоб қилмоғи лозим эрмас. Балки аввало меъда исиган бўлуб, сўнгра оёқ ва қўл исиса меъданинг ҳароратиға мадад бериб, гашаённи ижоб қилур. Ва илло би-л-акс, моддани меъдадин жазб қилуб, қай ва гашаёнға монёъ ҳам бўлур. Ва агар қайдоруни ичгандин сўнг паришонлик ва андуҳ пайдо бўлса иссиқ сувға зайт ёғини қўшуб ичурмоқ керак, токи қай қолдурғай ва ё исҳол қилғай.

Ва маълумки, давони меъдада таваққуф қилмоғи зарурийдур, токи таъсир қилғай. Бас, таъсирдин бурун тезлик бирлан меъда қай қилмоқға ҳаракат қилса, вожибдурки, хушбўй нимарсаларни ҳидлатмоқ бирлан қайни манъ қилғай. Ва оёқ-қўлни босиб уқаламоқ ва андак сирка ичирмоқ ҳам қайни манъ қилур. Ва олма ва беҳига андак мастакий қўшуб чайнамоқ ҳам монёъи қайдур.

Ва билмоқ керакки, қай қилмоқда рост ўлтирмоқ лозимдур. Ва агар қоим туриб қай қилса, ўлтирғон ҳолға назаран қай осонроқ бўлур. Ва агар рукуъда турса баҳаддики, оёғи рост ва қоим бўлуб, боқий аъзоси баробар ва танаси ила оёғининг миёнасидаги зовияси қоима бўлса қайнинг дафъи бағоят тез ва осон бўлур. Аммо зинҳор ҳеч бир тарафға бир ёни бирлан суяниб турмағай.

УЧИНЧИ ФОИДА қайнинг вақтлари ва аҳволи баёнида-
дур.

Билмоқ керакки, қай учун баэйтибори фусул яхшироқ вақт ёз фаслидур. Ва соат эйтибори ила кундузнинг тўрт ҳиссасидин бир ҳиссаси ўтган ва иккинчи ҳиссаси аввалроқ вақтидур. Зероки иссиқ вақт моддани ихрожиға мадад берур. Аммо кун ўртасида қайни ихтиёр қилмоқ наҳорға қай қилолмай-дурган маъзур киши учунгина дурустдур. Ва илло эрта бирлан наҳорға қай қиладурган киши учун ҳаммадин афзалроқ вақт кундузнинг тўрт ҳиссасидин бир ҳиссаси ўтиб, иккинчи ҳиссаси андак вақти ўтган вақтдур. Зероки агар қиём вақтигача оч қолса, очлик ғалаба қилур. Ва очликнинг ғалабаси қайға монё бўлур.

Ва билмоқ керакки, наҳорға қай қилмоқ яхши эрмас, магар мартуб мизож кишиға ва ё харбақ каби заврақий дору ичғон кишиға муносибдур. Чунки зўр дору бирлан қай қилмоқда меъдани таомдин холий бўлмоғи ҳам ичак ахлотдин холий бўлмоғи шартдур, токи қайда дафъатан кўп миқдор нимарса чиқса ҳалқ тўлуб, боиси хуноқ бўлмағай. Ва қайда хориж бўлғон моддаға бадал учун ичакдин меъдаға ахлоти тафлия мунжазиб бўлиб, меъдани фосид ҳам қилмағай.

Ва агар қай қиладурғон одамни одатида наҳорда қай қилмай-дурган бўлса ва ё ани фами меъдасининг ҳисси бағоят ўткир бўлуб, наҳордаги қайнинг оччиғлигиға тоқат қилол-маса анга қайдин бурунроқ латифроқ таомдин озроқ миқдорни бермоқ мумкиндур.

Ва аксар вақт хилтнинг рақиқлиги қайни қийинлигиға боис бўлур. Бас, агар қайнинг риққати ва лузужати маълум бўлса, аввал ани ғализ қилмоқ учун қовурмоч ва ё анор тухмидин тановул қилдирмоқ ва сўнгра қай қилдирмоқ лозим-дур.

ТЎРТИНЧИ ФОИДА қай қилмоқ учун салоҳиятсиз кишиларнинг баёнидадур.

Билмоқ керакки, агар кўкраги тор ва нафаси табиий ҳолда бўлмоғон одам нафс уд-дам бўлмоқға муҳайё бўлурки, агар

қай қилса оғзидин қон ва сел сайлон қилиб турадурган касалга мубтало бўлур. Ва гардани ингичка одам ҳалқида варам ҳодис бўлмоқға моил бўлурки, агар қай қилса ҳалқи варам пайдо қилур. Ва заиф меъдалик одам ва ифрот семиз одам ва қайға одат қилмаған одамни қай қилмоғи кўп қийин бўлур. Ва бундоғ кишилар учун қай қилмоқда кўп офатлар ҳодис бўлмоқ хавфи бордур. Хусусан агар бақувват қайдору ичса офатдин холий бўлмас. Аммо вақтики, қай учун ҳожат зўр ва қайни осонроқ келтирмоқ учун бир тадбир ҳам мумкин бўлса баосоний қайнинг зарари бўлмас.

Ва инчунин одамики, димоғи заиф бўлса ва кўзида ва ё қулоғида иссиқ модда сабаби бирлан ориз бўлгон касал бўлса ва ё сийнасида ва ё сийна ҳижобларида варами бўлса, аларга ҳаргиз қай раво бўлмас. Ва инчунин ҳомила хотинға қай қилмоқ жоиз эрмас. Зероки аларнинг хилглари бадандин қай бирлан тамом бўлмас, балки қайнинг қувватидин аларнинг баданлариға изтироб пайдо бўлур. Аммо ҳомила хотунға худбахуд ориз бўлса, ани тўхтатиб ҳам бўлмаски, табиат ани дафъ қилгондур. Ва табиат иқтисосиға хилоф қилмоқ зарардин холий бўлмас. Магар ифрот даражаға етиб агар тўхтатилмогон тақдирда бир офат ҳодис бўлмоғи мутаҳаққиқ бўлса, ул сувратда тўхтатмоқ раво бўлур.

БЕШИНЧИ ФОИДА қайдин фориф бўлгондин сўнгги тадбирлар баёнидадур.

Билмоқ керакки, қайдин фориф бўлгондин сўнг сирка кўшилгон сув бирлан оғизни чайқамоғи ва юзини ювмоғи зарурдур. Зероки сирка родиъи маводдурки, қайнинг ҳаракати ва қуввати дофиъанинг дафъи бирлан бошга суъуд қилгон моддани сирка тушуруб, бош оғирлигини зоил ва танқия бирлан енгил қилур. Ва ул киши модданинг зараридин эмин бўлур. Ва яна андақ мастакийни олманинг суви бирлан ичирмоқ сазовордур, токи ғашаённи таскин бериб, холий тургон меъдани кўп бақувват қилур.

Ва агар ташналик ориз бўлса анга сув ва жуллоб каби нимарсаларни бермоқ раво эрмаски, булар ғаший эҳдос қилур-

лар, балки бу ташналикға олма шарбати ва беҳи шарбати кабиларға сиканжубин кўшуб ичирмоқ ҳам ташналикни таскин берур. Ҳам ул шарбатлар меъдани бақувват қилур. Ва сиканжубин меъдада боқий модда агар бўлса ани кўчириб, таҳлил қилур. Ва агар сиканжубин бадалиға шарбати лиму кўшилса яхшироқ бўлур. Зероки сиканжубин гаший эҳдос қилмоқдин холий эрмас. Аммо лиму, балки мусаккини гашийдур. Ва агар мазкур шарбатға гулнинг сувидин озроқ кўшилса ва гулобидин ва андак мастакий кўшулса яна яхшироқ бўлур.

Ва билмоқ керакки, қайдин сўнг бевосита ориз бўлгон ташналик икки навъ бўлурки, ё меъдада ахлоти фосидлар кўп бўлуб, қайдин боқий қолгонлари ғалаёнға кириб қолгон бўлур ва ё давоий муқийи меъдаға зиёда таъсир қилгонлигининг бўлур.

Ва агар ахлот ғалаёнидин бўлса гаший доимий ва ҳарорат ва оғизнинг мазаси ва тилни ранги ва бош оғриғи каби баҳасби ахлот аломатлардин маълум бўлур. Ул сувратда мариз бақувват бўлса яна қайға ҳаракат қилдирмоқ лозим бўлур. Ва агар мариз заиф ва чарчагон бўлса, ҳозирда бир қитъа лимунни сўруб, сувини ютуб турмоқ ва ё ғўра чайнаб сувини ютмоқ ва ё қуритилгон ғўрани янчиб суфуф қилмоқ каби тадбирлар бирлан ахлот ғалаёнини таскин қилиб туриб уч-тўрт кундин сўнг такрор қай бирлан танқия қилмоқ лозимдур. Ва агар хилт ғалаёндин холий ва давоий муқийининг зиёда таъсири мутаҳаққиқ бўлса ҳам лиму ва ғўрадин сўрмоқ бирлан ташналикни таскин бермоқ керак. Лекин қайдин сўнг то камоли очлик ғалабасидин бегоҳат бўлмаса ғизодин манъ қилиб турмоқ лозимдур. Хусусан агар қайдин бурунроқ ғизо тановул қилгон бўлса, ани ғизодин манъ қилмоқ вожибдур. Ва очлик ғалабасидин сўнг ҳаммадин афзал ғизо ғизойи латиф ва сариъ ул-ҳазм ва касир ул-ғизо, чунончи жўжа ғўшти ва шўрбоси ва чала пишурилган тухумнинг сариғи кабидин ғизо қилмоқ муносибдур.

Ва мартуб мизожлар учун жўжа ғўшти ва отни шонасининг ғўшти ва чумчуқ ғўшти яхшироқдур. Ва ғизодин сўнг

ғизони ҳазм қиладурғон нимарсалардин ҳам бермоқ лозимдур. Ва шаробхўр одам бўлса қайдин сўнг икки-уч қадоқ шароб ичируб, сўнгра истироҳатга буюрмоқ керак. Ва қобурғаларнинг устига ва атрофига ёғ суртмоқ ҳам муносибдур. Ва ҳаммомга кирмоқ ҳам нофиьдур. Ва булардин мақсуд қай ҳаракатидин ориз бўлғон аъйо ва чарчагонликни дафъ қилмоқдур.

Лекин агар ҳаммомга кирса анда кўп таваққуф қилмай тезроқ ғусл қилиб чиқмоғи лозимдур, токи меъданинг холийлиги ва аъзонинг қай ҳаракати сабаби бирлан бўлғон заифлигига яна ҳаммом ҳароратининг таъсири қўшулса меъдага атрофдин рутубатлар резиш қилмағай.

Ва билмоқ керакки, одамики нордон таъмлиқ қай қилса ва бундин муқаддам бундай қай қилмоқ одати бўлмаса ва яна томурида иссиқ асари ҳам бўлса, ул кишига қайдин сўнг то ярим кун миқдоригача ҳаргиз ғизо бермаслик лозимдур. Ва мазкур муҳлатдин сўнг ғизодин бурун ярим пиёла қадар гулобни иситуб ичирмоқ, сўнгра ғизо бермоқ лозимдур.

Ва агар одамига қайи савдовий ориз бўлуб, тўхтамай давом қилса исфанжани, яъни баллутни ўткир сиркага ҳўллаб, иситуб, меъда устига ёпмоқ лозимдур, токи меъданинг заифлигининг анга жамъ бўлғон хилт бўлса ани эритуб кўчиргай.

Ва агар бир одамига қайи балғамий ориз бўлса, анга ҳам чумчуқ ва жўжа гўшти нофиьдур. Лекин танасининг гўштига ихтисор лозимдур. Ва қанот ва оёғининг гўштини тарқ қилгайки, ҳазми оғирдур. Ва яна ҳаммомга кириб иссиқ ҳавода кўпроқ турмоқга ва сувни кам истеъмол қилмоқга буюрмоқ лозимдур, токи иссиқ ҳаво бирлан баданнинг рутубатлари эриб кўпроқ таҳлил топқай.

Ва сувнинг кам истеъмолдин бадан масомига рутубат кам сироят қилгай. Ва бу истиҳмомни мукаррар қилгай.

ОЛТИНЧИ ФОИДА ифротлик қайнинг тадбирларининг баёнидадур.

Агар одамики, анга ифрот даража қай ориз бўлуб, охирда

қон ҳам чиқса боядки, ани икки оёғини маҳкам боғламоқ ва меъданинг устиға қизилгул ва мозу ва норпўст ва аччиқтош ва сирка каби давойи қобизлардин мураккаб ва ё муфрад зимод қилмоқ лозимдур. Ва қаю тариқа ҳийлалар бирлан бўлса ухлатмоқ лозимдур.

Ва агар қайда холис қон келса ҳам қайни тўхтатмоқ учун мазкур бўлгон тadbирларни қилмоқ ва ҳам хирфанинг шираси бирлан гилбўтадин андак-андакдин журъа-журъа ичмоқни амр қилмоқ лозимдур. Ва табъини ҳам равон қилмоқ зарурдур, токи меъдада бадандин хориж бўлгон қон бўлса ани дафъ қилғай. Ва ҳам моддани суъуд қилмоқдин тўхтатғай.

Ва агар сийна атрофида ва меъдада қон ивиб қолмоқ хавфи бўлса сиканжубинға ях солиб совутуб, андак-андаклин дам-бадам бериб турмоқ лозимдур, токи сиканжубин нордонлиги ва жилоси бирлан қонни эритуб турғай. Ва би-л-фёъл совуелиги аъзони касиф ва маҳкам қилиб қонни тўхтатғай.

ЕТТИНЧИ ФОИДА қай қилгон кишиға ориз бўлгон ҳолатлар тадорукининг баёнидадур. Ва бу ҳолат тўрт навъ бўлур.

БИРИНЧИ ҲОЛАТ қобурғаларнинг қорин тараф учларида оғриқ ва тамаддуд ориз бўлур. Ва анинг тadbири иссиқ сувни такмид қилмоқдур. Ва мулайийн ёғлардин тамрих қилмоқ ва бешарт ҳижомати норий қилмоқдур.

ИККИНЧИ ҲОЛАТ меъдаға шиддатлик куйушмоқ пайдо бўлур. Ва ҳарчанд қай қилгон бирлан зоил бўлмас. Ва анинг тadbири семиз гўштнинг серёғ шўрбосидин ичирмоқ ва меъланинг устиға бинафша ёғи ва гулхайрининг ёғи ва озроқ миқдор оқ мумни аралаштириб тамрих қилмоқдур.

ВА УЧИНЧИ ҲОЛАТ ҳиқичоқ пайдо бўлуб, узоқ вақтға давом этмоғидур. Ва анинг тadbири ташна кўймоқдур. Ва қайноқ сувни журъа-журъа ичирмоқдур. Лекин билмоқ керакки, ташна кўймоқ фақат имтилодин пайдо бўлгон ҳиқичоқға нафъ қилур, аммо қайноқ сув меъдани ювмоқ сабаби бирлан имтилоий ҳиқичоқға ҳам нафъ қилур. Ва ҳўллаб рутубат еткизмоқ сабаби йубусатдин пайдо бўлгон ҳиқичоқға ҳам нафъ қилур. Башарти мумкин ул-илож бўлса.

Ва қайноқ сувни журъалаб оз-оздин ичмоқни сабаби фаами меъдадин кўп муддатғача сув ўтуб таъсири қилмоғидур. Зероки симуруб ичганда бир онда фаами меъдадин ўтар. Сўнгра меъданинг ҳарорати бирлан фаами меъда яна қуримоғи мумкинмур. Ҳам кўп миқдор сув сабаби имтило бўлур ва ҳам гаший пайдо қилур.

Ва қайдин чарчагон ҳолатда яна қай қилмурмоғи, балки ҳиқичоқни кучаймоғиға боис бўлур, аммо журъалаб ичмоқ безарар нофиъмур.

Ва билмоқ керакки, ҳиқичоқи имтилоий дафъатан пайдо бўлур, бахилофи йибсийки, аввал батадриж пайдо бўлур. Магар одамики, мизожи йубусатлик бўлса, лекин йубусати ҳануз ҳиқичоқ эҳдос қилмоқ даражадин камроқ бўлғони учун ҳануз ҳиқичоқ ориз бўлмогон вақтида қайи муфрит иттифоқ келса, қайнинг сабаби бирлан рутубат мундафиъ бўлур. Ва қайнинг ҳаракати бирлан фаами меъда мағзидаги ҳарорат таҳлилға кетар ва меъда ва ахлотнинг ҳарорати бирлан қуруб, фаами меъданинг лифлари ва йубусат яна зиёда бўлмоғи мизождаги йубусатға зам топса шул онда йибсий ҳиқичоқ ҳам дафъатан ориз бўлур.

ТҶРТИНЧИ ҲОЛАТ қайдин сўнг изтироб ва амрози бо-рида ва субот, яъни уйқуки, пайваста ва овоз чиқмай қолмоқ ҳолатлари ориз бўлур. Ва анинг тадбири қўл ва оёғни қўлтуғдин ва сондин боғламоқ судоб ва қисо ул-ҳиморни сувға қайнатиб, сувини олиб зайт ёғиға қўшуб суви тамом фано бўлғунча қайнатиб, сўнгра мазкур зайтни меъданинг устиға суртмоқ ва андак-андак бодом ёғи ва маска ялатиб турмоқ ва беҳидонанинг лубоби ва исфағул лубобидин ялатмоқмур. Аммо асал ва иссиқ сув бермоқ ва субот ориз бўлгон бўлса, ани қулоғиға баландроқ овоз қилмоқ мамнуъмур.

Ва билмоқ керакки, кузоз, яъни изтиробийки, баъд аз қай ориз бўлур, анинг сабаби ё қайдорунинг ҳиддати ва ё ахлотнинг ҳиддати фаами меъдаға лазъ эҳдос қилмоғидур. Ва тадбири мазкурнинг нафъи бу изтиробға маълуммур.

Аммо агар қайнинг ифроти сабабдин ориз бўлгон йубусат

сабабидин ориз бўлгон изтироб бўлса, анинг яхши бўлмоғи қийиндур. Ва агар яхши бўлса фақат бинафша ёғи ва қобоқнинг ёғи каби қавий ут-тартиб ёғлардин ҳам ичирмоқ ва ҳам меъда устига суртиб турмоқ бирлан яхши бўлур. Ва илло бошқа нимарса бирлан яхши бўлмоғи мумкин эрмас.

САККИЗИНЧИ ФОИДА қайнинг манфаатларини ва бунинг ила зоил бўладурган касалларни баёнидадур.

Билмоқ керакки, қай қилмоқ сиҳҳатликда бўлса, сиҳҳатликни муҳофаза қилур. Ва башарти қай иътидол даражада бўлса ва қайнинг нафъининг сабаби ва анинг муддати биринчи фоидада мазкур бўлди.

Ва қайки, сиҳҳатлик ҳолда ва иътидол даражада бўлса олти нафъи бордур.

Биринчи нафъи бошнинг оғирлигини зоил қилур. Зероки меъдани танқия қилмоғи бирлан андаги моддадин бухорот суъуд қилмоғиға монёъ бўлур. Ва маълумдурки, бош оғирлигининг сабаби анга бухорот суъуд қилмоғидур. Бас, меъдадин моддаки, хориж бўлса, ночор бухорот мунқатиъ бўлур. Ва бошқа енгиллик ҳосил бўлур.

Ва иккинчи нафъи кўзга жило ва қувват берур. Чунки кўзнинг руҳи бухоротдин пок ва холис бўлур. Ва маълумки, меъдадин кўзга суъуд қилиб, кўзнинг зулматиға боис бўлуб турган бухоротнинг асл моддаси зоил бўлса, би-з-зарур бухорот мунқатиъ бўлур. Ва руҳ бухоротдин холис ва пок бўлур.

Учинчи нафъи тухма касалиға ҳозирда ва ҳам келажакда нафъ қилур. Чунки тухма меъдада ҳосил бўлгон таомнинг фасодидин иборатдурки, ани урфда жиғилдон қайнамоғи ва зарда дерлар. Бас, агар бу ҳолат ҳозирда мавжуд бўлса, анга нафъи зоҳирдурки, моддаи иллат хориж бўлуб, меъда пок бўлур. Ва агар сўнгра ориз бўлмоғи одатан маълум бўлса, анга нафъи шулки, меъдаға тушган физонинг фасодиға боис бўлғувчи бир моддаи муфсид албатта бордурки, қайнинг сабаби бирлан шул моддаи муфсидадин меъда пок бўлур. Ва сўнги физо фасоддин эмин бўлур.

Ва тўртинчи нафъи сафронинг ғалабасиға монёъ бўлур.

Зероки меъдадин қай бирлан аксар хориж бўладурган модда хилти сафродурки, ўтдин меъдага ва ичакга томуб турмоғи табиийдур. Бас, агар сафро меъдага кўпроқ жамъ бўлгон вақтида тановул қилингон ғизога фасод ориз бўлса, андин яна миқдори табиийдин зиёда сафро ориз бўлур. Ва агар қай қилинса меъда пок бўлгон сабабидин тановул қилингон ғизо фасоддин эмин бўлур. **Ва сафро миқдори табиийда ҳосил бўлур.** Бас, ҳар кимики, меъдасига сафро қуйиб турмоқ анга одат бўлуб, анга яна очлик ва ё ғазаб ва бунга ўхшаш сафронинг кўзғалишига боис бўлғувчи бир ҳолат ориз бўлгон бўлса ва сўнгра ул киши аввал қай қилиб сўнгра ғизо тановул қилмоғи лозимдур, токи ғизоси пок меъдага кириб, офат ҳазм бўлғай. Ва агар қай қилмаган ҳолда ғизо тановул қилса ғизоси сафрога мухталит бўлуб, фосид бўлур.

Ва бешинчи нафъи таомға иштаҳо пайдо қилур. Зероки меъдадин ёғлик рутубат ва ширадор рутубатларни зоил қилиб меъдани пок ва холий қилур. Ва шак йўқдурки, меъдада рутубатнинг ижтимоъи иштаҳои солиҳни соқит ва иштаҳои фосидни эҳдос қилур.

Ва олтинчи нафъи бадандин сустликни зоил ва аъзони маҳкам қилур. Зероки қай ғизо ҳазмини ислоҳи ила покиза қонни кўпайтирарки, қонни зиёдалиги қувватни ва руҳни зиёдалигига ва баданни маҳкамлик ва устуворлигига боис бўлур. Ва бадандин рутубатни камаймоғи баданни тараҳхули ва сустлиги зоил бўлмоғига ва узвларни салобатли бўлмоғига боис бўлур.

Аммо касалликда қай қилмоқ нафъ қиладургон касаллар кўпдур. Чунончи истисқо ва саръи миъдий ва молихулиё ва жузом ва ниқрис ва ирқ ун-насо ва раъша ва фолиж ва қуруҳи килия ва қуруҳи масона ва ранги баданнинг фасоди ва ярақон ва интисоб ун-нафас ва қувабо ва паст аъзода ориз бўладурган моддаи касалларнинг ҳамма анвоъи ва юқори аъзодаги касалларнинг аксарига қай нафъ қилур.

Тўққизинчи ФОИДА қайнинг зарарлари баёнидадур.

Билмоқ керакки, ифрот даража қай қилмоқ меъдага за-

рар қилур ва заиф қилур. Зероки меъда кўп ҳаракат сабаби бирлан толиб заиф бўлур. Ва атрофдин кўп модда жазб қилгон сабаби бирлан ул моддалардин зарар ҳосил қилур. Ва яна қайдин сийна аъзолариға ифрот даражада ҳаракат ва эпкин ҳодис бўлгон сабабдин сийнаға ҳам зарар қилур. Ва яна кўзға ва кулоқға ҳам зарар қилур. Чунки қай қилмоқда бода юқори тарафға суъуд қилур. Ва ҳам ўхчуқда ўпканинг ва нафасининг эпкинидин кўзнинг томур ва пайларида ташаннуж ва тамаддуд ориз бўлур. Ва кулоқ пайлари пардаларида ҳам инчунин ташаддуд, ташаннуж ва тамаддуд ориз бўлур ва зарар эҳдос қилур. Ва яна тишларға зарар қилур. Зероки қай бирлан хориж бўладурган ҳиддатлик моддалар ҳаммаси тишға тегиб таъсир қилиб ўтар. Ва яна меъдаға мушоракати бўлмоғон эски бош огриғиға зарар қилур. Зероки ифрот даража қай ва ўхчуқ сабаби бирлан томурларида бўлгон қон ва бошқа ахлотдин мияға бухорот суъуд қилур. Ва яна меъдаға алоқаси бўлмоғон саръи димоғийға зарар қилурки, анга ҳам бухоротнинг суъуди боис бўлур.

Аммо агар меъданинг мушоракати бирлан ҳодис бўлгон бош огриғи ва саръ касалиға шубҳасиздурки, моддаи касалнинг ихрожи бирлан нафъ қилур.

Ва яна жигар ва ўпкаға зарар қилур ёки моддани бадандин жазб қилмоқ маълумки, томурлар воситаси бирлан жазб қилур. Ва ҳамма томурларнинг маркази жигар ва ўпка бўлгонни учун ҳамма модда шулар тарафиға жазб қилинур. Ва булар мазкур моддадин мутаассир бўлурлар. Ва ҳам шул хизматға восита бўлуб, моддани жазб қилмоқ ҳаракатида толиб, заиф бўлурлар.

Ва яна томурларға зарар қилур, зероки гоҳи томур модда бирлан тўла бўлур ва қайи муфрит сабаби бирлан қаю томурларнинг моддаси мунжазиб бўлса, ани нуқсонига бадал учун қон кифоя қилмас. Ва томурларға пучлик ориз бўлур. Ва томурларни ихота қилиб турган гўштлар ўз огирликлари бирлан пуч томурни босиб тазйиқ қилурлар. Ва томурларнинг сиқилмоқлари натижасида ҳарорати ғаризийлари бадан тахалхулиға таҳлил топар ва ҳазми каймуси сонийға нуқсон

ориз бўлур. Ва истисқойи лаҳмий ҳодис бўлмоқ хавфи ҳам пайдо бўлур.

Ва билмоқ керакки, баъзи жоҳил ва хасис ут-табъ одам бўлурки, таомга ҳарисликдин ҳар кун неча бор таом тановул қилур. Ва ани ҳазм қилмоқ мумкин бўлмас. Бинобарин ҳар бир тановул қилгон ғизони ҳар бор қай қилур. Ва бу амр кўп ёмондур ва кўп касаллар эҳдос қилур. Ва зуд қаритадурки, бу амалдин ихтироз вожибдур. Ва инчунин ҳомила хотунларга ҳам қай зарар қилур. Хусусан ифрот даражада бўлса кўп зарар қилур.

ИККИНЧИ ҚИСМ ИСҲОЛ БАЁНИДА

Билмоқ керакки, бу қисмда таҳқиқоти мутанаввиъа кўпдурки, ҳаммасини машруҳан батафсил баён қилмоқ лозимдур. Лекин бу тафсилотга воқиф бўлмоқ учун аввало хулосаи исҳолни ижмолий баёни лозимдур.

Хулосаи исҳол шулки, исҳолдин бурун мулайийн нимарсалар бирлан ахлотга назж ҳосил қилмоқ ва табиатни мулойим қилмоқ шартдур. Ва исҳол давосини ичгандин сўнг осойиш ва беҳаракат турмоқ ва беҳи ва наъноъ каби ғашийға монёъ бўладургон нимарсалардин ҳидлаб, мусҳилни қай қилмоқдин муҳофазат қилмоқ ҳам шартдур. Ва агар исҳол ифрот даражага ўтса ани тўхтатмоқ учун ҳобис даволардин истеъмол қилинур. Ва агар исҳолни ичулса ва лекин исҳол амал қилмаса, авло шулки, то бир қўрқинчли касал эҳдос қилмаса табиатни ҳаракатга киргузмай ўз ҳолича қўйилур. Агар қўрқинчлик бир касал эҳдос қилса, ночор хўқна бирлан тезроқ тушурмоқга қўшиш қилинурки, хўқна ичакларда ва қоринда бўлгон ахлотни тушуруб, исҳолга йўл очар. Ва хулосаи исҳол шулдур. Аммо бунинг тафсилини ўн олти фоида бирлан машруҳан баён қилинурки, ҳар фоидада кўп манфаатлар бордур.

БИРИНЧИ ФОИДА исҳолдин бурун қилинмоғи лозим бўлгон тадбирлар баёнидадур.

Билмоқ керакки, талйин луғатда юмшатмоқдур. Аммо ис-

тилоҳи атиббода табиатни юмшатуб равон қилмоқ ва лозим уд-дафъ бўлгон ахлотларни эритуб, қобили индифоъ қилмоқни айтурлар. Ва назж ҳам дерлар. Бас, талйин бирлан мусҳилнинг фарқи шулки, мулаййин нимарса меъдани ва анинг атрофидаги аъзони ва ичакларнинг ичида бўлгон тафл ва рутубат ва ахлотларни юмшатиб, бақадриҳол ихрож қилур. Аммо исҳол ахлот ва рутубатни томурлардин ва томурлар воситаси бирлан тамоми бадандин жазб қилур ва ичак воситаси бирлан ихрож қилур. Чунончи сақамунниё ва шаҳми ҳанзал ва турбуд ва бунга ўхшаш амалий бақувват даволардур. Ва бундоқ даволарни беҳожат ва беислоҳ истеъмоли раво эрмас. Ҳатто баъзи мусҳиллар зоҳир жумласидиндур. Чунончи шубрумнинг сути ва ҳабб ул-мулук ва мозарюн беислоҳ ва бунга ўхшаш даволардур. Зероки бу даволарнинг амали ифротлик бўлур. Ва аъзонинг қувватлариға зарари зўр таъсирлик бўлур. Шунинг учун бундоқ даволарнинг истеъмоли ҳеч ваҳж бирлан раво бўлмас.

Ва билмоқ керакки, ҳамма исҳол қилувчининг аҳволи икки эҳтимолдин холий бўлмаски, ё аларнинг бадани исҳолға қобил ва лоиқ бўлур, яъни таъби мулойим бўлур ва ё бунинг хилофи бўлур. Агар таъби мулойим бўлса анга исҳолдин бурун мунзиж ва мурааттиб нимарсаларнинг истеъмоли кифоя қилур. Ва бошқа тадбирға ҳожат бўлмас. Ва агар таъби мулойим бўлмаса маризнинг ҳолиға назар қилмоқ керакки, ҳозир талйин учунгина муҳтож бўлса ва исҳолни неча муддатдин сўнг қилмоқға муҳлатлик ҳолда бўлсаки, тезроқ ислоҳ қилмоғон тақдирда бир офат воқеъ бўлмоқ хавфи бўлмаса, ул сувратда анга талйин бермоқдин бурун буюрмоқ керакки, таомни ҳар кун бир маҳал ва ё икки маҳал емоқ одати бўлса тарки одат учун шул миқдор таомни ёки зиёда миқдорини уч ё тўрт дафъа тановул қилғай. Бир навбати таом ҳазм бўлмоғон вақтида ва иккинчи навбатини тановул қилғай. Ва ҳам ҳар бир тановули бошқасиға мухталит таом бўлғай. Ва бундин мақсуд шулки, таомнинг ҳазм бўлғони ва ҳазм бўлмоғони аралаш бўлғони сабабдин фасод ориз бўлса бу фасодни дафъиға меъда

жиддий таважжуҳ қилуб худ-бахуд таъб равон бўлғай. Ва ё бир навъ таомнинг дафъиға меъда яхши таважжуҳ қилмогон бўлса бошқа бир навъининг дафъиға эҳтимолки таважжуҳ қилғай ва таъб равон бўлғай.

Ва талйини таъб таом бирлан мумкин бўлгон тақдирда даво бирлан талйин қилмоқ сазовор бўлмас. Сўнгра мунзиж ва мураттиб нимарсаларни истеъмол қилиб, баъд аз он исҳол ичмоқ муносибдур. Ва агар гизонинг бул тариқа тадохул ва тахолуфи бирлан ҳам таъб мулойим бўлмаса, сўнг бир коса сутни чиритуб, зардобини ичмоқ бирлан таъбни мулойим қилинур. Ва агар ҳозирдин исҳол учун ҳожат зўр бўлса ва бул сувратда таомнинг тадохули ва тахолуфи ҳаргиз раво эрмас. Зероки таомни очлик ҳолда андак тановул қилмоқ ва қабл аз ҳазм тадохул қилмоқ меъдани ҳазмини заифлигиға ва гизони фасоди ғализ бўлмоғиға боис бўлурки, булар исҳол учун номуносибдур.

Ва исҳолнинг қуввати аъзо ва ахлотға таъсир қилмоғи учун ҳам монедур. Хусусан касаллариғаки, анда модданинг зарари бўлса, анга кўп зарар қилур. Бас, вожиб шулки, исҳолни ичмоқ вақтида, хусусан, модданинг назжи зарур бўлгонда қабл аз исҳол мунзиж нимарсалардин ва мураттиб нимарсалардин истеъмол қилғай. Зероки мунзижнинг фойдаси зоҳирдурки, матлуби ахлот дафъи ва жазби учун қобилятлик қивом ҳосил қилур.

Ва мураттибнинг фойдаси шулки, бадан ўзида ҳосил бўлгон рутубатнинг ёрдами бирлан ахлотнинг дафъиға қодир ва мустаъид бўлур. Ва ҳам мусҳилнинг лозимаси бўлгон қуруғликки, ахлотнинг ихрожи бирлан ориз бўлур ва андин бадан зарарланмаслиги учун бу рутубат ҳосили бадал бўлур. Шунинг учун исҳол ичмоқдин муқаддам меҳнатни ва жимоъни ва эҳдоси нафсонийяи қавийяни, яъни ғазаб ва зўр хижолат ва андуҳ ва зиё фикр кабиларни тарк қилмоқ лозимдур. Зероки булар ҳаммаси бадандин рутубатни таҳлил бериб қуруғлик эҳдос қилурлар. Ваҳоланки баданға рутубатни зиёда қилмоқ матлубдур.

Ва исҳолдин бурун қилинмоғи зарур бўлган мазкур

шароитнинг энг қисқа муддати уч кундур. Ва бундин нақадар зиёда бўлса афзалдур.

Ва билмоқ керакки, муҳилни ичмоқдин бурун баданга қуруғлик пайдо қиладурган нимарсалардин нақадар ҳазар қилмоқ лозим бўлса муҳилни ичган куни ва андин сўнг то бадан бурунги ҳолига келгунча ҳазар қилмоқ батариқаи авло лозим бўлур. Ва баданга рутубат етқузадурган тадбирларнинг ҳаммадин яхшироғи ҳаммомдурки, иссиғда кўп тўхтамаслик ва мумкин қадар терламай фақат иссиқ сув бирлан гусл қилуб, дам-бадам баданга сув қуюб турмоқдур. Ва аксар кун шул тариқа бирлан ҳаммомга тушуб турмоқ бирлан бадан масомларидин баданга кўп рутубат сингиб боррур.

Аммо қуруқ мизож кишилар учун ҳатто яхши тадбир шулки, ҳаммомга иктифо қилмай, ҳар куни, балки бир кунда икки бора обзан қилғай, яъни бир катта зарф ичига иссиқ сувдин кўп миқдор солиб анинг ичига тушиб ўлтирғай.

Ва билмоқ керакки, ҳаммом баданга рутубат ҳам еткарур. Ва бундин бошқа фоида ҳам берурки, моддани ҳам эритуб суюлтирар ва исҳол вақтида осонроқ хориж бўлмоғи учун тайёрлаб турарки асл матлуб шулдур.

Ва билмоқ керакки, баданда ғолиб бўлгон ҳар қаю хилт бўлса, анга муносиб мунзижи ҳам мухталит бўлур. Масалан, агар баданда ғолиб хилт сафро бўлса кашкобға шакар қўшиб ичмоқ энг яхши мунзиждур. Ва инчунин қайнатилгон ўрик ва туршакнинг суви ва нилуфар ва инчунин ҳар меваики, зиёда турш бўлмаса, анинг ивитилгон суви сафрога мунзиж бўлур. Магар туршлиги зиёда бўлса раво бўлмас. Зероки турш таъмлик ахлотни касиф қилмоқ сабабидин ахлотни батариқаи инжимод қуритар. Ва бу маъни сафронинг назжига монё бўлур. Агар баданда ғолиб хилт савдойи ҳақиқий бўлса ҳам кашкобға шакар қўшиб ичмоқ яхши мунзиждур. Лекин анга мулаттиф ва андак баданни иситадурган ва ҳам дилға қувват бериб хурсанд қиладургон нимарсадин, чунончи говзабон ва райҳоннинг ва сучукмиянинг илдизи ва бодиён кабилар бирлан қўшуб пишурғай.

Ва агар ғолиб хилт савдойи ихтироқий бўлса кашкобга шоҳтут ва бақлат ул-ҳамқонинг тухми ва нилуфарнинг зираси кабилардин қўшуб пишурмоқ афзалдурки, бу тақдирда кашкоб мизожининг совуғроғи нофиъдур. Ва агар ғолиб хилт балғами шўр бўлса бунга ҳам кашкоб ё шакар нофиъдур. Ва агар балғам шўр бўлмаса балғамни эритадурган ва суюлтирадурган ва кўчирадурган нимарсалар яхши мунзиждур. Ва бул сувратда агар муяссар бўлса шароби усулни тоғ пиёзи бирлан пишурилган сиканжубинга қўшуб, хусусан, сучукмия иллизини қайнатиб қўшуб ичмоқ балғамни эритмоқга хўб таъсир қилур. Ва инчунин бодиённинг тухми ва карафснинг тухми ва анисун ва анжир ва майиз ва сучукмиянинг иллизини ва парсиёвишондин мураккаб матбухки, тухумлар бир мисқол сучукмия икки мисқол анжир ва майиз саккиз мисқолдин ва парсиёвишон бир мисқол ва икки коса сув бирлан то нисфи қолғунча қайнатиб сузуб, гулқанд ва ё сиканжубини ансулий бирлан ичмоқ ҳам мунзижи балғамдур. Ва агар сиканжубини ансулийнинг ўрнига сиканжубини бузварий ё шарбати лиму қўшулса ҳам шул таъсирни берур.

Ва билмоқ керакки, балғамни пишурмоқ учун ўткир иссиқлик нимарсанинг истеъмоли раво эрмас. Зероки ўткир иссиқ ташна қилур, ҳам балғамни қизитуб, анинг ажзойи латифини таҳлил қилиб ғализи боқий қолурки, хилофи мақсуддур. Ва ҳам агар ташналикга сабр қилинса баданнинг ҳарорати зиёда бўлуб, балғамни зиёда ғализ қилур. Ва ҳарорати ғаризийя ва ҳам рутубати табиийяни таҳлил қилур. Агар ташналикда сув ичса балғамнинг назжиға сув монё бўлур. Ва шунинг учундурки, ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”ларида “Боб ул-исҳол ва-л-инзож”да “ва мимма йуғлиту фиҳи-латиббау касиран би-истеъмалихими-т-тасхину-ш-шадиду фил-амрози-л-балғамиййати”, яъни табибларнинг кўпроқ янглишмоқлари жумласидин бири амрози балғамийяда ўткир иссиқ даво истеъмоли бирлан янглишмоқларидур, деб ёзғондурлар.

Ва яна мунзижотни илитуб истеъмол қилмоқ вожибдур,

магар сафронинг назжи учун муносиб шарбатлар ва нуқуларни ёз вақти бўлса совуқ ҳолида ичмоқ лозимдур. Ва агар қиш фаслида бўлса андак совуқлигини камайтирмоқ учунгина оловга қўймоқ кифоя қилур. Ва ахлотни пишурмоқга таважжух қилиб тургон муддатда физолар ҳам касал ҳолатдаги касалга муносиб физолар каби мизожи ахлотнинг мизожиға зидлик бирлан муносиб бўлмоғи лозимдур. Аммо шул қадарки, саломат ҳолда семуз товуғнинг гўшти ва ё бир яшар барранинг гўштидин шўрбони кўпроқ истеъмол қилинур. Ва ҳазмиға қуввати ҳозима муҳаққақ бўлса анинг гўштидин ҳам камроқ тановулға рухсат жоиз бўлур. Ва қовурдоқ ва кабоб каби қуруқ ва камсув физоларнинг тановули ҳаргиз раво эрмас. Ва шўрбони майдаланган янги нон ва шакар бирлан аралаштириб ичмоқ кўп яхшидур. Ва тухумнинг сариғи ҳам фоида қилур.

Ва яна мунзиж нимарсаларни истеъмол вақтида нордон ва шўр ва аччиқ ва таъхир таъмлик нимарсалардин сабзалар ва мевалардин ихтироз қилмоқ зарурдур. Ва исҳол ичмоқдин бурунроқ мулайийн нимарсалар бирлан ҳўқна қилиб ҳам ёғлик шўрбо ичмоқ бирлан таъбини мулойим ва ичакни тойғоқ қилмоқ керак. Ва шўрбо меъдадин тамом ўтгандин сўнг исҳол ичмоқ муносибдур. Ва ҳар исҳолики, андин мақсуд томурлардин ва узоқ аъзодин моддани ихрож қилмоқ бўлса, албатта аввало моддани пишурмоқ ва анга ругубат еткурмоқ лозимдур, хоҳ бадан исҳол учун лоиқ ва истеъдодлик бўлсин ва хоҳ мустаъид бўлмасин гояти шулки, моддани инзожиға ва тартибиға ва таъбини мулойим қилмоқга бадани исҳол учун истеъдодликға назаран истеъдодсиз бадан кўпроқ муҳтождур.

Магар вақтики, инзож учун касалнинг шиддати муҳлат бермаса ва қуввати табиийяға ёрдам учун моддадин бир миқдорини ихрож қилур, енгиллик эҳдос қилмоқ зарур бўлса аввалда ҳам батадбири назж енгилроқ тадбир бирлан бир миқдор моддани ихрож қилмоқ мумкиндур. Лекин исҳолни шиддатлик бўлмаслиги шартдур.

ИККИНЧИ ФОИДА муҳсилга мутааллиқ бўлгон қавоиди зарурийлар баёнидадур.

Билмоқ керакки, ҳар кимики, муҳсилга одат қилмогон бўлса анга исҳол бермоқда аввало камқувватроқ муҳсил беруб имтиҳон қилмоқ лозимдур, токи ифрот даражалик ис-тифроғ офатидин эмин бўлғай. Чунки баъзи табиатга заиф муҳсил ҳам кўп таъсирлик бўлур. Ва имтиҳон учун заиф муҳсилнинг ҳаммадин яхши ва мубораги бинафшани қайна-тиб, шакар қўшуб ичирмоқдур. Ва яна қари кишиларга ва ичаги заиф кишиларга мумкин қадар бақувват муҳсил бер-моқдин ихтироз лозимдур. Зероки аксар воқеъ бўлурки, бу-ларнинг ичаклари муҳсил даводин мутаассир бўлуб, дои-мий исҳол ва ё узоқ вақтгача исҳол ориз бўлуб, ани тўхтат-моқ учун кўп иложларга муҳтож бўлур.

Ва агар одамики, қуввати заиф ва баданида ахлоти кўп бўлса зинҳор ҳамма ахлотидин пок қилғудек бақувват муҳ-сил бермаслик лозимдур. Балки кам қувватроқ муҳсил бир-лан батакрор танқия қилмоқ лозимдур. Ҳар икки муҳсил-нинг миёнасида латиф ва мулойим ғизолар бирлан қувват-ни муҳофаза қилмоқ ва ахлотни ислоҳ қилмоқ ва салоҳлик хилти табиийя ҳосил қилмоқ зарурийдур.

Аммо одамики, бақувват ва баданида ахлоти фосиди кам бўлса бир дафъада тамом танқия қилмоқ лозимдур. Ва агар одамики, қуввати ҳам бақувват ва ахлоти фосиди ҳам кўп бўлса бақувват муҳсил бирлан батакрор танқия қилинур.

Ва агар қувват заиф ва ахлот ҳам кам ва хом бўлса анга муносиб шарбатлар ва ўрикнинг ивитилган суви кофийдур. Ва бошқа исҳолга ҳожат йўқдур. Токи қувватга асло футур ориз бўлмағай.

Ва билмоқ керакки, икки навъ кишига бақувват исҳол бериб бўлмас. Бири иссиқ ҳаволик шаҳарда турган кишига ва иккинчиси қуруқ мизожлик кишига Зероки иссиқ ҳаво исҳолга муъин бўлур. Ва ифрот даража исҳол бирлан қувватни соқит қилур. Ва қуруқ мизожли кишини исҳоли кўп бўлса ва агарчи қувватни соқит қилмаса ҳам, лекин бадан рутубатини жазб

ва таҳлил қилиб хўшкийятни яна зиёда қилур. Ва исҳолдин боқий қолгон хилтни бағоят ғализ ва фосид қилиб саҳар ва жунун ва жузом каби зўр офатға боис бўлур. Ва шунинг учун кўланжи ёбисда суюқ ва лазиж нимарсалардин кўпроқ нафъ кўрилур.

Ва инчунин уч нафъ кишиға бақувват мусҳил бермоқ лозимдур. Бири шулки, совуқ шаҳарда тургон кишиға шул шаҳарда бақувват мусҳил бермоқ лозимдур, токи совуқ ҳаводин касиф бўлгон ахлотни жазб қилмоқға даво муқтадир бўлғай.

Ва иккинчиси талоқ касалиға мубтало кишиға бақувват мусҳил бермоқ лозимдур. Зероки талоқнинг моддаси моддаи савдо бўлурки, бошқа ахлотға нисбатан қуруқ ва қуюқ бўлур. Ва мусҳил то бақувват бўлмаса, ани жазб қилолмас.

Ва учинчиси одамики, анинг хилти ғализ бўлса бақувват мусҳил лозимдур, токи ани жазбға муқтадир бўлғай. Ва илло ахлотни тамом жазб қилолмас. Балки анинг ҳаракатига ва ғалаёниға боис бўлур.

Ва билмоқ керакки, мусҳил ичган кишининг меъдаси ва оёғини иссиқ сақламоқ лозимдур. Ва мусҳилни ичгандин сўнг беҳаракат ва осойишта ўлтирмоғи зарурдур, то даво фами меъдадин пастға тушиб ва анинг таъми ва таъсиридин нафсға ориз бўлгон тақаллуб ва беоромлик таскин топқай ва қай ориз бўлмағай. Ва сўнгра андак-андак ҳаракат қилмоқ сазовордур, токи давони нуфузиға ҳаракат иъонат берғай. Аммо кўп ҳаракат дафъатан содир бўлса ва зўр талаблик бўлса, ҳаргиз лоиқ эрмаски, бу ҳаракат худ давони тезлик бирлан ихроҷ қилур.

Ва ҳар кимки, мусҳил ичғонида ғаший ва беором бўлмоқ одати бўлса ва ё баъзи аломатларнинг далолати бирлан ғаший ва беором бўлмоқ хавфи бўлса, андоқ кишини даво ичмоқдин уч кун муқаддам қай қилдируб, уч кундин сўнг мусҳил ичирмоқ лозимдур.

ИНТИБОҲ. Мусҳил ичғондин сўнг ориз бўладургон ғаший икки хил бўлур. Бири шулки, худ даво боиси қарб ва ғаший бўлур. Чунончи басфоиж ва бинафша ва афтимун ва санолар-

да шул таъсир бордур. Ва бу ғаший учун аввал қай қилмоқни нафъи бўлмас.

Ва иккинчи навъи шулки, рутубати ғализа меъдаға ёпишгон бўлур. Ва даво таъсири бирлан алар ҳаракатға кирарлар. Аммо зуд кўчуб меъдадин хориж бўлолмас, ночор ғаший ва беоромликға боис бўлур. Ва мусҳил ичмоқдин муқаддам қай қилмоқ ушбу навъ ғашийға махсусдур. Ва бу сувратда қай қилдирмоқ учун турбнинг сувини ва ё турбнинг кўп солиб қайнатилгон шўрбосини бермоқ лозимдур, токи меъдаға ёпишган ширадор рутубатни тамом кўчириб тушурғай. Ва агар мусҳил учун ҳабдору тановул қилинса ва андин мурод бошдин моддани жазб қилмоқ ва мияни танқия қилмоқ бўлса, боядки ҳабнинг адади камроқ ва ҳажми каттароқ бўлғай. Ва ани ҳаб шаклида тайёр қилинғониға шул қадар муддат ўтган бўлсаки, давонинг ажзоси бир-бирига мустаҳкам ёпишган бўлса, аммо бундин зиёда қурумоғон бўлса яхшироқ бўлур. Ва шул замонда тановул қилинса ҳажми катталиги ва ажзоси мустаҳкамлиги сабабидин тезроқ эзилиб кетмай, узоқ вақтғача ўз шаклида боқий туруб, бошдин моддаи мақсудни кўпроқ жазб қилур. Ва ҳам давонинг таъсири бухорот тариқасида бошға кўпроғ муддат суъуд қилур. Ва ҳам бу ҳаб бошқа давонинг иъонатига муҳтож бўлмас. Ва агар ҳабби мусҳилнинг тановулидин мақсуд мафосилни танқия қилмоқ бўлса, ани сўнгидин баъзи муносиб даволарни қайнатиб ичирмоқ бирлан иъонат бермоқ лозимдур, токи давонинг қуввати маҳалли матлуб бўлгон мафсилға зудроқ етғай. Ва асл мақсуд шулдур.

Ва билмоқ керакки, ҳабға иъонат учун қайнатуб ичирадурган даволар мизож ва таъсирда мазкур ҳабға ҳамжинс бўлмоғи лозимдур. Чунончи агар ҳабб мусҳили сафро бўлса, анга иъонат учун шоҳтарани матбухини ичирмоқ сазовордурки, ҳар иккиси ҳам мусҳили сафродур.

Ва агар мусҳил савдо бўлса анга иъонат учун афтимун ва басфонж ва бунга ўхшаш мусҳил савдо нимарсаларнинг матбухи лоиқдур. Ва агар ҳаб мусҳили балғам бўлса анга иъонат учун қантариюн ва турбуд каби мусҳили балғам нимарсалар-

нинг матбухидин ичирмоқ муносибдур. Ва бу тариқада матбух бирлан иёнаги муносиб бўлгон ҳабларнинг ҳажми майдароқ ва кўп қурумоғон, ҳануз янгироқ бўлмоғи муносиброқдур, токи меъдада тезроқ эзилиб, қуввати маҳалли мақсудга тезроқ етгай. Ва мусҳил ичган куни иссиқ сув бирлан истинжо қилиб турмоқ керак.

Ва агар ҳиддатлик ахлотнинг ҳиддатидин мақъадга сўзиш пайдо бўлса хилтмийнинг матбухи бирлан истинжо қилмоқ лозимдур. Ва мақъадининг узлалари заифроқ бўлгон кишиларга гул ёғини иситиб, анга пахтани олуда қилиб мақъадга ёпмоқ афзалдур, токи ул маҳаллни ҳам мулойим қилур. Ва ҳам мазкур узлаларга қувват берур. Ва ҳам ахлотни ул маҳаллга таъсири учун ҳоил ва монёъ бўлур. Ва агар мазкур гул ёғиға андақ муқли азрак кўшуб эритган бўлса узлаларни бақувват қилмоқға таъсири ҳам зўрроқ бўлур ва тез мутаассир бўлуб чарчамағай.

Ва инчунин дилға қувват бермоқға махсус даволардин муракааб қилмоқ лозимдур, токи ҳам ахлотни ҳаракат сабабдин гаший ориз бўлмағай. Ва ҳам мусҳил давонинг ўзи ва хоҳ таъсири ҳар узвға етганида ул узвдаги руҳи ҳайвонийға қувват бергай.

Ва билмоқ керакки, баъзи даво баъзи баданға муносиблик бўлур, аммо баъзи баданға муносабати бўлмас. Сақамуниё совуқ ҳаволик шаҳар аҳлиға то кўп миқдор берилмаса кам таъсир қилур. Аммо иссиқ ҳаволик шаҳар аҳлиға андақ миқдори ҳам зўр мусҳилдур. Ва инчунин аксар воқеъ бўлурки, зўр таъсирлик даво, чунончи турбуд ва бунга ўхшашлар баъзи одамға амал қилмас, аммо кўп заиф мулайийин нимарсалар, чунончи мағзи фулус ва таранжабин кабилар зўр амал қилур. Ва инчунин баъзи вақтда бир нимарсадин манфаат бўлур. Ва бир бошқа вақтда манфаат ўрниға би-л-акс зарар ҳосил бўлур. Бас, давонинг табиатға муносиб ва мулойимлигини мулоҳазаси ва мизожнинг эҳтиёти ва фаслнинг ва вақтнинг ва ҳавонинг хосиятини мулоҳазаси ҳам бул хусусда вожибдур. Ҳатто бошқа шаҳарларда ва баъзи вақтларда давонинг жирмидин ихтироз қилмоқ ва фақат анинг қувватини олиб

истеъмол қилмоқға ҳожат тушар. Чунончи давони қайнатиб ва ивитиб ёки луъобини олиб истеъмол қилинур.

Аммо давонинг тариқаи таркибини бошқа кўп фоидалари бирлан қўшуб таркибот баёнида махсус фоидада алоҳида баён қилинур.

УЧИНЧИ ФОИДА давои мусҳилни тариқаи тановул ва сўнгидин иссиқ ва ё совуқ сув ичмоқ лозимлиги баёнидадур. Билмоқ керакки, агар даво матбух бўлса ани нимгарм ҳолда ичмоқ вожибдур. Ва яна ҳаб ва маъжун кабиларни ҳам илиқ сув бирлан ютмоқ вожибдур. Хусусан қиш фаслида, аммо бахилофи шарбати вард мукаррар ва бунга ўхшаш мусҳилларки, анинг исҳоли қийинроқдур. Ани шиддатлик совуқ сув бирлан ичмоқ лозимдур, токи моддани сиқиб чиқармоқ учун анинг совуқлиги батариқаи таксиф ва узви қуввати дофиъаға иъонат қилғай. Ва ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”ларида айтибдурларки, атиббо дебдурларки, ҳаббики, турбуд ва занжабил ва туздин мураккаб қилинур, анинг хосиятидурки, совуқ сув бирлан ичилса амал бақувват бўлур. Ва агар устидин иссиқ сув ичилса амали мунқатиъ бўлур.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, мусҳил икки ҳолдин холий эрмаски, ё суюқ ва сайёл бўлур, чунончи матбух ва нуқуъ каби. Бас, буларнинг устидин иссиқ сув ичмоқ раво бўлмас. Агар анинг амалини тўхтатмоқни ирода қилинса ва ё мағас касали ориз бўлса ичилур. Лекин амални тўхтатмоқ мурод бўлса иссиқ сувни кўп миқдор ичмоқ лозим бўлур, токи давони меъдадин тезроқ ва ичак тарафга чайиб тушурғай. Аммо мағас касали ориз бўлса андак-андак сувни журъажуръа ичмоқ лозимдур, токи моддани аламлик мавзеъдин кўчирмоқда мусҳилға иъонат қилғай ва мусҳилнинг ихрожиға таъсир қилолмағай.

Ва иккинчи ҳол шулки, суюқ ва сайёл бўлмас, балки ҳабб ва суфуф каби қуруғ бўлур. Ва ё маъжун ва луъуқ каби қуюқ бўлур. Ва буларнинг устидин иссиқ сув ичмоқ лозим бўлур, токи давони тезроқ эритғай. Ва табиат қувватини ҳаракатға киргизғай. Лекин сувни андак-андак бермоқ керак, токи сув

кўплик қилса давони меъдадин ўтқариб юбормағай. Аммо иссиқ сув ичмоқ шундоғ вақтда лозимдурки, андин мақсуд беҳиддат ғализ моддаға ихрож қилмоқ бўлса. Ва илло агар моддаи сафрони истифроғида, хусусан, суюқ ва ҳиддатлик сафро бўлса вожибдурки, мусҳилнинг устидин совуқ сув ичиб турғай, токи сувнинг совуғлиги бирлан меъданинг мизожи-ни табдил ва таксиф қилмоғи бирлан меъдаға ва ани қуввати дофиъасиға иъонат қилғай. Ва сафро қивомини табдил қилмоқ бирлан қобили индифоъ қилғай. Хусусан сафрони кўчмоғи ва мусҳилни амали қийин бўлса ва совуқ сувни ҳам андақ-андақдин ичмоқ лозимдур, токи сувни миқдори кўплик қилиб, давони меъдадин мунҳадир қилмағай. Ва агар хилти ғализ ва лузужатлик бўлуб, анинг ихрожи мақсуд бўлса, совуқ сув сувдин ижтиноб қилмоқ вожибдур. Зероки совуқ сув хилтнинг ғализлигини ва лузужатини зиёда қилур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, мусҳили ҳабб ва бошқа мусҳиллар сўнггидин иъонат учун иссиқ сув ичилсин дейишдин мурод нимгарм демақдур. Зероки агар шиддатлик иссиқ бўлса меъдадин ичакға тез ўтар. Ва меъдада кўп таваққуф қилолмас. Шунинг учун табиат анга тасарруф қилолмас. Ва агар мўътадил иссиқ бўлса, меъдада кўпроқ таваққуф қилур. Ва ахлотни, ҳам давони суюлтирар. Ва ихрож учун қобил ва омода қилур. Ва баъзиларнинг бу хусусдаги мусҳили давони шадид ул-ҳарорат вақтида истеъмол қилмоқ лозим, токи анинг ҳарорати ахлотни эритуб, жазб қилмоғиға иъонат қилуб, мақсуд кама хува ҳаққуху ҳосил бўлғай деган иродлари соқит ул-эътибор ва ғайри масмуъдурки, алар шадид ул-ҳароратни сариъ ул-инхидорлигидин беҳабардурлар.

ТҲРТИНЧИ ФОИДА давои мусҳилнинг таъми ва ҳидини мариз табиатидин пинҳон қилмоқ тадбири ва даво қай бирлан соқит бўлмаслигининг тадбирлари баёнидадур.

Билмоқ керакки, ҳар кимики, табиати давонинг ҳидидан нафрат қиладурган бўлса анга тадбир учун бурнини беркитиб, токи ҳибси нафас қилиб туриб ичмоқ кифоядур. Ва бошқа тадбирға ҳожат бўлмас. Ва агар анинг табиатида даво-

нинг таъмидин нафрат қилса, боядки мусҳил ичмоқдин икки-уч дақиқа муқаддам тархун гиёҳининг баргини ё жилонжийданинг баргини чайнамоқға амр қилинур. Бас, агар ани чайнаса тилға даво таъмини бироз муддатгача эҳсос қилолмаслик кайфийятини эҳдос қилур. Сўнгра давоий мусҳилни ичса таъмини эҳсос қилолмас. Ва тархундин жилонжийданинг баргини таъсири голиброкдур. Ҳатто ани чайнагон киши бир лаҳзагача, ҳатто шакар бирлан майда тузниг таъмини фарқ қилолмас. Ва бошқа хиллар ҳам кўпдур. Чунончи ҳабни асалға олуца қилуб ютмоқ ва ё асал ва ё шакарни қивомини зиёда даражаға еткаруб сўнгра андин ғилоф қилиб, ғилофга солиб ютмоқ ва ё қийрутиға олуца қилуб ютмоқ ва ё мумни эритиб туруб ҳабни анга олуца қилуб олиб ютмоқ каби тадбирлар кўпдур. Лекин ҳаммадин осонроқ тадбир шулки, оғзиға сувни тўлатиб олиб устиға ҳабни ҳам қўйиб, мазкур сув бирлан дафъатан ютмоқ баҳтарин тадобирдур.

Ва агар қай қилуб давони пишуруб юбормоқ хавфи бўлса анинг тадбири қўл ва оёғни қўлтуғдин юқори сондин боғламоқ ва ғашийни манъ қиладурган ҳидлардин, чунончи, наъноъдин ва судоб ва беҳи ва тини хуросонийки, гулоб ҳам андак сиркаға қориб ҳидламоқ ва қобиз мевалардин оғзиға солиб шимиб турмоқ муносибдур, токи фами меъдаға қувват берғай ва ғашийни зоил қилғай.

БЕШИНЧИ ФОИДА исҳол истеъмолиға монёъ бўладурган ҳолатлар баёнидадур.

Билмоқ керакки, вақтики ичакда қуруқ тафл бўлса, яъни табиат қабз бўлса ва то ани ҳиққат ва ё шиёф ва ё ёғлик шўрбо истеъмоли бирла ихрож қилмаса мусҳил бермоқ жоиз эрмас. Ва инчунин одамики анга тухма ва бадҳазмлик ориз бўлса ва ё ахлоти ғализ ва ширадор бўлса ва ё қобирғаларининг учиди тамаддуд ва таранглик ориз бўлса ва қорин ва ё ичакларида илтиҳоб ва куюшмоқ ва ё судда бўлса, то мулаййина физолар ва ҳаммом ва истироҳат ва тарки муҳаррикот ва истеъмоли мулаййинот бирлан мазкур ҳолатларни ислоҳ қилинмаса мусҳил бериб бўлмас.

Ва тухма вақтида мусҳилнинг манъиға сабаб шулки, тухма ўз соҳибининг хилти хом ва ғализлигиға далолат қилур. Ва қобурғаларнинг учларидаги тамаддуд ҳам шул сабабдин бўлурки, то модда ғализ бўлмаса тамаддуд ҳосил бўлмас. Ва ахлотнинг ширадорлиги мусҳилға монеълигиға сабаб ани аъзоға муташаббис ва маҳкам ёпишганлигидур. Ва зоҳирдурки, хилтики, ғализ ва ширадор бўлса мусҳилнинг таъсиридин мутаассир бўлмас. Бас, ночор мусҳил ахлоти солиҳни исҳол қилур ва андин кўп зарар ҳосил бўлур. Аммо ичаклардаги куюшмоқни исҳол ва монеълигиға сабаб шулки, ул куюшмоқ ахлотнинг ҳиддатига ва ичакни заифлигиға ва мазкур ҳиддатдин мутаассир ва мунфаъиллигиға далилдур. Ва моддани ичак тарафға мутаважжиҳ ва муассирлигиға далолат қилур. Бас, агар ҳолатда ахлотнинг ҳиддатини ислоҳ қилмай мусҳил берилса, ҳиддатлик ахлотнинг таважжуҳи ичак тарафға яна зиёда зўр таъсир бирлан варами азим эҳдос қилмоқ хавфи бордур. Ва бу маҳаллда ичак лафзи бирлан таъбир қилмоқ мисол учунгинадур. Ва илло ҳиддатлик ахлотнинг макониға ичак махсус эрмас, балки асл мақсуд ихшодур ва андин тананинг ичида бўлгон аъзолар муроддурки, масалан, дил ва ўпка ва жигар ва талоқ ва буйрак ва қорин ва ичак ва масона ва бошқа дохийий аъзои куллиялар исми ҳашодур ва ихшо жамъдур ва ахлоти ҳодда ушбу аъзодин қаю бирида бўлса мусҳил таъсиридин ҳаракатга кириб, ахлот шул узвға зиёда таважжуҳ қилиб, мазкур узвға варам эҳдос қилмоқ хавфи бўлур. Ва ичак исҳолнинг мажроси бўлғони учун бу таъбир бирлан англамоқ осонроқ бўлур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, бу ҳолатлар мусҳилни манъ қилмоқдин мулаййинни ҳам манъ қилмоғи мумкин эрмас. Чунки енгил мулаййиннинг истеъмоли ихшонинг илтиҳоби ва куюшмоғиға нафъ қилур. Ва варам пайдо бўлмоқдин эмин сақлар. Аммо суддани исҳолға монеълигиға сабаб давоий мусҳилни қуввати ўтмоғиға ва моддани мундафиъ бўлмоғиға монеъ бўлмоғидур.

Ва билмоқ керакки, моддани исҳол вақтида мундафиъ

бўлмоқ учун ўтадурган йўлида воқеъ бўлгон судда исҳолға монёдур. Ва бошқа мавзеънинг суддаси монёи исҳол бўлмас. Ва яна маълум бўлғайки, гизои мулаййиналар ихшонинг куйишмоғининг таскини ва модданинг ҳиддатининг таскини учун махсусдур. Аммо кашкоб бу бобда бемисл нофиъдур.

Ва ҳаммомға тушмоқ тухма моддасини пишурмоқ ва ширадор ахлотни сайлонға қобил қилмоқда бебадал тадбирдур. Ва ахлоти ғализни латиф қилур. Ва бодларнинг ва қобурғалар тамадудининг таҳлили ва суддаларни очмоқ учун аъло тадбир ҳаммомдур.

Ва роҳат ва беҳаракат осуда турмоқ ва моддани ҳаракатга киргузмаслик ва мулаййин нимарсаларни истёмоқ қилмоқ модданинг пишмоғига боис ва ихшонинг илтиҳобиға фоидаликдур.

ОЛТИНЧИ ФОИДА мусҳил ичгандин сўнгги уйқунинг аҳкоми баёнидадур.

Билмоқ керакки, мусҳил даво амалға шуруъ қилмоғидин бурун ухламоқ, агар мусҳил даво бақувват бўлса, ани амалиға муъин бўлур ва агар мусҳил заифроқ бўлса, ани амалини уйқу ботил ва заиф қилур. Зероки табиат заиф давони уйқуда ҳазм қилур. Ва бинобарин амали баҳасби ҳазм ботил ва ё заиф бўлур. Аммо мусҳил амалға шуруъ қилгондин сўнг хоҳ мусҳил бақувват, хоҳ заиф бўлса уйқунинг тарки авлодур. Зероки бу ҳолда давонинг амали ҳаракатдадур. Ва уйқу давонинг амалдин манъ қилиб, сокин бўлмоғини лозим тутар. Ва агар одами шубҳа қилсаки, атиббо наздларида мусалламдурки, уйқу руҳ дохил тарафға моил бўлур. Ва шул сабабдин ахлот ҳам дохил тарафға ружуъ қилур. Бас, бу амалға назаран баҳарҳол уйқу мусҳилға муъин келмоғи лозим келур.

Аммо бедорликда руҳ ва ахлот хориж тарафға чиқар. Ва ахлотни мусҳил хориждин жалб қилмоғи қийин бўлуб, жазбиға бедорликни фи-л-жумла монёъ бўлмоғи лозим келур. Ва шунинг мусҳилни ичгандин сўнг баҳартақдир ухламоқ лозим эрди, деса анинг жавоби шулки, бедорликда табиатнинг ҳаракати доимийдур. Шунинг учун ахлотда ҳам ҳаракат сайлон

ҳосил бўлуб, бинобарин бедорлик исҳолға иъонат қилур ва ҳам бедорликда руҳнинг ҳаракати зоҳир тарафға тадрижийдур. Бинобарин бу тадрижий ва табиий ҳаракат ахлотнинг жазбиға монез бўлмас.

Аммо уйқуда руҳнинг ботинға ҳаракати дафъатан ва уйқунинг аввалида бўлур. Ва сўнгра ҳам руҳ ва ахлот доимий сокин бўлур.

Ва маълумдурки, руҳ камоли латофатда латифдур ва ахлот ғализдурки, дафъатан ботинға ҳаракат қилмоқда руҳға баробар ҳаракатдин ожиздур. Бинобарин зоҳир тарафда қолмоғиға ночордур, сўнгра руҳнинг сокинлиги сабабидин ахлот ҳам зоҳирда беҳаракат қолмоқға ноилождур. Бас, собит бўлдики, мусҳилға муъин уйқу эмас, балки бедорликдур. Аммо бақувват мусҳил ичганда даво амалға ҳануз шуруъ қилмоғон вақтида ухламоқни тажвизиға сабаб уйқу воситаси бирлан руҳ ва табиат ботинға таважжуҳ қилмоғидур. Андин сўнгра уйқуға ҳожат йўқдур. Ва шунинг учун давои мусҳилни ичгандин сўнг кўп вақтгача осойиш ва беҳаракат ўтирмоқни атиббо лозим билурлар, токи табиат бошқа жиҳатға таважжуҳдин фориғ бўлуб, давонинг тасарруф қилмоғиға мутаважжих бўлғай. Зероки муқаррар бўлгондурки, то табиат давони тасарруф қилуб, анга таъсир қилмаса даво табиатға ҳеч амал қилолмас. Ва беҳазмликдин қуввати мусҳилийяси ўзида боқий турар.

ЕТТИНЧИ ФОИДА мусҳил ичилган куни ҳаммомға кирмоқ ва баданни ёғламоқ ва уқалатмоқ аҳкомининг баёнидадур.

Билмоқ керакки, давои мусҳилни ичгандин сўнг ҳаммомға бормоқ сазовор эрмас. Зероки ҳаммом моддани хориж тарафға жазб қилур. Бинобарин мусҳилнинг амалиға, яъни ботин тарафға жазб қилмоғиға моил бўлур. Ва бу икки хил жазби мухталифдин баданға ҳайрат ва изтироб ориз бўлур. Оре, агар қиш фасли бўлса ҳаммомнинг биринчи хонасида ўлтирмоқнинг зарари йўқдур, балки авлодурки, бу хонанинг ҳарорати кам терлатмоқға таъсири кофий бўлмоғони учун

моддани ҳам зоҳир тарафга жазб қилолмас, балки фақат зоҳири баданнигина мулойим қилур.

Аммо баданни ёғламоқ ва мулойим қўл бирлан мулойим даражада уқаламоқ ахлотни эритиб, инжизоб учун қобил ва омода қилмоғи вазҳидин мусҳилга муъиндур. Лекин дурушт қўл ва шиддатли куч бирлан уқаламоқ озори ва баданга эҳдос қилмоғи сабабдин зоҳир тарафга табиатнинг таважжуҳини жалб қилуб, исҳолга гоҳи моневъ бўлур.

Ва билмоқ керакки, совуқ сув бирлан ғул қилмоқ ва зоҳири баданни совутмоқ эътибори ила исҳол иъонати мумкин бўлса ҳам, лекин зоҳирни бадан ва анга яқин аъзога сувнинг совуғлик таъсири сабаблик ул маҳалдаги ахлотнинг жазбига моневъ бўлур. Баҳартақдир ғул зарардин холий бўлмас. Ва агар зарурат сабаби бирлан ғул лозим бўлса, муътадил ҳаволик маҳалда иссиғлиги ва ё совуғлиги асло сезилмаслик даражада илиқ сув бирлан ғул қилмоқ ва сўнггидин дарҳол баданни артиб либосларини киймоқни ва ҳавойи хорижийни совуғдин баданни маҳфуз сақламоқ шарти бирлан раводур.

САККИЗИНЧИ ФОИДА мусҳил ичмоқга муносиб вақтлар баёнидадур.

Билмоқ керакки, тўрт фаслдин мусҳил ичмоқ учун муносиби баҳор ила куз фаслидур, чунки бу икки фасл қиш фасли ила ёз фаслининг миёнасида мутавассит фасллардур. Лекин исҳолдин баданни имтилосини зоил қилмоқ мақсуд бўлса, баҳор фасли афзалдур. Зероки баҳорда ахлот эриб, ҳажми кўпайган бўлур. Бинобарин исҳолда мундафиъ бўлмоғи кўпроқ ва осонроқ бўлур. Ва агар исҳолдин мақсуд ахлот қувватини ва ҳиддатини камайтирмоқ бўлса куз фасли афзалдур. Зероки бу фаслда ахлот радиий ва фосид бўлур.

Ва яна билмоқ лозимдурки, баҳор фаслидаги мусҳил латифроқ ва камқувватроқ бўлмоғи лозимдур. Зероки баҳор сўнггидин ёз фасли муттасилдур. Ва зўр мусҳил баданни қуритиб заиф қилур. Ва бу бадан ёз фаслини ҳарорати ва йубусати мутаҳаммил бўлолмай хароб бўлур. Аммо куз фаслида ҳожатни тақозосига муносиб бақувват мусҳил бермоқ раводур. Ле-

кин ёз ва қиш фаслида ҳатта-л-имкон исҳолдин ижтиноб лозимдур. Зероки ёз ҳавосининг ҳарорати давонинг кайфийяти ва ахлотнинг ҳаракати мизожнинг фасодиға ва иситма касалнинг ҳудусиға боис бўлур.

Ва исҳол сабаби бирлан ҳодис бўладурган иситма аксар хуммойи йавмийя бўлур. Аммо қиш фаслида исҳолнинг манъиға сабаб совуғнинг асари бирлан ахлотни батариқаи инжимод ғализ ва касиф бўлмоғи ҳам аъзонинг касиф бўлмоғидур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, ёз фаслида ҳавонинг ҳарорати ва давонинг кайфийяти ва ахлотнинг ҳаракати мизожда фасод ва баданда иситма ҳодис бўлмоқ зарари мазкур бўлди. Аммо қай қилмоқ баҳсида ёз фаслини афзаллиги мазкур бўлгон эрди. Бинобарин бу фасл баъзилар наздида маҳалли иштибоҳ бўлмоғи мумкиндур, баинтариқаки, қайда ҳам ёз ҳавосини ҳарорати ва давонинг кайфийяти ва ахлотнинг ҳаракати мавжуддур. Ва бунга иловатан қайда тамоми баданни ҳаракати ҳам мавжуддурки, қай зилзилаи бадандур. Бас, ёз фаслида қай қилмоқдин ҳам мизожда фасод ва баданда иситма батариқаи авло лозим бўлғай эди деб, шубҳа қилмоқ мумкиндур. Ва бунга жавоб шулки, ёз фаслида ахлот тофий бўлур, яъни ҳажми зиёда вазни кам бўлғони сабабдин кўпик каби меъданинг усти тарафиға суъуд қилур. Бинобарин қайда мундафиъ бўлмоғи осон бўлур. Ва табиатға хориж бўлмас. Аммо исҳолда би-л-акски, ахлот юқори тарафға тофий бўлур ва исҳол паст тарафға жазб қилур. Бас, бу тариқа икки хил ҳаракати мухталифадин табиатға кўп ҳаржлик ориз бўлур. Бинобарин мазкур фасод мизожға ва хуммойи баданға боис бўлур.

Ва яна билмоқ керакки, онча исҳол учун баҳор ва куз фаслида баён бўлгон фазилатлар ва ёз ила қиш фаслида исҳолдин манъ қилмоқ ҳифзи сиҳҳат учун эҳтиётан танқия қилғувчиларға махсусдур. Ва илло ахлот сабаби бирлан бетоблик ориз бўлуб танқияға ҳожат бўлса, ҳар вақт ҳам исҳолнинг вақтидурки, асло таваққуф қилмоқ жоиз эрмас. Чунки касал-

ни узоқ вақтгача боқий ва беилож турмоғи бешубҳа ёмон ва хатарликдур. Ва зудлик бирлан мусҳил бериб танқия қилдирмоқ лозим бўлур.

Бас, одамики, қиш фаслида мусҳил ичмоғи лозим бўлса, анга афзал вақт шулки, бод, яъни шамол сокин бўлгон кунни ва ё жануб тарафдин шимол тарафга ҳаракат қилгон кунидур. Зероки қиш фаслининг шамолсиз кунни албатта шамоллик кунига нисбатан иссиқдур. Ва ё жануб тарафдин турган шамол шимол тарафнинг шамолига нисбатан иссиқроғдурки, важҳи ситтаи зарурийянинг аввалида мазкур бўлди.

Ва агар ёз фаслида исҳолга ҳожат бўлур, ул шаҳар денгизга яқин бўлмаса ва ҳавосини қуруғлик ҳароратидин ғолиб бўлса, шамол жануб тарафдин тургон кунни мусҳил учун муносиброқдур, токи шамолнинг рутубати ҳавонинг қуруқлигига муслиҳ бўлғай.

Хулоса бундин мақсуд шулки, ҳаво иътидолга фи-л-жумла яқинроқ бўлмоғидур. Ва агар бу шароит мавжуд бўлмаса сунъий равишда бир хонанинг ҳавосини мўътадил ва хорижий ҳаводин маҳфуз қилиб, мазкур хона ичида исҳол қилмоқ лозим бўлур.

Ва кеча-кундуз эътибори бирлан исҳол учун муносиб вақт шулки, агар исҳолдин мақсуд бутун бадандин баробар танқийаи ахлот бўлса, кундуз вақти муносибдур, токи бедорликда табиатни ва ахлотни ҳаракати сабаби бирлан мақсуд тезроқ ҳосил бўлғай. Ва агар меъдадин узоқроқ бўлгон бир узви махсуснинг танқияси мурод бўлса, масалан, бошнинг танқияси мурод бўлса кечаси афзалдур, токи даво меъдада уйқу сабаби бирла кўпроқ таваққуф қилғай. Ва давонинг қуввати табаххур тариқи бирлан маҳалли мақсудга етғай. Ва шунинг учун танқияйи димоғ учун махсус бўлгон ҳабларни кечаси истеъмол қилинмоғи муқаррар бўлгондур.

Ва яна билмоқ лозимдурки, кечаси истеъмол қилинадурган мусҳилни бақувват бўлмоғи лозимдур, токи уйқу сабаби бирлан анинг амалига ориз бўлгон монъеликдин амалига нуқ-

сон кўп бўлмағай. Ва ҳам давойи мустаъмал ҳаб қисмидин бўлғай, токи меъдада кўпроқ муддатғача пойдор ва боқий турғай. Ва агар кундузида мусҳил истеъмол қилинса кундуз соатларидин фаслға муносиб соатни ихтиёр қилмоқ лозимдур. Чунончи ёз фаслида субҳға ё шомға яқин бўлгон салқинроқ вақтни ва қиш фаслида кун ўртасини ихтиёр қилмоқ муносибдур.

Инчунин мусҳил ичмоқ вақтида ҳавони ҳам шул фаслға мувофиқ ислоҳ қилмоқ лозимдур. Ва мусҳил ичадурган куннинг ҳавосининг яхшироқ даражаси шулки, андак ҳароратга моилроқ, лекин терлатмоқ ва бетоқат қилмоқ даражаға етмаган бўлмоғидурки, совуқ ва иссиқ ҳавони моневъи исҳоллиги маълум бўлгондур.

Ва маълум бўлғайки, мусҳилни наҳорда ва меъда ва мосариқо ва житарлар физодин холий вақтида ичмоқ лозимдур. Зероки агар физо меъдада бўлса, давонинг қуввати аъзоға ўтмоғиға моневъ бўлур. Агар мосариқо ва жигарда физо бўлса моддаи мажзубани ичакға келмоғиға моневъ бўлур. Ва ҳам давонинг қуввати аъзоға ўтмоғиға моневъ бўлур. Магар даво бағоят бақувват бўлса аъзоға кучлаб ўтмоқға ва моддани зўрлаб жазб қилмоқға муқтадир бўлса ва ё физо кам бўлур, томурларни тамом банд қилолмаслик миқдорда бўлса, моневъи исҳол бўлолмас.

Аммо агар одамики, мизожи иссиқ ва баданининг таркиби ва меъдаси заиф бўлса, анга аввало енгил ва латиф физодин, чунончи кашкоб ва ё анорнинг суви каби нимарсадин андак миқдор ичируб, сўнгра давойи мусҳил ичирмоқ лозимдур, токи ани меъдасиға сафро йиғилмоғидин эмин бўлғай.

Ва Шайх ур-раис алайҳир-раҳма ҳам “Қонун”ларида шундоғ дебдурлар. Аммо ҳаким Қарший “Шарҳи Қонун”да авло шулки, мазкур одам давони наҳорға ичғай ва бир миқдор замондин сўнг физо тановулиға одат қилгон вақтида, яъни очлик голиб бўлмоғон вақтда мазкур физойи латифдин тановул қилғай, токи ҳам физо давонинг нуфузиға моневъ бўлмағай ва ҳам физо сафроға моневъ бўлғай, деб ёзгондурлар.

Ва дарвишнинг наздида¹ Шайхнинг аввалан ғизо тановулига амр қилғонлари савоброқ кўринур. Зероки аввалан даво ичганда ҳам давонинг савобидин ва меъда ғизодин холий сабабидин меъдага резиш учун мустаъид бўлғон сафро меъдага резиш қилур. Сўнгра бу ғизойи латиф фоида беролмас, балки даво таъсирининг заифлиги ва мизожнинг фасодиға сабаб бўлур. Оре, даво истеъмолидин ҳам анинг амалға шуруъидин сўнг меъданинг холийлиги сабабдин сафро резиш қилмоғининг хавфи учун мазкур ғизодин яна андак берилса мумкиндур.

Ва билмоқ керакки, давои мусҳилнинг истеъмолидин сўнг анинг амали тамом бўлмоғидин муқаддам ғизо тановул қилмоқ жоиз эрмас. Магар одамики, заиф бўлса ва очликни кўп тортғон бўлса ва ё меъдаси холий бўлғонда меъдаси сафро резиш қилмоқ анга одат бўлса, бу сувратда ғизо тановул қилмоғи жоиздур.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ФОИДА мусҳилнинг амали тамом бўлғондин сўнг нима қилмоқ лозимдиги ва исҳолдин сўнг неча кунгача эҳтиёт лозимлигини ҳам буларга мутааллиқ нимарсаларнинг баёнидадур.

Билмоқ керакки, қачонки мусҳил амалини тамом қилса ичакға ғизо ва мизожға таъдил учун муносиб тухумларни мувофиқ нимарсаларга қўшуб бермоқ лозимдур. Масалан, иссиқ мизожли кишига испағулни бинафша ёғи бирлан ёғлаб шакар ва жуллоб қўшилғон совуқ бирлан ичирмоқ керак. Ва агар совуқ мизожлик одам бўлсаки, баданида балғам ғолиб бўлса, ҳабб ур-рашоди мағсулни зайт аралаштирилғон иссиқ сув бирлан ичирмоқ керак. Ва агар мўътадил мизож бўлса райҳон тухмини бодом ёғи бирлан ёғлаб қанд шарбати бирлан ичирмоқ лозимдур. Лекин бу нимарсаларни мусҳилнинг амали мукамал ва тамом бўлғондин сўнг бермоқ лозимдурки, агар қабл аз истиъмомға амал берилса исҳолни тўхтатур. Ва агар исҳол ифротлик бўлуб, андин саҳж касали ориз

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

бўлмоқ хавфи бўлса гилбўтани анор суви бирлан қўшиб ичирмоқ кўп нофиьдур. Ва агар мазкур тухумларни ичиргандин сўнг бир соат ўтса, сўнгра мулойим гизо бермоқ лозимдур. Ва зўрроқ мусҳил ичган кишининг ҳаққиға ҳаммадин яхши гизо кашкобдур. Зероки мусҳилнинг офатини дафъ қилур. Ва мусҳилни ичгандин сўнг то уч кунгача гизойи гализдин ва жимойдин ва оғир меҳнатдин сақланмоқ лозимдур.

Ва ҳар кимики, исҳолдин сўнг иситма чиқарса анга ҳаммадин мувофиқроқ гизо кашкобдурки, ҳам гизои ва ҳам даван нофиьдур. Ва яна исҳолдин сўнг икки кун, балки уч кун ўтмаса сирка ва сиканжубиндин ижтиноб лозимдурки, саҳж касали эҳдос қилур. Ва инчунин мусҳилдин сўнг набиз ичмоқ ҳам сазовор эрмас. Чунки иситма ва изтироб пайдо қилур.

ЎНИНЧИ ФОИДА исҳолнинг камолға етгонининг аломати ва амалининг тўхтатмоқни лозим бўладурган вақтининг баёнидадур.

Билмоқ керакки, қачонки исҳолда модда кама ҳаққуху чиқса ва ташналик ориз бўлса мусҳилнинг амали комил бўлмоғиға далилдур. Ва инчунин агар мусҳил бир хилтнинг исҳолиға махсус бўлса ва ул хилтни исҳол қилиб турғон замонида яна бошқа хилтни ҳам ихрож қилса амали тамом бўлғониға далилдур. Ва казо қола-ш-шайху (Шайх ҳам шундай деган).

Бас, батаҳқиқ сафронинг мусҳили исҳоли сафро қилиб, исҳоли сафродин балғамға айланса маълум бўлурки, исҳоли сафронинг камолиға етгандур. Ва агар исҳол савдоға айланса камолдин ифротға ўтган бўлур. Аммо қонға айланмоқда хатари азим ва хатойи жалил бордур.

ИНТИБОҲ. Исҳол вақтида пайдо бўлгон ташналик танқияни камолиға далил бўлмоғи бартақдирики, ташналикға сабаб фақат рутубатнинг танқияси бўлса ва бошқа сабаби бўлмасағина мутаҳаққиқ бўлур. Чунки мўътадил миқдор рутубатнинг истифроғи вақтида табиат ул рутубатни июда қилмоқ учун сувға муштоқ бўлур. Шунинг учун модданинг танқияси вақтида ташналик ориз бўлуб, сўнгра ҳарчанд модда-

нинг хуружи кўпроқ бўлса ташналик зиёдароқ бўлур. Магар бир монёи манъ қилса ташналик ориз бўлмас. Ва бошқа сабаб бўлмаси шунинг учун қайд қилиндики, исҳол кунида меъданинг ҳарорати ва ё йубусати ва ё давонинг ва ё хориж бўлгон хилтнинг ҳиддати сабаби бирлан гоҳи ориз бўладургон ташналик амалнинг камолига далил бўлолмас. Ва агар яна монёи манъ қилса лафзини шунинг учун қайд қилиндики, гоҳи агарчи, ахлотнинг истифроғи вожиб уд-дафъ миқдорига мундафий бўлса ҳам, лекин меъданинг совуқлиги ва рутубатноклигидин ва ё давони рутубатноклигидин ва ё хилти балғамийнинг кўплиги сабабидин ташналик пайдо бўлмас. Би-л-жумла қачонки, вожиб уд-дафъ хилт чиқиб турса ва чиқмоғи ҳам баосоний ва беозор бўлса ва ани чиқмоғидин баданга энгиллик ҳосил бўлуб турса, анда ифротни хавфи бўлмас. Хусусан агар ташналик ҳам ориз бўлмаса, ҳатто мусҳилнинг амали нотаом деб ҳисоб қилмоқ раводур.

Аммо қачонки, ташналик ифрот даражада бўлса ва модда кўп миқдор чиқгон бўлса албатта ани тўхтатмоқ лозимдур.

Ва билмоқ керакки, табиатнинг наздида ахлотнинг ҳаммадин маҳбуброғи қондур. Шунинг учун мусҳил ахлотни жазб қилгон вақтида ҳатта-л-имкон қонни жазб қилмоққа табиат кўймас. Шунинг учун гоҳи бинобарин ҳатто мусҳил бақувват бўлуб, амали бағоят ифрот бўлса ҳам ҳамма ахлотни жазб ила тамом қилгондин сўнг ҳаммадин охир ночор қон келур.

Аммо аҳёнан баъзи мусҳил ичган кишиларнинг аҳволи агарчи ифротлик бўлмаса ҳам амалида қон зоҳир бўлур, лекин қоннинг жазби бирлан эримас, балки давонинг ҳидлатидин баъзи томурларнинг оғзи очилуб, андин тарашшух қилгон қондур. Ва даво жазбининг кайфийяти ҳам давонинг бир хилтга махсус жозиблигини алоҳида фоида бирлан баён қилинур.

ЎН БИРИНЧИ ФОИДА исҳолнинг ифротининг сабаблари ва анинг тадбирлари баёнидадур.

Билмоқ керакки, мусҳилнинг ифрот даража амал қилмоғига сабаб тўрт навъ бўлур. **Биринчи сабаб** шулки, томур-

лар заиф бўлур. Ва исҳол агарчи мусҳил ахлооти ғайри табиийни жазб қилса ҳам, лекин томурлар ахлот ва рутубати табиийларни кўшуб дафъ қилур, гўёки мақнотис қуввати бирлан жазб қилинғон темурға яна бир қобили инжизоб нимарса муттасил бўлса, ул темурға қўшилиб мунжазиб бўлғони кабидур.

Иккинчи сабаб табиатнинг таважжухидур. Чунончи хоҳ давои мусҳилнинг таъсири бирлан ва хоҳ бошқа сабаб бирлан бадан исиб кетар. Ва қонлар ва бошқа рутубатлар қизиб, ҳажми зиёда бўлур. Ва маълумки, ҳажмнинг зиёда бўлмоғи ани ночор атрофға мумтадд бўлуб, тикилмоғини лозим тутар ва табиатға халал ва зарар берар. Бас, ночор табиат мусҳилнинг жазбиға иъонат беруб, рутубати табиийи фоидаларни ҳам кўшуб дафъ қилур.

Учинчи сабаб шулки, давои мусҳилни лозиъалик қуввати бўлуб, томурни ичиға кирганда лизъи бирлан озурда қилур. Ва томурнинг дохилий ажзолари даво қувватидин ижтиноб ила атрофға моил бўлурлар. Бас, би-з-зарур томурға васиълик ориз бўлур. Ва модданинг лизъи ила томурларнинг оғзи беркилолмас. Бинобарин мусҳилнинг озорроқ жазби ила кўп миқдор рутубати табиийя ва ғайри табиийялар мунжазиб ва мундафиъ бўлурлар.

Ва тўртинчи сабаб шулки, давои мусҳилнинг таъсиридин бадан суъи мизож пайдо қилур ва қуввати мосикаси заиф бўлур. Бинобарин ўзида бўлғон рутубати табиийяни сақлай олмас. Ночор мусҳилнинг жазби бирлан мунжазиб бўлғон нотабиий рутубатға тобеъ бўлуб, табиий рутубатлар ҳам хориж бўлур. Ва ё суъи мизож пайдо бўлмаса ҳам, лекин бадан давои мусҳилнинг кайфийятидин мутакаййиф бўлуб, суъи мизож мажросиға жорий бўлғувчи қуввати мусҳил иктисоб қилур. Сўнгра агарчи давои мусҳил бадандин тамом хориж бўлғон бўлса ҳам худ-бахуд қоиммақоми мусҳил бўлуб, ҳамон исҳолни давом этар.

Ва махфий эрмасдурки, бу ҳолати баданға ҳақиқатан суъи мизож эрмас, балки суъи мизож мажросиға эҳдос зарар са-

бабидин жорийдур. Ва илло суъи мизож кайфийяти арбаъаи мизожийяға махсусдур. Ва бу кайфийят эса кайфийяти арбаъаға тамом муғойирдур. Эмди исҳолнинг ифроти учун сабаблари маълум бўлди. Бас, ифротнинг тадоруки ҳам мазкур сабабларға муносиб бўлур. Ва баҳасби сабаб тадбир қилмоқ лозимдур. Масалан, сабаби ифрот томурларнинг заифлиги бўлса томур ва табиатға қувват бермоқ учун қобиз хушбўй даволардин ҳидлатиб турмоқ лозимдур. Ва агар сабаби ифрот қон ва рутубатларни қизимоғи бирлан ҳажми зиёдалиги ва табиатға халали бўлса, физойи қобиз ширин ва хушбўй бирлан таъдили табиат қилмоқ лозимдур. Ва ҳамма ақсом учун ҳам физони совуқ ҳолда ичирмоқ муносибдур, токи физонинг қобизлиги би-т-табъ монийи исҳол бўлур. Ва ширин ва хушбўйлиги табиатға марғуб ва ҳам муъин бўлур. Ва табиат ул физони тезроқ жазб қилуб, манфаат олур. Ва совуқлигининг аъзога ва рутубатларға қиллати ҳажм ориз бўлур, табиатға енгилик ва рутубатларға ғализлик ва ғалабасизлик ва томурға танглик ва инзимом учун қувват ҳосил бўлур. Ва аъзони маҳкам қилмоқ учун физои қобизға ҳалвои мағзийлардин ҳам қўшмоқ яна муносиброғ бўлур. Лекин бу икки хил сабаб ани осор жиҳатидин фарқ қилмоқ бағоят мушкулдур. Бинобарин ҳар икки қисмға манфаати муштарак бўлгон нимарсалар бирлан илож лозимдур. Зероки андак тафриқа мустасно бўлса ҳар икки қисмнинг иложи бир илождур.

Ва агар мусҳил давонинг ҳиддати лозияси сабаби ифрот бўлса лизъни изоласи учун мағзий ҳолволардин ҳам баданни совутадурган нимарсалардин бермоқ лозимдур. Ва бу мақомда ҳаммадин яхшироқ нофиъ физо кувада пишган айрондур. Ва кашкобни совутиб ичирмоқ ҳам нофиъдур. Ва таъсиридин суъи мизож ва ё даво кайфийятидин қуввати мусҳила баданға ориз бўлса, мизожни иътидолиға келтирмоқ ва аъзонинг ҳолини хирфа ва исфагулларнинг табъ бериб, сўнгра андин луъоб олиб ичирмоқ бирлан ислоҳ қилмоқ ва кўкнор тухмини табъ беруб, суфуф қилиб бермоқ ва райҳон тухмини табъ беруб суфуф қилмоқ каби ислоҳлар лозимдур.

Эмди ҳамма ақсом ифроти исҳолни тўхтатмоқ учун кул-
лиятан нофиъ тадбирларни баён қилинурки, баҳасби ҳожат
истеъмол қилинғай.

Билмоқ керакки, исҳолнинг қатъи учун қўл ва оёқни
қўлтиқ ва юқори сондин ушлаб то учларигача маҳкам ўраб
боғламоқ нофиъдур. Ва агар муяссар бўлса тарёқи форукдин
тановул қилмоқ ҳам нофиъдур. Ва яна баданни терлатмоқ ҳам
моддани зоҳирға жазб қилмоғи бирлан исҳолни тўхтатмоғиға
нафъ қилур. Хоҳ ҳаммом бирлан терламоқ ва хоҳ иссиқ сув-
ни катта зарфға солиб, ани ёнида ўлтириб, бир катта чо-
дирни зарфни ва ўзини усти бирлан ёпинуб, сувнинг бўғи
бирлан терламоқ баробар нафъ қилур. Лекин чодирдин те-
шук қўйиб, бошни чодирдин чиқаруб, хорижий ҳаводин
нафас олиб турмоқ шартдур. Ва агар тер ҳам ифрот даража-
да чиқса олманинг шарбати ва беҳининг шарбати ва анор-
нинг шарбати кабилардин ичирмоқ ва олманинг суви ва
мавжуд бўлса ҳўл оснинг суви ва бинафша ва ғўра кабилар-
нинг суви ва сирка ва ушбулардин баданға, хусусан орқаға
суртмоқ ҳам терни тўхтатмоқға ва ҳам моддани зоҳирға жазб
қилуб, исҳолни тўхтатмоқға нафъ қилур.

Ва хушбўй сувлардин лахлаха қилмоқ, чунончи хушбўй
гиёҳларнинг сувини ва хушбўй меваларнинг сувини сиқиб
олиб, шишаға солиб, хушбўй ва совуқ даволардин, чунончи
сандал ва кофур ва бинафшалардин қўшуб ва гулоб ҳам қўшуб,
сўнгра шишани дам-бадам чайқатиб, ҳидлатиб турмоқ ло-
зимдур.

Ва яна аъзони куч бирлан уқалаб иситиб турмоқ ва
қобурғаларнинг тагига олов қортуқ солмоқ ва икки китф ва
курак ўргалариға ҳам қортуқ солмоқ ва арпани таъб бериб
куйдируб ва гулнор ва харнуб ва табошир каби қобиз ни-
марсаларни янчиб, олма ё беҳининг суви ва ё оснинг суви
бирлан меъда ичаклар устиға зимод қилмоқ нофиъдур.

Ва яна қоринни беҳи ёғи бирлан ва мастакий ёғи бирлан
ёглаб турмоқ нофиъдур. Ва яна хушбўй нимарсани ҳидлаб
турмоқ ҳам нафъ қилур. Ва инчунин бир неча луқма нонни

аччиқ анорнинг сувиға ивитиб емоқ, ҳам сўнгидин кафи дарёни шароби райхонға қўшуб, эзиб ичмоқ исхолни тўхтатмоқ учун бағоят нофиьдур.

Ва яна арпани қовуруб, кўкнор бирлан майда янчиб едурмоқ ҳам нофиьдур. Ва уч дирам ҳабб ур-рашодни қовуруб, кувада пишган айрон бирлан қайнатиб қуялтириб ичирмоқ ични қабз қилмоқда ғоят даража таъсир қилурки, бундин бақувват қобиз бўлмас. Ва мартуб мизожлар учун кўп нофиьдур. Ва яна самғи арабийи бирёнининг суфуфи ва испағулнинг бирёнининг суфуфи ва гилбўтани ёғ бирлан қориб, беҳи шарбат ё олма шарбат ва ғўра шарбати бирлан ичирмоқ мизожи ўткир иссиқ киши учун нофиьдур.

Ва қайға ҳаракат қилиб агарчи иссиқ сув ичиб бўлса ҳам ҳаракат қилмоқ моддани юқори тарафға жазб қилмоқ бирлан исхолға монеъ бўлур, ҳаттоки агар қай келмаса ҳам қуруқ ўқчук ҳам моддани жалб қилиб, исхолға нафъ қилур. Ва одат қилмағон кишиға ҳам андак афюнни сувға эзиб ичирмоқ ҳам нофиьдур.

Ва яна обзан қилмоқ ва ё қўл ва ё оёғни иссиқ сувға солмоқ моддани зоҳирға ва атрофға жазб қилмоғи бирлан монеъи исхол бўлур. Ва физони ҳам қобиз нимарсадин қилмоқ вожибдур. Ва ғўранинг суви ва зиркнинг қайнатилғон суви каби қобиз нимарсаларни ях бирлан совутиб ичирмоқ нафъ қилур.

Ва лимуни қаламлаб кесиб, оғизға солиб, шимуб, сувини ютиб турмоқ ҳам нофиьдур. Ва уйнинг ҳавосини ҳам мўътадил қилмоқ вожибдур. Зероки агар совуқ бўлса баданнинг касиф қилмоқ ила моддани сиқиб чиқармоқ ила исхолға ёрдам бермоғи мумкиндур. Хусусан агар қувват суст бўлса зоҳири баданни совутмоғи исхолға иъонат берур. Агар уйнинг ҳавоси иътидолдин иссиғ бўлса, қонни ва рутубати баданийяни иситуб, ҳажмиға зиёдалиқ эҳдос қилур. Ва ул зиёда миқдорни табиат дафъ қилмоғи бирлан исхолға ёрдам берур.

Ва шароб ичмоқ ҳам шул тариқада исхолға муъин бўлурки, булардин ижтиноб вожибдур.

Ва билмоқ керакки, ҳар вақт бу тадбирлар исҳолни тўхтатмоқга кифоя қилолмай зарурат бўлса охир ул-амр мухаддир даволардин ва бақувват ҳобис даволардин истеъмол қилмоқ лозим бўлур.

Хусусан совуқ мизожлик мухаддирлар, чунончи кўкнор ва тарёк ва бизр ул-банж ва наша ва жавзи мосил каби мухаддирлар сариъ ул-асардур.

Ва исҳол берғувчи табибға вожибдурки, исҳолни тўхтатмоқга татсирлик кўрслар ва суфуфлардин доим ўзида муҳайё бўлғай, то ҳожат вақтида бетаваққуф ани истеъмолиға ҳозир бўлғай. Ва бундоқ давои ҳобис ва қобизларнинг анвои ҳамма “Қорабодин”ларда тўла ва беҳисобдур. Бинобарин бу мавридда аларни ҳам забт қилмоқ ила татвили каломни муносиб кўрилмади. Ва лозим бўлса “Қорабодин”ларға назар қилмоқ лозимдур.

ЎН ИККИНЧИ ФОИДА ичган исҳоли амал қилмай қолгон кишиларнинг тадбирлари баёнидадур.

Билмоқ керакки, агар одамики мусҳил ичса ва мусҳилнинг одат вақтидин кечиккони муқаррар бўлса, лекин амал қилмағонидин ҳеч зарар ҳодис бўлмаслиги ҳам маълум бўлса, ул куни мазкур мусҳилни ҳаракатға киргизмай ўз ҳолиға қўймоқ яхшироқдур. Агар ичак оғримоқ ва табиатға ориз бўлмоқ ва кўз тинмоқ ва бош оғримоқ ва керишмоқ ва эснамоқ каби аъроз зоҳир бўлса ва давои мусҳил ҳануз меъдада боқий бўлса иссиқ сувға андак туз қўшуб, сўнгра ани моъ ул-асалға қўшуб, қайнатиб ичирмоқ лозимдур, токи давони ва хилтни суюлтируб, исҳолға мадад берғай.

Ва аксар вақтда меваларнинг қайнатилгон суви масалан, олулар ва ўрук ва тамарҳиндийлар бирлан ҳам мусҳилға ёрдам бўлуб, амал қилур. Ва инчунин баъзи мулайин гуллар, масалан, бинафша ва янги қизилгул ва шафтолунинг гули кабиларни қайноқ сувға дамлаб ичирмоқ ҳам мусҳилға иъонат учун кифоя қилур. Ва яна майдаланган мастакийни бир дирамдин то икки мисқолғача маризнинг жасадининг

катта ва кичиклигининг мутаносиб миқдорини иссиқ сув бирлан ичурмоқ мусҳилга иъонат учун бемислдур.

Ва инчунин баъзи қобиз нимарсалар ҳам, хусусан хушбўй бўлса, масалан, беҳи ва олма ва амруд ва анор кабилар ҳам фами меъдани ва анга қариб жойларни қабз қилмоқ бирлан мусҳилни сиқиб, меъдадин чиқармоғи сабаби бирлан исҳолга муъин бўлур. Ва хилтни ҳам юқори тарафдин паст тарафга моил қилур. Ва ғашаённи дафъ қилур. Ва хушбўйлиги бирлан табиатга қувват беру. Ва шунинг учун ҳам ижобат ва исҳолга муъин бўлур.

Ва агар бу тадбирлар бирлан ҳам амал қилмаса, сўнгра зудлик бирлан қай қилдирмоқ лозим бўлурки, меъдада муҳтабис бўлгон мусҳил мундафиъ бўлғай ва ани зараридин амният ҳосил бўлғай. Ва агар давои мусҳил ичакдин меъдага ўтган бўлса, сўнгра ичакда банд бўлуб, тўхтагон бўлса анга ҳам шўр сувга моъ ул-асал кўшуб ичирмоқ ҳам сўнгидин ҳуқна ва шиёф бирлан исҳолга мадад бермоқ лозимдур. Ва давои мусҳил ичакга ўтуб, меъдада холий бўлғониға аломат шулки, меъдада ҳеч оғирлик ва изтироб ва ғашаёндин асар қолмас. Ва агар кекурик келса давонинг таъми ва ҳидидин асар сезилмас. Бас, агар ҳуқна шиёфлардин мақсад ҳосил бўлмаса ва аърози радийялар, чунончи баданда тамаддуд ва кўзда ҳужуз, яъни кўз ғўлаги ташқи томонга ўсмоқ каби аломатлар зоҳир бўлса ва даво юқори тарафга ҳаракат қилса, лекин ҳеч нима келмаса дарҳол қўлининг ҳафтандом томуридин қон олмоқ лозим бўлур, токи мусҳил таъсири бирлан ҳаракатга кирган моддалар томуридин хориж бўлғай. Ва яна ул моддани меъдага ва ёъ аъзойи раисаға резишидин маҳфуз бўлғай. Ҳатто камоли эҳтиёт шулки, агар бир киши ичган мусҳил амал қилмаса, агарчи икки-уч кун ўтган бўлса ва аърози радийя мазкур пайдо бўлмаса ҳам қон олмоқ лозимдур, токи ҳаракатга кирган моддалар мабодо неча кундин сўнг аъзойи раисадин бириға резиш қилмағай. Аммо амал қилмоғон мусҳилнинг ёрдами учун яна бир мусҳил ичиб, бир кунда икки мусҳилни жамъ қилмоқда зўр хатар бордур.

Зероки мумкиндурки, ҳар иккиси ҳам ҳаракатга кириб ифрот даража исҳол қилгай ва ё ҳар иккиси ҳам амал қилолмай, андин зарар икки ҳисса ориз бўлгай.

Ва билмоқ керакки, агар мусҳил ичган киши касал бўлса ва мусҳил енгилликдин амал қилмаса ва ани меъда ва ё ичакда бўлмоғидин баданга зарар ориз бўлмоғи ҳам гумон қилинмаса, амал қилинмағони учун ёрдам бирлан ул мусҳилни ҳаракатга киргизмоқ ҳожат эрмас.

Ва агар зарари зоҳир бўлса мазкур бўлгон тадбирлардин муносибини истеъмол қилмоқ мумкиндур.

ЎН УЧИНЧИ ФОИДА исҳолдин сўнг ориз бўладурган касалларни ва аларнинг тадбирларининг баёнидадур.

Билмоқ керакки, аксар воқеъ бўлурки, исҳолдин ва фасддин сўнг жигарда оғриқ пайдо бўлур. Чунки қон ва мусҳил ҳар иккиси танқия қилмоқ учун бадандин моддани жазб қилур. Ва мунжазиб бўлгон модда зоҳирдурки, томур воситаси ила хориж бўлур. Ва ҳамма томурлар жигардин кўкариб баданга таралгон сабабидин баданни қаю мавзёида бўлгон моддани қаю мавзёе тарафга жазб қилинса, томур восита бирлан келиб, чорасиз жигарга келур. Ва андин жозиб тарафга етар. Бас, гар жозиб мусҳил бўлса, модда ичакга келмоқда бадандин жигарга, сўнгра андин мосариқо воситаси бирлан ичакга тушар. Ва агар модданинг жозибни фасд бўлса, томур воситаси бирлан бадандин мунжазиб бўлгон модда қонга ҳамроҳ бўлуб, аввал жигарга келур, сўнгра жигардин суъуд қилиб қўлга келурки, баҳартақдир жигар моддаи мунжазибанинг йўлидур. Бас, исҳол вақтида мусҳилнинг жазби бирлан хориж бўлмоқга мутаважжиҳ бўлгон моддалар томур воситаси бирлан жигарга етиб келгонда мусҳилнинг жазби заифлигинин ва ё модданинг ғализлиги ва мосариқонинг танглигинин ва ё бошқа сабабдин бошқа мазкур моддадин бир миқдори жигарда тўхтаб қолур. Ва жигардин ихота қилгон пардасига изо бермоқ бирлан жигарда бир оғриқ пайдо қилур. Ва инчунин фасд қилингонда ҳам шул тариқа бўлур. Ва анинг иложи иссиқ сув ичиб турмоқдурки, моддани эритиб, жигардин

қайтариб таҳлил қилур. Ва бу модданинг миқдори бағоят кам ва жигарга келиб тўхтағониға кўп вақт ўтмағон ва жигарга кўп ёпишуб ўрнашмағони учун иложига ҳам қайноқ сув ичмоқ кифоя қилур. Ва жигарни гусл қилгон каби танқия қилур. Ва бошқа тадбирга ҳожат қолмас.

Ва инчунин аксар вақт бўлурки, исҳолдин сувнинг баъзи амрози дамавийя бирлан иситма ориз бўлур. Шул тариқадаки, аввало баданда қон кўп бўлур ва мусҳил ичар. Ва мусҳилнинг лозимаси бўлгон ҳарорат ҳаракати мавод иътибори ила ҳосил бўлгон сабаби даво ҳарорати сабаби бирлан қонда ҳаяжон пайдо бўлуб, иситма чиқарур.

Ва бунинг иложи қон олмоқдурки, аксар вақтда танҳо қон олмоқ кифоя қилур. Ва гоҳи қоннинг галаёни зўр бўлса, қон олгондин сўнг баданни совутмоқ тадбириға ҳам ҳожат бўлур. Чунончи кўрси кофур ва бунга ўхшаш давоийи мубарридлар истеъмолиға ҳожат тушар.

Ва яна кўп воқеъ бўлурки, агарчи давоийи мусҳил меъдадин ўтиб кетгон бўлса ҳам, лекин анинг ҳиди боқий турар. Ва заъам қилинурки, ҳануз даво меъдада боқий бўлса. Бас, бу ҳидни зоил қиямоқ иложи арпа унини қовуриб тановул қилмоқдур.

Ва аксар воқеъ бўлурки, исҳолдин сўнг ҳиқичоқ пайдо бўлур. Ва анинг тадбири шулки, исфағулни гул ёғиға ва совуқ сувға қўшиб бермоқ керак. Ва ани ичкондин сўнг қўл ва оёғни боғламоқ керак. Ва муъаттис нимарсалардин ҳидлатиб атса келтирмоқ керак.

Ва яна гоҳи бўлурки, исҳолдин сўнг меъдада куюшмоқ ва ҳарорат пайдо бўлур. Ва анинг иложи исфағулнинг лубоби ва беҳдонанинг лубобини гулёғи ва бодом ёғи ва ё қобоқ ёғи бирлан қориштируб ичирмоқдур. Ва ҳар соат шундоғ нимарса бериб турмоқдур. Ва агар меъданинг куюшмоғи анга ҳиддатлик модда жамъ бўлгонлиги сабабдин бўлуб, бу тадбирлар бирлан зоил бўлмаса қай қилдурмоқ лозим бўлур. Ва гоҳи бўлурки, қобиз нимарсалар, хусусан қобизики, нордон бўлса

меъдани жило беруб, моддани иссиқлик ҳиддатини суст қилур ва бетоқатликни ва гашаённи зоил қилур.

Ва яна гоҳ бўлурки, юрак оғрумоқ ва гаший каби ёмон оризаларки, исҳол амал қилмоғон вақтда ориз бўлурлар, шулар баъд аз амал ҳам ориз бўлур. Ва бунга сабаб меъдага ва дилнинг атрофиға моддани резиши ва ҳануз андин чиқиб кетолмаганидур. Ва бунинг иложи ҳам қай қилдурмоқ ва нордон қобиз нимарсадин тановул қилдурмоқдур.

ТАНБИҲ. Билмоқ керакки, мусҳил даволардин баъзиси кўп зарарлик бўлур. Чунончи харбақи асвад ва фарфиюн ва турбудики, оқ ва покиза бўлмай, балки қаро ёки сариг бўлса ва уфунатлик бўлса. Ва ғориқунки, қаро бўлса. Ва мазарюн ва данд, яъни ҳабб ул-мулукки, форсийда биданжири хитоий дерлар. Ва бунга ўхшаш даволардин имкон борича ижтиноб қилмоқ лозимдур. Ва агар булардин бири иттифоқо истеъмол қилинган бўлса, жавоб шулки, ҳатта-л-имкон ани бадандин дафъ қилмоқ учун қай қилдурмоқ ва ё паст тарафға тушируб исҳол тариқи бирлан бадандин хориж қилмоқға таважжуҳ қилмоқ лозимдур. Ҳам анинг заҳрини бадандин зоил қилмоқ учун тарёқ бермоқ лозимдур. Ва мазарюннинг зарари учун юқорида мазкур бўлгон луъоблардин ва ёғлардин ва маскадин ва кунжут ёғидин яламоқ нафъ қилур. Лекин мазкурлардин неча карра батакрор яламоқ лозимдур. Ва сўнгра озроқ сиркани совуқ сувға қўшиб ичмоқ лозимдур. Ва фарфиюнни ҳиддати учун ҳам саригёғ ва маска ва кўп луъоб ва ёғлар ва совутилгон гулоб ва кашкобға бодом ёғи қўшуб ичмоқ ва анорнинг суви ва олманинг сувидин ичмоқ ва семуз товуқ гўштининг шўрбосидин ичмоқ нафъ қилур. Ва сандал ва гулоб ва кофур ҳидламоқ нофиъдур.

Ва ривунди чинийнинг азийятини ислоҳи учун олма ва беҳининг рубби, яъни шиннисидин яламоқ ва совуқ сувға гусл қилмоқ ва бошдин кўп совуқ сув қўймоқ фоида қилур. Ва сариқ тубуд ва қизиган уфунатлик турбудни зарарини ислоҳ

учун шиддатли совуқ сув ичмоқ ва совуқ сувнинг ичиға тушиб ўлтирмоқ нафъ қилур.

Билмоқ керакки, сигирнинг қатиғини ичмоқ заҳардор гиёҳ ва дарахтларининг аксарига муслиҳдур. Ва ифротлик исҳолни тўхтатур ва заҳарға муслиҳлик, агарчи мутлақ қатиқ ва сугларнинг шаънида собитдур, лекин сигирнинг қатиғи зиёда муассирдур. Сузмаси исҳолни тўхтатмоқда қатиғдин муассирроғдур. Ва янги сутни пишируб ичмоқ давонинг ҳиддатини зоил қилур. Лекин агар исҳол ила ҳарорат ҳам бўлса сут бериб бўлмас. Ва агар доруни ичгандин сўнг қон қай қилса, узумдин бўлгон шаробға баробардин зиёдароқ янги соғилган сут қўшуб ичирулса доруни зарарини тўхтатур. Ва пиёзни сирка бирлан ўлдируб емоқ дору истеъмолидин сўнг ориз бўлгон ғашаённи зоил қилур.

ЎН ТЎРТИНЧИ ФОИДА давоийи мусҳилаларнинг таркиби баёнидадур.

Билмоқ керакки, давоийи мусҳиланинг таркибида тўққиз нимарсани риоя қилмоқ лозимдур.

Биринчи риоя. Билмоқ лозимдурки, давоийи мусҳиланинг ҳаммаси умуман фами меъдаға зарарликдур. Бас, вожибдурки, дилға қувват берадурган хушбўй даволардин мусҳилға қўшғай, токи мусҳилнинг зараридин фами меъдани муҳофазат қилғай. Ва ҳамма аъзонинг амири бўлгон руҳи ҳайвонийяни бақувват қилғай. Ва ҳам исҳолға иъонат қилғай.

Ва иккинчи риоя шулки, давоийи мусҳилнинг таркибига мудирр нимарсалардин кўп тушмағай. Зероки идрор моддани масона тарафға жазб қилмоқдин исҳол амални ноқис қилур.

Учинчи риоя шулки, давоийи мусҳилани кўп ширин қилмағай, зероки таъми ширин табиатға марғублиги сабабдин табиат андин мутаассир бўлмас, балки ани рағбат бирлан жазб қилуб, физо ўрниға сарф қилур.

Тўртинчи риоя шулки, тез амал қиладурган давоға кеч амал қиладурган давони таркиб қилмағайки, тез амал қиладурган

давони қувватини кеч амал қиладурган даво синдурмағай. Ҳам агар тез амал қиладурган даво тезроқ амалдин фориғ бўлса ва андин сўнг кеч амал қиладурган даво ҳаракат қилса, ҳар қаюси танҳо ҳаракат қилғон сабабидин ҳар иккисини ҳам амалини заиф қилуб, мақсуд ҳосил бўлмас. Ва шундоқ таркиб иттифоқан зарур бўлса, вазн эътибори ила ҳар икки давонинг қувватини баробар қилмоқ ҳам таркиб даволарнинг ихтилотини чунон муболага қилмоқ лозимдурки, гўё ҳаммаси бир жинс бир мизож ва бир қувват пайдо қилғай.

Ва бешинчи риюя шулки, билмоқ керакки, кўп даволар бордурки, агар анга бир нимарса қўшилмаса зуд амал қилмас ва ғализроқ моддани ихрож қилолмас. Шунинг учун турбудға занжабил қўшиб истеъмол қилмоқни атиббо лозим билурлар.

Ва олтинчи риюя шулки, баъзи даво қобизи аъзо бўлур ва аъзони қабз қилмоқ бирлан андаги ахлотни сиқиб чиқарурки, натижайи қабзи исҳол бўлур. Ва анинг мисоли ҳалиладур. Ва баъзи даво лазж ва тойғоқ бўлур. Ва аъзодаги ахлотни тойдуруб тушурмоқ бирлан исҳол қилур. Ва анинг мисоли бинафша ва хуруъ ёғидур. Бас, давои мусҳилнинг таркибида шул тариқада давои қобиз бирлан давои лазжни зинҳор қўшилмағай. Ва ҳар иккисига ҳожат бўлса, боядки аввало давои лазжни тановул қилғай ва анинг лузужатлик асари аъзоға тамом таъсир қилғондин сўнг давои қобизни тановул қилғай, токи давои лазжнинг асари ҳамма аъзони тойғоқ қилғондин сўнг давои қобиз ўз қабзи бирлан аъзони сиқуб, ахлотни ихрож қилғай ёинки, давои лазжнинг миқдорини кўпроқ ва қобизнинг миқдорини камроқ қилинғай. Токи давои лазж ҳамма аъзони тойғоқ қилиб исҳолға иъонат қилғай. Ва давои қобиз аъзони андак қабз қилмоқ ила ихрожға ёрдам қилғай. Лекин масомларни қабз ила банд қилмоқға таъсир қилолмағай. Зероки агар давои қобиз бирлан давои лазжни таркиб қилинса давои лазж ғолиб бўлмаса, ани таъсиридин ахлот тойи-

луб, ҳаракатга кирса ва сўнггидин давоий қобизнинг таъсири ғолиблик қилиб, анинг бирлан аъзонинг мунқабиз бўлуб, ахлотнинг йўли банд бўлса, ҳаракатлик ахлот баданда мухтабис бўлуб, варам пайдо қилмоқ хавфи бордур.

Еттинчи риоя шулки, баъзи даво маълумки, бағоят қувватлик ва ё ҳиддатлик бўлурки, то ани хилофида бўлғон даволар таркиби бирлан ислоҳ қилинмаса истеъмоли зарардин холий бўлмас. Бас, ислоҳ учун қўшиладурган муслиҳ давонинг қувватини ҳам шундоқ риоя қилмоқ лозимдурки, анинг таъсири мусҳилнинг зарари зиёда таъсир қилиб, исҳол амалини манъ ва ноқис қилмағай. Ва муслиҳнинг миқдори учун агар давоий мусҳилнинг зарари муқаррар ва жазмий бўлмай, балки зарар эҳтимоли гумон қилинса, ул ҳолда мусҳилнинг чорак ҳиссаси миқдор мусҳил қўшмоқ эҳтиёт учун кифоядур. Ва агар мусҳилнинг зарари муқаррар ва жазмий бўлса, ул тақдирда ани зарарини дафъиға кофий миқдор муслиҳ лозимдурки, муслиҳ ила мусҳилнинг бир-бирига миқдори мутаносиби баъътибори қувват ва кайфийят бўлур ва баъътибори вазн. Аммо мусҳилнинг ифроти ва зарарига жазм ҳосил қилмоқ шундоғ одамнинг ҳақида мумкин бўлурки, ё неча бора маризға мусҳил бериб анинг мизожи ва қувватини тажриба қилинғон бўлса ва ё ани мизожини ташхис қилмоқда табиб бағоят ҳозиқ бўлса. Ва шул мизожға назаран шул қадар бир хилти махсуса ғолиб экани ва мусҳилни ул хилт мизожи ила таносуби узоқлигини ва бу таносубни баробар қилмоқ учун неча миқдор муслиҳ лозимлигини билса. Ва илло тайаққун ҳосил бўлмас. Ва исҳол зарардин холий бўлмас. Бас, боядки, исҳол истеъмоли учун худройлик ва ноаҳлнинг амрига иътигод қилмоқдин ижтиноб қилинғай. Ва табиб камоли эҳтиёт бирлан амр қилғай.

Саккизинчи риоя шулки, агар ажзойи мухталифалардин матбух ва ё нуқуъ қилмоқға ҳожат бўлса, ул ажзодин баъзи жавҳари навъини, масалан, туз ва ё елимлар каби сувда эриб

тамом мухталит бўлмоқга қобил навъларини ўзига махсус миқдор шарбатини солинур. Аммо баъзи давойки, жавҳари сувга ҳал бўлуб, тафли қоладурган навъларини вазни миқдори шўрбатдин зиёда бўлмоғи лозимдур. Токи тафл миқдорининг эвазини такмил қилғай. Масалан, бир одамига ҳалиланнинг жирмидин икки дирам миқдори лойиқ бўлса, матбух учун олти дирам бермоқ лозимдурки, зиёда тўрт дирами тафли боқийнинг вазнига бадал бўлур. Ва ё турбуднинг жирмидин ярим дирам бермоқ сазовор бўлса, матбух учун андин икки дирам солмоқ муносибдурки, зиёда бир ярим дирами тафли боқийнинг вазнига эваздур. Бошқа даволар ҳам бунга қиёс қилинур.

Тўққизинчи риюя шулки, агар беислоҳ ва беиъонат мақсуд ҳосил бўлса, давойи муфрад истеъмоли сазовордур. Ва таркибга ҳожат бўлмас, токи истеъмол барвифқи ҳожат бўлса мақсуд бетакаллуф ҳосил бўлғай. Агар фаразан фикрда ва ё миқдорда хато воқеъ бўлуб, даводин зарар зоҳир бўлса ани ислоҳи учун тадбири осонроқ ва муслиҳи бешубҳароқ бўлғай. Ва агар баъзи зарурат сабабидин таркиб лозим бўлса, ул тақдирда ҳар бир давони танҳоликдаги миқдори шўрбатидин ҳосил бўлғувчи қувват миқдоридин бошқа ажзо қувватини тарҳ қилиб, боқий тарҳ миқдорни таркиб қилмоқ лозимдур. То мажмуъи ажзонинг қуввати бир миқдор шўрбат бўлғай. Ва исҳолда ифрот воқеъ бўлмағай. Бас, агар бир одамга танҳо турбуддин икки дирам ва ё танҳо ҳалиладин тўрт дирам ва танҳо ғориқундин бир мисқол ва танҳо сабрдин икки дирам кифоя қилур бўлса, лекин баъзи зарурат бирлан бу тўрт ажзони таркиб қилмоқга ҳожат бўлса, турбуд ва сабр ҳар бирини учдин бир ҳиссаси ва ҳалилани чорак ҳиссаси ва ғориқундин ярим дирами кифоядурки, мажмуъининг қуввати ҳар бир ажзонинг миқдори шўрбатининг қувватиға баробар келур. Исҳолда ифрот воқеъ бўлмас.

Ва бошқа давойи мураккабалар ҳам бунга қиёс қилинур.

Аммо нодиран баъзи одам бўлурки, аксарият учун эҳтиёт қилинган миқдори шўрбатлар анинг мизожиға асар қилолмас. Ва анга миқдори давони оширмоқ лозим бўлур. Ҳаттоки ҳар қаю ажзонинг миқдорини танҳоликдаги миқдори шўрбати, балки андин зиёда қўшмоқға ҳожат бўлур. Бас, бул тақдирда соқит ул-иътибордурки, бу ҳукмдин хориждур. Чунки аксариятни нодирға қиёс қилиб бўлмас. Баҳарҳол маризнинг ҳоли ва мизожини яхши тафаҳҳус қилмоқ ва таркибда эҳтиётни комил қилмоқ вожибдур.

Ва бетаҳқиқлик бирлан даво миқдорини оширмоқ мамнуъдур. Аммо давои мусҳилалар миқдорлари ва таркибот нусхаларидин “Қорабодин”ларда аксар тажорибнинг нусхаи мужаррабалари мазкурдур. Бинобарин бу мақомда зиёда тақрир ила татвили каломни муносиб кўрилмади.

ЎН БЕШИНЧИ ФОЙДА адвийяи мусҳилаларнинг анвоъи ва тариқаи таъсири баёнидадур.

Билмоқ керакки, давои мусҳилнинг таъсири ва ё би-л-феъл бўлур фақат ва ё би-л-қувва бўлур, фақат. Ва ё би-л-хосият бўлур ва ё би-л-кайфийят бўлур.

Аммо би-л-феъл фақатнинг мисоли сувдурки, ювмоқ бирлан пок қилур. Ва би-л-қувва фақатнинг мисоли санодурки, қуввати жозибаси бирлан моддани жазб қилур. Ва би-л-хосият фақат икки навъ бўлурки, ё бадани инсонға ва табиатға мувофиқ бўлур ва ё муҳолиф бўлур. Муҳолиф навъининг мисоли анвоъи заҳарлардурки, табиатға муҳолафати зўр бўлгон сабабидин табиатни дафъиға камоли қаҳр бирлан мутаважжиҳ бўлур. Ва қувваи дофиъаси дафъи бирлан баданда мавжуд бўлгон рутубатлар ҳам мундафиъ бўлур, исҳол воқеъ бўлур.

Ва бадани инсонға ва табиатға мувофиқ навъини подзаҳр дерларки, бул ҳам агар муфрад бўлса, мисоли ҳажар ут-тисдур. Ва агар мураккаб бўлса, мисоли тарёқ кабидур.

Ва би-л-кайфийятнинг анвоъи кўпдурки, кайфийяти ҳарорат ва ё ҳарофат ва ё уфусат ва ё ҳумузат ва ё қабз кайфийяти бирлан исҳол қилур.

Баъзи даво таъсир қилмоқда моддани таҳлил қилмоқ тариқи бирлан маъа-л-хосият амал қилур ва анинг мисоли турбуддур. Ва бунга ўхшаш даволар кўпдур. Ва баъзи даво қобиз бўлур ва аъзони қабз қилур. Ва анда мавжуд ахлотни батариқаи асир сиқиб чиқариб исҳол қилур ва ҳам маъа-л-хосият таъсир қилур. Ва мисоли ҳалиладур.

Ва баъзи даво талийн тариқи бирлан исҳол қилур. Ва мисоли шакар ва ўтнинг зардобидур.

Ва баъзи даво батариқаи излоқ таъсир қилур. Ва аъзони тайғоқ қилуб, моддани тойдируб исҳол қилур. Ва мисоли оуларнинг нукуъи ва канакунжутнинг ёғи ва исфағулнинг лубоби кабилардур. Бас, ушбулардин қаю бирига маризнинг ҳожати борлигини ғояти эҳтимом ила аввал таҳқиқ қилмоқ ва ҳам буларнинг кайфийяти арбаъаи мизожийяларини риоя қилуб, маразни зидди бўлгон маразни баҳасби ҳожат ихтиёр қилмоқ вожибдур. Масалан, иссиқ мизожлик касалга баҳасби ҳожат совуқ мизожлик даво ва би-л-акс ва рутубати голиб касалга қуруқ мизожлик даво ва би-л-аксни риояси вожибдур.

Ва баъзи даво заҳардор бўлур. Ва буларнинг истеъмолига ҳожат бўлгонда ўзиға муносиб подзаҳр даволар таркиб қилмоқ бирлан ҳатта-л-имкон ислоҳ қилмоқ вожибдур.

Ва билмоқ керакки, ҳарофат ва марорат ва қабз ва уфусат ва ҳумузат таъмлар аксар вақтда хосиятлари касал ва модда хосиятиға мутаносиб бўлмоқ шарти бирлан исҳолға иъонат қилур. Зероки марорат, яъни аччиқ таъмлик ва ҳарофат, яъни тезтаъмлик моддани таҳлилиға иъонат қилур. Аммо уфусат, яъни мозу ва аччиқ тош таъми каби қобиз таъм эса асл тариқи ила моддани сиқиб чиқармоқға иъонат қилур. Аммо ҳумузат, яъни нордон ҳам моддани кўчираб ва излоқға иъонат қилур.

Аmmo бурудат эса аср ила исхол қиладурган мусхилға зўр муъинлигига ва ҳароратни анга музъидлиги далиллари ила неча бор зикр қилинди.

ЎН ОЛТИНЧИ ФОИДА адвийяи муқийя ва мусхилани тариқаи амали ва баданға тариқаи нуфузи ва ахлотни тариқаи инжизоби ва баъзи адвийяни баъзи модда учун ихтисоси ва давони моддаға жозиблигини сабаблари ва мунжаиб бўлгон моддаларнинг баҳасби таркиб миқдори ва ани жигар тарафға мунжазиб бўлмоғи ва адвийяи мусхила ила адвийяи муқийяни жазбидаги фарқининг баёнидадур.

Буларнинг ҳаммаси уч нуктаға мутаазамминдур.

Биринчи нукта. Давони амал ва қувватининг нуфузи ва моддаларнинг инжизоби ва баъзи моддани баъзи даво учун махсуслиги баёнидадур.

Билмоқ керакки, давои мусхил моддани жазб қилмоқ тариқасида уч навъ мазҳаб бордур. Бири шулки, баъзи мутаахирийн мазҳаби. Ва иккинчиси баъзи мутақаддимийн мазҳаби. Ва учинчиси муҳаққиқийн мазҳабидур.

Биринчи мазҳабнинг омоли шулки, модданинг жазби баданнинг холий қолмоғи мумтаниълик сабабидин экани даъво қилинур. Баинтариқаки, вақтики давои мусхил меъдаға кирса ва табиат қувватини ҳаракатға киргузса ва моддани эритуб рақиқ қилса табиат ул давони дафъи учун ҳаракат қилур. Ва шул баҳона ҳаракат бирлан меъдада ва анинг атрофида бўлгон ахлотни қўшуб дафъ қилур. Ва бу мундафийъ бўлгон ахлотнинг холий қолмоғи мумтаниълик сабабидин анинг ўрниға бадандаги ахлот худ-бахуд мунжазиб бўлуб турар, деб заъам қилингондур. Ваҳоланки, бу даъво олти важҳдин ботил ва фосиддур.

Биринчи важҳ шулки, агар давои мусхил табиатға қариқ бўлуб, ани дафъиға табиат ҳаракат қилса ва бошқа ахлотни анга табъан дафъ қилса, аввалан худ давои мусхилни дафъ қилмоғи лозим келур эрдикки, мақсуд би-3-зотдур. Ва бунинг

дафъидин сўнгра табиат қаноат ҳосил қилиб, ҳаракатдин тўхтамоғи ва бошқа ахлотга таъарруз қилмаслиги ва исҳолни тўтатмоғи лозим келур эрди. Ва лайса фа-лайса.

Ва иккинчи важҳ шулки, агар фаразан табиат изтироб ила жиддий ҳаракат қилғон бўлуб, бу ҳаракатида меъдани давонин тамом пок қилмоқ учун меъдада мавжуд бўлғон ахлотни ҳам қўшуб дафъ қилса ва ани ўрни холий қолмоқ мумтаниълиги учун бадандин бошқа ахлот мунжазиб бўлса эди, баданда ҳам холийлик имтиноъи сабабдин ўзида мавжуд бўлғон моддани жазб қилуб меъдага юбормаслиги лозим келур эди. Ва-лайса фа-лайса.

Ва учинчи важҳ шулки, агар фаразан мода меъдага мунжазиб ҳам бўлса, лекин аввал дафъада табиат давони дафъ қилиб, қаноат ҳосил қилинғон сабабидин сўнгги мунжазиб бўлғон моддани дафъиға ҳаракат қилмас эди. Ва сўнгги модда меъдада боқий қолиб, исҳол мунқатиъ бўлмоғи лозим келур эрди. Ва-лайса фа-лайса.

Ва яна тўртинчи важҳ шулки, баъзи даво маълумки, мусҳили қавийдур. Ва баъзи мусҳили заифдур. Ва агар биринчи мазҳабнинг даъвоси собит бўлса эди, табиат даъвони дафъ қилғондин сўнг исҳол мунқатиъ бўлуб, даволарнинг қавий ва заифлиги фарқи бўлмас эди. Ва-лайса фа-лайса.

Ва бешинчи важҳ шулки, маълумки, баъзи даво мусҳили балғам ва баъзиси мусҳилли сафро ва баъзиси мусҳили савдодур. Бас, агар меъда баданда холийлик мумтаниълигинин бадан ахлоти худ-бахуд мунжазиб бўлса, баданда мавжуд бўлғон ҳар қаю ахлот беимтиёз мунжазиб бўлур эди. Ва-лайса фа-лайса.

Ва олтинчи важҳ шулки, давоини мусҳил агар моддани эритиб, рақиқ қилар бўлса эди, исҳол амалида ҳамма вақт моддаи рақиқа мундафиъ бўлмоғи ҳеч вақтда моддаи ғализа мундафиъ бўлмаслик ҳам қабл аз исҳол мунзиж учун ҳеч ҳожат бўлмаслиги лозим келур эди. Ва-лайса фа-лайса.

ВА ИККИНЧИ МАЗҲАБИ баъзи мутақаддимийн шулки, ахлотни инжизоби холийликнинг имтиноъидин эрмас, балки ани даво жазб қилурки, аввалан моддани эритуб рақиқ қилур. Ва рақиқ моддани жазб қилур, дерлар. Ва буларнинг мазҳаблари агарчи қувваи жозиба давода инконида мазҳаби муҳаққиқийнға мувофиқдур, лекин даво моддани эритиб рақиқ қилур, сўнгра исҳол қилур, демаклари муҳолифдур. Ва биринчи мазҳаб хатолигининг олтинчи ваҳҳи бирлан бунинг хатолиги ҳам собитдур.

Аммо мазҳаби муҳаққиқийн шулки, Сониъи ҳақиқий ҳар давои мусҳилға бир қуввати жозиба ато қилғондурки, ул қувват бирлан даво моддани жазб қилур, гўёки мақнотис темурни жазб қилғони кабидурки, бунинг жазби учун модданинг рақиқ ва ёғликлиги шарт эмас. Ғоят шулки, агар модда рақиқи мўътадил бўлса инжизоби осонроқ бўлур. Бинобарин қабл аз исҳол мунзижнинг истеъмоли лозим бўлур. Аммо баъзи даво баъзи моддаи мунзижани жазб қилмоғининг ваҳҳи пастда зикр қилинур.

Ва билмоқ керакки, давонинг жирми баданға нуфуз қилмас ва моддаи хилтнинг мавзеъиға етмас. Ва меъда ва ё ичакда қолур, балки анинг қуввати баданға нуфуз қилур. Ва ҳамма аъзоға етарки, бу маъни неча далиллар бирлан собит бўлғон вожиб ут-таслимдур.

Ва яна билмоқ керакки, модда хориж бўлмоғи учун мажроға муҳтождур. Аммо ул модданинг мавзеъиға етмоқ учун қуввати даво мажроға муҳтож эрмас. Зероки қуввати жисмға кирмас.

Ва лекин жисм воситаси бирлан жисм таҳалхулидин ҳамма аъзоға гўё сим воситаси ила электрик қуввати борғони каби борур. Ва шунинг учун гўшт ва пўст ва устихон ва пай ва пардаларға нуфузда таъхир қилмай маҳалли мақсудға етар. Ва амал қилур. Чунончи зоҳири баданға даво зимод қилунса, агарчи даво зоҳирда боқий турса ҳам қуввати ботинға нуфуз

қилғони кабидурки, анга аъзонинг ҳоиллиги монё бўлмас. Бас, агар баданға давонинг жирми нуфуз қилса эди, ўзини касифлигини мажроға муҳтож бўлуз эди. Ва маҳалли мақсудға зуд етолмас эди. “Фа-сабата ан-нуфузу би-қувватиҳи”.

ИНТИБОҲ. Билмоқ керакки, давои мусҳилларнинг баъзиси баъзи бир хилти махсусни жазб қилур. Ва бошқа ахлотни жазб қилолмас. Ва баъзи даво хилтни жазб қилмоқда баъзи давоға назаран-жозиблиги зиёдароқдур. Ва баъзи даво икки хил ахлотни жазб қилур. Лекин бир хилтға нисбатан бошқа бир хилини зиёдароқ жазб қилур. Ва баъзи даво агарчи бир хилтни жазб қилса ҳам, лекин ул хилтни аз рўйи кайфийят мутанаввиъ бўлгон анвоъидин фақат бир навъини жазб қилмоқға махсусдур. Чунончи турбуд ила шаҳми ҳанзал ҳар иккиси агарчи мусҳили балғамдур, лекин ҳар бири бошқа бир навъ балғамни бир бошқа важҳ бирлан бир бошқа узвдин бир бошқа миқдорда жазб қилур.

Ва яна муқаррар бўлгондурки, сақамуниё мусҳилли сафродур. Ва турбуд мусҳили балғамдур. Ва ҳажари арманий мусҳили савдодур. Ва сабр мусҳили сафро ва балғамдур. Ва ғориқун уч хил ахлотнинг ҳаммасига мусҳилдур. Лекин балғамни ҳаммадин кўпроқ ва савдони камроқ ва сафрони андин ҳам камроқ жазб қилур. Ва мозарюн эса, фақат моъийят ва рутубатни жазб қилур.

Ва билмоқ керакки, бу тақриротдин бир давони бир хилтға махсус бўлуб, бошқа хилтни асло жазб қилмаслиги эмас, балки бундин мурод шулки, баъзи давонинг хосияти шундоғдурки, аввалан баъзи хилтни жазб қилуб ва то ул хилдин баданда ҳануз маҳбуси боқий бўлса ва ани жазбидин табиатға малол бўлмаса, ани жазб қилур ва бошқа хилтни жазб қилмас. Ва қачонки, ул хилт бағоят оз қолиб, ани жазбиға табиат монё ва малул бўлса ва даво ҳануз баданда боқий бўлса, сўнгра бошқа хилтни ҳам жазб қилмоқға шуруъ қилмоғи мутаҳаққиқ бўлгондур. Шунинг учун мусҳили

сафронинг охиринчи амалида агар балғам ҳам зоҳир бўлса, ани атиббо сафрони танқиясиға аломати деб, ҳукм қилғондурлар. Ғоят шулки, савдо каби исҳоли қийинроқ ва миқдори камроқ хилтни ва ё қон каби табиатға маҳбуб ва марғуб хилтни мунжазиб бўлмоғи сафрони жозиба бўлғон давонинг жазби учун осон эрмас. Хусусан қонни жазб қилмоқ учун ҳеч даво йўқдур. Ва ани танқияси учун фасддин бошқа ҳеч маъқул тадбир йўқдур. Ва табиат ҳам қонни инжизобиға имкон бермас. Магар мусҳилнинг миқдори батариқаи хато кўп зиёда бўлуб, исҳоли баифрот бўлса ва ё иттифоқан заҳар ичган бўлса, охиринчи исҳолда қон ҳам табиатнинг изтирори ила мундафиъ бўлур. Ва бу исҳол кўп офатларни бемуҳлат воқеъ бўлмоғини аломати хоссасидур.

Ва махфий қолмағайки, мусҳил даволар фақат ахлоти фосидани жазб қилмоқға махсус эрмас, балки фосид ва солиҳ ахлотни ҳам жазб қилур. Ғоят шулки, ахлоти солиҳ ахлоти фосидға назаран табиатға марғуброқдур. Бинобарин табиат ахлоти фосидни инжизобиға розидур. Аммо мумкин қадар ахлоти солиҳни муҳофаза қилур. Ва қачонки, ахлоти фосид танқия топса, лекин мусҳилнинг қуввати боқий бўлса, сўнгра ахлоти солиҳни ҳам жазб қилур.

Ва яна маълум бўлғайки, ҳар қаю хилтнинг ихрожиға махсус бўлғон давои мусҳилнинг шаънидурки, ҳам хилтни ва ҳам бадан рутубатини жазб қилур. Ҳаттоки жазб қилғон хилтға нисбатан бадан рутубатини кўпроқ жазб қилур. Ва шул рутубат бирлан исҳолда ахлоти рақиқ мундафиъ бўлур. Ва шул сабабдин панжага лойиқ узук мусҳил ичғон куни панжаға кенглик қилур. Ва шунинг учундурки, таби диққға мубтало кишиға мусҳил муҳлик дебдурлар.

Ва билмоқ керакки, баъзи хусусларға назаран баъзи давони баъзи ахлотға тахсис қилғонлари каби ани баъзи аъзоға тахсис қилғондурлар. Лекин бу тахсис бошқа аъзоға назаран махсус узви махсусдин ахлотни кўпроқ жазб қилмоғиға эъти-

борандур. Чунончи шахми ханзални жазби димоғдин ва аъзодин бўлмоғи ва совринжоннинг жазби мафосил бўлмоғи андин кўпроқ ахлот жазб қилмоғи эътибори иладур. Ва бошқа мусхили махсуслар ҳам инчуниндурлар. Ва илло ҳама мусхил ҳамма бадандин ахлот жазб қилмоғи муҳаққиқдур.

Ва инчунин ҳар давоики, узаи мариздин ахлоти фосидни жазб қилур, албатта аъзойи солимдин ахлоти солиҳни ҳам жазб қилур. Аммо батафовутдурки, табиат муқтазосича ахлоти фосидни кўпроқ ва ахлоти солиҳни камроқ жазб қилур.

Ва махфий қолмағайки, давонинг жазби ила ахлотнинг мунжазиб бўлмоғи аксар аъзодин томурлар воситаси ила бўлур. Лекин меъдага яқин бўлгон узвлардин баъзи моддани манфазлар ва масомлар воситаси бирлан батариқаи тарашшуҳ ҳам жазб қилмоғи мумкиндур. Ва бу тариқа инжизоб учун мазкур узвни бағоят юпқа ва мулойим меъдага яқин бўлмоғи ва моддани яқин бўлмоғи шартдур. Ва бу маъни ўпка касалларида машҳуддур. Шунинг учун Шайх ур-раис алайҳир-рахма “ал-ахлату-л-латий фи-р-риъати фа-иннаҳо тунжазибу мин тариқи-л-мужоварати ила-л-миъдати ва-л-амъаи ва инлам йаслуки-л-уруқ”, яъни батаҳқиқ ўпкадаги ахлот агарчи миёнада томур восита бўлмоғон бўлса ҳам меъдага мужовар йўлдин мунжазиб бўлур, дебдурлар.

ИККИНЧИ НУКТА давои мусхил жазбининг важҳи баёнидадур.

Маълум бўлғайки, ҳақим Жолинус наздида жазби давони сабаби мазкур давони ахлотга мушокил, яъни ҳамжирм ва ҳам кайфийятда ҳамжинс бўлмоғидурки, жинсият сабабинин бир-бирини жазб қилур. Ва бунга далил учун агар давойи ғайри саммий кам миқдор бўлуб, исҳол қилолмаса ўзи ҳам тушмай йўқ бўлуб кетмоғини ва бунга сабаб давонин ахлот ғолиб бўлуб, ўз тарафига давони жазб қилуб олгонлигини ва сўнгра даво ҳам ахлотга қўшилгон сабабинин шул

давонинг жазбиға махсус бўлгон хилтнинг миқдорида зиёдалик ҳосил бўлмоғини баён қилгондур.

Ва давои гайри саммий деб гайри саммийға қайд қилмоқнинг сабаби шулки, давои саммий ажзои баданға ва ахлоти баданийяға ҳеч важҳдин мушокил ва ҳамжинс эрмас. Ва ўзи ҳам қобили ҳазм эрмас. Ва баданға анинг жирми ҳулул ҳам қилмас, би-л-иттифоқ.

Аммо Шайх алайҳир-рахма дебдурларки, давони жазби учун фақат мушокалатни муқаррар қилмоқ дуруст эрмас. Зероки агар бу даво дуруст бўлса эди, кўп темурлар оз темурни ва оз олтин оз олтинни ўзиға жазб қилмоғи лозим келур эрди. Чунки бир-бириға муғойир бўлгон ҳажари мақнотис ила темурни миёнасида бўлгон нисбатдин айни жинс бўлгон икки парча темурни ва ё икки олтинни бир-бириға нисбати зиёдалиги шубҳасиздур, ва-лайса фа-лайса, дебдурлар.

Ва ҳаким Қарший ҳам “Шарҳи Қонун”ларида Жолинуснинг истидлолининг дафъи учун дебдурларки, ла нусаллимки, давои мусҳил амал қилмаслиги бирлан ўзи ҳам даволик суврати навбийясидин ўзгарилиб хилтлик ҳолатға мустаҳил бўлса. Зероки мумкиндурки, даво агарчи амал қилолмаса ҳам, лекин ахлотни ҳаракатға киргузган бўлуб, ҳаракат сабаби бирлан хилтда бухорот ҳосил бўлуб, тахалхул тариқи бирлан ахлотнинг ҳажми зиёда бўлса. Ва бу ҳолат албатта касрати ҳақиқий эрмас. Ва давони анга қўшилмоғи собит эрмас. Ва ё мумкиндурки, хилт ҳаракат воситаси бирлан бошқа ахлотға голиб бўлуб, аларни ўз жинсиға мустаҳил қилса ва касрати ҳақиқий ҳосил қилса. Ва бу тақдирда ҳам давони хилтға қўшилмоғи лозим келмас.

Ва жумҳури атиббо миёналарида муқаррар бўлгондурки, давои мутлақ хилт бўлолмас. Ва давои саммий батариқи авло хилт бўлолмас. Бас, собит бўлдики, Жолинуснинг даъвоси саҳиҳ эрмас, дебдурлар.

УЧИНЧИ НУКТА. Моддаи мунжазибани бадандин чиқиб,

жигарга келгандин сўнг жигардин қаю тариқа бирлан қаю миқдори қаю маҳалла мунжазиб бўлмоғи ва қай бирлан исҳол амалининг миёнасидаги фарқи баёнидадур.

Билмоқ керакки, давоий муқийй ва давоий мусҳилнинг жирми меъдада турмоғи ва жигарга бормаслиги, балки анинг қуввати жигарга ва жамиъи аъзога томурлар ва масомлар воситаси бирлан бормоғи, аммо моддалар аъзойи бадандин хориж бўлмоқда фақат томурлар воситаси бирлан жигарга келиб, андин қорин ва ичакларга келмоғи юқорида мазкур ва маълум бўлгон эди.

Эмди бунинг кайфийятини билмоқ лозимдурки, агар давоий мусҳил истеъмол қилингон бўлса ва даво меъдадин ичакга нозил бўлса, анинг жазби бирлан жигарга келган моддалар ҳам мосариқои суфло томурининг воситаси бирлан ичакга келиб, тўқулур. Ва ичакдин табиатнинг дафъи бирлан хориж бўлур. Ва агар даво ҳануз меъдада бўлса ҳам жигардин мунжазиб бўлгон моддалар меъдага мунжазиб бўлмай, ўз галабаси бирлан ичакга тўқулур. Ва сабаби пастда зикр қилинур.

Ва давоий мусҳил ҳануз меъдада барқарор бўлса, моддани меъда ҳам жазб қилур ва табиатнинг дафъи бирлан аксар вақтда қай тариқи ила мундафиъ бўлур. Аммо агар давоий мустаъмал муқийй бўлса, ул даво ҳануз меъдада бўлгон замонида жигарга келган моддани жигар меъдага мосариқои улийо воситаси бирлан зуд жазб қилур. Сўнгра ани табиат батариқои қай дафъ қилур. Гоҳи жигарга келгон модладин баъзи қисмини даво меъдага жазб қилиб, баъзи қисмини худ табиат жигардин ичакга дафъ қилур. Бинобарин ҳам қай, ҳам исҳол воқеъ бўлур. Ва гоҳи меъдага мунжазиб бўлгон модданинг баъзи қисми қай бирлан мундафиъ бўлмай ночор ичакга ҳам мундафиъ бўлур, лекин бағоят кам воқеъ бўлур. Ва гоҳи давоий муқийй исҳол қилур ва гоҳи давоий исҳол қай қилдиар.

Ва би-л-жумла давоий муқийй ила давоий мусҳилнинг фарқи шулки, ҳар давоийки, зўр жозиб бўлса, қувваи жо-

зибаси бирлан муташаббис бўлуб, меъдада кўпроқ қарор олур. Ва жигарга мунжазиб бўлгон моддани меъдага кўп жазб қилур. Ва ул моддани табиат энг яқин йўл бирлан, яъни оғиз йўли бирлан дафъ қилур. Ани номи қайдур. Ва жигарниг дофиъаси ҳам давоий муқиййнинг жазбиға хилофан моддани ичак тарафга дафъ қилолмас. Агар қачонки, давоий муқийй меъдадин ўтиб ичакга кирса ва ичакда туриб жазб қилса, сўнгра жигар ҳам мосариқои суфло воситаси бирлан моддани ичак тарафга дафъ қилур. Бинобарин давоий муқиййнинг амалида аввалан қай ва сўнгидин исҳол воқеъ бўлур.

Аммо давоий мусҳил чандон зўр жазб қилмас ва меъдага чандон муташаббис ҳам бўлмас. Ва меъдадин ичакга тезроқ ўтар ва жигарга келган моддани ичакга жазб қилур. Ва агар меъдада ҳануз боқий бўлса ҳам, лекин жазби заифроқ бўлғони учун жигарини ичак тарафга жалб қилмоқ учун мутаважжиҳ бўлгон қуввати дафиъаси хилофан муқовамат қилолмас. Бинобарин моддаларни меъда тарафга жазб қилолмас. Ва ночор моддалар ичакга мундафиъ бўлуб, андин табиат дафъи ила исҳол тариқасида хориж бўлурлар. Бас, мутаҳаққиқ бўлгондурки, ҳар давоики, жозибаси ўткир бўлса, ул даво муқиййдур. Ва жозибаси заиф бўлса мусҳилдур. Ва муқийй бирлан мусҳилнинг миёнасида шундин бошқа фарқи йўқдур.

Бас, вақтики, аъзонинг дафиъаси моддани дафъиға мутаважжиҳ бўлса ва модданинг хуружи ҳам табиат учун осонроқ ва яқинроқ тарафдин бўлса эмди моддани ихрожиға фақат табиат мумаййиздурки, агар модда меъдада бўлса, ўнғач тарафга қай бирлан дафъ қилур. Ва ичакда бўлса исҳол бирлан дафъ қилур. Аммо давонинг ўзида фақат моддани бадандин жазб қилмоқдин бошқа на қай ва на исҳол учун ҳеч қандоқ дахл ва тақозо йўқдур. Хулоса модданинг жазби давонинг феълидур. Ва моддаи мунжазибанинг дафъи табиатнинг феълидурки, бу эътибор бирлан давоий муқийй ва давоий мусҳил миёнасида ҳеч фарқ йўқдур.

Ва агар одами ирод қилсаки, ло нусаллимки, ахлоти мунжазибанинг меъда ва ё ичакдин хориж бўлмоғи табиатнинг дафъи бирлан бўлса, балки моддаи мунжазиба давои жозибга восил бўлса жозиб ила мунжазиб бир-бирига муташаббис бўлуб аралашур. Ва давони шаънидурки, амалдин фориф бўлгондин сўнг бадандин хориж бўлур. Ва анга муташаббис бўлуб, бирлашган модда ҳам даво бирлан хориж бўлмоғи лозимдур. Ва хориж бўлмоқ учун қаю тараф яқин бўлса, шул тарафдин хоқ қай ва хоқ исҳол бирлан хориж бўлур. Ва модданинг ихрожи*учун табиатнинг дафъиға ҳожат бўлмас, деса анинг жавоби шулки, бу сўз уч важҳдин ботилдур.

Бир важҳи шулки, давонинг вазнида огирлик бордурки, паст тарафга ҳамма вақт моил ва муқтазийдур. Аммо баланд тарафга кўтарувчи бир қувват бўлмаса худ даво баландга чиқолмас. Бас, табиатнинг дафъи бўлмаса эди, ҳаргиз оламда қай воқеъ бўлолмас эди. Ва-лайса фа-лайса (Ваҳоланки, бундай эмас).

Ва иккинчи важҳи шулки, модданинг хуружи фақат давоға муташаббислигидин бўлса, албатта ҳар бир дафъада хориж бўлгон модда даво бирлан мураккаб бўлуб тушмоғи лозим келур эрди, валоҳанки, ундоқ эрмас. Зероки борҳо кўрилгондурки, давони то охириғача амали ҳар дафъада холис модда мундафиъ бўлгондур ва даво зоҳир бўлмоғондур. Ва охирғи бир ё икки мажлисда холис даво ё андак модда кўшиллуб тушгандурки, бу бадоҳат қиёсни ботил қилур.

Ва учинчи важҳи шулки, агар модданинг хуружи давоға тобеъ бўлса, ҳар дафъа амалда бир миқдор даво хориж бўлуб, баданда бир миқдор даво камаймоғи лозим келур. Ва шул сабаб бирлан ҳар бир исҳолда тобора амали ҳам нуқсонлик келур, ваҳоланки, бунинг хилофи машхурдур. Бас, маълум бўлдики, бу давонинг ботиллиги собитдур. Ва моддаи мунжазибанинг ихрожи учун табиатнинг дафъиға ҳожат борлиги мутаҳаққиқдур.

ФОИДА. Танқия қилмоқда қайси вақтда исҳол лозимлиги ва қайси вақтда фасд қилмоққа иктифо лозимлиги ва қайси вақтда ҳар иккисини қилмоқ жоизлиги ва жоиз бўлгон тақдирда қаю бирини аввал қилмоқ зарурлиги баёнидадур.

Билмоқ керакки, танқияға муҳтож қилғувчи сабаб албатта имтилодур. Ва имтило уч ҳолдин холий бўлмас.

Биринчи ҳол шулки, имтило баҳасби миқдор ахлот бўлур.

Ва иккинчи ҳол шулки, имтило баҳасби қувват бўлур, яъни хилтнинг кайфийятини ҳиддати зиёда бўлур ва бу навъни ҳам мажозан имтило дерлар.

Ва учинчи ҳол шулки, имтило ҳам баҳасби миқдор ва ҳам баҳасби кайфийят бўлур. Ва бу мабҳасни уч навъ бирлан баён қилинур.

НАВЪИ АВВАЛ ИМТИЛО БАҲАСБИ МИҚДОР БАЁНИДАДУР

Ва бу ҳам икки эҳтимолдин холий бўлмаски, ё ҳамма ахлотнинг зиёдалигидин имтило пайдо бўлур ва ё баъзи ахлотнинг зиёдалигидин имтило пайдо бўлур. Бинобарин бу навъни икки синф бирлан баён қилинур.

Биринчи синф. Ҳамма ахлотда зиёдалик бўлгон имтило баёнидадур.

Ва бу синф яна икки хил бўлурки, ё ҳамма ахлотнинг миқдори бир-бирига мутаносиб миқдор ила бўлур ва ё баъзиси андак зиёда ва баъзиси кўпроқ зиёда бўлур, нисбати табиийялари ўзгарилган бўлур, яъни қабл аз имтило ҳолати сиҳҳатда бўлгон ахлотни бир-бирларига мутаносиб бўлгон нисбатлари баъд аз имтило ҳам боқий бўлур ва ё нисбати ўзгарилгон бўлур. Масалан, фараз қилсаки, ҳолати сиҳҳатда ахлоти арбаъанинг нисбати табиийясида қон миқдори балғамға уч ҳиссадур. Ва балғам сафроға икки ҳисса ва сафро савдоға баробардур. Бас, агар шул нисбати мафруза миқдори баъд аз имтило ҳам шул ватирада боқий бўлса, бу тақдирда иложи имтило учун фақат фасд қилмоқ вожибдур. Ва исҳол

жоиз эрмас. Зероки ҳамма ахлотнинг миқдори табиийяси мутаносиб ҳолда томурлар ичида ҳаммалари мураккаб сайлондадурлар. Ва фасдда ҳамма ахлот ҳам нисбати табиийялариға мутаносиб хориж бўлур. Магар наштарни танг урганда қондин ахлот ғализлик қилиб, қонға нисбатан озроқ чиқарки, ул суврат бу ҳукмдин хориждур. Ва исҳол жоиз бўлмасликнинг сабаби шулки, исҳолда қондин бошқа ахлоти салоса чиқар, лекин алар ҳам кам ва зиёда чиқар. Аммо қон ҳаргиз чиқмас. Ва ахлот миёналаридаги таносуби табиий бузулур ва қон ҳамон ғолибликда боқий қолур.

Ва агар исҳолдин сўнг қонни ғалабаси учун фасд ҳам қилинса, бошқа ахлот ҳам қонға мухталитлик сабабидин қонға қўшулуб яна чиқар. Ва таносуби табиийя ҳосил бўлмаски, хилофи мақсуддур. Аммо ул фасд қилинса ҳамма ахлоти баҳасби таносуб баробар чиқарки, айни матлубдур. Ва агар фаразан баъзи ахлот фасдда камроқ чиқиб, сўнгра бошқа ахлотға ғолиб бўлса, анга махсус исҳол қилуб, иёдолға келтирмоқ ҳам мумкиндур.

Ва иккинчи хили ахлотнинг имтилоси таносуби табиийядин кам ва зиёдалик бўлур. Ва бу тақдирда ҳаммадин ғолиб хилт қайси эканиға тафаҳхус қилмоқ лозимдур. Бас, қон ғолиброқ бўлса аввало фасд қилмоқ лозимдур. Сўнгра назар қилмоқ керакки, агар қон ўзи ғолиблигидин бошқа хилтларға нисбатан бир хилт ғолиброқ бўлмай, бақияи ахлоти арбаъанинг миқдорлари таносуби табиийяға қариброқ бўлса, шул фасдға иктифо қилмоқ лозимдур. Ва илло ғолиб ахлот учун муносиб исҳол ҳам жоиз бўлур. Ва агар бошқа хилт ғолиброқ бўлса, ҳам фасд ва ҳам исҳол қилмоқ лозимдур. Лекин ғолиб хилтни тафаҳхус қилмоқ лозимдурки, агар кўп ширадор ва ё ўткир совуқ бўлса, аввало исҳол қилинур, лекин ахлот ҳожати баданийяға лойиқ қолғунча камайтирадурган исҳол бермоқ жоиз эрмас, балки бошқа ғолиб хилтларни ҳам зиёдалик қадар қадри ҳиссаси камайғудек исҳол қилмоқ лозимдур. Чунки бақияси фасд қилғонда бошқа ахлот ила мутаносиб бўлуб, хориж бўлур.

Аммо агар исҳолда сиҳҳатга мутаносиб миқдори мўтадил хилт қолгунча амал қилса, сўнгра қонни таъдил учун фасд қилинғонда қонга ҳамроҳ бўлуб хилти мўтадил ҳам хориж бўлур. Ва иътидолдин ҳам камаюб зарар қилурки, сиҳҳатнинг фусули ахлотнинг иътидолига вобастадур. Бинобарин исҳол амалида ғолиброқ хилт бошқа ғолиб ахлотни зиёда миқдорини ихрожиға кифоя қилгудек исҳолга қаноат қилмоқ, сўнгра фасд қилмоқ лозимдур. Зероки агар ул фасд қилинса лузужатлик хилт қон ила баробар чиқмоғиға лузужати монёъ бўлур. Ва ўткур совуқ хилтни касифлиги монёъ бўлур. Ҳам иссиқ мизожлик қон баданда камайган сабабдин боқий хилтнинг лузужати ва совуғлиги яна зиёда бўлур.

Аммо исҳолда давоий мусҳил ани эритуб жазб қилур. Сўнгра фасд қилинур. Ва агар ғолиб хилт лузужатлик ва ё совуқ бўлмаса, аввал фасд қилмоқ лозимдур, токи бошқа хилт ҳам қон бирлан хориж булуб, андин боқий қолгон миқдори нақадар ғалабада экани равшанроқ маълум бўлғондин сўнг анга муносиб миқдор исҳол ила таъдил қилинур. Ва агар ғолиб хилтнинг ғалабаси ҳожати баданийя миқдориға назаран андак бўлса ва лузужати бўлмаса бақувват исҳолга ҳожат бўлмай, камқувват ва енгил исҳол кифоя қилгудек бўлса, бу тақдирда аввало исҳол қилмоқ муносибдур. Чунки ҳамма вақт шул қонунни риояси лозимдурки, қаю хилт ғолиб бўлса, шул хилт хоҳ фасд ва хоҳ исҳол қилғонда бошқа ахлотга назаран ғолиброқ ва кўпроқ чиқиб, таносуби табиийяға баробар бўлур. Ва агар таносуби табиийяға баробар бўлмай тафовут ҳам бўлса, ул тафовутни фасд қилғонда қон бирлан хориж бўлуб, ҳожати баданийяға лойиқ мўтадил миқдорға келур. Аммо анга бақувват мусҳил бериб, исҳол бирлан ғолиб хилтни мўтадил миқдор даражаға еткурмоқ дуруст эрмас, чунки исҳол бирлан мўтадил даражаға етказилса, сўнгра фасд қилғонда ҳам ул мўтадил миқдордин баъзи ажзоси қон бирлан хориж бўлуб, иътидолдин камаюрки, фасд ҳамма ахлотга баробар махраждур.

Ва билмоқ лозимдурки, мусҳил бақувват ва ё камқувват бўлмоғи хилтни ғализ ва рақиқ бўлмоғига мавқуфдур. Хилт нақадар ғализ бўлса, мусҳилни шул қадар бақувват бўлмоғини лозим тутар. Ва хилт нақадар рақиқ бўлса, мусҳил шул қадар камқувват бўлмоғи лозимдурки, андак қувати жозиба андак хилтнинг жазби учун кифоя қилур.

Ва хилт ғализ бўлуб, бақувват давоийи мусҳилга ҳожат бўлғонда аввал фасд қилуб, сўнгра мусҳил истеъмол қилмоқнинг сабаби шулки, ҳар вақт баданда мўътадил миқдордин зиёда қон бўлуб, яна бошқа хилт ҳам ғолиброқ бўлса ва бу тақдирда давоийи мусҳили бақувватни истеъмол қилинса, давонинг ҳарорати бирлан қон ҳаракатга кирар. Ва агар қон ҳаракат қилса баъзи танг манфаз ва масомларга борганда қонга ҳамроҳ бўлуб, борғон хилти ғолибни ул масомдин ўтолмай ўрнаб қолмоғидин эминлик бўлмас.

Ва яна бир нафъи шулки, агар аввало бақувват берилса аксар мусҳили заҳардор бўлурлар. Ва хилт ғалабаси кўп вақтида ани жазби учун мусҳилни ҳам кўп миқдор бўлмоғи лозим келур. Ва заҳарлик давони кўп миқдор истеъмолида эминлик камдур. Аммо аввалан фасд қилинса зоҳирдурки, ҳамма ахлот қон ила хориж бўлуб, камаюрлар. Сўнгра исҳол учун зиёда бақувват мусҳилга ҳожат бўлмас. Ва камқувват мусҳил ҳам кифоя қилур.

Ва исҳолдин муқаддам фасд қилмоқ учун ғолиброқ хилт лузужатдин ва зиёда совуқликдин холий бўлмоғи шартлигининг сабаби шулки, агар хилт лузужатлик ва ё совуқ бўла туриб, аввало фасд қилинса маълумки, қон иссиғдур ва ани бадандин хориж бўлуб камаймоғи ул хилтнинг совуқлиги ва лузужати ва яна кўпаймоғига боис бўлур.

Ва яна лузжатлик ва совуқ мизожлик хилт баданга муташаббис ва ёпишган бўлур. Бинобарин қонга қўйилуб чиқмоқда ҳам бошқа хилтга нисбатан камроқ чиқар. Бинобарин би-3-зарур фасддин сўнг ани бошқа хилтга ғалабаси бурун-

ғидин зиёдароқ бұлу. Сўнгра яна шиддатлик ғалабаси бирлан ҳам бадан мизожини ва ҳам бошқа ахлотни совутар. Ва бошқа ахлотни совутиб, ўз жинсиға мустаҳил қилмоғи бирлан яна ўзи зиёда бўлуб, таносуби табиийдин кўп узоқ ғолиб бўлу. Ва ани тасарруф қилмоқдин табиат ҳам ожиз бўлу. Бинобарин бундоқ сувратда аввало исҳол бирлан аввал хилтни камайтирмоқ, сўнгра фасд қилмоқ лозимдур. Ва шунинг учундурки, Шайх ур-раис алайҳир-рахма дебдурларки, “иза авжабати-з-зарурату фасдан ва истифраған би-масали-л-харбақи ва би-л-адвиййати-л-қавиййати фа-йажибу ан йабдаъа би-л-фасди ва казалика иза канати-л-ахлату-л-балғамиййату мухталитатан би-д-дами ва лакинна иза канати-л-ахлату-л-лазижату баридатан фаруббама задати-л-фасаду фа-л-важибу ан йабдаа би-л-исҳали”, яъни агар вақт ҳам фасд қилмоқ ва ҳам харбақ каби ҳиддатлик даволар ва зўр мусҳил даволар бирлан танқия қилмоқни бир зарурат вожиб қилса, яъни бир зарурат сабаби бирлан ҳар иккисини қилмоқ вожиб бўлса, бас, аввал фасд қилмоқ вожибдур. Ва инчунин агар ҳар вақт ахлоти балғамиййа қонға бўлса ва лекин ул ахлоти лазижа совуқ бўлса, аксар вақт фасд қилмоқ ул ахлотни ғализлигини ва лузужатини зиёда қилур. Бас, бул тақдирда аввало исҳол вожибдур, деб аввал фасд қилмоқ нодурустлигиға ишорат, аввало мусҳил лозимлигиға амр қилибдурлар.

Аммо давоий бақувват ила исҳолға ҳожат бўлмағон тақдирда аввало исҳол лозимлигининг сабаби шулки, енгил исҳол кифоя қиладурғон хилт ғолибаи сафро бўлу. Бас, агар сафронинг ғолиб вақтида авалан фасд қилинса қоннинг ҳаракати бирлан сафро ҳаракат қилиб ҳамма баданға тарқалур.

Ва маълумки, қон хўллик мизожи бирлан сафронинг куруқлик мизожиға қарши ислоҳ қилиб турар. Бас, фасд қилмоқда бадандин қоннинг хориж бўлмоғи ила сафроға муслиҳ кўпаймоғи кўп офатға боис бўлмоқ хавфи бордур. Шунинг учундурки, исҳол қилмай фасд қилғон одамларға бусур ва кўтур

ва таби ғибб каби амрози сафровийлар пайдо бўлур. Аммо аввал исҳол қилинса давоий мулайийн сафрони батадриж жазб қилур. Ва шиддатлик ҳаракатга киргизмас. Ва дафъи матлуб бўлгон хилти ғолибнинг ихрожи беазийят бўлур. Агар баъзи одам шубҳа қилсаки, аввалан фасд қилинса, сўнгра сафрои ғолибни бақадри сафро давоий мухсил бирлан дафъи ҳам мумкинлиги юқорида мазкур бўлгон эди, эмди аввал фасд қилмоқда зарар бўлмаса керак деса, анга жавоб шулки, оре, баъд аз фасд исҳол ила сафрони танқия қилмоқ мумкиндур. Лекин ҳар иккисини пайдарпай қилмоқ мумкин эрмас. Балки миёнада бир неча кун фосила зарурдур. Ва шул миёнада сафронинг ғалаёни ила неча хил офати муҳликалар ҳудусининг хавфи бўлгонда инсонни неча кунгача бу офатларга мубтало қилиб қўймоқни зарурати ҳам йўқдур. Ва беазият матлубнинг фузули мумкин бўлгон тақдирда кулфатни иртиқоби хатойи фоҳишдур.

ВА ИККИНЧИ СИНФ, яъни навъи аввали имтилонинг иккинчи синфи шулки, имтило баъзи ахлотни зиёдалигиндин бўлур. Ва бу ҳам икки навъ бўлурки, ё хилти ғолиб фақат қон бўлур ва ё бошқа ахлот миқдори табиийларида бўлур ва ё бошқа ахлот ҳам бўлур. Бас, агар танҳо қон ғолиб бўлуб, бошқа ахлот миқдори табиийда бўлса, ул сувратда фасд қилмоқға иктифо қилмоқ вожиб ва исҳол мамнуъдур ва сабаби зоҳирдур. Лекин фаслда ҳам то қон миқдори табиийға етгунигача чиқармоқ дуруст эрмас. Балки миқдори табиийдин ҳануз ғолиброқ вақтида тўхтатмоқ вожибдур. Чунки қон ҳамма ахлот бирлан мураккабдур. Ва қонни чиқмоғида ахлот кам чиқиб, миқдори табиийдин ҳам камаюрлар. Бас, агар қон миқдори табиийға етгониғача чиқарилса бошқа ахлот ҳам кўп чиқиб, миқдори табиийдин ҳам камаюрлар. Бас, агар қон миқдори табиийға етгониғача чиқорилса, бошқа ахлот ҳам кўп чиқиб миқдори табиийдин жуда узоқ камаюрларки, бу маъни хилофи мақсуддур. Ва зарари фоҳишдур. Бинобарин

қон ғануз иътидолдин зиёдалиқ вақтида тўхтатмоқ ва камайган ахлотни муносиб ғизолари бирлан кўпайтирмоқ вожибдур. Агар одами шубҳа қилсаки, агар фасддин сўнг бошқа ахлотнинг нуқсонини тўлдирмоқ учун муносиб ғизолар бирлан тарбия лозим бўлса ва тарбия бирлан ахлотни зиёда бўлмоғи мумкин бўлса, эмди фасдни ҳам то қон миқдори табиий қолғунча чиқармоқ ва сўнгра тарбия бирлан қолғунча ноқис ахлотнинг нуқсонини тўлдирмоқ айни матлуб бўлса керак эрди. Эмди қонни ғануз миқдори табиийдин ғолиблиқ ҳолда боқий қўймоқға нима ҳожат бордур деса, анинг жавоби шулки, бошқа ахлотнинг тўлмоғи қонни чорасиз камайтирар. Бас, агар фасдда боқий қон миқдори табиийда қолса, бошқа ахлотни зиёда бўлмоғи бирлан қон камаюб миқдори табиийдин ноқис бўлурки, бу маъни ҳам зарари фоҳишдур. Аммо ғануз иътидоли табиийдин бир миқдор зиёда қолса ва бошқа ахлотни даражаи иътидолға етиб, зиёда бўлмоқлари сабабидин қонға ориз бўладурган нуқсон учун қонни иътидолдин зиёдаси масруф бўлуб, бақияси мўътадил миқдорда қолур. Ва ахлоти арбаъанинг ҳаммаси миқдори табиийға баробар авд қилғон бўлурки, асло мақсуд шулдур. Ва хусул ҳам беазиятдур.

Ва иккинчи навъи шулки, бошқа ахлотдин бири ғолиб бўлур. Ва бу яна икки хил бўлурки, ё бошқа бир хилтнинг ғолиблиғи ила яна қонда ҳам ғалаба бўлур. Ва бу ҳолат ҳам фасд ила исҳолни ҳар иккисини жамъ қилмоқ ва ғолиб хилтдин ҳеч бирини даражаи иътидолға еткурмаслик лозимдур. Токи иккинчи танқияда нуқсон ориз бўлмағай. Ва аввалан қаю бир танқияни қилмоқ лозимлигини ҳукми ҳам юқорида зикр қилинғон қонундин маълумдур.

Ва иккинчи навъи шулки, қон иътидоли табиий миқдорида бўлур. Ва бошқа ахлоти салосадин бири ва ё иккиси ғолиб бўлур. Ва бу сувратда хилти ғолиб учун исҳол кифоя қилур. Ва фасдға ҳожат йўқдур.

ИККИНЧИ НАВЪ ИМТИЛОКИ, баҳасби кайфийяти ахлот бўлур. Ва бу ҳам икки хил бўлурки, ё суъи мизожи ҳорр ориз бўлур ва танқияға муҳтож қилур. Бу сувратда назар қилинурки, бу ҳарорат фақат сафронинг кайфийятидин ориз бўлгон ва қонда кайфийяти ҳодда зиёда бўлмоғон бўлса исҳол ила қаноат қилмоқ лозимдур. Ва агар қоннинг кайфийятида ҳам ғалаба бўлса, ул сувратда ҳам фасд ва ҳам исҳол лозим бўлур. Ва ё суъи мизожи борид ҳосил бўлуб, танқияға муҳтож қилур. Ва бу сувратда ахлоти борид учун исҳолға иктифо лозимдур ва фасд жоиз эрмас. Чунки фасдда қоннинг камаймоғи бурудатнинг издийодиға сабаб бўлур.

ВА УЧИНЧИ НАВЪ ИМТИЛО ҳам баҳасби касрат миқдор ва ҳам баҳасби кайфият бўлур. Бунинг ҳукмини ҳар икки навъи собиқдин топмоқ ва анинг шароити ва маротибини ҳам андин билмоқ мумкинмурки, машруҳан зикр қилинди.

Ва агар суъи мизожи созиж ила танқияға ҳожат бўлса, азбарои маҳзи кайфийят бўлур. Ва кўп танқияға ҳожат йўқмурки, суъи мизожи созиж, яъни бемодда ахлот демакмурки, фақат офтоб ва олов кабилардин мизожиға оризи ҳарорат пайдо қилгон бўлса. Ва совуқ сув ва ё совуқ ҳаво кабилардин ориз бўлгон оризий бурудатлар кайфийяти каби бемодда кайфийятни ислоҳ қилмоқ учун туфайлийи танқияға ҳожат бўлур ва зиёда танқия бўлмаски, ўз мабҳасида муфассал зикр қилинди.

УЧИНЧИ ҚИСМ, яъни ўнинчи фаслдин учинчи қисми ҳуқнадур. Билмоқ керакки, ҳуқнанинг амали ҳамма муолажаларнинг фозилроғидур. Ва ичакдин фазлаларни тушурмоқ ва буйрак ва масонанинг оғриғини таскин бермоқ ва шишларини қайтармоқ ва қўланжни очмоқ ва юқори аъзойи раисалардин фузулни жазб қилмоқда ҳеч даво ҳуқна амалиға бадал бўлолмас.

Магар ҳиддатлик даво ила ҳуқна қилмоқ жигарни заиф

қилур ва иситма ориз қилурки, ҳатта-л-имкон ҳиддатлик ҳуқнаға журъат қилмасдик лозимдур. Ва бошқа истифроғлардин боқий фазлаларни камайтирмоқда ҳуқна ҳўб муъиндур. Ва инчунин шоффа ҳам ҳуқнаға қоим мақомдур. Лекин ҳуқна ила шоффанинг баёни агарчи шул мақомға муносибдур, аммо бешинчи мақоланинг саккизинчи фаслида туфайлийи сабаб ила анинг манфаатлари ва муҳқинанинг суврати ва тариқи истеъмоли ва давойи ҳуқнанинг миқдори ва таркиблари ва бошқа мутааллиқоти муфассал мазкур бўлгон эрди. Бинобарин такрор баёни муносиб кўрилмади. Ва толиблар ўшал фаслға мурожаат қилғайлар.

Ва яна мазкур фаслда қутур ва нутул ва сукуб ва кимод ва тило ва зимод ва шумум ва лахлаха ва нуфух ва утус ва вужур ва суъут ва сунун ва куҳл ва зурур ва буруд ва бухур ва тамрих ва духн ва тадҳин ва шоффа ва фатила ва обзан ва пошуя ва шадди атроф ва ҳумул ва фурзажа ва инкибоб маънилари кўп фоидалари ва тариқи истеъмоллари ва тариқи жабр ва бат ва қай ҳаммаси муфассал баён қилинғондур. Ва бу мақомда фақат эслатмоқ учун ишорат қилинди, токи толибларға осон бўлғай.

Таммат ул-жилд ус-соний (Иккинчи жилд тамом бўлди).

ХОТИМА. Арзи ҳол маълуми арбоби камол бўлғайки, “Қонун ал-Мабсут”нинг бешинчи мақоласи бифазлиллоҳ ва карамихи тамом бўлдики, бу мақолалар қонуни куллий эрдилар. Эмди олтинчи мақола то ўнинчи мақолағача муолажоти амрози жузъийяға мутазамминдур. Бизни Туркистон қитъамизда қонуни куллияға мутазаммин китоб гоъят камёб ва мардум унга муҳтож эрдилар. Бинобарин ҳақири роқим¹ бақадри тоқат беш мақолаи куллияни таҳрир қилдим. Аммо боқий беш мақолаики, жузъийядур ва иложи амрози жузъи ташхиси амроз ва анинг асбоб ва аломоти ва иложи хоссасиға доирдур, бу хусусда “Шарҳи асбоб ва аломот” каби мўътабар

¹ Бу ерда Боситхон табиб ўзини назарда тутмоқда.

арабий китоблар ва “Тибб ул-акбар” каби форсий китоби мабсутлар мавжуддур. Ва илми тибб, маълумки, бағоят илми нафисдурки, бундин баҳраёб кишилар албатта мутолаъаи арабийя ва форсийяға муқтадир фозиллардур. Ва аларнинг мутолаъалари учун мазкур кутуби муътабаралар мавжуд ҳолда бақияи тиббни туркий забонда таҳрир учун ҳожат ҳам йўқдур. Бинобарин 1361 санаи ҳижрий шаҳри шаъбон шул икки жилд ила умумий қонун нисфини 1942 санаи милодий 26-ноябрда тамом таҳрир ила иктифо қилдим. Таммат.

ЛУҒАТ ВА ИЗОҲЛАР

А

Абришам - ипак

Абурасмо - қоннинг тер остида қотиб қолиши

Абяз - оқ

Абҳал - қизил арча

Авд - қайтиш

Авжаб - вожиброқ

Авжоъи мафосил - бўғим оғриғи

Авжоъи мақъад - орқа тешик оғриқлар

Авориз - бирлиги ариза, аслида бўлмағи, кейин пайдо бўлган нарсалар, масалан, касалликлар

Аврида - бирлиги варид, ҳаракат қилмайдиган томирлар

Адами ҳаракат - ҳаракатсизлик

Адвияи мушаддида - кучли дорилар

Адилла - далиллар

Адиллаи набз - томир уришидан олинадиган далиллар

Адно - энг паст даражада

Аднои муддат - камида, энг кам муддатда

Ажзон арзия - ер қисмлари

Ажнос - жинслар

Азим - катта, буюк, улуғ

Азрақ - зангори ранг

Аксар - кўп

Алами дохийий - ички оғриқ

Алзам - лозимроқ

Алиқ - лойиқроқ

Аллоҳуммаҳфазна мин шурур ил-жаҳли ва-л-жоҳилийн -
Аллоҳим, нодонликдан ва нодонларнинг
ёмонликларидан ўзинг бизни асра

Амиқ - чуқур

Амният - тинчлик, омончилик

Амроз - касалликлар

Амрози дамавий - қондан пайдо бўладиган касалликлар

Амрози ҳодда - ўткир касалликлар

Амрози ҳорраи ҳодда - ўткир ҳароратлик касалликлар

Амруд - нок

Амуд - болта

Анзарут - анзирати гўштхўр, астрагал елими

Анис - арпабодиён

Араз - аърозга қаралсин

Арақи бидмушк - бидмушк толининг шираси

Арбаъаи миждозийя - тўрт хил миждоз

Ардаъ - ёмонроқ

Арз - эн (бўйнинг зидди)

Асвад - қора

Асрори мактума - яширин сирлар

Асфал - паст

Асфар - сариқ

Асҳаб - оқга мойилроқ бўлган қизил ранг

Аташи козиб - ёлғон ташналик

Аташи содиқ - чин ташналик

Атиббо - табиблар, ҳакимлар

Атиббойи жоҳилийн - жоҳил табиблар

Атиббойи мудаққиқийн - гоятда нозик маъноларни идрок
қилувчи табиблар

Атфол - болалар

Афлок - фалаклар, самолар, осмонлар

Афсангин - эрмон

Афтимун - девпечак

Ахзар - яшил

Ахлоти арбаъа - тўрт хилт
Аъзои ботиний - ички аъзолар
Аъзои раиса - уч бошлиқ аъзо, яъни юрак, мия ва жигар
Аъйо - ҳаракат билан чарчамоқ ва чарчатмоқ
Аъноқ - бўйин
Аъроз - бирлиги араз, бир касаллик туфайли иккинчи бир касалликнинг келиб чиқиши, масалан, жигар шиши ва тиқилмаси сабабли сариқ касаллигининг юз бериши
Ақоқиё - араб акациясининг елими
Ақрос ул-муск - мушкдан тайёрланадиган кулча дори
Ақраб - яқин
Ақраб басавоб - тўғрига яқин
Ақсом - қисмлар
Ақтам - қорага яқин қизил ранг
Аҳамм - энг муҳим
Аҳкоми куллия - умумий ҳукмлар
Аҳлил - жинсий олат тешиги
Аҳмар - қизил
Аҳсан - яхши

Б

Бавл - сийдик
Бадиҳий ул-бутлон - ботил ва бекор эканлиги ошкоро бўлган нарса
Баёз - оқ
Байза - тухум
Байнаҳума - у иккисининг ўртасида
Балғами каммуд - оч бинафша ранг балғам
Баногуш - қулоқ тагидаги чуқурча
Барас - пес
Бараҳна - яланғоч
Барийй - пок, бегуноҳ
Басит - ёлғиз, бошқа нарсалар аралашмаган нарсалар, масалан, сув ва ҳаво каби

Басти калом - сўзни узайтириш
Басфойж - чилпоя ўсимлиги
Батаанний - оҳиста
Батадриж - даражама-даража
Бати - қорин
Баъд аз... - ...дан кейин
Баъътибори умури мазкур - мазкур ишларнинг эътибори билан
Бақоёйи навъ - насл қолдириш
Баҳарҳол - ҳарҳолда
Ба ҳасби ҳожат - ҳожатга қараб
Бетаваққуф - тўхтаб турмасдан, тухтовсиз
Беҳдона - беҳи уруғи
Би-з-зот - зотан
Би-л-акс - аксинча
Би-л-қувваи ҳорра - иссиқ қувват билан
Биринж - гуруч
Боб ул-амроз - касалликлар ҳақидаги боб
Бодий рай - оддий фикр
Бодинжон - бақлажон
Бозу - билак
Болиғ - камолга етган
Борид - совуқ
Ботил - ёлғон, кераксиз, асоссиз
Ботиний - ички
Боҳ - жинсий қувват
Боҳир - равшан, зоҳир
Буидуқ - рус ёнғоқи (фундуқ)
Буний - гавда, бадан
Бунсур - номсиз бармоқ
Бурақ - табиий сода
Буроз - ахлат, чиқинди
Буронаж - буйрак билан қобил ўртасидаги сийдик томири, бошқача номи ҳолиб

Бурудат - совуқлик
Бурҳон - исбот, далил
Бусур - майда жароҳатлар, тошмалар
Бухор - буғ
Бухорот - буғлар
Бухороти духония - тутунсимон буғ
Бухур - куйдирмоқ
Бухури марям - цикламен дарахти
Бухурот - ўтга ташланганда хушбўй ҳид берадиган модда,
хуш исли тутатқи
Бухҳат ус-савт - овознинг бўғилиши

В

Вадиъат - омонатга қўйилган нарса
Важъ - оғриқ, дард
Важҳ - сабаб, баҳона, йўл
Ва-лайса фа-лайса - ҳолбуки ундоқ эмас; муқаррардирки,
бундай эмас
Валлоҳу аълам - Аллоҳ билгувчидир
Ва-л-ҳаққу тинда-л-Ҳаққи - тўғрилигини Аллоҳ билур
Варам - шиш
Вард - атиргул
Варк - корсон суяги
Васиъ - кенг
Ватира - йўл, тартиб, шакл
Ва ҳаза ла хатара фийҳим - ва бунда хатар йўқдир
Вожиб ур-риоя - риоя қилиниши керак бўлган нарсалар
Воқеъ фи-л-васат - бирор нарсанинг ўртасида жойлашиш
Вусъат - кенглик
Вуқуф - воқиф бўлиш

Г

Гил - лой
Гилбўта - гилвата, кесак

Гирихдор - бурушук, тугундор
Говзабон - хўкизтили ўсимлиги

Д

Даво ул-муск - мушкдан тайёрланган мураккаб дори
Даврон уд-дам - баданда қон айланиши
Далили кофий - етарли даражадаги далил
Далк - уқалаш, силаш
Дамм ул-ахавайн - қаламус палмаси
Дамъа - кўздан ёш оқиши
Даражаи эътидол - ўрта даража
Дармондалик - чарчашлик
Дароз - узун
Дақиқ - майда, аниқ, тўғри, нозик
Дорчин - долчин (корица)
Дохил - ичкари, ич
Доғ солмоқ - куйдирмоқ
Дувор - бош айланиши
Дуд - 1. тутун; 2. курт
Дудоқи кундур - кундур елимининг кукуни

Ё

Ёбис - куруқ

Ж

Жавз ус-сарв - сарв ёнғоғи
Жавзи ҳиндий - кокос ёнғоғи
Жаворих - бадан аъзолари, қўл, оёқ, тил ва ҳоказо
Жавҳар - модда
Жазб - тортиш
Жазба - нарсани ўз тарафига тортадиган
Жараб - қўтир
Жарҳ - яра

Жасий - гаж (алибастр)га мансуб нарса
Жафн - қуруқ
Жимоъ - жинсий алоқа
Жирм - бирор нарса таркибидаги жисм ёки жавҳар
Жисми сайёл - суюқ, оқувчан жисм
Жониб - томон, тараф, жиҳат
Жувориш - ҳазм дориси
Жузом - мохов касали
Жуллоб - гулоб
Жумуд - бирор аъзо ёки баданнинг қотиб қолиши, ҳис ва ҳаракатнинг йўқолиши
Журъа - бир ютум, бир қултум

3

Забади бавл - сийдик кўпиги
Зайт - зайтун ёғи
Занжабил - русча имбирь
Зарф - идиш
Заъфи мосика - мосика (тутувчи) қувватининг заифлиги
Заъфи қувват - қувватнинг сусайиши
Заҳир - юрак буруғи
Зимод - суюқ дори ёки сувга қорилган суюқ қоришма дори
Зин - эгар
Зифт - смола, қир, қатрон
Зиқ ун-нафас - нафас сиқиши
Зоид - зиёда, кўп
Зок - бу сўз умуман кукун (кунорос)ларни билдиради, ўзи ёлғиз келса темир кукунини билдиради, баъзан аччиқтошни англатади
Зот ул-жанб - пневмония
Зот ур-рийа - ўпка шамоллаши
Зот ус-садр - кўкрак пардасининг шамоллаши
Зоҳир - аниқ, ойдин

Зубул - ориқлик, қон билан боғлиқ бўлган касаллик бўлиб, унинг иситмаси таби диққ дейилади

Зуд - тез

Зулу - зулук

Зуфо - доривор ҳиссоп, доривор ўсимликнинг номи

Зухур - кўриниш, зоҳир бўлиш

И

Ибти - қўлтиқ тагидан ўтган томир

Ибтидо - бошланиш

Ибъоди салоса - бўй, эн, қалинлик ўлчамлари

Ибҳом - ноаниқлик; бош бармоқ

Идрори бавл - сийдик ҳайдаш

Идрори тамз - ҳайзни ҳайдаш

Ижмол - қисқалик, қисқартириш, мухтасар

Ижмолан - қисқача

Ижтимоъ - жамланиш, йиғилиш

Ижтимоъи ажзо - қисмларнинг йиғилиши

Ижтиноб - ҳазар қилмоқ, узоқ турмоқ

Издирод - оғзидаги овқатни ичига ютиш

Излоқ - тойдириш

Изолаи мараз - касалликни кеткизиш

Изом - суяклар

Изтирорий - мажбурий, беихтиёрий

Иктифо қилмоқ - кифояланмоқ

Илтиём - яранинг битиши, тузалиши

Илтиқо - бир-бирига дучор келмоқ, бир-бирига учрамоқ

Имсок - ушлаш, сақлаш, тийиш, сақланиш

Имтиёз - фарқлаш, ажратиш

Имтило - тўлиб кетиш, овқат сингдирилмаслик касали

Имтилои батн - қориннинг тўла бўлиши

Имтилои дамавий - қон билан тўла бўлиш

Имтилои руҳий - руҳ билан тўла бўлиш

Инбисот - кенгайиш

Индифоъ - даф бўлиш, йўқолиши
Инжимод - қотиш
Инзиғоб - сиқилиш
Инзол - тушуриш, эрлик уруғининг оқиши
Инсироф - қайтмоқ, мурожаат қилмоқ
Интибоҳ - огоҳликка чақириш, хушёрликка чақириш
Интифо - ҳароратнинг тушиши
Интифоҳ - бод пайдо қилмоқ, шишмоқ
Интиқол - кўчиш, айланиш, ўтиш, ўлиш
Инфижор - ёрилиш (масалан, томир ёрилиши)
Инфиъол - бир нарсадан таъсирланмоқ, шарманда бўлмоқ
Инъиқод - қуюлиш, қотиш
Инқибоз - томирнинг сиқилиши
Ирод - келтириш, баён қилиш, баҳслашиш
Иртиқоб - бирор ноўрин ишни қилишга киришиш
Иртиъош - титрамоқ
Ирфон - билиш, таниш
Ирқ ун-насо - қўймич томири
Истибро - бавл қилиш, сийиш
Истидлол - далил кўрсатиш ва далил талаб қилиш
Истидлоли ақлий - ақлий далиллар
Истилоҳ - атама, термин
Истиншоқ - сув, ҳаво ёки дорини бурунга нафас билан тортмоқ
Истирхо - бўшашиш, увишиш
Истирхо ул-жафн - кўз қовоғининг бўшашуви
Истисқо - сариқ сув касаллиги, водянка
Истисқои зикқий - истисқонинг бир тури бўлиб, беморнинг ичига сув йиғилади ва ичидан мешдан келганидек сув овози келиб туради, шунинг учун беморни сув тўлдирилган мешга қиёслаб зикқий дейилади.
Истифода - фойдаланиш
Исҳол - ич кетиши
Итлоқ - банддан бўшамоқ, озод қилмоқ, ични равон қилмоқ

Иттилоъ - хабар қилмоқ
Ифоқа - тандурустлик, саломатлик
Ифрот - ҳаддан зиёда бўлиш
Ихрож - чиқармоқ, ҳайдамоқ
Ихтилот - аралашув
Ишкам - қорин
Ишроқ - ялтираш, равшан бўлиш
Иштибоҳ - шубҳа, адашиш
Иштидод - кучайиш, мустаҳкамланиш
Иштиъол - аланга олмоқ, ёнмоқ, ёниб кул бўлмоқ, қаттиқ иситма чиқмоғи
Иъонат - кўмак, ёрдам
Иътидол - мўътадиллик, ўртача даража
Иътимод - ишонч
Иқдом - бир ишга ҳаммадан аввал урунмоқ, ҳаммадан олдин ҳаракат қилмоқ
Иқтисор - қисқа қилмоқ, бир нарсага тўхталмоқ
Иҳдос - яхшилик пайдо қилиш, бир нарса юз бериши
Иҳтибос - банд бўлмоқ, тўхтамоқ, қамалмоқ
Иҳтижоб - парда орқасига яширинмоқ, пардага ўранмоқ
Иҳтижом - қортуқ қўймоқ
Иҳтироз - парҳез қилмоқ, ўзини сақламоқ, ўзини тийиш
Иҳтимом - ғамхўрлик қилиш, ҳиммат кўрсатиш
Иҳтироқ - куйиш
Иҳтисоб - ҳисоб олмоқ, таҳқиқ қилмоқ
Иҳтиқор - ҳожатмандлик, камбағаллик, фақирлик, хоксорлик
Иҳшо - тана ичидаги аъзолар

Й

Йубусат - қуруқлик, мижоз қуруқлиги

К

Каж - эгри, қинғир

Кайлус - овқатнинг меъдадаги биринчи ҳазми
Кайфияти инфиюлия - хижолатликдан юз берган ҳолат
Кама ла йахфи - махфий бўлмаганидек
Кама ла янбағий - заруриятга яраша
Кама ҳува зоҳирун - очиқ кўриниб турганидек
Кариҳ - хунук, жирканч
Касир ул-миқдор - кўп миқдор
Касиф - дағаллик, ғализлик
Касрат - кўплик
Касрати ихтилоф - ихтилофнинг кўплиги
Катиро - астрагал елими
Кашкоб - арпа суви, иситмали касалликларда
ишлатиладиган мураккаб таркибли овқат
Кашниз - кашнич
Китф - елка
Косний - сачратқи, талха
Кофий - кифоя қиларлик, етарли
Кофур - камфора дарахти
Коффа - ҳамма, бутун
Коҳил - суст, бўш, секин, ялқов
Коҳу - қоқиўт
Кудурат - ғуборлик, хира
Куллий - тўлиқ, бутунлай, барча
Кундур - ўсимлик елими (ладан)
Кура - тўп, юмалоқ нарса
Кутуби кудамо - қадимги олимларнинг китоблари
Куҳл - сурма

Л

Лавоҳиқ - бирлиги лоҳиқ - бирон нарсага боғлиқ бўлиш
Лазижа - ёпишқоқ
Лазъ - куйдириш, ачиштириш
Лаъоб ва луъоб - тупук, шира
Лақва - юз фалажи

Лаҳм - гўшт
Лаҳмий қисм - гўштли қисм
Лобуддий - зарур, керакли
Лоҳиқ - кейин қўшилган қўшимча
Лузужат - ёпишқоқлик, ширадорлик

М

Мабайна ал-вазн - вазн орасидаги
Мабҳас - баҳс
Мавжий - тўлқинли
Мавқуф - бирор нарсага боғлиқ бўлиш
Магас - чибин, пашша
Мадфуъ - ҳайдалган, даф бўлган
Мажро - оқиш йўли
Мазбут - тортиб олинган, забт этилган
Майлон - моил бўлиш
Мамзуж - аралашган
Мамнуъ - манъ этилган, тақиқланган
Мантан ур-роиҳа - бадбўй ҳидли
Манқуш - нақшланган
Манҳий - манъ этилган
Манҳий анху - бирор нарсадан қайтарилиш, манъ этилиш
Маоб - сигинадиган, мурожаат этиладиган жой
Марбут - бир-бирига алоқадор
Марг - ўлим
Мардум - халқ
Мариз - бемор
Маророт - 1) аччиқлик; 2) ғам-ғусса, қайгу-алам
Мартуб - рутубати кўп ва ҳўл бўлган нарса
Мартуб мизож - ҳўл мизож
Марқум - ёзилган
Марғуб - севимли, исталган
Масдуд - банд бўлган
Масом - бадандаги тер чиқадиган тешиқлар
Масона - қовуқ

Мастаки - мастика, ўсимлик елими
Масун - ҳимояланган
Матбух - қайнатилган, пиширилган
Матрук - тарк этилган
Мафосил ва мафсил - бўғимлар
Мафқуд - йўқолиб топилмаган, нобуд бўлган
Махрутий шакл - конус шакли
Машруб - ичиладиган нарсалар
Машрута - келишилган, шартлашилган
Машруҳ - шарҳланган, изоҳ этилган
Машхуд - кўриниб тургандек, гувоҳлик берилган ва собит бўлган нарса
Маъкул - ейиладиган нарсалар
Маънойи нафиса - нозик маънолар
Маъо - ичак
Маъойи аъвар - кўр ичак
Маъойи дақиқ - йўғон ичак, маъойи филоз ҳам дейилади
Маъойи исна ашара - ўникки бармоқли ичак
Маъойи мустақим - тўғри ичак
Маъойи сойим - рўздор (доимо бўш) ичак
Маъойи суфло - қуйи ичаклар, кўтон
Маъойи улё - юқорида турувчи олий ичаклар
Маъойи қулун - ҳасип ичаги
Маъсир - сиқиб олинган
Маъфу қилмоқ - афв қилмоқ, кечирмоқ
Маъъад - орқа тешик
Маъсур - ҳимояга олинган, маҳсус
Маъхур - қаҳр-ғазабга дучор бўлган
Маъзи фулус - ич суришда ишлатиладиган ўсимлик мевасининг маъзи
Маъз - холис, танҳо
Маъфуз - муҳофазаланган, ҳимояланган
Мидда - йиринг
Миёна - ўрта, ора

Мизож - мизож, луғавий маъноси яхшилаб аралашиб
 қоришган демакдир
Мин ҳайс ул-мажмуъ - жамлангани жиҳатидан
Мирра - ўткирлик, шиддаткорлик (сафрога нисбатан)
Митрақа - болға
Моддаи мухаллита - аралашган модда
Молиш - ишқалаш
Мосариқо - меъда, ичак ва юракка борадиган томир
Мосариқои суфло - ҳасип ва мустақим (тўғри ичакка)
 тарқалган томирлар
Мотин - матн ёзувчи, яъни муаллиф
Мо ул-асал - асал суви
Мо фавқа - тепадаги нарса
Моя - моҳият, бир нарсанинг асл моддаси
Мубошарат - жинсий алоқа
Мудакқиқ - жуда ҳам майда қилувчи, жуда нозик
 маъноларни идрок қилувчи
Мудирр - сийдикни равон қиладиган дорилар
Мужавваз ул-вазн - вазнидан чиқиб кетган
Мужавваф - ичи бўш ковак, қуритувчи
Мужаррад - яланғоч, якка, танҳо
Мужониб - ёнида борувчи
Мужонис - ўхшаш
Мужтамиъ - тўпланган, бирлашган, жамъ бўлган
Музлиқа - тойғоқ, сирпанчиқ
Музоф - қўшилган, орттирилган
Музъиф - ўлдирадиган даражада заифлаштирувчи нарса,
 масалан, захар
Мулаввинот - бўёқлар, бўёвчи моддалар
Мулайинлар - ични юмшатувчи емиш ёки дорилар
Мулоқий - учрашувчи, кўришувчи, ёндош
Мумкин ул-ижтимоъ - бирлашиши мумкин бўлган
Мумганиъ - манъ қилинган нарса
Мунбасит - ёйилган, мамнун, шод

Мундафий - даф бўлиш, даф этилган
Мунжазиб - тортилган, жазб этилган
Мунжамид - ивиган, қотган
Мунизж - хилтни пиширадиган даво
Мунофий - қарама-қарши, зид
Муноқиз - зид, бир-бирига қарама-қарши
Мунсарих - озод, эркин, ҳеч нарса билан сиқилиб
қолмаган
Мунтабиқ - бир-бирига мос, мувофиқ, уйғун
Мунтафих - шишган
Мунтафий бўлмоқ - фойда олмоқ
Мунташир - ёйилган, тарқалган
Мунхафиз - паст бўлган
Муншаъиб - шўъба, бўлимларга бўлинган
Муншор - арра
Мунқабиз - сиқилган
Мунъақид - ивиган, қотган нарса
Мунъакс - акс этиш
Мунқазо - керак, лозим, тақозо қилинган
Мунқасим - тақсимланган, бўлинган
Мунқатиъ қилмоқ - узмоқ, кесмоқ
Мунҳасир - қисқартирилган, кичрайтирилган
Мураввиж - ривожланган
Муражжиҳ - устунроқ, ғолиброқ
Мураттаб - тартиб берилган, тартибланган
Мураххийлар - сушт ва қарахт қилувчи дорилар
Мурдорсанг - куйдирилган қўрғошин
Мурр - ўсимлик елими
Муртафий - юксалган, кўтарилган, баланд, юқори
Мусаббиб - сабабчи
Мусалло - жойнамоз, катта масжид
Муставий - баробар, тенг, текис, ёйиқ
Мусталзим - лозим тутилган
Мустализз - лаззат олувчи

- Мустафид** - фойда олувчи, баҳраланувчи
Мустаъмал - истемол қилинган
Мусҳил - сурги
Мусҳили қавий - кучли сурувчи, кучли тозаловчи
Мутааддид - кўп сонлик
Мутааллиқ - тааллуқли
Мутаवозий - баробар бўлиш
Мутаवотир - оғиздан-оғизга ўтувчи, узатилувчи
Мутақосиф - ҳамма қисмлари бир-бирига қаттиқ сиқилиб, бир-бирини тортиб, орасида бўшлиқ ва ҳаво киришига жой қолдирмаган нарса
Мутаммим - комил ва тугал қилувчи
Мутааффин - сасиган, чириган
Мутанаввий - ҳар хил
Мутаассир - таъсирланган, таъсирли
Мутавассит - ўртача
Мутақаййиф - бирор нарсанинг ҳолатидан таъсирланиш
Мутароким - бир нарсанинг ажзолари (қисмлари) бир-бирига тортилиб, сиқилмоғи
Мутасовий - ўзаро тенг
Мутагаййир - ўзгарган
Муттасил - ёпишган
Мутафовут - бир-биридан фарқ қилувчи нарсалар
Мутаважжих - юзланиш, диққат қилиш
Мутазаммиш - ўз ичига олган, ўз зиммасига олган
Мутаматтиъ - фойдаланувчи, баҳра топувчи
Мутанаввий - сернав, турли-туман, ҳар хил
Мутасарриф - қўл остига, тасарруфига олиш
Мутахалхал - ўзига суюқликларни шимиб олувчи моддалар, масалан, пахта, намат, мочалка каби
Мутаҳажжир - тошга айланган, қотган
Мутақаддимин - ўтмишдаги кишилар, масалан, олимлар
Мутаъқиб - бир-бирини кетидан таъқиб қилувчилар
Мутлиъ - хабар берувчи ва огоҳ қилувчи

Мутталиъ - хабардор бўлиш
Муттаҳидун би-з-зот - аслида зоти бир жинсдан бўлган ҳар хил нарсалар, бир жинс бўлган нарсалар
Муттафиқ - бирор ишда ёки бирон масалада бир фикрда бўлиш
Муфарриҳ - шодлантирувчи дори
Муфрад - якка, ёлғиз, битта, тоқ
Муфсиди хун - қонни бузувчи
Мухаддир - кайф қилувчи, бўшаштирувчи
Мухотий - бурун сувига ўхшаш сув
Мухталиг - қоришиқ, аралаш
Мухталиф - ҳар хил, ихтилофли
Мухталиф ул-аҳвол - аҳволларнинг турли-туманлиги
Мушаббаъ - кўп таом бериб жуда тўйдирилган касал; бироз яшил ранг ва бироз қизилга моил сариқ ранг
Мушавваш - ташвишли, кўнгли паришон
Мушарриқ - ялтироқ, равшан
Мушобиҳ - ўхшаш
Мушоракат - шериклик, ўртоқлик, биргалик
Мушорик - шерик бўлиш
Мушриф - зарба билан ҳаракат қилувчи томир, уни шоҳиқ ҳам дейдилар
Муштамил - ўз ичига олиш, иборат бўлиш
Муъарраб қилмоқ - арабийлаштирмоқ
Муъин - ёрдам берувчи
Муъовин - ёрдам берувчи
Муътод - одатланган, ўрганган
Муқаввий - куч берувчи, қувват берувчи, мадад берувчи
Муқаввим - қуюқ ҳолга келтирилган
Муқаъар - бирор нарсанинг ички тарафи, чуқурлик тарафи
Муқиссун алайҳ - унга қиёсан
Муқл - бделлий (дарахт елими)
Муқовамат - қаршилиқ
Муқтадир - қодир бўлувчи

Муғолата - алдаш, чалғитиш
Муғойир - фарқли, ўхшамас. бошқача бўлиш
Муҳаллил - эритиб тарқатувчи
Муҳаррик - ҳаракатлантирувчи
Муҳаққиқийи - тадқиқ қилувчилар, текширувчилар
Муҳдис - бир нарсани янгидан пайдо қиладиган нарса
Муҳмала - маъносиз, бир нарсага далолат этмайдиган
Муҳозий - муқобил, қарши
Муҳтабис - банд бўлган, қамалган
Муътабар инда-л-жумҳур - кўпчиликнинг олдида
эътиборли бўлган нарса

Н

Набз - томир
Набзи ғизолий - кийикнинг юришини эслатувчи томир
уриши
Набиз - майиздан қилинган шароб
Наббоз - томир кўрувчи, томирни ушлаб ташхис қўювчи
Навм - уйқу
Назди жумҳур - кўпчиликнинг фикрича
Назж - етилиш, пишиш
Намл - чумоли
Нафс - жон
Нафх - пуфлаш
Наҳр ул-бадан - бадан дарёси
Нилгун - яшил рангли
Нимта - яримта
Нисфун - ярим
Нифос - туққандан кейинги тозаланиш
Нифоқ - тулки
Нишонаи мавт - ўлим нишонаси
Никрис - подагра
Нодир ул-вуқуъ - камдан-кам содир бўладиган ҳодиса
Нор - олов
Норинжий - апелсин рангли нарса

Носиъ - сариққа бироз мойил бўлган тўқ қизил ранг
Носиҳин - насиҳат қилувчилар
Нофиъ - фойдали
Ноқис - нуқсонли
Нудрат - нодир
Нуфуз - таъсир
Нуқуъ - туршаклар ивитмаси

О

Об - сув
Обзан қилмоқ - ванна қабул қилмоқ
Окила - ел яраси
Омм - ҳамманинг фойдаланиши учун нисбати баробар бўлган нарса
Омода - тайёр, тайёрланган
Ориз бўлмоқ - юз бермоқ, пайдо бўлмоқ

П

Пайи ҳассоса - сезгир пай
Парсиёвишон - сумбулсоч ўсимлиги

Р

Рабу - ҳансираш
Радий - ёмон
Ради ул-вазн - вазнининг ёмонлиги
Рамад - кўз оғриғи, кўз қизариши
Рамз - ишорат, имо
Рамл - қум
Ратл - ўлчов бирлиги, тўққиз ярим қадоғу нимчорак
Раъша - қалтироқ
Рақиқ - суюқ
Раҳм - бачадон
Реза - майда
Рибос - доривор равоч

Ридоат - ёмонлик
Риёзат - жисмоний меҳнат
Рийванди Чинний - Хитой равочи
Риққат - ингичкалик, нозиклик, мулойимлик
Риҳ - енгил шамол, ел
Русуб - чўкма
Рожий - қайтувчи
Роихаи бавл - сийдикнинг ҳиди
Ружуъ қилмоқ - қайтмоқ
Русух - устивор бўлиш, бир жойда барқарор бўлиш
Рутубат - ҳўллик
Руъоф - бурун қонаши

С

Саббоба - кўрсаткич бармоқ
Сабз - яшил
Сабру Сакутари - Сукатра олойи
Саварон - ўтқир шамол, кучли тўзон
Садад - яқинлик, баробарлик, муқобиллик, бир нарсага қасд қилмоқ, бир нарсани пайида бўлмоқ
Садама - тўсатдан етган зарба, урилиш, босилиш
Садр - кўкрак
Сайлон - оқиш
Сакта - ҳис-ҳаракатнинг бирдан йўқ бўлиши
Самғи арабий - араб акациясининг елими
Санои Маккий - Макка саноси
Саргини гов - мол тезаги
Сарир - сўри, тахт
Сарий - тез, тезлик
Сарих - ошқора
Сарсом - бошдаги парданинг шамоллаши, менингит
Саръ - қуёнчиқ, тутқаноқ
Сафрои ихтироқий - куйган сафрои
Сафрои такосуфий - қуюқ сафрои

Сафройи шадид ул-лавн - ранги тўқ бўлган сафро
Сақмуниё - маҳмуда (ўсимлик елими, русча скаммоний)
Саҳиҳ - яхши, соғлом
Сибён - гўдак, бола
Сиканжубини асалий - асалга сирка қўшиб тайёрланадиган дори (уксусомед)
Сироят - ичига ўтиш, кириш, таъсир, юқиш
Сирф - холис ва пок нарса
Созиш - келишув
Соир - бошқа, ўзга
Соний - иккинчи
Сотиъ - ёрқин, ойдин, аниқ
Субот - қаттиқ (летаргик) уйку
Суда - ишқаланган
Судда - тиқилма, бандлик
Судоъ - бош оғриғи
Сук - ҳалила, хурмо ва мушкдан тайёрланган хушбўй доривор
Сукун - ором, беҳаракатлик
Сулб - қаттиқ; эркаклардаги орқа (бел) томондан уруғ келадиган томирнинг номи
Сурх - қизил
Суфуф - талқон дори
Сучукмия - ширинмия ўсимлиги
Суъи ҳазм - ҳазмнинг бузилиши
Суъуд қилмоқ - кўтарилмоқ
Суъ ул-мизож - мизожнинг бузилиши
Суъут - тўпалоқ ўсимлиги
Сукути қувват - қувватнинг тушиши

Т

Тааххур - кечикиш
Табадул - бир-бирига бадал бўлиш
Табарруз - ични бўшатиш

Таби диққ - мулойим иситма
Таваққуф қилмоқ - тўхтамоқ
Таваққуъ - бирор ишнинг воқеъ бўлишига кўз тикиш,
умид билан қараш
Тавжиҳ - юзни қаратиб рўбарў турмоқ, сабаблик бўлмоқ,
машғул бўлмоқ
Тавогир - битта-биттадан, кетма-кет содир бўлмоқ
Тавъ - рағбат, хоҳиш, майл
Тадбири маош - ҳаёт кечириш тадбири
Тажассус - тадқиқ этмоқ, зимдан текширмоқ
Тажвиз - жоиз кўриш, раво кўриш, ижозат
Тажмид - музлатиш
Такаввун - йўқдан бор бўлмоқ, яратилмоқ
Такосуф - қуюқ бўлиш
Тақя - суянчиқ
Талаҳхуб - баданни рутубатини куйдириб, йўқ қиладиган
даражада қаттиқ иситма
Талотум - дарё тўлқинида сувнинг бир-бирига урилиб,
баландга кўтарилиши
Талофий - қўлдан кетган нарса
Талтиф - эркалаш, мулойим қилиш
Талх - аччиқ
Тамаввуж - мавжланиш
Тамаддуд - чўзилиш
Тамйиз - фарқлаш, ажратиш
Таназул - тушиш
Танаффус - нафас олиш
Танкир - беркитиш, инкор қилиш
Таносуб - бир-бирига мутаносиб ва уйғун бўлиш, келишилганлик
Таноқуз - икки нарсанинг бир-бирига зид бўлиши
Танқия - тозалаш, моддаларни дори-дармон билан тозалаш
Танқияйи раҳм - бачадонни тозалаш
Таранжубин - шакар янтоқ
Тарашшуҳ - томчилаб оқиши

Тараххул - баданнинг юмшоқ ва суст бўлмоғи
Тарвих - елпйтиш
Таржих - юқори қўйиш, зиёда деб билиш
Тариқан саҳл - осон йўл, осон усул
Тарокум - ажзоларнинг бир-бирига жамъ бўлиб сиқилмоғи
Тасмия - исм бериш, номлаш
Тасоъуд - оловда дори тайёрланаётганда унинг бўғланиб
 ҳавога кўтарилиши
Тасрих - равшан қилмоқ, ошкор этмоқ
Тасфия - соф ва покиза қилиш
Татвили калом, татовули калом - сўзни узайтириш
Тафаххус - атрофлича текшириш, суриштириш
Тафриқ - ўзгартириш
Тафрит - ҳожатга яраша бўлмаслик, кам бўлиши
Тафрих - хурсанд қилмоқ, дилга қувват бермоқ
Тафсил - муфассал тушунтириш
Тафсира - сийдикни текшириш учун солинадиган идиш
Тахаллул - бўлакланиш, бир-биридан жудо бўлиш
Тахаллуф - ихтилоф, номувофиқлик
Тахалхул - бўлаклари бир-биридан жудо бўлмоқ ва
 ораларида бўшлиқлар ҳосил қилмоқ, масалан,
 мочалка ёки ўпка, пахта кабилар
Тахфиф - енгиллатиш
Ташаннуж - томир тортиши, чангак
Ташаттут - сочилмоқ, қисмлари бир-биридан ажрамоқ
Ташрих - аъзолар ҳақидаги тушунтириш (анатомия)
Таъаддуд - сони, саноғи кўпаймоқ
Таъаммуқ - чуқур
Таъарруз - бирортасининг раъйига хилоф бир иш қилиш
Таъаффон - бадбўй бўлиш
Таъаққуд - ивимоқлик, қуюлиш, қотиш
Таъвил - шарҳлаш, тушунтириш
Таърифи ақсом - қисмларнинг таърифи
Таъриқ - терлатиш

Тақаддум - олдин бўлиб ўтган иш
Тақвия қилмоқ - кучайтирмоқ, жонлантирмоқ
Тақйид - ёзиш, қайд этиш
Тағйир - ўзгартириш
Тағйир бермоқ - ўзарттирмоқ
Тағаййурот - ўзгаришлар
Таҳаллул - эриб тамом бўлмоқ
Таҳлил топмоқ - йўқ бўлмоқ, адо бўлмоқ
Таҳнишин - чўкма
Таҳқиқоти шатта - ҳар хил тадқиқот
Тезоб уш-шифо - шифо берадиган тезоб (кислота)
Толий - жигардан кўтарилиб, бўйракка бориб, ундан юқори тарафга кўтарилиб, ўпка ва юракка бориб, ундан яна паст тарафга бориб, қовуққа бориб тамом бўладиган томир
Тора - тор, ип
Торик - бошнинг ўнг ва чап тарафининг ўртаси
Тофий - ўз енгиллиги билан сув юзасига қалқиб чиқиб қолувчи нарса, масалан, кўпик
Тулуъ - чиқиш, кўриниш, балқиш
Турш - нордон
Тўвл - замон тушунчаси бўлиб, бирон иш, ҳаракат бир замон бошланиб, шу замон охиригача давом этганини билдиради, масалан, тўвл ул-явм, яъни кун бўйи
Тўтиён Кирмоний - Кирмон тўтиёси

У

Убаб - бирор нарсанинг кўп миқдорда жам бўлиши, масалан, ҳаво, сув
Ужож - шўр сув
Узв - аъзо, гавда бўлаклари (қўл, оёқ)
Узви мутаваррим - шишган аъзо
Узви шарифа - азиз аъзо

Умм ус-сибён - болаларда бўладиган тутқаноқ касали
Умда - таяниладиган нарса, энг муҳим асос, дастак
Умури баданий - баданга хос ишлар
Умури изофий - қўшимча ишлар
Умури нафсоний - нафсоний ишлар
Умқ - чуқурлик
Уруқ уш-шаърий - мўй томири
Уруқи шароин - шараён (ҳаракатдаги томирлар, жон томири)
Усрунж - куйдирилган қўрғошин
Утруж - апелсин
Уфина - бадбўй
Уфунат - ёмон ҳид пайдо қилиш, сассиқлик, бадбўйлик

Ф

Фавж - гуруҳ
Фавонди мазбура - ёзилган фойдалар
Фазаъ - қўрқинч
Фазла - 1) ортиқ, зиёда, кераксиз; 2) нажосат
Фа-л-ҳаққу ғинда Холиқиҳи - ҳақлигини Яратувчи билади
Фам - оғиз
Фами меъда - меъда оғзи
Фараҳ - хурсандчилик
Фаромуш - унутиш
Фасд қилмоқ - наштар билан томирдан қон олмоқ
Фасод - бузулиш
Фатааммул - бас, ўйлаб кўр
Фатқ - дабба
Фи-л-жумла - жумладан
Фи-л—ҳақиқат - дарҳақиқат
Фақра - умуртқа
Фолиж - фалаж, шал
Фосид - бузуқ

Фосил - орани ажратувчи, орани очувчи
Фоъил - бажарувчи, қилувчи
Фусул - фасллар

Х

Хавониқ - хуноқ, яъни ангина
Ханак - бурундан томоққа қадар ўтган тешик
Хариф - куз
Харош - тилинган
Хафий - пинҳон, яширин
Хиёршанбар - хиёршанбар (кассия) ўсимлиги
Хилт - кўплиги ахлот, инсон баданида мавжуд бўлган
тўртта суюқлик - қон, сафро, савдо ва балғам
Хишт - фишт
Хориж ул-вази - вази ташқариси
Худ-бахуд - ўз-ўзидан
Хулосат ут-тажориб - тажрибаларнинг хулосаси
Хулув - ёлғизлик, кимсасизлик, бирор нарсанинг бўш
бўлиши
Хулус - холислик, софлик
Хун - қон
Хунсур - жимжилоқ
Хуруъ - канақунжут
Хуся - тухум
Хушунат - дағаллик, кўполлик, қаттиқлик
Хўрок - таом
Хўшк - қуруқ, қуруқлик

Ч

Чарби - чарби ёғ
Чин - тириш, ажин, сочнинг жингалаги
Чорзону - чордона қуриб, тиз чўкиб ўтириш

Ш

Шабб - аччиқтош

Шадид - шиддатлик, қаттиқ

Шадид ул-иттисол - қаттиқ чапишган

Шадид ул-ҳарорат - қаттиқ ҳарорат

Шадид ун-натан - жуда бадбўй

Шадид ул-фасод - қаттиқ бузилган

Шараён - ҳаракат қиладиган томир (халқ ичида жон томир дейилади)

Шараёни варидий - қайтувчи томир (масалан, қоннинг юракка қайтиши)

Шараёни мадфуъ - ҳайдовчи томир (масалан, қоннинг ҳайдаши)

Шатр ул-ғибб - сафронинг уфунатидан ҳосил бўлувчи иситма , кунора тутувчи иситма

Шозанаж - кровавик, гематит

Шойиъ - ошкор

Шомил - кўп нарсани ўз ичига ўраб олувчи, бир неча маъноли сўз

Шориҳ - шарҳ қилувчи, тушунтирувчи

Шоҳиқ - баланд, юқори, олий; томир номи

Шуруъ - бошлаш

Шуғл - машғулот

Э

Эъроз - ўзини олиб қочмоқ, рад қилмоқ

Эътидол - мўътадиллик

Эҳсос - сезиш, ҳис қилиш

Я

Ярақон - сариқ касали

Қ

Қабл аз... - ...дан олдин

Қабл аз исҳол - ич кетишдан олдин
Қавий - кучли
Қавли ақраб ба савоб - тўғрилиққа яқинроқ бўлган сўз
Қай - қушиш
Қалил - кам, оз
Қалил ул-миқдор - кам миқдор
Қаранфул - қаланпирмунчоқ, қалампир
Қарийб - яқин
Қаръа - томирнинг қўл панжасига урган зарбаси
Қарҳа - жароҳат, яра
Қатъ этмоқ - кесмоқ, босмоқ
Қатъи масофат - йўл юрмоқ, масофани босиб ўтмоқ
Қивом - бирон нарсанинг қуюқлик ва суюқлик даражаси
Қиллат - камлик
Қисми соний - иккинчи қисм
Қобиз - тутадиган, тўхтатадиган, сиқадаган
Қобили тақсим - тақсимлашга қобил
Қобих - бузувчи
Қониъ - қаноатли
Қорура - табибга кўрсатиш учун бемор сийдигини
 солинадиган шиша идиш
Қуввати басар - кўриш қуввати
Қуввати дофиъа - даф қилувчи, ҳайдовчи қувват
Қуввати мумаййиза - фарқлаш қуввати
Қуввати муҳаррика - ҳаракат қилдирувчи қувват
Қуввати нафсония - нафс учун фойдали нарсаларни ҳосил
 ва жалб қилиш ҳамда зарарлиларини
 даф қилиш учун аъзони ҳаракат
 қилдирадиган қувват
Қуввати ҳайвония - қон ва руҳни доим тамоми баданга
 етказиб, баданни тарбия қилиб турувчи
 ва шунга ўхшаш қатор вазифаларни
 бажарувчи ҳаётлик қуввати
Қуруҳ - йиринг олган яралар

Кутр - шакл, ҳайъат
Кушури кундур - кундур елимининг қипиғи
Кулушж - ичак санчиғи, ич қотиши
Кўянд - куён

Ғ

Ғайр - ўзга, бошқа
Ғайр аз... - ...дан бошқа
Ғайри маҳсус - сезиб бўлмайдиган
Ғалат - хато, нотўғри
Ғализ - қуюқ бўлган нарса
Ғаший - ҳушдан кетиш
Ғизо - овқат
Ғимом - булут
Ғишо - парда
Ғомиз - чуқур маънога эга нарса
Ғориқун - дарахт пўкағи
Ғудда - тугун
Ғузруф - тоғай
Ғунналик овоз - димоғдан чиқадиган овоз
Ғуссола - бироз қон аралашган зардоб

Ҳ

Ҳабб ур-рашод - индов (кресс посевной)
Ҳавойи басит - хориждаги ҳаво
Ҳавойи насим - эрталабки ҳаво
Ҳавосс - ҳислар, сезгилар
Ҳавосси хамса - бешта сезиш қуввати
Ҳажар ут-тис - ёввойи эчкининг жигарида бўладиган тош,
у заҳарга қарши дори , подзаҳр
Ҳазиз - ҳазиз (лижия) ўсимлигининг елими
Ҳалила - қора ҳалила, миробалан дарахтининг меваси
Ҳамл - ҳомила
Ҳамм - андуҳ, қайғу

- Ҳанзал** - аччиқ тарвуз (Абужаҳл тарвузи)
Ҳаракати басита - содда ҳаракат, бошқа нарсалар аралашмаган ёлғиз ҳаракат
Ҳаракати инбисотий - кенгаймоқ ҳаракати (қоннинг юракка йиғилиши)
Ҳаракати инқибозий - сиқилишга олиб борадиган ҳаракат (қоннинг юракдан ҳайдалиши)
Ҳаракати мураккаба - мураккаб ҳаракат
Ҳаракати табиий - табиий ҳаракат
Ҳаракати қасрий - қисқа ҳаракат
Ҳарорати ғаризийя - табиий ҳарорат
Ҳарофат - кўйдириб ачиштириш
Ҳасан ул-вази - вазннинг яхшиси
Ҳеч эҳдо - ҳеч ким
Ҳиддат - тезлик, ўткирлик, кескинлик
Ҳозима - ҳазм қилувчи, сингдирувчи
Ҳоил - тўсиқ, икки нарсани бир-биридан ажратиб турувчи тўсиқ
Ҳолати мутавасситан байн ул-мараз ва-с-сиҳҳат - касаллик ва саломатлик орасидаги ўртача

ҳолат

- Ҳолиб** - буйрак билан қовуқнинг ўртасидаги сийдик йўли, унинг бошқача номи абҳар
Ҳомиз ул-қорбун - ўпкадан чиққан ҳаво (карбонат ангидрид)
Ҳор (ҳорра) - иссиқ, ҳароратли
Ҳудус - пайдо бўлиш
Ҳулба - қашқарбеда
Ҳулв ур-роиҳа - ширин ҳидли
Ҳукамои мутақаддимийн - қадимги табиблар
Ҳуммаёт - иситмалар
Ҳуммойи йавмия - бир кеча кундуз давом этадиган иситма
Ҳуммаёти мураккаба - мураккаб иситмалар
Ҳуммойи муҳриқа - куйдирувчи иситма

Хуммойи уфний - бадбўй иситма

Хуммойи шатр ул-ғибб - сафро уфунатидан юз берган
иситма

Хумрат - қизиллик

Хусул - эришиш, етишиш, қўлга киритиш

Хўқна - клизма, ични тозалаш

МУНДАРИЖА

“Қонуни Боситий”нинг иккинчи жилди ҳақида М.Хайруллаев, М.Ҳасаний.....	3
ТЎРТИНЧИ МАҚОЛА НАБЗ ВА ТАФСИРА БАЁНИДА.....	8
БИРИНЧИ ФАСЛ - набзнинг баёнидадур.....	13
Фоида. Набзи риёзат баёнида.....	67
Фоида. Набзи таом ва шароб ва об баёнида.....	68
Фоида. Ғулдин ориз бўладурган тағаййури набз баёнидадур.....	70
Фоида. Озорлик кишининг набзи баёнида.....	70
Фоида. Аърози нафсонийя набзининг баёнидадур.....	74
Фоида. Касалларнинг набзлари баёнида.....	76
Тўртинчи мақоладин иккинчи таълим тавсира баёнидадур. Учинчи фасл.....	81
Фоида. Қорура ва анга мутааллиқларни баёнида.....	82
Фоида. Қайси вақтидаги бавл мутабарлиги баёнида.....	84
Фоида. Бавл тағйир бергувчи ашғо баёнида.....	84
Фоида. Қорурани қандоқ сақламоқ ва анга қайси вақт қарамоқ ва бавл неча муддатдин сўнг фосид ва эътибордин соқит бўлмоғи баёнида.....	86
Фоида. Бавли инсоннинг бошқа мушобиҳлардин имтиёзи баёнида.....	88
Фоида. Бавл қайси узвдин кўпроқ нишон бермоғи ва қандоқ нимарсадин хабар бермоғи баёнида.....	89
Фоида. Гўдак боланинг бавлидин истидлол учун эътимод баёнидадур.....	92
УЧИНЧИ ФАСЛ бавл рангларининг баёнидадур.....	94
ТЎРТИНЧИ ФАСЛ бавлнинг қивоми ва ройиҳаси баёнидадур.....	162
БЕШИНЧИ ФАСЛ бавл сафоси ва қудурати ва миқдори ва кўпугининг далолати баёнидадур.....	175
ОЛТИНЧИ ФАСЛ русуб, яъни бавлнинг дурдаси баёнидадур.....	188
Фоида. Аҳволи буроз баёнида.....	231
Биринчи дафъа — бурознинг баёнида.....	233

Биринчи қисми касир ул-миқдор баёнидадур.....	234
Ва иккинчи қисм қиллати буроз баёнидадур.....	237
Иккинчи дафъа бурознинг қивоми баёнидадур.....	238
Ва иккинчи қисм бурози ғализ баёнидадур.....	240
Учинчи дафъа бурознинг ранги баёнидадур.....	241
Ва биринчи қисм бурози сафро баёнидадур.....	242
Иккинчи қисм бурози абйаз баёнидадур.....	245
Ва учинчи қисм бурози асвад баёнидадур.....	247
Ва тўртинчи қисм бурози аҳзар баёнидадур.....	251
Тўртинчи дафъа ҳайъати буроз баёнидадур.....	252
Бешинчи дафъа бурознинг вақтидин истеълोल баёнидадур.....	253
Олтинчи дафъа ройиҳаи буроз баёнидадур.....	259
Еттинчи қисми кўпикдор бурознинг баёнидадур.....	259
Биринчи рашъа тернинг кўплик ва камлигини баёнидадур.....	263
Иккинчи рашъа тернинг рангининг баёнидадур.....	266
Ва учинчи рашъа тернинг бўйининг баёнидадур.....	267
Тўртинчи рашъа тернинг таъми баёнидадур.....	267
Ва бешинчи рашъа тернинг иссиқ ва ё совуқлигининг баёнидадур.....	267
Ва олтинчи рашъа тернинг қивоми баёнидадур.....	269
Биринчи нафха нафснинг касрат ва қиллатининг баёнидадур.....	270
Иккинчи нафха нафснинг ранги баёнидадур.....	271
Учинчи нафха нафснинг бўйи баёнидадур.....	272
Тўртинчи нафха нафснинг таъми баёнидадур.....	272
Ва бешинчи нафха қивоми нафс баёнидадур.....	273
Ва олтинчи нафха нафснинг шакли мажмуаси баёнидадур.....	274
Ва еттинчи нафха нафсни чиқадурган вақти ва осонлик ва қийинлик бирлан чиқмоғи баёнидадур.....	275
БЕШИНЧИ МАҚОЛА. Саҳиҳ кишиларнинг тадбири тарбияси ва маризларнинг иложи учун қоидаи куллийя баёнидадур.....	276
БИРИНЧИ ФАСЛ - тадбири маъкул ва машруб баёнидадур.....	278
Биринчи қоида физио лазиз ва анга одат қилмоқ учун лозим бўлгон риояларнинг баёнидадур.....	303
Ва иккинчи қоида физио мутлақнинг мадҳи ва анга тавобул,	

яъни зира ва қаранфул ва мурч каби мусолиҳ қўшмоқнинг жоизлигини ва физои давоийға назаран физои мутлақнинг афзаллигининг баёнидадур.....	305
Ва учинчи қоида физойи давоийяни ва саҳиҳ кишилар учун физойи давоийядин ижтиноб лозимлиги ва физойи давоийядин физойи мутлақнинг афзаллигиға хилофан ворид бўлгон иродларнинг жавоби ва зарурат вақтида физойи давоийяни тадохули ҳам жоизлигининг баёнидадур.....	315
Ва тўртинчи қоида тартиби физо баёнидадур.....	318
Бешинчи қоида муҳдиси суддалар баёнидадур.....	324
Олтинчи қоида баъзи ҳолатлар сўнгтида истеъмол мамнуъ бўлгон физолар баёнидадур.....	326
Еттинчи қоида мижозларнинг ихтилофи ҳар бир мижозни ўз ҳолиға муносиб тадбирлари баёнидадур.....	327
Саккизинчи қоида ҳар қаю мижозға мутаносиб бўлгон физоларнинг баёнидадур.....	330
Тўққизинчи қоида физойи давоийдин ориз бўладурғон зарарларнинг тадоруки баёнидадур.....	332
Ўнинчи қоида меъдада фосид бўлгон физонинг умуман тадоруки баёнидадур.....	335
Ўн биринчи қоида таомни қандоқ қозонда пиширмақ афзаллиги ва қандоқ қозонда пиширмақ манҳийлиги ва шунга мутааллиқлар баёнидадур.....	337
Биринчи машраб сув ичмоқ вақтининг баёнидадур.....	340
Иккинчи машраб совуқ сув ичмоқ мамнуъ бўлгон вақтлар баёнидадур.....	341
Учинчи машраб бир-бириға мухталиф бўлгон икки хил сувни меъдада жамъ қилмоқ мамнуълиги баёнидадур.....	345
Тўртинчи машраб совуқ сув ва илиқ сув ва иссиқ сувларнинг аҳкоми баёнидадур.....	346
Бешинчи машраб ʻаташи содиқ ʻаташи қозибни ва сув ичмоқ тариқасини ва бошқа мутааллиқотнинг баёнидадур.....	351
Тадбири имтилои шароб.....	364
Тадбири асиҳҳои сакрон.....	365
Тадбири ҳумор.....	366

ИККИНЧИ ФАСЛ риёзат ва далкнинг баёнидадур.....	368
Далк (уқалаш).....	380
УЧИНЧИ ФАСЛ ҳаммомға тушмоқ тадбирларини баёнидадур.....	385
Биринчи қоида.....	392
Иккинчи қоида обзан, яъни бир зарфдаги сувға тушмоқ баёнидадур.....	394
Учинчи қоида бадан чиркини кўчиралиган нимарсалар баёнидадур.....	395
Тўртинчи қоида ҳаммомда далк қилмоқ баёнидадур.....	395
Бешинчи қоида оёқнинг тагини тош бирлан ишқамоқ баёнидадур.....	396
ТЎРТИНЧИ ФАСЛ уйқу ва бедорлик тадбирларининг баёнидадур.....	404
БЕШИНЧИ ФАСЛ тадбир баҳасби фусул баёнида.....	418
Фоидаи жалила тадбири фасоди ҳаво ва тадбири вабо баёнидадур.....	435
ОЛТИНЧИ ФАСЛ ҳомила хотунлар ва эмизувчи хотунлар ва гўдаклар тадбирининг баёнидадур.....	442
Тадбири ғашаён ва қай.....	459
Тадбири иштаҳои фосид (бузилган иштаҳани тузатиш).....	460
Тадбири суқути иштаҳо (иштаҳа йўқолишини даволаш).....	461
Тадбири хафақон (хафақоннинг тадбири).....	461
Тадбири бодки, меъда ва ичакда юрар.....	462
Тадбири варамки, баъзи ҳомилаларда оёғнинг юзига пайдо бўлур.....	462
Тадбири хориш ва жўшиши фарж (жинсий аъзо тадбири).....	463
Тадбири тамаддуди шикам (қорин таранглигининг тадбири).....	463
Тадбири жараёни хун (қон кетишнинг тадбири).....	464
Фоида. Бола эмизғувчининг шароит баёнидадур.....	488
Интибоҳ. Эмизғувчиға муносиб ғизолар ва онга зарарлик ғизолар баёнидадур.....	495
Интибоҳ. Камсутликнинг сабаб ва тадбирлари баёнидадур.....	498
Фоида. Фитом баёнидадур би-қасри фо.....	502
Фоида. Болани муҳофазат ва парвариш қилмоқ ва тишини осонроқ ва тезроқ чиқармоқ тадбирлари баёнидадур.....	505
Фоида. Болалар учун тадбири куллийя баёнидадур.....	509

Риҳ ус-сибён (болалар тутқаноғи, шайтонлаш).....	513
Атсаи мутавотира, яъни пайдарпай атса урмоқ.....	518
Утош (қаттиқ чанқаш).....	520
Ижтимо ул-моу фи-р-раъси, яъни бошға сув йиғилмоқ.....	522
Ал-вараму-л-ҳорижу мина-л-қаҳф, яъни бош устихо- нининг хорижида пайдо бўлгон шиши.....	526
Ат-ташаннуж, яъни узвнинг тортилмоғи.....	527
Кузоз (елканинг қотиши).....	530
Касрату-л-буко ва с-саҳар, яъни боланинг кўп йиғ- ламоғи ва ухламаслиги баёнидалур.....	530
Ал-фаъза фи-н-навм, яъни уйқуда кўрқмоқ.....	532
Ал-фаъза фи-л-йақза, яъни бедорликда кўрқмоқ.....	535
Аз-зуком ва-н-назла, яъни тумов бўлмоқ ва бурнидин назла келмоқ.....	535
Важаъу-л-узн, яъни қулоқ оғриғи.....	537
Ҳаккату-л-узн, яъни қулоқни қичимоғи.....	539
Сайлону-р-рутубати мина-л-узи, яъни қулоғидин сел ва зардоб оқмоғи.....	540
Иртифоъу-л-айн (кўзнинг кўтарилиб чиқиши).....	541
Рамад, яъни кўз оқининг шишмоғи.....	542
Баёзу-л-аҳдоқ, яъни кўз қорачуғининг оқармоғи.....	543
Сулоқ, яъни кўз пилкини йўғон бўлмоғи.....	544
Ал-Ҳавал, яъни Филай.....	544
Илтисоқу-л-жафн, яъни кўзнинг пилки уйқуда бир-бирига ёпишмоғи.....	546
Зарқа, яъни кўзнинг кўклиги.....	547
Иҳтибосу-ш-шайъ фи мажра-л-анф, яъни бурун тешугида бир нимарса қамалуб қолмоғи.....	548
Ал-қуллоъ, яъни оғизнинг яраси.....	550
Лазъу-л-лиса, яъни тиш милкининг куйиниб оғримоғи.....	552
Аврому-л-лиса, яъни милкнинг шишмоғи.....	552
Вараму-л-халқ, яъни халқнинг шишмоғи.....	554
Аврому-л-лузатайн (икки бодомсимон безнинг шиши).....	554
Истирхоу-л-лаҳот, (лаклукнинг бўшашуви).....	555
Ас-суъол, яъни йўтал.....	556
Зоту-р-рийа, яъни ўпканинг шишмоғи.....	560

Суъу-т-танаффус, яъни нафас олмоқнинг ёмонлиги.....	561
Хархараи азима фи-н-навм.....	562
Ал-фувоқ, яъни ҳиқичоқ.....	564
Ал-қаййу-л-мубаррих, яъни шиддатлик ва ифротлик қай қилмоқ.....	566
Заъфу-л-миъда, яъни меъданинг камқувватлиги.....	567
Тажаббуну-л-лабаи фи-л-миъда, яъни меъдада сут ивиб қолмоғи.....	568
Хайза (қаттиқ қусиш ва ич кетиши).....	571
Исҳол, яъни ич сурмоқ.....	573
Иътиқол, яъни ич боғланмоқ демакдур.....	578
Мағс (ичак оғриғи).....	580
Нутувву-с-сурра, яъни киндикни баланд кўтарилиб чиқмоғи.....	582
Вараму-с-сурра, яъни киндикнинг шишмоғи.....	585
Туқаййуху-с-сурра, яъни киндикни йирингламоғи.....	586
Фатқ ва қил (дабба).....	587
Сифати адвияйи мушаддида (мустаҳкамловчи дориларнинг таркиби).....	590
Заҳир (ёлғон ичкетиш).....	591
Таваллуду-д-дийдон, яъни боланинг ичида қуртлар пайдо бўлмоғи.....	593
Хуружи маъят, яъни боланинг кўтони чиқиши баёнидалур.....	595
Ҳарқат ул-бавл, яъни сийдук қизиб, куйдуруб келмоғидур.....	596
Ал-бавлу фи-л-фироши, яъни уйқуда ўрунға сиймоқдур.....	597
Уср ул-бавл, яъни қийинлик билан сиймоқдур.....	598
Ал-ҳуммаёт, яъни иситмалар демакдур.....	603
Ҳасаба ва жударий ва ҳумайқо, яъни қизамиқ ва чечак ва қизилча.....	614
Ал-бусуру фи-л-бадан, яъни баданға чиққан ҳар навъ бусра (тошма)лар.....	631
Сафъа (ширинча).....	633
Саҳжу-л-фахз ва наҳвуху (бичилиш ва шунга ўхшашлар).....	635
Суълул (сўғал).....	635
Кувабо (темиратки).....	636
АЛ-ФАСЛ-С-СОБИЪУ фи тадбири-с-сибёни ва ш-шуббони ва-л-қухули ва л-машойихи.....	636

Биринчи ифода — қоидалар ҳақида.....	638
Иккинчи ифода — қариларнинг гизолари баёнида.....	639
Учинчи ифода — далк (уқалаш) ва риёзат ва тафтиҳи судад (тиқилмаларни очиш) баёнида.....	644
САККИЗИНЧИ ФАСЛ — иложу-л-марзо (касалларни даволаш) баёнида.....	647
Вазъу-л-қадамайн фи-л-ҳорр, яъни оёғини иссиқ сувға солмоқ.....	655
Шадду-л-атроф (қўл ва оёқни боғлаш).....	657
Иложун бил-л-йади, яъни қўл тадбирлари бирлан бўладургон илож.....	668
Қисми каср (синиш) баёнида.....	668
Иккинчи қисм халъ (чиқиш) ва бошқалар баёнида.....	671
Фоида. Аҳкоми бат, яъни ёрмоқ аҳкомининг баёнидадур.....	672
Фоида. Кайин, яъни доғ аҳкомининг баёнидадур.....	673
Ҳар хил касалликларни доғлаш.....	674
Тариқи доғи зийқ ун-нафас ва дарди чашми назлий (нафас сиқиши ва кўз оғриғини доғлаш).....	675
Тариқи доғи жузом (моховга доғ солиш).....	676
Тариқи доғи судоъ (бош оғриғи) ва шақиқаи муфрит (кучли шақиқа) ва нузул ул-мо (катаракта) ва хаёлотга доғ солиш.....	676
Тариқи доғи шаъри зойд.....	677
Тариқи доғи гарб.....	678
Тариқи доғи жигар (жигарга доғ солиш).....	679
Тариқи доғи сипурз (талоққ доғ солиш).....	680
Тариқи доғи миъда (меъдага доғ солиш).....	680
Тариқи доғи истисқо (сарик сув касалига доғ солиш).....	681
Тариқи доғи китф (елкага доғ солиш).....	681
Тариқи доғи мафсили сарин (сон суягига доғ солиш).....	681
Тариқи доғи дандон (тишга доғ солиш).....	682
Тариқи доғи носури лисса (милкка доғ солиш).....	682
Даволашдаги етти қонун.....	700
ТҶҚҚИЗИНЧИ ФАСЛ фасд ва ҳижомат ва таълиқ баёнидадур.....	702
БИРИНЧИ БОБ фасд баёнида.....	702

Қон олишдаги умумий қонунлар.....	711
Иситмаларда қон олмоқ қонунлари.....	720
Олти хил томирлар баёни.....	745
Қийфол томури.....	745
Ақҳал томури.....	746
Бослиқ томури.....	748
Ҳабл уз-зироя томури.....	753
Ибтий томури.....	754
Усайлам томури.....	755
Оёқ томурлари.....	766
Ва иккинчи қисм ҳижомат баёнидадур.....	777
Биринчи баҳс ҳижомат маъа-ш-шарт баёнидадур.....	777
Иккинчи баҳс ҳижомати бешарт баёнидадур.....	785
Ва учинчи қисм таълиқ (зулук солмоқ) баёнидадур.....	788
ЎНИНЧИ ФАСЛ қай ва исҳол (ични суриш) ва ҳўқна (қлизма) баёнидадур.....	793
Иккинчи қисм исҳол баёнида.....	807
Навъи аввал имтило баҳасби миқдор баёнидадур.....	855
Луғат ва изоҳлар.....	865

Илмий-мерос нашр

Боситхон ибн Зоҳидхон Шоший

ҚОНУНИ БОСИТИЙ

Муҳаррир *Н. Расулзода*
Бадиий муҳаррир *Суханвар*
Мусахҳиҳ *Ш. Расулзода*
Саҳифаловчи *А. Жуманиёзов*

Босмахонага 6.10.03 да берилди. Босишга 13.10.03 да рухсат берилди. Бичими 84x108 ¹/₃₂. Офсет қоғози.
Шартли босма табағи 56,5 Адади 400. 77-2003 рақамли шартнома. Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти.
Тошкент 7000129, Навоий кўчаси, 30

«OFSET PRINT» МЧЖ босмахонасида босилди.
Тошкент ш., Чопон ота кўчаси, «М» мавзеси.
Ўзқишлоқлойиҳа. Буюртма № 62.